

А.Ч. Бҳактиведанта Свами Прабҳупада  
Кришнани англаш Халқаро жамиятининг  
асосчиси ва руҳий устози

# Асл ҳолидаги Бҳагавад-гита



Ҳазрат А.Ч. Бҳактиведанта Свами Прабхупаданинг  
ўзбек тилида нашр қилинган асарлари

Насиҳатлар лаззати  
Шри Ишопанишад  
Бошқа сайёralарга енгил саёҳат  
Ўзликни англаш таълимоти  
Йога камолоти  
У дунёдаги ҳаёт  
Мукаммал саволлар ва мукаммал жавоблар  
Ҳаёт ҳаётдан пайдо бўлади

Ҳозирги кунда Шрила Прабхупаданинг 75 тилига  
таржима қилинган.

«Бҳагавад-гита» - ҳақли равишда Ҳиндистон донишмандлик илмининг гултожи ва **жаҳондаги энг буюк фалсафий асар** ҳисобланади. Бу илохий асар бизга Худо Шахси Шри Кришна билан Ундан руҳий ўзликни англаш илмини ўрганаётган дўсти ва содик хизматкори Ар-жуннинг ўзаро сухбати шаклида етиб келган. Ҳақиқатан ҳам, жаҳондаги бошқа бирор асар инсон ва уни ўраб турган оламнинг табиатини, **инсон билан Ҳудои Таоло орасидаги муносабатларни шунчалик чукур ва мукаммал даражада тушунтириб** бера олмайди.

\*\*\*

“Бҳагавад-гита”нинг инглиз тилига таржима қилган ва унга ёзилган изоҳларнинг муаллифи - Илохий Ҳазрат А. Ч. Бҳактиведанта Свами Прабхупада - ведалар фалсафаси бўйича жаҳондаги энг машҳур олим, Кришнанинг Ўзидан бошланадиган руҳий устозлар силсиласига мансуб бўлган авлиё-денишманд инсон. Бошқа таржималардан фарқли равишда, мазкур таржима “Бҳагавад-гита”нинг бошланғич, азалий мазмунини аниқ ифодалайди, ва уни кунт билан ўқиган ўқувчининг қалбида асаддаги ғоялар аниқ ва яққол таассурот қолдиради. Мазкур асар муқаддас “Бҳагавад-гита”нинг қадими, айни пайтда ҳамиша дол зарб бўлиб қоладиган илохий, ҳаётбахш хабарини ҳар бир инсоннинг хозирги ҳаётига олиб киради.

## Муқаддима ўрнида

Ҳар бир фаросатли одам дунёга келибди-ки ҳаётда қандайdir мақсадга интилиб, шу мақсади албатта унга баҳт олиб келишига ишониб яшайди. Лекин, атрофимизга қараб туриб, ҳатто ўз максадига эришган одамлар ҳам баҳтиёр бўла олмаётганини кўра билиш учун биз яна ҳам теранроқ фикр юрита олишимиз керак бўлади. Агар чуқурроқ ўйлаб қарасак, ҳар бир инсон ҳаётда баҳтга интилиб яшайди, лекин **баҳт дегани нима** эканини камдан кам одам билади. Аввал ўтган донишмандларнинг ҳаммаси ҳақиқий баҳтга муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига асосланиб эришганлар. Муқаддас китоблар жуда кўп, уларнинг ҳар бири муайян халқнинг маданияти, одамларнинг руҳий юксалиш даражасига қараб инсонга турли хил саодатларни въяда беради. Шу боис, токи энг юксак баҳтга эришиш йўлида Пайғамбаримиз с.а.в. ўз умматларига “бешикдан то қабргача илм излаш”ни, “Хитойга бориб бўлса ҳам илм ўрганишни” буюради. Кўйида муқаддас Куръони Карим оятларидан бъязи оятлар келтирилган. Уларда илоҳий илм сирлари фақат Куръон билан тамом бўлмаслиги, Куръони Карим аввалги муқаддас китоблардаги ҳақиқат илмини тасдиқлаши, Куръон - Парвардигор даргоҳидаги “асл Китоб” (Лавхул маҳфуз) олдида юқори мартабада эканига ишоралар бор. Ўзларини мусулмон деб ҳисоблайдиган кўпчилик одамлар фақат Куръонгина ҳақиқий китоб, деб, унга қаттиқ боғланиб қолганлар, Куръоннинг ўзи эса, бизни ўзидан аввал нозил бўлган китобларга йўллади. “Бҳагавад-гита” ибораси “Парвардигор каломи” деган маънони англатади ва унда Парвардигорнинг Ўзи дангал “Бу илм - барча илмлар шоҳи, энг маҳфий, сирли илм”, “Мана шу - энг улуғвор илм, уни эгаллаган одам баркамолликнинг энг юксак поғонасига кўтарилади, ҳаётда у билмаган ёки билиши лозим бўлган бирор нарса қолмайди”, - деб айтади. Кўйидаги оятларни дикқат билан ўқиб, фикр юритиб, Куръоннинг кўрсатмаларига амал қилиб ҳақиқий илмга эришишингизда тилақдошмиз.

**Бақара сурасидан.** 170. Қачон: “Оллоҳ нозил қилган ҳукмларга бўйсунингиз!”, дейилса, улар: “Йўқ, биз оталаримизни қандай йўлда топган бўлсак, ўшангага эргашамиз”, дейишади. Агар оталари ҳеч нарсага ақллари етмайдиган, тўғри йўлни тополмайдиган бўлсалар ҳам-а? 213. Одамлар бир миллат эдилар. Сўнг, Оллоҳ хушхабар элтувчи ва қўрқитувчи пайғамбарларни юборди. Ва уларга кўшиб, одамлар орасида чиккан тортишувларга ҳакам бўлсин деб, Ҳак китобни нозил қилди. 220... дунё ва охират ҳақида тафаккур

килишингиз учун Оллоҳ сизларга Ўз оятларини баён этади. 256. Динга зўрлаб киритиш йўқдир.

**Қалам.** 52. Ҳолбуки, У(Куръон) барча оламлар учун фақат бир эслатмадир.

**Ёсин.5-6.** (Бу қуръон) ота-боболари огоҳлантирилмасдан, ғофил бўлиб колган қавмни огоҳлантиришингиз учун қудратли ва меҳрибон Зот томонидан нозил қилингандир.

**Қамар.17,22,32,40,51.** Қасамки, Биз Куръонни зикр-эслатма олиш учун осон килиб қўйдик. Бас, бирор эслатма ибрат олгувчи борми?!

**Зухруф.2-4.** Очик-равшан Китобга - Куръонга қасамки, албатта Биз Уни сизлар акл юргизишишингиз учун арабий Қуръон қилдик. Дарҳақиқат, у Бизнинг даргоҳимиздаги Асл Китоб - Лавхул-Мавхузда юксак(марtabали) ва ҳикматли(Китоб)дир.

**Ғоғир.78.** Аниқки, Биз сиздан илгари ҳам пайғамбарлар юборганимиз. Улардан Биз сизга ҳикоя қилиб берган кишилар ҳам бор, яна улардан Биз сизга ҳикоя килмаган кишилар ҳам бордир.

**Ал Исро.** 77...сиздан илгари юборган пайғамбарларимиздан колган йўл - конундир. Сиз ҳаргиз Бизнинг қонунимиз ўзгарганини кўрмайсиз. 85. (Эй Мухаммад), сиздан рух-жон ҳақида сўрайдилар. Айтиңг: “Рух ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир. Сизларга жуда оз илм берилгандир”.

**Раъд 39.** Оллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани ўчирур ва (Ўзи хоҳлаган нарсани)устивор қилур. Асл Китоб Унинг даргоҳидадир.

**Ол и Имрон сурасидан.3-4.** Сизга, ўзидан аввал тушган китобларни тасдикловчи бўлган бу Китобни ҳақ билан нозил қилди. Илгари одамларни ҳақ йўлга хидоят қилиш учун Таврот ва Инжилни туширган эди. 19-20. Албатта Оллоҳ наздида мақбул бўладиган дин - фақат ислом(бўйсуниш) динидир. Агар сиз билан тортишсалар: “Мен ва менга тобеъ бўлган кишилар ўзимизни Оллоҳга топширдик. Унга бўйсундик”- деб айтиңг. 64. Айтиңг: -”Эй аҳли китоб, бизга ҳам, сизга ҳам баб-баробар бўлган бир сўзга келингиз - ёлғиз Оллоҳгагина ибодат қилайлик. Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва бир биримизни Оллоҳдан ўзга Худо қилиб олмайлик”. 84. “Оллоҳга, бизга нозил қилинган нарса(Куръон)га ва Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг уруғ-авлодларига нозил қилинган нарсаларга ва Мусо, Ийсо ҳамда барча пайғамбарларга Парвардигор томонидан берилган нарсаларга иймон келтирдик. У пайғамбарлардан бирортасини ажратиб қўймаймиз. Ва биз Унинг Ўзигагина бўйинсунгувчилармиз”, деб айтиңг. 85 Кимда-ким ислом(ягона Парвардигорга, Унинг қонунларига бўйсуниш)дан ўзга дин истаса, бас ҳаргиз кабул қилинмайди ва у охиратда зиён қўргувчилардандир. 179... Оллоҳ(Куръонда) сизларни ғайб илмидан хабардор қилмади. Лекин Оллоҳ пайғамбарларидан Ўзи истаган зотларни сайлаб олур (ва уни фойибдан) огоҳ қилур.

**Воқеа.75-78.** Мен юлдузларнинг ботар жойига қасам ичурманки - ҳолбуки, бу агар билсангизлар шак-шубҳасиз улуғ-катта қасамдир - албатта у асралган Китоб(Лавхул Махфуз)даги Улуғ Куръондир!

**Ва-и-нажм.5-7.** Унга(пайгамбарга) бир кучга тўлган, сохиби қудрат(Жаброил алаийхиссалом) таълим бермишdir.

**Ваз-з-зориёт.56.** Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим.

**Шўро сурасидан.13.**(Эй мўминлар, Оллоҳ) сизлар учун ҳам диндан Нуҳга буюрган нарсани ва Биз сиз(Мухаммад)га ваҳий қилган нарсани, Биз Иброҳим, Мусо ва Ийсога буюрган нарсани шариат(конун) қилди, - “Динни барпо қилинглар ва унда  фирмка- фирмка бўлиб кетманглар!” 15... Айтинг: - Мен Оллоҳ нозил қилган ҳар бир китобга иймон келтиридим ва сизларнинг ўртангизда адолат қилишга амр этилдим. Оллоҳ Парвардигорингиздир ва Парвардигоримиздир... Бизлар билан сизларнинг ўртангизда бирон жанжал йўқдир. Оллоҳ барчамизни жамлар ва ёлғиз Унга қайтиш бордир”.

**Зумар.2-3.** (Эй Муҳаммад,) албатта Биз сизга бу Китобни ҳаққирост нозил қилдик, бас сиз Оллоҳга - У Зот учун динингизни холис қилган ҳолда ибодат қилинг! Огоҳ бўлингизки, холис дин ёлғиз Оллоҳницидир...

**Рум.30.** Бас, (эй Муҳаммад), ўзингизни доимо тўғри бўлган динда тутинг! Оллоҳ инсонларни яратган табиий хилқатни сақлангиз! Оллоҳнинг яратиши ўзгартирилmas. Энг тўғри дин мана шудир. Лекин кўп одамлар билмаслар.

**Анкабут.46.** ...ва айтинглар: “Бизлар ўзимизга нозил қилинган(Куръон)га ҳам, сизларга нозил қилинган(Таврот ва Инжил)га ҳам иймон келтирганмиз. Бизларнинг илоҳимиз ҳам, сизларнинг илоҳингиз ҳам Бир(Илоҳ)дир ва бизлар Унгагина бўйинсунгувчимиз”.

**Ҳаж.34.** Биз барча миллатга уларни ризқлантирган чорва ҳайвонлари устида Оллоҳнинг номини зикр қилишлари учун курбонлик қилишни буюрганмиз. Бас, Илоҳингиз бир Илоҳдир. Бас, Унгагина бўйсунингиз. Итоат қилувчи зотларга хушхабар беринг!

**Анбиё.92.** (Эй инсонлар), сизларнинг миллатингиз - динингиз, ҳақиқатда бир диндир. Мен эса (ягона) Парвардигорингиздирман. Бас, Менгагина ибодат қилинглар!

**Юсуф.40.** “У Зот сизларни фақат Ўзигагина ибодат қилишга буюргандир. Энг тўғри дин мана шудир. Лекин одамларнинг кўпи буни билмайдилар”.

**Юнус.** 19. Одамлар фақат бир миллат (бир динда) бўлган эдилар. Сўнгра бўлиниб кетдилар... 94. (Эй Муҳаммад), агар Биз сизга нозил этган нарсадан шубҳада бўлсангиз, у ҳолда ўзингиздан аввалги Китоб ўқийдиган кишилардан сўранг!..

**Аъроф.** 2.(Бу Куръон) сизга унинг ёрдамида кофирларни огохлантиришингиз учун нозил қилинган Китобдир - бас,

кўнглингизда у сабабли танглик бўлмасин! - ва у мўминлар учун бир эслатмадир.

**Анъом.92.** Бу (Куръон) бир муборак, ўзидан олдинги китобларни тасдиқлайдиган, барча қишлоқлар онаси - маркази бўлмиш (Макка) ҳамда унинг атрофидаги кишиларни огоҳлантиришингиз учун Ўзимиз нозил қилган Китобдир.

**Моида.3.** Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўқис килиб бердим ва сизлар учун исломни(бўйсунишни) дин килиб танладим.

**Нисо.** 26. Оллоҳ сизларга шариат ҳукмларини баён қилишни, сизларни илгари ўтган зотларнинг йўлларига хидоят қилишни ва тавбаларингизни қабул қилишни истайди. Оллоҳ билим ва хикмат эгасидир. 125. Ҳақиқий мусулмон бўлган ҳолида ўзини Оллоҳга топширган ва хақ йўлдаги Иброҳимнинг динига эргашган кишининг динидан ҳам гўзалпроқ дин борми? 136. Эй мўминлар, Оллоҳга, унинг пайғамбариға ва шу пайғамбариға нозил қилган Китобига ҳамда илгари нозил бўлган Китобларига иймонингиз комил бўлсин! Кимки Оллоҳга, фаришталарга, китобларига, пайғамбарларига ва охират кунига ишонмаса, демак, у жуда қаттиқ адашибди. 150-151. Албатта, Оллоҳ ва пайғамбариға ишонмайдиган, Оллоҳ билан пайғамбарларининг ораларини ажратишни истайдиган ва “айрим пайғамбарларга ишонамиз, айримларига ишонмаймиз” дейдиган ҳамда ора йўлни тутишни истайдиган кимсалар - ана ўшалар ҳақиқий кофирлардир.

**Бақара суррасидан.** 97....Зеро, у(Жаброил) Оллоҳнинг изни билан қалбингизга ўзидан аввалги китобларни тасдиқ этадиган ва мўминларга хидоят ва хушхабар берадиган Қуръонни нозил қилди. 120...Айтинг: “Оллоҳнинг йўлигина ҳақиқий йўлдир!” 130. Иброҳимнинг динидан фақат енгилтакларгина юз ўгирадилар. 136. Айтингиз: ““Оллоҳга, бизга нозил қилинган нарса(Куръон)га ва Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъкуб ва унинг уруг-авлодларига нозил қилинган нарсаларга ва Мусо, Ийсо ҳамда барча пайғамбарларга Парвардигор томонидан берилган нарсаларга иймон келтирдик. У пайғамбарлардан бирортасини ажратиб кўймаймиз. Ва биз Унинг Ўзигагина бўйинсунгувчилармиз.

## **"Асл ҳолидаги Бҳагавад-гита" ҳақида жаҳон олимларининг фикрлари**

Ҳазрат А.Ч. Бҳактиведанта Свами Прабхупаданинг изоҳлари билан жаҳоннинг ўттиз тилида, умумий сони беш миллион нусхадан кўпроқ бўлиб босмадан чиққан "Асл ҳолидаги Бҳагавад-гита" китоби, ҳозирги кунда ҳақиқий бестселлерга айланиб кетган. Мазкур китоб, ҳақиқатан ҳам, бутун дунё олимлари томонидан жаҳон адабиёти дурданаларидан бири хисобланган мазкур асарнинг энг нуфузли таржимаси сифатида тан олинган. Қуйида баъзи машҳур олимларининг "Асл ҳолидаги Бҳагавад-гита"га билдирган фикрлари келтирилган.

Ҳаётда қандайдир шубҳа-ю гумонлар қалбимни бутунлай чулғаб олиб, кетма-кет келаётган ташвиш ва мусибатлар мени ночор ахволга солиб қўйганда, олдимда умид қилса бўладиган бирор најот йўли йўқдай бўлиб туюлган пайтларда, мен "Бҳагавад-гита"га мурожаат қиласман. Унинг ичидан қалбимга ором ва осойишталик бағишилайдиган бирор шеърни албатта топиб оламан. Шу заҳотиёқ қалбимни қамраб олган оғир мусибат, ҳасрат, дарду-аламлар эсимдан чиқиб, юзимда беихтиёр табассум пайдо бўлади. Ҳаётида "Бҳагавад-гита"ни мунтазам, чукур мулоҳаза қилиб юрадиган одам ҳамиша ундан чексиз лаззатланиб, ўзининг хаётида унинг янгидан янги маъноларини кашф этаверади.

Моҳандас К. Ганди.

Бу ажойиб кун учун мен "Бҳагавад-гита"дан карзорман. "Бҳагавад-гита" - китобларнинг энг биринчисидир; унда, гўё буюк бир салтанат биз билан сухбатлашаётгандай бўлиб туюлади; унда эътиборга лойик бўлмаган, аҳамиятсиз кўринадиган бирор фикр тополмайсиз - ундаги ҳар бир сўз денгиздай чукур, осмондай беғубор, кенг маънога эга; бу асар - бошқа даврда ва бошқа шароитда, аммо, кундалик турмушда ҳозир ҳам бизни ташвишга солиб кийнаётган муаммолар устида чукур фикр юритган қадимий юксак тафаккур овозидир.

Ральф Уолдо Эмерсон.

Ҳеч қандай шубҳа йўқки, бу китоб - "Гита"нинг энг яхши нашрларидан ва Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш(бҳакти) илми бўйича жаҳондаги энг яхши асарлардан биридир. Прабхупаданинг

мазкур таржимаси асарнинг аниқ мазмуни билан бирга муаллифнинг чукур диний дунёқарашины ўзида бирлаштирган.

Доктор Томас Дж. Хопкинс,  
Франклин ва Маршалл коллежининг  
диншунослик факультети декани.

"Гита" - ҳақли равишда жаҳон маданиятлари ичидаги қадимий саналган буюк Ҳиндистон маданиятининг адабий негизи ҳисобланади. Мазкур таржима ва изохлар - муқаддас "Гита"нинг аҳамияти ҳамиша барҳаёт, мангу эканини яна бир бор исботлаб турибди. Бҳактиведанта Свами ғарбий давлатларга, жуда фаол ва бир томонлама ривожланаётган ҳозирги маданиятимиз чукур таназзулга юз тутганидан яна бир ёрқин хабар олиб келган. Ғарбий ҳалқларнинг ҳозирги маданияти ўзини умуман йўққа чикариб юбориши мумкин, чунки бу маданият ҳақиқий ўзликинглаш маънавиятидан маҳрум бўлган маданиятдир. Бизларнинг ҳақиқий маънавий асосга таянмаган сиёсат ва ахлоқ ҳақидаги баландпарвоз фикрларимиз қуруқ сафсатадан бошқа ҳеч нарса эмас.

Томас Мертон,  
олим-руҳоний, зоҳид, ёзувчи.

Ғарбий давлатларда Ҳинд адабиётининг ҳеч бир асарини "Бҳагавад-гита" сингари тез-тез тилга олиб, севиб ўқимайдилар. Бундай асарни таржима қилишга журъат қилган киши фақат санскрит тилини яхши билибгина қолмасдан, асарнинг мазмунини ҳам, нодир сўзлардан тузилган бадиий шаклини ҳам чукур тушунга оладиган одам бўлиши керак. Чунки бу илохий поэма - инсониятга Худои Таолонинг бутун борлиқда, хар бир мавжудотда мавжудлигини англашни ўргатувчи буюк симфониядир. Ҳазрат А. Ч. Бҳактиведанта Свами Прабхупада, шубҳасиз, қалбида мазкур асарнинг мавзусига чукур мухаббат мұхассам бўлган буюк инсон. Бунинг устига, бҳакти йўлини кучли ва ишонарли қилиб асослаб берган ҳолда, у мазкур асарни, изохловчи киритиши лозим бўлган жуда чукур, ҳаётий шарҳлар билан бойитган... Барча севиб ўқийдиган бу Ҳинд эпосини янги мазмун билан бойитиб, Свами ўқувчиларга бебаҳо неъмат совға қилган. Ҳаёт ҳақида қандай дунёқараашга эга бўлишимиздан катъий назар, ҳар биримиз бу ажойиб асарни яратишга катта меҳнат сарфлаган буюк зотга чукур миннатдорчилик изҳор этишимиз лозим.

Доктор Геддес Макгрегор,  
истеъфодаги хизмат кўрсатган профессор,  
Жанубий Калифорния университетининг фалсафа ўқитувчisi.

Ўзининг ажойиб таржимасида Шрила Прабхупада ўкувчиларга "Гита"га сингиб кетган бхакти руҳини очиб беришга эришган. Ҳиндистоннинг машхур ва обрўли донишманд-авлиёларидан бири бўлган Шри Кришна Чайтанъянинг нуфузли анъаналарига риоя қилган ҳолда, у қадимий муқаддас битикнинг матнларини чукур ҳаётий изоҳлар билан бойитган.

Доктор Дж. Стилсон Джуда,  
истеъфодаги хизмат кўрсатган профессор, Беркли Теологлар  
Уюшмаси Кутубхонасиининг директори ва дин тарихи ўқитувчиси.

Пирс ва бошқа прагматиклар тасдиқлаётганидай, агар амалий фаолиятни ҳақиқат мезони деб ҳисоблайдиган бўлсан, унда "Асл ҳолидаги Бҳагавад-гита"да ҳақиқатан ҳам қандайдир илохий ҳақиқат мавжудлигини тан олишимиз лозим, чунки унинг насиҳатларига амал қилиб яшаётган одамлар ҳаётда ҳамиша хотиржам, осойишта ва қувноқ яшайдилар. Замондошларимиз яшаётган ҳозирги бемаъни ва сўнник ҳаётда бундай ҳолат жуда камдан-кам учрайди.

Доктор Элвин Х.Пауэлл,  
Нью-Йорк Давлат Уриверситетининг  
ижтимоий фанлар ўқитувчиси.

Ҳиндистон илохий маданиятининг муҳлисими, йўқми, ким бўлишидан қатъий назар "Асл ҳолидаги Бҳагавад-гита"ни ўқиб чиқкан киши жуда кўп нарсани билиб олади, чунки у "Гита"ни худди кўпчилик индуслар ҳалигача қандай тушуниб келаётган бўлса, шундай тушуна оладиган бўлади. Жуда кўпчилик ўкувчилар учун бу асар ҳақиқий, қадимий ва ҳамиша навқирон Ҳиндистон билан танишиш имкониятини берадиган биринчи китоб бўлади.

Франсуа Шени,  
Париж сиёсий тадқиқотлар институти, руҳий фанлар доктори.

"Асл ҳолидаги Бҳагавад-гита" - буюк илохий қудрат билан кенг миқиёсда ўйланниб қилинган, юракдан чукур ҳис қилиниб, ажойиб ишланган асар... Мен ўзида шунчалик чукур маъно-мазмунни акс эттирган ва бенуқсон шаклда чоп этилган "Гита"нинг бошқа нашрини учратмаганман. Бу, шубҳасиз, тўла, бутун, мукаммал, ва замонавий зиёли кишининг маънавий ва маданий изланишларида узоқ йиллар муносиб ўрин эгаллайдиган асардир.

Доктор Ш.Шукла,  
Джорджтаун Университетининг  
лингвистика кафедраси ассистенти.

"Асл ҳолидаги Бҳагавад-гита" - жуда бебаҳо ва фойдали нашр. "Бҳагавад-гита" аввал ҳам Совет Иттифокида нашр қилинган эди, ле-

кин бу китоб "Бҳагавад-гита"нинг фалсафасини ва муаммоларини яна ҳам чукурроқ ўрганиш имкониятини беради ва ҳинд маданиятини ўрганиш мавзуларини кенгайтиради. Ҳиндшунос олимларимиз бу китобдан фойдаланишлари лозим деб ўйлайман.

Профессор Е. Челишев,  
Москва, Шарқшунослик Институти.

"Бҳагавад-гита" - шунчаки фалсафий асар ёки қандайдир диний тояниңг баёни эмас. Аслида у одоб-ахлоқ, инсон маънавиятининг мазмуни, дунёвий ва илохий муносабатлар, инсоннинг ҳаётдаги бурчи ҳақидаги тояларга тўла асардир. Модда ва руҳнинг табиати, яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва ўлим, инсоннинг умр йўли ҳақидаги ўзининг чуқур тоялари "Гита"да оддий тилда баён этилган. Инсон ҳаётининг мазмумни, мақсади ҳақидаги чуқур маъноли тоялар аниқ, содда, барчага тушинарли тилда нозил қилингани сабабли "Гита" минг йиллардан бери жаҳондаги миллионлаган одамларнинг ҳам қалбини, ҳам ақлини ўзига жалб қилиб келяпти.

Бонгард-Левин.  
Россия фанлар академияси академиги.

Ҳазрат А.Ч. Бҳактиведанта Свами Прабхупада  
Кришнани англаш Халқаро жамиятининг асосчиси ва руҳий устози

# Асл ҳолидаги Бҳагавад -Гита



Санскрит тилидаги асл матнларнинг  
кириллча ўқилиши,  
адабий тилда келтирилган мазмуни  
ва изоҳлар билан  
2 - тўлдирилган ва тузатишлар киритилган  
нашрининг ўзбек тилига таржимаси

\* \* \*

"Асл ҳолидаги Бҳагавад-гита"  
Веданта фалсафасини ажойиб изоҳловчи  
"Говинда-Бҳашъя" асарининг муаллифи  
Шрила Баладева Вид्याबхुशनага  
багишланади.

\* \* \*

## **"Бҳагавад-гита" нозил бўлган вазият**

Гарчи, одатда "Бҳагавад-гита" алоҳида асар сифатида тез-тез нашрдан чиқарилаётган бўлса ҳам, аслида у санскрит тилида ёзилган "Махобҳорат" қадимий эпосининг таркибий қисмидир. "Махобҳорат" ҳозир биз яшаётган давр, Кали-юганинг кириб келиши олдидан рўй берган воқеа-ҳодисалар ҳақида хикоя қиласиди. Бу давр тахминан беш минг йил аввал, айнан Парвардигор Кришна Ўзининг дўсти ва муҳлиси Аржунга "Бҳагавад-гита"ни айтиб берган вақтдан бошланган.

Инсоният тарихидаги энг буюк диний-фалсафий сухбат бўлган уларнинг бу мулокоти бир томонда Дхритараштранинг юз ўғли, иккичинчи томонда уларнинг амаки-оғайнилари Пандузодалар, Пандунинг ўғиллари турган қариндошлар орасида бўлиб ўтадиган кирғинбарот уруш бошланиши олдидан рўй беради. Икки ака-ука, Дхритараштра ва Панду, бир пайтлар бутун Ер юзига хукмронлик килган шоҳ Бҳарата асос соглан Курулар сулоласига мансуб оғайнилар эди. Асарнинг "Махобҳорат" номи ҳам шундан олинган (Махобҳорат - "Бҳарата авлодларининг буюк тарихи" деган маънени англатади). Тўнгич ўғил Дхритараштра онадан кўр бўлиб туғилгани туфайли унга тегишли бўлган таҳт укаси Пандунинг кўлига ўтади.

Тақдир тақозоси билан Панду ёшлигида ўлиб кетади ва унинг беш ўғли - Юдхиштхира, Бхима, Аржун, Накула ва Сахадева - укасининг вафотидан кейин таҳтга вақтинча ворислик қилаётган Дхритараштрага қарам бўлиб қолади. Дхритараштра ва Пандунинг ўғиллари шоҳ саройида бирга ўсиб тарбия оладилар. Уларга ҳам, буларга ҳам ҳарбий санъат бобида машхур устоз Дроначарья ҳарбий илмдан дарс беради, сулоланинг бобокалони Бхишма барчасига бирдай насиҳатлар қиласиди.

Лекин, Дхритараштранинг ўғиллари, айниқса, уларнинг каттаси Дурйодхон Пандузодаларни ёмон кўрар, улардан нафратланар эди. Кўзи кўр ва кўнгилчан Дхритараштра эса, таҳтга Пандунинг ўғиллари эмас, ўзининг ўғиллари ворислик килишини истарди.

Дхритараштранинг розилиги билан Дурйодхон Пандунинг ўғилларини ўлдиришни режалаштиради. Амакиси Видуранинг гамхўрлиги ва жияни Шри Кришнанинг ҳимояси билангина Пандузодаларга қарши уюштирилган сунқасдларнинг биронтаси ҳам амалга ошмайди.

Шри Кришна оддий одам эмасди, У ўша пайтдаги шоҳлар сулоласининг бир хонадонида шаҳзода киёфасида Ерга ташриф буюрган яго-

на Парвардигор, Худои Таолонинг Ўзи эди. У Пандунинг хотини, Пандузодаларнинг онаси Кунтининг, яни Притхунинг қизи Притхининг жияни бўла туриб, Ядавалар хонадонида шахзода вазифасини бажаарди. Шу боис, қариндош бўлиб ҳам, дин қонунларининг мангу пособни бўлиб ҳам, Шри Кришна Пандунинг тақвадор ўғилларига ҳомийлик қилас ва ҳамиша уларни ҳимоя қиласади.

Охир-оқибатда ёвуз Дурйодхон Пандузодаларни қимор ўйнашга мажбур қиласди. Ана шу машъум қимор ўйинида Дурйодхон ва унинг укалари Пандузодаларнинг покдомон ва садоқатли хотини Драупадини ютиб оладилар ва, уни шарманда қилиш учун, саройда тўплланган шоҳ ва шахзодаларнинг кўзи олдида ечинтиришга уринадилар. Кришнанинг илоҳий аралашуви туфайли Драупади бу шармандалиқдан қутулиб қолади, лекин Курузодалар, ўйинда ғирромлик қилиб, Пандузодаларни салтанатдан маҳрум этадилар ва ўн уч йил сургунда юришга мажбур қиласидилар.

Сургундан қайтиб келиб, Пандузодалар Дурйодхондан ҳаққоний равишда ўзлариники бўлган салтанатни қайтариб беришни талаб қиласидилар, аммо у буларнинг талабини бутунлай рад этди. Кшатрийлар табақасига мансуб бўлгани сабабли, Пандузодалар жамиятда ҳукмронлик қилиб яшashi, шу билан ҳалққа хизмат қилиб, ўз бурчини бажаришлари лозим эди. Шу сабабли улар, ҳаётда ўз бурчини бажариш учун ҳеч бўлмаса беш қишлоқ беришни илтимос қилдилар. Аммо Дурйодхон кўполлик билан уларга ҳатто игнанинг учидай ҳам ер бермаслигини эълон қиласди.

Шу пайтгача Пандузодалар ўзларига нисбатан қилинган барча ноҳақларга тоқат қилиб келгандилар, аммо ўзларининг ҳаққоний талабларига кўпол равишда рад жавобини олгандан кейин уларнинг урушдан бошқа иложи қолмади. Шунда ҳам, Ҳритараштранинг ўғиллари ёки Пандузодалар тарафини олиб, бутун жаҳон шоҳлари иккни карама-қарши лагерга бўлингандан кейин, Кришнанинг Ўзи Пандузодалар томонидан элчи бўлиб, тинчлик сулҳи тузиш ҳакида музокара олиб бориш учун Ҳритараштра саройига келди. Лекин улар Унинг тақлифларини ҳам рад қилдилар, шу тарика урушдан бошқа йўл қолмагани очик-ойдин равшан бўлди.

Ҳритараштранинг ўғилларидан фаркли равишда, эзгу ниятли ва тақвадор Пандузодалар Кришнанинг Худонинг Олий Шахси эканини тан олардилар. Шунга қарамай, Кришна иккала рақиб томоннинг ҳам истакларини инобатга олган ҳолда урушда қатнашишга рози бўлади. У урушда қатнашаштган томонларнинг ўзларига танлаш имконини беради: Худо Шахси бўлгани учун, Унинг шахсан Ўзи урушда қатнашмайди, аммо рақиб томонлар ўз хоҳиши билан, бир тараф маслаҳатчи сифатида Унинг Ўзидан, иккинчи томон эса, Унинг кўшинидан фойдаланиши мумкин. Яхши сиёсатчи ҳисобланган Дурйодхон кувонганидан дарров Кришнанинг кўшинини танлади,

Пандузодалар ҳам хурсанд бўлиб, маслаҳатчи сифатида Кришнанинг Ўзини танладилар.

Шу тариқа Кришна Аржуннинг жиловдори бўлиб, буюк камонбознинг афсонавий жанг аравасининг жиловини қўлига олди. "Бҳагавад-гита" ана шундай вазиятда нозил бўлган эди: жанг майдонида икки кўшин жангга киришга тайёр бўлиб, юзма-юз турибди, шоҳ Дхритараштра эса, ҳаяжон билан котиби Санжаядан сўрайяпти: - "Жанг майдонига тўпланиб, улар нима қиляптилар?"

Шундай қилиб, тафсилот қатнашчилари жой-жойига қўйилган. Энди "Гита"нинг мазкур таржимаси ва унга берилган изохлар ҳакида бир-икки оғиз гап айтмоқчи эдик. Шу пайтгача "Бҳагавад-гита"ни инглиз тилига таржима қиласланган таржимонларнинг ҳаммаси бир хил йўлдан борардилар. Улар Кришнани четга суриб қўйиб, ўзларининг дунёкарашларини ва фалсафий тасаввурларини ифодалардилар. "Махобҳорат"нинг таркибини қизикарли афсоналар тўплами, Кришна эса, "Бҳагавад-гита"нинг шарҳловчилари назарида, қандайдир но маълум дохийнинг ғояларини ифодалаш учун шунчаки ўйлаб топилган бадиий қаҳрамон, ёки иккинчи даражали тарихий шахс эди.

Аслида, агар "Гита"да айтилган гаплар нуқтаи-назаридан қаралса, Кришна шахси "Бҳагавад-гита"нинг ҳам мазмуни, ҳам мақсади бўлиб гавдаланади. Шу боис бу таржима ҳам, матнларга берилган изохлар ҳам, ўқувчини Кришнадан узоклаштиришни эмас, аксинча уни Кришнага, ягона Парвардигорга яқинлаштиришни ўзига мақсад қилиб қўйган. Мана шуниси билан "Асл ҳолидаги Бҳагавад-гита" бошқа таржималардан фарқ қиласди. Яна шуниси эътиборга лойик-ки, асарга бундай ёндошиш "Бҳагавад-гита"нинг бу нашрини яна ҳам тушунарлироқ ва изчил асарлар қаторига қўшади. Чоп этилганига бир неча йил бўлган "Асл ҳолидаги Бҳагавад-гита" асари "Бҳагавад-гита"нинг энг кенг тарқалган ва кенг ўқувчилар оммаси тан олган таржимасига айланди. Кришна "Бҳагавад-гита"нинг ҳам муаллифи, ҳам мақсади бўлгани учун, "Асл ҳолидаги Бҳагавад-гита", шубҳа йўқ-ки, донишмандликнинг бу буюк асарини ўқувчиларга асл ҳолида тақдим этади.

Нашриётдан.

## **"Бҳагавад-гита"нинг инглизча нашрига сўз боши**

Аввал мен "Асл ҳолидаги Бҳагавад-гита"ни ҳозир нашр қилинаётган ҳолида ёзган эдим. Китоб бир марта нашр қилингандан кейин, афсуски, кўлёзма тўрт юз сахифага камайтирилган, расмларсиз, "Шримад Бҳагавад-гита"нинг кўпгина шеърларига ёзилган изохларсиз чоп этилган эди. "Шримад Бҳагаватам", "Шри Ишопанишад" сингари бошқа барча китобларда мен ягона қоидага амал қилганман: - аввал санскрит тилидаги асл матнни келтираман, унинг инглиз тилида ўқилишини, кейин ҳар бир сўзнинг санскрит тилидан инглиз тилига алоҳида таржимасини бераман, кейин шеърнинг бадиий таржимаси кўрсатилиб, унга изоҳ ёзилади. Бу қоида асарни ишонарли, асосли қилиб, илмий даражага кўтаради ва ҳар бир шеърнинг маъносини аник-равшан очиб беради. Шу боис нашриётнинг кўлёзмани қисқартириш ҳакидаги талаби менга ёқмаганди. Лекин, кейинчалик, "Асл ҳолидаги Бҳагавад-гита"га талаб анча ошгандан сўнг, кўпчилик олимлар ва Кришнани англаш ҳаракатининг издошлари мендан китобни аввалги ҳолида нашр қилишни илтимос қилдилар. Мазкур нашр - ўқувчига бу буюк илохий илм китобини устозлар силсиласидаги ишонарли манбаларга таянган ҳолда берилган изоҳлар билан бойитиб, бошлаб ёзилган кўринишда тақдим қилиш билан бирга, Халқаро Кришнани англаш Ҳаракатининг обрусини кўллаб-кувватлаш, унинг фалсафий асосини мустаҳкамлаш учун қилинган ҳаракатлар натижасидир.

Худо Таолони, Кришнани англаш ҳаракати - ҳар бир тирик мавжудот учун табиий ва бутунлай илохий бўлган ҳақиқий, тарих синовидан ўтган нуфузли ҳаракат, чунки, у "Асл ҳолидаги Бҳагавад-гита"га асосланган. Аста-секин бу ҳаракат бутун жаҳонда, айниқса ёшлар орасида кенг ривожланиб боряпти. Катта ёшдагилар ҳам унга тобора кўпроқ қизиқтилар: буюк халқаро жамият - Халқаро Кришнани англаш жамиятининг эркин аъзолари бўлиб, шогирдларимнинг оталари, боболари бизларни кўллаб-кувватлаяптилар. Кришнани англаш ҳаракатини бутун дунёга таратаётганимдан жуда мамнун бўлиб, менга миннатдорлик билдириш ниятида Лос-Анжелесда жуда кўп шогирдларимнинг ота-оналари ташриф буюрдилар. Уларнинг кўплари шуни айтдиларки, бу таълимотни тарғибот қилаётганим американликлар учун катта баҳт ҳисобланади. Лекин аслида, Кришнани англаш ҳаракатининг асосчиси Парвардигор Кришнанинг Ўзи бўлади, чунки бу ҳаракат жуда қадимда бошланган бўлиб, устозлар силсиласи орқали

бизгача етиб келган. Агар бу ишда менинг ҳам бирор ҳиссам бўлса, у менини эмас, аслида мангу руҳий устозим, ҳазрат Ом Вишнупада Парамахамса Паривраджакачарья Аштоттарашата Шри Шримад Бхакти-сидханта Сарасвати Госвами Махараж Пррабхупаданинг менга кўрсатган бесабаб марҳаматидир.

Менинг бу ишга кўшган ҳиссам шундан иборатки, "Бхагавад-гита"ни қандай бўлса шундайлигича, ҳеч қандай ўзгаришилар кирит-масдан асл ҳолида баён этишга харакат қилдим. Шу пайтгача "Бхагавад-гита"нинг инглиз тилидаги барча таржималари кимнингдир шахсий манфаатларини кўзлаб килинар эди. Лекин биз Худонинг Олий Шахси, Кришнанинг вазифасининг моҳиятини ўкувчиларга тушунтириш учун "Бхагавад-гита"ни асл ҳолида етказишига харакат қилдик. Биз қайсиdir дунёвий сиёsatчи ёки файласуфнинг сафсалаларини эмас, Кришнанинг хоҳишини ва иродасини одамларга етказишини ўзимизнинг бурчимиз деб биламиз, чунки одамлар дунёвий илм-фанинг турли соҳаларида шунчалик билимдон бўлишларига қарамай, Кришна ҳакида ҳеч нарса билмайдилар. Кришна: *ман-мана бхава мад-бхакто мад-йаджи мам намаскуру* ва шу сингари гапларни айтганида, бошқа билимдон олимлардан фарқли равишда, биз, "Кришна ва Унинг ички рухияти бир-биридан фарқ қиласи", деб хисобламаймиз. Кришна мутлак табиатга эга, шу боис Кришна билан Унинг номи, Кришнанинг киёфаси, Кришнанинг сифатлари, Кришнанинг эрмаклари ва бошқа нарсалари орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Кришнанинг содик хизматкори бўлмаган ва *парампара*(устозлар силсиласи)га кирмаган бирор одамнинг Кришнанинг мутлақ табиатини англаб олиши жуда мушкул. Кришна ҳакида тўлиқ илмга эга бўлмаган олим, сиёsatчи, файласуф ва свамилар "Бхагавад-гита"га изоҳ ёzsалар, одатда, ёки асаддан Кришна ни четга суриб қўйишига, ёки биратўла Уни йўқ килишига харакат қиласидилар. "Бхагавад-гита"нинг ана шундай шархловчилари "*майява-ди-бхашья*"лар деб аталадилар. Худованд Чайтанъя бизга ана шундай маҳмадоналар билан ҳамсуҳбат бўлишдан қайтарган. У ошкора айтидики, "Бхагавад-гита"ни майявадилар нуктаи-назаридан тушунишга харакат қилган киши тузатиб бўлмайдиган хатога йўл қўяди. Ундей хатолик натижасида "Бхагавад-гита"ни ўрганаётган киши адашиб, руҳий юксалиш йўлидан умуман четга чикиб кетади ва ўзининг ҳакикий уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб бора олмайди.

Бизнинг биринчи вазифамиз - "Бхагавад-гита"ни асл ҳолида тақдим этиш, айни пайтда шартланган руҳларга Худонинг даргоҳига қайтиб боришига ёрдам беришдан иборат. Худои Таоло, Кришна айнан шу мақсадда Браҳманинг ҳар бир кунида бир марта, яъни ҳар 8.600.000.000 йилда бир марта бизнинг сайёрамизда Ўзини намоён этади. Худои Таолонинг ана шу мақсади "Бхагавад-гита"да очик-ойдин баён этилган, биз ҳам уни шундайлигича қабул қилишимиз лозим; акс ҳолда "Бхагавад-гита"ни ва уни гапириб берган Парвардигор Кришна-

ни тушунишга уринишнинг ҳеч қандай маъноси қолмайди. Парвардигор Кришна биринчи бор "Бҳагавад-гита"ни бир неча юз миллион йил илгари Күёш худосига айтиб берган. Биз ана шу ҳақиқатни тан олишимиз ва айни пайтда унга нотўғри изоҳлар бермасдан, Кришнанинг айтганларига ишониб, "Бҳагавад-гита"нинг тарихий аҳамиятига баҳо беришимиз лозим.

"Бҳагавад-гита"ни Кришнанинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда изоҳлашга уринаётган киши оғир гуноҳ содир қилган бўлади. Бунга йўл кўймаслик учун, Худованд Кришнанинг биринчи шогирди Аржун сингари, Парвардигор Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини тушуниб олиш керак. "Бҳагавад-гита"ни ўрганишга ана шундай аниқ, ишонарли манбаларга асосланган ҳолда ёндошиш бизга инсон бўлиб яшаш вазифасини охиригача шараф билан адо этишга ёрдам бериб, ҳаётда катта саодат келтиради.

Кришнани англаш харакати инсонлар жамияти учун жуда зарур, чунки у одамларга ҳаётда камолотнинг энг юқори поғонасига кўтарилиш имкониятини беради. "Бҳагавад-гита"да бу имконият тўла асослаб берилган. Афсуски, дунёвий сафсатабоз олимлар "Бҳагавад-гита"дан ўзларининг иблисона истакларини оқлаш ва оддий одамларни тўғри йўлдан адаштириш учун фойдаланадилар, уларни инсон ҳаётининг оддий қонуниятларини тушуниб олиш имконидан маҳрум қиласдилар. Ҳар бир фаросатли инсон Худои Таоло(Кришна)нинг қанчалик буюк эканини билиб олиши лозим. Тирик мавжудотнинг ҳақиқий ҳолати қандай экани ҳаммага маълум бўлиши керак. Ҳар бир одам англаб олиши лозимки, тирик мавжудот ҳамиша хизматкор ҳолатида қолади, агар у Кришнага, Худога хизмат қиласа, унда ўзини чексиз оворагарчиликка, сарсон-саргардон бўлишга мубтало қилиб, моддий табиат гуналарининг ҳар хил бирималаридан иборат алда-нишга, саробга, ўткинчи нарсаларга хизмат қилишга мажбур бўлади; ҳатто ўзларини "озод руҳлар" деб атайдиган файлласуф-майавадилар ҳам такрор ва такрор туғилиб-ўлаверишга мажбур бўладилар. Бу китобда баён этилаётган илм - энг буюк илм, ҳар бир тирик мавжудот уни ҳеч бўлмаса ўз манфаати учун тинглаши лозим.

Аксарият одамлар, айниқса Кали-юга даврида, Кришнанинг ташки қувватига маҳлиё бўлиб, адашиб юрганлари сабабли, моддий тараққиёт уларга баҳт олиб келади, деб ўйладидилар. Улар Кришнанинг моддий, ташки қуввати қанчалик қурдатли эканини билмайдилар, чунки бизларнинг ҳар биримизнинг оёқ-кўлимиз моддий табиатнинг бешафқат қонунлари билан боғланган. Тирик мавжудот Худои Таолонинг мангут, лаззатга тўла ажралмас заррачасидир, шу боис унинг табиий вазифаси Худога хизмат қилишдан иборат. Алданиш домига тушган киши эса, ўзининг хиссиятларига хизмат қилиш билан баҳтли бўлишга интилади, лекин хиссий лаззатлар унга ҳеч қачон баҳт келтирмайди. Ўзининг моддий хиссиёти талабларини қондириш ўрнига, у

Худои Таолонинг хиссиётини қондириши лозим. Мана шу - инсон хаётининг камолот чўққисидир. Худои Таолонинг хоҳиши ҳам, Унинг бизга кўйган талаби ҳам шундан иборат. "Бҳагавад-гита"нинг мана шу асосий маъносини ҳар бир одам яхши тушуниб олиши лозим. Кришна-ни англаш ҳаракати мана шу ҳақиқатни ер юзидағи ҳар бир инсонга етказишни ўз олдига мақсад қилиб кўйган. Биз "Бҳагавад-гита"нинг маъносини ўзгартирмасдан асл ҳолида баён этаётганимиз учун, "Бҳагавад-гита"ни ўрганиб ўзига бирор фойда келтиришни истаган ҳар бир одам, "Бҳагавад-гита"нинг мазмунини тўғри тушуниш ва ундаги илмни Худои Таолонинг бевосита раҳбарлиги остида амалда кўллаш учун Кришнани англаш ҳаракати таклиф этаётган ёрдамдан фойдаланиши зарур. Бу китобда баён этилган "Бҳагавад-гита"ни ўрганиш шарофати билан одамлар ҳаётда тенгсиз баҳт-саодатга эришадилар, деган умиддамиз. Агар улардан атиги бирор киши Худонинг соғ содик хизматкори бўлиб етишса, биз кўзланган мақсадимизга эришдик, деб хисоблаймиз.

А. Ч. Бҳактиведанта Свами.

12 май.1972 йил.

Сидней. Австралия.

## Кириш

*ом аджсанана-тимирандхасайа джсананаджсанана-шалакайа  
чакиур унмилитам йена тасмаи шри-гураве намаҳ  
шири чайтанийа-мано-бхиштам стхапитам йена бху-тале  
свайам рупаҳ када маҳйам дадати сва-падантискам*

Мен ғофиллик зулматида ботган эдим, аммо рухий устозим қалбимни илм нури билан ёритиб, кўзларимни очди. Мен унинг олдида чукур эҳтиром билан таъзим қиласман

Бу дунёда Худованд Чайтанийанинг амрини бажариш учун бошланган ҳаракатга асос солган Шрила Рупа Госвами Прабхупада қачон менга ўзининг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ берар экан?

*ванде ҳам шри-гуроҳ,  
шри-йута-пода-камалам  
шри-гурун вацинавами ча  
шри-рупам саграджатам саха-гана  
-рагхунатханвитам там са-дживам  
садвайтам савадхутам парижансана-  
сахитам кришина-чайтанийа-девам  
шри-радха-кришина-падан саха-гана-  
лалита-шири вишакханвитами ча*

Мен чукур эҳтиром билан рухий устозимнинг нилуфар қадамлари пойига ва барча вайшнав(Худонинг содиклари)ларнинг қадамлари пойига таъзим қиласман. Чукур эҳтиром билан мен Шрила Рупа Госвами ва унинг акаси Санатана Госвами, шунингдек Рагхунатха дас ва Рагхунатха Бхатта, Гопала Бхатта ва Шрила Джива Госвами олдида таъзим қиласман. Чукур эҳтиром билан мен Худованд Кришна-Чайтанийа ва Худованд Нитьянанда олдида, шунингдек Адвайта Ачаряя, Гададхара, Шриваса ва Худованд Чайтанийанинг бошка ҳамроҳлари олдида чукур таъзим қиласман. Мен эҳтиром билан Шримати Радҳаранининг, Шри Кришнанинг қадамлари пойига йиқиласман ҳамда Шри Лалита ва Вишакха бошлиқ барча гопилар олдида чукур эҳтиром билан таъзим қиласман.

*хе кришина каруна-синдоҳо дина-бандҳа джагат-паме  
гопеша гопика-канта радха-канта намо сту те*

О Кришна, Сен - барча мусибат чекаётганларнинг дўсти ва бутун борлиқнинг манбаисан. Сен - гопиларнинг хукмдори ва Радҳаранининг

севгилисисан. Мен Сенинг олдингда чукур эхтиром билан таъзим қиласман.

*тапта-канчана-гаурангি радиҳе өринда ванешвари  
вришабхану-сүте деви пранамами хари-прииे*

Мен, танаси эриган олтиндай ярқираб нур сочиб турган Радҳарани олдида чукур эхтиром билан таъзим қиласман. Сен - шоҳ Вришабханунинг қизисан, Парвардигор Кришнанинг қалбига жуда азиз Вриндаван маликасисан.

*ванчха-калпатарубхяши ча крипа-синдхубхя эва ча  
патитанам паванебхёо вашина вебхёо намо намаҳ*

Мен барча вайшнавлар олдида, Худонинг хизматкорлари олдида чукур таъзим қиласман. Орзулар дарахти сингари, улар ҳар бир одамнинг барча истакларини рўёбга чиқаришга кодир ва адашган кимсаларга чексиз меҳрибондирлар.

*(жай) шри-кришна-чайтаняя прабху-нитянанда  
шири адвайта гададхара шривасади-гаура-бхакта-вринда*

Мен чукур эхтиром билан Шри Кришна-Чайтаняя, Пррабху Нитянанда, Шри Адвайта, Гададхара, Шриваса ва Худои Таолонинг бошқа издошлари олдида таъзим қиласман.

Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре  
Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Рама Ҳаре Ҳаре.

"Бҳагавад-гита"ни "Гитопанишад" деб хам атайдилар. У ведавий донишмадлик илмининг қаймоғи ва ведавий адабиётлар таркибидаги энг муҳим Упанишадаларнинг биридир. Албатта, инглиз тилида "Бҳагавад-гита"га жуда кўп изоҳлар чоп этилган. Унга яна бир изоҳнинг қандай зарурлигини қуидагича тушунтириш мумкин: яқинда Америкада бир аёл мендан "Бҳагавад-гита"нинг инглиз тилидаги таржималарининг қайси бирини унга тавсия қилишим мумкинлигини сўради. Албатта, Америкада "Гита"нинг жуда кўп таржималарини топиш мумкин. Лекин, билишимча, "Бҳагавад-гита"нинг Америкада, ҳатто Ҳиндистоннинг ўзида, мен кўрган нашрларидан бирортасини ишонарли деб бўлмайди, чунки деярли уларнинг барчасида, изоҳ берувчи факат ўзининг фикрини баён этишга уринган ва "Бҳагавад-гита"нинг ҳақиқий мазмун-моҳиятини, руҳини очиб беролмаган.

"Бҳагавад-гита"нинг моҳияти ҳақида "Бҳагавад-гита"нинг ўзи гапиради. Буни қўйидаги мисолда тушунтириш мумкин. Биз бирор дори ичмоқчи бўлсақ, унинг сиртига ёзилган кўрсатмага амал қилишимиз лозим. Биз дорини ўзимиз билганча ёки бирор дўстимизнинг тавсияси билан ича олмаймиз. Дорини факат унинг сиртида ёзилган кўрсатмага ёки врачанинг тавсиясига асосланиб қабул қилиш мумкин. Шунга ўхшаб, "Бҳагавад-гита"ни ҳам, уни айтган Зотнинг гаплари асосида қабул қилиш лозим. "Бҳагавад-гита"ни айтган Зот эса, Парвардигор, Шри Кришна. "Бҳагавад-гита"нинг ҳар бир сахифасида У - Худонинг Олий Шахси, Бҳагаван деб айтилади. Албатта, баъзан қандайдир қудратли одамни ёки бирор фариштани ҳам бҳагаван деб айтадилар. Бу ерда ҳам бҳагаван сўзи Парвардигор Шри Кришнанинг буюк шахс эканини кўрсатади. Лекин, айни пайтда шуни аниқ тушуниш лозимки, Парвардигор Шри Кришна - Худонинг Олий Шахси. Бу ҳақиқатни Шанкарачарья, Рамануджачарья, Мадхвачарья, Нимбарка Свами, Шри Чайтанья Махапрабху сингари буюк ачарья(рухий устоз)лар ва Хиндистондаги бошқа жуда кўп ведалар илмининг обрўли билимдонлари тасдиқлайдилар. Бунинг устига Худованднинг Ўзи "Бҳагавад-гита"да "Мен - Худонинг Олий Шахсиман" деб эълон қиласди. "Браhma-самхита" ва барча Пураналар, энг аввало, "Бҳагавата-пурана" деб тан олинган "Шримад Бҳагаватам" ҳам буни тасдиқлайди(*криинлас ту бҳагаван свайам*). Шундай қилиб, биз "Бҳагавад-гита"ни Худои Таолонинг Ўзининг кўрсатмасига асосланиб қабул қилишимиз лозим.

"Гита"нинг тўртинчи бобида(4.1-3) Парвардигор шундай дейди:

*имам вивасвате йогам проктаван аҳам авайайам  
вивасван манаве праха манур икшвакаве бравит  
эвам парампара-праптам имаа раджаршайо видух  
са каленеха махата його наштах парантана  
са эвайам майа те дўя йогаҳ проктаҳ пуратанаҳ  
бҳакто си ме сакха чети рахасам хӣ этад уттамам*

Бу ерда Парвардигор Аржунга айтяптики, "Бҳагавад-гита"да баён этилган йога илми биринчи марта Қуёш худосига ўргатилган, Қуёш худоси уни Мануга ўргатган, Ману эса ўз навбатида Икшвакуга ўргатган; шу тарзда руҳий устозлар силсиласи бўйича, бировдан бировга ўтиб, бу йога илми Ер сайёрасига етиб келган. Лекин, вакт ўтиши билан бу илм унутилиб кетган, шу боис Худои Таоло уни яна бир марта ўргатмоқчи бўляпти. Бу гал Парвардигор уни Курукшетра жанггоҳида дўсти Аржунга ўргатади.

Парвардигор Аржунга айтяптики, У бу олий сирни айнан унга айтади, чунки Аржун Унинг дўсти ва садоқатли хизматкори. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин-ки, "Бҳагавад-гита" энг аввало Худонинг содикларига мўлжалланган. Илоҳиёт одамлари уч тоифага

бўлинади: гъянилар, йоглар ва бҳакталар, яъни имперсоналистлар, мурокабага берилган йоглар ва Худонинг содиклари. Бу ерда Аржунга мурожаат қилиб, Парвардигор аниқ айтяптики, У Аржунни янги *parampara*(устозлар силсиласи) занжирининг биринчи бўғини қилмоқчи, чунки эски *parampara* узилиб қолган. Шу сабабли Парвардигор руҳий устозлар силсиласини қайта тиклашга қарор қилган. У бир пайтлар Қўёш худоси одамларга ўргатган илм яна устозлар силсиласи орқали тарқатилишини, Аржун Унинг таълимотини бутун жаҳонга таратишини истаяпти. У Аржуннинг "Бҳагавад-гита" илми бўйича ишончли билимдон бўлишини истаяпти. Шундай қилиб, кўрятмизки, Кришна "Бҳагавад-гита"ни Аржунга энг аввало у - Худонинг содиги, Кришнанинг бевосита шогирди ва Ўзининг яқин дўсти бўлгани учун айтиб берган. Шунинг учун, ана шундай сифатларга эга бўлган кишигина "Бҳагавад-гита"ни тушуна олади. Бу демак, у Худо билан бевосита боғланган содик бўлиши лозим. Инсон Худонинг содик хизматкори бўлган заҳотиёқ Худои Таоло билан бевосита муносабатда бўлади. Бу жуда кенг мавзу, қисқача қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳар бир содик Худои Таоло билан қўйидаги беш хил муносабатларнинг бирида ўзаро алоқада бўлади:

- 1. Худои Таоло билан суст муносабатда бўлиш.**
- 2. Худои Таоло билан Үнга фаол хизмат қилиш муносабатида бўлиш.**
- 3. Худои Таолога дўстлик ришталари билан боғланиш.**
- 4. Худои Таолога ота-оналиқ меҳри билан боғланиш.**
- 5. Худои Таоло билан ошиқлик ришталари билан боғланиш.**

Аржун Худои Таолонинг дўсти эди. Албатта, уларнинг дўстлиги билан моддий дунёдаги дўстлик орасида катта фарқ бор. Улар бир-бирига илоҳий дўстлик ришталари билан боғланган эдилар, бундай дўстлик муносабатида бўлиш ҳар кимнинг ҳам кўлидан келавермайди. Шубҳасиз, ҳар бир тирик мавжудот Худои Таоло билан маълум бир муносабат билан боғланган. Инсон Худога садоқат билан холис хизмат қилишда мукаммалликка эришганида, бу муносабатлар унинг ўзига яққол намоён бўлади. Лекин, биз ҳозир факат Худои Таолонигина эмас, ҳатто У билан ўзимизнинг қандай муносабатда эканимизни ҳам эсдан чиқариб юборганимиз. Оламдаги мавжуд тирик мавжудотларнинг ҳар бири Худои Таоло билан алоҳида, маълум муносабатлар билан боғланган. Тирик мавжудотнинг шундай ҳолати *сварупа* деб аталади. Худога садоқат билан хизмат қилиб шуғулланиб, тирик мавжудот ўзининг сварупасини қайта тиклаши мумкин. Мана шу даража - *сварупа-сиддхи* - "руҳнинг азалий комил ҳолати" деб аталади. Шундай қилиб, Аржун Худои Таолонинг содик хизматкори бўлиб, Үнга дўстлик ришталари билан боғланган эди.

Аржуннинг "Бҳагавад-гита"ни қандай қабул қилгани ҳақида ҳам айтиб ўтиш лозим. Бу ҳақда ўнинчи бобда ҳикоя қилинади(10.12-14):

*арджуна увача*

*парам браҳма парам дҳама павитрам парамам бҳаван  
пурушам шашватам дивиам ади-девам аджасам вибхум  
ахус твам ршиаҳ сарве деваришр нарадас татха  
асито девало вийасаҳ свайам чаива бравии ме  
сарвам этад ритам маніе йан мам вадаси кешава  
на хи те бхагаван виактим видур дева на данаваҳ*

"Аржун шундай деди: - Сен - Худонинг Олий Шахисан, олий даргоҳ, энг пок, Мутлақ Ҳақиқатсан. Сен - мангӯ, илоҳий, туғилмаган ва энг буюк азалий шахссан. Нарада, Асита, Девала ва Въяса сингари барча буюк донишмандлар бу ҳақиқатни тасдиқлайдилар. Энди Сен Ўзинг менга бу ҳақда айтиб турибсан. О Кришна, Сенинг айтганларингнинг барчасини мен аниқ ҳақиқат деб қабул қиласман. Эй Парвардигор, на фаришталар, на иблислар Сени тўла англаб етолмайдилар."

Кришнадан, Худои Таолодан "Бҳагавад-гита"ни бевосита тингланган Аржун Уни Олий Рух(*парам браҳма*) деб тан олади. Ҳар бир тирик мавжудот *браҳман*(руҳ)дир, лекин олий тирик мавжудотни, Худонинг Олий Шахсини - Олий браҳман, Олий Рух деб атайдилар. *Парам дҳама* дегани олий даргоҳни, бутун борлиқнинг даргоҳини англатади; *павитрам* дегани У энг пок эканини ва Уни моддий иллатлар булғай олмаслигини англатади; *пурушам* - У олий лаззатланувчи; *шашватам* - азалий; *дивиам* - илоҳий; *ади-девам* - Худонинг Олий Шахси; *аджасам* - туғилмаган; ва ниҳоят, *вибхум* - энг буюк.

Кимдир: "Кришнанинг дўсті бўлгани сабабли, Аржун бу гапларни шунчаки Унинг кўнглини кўтариш учун айтган", деб ўйлаши мумкин "Бҳагавад-гита"ни ўқиётган ўқувчининг ҳаёлига келадиган бундай гумонларни бартараф қилиш учун, Аржун кейинги шеърда ўзининг Кришнага айтаётган олқишлирини асослаб беради. Факат унинг ўзи эмас, Нарада, Асита, Девала ва Вийасадева сингари обрўли мўътабар зотлар ҳам Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини тан оладилар. Уларнинг барчаси - барча устозлар тан олган, ведавий донишмандлик илмининг билимдони бўлган буюк донишмандлардир. Шунинг учун Аржун Кришнага шундай дейди: - "Сен айтган нарсаларнинг ҳаммасини мен аниқ ҳақиқат деб қабул қиласман". *Сарвам этад ритам маніе* - "Мен Сенинг гапларингнинг ҳаммасини айни ҳақиқат деб қабул қиласман". Аржун яна айтадики, Худо Шахсини англаш жуда мушкул, бунга ҳатто инсонларга нисбатан ҳар жиҳатдан устун бўлган буюк фаришталар ҳам қодир эмас. Шундай экан, Унинг содик хизматкори бўлмай туриб, инсон қандай килиб Худои Таолони, Парвардигор Кришнани англай олсин? Шунинг учун "Бҳагавад-гита" илмини садоқат билан, камтарин ҳолда ўрганиш лозим. Ҳеч ким ўзини Кришна билан тенг деб хисобламаслиги, Кришнани - оддий ёки буюк инсон, деб ўйламаслик керак. Парвардигор Кришна - Худонинг Олий Шахси, шу боис биринчи навбатда "Бҳагавад-гита"га, ёки "Бҳагавад-гита"ни

тушунишга интилаётган Аржуннинг гапларига ишониш, ҳеч бўлмаса назарий жиҳатдан Шри Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини тан олиш керак. Факат, ана шундай камтарин ҳолатдагина биз "Бҳагавад-гита"ни тушуна оламиз. Кришнанинг содик хизматкори бўлмаган одамнинг "Бҳагавад-гита"ни тушуниши жуда мушкул, чунки "Бҳагавад-гита" илми ҳақиқатан ҳам сирли илм.

Хўш, "Бҳагавад-гита"нинг мазмун-моҳияти нима? Унинг асосий мақсади - инсониятни ғафлат боткогига ботган дунёвий ҳаёт тутқунлигидан озодликка чиқаришдан иборат. Куруқшетрада жангга кириш арафасида турган Аржун сингари, бизлар ҳар биримиз турмушда турли хил қийинчиликларга дуч келамиз. Қийин ахволга тушиб қолиб, Аржун ўз ихтиёрини Парвардигор Кришнага топшириди, натижада унга "Бҳагавад-гита" нозил бўлди. Лекин, қийин ахволга тушиб қолган факат Аржун эмас, бизларнинг ҳар биримиз ҳаётда турли хил ташвиш ва ҳавотирлар ичida яшаймиз, бунга асосий сабаб - биз моддий оламда яшаётганимиздир. Бизнинг ҳақиқий(руҳий) ҳаётимиз эса йўқлик, мавхумлик шароитида кечяпти. Аслида биз ҳеч қачон йўқликда яшамаймиз, чунки рух мангу тирик, лекин ҳозир биз қандайдир сабабларга кўра *асат* шароитига тушиб қолганимиз. *асат* - "мавжуд бўлмаган, мавхум" деган маънони англатади.

Бу дунёда яшаётган миллионлаб одамлар ичida камдан кам одамнинг ақлига ҳақиқатан ҳам аслида ўзи ким экани, нимага бундай аянчли шароитга тушиб қолгани ва шунга ўхшаш нарсалар ҳақидаги ўйлар келиши мумкин. Токи одам "ғафлат уйку"сидан уйғонмас экан, токи чекаётган мусибатларининг асосий сабабини изламас экан, токи бошқа бундай шароитда яшашни умуман истамаётганини, барча мусибатларга биратўла барҳам бериш зарурлигини ўзи тушуниб етмас экан, уни "ҳақиқий инсон" деб ҳисоблаб бўлмайди. Ақлида шунга ўхшаган саволлар пайдо бўлгандагина инсон ҳақиқий инсон даражасига кўтарилади. "Брахма-сутра"да бундай саволлар *брахма-джигъяса* деб аталган. *Атхато брахма-джиджнасаса*. Агар инсон Мутглақ Ҳақиқатнинг табиати билан қизиқмаса, у машғул бўлган ҳар қандай фаолиятнинг ҳеч қандай маъноси бўлмайди. Шундай қилиб, ҳаётда учраётган қийинчиликларнинг илдизи нимада эканини, ўзи бу дунёга қаердан келганини, ўлгандан кейин қаерга боришини ўйлай бошлаган кишигина "Бҳагавад-гита"ни ҳақиқатан ҳам тушунишга қодир бўлади. Бундан ташқари, самимий ва жиддий ўқувчи Худонинг Олий Шахсига чукур хурмат-эҳтиром кўрсатиши керак. Аржун айнан ана шундай шогирд эди.

Парвардигор Кришна бу дунёга энг аввало унутувчан одамларга ҳаётда "инсон бўлиб яшашнинг асосий мақсади"ни эслатиб қўйиш учун келади. Лекин, ҳатто ғафлат уйқусидан уйғонган кўп миллион одамлар ичida ҳам, биргина одам ўзининг ҳақиқий ҳолатини англай олади; Худои Таоло айнан ана шундай инсонлар учун "Бҳагавад-

гита"ни нозил қилган. Аслини олганда ҳаммамиз ҳам ғофиллик ажда-рининг оғзига тушиб қолғанмиз, лекин Худои Таоло тирик мавжудотларга, айникса, инсонларга нисбатан чексиз меҳрибон. Уларнинг бахтини ўйлаб, Парвардигор дўсти Аржуни Ўзига шогирд қилиб, унга "Бҳагавад-гита"ни гапириб берди.

Парвардигор Кришнанинг яқин дўсти бўлгани учун Аржун ғофиллик иллатидан пок эди, лекин, Аржун Кришнага ҳаёт муаммолари ҳакида саволлар бериши, Аржундан кейин келадиган авлодларнинг бахт-саодатини ўйлаб, Худои Таоло шу саволларга жавоб бериш учун, Курукшетра жанг майдонида уни фафлатга ботириб қўйди. Шу туфайли Кришна унга инсон ҳаётда ўз вазифасини тўлиқ бажариб яшashi ва камолотга эришиш учун ҳаётини қандай яшashi лозимлигини тушунириб берди.

"Бҳагавад-гита"да **ҳақиқат илмининг беш мавзуси ёритилади**. Унда энг аввало **Худо ҳақидаги илм**, кейин, живалар - **тирик мавжудотларнинг табиати ҳақидаги илм** ўрганилади. *Ишвара*, Ягона Ҳукмдорнинг мавжудлиги, барча тирик мавжудотлар эса, Унинг ҳукми остида экани тушунтирилади. Олий Ҳукмдорнинг мавжудлигини тан олмайдиган ва ўзини эркин деб хисоблайдиган тирик мавжудотни "Эси паст" деб хисоблаш керак. Ўзининг шартланган холатида тирик мавжудотлар бутунлай олий кучлар ҳукми остида бўлади. Шунинг учун "Бҳагавад-гита"да Олий Ҳукмдор, *ишвара* ва Унга тобеъ бўлган **живалар** ҳакида маълумот берилади. Бундан ташқари "Бҳагавад-гита"да **пракрити(моддий табиат), кала, замон, вақт(оламнинг, яъни намоён бўлган моддий табиатнинг мавжудлик даври) ва карма(фаолият) тушунчалари** муҳокама қилинади. Моддий оламда ҳар бир одам қандайдир фаолият билан машгул. "Бҳагавад-гита"ни ўрганиб, биз аслида Худо дегани ким, тирик мавжудотларнинг табиати қандай, **пракрити(моддий олам)** нима, тирик мавжудотларнинг фаолияти нимадан иборат эканини ва Замон қай тарзда уларни бошқариб туришини тушуниб олишимиз лозим.

"Бҳагавад-гита"да баён этилган ана шу беш мавзуни(ишвара, жива, пракрити, кала, карма) муҳокама қилиш натижасида биз Ҳудонинг Олий Шахси, Кришна, ёки Браҳман, ёки Параматма - барча тирик мавжудотлар ичida энг буюк мавжудот, деган хulosага келамиз; бу атамалардан қайси бирини ишлатишнинг аҳамияти йўқ. Тирик мавжудотлар сифат жиҳатдан Олий Ҳукмдордан фарқ қиласидилар. Шу тарзда Худои Таоло бутун борлиқда моддий табиатнинг фаолиятини бошқариб туради, бу ҳақда биз "Бҳагавад-гита"нинг охирги бобларидан билиб оламиз. Моддий табиат ўз фаолиятида мустакил эмас. У Худои Таолонинг назорати остида ҳаракат қиласиди. *Майадхъакиена пракритих суйате са-чарачарам*, - "Моддий табиат Менинг назоратим остида ҳаракат қиласиди" - дейди Худои Таоло. Атрофимизда кишининг ақлини ҳайратта солувчи гаройиб мўъжизаларни кузатар эканмиз, бу

моддий оламни унинг Ҳукмдори бошқаруб турганини ҳамиша эсда тутишимиз лозим. Яратган ва бошқарувчи ҳукмдор Зот бўлмаса, ҳеч нарса мавжуд бўлиб туролмайди. Олий Ҳукмдорнинг мавжудлигини факат ёш болаларгина тан олмаслиги мумкин. Масалан, ёш бола учун автомашина ҳам мўъжиза, чунки у от ёки бошқа бирор тирик хайвон тортиб юрмаса ҳам ҳаракатга келади. Лекин ақли тўлиқ киши автомашинанинг қандай яратилганини билади, ва уни ҳайдовчи бошқараётганини яхши тушунади. Худди шунга ўхшаш, Худои Таоло - бутун борлик машинасини яратиб, бошқаруб турган ҳайдовчи(адхайакиша)дир. Ўн бешинчи бобдан билиб оламизки, джива-лар, Худои Таолонинг айтишига кўра, Унинг ажралмас бўйлаклари(амиша). Олтиннинг кичкина зарраси ҳам олтин, денгиздан олингган бир томчи сув ҳам, денгиздаги сув сингари шўр; худди шунингдек, бизлар, яъни Олий Ҳукмдорнинг, ишваранинг ёки Браҳманнинг, Парвардигор Кришнанинг ажралмас кичик зарралари бўйлантирилган тирик мавжудотлар ҳам - Худои Таолонинг барча сифатларига эгамиз. Лекин, жуда кичик зарра, кичик ишвара бўйлантирилган, тобеъ ҳолатда бўйсунган, келиб оламиз. Бизлар табиатга ҳукмронлик килишга интиламиз, масалан, ҳозир одамлар космосни забт килиб, коинотдаги бошқа сайёralарга боришга уриняптилар. Бизларда ҳукмронлик қилишга ва яратишга интилиш сифати бор, чунки бу сифатлар аслида Кришнада, Худои Таолода мавжуд. Лекин, қалбимизда моддий табиатга ҳукмронлик қилиш истаги бўйлантирилган, биз аслида Олий Ҳукмдор эмаслигимизни ҳамиша эсда тутишимиз лозим. Шу-ларнинг ҳаммаси "Бҳагавад-гита"да тўлиқ тушунтирилади.

Моддий табиат аслида нима ўзи? Бу ҳақда ҳам биз "Бҳагавад-гита"дан билиб оламиз. Унда моддий табиат "куйи пракрити", яъни, "куйи табиат" деб аталади. Яна айтилганки, жисва, тирик мавжудот "олий пракрити"га, олий табиатга мансуб. *Пракрити*, олий табиат ҳам, қуий табиат ҳам, ҳамиша Кришнага, Худои Таолога бўйсунган, тобеъ ҳолатда бўлади. Табиат(*пракрити*) аёллик сифатига эга бўлиб, худди хотин эрининг ҳукми остида бўйлантирилган, табиат ҳам Худои Таолога бўйсунади. *Пракрити* ўзининг Ҳукмдори, Худои Таолога нисбатан ҳамиша бўйсунган ҳолатда бўлади. Тирик мавжудотлар ҳам, моддий табиат ҳам ҳамиша бўйсунган ҳолатда, Худои Таолонинг ҳукми остида бўлади. "Бҳагавад-гита" таълимотига кўра, гарчи тирик мавжудотлар Худои Таолонинг ажралмас зарралари бўлса ҳам, *пракрити* тоифасига кирадилар. Бу ҳақда еттинчي бобда аниқ айтилган: *апарейам имас тв аниам пракритим виддхи ме парам джисва бхутам* - "моддий табиат Менинг қуий қувватим(*пракрити*), лекин, бошқа қувватим - *джисва бхутам*, тирик мавжудот ундан устун туради".

Моддий табиат уч гунадан, уч сифатдан таркиб топган: эзгулик гунаси, эхтирос гунаси ва ғафлат гунаси. Уларни мангу вакт(замон)

*кала* бошқарыб туради. Мангу вакт ҳукми остида моддий табиат гуна-ларининг ўзаро бирекиши жараёнида ҳар хил фаолиятлар юзага кела-ди, улар *карма* деб аталади. Бу фаолият жуда қадимда бошланган бўлиб, бизлар ана шу карма оқибатида хаётдан гоҳида лаззатланамиз, гоҳида мусибат чекамиз. Фараз қиласилик, мен ишчи одамман, ва оғир меҳнат қилиб, кўп мол-дунё ортиридим. Шунда мен ўзининг мол-дунёсидан лаззатланаштган одам ўрнида бўламан, лекин, вакт ўтиши билан менинг ҳолатим ўзгаради, пулларим йўқолади, натижада мен яна изтироб чека бошлайман. Худди шунингдек, биз турмушнинг қайси соҳасини олмайлик, ҳамма ерда тирик мавжудотлар ўзларининг фаолияти натижасида лаззатланадилар ёки азобланадилар. Мана шу *карма* деб аталади.

*Ишвара*(Худои Таоло), *жисва*(тирик мавжудот), *пракрити*(моддий табиат), *кала*(мангу вакт) ва *карма*(фаолият) - буларнинг барчасининг табиати "Бҳагавад-гита"да тўлиқ тушунтирилади. Бу беш нарсадан Худои Таоло, тирик мавжудотлар, моддий табиат, ва вакт мангу табиатга эга. Пракритининг намоён бўлган ҳолати вақтинчалик, ўткинчи сифатга эга, лекин, у алдамчи эмас, реал мавжуд намоёнликдир. Баъзи файласуфлар моддий намоён бўлган оламни алдамчи, сароб деб хисоблайдилар, аммо, "Бҳагавад-гита"нинг, яъни вайшнавларнинг фалсафаси нуқтаи-назаридан бу нотўғри. Намоён бўлган борлик, олам алдамчи, сароб эмас; гарчи у вақтинчалик бўлса ҳам, реал мавжуд. Бу моддий оламни осмонда сузуб юрган булатга ёки ёмғир палласида бошокларда пайдо бўладиган донга ўхшатадилар. Ёмғир палласи ту-габ, осмон булатлардан тозаланганида, далада ёмғирдан тўйинган бошоклар дарров куриб қолади. Худди шунингдек, бу моддий олам ҳам белгиланган вактда намоён бўлади, маълум вакт давомида мавжуд бўлиб туради, кейин йўқ бўлиб кетади. Пракрити ана шундай ҳаракат қиласи. Лекин бу жараён мангу айланиб туради, шунинг учун, *прак-рити* ҳам мангу деб хисобланади; уни алдамчи деб хисобланаслик керак. Худои Таоло уни "Менинг табиатим" дейди. Моддий табиат - Худои Таолонинг ажралган қувватидир; тирик мавжудотлар ҳам Худои Таолонинг қуввати хисобланадилар, лекин улар Худои Таолодан ажралмаган, У билан мангу боғланган. Шундай қилиб Худои Таоло, тирик мавжудотлар, моддий табиат ва вакт бир-бири билан боғлик бўлиб, мангу мавжуддирлар. Лекин, карма оқибатлари бизга жуда узоқ ўтмишдан бери таъсир қилиб келаётган бўлса ҳам, *кар-ма*(фаолият)нинг ўзи мангу эмас. Ўз фаолиятимиз оқибатида бизлар қадим замонлардан бери гоҳида лаззатланиб, гоҳида азобланиб келамиз. Лекин ўз фаолиятимизни, карма натижаларини ўзгартириш бизнинг ўзимизга боғлик. Агар руҳий илмни мукаммал эгалласак, биз ўз тақдиримизни ўзгартиришга кодир бўламиз. Ҳозир ҳаммамиз ҳар хил ишлар билан машғулмиз, лекин, бетиним айланиб турган, фаолият ва унинг оқибатларидан иборат ҳаёт чархпалагини тўхтатиш, яъни карма

оқибатларидан қутулиш учун нима килиш, қандай фаолият билан машғул бўлиш кераклигини ҳеч ким билмайди.

Ишвара, Худои Таоло Ўзининг ҳолатига кўра олий, юксак онгдир. Худои Таолонинг ажралмас зарралари бўлгани сабабли, живалар ёки тирик мавжудотлар ҳам, онгли зотлардир. Тирик мавжудот ва моддий табиат - *пракрити*, яъни кувват категориясига мансуб. Лекин, пракритининг бир тури, айнан жива, онгли *пракрити*, бошқа *пракрити*, моддий табиат, моддий унсурлар эса, - онгсиз. Шу тарзда улар бирбиридан фарқ қилади. Шу боис *жива*, яъни, Худои Таоло сингари онгли *пракрити* ҳам "олий кувват" деб аталади. Лекин Худои Таолонинг онги юксак, олий онг, биз ҳеч қачон: тирик мавжудотлар, яъни живалар ҳам шундай юксак онгга эга деб ўйламаслигимиз керак. Тирик мавжудот қанчалик мукаммалликка эришмасин, ҳеч қачон олий онгга эга бўла олмайди. Бунинг аксини тарғибот қиласиган фалсафий таълимот фақат одамларни тўғри йўлдан чалғитади, холос. Гарчи тирик мавжудот онгли бўлса ҳам, унинг онги мукаммал, яъни олий онг эмас.

*Жива* билан *ишивара* орасидаги фарқ "Бҳагавад-гита"нинг ўн учинчи бобида тушунтирилган. Парвардигор - *кишетра-гъя*, У, худди тирик мавжудот сингари, онгли Зот. Лекин, тирик мавжудотнинг онги факат ўзининг танаси чегарасида фаолият кўрсатади, Худои Таолонинг онги эса, барча таналарни қамраб олади. Ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида намоён бўлган холда, Худои Таоло ҳар бир тирик мавжудотнинг ўйлари ва ички кечинмаларини билиб туради. Буни ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керак. Яна шу маълумки, Параматма, Худои Таоло ҳар кимнинг қалбида Ҳукмдор сифатида мавжуд. У тирик мавжудотга ўзининг истакларига мос равища харакат қилишда ёрдам беради, чунки тирик мавжудотнинг ўзи кўпинча нимани истаётганини ҳам эсидан чиқариб юборади. Аввалига у бирор иш қилишга қарор қиласи, кейин ўзининг қилаётган ишлари оқибатига, кармасига ўралишиб қолади. Бир кийимни ечиб бошқасини кийганимиз сингари, тирик мавжудот бир моддий танани тарқ этиб бошқа бир танага эга бўлади. Шу тарзда бирин-кетин тана алмаштириб, рух аввалги қилган ишлари оқибатида моддий оламда азобланиб юради. Лекин, тирик мавжудот эзгулик гунасига кўтарилганида, унинг қилаётган харакатлари ҳамда аввалги ишларининг оқибатлари ўзгаради, яъни унинг ҳаёти нормал ҳолатга келади ва у ҳаётда қандай яшаш, қандай харакат қилиш лозимлигини англаб етади. Ҳаётда тўғри яшаётган тирик мавжудот ўзининг кармасини ижобий томонга ўзгартиради, демак, кармани мангум деб бўлмайди. Шунинг учун беш(*ишивара*, *жива*, *пракрити*, *кала ва карма*) категорияядан тўртгаси мангум, биттаси, яъни карма, - ўткинчи деб айтилган эди.

Ишваранинг олий, юксак онги билан тирик мавжудот онгининг ўхшашлиги куйидагича: Худои Таолонинг онги сингари тирик мавжу-

дотнинг онги ҳам табиатига кўра руҳий сифатга эга. Онг - материянинг хоссаси деб ўйламаслик керак. Бу нотўғри фикр, нотўғри тасаввур. “Маълум шароит юзага келганда моддий унсурлар биримасидан онг вужудга келади”, деган таълимотни “Бҳагавад-гита” бутунлай инкор этади. Худди рангли шиша орқали ўтган нур рангини ўзгартиргани сингари, тирик мавжудотнинг онги ҳам моддий тана орқали ўтганида ўзгариши мумкин, лекин, Худои Таолонинг онгига модда таъсир қилмайди. Парвардигор Кришна шундай дейди: *майадхийакиша* *пракритиҳ*. Моддий оламга тушганида Худои Таолонинг онги моддий нарсалар билан булғанмайди. Агар Худои Таоло ҳам моддий дунё таъсирларига берилса, У “Бҳагавад-гита”ни баён этганидай руҳий илм ҳақида гапира олмаган бўларди. Онги моддий иллатлардан пок бўлган кишигина руҳий олам ҳақида гапира олади. Шундай қилиб, онги моддий иллат билан булғанган бизлардан фарқли равишда, Худои Таоло хеч қачон моддий табиатнинг онгни булғовчи таъсирига берилмайди. “Бҳагавад-гита” бизга булғанган онгимизни моддий иллатлардан по-клаш йўлини ўргатади. Пок онг билан кўрсатган фаолиятимиз бизга ҳамиша баҳт келтиради. Биз ҳар қандай иш қилишни тарк этишимиз лозим, деб ўйламаслик керак. Йўқ, биз фақат килаётган ишларимизни поклашимиз лозим, ана шундай покланган фаолият “*бҳакти*” деб аталади. Бу фаолият сиртдан қараганда оддий фаолиятдай бўлиб кўринади, лекин аслида у моддий иллатлардан пок фаолият. Ғофил одамга, Худонинг содиқ хизматкори ҳам, худди бошқалар сингари ишлаётгандай бўлиб кўриниши мумкин; лекин, илмининг саёзлиги ғофил одамга Худонинг содиқ хизматкори килаётган ишларнинг нопоқ, моддий онг билан булғанмаган эканини кўриш имкониятини бермайди. Содиклар моддий табиатнинг уч гунасига нисбатан илохий зотлардир. Аммо, шуни эсдан чиқармаслик керакки, ҳозир бизнинг онгимиз булғанган.

Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурлар иллатига булғанган тирик мавжудотлар “шартланган” руҳлар деб аталади. Улар булғанган соҳта онги таъсирида “ўзи”ни моддий табиат яратган деб ўйлайдилар. Шундай тасаввурга эга онг “соҳта ўзлик” деб аталади. Ҳаёт ҳақида тана нұқтаи-назаридан фикр юритадиган киши ўзининг ҳақиқий ҳолатиниenglай олмайди. Аржунн ҳаёт ҳақида тана нұқтаи-назаридан фикр юритиш иллатидан қутқариш учун Худои Таоло атайлаб унга “Бҳагавад-гита”ни гапириб берди, биз ҳам, ҳаёт ҳақида ана шундай нотўғри тасаввурлардан халос бўлишимиз лозим; бу - руҳий юксалиш йўлига кирган кишининг қилиши лозим бўлган энг биринчи иши. Соҳта тасаввурлардан халос бўлиб, озодликка эришишни истаётган киши энг аввало ўзининг тана эмаслигини тушуниб олиши лозим. Озодликка чиқиши, *мукти* - моддий онг таъсиридан халос бўлиш демакдир. *Мукути* иборасининг мазмуни “Шримад Бҳагаватам”да тушунтирилган: *мукти* *хитванийатха-рупам сварупена вийавастхитиҳ*. Муктига эришиши -

моддий оламдаги тирик мавжудотларга хос бўлган булғанган онг таъсиридан халос бўлиш ва ўзгармас пок онг билан яшашдир. "Бҳагавад-гита"нинг барча кўрсатмалари ягона мақсадга - тирик мавжудотларда ана шундай ўзгармас пок онг уйғотишига қаратилган. Шу боис, "Бҳагавад-гита"нинг охирги бобида Кришна Аржуундан: "Энди сенинг онгинг покландими?", деб сўрайди. Пок онгга эга бўлиш - хаётда факат Худои Таолонинг кўрсатмалари асосида яшаш демакдир. Кишининг онги покланганинг асосий белгиси шундан иборат. Биз ҳаммамиз онгли зотлармиз, лекин бизлар Худои Таолонинг жуда кичик заррачалари бўлганимиз сабабли, моддий табиат гуналари таъсирига тушиб қоламиз. Худои Таоло эса, курдатли Олий Ҳукмдор бўлгани учун ҳеч қачон уларнинг таъсирига берилмайди. Худои Таоло билан алоҳида кичик рухий зарраларнинг, алоҳида руҳларнинг орасидаги фарқ шундан иборат.

Онг нима ўзи? Онг - энг аввало ўзликни англашдир: "Мен борман!". Лекин: "Мен" - ким? Онгнинг булғанган ҳолатида "Мен борман!" деганда: - "Мен ўзим кўриб турган ҳамма нарсанинг хўйайиниман. Мен лаззатланувчиман!" - деб тушунилади. Ҳар бир тирик мавжудот ўзини хўйайн, моддий оламнинг яратувчиси деб билгани учунгина Ер айланиб турибди. Моддий онг мана шу икки тушунча асосида шаклланган: "Мен - яратувчиман!"; "Мен - лаззатланувчиман!" Лекин, аслида ҳақиқий яратувчи ҳам, ҳақиқий лаззатланувчи ҳам - ягона Парвардигор, Худои Таолонинг Ўзидир, тирик мавжудот эса, Унинг кичкина бир бўлаги, заррачаси бўлган ҳолда яратувчи эмас, лаззатланувчи ҳам эмас, шунчаки унга ҳамкор, ёрдамчи, холос. Аксинча, унинг ўзини яратадилар ва ундан лаззатланадилар. Масалан, машинадаги ҳар бир детал бутун механизмнинг ишида катнашади, танамизнинг ҳар бир аъзоси бутун тана фаолиятида иштирок этади. Қўллар, оёқлар, кўзлар ва бошқа барча аъзолар - ҳаммаси тананинг бўллаклариdir, лекин ҳақиқий лаззатланувчи улар эмас, - тана, ошқозон. Оёқларимиз бизни олиб юради, қўлимиз билан овқатни оғзимизга соламиз, тишларимиз чайнаб беради - шу тарзда танамизнинг ҳар бир аъзоси ошқозоннинг эҳтиёжини қондириб, уни қаноатлантиришга интилади, чунки ошқозон - бутун танани озиқлантириб турувчи асосиј аъзо ҳисобланади. Танамизнинг барча аъзолари ошқозон учун ишлайди. Дараҳтни унинг илдизига сув қуйиб озиқлантирадилар, танани эса - ошқозонни овқат билан таъминлаб озиқлантирамиз; агар танамиз сог-саломат бўлишини истасак, барча аъзоларимиз ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилиб, ошқозонни овқат билан таъминлаши лозим. Худди шунга ўхшаб, Худои Таоло - лаззатланувчи ва яратувчи Зотдир, Унга қарам бўлган биз - тирик мавжудотлар эса, Худои Таолони рози қилиш, мамнун қилиш учун бир-биримиз билан ҳамкорлик қилишимиз лозим. Худди ошқозонга тушган овқат бутун танани қаноатлантиргани сингари, шундай ҳамкорлик энг авва-

ло бизнинг ўзимизни қаноатлантиради. Агар бармокларимиз овқатни оғизга солиб, ошқозонга юбориш ўрнига, ўзи мустақил равишида ундан лаззатланмоқчи бўлса, бундан факат пушаймон бўлади.

Яратиш ва лаззатланишда энг муҳим аҳамиятга эга бўлган Зот - Худои Таолонинг Ўзи, тирик мавжудотлар эса, бу ишда Унга ҳамкор бўлиб иштирок этадилар, натижада улар ҳам лаззатланадилар. Тирик мавжудот Худои Таоло билан хўжайин ва хизматкор сифатида ўзаро муносабатда бўлади. Агар хўжайин мамнун бўлса, хизматкор ҳам мамнун. Шунинг учун, гарчи оламни яратган Худои Таолонинг Ўзига ўхшаб яратилган тирик мавжудотда, ўзини “моддий оламнинг яратувчиси” деб ҳисоблаш ва ундан лаззатланишга интилиш кучли бўлса ҳам, тирик мавжудотлар Худои Таолони мамнун қилиш учун яратилган.

Шундай қилиб, биз "Бҳагавад-гита"ни ўрганар эканмиз, бутун борлик: -Олий Ҳукмдордан; - Унга қарам бўлган тирик мавжудотлардан; -намоён бўлган моддий оламдан; - мангу замондан; - карма, яъни фаолиятдан таркиб топганини билиб оламиз. Мазкур китоб сахифаларида ана шуларнинг ҳаммаси батафсил тушунтирилди. Буларнинг ҳаммаси биргаликда тўла бутунни ташкил этади, ана шу тўла-бутун - “Олий Мутлак Ҳақиқат” деб аталади. Тўла бутун яъни, Олий Мутлак Ҳақиқат Шри Кришнанинг, Худо Шахсининг асл моҳиятидир. Борлиқда мавжуд бўлган ҳамма нарсани Шри Кришнанинг турли хил қувватлари яратади, Унинг Ўзи эса - тўла бутундир.

“Бҳагавад-гита”да “шахсиятсиз Браҳманни ҳам Олий Шахс яратган”, деб айтилган(браҳмано хи пратишишхахам). Браҳман ҳақида ба-тафсил маълумот бериладиган “Брахма-сутра”да Брахман қуёш нурига қиёсланган. Шахсиятсиз Брахман - Худонинг Олий Шахсининг нури. “Шахсиятсиз Брахман” тушунчаси ҳам, “Параматма” сингари, мутлак тўла-бутунни муқаммал ифодаламайдиган тушунча, концепциядир. Худонинг Олий Шахси *сач-чид-ананда-виграха* деб аталади. “Брахма-самхита”нинг биринчи шеърида шундай дейилган:

*ишвараҳ парамаҳ кришинаҳ сач-чид-ананда-виграхаҳ  
анадир адир говиндаҳ сарва-карана-каранам -*

“Говинда, Кришна, барча сабаблар сабабчисидир. У - мангуллик, илм ва лаззатнинг бошланғич, азалий сабабчиси ва бевосита тимсолидир”. Уни шахсиятсиз Брахман сифатида англаш - Унинг *сат* (мангулик) аспектини, Параматма сифатида англаш - *сат-чит* (мангулик ва илм) аспектини, Худо Шахси, Кришнани англаш эса - Унинг барча илоҳий *сат, чит, ананда* (мангулик, илм ва лаззат) аспектларини тўла англаш бўлади.

Чуқур фикр юрита олмайдиган кишилар Олий Ҳақиқатни “шахсиятсиз” деб ҳисоблайдилар, аслида Олий Ҳақиқат - илоҳий шахсдир. Бу ҳақиқат барча ведалар(муқаддас китоблар)да тасдиқланган. *нитийо нитийанам четанаи чётананам*(Катха-упанишад, 2,2,13). Бизлар бар-

чамиз - алоҳида тирик мавжудотлар, шахс бўлганимиз сингари, Олий Мутлақ Ҳакиқат ҳам охир-оқибатда шахсадир. Худо Шахсини англаш - Мутлақ Ҳакиқатнинг барча илоҳий аспектларини, шу жумладан Унинг илоҳий қиёфасини ҳам англаб етиш демакдир. Тўла-бутун ҳечам шакл-киёфасиз эмас. Агар Худои Таоло шакл-киёфага эга бўлмаса, ёки бирор жихатдан Ўзи яратган нарсалардан бирор жихати билан кам бўлса, У тўла-бутун бўлмаган бўларди. Тўла-бутун ҳамма нарсани - биз сеза оладиган нарсаларни ҳам, сезиш имкониятимиздан ташқарида бўлган нарсаларни ҳам ўзида мужассам қилиши лозим. Акс ҳолда Уни “тўла бутун” деб бўлмайди.

Тўла бутун, Худо Шахси, Кришна, сон-саноқсиз қувватларга эга(*парасайя шактир вивидхаива ируйате*). У Ўзининг ҳар хил қувватларини қандай намоён этиши ҳам "Бҳагавад-гита"да тушунтирилади. Бу намоён бўлган, ёки биз яшаб турган моддий олам ҳам тўла-бутундир, чунки, *санкхъя* фалсафасига кўра, моддий борлиқни вактингча намоён этувчи үигирма тўрт унсур, борлиқнинг мавжудлиги ни таъминлаб туриш учун зарур бўлган ҳамма нарсани яратишга кодир. Бу оламда ҳеч нарса ортиқча ҳам эмас, бирор нарсага эҳтиёж ҳам йўқ. Намоён бўлган борлиқ Олий Бутун белгилаган муддат давомида мавжуд бўлиб туради, ана шу муддат тугаганда, бу ўткинчи борлик, тўла бутуннинг мукаммал режаси асосида яксон бўлади. Тўла-бутуннинг кичкина, ўзига тўлиқ заррачалари бўлган тирик мавжудотлар тўла-бутунни англаб этиши учун зарур бўлган ҳамма нарсага эга. Улар ҳис қиласиган ҳар қандай камчилик ва етишмовчилик эса, уларнинг тўла-бутун тўғрисида жуда оз илмга эга эканлигидан келиб чиқади. "Бҳагавад-гита" - ведавий донишмандлик илмининг тўла баёнидир, у тўла-бутун Мутлақ Ҳакиқатни мукаммал таърифлаб беради.

Ведалар илми мукаммал ва бенуқсондир, ҳиндистонликлар буни тан оладилар. Ведалар илмига асосланган қоидаларда, смритиларда бирор ҳайвоннинг ахлатига кўл теккизган киши ҳаром бўлади, у юви-ниб покланиши лозим, деб кўрсатилган. Айни пайтда, Ведавий битикларда сигирнинг ахлати поклайди, деб кўрсатилган. Бундай кўрсатмалар бир-бирига зиддиятгидай бўлиб кўриниши мумкин, лекин Ведавий қонунларга амал қиласиган зотлар уларни сўзсиз қабул қиласилар. Чунки улар муқаддас китобларнинг - ведаларнинг кўрсатмаси бўлиб, уларни ишониб қабул қилган инсон ҳеч қачон адашмайди. Ҳозирги пайтда олимлар сигир ахлати барча антисептик хусусиятларга эга эканини аниқлаганлар. Ганга сувлари ҳам шундай хусусиятга эга. Шундай қилиб, ведавий илм тўла ва мукаммалдир, чунки у барча хатолик ва гумонлардан устун туради. "Бҳагавад-гита" эса, барча ведавий илмларнинг қаймоғи, мағзи ҳисобланади.

Ведавий илм - дунёвий олимларнинг илмий тадқиқотлари, изла-нишлари натижаси эмас. Инсон олиб борган ҳар қандай изланишлар, тадқиқотлар ҳамиша мукаммалликдан йироқ, чунки ўз изланишлари-

мизда биз яроксиз асбоблардан - номукаммал сезги аъзоларимиздан фойдаланамиз. Мукаммал илмга эга бўлиш учун, "Бҳагавад-гита"да айтилганидай, илмни ишонарли *парампара*(устоз силсиласи) оркали олиш керак. Биз илмни устоздан, - аввалида, асосида Худои Таолонинг Ўзи турган устозлар силсиласига мансуб бўлган ҳакикий устоздан ўрганишимиз лозим. Аржун шогирд сифатида Парвардигор Кришнадан кўрсатма-насиҳатлар олиб, Худои Таоло айтган гапларнинг барчасини сўзсиз қабул қилди. "Бҳагавад-гита" илмининг бир қисмини қабул қилиб, бир қисмини инкор этишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Биз "Бҳагавад-гита" илмини ўзимизча изохламасдан, ўзимизга ёқмаган гапларни ташлаб ўтмасдан, шахсий фикр ва истакларимизни четга суриб кўйиб, соф ҳолда қабул қилишимиз лозим. "Бҳагавад-гита"га ведавий илмларнинг энг мукаммал баёни сифатида ёндошиш керак. Ведавий илм илоҳий манбалардан олинган, уларни биринчи бўлиб Худои Таолонинг Ўзи сўзлар билан ифодалаган. Худои Таолонинг айтган гаплари *анауруша* деб аталади; яъни, улар оддий одамларнинг гапларидан фарқ қиласи. Оддий одамлар табиатига кўра тўрт нуқсонга эга: 1)хатоликка йўл кўйишга; 2)алданишга; 3)алдашга мойил; 4)сезгилари номукаммал. Табиатига хос бўлган мана шу тўрт нуқсон инсонни мукаммал ва ҳар томонлама тўлиқ илм манбаи бўлиш имкониятидан маҳрум қиласи.

Ведавий донишмандлик илмининг манбаи - ана шундай номукаммал тирик мавжудотлар эмас. Бу илм - энг аввало биринчи яратилган мавжудот, Браҳманинг қалбига жойланган эди. Ўз навбатида Браҳма, бу илмни Худои Таолодан қандай олган бўлса, шундайлигича ўғиллари ва шогирдларига берган. Парвардигор ҳар томонлама муккаммал(*пурнам*), У моддий табиат қонунларига бўйсунмайди. Фаросатли одамнинг Парвардигор - бутун борлиқдаги ҳамма нарсанинг тўлиқ эгаси эканини тушуниб олиши қийин эмас. Бошлангич яратувчи ва Браҳмани яратган ҳам шу Зотнинг Ўзи. "Бҳагавад-гита"нинг ўн биринчи бобида Аржун Парвардигорни *прапитамаха* деб атайди. Браҳмани *питамаха*, "бобокалон", деб атайдилар, Парвардигор эса, - борлиқнинг бобокалонини яратган Зотдир. Шундай қилиб, ҳеч ким ўзини бирор нарсанинг эгасиман деб ҳисобламаслиги керак. Худои Таоло бизга улуш сифатида хаётимиз учун ажратиб бериб кўйган нарсаларнигина қабул қилиб яшашимиз лозим.

Бизга Худои Таоло бериб кўйган нарсалардан қандай фойдаланиш лозимлигига жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Бу "Бҳагавад-гита"да ҳам тушунтирилади. Аввалига Аржун Курукшетрадаги жангда иштирок этишдан бош тортади. У ўзи мустакил ҳолда шундай қарорга келган эди.

Аржун Парвардигор Кришнага, ўз қариндошларининг ҳалокати эвазига қўлига келадиган салтанатда лаззатланиб яшай олмаслигини айтади. Аржун хаёт ҳакида ўз танаси нуқтаи-назаридан, яъни моддий

тасаввурга эга бўлгани туфайли шундай қарорга келган эди, чунки та-насини "ўзим" деб хисоблагани учун, оғайниларини, жиянларини, тоғаларини ўзининг қариндошлари, яъни "танасининг давоми" деб хисобларди. Яъни, шундай йўл билан Аржун танасининг эҳтиёжларини қондиришни истаган эди. Аржуннинг ҳаётга бўлган му-носабатини, унинг ҳаёт ҳакидаги нотўри тасаввурини ўзгартириш учун Худои Таоло унга "Бҳагавад-гита"ни гапириб берди. Натижада Худои Таолонинг амрига бўйсуниб, Аржун жангда иштирок этишига қарор қилди. *каришие вачанам тава* - деди у: "Мен Сенинг айтганинг ни қиласман!"

Бу дунёда яшаётган одамлар, ҳаётда худди ит-мушуклардай бир-бири билан уруш-жанжал қилиш учун туғилган эмаслар. Инсон ҳаётини муносиб қадрлаш, ҳайвонларга ўхшаб яشاши тарк этиш учун одамда етарли фаросат, заковат бўлиши керак. Энг аввало инсон бўлиб яшашдан мақсад нима эканини англаб олиш керак; муқаддас китобларнинг барчаси, уларнинг энг асосийси бўлган "Бҳагавад Гита" ҳам инсонни ана шунга ундайди. Ведавий илм, муқаддас китоблар ҳайвонлар учун эмас, инсонлар учун нозил бўлган. Ҳайвонлар бошқа ҳайвонларни ўлдиришлари мумкин, бу билан улар гуноҳ қилган хисобланмайдилар, лекин, инсон ўз нафсини тўйдириш, иштахасини қондириш учун ҳайвонларни ўлдириса, табиат қонунларини бузгани учун албатта жавоб беради. "Бҳагавад-гита"да аниқ айтилганки, табиат гуналари билан боғлик равишда инсоннинг фаолияти уч хил бўлади, - эзгулик гунасидаги фаолият, эҳтирос гунасидаги фаолият ва фафлат гунасидаги фаолият. Худди шундай, одамлар овқатланадиган таомлар ҳам уч турли бўлади: - эзгулик, эҳтирос ва фафлат гунасидаги таомлар. Буларнинг ҳаммаси "Бҳагавад-гита"да батафсил тушунтирилади. Агар биз "Бҳагавад Гита"нинг қўрсатмаларига амал қилиб яшасак, ҳаётимизни поклай оламиз ва охир-окибатда бу моддий оламни биратўла тарк этиб кета оламиз(*иад гатва на нивартанте тад ҳхама парамам мама*).

Моддий осмон чегарасидан ташқаридаги олам *санатана*, "мангу руҳий даргоҳ" деб аталади. Эътибор бериб карасак, моддий оламда бирор мангу мавжудот йўқ. Ҳар бир мавжудот маълум пайтда пайдо бўлади, ўсади, бироз вакт мавжуд бўлиб туради, мева беради, сўлади ва ниҳоят ўлиб йўқолади. Моддий оламнинг қонуни шундай, бу қонун ҳамма нарсага тегишли: хоҳ у бизнинг танамиз ёки бирор мева ёки бошқа нарса бўлсин. Лекин, бу ўткинчи оламдан ташқарида бутунлай бошқа олам мавжуд, бу ҳақда барча муқаддас китобларда айтилган. Ана шу олам ўзгача табиатга эга, яъни у мангу, *санатана*. Живанинг табиати ҳам мангу. "Бҳагавад-гита"нинг ўн биринчи бобида Худои Таоло ҳам мангу табиатга эга дейилган. Биз Худои Таоло билан бево-сита боғланганмиз, сифат жиҳатдан ҳаммамиз: - руҳий даргоҳ (*санатана-дҳама*), Олий Шахс (*санатана*) ва тирик мавжудотлар (*санатана*-

*на) - бир-биримиздан фарқ қилмаймиз, шу боис "Бҳагавад-гита"нинг мақсади - бизга ўзимизнинг мангу фаолиятимизни, санатана-дҳармани кўрсатиб беришдан иборат. Ҳозир биз ҳар хил фаолият билан машғулмиз, лекин буларнинг барчаси вақтингчалик ва нопок фаолиятлардир. Аммо, агар биз вақтингчалик фаолиятни тарқ этиб, Худои Таоло бизга буюриб қўйган мангу фаолият билан машғул бўлсак, ҳаётимизни санатана яъни, "мангу" деб ҳисоблаш мумкин.*

Худои Таоло, Унинг руҳий даргоҳи, тирик мавжудотлар *санатана* категориясига мансуб. Худои Таоло ва тирик мавжудотлар мангу даргоҳда ўзаро муносабатда бўлганида - тирик мавжудотнинг ҳаёти энг мукаммал даражага кўтарилади. Парвардигор Кришна барча тирик мавжудотларга жуда меҳрибон, чунки уларнинг барчаси Унинг фарзандлариdir. "Бҳагавад-гита"да Парвардигор шундай дейди: *сарва йонишу ... ахам биджса-прадаҳ пита* - "Мен барча тирик мавжудотларнинг отасиман". Албатта, дунёда тирик мавжудотлар сон-саноксиз, уларнинг ҳар бирининг алоҳида кармаси, тақдири бор, лекин Худои Таоло "хамма тирик мавжудотнинг отасиман", деб айтяпти. Шунинг учун, Худои Таоло барча шартланган руҳларни олдига қайтариш ва уларни Ўзининг мангу руҳий даргоҳига олиб кетиш учун бу дунёга ташриф буюради. Шунда мангу тирик мавжудотлар ўзларининг мангу уйларида Худои Таоло билан мангу муносабатда бўладилар. Худои Таоло бу дунёга ҳар хил қиёфаларда Ўзи келади, ёки Ўзининг ишонган вакилларини юборади. Улар бу ерга Унинг ўғиллари, ҳамроҳлари ёки устоз-ачаръялар сифатида келиб, шартланган руҳларни озодликка чиқарадилар.

Демак, *санатана-дҳарма* тушунчаси қандайдир диний оқимга тегишли тушунча эмас. Бу ибора билан мангу тирик мавжудотларнинг мангу Худои Таоло билан ўзаро мангу муносабатларида қиласиган мангу фаолияти ифодаланади. Аввал айтиб ўтганимиздек, "*санатана-дҳарма*" - мангу тирик мавжудотнинг мангу вазифасидир. *Санатана* иборасини тушунтирас экан, Шрипада Рамануджачаръя: *санатана* - "бошланиши ҳам, ниҳояси ҳам бўлмаган сифат", дейди. Шу боис биз *санатана-дҳарма* ҳакида гапирганда, Шрипада Рамануджачаръянинг обрўсига таянган ҳолда, унинг аввали ва охири йўклигини назарда тутишимиз лозим.

"Дин" иборасининг маъноси *санатана-дҳарма* иборасининг маъносидан фарқ қиласи. Дин сўзи ишонч, эътиқод ғоясини тушунтиради, эътиқод эса, маълумки, ўзгариб туради, кимдир бугун бир йўлга эътиқод килиши, эртага ундан эътиқоди қайтиб, бошқа бирор нарсага ишониб кетиши мумкин. Лекин, ҳеч қачон ўзгартириб бўлмайдиган сифат *санатана-дҳарма* деб аталади. Масалан, сувдан унинг суюқлик сифатини ажратиб бўлмайди, оловдан унинг иссиқлик сифатини ажратиб бўлмайди. Худди шундай, мангу тирик мавжудотдан ҳам унинг мангу фаолиятини ажратиб олиб бўлмайди. Шу боис, *санатана-*

*дхарма* ҳакида гапирганимизда, биз Шрипада Шанкарачарьянинг обўсига таянган ҳолда, унинг аввали ҳам, охири ҳам йўқлигини эътиборда тутишимиз лозим. Аввали ҳам, охири ҳам йўқ бўлган сифат қандайдир ўткинчи оқимга мансуб бўлиши мумкин эмас, чунки уни бирор чегара билан чеклаб қўйишнинг хеч қандай иложи йўқ. Ўзлари бирор диний оқимга мансуб бўлган кишилар адашиб, санатана-дхармани "диний оқим" деб айтишлари мумкин. Лекин, бу нарсани чукурроқ ўрганиб, уни ҳозирги замонавий илм нуқтаи-назаридан таҳлил қиласак, амин бўламизки, *санатана-дхарма* - жаҳондаги ҳамма одамларнинг, аниқроқ қилиб айтганда коинотдаги барча одамларнинг мангувазифаларирид.

Санатана категориясига мансуб бўлмаган ҳар қандай диннинг, эътиқоднинг инсоният тарихида қачонлардир бошланганини кўриш мумкин, *санатана-дхарма* эса мангув, ўзгармас фаолият, чунки у тирик мавжудот билан ҳамиша бирга, мангув. Ишонарли *шастра*(муқаддас китоб)ларда айтилишича, тирик мавжудот хеч қачон туғилмаган ва ўлмайди. Тирик мавжудот мангув, у хеч қачон йўқолмайди, у табиатан ўткинчи моддий тана ҳалок бўлгандан кейин ҳам мавжудлигича қолаверади. Санатана-дхарма тушунчасини тушунтирас эканмиз, биз(кўпинча дин деб таржима қилинадиган) бу иборани унинг санскрит тилидаги ўзагининг маъносидан келиб чиқкан ҳолда тушунишга ҳаракат қилишимиз лозим. Бирор нарсага ҳамиша хос бўлган сифат, хусусият *дхарма* деб аталади. Маълумки, ёруғлик ва иссиқлик оловнинг хусусиятлари; иссиқлик ва ёруғликдан маҳрум бўлган олов - олов эмас. Шунга ўҳашаш, биз тирик мавжудотнинг ҳамиша унга хос бўлган, ундан хеч қачон ажралмайдиган сифатини аниқлашимиз лозим. Бу сифат ҳамиша тирик мавжудотга хос бўлиши, ундан хеч қачон ажралмаслиги лозим. Ана шу сифат мангув дин, *санатана-дхарма* бўлади.

Санатана Госвами Шри Чайтанья Махапрабхудан тирик мавжудотнинг "сварупа"си ҳакида сўраганида, Худованд унга: *сварупа*, яъни тирик мавжудотнинг азалий ўзгармас сифати - Худонинг Олий Шахсига хизмат қилишdir, - деб жавоб берди. Худованд Чайтаньянинг мана шу гапини таҳлил қилиб, "ҳар бир тирик мавжудот ҳамиша кимгадир хизмат қилади", деган хulosага келиш мумкин. Бир тирик мавжудот ҳар хил йўллар билан, турли хил кўринишда ҳамиша бошқаларга хизмат қилиб, шундан лаззат олади. Ҳайвонлар одамларга хизмат қиладилар, хизматкорлар хўжайинига, А - хўжайини Б га хизмат қилади, Б хўжайини В га хизмат қилади, у ҳам ўз навбатида хўжайини Г га хизмат қилади ва ҳоказо. Атрофимизда дўстларнинг бир-бирига қандай хизмат қилишини, онаси - боласига, хотини - эрига, эри - хотинига ва ҳоказо хизмат қилаётганини кузатиш мумкин. Ана шундай кузатишларни давом эттириб, амин бўламизки, ҳар бир тирик мавжудот, албатта, кимгадир хизмат қилади. Сиёсатчилар сайловчиларга, ҳақиқатан ҳам уларга хизмат килмоқчи эканини исботглаш учун

ўзларининг сайлов олди дастурини тақдим этадилар, сайловчилар эса, “сиёсатчилар халқа ҳалол хизмат қиласидилар”, деган умидда унга овоз берадилар. Сотувчи харидорга хизмат киласи, ишчи - мулкдорга хизмат қиласи. Шундай қилиб, бошқаларга хизмат қиласидиган бирор тирик мавжудот топилмайди, шуни аниқ айтиш мумкинки, хизмат қилиш - барча тирик мавжудотларга хос бўлган мангу сифат, мангу дин, мангу эътиқодdir.

Шунга қарамай одамлар замон, макон ва шароитга қараб, ўзларининг у ёки бу динга мансуб эканини даъво қилиб, ўзларини индус, мусулмон, масиҳий, буддист ёки қайсиdir бошқа бир оқим вакили деб хисоблайдилар. Бу атамаларнинг бирортасининг “санатана-дхарма”га ҳеч қандай алоқаси йўқ. Индус эътиқодини ўзгартириб мусулмон бўлиши, мусулмон - индус бўлиши, масиҳий - бошқа яна кимдир бўлиши мумкин. Лекин, ҳар қандай ҳолатда ҳам эътиқоднинг, диннинг ўзгариши тирик мавжудотнинг бошқаларга хизмат қилишдан иборат бўлган мангу фаолиятига, санатана-дхармасига таъсир қиласиди. Ким бўлишимиздан қатъий назар, - мусулмонмизми, индусмизми ёки масиҳийми, - биз ҳамиша кимгадир хизмат қиласиз. Шундай қилиб, ўзини бирор динга, эътиқодга мансуб деб хисоблайдиган киши санатана-дхармага мансуб одам эмас. Ҳар бир одамнинг санатана-дхармаси - кимгадир хизмат қилиш.

Аслида бизларнинг барчамиз Худои Таоло билан Унга хизмат қилиш муносабатидамиз. Худои Таоло - олий лаззатланувчи, биз тирик мавжудотлар эса, - Унинг хизматкорларимиз. Бизлар Уни мамнун қилиш учун яратилганимиз, Парвардигорнинг лаззатли мангу эрмакла-рида иштирок этиб, ўзимиз ҳам лаззатланиб, ҳақиқий баҳтиёр бўламиз. Баҳтли бўлишнинг бошқа йўли йўқ. Худди танамизнинг бирор аъзоси ошқозон билан ҳамкорлик қиласиди турли, ўзи лаззатлана олмагани сингари, ҳеч қачон биз ўз ҳолимизча баҳтли бўла олмаймиз. Худои Таолога илохий муҳаббат билан холис хизмат қиласиди турли, тирик мавжу-дот ҳақиқий баҳтни ҳис эта олмайди.

“Бҳагавад-гита” ҳар хил фаришталарга сигиниш ва уларга хизмат қилишни инкор этади. “Бҳагавад-гита”нинг еттинчи боб, йигирманчи шеърида шундай дейилган:

*камайс таис таир хрита-джнанаҳ  
прападийанте "нія-деватаҳ  
там там нийамам астхайа  
пракритіа нийатах свайа*

“Нафси, орзу-истаклари тафаккурини ўғирлаб қўйган кишилар ўзларининг табиатига мос келадиган қоидаларга амал қилиб, фаришталардан нажот излаб, уларга сигинадилар”. Бу ерда аниқ айтилганки, Худои Таоло, Кришнага сигинмасдан фаришталардан паноҳ излаб юрган одамлар эҳтирос домига тушиб қолган зотлардир. Худои Таолони “Кришна” деб аташ билан биз Унинг қандайдир диний оқимга тегишли

номини келтираётганимиз йўқ. Санскритча *кришна* сўзи "олий лаззат" деган маънони билдиради. Худои Таоло барча лаззатларнинг манбаи, маркази эканини барча муқаддас китоблар тасдиқлайди. Ҳар бир тирик мавжудот лаззатланишга интилади. *Ананда-майо* "бхйасат" (Ведантасутра, 1.1.12). Тирик мавжудот ҳам Худои Таоло сингари тўлиқ онга эга бўлиб, ҳамиша баҳтга интилади. Худои Таоло ҳамиша лаззат оғушида бўлади, агар тирик мавжудотлар ҳам Худои Таоло билан алоқасини, ўзаро муносабатини қайта тикласалар, У билан ҳамкорлик қилсалар, У билан мулоқотда бўлиш йўлини изласалар, улар ҳам ҳамиша баҳтиёр бўладилар.

Бриндаванда лаззат ва баҳтга тўла эрмакларини намоён этиш учун Худои Таоло бу ўткинчи оламга ташриф буюради. Парвардигор Кришна Бриндаванда яшаган пайтда, Унинг подачи-болалар билан ўйинлари, подачи қизлар, Бриндаваннинг бошқа аҳолиси ва сигирлар билан бўлган муносабатлари илоҳий лаззатга тўла. Бриндаван аҳолиси учун ҳаётда Кришнадан бошқа ҳеч нарса мавжуд эмасди. Парвардигор Кришна, ҳатто отаси Нанда Махаражни ҳам фаришта Индрага сигинишни тарқ этиш лозимлигига ишонтирганди, чунки бу билан У одамларга ҳеч қандай фаришталарга сигинишнинг ҳожати йўклигини кўрсатмоқчи эди. Факат ягона Худои Таолога сигиниш лозим, чунки бу дунёга келиб қолган руҳнинг ҳаётдаги охириги мақсади -Худонинг мангур даргоҳига қайтишдир.

Парвардигор Кришнанинг даргоҳи "Бҳагавад-гита"да(15.6) таърифланган:

*на тад бҳасайате сурйо на шашанко на павакаҳ  
йад гатва на нивартанте тад дхама нарамам мама*

"Менинг даргоҳим на қуёш, на ой, на олов ва на бошқа бирор қувват билан ёритилмайди. Унга эришган киши моддий оламга бошқа қайтиб келмайди".

Бу ерда мангур олам таърифланган. Биз фақат моддий осмон, моддий олам ҳакида тасаввурга эгамиз, шу боис дарров хаёлимизга қуёш, ой ва юлдузлар келади. Лекин, бу ерда Парвардигор айтятники, мангур руҳий осмонни, руҳий оламни қуёш ҳам, ой ҳам, электр қуввати ҳам, олов ҳам ёритиб турмайди, чунки у Худонинг Олий Шахсидан тараляётган нур, *брахмаджъоти* ёғдуси билан ҳамиша ёруғ бўлиб туради. Биз бошқа сайёralарнинг табиатини аниқлашга шунча куч, маблағ сарфлаймиз, лекин, Худонинг даргоҳининг табиатини ўрганиш жуда осон. Худонинг даргоҳи "Голока" деб аталади. "Брахма-самхита"да Худонинг даргоҳи жуда ажойиб тасвиrlанган: *голока эва нивасатий акхилатма-бхутаҳ*. Парвардигор ҳамиша Ўзининг даргоҳи Голокада яшайди, лекин ҳатто моддий оламда яшайдиганлар ҳам Унга эришишлари мумкин. Айнан шунинг учун Худои Таоло бу оламга ташриф буюриб, Ўзининг мангур(*сач-чид-ананда-виграха*) қиёфасини намоён этади. Худои Таолонинг Ўзи кўз олдимизда асл қиёфасида турганида,

Унинг кўриниши қандай эканини хаёлан тахмин килиб, ўйлаб ўтиришнинг мутлақо ҳожати йўқ. Ҳар хил гумон ва шубҳаларга чек қўйиш учун, Унинг Ўзи моддий оламга келиб, одамларга Ўзининг хақиқий Шъямасундара киёфасини намоён этади. Бахтга қарши, фаросатсиз одамлар Унинг устидан куладилар, чунки У бу оламга худди бизларга ўхшаб келиб, ҳаётда Ўзининг "инсоний" бурчини бажариб юради. Лекин, бу билан Худои Таоло ҳам бизларга ўхшаган оддий одам, деб бўлмайди. Худои Таоло ҳамма нарсага қодир, шу боис У бу оламда ҳам Ўзининг асл киёфасида намоён бўлиб, худди Ўзининг руҳий оламдаги даргоҳидаги каби эрмакларини намоён эта олади.

Руҳий осмоннинг порлаган чексиз кенгликларида сон-саноқсиз руҳий сайёralар сузиг юради. Брахмаджитоти энг олий даргоҳдан, Кришналокадан таралиб туради, унинг нурларида аксиљмоддий, руҳий сайёralар учеб юради - *ананда-майя*, *чин-майя*. Худои Таоло: - *на тад бхасайате суръо на шашанко на павакаҳ йад гатва на нивартанте тад дхама парамам мама*, - дейди. Руҳий оламга эришган кишининг моддий оламга яна қайтиб келишининг мутлақо ҳожати йўқ. Моддий оламда биз Ойга эмас, ҳатто коинотдаги энг олий сайёрага(Брахмалокага) эришсак ҳам, ҳамма ерда ҳаётнинг бир хилда бораётганини кўрамиз, яъни, ҳамма ерда туғилиш, ўлиш, кексайиш ва касалликлар мавжуд. Моддий оламнинг ҳамма сайёralарида моддий ҳаётнинг мана шу тўрт қонуни ҳукм суради(*а-брахма бхуванал локаҳ*).

Тирик мавжудотлар бир сайёрадан бошқа сайёрага кўчиб юрадилар, лекин бу - биз хоҳлаган сайёрага моддий, механик усувлар билан эриша оламиз, дегани эмас. Бошқа сайёralарга эришиш учун "Бҳагавад-гита"да кўрсатилган усуслан фойдаланиш лозим: *йанти дева-врата деван питрин йанти питри-вратаҳ*. Сайёralараро саёҳат қилиш учун ҳеч қандай учадиган ҳаво кемасининг кераги йўқ. "Бҳагавад-гита"да *йанти дева-врата деван*, дейилган. Ой, куёш ва олий сайёralар Сваргалока туркумига киради. Сайёralар уч туркум: олий, ўрта ва куйи. Ер ўрта сайёralар туркумига киради. "Бҳагавад-гита"да оддий усул ёрдамида Олий сайёralар туркумига қандай кўтарилиши мумкинлиги тушунтирилган: *йанти дева-врата деван*. Бунинг учун ана шу сайёрани бошқариг турган фариштага сифинишнинг ўзи кифоя; шундай йўл билан Ойга, Куёшга ёки бошқа истаган олий сайёрага эришиш мумкин.

Лекин "Бҳагавад-гита" моддий оламдаги сайёralарга эришишга интилишни тавсия қилмайди, чунки биз маҳсус учадиган аппарат ясадб, қирқ минг йил парвоз қилиб(ким шунча яшай олади?), коинотдаги энг олий сайёра бўлган Брахмалокага эриша олсақ, ҳатто у жойда ҳам, худди Ер сайёрасидаги каби муаммоларга дуч келамиз: туғилиш, ўлиш, касаллик ва кексайиш. Лекин, руҳий оламдаги ҳар қандай сайёрага ёки олий сайёра, Кришналокага эришган киши бунга ўхшаган дунёвий муаммолардан бутунлай халос бўлади. Руҳий олам сайёrala-

ри ичида ягона бир сайёра бор, у "Голока Вриндавана" деб аталади. У барча сайёралар ичида энг олий сайёра - бошлангич азалий Худо Шахси, Шри Кришнанинг азалий сайёраси, Худонинг мангу даргохидир. Буларнинг барчаси "Бҳагавад-гита"да батафсил таърифланган, уни ўрганиб биз моддий оламни қандай тарк этиш ва мангу руҳий оламда мангу ҳаётга қандай эришиш йўлларини билиб оламиз.

"Бҳагавад-гита"нинг ўн бешинчи бобида моддий олам тўла тасвирлаб берилган. Масалан, унда шундай дейилган:

*урдхва-мулам адҳах-шакҳам ашваттҳам прахур авӣайам  
ҷҳандомси йасия парнани йас там веда са веда-вит*

Моддий олам бу ерда илдизи осмонга қараб, шоҳалари паствга қараб ўсган дарахтга ўхшатиб тасвирланган. Ҳар биримиз ана шундай дарахтни кўрганимиз: дарё ёки бошқа бирор сув бўйида туриб, дарахтларнинг сувдаги аксига назар солсақ, уларнинг илдизи юкорига, шоҳалари паствга қараган бўлади. Шунга ўхшашиб, моддий олам - ҳақиқий руҳий оламнинг шунчаки сояси, аксидир. Соянинг ҳақиқий танаси йўқ, ўзи мустақил эмас, лекин соясига қараб туриб, ҳақиқий мавжудот ҳақида маълумот олиш мумкин. Маълумки, чўлда сув йўқ, лекин унда кўзга кўринадиган сароб, қаердадир сув ҳақиқатан ҳам мавжудлигидан да-полат беради. Моддий оламда сув, яъни баҳт йўқ, лекин ҳақиқий баҳт суви руҳий оламда ҳақиқатан ҳам мавжуд.

Худои Таоло бизга руҳий оламга эришиш усулини ўргатади(15-5).

*ирмана-моҳа джиста-санга-доша  
дхӣатма-нитӣа винивритта-камаҳ  
вандовайр вимуқтҳа сукҳа-дуҳкҳа-самджснаир  
ачҷҳантӣ амудҳаҳ падам авӣайам тат*

падам авӣайам, яъни, мангу даргоҳга факат нирмана-моҳа даражасига эришган кишигина эриша олади. У қандай дараҷа? Биз барчамиз ҳар хил атама ва даражаларга боғланиб қолганмиз. Бирор "сэр" бўлгиси, яна бирор "лорд" бўлгиси келади, бирор "президент", "миллионер", "кирол" ёки яна қандайдир унвонга эга бўлгиси келади. Ана шундай мансаб ва атамаларга боғланганимиз - биз танамизга қанчалик боғланиб қолганимизни билдиради, чунки бу атамаларнинг барчаси факат танамизга боғлик бўлган нарсалардир. Лекин, аслида биз тана эмасмиз. Мана шу ҳақиқатни англай олиш - руҳий ўзликни англаш йўлида қўйилган биринчи қадам хисобланади. Ҳозир биз моддий табиатнинг уч гунаси чангалига тушиб, танамизга боғланиб қолганмиз, биз Худои Таолога садоқат билан холис хизмат қилиш ёрдамида гуналар чангалидан озодликка чиқишимиз лозим. Худога садоқат билан холис хизмат қилишга боғланмаган киши моддий табиатнинг уч гунасига боғланишдан кутула олмайди. Бизларнинг барча атамаларимиз, мансабларимиз, унвонларимиз ва боғланишларимиз - табиатимизга хос бўлган эҳтирос ва моддий табиаттага ҳукмронлик қилишга интилиш оқибатидир. Биз токи моддий табиат устидан ҳукмронлик қилиш иста-

гидан халос бўлмас эканмиз, Худонинг даргоҳига, санатана-дхамага қайтиб бора олмаймиз. Ана шу мангур, ўзгармас салтанатга ўткинчи моддий лаззатлар алдовига учмайдиган, уларга алданиб, руҳий юксалиш йўлидан адашмайдиган, ҳамиша Худои Таолога садоқат билан холис хизмат қилиб юрган кишигина эриша олади.

"Бҳагавад-гита"нинг бир шеърида шундай дейилади(8.21):

*авъякто "кишара итй уктас там ахух парамам гатим  
йам пратія на нивартанте тад дхама парамам мама  
авъякта дегани "намоён бўлмаган" деган маънони англатади. Биз  
ҳатто моддий оламни ҳам тўла кўра олмаймиз. Бизнинг сезги аъзола-  
римиз шу даражада чекланганки, биз ҳатто моддий коинотдаги юлдуз-  
ларни ҳам тўлиқ кўра олмаймиз. Ведаларда коинотдаги ҳар бир сайёра  
ҳақида жуда кўп маълумотлар берилган, биз бу маълумотларга ишо-  
нишимиз ёки ишонмаслигимиз ммукин. Ведавий битикларда, асосан  
"Шримад Бҳагаватам"да моддий оламнинг барча асосий сайёralари  
ҳақида, шунингдек, моддий оламдан ташқарида жойлашган, авъяктом,  
"намоён бўлмаган" деб аталадиган руҳий олам ҳақида маълумотлар  
берилган. Инсон ана шу руҳий салтанатга эришишга интилиши лозим,  
чунки у жойга эришган киши ҳеч қачон бу моддий оламга қайтиб кел-  
майди.*

Табиий равишда шундай савол туғилади: қандай йўл билан Худои Таолонинг мангур даргоҳига эришса бўлади? Бу саволга "Бҳагавад-гита"нинг саккизинчи бобида жавоб берилган:

*анта-кале ча мам эва смаран муктва калеварам  
йаҳ прайати са мад-бхавам йати насти атра самшиайаҳ*

"Умрининг охирида танасини тарк этаётуб, факат Мени эслаган киши шу заҳотиёқ Менинг табиатимга эришади. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ".(8.5). Ажали етганда Кришнани ўйлаган киши шу заҳотиёқ Кришнанинг даргоҳига эришади. Биз Кришнанинг қиёфасини ҳамиша хотирамизда саклашимиз лозим; танасини тарк этаётуб, Худои Таолонинг қиёфасини кўз олдига келтирган, уни эслаган киши шубҳасиз руҳий оламга кўтарилади. *Мад-бхава* ибораси олий тирик мавжудотнинг руҳий табиатини ифодалайди. Унинг табиати - *сач-чид-ананда-виграха*. Бу демак, Парвардигорнинг танаси мангур, илм ва лаззатга тўла. Биз ҳозирги танамизни *сач-чид-ананда* деб айтольмаймиз. Ҳозирги танамиз *сат* эмас, *асат*, яъни ўткинчи. У *чид*, илмга тўла эмас, аксинча, гафлат ботқоғига ботган. Биз руҳий салтанат ҳақида ҳеч нарса билмаймиз, ҳатто моддий олам ҳақида жуда оз нарса биламиш. Моддий танамиз *нирананда*: яъни, лаззат ҳис қилиш ўрнига у ҳамиша изтироб чекади. Тирик мавжудотнинг ҳаётдаги барча мусибатларининг манбаи унинг танасидир, лекин, Парвардигор Кришна, Худонинг Олий Шахси ҳақида ўйлаётган пайтда танасини тарк этаётуб киши шу заҳотиёқ ўзининг *сач-чид-ананда* танасига эга бўлади.

Инсон танасини тарк этар экан, ўзгармас, катъий қонунлар асосида бошқа танага эга бўлади. Кейинги ҳаётида қайси танага эга бўлиши аниқ белгиланганидан кейингина одам ҳозирги танасини тарк этади, яъни ўлади. Буни ҳар бир инсон ўзи эмас, олий кучлар, фаришталар ҳал қиласди. Ҳозирги ҳаётилизда қилаётган ишларимизга қараб биз руҳий юксалиш зинапоясидан юқорига кўтарилимиз ёки паства тушамиз. Ҳозирги ҳаётилиз кейинги ҳаётилиз учун қўрилаётган тайёргарликдир. Агар биз ҳозир умримиз давомида Худонинг даргоҳига эришишга тайёргарлик кўриб юрсак, ҳозирги моддий танамизни тарк этгандан кейин, албатта, Худои Таолонинг танасига ўхшаган руҳий танаға эга бўламиз.

Аввал тушунтирилганидек, руҳий тажриба билан шуғулланиб юрган одамлар ҳар хил тоифада бўладилар: *браhma-вади*, *параматмавади* ва (бҳакти)содиклар. Яна айтиб ўтган эдикки, *брахмаджайоти*(руҳий осмон)да сон-саноқсиз руҳий сайёralар мавжуд. Бу сайёralарнинг сони моддий оламдаги коинотлар сонидан анча кўп. Моддий олам бутун борлиқнинг тахминан тўртдан бир қисмини эгаллаган(*екамишена стхито джагагт*). Моддий оламда ҳар бирида трилионлаган сайёralар, қўёш, ой ва юлдузлар бўлган миллиардларча коинотлар мавжуд. Лекин, ана шу моддий олам - бутун борлиқнинг тўртдан бир бўлаги, холос. Бутун борлиқнинг тўртдан уч қисмини руҳий олам эгаллаган. Олий Браҳманга қўшилиб кетишга интилаётган кишилар Худои Таолонинг *брахмаджайоти* нурига кирадилар. Парвардигор билан ҳамсұхбат бўлишдан лаззатланишга интилаётган содиклар эса, сон-саноқсиз Вайкунта сайёralарининг бирига боради ва у ерда Худои Таоло билан Унинг тўлиқ экспансияларидан бири - Нарайана киёфасида мулоқот қилиш имкониятига эга бўлади. Худои Таолонинг руҳий сайёralардаги тўрт қўлли, Ўзининг тўлиқ экспансияси бўлган Нараянани ҳар хил номлар билан атайдилар: Нарайана, Прадьюмна, Анируддха, Говинда ва ҳоказо. Шундай қилиб, руҳий тажриба билан шуғулланиб юрган илоҳиёт кишилари умрининг охирида бутун фикру-хәелини ёки брахмаджайотида, ёки Параматмада, ёки Худонинг Олий Шахси, Шри Кришнада мужассам қиласдилар. Уларнинг барчаси руҳий оламга эришади, лекин фақат Худои Таоло билан бевосита, шахсан боғланган ва Унга садоқат билан хизмат қилиб юрган содик Вайкунтахага ёки Голока Вриндаванага эришади. Парвардигор таъкидлаб айтган: "Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ". Биз бунга аниқ ишонишимиш лозим. Ўзимиз тушуна олмайдиган нарсани ўйламасдан инкор этмаслик керак. Худои Таолонинг айтган гапларига, худди Аржун сингари муносабатда бўлиш керак: "Мен Сен айтган нарсаларнинг ҳаммасига тўлиқ ишонаман". Худои Таолонинг Ўзи, ким-ки ажали етганида Худои Таоло ҳақида Браҳман, Параматма ёки Худо Шахси киёфасида ўйласа, Худони эсласа албатта руҳий оламга эришади, деб айтган

бўлса, биз Унинг айтганларига шубҳа қилмаслигимиз лозим. Худонинг айтганларининг ҳаммасини комил ишонч билан қабул қилиш лозим.

"Бҳагавад-гита"(8.6)да, шунингдек, ажали етганда Парвардигорни эслаган тирик мавжудотнинг руҳий оламга эришишини белгилайдиган умумий қонун ҳам тушунтирилади:

*йам йам вати смаран бхавам тайаджати анте калеварам  
там там эваити каунтейа сада тад-бхава-бхавитаҳ*

"Одам танасини тарк этаётган пайтда қандай ҳаётнинг қандай ҳолатини эсласа, кейинги ҳаётида шундай ҳолатга эришади". Энг аввали шуни англаб олиш лозимки, моддий табиат - Худои Таолонинг қувватларидан бири ҳисобланади. "Вишну-пурана"да (6.7.61) Парвардигорнинг барча қувватларининг мажмуаси таърифланган:

*вишну-шактиҳара прокта киетра-джсакхайа татха парা  
авидайя-карма-самджсанайа трития шактир ишияте*

Парвардигор биз англай олмайдиган сон-саноксиз, турли-туман қувватларга эга: лекин буюк донишмандлар, озод руҳлар шу қувватларни мукаммал ўрганиб, уларни уч тоифага ажратганлар. Барча қувватлар *вишну-шакти* тоифасига киради, яъни Худованд Вишнунинг ҳар хил қувватлари ҳисобланади. Биринчи қувват *пара*, трансцендент, илохий қувват деб аталади. Аввал айтганимиздай, тирик мавжудотлар Худои Таолонинг олий қувватига мансуб. Унинг қолган барча қувватлари моддий ва ғафлат гунасига мансуб. Ажали етганда тирик мавжудот моддий оламнинг қуи қувватлари таъсири остида қолиши ёки руҳий оламга кўтарилиши мумкин. Шунинг учун "Бҳагавад-гита"да шундай дейилган:(8.6)

*йам йам вати смаран бхавам тайаджати анте калеварам  
там там эваити каунтейа сада тад-бхава-бхавитаҳ.*

"Танасини тарк этаётуб, инсон ҳаётнинг қайси ҳолатини эсига олса, кейинги ҳаётида шундай ҳолатга эришади."

Биз моддий ёки руҳий қувват ҳақида ўйлашга кўнишиб коламиз. Моддий қувват ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлган фикримизни қандай қилиб руҳий қувват таъсиридаги ўйларга ўзгартиришимиз мумкин? Жаҳонда бизнинг ақлу-хаёлимизни моддий қувват билан тўлдирадиган жуда кўп асарлар мавжуд. Улар ҳар хил газета, журнал, роман, повест, кино ва ҳоказолардан иборат. Ана шундай моддий адабиётлардаги ҳабарлар билан тўлиб кетган ақлимизни, онгимизни ведавий, муқаддас китоблардаги илохий ҳабарлар билан озиқлантира бошлишимиз лозим. Шу мақсадда буюк донишмандлар бизга Пураналар сингари жуда кўп ведавий асарлар қолдириб кетган. Пураналар кимдир ўйлаб, ўзидан чиқариб ёзилган асарлар эмас, Пураналар - ҳақиқий тарихий воқеалар таърифиdir. "Чайтаня-чаритамрита"да шундай шеър бор (Мадхья,20.122).

*майа мугдха джисвера нахи свата кришна-джсана  
джисвере крипайа каила кришна веда-пурана*

Унутувчан зотлар, яъни шартланган рухлар ўзларининг Худои Таоло билан муносабатларини эслай олмайдилар, уларнинг фикру-хаёли моддий, дунёвий фаолиятга бутунлай фарқ бўлган. Уларнинг фикрлаш кувватини руҳий ҳақиқатга йўналтириш учун Кришна-Двайпаяна Вийаса жуда кўп ведавий асарлар ёзди. У аввало Ведаларни тўрт кисмга бўлди, кейин уларни Пураналарда тушунтириб берди, чукур фикрлай олмайдиган кишилар учун эса "Махобхорат" эпосини ёзиб колдириди. "Бҳагавад-гита" "Махобхорат" таркиби киритилган. Кейин У Ведалар фалсафасини "Веданта-сутра"ларда умумлаштириди ва келажак авлоднинг саодатини ўйлаб, "Веданта-сутра"ларга ўзи изоҳ ёзиб, шу изоҳлар тўпламини "Шримад Бҳагаватам" деб атади. Биз ақлимизни, онгимизни мана шу асарларни ўқиши билан, улардан олинган илмни фикрлаш билан машғул килишимиз лозим. Дунёвий одамларнинг ақли ҳамиша газета, журнал ва бошқа ҳар хил дунёвий мавзулар ёритилган асарларни ўқиши билан банд. Бизлар ҳам Вийсадева колдириб кетган ведавий асарларни ўқиши, муҳокама килиш билан худди шундай машғул бўлишимиз лозим. Шунда биз умримизнинг охирида танамизни тарк этаётib, Худои Таолони эслай оламиз, Парвардигор Кришна ҳакида ўйлай оламиз. Бу - Худои Таоло қўрсатган, ҳақиқий натижага, энг олий мақсадга эриштирадиган ягона йўлдир: "Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас".

*тасмат сарвешу калешу мам анусмара йудхай ча  
майй арпита-мано-будхир мам эвашийасй асамишайаҳ*

"Шунинг учун, эй Аржун, сен ҳамиша Кришна қиёфасидаги Мени ўйлашинг, айни пайтда ўз бурчинги бажариб, жанг килишинг лозим. Қилаётган барча ишларингни Менга багишлаб, фикру-хаёлингни ҳамиша Менда мужассам қилиб, сен албатта Менинг даргоҳимга эришасан"(8.7).

Кришна ҳеч қачон Аржунга фақат Уни ўйлаб, муроқабага берилиб, ҳаётдаги бурчини бажаришдан бош тортишни маслаҳат бермаган. Йўқ, Худои Таоло ҳеч қачон бизга бажариб бўлмайдиган ишни буюрмайди. Моддий оламда яшаётган киши жонини танасида сақлаб туриши учун албатта ишлаши, меҳнат қилиши керак. Инсонлар жамияти ҳар кимнинг машғул бўлган фаолиятига қараб, тўрт табакага бўлинган (браҳманлар, кшатрийлар, вайшьялар ва шудралар). Браҳманларнинг, яъни ақлий меҳнат билан машғул зиёли кишиларнинг фаолияти кшатрий(хукмдор)ларнинг фаолиятидан фарқ қиласди. Савдогар ва ер эгаларининг, ишчиларнинг ҳам жамиятда аниқ белгиланган ўз бурчлари бор. Аммо, ҳар бир одам, - ҳоҳ у оддий ишчи бўлсин, ҳоҳ савдогар, хукмдор ёки олий табакадаги зиёли одам бўлсин - тирикчилик қилиш учун албатта ишлаши керак. Шу боис, Парвардигор Кришна Аржунга ўз бурчини бажаришдан бош тортмаслик кераклигини айтяпти. Лекин, ўз бурчини бажариш билан бирга у Худони, Кришнани ҳамиша эсида сақлаши лозим(мам анусмара). Агар инсон бутун умри давомида ти-

рикчилик ташвишлари билан бирга ҳамиша Кришнани эслаб юришни ўрганмаса, умрининг охирида, танасини тарк этаётиб, Худони, Кришнани эслай олмайди. Худованд Чайтанья ҳам бизни айнан мана шу хақда огохлантирган. *күртанийаҳ сада ҳарих*, - дейди У. Биз ҳамиша Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юришимиз лозим. Худонинг муқаддас номи билан Худонинг Ўзи орасида хеч қандай фарқ йўқ. Шунинг учун, Парвардигор Кришна Аржунга шундай деб буюради: "Ҳамиша Мени эслаб!" Худованд Чайтанья эса, "Ҳамиша Худонинг муқаддас номини зикр қилиб юринг!" - дейди. Улар иккиси ҳам бир нарсани айтишяпти. Бу икки кўрсатма орасида хеч қандай фарқ йўқ, чунки, "Кришна" деган ном билан Кришнанинг Ўзи орасида хеч қандай фарқ йўқ. Табиати мутлақ илохий бўлган нарсанинг ўзи билан номи орасида хеч қандай фарқ бўлмайди. Шунинг учун биз ҳамиша, ҳамма вакт Худонинг номини зикр қилиш билан Уни эслаб юришни ўрганишимиз лозим. Ҳаётимизни, қундалиқ ишларимизни шундай ташкил қилайлики, ҳамиша, ҳар лаҳзада Худони, Кришнани эслаб юрадиган бўйайлик.

Буни қундалиқ турмушда қандай амалга ошириш мумкин? Ачаръялар бунга шундай мисол келтирадилар. Эри бор аёл бошқа бирорвни севиб қолса, ёки хотини бор эркак бошқа бир аёлни севиб қолса, одатда уларнинг севган кишисига боғланиши жуда кучли бўлади. Шундай ҳолатга тушиб қолган киши ҳамиша севгилисини ўйлаб юради. Эри бор аёл, ҳатто уй ишлари билан банд бўлиб юриб ҳам, ҳамиша ўзининг севгилиси билан учрашишни ўйлаб юради. Аслида у, эри бирор нарсани сезиб қолмаслиги учун, уй ишларини ҳатто аввалгидан ҳам яхширок бажара бошлайди. Биз ҳам худди шундай, ҳамиша олий севгилими ҳақида, Шри Кришна ҳақида ўйлаб юришимиз, айни пайтда ўз бурчимишни виждан билан бажаришимиз лозим. Бунинг учун Худои Таолони қаттиқ севиш керак. Агар биз қалбимизда Худои Таолога нисбатан чуқур мухаббат уйғота олсак, ҳаётдаги ўз бурчимишни бажариш билан бир вактнинг ўзида Худони ўйлай оламиз. Лекин, бунинг учун қалбимизда Худоги мухаббат туйғусини ривожлантиришимиз лозим. Шу тарзда Аржун ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юрган; у Кришнанинг мангуброҳи эди, айни пайтда ўзининг жангчилик вазифасини ҳам бажаарди. Кришна хеч качон Аржунга ўз бурчингни бажаришни тарк этиб, Ҳимолай тогига ёки ўрмонга бориб, муроқабага берил, деб айтмаган. Парвардигор Кришна Аржунга йога тизими ҳақида гапириб берганида, Аржун Унга бу усул менга тўғри келмайди, деб жавоб берганди. *аржуну увача*

*йо "йам йогас твайа проктах самайена мадхусудана*

*этасиахам на пашшами чанчалатват стхитим стхирам*

"Аржун шундай деди: - О Мадхусудана, Сен таърифлаб берган йога усули менга тўғри келмайдиганга ўхшайди, чунки менинг ақлим нотинч ва беҳаловат"(6.33).

Аммо, Худои Таоло бундай дейди:

*йогинам ати сарвешиам мад-гатенантаратмана  
шраддхаван бхаджате йо мам са ме юктатамо матах*

"Барча йоглар ичидা, ҳамиша қалбида мавжуд бўлган Мен ҳакимдаги ўйлар билан банд бўлган, мустаҳкам иймон билан Менга сажда қилиб, муҳаббат билан Менга холис хизмат қиласиган киши, - Менга қаттиқ боғланган ва камолотнинг энг юкори погонасига кўтарилиган хисобланади. Менинг фикрим шундай"(6.47). Шундай қилиб, ҳамиша Худои Таолони эслаб юрган киши бир вақтнинг ўзида энг яхши йог, энг яхши гйани ва энг яхши содик хисобланади. Шундан кейин Парвардигор Кришна Аржунга айтадики, кшатрий бўла туриб, унинг жанг қилишдан бош тортишга ҳаққи йўқ. Лекин, агар, жанг қила туриб, ҳамиша Кришнани ўйлаб юрса, ажали етганда ҳам Уни эслай олади. Бунинг учун киши ўз ихтиёрини Кришнага бутунлай топшириши ва хаётини Худога садоқат билан хизмат қилиш билан бутунлай банд қилиши лозим.

Аслида биз танамиз билан эмас, ақлимиз ва тафаккуrimiz билан харакат қиласиз. Шунинг учун, агар ақлимиз ва тафаккуrimiz ҳамиша Худои Таоло ҳакидаги ўйлар билан банд бўлиб юрса, бизнинг хиссиётимиз ўз-ўзидан, табиий равишда, Худога хизмат қилиш билан машғул бўлади. "Бҳагавад-гита" бизга қандай қилиб ақл ва тафаккуrimizни ҳамиша Худои Таоло ҳакидаги ўйлар билан банд қилиб юришни ўргатади. Шундай ўйларга фарқ бўлиб, умримизнинг охирида биз Худонинг даргоҳига эриша оламиз. Агар кишининг ақли Худога, Кришнага хизмат қилиш билан банд бўлса, унинг хиссиёти ҳам табиий равишда шу хизматга жалб қилинган бўлади. Бу - ҳакиқий санъатdir, "Бҳагавад-гита"нинг сири ҳам мана шунда: ҳамиша Худои Таоло, Шри Кришна ҳакидаги ўйларга фарқ бўлиб юриши.

Хозирги замонда олимлар Ойга етиб бориш учун шунча уриняптилар, лекин руҳий камолотга эришиш учун амалда бирор харакат қилмайдилар. Ҳали олдида эллик йил умри бор одам, ана шу қисқа вақт ичидা ҳамиша Худонинг Олий Шахси ҳакида ўйлаб юришга ўрганиши лозим. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг мазмуни, моҳияти, мақсади шундан иборат.

*шраванам киртанам вишноҳ смаранам пада-севанам  
арчанам ванданам дасайам сакхйам атма-ниведанам*

"Шримад Бҳагаватам"(7.5.23)

Инсонлар фаолиятининг бу ерда кўрсатилган тўққиз тури фикру-хаёлимизни ҳамиша Худои Таолода мужассам қилиб яшашга ёрдам беради. Уларнинг ичидা энг осони *шраванам*, - "Бҳагавад-гита"ни Худога эришган киши оғзидан эшиших хисобланади. Шунинг шарофати билан биз Худои Таолони ҳамиша эслаб юра оламиз ва умримизнинг охирида ҳозирги танамизни тарқ этиб, Парвардигор билан бемалол мулокотда бўлиш имконини берадиган руҳий танага эга бўламиз.

Кейин Парвардигор шундай дейди:

*абхайаса-йога-йуктена четаса наниа-гамина  
парамам пурушамм дивиам йати партханучинтайан*

"Хамиша Мени, Худонинг Олий Шахсини эслаб юрган, бошқа ҳеч нарсага chalғимасдан ҳамиша Мен ҳакимда чукур ўйларга берилиб юрган киши шубҳасиз Менинг олдимга келади"(8.8).

Бу усул жуда осон, лекин бу усулни аввал ўзи мукаммал ўргангандишигина бошқаларга ўргата олади. *Тад-виджнанартхам са гурум эвабхигачхет*: Шу йўлдан бораётган кишига мурожаат қилиш керак. Ақлимиз ҳамиша ҳар тарафга интилиб юради, лекин биз ҳамиша уни Худои Таоло, Шри Кришнанинг киёфасида ёки Унинг мукаддас номининг товушида мужассам қилишга ўрганишимиз лозим. Ақл ўзининг табиатига кўра нотинч ва бетайин, аммо Кришнанинг муқаддас номларининг товушига гарк бўлиб, у хотиржам, осойишта бўлиб, бир жойда мужассам бўла олади. Шунинг учун, *парамам пурушамга*, руҳий даргоҳдаги Худонинг Олий Шахсига муроқаба қилиш ёрдамида Худонинг даргоҳига қайтиш керак. "Бҳагавад-гита"да ҳаётда энг олий мақсадга эришиш, руҳий ўзликни англаш йўллари ва усуллари кўрсатилган, ана шу сирли илм дарвозалари ҳамма учун очик. Бу буюк даргоҳга ҳар бир инсон кира олади. Жамиятдаги ҳар кандай табака вакиллари ҳам Парвардигор Кришнанинг илм ва лаззатга тўла мангу даргоҳига эриша оладилар, чунки Худои Таоло ҳакида тинглаш ва Уни эслаб юриш ҳар кимнинг қўлидан келади.

Шунинг учун, Худои Таоло шундай дейди:

*мам хи партха вийапашритийа ўе "ни сийх пана-йонаиаҳ  
стрийо вашийас татхা шудрас те "ни йанти парам гатим  
ким пунар брахманаҳ пунйа бхакта раджаршайас татхा  
анитиам асуҳхам локам имам пратиа бхаджасва мам*

Бу ерда Парвардигор айтяптики, ҳар бир одам, ҳатто савдогар, йўлдан адашган аёл, ишчи ёки энг пасткаш одам ҳам Худога эриша олади. Бунинг учун чукур тафаккур эгаси бўлиш шарт эмас; гап шундаки, *бхакти-йога* қоидаларига амал қиласиган ва Худои Таолони Мутлак Ҳакикат, энг олий саодат деб тан олиб, Уни ҳаётининг энг олий мақсади ва мазмуни деб қабул қиласиган ҳар бир киши руҳий оламдаги Худонинг даргоҳига эриша олади. "Бҳагавад-гита"да баён этилган қоидаларга амал қилиш билан инсон ўзининг ҳаётини мукаммал даражага кўтаради ва моддий ҳаётдаги муаммоларининг барчасини биратўла ҳал этади. "Бҳагавад-гита" таълимотининг мазмуни ва моҳияти шундан иборат.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, "Бҳагавад-гита" - илохий асар ва уни дикқат билан жиддий ўрганиши лозим. *Гита-шастрам идам пунйам йаҳ патхем прайатаҳ пуман* - "Бҳагавад-гита"нинг кўрсатмаларига жиддий амал қилиб юрган киши ҳаётдаги барча мусибат ва ташвишларидан бутунлай ҳалос бўлади. *Бхайа варджитаҳ* - у

ҳаётида учрайдиган барча қўрқув ва хавотирлардан халос бўлади, ва винноҳ падам авантоти - кейинги ҳаётида руҳий оламга эришади(Гита-махатмъя, 1).

Бу йўлнинг яна бир афзал томони бор:

*гитадхайана-шиласйа пранайама-парасйа ча  
наива санти хи папани турва-джсанма-критани ча*

"Агар киши "Бҳагавад-гита"ни чин қалби билан ишониб, жиддий ўрганса, Худонинг марҳамати билан у аввалги гуноҳларининг барча оқибатларидан халос бўлади"(Гита маҳатмъя, 2). "Бҳагавад-гита"нинг охирги бобида Парвардигор очиқдан-очик эълон қилиб айтади-ки,(18.66):

*сарва-дҳарман паритайджайа мам экам шаранам враджса  
ахам твам сарва-папебхий мокшайишами ма шучаш*

"Ҳар хил ўткинчи динларни тарк эт, ўз ихтиёргинги бутунлай Менга топшир. Мен сени барча гуноҳларинг оқибатидан халос этаман. Ҳеч нарсадан қўркма". Шундай қилиб, Ўзига ихтиёрини бутунлай топширган одамни Худои Таоло Ўз ҳимоясига олади ва уни барча гуноҳлари оқибатидан халос этади.

*мала-нирмочанам пумсам джасала-санам дине дине  
сакрид гитамрита-санам самсара-мала-нашанам*

"Инсон танасининг кирини кетказиш учун ҳар куни сувда чўмилиши мумкин, лекин у умрида бирор марта муқаддас Ганга сувларига ўхшаган "Бҳагавад-гита" сувида чўмилса, моддий ҳаётида орттирган барча иллатларидан биратўла, бутунлай халос бўлади"(Гита-махатмъя, 3).

*гита су-гита картавийа ким аниаиҳ шастра-вистараиҳ  
иа свайам падманабхасйа мукха-падмад винихсрита*

"Бҳагавад-гита"ни бевосита Худонинг Олий Шахсининг Ўзи айтиб бергани сабабли, бошқа қандайдир ведавий асарларни ўрганишнинг ҳожати йўқ. "Бҳагавад-гита"ни жиддий ва мунтазам ўқиб юришнинг ўзи кифоя". Ҳозирги даврда одамлар дунёвий ишларга шунчалик берилиб кетганки, барча ведавий асарларни ўқишга уларнинг сира вақти топилмайди. Лекин бу шарт эмас. "Бҳагавад-гита"нинг ўзи етарли, чунки энг аввало Худои Таолонинг Ўзи бевосита айтгани учун, бу китоб барча ведавий асарларнинг қаймоғи, мағзи ҳисобланади: (Гита-махатмъя, 4).

*бхарамрита-сарвасвам винну-вактрад вигихсритам  
гита-гангодакам питва пунар джсанма на видйате*

"Агар Ганганинг сувидан ичиб юрган одам озодликка эришадиган бўлса, "Бҳагавад-гита" шарбатини мунтазам татиб юрган киши ҳақида нима дейиш мумкин? "Махобҳорат"нинг бутун қаймоғи, шарбати "Бҳагавад-гита"да тўплланган, у Кришнанинг, бошланғич азалий Парвардигор Вишнунинг Ўз оғзидан чиққан" (Гита-махатмъя, 5). "Бҳагавад-гита" Худонинг Олий Шахсининг бевосита оғзидан чиққан,

Ганга эса маълумки, Худои Таолонинг нилуфар қадамлари пойидан бошланади. Албатта Худои Таолонинг пойи қадамлари ҳам Унинг оғзи сингари муқаддас, лекин, чукур таҳлил қилиб англаш мумкинки, "Бҳагавад-гита" ўзининг моҳияти, ахамияти билан ҳатто муқаддас Ганга сувларидан ҳам устун туради.

*сарвопанишадо гаво додгха гопала-нанданаҳ*

*партоҳо ватсаҳ су-дхири бхокта дугдҳам гитамритам маҳат*

"Бу "Гитопанишад", барча упанишадларнинг мағзини ўзида мужассам қилган "Бҳагавад-гита" - машҳур подачи Кришна соғаётган сигирни, Аржун эса бузокни эслатади. Шу боис донишмандлар ва Худонинг соғ содиклари "Бҳагавад-гита"нинг шарбатли сутидан ичишлари лозим."(Гита-маҳатмия, 6).

*экам шастрам деваки-путра-гитам эко дево деваки-путра эва  
эко мантрас тасйа намани йани кармати экам тасйа девасйа сева*

*(Гитамахатмия, 7)*

Одамлар "Бҳагавад-гита"нинг ўгитларини англаб олишлари лозим: *экам шастрам деваки-путра-гитам* - жаҳонда фақат битта китоб бор, у ҳамма учун бирдай азиз, муқаддас. Шу китоб - Калом ул Оллоҳ, яъни Худонинг каломи - "Бҳагавад-гита";

*эко дево деваки-путра эва* - бутун борликда ҳамма учун ягона Парвардигор, битта Худои Таоло мавжуд, У - Шри Кришна;

*эко мантрас тасйа намани йани* - ҳамманинг зикр қилиши учун, ягона калима, дуо - илтижо мавжуд, у - маҳа-мантра:

Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре,

Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре.

*кармати экам тасйа девасйа сева* - ҳамма одамлар учун ягона бўлган санатана-дхарма, ҳақиқий дин, мангу фаолият мавжуд - Парвардигор Кришнага, ягона Худои Таолога садоқат билан холис хизмат қилиш.

\* \* \* \* \*

## **Рухий устозлар силсиласи**

*эвам парампара прантам(Б.г.4.2).* Парвардигор Кришна нозил қилган "Бҳагавад-гита" бизга куйидаги мўътабар рухий устозлар силсиласи орқали етиб келган:

1. Кришна, Худонинг Олий Шахси.
2. Брахма
3. Нарада
4. Вьяса
5. Мадхва
6. Падманабха
7. Нрихари
8. Мадхава
9. Акшобхья
10. Джая Тиртха
11. Гъянасиндху
12. Даянидхи
13. Видьянидхи
14. Раджендра
15. Джаядхарма
16. Пурушоттама
17. Брахманья Тиртха
18. Вьяса Тиртха
19. Лакшмипати
20. Мадхавендра Пури
21. Ишвара Пури(Нитъянанда, Адвайта)
22. Худованд Чайтанья
23. Рупа(Сварупа, Санатана)
24. Рагхунатха, Джива
25. Кришнадас
26. Нароттама
27. Вишванатха
28. (Баладева), Джаганнатха
29. Бхактивинода
30. Гауракишора
31. Бхактисиддханта
32. А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупада

## **Биринчи боб**

### **Курукшетрадаги қүшинлар таърифи**

*1. дхритараشتра увача*

*дхарма-кишетре куру-кишетре самавета йүйүтсаваҳ  
мамакаҳ пандаваш чаива ким акурватса санджсайа*

**Дхритараشتра шундай деди: - О Санжай, жанг қилиш иштиёқида муқаддас зиёратгоҳ - Курукшетра майдонида тўпланиб, Пандунинг ўғиллари билан менинг ўғилларим нима қиляптилар?**

Изоҳ: "Бҳагавад-гита" - жуда кенг тарқалган муқаддас китоблардан бири, унинг моҳияти "Гита-маҳатмья"да баён этилган. Унда жумладан шундай дейилган: "Бҳагавад-гита"ни Шри Кришнанинг содик хизматкори бўлган киши билан бирга диққат билан, жиддий ўрганиш лозим". Унинг маъносини англаш учун шахсий манфаатларга асосланган ногўғри изоҳлардан узоқроқ бўлиш муҳим аҳамиятга эга. "Бҳагавад-гита"ни қандай тушуниш кераклигини биз унинг ўзидан билиб оламиз: бу асарни Худои Таолонинг бевосита Ўзидан эшитган Аржун тўғри тушунган. Агар инсон ҳаётда омади келиб, "Бҳагавад-гита"ни Худонинг ҳақиқий вакили оғзидан эшитиш ва худди Аржундай, ҳеч қандай шубҳаю-гумонларсиз тушуна олиш баҳтига эришса, ундей одамни ведавий асарларнинг барчасида ва жаҳондаги бошқа барча муқаддас китобларда баён этилган илоҳий илмларгага мукаммал эга бўлган донишманд, деса бўлади. "Бҳагавад-гита"дан инсон жаҳондаги барча муқаддас китобларда баён этилган илмларни, бунинг устига бошқа бирор муқаддас китобда топилмайдиган нодир илмни ўрганади. "Бҳагавад-гита"нинг tengsiz афзалиги ҳам шунда. "Бҳагавад-гита" - Худо ҳақидаги мукаммал илм, чунки уни бевосита Парвардигор Шри Кришнанинг Ўзи, Худонинг Олий Шахси баён этган.

"Маҳобхорат"да келтирилган Дхритараشتра билан Санжайнинг суҳбати бу буюк фалсафий асарнинг негизини ташкил этади. Маълумки, "Бҳагавад-гита" Курукшетра жанг майдонида баён этилган. Бу жой жуда қадимдан, ер юзида Ведавий маданият ҳукм сурган замонлардан бери муқаддас зиёратгоҳ ҳисобланади. Худои Таоло одамларга Ҳақиқатга эришиш йўлини кўрсатиш учун бизнинг сайёрамизга ташриф буорганида, "Бҳагавад-гита"ни шу жойда гапириб берган эди.

Мазкур шेърда *дхарма-кишетра* (диний маросимлар ўтказиладиган жой) сўзи муҳим аҳамиятга эга, чунки Курукшетрадаги

жангда Худои Таоло Аржун тарафда турган эди. Курузодаларнинг отаси Дхритараштра бўлажак жангда ўғилларининг ғалаба қозонишига кўзи етмай саросимага тушиб ўтирганди. Қалбидаги ана шу гумонлар уни хизматкори Санжайга савол билан мурожаат қилишга мажбур этди: -"Улар нима қиляптилар?" Дхритараштра ўғиллари билан укаси Пандунинг ўғиллари жанг қилиш учун Курукшетрада тўпланганини яхши биларди, лекин унинг саволида бошқача маъно бор. Аслида у амаки-օғайниларнинг сулҳ тузишларини истамасди, айни пайтда бўлгуси жанг натижаси, ўғилларининг тақдирни уни ташвишга соларди. Улар жанг қилиш учун, ведавий битикларга кўра, ҳатто фаришталар учун ҳам муқаддас зиёратгоҳ бўлган Курукшетра майдонини танлагани сабабли, Дхритараштра бу муқаддас зиёратгоҳ бўлгуси жанг натижасига таъсир кўрсатишидан кўрқарди. Муқаддас зиёратгоҳ Аржунга, Пандузодаларга ижобий таъсир қилиб, жангда ёрдам беришини у яхши биларди, чунки улар тугилганидан бери тақводорлик билан кун кечирадилар. Санжая Въясанинг шогирди бўлиб, унинг марҳамати билан ҳатто Дхритараштранинг саройида ўтириб ҳам Курукшетра майдонида бўлиб турган воқеа-ходисаларни яққол кўриш имкониятига эга эди. Шунинг учун, Дхритараштра ундан жанг майдонида рўй берадиган ходисалар тафсилотини сўрайти.

Пандузодалар ҳам, Дхритараштранинг ўғиллари ҳам бир авлодга мансуб, лекин Дхритараштранинг берган саволи унинг жиянларига нисбатан қандай муносабатда эканини ошкор этиб турибди. У атайлаб Куро авлодига фақат ўзининг ўғилларини кўшаётгани билан Пандузодаларни хаққоний хукукларидан маҳрум этяпти. Бу Дхритараштранинг Пандузодаларни ёктирмаслигидан далолат беради.

Шундай қилиб, ҳикоянинг аввал бошиданоқ маълум бўладики, ҳаққоний диннинг отаси бўлган Шри Кришнанинг Ўзи иштирок этаётган Курукшетра жанг майдонида, худди шолини ёввойи ўтлардан тозалагандай, барча ёввойи ўт(Дхритараштранинг ўғли Дурйодхана ва бошқалар)лар яксон қилинади ва Худои Таолонинг амри билан Юдхиштхира бошчилигига ҳаққоний тақводор зотлар ғалаба қозонадилар. *дхарма-кишетра ва куру-кишетра* сўзларининг ведалар маданияти ва тарихида кўрсатилган маъноларидан бошқа, бу ердаги моҳияти ана шундан иборат.

## 2. санджайа увача

*дриштва ту пандаваникам віҶудхам дурйодханас тада  
ачарйам упасангаміа раджса вачанам абравит*

**Санжай шундай деди: Пандузодаларнинг ҳарбий қўшинининг жанговор сафларини кўздан кечириб, шоҳ Дурйодхана устозининг олдига келиб, унга шундай деди.**

Изоҳ: Дхритараштра туғма кўр эди. Бахтга қарши унинг қалб кўзи ҳам руҳий жиҳатдан кўр эди. У ўғиллари ҳам дин масалалари бўйича ўзи сингари кўр эканини, ҳамиша тақводор инсонлар бўлган Пандузодалар билан ўғиллари хеч қачон муроса қилиб яшолмаслигини яхши биларди. Унинг қалби нотинч: муқаддас зиёратгоҳ ўғилларига қандай таъсир қилишидан кўнгли хавотирда эди. Жанг майдонида бўлаётган ҳодисалар ҳақида суриштиришга Дхритараштрани нима мажбур қилиб турганини Санжай яхши биларди. Руҳи тушган шоҳнинг кўнглини кўтариш учун, Санжай, муқаддас жойнинг кўрсатаётган салбий таъсирига қарамай, унинг ўғиллари сулҳ тузиш ниятида эмаслигини айтди. Шу боис у шоҳга, ўғли Дурйодхана Пандузодаларнинг ҳарбий кўшинини кўздан кечириб, жанговор вазиятни тушунтириш учун, Курулар кўшинининг бош саркардаси Дроначарьянинг олдига келганини айтди. Гарчи бу ерда Дурйодхана “шоҳ” деб аталган бўлса ҳам, вазиятнинг жиддийлиги уни кўшинининг бош саркардаси олдига боришга мажбур қилганди. Бу ҳаракати унинг моҳир сиёsatчи эканидан далолат беради. Лекин, ҳатто Дурйодханадай тажрибали сиёsatчи ҳам Пандузодалар кўшинини кўрганида даҳшатдан қалбига ғулғула тушганини яшира олмади.

*3. пашайитам панду-путранам ачарйа маҳатим чамум  
вийдхам друпада-путрена тава шишийена дхимата*

**Ҳой Устоз, талантли шогирдинг, Друпаданинг ўғли моҳирлик билан сафга тизган Пандузодаларнинг қудратли кўшинига бир назар солинг!**

Изоҳ: Моҳир сиёsatчи Дурйодхана машхур саркарда-брахман Дроначарьяга йўл қўйган хатосини кўрсатмоқчи бўлди. Бир пайтлар Драупадининг отаси шоҳ Друпада билан Дроначарья жанжаллашиб қолган эдилар. Драупади кейин Аржуннинг хотини бўлди. Дроначарьядан ҳақоратланган шоҳ Друпада катта қурбонлик маросими ўтказиб, Дроначарьяни ўлдиришга қодир бўлган ўғил фарзандга ота бўлганди. Дроначарья буни яхши биларди, лекин, олийхиммат брахман бўлгани сабабли, ўзига шогирд бўлиб юрган Друпаданинг ўғли Дхриштадьюмнага хеч иккиланмасдан барча ҳарбий санъат сирларини ўргатганди. Энди, Курукшетра жанг майдонида Дхриштадьюмна Пандузодалар тарафида турар, Дроначарьядан олган илмларини амалда қўллаб, Пандузодалар кўшинини жанговор сафга тизган эди. Дурйодхон “жанг пайтида хеч кимни аяб ўтирасин”, деган ният билан Дроначарьяга йўл қўйган хатосини эслатиб қўяди. Ўзининг бу сўзлари билан Дурйодхон Дроначарьяга ўзининг севимли шогирдлари - Пандузодалар билан бўладиган жангда кўнгилчанлик қилмаслиги лозимлигига хозирданоқ ишора қилиб кўйяпти. Дроначарьянинг энг севимли ва

мохир шогирди Аржун эди, шунинг учун, Дурйодхон Дроначаръяга жанг майдонида ҳар қандай кўнгилчанлик албатта мағлубиятга олиб келиши мумкинлигидан огоҳлантириб қўйяпти.

*4. атара шура маҳешив-аса бхимарджуна-сама йудхи  
йуйудхано вираташи ча друпадаши ча маҳа-ратхаҳ*

**Бу қўшин таркибида, жангда Бхима ва Аржундан қолишмайдиган жасур камонбозлар кўп. Улар орасида Ююдхан, Вирата ва Друпада сингари буюк жангчилар бор.**

Изоҳ: Дхриштадьюмнанинг бир ўзи Дроначаръядай буюк ва мохир саркардага бас кела олмасди, лекин Пандузодаларнинг қўшини таркибида жасоратини тан олишга лойик жангчилар кўп эди. Дурйодхана, улар ғалабага эришиш йўлида катта тўсик бўлади деб ҳисобларди, чунки бу жангчиларнинг ҳар бири Бхима ва Аржун сингари қудратли эди. Бхима билан Аржуннинг қудрати унга яхши маълум, шу боис у бошқа жангчиларни улар билан тақкосляяпти.

*5. дхриштакетуш чекитанаҳ кашираджаси ча вирйаван  
пуруджит кунтиходжаси ча шаибайси ча нара-пунгаваҳ*

**Буюк, қўрқмас ва қудратли жангчилар Дхриштакету, Чекитана, Кашираджа, Пуруджит, Кунтиходжа ва Шайбъялар улар томонда.**

*6. йудхаманийиши ча викранта уттамауджаси ча вирйаван  
саубхадро драупадейаси ча сарва эва маҳа-ратхаҳ*

Қудратли Юдхаманью, қўрқинчли Уттамауджа, шунингдек, Субхадранинг ўғли ҳамда Драупадининг ўғиллари улар билан бирга. Уларнинг ҳаммаси аравада жанг қилиш санъатини яхши биладиган буюк жангчилардир.

*7. асмакам ту вишишиша ие тан нифодха двиджсоттама  
найака мама саинийасиа самджсартиҳам тан бравими те*

**Эй браҳманлар аълоси, энди менинг қўшинимни жангга олиб кирадиган машҳур саркардалар ҳақида эшит.**

*8. бхаван бхиишмаши ча карнаши ча крипаши ча самитим-джайиах  
аишваттхама викарнаши ча саумадаттис татхаива ча*

**Улар орасида ўзинг сингари енгилмас жангчилар: Бхишма, Карна, Крипа, Ашваттхама, Викарна ва Сомадаттанинг ўғли Бхуришравалар бор.**

Изоҳ: Бу ерда Дурйодхана, жангда мағлубият нималигини билмаган машҳур жангчиларни санаб ўтятти. Викарна Дурйодхананинг укаси, Ашваттхама - Дроначаръянинг ўғли, Саумадатта(Бхуришрава) эса, Бахлика шоҳининг ўғли эди. Карна Аржуннинг бир онадан туғишган акаси эди: малика Кунти уни ҳали шоҳ Пандуга турмушга чиқмасдан аввал түккан эди. Крипачаръя - Дроначаръянинг хотини Крипининг акаси, ака-сингил эгизаклардан бири.

*9. ание ча баҳаваҳ шура мад-артхе тайакта-джисвитаҳ  
нана-шастра-праҳаранаҳ сарве йуддха-вишарадаҳ*

**Бизнинг қўшинда мен учун жонини қурбон қилишга тайёр бўлган бошқа қаҳрамонлар ҳам кўп. Уларнинг барчаси ҳар хил қуроллар билан қуролланган, жанг қилишда катта тажрибага эга.**

Изоҳ: Джаядратха, Критаварма ва Шалья сингари бошқа жангчилар жангда Дурйодхана учун жонини беришга тайёр. Бошқача қилиб айтганда, Курукшетра жангидаги уларнинг қурбон бўлиши муқаррар эди, чунки улар гуноҳкор Дурйодхана тарафида жанг қиласидилар. Лекин, кўриниб турибдики, дўстлари ва иттифоқчилари бўлган, юқорида санаб ўтилган қудратли жангчиларнинг қудратига таяниб, Дурйодхана жангда албатта ўзининг ғалаба қозонишига ишончи комил эди.

*10. апарӣаптам тад асмакам балам бхишмабхирақишиштам  
парӣаптам тв идам этешам балам бхимабхирақишиштам*

**Бхима зўр бериб ҳимоя қилаётган Пандузодаларнинг жанговор қудрати чекланган, лекин бобом Бхишма мустаҳкам ҳимоя қилаётган бизнинг қўшинимиз чексиз қудратга эга.**

Изоҳ: Бу ерда Дурйодхана рақибининг ҳарбий қудратини таққослаб баҳолаянти. Айниқса тажрибали саркарда, авлоднинг энг кекса аъзоси Бхишма ҳимоя қилаётгани сабабли, у ўз қўшинининг қудратини чексиз деб ҳисоблади. Аксинча, Пандузодаларнинг қудрати эса, Бхишма билан тенглашириб бўлмайдиган Бхимасена ҳимояси остида бўлгани сабабли чекланган. Дурйодхана ҳамиша Бхимани ёмон кўрарди, чунки, у қачон бўлса ҳам, фақат Бхиманинг кўлидан ҳалок бўлишини яхши биларди. Лекин, тенгсиз тажрибага эга бўлган бобоси Бхишманинг жангда ўзи томонда туриб иштирок этаётгани учун жангда ғалаба қозонишдан умид қиласиди. Бошқача қилиб

айтганда, мазкур жангда ғалаба қозонишга Дурйодхананинг тўла асоси бор эди.

*11. айанешу ча сарвешу йатха-бхагам авастхитаҳ  
бхишмам эвабхиракшанту бхавантаҳ сарва эва хи*

**Жанговор сафда ҳар ким ўз ўрнини мустаҳкам ҳимоя қилиш билан бирга, барчангиз бобом Бхишмани ҳар жиҳатдан қўллаб-куватлашингиз лозим.**

Изоҳ: Дурйодхана Жасур Бхишмани олқишилагандан кейин, “бошқа жангчилар ўзини камситилган деб ўйлаши мумкин”, деган ўйга борди ва сиёсий айёргигини ишга солиб, бу вазиятни тўғрилашга уринди. Дурйодхана таъкидлаб айтяптики, Бхишма шубҳасиз буюк қаҳрамон, лекин анча кексайиб қолган, шунинг учун бошқа жангчилар уни ҳар тарафдан ҳимоя қилиш чорасини кўришлари лозим. У бир тарафдан жанг қилаётганида, душман бундан фойдаланиб, бошқа тарафдан жангга кириши мумкин. Ҳар бир жангчи душманнинг бошқа тарафдан келиб, сафни бузиб юборишига имкон бермай, ўз ўрнида мустаҳкам қолиши жуда муҳим. Куруларнинг ғалабаси бутунлай Бхишмага боғлиқ эканини Дурйодхана яхши биларди. У Бхишмадева билан Дроначарья ўзини қўллаб-куватлашини яхши биларди, чунки, Курузодалар Аржуннинг хотини Драупадини, саройда тўпланган машхур жангчилар даврасида ечинтироқчи бўлганда, Драупади улардан ёрдам сўраб ёлворган, лекин иккови ҳам сукут саклаб, ҳеч қандай жавоб бермаганини яхши эсларди. Албатта, Дурйодхана бу икки саркарда Пандузодаларга қаттиқ боғланган эканини ҳам биларди, лекин барибир у, худди қимор ўйини пайтидагидай, улар бу боғланишларини эсидан чиқариб юборадилар, деб умид қиласди.

*12. тасёа санджсанайан ҳаршам куру-врддоҳаҳ питамахаҳ  
симха-надам винадийоччаиҳ шанкхам дадхмау пратапаван*

**Шунда, Куру авлодининг жасур бобокалони, Курукшетрада тўпланган жангчиларнинг энг хурматлиси Бхишма жанговор сурини қаттиқ қалиб юборди. Унинг арслон наърасидай жарангдор овози Дурйодхон қалбини қувончга тўлдириди.**

Изоҳ: Курулар хонадонининг энг кекса бобокалони невараси Дурйодхоннинг қалби қандай ахволда эканини тушунган эди. Табиий равишда, унга ачинганидан Бхишма Дурйодхоннинг кўнглини кўтариб кўйишга қарор қилди. Худди, бекорга уни шерга қиёсламасликларини билдириб кўймоқчи бўлгандай, жанговор сурини қаттиқ қалиб юборди. Бир тарафдан унинг сур қалишида ҳам рамзий маъно бор: бу билан

у аклини йўқотган невараси Дурйодханага, бўлгуси жангда у ғалабадан умид қилмаса ҳам бўлишини билдириб қўймоқчи, чунки унинг ракиблари томонида Худои Таолонинг Ўзи, Парвардигор Кришна турибди. Лекин Бхишма, ўз бурчига содик қолган ҳолда, нима бўлса ҳам жангда, албатта охиригача жанг киласди.

*13. татаҳ шанкхаи ча бхерйаши ча панаванака-гомукхай  
саҳасаива бхайаханъянта са шабдас тумуло бхават*

**Унга жўр бўлиб, бутун осмонни гулдурос шовқинга тўлдириб, бирданига сурлар, барабанлар, найлар, горнлар ва шохлар овози янгради.**

*14. татаҳ шветаир хайаир йукте маҳати сийандане стхитай  
мадхаваҳ пандаваш чиша дивайа шанкхай прададхматуҳ*

**Шунда, рақиб тарафда оппоқ отлар қўшилган ғаройиб жанг аравасида турган Парвардигор Кришна ва Аржун ҳам ўзларининг илохий сурларини чалдилар.**

Изоҳ: Бхишманинг сурига қарши ўлароқ, Кришна ва Аржуннинг кўлидаги сурлар бу ерда "илохий" деб аталган. Бу илохий сурларнинг овози шундан хабар берардики, рақибнинг ғалабадан ҳеч қандай умиди йўқ, чунки Кришна Пандузодалар тарафида. *Джайаст ту пандурутранам йешам пакиҳ джсанарданаҳ*. Пандунинг ўғилларига ўхшаган одамлар ҳамиша ғалаба қозонадилар, чунки Парвардигор Кришна ҳамиша улар билан бирга. Худои Таоло қаерда бўлса, ҳеч қачон эридан ажралмайдиган, омад келтирувчи равнақ фариштаси ҳам шу ерда бўлади. Демак, Аржунни бу жангда омад ва ғалаба кутаётган эди, Вишну(Парвардигор Кришна) сурининг илохий товушлари шундан хабар бериб туради. Бунинг устига, дўйстлар ўтирган жанг аравасини Аржунга олов фариштаси Агни-дева совға қилган эди. Бу эса шуни билдирадики, бу араванинг устида туриб бутун уч оламдаги душманларни яксон қилиш ва дунёнинг ҳамма тарафини ишғол қилиш мумкин.

*15. панчаджанайам хршикешио девадаттам дхананджайаҳ  
наундрам дадхмау маҳа-шанкхам бхима-карма вркодараҳ*

**Парвардигор Кришна Ўзининг Панчаджанайасини чалди, Аржун эса - Девадаттасини; ғаройиб қаҳрамонликлари билан машхур, тўймас Бхима ўзининг катта сурি - Паундрани чалди.**

Изоҳ: Бу ерда Парвардигор Кришна *Хришикеша* деб аталган, чунки У - барча тирик мавжудотларнинг ҳиссиёт аъзоларининг ҳукмдори. Тирик мавжудотлар - Худои Таолонинг ажralmas зарралари, демак, уларнинг ҳиссиётлари Худои Таолонинг ҳиссиётларининг бир қисми. Имперсоналистлар тирик мавжудотда ҳиссиёт қандай келиб чикишини тушунтира олмайдилар, шу сабабли улар тирик мавжудотларни “ҳиссиётлардан маҳрум бўлган” ёки “шахс сифатига эга эмас”, деб кўрсатишига уринадилар. Аслида тирик мавжудотнинг ҳиссиёти уларнинг қалбида бўлган Худои Таолонинг ҳукми остида: инсон ўз ихтиёрини Унга қай даражада топширса, шу даражада Худои Таоло унинг ҳиссиётларини бошқариб туради. Ўз ихтиёрини бутунлай Худога топширган содикларнинг ҳиссий фаолиятини эса, бевосита Худои Таолонинг Ўзи бошқариб туради. Курукшетра жанг майдонида Худои Таоло Аржуннинг илоҳий ҳиссиётларини шахсан Ўзи бошқариб турарди, шу боис У бу ерда *Хришикеша* деб аталган. Худои Таолонинг турли-туман номлари жуда кўп, бу номларда Унинг фаолиятининг ҳар хил жиҳатлари ифодаланган. Уни “Мадхусудана” деб атайдилар, чунки У Мадху деган иблисни ўлдирганди; Уни “Говинда” деб атайдилар, чунки У сигирларга ва ҳиссиётларга лаззат беради; Уни “Васудева” деб атайдилар, чунки У Ер юзига Васудеванинг ўғли сифатида ташриф буюрган; Уни “Девакинандана” деб атайдилар, чунки У Девакини Ўзига она қилиб танлаган; Уни “Яшоданандана” деб атайдилар, чунки У Ўзининг Вриндавандаги болалик ўйинлари лаззатини Яшодага совға килган; Уни “Партха-саратха” деб атайдилар, чунки У дўсти Аржуннинг жанг аравасини бошқаряпди. Шунга ўхшаб, Худои Таоло Курукшетра майдонида Аржуннинг ҳаракатларини бошқариб тургани учун Уни “Хришикеша” деб ҳам атайдилар.

Бу ерда Аржун *Дхананджая*("бойлик эгалловчи") деб аталган, чунки у, бир пайтлар ҳар хил қурбонлик маросимларини ўтказиш учун зарур бўлган бойлик тўплашда оғасига ёрдам берган эди. Бхима эса, бу ерда *Врикодара*("тўйимас, бўриқорин") деб аталган, чунки у фақат иблис Хидимбани ўлдириш сингари гаройиб қаҳрамонликлари билан эмас, тўйимас иштаҳаси билан ҳам машхур эди. Шундай қилиб, Пандузодалар кўшини сафида турган, Худои Таолонинг Ўзидан бошлаб барча буюк қаҳрамонлар чалган сурлар овози кўшиндаги жангчилар қалбини қувончга тўлдириди. Уларнинг рақиблари бундай шарофатдан маҳрум эди: уларнинг ёнида олий ҳукмдор Парвардигор Кришна ҳам, омад фариштаси ҳам йўқ. Шу сабабли уларнинг мағлубияти мукаррар бўлиб, сур овозлари шундан далолат берарди.

16-18. *анантавиджайам радижа кунти-пурро йудхииштихираҳ  
накулаҳ сахадеваши ча сухоша-манипушпакау  
кашиаши ча парамешв-асаҳ шикханди ча маҳа-ратхаҳ  
дхристадиумно вираташи ча сатийакии чапараджиситаш*

*друпадо драупадейаш ча сарвашах пртхиви-пате  
саубхадраши ча маҳа-баҳуҳ шанкхан дадхмуҳ притхак притхак*

Кунтиниңг ўғли, шоҳ Юдхиштхира ўзининг Анантавиджая деган, Накула ва Сахадева эса, Сугхоша ва Манипушпака деган сурларини чалдилар. Эй олампаноҳ, буюк камонбоз шоҳ Каши, буюк жангчи Шикханди, Дхриштадьюмна, Вирата, енгилмас Сатьяки, Друпада, Драупадининг ўғиллари ва Субхадраниңг қўллари қудратли ўғли сингари бошқа жангчилар ҳам жанговор сурларини чалиб юбордилар.

Изоҳ: Санджай мулоимлик билан Шоҳ Дхритараштрага, унинг Пандузодаларни алдаб, таҳтга ўзининг ўғилларини ўтқазишига қаратилган нотўғри сиёсати ҳеч қандай мақтovга сазовор эмаслигини билдириб кўйди. Жуда кўп аломатлар бу буюк жангда Курӯхонадонининг бутунлай кирилиб кетишини баshoreт килиб туради. Авлоднинг энг кекса вакили Бхишмадан тортиб, то энг ёш вакиллари(Абхиманю ва бошқалар)гача - жанг майдонига тўплангандарнинг барчаси, шу жумладан жаҳоннинг жуда кўп шоҳлари жангда ҳалок бўлишга маҳкум этилган эдилар. Жаҳонни ларзага соглан бу оғир мусибат ўғилларига қаттиқ боғланиб қолган Дхритараштранинг айби билан рўй бераётган эди.

*19. са гҳою дхартараиштранам хрдайани вийадарайат  
набхаши ча пртхивим чаива тумуло бхъанунадайан*

**Улар чалаётган сурларининг гулдурос овозлари жўр бўлиб, бетиним ғувилларди. Еру осмонни ларзага соглан бу жарангдор овоз Дхритараштра ўғилларининг қалбига ғулғула солди.**

Изоҳ: Бхишма ва Дурйодхананинг бошқа иттифоқчилари сурларини чалганда Пандузодаларнинг қалби ҳечам ларзага келмаганди. Уларнинг сур овозлари ракиб қўшинини гангитиб кўйгани хақида ҳеч қаерда гапирилмаган, аммо, бу ерда аниқ айтилганки, Пандузодаларнинг жангчилари чалган сур овозлари Дхритараштра ўғилларининг қалбига ғулғула солди. Бунга сабаб - Пандузодаларнинг ўзлари ҳамда уларнинг Парвардигор Кришнага бўлган мустаҳкам ишончи, иймон-эътиқоди эди. Худои Таолонинг паноҳи остига кирган киши ҳатто энг катта оғат ва мусибатлар олдида ҳам кўркинч, даҳшат нималигини билмайди.

*20. атха вийавасихитан дрштва дхартараиштран капи-дхваджасаҳ  
правртте шастра-сампате дханур уйдамайа пандаваҳ  
хришикешам тада вакйам идам аха маҳи-пате*

**Шунда Пандунинг ўғли - Хануман тасвирланган байроқ хилпираб турган жанг аравасида ўтирган Аржун, камонини кўлига олиб, пайкон йўллашга хозирланди. Аммо, эй шаҳаншоҳ, жанговор сафга тизилган Дхритараштранинг ўғиллариға қараб туриб, Аржун Парвардигор Кришнага шундай сўзлар билан мурожаат қилди.**

Изоҳ: Жанг бошланишига жуда оз вақт қолганди. Олдинги шеърдан биламизки, Дхритараштра ўғилларининг анча руҳи чўккан эди, улар Парвардигор Кришнанинг Ўзи бошқариб турган Пандузодалар кўшинини жангга бунчалик тайёр холда учратишни асло кутмаган эдилар. Аржуннинг байроғида ифодаланган Хануманнинг сурати - Пандузодаларнинг ғалабаси мукаррарлигининг яна бир аломати эди, чунки Хануман Парвардигор Рамачандра билан бирга иблис Раванага карши курашган, шу жангда Парвардигор Рамачандра ғалаба қозонган эди. Хозир эса, улар иккови ҳам, - Парвардигор Рама ва Хануман, - бўлғуси жангда унга ёрдам бериш учун Аржуннинг жанг аравасида. Парвардигор Кришна - Парвардигор Рамачандранинг ўзи, Рама қаерда бўлса, Унинг мангу хизматкори Хануман, баҳт ва омад фариштаси Сита ҳам шу ерда бўлади. Шу боис, Аржун ҳозир хеч қандай душмандан кўрқмасди. Бунинг устига, хиссиётлар султони Парвардигор Кришна, унинг ёнида туриб барча ҳаракатларини Ўзи бошқариб турарди, жанг пайтида Аржун истаган пайтда Ундан керакли кўрсатмалар олиши мумкин. Ўзининг мангу хизматкори учун Худои Таоло яратган кулай вазият ва шароит Аржуннинг бу жангда ғалабаси мукаррар эканига хеч қандай шубҳа колдирмасди.

### *21-22. аржуна увача*

*сенайор убхайор мадхье ратхам стхапайа ме чўута  
йавад этан нирикие аҳам ўоддху-каман авасихитан  
каир майа саха ўоддхавийам асмин рана-самудийаме*

**Аржун шундай деди: Эй бегуноҳ Зот, Сендан илтимос, жанг арамни олдинга чиқариб, икки қўшин ўртасига қўй. Биз билан жанг қилиш ниятида бу ерга тўпланган зотларни, бу буюк жангда кимлар билан жанг қилишимни бир кўриб олай.**

Изоҳ: Парвардигор Кришна - Худонинг Олий Шахси, лекин Ўзининг бесабаб марҳамати билан дўсти Аржунга хизмат қиляпти. Ўзининг содик хизматкорлари учун Парвардигор ҳар нарсага тайёр, шунинг учун Аржун Уни “бегуноҳ” деб атаяпти. Аржуннинг жиловдори вазифасини бажаар экан, Кришна унинг ҳамма буйруқларини бажариши лозим эди, ҳамиша Ўз бурчини бекаму-кўст бажараётгани туфайли Аржун Уни “бегуноҳ Зот” деб айтапти. Аммо, Ўзининг содик хизматкорининг жиловдори бўлса ҳам, Парвардигор Кришна Ўзининг

Худои Таолога хос ҳолатини, илохий кудратини йўқотгани йўқ. Ҳар қандай шароитда ҳам Кришна Худонинг Олий Шахси, Хришикеша, барча хиссиётлар ҳукмдори бўлиб қолаверади. Худои Таоло билан Унинг хизматкори жуда илиқ, соф руҳий муносабатлар билан боғланган. Худонинг содик хизматкори ҳамиша Унга хизмат қилишга интилади, Худои Таоло эса, ҳамиша хизматкорига қандайдир хизмат билан яхшилик қилиш имкониятини излайди. Содик хизматкори ана шундай имкониятни қабул қилиб, Унга буйруқ берганида, Парвардигор бундан Ўзи буйруқ бергандагидан кўра қўпроқ лаззат олади. Худои Таоло - бутун борлиқнинг Ҳукмдори бўлгани учун, бизларнинг ҳар биримиз Унинг ҳукми остидамиз, ҳеч ким Унга буйруқ бера олмайди. Аммо, Худои Таоло Ўзининг содик хизматкорининг бирор буйругини эшитса, ҳар ерда, ҳамиша бегуноҳ ва кудратли Ҳукмдор бўлиш билан бирга, бундан чексиз илохий лаззат олади.

Худонинг содик хизматкори бўлган Аржун ўзининг оғайнин-қариндошлари билан жанг қилишни истамас, лекин тинчлик ҳақидаги ҳар қандай сулҳ шартларига кўнмаган Дурйодхананинг ўжарлиги, қайсарлиги сабабли жанг қилишга мажбур бўлганди. Шунинг учун Аржун жанг майдонига қайси саркардалар ташриф буюрганини кўриб олишга шошиларди. Гарчи бундай вазиятда тинчлик сулхи тузиш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин бўлмаса-да, у ўзининг рақибларини яна бир бор кўрмоқчи, уларнинг бу киргинаштари урушда иштирок этишга қанчалик интилаётганини билмоқчи бўлаётган эди.

*23. йотсайманан авекие аҳам йа эте аттра самагатаҳ  
дхартараштрасай дурбуддхер йудхе прия-чикиршаваҳ*

**Дхритараштранинг ёвуз ниятли ўғлининг кўнглини овлаш учун бизларга қарши жанг қилишга бел боғлаган зотларни бир қўриб олай.**

Изоҳ: Дурйодхананинг, аслида ҳаққоний равишда Пандузодаларга тегишли бўлган салтанатни ноконуний йўллар билан тортиб олишга интилаётгани, шу ниятда отаси Дхритараштранинг қўллаб-куватлаши ёрдамида ҳар хил маккорликлар уюштираётгани ҳеч кимга сир эмасди. Шу боис, Дурйодхана тарафида жанг қилмоқчи бўлганларнинг барчаси бирдай ярамас одамлар эди. Ким билан жанг қилишини билиш учун Аржун уларнинг барчасини жанг олдидан кўрмоқчи бўляпти, лекин улар билан тинчлик ҳақида музокара олиб бормоқчи эмас. Гарчи, ёнида Парвардигор Кришна бўлгани сабабли, бу жангда ғалаба қилишига ҳеч қандай шубҳа қилмаса ҳам, у албатта, рақиб кўшинининг кудратини ҳам аниқламоқчи эди.

*24. санджайа увача*

*эвам укто хришикешо гудакешена бхаратам  
сенайор убхайор мадхийе стхапайитва ратхомтамам*

**Санжая шундай деди: - Эй Бхарат авлоди, Аржуннинг илтимосига кўра Парвардигор Кришна унинг гаройиб жанг аравасини олдинга чиқариб, икки қўшин ўртасига қўйди.**

Изоҳ: Бу ерда Аржун "Гудакеша" деб аталган. Гудака - сўзи "уйқу" деган, гудакеша ибораси эса - "уйқусини енгган" деган маънени англатади. Уйқу дегандা, одатда, ғофиллик назарда тутилади. Бошқача килиб айтганда, Кришна билан дўстлиги шарофатидан Аржун уйқусини ҳам, ғофиллигини ҳам енгишга эришган эди. Кришнанинг буюк содиги бўлгани учун, у бир лаҳза ҳам Уни эсидан чикармасди, чунки ҳақиқий содиклар шундай бўладилар. Ўнгидами, тушидами, содиклар Кришнанинг номини, Унинг киёфасини, Унинг сифатларини ва илоҳий эрмакларини ҳамиша эслаб юрадилар. Содик ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юргани сабабли, у уйқусини ва ғофиллигини енгишга муваффақ бўлади. Ҳамиша ана шундай ҳолатда юриш - Кришна онгига бўлиш, ёки *самадҳи* деб аталади. Хришикеша, барча тирик мавжудотларнинг акли ва хиссиётларининг хукмдори бўлган ҳолда Кришна, нима сабабдан Аржун жанг аравасини икки қўшин ўртасига қўйишни буорганини яхши биларди. Унинг амрини бажара туриб, Парвардигор унга шундай деди.

*25. бхишма-дрона-прамукхатаҳ сарвешам ча маҳи-кишитам  
увача партха пашийаштан самаветан курун ити*

**Бхишма, Драна ва жаҳондаги бошқа барча хукмдорларининг кўзи олдида Парвардигор шундай деди: - "Эй Партха, бу ерда тўпланган барча Куруларга қара!"**

Изоҳ: Олий Рух кўринишида барча тирик мавжудотларнинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигор Кришна ҳозир Аржуннинг кўнглидан нималар кечаётганини яхши биларди. Олдингги шеърда ишлатилган Парвардигорнинг номи (Хришикеша) Унга ҳамма нарса аён эканини билдиради. Аржуннинг бу ерда Партха, (Кунти)"Притхининг ўғли" деб аталиши жуда мухим. Аржуннинг дўсти сифатида Кришна унга шуни айтмоқчики, Аржун - Васудеванинг синглиси, яъни холаси Кунтининг ўғли бўлгани учун унинг жиловдори бўлишга рози бўлди. Кришна Аржунга "Куруларга қара!"- деганида нимани назарда тутган эди? Наҳотки Аржун ниятидан қайтиб, жангда иштирок этишдан бош торгса? Кришна Ўз жиянидан, Притхининг ўғлидан буни кутмаган эди. Шу тариқа Худои Таоло ҳазил билан Аржуннинг қалbidаги кайфияти ўзгаришини башорат қилган эди.

*26. матрапашайтам стхитан партхаҳ питрн атха питамахан  
ачарыйан матулан бхратрн путран паутран сакхимс татха  
шивашуран сухрдаи чаива сенайор убхайор ани*

**Икки қўшин ўртасида туриб, Аржун сафда турган оталарини, бо-  
боларини, устозларини, тоғаларини, aka-укаларини, ўғилларини,  
невараларини, дўстларини, шунингдек қайноталари ва ўзига ях-  
шилик қилувчи зотларни кўрди.**

Изоҳ: Аржун жанг майдонида ўзининг барча қариндошларини кўриб турарди. У отасининг тенгқур дўсти бўлган Бхуришравани, бо- болари Бхишма ва Сомадаттани, устозлари Дроначаръя ва Крипачарьяни, тоғалари Шалья ва Шакунини, aka-укалари Дурйодхана ва бошқаларни, Лакшмана сингари ўғилларини, дўстларини(Ашваттхама ва бошқалар), ўзига кўп яхшилик қилган зотларни, масалан Критавармани, бошқа жуда кўп зотларни кўрди. Бир сўз билан айтганда, у сафларида жуда кўп қариндошлари турган икки қўшинни ҳам кўздан ке- чирди.

*27. тан самикиши са каунтейах сарван бандхун авастхитан  
крпайа парайавишто виииданн идам абравит*

**Кунтининг ўғли, Аржун, жанг майдонида ўзининг барча дўстлари  
ва қариндошларини кўриб, қалби чуқур ачиниш, ҳамдардлик  
туйғуси билан тўлди. Кўнгли чўкиб, у шундай деди.**

*28. арджсунга увача  
дритвемам сва-джсанам кришина йуйутсум самупастхитам  
сиданти мама гатрани мукхам ча паришиштати*

**Аржун шундай деди: - О Кришна, кўз олдимда жанг қилиш  
иштиёқида турган қариндош ва дўстларимни кўриб, оғзим қуриб,  
оёқларимнинг жони қочиб кетаётир.**

Изоҳ: Ҳақиқатан ҳам Худонинг содик хизматкори бўлган киши авлиё ва фаришталарга хос бўлган барча эзгу фазилатларга эга бўлади. Аксинча, Худога ишонмайдиган иймонсизлар эса, дунёвий жиҳатдан қанчалик ўқимишли, маданиятли бўлмасин, бундай улуғвор фазилатлардан маҳрум. Шунинг учун, Аржун жанг майдонида бир-бирига қарши жангта киришга тайёр турган қариндошларини, дўстларини ва оила аъзоларини кўрганида, қалби уларга нисбатан ҳамдардлик, ачиниш туйғуси билан тўлди. Ўз қўшини сафида турган жангчиларга у аввалданоқ ачинган эди, лекин энди, муқаррар ҳалокатга учрашларини

билиб, ҳатто душман қўшинидаги жангчиларга ҳам ачина бошлади. Шуларни ўйлар экан, унинг томоғи қуруқшаб, бутун вужуди титраб кетди. Уларнинг жангтовор шиҷоати Аржун учун кутилмаган ҳол - барча қариндошлари, бутун авлоди уларга қарши жанг қилишга келган эди. Гарчи бу ерда айтилмаган бўлса ҳам, тасаввур қилиш мумкинки, факат вужуди титраб, томоғи қурибгина қолмасдан, уларга ачинганидан Аржун ҳатто йиғлаб юборган эди. Буларнинг ҳаммаси Аржуннинг ожизлигидан эмас, аксинча, Худонинг содикларига хос бўлган меҳрибонлигидан, раҳмдиллигидан, юраги бўшлигидан далолат берарди. Бу ҳақда шундай дейилган:

*йасйасти бҳактир бҳагавати ақинчана  
сарваир гунаис таттара самасате сураҳ  
харав абҳактасия куто маҳад-гұна  
мано-ратхенасати өхавато баҳиҳ*

"Худои Таолога ўз ихтиёрини бутунлай топширган киши фаришталарнинг барча эзгу фазилатларига эга бўлади, иймонсизлар эса, ўзларининг арзимас, ўткинчи дунёвий сифатлари билан гердаядилар. Бунга сабаб шуки, иймонсиз одам ҳамиша ўз нафсининг қули бўлиб юради, шу боис моддий қувватнинг алдамчи зебу-зийнатларига учмасдан туролмайди "(Ш.б.5.18.12).

**29. вепатхуши ча шарире ме рома-хараши ча джайате  
гандивам срамсате хастат твак чаива паридахйате**

**Бутун вужудимни титроқ босиб кетди, соchlарим тикка бўлиб,  
Гандива камоним қўлимдан тушиб кетяпти. Аъзи-баданим ўтдай  
ёняпти.**

Изоҳ: Тананинг титрашига ҳам, тукларнинг ҳурпайишига ҳам икки нарса сабаб бўлиши мумкин: бундай белгилар ёки чукур илоҳий, руҳий лаззатга фарқ бўлган кишида намоён бўлиши мумкин, ёки бирор моддий сабабларга кўра қаттиқ кўрқкан кишида рўй беради. Ўзининг аслида руҳ эканини англаб етган киши хеч нарсадан кўрқмайди. Аржунда пайдо бўлган бу белгилар моддий кўркув - ўлим даҳшати натижасида намоён бўлган эди. Бошқа белгилар ҳам шундан далолат бериб турарди: Аржун шу қадар саросимага тушиб колган эдики, ҳатто ўзининг машҳур Гандива камонини ҳам қўлидан тушириб юборганди. Юраги ловуллаб тургани сабабли, унга бутун аъзи-бадани ёнаётгандай бўлиб туюларди. Буларнинг барчаси Аржуннинг ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурларининг оқибати эди.

**30. на ча шакноми авастхатум бҳраматива ча ме манаҳ  
нимиттани ча пашйами випаритани кешава**

**Бу ерда қолишга бошқа күчим етмайди. Ақлимга ҳеч нарса келмай, ҳеч нарсага фаросатим етмай қолди. Күриб турғанларимнинг барчаси катта бир мудхиш баҳтсизлик рўй беришидан дарак бе-ряпти, о Кешава.**

Изоҳ: (Бу ерда Аржун Кришнани “Кешава”, иблис Кешани ўлдирган деб атаяпти.) Аржунни қамраб олган саросима уни тезроқ жанг майдонини тарқ этиб кетишига ундарди, ақли шошиб, у ҳеч нарсани эслай олмай қолди. Дунёвий, моддий нарсаларга қаттиқ боғланган одам ана шундай ҳолатга тушиб қолади. *Бхайам двитийа-бхинивешатаҳ сыйат* (Ш.б.11.2.37): - бундай ташвиш ва қўрқув моддий шароитларга қаттиқ боғланниб қолган кишиларга хос хусусиятдир. Аржун учун бу жанг факат азоб-уқубатлар олиб келадигандай, ҳатто душман устидан ғалаба қозониш ҳам унга ҳеч қандай баҳт келтирмайдигандай туюларди. Бу ерда "*нимиттани випаритани*" сўзи муҳим аҳамиятга эга. Инсон келажак ҳаётида ўзини фақат армон ва пушаймонлар кутиб турганини тушуниб, орзу-умидлари амалга ошмаслиги ни англаб етганида, табиий равишида ўзига ўзи савол бера бошлайди: - "Мен бу ерда нима қиляпман ўзи?" Ҳар бир одам ўзини ўйлади. Олий Рух ҳеч кимни қизиктирмайди. Кришнанинг амри билан Аржун ўзини худди ҳақиқий баҳт нимада эканини билмайдиган ғофил одамдай туяпти. Худога, Кришнага, Вишнуга эришган киши ҳақиқий баҳтга эришади. Шартланган рух буни эсидан чиқариб қўяди ва шу сабабли моддий оламда узлуксиз азоб чекиб юради. Бу жангда ҳатто ғалаба қозониш ҳам унга оғир мусибатдан бошқа ҳеч нарса олиб келмаслиги га Аржуннинг ишончи комил эди.

*31. на ча ширейо анупашайами хатва сва-джсанам ахаве  
на канкише виджайам крина на ча раджайам сукхани ча*

**Бу жангда ўз қариндошларимни ўлдириб, қандай баҳтга эришимни мен тушунолмайман. О Кришна, менга бундай йўл билан эришилган ғалаба ҳам, салтанат ҳам, баҳт ҳам керак эмас.**

Изоҳ: Инсон ҳаётининг ҳақиқий максади - Худои Таоло, Вишну(Кришна) эканини билмасдан, шартланган руҳлар моддий, жисмоний муносабатлардан ўзларига баҳт излаб юрадилар. Ҳаёт ҳақида нотўғри, соҳта тасаввурларга эга бўлиб, кўзлари кўрмай, улар ҳатто моддий баҳтга эришиш учун нима килиш кераклигини ҳам эсидан чиқариб қўядилар. Аржун ҳатто кшатрийлар қонунини ҳам эсидан чиқарган кўринади. Маълумки, икки тоифа одамлар: 1. Жанг майдонида ҳалок бўлган ҳақиқий кшатрийлар; 2. Тарқидунё қилиб, бутунлай руҳий ҳаёт билан машғул бўлган кишилар - энг кудратли ва ёрқин сайёра - жаннатий Күёш сайёрасига эришиш ҳукуқига эга бўладилар. Ар-

жун қариндошларини эмас, ҳатто душманларини ҳам ўлдиришни истамаяпти. Қариндошларнинг ҳалокати баҳт келтирмайди, деб ўйлаб, худди қорни тўқ одам овқат пиширишни истамагани сингари, у жанг қилишдан бош тортяпти. Ҳамма нарсадан ҳафсаласи пир бўлиб, Аржун таркидунё қилиб, ўрмонга кетиб яшашга карор қилди. У кшатрий сифатида салтанатни бошқариб тирикчилик қилиши лозим, чунки кшатрийлар бошқа ҳеч нарса билан шуғулланмайдилар. Аммо, Аржуннинг салтанати йўқ. У факат жангда қариндошлари устидан ғалаба қозониб, отасидан қолган ҳаққоний салтанатини тортиб олиши мумкин. Лекин, у айнан шу ишдан бош тортяпти. Шу боис Аржун, таркидунё қилиб, ўрмонга кетишдан бошқа иложим йўқ, деб ўйлаяпти.

*32-35. ким но раджайена говинда ким бхогаир джевитена ва  
йешам артхе канкиштам но раджайам бхогаҳ сукхани ча  
та име авастхита ўуддхе пранамс тийактва дханани ча  
ачарйаҳ питараҳ путарҳ татхаива ча питамахаҳ  
матулаҳ шавашураҳ паутраҳ шайала самбандхинас татха  
этан на хантум ичхами ғхнато апи мадхусудана  
апи траилокия-раджайасиа хетоҳ ким ну махи-крте  
нихатия дхартарааштарн нах ка притих сийадж джсанардана*

О Говинда, агар шунча бойликларни әгаллаб, баҳтли қилишга интилиб юрган яқинларимизнинг ўзлари хозир жанг майдонида тўпланиб, бизга қарши турган бўлса, бизга салтанатнинг, баҳтнинг, ҳатто ҳаётнинг нима кераги бор? О Мадхусудана, устозларим, оталарим, ўғилларим, боболарим, тогаларим, қайноталарим, невараларим, қуёвларим, поччаларим ва бошқа қариндошларимнинг ҳаммаси олдимда бор бисотидан айрилиб, жонини қурбон қилишга тайёр турган бўлсалар, ҳатто мени ўлдиришлари мумкин бўлса ҳам, қандай қилиб мен уларга ўлимни право қўра оламан? Эй, барча тирик мавжудотларнинг посbonи, мен нафақат Ер учун, ҳатто бутун уч олам эвазига ҳам улар билан жанг қилишини истамайман. Дхритарааштранинг ўғилларини яксон қилиш билан бизлар нимага ҳам эришардик?

Изоҳ: Аржун Парвардигор Кришнани *Говинда* деб атаяпти, чунки Кришна сигир ва ҳиссиётларга лаззат беради. Бу муҳим иборани ишлатиши билан Аржун ўз ҳиссиётини қандай қаноатлантириш Кришнага маълум бўлиши кераклигини сездириб қўйяпти. Лекин, Говинда ҳеч қачон бизларнинг ҳиссиётларимизнинг талабини қондиришга мажбур эмас. Аммо, агар бизлар Говинданинг ҳиссиётларини мамнун қилишга харакат қилсак, шунинг ўзи бизга ва ҳиссиётларимизга лаззат бағишлади. Моддий оламда ҳар ким ўзининг ҳиссиётларига лаззат излади, Худои Таолони эса, ўзининг истакларини амалга оширувчи

хизматкорга айлантиришга интилади. Лекин, Худои Таоло ҳар бир тирик мавжудотнинг хиссиётини улар истаганча эмас, тирик мавжудотнинг кай даражада бунга муносиблигига қараб лаззатлантиради. Аммо, тирик мавжудот олдига бошқа мақсад - ўзининг хиссиётини эмас, Говинданинг хиссиётини лаззатлантиришни қўйса, Худонинг марҳамати билан у истаган нарсасига эришади. Ўзининг авлодига ва оила аъзоларига нисбатан Аржунда намоён бўлаётган қаттиқ боғланиш туйғуси, унинг табиий равишда уларга ачинаётганидан юзага келяпти. Шунинг учун у жангда иштирок этишни истамаяпти. Ҳар биримиз бойлигимизни дўстларимизга, қариндошларимизга кўз-кўз қилишни истаймиз, аммо, Аржун барча дўстлари ва қариндошлари жангда ҳалок бўлишдан, жангда ғалаба қўлиб, бойлигини улар билан бирга баҳам кўролмай колишдан қўрқяпти. Дунёвий тасаввурлар асосида яшаётган одамлар шундай ўйлайдилар. Руҳий ҳаётда ҳамма нарса бошқача бўлачи. Содик хизматкор Худои Таолонинг истакларини амалга оширишга интилаётгани сабабли, Худонинг марҳамати билан, Худо ўйлида ишлатиш учун чексиз мол-дунёга эга бўлиши мумкин. Агар Худонинг истакларига зид бўлса, содик ўзи учун бир тийин ҳам сарфламайди. Аржун ўз қариндошларини ўлдиришни истамади, агар уларни ўлдириш зарур бўлса, у бу ишни Худои Таолонинг Ўзиқилишини истарди. Аслини олганда, Кришна унинг қариндошларини улар ҳали жанг майдонига тўпланмасдан олдинроқ ўлдириб қўйганини, Аржундан эса, фақат Унинг қўлида курол бўлиш талаб этилаётганини ҳали у билмайди. Биз бі ҳақда кейинги боблардан билиб оламиз. Худонинг содик хизматкори бўлгани сабабли, табиатан раҳмидил Аржун ёвуз оғайниларидан ўч олишни истамаяпти, аммо Худонинг амри билан уларнинг ҳалокати мукаррар қилиб қўйилган. Қасд қилган кишидан содиқнинг ўзи ҳеч қачон ўч олмайди, лекин Худои Таоло ундай золимни албатта жазолайди. Худои Таоло Ўзини ҳақорат қилган одамнинг гуноҳидан ўтиши мумкин, лекин содик хизматкорини ҳақорат қилган одамни ҳеч қачон кечирмайди. Шунинг учун Худои Таоло, Аржун кечиришни истаётганига қарамай бу ёвузларни яксон килишга қатъий қарор қилган.

36. папам эвашрайед асман хатвайтан ататайинах  
тасман нарха вайам хантум дхартараштран са-бандхаван  
сва-джанам ки катхам хатва сукхинаҳ сийма мадхава

**Бизларга қарши жанг қилишга шай бўлиб турган бу зотларни ўлдириш билан биз оғир гуноҳга ботамиз. Шу боис, бизлар Ҷхри-тараштрининг ўғилларини ва дўстларимизни ўлдирмаслигимиз керак. О Мадхава, бу билан биз нимага эришамиз? Ўз қариндошларимизнинг ҳалокати қандай қилиб бизга баҳт келтириши мумкин?**

Изоҳ: (Аржун бу ерда Кришнани Мадхава, яъни "омад фариштаси-нинг эри" деб атаяпти). Ведаларда эвазига ўлим жазосига маҳкум килинадиган олти хил жиноят кўрсатилган:

1. Захарлашга уриниш; 2. Уйга ўт кўйиш; 3. Курол ишлатиб сунқасд килиш; 4. Зўрлик билан бироннинг молини тортиб олиш; 5. Бегона ерларни тортиб олиш; 6. Бироннинг хотинини ўғирлаш. Бундай жиноят содир қилган жиноятчини шу жойнинг ўзида ўлдириш лозим, уларни ўлдириш билан киши гуноҳкор бўлмайди. Оддий одам ундан жиноятчини ўлдириши мумкин, лекин Аржун оддий одам эмас. Унда авлиё одамларнинг эзгу фазилатлари мужассам, у худди авлиё одамлардай иш кўрмоқчи. Аммо, кшатрий авлиёлардай иш тутмаслиги керак. Албатта, зиммасига давлатни бошқариш юклатилган одам иймонли, такводор бўлиши керак, лекин унинг кўнгилчанлик қилишга ҳаққи йўқ. Масалан, Парвардигор Рама, шунчалик тавқодор, иймонли эдик, ҳалигача одамлар Уникидай салтанат(рама-раджъя)да яшашни орзу қиласидилар. Лекин, У ҳеч қачон кўнгилчанлик қилмаган. Равана хотинини ўғирлаб, Уни қаттиқ ҳақоратлаганди, Рама бошқаларга тарихда бошқа учрамайдиган гаройиб ўрнак кўрсатиб, Раванни қаттиқ жазолади. Лекин бу ерда, ҳалокат келтирувчи жанг билан Аржунга таҳдид солиб турганлар орасида унинг бобоси, устози, дўстлари ва неварабалари борлигини эътиборга олиш керак. Шунинг учун, Аржун уларни ҳам худди жиноятчиларни жазолагандай шафқатсиз жазолаш ноўрин деб ўйляяпти. Бунинг устига авлиё одамлар ўзларига озор берганларнинг гуноҳини кечиришлари керак. Улар учун бундай қоидаларга амал қилиш сиёсий манфаатлардан анча устун туради. Сиёсий манфаатларни кўзлаб ўз қариндошларини ўлдиргандан кўра, одоб-ахлоқ қоидалари асосида уларни кечириб юбориш керак, деб ўйляяпти Аржун. У, ўткинчи, дунёвий бахтга эришиш учун қариндошларни ўлдириш ҳеч қандай яхшиликка олиб келмайди, деб ўйляяпти. Охироқибатда, бу йўл билан қўлга кирадиган салтанат ва шодликлар узокқа чўзилмайди, мангу эмас. Шундай экан, нимага у, моддий ҳаёт тутқунлигидан биратўла кутулиб, озодликка эришиш имкониятини берадиган ҳаётини хавф остига кўйиб, қариндошларини ўлдириши керак? Аржуннинг Кришнани “Мадхава”, яъни “омад ва баҳт фариштасининг эри” деб атаси жуда ўринли. Бу билан у Кришнага, омад фариштасининг эри сифатида У, ўзини фақат баҳтсизликлар олиб келадиган ишга ундумаслиги лозимлигини айтиб кўймоқчи бўляпти. Лекин Худои Таоло, Кришна ҳеч қачон, ҳеч кимга, айниқса Ўзининг содикларига баҳтсизлик олиб келмайди.

37-38. *йади ати эте на пашянти любхонахата-четасаҳ  
кула-кшайа-кртам дошам митра-дрохе ча патакам  
катхам на джнейам асмабхиҳ папад асман нивартидум  
кула-кшайа-кртам дошам праташайадбхир джсанардана*

**Оҳ Джанардана, қалбини очкүзлик түйғуси қоплаб олган бу одамлар қариндошларни ўлдириш, дўстлар билан жанг қилиш гуноҳ эканини билмаса, нега энди бизлар, авлодларни яксон қилиш қанчалик оғир гуноҳ эканини била туриб, бундай ёвузлиқда иштирок этишимиз керак?**

Изоҳ: Агар рақиб таклиф қилса, кшатрий жанг қилишдан ёки қимор ўйнашдан бош тортишга ҳаққи йўқ. Шу боис Аржун жанг қилишдан бош тортолмас эди: у Дурйодхананинг таклифига жавоб бериши лозим. Шу сабабли Аржун, бу таклифи ўзи учун қанчалик ҳалокатли эканини рақиби тушунмайди, деб ўйлаяпти. Лекин Аржун, бу уруш бутун оламга қанчалик мусибат келтиришини сезар, шу боис рақибининг таклифини қабул килолмай турарди. Агар натижалари барчага саодат келтиресанга ўз вазифасини бажариш инсон учун шарт килиб белгиланган, акс ҳолда у ўз бурчини бажаришдан бош тортиши мумкин. Ҳар томонлама ўйлаб кўриб, Аржун жанг қилишдан бош тортишга қарор қилди.

*39. кула-қиайе пранашйарти кула-дхармаҳ санатанаҳ  
дхарме нашите кулам кртснам адхармо абхиҳавати ута*

**Авлодларни яксон қилиш азалдан келаётган қадриятларнинг бузилишига олиб келади. Оиланинг тирик қолган аъзолари эса, дин қонунларини бутунлай унуглиб юборадилар.**

Изоҳ: Жамиятдаги варнашрама тизими, оила аъзоларига ҳар жиҳатдан ривожланиб, руҳий камолотга эришишда ёрдам берадиган диний қонун-қоида, урф-одатларга асосланган. Ҳонадоннинг ёши улуғлари барча оила аъзолари туғилганидан то ўлгунга қадар барча покланиш маросимларидан ўтишларига маъсул бўладилар. Уларнинг ёппасига йўқ қилиниши покланиш маросимларининг унуглиб, ўтказилмай қолишига олиб келади, натижада янги авлод аъзоларида бемаъни одатлар юзага келиб, кейинги авлод руҳий озодликка чишиш имкониятидан маҳрум бўлади. Шу сабабли оиланинг кекса аъзоларини хеч қачон ўлдирмаслик керак.

*40. адхармабхиҳават крина прадушиянти кула-стрийаҳ  
стришу душтасу варинея джайате варна-санқараҳ*

**Оҳ Кришна, авлодлар худосизликка юз тутса, жамиятдаги аёллар бузилиб кетади. Аёлларнинг бузуқлиги оқибатида эса, о Варшнея, бетайин фарзандлар дунёга кела бошлийди.**

Изоҳ: Такводор, иймонли ёш авлод жамиятнинг тинч-тотувлиги, гуллаб-яшнаши ва фаровонлигининг гаровидир. Варнашрама жамияти диний асосда қурилгани туфайли ундей жамиятда одамларнинг аксарият кўпчилиги иймон-эътиқоди, такводор кишилар эди. Бу ҳолат давлат ва жамиятда руҳий маданиятнинг ривожланишига ёрдам берарди. Эрига садоқатли бўлган ҳалол, покдомон аёлларгина такводор, иймон-эътиқоди, ҳалол фарзандларни дунёга келтиришга қодир бўлади. Аёллар ҳам, табиатан худди ёш болалар сингари, ёмон таъсиirlarga тез берилувчан, алдовга тез учадиган бўлади. Шунинг учун, аёллар ҳам, болалар ҳам оиласда ҳамиша катталарнинг назорати, ғамхўрлиги остида бўлиши керак. Агар аёл ҳамиша барча диний маросимларни, урф-одатларни вактида бажариб юришга одатланса, ҳеч қачон ёмон йўлга кириб кетмайди. Донишманд Чанакъя Пандитнинг таъкидлашига кўра, аёлларнинг тафаккури унчалик ривожланган эмас, шунинг учун, аёлларга тўлиқ ишониб бўлмайди. Демак, уларнинг ҳамиша хонадоннинг азалдан келаётган қадриятларига, урф-одатларига амал қилиб юришини, диний қонун-қоидаларга амал қилиб, ҳамиша уй ишлари билан банд бўлишини таъминлаш керак. Шунда, уларнинг покдомонлиги ва эрига бўлган садоқати натижасида варнашрама жамиятига муносиб ҳалол, такводор фарзандлар дунёга келади. Варна-ашрама жамиятнинг маънавий негизлари бузилиши оқибатида аёллар турмушда эркин ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлиб, эркаклар билан ноқонуний рашида бетартиб алоқа қила бошлайдилар. Эркак ва аёлларнинг бузуклиги натижасида номаъқул, ҳароми, бетайин фарзандлар дунёга келади. Масъулиятсиз эркаклар аёлларни йўлдан ура бошлайдилар, натижада бетайин, номаъқул одамлар кўпайиб, жамият маданияти бузилиб кетади, бу эса ўз навбатида ҳар хил урушларга, эпидемияларга олиб келади.

*41. санкаро наракайаива кула-гхнанам куласий ча  
натанти питаро хий эшам лупта-тиндоадака-крийах*

**Бетайин фарзандларнинг кўпайиб кетиши оқибатида, оила аъзолари ва оилавий урф-одатларни, қадриятларни бузган кишилар албатта дўзахга тушадилар. Авлодларнинг тарбияси бузилиши натижасида ўтган аждодларимиз ҳам тубанликка юз тутадилар, чунки авлодлари уларни хотирлаб сув ва таом эхсон қилмай қўядилар.**

Изоҳ: Карма-канда кўрсатмаларига кўра оиланинг ўлган аъзолари-га мунтазам равища сув ва таом эхсон қилиб туриш лозим. Бу урф-одат Вишнуга сифиниш билан чамбарчас боғлиқ: Вишнуга таклиф этилган овқатдан тотган руҳлар гуноҳлари оқибатидан халос бўлиб покланадилар. Баъзан оиланинг ўлган аъзолари тириклигига бу дунёда

қилган гуноҳлари оқибатида дўзахда азоб чекиб қийналадилар, уларнинг кўплари ҳатто кўпол моддий тана ололмасдан жин-арвоҳ танасида юрадилар. Ўтган аждодларига *прасад* таклиф қилиш билан фарзандлари уларнинг шунга ўхшаган жуда кўп мусибатлардан халос бўлишига ёрдам берадилар. Ўтган аждодларга шундай ёрдам бериш оиланинг азалий урф-одатларидан бири хисобланади. Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш билан шуғулланмай юрган кишилар шундай маросимларни албатта ўтказишлари лозим. Лекин, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган содик бундай маросимлар ўтказишининг хожати йўқ. Шунчаки Худои Таолога садоқат билан холис хизмат қилаётгани туфайли у ўзининг юзлаб, минглаб аждодларини хар қандай моддий азоб-укубатлардан халос этади. "Шримад Бҳагаватам"да шундай дейилтган(11.5.41):

*деварии-бхутапта-нринам питринам  
на кинкаро наям рини ча раджсан  
сарватмана йаҳ шаранам шараниам  
гато мукундам парихрития картам*

"Озодлик инъом этувчи Мукунданинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топган, дунёвий ишларни тарк этган, чукур ишонч ва иймон билан Худои Таолога садоқат билан холис хизмат қилиш йўлидан адашмай бораётган киши фаришталар, донишмандлар, оддий тирик мавжудотлар, оила аъзолари, бутун инсоният ва аждодлари олдидағи бурч ва вазифаларидан бутунлай озод бўлади". Худонинг Олий Шахсига хизмат қилиш билан инсон барча тирик мавжудотлар олдидағи вазифасини бажараётган бўлади.

#### 42. дошаир этаих кула-гхнанам варна-санкара-каракаих утсадиантे джати-дхармаҳ кула-дхармаш ча шашватаҳ

**Оиланинг азалий урф-одатларини бузадиган, бетайин авлоднинг дунёга келишига йўл очиб берадиган кишиларнинг гуноҳлари оқибатида одамларнинг оила ва бутун жамият равнақи учун қиласидиган фаолияти тўхтаб қолади.**

Изоҳ: *Варнашрама-дхарма*, ёки *санатана-дхарма* жамиятида тўрт табаканинг ижтимоий фаолияти, хар бир оиланинг хайрли ишлари билан биргаликда инсоннинг моддий хаёт тутқунлигидан биратўла қутулишига ёрдам беришга каратилтган. Шунинг учун, жамиятни бошқариб турган масъулиятсиз кишилар санатана-дхарма негизларини бузганида жамиятда пала-партишилик юзага келади, одамлар инсон ҳаётининг олий мақсади - Парвардигор Вишну эканини унугиб юборадилар. Жамиятнинг шундай раҳбарларини "кўрлар" деб аталади, уларга эргашганлар эса, ҳеч қандай тартиб, умумий мақсади йўқ, бўлиши хам мумкин бўлмаган давлатда яшашга маҳкум, мажбур бўладилар.

*43. утсанна-кула-дхарманам манушийанам джсанардана  
нараке нийатам васо бхаватитй анушушрума*

**О Кришна, эй инсонлар авлодининг посбони, рухий устозлар сил-  
силасида турган устозлардан эшигнларимга кўра, оиланинг аза-  
лий урф-одатларни бузган кишилар дўзахда мангуда азоб чекишига  
маҳқум бўладилар.**

Изоҳ: Аржун бу далилларни факат ўзининг ҳаёт тажрибасидан эмас, ишонарли мўътабар манбалардан олиб айтяпти. Факат шундай йўл билан ҳақиқий илмга эга бўлиш мумкин. Бундай илм мазмуни, унинг маъносини тушуниб етган одамдан ёрдам сўраб, мурожаат қилган кишигагина очилади. Варнашрама жамиятидаги одатта кўра, инсон ўлимни олдидан тавба қилиб, қилган гуноҳларидан покланиши лозим. Ҳаётда жуда кўп гуноҳ қилган киши албатта тавба қилиши ке-  
рак, бу санскрит тилида *прайашчитта* деб аталади. Акс ҳолда у дўзахий сайёralарга тушади ва қилган гуноҳлари оқибатидан қаттиқ азобланади.

*44. аҳо батам махат папам картум вийавасита вайам  
йад радиҷайа-сукха-лобхена хантум сва-джсанам уйдатам*

**Шуни била туриб, бизлар оғир гуноҳга қўл ураётганимиз ғалати  
эмасми? Салтанатга ҳукмронлик қилиш баҳтидан лаззатланиш  
ниятида ўз қариндошларимизни ўлдиришга тайёр турибмиз-а!**

Изоҳ: Шахсий манфаат, таъмагирлик, худбинлик домига тушиб қолган киши баъзида ўзининг оғайнисини ёки онасини ўлдириш син-  
гари оғир гуноҳга ҳам кўл уришга тайёр бўлади. Тарихда бунга жуда кўп мисоллар бор. Лекин Худонинг begunoҳ содик хизматкори Аржун, ҳамиша одоб-ахлоқ қоидаларига амал қиласади ва бундай ишга қўл урмоқчи эмас.

*45. йади мам апратикарам ашастрам шастра-панайаҳ  
дхартарааштра ране ханиӯс тан ме килематарам бхавет*

**Ундан кўра Дхритараштранинг ўғиллари қўлидаги қуроллари  
билан мени шу жанг майдонида, ҳеч қандай қаршилик ва  
қуролсиз ҳолимда ўлдира қолсинлар!**

Изоҳ: Жанг қоидасига кўра, кшатрийлар жанг қилишни истамаган қуролсиз кишига ҳужум килмаслиги керак. Лекин Аржун, агар ҳатто душманлари унга ҳамла қиласалар ҳам, ўзи уларга қаршилик

кўрсатмасликка қарор қилди. У ракиб томон жангга қанчалик интила-ётганини ўйлаб ҳам ўтирумади. Буларнинг барчаси - Худои Таолонинг буюк содиги бўлган Аржун қанчалик кўнгилчан, қалби юмшоқ эканини кўрсатади.

*46. санджайа увача  
эвам уктварджунаҳ санкхье ратхопастха упавишат  
висриджайа са-шарам чапам шока-самвигна-манасаҳ*

**Санжай шундай деди: - Жанг майдонида шу гапларни айтиб, Аржун камони ва садофини четга қўйди-да, чукур қайғуга ботиб, аравага ҳолсиз ўтириди.**

Изоҳ: Душман қўшинини кўздан кечириш учун, аравада ўтирган Аржун ўрнидан турган эди, лекин унинг мусибати шунчалик оғир эдикни, камони ва садофини четга қўйиб, мадори кетиб, ўтиришга мажбур бўлди. Руҳий илм сирларини ўрганишга - Худои Таолога садоқат билан холис хизмат қилиб юрган ана шундай раҳмдил ва меҳрибон киши муносиб бўла олади.

*"Шримад Бҳагавад-гита"нинг "Курукушетрадаги қўшинлар таърифи"  
деб номланган биринчи бобига Бҳактиведантанинг изоҳлари шундай якунланади.*

## Иккинчи боб

### "Бҳагавад-гита"нинг қисқача мазмуни

#### 1. санджайа увача

*там татха крипайавиштам аишу-пурнауекшанам  
вишидантам идам вакйам увача мадхусуданаҳ*

**Санджай шундай деди: - Қалбини ачиниш ва изтироб туйғуси қамраб олган Аржуннинг қўзлари ёшга тўлиб турганини кўриб, Мадхусудана унга гапира бошлади.**

Изоҳ: Дунёвий ишларга ачиниш, изтироб чекиши, кўз ёши тўкиш - кишининг ҳақиқий рухий ўзлигини англамаганидан, аслида ўзининг рух эканини эсидан чикарганидан далолат беради. Ўзининг рухий табиатини англаб етган киши мангу рух ҳақида ўйлайди. Бу ерда *Мадхусудана* сўзи муҳим аҳамиятга эга. Бир пайтлар Парвардигор Кришна *Мадху* исмли иблисни ўлдирган эди, энди Аржун, Кришна хозир ўзининг қалбини қамраб олган, бурчини бажаришга тўскинлик қилаётган "шубхаю-гумонлар иблиси"ни ҳам ўлдиришини истаяпти. Одамлар аслида нимага ачиниш зарурроқ эканини билмайдилар. Чўкаётган одамнинг кийимига ачинишнинг нима кераги бор?Faflat уммонида чўкаётган кишини, унинг кийиминигина чиқариб олиш билан, яъни, факат унинг моддий танасини қутқариш билан озодликка чиқариб бўлмайди. Шуни тушунмасдан, факат моддий тана, сиртки кийим тўғрисида ачинаётган кишини *шудра*, - яъни “бекорга ачинаётган одам” деб хисоблайдилар. Аржун *кшатрий*, шу боис у ўзини бундай тутмаслиги лозим. Кришна унинг ғоғиллиги натижасида келган бу мусибатини тарқатиб юбормоқчи бўлди, айни шу максадда унга "Бҳагавад-гита"ни баён этди. Рухий илмнинг асосий билимдони Парвардигор Кришна бу бобда, моддий тана ва мангу рухнинг табиатини назарий жиҳатдан таҳдил қилиб ўрганиш ёрдамида, инсон қандай қилиб ўзининг ҳақиқий ўзлиги - "мен"ини англай олишини тушунтиради. Ўз меҳнатининг натижаларига боғланиб колмаган, рухий ўзлигини англаш жараёни билан мунтазам машғул бўлган кишигина бу илмни мукаммал эгаллай олади.

#### 2. шри-бҳагаван увача

*кутас тва қашмалам идам вишаме самупастхитам  
гунарийа-джушитам асваргйам акирти-карам арджунуна*

**Худои Таоло шундай деди: - О Аржун, қалбингда бундай бемаъни иллат қаердан пайдо бўлди? Ҳаётнинг маъносини, ҳақиқий мақсадини биладиган кишига бу ярашмайди. Бундай ишлар одамни жанингга эмас, шармандаликка олиб келади.**

Изоҳ: Кришна - ягона Худои Таоло, Олий Шахс. Шу сабабли "Бҳагавад-гита"нинг ҳамма ерида Уни Бҳагаван деб атайдилар. *Бҳагаван* Мутлақ Ҳақиқатнинг мукаммал тўлиқ аспектини ифодалайди. Мутлақ Ҳақиқатни англашнинг уч босқичи бор: Брахман, яъни бутун борлиқни камраб олган Олий Рухни англаш; Параматма - Худои Таолонинг ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган кўринишини англаш; ва ниҳоят, Бҳагаван, яъни Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришнани англаш. "Шримад Бҳагаватам"да Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги бу таълимот шундай ёритилган:

*ваданти тат таттва-виðас  
таттвам йадж джсанам адвойам  
брахмети параматмети  
бҳагаван ити шабдйате*

"Мутлақ Ҳақиқатни бир биридан фарқ қилмайдиган уч кўринишда англаш мумкин. Улар Брахман, Параматма ва Бҳагаван деб аталади".

Ягона Худои Таолонинг бу уч кўринишини, худди шундай уч кўринишда намоён бўладиган Қуёш мисолида тушунтириш мумкин: Қуёшнинг нури, Қуёш ҳалқаси ва Қуёш сайёраси. Факат қуёш нурини ўрганиб юрган киши ҳали қуёшни англашнинг биринчи босқичида юрган бўлади. Кейинги босқичда одам Қуёш ҳалқасини англаб олади, лекин, Қуёш сайёрасига эришган киши Қуёшнинг табиатини ҳаммадан ҳам чукурроқ англаб етган бўлади. Факат Қуёш нурининг хусусиятларини, унинг ҳамма нарсага сингувчанлигини, ёрқин порлаб туришини ўрганиб юрган оддий одамни, Мутлақ Ҳақиқатнинг фақат биргина жиҳатини - шахсиятсиз Брахманини англай олишга кодир одамга ўҳшатиш мумкин. Қуёш ҳақида чукурроқ илмга эга тадқиқотчини эса, Мутлақ Ҳақиқатнинг буюкроқ аспектини - Параматмани англаб етган кишига ўҳшатиш мумкин. Қуёш сайёрасининг ичига кирган кишини эса, Мутлақ Ҳақиқатни энг олий, шахс сифатидаги аспектини англаб етган одамга ўҳшатиш мумкин. Шунинг учун, гарчи Мутлақ Ҳақиқатни англашга интилиб юрганларнинг барчаси аслида бир Зотни ўрганиб юрган бўлсалар ҳам, Мутлақ Ҳақиқатнинг Бҳагаван аспектини англаб етган бҳактилар руҳий илм ўрганиб юрган одамларнинг ичиди энг аълоси деб аталадилар. Қуёш нури, Қуёш ҳалқаси ва Қуёш сайёраси бир-биридан ажралмаган, лекин қуёшнинг ҳар хил хусусиятларини ўрганаётган изланувчиларнинг ҳаммаси баробар деб бўлмайди.

Вйасадеванинг отаси, буюк донишманд ва ведалар билимдони Пашара Муни, санскритча "бҳагаван" иборасининг моҳиятини куйидагича тушунтиради. "Барча бойликларнинг, бутун куч-

кудратнинг, бутун шон-шуҳратнинг, барча гўзалликларнинг, барча илмларнинг эгаси бўлган ва уларга умуман боғланмаган Олий Шахс - "Бхагаван деб аталади". Жаҳонда жуда бой, жуда курдатли, жуда чиройли, жуда машхур, чуқур билимга эга ёки уларга боғланмаган одамлар кўп. Лекин уларнинг бирортаси барча бойликларнинг, барча куч-кудратларнинг ва бошқа нарсаларнинг тўлиқ эгасиман, деб даъво килолмайди. Ўзини шундай Зотман деб факат Худои Таоло, Парвардигор Кришна айта олади, чунки У - Худонинг Олий Шахси. Ҳеч бир тирик мавжудот, ҳатто Браҳма, Шива ёки Наräяна ҳам, шундай му-каммалликларга Кришна сингари тўлиқ эга эмас. Шунинг учун, "Брахма-самхита"да Тангри Браҳма таъкидлаб айтадики, "Кришна - Худонинг Олий Шахсидир. Бутун борлиқда Унга тенг келадиган ёки Ундан буюкрок ҳеч ким йўқ. Кришна - азалий, бошлангич Парвардигор, "Говинда" деб аталадиган Бхагаван; У - барча сабабларнинг сабабчиси".

*ишивараҳ нарамаҳ криинаҳ сач-чиð-ананда-виграхаҳ  
анадир адир говиндаҳ сарва-карана-каранам*

"Кўплар Бхагаван сифатига эга, аммо Кришна уларнинг ҳаммасидан устун, чунки ҳеч ким Уни тўсизб кўёлмайди. У - Олий Шахс, Унинг мангу танаси эса, илм ва лаззатга тўла. У - азалий Парвардигор, барча сабаблар сабабчиси".(Брахма-самхита.5.1).

"Шримад Бхагаватам"да Худонинг Олий Шахсининг кўплаган киёфалари санаб ўтилган. Лекин, унда Кришна - Худонинг бошқа барча киёфаларининг манбаи, азалий, бошлангич Худо Шахси деб кўрсатилган.

*этे чамиша-калаҳ тумсаҳ криинас ту бхагаван савйам  
индрари-вийакулам локам мридайанти йуге йуге*

"Бу ерда санаб ўтилган Худонинг моддий оламда намоён бўлган киёфалари - Олий Шахс-Худонинг ёки тўла намоён бўлган кўриниши, ёки тўла намоён бўлган киёфаларнинг бўлакларидир, аммо Кришна - азалий Парвардигорнинг Ўзи, Худонинг Олий Шахсидир. (ШБ. 1.3.8).

Шундай қилиб, Кришна - бошлангич, азалий Олий Шахс, Мутлақ Ҳақиқат, Олий Рух ва Браҳманнинг манбаидир. Худонинг Олий Шахси ёнида туриб, дунёвий қариндошларини қайғураётган Аржуннинг ношлилари ўринсиздай кўриниади, шунинг учун, Кришна ҳайрон бўляпти - "кутаҳа"(каердан?). Зиёли, маданиятли кишилар саналадиган *арий*-ларга мансуб одамнинг бу даражада ожизлигини, ғофиллигини учра-тиш мумкин эмас. Инсон ҳаётининг ҳақиқий мазмунини, қадрини биладиган, ҳаётдаги қадриятлари руҳий ўзликни англаш асосида тузилган одамларни *арийлар* деб атайдилар. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга одамлар инсон ҳаётининг энг олий мақсади - Худони, Мутлақ Ҳақиқатни, Вишнуни, ёки Браҳманни англаш эканини билмайдилар; моддий оламнинг ташқи, ўткинчи зийнатларига алданиб, улар ҳатто "озодлик" дегани нима эканини тушунмайдилар. Моддий

туткунликдан халос бўлиш йўлини билмайдиган ундай кишилар арийлар деб аталишга муносиб бўлмайди. Аржун кшатрий, лекин у ўз бурчини бажаришдан бош тортиб, жанг қилишин истамаяпти. Ўзининг Худои Таоло олдидағи бурчини бажармаслик одамнинг руҳий юксалишига халакит беради ва уни дунёвий хаётда шухрат қозониш имкониятидан маҳрум этади. Парвардигор Кришна Аржуннинг ўз қариндошларига нисбатан кўрсатаётган нотўғри ачинишини, ҳамдардлигини маъқулламаяпти.

*3. клаибайам ма сма гамаҳ партха наимат твайй утападайате  
кишудрам хрдайа-даурбалайам тийактвоттишта парантата*

**Эй Притхининг ўғли, сохта қўнгилчанликка берилма. Бу сенга ярашмайди. Бу бемаъни ожизликни юрагингдан чиқариб ташла, қаддингни ростла, эй душманлар ғолиби.**

Изоҳ: Кришна Аржунни отаси Васудеванинг синглиси, яъни Ўзининг холаси Притхининг ўғли деб атаяпти. Кришна Аржун билан қариндош-օғайни эди. Агар кшатрийнинг ўғли жанг қилишдан бош тортса, демак, у факат номигагина кшатрий, агар браҳманнинг ўғли гуноҳ ишлар қилиб, нопок ҳаёт кечириб юрган бўлса, у факат номигагина браҳман бўлади. Ундай кшатрий ва браҳманлар оталарига муносиб бўлмаган фарзандлардир, Кришна бу ерда Аржун ўзини кшатрий номига муносиб бўлмаган фарзанддай тутишини истамаяпти. Аржун Кришнанинг энг яқин дўсти эди, Кришна унинг жанг аравасига жиловдор бўлиш билан бирга ҳамма ҳаракатларини ҳам бошқариб турарди. Лекин, агар Аржун жанг майдонини тарк этса, шунча зэгу фазилатлар эга бўлишига қарамай, бу иши уни шармандаи-шармисор қилган бўларди. Шунинг учун, Кришна Аржунга ўзини бундай тутиши унга яхши обрў келтирмаслигини айтяпти. Бунга эътиroz билдириб, Аржун ҳурматли Бхишма ва бошқа қариндошларига нисбатан олийжаноблик қилаётганини сабабли жанг майдонини тарк этётганини айтиши мумкин. Лекин, Кришна бундай олийжанобликни ғоффилликнинг, ожизликнинг намоён бўлиши деб атаяпти. Жангчининг, кшатрийнинг бундай қилишини донишмандлар ҳам, муқаддас китоблар ҳам маъқулламайди. Шунинг учун, Аржун сингари, Кришнанинг бевосита раҳбарлиги остида ҳаракат қилаётган киши ундай олийжаноблик ёки зулмга қарши куч ишлатмаслик сингари ожизликларга йўл кўймаслиги керак.

*4. катҳам бхииам аҳам санкхье дронам ча мадхусудаиа  
ишубҳиҳ пратийотсайами пуджархав ари-судана*

**Аржун шундай деди: - Эй душманлар ғолиби, Мадхусудана, мен Худои Таоло қаторида сигинишим лозим бўлган Бхишма ва Драна сингари ҳурматли зотларга қараб қандай пайкон йўллай оламан?**

Изоҳ: Хонадоннинг бобокалон Бхишма ва Дроначарья сингари мўътабар кексаларини ҳамиша ҳурмат қилиш лозим. Ҳатто улар ҳужум қилсалар ҳам, уларга қаршилик кўрсатмаслик, ахлоқ-одоб коидаларига кўра катталарнинг айтгандарига қарши чикмаслик керак. Улар ҳатто бизга нисбатан қўпоплик қилсалар ҳам, биз уларга қўпоплик билан жавоб бермаслигимиз лозим. Шундай экан, Аржун қандай қилиб, ҳатто ўзини химоя қилиш баҳонаси билан уларга қарши жанг қила олсин? Кришнанинг Ўзи бобоси Уграсенага ёки устози Сан-дипани Мунига ҳужум қила олармиди? Аржун келтираётган далиллар шундай эди.

5. *гурун ахатва хи маҳанубхаван  
шрейо бхоктум бхаикшам атиха локе  
хатвартха-камамс ту гурун ихаива  
бхунджийя бхоган рудхира-прадигдхан*

**Устозим деб билган зотларнинг ўлими эвазига яшагандан қўра тиланчилик қилиб кун қўрганим яхши. Гарчи ҳозир таъмагирлик домига тушиб қолган бўлсалар ҳам, улар барибир менга устоз бўладилар. Агар улар ҳалок бўлса, биз лаззатланишга интилаётган нарсаларнинг хаммаси уларнинг қони билан бўялади.**

Изоҳ: Муқаддас китобларда айтилганки, мартабасига иснод келтирадиган ишларга берилган, яхши билан ёмоннинг фарқига бормай қолган устоздан воз кечиш керак. Бхишма билан Дроначарья, гарчи ҳозирги вазиятда бундай фикрга боришлари нотўғри бўлса ҳам, ўзларини моддий жиҳатдан таъминлаб тургани сабабли, “жангда Дурйодхана тарафида бўлишимиз лозим”, деб қарор қилдилар. Шу ҳаракати билан улар ўзларига нисбатан устоз сифатида ҳурмат ва эҳтиром ҳуқуқидан маҳрум бўладилар. Лекин Аржун барибир уларни устоз деб аташда давом этяпти, шунинг учун, уларнинг ўлими эвазига келадиган нарсалар билан лаззатланиш - жангда топилган, қонга беланган нарсалар билан лаззатланиш билан баробар деб ҳисобляяпти.

6. *на чаитад видмах катаран но гарийо  
йад ва джайема йади ва но джайеүх  
иан эва хатва на джиджисишиамас  
те вастхитаҳ прамукхе дхартарааштраҳ*

**Ғалабами, мағлубиятми, бизларга қайси бири афзал экани ҳали номаълум. Ҳритараштранинг ўтиллари ҳозир жанг майдонида,**

**қаршимизда турибди, агар уларни ўлдирсак, биз учун ҳәётнинг ҳеч қандай маъноси қолмайди.**

Изоҳ: Аржун нима қилишини билмай турибди: кшатрийлик бурчи ундан шуни талаб қилаётган бўлса ҳам, ҳеч қачон ўлдирмаслик керак бўлган одамларни ўлдириш учун жангга кирсинми, ёки жанг майдонини тарк этиб, тиланчилик билан кун кўрсинми. Агар у жанг қилиб, душманларини мағлуб қиласа, тирикчилик учун тиланчилик қилишдан бошқа чораси қолмайди. Бунинг устига у ғалаба қозонишига ҳам аниқ ишонмайди: ғалабага икки томоннинг хоҳлаган бири эришиши мумкин. Аммо, ҳатто ғалаба улар томонда бўлса, - ахир улар ҳақиқат учун жанг қилиптилар-ку, - Ҳхритараштранинг ўғиллари эса жангда ҳалок бўлса, Пандузодаларнинг уларсиз яшashi жуда кийин бўлади. Бу ҳам ўзига яраша бир мағлубият, ютқазиш бўлади. Аржун келтираётган далиллар унинг нафакат Худонинг буюк содикларидан эканини, айни пайтда, унинг юксак даражада билимдон, ақли ва хиссиятни тўла жиловлаб олган зот эканидан далолат бериб турибди. Ўзи шоҳ хонадонига мансуб бўлишига қарамай, тиланчилик билан кун кечиришга тайёр туриши - унинг бу дунёга қай даражада боғланмаганлигидан, таркидунёлик холатида эканидан далолат бериб турибди. У ҳақиқатан ҳам эзгу ниятли инсон, унинг барча фазилатлари, руҳий устози Шри Кришнанинг насиҳатларига бўлган қатъий ишончи шуни кўрсатиб турибди. Бундан Аржун ҳақиқатан ҳам моддийлик асоратидан халос бўлишга муносиб зот экани кўриниб турибди. Инсон то ўзининг хиссиятини жиловлаб олмас экан, мукаммал илмга эга бўломайди, илмсиз одам эса, Худои Таолога садоқат билан холис хизмат қилиб яшай олмайди, Худои Таолога холис хизмат қилиш билан машғул бўлмаган одам эса, руҳий озодликка чикиш имкониятидан маҳрум бўлади. Аржунга буюк дунёвий қобилиятлар билан бирга мана шундай улуғвор илоҳий фазилатларнинг ҳаммаси саҳоват билан ато этилган эди.

*7. карпаниа-дошопахата-свабхаваҳ  
приччхами твам дхарма-саммудха-четаҳ  
йаҳ чхреиаҳ сийан нишчитам брухи тан ме  
ишиийас те ҳам шадхи мам твам прапаннам*

**Ҳәётда ўз бурчим нималигини билмай қолдим, ҳасисларга хос жирканч ожизлик мени ақлу-заковатимдан маҳрум қилди. Шунинг учун, илтимос, тўғрисини айт, мен қандай йўл тутсам яхши бўлади? Энди мен Сенинг шогирдинг, ўз ихтиёрини бутунлай Сенинг амрингга топширган руҳман - менга йўл кўрсат!**

Изоҳ: Табиат шундай тузилганки, ҳозир биз машғул бўлиб юрган моддий фаолият ҳар биримизни ҳаётда жуда қийин ахволга солиб кўяди. Ҳаётда ҳар қадамда қийинчиликларга дуч келамиз, шу боис ҳаётнинг олий мақсадига қандай эришиш мумкинлигини тушунтира оладиган ҳақиқий руҳий устозга муҳтоҷмиз. Барча муқаддас китоблар, ҳаётдаги муаммоларимизни бартараф қилиши, ўзимиз истамаган ҳолда тушиб қолган қийин шароитдан озодликка чиқаришини сўраб ҳақиқий руҳий устозга мурожаат қилишни тавсия этадилар. Ҳаётдаги бу муаммолар худди, кутилмаганда, ҳеч қандай сабабсиз, ўз-ўзидан ўрмонда пайдо бўладиган ёнғинга ўхшайди. Моддий олам ҳам шундай тузилган: қийинчиликлар инсонга худди чақирилмаган меҳмонлар сингари, кутилмаганда ўз-ўзидан келаверади. Ҳеч ким ёнғин бўлишини истамайди, лекин барибир кутилмаганда ёнғин рўй беради, биз саросимага тушиб, ундан қутулиш йўлини излай бошлаймиз. Шунинг учун, ведавий битикларда шундай дейилган: ҳаётдаги муаммоларни ҳал қилиш ва улардан биратўла ҳалос бўлиш учун руҳий устозлар силсиласида турган ҳақиқий руҳий устозга мурожаат қилиш лозим. Умрида ҳақиқий руҳий устоз учратади олган киши ҳаётда ҳар нарсага қодир бўлади. Шунинг учун, бекорга овора бўлиб, турмуш муаммоларини ўзи ечишга уриниб юргандан кўра, инсон руҳий устозга мурожаат қилиши лозим. Бу шеърнинг мазмуни шундай.

Ҳар хил дунёвий, ўткинчи муаммолар кимни ташвишга солади? Ҳаётнинг ҳақиқий муаммолари нимадан иборат эканини билмайдиган кишини. "Бриҳад-аранъяка-упанишад"(3.8.10)да ундан одам ҳақида шундай дейилган: *йо ва этад акшарам гарги авидитвасмал локат праити са крипанаҳ* - "Ҳаётдаги муаммоларни инсонларга муносиб равишда ҳал қилишга уринмайдиган, ҳақиқий ўзлигини англай олмай, дунёдан ит ва мушукларга ўхшаб ўтиб кетадиган одам ҳасис инсон-дир". Тирик мавжудотга ато этилган энг нодир, энг қадрли, бебаҳо неъмат - инсон ҳаётидир, чунки фақат инсонгина дунёвий тирикчиликнинг барча муаммоларини биратўла ва бутунлай ҳал қила олади. Шу боис, бу нодир имкониятдан фойдаланмайдиган кишини "ҳасис" деб атайдилар. Аксинча, етарли акл-фаросатга, тафаккурга эга бўлиб, ҳаётдаги барча муаммоларни биратўла бартараф этиш учун инсон та-наси берадиган нодир имкониятдан тўла фойдаланаётган киши *браҳман* деб аталади: *йа этад акшарам гарги видитвасмал локат праити са браҳманаҳ*.

Крипаналар, яъни ҳасислар, ўзларига берилган инсон қобилиятларини бекорга сарфлаб, умрини ҳазон қиласидилар, чунки улар оиласига, ватанига ва жамиятга қаттиқ боғланиб колганлар. Шундай одамларнинг ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлари, уларни ўз оиласи-нинг - хотинининг, фарзандларининг ва бошқа қариндошларининг хизматкор-кулига айлантириб кўяди. Бунинг асосида "тери касаллиги" ётади. (Танасини, яъни "тери қоп"ни "ўзим" деб санаш касаллиги).

Крипана “ўз яқинларимни ҳалокатдан кутқариб қоламан”, ёки “оилам ва жамият мени ўлимдан кутқариб қолади”, деб ўйлади. Оиласига боғланиш ҳатто хайвонларда ҳам бор, улар ҳам ўзининг болаларига ғамхўрлик қиласидар. Ақл-заковати ўткир Аржун оиласига боғланниб қолганлиги, уларни ҳалокатдан кутқариб қолишга уринаётгани - ҳозир олдида турган муаммосининг манбаи эканини англаб етган эди. Аржун ўзининг бурчи - жанг қилиш эканини тушунади, лекин, ҳасислиги туфайли юзага келган ожизлик таъсирида, ўз бурчини бажаролмай туриди. Шунинг учун, Аржун Кришнадан, азалий руҳий устоздан қатъий қарор чикаришни илтимос қилипти. У Кришнага ўз ихтиёрини бутунлай топшириб, Унинг шогирди бўлди. У энди Кришна билан аввалгидай дўст сифатидаги сухбатлашишга чек қўйди. Руҳий устоз билан шогирд ўртасида бўладиган сухбат ҳамиша жиддий бўлади, Аржун ҳам барча донишмандлар тан олган энг буюк устоз - Кришна билан жиддий сухбат бошламоқчи бўляпти. Шу тариқа Кришна "Бҳагавад-гита"ни баён этган биринчи руҳий устоз, Аржун эса - унинг мазмунини, маъносини тушуниб етган биринчи шогирд бўлди. Аржун қандай қилиб "Бҳагавад-гита"ни тушуниб етгани асарнинг ўзида таърифланган. Шунга қарамай дунёвий файласуфлар "Бҳагавад Гита"га ёзган изоҳларида, одам ўз ихтиёрини шахс сифатидаги Кришнага топшири-маслиги керак, Кришнанинг ичидаги "туғилмаган Кришна"га таваккал қилиш керак, деб айтадилар. "Ташки Кришна" билан "ички Кришна" орасида ҳеч қандай фарқ йўқ, шуни тушунмай туриб, "Бҳагавад-гита"нинг маъносини тўлиқ англаб олишга интилаётган одам - энг ғоғил нодондир.

*8.на хи праташайами мамапанудийад  
йач ҷҳокам уччошанам индрийанам  
авапїа бхумав асанатнам ридҳам  
раджсїам суранам ани чадҳипатїам*

**Вужудимни қамраб олган бу мусибатдан қандай қутулишни билмай қўлдим. Мен ҳатто ҳеч қандай душман раҳна сололмайдиган, гуллаб-яшнаётган салтанатни қўлга киритсан ҳам, фариштадарникидай қудратли ҳукмронликка эга бўлсан ҳам бу изтиробдан ҳалос бўлолмайман.**

Изоҳ: Аржун диний қоидалар ва ахлоқ нормалари тўғрисида олган илмига асосланиб, жуда кўп далиллар келтириди. Шунга қарамай руҳий устозсиз, Парвардигор Шри Кришнанинг ёрдамисиз у ўзини қийнаётган муаммоларни ҳал қила олмади. Аниқ равшан бўлдикни, бутун вужудини қамраб олган ҳаёт муаммоларини ҳал этишда, изтиробларини бартараф этишда унинг илми, билимдонлиги ёрдам беролмайди. Парвардигор Кришнага ўхшаган руҳий устоз ёрдамисиз у ҳаётдаги

муаммоларини ҳал этишга қодир эмас. Дунёвий маълумоти, билимдоналиги, жамиятдаги юксак обрў-эътибори, бойлиги инсонни ҳаёт муаммоларидан ҳалос эта олмайди; бизга фақат Кришнага ўхшаган руҳий устоз ёрдам беради. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, фақат Худони англаб етган, Кришна онгига бўлган руҳий устозни “ҳақиқий руҳий устоз” деб аташ мумкин, чунки фақат шундай руҳий устоз бизнинг барча муаммоларимизни ҳал қилишга қодир. Худованд Чайтаня айтган эдики, жамиятда тутган ўрни қандай бўлишидан қатъий назар, Худони англаб етган, Кришна онгига бўлган ҳар қандай одам руҳий устоз бўла олади.

*киба випра киба нийаси шудра кене наіа  
йеи крина-таттва-ветта сеи гуру хайа*

“Агар одам, ким бўлишидан қатъий назар - *випра*(ведалар билимдорни)ми, таркидунё қилган қаландар-зоҳидми ёки оддий одамми, - Худони Таолони, Парвардигор Кришнани англаш илмини эгаллаган бўлса, демак у камолотга эришган зот, ҳаммага ҳақиқий руҳий устоз бўла олади” (Ч.ч.Мадхъя. 8.128). Аксинча, Худони, Кришнани англаш илмидан бехабар одамни ҳақиқий руҳий устоз деб бўлмайди. Ведавий битикларда ҳам шундай дейилган:

*шат карма-нипуну випро мантра-тантра-вишарарадаҳ  
авашинаво гуурур на сийад вашинаваҳ шива-пачо гуруҳ*

“Ведавий илмларни ҳар томонлама биладиган билимдон браҳман, агар вайшнав бўлмаса, яъни Кришнани англаш илмидан бехабар бўлса, руҳий устоз бўлишга ҳаққи йўқ. Лекин вайшнав, ҳатто у энг қуйи табақага мансуб бўлса ҳам, руҳий устоз бўла олади”(Падма-пурана).

Тугилиш, кексалик, қасаллик ва ўлимдан иборат моддий тирикчилик муаммоларини бойлик орттириш ёки иқтисодий тараққиётни ривожлантириш ёрдамида ҳал қилиб бўлмайди. Жаҳонда тирикчилик учун ҳамма нарса етарли бўлган жуда кўп тараққий этган давлатлар бор, лекин у ерда ҳам одамлар моддий ҳаётнинг асосий муаммоларини ҳал қила олганлари йўқ. Тинчлик ва осоиишталикка эришиш учун улар зўр бериб уриняптилар, лекин, маслаҳат сўраб Кришнага, ёки Кришнани англаш илми ёритилган “Бҳагавад-гита”, “Шримад Бҳагаватам” асарларига мурожаат қилиш билангина инсон ҳақиқий баҳтга эришиши мумкин. Кришнанинг насиҳатларини тушуниш учун бизга Унинг ҳақиқий вакилининг, яъни Кришна онгига бўлган кишининг ёрдами керак.

Агар иқтисодий тараққиёт, моддий қулайликлар инсонни оиласидаги, жамиятдаги, давлатдаги ёки бутун жаҳон миқёсидаги муаммолардан ҳалос этишга қодир бўлса, Аржун, ҳатто ҳеч қандай душман раҳна сололмайдиган салтанат ҳам, фаришталарникдай курдатли ҳукмронлик ҳам қалбидаги изтиробини кетказа олмаслигини айтиб ўтирмасди. Ҳаёт муаммоларини бартараф этиш учун Аржун Худони, Кришнани англаш йўлидан нажот изляяпти: фақат шу йўлга кирган

киши ҳақиқий тинчлик ва осойишталика эришади. Тасодифий содир бўлган ҳар хил кулфат ва табиий оғатлар бизни эришган иқтисодий тараққиётимиздан ёки жаҳон ҳукмронлигидан бир зумда маҳрум қилиши мумкин. Ҳатто олий сайдерларда ҳам, масалан, инсонлар ҳозир зўр бериб интилаётган Ойда ҳам, вақти келиб ҳаёт тугайди. Бунинг тасдигини биз "Бҳагавад-гита"дан топишимиш мумкин: (9.21) *кииине пунье мартія-локам вишанти* - "эзгу ишларининг натижасини тамомлаб, тирик мавжудот энг бахтиёр ҳаётдан энг қуий ҳаётга дучор бўлади". Жаҳондаги жуда кўп машхур одамларнинг тақдири шундай бўлган, ҳаётдаги ана шундай адашишлар, йиқилишлар, омадсизликлар уларга янги-янги изтироблардан бошқа ҳеч нарса олиб келмади.

Шундай қилиб, агар биз мусибатлардан биратўла ва бутунлай қутулишни истасак, Аржун сингари, Худои Таолонинг, Кришнанинг паноҳи остига киришимиз лозим. Аржун Кришнадан ўзининг барча муаммоларини биратўла ҳал қилишни илтимос киляпти, бунга эса, факат Парвардигор Кришнани тўла англаш натижасида эришиш мумкин.

9. *санҷайа увача*  
*эвам уктва хришикешам гудакешаҳ парантапаҳ*  
*на йотсия ити говиндам уктва тушиним бабхува ха*

**Санджай шундай деди:** - Кришнага шу гапларни айтиб, душманлар голиби Аржун: - "Говинда, мен жанг қилмайман!" - деб жим қолди.

Изоҳ: Дхритараштра албатта, Аржуннинг жанг қилишдан бош тортаётганини, жанг майдонини тарқ этиб, тиланчилик билан кун кечирмоқчи эканини эшитиб, қувончдан яйраб кетган бўлса керак. Лекин Санджая, Аржунни *парантапа*, яъни "душманлар голиби" деб аташ билан унинг ҳафсаласини пир қилишга шошилди. Гарчи Аржун яқинлари ва қариндошларига бўлган ўткинчи боғланиши туфайли бироз вақт изтиробга тушиб олган бўлса ҳам, барибир у шогирд бўлиб, ўз ихтиёрини азалий руҳий устози Кришнага топширди. Бу - унинг тез вақт ичида барча изтиробларидан кутулиб, мукаммал руҳий илмга - Худони, Кришнани англаш илмига эга бўлиб, албатта жангта киришига кафолот берарди. Шу боис Дхритараштранинг қувончи узокқа чўзилмайди: Кришнадан руҳий илмни ўрганиб, Аржун тўла ғалаба қозонгунча албатта жанг қиласди.

10. *там увача хришикешаҳ прахассан ива бхаратам*  
*сенайор убхайор мадхийе вишидантам идам вачаҳ*

**Эй Бхарат авлоди, шундан сўнг Кришна икки қўшин ўртасида изтироб чекиб турган Аржунга юзланди ва лабида майин табассум билан унга гапира бошлади.**

Изоҳ: Бу сухбат - икки якин дўст, Хришикеша билан Гудакеша-нинг сухбати эди. Дўст бўлгани учун улар шу пайтгача тенг хукуқли мулокот қилаётган эдилар, лекин уларнинг бири ўз хоҳиши билан иккинчисининг шогирди бўлди. Кришна дўстининг Ўзига шогирд бўлишга қарор қилганидан кулаётган эди. Барча тирик мавжудотларнинг ягона Парвардигори сифатида Кришна ҳамиша энг буюк марта-бада ва ҳар бир тирик мавжудотни бошқариб туради. Шунга қарамай, У Ўзини ҳар хил қиёфада кўришни истаган содикларига дўст, ёки севгили бўлишга рози бўлади. Энди эса, содик хизматкори Уни ўзининг руҳий устози қилиб танлаганида, Парвардигор дарров унинг истагини бажариб, худди руҳий устоз сингари жиддий гапира бошлади. Устоз билан шогирд сухбати, шу ердагиларнинг барчаси бундан ўзларига холоса чиқариб олишлари учун, очиқдан очик, жанг майдонида, ракиб қўшинлар ўртасида бўлиб ўтяди. Шундай қилиб, "Бҳагавад-гита"нинг ўйтглари фақат муайян бир одамга ёки алоҳида, бир гурух одамларга эмас, бутун инсоният учун - дўстларга ҳам, душманларга ҳам баробар.

*11. шири-бҳагаван увача  
аюочиан анвашионач твам праджна-вадами чи бҳашасе  
гатасун агатасуми чи нануиочантси пандитах*

**Худои Таоло шундай деди: - Донолар гапини гапиряпсан-у, лекин ўзинг ачинишга арзимаган нарсалар учун изтироб чекяпсан. Ҳақиқий донишмандлар ўликлар учун ҳам, тириклар учун ҳам азият чекмайдилар.**

Изоҳ: Худои Таоло, Парвардигор Кришна дарров устоз вазифасини бажаришга киришиб, шогирдининг нодонлигини айтиб, уни койий бошлади. "Сен донишмандларга ўхшаб гапирасан, - дейди Парвардигор, - лекин илмли одам тана билан руҳнинг фарқини тушуна олишини, шу сабабли ҳеч қачон тирик ёки ўликнинг танасини қайтуриб, изтироб чекмаслигини билмайсан!" Кейинги боблардан билиб оламизки, илм олиш деганда - руҳ билан тананинг табиатини ўрганиш, шунингдек, уларни бошқариб турган Зотни ўрганиш тушунилади. Аржун, дин конунларига риоя қилиш - сиёсат ёки жамият манфаатларидан устун туради, деб айтган эди, лекин, модда, руҳ ва Худо ҳақидаги илм ҳатто диний қоидалардан ҳам устун туришини билмасди. Шуни билмай туриб, у ўзини билимдон, донишманд қилиб кўрсатмаслиги керак эди. Етарли илмга эга бўлмай туриб, у қайғуришга арзимайдиган нар-

салар учун изтироб чекяпти. Бизнинг хозирги танамиз эртами, кечми барибир ўлиб кетади, шунинг учун, у мангу рух билан баробар қадр-күйматга, муҳим аҳамиятга эга эмас. Шуни яхши тушунган одам хақиқий билимдон киши хисобланади ва у моддий танаси қандай ша-роитга тушиб қолишидан қатъий назар ҳеч қачон азият чекмайди.

*12. на тв эваҳам джату насам на твам неме джанадхипаҳ  
на чаива на бхавишиамаҳ сарве вайам атаҳ парам*

**Мен, сен ва мана шу шоҳлар мавжуд бўлмаган вақт ҳеч қачон бўлган эмас, келажакда ҳам ҳеч биримиз бутунлай йўқолиб кетмаймиз.**

Изоҳ: Ведавий битикларда, масалан, "Катха-упанишад"да ва "Швешватара-упанишад"да айтилганки, Худои Таоло ҳар турли ва хилмалил қиёфалардаги сон-саноқсиз тирик мавжудотларнинг ҳаётини таъминлаб туради. Уларинг фаолиятини, унинг оқибатини эътиборга олиб, уларнинг ҳар бирини ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминлаб туради. Худои Таоло Ўзининг моддий оламда намоён бўлган тўлиқ қиёфаси кўринишида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбida ҳам мавжуд. Ягона Худои Таолони ўз қалбida ҳам, ташқарида ҳам кўришга қодир бўлган авлиё одамларнинг қалби ҳамиша хотиржам ва осойишта бўлади.

*нитийо нитианам четанаши четананам  
эко баҳунам йо видадхати каман  
там атма-стхам йе нупашанти дхирас  
тешам шантиҳ шашвати нетарешам*

(*Катха-упанишад 2.2.13*)

Ҳар бир одам, шу жумладан, гарчи аслида жуда оз илмга эга бўлса ҳам, жаҳонда ўзларини “буюк олим” деб хисоблаб юрган одамлар ҳам ўрганиб фойдалансин деган ниятда, Кришна атайлаб Аржунга ведавий донишмандлик илмини баён этган. Парвардигор аниқ айтятники, Унинг Ўзи, Аржун, ва жанг майдонида тўпланган шоҳларнинг ҳаммаси мангу, алоҳида руҳлардир. Худои Таоло - барча тирик мавжудотларнинг - шартланган ва озод руҳларнинг - мангу химоячиси, посбони. У - мангу олий шахс, Аржун эса, Парвардигорнинг мангу ҳамроҳи, жанг майдонида тўпланган шоҳлар эса, - Парвардигорга тобе бўлган мангу шахслардир. Улар аввал алоҳида шахс бўлмаган, ўлгандан кейин яна йўқолиб кетади, деб ўйлаш - нотўғри. Уларнинг алоҳида мавжудлиги ҳеч қачон узилиб қолмайди. Шунинг учун, ҳеч бир тирик мавжудотнинг бу дунёда изтироб чекиши учун ҳеч қандай сабаб бўлиши мумкин эмас.

Ведаларнинг энг буюк билимдони, Парвардигор Кришна бу ерда майявадилар таълимотини инкор этяпти. Майявадилар, “хозирча алда-

ниш пардасига қопланган алоҳида руҳлар озодликка чиққандан кейин шахсиятсиз Брахманга қўшилиб кетадилар ва ўзларининг алоҳида шахс хусусиятини йўқотадилар”, деб ҳисобладилар. Шартланган руҳнинг алоҳида шахс экани - хом хаёл, деган гапларни Худои Таоло, Парвардигор Кришна инкор этяпти. Худои Таоло ҳам, бошка тирик мавжудотлар ҳам ўзининг алоҳида шахс хусусиятини ҳеч қачон йўқотмаслигини, келажакда ҳам сақлаб қолишини Кришна аниқравшан айтяпти. Бу упанишадаларда ҳам тасдиқланади. Кришнанинг гаплари ишонарли, чунки У ҳеч қачон ғофиллик таъсирига берилмайди. Агар тирик мавжудотлар алоҳида руҳ, шахс бўлмаганида, Кришна келажакни ҳам алоҳида таъкидлаб, айтиб ўтирган бўларди. Файласуф-майявади, Кришна руҳий алоҳидаликни эмас, моддий алоҳидаликни айтяпти, деб эътиroz билдириши мумкин. Лекин, ҳатто биз агар унинг бу эътирозини қабул қилсак ҳам, Кришнанинг алоҳидалиги барибир бошка шахсларнинг алоҳидалигидан фарқ қилиши ошкора қолаверади. Кришна Ўзи аввал ҳам шахс бўлган, кейин ҳам шахслигича қолишини айтяпти. Худои Таоло тақрор ва тақрор айтяпти, У - шахс, шахсиятсиз Брахман эса, унинг ҳукми остида. Бошқача қилиб айтганда, Кришна ҳамиша руҳий шахс бўлиб қолаверади. Агар Уни алоҳида онгга эга бўлган оддий шартланган руҳ деб қабул қилсак, Унинг айтган “Бҳагавад-гита”си ишонарли, мўътабар муқаддас китоб сифатида ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай колади. Инсонларга муқаррар ҳос бўлган тўрт камчиликка эга оддий одам, ҳеч қачон ўзи сингари одамларнинг эътиборига лойик бўлган ҳакиқий илм яратади. “Бҳагавад-гита” оддий одамлар ёзадиган асарлардан устун туради. Ҳеч бир дунёвий асар унга тенглаша олмайди. Парвардигор Кришнани “оддий одам” деб қабул қилаётган кишига “Бҳагавад-гита”нинг ҳеч қандай аҳамияти қолмайди. Майявади-файлласуфлар, бу ерда кўпчиликнинг кўрсатилиши - шартли, ва У моддий таналарни назарда тутган, дейдилар. Лекин, бундан аввалги шеърида Кришна ҳаёт ҳакидаги моддий тасаввурларни инкор этган эди. Шундан кейин ҳам, Унинг Ўзи моддий тасаввурга асосланган ўткинчи таналар ҳакида гапириши мумкинми? Шундай қилиб, бу ерда айтилаётган алоҳидалик - шахслар, яъни руҳий шахсларни назарда тутяпти, буни Рамануджачарья сингари барча буюк ачаръялар тасдиқладилар. “Бҳагавад-гита”нинг жуда кўп шеърларида, руҳнинг алоҳида шахс эканини, унинг моҳиятини фақат Худонинг содиклари англашга қодир, деб кўрсатилган, Кришнага ҳасад киладиган ёки Унинг Худонинг Олий Шахси эканига нафрат кўзи билан карайдиган кишилар, бу буюк асарнинг мазмунини англаб олишга қодир эмаслар. “Бҳагавад-гита”нинг маъносини тушунишга уринаётган иймон-эътиқодсиз кишини, худди асал солинган идишнинг сиртида юрган асаларига ўхшатиш мумкин. Асалнинг таъмини билиш учун идишнинг ичига тушиш керак. Шунга ўхшаб, “Бҳагавад-гита”нинг сирли илмини

факат Худонинг содик хизматкорлари англай оладилар. Бу асарнинг тўртинчи бобида айтилганидай, бошқа ҳеч ким унинг лаззатини сеза олмайди.

Худо Таолонинг борлигига, мавжудлигига ишонмайдиган кишилар "Бҳагавад-гита"га ҳатто қўлини ҳам теккизмаслиги керак. Файла-суф-маявадилар ўзларининг нотўғри изоҳлари билан "Бҳагавад-гита"да кўрсатилган Ҳақиқат илмини таниб бўлмас даражада ўзgartириб юборади. Парвардигор Чайтанъя бизларга файласуф-маявадиларнинг "Бҳагавад-гита"га ёзган изоҳларини ўқимасликни буорган. У огоҳлантириб айтганки, майвадиларнинг фалсафасини қабул қилган киши "Бҳагавад-гита"нинг маҳфий сирини англай олмайди. Агар Парвардигор унда факат моддий оламда мавжуд бўладиган алоҳидалик ҳақида гапирган бўлса, Унинг ўғитлари ўз-ўзидан кераксиз бўлиб қолган бўларди. Алоҳида шахс билан Парвардигор орасидаги фарқ мангу реалликдир, бу барча ведавий адабиётларда тасдиқланади.

*13. дехино "смин йатха дехе каумарам йауванам джара  
татха дехантара-праптирир ҳириас татра на муҳйати*

**Тананинг ичидаги рух чақалоқ танасини бирин-кетин ёш бола, ўспирин танасига, кекса чол танасига алмаштиради. Худди шундай, тана ҳалок бўлгандан кейин, рух бошқа танага ўтади. Бундай ўзгаришлар чуқур фаросатли одамни ташвишга солмайди.**

Изоҳ: Моддий тана ичидаги ҳар бир тирик мавжудот алоҳида руҳдир, унинг танаси аста-секин ўзгариб боради: гўдак ёш бола бўлади, ёш бола аста-секин ўспиринга, йигитга, кекса чолга айланади. Лекин, руҳнинг ўзи ўзгаришсиз қолаверади. Тана ҳалок бўлгандан кейин рух бошқа танага ўтади. Кейинги ҳаётида тирик мавжудот албатта руҳий ёки моддий тана оладиган бўлгани сабабли, Аржун Бхишма билан Дроначарьяларнинг муқаррар ўлимини қайғуриб, бекорга изтироб чекаётган, бекорга ташвишланаётган эди. Аксинча, улар ўзларининг кекса танасини ташлаб, янги, куч-кудратга тўла ёш тана олишига қувониши керак. Тана алмаштириш - тирик мавжудот учун қилган ишлари оқибатида ҳар хил қувонч ва изтироблар келтиради, Бхишма ва Дроначарья сингари олийжаноб зотлар, кейинги ҳаётида албатта руҳий танага эга бўладилар, ёки ҳеч бўлмаса жаннатий сайёralардаги самовий зотлар танасига эга бўлади. У жойда моддий лаззатланиш имконияти ердагига караганда анча юқори. Шундай экан, ҳар қандай ҳолатда ҳам Аржуннинг изтироб чекишига мутлако асос йўқ эди.

Алоҳида руҳнинг, Олий Руҳнинг, моддий ва руҳий оламларнинг табиатини англаб етган одамни ҳириас, яъни "одамлар ичida энг чуқур

фикр юрита оладиган киши" деб атайдилар. Шундай одамни таналарни бетиним алмашлаб туриш жараёни ташвишга солмайди.

Майявадиларнинг мангурухнинг ягоналиги ҳакидаги таълимоти ног'ури, чунки рухни бўлакларга бўлиб бўлмайди. Парвардигорни ана шундай алоҳида рухларга, бўлакларга бўлиш - Уни бўлинадиган ва ўзгарувчан килиб кўйган бўларди, бу эса Олий Рухнинг "ўзгармас ва бўлинмас" сифатларига зид. "Бҳагавад-гита" Худои Таолонинг алоҳида заррачалари мангур мавжуд эканини тасдиқлайди ва уларни "кшара" деб атайди, бу эса, уларнинг юқоридан моддий унсурлар салтанатига тушиш эҳтимоли мавжудлигини кўрсатади. Бу заррачалар Парвардигордан фарқ қиласидиган, мангур, алоҳида, ҳатто озодликка чикқандан кейин ҳам алоҳида рух холида, аввалгида Унинг алоҳида зарраси бўлиб қолаверади. Лекин, моддий тутқунликдан халос бўлиб, у лаззат ва илмга тўла мангур ҳаётга, Худо Шахси билан бевосита шахсий мулокотда бўлиш имконига эга бўлади.

Олий Рух, яъни ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбida мавжуд бўлган Параматма, алоҳида руҳдан, алоҳида тирик мавжудотдан фарқ килади. Буни ойнадаги акс тасвир мисолида тушунтириш мумкин. Осмон сувнинг юзида акс этганида, сувнинг юзида Қуёш, Ой ва юлдузларни кўриш мумкин. Юлдузларни тирик мавжудотларга, Қуёш ёки Ойни эса, Худои Таоло билан ўхшатиш мумкин. Аржун - Худои Таолонинг бир заррасини, алоҳида рухни ифодалайди, Олий Рух эса, - Шри Кришна, Худо Шахси. Уларнинг холати, даражаси бир-бирига тенг эмас, бу ҳақда тўртинчи бобнинг бошида хикоя қилинади. Агар Аржун Кришна билан тенг холатда бўлса, Кришна Ўзини юкори дараҷада тутмаган бўлар, уларнинг устоз ва шогирд муносабати ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қоларди. Агар улар иккови ҳам алдамчи кувват, сароб, майянинг таъсири остида бўлса, уларнинг бири устоз, бири шогирд бўлмаслиги керак эди. Ундай устознинг ўғитлари ҳеч кимга, ҳеч қандай фойда бермаган бўларди, чунки майя (алданиш) таъсиридаги одамни ҳакиқий руҳий устоз деб бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси шундан далолат берадики, Кришна Худои Таолонинг Ўзи ва майя таъсирига тушиб, ўзининг руҳий холатини эсидан чиқариб кўядиган оддий тирик мавжудотни ифодаловчи - Арджунга нисбатан юкори даражада.

#### *14. матра-спаршас ту каунтейа шитошна-сужха-духха-даҳ агамапайино нитйас тамс титикишасва бхарат*

Эй Кунтининг ўғли, баҳт ва мусибатлар худди ёз билан қишининг келиши сингари, бирин-кетин алмашиб, келиб-кетаверади. Улар хиссиятларнинг сезиладиган нарсалар билан ўзаро муносабатидан келиб чиқади, эй Бхарат авлоди, шунинг учун, ҳамиша хотиржам колган холда, уларга сабр билан чидашни ўрганиш керак.

Изоҳ: Ўз бурчини сидқидилдан бажарган ҳолда, инсон ҳаётда вақтингчалик келиб кетадиган баҳт ва мусибатларга сабр билан бардош беришини ўрганиши керак. Ведалар одамга ҳамиша пок, ҳалол юриш учун ҳар куни, ҳатто *мазхи*(январ) ойида ҳам, эрталаб албатта ювишини тавсия этади. Гарчи йилнинг бу фаслида эрталаб сув жуда совуқ бўлса ҳам, диний қоидаларга изчил амал қиласиган одам ҳар куни эрталаб албатта сувда чўмилиб покланади, ҳамиша ҳалол юради.

Худди шунингдек, уй бекаси ҳам, ҳатто ёзниг энг жазирама иссиқ ойларида ҳам, қийин бўлишига қарамай, ўчокка ўт ёкиб, овқат пиширади. Ҳар қандай шароитда ҳам инсон ўз бурчини бажариши лозим. Худди шунингдек, кшатрийнинг вазифаси - жанг қилиш, ҳатто дўсти ёки қариндошлари билан жанг қилишга тўғри келса ҳам, кшатрий жанг қилиши шарт. Муқаммал илмга эга бўлиш учун ҳар бир одам муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига амал қилиши лозим, чунки факат муқаммал илмга эга бўлиш ва Худои Таолога садоқат туфайлигина алданиш, майя чангалидан озодликка чиқиш мумкин. Аржунга мурожаат қиласар экан, бекорга Кришна уни икки хил исм билан атаётгани йўқ. Каунтея дегани, унинг она тарафдан олийжаноб зотлар наслидан эканини, Бхарата номи эса, ота тарафдан буюк авлод сулоласига мансуб эканини билдиради. Шундай қилиб, ҳар иккала тарафдан ҳам Аржуннинг авлодлари буюк зотлар эди. Ана шундай буюк мартабали зотлар насибига мансуб бўлиши, Аржунга ўз бурчини виждан билан бажаришини тақозо этарди, шунинг учун у жанг қилишдан бош тортмаслиги керак эди.

### *15. йам хи на вийатхайнтий эте пурушам пурушарашабха сама-духкха-сукхам дхирам со "мритатватайа калтате*

**Эй инсонлар аълоси, ҳаётда учрайдиган ҳар хил қувонч ва қийинчиликлар ҳаловатини бузолмайдиган, ҳар қандай вазиятда хотиржам ва осойишта қоладиган кишилар ҳақиқатан ҳам озодликка чиқишга муносиб зотлардир.**

Изоҳ: Рухий ўзликни англашнинг олий даражасига эришишга қатъий қарор қилган, баҳт келганда ҳам, мусибат келганда ҳам хотиржам, осойишта қоладиган зотлар шубҳасиз, озодликка чиқишга муносиб зотлардир. Варнашрама тизимидағи ҳаёт тарзининг тўртинчи поғонаси - *саннийаса* (таркидунёлик) - жуда кўп қийинчилик ва ноқулайликларга тўла. Лекин, камолотга эришишга қатъий қарор қилган киши, ҳеч нарсадан қўрқмасдан, албатта саннийаси турмуш тарзига ўтади. Ундаги асосий қийинчиликлар хотин ва болаларни тарк этиб, қариндошлик ришталарни узиш билан боғлиқ. Лекин, шу қийинчиликларни енгиб ўта олган киши албатта рухий юксалиш

йўлининг мақсадига эришади - ўзининг руҳий табиатини англаб етади. Шунга ўхшаб, Кришна Аржунга ўзининг кшатрийлик бурчини бажаришини, яқинлари ва кариндошлари билан жанг килиш осон бўлмаса хам, ўз бурчидан воз кечмаслики маслаҳат беряпти. Худованд Чайтанья йигирма тўрт ёшида саннийаси қабул килганди. Ўша пайтда Унинг қарамоғида ёш хотини ва кекса онаси бор эди. Ўзидан бошқа уларнинг хеч кими йўқ эди. Лекин, ҳаётда энг олий мақсадга эришиш ниятида Худованд Чайтанья саннийасиларнинг ҳаёт тарзи билан яшашга қасам ичиб, Ўзининг янги, аввалгидан анча юқори даражадаги вазифаларини бенуқсон бажара бошлади. Моддий тутқунликдан озодликка чиқиш йўли шундай.

16. *насато видите бхаво набхаво видитатах  
убхайор ани дришто "нтас тв анайос таттва-дариибхиҳ*

**Ҳақиқатни кўра билган донишмандлар: мавжуд бўлмаган(моддий тана) - ўткинчи, ва мангу мавжуд (руҳ) эса - ўзгармас, деган қарорга келганлар. Улар ҳар иккисининг ҳам табиатини чуқур ўрганиб, шундай хулоса чиқарганлар.**

Изоҳ: Бизнинг ҳамиша ўзгариб турадиган танамиз мангу мавжуд бўлолмайди. Замонавий медицина хулосаларига кўра тана ҳужайралари ҳар лаҳзада алмашиниб туради; мана шу алмашинишлар ўсиш ва кексайиш жараёнини ифодалайди. Лекин, тана ва ақлда рўй берадиган барча ўзгаришларга қарамай, мангу руҳ ҳамиша ўзгармай колаверади. Модда ва руҳ орасидаги фарқ шундан иборат. Табиатига кўра тана ўзгарувчан, руҳ эса мангу. Имперсоналист ёки персоналист бўлишидан қатъий назар, ҳақиқатга эришган ҳар бир одам ана шундай хулосага келади. "Вишну-пурана"да айтилганки, (2.12.38) Вишну ва Унинг даргоҳида яшайдиганларнинг табиати руҳий ва нурафшон (джайотимии вишнур бхуванани вишнуҳ). Мангу "мавжуд" ибораси шубҳасиз руҳга нисбатан, "мавжуд бўлмаган" ибораси эса - моддага нисбатан айтилган. Буни ҳақиқатга эришганларнинг ҳаммаси тасдиқлайдилар.

Худои Таолонинг ғоғиллик қуввати адаштирган шартланган руҳларнинг барчасига айтиётган насиҳатлари шундан бошланади. Ғоғиллик пардасини кўтариш - сигинадиган зотлар ва сигиниш обьекти орасидаги мангу муносабатларни қайта тиклаш, яъни Худои Таоло ва Унинг заррачалари бўлган тирик мавжудотлар орасидаги фарқни англаб этишдан иборат. Инсон ўзини чуқур ўрганиши ёрдамида Парвардигорнинг табиатини англаб олиши мумкин: Худои Таоло ва алоҳида тирик мавжудотлар - тўла-бутун ва унинг бўлакларидир. "Шrimad Бҳагаватам"да ҳам, "Веданта-суптра"да ҳам Парвардигор "бутун борлиқнинг бошлангич манбаи" деб аталган. Ундан чиққан ҳар

бир нарса ё олий табиатга, ёки куйи табиатга мансуб бўлади. "Бҳагавад-гита"нинг еттинчи бобидан маълум бўладики, тирик мавжудотлар Худои Таолонинг олий кувватига мансуб. Гарчи кувват манбаи ва кувват бир-биридан фарқ қилмаса ҳам, кувват ҳамиша кувват манбаига нисбатан тобе, бўйсунган ҳолатда бўлади. Демак, худди хизматкор хўжайинига, шогирд устозига бўйсунгани сингари, тирик мавжудотлар ҳамиша Худои Таолога тобе, бўйсунган ҳолатда бўладилар. Лекин, ғофиллик таъсирига тушиб қолган одам бу ҳақиқатларни англаб этишга қодир эмас, шунинг учун, Худои Таоло барча тирик мавжудотларга ҳамма замонларда шу илмни ўргатиш учун "Бҳагавад-гита"ни ҳикоя қилиб берган.

*17. авинаши ту тад виддхи йена сарвам идам татам  
винашам авийайасайасия на каичит картум архати*

**Билиб қўй-ки: моддий танага сингиб кетган зот - бузилмасдир.  
Ўлмас руҳни ҳеч ким яксон қилолмайди.**

Изоҳ: Бу ерда бутун танага сингиб кетган руҳнинг ҳақиқий табиати батафсил тушунтирилган. Биз ҳар биримизнинг бутун танамизга сингиб кетган нарсани англай оламиз - танамизни онг бутунлай қамраб олган. Ҳар бир одам бутун вужуди билан ёки унинг бирор қисми билан оғриқни ёки ёқимли нарсаларни сезиши мумкин. Алоҳида руҳнинг ҳаракат доираси шу битта тана билан чекланган. Бир тана ҳис қилиб турган оғриқ ёки лаззатни бошка бир тана ҳис қилолмайди. Бу ҳар бир танада алоҳида рух мавжуд эканидан далолат беради. Унинг мавжудлиги танада алоҳида онгнинг мавжудлиги билан исботланади. Шастраларда айтилишича, руҳнинг ўлчами соч толаси учининг ўн мингдан бир бўлагига teng. "Шветашватара-упанишада"да (5.9) бу ҳақда шундай дейилган:

*балагра-шата-бҳагасайа шатадха қалпитайсайа ча  
бҳаго дживаҳ виджнеснейаҳ са чанантайа қалпате*

"Агар соч толасининг учини юз бўлакка бўлсак, кейин унинг бир бўлагини яна юз бўлакка бўлсак, ҳосил бўлган бўлакнинг ўлчами мангу руҳнинг ўлчамига teng бўлади". Бошка шеърда ҳам шу ҳақда гапирилади:

*кешагра-шата-бҳагасайа шатамишаҳ садришатмакаҳ  
дживаҳ сукими-сварупо "йам санкйатито хи чит-канаҳ*

"Руҳий заррачаларнинг сон-саноғи йўқ, уларнинг ҳар бирининг ўлчами соч толаси учининг ўн мингдан бир бўлагига teng".

Шундай қилиб, алоҳида рух ўлчами моддий атомдан ҳам кичик бўлган руҳий атомлардир, ундан атомларнинг сон-саноғи йўқ. Ана шу кичкина руҳий заррача, руҳий учқун моддий танани ҳаракатга келтириб турган кучdir. Худди кучли дорининг таъсири бутун танага тарал-

гани сингари, рухнинг куввати ҳам бутун танани қамраб олади. Мангу рухнинг таъсири тананинг ҳар бир нуқтасида сезилиб туради, яъни рух танада онг кўринишида намоён бўлади. Онгнинг мавжудлиги танада рух борлигини исботлайди. Ҳатто энг сода одам ҳам онгидан маҳрум бўлган тана ўлик эканини тушунади. Агар онг танани тарк этса, унинг ичига қанча дори ёки бошқа нарсалар киритманг, уни ҳаётга қайтариб бўлмайди. Демак, онгнинг манбаи - моддий унсурлар бирикмаси эмас, балки мангу руҳдир. "Мундака-упанишад"да (3.1.9) кичик заррача бўлган рухнинг ўлчами ҳақида шундай дейилган:

*эши "нур атма четаса ведитавио  
йасмин пранац панчадха самвивеша  
пранаш читтам сарвам отам праджсанам  
йасмин вишудхе вибхаватй эша атма*

"Алоҳида рухнинг ўлчами атомдан катта эмас, унинг мавжудлигини факат мукаммал тафаккур сеза олади. Ҳавонинг беш оқими(*прана, апана, въяна, самана ва удана*)да айланиб юрадиган бу руҳий заррача(жон, руҳ) юракда жойлашган ва тирик мавжудотнинг бутун танасини бошқариб туради. Руҳ, жон беш моддий ҳаво оқимларининг қўпол таъсир(иллат)ларидан бутунлай покланганида, ўзининг руҳий табиатини тўла намоён этади".

Хатха-йоганинг мақсади ҳар хил жисмоний машқлар ёрдамида пок руҳни ўраб турган ҳавонинг беш оқимини бошқаришни ўрганишдан иборат. Буларнинг ҳаммаси қандайдир моддий манфаат учун эмас, аксинча руҳни моддий туткунликдан озод қилиш мақсадида амалга оширилади.

Шундай қилиб, чексиз кичик заррача - рухнинг табиати Ведаларда батафсил ёритиб берилган, унинг ҳақиқатан ҳам мавжудлигини ҳар бир ақл-заковати етук одам сеза олади. Фақат ақлсиз, аҳмоқ одамгина "бу руҳий зарра - ҳамма ерда мавжуд бўлган *вишину-таттва* дир" деб ўйлаши мумкин.

Алоҳида руҳ ўзининг таъсирини тирик мавжудот танасининг ҳамма жойига ўтказа олади. "Мундака-упанишад"га асосан, руҳ тирик мавжудотнинг юрагида жойлашган, аммо, дунёвий олимлар уни топа олмаганлари, кўра олмаганлари сабабли, баъзилари ғофиллиги сабабли, "руҳ мавжуд эмас" деб ўйлайдилар. Чексиз кичик ўлчамли алоҳида руҳ шубҳасиз, тирик мавжудотнинг юрагида, Олий Руҳ билан бирга мавжуд, шунинг учун айнан юрак танани ҳаракатга келтириб турадиган қувватнинг манбаи ҳисобланади. Ўпкада кислород билан тўйинадиган қон таначалари руҳдан қувват оладилар. Руҳ танани тарк этиб кетганида қон айланиши ҳам тўхтаб қолади. Медик олимлар инсон ҳаётидаги қизил қон таначаларининг аҳамияти катта эканини тан оладилар, лекин уларни ҳаракатга келтириб турган кучнинг, курдатнинг манбаи руҳ эканини аниқлай олмайдилар. Лекин, шу қувватнинг манбаи юракда эканини улар ҳам тан оладилар.

Рухий табиатга эга тўла-бутуннинг кичкина зарраларини баъзан қуёш нурининг корпускулаларига ўхшатадилар. Қуёш нури сонсаноқсиз нурафшон корпускулалардан иборат. Худди шундай, Худои Таолонинг ажралган заррачалари ҳам - Унинг олий қуввати хисобланган ёғдуси(*прабха*)нинг кичкина алоҳида зарраларидир. Шундай қилиб, ведавий файласуфлар ҳам, замонавий олимлар ҳам танада руҳнинг мавжуд эканини инкор этишга ҳеч қандай асос тополмайдилар. Рух ҳақидағи илм Худои Таолонинг Ўзи баён этган "Бҳагавад-гита"да батафсил тушунтирилган.

*18. антаванта име деха нитийасикотаҳ шариринаҳ  
анашино прамейасия тасмаð иудхийасва бхарат*

**Мангу, емирилмас ва ўлчами йўқ тирик мавжудотнинг моддий танаси ҳалок бўлиши муқаррар. Шунинг учун, эй Бхарат авлоди, жанг қил!**

Изоҳ: Моддий тана ўзининг табиатига кўра ўткинчи. У ё туғилган заҳоти ёки юз йилдан кейин ўлиши мумкин, - тана учун ўлим муқаррар. Унинг қачон ўлиши, шунчаки, вактнинг ўтишига боғлиқ, холос. Тана мангу мавжуд бўлиб туролмайди. Лекин тананинг ичидаги рух шу қадар ингичка, кичик заррачаки, ҳеч қандай душман уни ўлдириш ў ёқда турсин, ҳатто кўролмайди ҳам. Аввалги шеърда айтилганидай, руҳнинг ўлчами шу қадар кичкинаки, уни ҳеч ким ҳатто ўлчай олмайди. Ҳар ҳолда биз рух ҳақида қайғурмасак ҳам бўлади, чунки тирик мавжудотни ўлдиришнинг иложи йўқ, моддий танани эса, муқаррар ўлимдан ҳатто бирозгина вактга бўлса-да, химоя қилишнинг иложи йўқ. Рухий тўла бутуннинг чексиз кичик заррачаси бўлган рух олдинги ҳаётида қилган ишлари оқибатида моддий танага эга бўлади, шу боис, ҳар бир одам Худонинг қоидаларига амал қилиб яшashi лозим. "Веданта-сутра"даги маълумотларга кўра, тирик мавжудотнинг табиати шульанинг, ёғдунинг табиатига ўхшайди, чунки у олий нурнинг заррачасидир. Худди Қуёш ўз нурлари билан бутун коинот ҳаётини таъминлаб тургани сингари, руҳдан таралиб чиқаётган шуъла ҳам моддий тананинг ҳаётини таъминлаб туради. Рух танани тарк этган заҳоти тана бузила бошлайди, демак, моддий тананинг ҳаётини айнан рух таъминлаб туради. Тананинг ўзи ҳеч қандай қийматга эга эмас. Шунинг учун, Кришна Аржунга жанг қилишни ва ҳаётга тана нуқтаи-назаридан қарайдиган тасаввурга асосланган моддий муносабатларни қайғуриб, диний конун-қоидаларни бузмасликни маслаҳат беряпти.

*19. йа энам ветти хантарам յаш чаинам манийате хатам  
убхай тау на виджсанито найам ханти на ханийате*

**Тирик мавжудотни “қотил” деб ўйлаган киши ҳам, уни “ҳалок бўлади” деб ўйлайдиган киши сингари илмиз одамдир, чунки рух ўлдирмайди, рухни ўлдириб ҳам бўлмайди.**

Изоҳ: Тирик мавжудотнинг танаси қандайдир курол таъсиридан ҳалокатга учраганида тана ичидаги рух мавжудлигича қолаверади. Рух шу қадар кичкинаки, уни ҳеч қандай қурол билан ўлдириб бўлмайди, бу ҳақда биз кейинги шеърлардан билиб оламиз. Тирик мавжудотни умуман ўлдириб бўлмайди, чунки у ўзининг табиатига кўра руҳий зарра. Фақат моддий танани ўлдириш мумкин. Лекин, Ведаларда тирик жониворларни ўлдириш қўллаб-қувватланади, деб тушунмаслик керак. Ведаларда шундай кўрсатма бор: *ма химсият сарва бхутани* - "Ҳеч бир тирик мавжудотга нисбатан зулм килмаслик керак". Ўз нафси учун ҳайвонларни ўлдирадиган одамларнинг гунохини тирик мавжудотни ўлдиришнинг иложи йўқлиги билан оклаб бўлмайди. Худои Таолонинг руҳсатисиз ҳар қандай танани ўлдириш - жиноят ҳисобланади ва давлатнинг, Худонинг қонунлари бўйича албатта жазоланади. Лекин Аржун ўзининг ниятларини амалга ошириш учун эмас, ҳакиқий дин қонунларини ўрнатиш учун жанг қилиши лозим.

*20. на джайате мрийате ва қадачин  
найам бхутва бхавита ва на бхуйаҳ  
аджсо нитиаҳ шашвато “йам туррано  
на ханияте ханиамане шарире*

**Рух тугилмайди, ўлмайди. У ҳеч қачон пайдо бўлмаган, пайдо бўлаётгани йўқ, пайдо бўлмайди. У тугилмаган, мангу, ҳамиша мавжуд ва азалий. Тана ҳалок бўлганида рух ўлмайди.**

Изоҳ: Олий руҳнинг чексиз кичик заррачаси сифат жиҳатидан Худои Таолодан фарқ қилмайди. Моддий тана ўзининг мавжудлик даврида ўтишга мажбур бўладиган ўзгаришлар руҳга таъсир қилмайди. Баъзан рухни қўзғалмас(кута-стха) деб айтадилар. Ўзининг мавжудлик даврида тана олти хил ўзгаришлардан ўтади: 1)туғилади; 2)ўсиб ривожланади; 3)бироз вақт ўсишдан тўхтаб туради; 4)насл колдиради; 5)сўлий бошлиди; 6)ҳалок бўлади. Лекин, рух ҳеч қандай ўзгаришларга маҳкум эмас. Руҳни “туғилмаган” деб атайдилар, лекин, у моддий тананинг ичидаги бўлгани сабабли, рух ҳам модда билан бирга туғилгандаи бўлиб туюлади. Аслида тананинг ичидаги рух туғилмайди, ўлмайди. Туғилган ҳар бир нарса ўлишга маҳкум. Аммо, рух туғилмаган бўлгани сабабли, унинг учун ўтмиш, ҳозир ва келажак деган тушунчалар мавжуд эмас. У мангу, ҳамиша мавжуд ва азалий. Бошқача қилиб айтганда, унинг дунёга келган вақтини аниқлашнинг иложи йўқ. Гоффиллигимиз туфайли, ҳаёт ҳакиқидаги моддий тасаввурла-

римизни рухга ҳам кўллаётганимиз сабаблигина унинг қачон пайдо бўлганини аниқлашга уринамиз. Танадан фарқ қилган ҳолда, рух ҳеч қачон қаримайди. Шунинг учун баъзан кексалар ҳам ўзини ёш болалардай тутадилар. Рух ҳеч қачон дараҳт ёки ҳар қандай моддий нарсага ўхшаб сўлиб қолмайди. У шунингдек, насл ҳам қолдирмайди. Бизнинг танамиздан пайдо бўлган фарзандларимиз алоҳида мавжуд рухлардир, улар бизнинг танамиз билан боғлиқ бўлгани учунгина биз уларни "фарзандларимиз" деб хисоблаймиз. Ичида рух мавжуд бўлгани туфайлигина тана ривожланади, аммо рухнинг ўзи ҳеч қандай насл қолдирмайди, ҳеч қандай ўзгаришга учрамайди. Шундай килиб рух, тана учрайдиган олти хил ўзгаришлар орқали ўтмайди.

"Катха-упанишад"(1.2.18)да ҳам шунга ўхшаш шеър бор:

*на джайате мрийате ва випаичин  
найам куташчин на бабхува каичит  
аджсо нитайа шаивато "йам турано  
на ханияте ханиамане шарире*

Бу шеърнинг мазмуни ва моҳияти "Бҳагавад-гита"нинг юқорида келтирилган шеъри билан бир хил, лекин бу ерда муҳим аҳамиятга эга бўлган "випаичит" ибораси ишлатилган. Бу ибора "илмли, илмга эга" деган маънени англатади.

Рух илмга тўла, яъни у ҳамиша онгли. Онг - рухнинг ажралмас хусусияти, хоссаси, сифати. Биз гарчи рух жойлашган юракдан рухни топа олмасак ҳам, танамизда онгнинг мавжудлигидан рух ҳақиқатан ҳам мавжудлигига ишонч хосил қиласиз. Осмонни булат қоплаганда ёки бошқа бирор тўсик бўлгандан биз қуёшни кўрмаслигимиз мумкин. Лекин, теварак атрофнинг ёргу бўлиб турганига қараб, ҳозир кундуз эканини, яъни қуёш осмонда эканини англаб оламиз. Эрта тонгда кун ёриша бошлаганда қуёшнинг чиқиб келаётганини тушунамиз. Худди шунингдек, ҳар бир танада мавжуд бўлган онг - инсон танасида, хайвон танасида рух мавжудлигидан далолат беради. Лекин, алоҳида рухнинг онги Худои Таолонинг онгидан фарқ қиласи, чунки Парвардигорнинг онги бутун борликни қамраб олган. Парвардигор қадимда бўлиб ўтган, ҳозир рўй берәётган ва келажакда рўй берадиган ҳамма нарсани билади. Алоҳида рух эса табиатан унутувчан. Рух ўзининг ҳақиқий табиатини унуганида факат Кришнанинг насиҳатларини тинглаб, тўлиқ руҳий илмга эга бўлиши ва руҳий ўзлигини англаши мумкин. Лекин, Кришнани унутувчан алоҳида рух билан тенглаштириб бўлмайди. Акс ҳолда Унинг "Бҳагавад-гита"да берган насиҳатларининг ҳеч қандай маъноси колмаган бўларди.

Рухларнинг икки тури мавжуд - чексиз кичик алоҳида рух(*ануматта*) ва Олий рух(*вибху-атта*). Бу "Катха-упанишад"да ҳам тасдиқланади.

*анор анийан махато махийан  
атмасайа джсантор нихито гухайам*

*там акратуҳ нашшати вита-ишко  
дхатуҳ прасадан маҳиманам атманаҳ*

"Олий рух(Параматма) ва алоҳида рух(живатма) биргаликда битта тана дарахтида, тирик мавжудотнинг юрагида мавжуд, аммо, факат барча моддий орзу-истаклардан ва мусибатлардан халос бўлган кишигина, Парвардигорнинг марҳамати билан рухнинг улуғворлигини англаб етиши мумкин". Кейинги боблардан билиб оламизки, Кришна - Олий Рухнинг манбай, Аржун эса, - унтувчан алоҳида рухларнинг бири. Шунинг учун, Аржун Кришнанинг ёки Унинг ҳақиқий вакили, рухий устознинг насиҳатларига, кўрсатмаларига муҳтоҷ.

*21. ведавинашинам нитъям йа энам аджсам авайайам  
катҳам са турушаҳ партҳа кам ҳатайати ханти кам*

**О Парта, рухнинг емирилмас ва мангуб эканини, рух тутылмаган ва ўзгармас эканини билган одам қандай қилиб биронни ўлдириши ёки биронни ўлдиришга мажбур қилиши мумкин?**

Изоҳ: Ҳар нарсанинг ўз ўрни, вазифаси бор, мукаммал илмга эга бўлган киши қайси нарсани қаҷон ва каерда ишлатиш кераклигини яхши билади. Зулмнинг ҳам кўлланиладиган ўз ўрни бор, аммо уни факат мукаммал илмга эга бўлган кишигина ўз ўрнида кўллашни билади. Масалан, қотилликда айбор бўлган жиноятчини ўлим жазосига маҳкум қилган қозини "гуноҳкор" деб бўлмайди, чунки у зулмни конун асосида кўллайди. Бутун инсоният учун конунлар мажмууси бўлган "Ману-самхита"да айтилганки, қотилга ўлим жазоси берилиши керак, шунда қотил кейинги ҳаётида бу оғир гуноҳи учун азоб чекмайди. Шунинг учун, қотилни ўлим жазосига маҳкум қилиш билан шоҳ аслида қотилнинг манфаатини кўзлайди. Худди шунингдек, Кришна жанг қилишга буйруқ берганида, зулм - олий ҳақиқат, адолат тантана қилиши учун ишлатилган бўлади. Шу боис, Кришнанинг, Худонинг иши учун курашаётган одам қилаётган зулм - зулм ҳисобланмайди, чунки одамни, аниқроғи рухни ўлдириб бўлмаслигини эсида тутган ҳолда, Аржун Унинг буйруғини бажариши лозим эди. Шундай қилиб, баъзида адолат учун куч ишлатиб зулм қилишга тўғри келади. Хирург беморни ўлдириш учун эмас, аксинча даволаш учун касал жойини кесиб ташлайди. Аржун ҳам, Кришнанинг буйруғи билан жангга кириб, мукаммал илмга эга бўлган киши сингари ҳаракат қиласи, шу сабабли унинг қилаётган ишлари гуноҳ ҳисобланмайди.

*22. васамси джирнани йатҳа вихайা  
навани грихнати наро "парани  
татҳа шарирани вихайа джирнани  
анийани самйати навани дехи*

**Худди одам эски кийимини ечиб, янгисини кийгани сингари, рух ҳам кекса ва яроқсиз танани ташлаб янги танага эга бўлади.**

Изоҳ: Чексиз кичик бўлган алоҳида рух ҳамиша тана алмашлаб юриши - кўпчилик тан олган факт, хақиқатдир. Ҳатто, рухнинг мавжудлигига ишонмайдиган, аммо, юрак ўз кучини қаердан олишини тушунтириб бера олмайдиган замонавий олимлар ҳам, танамиз ҳамиша ўзгариб туришини - гўдак ёш бола бўлишини, ёш бола ўспирин бўлишини, ўспирин улғайиб, катта одам бўлишини, кейин кексайишини тан олишга мажбур. Кейин тирик мавжудот янги танага ўтади. Бу ҳақда аввалги шеърларнинг биррида гапирган эдик.(2.13).

Алоҳида рухнинг янги танага ўтиши Олий рухнинг марҳамати билан рўй беради. Худди одам ўз дўстининг истагини бажаргани сингари, Олий рух ҳам алоҳида рухнинг истагини амалга ошириб юради. Ведаларда, масалан, "Мундака-упанишад" ва "Шветашватара-упанишад"да алоҳида рух билан Олий Рухни бир дараҳтда ўтирган икки күшга ўҳшатадилар. Уларнинг бири(алоҳида рух) - шу дараҳтнинг меваларидан тотади, бошқаси(Кришна) эса, дўстининг ҳаракатларини кузатиб туради. Гарчи бу қушлар сифат жиҳатдан бир-бирига ўҳшасалар ҳам, уларнинг биттаси моддий дараҳт меваларидан тотиши билан овора, бошқаси эса, - шунчаки унинг ҳаракатларини кузатиб туради. Кришна - гувоҳ бўлиб, кузатиб турадиган қуш, Аржун эса - моддий дараҳт меваларидан тотадиган қуш. Гарчи улар дўст бўлсалар ҳам, ҳамиша уларнинг биттаси "хўжайн", биттаси "хизматкор" бўлиб колаверадилар. Чексиз кичик алоҳида рух ўзининг ана шу муносабатларини эсидан чиқарганида, бир дараҳтдан иккинчи дараҳтга ўтиб, ҳолатини бирин-кетин ўзгартириб юришга мажбур бўлади, яъни бир танадан иккинчи танага ўтиб юради. **Жива** моддий тана дараҳтида ўтирас экан, у тириклик учун қаттиқ кураш олиб бориши керак, аммо, у иккинчи қушни ўзига рухий устоз килиб танлаганида, Кришнага ўз ихтиёрини топшириб, Үндан кўрсатма, насиҳат сўраб мурожаат қилган Аржун сингари, шу заҳотиёқ изтироб ва мусибатлардан халос бўлади. Бу "Мундака-упанишад"да (3.12) ва "Шветашватара-упанишад"да шундай (4.7) таърифланган:

*самане врикие пуршио нимагно  
нишайа шочати мухаманаҳ  
джуштам йада пашиятай анйам ишам  
асия маҳимманам ити вита-шоқаҳ*

"Гарчи икки қуш ҳам бир дараҳтнинг шоҳасида ўтирган бўлсалар ҳам, улардан биттаси ҳамиша соғинч ва хавотирда, чунки у дараҳт меваларидан тотишга интилади. Аммо, бирор сабаблар билан изтироб чекиб юрган шу рух ўзининг ҳақиқий дўстига, Ҳудои Таолога назар ташлаб, Үнинг улугворлигини англаб етса, шу заҳотиёқ барча ташвиш ва хавотирлардан халос бўлади".

Хозир Аржун ҳам ўзининг мангу дўсти Кришнага назар ташлади, - ўзига "Бҳагавад-гита"ни гапириб бераётган Худои Таолога мурожаат килди. Демак, у энди Худои Таолонинг улуғворлигини англаб етади ва изтироблардан бутунлай ҳалос бўлади.

Бу ерда Худои Таоло Аржунга, бобоси ва устози тана алмаштириши кераклигини ўйлаб қийналмасликни маслаҳат беради. Аксинча, одил, ҳалол жангда Аржун уларни ўлдирганидан хурсанд бўлиши кепрак, чунки, улар дунёвий ишларининг барча ёмон оқибатларидан биратўла ҳалос бўладилар. Ҳалол жангда ҳалок бўлган киши шу захотиёқ барча гуноҳларидан покланади ва эхромда курбонлик учун сўйилган жонивор сингари, олий даражага кўтарилади. Шундай қилиб, Аржуннинг изтироб чекишига ҳеч қандай асос йўқ.

*23. найнам чхинданти шастрани найнам даҳати павакаҳ  
на чаинам кледайантӣ ато на шошайати марутаҳ*

**Рухни ҳеч қандай қурол билан бўлаклаб, ўтда қуидириб, сувда чўқтириб ёки шамолда қуритиб бўлмайди.**

Изоҳ: Ҳеч қандай қурол - киличми, оловнинг қуввати билан ишлайдиган қуролми, тўфон(смерч)ми, яшинми, ва ҳоказо - мангу рухни яксон қила олмайди. Маълумки, ўтган замонларда, ҳозирги одамлар яхши биладиган ўқ отиш қуролларидан ташқари, қуролларнинг бошқа турлари: ердан, сувдан, ҳаводан, эфир ва ҳоказо унсурлардан ишланган қуроллар бўлган. Замонавий одамлар эга бўлган ядрорий қурол ҳам оловнинг қуввати билан ишлайди. Лекин аввал ҳар хил моддий унсурлардан таркиб топган қуроллар бўлган. Оловнинг қуввати билан ишлайдиган қуролга қарши, ҳозирги олимларга номаълум бўлган, сувдан ишланган қуролни ишлатиш мумкин бўлган. Ҳозирги олимлар смерчнинг кучи асосида ишлайдиган қуролни билмайдилар. Аммо, нима бўлганда ҳам, рухни ҳеч қандай қурол билан, ҳатто энг қудратли қурол билан ҳам, янчиб ёки яксон қилиб бўлмайди. Майявади-файлласуфлар таълимотига кўра, алоҳида рух - факат ғофилилк таъсирига берилиб, алдамчи қувват қобиги остига тушиб қолгандагина мавжуд бўлади. Лекин, алоҳида рухни Олий Руҳдан кесиб олиб бўлмаса, қандай қилиб бундай бўлиши мумкинлигини улар тушунтира олмайдилар. Демак, алоҳида рухлар - Олий Руҳнинг мангу "ажралган" заррачалари. Кичкина зарралар ўзларининг алоҳида шахс сифатини мангу саклаб қолар экан, уларда алдамчи қувват таъсирига тушиб қолиш ва шу тариқа Худои Таоло билан мулоқотда бўлиш имкониятидан маҳрум бўлиш эҳтимоли бор. Шу тарзда сифат жиҳатдан гулхан билан бир хил бўлган учкунлар ҳам гулхандан ажralиб чиқиб, ўчиб қоладилар. Тирик мавжудотлар Худои Таолонинг ажралган бўлаклари экани "Вараҳапурана"да ҳам ёзилган, ва "Бҳагавад-гита" таълимотига кўра улар

мангу шундай бўлиб қолаверадилар. Шундай қилиб, Парвардигорнинг Аржунга берган насиҳатларига кўра, ҳатто алданиш асирилигидан халос бўлиб ҳам, тирик мавжудот ўзининг алоҳида шахс ҳолатини сақлаб қолаверади. Аржуннинг Кришнадан ўргангандан илми унга руҳий озодликка чиқишига ёрдам берди, лекин бу - у Кришна билан бир бўлди, дегани эмас.

24. аччхедйо “йам адахйо “йам акледйо “ишшиа эва ча ниттаҳ сарва-гата стханур ачало “йам санатанаҳ

**Алоҳида руҳни парчалаш, эритиш, қуидириш ёки қуритишнинг иложи йўқ. Ўзгармас, қўзгалмас ва мангу бўлган ҳолда, у ҳар ерда мавжуд ва ҳамиша ўзининг шахс хусусиятларини сақлаб қолаверади.**

Изоҳ: Руҳнинг бу ерда келтирилган барча хусусиятлари алоҳида руҳнинг ҳамиша руҳий тўла бутуннинг чексиз кичик заррачаси бўлиб қолишини, ҳеч қачон унинг ҳолатини ўзгармаслигини тасдиқлади. Бу ҳолат монизм таълимотини тўла инкор этади, чунки, мазкур шеърдан маълумки, алоҳида рух ҳеч қачон Олий Руҳга кўшилиб кетмайди. Моддий иллатдан покланиб, озодликка чикқандан кейин, алоҳида рух Худои Таолонинг руҳий ёғусида алоҳида руҳий учқун бўлиб қолиши мумкин, аммо, чукур тафаккур эгалари руҳий сайёralарга кўтарилиб, у ерда Худо Шахси билан бевосита мулоқотда, ўзаро муносабатда бўладилар.

Бу ерда *сарва-гата* (ҳар ерда мавжуд) ибораси мухим аҳамиятга эга. Шубҳа йўқки, тирик мавжудотлар Парвардигор яратган борлиқнинг ҳамма ерида мавжуд: улар сувда ҳам, куруқлиқда ҳам, ҳавода ҳам, ер остида, ҳатто оловда ҳам яшайдилар. Олов тирик мавжудотларни йўқ қиласи, деган тушунчани тўғри деб бўлмайди, чунки, бу ерда аниқ айтилганки, рух оловда ёнмайди. Демак, шубҳа йўқки, оловда яшашга мослашган тана ичиди тирик мавжудотлар ҳатто Қуёшда ҳам яшайверадилар. Агар Қуёшда тирик мавжудотлар яшамайдиган бўлса, *сарва-гата*, "ҳамма ерда мавжуд" деган сўзнинг маъноси қолмаган бўларди.

25. авйакто “йам ачинтийо “йам авикарийо “йам учйате тасмад эвам видитваинам нанушичитум архаси

**Рух ўзгармас, уни кўз билан кўришнинг, ақл билан англашнинг иложи йўқ. Шуни билган ҳолда, сен ўткинчи тана учун ачиниб, изтироб чекмаслигинг керак.**

Изоҳ: Аввал айтганимиздек, рухнинг ўлчамлари шу қадар кичики, уни ҳатто энг қудратли микроскоп ёрдамида ҳам кўриб бўлмайди, шунинг учун рухни “кўринмас” деб атайдилар. Рухнинг ҳақиқатан ҳам мавжудлигига келсак, уни тажриба йўли билан аниқлаб бўлмайди, рух мавжуд эканининг ягона исботи - шрутилар, ведавий муқаддас китоблардир. Биз уларда ёзилган ахборотларни исботсиз қабул килишимиз лозим, чунки гарчи биз унинг мавжудлигини сезган билан, рухнинг мавжудлиги ҳақида бизга хабар берадиган бошқа бирор манба мавжуд эмас. Ҳаётда бизлар исботсиз қабул қиласидиган жуда кўп ҳақиқатлар мавжуд, биз уларни ишончли одамдан исботсиз қабул қиласиз. Масалан, ҳеч ким отаси мавжуд эканини инкор этмайди. Отамизнинг ким эканини эса, онамизнинг гапига ишониб қабул қиласиз, онамизнинг гапини ҳеч қандай йўл билан текшириб бўлмайди. Худди шунингдек, рух ҳақидаги илмни ҳам факат Ведалардан оламиз. Бошқача қилиб айтганда, одам рухнинг табиатини тажриба йўли билан ўргана олмайди. Рухнинг онги бор, рухнинг ўзи - онгдан иборат: бу ҳақда ҳам Ведаларда айтилган, биз бу ҳақиқатни ҳам исботсиз қабул қилишимиз лозим. Танадан фарқли равишда, рух ҳеч қачон ўзгармайди. Мангу ўзгармас бўлган ҳолда рух чексиз Олий Рухга нисбатан ҳамиша чексиз кичик заррача бўлиб қолаверади. Шу сабабли чексиз кичик алоҳида рух ҳеч қачон чексиз буюк Олий Рухга тенглаша олмайди. Биз бу фикрни қайта-қайта таъкидлаётганимиздан мақсад - рух ҳақидаги тушенча ўзгармас эканини тасдиқлашдир. Ҳар қандай фикрни етарли даражада англаб олиб, кейин адашмаслик учун уни бир неча бор такрорлаш керак.

*26. атха чаинам нитийа-джатам  
нитийам ва маниясе мриматам  
матхати твам маҳа-бахо  
наинам шочитум архаси*

**Ҳатто, агар сен рух(ёки тириклик аломатлари) мунтазам тугилиб туради, кейин бутунлай ўлиб кетади, деб ўйласанг ҳам, барибир изтироб чекишининг хожати йўқ, эй билаги кучли Аржун.**

Изоҳ: Буддистларга ўхшаб, рух алоҳида ўзи танадан ташқарида мавжуд бўла олишига ишонмайдиган файласуфлар ҳамиша топилиб туради. Шундай файласуфлар Кришна "Бҳагавад-гита"ни баён этган даврда ҳам бўлган. Уларни локаятилар ёки вайбхашикалар деб атаганлар. Уларнинг таълимотига кўра, ҳаёт эволюцион ривожланиш давомида моддий унсурларнинг бирикмасидан пайдо бўлади. Хозирги замонавий материалист-файласуф олимларнинг кўпчилиги ҳам шу фикрга кўшиладилар. Уларнинг фикрига кўра, тана - моддий унсурларнинг бирикмаси, ривожланишнинг маълум босқичида, химиявий ва жисмо-

ний унсурларнинг ўзаро фаолияти натижасида шу биримада, яъни танада ҳаёт белгилари пайдо бўлади. Ҳаёт ҳақида ана шундай тасаввур "эволюцион назария" деб аталадиган (Ч.Дарвин)таълимотнинг ҳам асосини ташкил этади. Ҳозирги пайтда Америкада жуда кенг тарқалган сохта диний оқимлар билан бир қаторда атеизмни тарғибот қилувчи ҳар хил буддавий оқимлар ҳам шу фалсафадан фаоллик билан фойдаланяптилар.

Агар, *вайбхашика* фалсафаси издошлари сингари, Аржун ҳатто руҳнинг мавжудлигига ишонмаса ҳам, барибир унинг изтироб чекишига асос йўқ эди. Қандайдир химиявий элементларнинг йўқолиб кетаётгани учун қайғуришнинг, шу боис ўз бурчини бажаришдан бош тортишнинг қандай маъноси бор? Ҳозирги пайтда замонавий илм ҳамда армия ҳарбий устунликка эришиш учун тоннараб химиявий моддалар ишлатяпти. *Вайбхашика* фалсафасига кўра, рух, яъни *атма*, моддий тана билан бирга ўлиб, йўқолиб кетади. Шундай килиб, Аржун Ведалар илмини тан олиб, рух мавжудлигини тан оладими, ёки унга ишонмайдими, барибир изтироб чекишининг ҳеч қандай маъноси йўқ. *Вайбхашика* фалсафаси таълимотига кўра, модда ҳар секундда сонсаноқсиз тирик мавжудотларни яратиб туради ва ҳар секундда шунчак тирик мавжудотлар ҳалок бўладилар. Шу сабабли уларни қайғуришнинг, улар учун изтироб чекишнинг ҳожати йўқ. Агар рух ҳеч қачон қайта туғилмайдиган бўлса, Аржун ўзининг қариндошларини ўлдириш билан содир қилган гуноҳлари оқибатида кейинги ҳаётида дўзахда азоб чекишидан кўрқмаслиги керак. Шу билан бирга Кришна Аржунни атайлаб, *маҳа-баҳу*, яъни "билаги кучли" деб атаяпти, чунки Кришнанинг Ўзи ҳеч қачон Ведалар таълимотига зид келадиган вайбхашикаларнинг фалсафасини тан олмайди. Аржун ведалар маданиятига мансуб авлод вакили, демак шу маданиятнинг қадриятларига содиқ қолиши лозим эди.

*27. джатасайа хи дхруво мритийур  
дхрувам джанмса мритасай ча  
тасмад апарихарие "ртхе  
на твам шочитум архаси*

**Туғилган зот албатта ўлади, ўлгандан кейин янга дунёга келади. Бу - муқаррар ҳақиқат, шунинг учун, ҳаётда ўз бурчингни бажара туриб, сен изтироб чекмаслигинг керак.**

Изоҳ: Тирик мавжудотнинг ҳозирги ҳаётидаги фаолияти унинг кейинги ҳаётда яшайдиган шароитини белгилайди. Навбатдаги фаолият босқичини тамомлагандан кейин, тирик мавжудот "ўлим" орқали ўтиб, янги фаолият бўсқичини бошлайди. Шу тарика тирик мавжудот туғилиш ва ўлиш чархпалагида айланиб, ундан кутула олмай юради.

Тұғилиш-ўлиш чархпалагининг мавжудлiği урушларни, ҳайвон ва одамларни ҳар хил йүллар билан бемаъни ўлдириш билан боғлиқ фоалиятларни оқламайды. Лекин барибир, зулм, тажовуз ва урушлар инсонлар жамияттада мұқаррар рўй береб туради, акс ҳолда жамияттаң қонун ва тартибни сақлаб туриб бўлмайди.

Курукшетрадаги жанг Худои Таалонинг амри билан бўлаётгани учун уни бартараф қилишнинг иложи йўқ; адолат учун жанг қилиш, курашиш - ҳар бир кшатрийнинг бурчи. Агар Аржун ўз бурчини бажараётган бўлса, нимага у қариндошларининг ўлишидан кўркиб, уларга аза тутиши, изтироб чекиши керак? Жангда қатнашгани билан у қонунни бузмайди, яъни гуноҳ иш қилмайди, демак, уларнинг оқибатидан кўрқмаса ҳам бўлади. Айни пайтда, ўз бурчини бажаришдан бош тортгани билан, у барибир қариндошларини ажалдан ҳалос эта олмайди, нотўғри йўлни танлаш эса, руҳий юксалиш йўлидан адашишга олиб келади.

*28. авйактадини бхутани вйакта-мадхйани бхаратат  
авйакта-нидханани эва таттра ка паридевани*

**Аввалига барча мавжудотлар намоён бўлмаган ҳолатда бўладилар. Мавжудликнинг оралиқ босқичида улар намоён бўладилар, бутун борлик яксон бўлганда эса, яна намоён бўлмаган ҳолатга ўтадилар. Шундай экан, улар учун азият чекишининг нима кераги бор?**

Изоҳ: Ҳатто, бир тоифаси руҳ мавжудлигига ишонмайдиган, бошқа тоифа эса, руҳ мавжуд эканига ишонадиган, иккى хил фалсафий таълимот мавжудлигини хисобга олиб, айтиш керакки, ҳар иккى тоифанинг ҳам тирик мавжудотнинг ажали учун азият чекишига ҳеч қандай асоси йўқ. Руҳнинг мавжудлигига ишонмайдиган одамлар ҳамда уларнинг издошлари ведавий таълимотга кўра, *атеистлар* деб аталади. Аммо, агар биз назарий жиҳатдан атеистларнинг таълимотини тан олсан ҳам, барибир азият чекишимизнинг ҳеч қандай маъноси бўлмайди. Руҳнинг алоҳида ҳолатда мавжудлигини тан олмайдиган одам эсида саклаши лозимки, оламни яратиш бошланмасдан аввал барча моддий унсурлар намоён бўлмаган ҳолатда бўладилар. Кейин, намоён бўлмаган нафис ҳолатдан намоён бўлган ҳолатга ўтади, сўнгра нафис ҳолатдан кўпол ҳолатга айланиб бораверади: эфирдан хаво пайдо бўлади, хаводан - олов, оловдан - сув, сувдан - ер. Ер - намоён бўлган моддий оламнинг асосий манбаидир. Масалан, катта иморатни олайлик, у - ердан таркиб топган. Яксон бўлганида, унинг таркибидағи унсурлар намоён бўлган ҳолатдан намоён бўлмаган ҳолатга ўтади, яна атом ва молекулаларга парчаланиб кетади. Қувватнинг сақланиш қонуни ҳамиша амал килаверади, аммо вақт ўтиши билан моддий нар-

салар гохида намоён бўлади ва яна намоён бўлмаган ҳолатга ўтадилар. Демак, намоён бўлиб, ҳозир мавжуд бўлиб турган нарса учун ҳам, намоён бўлишни тарк этган нарса учун ҳам, изтироб чекишнинг ҳожати йўқ. Ҳатто намоён бўлмаган ҳолатда ҳам, моддий унсурлар ҳеч қаерга биратўла йўқолиб кетмайди. Аввалида ва охирида улар намоён бўлмаган ҳолатда бўладилар, факат оралиқ босқичдагина намоён бўладилар, яъни ҳеч нарсанинг мавжудлиги ҳеч қачон ўзгармай қолаверади.

Агар вақт ўтиши билан факат моддий таналар ҳалок бўлишини (*антаванта име дехаҳ*), рух эса мангү(*нитийасиктаҳ шариринаҳ*) эканини ўргатадиган Ведалар ва "Бҳагавад-гита" нуқтаи-назаридан қарасак, моддий тана худди устки кийимга ўхшашини ҳамиша эсимизда саклашимиз лозим. Шундай экан, эски кийимни янгисига алмаштириш учун қаттиқ қайғуришнинг бирор маъноси борми? Мангү мавжуд бўлган рухга нисбатан, ўткинчи моддий тана худди, ўткинчи, арзимаган йўқ нарсага ўхшаб кўринади. Унинг мавжудлиги рух учун худди туш кўриш каби ўткинчи. Тушингизда сиз ўзингизни осмонда учеб юрган ёки шоҳона аравада ўтирган ҳолда кўришингиз мумкин, лекин, уйғонгандан кейин, осмон ҳам, шоҳона арава ҳам ғойиб бўлади. Моддий тананинг алдамчи, ўткинчи эканини эслатиш билан бирга Ведалар, муқаддас китоблар одамларни ўзининг руҳий табиатини англаб олишга даъват қиласиди. Шундай қилиб, биз руҳнинг мавжудлигига ишонализми, йўқми, тананинг ҳалок бўлишидан изтироб чекишимизнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ.

29. *аиччарийя-ват пашшати кашичид энам  
аиччарийа-вад вадати татхайва чанийаҳ  
аиччарийа-вач чайнам анйаҳ шириноти  
шрутвали энам веда на чайва кашичит*

Бирорлар рухга мўъжиза деб қарайдилар; бошқалар рух ҳақида мўъжиза ҳақида гапиргандай гапирадилар; учинчи бирлари рух ҳақида: "мўъжиза", - деб тинглайдилар; шундайлар ҳам борки, рух ҳақида эшитсалар ҳам, барибири уни англай олмайдилар.

Изоҳ: "Гитопанишад" асосан Упанишадалар фалсафасига асосланган, шунинг учун, бунга ўхшаган шеър "Катха-упанишад"да ҳам мавжуд эканидан ажабланмаса ҳам бўлади.

*шраванайати баҳубхир йо на лабхайаҳ  
ширинванто "ни баҳаво йам на видиуҳ  
аиччарийо вакта кушало "сия лабдоҳа  
аиччарийо "сия джната кушаланушиштаҳ*

Чексиз кичик руҳнинг - баҳайбат ҳайвон ёки кудратли банийан дарахти танасида ҳам, игнанинг учидай жойда миллионлаб жойлаша оладиган

микроблар танасида ҳам мавжуд бўла олиши албатта бизга мўъжиза бўлиб кўринади. Ҳатто оламдаги биринчи тирик мавжудот Браҳмага илм ўргатган, Ведаларнинг энг буюк билимдони Худои Таоло, Кришнанинг Ўзи тушунтируса ҳам, илмга эга бўлмаган, шунингдек дунёвий лаззатларга берилиб кетган одамлар, шу кичкина руҳий зарранинг сирларини тушуна олмайдилар. Ҳаёт ҳакида, олам ҳакида фақат моддий тасаввурлар билан яшаётган ҳозирги замондошларимиз қандай килиб шундай кичкинагина заррача жуда катта баҳайбат киёфаларга ҳам, энг кичкина таналарга ҳам кира олиши мумкинлигини тушунолмайдилар, буни улар кўз олдига келтириб, тасаввур килолмайдилар. Шунинг учун, руҳнинг табиати қандай намоён бўлишини кўриб, ёки унинг таърифини эшишиб, одамлар фақат ҳайрон бўладилар. Моддий табиат адаштириб қўйган шундай одамлар хиссий лаззатларга шунчалик берилиб кетганларки, ҳатто ўзларининг аслида ким эканини, ҳакикий ўзлигини англаб олишга ҳам вакт тополмайдилар. Улар, аслида ким эканини билмайдиган одам қандай фаолият билан машғул бўлмасин, охир оқибатда пушаймон бўлиб, тирикчилик учун оғир курашда барибир мағлубиятга учрашини билмайдилар. Инсон ҳаёти - тирик мавжудотга руҳ(ўзини)ни таниб олиш ва моддий оламдаги барча мусибатларга биратўла чек қўйиш учун бериб қўйилгани - уларнинг ҳаёлига ҳам келмайди.

Руҳ ҳакида бирор нарса билишга интилаётган одамларнинг баъзилари руҳий мавзуларда маъруза тинглайдилар ва руҳий юксалиш йўлидан бораётган одамлар даврасини излайдилар, лекин баъзидагифилиги сабабли, "Олий руҳ билан алоҳида руҳ аслида бир", деган нотўғри тасаввурлар таъсирига тушиб қоладилар. Ҳозирги пайтда руҳ ва Олий Руҳнинг ҳақиқий ҳолати, уларнинг табиати, ўзаро муносабатлари ҳакида мукаммал илмга эга бўлган кишини учратиш жуда қийин. Ҳаётида бу нодир илмнинг барча имкониятларидан фойдаланаётган ва руҳнинг ҳолатини ҳар тарафлама таърифлаб бера оладиган кишини топиш ундан ҳам қийинроқ. Аммо, қандайдир сабаблар билан омади келиб, инсон руҳнинг табиатини англаб етса, у ҳаётда энг олий мақсадга эришган бўлади.

Руҳ ҳакида тўлик илмга эга бўлишнинг энг осон йўли - энг буюк руҳий устоз, Худои Таоло Шри Кришнанинг Ўзи баён этган "Бҳагавад-гита"нинг кўрсатмаларини қабул қилиш ва улардан ҳеч қачон четта чиқмасликдан иборат. Бунинг учун инсон ўзининг ҳозирги ҳаётида, ёки аввалги ҳаётида жуда кўп руҳий риёзатлар чеккан бўлиши, қурбонлик маросимлари ўтказган бўлиши керак, - бу ҳолат унга, Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини тан олишга ёрдам беради. Лекин, фақат Худонинг соф содик хизматкорининг марҳамати билангина ҳақиқатан ҳам Кришнани англаб этиш мумкин. Бунинг бошқа йўли йўқ.

*30. дөхү нитийам авадхий "йам дехе сарвасийа бхаратат тасмат сарвани бхутани на твам шоҷитум архаси*

**Эй Бхарат авлоди, танада мавжуд бўлган зотни ўлдириб бўлмайди.  
Шунинг учун сен бирор тирик мавжудотни қайғуриб, изтироб чекмаслигинг керак.**

Изоҳ: Бу ерда Парвардигор Кришна ўзгармас, мангу рух ҳақидаги насиҳатларига якун ясайди. Ўлмас рухнинг ҳар хил сифатларини таърифлай туриб, Парвардигор хулоса қилиб айтадики, рух - мангур, тана эса - ўткинчи. Шунинг учун, Аржун, *кшатрий* бўлгани учун, бо-боси Бхишма ва устози Дроначарьянинг жангда ҳалок бўлишидан кўркиб, ўз бурчини бажаришдан бош тортмаслиги керак. Шри Кришнанинг мартабасига таянган холда, танадан фарқ қиласиган рухнинг мавжудлигига ишонишимиз, "рух мавжуд эмас, ҳаёт аломатлари эса, модда ривожланишининг маълум босқичида, химиявий унсурларнинг ўзаро фаолияти натижасида пайдо бўлади", деган нотўғри тасаввурларни тарк этишимиз керак.

Рухнинг мангулиги зўравонлик қилиш, тажовузкор бўлишни оқлаш учун баҳона бўлолмайди, лекин, адолатли уруш пайтида, ҳақиқатан ҳам зўравонлик ишлатиш зарур бўлса, зулмга йўл қўйилади. Одам ўз хоҳиши билан эмас, факат ҳар бир тирик мавжудотга меҳрибон бўлган ягона Парвардигорнинг буйруғи билангина зўрлик ишлатиши мумкин.

*31. сва-дхармам апи чавекийа на викампитум архаси  
дхармад дхи йуддхач чхрейо "ніят кшатрийасиа на видайате*

**Сенинг ҳаётдаги бурчингга келсак, билиб қўйки, кшатрий сифатида, сен учун ҳаётда ҳақиқий дин ҳукмронлиги йўлида курашишдан ҳам яхшироқ амал йўқ. Демак, иккиланиб туришнинг ҳожати йўқ.**

Изоҳ: Жамият тизимидағи тўрт табака ичидаги - Худои Таолонинг қонунлари асосида давлатни бошқариш вазифаси юқлатилган иккинчи тоифа мансуб одамлар *кшатрийлар* деб аталади. "*Кшат*" дегани "зарар", "зулм" деган маънони англатади, "*траийате*" - "химоя қилиш" деганидир. Жамиятда одамларни бошқалар зулмидан, бошқалар берашетган заарардан ҳимоя қиласиган киши *кшатрий* деб аталади. Авваллари кшатрийлар ўрмонда ов қилиб, ҳарбий санъат билан шуғулланганлар. Одатда кшатрий ўрмонга бориб, кўлига қилич олиб йўлбарс билан яккама-якка олишган. Йўлбарс жон таслим қилганида, унинг танасини қурбонлик оловига қўйиб, шоҳона обрў билан дағн қилганлар. Ҳиндистондаги Джайпур вилоятининг кшатрий-шоҳлари хали хозиргача шу одатга амал қиласидилар. Кшатрийларни маҳсус

машғулотларда ракибини жангга чақиришга, то ўлгунча жанг қилишга ўргатганлар, чунки Худои Таолонинг қонунлари бўйича, баъзи холларда уларнинг бошқаларга зулм ўтказишига, зўравонлик қилишига тўғри келади. Кшатрийлар таркидунё қилиб, саннийаси турмуш тарзини кабул қилмайдилар. Сиёсат ишларида зулм ишлатмаслик баъзан сиёсий муносабатларни ўнглаб олиш учун ишлатилади, лекин сиёсатда, давлатни бошқаришда зулм қилмасликни қонун қилиб бўлмайди. Диний қонунлар мажмуасида шундай дейилган:

*ахавешу митхо "нйоням джигхамсанто маҳи-кишитаҳ  
йуддхаманаҳ парам шактиа сваргам йанти апаран-муххаҳ  
йаджнешу пашаво брахман ханиянте сататам двиджаиҳ  
самскритаҳ кила мантраши ча те "ни сваргам авапнуван*

"Жанг майдонида бошқа шоҳ билан, ўзининг ракиби билан яккамаякка олишувда ҳалок бўлган шоҳ-кшатрий жангнатга эришади. Муқаддас оловда ҳайвон қурбон қилиб қурбонлик маросими ўтказган брахман ҳам ўлганидан кейин жангнатга тушади". Демак, диний кўрсатмалар асосида жанг майдонида ракибини ўлдириган кшатрий ва муқаддас оловда қурбонлик ҳайвонини ёққан брахман зулм қилган ҳисобланмайди, чунки бу ишлар диний қонунларда кўрсатилган ва барчага саодат келтиради. Қурбонлик қилинган ҳайвон ўлганидан кейин, кўп марта танасини алмашлаб юрмасдан, шу заҳоти инсон танасида туғилади. Жанг майдонида ҳалок бўлган кшатрий эса, қурбонлик қилган барҳман сингари жангнатга эришади.

Шастраларда кўрсатилган вазифаларнинг, *сва-дхарманинг* икки тури мавжуд. Ҳали дунёвий, моддий боғланишлардан ҳалос бўлмаган киши диний қонунлар асосида ҳаётдаги ўз бурчини холис бажариши лозим, - бу унинг руҳий озодликка чиқишига ёрдам беради. Озодликка эришгандан кейин эса, инсоннинг вазифаси(*сва-дхарма*) руҳий дараҷага кўтарилади. Шунда унинг фаолияти ҳаёт ҳақидаги моддий, тана нуктаи-назаридаги тасаввурлардан устун туради. Ҳали ҳаёт ҳақида моддий тасаввурлари сакланиб қолган браҳман ҳам, кшатрий ҳам ҳаётда ўз вазифаларини тўла бажариб юришлари лозим. Одамнинг свадхармасини Худои Таолонинг Ўзи белгилайди, бу ҳақда тўртингчи бобда айтилади. Сва-дхарманинг моддий аспекти *варнашрама-дхарма* деб аталади. Бундай жамият тизими инсонга ўзининг руҳий табиатини англаб олишга ёрдам беради. Инсонлар маданияти варнашрамадхармадан, яъни танасига таъсир қилаётган моддий табиат гуналарига мос равишда, шастралар асосида ҳар бир инсонга аниқ вазифалар белгиланадиган жамиятдан бошланади. Қандай бўлишидан қатъий назар, Худои Таоло белгилаб қўйган вазифаларни бажариб яшаш шарофати билан инсон аста-секин руҳий жиҳатдан юксала боради ва охироқибатда руҳий камолотга эришади.

*сүкхинаҳ кшатрийаҳ партха лабханте йуддхам идриишам*

**О Партах, ҳаётда ўз-ўзидан, жанинатнинг дарвозаларини очиб берадиган жанг қилиш имкониятига дуч келадиган кшатрийлар баҳтлидирлар.**

Изоҳ: Бутун оламнинг руҳий устози сифатида Парвардигор Кришина, "Мен бу жангдан бирор яхшилик чиқишини кўрмаяпман. Унда иштирок этиб, биз ўзимизни мангу дўзахга дучор этамиз!" - деб ўйлаётган Аржуннинг гапларини инкор этяпти. Аржуннинг бу сўзлари унинг ғоғиллиги аломатидир. Ўз бурчини бажараётib, у зулм қилишдан бош тортаётган эди. Лекин, жанг майдонида ўз бурчини холис бажара туриб зўравонлик қилмасликка харакат қилаётган кшатрийнинг иши гирт нодонлик бўлади. Вийасадеванинг отаси, буюк донишманд Парашара муни тузган диний қонунлар мажмуаси - "Парашара-смрити"да шундай дейилган:

*кшатрийо хи праджа ракиан шастра-паниҳ прадандайан  
нироджитийа паро-санийади кишиитим дхармена палаитет*

"Кшатрийнинг вазифаси - ўз фуқароларини ҳар қандай хавф-хатардан ҳимоя қилишдан иборат, шу мақсадда, қонун ва тартибни сақлаш учун зарур бўлганда у куч ишлатиши керак. У душманлар кўшинини яксон қилиши ва ҳар бир харакатида диний кўрсатмаларга риоя қилиб, оламни бошқариши керак".

Шундай қилиб, жанг қилишни рад этиш учун Аржуннинг ҳеч қандай асоси йўқ эди. Душмани устидан ғалаба қозонса, у салтанатни бошқариб роҳат-фароғатда яшайди, жангда ҳалок бўлса, дарвозалари катта очилган жаннатий сайдераларга эришади. Енгилса ҳам, ғалаба қозонса ҳам жанг қилишдан у фақат манфаат кўради.

*33. атха чет твам имам дхармийам санграмам на кариийаси  
татаҳ сва-дхармам киртим ча хитва патам авансийаси*

**Лекин, адолат ғалабаси учун жанг қилишдан бош тортсанг, муқаддас диний бурчингни бажармай, оғир гуноҳ иш қилган бўласан, жангчи деган шаънингга иснод келтирасан.**

Изоҳ: Аржун машхур жангчи бўлиб, жуда кўп буюк фаришталар билан яккама-якка жанг қилиб шуҳрат қозонган, улар орасида ҳатто Тангри Шива ҳам бор эди. Овчи киёфасига кириб олган Тангри Шива билан бўлган жангда ундан ғолиб келиб, Аржун уни жуда мамнун қилган, эвазига мукофот сифатида *пашупата-астра* деган илоҳий қурол олган эди. Аржуннинг машхур жангчи эканини ҳамма яхши биларди. Дроначарьяянинг ўзи уни дуои-фотиҳа қилиб, унга ҳатто ўзининг руҳий устозини ўлдиришга қодир бўлган қурол ҳадя қилган эди. Жуда кўп буюк жангчилар ҳам, шу жумладан Аржуннинг ҳақиқий

отаси фаришта Индра ҳам, унинг жанговор жасоартини тан олган эди. Шунинг учун, Аржун жанг майдонини тарк этса, нафақат ўзининг кшатрийлик бурчини бажармаган, бунинг устига шон-шуҳратидан, юксак обрўисидан айрилиб, ўзига дўзахдан жой хозирлаган бўларди. Бошқача қилиб айтганда, у жанг қилгани учун эмас, аксинча, жанг майдонини тарк этгани учун дўзахга тушган бўларди.

*34. акиртим чапи бхутани катхайишанти те “вайам  
самбхавитасия чакиртир маранад атиричийате*

**Сенинг бу шармандалигинг ҳақида одамлар ҳамиша гапириб юрадилар, машхур одам учун шарманда бўлиш ўлимдан ёмон.**

Изоҳ: Аржун билан ҳам файласуф, ҳам дўст сифатида сухбатлашаётган Парвардигор Кришна энди Аржуннинг жангда иштирок этишдан бош тортгани тўғрисида якуний хуоса чиқарди. "Аржун, - дейди Парвардигор, - агар сен жанг майдонини ҳали жанг бошланмасдан аввал ташлаб кетсанг, одамлар сени “кўрқок” деб атайдилар. Агар сенга одамларнинг нима дейишлари барибир бўлса, фақат ўз жонингни қутқариб қолишини истасанг, унда Менинг сенга маслаҳатим: ўлсанг ҳам, жанг қилиб жанг майдонида ўлганинг яхши. Сендай ҳурматли зот учун шармандалик ўлимдан ҳам оғир бўлади. Шунинг учун, жонингни сақлаш учун жанг майдонини ташлаб кетгандан кўра, ўлсанг жанг майдонида ўл! Шунда сен Мен билан бўлган дўстлигингни сустеъмол қилиб, шармандаликка дучор бўлишдан кутуласан, юксак обрўингни сақлаб қоласан".

Шундай қилиб, Парвардигор Аржунга жанг қилишни, жангдан бош тортмасликни буюради.

*35. бхайад ранад упаратам мамсийанте твам маҳа-ратхах  
йешам ча твам баҳу-мато бхутва йасиаси лаҳавам*

**Сенга чуқур ҳурмат кўрсатиб юрган буюк саркардалар, “фақат кўрққанидан жанг майдонини ташлаб кетди”, деган хуосага келиб, сени “кўримсиз, ярамас” - деб ўйлай бошлайдилар.**

Изоҳ: Парвардигор Кришна Аржунга насиҳат беришда давом этяпти: "Дурйодхана, Карна сингари буюк жангчилар ҳамда бошка тенгқурларинг сени қариндошларингга, бобонгга ачинаётганинг учун жанг қилишдан бош тортганингга ишонади, деб ўйлама. Улар сени “кўрққанидан, жонини сақлаб қолиш учун шундай килди”, деб ўйлайдилар. Шундай қилиб сен бутун обрўингдан маҳрум бўласан".

*36. авачай-вадами че баҳун вадишиянти тавахитаҳ*

*ниндантас тава самартхйам тато духхатарам ну ким*

**Душманларинг масхара қилиб, ожизлигинг устидан кула бошлайдилар. Инсон учун бундан ҳам оғирроқ азоб бўладими?**

Изоҳ: Аввалига Кришна, Аржун бошқаларнинг аҳволига бекорга ачиниб, ҳамдардлик қилаётганидан ҳайрон бўлган, унинг бундай туйғуларини “арийларга муносиб эмас” деб баҳолаганди. Энди, шунчадалиллар билан У Аржуннинг соҳта ҳамдардлигини, бекорга ачинишини тўғри баҳолаганини исботлаб беряпти.

*37. хато ва пратийаси сваргам джиства ва бхокийасе маҳим  
тасмад уттиштха каунтейа йуддхайа крита-ниичайах*

**Эй Кунтининг ўғли, сен учун, ё жангда ҳалок бўлиб жаннатга эришиш, ёки ғалаба қозониб, ерадиги салтанатга ҳукмронлик қилишдан бошқа йўл йўқ. Шунинг учун, қаддингни ростлаб, шижоат билан жангга кир!**

Изоҳ: Гарчи Аржун ғалаба қилишига ишончи комил бўлмаса ҳам, барибир у жанг қилиши лозим, чунки, ҳатто у жангда ҳалок бўлса ҳам, кейинги ҳаётида жаннатга кўтарилади.

*38. сукха-духкхе same критва лабхалабхау джайаджайау  
тато йуддхайа йуджайасва найвам папам авапсийаси*

**Баҳт ва мусибат, йўқотиш ва эга бўлиш, ғалаба ва мағлубият ҳақида ўйламай, фақат ўз бурчингни бажариш учун жанг қил. Шундай харакат қилсанг, сен ҳеч қачон гуноҳ иш қилмаган бўласан.**

Изоҳ: Кришна Аржунга очик-ойдин айтяпти, у шунчаки ўз бурчини бажариш учун жанг қилиши лозим, чунки бу жангни Худои Таолонинг Ўзи истаяти. Кришна онгиди, Худо учун холис харакат қилаётган киши баҳт ва баҳтсизлик, топиш ва йўқотиш, ғалаба ва мағлубият ҳақида ўйламайди. Ўзининг бутун фаолиятини Кришнани мамнун қилишни ўйлаб бажарадиган киши илоҳий онг эгаси ҳисобланади, унинг қилаётган ишлари дунёвий ишлар бўлмайди ва унинг ишлари ҳеч қандай оқибат, карма олиб келмайди. Ўзининг орзуистакларини амалга ошириш учун харакат қилиб юрган киши эса, эзгулик ёки эҳтирос гунаси таъсирида бўлишидан қатъий назар, эртами, кечми қилган ишларининг яхши ёки ёмон оқибатларига эга бўлади. Агар одам ўз умрини бутунлай Кришна онгидаги фаолиятга бағишиласа, ҳаётда ўзининг бурч ва вазифаларининг барчасидан озод

бўлади. Аслида ана шундай бурч ва вазифалар оддий одамларни бу дунёга боғлаб туради.

*деварии-бхутапта-нринам питринам  
на кинкарo найам рини ча раджсан  
сарватмана йаҳ шаранам шараниам  
гато муқундам парихритий картам*

"Барча вазифа ва бурчларини тарк этиб, ҳаётини бутунлай Кришнага, Мукундага садоқат билан холис хизмат килишга бағишилаган кишининг ҳеч ким - на фаришталар, на донишмандлар, на оддий тирик мавжудотлар, на қариндошлари, на инсоният ва ажоддодлари олдида қарзи қолмайди"(Ш.Б. 11.5.41). Кришна Аржунни мана шунга даъват қиляпти, бу кейинги шеърларда яна ҳам аникроқ баён этилади.

39. эша те "бхихита санкхье буддхир йоге тв имам ирину  
буддхийа ўукто йайа партха карма-бандхам прахасйаси

**Шу пайтгача Мен сенга бу илмни назарий жиҳатдан тушунтиридим, энди эса, уни холис қилинадиган фаолият нуқтаи-назаридан тушунтираман. О Парта, бу илм асосида ҳаракат қилиб, сен ўз фаолиятинг оқибатларига тутқун бўлиб қолишдан халос бўласан.**

Изоҳ: Ведавий "Нирукти" лугатида кўрсатилишича, *санкхя* ибораси "бирор ҳодиса ёки нарсани батафсил таърифловчи фан" деган маънони англатади. *Санкхя* - руҳнинг ҳақиқий табиатини таърифловчи фалсафа, *йога* эса - ҳиссиётларни жиловлаб олишга ёрдам берадиган машғулот, жараён, ҳаракатлардан иборат. Аржуннинг жанг қилишдан бош тортиши - ҳиссиётининг талабларини қондиришга уринишдан бошқа нарса эмас. Ўзининг ҳаётдаги асосий бурчи нима эканини эсидан чиқариб, у жанг қилишдан бош тортмоқчи эди, чунки бу билан, яқинларининг, қариндошларининг ҳаётини саклаб қолиш билан оғайнилари - Ҳхритараштранинг ўғилларини ўлдириш эвазига эришиладиган салтанатга қараганда каттароқ баҳтга эга бўламан, деб ўйлаган эди. Бу ўйлни танлашга уни ўз ҳиссиётининг талабини қондириши истаги ундаётган эди. Жангда ғалаба қилиш келтирадиган баҳт ҳам, қариндошларини соғ-саломат кўришдан келадиган баҳт сингари, унинг шахсий манфаатларига асосланган бўлиб, шу баҳт учун у, ақлга сигмайдиган иш қилишга, яъни ўзининг муқаддас бурчини бажаришдан бош тортишга тайёр эди. Шунинг учун, Кришна Аржунга бобосини ўлдириш билан барибир унинг руҳини ўлдиролмаслигини тушунтироқчи бўляпти. Парвардигор унга барча алоҳида руҳлар ҳам, Худои Таолонинг Ўзи ҳам, мангу шахс сифатида қолаверишини тушунтириди: улар аввал ҳам шахс эдилар, ҳозир ҳам шахс ва келажакда ҳам шахс бўлиб қолаверадилар. Бизлар барчамиз мангу, алоҳида руҳлармиз. Биз худди кийим алмаштиргандай, таналарни алмашлаб

юрамиз, лекин, ҳатто моддий тана туткунлигидан халос бўлиб, озодликка эришгандан кейин ҳам, алоҳида руҳий зарра бўлиб қолаверамиз. Парвардигор Кришна Аржунга руҳ билан тананинг табиатларини ба-тафсил тушунтириб берди. Руҳ ва тананинг табиатини ҳар томонлама тушунтириш, "Нирукти" луғатига кўра, *санкхъя* деб аталади. Бу санкхъянинг атеист Капиланинг фалсафасига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Сохта Капила ва унинг санкхъясидан анча илгари, ҳақиқий санкхъя илмини "Шримад Бҳагаватам"да Кришнанинг намоён бўлган киёфаси - Худованд Капила онаси Девахутига баён этган эди. У айтган эдики, *Пуруша*, Худои Таоло ҳаракат қиласи, айнан У пракритига назар ташлаб, моддий оламни яратади. Ведаларда, "Бҳагавад-гита"да ҳам шу ҳақда гап боради. Ведаларда айтилганки, Парвардигор пракритига, яъни моддий табиатга назар ташлади, уни майда руҳий зарралар билан уруғлантириди. Моддий оламда шу руҳий зарралар ўз хиссиётининг талабини кондириш учун ҳаракат қиласидар, моддий кувват зийнатла-рига алданиб, ўзларини "лаззатланувчи" деб хисоблайдилар. Шундай руҳ то, "Худои Таоло билан қўшилиб кетиш"га интилиши натижасида ўзи тушиб қолган бу моддий туткунликдан халос бўлмагунча, бундай фикрлардан кутула олмайди. Бу - тирик мавжудотни хиссий лаззат излашга мажбур этувчи "алданиш, майянинг энг охирги чангали"дир. Ана шундай лаззатларга интилиб ўтказилган сон-саноқсиз умрлардан кейин, энг улуғвор руҳлар ўз ихтиёрини бутунлай Кришнага, Васуде-ванинг иродасига топширадилар, шунда камолотга эришиб, олий ҳақиқатни излашларига чек қўядилар.

Кришнага ўз ихтиёрини бутунлай топшириш билан Аржун Уни ўзининг руҳий устози деб қабул қилди: *ишийас те "ҳам шадхи мам тва прапаннам*. Шунинг учун, энди Кришна Аржунга буддха-йога жа-раёнидаги фаолият ҳақида, яъни, *карма-йога*, ягона мақсади Кришнани мамнун қилиш бўлган садоқатли холис хизмат ҳақида гапириб беришга хозирланяпти. Буддхи-йоганинг мазмуни "Бҳагавад-гита"нинг ўнинчи боб, ўнинчи шеърида жуда аниқ таърифланган; буддхи-йога - ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида Параматма кўринишида мавжуд бўлган Парвардигор билан бевосита боғланишдир. Лекин, факат садоқат билан холис хизмат қилиш туфайлигина Парвардигор билан бевосита мулоқот қилиш мумкин. Шунинг учун, Худои Таолога илоҳий муҳаббат билан холис хизмат қилишга эришган киши, бошқача қилиб айтганда, Кришна онгига эга бўлган киши, Худои Таолонинг алоҳида марҳаматига сазовор бўлади ва буддхи-йог даражасига эришади. Шунинг учун, Парвардигор айтяптики, факат илоҳий муҳаббат билан, ҳамиша Унга хизмат қилиб юрган кишигагина Худои Таоло садоқат ва муҳаббат ҳақидаги соғ илм сирларини очади. Шу тариқа Худонинг содик хизматкори ҳеч қийналмасдан Парвардигор билан Унинг лаззатга тўла мангу даргоҳида бевосита ҳамсуҳбат бўлиш хукуқига эга бўлади.

Шундай қилиб, буддхи-йога - Худога садокат билан холис хизмат қилишdir, бу ерда ишлатилган санкхъя иборасининг, соxта файласуф, атеист Капиланинг санкхъясига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу ердаги санкхъя-йогани қайсиdir йўллар билан атеистик санкхъя билан боғланган деб ўйлаш катта хатолик бўларди. Биринчидан, ўша пайтларда бу фалсафа ҳеч қандай амалиётга эга эмасди. Иккинчидан, Парвардигор Кришна Худои Таолони инкор этадиган бундай бемаъни сафсаталарни эслаб ўтирган бўларди. Ҳақиқий санкхъя фалсафаси "Шримад Бхагаватам"да Парвардигор Капила томонидан онаси Дева-хутига баён этилган, лекин, ҳатто у фалсафанинг ҳам бу ерда муҳокама килинаётган мавзуга ҳеч қандай, бевосита алоқаси йўқ. Бу ерда санкхъя ибораси рух ва тананинг табиатини назарий жиҳатдан таърифлаш учун ишлатилган. Руҳнинг табиатини таҳлил қилиш оркали, Парвардигор Кришна Аржунни буддхи-йога, яъни бхакти-йогага олиб келмокчи бўляпти. Ана шу жиҳатдан "Шримад Бхагаватам"да баён этилган Парвардигор Капиланинг санкхъяси билан Парвардигор Кришнанинг санкхъяси бир-биридан фарқ килмайди. Униси ҳам, буниси ҳам аслида бхакти-йога усулидир. Шунинг учун, Парвардигор Кришна айтяптики, факат бефаросат кишиларгина санкхъя-йога билан бхакти-йогани бир-биридан фарқ қиласи, дейиши мумкин: *санкхъя-йогага притхаг балаҳ праваданти на пандитаҳ*. Албатта, атеистик санкхъянинг бхакти-йогага ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шунга қарамай, баъзи бир ахмоқлар "Бхагавад-гита"да атеист Капиланинг санкхъя йогаси ҳақида гап боряпти, деб дъяво қиласидар.

Буддхи-йога - Кришна онгидаги фаолият, яъни Парвардигорга илм ва лаззатга тўла садокат билан холис хизмат қилиш жараёнидир. Факат Худои Таолони мамнун қилишни ўйлаётган кишигина, қилаётган иши канчалик оғир бўлмасин, буддхи-йога қоидалари асосида ҳаракат қиласи, шу боис ҳамиша руҳий лаззатланиб юради. Шундай руҳий фаолият билан машғул бўлиб, қандайдир ортиқча уринишларсиз содиқ Худонинг марҳамати билан руҳий илмга эга бўлади ва моддий тутқунликдан озодликка чиқади. Кришна онгидаги фаолият кармали фаолиятдан, айниқса тананинг, хиссиятнинг талабларини қондириш учун, ёки оилавий, дунёвий баҳтга эришиш ниятида қилинадиган фаолиятдан тубдан фарқ қиласи. Шундай қилиб, буддхи-йога - биз шуғулланишимиз лозим бўлган илоҳий фаолиятдир.

*40. неҳабхикрама-нашо “сти пратіявайо на видіяте  
св-алпам ати асіа дхармасая трайате маҳато бхайат*

**Бу йўлга кирган киши ҳеч нарса йўқотмайди, унинг қилаётган бирор ҳаракати бекор кетмайди. Бу йўлда қилинган озгина юксалиш ҳам инсонни дунёвий ҳаётдаги энг катта мусибатлардан халос этади.**

Изоҳ: Кришна онгидаги фаолият, яъни хиссиётларининг талабини кондириш учун эмас, Кришна учун, Худо учун қилинадиган фаолият - бу дунёдаги энг юксак руҳий фаолиятдир. Бундай фаолият билан эндиғина шугуллана бошлаган, тажрибасиз киши ҳам ҳаётда ҳеч қандай қийинчиликка учрамайди, бу йўлдаги ҳар қандай, ҳатто жуда сезилмас даражада қилинган озгина ҳаракат ҳам зое кетмайди. Дунёвий ҳаётда бирор натижага эришиш учун, бошланган ишни албатта охирига етказиши керак, акс ҳолда қилган барча уринишимииз бекорга кетади. Лекин, Кришна онгиди, Худо учун бошланган ҳар қандай иш, ҳатто у охирига етказилмаса ҳам, барибир ижобий натижа бераверади. Шу боис Худо учун, Кришна онгиди фаолият кўрсатиб юрган киши, ҳатто бошлаган ишини охирига етказолмаса ҳам, ҳеч нарса йўқотмайди. Агар биз Кришна онги билан, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида, бирор ишни бошлаб қўйиб, унинг атиги бир фоизинига бажарсак ҳам, бу натижа ҳамиша бизнинг хисобимизди қолаверади, кейинги ҳаётимизда биз бу ишни шу жойидан давом эттирамиз. Моддий ҳаётдаги ҳар қандай иш эса, фақат охиригача тўла бажарилсангина бирор натижа беради. Кришна онгиди озгина вақт шуғулланган Аджамила, умрининг охирида Худонинг марҳамати билан тўлиқ натижага эришди. "Шримад Ҳағаватам"да бунга ажойиб бир мисол бор:(1.5.17):

*тиқактва сва-дхармам чаранамбужсам ҳарер  
бхаджсанн апакво "тха патем тато йади  
йатра ква вабхадрам абхуд амушиа ким  
ко вартиха апто "бхаджсатам сва-дхарматаҳ*

"Ҳаётда Кришна онги билан яаш учун дунёвий вазифаларини тарк этган киши, ҳатто агар кейинчалик охиригача боролмай, йўлдан адаби кетса ҳам, нимани йўқотади? Аксинча, агар ҳаётда ўзининг бурчини муқаммал бажариб юрган бўлса ҳам, дунёвий ишлар билан шуғулланиб юрган киши нимага эришади?" ёки, масиҳийларнинг муқаддас китоби(Инжил)да айтилганидай: "Одам бутун жаҳонни эгаллаб олса-ю, ўзининг мангу руҳига зиён етказса, бундан нима фойда?"

Тана ҳалок бўлганда унинг қилган ҳамма ишлари, олишга ултурган натижалари ҳам тамом бўлади. Лекин, Худо учун, Кришна онгиди қилинган ишлар, ҳозирги танасини тарк этгандан кейин, кейинги ҳаётида одамни яна Кришна онгидаги ҳаётга, Худони англаш йўлига олиб келади. Кейинги ҳаётида у яна инсон танасида, бир олийжаноб браҳман оиласида, ёки бой ва обрўли хонадонда туғилади, яна руҳий юксалиш йўлида ўз фаолиятини давом эттириш имкониятига эга бўлади. Кришна онгидаги фаолиятнинг ажойиб фазилати ана шундай.

*41. вийавасайатмика буддхир экеха куру-нандана  
баҳу-шакҳа ҳӣ ананташи ча буддхайо "вийавасаинам*

**Бу йўлдан бораётгандар ўзгармас аниқ мақсадга интилиб, қатъий ишонч ва шижаот билан харакат қиласидилар. Эй Куру авлоди, ҳаётда аниқ мақсади бўлмаган кишининг хаёли ҳамиша бекарор бўлади.**

Изоҳ: Кришна онгида Худо учун хизмат қилиб, ҳаётнинг энг олий мақсадига эришишига аниқ ишонган кишининг ақл-заковати, тафаккури вийавасайатмика деб аталади. "Чайтанийа-Чатитамрита"да (Мадхья, 22.62) шундай дейилган:

*"шраддха-шабде - вишваса кахе судридха ниичайा  
кришине бхакти каиле сарва-карма крита хайа*

Олий, азалий қудратнинг мавжудлигига бўлган қатъий ишонч "иймон" деб аталади. Ҳаётини Кришна онгида Худо учун хизмат қилишга багишлаган кишининг қандайдир дунёвий ишлар билан шугулланишининг, оила, давлат ва инсоният олдидаги бурчини бажаришининг ҳожати йўқ. Инсон қилаётган ишларининг натижаси унинг аввалги ҳаётида қилган яхши ёки ёмон ишларига боғлиқ бўлади. Лекин, қалбида Кришна онги уйғонган киши ҳаётда ўз фаолиятининг ижобий натижаларига интилишига зарурат йўқ. Кришна онгидаги кишининг қилаётган барча ишлари мутлақ, илохий табиатга эга, бошқача қилиб айтганда ундан одам учун "яхши", "ёмон" деган тушунчаларнинг аҳамияти йўқ. Худони, Кришнани англашнинг, Кришна онгида фаолият кўрсатишнинг энг олий поғонаси - ҳаёт ҳақида моддий тасаввурлардан халос бўлишдир. Қалбида Кришна онгини ривожлантираётган киши эртами, кечми, барибир ана шу олий поғонага кўтарилади.

Кришна онгида кўрсатилаетган фаолиятда намоён бўладиган қатъият инсоннинг илмига асосланади. *Васудеваҳ сарвам ити са маҳатма су-дурлабхаҳ*. Кришнани англаб етган киши - ҳақиқатан ҳам, ҳаётда жуда кам учрайдиган энг нодир руҳдир, у Васудева, Кришна - барча сабабларнинг сабабчиси эканини тўла англаб етган инсон бўлади. Дараҳтнинг илдизига сув қуиши билан биз унинг ҳамма шоҳалари ва баргларини сугорамиз, худди шунга ўхшаб, Кришна онгида харакат қилаётган одам ҳам барчага - ўзига ҳам, оиласига ҳам, жамиятга ҳам, ватани ва бутун инсониятга ҳам манфаат келтираётган бўлади. Агар унинг қилаётган хизматидан Худои Таоло, Парвардигор Кришна мамнун бўлса, ундан бутун олам ҳам мамнун бўлади.

Кришнага, Худои Таолога - тажрибали шогирдининг ҳамма кобилияти ва майилликларини яхши биладиган, унга Кришна онгида қандай харакат қилиш лозимлигини кўрсата оладиган руҳий устознинг, Худонинг ҳақиқий вакилининг раҳбарлиги остида хизмат қилган маъкул.

Шу боис, Кришнани англаш илмига эга бўлиш учун, қатъий қарор билан харакат қилиш ва Кришнанинг вакили - руҳий устознинг кўрсатмаларини бажаришни ҳаётдаги асосий бурчим деб ҳисоблаб,

унинг айтганларига сўзсиз амал қилиш лозим. Руҳий устозига қилган илтижоларида Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур бизга шундай насиҳат беради:

*йасия прасадад бхагават-прасадо  
йасийапрасадан на гатиҳ кумо "ни  
дхайан стувамс тасия йашас три-сандхям  
ванде гуроҳ иши-чаранаравиндам*

"Руҳий устозни мамнун қилиш билан бир вақтнинг ўзида биз Худои Таолони ҳам мамнун қилган бўламиз. Руҳий устозни мамнун қилмай туриб, Худои Таолони, Кришнани англашнинг иложи йўқ. Шунинг учун, кунига уч марта руҳий устоз ҳақида ўйлаш, унинг марҳаматини тилаб илтижо қилиш ва эҳтиром билан унинг нилуфар қадамлари пой-ига сажда қилиш лозим".

Шундай қилиб, Кришна онгида қилинадиган фаолият - ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган руҳ ҳақидаги мукаммал илмга асосланган фаолиятдир. Бу илм фақат назарий илм эмас. Бу илм аниқ ҳаётий тажрибаларга асосланган ва уни эгаллаган инсон ҳаётда ҳеч качон ўз хиссиятнинг қули бўлиб, оқибат келтирадиган, кармали фаолият билан шуғулланмайди. Лекин қалбida ана шундай қатъиятни ривожлантира олмаган киши кармали фаолиятнинг ҳар хил ўткинчи неъматларига учиб, яна йўлдан адашади.

*42-43. ям имам пушпитам вачам правадантий авипашичитаҳ  
веда-вада-ратах партҳа наниад астити вадинаҳ  
каматманаҳ сварга-пара джсанма-карма-пхала-прадам  
крия-виишеша-баҳулам бхогашиварийа-гатим прати*

**Илми саёз одамларни Ведаларда ёзилган - жаннатий сайёralарга кўтарилиш, бой ва обрўли хонадонда туғилиш, буюк қудратга эга бўлиш ва бошқа кўп нарсаларга эришиш учун ҳар хил кармали урф-одатларга амал қилишни, турли маросимлар ўтказишни тавсия қиласидиган чиройли гаплар маҳлиё қилиб қўяди. Ҳиссий лаззатларга ва фаровон ҳаёт кечиришга интилиб, ундай одамлар, "ҳаётда бундан каттароқ баҳт йўқ", деб ўйладилар.**

Изоҳ: Кўпчилик одамлар унчалик чуқур тафаккурга эга эмаслиги, ғоифилли туфайли Ведаларнинг "карма-канда" деб аталадиган бўлимидаги кўрсатилган кармали фаолиятга маҳлиё бўлиб қоладилар. Уларнинг ҳаётдаги энг катта орзулари - дарёларида мааст қилувчи ичимлик, мусаллас оқадиган, чиройли аёллар кўп бўлган, лаззатланиш учун ҳамма нарса ошиб-тошиб ётган жаннатий сайёralарда ҳаёт лаззатини суришдан иборат. Ведаларда жуда кўп курбонлик маросимлари, айниқса джайотишитома маросими батафсил таърифланган, уларни ўтказиш натижасида инсон кейинги ҳаётида жаннатга эришиш

хукукига эга бўлади. Жаннатга эришишни истаган ҳар бир одам албатта ана шу маросимни ўтказиши лозим. Ғоғил одамлар Ведаларнинг асосий мақсади мана шундан иборат деб ўйлайдилар. Узокни кўра олмайдиган ундаи одамларнинг ҳаётда Кришна онгидага ҳаракат қилиб яшаш учун жуда зарур бўлган ишончга, иймон-эътиқодга, қатъиятга эга бўлиши жуда қийин. Худди аҳмоқ одам, натижаси нима бўлишини билмасдан заҳарли дарахтнинг мевасини узаётгани сингари, ҳақиқий, муқаммал илмга эга бўлмаган ғоғил одамлар ҳам, жаннатдаги роҳат-фароғатга тўла ўткинчи ҳаётга, у ердаги ҳиссий лаззатларга маҳлиё бўладилар. Ведаларнинг карма-канда бўлимида шундай дейилган: *апама сомам амрита абхума ва акшиайам ха ван чатурмасай-йаджинаҳ сукритим бхавати*. Чатурмасий ўтказган киши, яъни тўрт ой давомида маълум риёзатларга берилиб яшаган киши, жаннатдаги мангулик ато этадиган ва туганмас баҳт келтирадиган *сома-раса* ичимлигидан ичиш хукукига эга бўлади. Ҳатто ер юзида ҳам, бақувват, соғ-саломат ва ҳаётдан чексиз лаззатланиш имкониятига эга бўлиш учун сома-раса ичимлигидан ичиши орзу қиладиган кишилар бор. Улар моддий тутқунликдан озод бўлиш йўлига ишонмайдилар, ва курбонлик маросими пайтидаги ҳар хил дабдабали, чиройли манзараларга каттиқ боғланиб қоладилар. Ундаи одамлар ҳиссиётининг қули бўлиб қолган ғоғил одамлардир: уларга ҳаётда жаннатдагидай лаззатдан бошқа ҳеч нарса керак эмас. Маълумки, жаннатда *Нандана-канана* деган ажойиб боғлар бор, шу боғларда фариштадай чиройли парилар билан сома-раса ичимлигидан ичиб, лаззатланиб яшаш мумкин. Бундай баҳт - ўткинчи моддий баҳт, уларнинг манбаи эса - ўткинчи тана-нинг сезги аъзоларидир. Ўзларини моддий оламнинг лаззатланувчи хўжайнилари деб хис этишларига ёрдам берадиган ана шундай ўткинчи баҳтга каттиқ боғланиб қолган одамлар жуда кўп.

#### 44. бхогайшварйа-прасактанам тайапахрита-четасам вийавасайатмика буддхиҳ самадхай на видхийате

**Ҳиссий лаззатларга ва дунёвий бойликларга қаттиқ боғланиб қолган, шу сабабли ҳамиша ақлидан адашиб юрган одамлар ўз ҳаётини Худои Таолого садоқат билан холис хизмат қилишга бағишлай олмайдилар.**

Изоҳ: *Самадҳи* дегани "бир нарсага мужассам бўлган ақл"ни билдиради. Ведавий "Нирукти" лугатида шундай дейилган: *самайаг адхайате* "сминн атма-таттва-йатхатмийам - "Ақли олий "Мен"га эришиш жараённида мужассам бўлган киши *самадҳи* ҳолатида бўлади". Ўткинчи неъматларга алданиб, дунёвий лаззатларга берилиб юрган одам ҳеч қачон самадҳи ҳолатига эриша олмайди. Моддий кувват ундаи одамларнинг йўлида ўта олмайдиган тўсиклар кўйиб кўяди.

*45. трай-гүнийа-вишигийа веда нистрай-гүнийо бхаварджуна  
нирдвандво нитийа-саттва-стхо нирйога-кишема атмаван*

Ведаларда асосан моддий табиатнинг уч гунаси таъсири остида кўрсатиладиган фаолият хақида ёзилган. О Аржун, сен бу гуналардан устун бўл. Қарама-каршиликларнинг хар хил кўрининшлари таъсирига берилма, бу дунёда бирор нарсага эга бўлишга, бирор нарсангни сақлаб қолишга интилишни тарк эт, руҳий ўзлигингни, ҳақиқий "Мен"ни, англаб ол.

Изоҳ: Дунёвий фаолият моддий табиатнинг уч гунаси таъсири остида қилинадиган амаллар ва уларнинг оқибатларидан иборат. Бундай фаолият маълум натижаларга эришишга қаратилган ва тирик мавжудотнинг моддий оламда тутқун бўлиб қолишига сабаб бўлади. Ведаларнинг асосий қисми ҳар хил натижаларга эришиш ниятида қилинадиган фаолиятларни белгиловчи кўрсатмаларга бағишиланган. Бу кўрсатмаларнинг мақсади - оддий одамларнинг ҳаётда аста-секин ҳиссий лаззатланиш учун қилинадиган фаолиятдан воз кечиб, руҳий босқичдаги фаолият билан машғул бўлиш даражасига кўтарилишларига ёрдам беришдан иборат. Аржун Парвардигор Кришнанинг шогирди бўлгани сабабли Худои Таоло уни дарҳол руҳий даражадаги ҳаётга - яъни, *браhma-джигіясаса* - "олий руҳий асослар" ҳақидаги саволлардан бошланадиган юксак погонага кўтарилишга ундаяпти. Моддий оламда адашган барча тирик мавжудотлар тирикчилик учун оғир кураш олиб борадилар. Уларни ҳаётда тўғри яшашига ўргатиш ва моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқиши йўлини кўрсатиш учун Парвардигор оламни яратиб, одамларга Ведаларни берди. Аввалига тирик мавжудот Ведаларнинг *карма-канда* бўлимида ёзилган, ҳиссий лаззатларга эришиш учун қилинадиган фаолият билан машғул бўлади. Бу босқичдан ўтгандан кейин, *упанишадаларда* ёзилган руҳий ўзликни англаш йўлига кириш имкониятига эга бўлади. Худди "Бҳагавад-гита" бешинчи Веда ҳисобланган "Махобҳорат"нинг бир қисми бўлгани сингари, Упанишадалар ҳам Ведаларнинг бир қисми ҳисобланади. Упанишадаларда руҳий юксалиш йўлининг бошланиши таърифланган.

Токи тирик мавжудот моддий тана ичидан экан, у моддий табиат гуналари таъсири остида харакат қилишга ва уларнинг оқибатига душор бўлишга мажбур. Қарама-каршиликларнинг баҳт ва мусибат, иссиқ ва совуқ сингари кўрининшларига сабр-бардош билан чидашга ўрганиш керак. Шунда биз фойда ва зарар билан боғлиқ бўлган ташвишлардан биратўла кутуламиз. Кришна онгига эга бўлиб, ҳар бир ишда Худонинг хоҳишига, Унинг иродасига таваккал қиласидиган киши ана шундай юксак даражага эришади.

*46. йаван артха уданане сарватаҳ самплутодаке  
таван сарвешу ведешу брахманасайа виджсанатаҳ*

**Кичкина сув манбаи таъминлаётган эҳтиёжни катта сув ҳавзаси дарров тўлалигича қондиради. Ҳудди шундай, Ведаларнинг якуний, олий мақсадини англаб етган киши, уларда ваъда қилинган бошқа ажр-мукофотларнинг ҳаммасига ўз-ўзидан эришади.**

Изоҳ: Ведаларнинг карма-канда бўлимида кўрсатилган қурбонлик маросимлари ва урф-одатлар инсонга руҳий ўзлигини англаш йўлига киришда ёрдам бериш учун мўлжалланган. Руҳий ўзликни англаш йўлининг охирги мақсади "Бҳагавад-гита"нинг ўн бешинчи бобида аник айтилган(15.15): Ведаларни ўрганишдан мақсад - бутун борлиқнинг бошланғич сабабчиси бўлган ягона Худои Таолони, Парвардигор Кришнани англашдан иборат. Шундай килиб, ҳақиқий ўзликни англаш - Кришнани ва У билан ўзаро мангу муносабатимизни англаб етишдир. Тирик мавжудотнинг Кришна билан ўзаро муносабатлари ҳакида ҳам "Бҳагавад-гита"нинг ўн бешинчи бобида(15.7) айтилган. Барча тирик мавжудотлар - Кришнанинг ажралмаган бўллаклариридир, шу боис, қалбида Кришна онгини ривожлантираётган алоҳида тирик мавжудотлар ведавий илм олишининг энг юкори поғонасига эришадилар. Буни "Шримад Бҳагаватам"дан кўйидаги шеър ҳам тасдиқлайди(3.33.7):

*ахо бата шва-пачо "то гарийан  
йадж-джихувагре вартате нама тубхӣам  
тепус тапас те джуҳувӯҳ саснур ариа  
брахманучур нама гринанти ўе те*

"Эй Парвардигор, ҳатто ит гўшти ейдиган ҳароми(чандал)лар хонадонидан чиққан бўлса ҳам, Сенинг муқаддас номингни зикр қилиб юрган киши руҳий ўзликни англашнинг энг юкори поғонасига эришган ҳисобланади. Шубҳа йўқки, у ўтган ҳаётида Ведаларда кўрсатилган барча қурбонлик маросимларини ўтказган, руҳий юксалиш йўлидаги барча риёзатлардан ўтган, муқаддас саждагоҳлардаги барча муқаддас сувларда ювиниб покланган ва жуда кўп марта ведавий асарларни ўрганган одамдир. Шундай одамни арийларнинг энг аълоси деб ҳисоблаш керак".

Шундай қилиб, Ведаларнинг охирги мақсадини англаб етиш учун инсон етарли тафаккурга эга бўлиши, факат ведавий маросимларни ўтказиш ва жаннатий сайёralарда энг нозик ҳиссий лаззатлар билан роҳатланишга интилиш билангина қаноатланиб қолмаслиги керак. Ҳозирги даврда ҳеч ким Ведаларда кўрсатилган барча қурбонлик маросимларини ўтказишга, бутун "веданта" ва упанишадалар илмини ўрганиб чиқишига қодир эмас. Қонун-қоидалар асосида ведаларнинг барча кўрсатмаларини бажариш учун жуда кўп вақт, куч, илм ва

маблағ керак. Ҳозирги даврда бунинг сира иложи йўқ. Лекин, барча ведавий кўрсатмаларнинг энг олий мақсадига, адашган одамларни қутқарувчи Худованд Чайтанийа ўргатган йўл билан, яъни Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш ёрдамида эришиш мумкин. Бир куни, Ведаларнинг маҳшур билимдони Пракашананда Сарасвати Худованд Чайтанийадан нимага Веданта илмини ўрганиш ўрнига, худди хиссий эҳтиросларга берилган оддий одамдай Худонинг, Кришнанинг муқаддас номларини зикр қилиб юрганини сўради. Худованд Чайтанийа унга жавоб бериб шундай деди: - "Руҳий устозим Мени ақлсиз деб хисоблади ва шу боис менга Парвардигор Кришнанинг муқаддас номларини зикр қилишни буюорди. Муқаддас номларни зикр қилишдан Мен илохий лаззат оламан ва илохий жазавадан ҳатто ақлимни йўқотиб қўяман". Кали-юга даврида кўпчилик одамлар жуда ақлсиз ва ғоғил, "Веданта" фалсафасини тушуниш учун уларнинг тафаккури, акли заифлик киласди. Ведаларнинг олий максадига эришишнинг энг яхши усули - Худонинг муқаддас номларини ҳақорат қиласдан зикр қилишдан иборат. "Веданта" - бутун ведавий донишмандлик илмининг гултожи, энг юксак чўққиси хисобланади, "Веданта"нинг энг буюк билимдони ва уларни нозил қилган Зот - Парвардигор Кришна. Шуннинг учун, Худонинг муқаддас номларини зикр қилишдан лаззат ола биладиган инсонни, буюк руҳни "энг аъло ведантист" деб хисоблаш керак. Ведаларда нозил қилинган сирли таълимотнинг охирги, якуний мақсади мана шундан иборат.

*47. карманӣ эвадҳикарас те ма пхалешу қадачана  
ма карма-пхала-ҳетур бхур ма те саго “ств акармани*

**Сен ўз бурчингни бажаришинг мумкин, лекин қилаётган меҳнатларинг натижасидан лаззатланишга ҳаққинг йўқ. Ҳеч қачон қилган меҳнатларинг натижасини факат ўзингга боғлиқ деб ўйлама, лекин ҳаётда ўз бурчингни холис бажаришдан ҳам бош тортма.**

Изоҳ: Бу ерда уч масала қўрилган: инсоннинг шастраларда белгиланган бурч-вазифалари; инсоннинг ўз хоҳиши билан қиласдан ишлари ва фаолиятсизлик. Белгиланган вазифалар - одамнинг қайси табиат гунаси таъсири остида эканига қараб шастраларда белгиланган фаолиятдир. Одамнинг ўз хоҳиши билан қиласдан ишлари - Худонинг кўрсатмаларига зид бўлган ишлардир, фаолиятсизлик эса - ўз бурчини бажаришдан бош тортишдир. Парвардигор Аржунга фаолиятсиз бўлиб қолмасликни, қилган ишларининг натижаларига боғланиб қолмасдан ўз бурчини бажаришни маслаҳат беряпти. Ўз меҳнатининг натижаларига боғланиб қолган киши ўзи қилаётган барча ишларнинг сабабчи-

сига айланади. Шу боис у ўз фаолиятининг оқибатларидан гоҳида лазатланади, гоҳида азоб чекади.

Белгиланган вазифаларни уч тоифага бўлиш мумкин: кундалик фаолият, фавқулодда ҳолатлардаги фаолият, одамнинг истакларига мос келадиган фаолият. Муқаддас китобларнинг кўрсатмаси асосида, натижасидан таъма қиласдан, инсон ҳар куни турмушда холис бажариб юрган ишлар - эзгулик гунасидаги фаолиятдир. Натижаларидан таъма қилиб бажарадиган фаолиятимиз бизнинг бу моддий оламда тутқун бўлиб қолишимизга сабаб бўлади ва шу боис бемаъни, гунохкор фаолият хисобланади. Ўзининг белгиланган бурчини бажаришга ҳар бир одамнинг ҳаққи бор, лекин уларнинг натижасидан таъма қилишга ҳаққи йўқ; ўз бурчини ана шундай боғланишсиз, холис бажариш инсонни руҳий озодлик йўлига олиб чикади. Айнан шунинг учун, Парвардигор Аржунни факат ўз бурчини бажариб, жанг килишга, натижаси ҳақида ўйламасликка чақиряпти. Аржуннинг жанг килишдан бош тортиши унинг моддий боғланганлигидан далолат бериб турибди. Бундай боғланишлар озодликка эришиш йўлида ғов бўлади. Ҳоҳ фаолиятга бўлсин, ҳоҳ фаолиятсизликка бўлсин, ҳар қандай дунёвий боғланиш - инсоннинг моддий оламда тутқун бўлиб қолишига сабаб бўлади. Фаолиятсизлик - гуноҳдир, шунинг учун, Аржун факат ўз бурчини бажариш, яъни жангда иштирок этиш билангина озодликка чикиш йўлига кириши мумкин.

*48. йога-стхаҳ куру кармани сангам тийактва дхананджайа  
сiddхи-асиддхийоҳ само бхутва саматвам йога учайте*

**О Аржун, ҳеч қандай боғланишсиз, ғалаба ва мағлубият ҳақида ўйламай, ўз бурчингни совуққонлик билан вижданан бажар. Ўзини ана шундай тутиш “йога” деб аталади.**

Изоҳ: Кришна Аржунга йога қоидалари асосида харакат қилишини буюрятти. “Йога” дегани нима? Йога - одамга ўзининг тўймас ҳиссиётини жиловлаш ва ақлини Парвардигорда жамлашга ёрдам бераидиган машқлардир. Парвардигор дегани ким? Парвардигор - Олий Ҳукмдор, Унинг Ўзи Аржунга: - “Жанг кил!” -деб турган экан, демак жангнинг натижаси Аржунга боғлиқ эмас. Ғалаба ёки мағлубият - Кришнанинг, Худонинг иши, Аржун факат Унинг буйргуини бажариши лозим. Ҳақиқий йога - Худои Таолонинг, Кришнанинг кўрсатмаларига амал қилишдир. Ана шундай машғулот “Кришна онгидаги фаолият” деб аталади. Фақат ана шундай фаолиятгина инсонга бутун оламга хукмронлик қилишга интилишдан халос бўлишга ёрдам беради. Ҳар бир одам Кришнанинг хизматкори бўлиши керак, аникрофи, Унинг хизматкорининг хизматкори бўлиши керак, - шунда у

Кришна онгидаги ўз фаолиятини түгри бажара олади. Йога қоидалари бўйича ҳаракат қилиш учун шунинг ўзи етарли.

Аржун кшатрий сифатида варнашрама-дхарма тизимиға мансуб инсон. "Вишну-пурана"да айтилганки, варнашрама-дхарманинг максади - Вишнуни мамнун қилишдан иборат. Инсон хаётда ўз истакларини амалга ошириш учун эмас, Худои Таолони, Кришнани мамнун қилиш учун ҳаракат қилиб яшаши керак. Кришнани мамнун қилишга интилмай яшаётган киши варнашрама-дхарма кўрсатмаларига муносиб амал қилмаётган бўлади. Шу тариқа Кришна Аржун Унинг кўрсатмалариға амал қилиши лозимлигини эслатиб қўяпти.

*49. дурена хӣ аварам карма буддхи-йогад дхананджайа  
буддхау шаранам анвичча крипанаҳ пхала-хетаваҳ*

**О** Дхананжая, ҳар қандай бемаъни фаолиятни тарк эт, ўзингни садоқат билан холис хизмат қилишга бағишила ва шундай кайфиётда ихтиёргингни Худога топшири. Фақат очкўз, ҳасис одамлар ўз меҳнатининг натижаларига интиладилар.

Изоҳ: Ўзининг ҳақиқий табиатини - Худои Таолонинг мангу хизматкори эканини англаб етган киши, бутун умрини Кришна онгидаги фаолиятга бағишлиди ва бошқа ҳар қандай фаолиятни тарк этади. Аввал айтганимиздай, буддхи-йога - Парвардигорга илохий муҳаббат билан холис хизмат қилишдир. Ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳақиқий вазифаси шундан иборат. Фақат ҳасис одамлар ўз меҳнатининг натижаларидан лаззатланишни истайдилар, ва натижада моддий ҳаёт чангалига янада бадтарроқ ўралиб, ботиб қоладилар. Кришна онгидаги фаолиятдан ўзга ҳар қандай фаолият гуноҳ ҳисобланади, чунки у тирик мавжудотни туғилиб-ўлишлар чархпалагида мангу айланиб юришга мажбур этади. Шунинг учун, хеч қачон инсон ўзини қилаётган ишларининг сабабчиси деб ҳисобламаслиги керак. Ҳар қандай ишни Кришна онгиди, Кришнани мамнун қилиш учун бажариш лозим. Ҳасис одам тақдирига ёзилган ёки оғир меҳнати эвазига қўлга киритган бойликларини қандай ишлатишни билмайди. Инсон бутун куч-кудратини Кришна онгидаги хизмат қилишга сарфлаши лозим, - шунда бизнинг хаётимиз зафар билан тугайди. Лекин, баҳтга қарши, ҳасис одамлар буни тушунмайдилар ва куч-кудратини, бойлигини Худо йўлида, Унга хизмат қилишга сарфламайдилар.

*50. буддхи-йукто джасахатиха убхе сукрита-душикrite  
тасмад йогайа иуджайасва йогаҳ кармасу каушалам*

**Худои Таолога садоқат билан холис хизмат қилиб юрган одам шу хаётининг ўзидаётқ јахши ва ёмон ишларининг оқибатидан халос**

**бўлади. Шунинг учун, ўз ҳаёtingни йогага - дунёдаги энг мукам-  
мал фаолиятга бағишила.**

Изоҳ: Яхши ва ёмон ишларининг оқибатлари қадим замонлардан бери тирик мавжудотнинг ортидан эргашиб юрибди. Натижада у ғоғиллик ботқогига ботиб, ўзининг ҳақиқий табиатини англай олмай юради. "Бҳагавад-гита"нинг кўрсатмаларига амал қилиб, инсон ғоғиллик асоратидан қутулиши мумкин. "Бҳагавад-гита" инсонга ўз ихтиёрини Худои Таолога, Кришнага топширишни, шунинг шарофати билан, ҳар бир тирик мавжудот умрлар оша айланиб келаётган, фаолият ва уларнинг оқибатларидан иборат, моддий ҳаёт чархпалагидан қутулишни тавсия этади. Худои Таоло Аржунга Кришна онгида харакат қилишни, шу тариқа ўзининг аввалги фаолияти оқибатларидан халос бўлишни маслаҳат беряпти.

*51. карма-джам будҳи-йукта хи пхалам тйактва манишинаҳ  
джаанма-бандҳа-вирнумуктаҳ падам гаччантӣ анамайам*

**Худои Таолога садоқат билан холис хизмат қилиб, буюк донишманлар ва содиқлар моддий оламдаги фаолиятининг барча оқибатларидан халос бўладилар. Шу тарзда улар тугилиш ва ўлишлар чархпалагидан қутуладилар, ҳеч қандай ташвиш йўқ макон - Худонинг мангу даргоҳига эришадилар.**

Изоҳ: Озодликка эришган рухлар моддий қийинчиликлар мавжуд бўлмаган даргоҳда яшайдилар. "Шримад Бҳагаватам"да шундай дейилган(10.14.58)

*самашрита йе пада-паллава-плавам  
маҳат-падам пунїа-йашо муравеҳ  
бхавамбуҳир ватса-падам парам падам  
падам падам йад випадам на тешам*

"Бутун оламга паноҳ берувчи ва Мукунда(озодликка чиқарувчи) номи билан маълум бўлган Парвардигорнинг нилуфар пойи қадамлари кемасига чиқиб олган одам учун моддий оламнинг чексиз уммони, худди бузоқнинг туёқ изида тўпланиб қолган кўлмак сувидай кичик бўлиб қолади. Шундай одам *парам падам*, яъни Вайкунта - моддий изтироб бўлмайдиган даргоҳга эришади. Ҳар қадамда турли азоб-укубатлар учраб турадиган бу оламда қолишнинг унга ҳеч қандай ҳожати йўқ".

Ғоғиллиги туфайли тирик мавжудот моддий олам аслида "ҳар ерда турли хил оғатлар кутиб турган мусибатлар макони" эканини билмайди. Ақлсиз одамларнинг ғоғиллиги уларни бу дунёнинг шароитларига кўнишиб яшашга ва кармали фаолият билан шуғулланиб, унинг натижасида баҳтли бўламан деган ният билан, оғир меҳнат қилишга мажбур киласди.

Бутун моддий оламнинг бирор жойида, сон-саноқсиз моддий тана-ларнинг бирортасида, азоб-уқубатларга учрамай яшай олмаслигини улар билмайдилар. Моддий ҳаётнинг мангу йўлдоши бўлган - туғилиш, ўлиш, кексалик ва қасаллик - моддий оламнинг ҳамма жойида мавжуд. Лекин, ўзининг ҳақиқий ҳолатини, Худо Таолонинг мангу хизматкори эканини ҳамда, Худо Шахсининг ҳолатини англаб етган одам умрини Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан холис хизмат қилишга бағишлади. Ана шундай одам на моддий азоб-уқубатлар, на ўлим, на ўткинчи замон таъсири қилолмайдиган Вайкунтҳа салтанатига кириш хуқуқига эга бўлади. Ўзининг азалий ҳолатини англаб етиши - Парвардигорнинг улуғворлигини англаб етиш демакдир. Фофиллиги туфайли тирик мавжудотни "Худога teng" деб юрган киши - гафлат ботқоғига ботган, шу боис Унга садокат билан холис хизмат қила олмайди. У ўзи Худо бўлишга интилади, ва шу сабабли ўзини туганмас туғилиб-ўлишлар чархпалағида мангу қолиб кетишга мубтало этади. Ўзининг ҳақиқий вазифаси - Худога хизмат қилиш эканини тушунган киши Парвардигорга садокат билан холис хизмат қилиш йўлига киради ва Вайкунтҳага эришади. Худога садокат билан холис хизмат қилиш карма-йога ёки буддхи-йога деб аталади.

*52. йада те моха-калилам буддхир вайатитаришийати  
тада гантаси нирведам юртавайасия шрутасия ча*

**Тафаккуринг алданиш тузогидан ҳалос бўлганда, сен эшитган ва энди эшитадиган ҳамма гапларга мутлақо бефарқ бўлиб қоласан.**

Изоҳ: Худога садокат билан хизмат қилиш натижасида одам ведавий маросим ва урф-одатларга умуман эътибор бермай кўйишига Худонинг буюк содик хизматкорлари ҳаётидан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Ҳақиқатан ҳам Худони, Кришнани, ўзи билан Унинг мангу муносабатларини тўла англаб етган одам, ҳатто тажрибали браҳман бўла туриб ҳам, кармали фаолият билан боғлиқ бўлган ҳар хил урф-одатларга умуман эътиборсиз бўлиб қолади. Буюк ачарайавишнав, Мадхавендра Пури шундай дейди:

*сандхия-вандана бҳадрам асту бҳавато бҳоҳ снана тубхiam намо  
бҳо деваҳ питараши ча тарпана-видҳау наҳам кшамах кшамийатам  
йатра квати нишадийа йадава-кулоттамасия камса-двиишах  
смарам смарам агҳам ҳарами тад алам мание ким аниена ме*

"Оҳ менинг ҳар куни қиласидиган илтижоларим, сизларга шарафлар бўлсин. Оҳ менинг ҳар куни эрталаб чўмилишларим, сизларга таъзим қиласман. Оҳ фаришталар, оҳ аждодларим, сизларга таъзим қилишни тарқ этганим учун мени кечиринглар. Энди мен қаерда бўлсан ҳам, ҳамиша Ядавалар хонадонининг вакили, Камсанинг душмани Криш-

нани эслаб юраман, шу билан барча гуноҳларимдан покланаман. Ўйлайманки, менга шунинг ўзи етарли".

Эрта туриб ювениш, кунига уч марта сажда билан илтижо қилиш, аждодларни хотирлаш сингари Ведавий маросим ва урф-одатлар руҳий юксалиш йўлига энди кирган тажрибасиз одамлар қилиши зарур бўлган вазифалардир. Лекин, қалбида Кришна онгини тўла ривожлантирган ва Худога муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиб юрган кишининг бу қоидаларга амал қилишининг ҳожати йўқ, чунки у камолот чўққисига аллақачон эришган ҳисобланади. Агар одам Худои Таоло Кришнага хизмат қилиб, мукаммал илмга эга бўлса, унга Ведаларда кўрсатилган сон-саноқсиз қурбонлик маросимлари ўтказишнинг ва тавба-тазаррулар қилишининг ҳожати йўқ. Ведаларнинг мақсади - Кришнани англаш эканини тушунмайдиган, факат ведавий маросимларни ўтказиш билан шуғулланиб юрган одам эса, вақтини бекорга сарфлаётган бўлади. Кришна онги билан яшайдиган одамлар *шабда-браҳма*, яъни Веда ва Упанишадаларнинг кўрсатмаларидан устун турадилар.

*53. шрути-випратипанна те йада стхасйати нииччала  
самадхав ачала буддхис тада йогам авапсийаси*

**Ведаларнинг чиройли гаплари ақлингни маҳлиё этолмайдиган бўлиб, ҳақиқий ўзлигинг - "Мен"ингни англаб, ҳамиша руҳий жазав(транс) ҳолатида қолишга эришганингда, сен илохий онгга эга бўласан.**

Изоҳ: *Самадҳи* ҳолатида бўлиш - қалбида Кришна онгини тўла равожлантириш яъни, бошқача қилиб айтганда Брахман, Параматма ва Бхагаванни англаб етиш демакдир. Ўзликни англашнинг шу энг олий поғонасига кўтарилиб, инсон ўзи аслида Кришнанинг мангудиши матко-ри, ҳаётда ягона вазифаси - ҳамиша Кришна онгидан бўлиб, ўз бурчини бажариш эканини тўла англаб олади. Ўз ихтиёрини Худои Таолога бутунлай топширган ана шундай одамни Ведаларнинг чиройли гаплари қизиктирмайди, шу сабабли у жаннат сайёralарига олиб борадиган кармали фаолият билан шуғулланмайди. Кришна онгига эга бўлиб, тирик мавжудот Худои Таоло билан бевосита алоқа қила бошлиайди. Ана шундай руҳий поғонада туриб, инсон Парвардигорнинг ҳамма кўрсатмаларини тушуниб етишга кодир бўлади. Кармали фаолият билан шуғулланиш натижасида бундай мукаммал илмга эга бўлишнинг иложи йўқ. Мукаммал илмга эга бўлиш учун Кришнанинг ёки Унинг бевосита вакили бўлган руҳий устознинг кўрсатмаларига амал қилиш лозим.

*54. арджсұна увача*

*стхита-праджнастай ка бхаша самадхи-стхастай кешава  
стхита-дхиү ким прабрахашета ким асита враджеста ким*

**Аржун шундай деди: О Кришна, ана шундай илохий онгга эга бўлган кишини қандай таниб олиш мумкин? У нималар ҳақда гапиради, ўз фикрларини қандай изхор этади? Унинг ўтирибтуриши қандай?**

Изоҳ: Одамнинг жамиятда қандай мартабада эканини унинг баъзи бир белгиларига қараб билса бўлгани сингари, Кришна онгига эга кишини ҳам, гапираётган гапига, юриш-туришига, фикрларига ва бошқа белгиларига қараб билиб олиш мумкин. Маълум бир белгилар бой одамни камбағалдан, касал одамни соғ одамдан, билимдон одамни ғофил одамдан ажратиб туради, худди шундай, илохий онгга, яни Кришна онгига эга бўлган кишини ҳам, ҳар хил шароитларда ўзини қандай тутишига қараб билса бўлади. Бу белгилар "Бҳагавад-гита"нинг кейинги шеърларида келтирилган. Ҳар қандай одамнинг, Кришна онгидаги одамнинг ҳам асосий белгиси - унинг гапираётган гапларидир. Айтадилар-ку, "башанг кийиниб олган аҳмоқни то гапира бошлигунча билиб бўлмайди", аммо у оғзини очиб, бир-икки оғиз гапирган заҳоти унинг ким экани маълум бўлади. Кришнани англаб етган кишининг асосий белгиси - у фақат Кришна ҳақида, ёки Кришна билан боғлиқ бўлган нарсалар ҳақида гапиради. Бу - унинг асосий белгиси, кейин қуидаги белгилар туради.

##### **55. шри бҳагаван увача**

*праджасахати йада каман сарван партха мано-гатан  
атманӣ эватмана туштаҳ стхита-праджнаст тадочайате*

**Худои Таоло шундай деди: О Парта, ақлини ҳиссиётининг талабларидан келиб чиқадиган барча истаклардан поклаган, фақат ўзининг ҳақиқий (ўзлиги) - "Мен"ида лаззатланиб юрадиган одамни пок, илохий онгга эга инсон деб атайдилар.**

Изоҳ: "Шримад Бҳагаватам"да айтилган-ки, калбida Кришна онгини тўлик ривожлантирган, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши буюк донишмандларнинг барча эзгу фазилатларига эга бўлади, аксинча, илохий даражага кўтарилимаган кишида ҳеч қандай эзгу фазилат йўқ ва бўлмайди ҳам, чунки у ҳар бир ҳаракатида адашган ақлининг, нафсининг қули бўлиб қолаверади.

Шу боис, бу ерда айтилганки, инсон ақлида жойлашган ҳиссий лаззатлар билан боғлиқ бўлган барча истаклардан халос бўлиши керак. Бу истакларни шунчаки бостириб, инкор этиб бўлмайди. Лекин, агар

инсон Кришна онгидаги фаолият билан машгул бўлиб юрса, бундай истаклар ҳеч қандай ортиқча уринишларсиз, ўз-ўзидан йўқолиб кетади.

Шунинг учун, катъий қарор асосида Кришна онгидаги фаолият билан шуғуланиш лозим, шунда Худои Таолога садоқат билан холис хизмат қилиш жуда кисқа вақт ичida қалбимиизда илохий онгни ривожлантиришга ёрдам беради. Руҳий камолотга эришган киши Худонинг мангум хизматкори эканини хис қилиб, ҳамиша ўзининг қалбида роҳатланиб, лаззатланиб юради. Ундан инсон дунёвий одамларга тақлид қилмайди, ҳиссиётининг ҳар хил бемаъни талабларини қондиришга уринмайди. Худои Таолонинг мангум хизматкори сифатида ўзининг табиий ҳолатини эгаллаб, у ҳамиша баҳтиёр ва ҳаётидан мамнун бўлиб юради.

*56. духкхеиш анудвигна-манаҳ сукхешу вигата-сприхаҳ  
вита-рага-бхайа-кродхаҳ стхита-дхир мунир учйате*

**Ҳаётда учрайдиган уч турли мусибатларга чидам билан бардош бериб, ҳамиша хотиржам қоладиган, баҳт келганда қувончдан яйраб кетмайдиган, дунёвий боғланишлардан, қўрқув ва газабланишдан озод бўлган кишини "аклини жиловлаб олган донишманд" деб атайдилар.**

Изоҳ: Нотинч ақли ҳар хил фикрларга бориб, яқуний хulosаси чиқара олмайдиган файласуфни муни деб атайдилар. Айтадиларки, ҳар бир муни, бошқаларникидан фарқ қиласидиган ўзининг фикрига эга бўлиши керак. Акс ҳолда уни том маънода муни деб бўлмайди. *насав ришир йасая матам на бхиннам* (Махобҳорат. Вана-парва.313.117). Лекин, Парвардигор бу ерда айтиётган *стхита-дхир муни*, яъни, "аклини жиловлаб олган донишманд", оддий мунилардан фарқ қиласи. Ундан донишманд ақлий фикрлашлардан халос бўлган ва ҳамиша Кришна онгидаги бўладиган инсондир. Уни *прашанта-ниҳиеша-маноратхантара* - барча истаклардан озод бўлган, қалби осойишта донишманд деб атайдилар(Стотра-ратна. 43). Бемаъни фалсафий фикрлашлардан юқори кўтарилиб, у Шри Кришна, Васудева - ҳамма нарсанинг моҳияти, асоси, бутун борлиқнинг ўзи, деган хulosага келган.(*васудеваҳ сарвам ити са маҳатма судурлабхаҳ*). Мукаммал Кришна онгига эга бўлган бундай одамни ҳаётда намоён бўладиган уч хил мусибатлар ташвишга солмайди: аслида, аввалги гуноҳлари оқибатида бундан ҳам бадтарроқ мусибатларга лойиқман, деб хисоблаб, бошига тушган ҳар қандай мусибатни у "Худонинг марҳамати" деб қабул қиласи. Бундан ташқари унинг ишончи комилки, ҳар бир тирик мавжудотга меҳрибон бўлган Худои Таоло унинг барча мусибатларини энг енгил ҳолга келтиради. Баҳт кулиб боққанда, у бу баҳтни Худои Таолонинг берган мукофоти деб билади, ўзини эса

бундай мукофотга лойик эмас, деб хисоблайди; у факат Худонинг чексиз марҳамати билангина шундай ажойиб шароитга тушиб қолганини яхши тушунади, ҳар бир имкониятидан Худои Таолога яна ҳам яхшироқ хизмат қилиш учун фойдаланишга ҳаракат қиласди. Худога хизмат қиласр экан, у қатъий карор ва шиҷоат билан ҳаракат қиласди, боғланиш ва нафратланиш таъсирларига берилмайди. Богланиш - бирор нарсани ҳиссий лаззатланиш учун ишлатишга интилишдир; нафратланиш эса - ана шундай боғланишнинг акси. Кришнани англаш йўлида мустаҳкам турган киши, ҳар қандай боғланиш ва нафратланишлардан озод инсондир, чунки, унинг бутун ҳаёти Худои Таолога садоқат билан ҳолис хизмат қилишга бағишиланган. Шунинг учун, ҳатто қилаётган ҳаракатлари ҳеч қандай натижага бермаса ҳам, Кришна онгига бўлган кишининг бундан жаҳли чиқмайди. На мағлубият, на муваффакият унинг Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишга бўлган интилишини, қатъий қарорини, эътиқодини сусайтира олмайди.

*57. йаҳ сарватранабхиснекас тат тат пратіа шубхашибхам  
набхинандати на дөвешти тасіа праджна пратишитхита*

**Моддий оламда яшаётган бўлсада, дунёвий боғланишлардан озод, бирор яхшилик келса қаттиқ қувониб кетмайдиган, бирор кор-ҳол рўй бергандан жаҳли чиқмайдиган киши мукаммал илмга эга инсондир.**

Изоҳ: Моддий оламда, яхшими, ёмонми, ҳамиша қандайдир ҳодисалар рўй бериб туради. Шуни яхши англаб олиш керак-ки, дунёда бўлиб турган воқеалар ташвишга сололмайдиган, яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам бирдай муносабатда бўладиган киши ҳақиқатан ҳам қалбида Кришна онгини ривожлантирган одам бўлади. Биз бу моддий оламда яшар эканмиз, ҳаётимизда хоҳлаган пайтда бирор яхши ёки ёмон ҳодиса рўй бериши мумкин, чунки моддий олам - қарама-қаршиликлар маконидир. Лекин, Кришнани англаш етган киши учун қарама-қаршиликларнинг намоён бўлаётган бундай кўринишлари ҳеч қандай ташвиш келтирмайди, чунки унинг бутун фикру-ҳаёли ҳаммага мутлақ саодат келтирувчи Худои Таолода, Кришнада мужассам бўлади. Онги Кришнага бутунлай гарқ бўлган киши санскрит тилида *самадҳи* деб аталағиган руҳий камолотнинг энг олий поғонасига кўтарилади.

*58. йада самхарате чайам курмо “нганива сарвашаҳ  
индрийаниндрийартхебхийас тасіа праджна пратишитхита*

**Калласи ва оёқларини зарур пайтда косаси ичига тортиб оладиган тошбақа сингари, сезгиларини ҳиссий лаззат берувчи нарсалардан**

**тўсиб туришга қодир бўлган киши мустаҳкам, руҳий тафаккур соҳибидир.**

Изоҳ: Комил йогни, Худонинг содик хизматкорини ёки руҳий ўзлигини англаган кишини хиссиятини бошқара олишидан билиб олиш мумкин. Бу дунёдаги аксарият одамлардан фарқли равишда, ундей одам хиссиятининг кули эмас, уларнинг ҳар қандай талабини кондириб, нағсининг изида юрмайди. “Ҳақиқий йог ўзини қандай тулади?” - деган саволга Кришна шундай жавоб берган. Ҳиссиятларни заҳарли илонларга ўхшатадилар. Улар эркин ҳолда, ҳеч қандай тўсиқларсиз ҳаракат қилишга интиладилар. Шунинг учун, йог ёки Худонинг содик хизматкори, илон ўргатувчи сингари, хиссиятини ўз иродасига бўйсундиришга қодир бўлиш учун етарли руҳий курдатга эга бўлиши керак. У ҳеч қачон хиссияти ўзининг ҳақиқий иродасига карши чиқиб, мустақил ҳолда ҳаракат қилишига йўл кўймайди. Шастраларда нима қилиш лозим ва нималардан узоқ бўлиши тўғрисида жуда кўп кўрсатмалар берилган. Инсон то ҳиссий лаззатларни чеклайдиган ана шу кўрсатмаларга амал қилишни ўрганмас экан, Кришна онгига эриша олмайди. Бу борада тошбака жуда аниқ мисол қилиб кўрсатилган. Тошбака истаган вактида калласи ва оёқларини косаси ичига тортиб олади ва керак пайтда яна чиқара олади. Худди шундай, Худои Таолони, Кришнани англаб етган киши ҳам, ўз ҳиссиятларини факат Кришнага хизмат қилиш учун ишлатади ва ҳиссий лаззат берадиган нарсалардан асраб юради. Бу ерда Кришна Аржунга хиссиятини лаззатланиш учун эмас, Худои Таолога садокат билан холис хизмат қилиш учун ишлатишни буюрятти. Худои Таолога хизмат қилиш билан банд бўлган сезгилар тошбақанинг косаси ичida сақлаб кўйган оёқларига ўхшайди.

*59. вишиай винивартанте нирахарасайя дехинаҳ  
раса-варджам расо “ни асайя парам дриштва нивартатме*

**Ҳатто ҳиссий лаззатлардан ўзини тийиб турганда ҳам, танадаги руҳ шу лаззатларнинг мазасини эслаб қолади. Лекин, улардан кўра юксакроқ лаззатни татиб кўргандан кейин, у ҳиссий лаззат келтиридиган нарсалардан совиб кетади ва руҳий онгда мустаҳкам ўринашиб олади.**

Изоҳ: Инсон руҳий даражага кўтарилимагунча ҳиссий лаззатлардан биратўла воз кеча олмайди. Ҳиссий лаззатларни чеклайдиган шастраларнинг кўрсатмаларини баъзи бир нарсаларни истеъмол қилишни маън қиласиган парҳез қоидаларига ўхшатиш мумкин. Муқаммал илмга эга бўлмаган кишилар учун шастралар аштанга-йога сингари руҳий тажриба ёрдамида хиссиятининг фаолиятини чеклашни тавсия қиласи.

Аштанга-йога саккис погонадан иборат: *яма, нияма, асана, пранаяма, пратихара, дхарана, дхайана ва самадхи*. Лекин, қалбиди Кришна онгини ривожлантириб, Худои Таолонинг гўзаллигини англаб етган киши ўлік, моддий, нарсаларнинг "гўзаллиги"га умуман бефарқ бўлиб колади. Шундай қилиб, шастраларнинг кўрсатмалари, аслида чукур тафаккурга эга бўлмаган, руҳий юксалишнинг қуий погоналарида юрган кишилар учун мўлжалланган. Улар то инсон Кришна онгидаги фаолиятнинг лаззатини сезиб, ўзи бевосита хис этиб кўргунча керак бўлади, холос. Ҳақиқатан ҳам Кришнани англаб етган кишининг қалбиди ўз-ўзидан ҳаётдаги бемаъни дунёвий лаззатларга бўлган қизиқиши, интилиш табиий равишда йўқолиб кетади.

*60. йатато хӣ апи каунтейа пурӯшасайа випашчитаҳ  
индрӣйани праматхуни ҳаранти прасабҳам манаҳ*

**Хиссиётлар шунчалик қудратли ва шиддатлики, о Аржун, улар ҳатто руҳий илмга эга бўлиб, уларни жиловлашга уринаётган донишманд кишининг ақлини ҳам зўрлаб, изига солиб кетиши мумкин.**

Изоҳ: Жаҳонда жуда кўп донишмандлар, файласуфлар ва йоглар ҳиссиётини жиловлаб олишга интиладилар, лекин шунча уринишларига қарамай, ҳатто буюк зотлар ҳам, бაъзан ақлини жиловлай олмай, ўз ҳиссиёти(нафси)нинг қурбони бўладилар ва натижада дунёвий лаззатларга берилиб кетадилар. Масалан, буюк донишманд, камолотга эришган сехграр-йог бўлган Вишвамитра, гарчи муроқаба ва қаттиқ риёзатга берилиб, ҳиссиётини жиловлаб олишга жиддий харакат қилган бўлса ҳам, жаннатий фаришта аёл Менаканинг жилваларига учиб, ноилож қолган эди. Инсоният тарихида бундай мисоллар жуда кўп. Кришнани англаб етмаган, Кришна онгидаги бўлмаган кишининг ўз ақли ва ҳиссиётини жиловлаб олиши жуда мушкул. Агар инсоннинг ақли Кришна ҳақидаги ўйлар билан банд бўлмаса, уни моддий лаззатлар ҳақидаги ўйлардан ҳеч қандай куч билан тўсиб бўлмайди. Бу ҳақиқатни Худонинг буюк содиги ва авлиё Шри Ямуначарйа шундай тасдиқлайди:

*йад-авадхи мама четаҳ криина-падаравинде  
нава-нава-раса-дхаманий удйатам рантум асим  
тад-авадхи бата нари-сангаме смарйамане  
бхавати муха-викараҳ суштху ништхиванам ча*

"Ақлу-хаёлим Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиш билан машғул бўлгандан бери, мен кун сайин ортиб бораётган чексиз руҳий лаззатни хис қилиб яшаяпман. Шундан бери, моддий ҳаётнинг энг олий лаззати хисобланган жинсий алоқа тўғрисидаги фикр хаёлим-

га келган заҳоти жирканганимдан афтим буришади ва туфуриб ташлайман".

Кришнани англаш, Кришна онги билан яшаш инсонга шу қадар юксак рухий, илохий лаззат олиб келадики, унинг олдида ҳаётдаги моддий, жисмоний лаззатлар арзимас, кўримсиз, ҳатто жирканч бўлиб кўринади. Кришнани англаб етган киши ҳудди ширин ва мазали таомлар билан қорнини тўйғазган одамга ўҳшайди. Махараж Амбариша бутун ақлу-хаёли Кришна онгидаги ғарк бўлгани сабаблигина буюк йог Дурваса Мунидан устун келган эди.(*са вай манаҳ кришина-падаравиндаир вачамси ванкунтаха-гунануварнане*).

*61. тани сарвани самйамиа йукта асита мат-параҳ  
ваше хи йаендрийани тасйа праджна пратишитхита*

**Ҳиссиётини моддий нарсалардан тийиб, уларни жиловлаб олган ва ақлини ҳамиша Менда мужассам қилиб юрган одамни "мустаҳкам тафаккур эгаси" деб атайдилар.**

Изоҳ: Бу ерда йоганинг энг мукаммал ҳолати - Кришнани англаш экани тушунтирилади. Кришна онгига эга бўлмай туриб, ҳиссиётларни жиловлаб бўлмайди. Бир пайтлар буюк донишманд Дурваса Мунининг Махарака Амбариша билан жанжаллашиб қолгани аввал эслаб ўтилган эди. Шунда мағрурлигидан гердайган Дурваса ҳеч қандай сабабсиз, ўзидан-ўзи ғазаби келиб, ҳиссиётини бошқара олмай қолганди. Аксинча, донишманд Дурваса сингари кудратга эга бўлмаса ҳам, Худонинг содик хизматкори бўлган шоҳ Амбариша, донишманднинг ноҳақ ҳақоратларини жимгина тинглаб турди ва охир-оқибатда ундан устун келди. Шоҳ Амбариша ҳиссиётини ўз иродасига тўла бўйсундириб олган эди, чунки, у "Шримад Бхагаватам"(9.4.18-20)да ёзилганидай, ҳамиша қуйидаги ишлар билан машғул эди:

*са вай манаҳ кришина-падаравиндаир  
вачамси ванкунтаха-гунануварнане  
карау ҳарер мандира-марджсанадишу  
ишутич чакарачўита-сат-катходаиे  
мукунда-лингалаиа-даршане дришаш  
тад-бхритиа-гатра-спарше "нга-сангамам  
гхранам ча тат-пада-сароджса-саурабхе  
ишимат-туласиа расанам тад-арпите  
падау ҳарех киетра-паданусарпане  
широ хришикеша-падабхивандане  
камам ча дасие на ту кама-камайай  
йатхомтамашлокиа-джсанашрайа ратиҳ*

"Шоҳ Амбариша бутун фикру-ҳаёлини Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойида мужассам килган, нутки Худонинг илохий

даргохини таърифлаш билан банд эди; қўллари билан у Худои Таолонинг эҳромларини тозаларди, кулоги Парвардигорнинг эрмаклари хақида хикоялар тингларди; қўзлари Парвардигорнинг жамолини томоша қилас, танаси Худои Таолонинг содик хизматкорлари танасига тегар, бурни Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига тақдим этилган гулларни ҳидларди; тили билан Парвардигорга тақдим этилган туласи баргларининг ширин таъмидан лаззатланар, оёқлари эса, уни Парвардигорнинг эҳромлари жойлашган мұқаддас зиёртатоҳларга элтар, боши Парвардигор олдида эгилар, унинг бутун орзу-истаклари Худои Таолога садоқат билан холис хизмат қилишда эди".

Бу таърифлардан кўриниб турибдики, Махарака Амбариша *мат-пара* даражасига эришган буюк содиклардан эди. "Бҳагавад-гита"нинг мазкур шеърида ишлатилган *мат-пара* ("Мен билан боғланган") ибораси алоҳида эътиборга эга. Махараджа Амбаришанинг турмуш тарзи - кандай килиб *мат-пара* даражасидаги содик бўлиб яшаш кераклигига яққол мисол бўла олади.

Буюк олим ва устозлар силсиласида турган руҳий устоз Шрила Баладева Видъябхушана мазкур шеърни изоҳлар экан, шундай деб ёзади: *мад-бҳакти-прабхавена сарвендрийа-виджайа-пурвика сватмадришитиҳ сулабхети бхаваҳ* - "Фақат Кришнага садоқат билан хизмат қилиш туфайлигина хиссиётларни тўла жиловлаб олиш мумкин". Бунга оловни ҳам мисол келтирадилар: ҳудди олов хонадаги ҳамма нарсани ёкиб кул қилиб юборгани сингари, йогнинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигор Вишну ҳам ундаги ҳамма моддий иллатларни ёкиб юбориб, қалбини поклайди. "Йога-сутра"да тавсия қилинишига кўра, йог муроқаба жараёнида ақлини бўшлиқда эмас, балки Парвардигор Вишнуда мужассам қилиш лозим. Ақлини Парвардигор Вишнудан бошқа бирор нарсада мужассам қилиб юрган сохта йоглар етишиб бўлмайдиган сароб нарсалар илинжида юриб, вақтини бекорга сарфлайдилар. Биз Кришна онги билан яшшимиз, яъни бошқача қилиб айтганда ўз ихтиёrimизни бутунлай Худога, Кришнага топширишимиз лозим. Ҳақиқий йогнинг мақсади шундан иборат.

## 62. *дхайато вишайан пумсаҳ сангас тешупаджайате сангат санджайате камаҳ камат кродхо “бхиджайате*

**Хиссиётларга лаззат келтирадиган нарсаларга қараб туриб, инсон уларга боғланиб қолади, боғланиш эҳтиросга айланади, эҳтиросдан эса - ғазаб пайдо бўлади.**

Изоҳ: Кришна онгидаги бўлмаган киши хиссий лаззат берадиган нарсаларни кўрганида, унда моддий истаклар пайдо бўлади. Хиссиётлар ҳамиша бирор эрмак, лаззат излаб юради, агар улар Худои Таолога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишда машғул бўлмаса, ал-

батта ўзига бирор моддий фаолият, хиссий лаззат келтирадиган нарса топиб олади. Моддий оламда ҳар бир тирик мавжудот, ҳар хил жаннат сайдераларидағи фаришталаргина эмас, ҳатто Тангри Брахма ва Тангри Шива ҳам, - хиссий лаззат берадиган нарсалар таъсирига берилган. Моддий хаёт чигалликларидан ҳалос бўлишнинг ягона йўли - Кришна онги билан яшаш, Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлишдир. Тангри Шива муроқабага берилиб ўтирган эди, лекин, Парвати унинг хиссиётини уйғотганида, муроқабани тарқ этиб, хиссий лаззатларга берилди, натижада уларнинг ўғли Карттикея дунёга келди. Худонинг буюк содиги Харидас Тхакурни ҳам йўлдан оздаришга уринганлар: ҳали ёш йигит пайтида, олдига Майа-девининг ўзи келиб, уни синамоқчи бўлган. Лекин Харидас Тхакур бу синовдан осонлик билан ўтди, чунки у ўз ихтиёрини бутунлай Парвардигор Кришнага топшириган эди. Юкорида келтирилган Шри Ямуначарйанинг шеърида айтилганидай, Парвардигорга ўз ихтиёрини топшириб, Унга самимий, холис хизмат қилаётган киши Худои Таоло билан ўзаро муносабатидан олаётган энг олий - илоҳий лаззатининг кудрати билан ўткинчи, алдамчи дунёнинг ҳар қандай алдовларига бардош бера олади. Руҳий юксалишда муваффакият қозонишнинг сири шундай. Кришна онгида бўлмаган киши қанчалик кудратли бўлмасин, хиссиётининг хуружларини бошишга қанчалик уринмасин, охир-окибатда барибир ҳеч нарсага эриша олмайди, чунки, хиссий лаззат ҳақидаги озгина фикр унинг ақлини ўғотиб, ўзининг истагини бажаришга мажбур қиласди.

*63. кродҳад бҳавати саммоҳах саммоҳат смрити-вибҳрамаҳ  
смрити-бҳрамиаҳ буддхи-нашо буддхи-нашат пранашиятати*

**Ғазаб кишини адаштиради, адашган одамнинг хотираси сусаяди.  
Хотираси паст одам чукур фикрлай олмайди, натижада йўлдан  
адашиб, яна моддий хаёт гирдобига тушиб қолади.**

Изоҳ: Шрила Рупа Госвами "Бҳакти-расамрита-синдху" (1.2.256) асарида шундай насиҳат берган:

*прапанчикатайа буддхайа ҳари-самбанҳи-вастунаҳ  
мумуқшуҳиҳ паритайаго ваирагайам пҳалгу катҳиате*

Кришнани англашда юксала бориб, одам шуни тушуна бошлайди-ки: атрофида уни ўраб турган ҳамма нарсани Кришнага хизмат қилишда ишлатиш лозим. Кришна онги ҳақида ҳеч нарсани билмайдиган, моддий тутқунлиқдан озод бўлишга интилиб, дунёвий нарсаларни тарқ этишга шунчаки уриниб юрган киши таркидунёлиқда камолотта эриша олмайди. Унинг қилиб юрган таркидунёлиги *пҳалгу*, яъни "мукаммал бўлмаган таркидунёлик" деб аталади. Аксинча, Кришна онги билан яшайдиган киши ҳамма нарсани қандай қилиб Худога хизмат қилишда ишлатиш мумкинлигини яхши билади, шунинг учун, ҳеч качон мод-

дий тасаввурлар тузофига тушиб қолмайди. Имперсоналист, “Худои Таоло ёки Мутлак Ҳақиқат шахс сифатига эга бўлмагани сабабли овқат емайди”, деб ўйлади, шу боис ширин таомлардан воз кечади. Лекин, содик хизматкор биладики, Кришна - олий лаззатланувчи, У муҳаббат ва садоқат билан тақдим этилган ҳамма нарсани қабул қиласди. Шунинг учун, Парвардигорга ширин-ширин таомлар таклиф қилиб, содик ўзи ҳам прасадам деб аталағидан ана шу таом қолдиқларидан ейди. Шу тариқа, атрофдаги ҳамма нарсани руҳий дарражага кўтариш, айни пайтда руҳий йўлдан адашиш хавфидан кўрқаслик мумкин. Кришна онги билан яшаётган содик прасадам қабул қиласди, таркидунёликка интилаётган, лекин Худонинг содиги бўлмаган киши, қандайдир моддий нарса деб, прасаамдан юз ўгиради. Сунъий равищда ҳамма нарсадан воз кечиб, имперсоналист ҳақиқий ҳаётдан лаззатланиш имкониятидан маҳрум бўлади, шу боис, лаззат хақидаги озгина ҳабар ҳам уни яна дунёвий ҳаёт гирдобига гарк қилиши мумкин. Шастраларда айтилганки, шундай рух Худога садоқат билан хизмат қилмагани сабабли, ҳатто озодликка эришгандан кейин ҳам, яна моддий оламга қайтади.

*64. рага-двеши-вимуктаис ту вишайан индрийайи чаран  
атма-вашишайр видхейатта прасадам адхигаччати*

**Аммо, ҳаётда шастраларнинг кўрсатмаларига қатъий риоя қилиб юрган, қалби боғланиш ва нафрат туйғуларидан бутунлай халос бўлган ва хиссиётини жиловлаб олган киши Худонинг тўла марҳаматига эришади.**

Изоҳ: Аввал айтилганидай, сунъий равищда ҳиссиётнинг хуружи ни бостириб, уларни жиловлашга истаганча уриниш мумкин, лекин, ҳиссиётлари Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишда машғул бўлмаса, инсон ҳамиша адашиш хавфи остида бўлади. Аксинча, Кришна онгига ҳаракат қилаётган киши, сиртдан қараганда ҳиссиётининг талаби билан фаолият кўрсатаётгандай туялади, лекин, аслида у ўз фаолиятининг натижаларига боғланмаган, чунки у Кришна онгига бутунлай гарк бўлган. Ундей одам факат Кришнани мамнун қилиш ҳақида қайгуради, бошқа ҳеч нарса ҳакида ўйламайди. Шунинг учун, у дунёвий боғланиш ва нафрат туйғуларидан устун туради. Агар Кришна истаса, содик ҳар қандай ишни, ҳатто ўзи ёқтиримайдиган ишни ҳам бажаришга тайёр; лекин, агар Кришна истамаса, қилаётган иши Кришнани мамнун қилмаса, у ўзига лаззат келтирадиган ишни ҳам тарк этади. Бошқача қилиб айтинганда, содикнинг ҳатти-ҳаракати ташқи сабабларга боғлиқ эмас, чунки у факат Кришнанинг кўрсатмаси билан ҳаракат қиласди. Ана шундай онг билан яшаш - содикка Худои таоло кўрсатаётган бесабаб марҳаматининг шарофатидир. Ҳали

хиссиётининг фаолиятига қандайдир бөгланиш қолган бўлса ҳам, са-  
мимий содик шундай буок марҳаматга сазовор бўла олади.

*65. прасаде сарва-духханам ханир асъопаджайате  
прасанна-четасо ҳй ашу будхих парйаватишхате*

**Бу йўлдан бориб қалбининг осойишталигига(Кришна онгиға) эришган одам учун моддий оламдаги уч турли мусибатлар таъсир қилмай кўяди. Шундай осойишталик шарофати билан кишининг тафаккури мустаҳкам бўлади.**

*66. насти будхир айуктасай на чайуктасай бхавана  
на чабхавайатаҳ шантир ашантасай кутаҳ сукхам*

**Худои Таоло билан ўзаро муносабатини тиклай олмаган киши та-  
факкурини руҳий даражага кўтаришга, ақлини хотиржам қилишга қодир эмас. Ақли нотинч бўлган киши осойишталик ни-  
малигини билмайди, қалби хотиржам, осойишта бўлмаган киши қандай баҳтли бўлиши мумкин?**

Изоҳ: Кришна онгидан маҳрум бўлган киши осойишталикка эриша олмайди. "Бҳагавад-гита"нинг бешинчи бобида(29) айтилганки, Кришна - барча курбонлик маросимлари ва риёзатлар натижаси билан лаз-  
затланишини, У - оламдаги барча сайёralарнинг олий ҳукмдори ва тирик мавжудотларнинг энг яқин дўсти эканини яхши билган одам ҳақиқий осойишталикка эришади. Агар одам Кришна онгидан бўлмаса, унинг ақли бирор қарорга келолмай, мақсадсиз санғиб юра-  
веради. Ақл якуний қарорга, бирор аниқ хулосага келиш учун интилиб, безовта бўлиб юради, ниҳоят одам, Кришна - Олий Лаззатланувчи эканини, бутун борликнинг Ҳукмдори ва ҳар бир тирик мавжудотнинг яқин дўсти эканини тушуниб етганида, ақли хотиржам бўлиб, мустаҳкам осойишталикка эришади. Шу сабабли, ҳаётда нима билан машғул бўлса ҳам, руҳиятини хотиржам ва осойишта қилиб кўрсатишга қанчалик уринмасин, фаолияти Кришна билан боғлиқ бўлмаган киши ҳамиша қандайдир ташвишда юради. Кришна онгидан бўлиш табиий осойишталик холатидир, бунга фақат Кришна билан бевосита муносабатда бўлиш билан эришиш мумкин.

*67. индрыйанам хи ҳаратам йан мано “нувидхийате  
тад асия ҳарати праджнам вайур навам ивамбхаси*

**Худди қучли шамол қайиқни суриб олиб кетгани сингари, инсон-  
нинг бутун ақли мужассам бўлган биргина адашган ҳиссиёт ҳам,  
изидан унинг тафаккурини ҳам эргаштириб кетади.**

Изох: Агар содиқнинг бутун хиссиёти Худога хизмат қилиш билан машғул бўлмаса, моддий лаззат излаётган биргина хиссиёт ҳам уни руҳий юксалиш йўлидан адаштириши мумкин. Юқорида келтирилган Махарака Амбариша сингари, инсон ўзининг ҳамма хиссиётини Кришна онгидаги фаолият билан машғул қилиши лозим, чунки ақлни жиловлашнинг ягона тўғри йўли шундан иборат.

*68. тасмад йасайа маҳа-баҳо нигрихитани сарвашаҳ  
индрийаниндорийартхебхъяс тасайа прагайа пратишитхита*

**Шунинг учун, эй қўли қудратли Аржун, сезги аъзоларини уларга лаззат келтирадиган нарсалардан тийиб юришга қодир бўлган киши, албатта, мустаҳкам тафаккур сохибидир.**

Изох: Ҳиссий лаззатларга интилиш касалидан фақат Кришна онгигда яшашни машқ қилиш йўли - барча сезги аъзоларини Парвардигорга илоҳий муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида қутулиш мумкин. Душман устидан ғолиб бўлиш учун ундан қудратлироқ куч ишлатиш керак, худди шунингдек, хиссиётларни енгишга инсоннинг фақат ўзининг кучи етмайди: уларни ҳамиша Худои Таолога хизмат қилиш билан банд қилиб қўйиш керак. Мустаҳкам руҳий тафаккурга фақат Кришнани англаш йўли билан эришиш мумкин эканини, бу йўлдан ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида бориш лозимлигини тушунган кишини *садхака*, ёки "моддий тутқунликдан озодликка чиқишига муносиб одам" деб атайдилар.

*69. йа ниша сарва-бхутанам тасайам джагарти самайами  
йасайам джаграти бхутани са ниша пашиято мунех*

**Барча мавжудотлар учун тун бўлган пайт, ўзини англаб олган киши учун сергаклик пайти; ҳамма мавжудотлар сергак бўлгандা, назари қалбига, руҳий ўзлигига қаратилган донишманд учун тун кириб келади.**

Изох: Чукур тафаккурли одамларнинг икки тоифаси бор. Биринчи тоифага ҳиссий лаззатланиш учун чукур тафаккуридан дунёвий фаолиятда унумли фойдаланадиган одамлар киради, иккинчи тоифага эса, - тафаккури қалбига қаратилган, руҳий ўзлиги, ҳақиқий "Мен"ини англашга интилаётган кишилар киради. Тафаккури руҳий ўзлигига қаратилган донишманд, мутафаккир кишининг ишлари - дунёвий ишлар билан банд кишилар учун гўё коронгу тунга ўхшайди. Руҳий фаолият ҳақида хеч нарса билмаган ҳолда, ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган кишилар ғоғиллик зулматида ухлаб юрадилар, лекин та-

факкур кўзи қалбига, руҳий ўзлигига қаратилган донишманд учун уларнинг туни - сергаклик вақтидир. Руҳий юксалиш йўлидан борар экан, донишманд одам ҳамиша илоҳий лаззат оғушида бўлади, аксинча, қалб кўзи руҳий илм учун кўр бўлган кишилар тушида баъзиде баҳт, баъзиде мусибат келтирадиган ҳар хил хиссий лаззатларга дуч келадилар. Руҳий ўзлигини англаб етган донишманд киши дунёвий лаззат ва мусибатлардан устун туради. У ташки шароитларга эътибор бермасдан руҳий ривожланиш йўлидан адашмай давом этаверади.

*70. апурйаманам ачала-пратишитхам  
самудрам анах правишинти йадват  
тадват кама йам правишинти сарве  
са шантим апноти на кама-ками*

**Ақл(хаёл)ида пайдо бўладиган чексиз орзу-истаклар оқимидан ташвишга тушмайдиган киши, худди кўплаб дарёлар қуилиби турса ҳам, ҳеч қачон қирғоқдан чиқиб кетмайдиган океангаг ўхшайди. Орзу-истакларини рўёбга чиқаришга интилиб юрган киши эмас, ана шундай вазмин, хотиржам одам қалбининг хақиқий осойишталигига эриша олади.**

Изоҳ: Гарчи океан ҳамиша сувга тўла бўлса ҳам, унга кўплаб дарёлардан, айниқса ёмғир палласида жуда кўп сув куюлиб туради. Лекин, шунга қарамай, у ҳеч қачон қирғоқларидан чиқиб кетмайди.

Кришна онгида бўлган киши ҳакида ҳам шундай фикр юритиш мумкин. Токи бизнинг моддий танамиз бор экан, у хиссий лаззатланиши талаб қиласи. Лекин Худонинг содик хизматкорини тананинг бундай талаблари ташвишга солмайди, чунки қалбида у ҳамиша лаззатланиб юрган бўлади. Кришна онгида бўлган одам ҳеч нарсага эҳтиёж сезмайди, бирор нарсага муҳтоҷ бўлмайди, чунки Худои Таоло унинг ҳамма моддий эҳтиёжларини етарлича таъминлаб туради. Худди океан сингари, ундей одам ҳамиша ўзига тўқ, ҳеч нарсага муҳтоҷ эмас. Худди океанга қуилаётган дарёлар сингари, унинг ақлида ҳар хил истаклар пайдо бўлиши мумкин, лекин бу истаклар уни ташвишга солмайди: у хиссий лаззатлар алдовига учмайди, ўзининг иши билан шуғулланишда давом этаверади. Мана шулар - қалбида Кришна онгини ривожлантирган одамнинг белгиларирид: гарчи унда ҳар хил истаклар пайдо бўлса ҳам, содик уларни амалга оширишга интилмайди, чунки уни хиссий лаззатлар қизиқтирмайди. У Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишдан илоҳий лаззат олади, шунинг учун, ҳаво сокин пайтдаги океан сингари ҳамиша тинч, ҳаловатда бўлади. Қалбидаги орзу-истакларини амалга ошириш учун, яъни дунёвий ҳаётда зафар козониш ёки ҳатто озодликка чикиш учун ҳаракат қилиб юрган одамлар эса, - ҳамиша хавотирда, тинчини йўқотган, ташвишли бўладилар.

Ўз меҳнатининг натижаларига интилаётган кармилар, озодликка чиқишига интилиб юрган гайнилар, сехр қудратига эга бўлишга интилиб юрган йоғлар - буларнинг хаммаси ҳаётда баҳтсиз одамлардир, чунки уларнинг истак-орзулари ҳамиша амалга ошмай қолаверади. Лекин, Кришнани англаб етган, Кришна онгига бўлган киши эса, Худои Таолога садоқат билан хизмат қилаётганидан баҳтиёр, чунки унинг ҳаётда Худога хизмат қилиш билан боғлиқ бўлмаган биронта истаги йўқ. У ҳатто моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишига ҳам интилмайди. Бир сўз билан айтганда, Кришнанинг содик хизмат-корининг ҳаётда ҳеч қандай орзу-истаги колмаган, у ҳамиша хотиржам, осойишта.

*71. вихайа каман йаҳ сарван пумамии ҷарати ниҳсприҳа  
нирмамо нираҳанкараҳ са шантим адҳигаччхати*

**Қалбида ҳиссий лаззатланишга интилиш аломатларидан бутунлай ҳалос бўлган, дунёвий орзу-истаклардан озод, бирор нарсани “меники” деб ҳисобламайдиган, соҳта ўзлик таъсиридан ҳалос бўлган кишигина ҳақиқий осойишталиқка эришади.**

Изоҳ: Орзу-истаклардан ҳалос бўлиши - ҳиссий лаззатларга интилишдан ҳалос бўлиш демакдир. Бошқача қилиб айтганда, агар одам Кришнани англаб олишга, Кришна онгига эришишга интилаётган бўлса, демак у барча дунёвий истаклардан ҳалос бўлган. Кришнани англашда факат ўзининг ҳақиқий ҳолатини - Кришнанинг мангу хизматкори эканини англаб етган, моддий танасини ўзига қиёслашни тарк этган ва соҳта эгалик қилиш туйғусидан озод бўлган кишигина камолотга эришади. Шундай одам биладики, ҳамма нарса Кришнанини бўлгани сабабли, уларни Кришнага хизмат қилишда ишлатиш лозим. Аржун ўз истакларини амалга ошириш учун жанг қилишни истамади, лекин, Кришнани англаб, Кришна онгига мустаҳкам тургандан кейин, у жанг қилишга киришди, чунки Худои Таоло ундан шуни кутаётган эди. У ўзи учун жанг қилишни истамай турганди, лекин Кришна учун жонини ҳам беришга тайёр бўлиб, жанг қилди. Истаклардан ҳақиқий озод бўлиш - истакларни сунъий равишда бостириш эмас, аксинча, ҳамиша Худони, Кришнани мамнун қилишни орзу қилишдир. Тирик мавжудот ҳеч қачон истаксиз ёки ҳеч нарса сезмасдан яшай олмайди, у фактада ўз истакларининг сифатини ўзгартириши лозим. Моддий истаклардан ҳалос бўлган киши дунёдаги ҳамма нарса Кришнанини эканига аниқ ишонади (*ишавасйам идам сарвам*), шунинг учун, у ўзини бирор нарсанинг эгаси деб ҳисобламайди. Ана шу илоҳий илм асосида ҳар бир тирик мавжудот Кришнанинг ажралмас бир бўлаги бўлган мангу руҳий учқун экани, шу сабабли ҳеч қачон Кришнага тенг ёки Ундан буюк бўла олмаслиги туради. Кришнани англаш илмини ана шундай

нүктаи-назарда тушунмай туриб, ҳақиқий осойишталикка эришиб бўлмайди.

*72. эша брахми стхитиҳ партҳа найнам пратіа вимухйати  
стхитвасйам анта-кале “ни брахма-нирванам риччхати*  
**Бутунлай Худои Таолога бағишиланган руҳий ҳаёт йўли ана шундай. Бу йўлга кирган одам алданиш тузогидан озод бўлади, гарчи шундай илоҳий онгга нақ ажали олдида эришган бўлса ҳам, у Худонинг даргоҳига кириш хуқуқига эга бўлади.**

Изоҳ: Кимдир Кришна онгига, ёки илоҳий онгга бир лаҳзада эришиши мумкин, кимгадир бунинг учун миллион йиллар керак бўлади. Натижа инсоннинг ўзи ҳақиқатни қанчалик тан олиши ва тушунишига боғлик. Махараж Кхатванга, Кришнага ўз ихтиёрини топшириб, бир лаҳзада, ажали келган пайтда, шу даражага эришганди. *Nирвана* - моддий тирикчилик, моддий ҳаётнинг тугаши деганидир. Буддизм фалсафасига кўра, моддий тирикчилик тугагандан кейин биз факат бўшлиққа, йўқликка равона бўламиз, аммо, "Бҳагавад-гита" бунинг тескарисини тасдиқлайди. Моддий ҳаёт тугагандан кейин, ҳақиқий ҳаёт бошланади. Ашаддий материалистларни моддий ҳаётни тугатиш лозимлиги ҳақидаги илм қаноатлантиради, аммо, руҳий камолотга эришган киши биладики, моддий ҳаёт тугагандан кейин янги ҳаёт бошланади. Агар инсон баҳти келиб, ҳозирги ҳаётидаёқ Кришна онгига эга бўлса, у шу заҳотиёқ *браҳма-нирвана* ҳолатига эришади. Худонинг даргоҳи билан Худои Таолога садоқат билан холис хизмат қилиш орасида хеч қандай фарқ йўқ.

Униси ҳам, буниси ҳам мутлақ табиатли ҳолат, шунинг учун, Худои Таолога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган киши руҳий даргоҳда юрган ҳисобланади. Моддий оламда ҳар бир одам ўзининг ҳиссиятини қаноатлантириш учун ҳаракат килса, руҳий оламда яшайдиганлар Кришна онгига ҳаракат қиласади. Кришна онгига бўла туриб, инсон хали ҳозирги ҳаётидаёқ Браҳман даражасига кўтарилади ва Кришна онгига ҳаракат қилиб, Худо учун фаолият кўрсатаётган киши хеч шубҳасиз Худонинг даргоҳида юрган бўлади.

Браҳман - модданинг акси. Шунинг учун, *брахми стхити* ибораси "Моддий фаолиятдан ташқарида" деган маънони Англатади. "Бҳагавад-гита"да (14.26) Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш озодликка эришишга tengлаштирилган (*са гунан саматитайтан браҳма-бхуйайа калтате*). Демак, *брахми стхити* - моддий тутқунликдан озод бўлишидир.

Шрила Бхактивинода Тхакур ёзадики, "Бҳагавад-гита"нинг иккинчи боби бу буюк асарнинг мазмунининг қисқача баёнидир. "Бҳагавад-гита"нинг асосий мавзулари - карма-йога, гайана-йога ва бхакти-йога. "Бҳагавад-гита"нинг иккинчи бобида карма-йога ва гайана-йога батаф-

сил тушунтирилган, бхакти-йога ҳақида баъзи тушунчалар берилган, шулар бутун асарнинг қисқача мазмунини ташкил этади.

*"Бҳагавад-гита"ning қисқача баёни" деб аталадиган "Шримад Бҳагавад-гита"ning иккинчи бобига Бхактиведантанинг изоҳи шундай якунланади.*

## **Учинчи боб. Карма-йога**

- арджуна увача  
дҗайайаси чет карманас те мата буддхир джанардана  
тат ким кармани өхоре мам нийоджайаси кешава*

**Аржуна шундай деди: О Жанардана, о Кешава, агар Сен чукур фикрлаш(тафаккур) фаолиятини, бирор натижага эришиш ниятида қилинганд дунёвий фаолиятдан афзалроқ деб ҳисобласанг, нимага мени бу даҳшатли жангда иштирок этишга ундајпсан?**

Изоҳ: Якин дўсти Аржунни дунёвий мусибат уммонидан чиқариб олиш учун аввалги бобда Ҳудои Таоло, Шри Кришна рухнинг табиатини батафсил тушунтириб берган эди. Шунингдек, У Аржунга руҳий ўзликни англаш йўлини: буддхи-йога, яъни Кришнани англаш йўлини ҳам кўрсатганди. Баъзилар, Кришна онгига ҳаракат қилиб яаш йўлини “руҳий юксалишнинг суст усули”, деб нотуғри тушунадилар ва муқаддас номларни узлатда зикр қилиш йўли билан Кришна онгига эришишга ҳаракат қиласидар. Аммо, ҳали Кришнани англаш фалсафасини тўлиқ тушунмаган кишига Кришнанинг муқаддас номларини хилватда зикр қилиш тавсия қилинмайди, чунки бу унга ғофил одамлар орасида соҳта обрў қозонишдан бошқа хеч кандай фойда келтирмайди. Аржун ҳам, Кришнани англаш жараёни билан шуғулланиш(буддхи-йога), яъни чукур фикрлаш ёрдамида руҳий илм эгаллаш - дунёвий фаолиятни тарк этиб, хилватда риёзатга берилишидир, деб ўйлаган эди. Бошқача қилиб айтганда, у Кришнани англаш билан шуғулланишни баҳона қилиб, жанг қилишдан бош тортмоқчи эди. Лекин, жиддий ва самимий шогирд бўлгани учун, у ўзининг фикрини руҳий устози Кришнага очиқ айтиб, Ундан кандай иш тутса яхшиrok бўлишини сўрайти. Аржунга жавоб бера туриб, Парвардигор Кришна унга карма-йога, яъни Кришнани англаш жараёнидаги фаолиятни батафсил тушунтириб беради. Мазкур боб ана шу мавзуга бағишлиланган.

- вийамишренева вакйена буддхим мохайасива ме  
тад экам вада нишчития ена ширею “ҳам апнуйам*

**Сенинг бир-бирига зид кўрсатмаларинг менинг фикримни чалғитиб юборди. Илтимос, аниқ айтчи, қайси йўл менга ҳақиқий баҳт келтиради?**

Изоҳ: "Бҳагавад-гита"га кириш вазифасини бажарувчи аввалги бобда руҳий юксалишнинг ҳар хил йўл ва усуллари таърифланган эди: санкхҳа-йога, буддхи-йога, тафаккур ёрдамида ҳиссиётни жиловлаш ва Худога садоқат билан ҳолис хизмат қилиш фаолияти, шунингдек, руҳий юксалиш йўлига энди кирган содикнинг ҳолати ҳам тушунтирилган эди. Лекин булар ҳаммаси маълум бир тартиб билан батафсил баён этилмаган эди. Аммо, инсон бу муҳим илмни тўлиқ эгаллаб олиши ва унга амал қилиб яшай олиши учун, уни тартиб билан, навбатманавбат батафсил баён этиш лозим. Шунинг учун Аржун, оддий одамлар ҳам Кришнанинг айтган гапларини асл ҳолида, тўғри тушуниб олишлари ва уларнинг маъноларини ўзгартириб, нотўғри қабул қиласликлари учун, барча зиддиятли қўринган жойларини аниқлаб олмоқчи бўляпти. Гарчи Кришнанинг ҳар хил маъноли гаплар билан Аржуннинг ақлини адаштириш нияти бўлмаса ҳам, Аржун Кришнани англаш усулини узлатда, яъни суст ҳолатда ва фаол хизмат қилишда қандай қўллаш кераклигини охиригача тушуна олмаган. Бошқача қилиб айтганда, Кришнага бундай саволларни бериш билан Аржун, Кришнани англаш йўлини, "Бҳагавад-гита"нинг сирли мазмунини ҳақиқатан ҳам англаб олишга самимий интилаётган ҳар бир одам учун тушунарли, осон қилиб қўймоқчи бўляпти.

### *3. шри бҳагаван увача*

*леке "смин дўви-видҳа ништҳа пурा прокта майанаҳга  
джнана-йогена санкхъанам карма-йогена йогинам*

**Худонинг Олий Шахси шундай деди:** - О бегуноҳ Аржун, аввал айтганимдай, ҳақиқий ўзлиги - "Мен"ини англашга интилаётган одамлар икки тоифа бўлади. Улардан бир тоифаси ҳаётини фалсафий фикрлашларга, иккинчи тоифа эса - Худога садоқат билан ҳолис хизмат қилишга бағишлайдилар.

Изоҳ: "Бҳагавад-гита"нинг иккинчи бобида(39) Парвардигор руҳий ўзликни англашнинг икки йўлини айтади: санкхҳа-йога ва карма-йога, яъни буддхи-йога. Энди У шу йўллар ҳақида батафсилроқ гапириб беряпти: чукур фикрлашни ёқтирадиган ва ўзини ўраб турган оламни сезгилари ёрдамида тажриба ўтказиш ва фалсафий фикрлашлар билан ўрганишга интиладиган кишилар санкхҳа-йога билан, яъни модда ва руҳнинг табиатини назарий жиҳатдан ўрганиш билан шуғулланадилар. Иккинчи тоифа илоҳиёт одамлари эса, иккинчи бобнинг олтмиш биринчи шеърида таърифланган Кришнани англаш йўлидан борадилар. Иккинчи бобнинг ўттиз тўққизинчи шеърида ҳам Парвардигор, буддхи-йога, яъни Кришнани англаш йўлидан бориб, инсон ўз фаолияти ва уларнинг оқибатларидан иборат моддий ҳаёт чангалидан озод бўлади, деб, киркинчи шеърда эса, бу йўлнинг ҳар қандай камчиликлардан

холи эканини айтган эди. Бу ҳақда яна ҳам батафсилроқ, аниқроқ радиошида, иккинчи бобнинг олтмиш биринчи шеърида айтилган: буддхи-йога билан шугулланиши - ўз ихтиёрини Худои Таолога(Кришнага) бутунлай топшириш демақдир; шу тариқа одам ҳеч қийналмасдан ўзининг ҳиссиётини жиловлай олади. Аслида бу икки йўл ҳам, худди дин ва фалсафа сингари, бир-бири билан узвий боғланган. Фалсафий асосдан маҳрум бўлган дин ақидапарастликка ёки ҳиссий лаззатлашиларга айланиб кетади, динсиз, яъни амал қилинмайдиган фалсафа эса, қуруқ сафсатабозлиқ бўлиб қолаверади.

Барча илохиёт одамларининг олий мақсади - Кришна. Мутлак Ҳақиқатни самимий ва жиддий излаб юрган файласуфлар ҳам охир-оқибатда Кришна онгига эришадилар. Бу ҳақда "Бҳагавад-гита"да айтилган(7.19): ўзликни англашнинг мақсади - руҳнинг Олий Рухга нисбатан ҳақиқий, азалий ҳолатини тушуниб олишдир. Гъяни-файласуфлар бораётган йўл - узоқ йўл: бу йўл ҳам кишини Кришнани англашга олиб келиши мумкин, лекин, бирданига эмас, кўп замонлардан кейин. Иккинчи усул - бевосита Кришна онгидаги фаолият ҳисобланади. Бу икки усулдан Кришна онгидаги фаолият усули афзалдир, чунки бунда фалсафий фикрлашлар ёрдамида ҳиссиётни поклашнинг хожати йўқ. Кришна онгидаги фаолиятнинг ўзи одамни барча моддий иллатлардан поклайди. Худога бевосита хизмат қилиш бўлгани учун бу усул бир вактнинг ўзида ҳам осон, ҳам улуғвор.

*4. на карманам анарамбҳан нашикармйам турушио “инуте  
на ча саннийасанаð эва сиддхим самадхигаччхати*

**Ҳар қандай фаолиятни шунчаки тарқ этиш билан одам карма(оқибатлар) тузоғидан ҳолос бўлмайди. Фақат тарқидунё қилиб яшашга қасам ичишнинг ўзи инсонга камолотга эришишда ёрдам беролмайди.**

Изоҳ: Ўзининг белгиланган бурчини холис бажариш ёрдамида моддий иллатлардан қалби покланган кишигина тарқидунё қилишга кодир бўлади. Ведаларда белгиланган ҳар хил бурч ва вазифалар энг аввало моддийлик иллатига ботган одамларнинг қалбини поклаш учун мўлжалланган. Агар кимdir қалбини тўла покламай туриб, *саннийаси* турмуш тарзига ўтиб яшашга шошилса, у руҳий камолотга эриша олмайди. Маявади-файласуфларнинг фикрича, инсон *саннийаси* бўлиб олса, яъни, кармали фаолиятни тарқ этса бас, у Нараёна билан тенглашади. Аммо, Парвардигор Кришна бундай фикрни инкор этяпти. Қалби нопок киши саннийаси қабул қилса, у жамиятдаги одамларга ташвиш келтиради, ҳолос. Аксинча, агар одам ўз бурчини бажаришни тарқ этиб, Худои Таолога холис, илохий муҳаббат билан хизмат қилиш йўлига - буддхи-йога йўлига кирса, килаётган иши арзимас даражада

оз бўлса ҳам, Худои Таоло унинг шу озгина хизматини ҳам албатта қабул қиласди. *Сў-алтам ани асия дхармасия трайате махато бхайат.* Худои Таоло учун қилинган озгина ҳаракат ҳам инсонга ҳаётда энг катта қийинчиликларни енгишда ёрдам беради.

*5. на хи каичит кианам ани джату тишитхати акарма-крит  
карйате хий авашаҳ карма сарваҳ пракрити-джайр гунаиҳ*

**Барча тирик мавжудотлар моддий табиат олдида ожиз, ноилож ва моддий гуналар таъсири остида шаклланган табиатига мос равишда ҳаракат қилишга мажбур. Шу боис, ҳеч ким бир лаҳза ҳам ҳаракатсиз туролмайди.**

Изоҳ: Ҳамиша фаол ҳаракатда бўлиш шартланган ҳаётнинг хусусияти эмас, бу хусусият рухнинг азалий табиатидир. Агар рух бўлмаса, моддий тана ҳатто ўрнидан ҳам қимирлай олмайди. Ҳамиша фаол, ҳаракатсиз бир лаҳза ҳам тинч туролмайдиган мангу рух ҳаракатга келтириб турган тана - аслида жонсиз, ўлик бўлган нарса. Шунинг учун, агар рух ўзи учун ёқимли, ўзининг табиий машғулоти бўлган Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлмаса, у алдамчи қувватнинг амрига бўйсуниб ҳаракат қила бошлади. Моддий қувват билан аралашиб, рух моддий иллатлар билан булғанади. Улардан покланиш учун ҳаётда одам мүқаддас китобларда белгиланган ўз бурчими, вазифаларини холис бажариш керак. Лекин, агар рух, ўзининг табиий фаолияти бўлган Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлса, қилаётган ҳар бир иши унга факат баҳт-саодат келтиради. Бу ҳақиқат "Шримад Бҳагаватам"да ҳам тасдиқланади: (1.15.17):

*тиактва сва-дхармам чаранамбужсам харер  
бхаджсанн апакво "тха патет тато йади  
йатра ква вабхадрам абхуд амушиа ким  
ко вартах анито "бхаджатам сва-дхарматаҳ*

"Кришна онгиди, Худои Таолога садоқат билан холис хизмат қилаётган киши, ҳатто шастраларда кўрсатилган бурчини бажармаса ҳам, ҳатто у Худога садоқат билан хизмат қилинганда баъзи хатоларга йўл кўйса, ёки бу йўлдан адашиб кетса ҳам, барибир ҳеч нарса йўқотмайди, ҳеч қандай гуноҳ қилмаган бўлади. Аксинча, шастралардаги барча покланиш маросимларини диққат билан адo этаётган, лекин, Кришна онгига эришмаган, Худони англаб етмаган киши нима фойда килган бўлади?"

Демак, ведаларда буюрилган покланиш маросимлари бизга қалбимизда Кришна онгини ривожлантириш, Худони англаб етиш учун керак. Шунинг учун, саннийаси турмуш тарзи ҳам, покланиш учун қилинадиган ҳар қандай қасам сингари, инсонни ҳаётда олий мақсад сари - Худони, Кришнани англашга олиб келиши керак. Кришнани,

Худони англамай қилинган ҳар қандай фаолият ҳеч қандай маънога эга бўлмайди.

*6. кармендрийаны самйамъя ѹа асте манаса смаран  
индрийартхан вимудхатма митхъячараҳ са учайате*

**Сезги аъзоларини харакат қилишдан тўсиб қўйган, аммо, қалбида ҳамиша лаззат келтирадиган нарсалар ҳақида ўйлаб юрадиган киши “ўзини ўзи алдаётган, иккиюзламачи, муғомбир одам” деб аталади.**

Изоҳ: Кришна онгига қилинадиган фаолиятдан бош тортадиган, лекин, аслида фикру-хаёли ҳиссий лаззатланиш ҳақидаги ўйлар билан банд бўлсада, ўзини бошқаларга илоҳий муроқаба билан машғул киши килиб кўрсатадиган иккиюзламачи муғомбирлар жуда кўп. Баъзан, ана шундай муғомбир одам ўзининг “ақлли” издошларига қўзбўймачилик қилиш учун, сохта фалсафий мавзуларда узоқ вақт гап сотади. Лекин, юқоридаги шеърдан маълумки, ундан одам - ҳақиқий муғомбир, қаллобнинг ўзи. Агар одам ҳиссий лаззатланишга интилаётган бўлса, ўзининг жамиятдаги ўрнида колиб, шastrаларда белгиланган барча кўрсатмаларга амал килиб яшасин - шунда у аста-секин моддий иллатлардан покланади. Аммо, дунёвий, моддий лаззатларга интилаётган ва айни пайтда бошқаларнинг қўзига ўзини йог, авлиё қилиб кўрсатмоқчи бўлаётган одамни, гарчи у баъзан фалсафий мавзуларда узоқ фикр юритиб гапирса ҳам, энг мунофиқ, муғомбир, қаллоб деб ҳисоблаш керак. Бундай гуноҳкор мунофиқ эгаллаган илмининг сарқи чақалик кадри йўқ, чунки, унинг барча изланиши натижаларини Парвардиғорнинг алдамчи қуввати ўғирлаб қўйган. Ундан иккиюзламачининг ақли ҳамиша булғанган, нопок бўлиб қолаверади, шунинг учун, унинг йога усулида қилаётган муроқабалари ўзига ҳеч қандай фойда бермайди.

*7. ѹас тв индрийаны манаса нийамиарабхате “рджуна  
кармендрийайҳ карма-йогам асактаҳ са вишишшате*

Лекин, ақли ёрдамида ҳиссиётларини жиловлаб олишга самимий уринаётган, дунёвий нарсаларга боғланишларини тарқ этиб, (Кришна онгига)карма-йога билан жиддий шугуллана бошлаган киши ундан анча устун туради.

Изоҳ: Муғомбирлик билан бошқаларга ўзини йог, авлиё сифатида кўрсатиб, ҳиссий лаззатларга берилиб, беташвиш ҳаёт кечиришдан умид килгандан кўра, ҳаётдаги ўз бурчини ҳалол бажаришни давом этириш, ҳаётнинг олий мақсадига: моддий тутқунликдан халос бўлишга, Худонинг даргоҳига эришишга интилиш керак. Ҳар бир

одам учун ҳаётда энг олий мақсад(*сварга-гати*), энг буюк баҳт - Худо-ванд Вишнуни, ягона Худои Таолони англаб етишдир. Варна-ашрама тизимининг барча қоидалари инсонга ана шу олий мақсадга эришишга ёрдам бериш учун мӯлжалланган. Агар, шастраларнинг кўрсатмаларига амал қилиб, Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлса, оиласи одам ҳам Худонинг даргоҳига эриша олади. Ўзининг руҳий табиатини англаб олиши учун одам шастраларнинг кўрсатмаларига амал қилиб яшashi, қилган меҳнатининг натижаларига боғланиб қолмасдан, ўз бурчини виждан, холис бажариши лозим, - бу унинг руҳий юксалишига ёрдам беради. Шу тарзда кун кечираётган соғдил одам гоғил одамларни алдаш учун ўзини руҳий ҳаёт билан машғулдай кўрсатиб юрган муғомбир ва қаллоблардан анча устун туради. Факат тирикчилик қилиш учун гина мурокаба қилиш билан машғул бўлиб юрган соҳта авлиё-фирибгардан, ўз бурчини холис, халол бажараётган фаррош минг марта афзал.

*8. ниyатам куру карма твам карма джీao хй акарманаҳ  
шарира-йатрапи ча те на прасидхъед акарманаҳ*

**Ҳаётда ўз бурчингни виждан билан холис бажар, чунки ҳеч иш қилмагандан кўра шундай қилганинг афзал. Ишламайдиган одам ҳатто танасининг энг зарур эҳтиёжларини ҳам қондира олмайди.**

Изоҳ: Ўзларини олий насабли хонадон вакиллари қилиб кўрсатишга, шунингдек, жамоа олдида муқаддас китобларни чиройли ўқиш эвазига кун кўрадиган жуда кўп соҳта-йоглар, баъзида муғомбирларча, руҳий ҳаёт кечириш учун ҳамма нарсадан воз кечгандарини дъаво киладилар. Кришна Аржун ҳам ана шундай иккюзламачиларнинг бири бўлишини истамаяпти. У Аржуннинг жангчи-кшатрий сифатида ўз бурчини холис бажаришини хоҳлади. Аржун оиласи одам ва ҳарбий саркарда, шу боис, унинг учун жамиятда ўз ўрнида қолиб, кшатрий ва грихастха бурчини виждан билан бажаргани афзал. Шундай фаолият аста-секин бу дунёда яшаётган одамнинг қалбини моддий иллатлардан поклайди. На Парвардигорнинг Ўзи, на муқаддас китобларнинг бирортаси тирикчилик қилиш учун маблағ тўплаш ниятида ўзини бошқаларга таркидунёлик қилган кишига ўхшаб кўрсатиши кўллаб-кувватламайди. Охир-оқибатда, ҳар бир одам танасида жонини саклаб туриш учун, бирор иш билан машғул бўлиши керак. Моддий истаклардан биратўла покланмай туриб, ҳеч ким меҳнат қилишдан бош тортмаслиги керак. Бу дунёдаги ҳар бир одам моддий табиатга ҳукмронлик қилиш, ёки, бошқача қилиб айтганда сезги аъзолари ёрдамида ҳиссий лаззатланиш истаги билан булғанган. Шунинг учун, шастраларда кўрсатилган бурчини холис бажариш билан одам ана шу истаклардан халос бўлиши керак. Бунга эришмаган

киши дунёвий ишларни тарк этмаслиги ва йог бўлишга уринмаслиги керак, акс ҳолда у бирорларнинг хисобига яшаш билан одамларни алдайди, холос.

#### *9. йаджнартҳат кармано “нийатра локо “йам карма-бандханаҳ тад-артҳам карма каунтейя мукта-сангах самачара*

Инсон ўз бурчини Худованд Вишнуга қурбонлик сифатида бажариши лозим, акс ҳолда қилаётган ишлари уни моддий оламга боғлаб кўяди. Шу боис, эй Кунтининг ўғли, ўз бурчингни фақат Парвардигор Вишнуни мамнун қилиш учун бажар, шунда сен моддий тутқунликдан биратўла озод бўласан.

Изоҳ: Ҳар бир одам ҳаётда ҳеч бўлмаса танасининг эҳтиёжларини кондириш учун меҳнат қилиши керак. Шастраларда ҳар бир одамнинг жамиятда тутган ўрни ва табиий сифатларига қараб маълум ҳар хил бурч ва вазифалар белгиланган. "Йаджна" ибораси қурбонлик маросимини ҳам, Парвардигор Вишнуни ҳам ифодалashi мумкин. Барча қурбонлик маросимлари Худованд Вишнуни мамнун қилиш учун мўлжалланган. Ведаларда шундай дейилган: *йаджно вай вишнуҳ*. Бошқача қилиб айтганда, ведавий қурбонлик маросимлари ҳам, Худои Таолога бевосита хизмат қилиш ҳам инсонни ягона мақсадга олиб келади. Шундай қилиб, Кришна онгидаги қилинган фаолият ҳам, "Бҳагавад-гита"нинг мазкур шеърида айтилгандай *ягъя, яъни қурбонлик хисобланади*. Жамиятнинг варнашрама тизими ҳам Парвардигор Вишнуни мамнун қилиш учун мўлжалланган. *варнашрамачаравата пурушена парах пуман вишнур арадхийате* (Вишну-пурана, 3.8.8.).

Шундай қилиб, ҳар бир одам ҳаётда ягона Парвардигор Вишнуни мамнун қилишга интилиб яшashi лозим. Моддий оламда шундан бошқа ҳар қандай фаолият факат инсонни тутқунликка маҳкум этади, чунки ҳар қандай савоб ёки гуноҳ ишлар, ўзидан кейин, албатта, ҳар турли оқибатларга олиб келади, бу оқибатлар одамни моддий оламга боғлаб кўяди. Шунинг учун, ҳаётда Худои Таолони мамнун қилиш учун фақат Кришна онгидаги фаолият билан машгул бўлиб яшаш керак, шундай фаолият билан шугулланиб юрган одам моддий тутқунликдан аллақачон халос бўлган хисобланади. Бундай фаолият - буюк санъатdir, бу нодир санъатни эгаллаш учун, авваламбор тажрибали руҳий устоз раҳбарлиги остида харакат қилиш лозим. Шунинг учун, биз ҳаётда Кришнанинг содик хизматкорининг ёки Кришнанинг Ўзининг кўрсатмаларига катъий риоя қилишимиз лозим. Бизнинг ҳар қандай фаолиятимиздан максад - лаззатланиш эмас, Худои Таолони, Кришнани мамнун қилиш бўлиши лозим. Ҳамиша шундай фаолият билан машгул бўлиб яшаш бизни карма оқибатларидан халос қилибгина қолмасдан, аста-секин Худои Таолога илоҳий муҳаббат ва

садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтарилишга ёрдам беради. Бу эса - Парвардигорнинг салтанатига олиб борувчи ягона йўлдир.

*10. саха-йаджнаҳ праджаҳ сришта пурвача праджапатиҳ  
анена прасавишийадхвам эша во “ств ишта-кама-дхук*

**Оlam яратилганда, барча мавжудотларнинг Ҳукмдори Худованд Вишнуга қурбонлик қилиш маросими билан бирга фаришталар ва одамларни яратиб, уларни шундай сўзлар билан дуои-фотиҳа қилган: "Мана шу қурбонлик маросимини ўтказиш билан ҳаётда баҳтли бўлиб яшанглар. Қурбонлик сизларга мусибатлардан халос бўлиш, охир-оқибатда руҳий озодликка эришишингиз учун зарур бўлган ҳамма нарсангизни инъом этади".**

Изоҳ: Барча тирик мавжудотларнинг Ҳукмдори (Вишну) моддий оламни шартланган руҳларга улар уйига, Худонинг даргоҳига қайтиш имкониятини бериш ниятида яратган. Бу дунёдаги тирик мавжудотларнинг барчаси моддий табиат ҳукми остида яшайди, чунки улар ўзларининг Парвардигор Вишну, ёки Худонинг Олий Шахси билан бўлган мангу муносабатини эсидан чиқариб кўйган. Ведалардаги кўрсатмалар бизга ана шу мангу муносабатларни англаб олишга ёрдам бериш максадида яратилган. "Бҳагавад-гита"да (15.15) Худои Таоло шундай дейди: *ведаши ча сарваир аҳам эва ведиаҳ*. Ведаларни ўрганишдан мақсад - Худои Таолони англашдир. Ведавий мадхияларда ҳам шундай дейилган: *патим вишвасийатмешишварам*. Бу, барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдори - ягона Худои Таоло, Парвардигор Вишну эканини тасдиқлади. "Шримад Бҳагаватам"да Шрила Шукадева Госвами Парвардигорни такрор ва такрор *пати* ибораси билан ифодалайди:(2.4.20)

*ирийиаҳ патир йаджна-патиҳ праджа-патир  
дхийам патир лока-патир дхара-патиҳ  
патир гатии чандхака-вришини-сатватим  
прасидатам ме бхагаван сатам патиҳ*

*праджа-пати* - Парвардигор Вишнудир, У - барча тирик мавжудотларнинг, бутун оламнинг ва барча ғаройиботларнинг Ҳукмдори, ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳомийси, ҳимоячиси. Тирик мавжудотлар Парвардигор Вишнуни мамнун қилиш ниятида ягъя ўтказиши ўрганишлари учун Худои Таоло моддий оламни яратган. Ягъя, яъни қурбонлик маросими инсонларга бу дунёда ҳеч қандай муҳтожлик ва ташвишларсиз баҳтиёр яшаш, умрининг охирида эса, моддий танасини тарқ этиб, Худонинг даргоҳига эришиш учун имкон яратиб беради. Барча тирик мавжудотларни баҳтиёр қилиш ниятида Худои Таолонинг Ўзи белгилаб кўйган тадбир шундан иборат. Қурбонлик маросимлариши ўтказиши билан одамлар аста-секин руҳий жихатдан юксалиб,

қалбида Кришна онгини ривожлантирадилар ва ҳәётда ҳар тарафлама пок, тақводор бўлиб яшайдилар.

Ведавий муқаддас битиклар ҳозирги Кали-юга даврида, санкиртана-ягъя, яъни “Худонинг муқаддас номларини биргаликда куйлаш” маросимини ўтказишни тавсия килади. Ҳозирги даврда яшаётган бутун инсониятни озодликка чиқариш учун, бу илохий усулни Ер юзига Парвардигор Чатанийа олиб келган. Санкиртана-ягъя билан Кришна онгидаги фаолият бир-бирини тўлдириб туради. “Шримад Бҳагаватам”да содик хизматкор қиёфасига кирган Парвардигор Кришна (Худованд Чайтанийа) санкиртана-ягъя билан биргаликда эслатиб ўтилган.(11.5.32). Унда шундай дейилган:

*кришина-варнам твишиакришинам сангопангастра-паршадам  
йаджснаиҳ санкиртана-прайаир йаджсанти хи су-медхасаҳ*

“Кали-югада даврида яшайдиган фаросатли одамлар ҳамроҳлари билан бирга Ер сайёрасига ташриф буюрган Парвардигорга сажда килиб, санкиртана-ягъя маросимини ўтказадилар”. Кали-югада бошқа ведавий қурбонлик маросимларини ўтказиш жуда қийин, лекин санкиртана-ягъя - ҳар қандай мақсадга эришишда ёрдам берадиган энг осон ва улуғвор усулдир; “Бҳагавад-гита” ҳам шу усулни тавсия этади(9.14).

11. *деван бхавайатанена те дева бхавайанту вах  
параспарам бхавайантаҳ ишреяҳ парам авансайатха*

**“Қурбонлик маросимларидан мамнун бўлган фаришталар сизлардан ҳам рози бўладилар. Фаришталар билан одамларнинг ана шундай ўзаро ҳамкорлиги туфайли бутун оламда моддий фаронлик, осойишталик ҳукм суради”.**

Изоҳ: Фаришталар - моддий оламни бошқариб турадиган қурдатли ҳукмдорлардир. Мавжуд оламнинг ҳар ерида мавжуд бўлган Худои Таолонинг бу сон-саноқсиз ёрдамчилари ҳар бир тирик мавжудотни ҳәёт учун зарур бўлган ҳаво, ёргулк, сув, ва бошқа нарсалар билан таъминлаб турадилар. Уларнинг одамлардан рози бўлиш ёки бўлмаслиги одамларнинг қурбонлик маросимларини ўтказиш ёки ўтказмаслигига боғлик. Қурбонлик маросимларининг баъзи бир турлари маҳсус у ёки бу фариштани мамнун қилиш учун мўлжалланган. Аммо, одам қурбонлик маросими ўтказиш билан фаришталарни мамнун қилмоқчи бўлса ҳам, аслида Парвардигор Вишнуга сигинаётган бўлади, чунки қурбонлик маросимларида эҳсон қилинган нарсалардан биринчи бўлиб Парвардигор Вишну лаззатланади. “Бҳагавад-гита”да ҳам, барча қурбонлик маросимларидан Парвардигор Кришнанинг Ўзи лаззатланади, деб кўрсатилган: *бхоктарам йаджна-тапасайам*. Шундай қилиб, ҳар қандай қурбонлик маросимининг ягона, асосий мақсади - ягона Парвардигорни, “ягъя-пати”ни мамнун қилишдан иборат.

Одамлар барча қонун-коидаларга амал қилиб курбонлик маросими, ягайа ўтказғанларида, тирик мавжудотларни ҳаёт учун зарур нарсалар билан таъминлаб турувчи фаришталар табиий равишда улардан мамнун бўладилар ва бутун оламда фаровонлик юзага келади.

Курбонлик маросими ўтказиш билан одамлар ҳар хил баҳтсаодатта эришадилар, охир-оқибатда моддий туткунликдан бутунлай озод бўладилар. Курбонлик маросими, ягйанинг шарофати билан инсон ҳаётда ўзининг барча ҳаракатларини поклайди. Ведаларда шундай кўрсатма бор: *ахара-шуддхау саттва-шуддхиҳ саттва-шуддхау дхрува смритиҳ смрити-ламбхе сарва-грантихинам випрамокиаҳ*. Ягъя, қурбонлик маросими ўтказиш жараённада инсон ўзи тановул қиласиган таомини поклайди, ҳалол, пок таомни еб, ўзи ҳам покланади. Покланган таом миянинг нозик ҳужайраларини поклайди, бу эса ўз навбатида инсонни руҳий озодликка чикиш йўлларини излашга олиб келади. Охир-оқибатда буларнинг барчаси инсонга Худони, Кришнани англаш йўлига олиб келади. Ҳозирги даврда бутун ер юзида ҳар хил мусибатлардан изтироб чекиб юрган одамларга Кришнани англаш қанчалик зарурлиги яққол сезилиб турибди.

*12. иштан бхоган хи во дева дасийанте йаджна-бхавитаҳ  
таир даттан апрадайаибхий то бхункте стена эва саҳ*

**"Бу оламнинг барча бойликларига ҳукмронлик қиласиган фаришталар, қурбонлик эвазига сизларнинг ҳаётингиз учун зарур бўлган ҳамма нарсани инъом этадилар. Лекин, шу инъомлардан фаришталарга эҳсон қилмай, фақат ўзи лаззатланиб юрган одам, шубҳасиз ўғри хисобланади".**

Изоҳ: Фаришталар - Парвардигор Вишнунинг вакиллари. Бу оламда барча тирик мавжудотларни ҳаёт учун зарур бўлган нарсалар билан таъминлаб туриш вазифаси уларга юқлатилган. Шунинг учун, Ведаларда кўрсатилган қурбонлик маросимларини ўтказиш билан фаришталарни мамнун қилиш - одамларнинг бурчидир. Фаришталарни мамнун қилиш учун Ведалар ҳар турли қурбонлик маросимлари ўтказишни тавсия қиласиди, аммо, оқибат-натижада қурбонлик маросимларининг барчаси ягона Парвардигор, Худонинг Олий Шахси учун мўлжалланган. Худои Таолонинг улугвор ҳолатини англаб этишга қодир бўлмаган одамларга Ведалар фаришталар учун қурбонлик маросими ўтказишни тавсия қиласиди. Муқаддас китобларда ҳар кимнинг сифатларига мос равишда ҳар хил фаришталарга сифиниш учун ҳар турли қурбонлик маросимлари ўтказиш тавсия қиласинган. Масалан, гўшт истеъмол қиласиган одамлар учун, Ведалар моддий табиатнинг тимсоли бўлган, кўриниши билан одамни даҳшатга соладиган фаришта Калига сажда қилишни, унга ҳайвонларни қурбон қилиб, таклиф

этишни тавсия қиласы. Эзгулик гунасида бўлган одамларга эса, илохий Парвардигор Вишнуга сиғиниши тавсия қилинганд. Лекин, охирокибатда барча курбонлик маросимлари одамларнинг руҳий даражага кўтарилишига ёрдам бериш учун мўлжалланган. Оддий одамлар энг камида *панча-маҳа-яйға* деб аталадиган беш курбонлик маросимини ўтказишлари лозим.

Инсоннинг ҳаётдаги барча эҳтиёжларини Худои Таолонинг вакиллари бўлган фаришталар таъминлаб туришини ҳамиша эслаб юриш лозим. Одамлар ўзларича, мустақил ҳолда ҳеч нарса яратадиган ҳамма нарса, шунингдек, вегетариан бўлмаган одамлар истеъмол қиласидиган гўшт ҳам, - буларнинг бирортасини одам ўзи яратмайди. Бунга бошқа мисол ҳам келтириш мумкин: ҳар бир тирик мавжудот учун зарур бўлган иссиқлик, ёргулик, сув, ҳаво. Биз уларнинг бирортасини яратадиган оламиزمий? Худои Таолонинг кудратисиз қуёш ва ойнинг нури, ёмғир, шамол сингари, инсон ҳаёти учун зарур бўлган бошқа бирор нарсани яратиб бўлмайди. Бизнинг ҳаётимиз ана шу нарсаларни яратиб кўйган Парвардигорнинг марҳаматига боғлиқ экани яққол қўриниб турибди. Ҳатто одамлар бунёд қилиб кўйган завод-фабрикалар учун ҳам темир, олтингугурт, симоб, марганец, кўмир ва нефт сингари ҳар хил ёқилғи ва ҳом ашёлар керак. Шу инъомлардан ҳаётда тўғри фойдаланиб соғлом яшшимиз, ўзимизнинг руҳий ўзлигимизни англай олишимиз, кейин эса ҳаёт инсоннинг энг олий мақсадига эришиш, яъни моддий дунёдаги тирикчилик учун курашга биратўла якун ясашимиз учун, шу инъомларнинг барчаси билан бизларни Худои Таолонинг вакиллари бўлган фаришталар таъминлаб турибди. Инсоннинг ҳаётининг олий мақсадига курбонлик маросими ўтказиш билан эришиш мумкин. Агар биз инсон ҳаётининг асосий мақсади нимадан иборат эканини эсимиздан чикарсак, моддий ҳаёт чангалига бадтарроқ ўралашиб, (оламни яратишдан кўзланган мақсадга зид равишда) фаришталар бераб кўйган инъомлардан фақат хиссий лаззатланиш учун фойдаланиб юраверсак, бизлар ҳақиқий ўғриларга айланаб қоламиз, шунда табиат қонунлари бизни қаттиқ жазолайди. Ўғрилардан иборат жамиятда ҳеч қачон баҳт бўлмайди, чунки ўғри ҳаётда нима учун, қандай мақсадни кўзлаб яшаш лозимлигини билмайди. Ашаддий материалист ўғрилар ҳаётда олий мақсадиз яшайдилар. Улар фақат хиссий лаззатланишга интиладилар ва ҳатто қандай қилиб курбонлик маросими ўтказиш кераклиги ни ҳам билмайдилар.

Парвардигор Чайтаня одамларга энг оддий курбонлик маросими санкиртана-яйғани бериб кетган. Бундай курбонлик маросимини мукаддас китоблардаги Кришнани англаш қоидаларини тан олган ҳар қандай одам ўтказиши мумкин.

*13. йаджна-шиштасиңаң санто мучынте сарва-килбашайұх бұхнұджате те тө ахам пана үе пачантый атма-каранат*

**"Худонинг содиқ хизматкорлари барча гуноҳлари оқибатидан ха-  
лос бўладилар, чунки улар аввал Худога қурбонлик(эҳсон)  
қилинган таомдан ейдилар. Овқатни ўз нафси учун пиширадиган  
одамлар эса, ҳақиқатан ҳам, факат гуноҳ қилаётган бўладилар".**

Изоҳ: Худонинг содиқ хизматкорларини, яъни Кришна онгига бўлган зотларни *санта* деб атайдилар. Уларнинг қалби ҳамиша Парвардигорга нисбатан илоҳий муҳаббат туйғуси билан тўлган. Бу ҳақда "Браhma-самхита"да шундай дейилган(5.38): *преманджана-ччхуритабхакти-вилочанена сантаҳ садаива хридайешу вилокайанти.* Қалбидаги Худонинг Олий Шахси, Мукунда(озодликка чиқарувчи) ва Кришна(барчани ўзига маҳлиё этувчи) деб аталағидан Говинда(барча лаззатлар манбай)га бўлган муҳаббати содиқ(санта)ларга Худои Таолога тақдим этилмаган бирор нарсадан татиб кўришга йўл қўймайди. Шунинг учун, улар Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ҳар хил турлари: шраванам, киртанам, смаранам, арчанам ва ҳоказолар билан шуғулланиб, ҳамиша қурбонлик маросими ўтказиб юрадилар. Қурбонлик маросимлари уларни моддий оламдаги ҳар хил гуноҳлар билан булғанишдан сақлайди. Фақат лаззат олиш учун овқат пиширадиганлар эса, шунчаки ўғри бўлибгина қолмасдан, яна гуноҳга ботадилар. Ўғри ва гуноҳкор одам ҳаётда баҳтиёр бўла оладими? Албатта йўқ. Бу оламда одамларни ҳақиқатан ҳам баҳтиёр қилиш учун уларга Кришна онгига ғарқ бўлиш имконини берадиган санкиртана-йагай үсулини ўргатиш керак. Акс ҳолда ер юзидағи халқлар учун тинчлик ва баҳт-саодатга эришиш - ушалмас орзу бўлиб қолаверади.

*14. аннад бхаванти бхутани парджсанайад анна-самбхаваҳ  
йаджнад бхавати парджсанио йаджнах карма-самудбхаваҳ*

**Барча тирик мавжудотларнинг таналари ёмғир ёғиши натижасида  
ўсадиган ўсимликлар билан озиқланади. Ёмғир одамларнинг  
қурбонликлари эвазига ёғади, қурбонлик маросими эса, инсон-  
нинг Ведаларда белгиланган ўз вазифаларни бажаришидан ибо-  
рат.**

Изоҳ: "Бҳагавад-гита"нинг буюк шархловчиси Шрила Баладева Видиабхушана шундай деб ёзди: *иे индрадий-ангатайавастхитам  
йаджнам сарвешиварам вишнум абхийарчия тач-чхешам ашанти тена  
тад деха-йатрам сампадайанти, те сантаҳ сарвешиварасия йаджна-  
птурушасия бхактаҳ сарва-килбашаир анади-кала-виవридххаир атма-  
нубхава-пратибандхакаир никхилаиҳ папаит вимучыйанте.* Ягай-

*пуршиа* деб аталадиган Худои Таоло, Вишну, худди тананинг ҳар бир алоҳида аъзоси бутун танага хизмат қилгани сингари, Ўзига хизмат киладиган барча фаришталарнинг Ҳукмдоридир. Индра, Чандра, Варуна ва бошқа фаришталарга моддий борлиқнинг ҳар турли соҳаларини бошқариш юклатилган. Фаришталар ўсимликларнинг ўсиши учун етарли микдорда ҳаво, ёруғлик ва сув билан тъминлашлари учун, Ведаларда одамлар учун курбонлик маросимларини ўтказиш бурч сифатида белгилаб кўйилган. Лекин, Парвардигор Кришнага сифиниш билан биз, бир вақтнинг ўзида Унинг танасининг ҳар хил қисмлари бўлган барча фаришталарга ҳам сифинган бўламиз, шу боис, фаришталарга алоҳида сифинишнинг ҳожати йўқ. Шунинг учун, Кришнани англаб етган Худонинг содиқ хизматкорлари овқатланишдан олдин таомни Худога тақдим этадилар. Бундай таом уларнинг танасини руҳий кувват билан тўлдиради. Натижада улар ўзларининг аввал қилган гуноҳлари оқибатидан ҳалос бўлибгина қолмасдан, уларнинг таналари моддий дунёдаги ҳар хил моддий иллатлар билан булғанмайдиган бўлади. Худди эпидемия пайтида килинган прививка(олдини олиш) одамни юкумли касалга чалинишдан асрагани сингари, аввал Худо Шахсига, Вишнуга таклиф қилинган таом, прasad ҳам, бизни бу дунёдаги ҳар хил иллатлардан асрайди ва шундай таом билан овқатланиб юрган одамларни Худонинг содиқ хизматкори деб атайдилар. Шундай қилиб, Кришна онгига эга бўлган, факат аввал Кришнага тақдим этилган таом билан овқатланиб юрган одам, ўзининг аввалги ҳаёти қилган гуноҳлари оқибатида келадиган, руҳий юксалиш йўлида ғов бўлиб турган барча моддий иллатлардан бутунлай покланиши мумкин. Бу қоидага амал қилмай юрган одам эса, гуноҳ қилишда давом этаверади, гуноҳлари учун келажакда албатта жавоб беради: кейинги ҳаётида ит ёки чўчқа танасида туғилиб. Қилган гуноҳларининг азобини тортади. Моддий олам иллатларга тўла, аммо прasad билан озиқланиб юрган одамга ҳеч қандай иллат юқмайди. У моддий иллатлардан ишончли ҳимояланган бўлади, аксинча, ўғирлик билан пиширилган ҳаром овқатни еган одам албатта гуноҳга ботади.

Ҳар қандай овқатнинг асосини дон ва бошқа ўсимликлар ташкил этади. Одам дон маҳсулотлари, сабзавот ва мевалар билан, уй ҳайвонлари эса, шу маҳсулотларнинг қолдиқлари ҳамда бошқа ўсимликлар билан озиқланади. Овқатга гўшт ишлатадиган одамлар ҳам ҳайвонлар ейдиган ўсимликларга боғлиқ. Шунинг учун, бизларнинг барчамиз завод-фабрикаларнинг ишига эмас, она табиат, она ер берган нарсаларга боғланганмиз. Фалланинг хосили эса, ёғадиган ёмғирларга боғлиқ. Ёмғир ёғишини Индра, Куёш фариштаси ва Ой фариштаси сингари, Худои Таолонинг хизматкорлари бўлган курдатли фаришталар бошқариб туради. Худони рози қилиш учун курбонлик маросими ўтказиш лозим, акс ҳолда барчамиз муҳтоҷлиқда яшаймиз - табиат конуни шундай. Шунинг учун, ҳеч бўлмаса ўзимизни очликдан

кутқариш учун курбонлик маросими ўтказишимиз, айникса, муқаддас китобларда айнан биз яшаётган Кали-юга даврининг одамларига тавсия қилинган санкиртана-йагай маросимини ўтказишимиз лозим.

*15. карма брахмодбхавам видхи брахмакшора-самудбхавам  
тасмат сарва-гатам брахма нитийам йаджне пратишитхитам*

**Хар бир одамнинг фаолиятини белгиловчи қоидалар Ведаларда қўрсатилган; Ведаларни бевосита Худои Таолонинг Ўзи яратган. Шу боис, хар ерда мавжуд Илохий Зот ўтказилаётган курбонлик маросимида ҳамиша иштирок этаётган бўлади.**

Изоҳ: Бу ерда *яғъяртҳа-карма*, Кришнани рози қилиш учун қилинадиган фаолиятнинг зарурлиги яна ҳам яққолроқ ифодаланган. *Яғъя-пурушани*, Вишнуни мамнун қилиш ниятида ҳаракат қилиш учун илоҳий ведалар(браhma)даги бу фаолиятни тартибга соладиган қонун-қоидаларга риоя қилиш лозим. Ведалар - инсоният учун нозил қилинган қонун-қоидалар мажмуасидир. Муқаддас китобларнинг қўрсатмасига зид бўлган ҳар қандай ҳаракат *викарма*, таъқиқланган ҳаракат, ёки "гуноҳ" деб аталади. Қилаётган ишларимизнинг ёмон оқибатлари сабабли кейин азоб чекмаслигимиз учун биз ҳамиша Ведаларнинг, муқаддас китобларнинг қўрсатмаларига амал қилишимиз лозим. Одатда, кундалик ҳаётда одамлар давлат қонунларига бўйсунадилар, худди шунингдек, биз ҳаётда, тепасида Худои Таолонинг Ўзи турган буюк ҳокимиётнинг қонунларига бўйсуниб яшашимиз лозим. Ведаларда ёзилган қонун-қоидалар Худонинг Олий Шахсининг нафасидан пайдо бўлган. Шастраларда шундай дейилган: *асья маҳато бхутасья ниишаваситам этад йад риг-ведо йаджсур-ведаҳ сама-ведо*"тхарвангирасаҳ - "Тўрт веда: "Риг", "Яджур", "Сама" ва "Атхарва" ведалар - қудратли Худои Таолонинг нафасидан пайдо бўлди".(Бриҳад-аранийака-упанишад.4.5.11). Ҳар нарсага қодир бўлган Парвардигор нафаси билан ҳам гапира олади. "Брахма-самхита"да Унинг ҳар бир аъзоси бошқа барча аъзоларининг вазифаларини бажара олиши тасдиқланган. Масалан, Худои Таоло нафаси билан гапиришга, нигоҳи билан уруғлантиришга қодир. Шастраларда айтилганки, моддий табиатга нигоҳини ташлаб, Парвардигор унинг ичидаги барча тирик мавжудотларни яратди. Оламни яратиб, моддий табиат ичига тирик мавжудотларни жойлаб қўйгандан сўнг, уларга орқага, яна Худонинг даргоҳига қайтиш йўлини қўрсатиш учун, Парвардигор бизга Ведалар кўринишида ҳар хил қўрсатмалар бериб қўйган. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, бу дунёда барча тирик мавжудотлар хиссиятлари ёрдамида лаззатланиш чорасини излайдилар. Лекин, Ведаларнинг қўрсатмалари шундай тузилганки, уларга амал қилиб юрган одам ўзининг нопок истакларини амалга ошириб, моддий оламда соҳта

лаззатланишлар жонига теккандан сўнг, Худонинг даргохига қайтиши мумкин. Шу тарзда тирик мавжудотлар моддий тутқунлиқдан озодликка чиқиши имкониятига эга бўладилар. Шунинг учун улар қалбида Кришна онгини ривожлантириб, курбонлик маросими ўтказишга интилишлари лозим. Ҳатто, ҳеч қачон Ведаларнинг кўрсатмаларига амал қилмаган одам ҳам Кришнани англаш йўлига кириши мумкин, шунда унинг қилаётган ҳаракатлари барча ведавий қурбонлик маросимларидан, ёки кармали фаолиятлардан ҳам афзал бўлади.

*16. эвам правартитам чакрам нанувартайатиха йах  
агхайур индрийарамо могхам партха са джисивати*

**Эй Аржун, инсон танасига эга бўла туриб, Ведаларда кўрсатилган қурбонлик маросимларини ўтказмай юрган киши, шубҳасиз, ҳаётда фақат гуноҳ қилиб юрган бўлади. Фақат хиссий лаззатланиш учунгина яшаётган ундей одам ўзининг бебаҳо инсон умрини бекорга ҳазон қиласди.**

Изоҳ: Бу ерда Парвардигор оғир меҳнат билан машғул бўлиш, кейин ҳаёт лаззатини суришга ундейдиган шайтон малайларининг фалсафасини қаттиқ қоралайди. Ҳаётда дунёвий лаззат излаб юрган киши бу ерда айтиб ўтилган, муқаддас китобларда кўрсатилган қурбонлик маросимларини ўтказиб яшashi керак. Агар одам муқаддас китобларнинг кўрсатмалирига зид ишлар қилса, тубанликка юз тутиб, ўзини оғир мусибатларга дучор қиласди. Табиат конунларига кўра, инсон ҳаёти энг аввало тирик мавжудот руҳий ўзлигини англаб олиши учун яратилган. Ҳаётида, кўрсатилган уч йўл: - карма-йога, гайана-йога ёки бхакти-йогадан бирор йўлни танлаб, умрини бевосита ана шу олий мақсадга эришишга бағишлилаган киши учун ведавий қурбонлик маросимларини ўтказиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, чунки ундей одамлар аллақачон “тunoҳ” ва “савоб” тушунчаларидан юқори кўтарилиган бўлади. Аммо, дунёвий лаззатларга боғланиб қолган кишилар юқорида кўрсатилган қурбонлик маросимларини ўтказиш билан ҳаётини по-клашлари лозим.

Фаолиятнинг ҳар хил турлари мавжуд. Кришна онгига эга бўлмаган одамлар ҳаётда фақат лаззатланишга интилиш билан овора, шунинг учун улар эзгу, савоб ишлар қилиб яшashi лозим. Қурбонлик маросимларини ўтказиш тизими шундай тузилганки, дунёвий ҳаёт лаззатидан роҳатланиб яшашни истаган одамлар мунтазам қурбонлик маросими ўтказиб туриш туфайли гуноҳга ботмасдан, яъни карма тузогига илинмасдан лаззатланиб яшай оладилар. Оламнинг фаровонлигини бизларнинг уриниш, ҳаракатларимиз натижасида эмас, балки Худои Таолонинг амри, хоҳиши билан таъминлаб туради, Унинг амрини эса фаришталар амалга оширадилар. Шунинг учун, қурбонлик

маросимлари Ведаларда кўрсатилган у ёки бу фаришталарга бағишилаб ўтказилади. Гарчи бу йўл энг яқин йўл бўлмаса ҳам, барибир охир-оқибатда одамларни Худони танишга, Кришнани англашга олиб кела-ди, чунки, курбонлик маросимларини холис ўтказиш жараёни инсон қалбида Худои Таолони, Кришнани англаш истагини уйғотади. Агар курбонлик ўтказа туриб, одам Кришнани англашга интилмаса, у амал қилаётган қонун-коидаларнинг барчаси шунчаки ахлоқ-одоб қоидалари, урф-одатлар ёки маъносиз ақидалар, факат оддий жисмо-ний харакатлар бўлиб қолаверади. Шу сабабли факат ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилиб яшаш билан қаноатланиб, одам ўзининг руҳий юксалишини тўхтатиб қўймаслиги керак; биз қилаётган ҳар бир иши-мизнинг маъносини тушуниб, Худои Таолони англаб, Кришна онгига эга бўлишимиз лозим.

*17. ӣас тв атма-ратир эва сийад атма-трипташи ча манаваҳ  
атманӣ эва ча сантушитас тасйа карйам на видйате*

**Аммо, қалби ҳамиша хотиржам, руҳий ўзлигига лаззатланиб яша-ётган, бутун умрини ҳақиқий ўзлиги - "Мен"ини англашга бағишилаган, ҳаётда бошқа бирор нарсага интилмайдиган одам-нинг бу дунёда бажариши лозим бўлган ҳеч қандай бурчи қолмайди.**

Изоҳ: Ҳамиша Кришна онгига кун кечираётган, шундай онг таъсирида яшаб, ҳамиша ҳаётидан мамнун бўлиб юрган одамнинг ҳаётда қилиши зарур бўлган ҳеч қандай бурчи, вазифаси қолмайди. Кришна онгига эга бўлган одам бир пасда барча моддий иллатлардан биратўла покланади, аксинча, бошқа одамлар эса, гуноҳлари оқибатидан покла-ниши учун минглаб курбонлик маросимлари ўтказишлари керак. Шу тарзда онгини поклаб, инсон ўзининг Парвардигор билан мангу муно-сабатини тўла англаб олади. Худои Таолонинг марҳамати билан унга ўзининг Парвардигор олдидаги вазифаси аниқ аён бўлади, шундан сўнг унинг ведавий битикларда кўрсатилган қонун-коидаларга амал қилиб юришига ҳожат қолмайди. Шундай илоҳий даражага эришган одамни дунёвий фаолият умуман қизиктирмай қўяди: аёллар, маст қилувчи нарсалар ва шу сингари бу дунёнинг ўткинчи лаззатлари уни ўзига жалб эта олмайди.

*18. наива тасйа критенартҳо накритенеха каичана  
на часйа сарва-бхутешу каичид артҳа-вийапашрайаҳ*

**Ҳақиқий ўзлиги - "Мен"ини англашган одам Ведаларда кўрсатилган ўз бурчини бажараётиб, ҳеч қандай мақсад кўзламайди, лекин, ҳаётда ўз бурчини бажармасликка ҳам унда**

**хеч қандай асос йўқ. Шу тарзда у мутлақо мустақил, хеч бир тирик мавжудотга боғлиқ бўлмай яшайди.**

Изоҳ: Ўзининг рух эканини тўла англаб етган кишининг ҳаётда Кришна онгида ҳаракат қилишдан бошқа ҳеч қандай вазифаси қолмайди. Худони, Кришнани англаш деганда ҳаётда ҳар қандай фаолиятдан воз кечиши тушунмаслик керак, бу кейинги шеърларда равшан бўлади. Кришна онгига эга бўлган киши на одамларнинг, на фаришталарнинг паноҳига, ҳомийлигига муҳтож эмас. Бутунлай Кришна онгида ҳаракат қилиш билан у ҳамиша ўз бурчини бажариб юрган бўлади.

*19. тасмад асактаҳ сататам карйам карма самачара  
асакто хий ачаран карма парам апноми турушаҳ*

**Шу боис инсон қилаётган ишларининг натижалариға боғланмасдан, ҳаётда ўз бурчини холис бажариш учун ҳаракат қилиши керак, шунда у Худои Таолоға эришади.**

Изоҳ: Худонинг содик хизматкорлари учун Худои Таоло - Худонинг Олий Шахси, имперсоналистлар учун эса, Худои Таоло - озодликка эришишdir. Кришна учун, Худои Таоло учун меҳнат қилиб юрган, яъни ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлиб, ўз меҳнатининг натижалариға боғланмаган киши, албатта ҳаётда энг олий мақсадга эришади. Кришна Аржунга айтяптики, Курукшетрада у Кришна учун жанг қилиши лозим, чунки бу - Парвардигор Кришнанинг хоҳиши. Унинг тақводор бўлиб яшашга, зўравонлик қиласликка интилиши - аслида ундан ўз меҳнатининг натижалариға боғланиб қолганини кўрсатади, аммо, Худои Таоло учун холис хизмат қилиш - ўз меҳнатининг натижаларидан воз кечиш демакдир. Шундай фаолият - энг олий даражада мукаммал фаолият ҳисобланади, Шри Кришна, Худонинг Олий Шахси бизни ана шундай фидойиликка чакиради.

Қурбонлик маросими сингари ҳар хил ведавий урф-одатларни одамлар ҳиссий лаззатланиш билан боғлиқ бўлган гуноҳ ишларининг оқибатларидан покланиш учун ўтказадилар. Лекин, ҳар қандай савоб ёки гуноҳ ишлардан фарқли равища, Кришна онгидаги фаолиятнинг ҳеч қандай карма оқибатлари бўлмайди. Кришна онги билан яшаётган киши ўз меҳнатининг натижалариға боғланиб қолган эмас, - у фақат Кришнани, Худои Таолони мамнун қилиш учун ҳаракат килади. У ҳаётда ҳар хил фаолият турлари билан машғул бўлиши мумкин, лекин у ҳамиша таркидунёлик ҳолатида, ҳеч нарсага боғланмай қолаверади.

*20. карманаиша хи самсиоддхим астхита джсанакадайаҳ*

*лока-санграхам эвапи самташын картум архаси*

**Джанака сингари шохлар ҳаётда ўз бурчини холис бажариш орқали камолотга эришганлар. Шунинг учун, сен ҳам, ҳеч бўлмаса, бошқаларга ўrnak кўrsatiш учун ўз бурчингни бажаришинг лозим.**

Изоҳ: Джанака сингари шохлар руҳий ўзлигини англаб етган зотлардир, шу боис, уларнинг Ведавий кўrsатмаларга амал қилиши шарт эмас. Шунга қарамай, оддий одамларга ўrnak кўrsatiш учун, улар муқаддас китобларнинг барча қонун-қоидаларига жиҳдий амал қилиб яшаганлар. Шоҳ Жанака Ситадевининг отаси, Худованд Шри Рама-нинг қайнотаси бўлиб ўтган. Худонинг буюк содиги сифатида у ҳар қандай қонун-қоидалардан устун турарди, аммо, Митхила\* шоҳи сифатида у ўз фукароларига шастраларда кўrsatилган қонун-қоидаларга қандай амал қилиш лозимлигини ўргатиши лозим эди. Парвардигор Кришна ва Унинг мангу дўсти Аржуннинг Курукшетрада жангда иштирок этишларига ҳеч қандай ҳожат йўқ эди, аммо улар, бошқа барча тинчлик омиллари натижা бермай қолганда албатта зўравонлик қилиш лозимлигини амалда кўrsatiш учун жангда иштирок этяптилар. Курукшетрада жанг бошланишидан олдин, Пандузодалар ва Парвардигор Кришнанинг Ўзи урушнинг олдини олиш учун мавжуд ҳамма чораларни кўлладилар, лекин, ракиблар ҳеч нарсага кўнмадилар. Ана шундай ҳолатларда адолат қонунларини тиклаш учун жангга кириш ва зўравонлик билан адолат ўрнатиш зарур бўлади. Гарчи Кришна онгига эришган одам учун бу дунёда ҳеч нарса керак бўлмаса ҳам, у бошқа одамларга ҳаётда қандай яшаш лозимлигини кўrsatiш учун, барибири меҳнат қилишда давом этаверади. Кришна онгига эга бўлган тажрибали содиклар, изидан бошқаларни эргаштириш учун ҳаётда қандай яшаш лозимлигини яхши биладилар. Кейинги шеърда шу ҳақда айтилади.

\*Хиндистоннинг Бихар штатидаги вилоят.

*21. йад йад ачарати шреиштас тад эветаро джанаҳ  
са йат праманам қуруте локас тад анувартате*

**Буюк инсон ҳаётда нима иш қилса, оддий одамлар ундан ўrnak оладилар. Ўзининг ҳатти-харакати билан у ҳаётда қандай одат ўрнатса, дунёда ҳамма шунга риоя қилади.**

Изоҳ: Оддий одамлар ҳаётда тўғри яшашлари учун ўзининг қилаётган ишлари билан уларга ўrnak бўладиган йўлбошли керак. Ўзи тамаки чекадиган одам бошқаларни бундай бемаъни одатни ташлашга ўргата олмайди. Парвардигор Чайтанйа айтган эдики, бошқа бирорни ишга ўргатишдан аввал, инсон ўзи шу ишни бошқаларга ўrnak

бўладиган даражада яхши ўрганиб олиши лозим. Шогирдларига шу тарзда илм ўргатадиган устоз *ачарйа*, “ҳакиқий устоз” деб аталади. Бошқаларга қандай яшашни ўргатмоқчи бўлган одамнинг ўзи мұқаддас китобларнинг барча кўрсатмаларига амал қилиб яшashi лозим. У бутун инсоният учун қонунлар мажмуаси бўлган "Манусамхита" сингари мұқаддас китобларнинг кўрсатмаларига зид келадиган ўзининг шахсий қоидаларини ўйлаб чиқармаслиги керак. Шунинг учун жамият раҳбарларининг кўрсатмалари шастраларнинг кўрсатмаларига асосланган бўлиши лозим. Ҳаётда камолотга эришиши ният қилган одам аввало ўтган буюк алломалар, буюк устозлар амал қилган қонун-қоидаларга риоя қилиши лозим. "Шримад Бҳагаватам"да ҳам айтилганки, ҳаётда ҳар бир одам буюк содикларнинг изидан бориши лозим, - факат шу йўл билан руҳий камолотга эришиш мумкин. Шоҳ ёки давлат раҳбари, ота ёки мактаб ўқитувчиси жамиятда эгаллаб турган ўрни билан бошқаларга устоз ҳисобланади. Кўл остидагиларнинг тақдири учун уларнинг ҳар бирiga катта масъулият юклатилган, шу сабабли, улар одоб-ахлоқ ва руҳий ҳаёт қонунлари ёзилган асосий мұқаддас китобларни яхши билишлари шарт.

*22. на ме партхости картавйам тришу локешу кинчана  
нанаваптам аваптавйам варта эва ча кармани*

Эй Парта, бутун уч оламда Мен қилишим шарт бўлган бирор иш йўқ. Мен хеч нарсага муҳтож эмасман, хеч нарсага интилмайман, лекин барибир Мен ҳамиша йўз бурчимни бажараман.

Изоҳ: Ведаларда Худои Таоло шундай таърифланган:

*там ишваранам парамам маҳешварам  
там деватанам парамам ча даиватам  
патим патинам парамам паастад  
видама девам бхуванешам идйам  
на тасйя каряям каранам ча видйате  
на тат-самаши чабхийадхикаши ча дришияте  
парасйя шактир вивидхаива шируйате  
свабхавики джсанана-бала-крияча*

"Худои Таоло - барча хукмдорлар Ҳукмдори, барча сайёralарнинг хукмдорлари орасида энг буюги. Ҳар бир жонзор Унга бўйсунади. Тирик мавжудотлар қандай қудратга эга бўлсалар ҳам, ўз қудратини улар Худои Таолодан оладилар. Уларнинг хеч бири мустақил ҳукмдор бўлолмайди. Барча фаришталар сажда қиласиган Парвардигор - Олий Ҳукмдордир, бошқа барча хукмдорлар Унга бўйсунадилар. У бу оламнинг барча хукмдорларидан устун туради ва ҳамманинг сифинишига

лойик бўлган Зотдир. Барча сабабларнинг олий сабабчиси бўлган Худои Таолодан ҳеч ким устун бўлолмайди.

Парвардигорнинг танаси оддий тирик мавжудотларнинг танасига ўхшамайди. Парвардигорнинг танаси Унинг руҳидан фарқ қилмайди. У - мутлақ шахс, Унинг барча ҳиссиётлари руҳий табиатга эга. Унинг ҳар бир сезги аъзоси бошқа барча сезги аъзосининг вазифасини ҳам бажара олади. Шунинг учун, бутун оламда Унга тенг бўлган ёки Ундан буюк бўлган Зот йўқ. Унинг қудрати чексиз ва хилма-хил, шу боис Унинг барча ишлари табиий равишда, ўз-ўзидан амалга ошаверади". (Шветашватара-упанишад, 6.7-8).

Худои Таоло, Парвардигор, мутлақ ҳақиқат бўлган барча мукаммалликлар соҳибидир, шу сабабли Унинг ҳеч қандай вазифаси йўқ. Қилаётган меҳнатининг натижаларига боғланиб колган киши хаётда маълум бир вазифаларни бажариши лозим, лекин, ҳеч нарса истамаётган, бутун уч оламда ҳам ҳеч нарсага интилмаётган одамнинг ҳеч қандай вазифаси ҳам бўлмайди. Шунга қарамай, Парвардигор Кришна кшатрийларнинг раҳбари сифатида Куруқшетрадаги жангда иштирок этяпти, чунки кшатрийларнинг бурчи - бошига мусибат тушганларни ҳимоя килишдан иборат. Гарчи Парвардигор шастраларнинг барча кўрсатмаларидан устун турса ҳам, Унинг Ўзи ҳеч качон шу кўрсатмаларга зид иш қилмайди.

*23. йади хӣ аҳам на вартейам джату карманӣ атандоритаҳ  
мама вартманувартанте манушайаҳ партҳа сарвашаҳ*

**Чунки, агар Мен ҳаётда Ўз бурчимни мукаммал бажармасам, о  
Партҳа, одамлар албатта Мендан ўrnак ола бошлайдилар.**

Изоҳ: Жамиятда одамларнинг руҳий юксалишига имкон берадиган тартиб-интизом, тинчлик-осойишталик бўлиб туриши учун, азалдан келаётган оилавий урф-одатлар мавжуд бўлиши, ҳар бир маданиятли одам шу урф-одатларга амал қилиб яшashi лозим. Гарчи бу урф-одатларнинг барчаси Парвардигор учун эмас, оддий шартланган руҳлар учун яратилган бўлса-да, Кришна ҳам уларга тўлиқ амал киласди, чунки У бу оламга диний урф-одатларни кайта тиклаш учун ташриф буюради. Агар Худои Таолонинг Ўзи шу қоидаларга амал қилмаса, оддий одамлар Ундан ўrnак ола бошлардилар, чунки оддий одамлар учун У - энг олий устоз. "Шримад Бҳагаватам"дан биламизки, Парвардигор Кришна уйида ҳам, жамиятда ҳам намунали оилавий одам сингари, ҳамиша барча диний урф-одатларга тўла амал қилиб яшаган.

*24. утсидејур име лока на курйам карма чед аҳам  
санкарасайа ча карта сийам упаҳанийам имаҳ праджаҳ*

**Агар Мен Ўз бурчимни бажармай қўйсам, бутун олам ҳалокатга маҳкум бўларди. Унда Мен бетайин авлоднинг дунёга келишига, натижада барча тирик мавжудотларнинг тинчи бузилишига сабачи бўлардим.**

Изоҳ: *Варна-санкара* - барчага ташвиш келтириб, жамият қонунларни бузиб юрадиган жиноятчилардир. Жамиятда тартиб саклаш учун одамлар шастраларда, муқаддас китобларда кўрсатилган қонун-қоидаларга амал қилиб яшashi лозим, шунда улар тинч, осойишта яшаб, руҳий жиҳатдан юксалишлари мумкин. Парвардигор Кришна бу дунёга ташриф буорганида, муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларига амал қилиш қанчалик муҳим эканини одамларга кўрсатиш учун, Ўзи шу қоидаларнинг барчасига бекаму-кўст амал қилиб яшаган. Парвардигор - барча тирик мавжудотларниң отаси, агар тирик мавжудотлар тўғри йўлдан адашсалар, Худои Таоло ҳам бунинг учун қандайдир даражада жавобгар бўлади. Шунинг учун, одамлар мангу дин қонунларини буза бошлаганида, ҳакиқий дин қонунларини тиклаш учун Парвардигорнинг Ўзи бу дунёга келади. Лекин, шуни англаб олиш керакки, гарчи биз Парвардигордан ўрнак олишимиз лозим бўлса ҳам, Унга кўр-кўронада тақлид қилмаслигимиз лозим. Ўрнак олиш ва кўр-кўронада тақлид қилиш ҳамиша бир-бирига тўғри келадиган тушунча эмас. Биз Парвардигор Кришнага тақлид қилиб Говардхана тоғини кўтара олмаймиз, Кришна уни ҳали ёш бола пайтидаёқ кўтарган эди. Бошқа бирор одам бунга қодир эмас. Биз Худои Таолонинг кўрсатмаларига амал қилишимиз лозим, ҳеч қачон Унинг қилган ишларини қилиб, Унга тақлид қилмаслигимиз керак. "Шримад Бхагаватам"да шундай дейилади:(10.33.30-31).

*наинат самачаредж джату манасапи хий анишвараҳ  
винашшатий ачаран маудхийад йатха "рудро" бдхи-джам вишам  
ишваранам вачаҳ саттам татхавачаритам квачит  
тешам йат сва-вачо-йуктам буддхимамс тат самачарет*

"Инсон ҳаётда Парвардигорнинг ва Унинг алоҳида курдат ато этилган хизматкорларининг кўрсатмаларига сўзсиз амал қилиб яшashi лозим. Уларнинг кўрсатмалари инсонга баҳт-саодат келтиради. Ҳар қандай фаросатли одам Худои Таоло ва Унинг вакиллари айтган насиҳатларнинг ҳаммасига бенуқсон риоя килади. Лекин, айни пайтда Худои Таоло ва Унинг яқин ҳамроҳларига тақлид қилишдан эҳтиёт бўлиш лозим. Тангри Шивага тақлид қилиб, бир уммон заҳар ичишга уриниш керак эмас".

*Ишваралар, яъни Күёш ва Ойнинг харакатини бошқариб турган зотлар оддий инсонларга караганда анча курдатли эканини яхши тушиши керак. Шундай қурдатга эга бўлмай туриб, бизлар буюк ишвараларга тақлид қила олмаймиз. Тангри Шива бир океан заҳарни ичиб юборган, аммо, агар оддий одам шу заҳардан атиги бир томчи ичишга уринса, мукаррар ҳалок бўлади. Ўзларини "Тангри Шиванинг издоши-*

лари" деб ҳисобладиган одамлар *ганджса*(марихуана) ва бошка гиёхванд моддалар истеъмол қиласилар, лекин улар Тангри Шивага нодонларча тақлид қилиш билан фақат ўз ажалини тезлаштираётганини тушуммайдилар. Худди шундай, Парвардигор Кришнанинг

128

баъзи бир "содик"ларига ҳам Унинг раса-лила, яъни ишқий ўйинларига тақлид қилиш ёқади, лекин, айни пайтда улар ўзларида Говардхана тоғини кўтаришга қодир қудрат йўқлигини эсидан чиқарип қўядилар. Шунинг учун, бунга ҳеч қандай ҳуқуки бўлмай туриб, қудратли шахслар ўрнини эгаллашга уриниб, уларга тақлид қилиш ўрнига, камтарин ҳолда уларнинг кўрсатмаларига амал қилиб яшаш лозим. Ҳозир жуда кўп одамлар ўзларини *аватара*, "Худонинг экспансияси", "Худо" деб эълон қиляптилар, лекин, ундай одамларнинг ҳеч бири Худои Таолонинг қудратига эга эмас.

*25. сактаҳ карманӣ авидвамсо йатҳа қурванти бҳарата  
куриад видвамс татхасактаи чикириур лока-санграҳам*

**Гофил одамлар ҳаётда ўз бурчини қилаётган ишининг натижасига интилиб бажарадилар, муқаммал илмга эга бўлган киши эса, ўз бурчини бирор манфаат кўриш учун эмас, одамларни тўғри йўлга бошлаш учун бажаради.**

Изоҳ: Кришна онгида бўлган одам билан Кришнани англаб етмаган одам бир-биридан фақат истаклари билан фарқ қиласи.

Кришна онгига эга бўлган одам руҳий юксалишига халақит берадиган ишга ҳеч қачон кўл урмайди. Ҳаётда у ҳам, худди моддий фаолиятга каттиқ боғланиб қолган ғофил одам қилаётган ишлар билан машғул бўлиши мумкин, аммо, бу икки тоифадаги одамнинг биттаси ўзининг шахсий истакларини амалга ошириш учун ҳаракат қиласи, иккинчиси, яъни содик хизматкор эса, айнан шу ишни Худои Таолони, Парвардигор Кришнани мамнун қилиш учун қиласи. Шунинг учун, Кришна онгида бўлган киши, бошқаларга ҳаётда қандай яшаш, ўз меҳнатининг натижаларини Худо йўлида қандай ишлатиш, улардан Кришна онгини кенг тарқатишида қандай фойдаланиш кераклигини кўрсатиб, бошқаларга ўрнак бўлиши лозим.

*26. на буддхи-бҳедам джсанайед аджсананам карма-сангинам  
джсошайет сарва-кармани видван ўйктаҳ самачаран*

**Ўз меҳнатининг натижаларига боғланиб қолган ғофил одамларнинг ақлини безовта қилмаслик учун, донишманд одам уларни ҳар қандай фаолиятни тарқ этишга ундумаслиги керак. Аксинча, (аста-секин қалбида Кришна онгини ривожлантира олишлари учун) уларни ҳар хил руҳий фаолият билан машғул қилиш лозим.**

Изоҳ: *Ведаии ча сарваир аҳам эва ведйаҳ* - барча ведавий урфодатларнинг олий мақсади шундан иборат. Барча урф-одатлар, барча

курбонлик маросимлари, Ведаларнинг барча кўрсатмалари, шу жумладан улардаги дунёвий фаолиятга таалукли кўрсатмалар ҳам, инсон аста-секин Худони, Кришнани англаб етиши учун мўлжалланган, чунки инсон ҳаётининг олий мақсади шундан иборат. Аммо, шартланган рухлар ҳаётда факат лаззатланишга интилиб яшаётгани сабабли, Ведаларни факат ана шу лаззатларга эришиш, улардан роҳатланиш учун ўрганадилар. Лекин, ҳаётда кармали фаолият билан машғул бўлиш билан бирга, истакларини факат Ведавий кўрсатмалар асосида амалга ошириш билан, инсон аста-секин Худони, Кришнани англаш даражасига кўтарилади. Шунинг учун, ўзи Кришнани англаб етган одам, бошқаларнинг қилиб юрган ишлари бемаъни эканини, уларнинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари хато эканини кўрсатиб, уларни ташвишга со-лмаслиги керак, аксинча, ҳаётда ҳар қандай фаолиятнинг натижасини қандай қилиб Худо йўлида ишлатиш мумкинлигини ўзининг ҳаёти мисолида бошқаларга кўрсатиши лозим. Кришнани, Худони англаш илмини мукаммал эгаллаган одам ҳаётда шундай яшаши лозимки, лаззатланишга интилиб меҳнат қилиб юрган ғофил одамлар ундан аниқ, энг саодатли мақсадга интилиб яшашни ўргансинлар. Ғофил одамларга ҳаётда ўз бурчларини бажаришга халақит бермаслик керак, аммо, Кришнани англаш йўлига кирган одамни, унинг ведаларда кўрсатилган барча қоидаларга амал қилишини кутиб ўтирмастан, дарров Худои Таолога хизмат қилиши билан машғул қилиш лозим. Шундай баҳтли одам учун мукаддас китоблардаги барча қоидаларга амал қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ: Кришна онгига ҳаракат қилиш натижасида у шастраларда кўрсатилган қонун-коидаларга амал қилиш натижасида эришиладиган барча баҳт-саодатларга ўз-ўзидан эришади.

### *27. пракритеҳ крийаманани гунайҳ кармани сарвашаҳ аханкара-вимудхатма картаҳам ити манийате*

**Сохта ўзлиги адаштириб қўйган шартланган тирик мавжудот "ўзим ҳаракат қиласяпман", деб ўйлайди, аслида ҳар қандай ҳаракатни моддий табиатнинг уч гунаси амалга оширади.**

Изоҳ: Биттаси Кришна онгига бўлган, бошқаси моддий онг таъсири остида бўлган икки одам бир хил иш билан машғул бўлганида, уларнинг бу ҳаётдаги ҳолати бир хилдай бўлиб туюлиши мумкин, аммо, уларнинг орасида жуда катта фарқ бор. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган одам сохта ўзлик таъсири остида бўлади, барча ишларни "ўзим қиласяпман" деб ўйлайди. У ўзининг танаси - моддий табиат яратган ва Худои Таолонинг назорати остида ҳаракат қиласяпман механизм эканини англамайди, ўзи ҳам Кришнанинг ҳукми остида эканини тушунмайди. Сохта ўзлик таъсири остидаги бундай одам ҳар бир ишни мустакил равишда ўзим қиласяпман, деб ўйлайди, бу факат унинг

ғофиллигидан далолат беради, холос. Ўзининг нафис ва қўпол моддий танасини Худонинг Олий Шахсининг амри билан моддий табиат яратиб қўйганини, шу боис, уларни Кришна учун ишлатиш, яъни Кришна онгида қилинадиган фаолият билан машғул қилиш лозимлигини билмайди. Бундай ғофил одамлар Парвардигор *Хришикеша*, яъни “моддий тана ҳиссиётларининг Ҳукмдори” деб аталишини эсидан чиқариб қўйган. Ундан одам лаззатланиш истагида, ҳиссиётларидан узоқ вақт давомида нотўғри фойдалангани сабабли, сохта ўзлиги таъсири остига тушиб қолган, сохта ўзлиги эса, уни Кришна билан ўзаро мангу муносабатларини унутишга мажбур килади.

*28. маттва-вим ту маҳа-баҳо гуна-карма-вибҳагайоҳ  
гуна гунешу вартанта ити маттва на саджеджате*

Эй билаги кучли зот, Мутлақ Ҳақиқатни англаб етган киши ҳеч қачон ўз ҳиссиёти(нафси)нинг қули бўлиб, ҳаётдан лаззат ахтармайди, чунки у, Худои Таолога садоқат билан холис хизмат қилишнинг бирор моддий манфаат кўзлаб қилинадиган фаолиятдан фарқ қилишини яхши билади.

Изоҳ: Мутлақ Ҳақиқатни англаб етган киши моддий дунёга тушиб қолган рухнинг ҳолати қанчалик ғайритабиий эканини англаб етади. Ундан одам ўзининг азалий табиатига кўра, ўзининг мангу, илм ва лаззатга тўла Худонинг Олий Шахси, Кришнанинг бир заррачаси эканини, асло бу моддий оламнинг бир бўлаги эмаслигини яхши билади. У ўзининг ҳаёт ҳакидаги моддий тасаввурининг тузогига тушиб қолганини, онги пок, ҳаёт ҳакида тўғри тасаввурга эга бўлган тирик мавжудотнинг ҳакиқий вазифаси - Парвардигор Кришнага муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиш эканини тушунади. Шу боис у ҳаётда Кришна онги билан фаолият кўрсата бошлади, унда ўз-ўзидан ҳиссий лаззатланиш учун қилинадиган ўткинчи, сохта фаолиятга бўлган қизиқиш камая боради. У моддий оламда яшаётган бўлса ҳам барибир Худои Таолонинг ҳукми остида эканини тушунади, шунинг учун, ҳеч қандай дунёвий мусибатлар унинг осойишталигини буза олмайди, ҳаётда учрайдиган ҳар қандай мусибатни у “Худонинг марҳамати” деб қабул килади. “Шримад Бҳагаватам”га асосан, Мутлақ Ҳақиқатнинг уч аспекти: Брахман, Праматма ва Бхагаванни англаб етган киши *маттва-вим* деб аталади, чунки ундан ўзининг Худои Таоло билан бўлган мангу муносабатини ҳам англаб етган бўлади.

*29. пракритеर гуна-саммудхаҳ саджеджсанте гуна-кармасу  
тан акритсна-видо мандан критсна-вин на вичалает*

**Табиат гуналари адаштириб қўйган ғофил одамлар дунёвий фаолият билан машғул бўлиб, унга боғланиб қоладилар. Лекин, до-нишманд киши, бундай одамлар ўзларининг илмсизлиги сабабли паст дараражали фаолият билан машғул эканини тушунса ҳам, уларни безовта қилмаслиги керак.**

Изоҳ: Ғофил одамлар адашиб, ўзларини моддий онг билан киёслайдилар, натижада ўзларини ҳар хил моддий белгилар билан боғлаб ташлайдилар. Бизнинг танамиз - моддий табиат яратган нарса. Онги бутунлай танасида мужассам бўлган одамни, мангу рухнинг табиатини тушунмайдиган, дангаса одам, "манда" деб атайдилар. Моддий танасини ҳақиқий ўзи деб тушуниб, ғофил одамлар танаси билан боғлик одамларни - қариндошларим деб, танаси туғилган ерни - муқаддас "она ватан" деб, диний урф-одат ва ақидаларга амал килишни эса - инсон бўлиб яшашнинг мақсади, мазмуни деб биладилар. Ундан одамлар гўё жамиятнинг, ҳалқининг ва инсониятнинг "равнақи" учун меҳнат қиладилар. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурларга эга бўлиб, улар бутун умрини дунёвий ишларга сарфлайдилар, руҳий ҳаёт улар учун афсонадай бўлиб кўринади, шу боис улар руҳий ҳаёт билан қизиқмайдилар. Руҳий илмга эга бўлган донишманд киши ундан ашаддий материалистларни ташвишга согландан кўра, яхшиси жимгина ўзининг руҳий ҳаёти билан яшаб юргани маъқул. Адашган ва ғофил одамлар ҳам покланиши учун уларга зулм қилмаслик, эзгу, савоб ишлар қилиш сингари, оддий одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиб яшаш имкониятини бериш керак.

Ғофил одамлар Кришна онгида қилинадиган фаолиятнинг қадрини тушуниб етолмайдилар, шунинг учун, Парвардигор Кришна бизга уларни безовта қилиб, қимматли вақтимизни бекорга сарфламасликни маслаҳат беради. Аммо, Худонинг содик хизматкорлари Худои Таолонинг Ўзидан ҳам олийхимматлироқ. Содиклар Худои Таолонинг ниятини яхши биладилар, шунинг учун улар, ҳаётини ҳар қандай хавфхатарга қўйиб бўлса ҳам, ғафлат ботқоғига ботган ашаддий материалистлар билан ҳам руҳий мавзуларда сұхбат куришга тайёр, чунки уларни ҳам ҳар бир тирик мавжудот учун мутлақо зарур бўлган Кришна онгидаги фаолият билан машғул қилишни истайдилар.

*30. майи сарвани кармани саннийасийадхӣатма-четаса  
нирашир нирмамо бхутва йӯдхӣасва вигата-джвараҳ*

**О Аржун, шу боис барча ҳатти-харакатингни Менга бағишила, Мени чукур англаб ол. Қилаётган ҳар бир ишингдан бирор манфаат қўзлашни бас қил, ҳар қандай шахсий манфаатлардан воз кечиб, адашишни тарк эт ва жангга кир!**

Изоҳ: Бу ерда "Бҳагавад-гита"нинг максади аниқ-равшан баён этилган. Парвардигор айтяптики, ҳар бир одам қалбида Кришна онгини тӯла ривожлантириши лозим, ўз бурчини худди ҳарбий хизматда юргандагидай холис бажариши керак. Худои Таолонинг бу кўрсатмасини бажариш осон эмас, шунга қарамай биз ҳамиша Худога таваккал қилган ҳолда ҳаракат қилишимиз лозим, чунки тирик мавжудтнинг ҳақиқий вазифаси шундан иборат. Тирик мавжудот Худои Таолодан ажралган ҳолда, У билан ҳамкорлик қилмай туриб, мустақил равишда баҳтли бўлолмайди, чунки, табиатига кўра у ҳамиша Парвардигорнинг ҳукми остида, Унинг амрини бажаришга мажбур. Шунинг учун, Шри Кришна Аржунга худди унинг хўжайинидай бўйруқ бериб турибди. Инсон Худои Таоло учун ўзининг бор бисотини курбон қилиши лозим, айни пайтда, бирор нарсага эгалик қилишни тарк этиб, ҳаётда ўз бурчини холис бажариб яшashi керак. Аржун Худои Таолонинг бўйругини таҳлил қилиб, ўйланиб турмаслиги керак эди - у Парвардигорнинг бўйругини ҳеч иккиласдан дарров бажариши лозим. Худои Таоло барча руҳларнинг руҳи, шунинг учун, шахсий манфаатларини четга қўйиб, ўз ихтиёрини бутунлай Олий Руҳга топширган, бошқача қилиб айтганда, қалбida Кришна онгини тўлиқ ривожлантирган кишини *адҳиятма-четаса* ("Олий рух илмини англаб етган") деб атайдилар. *Нирашиҳ* дегани, биз ўз Ҳукмдоримизнинг амрини бажаришимиz лозимлигини, бунда қилган меҳнатимиз натижасидан лаззатланишни ният қилмаслигимиз кераклигини англатади. Банкда ишлайдиган кассир хўжайинининг бўйругини бажариб, ҳар куни бир неча миллион сўм ишлатади, лекин ўзининг чўнтағига бир тийин ҳам солмайди. Худди шунингдек, биз ҳам бу дунёдаги бирор нарса бизники эмаслигини англаб олишимиз лозим: бу ердаги ҳамма нарса Худои Таолонинг мулкидир. *майи*, "Менга" иборасининг ҳақиқий маъноси шундан иборат. Ҳаётда ана шундай тушунча билан яшайдиган киши ҳар қандай сохта даъво, талаблардан озод одамдир. Шундай одамнинг онги *нирмама* (ҳеч нарса менини эмас) ибораси билан ифодаланади. Агар, Худои Таолонинг қалбимиздаги қариндошлиқ ришталарини эътиборга олмайдиган ана шу жиддий бўйругини бажаришни истамасак, ундей номаъқул кайфиятни тарк этишимиз лозим; шундагина биз *вигата-джвара*, яъни адашишни тарк эта оламиз. Шахсий сифатлари ва жамиятдаги ўрнига қараб ҳар бир одамнинг маълум вазифалари бор, уларнинг ҳаммасини, аввал айтиб ўтганимиздай, Кришна онгига бўлган ҳолда Худо учун бажариш мумкин. Озодликка олиб чиқадиган йўл ана шундан иборат.

31. *иё ме матам идам нитийам анутиштханти манаваҳ  
шраддхаванто "насуянто мучъянте те "ни кармабхиҳ*

**Ўз бурчини Менинг кўрсатмаларим асосида бажарадиган, Менинг муқаддас қонунларимни чуқур эҳтиром билан хурмат қиласидиган, ҳеч кимга душманлик қилмайдиган одам карма тутқунлигидан озод бўлади.**

Изоҳ: Парвардигор Кришнанинг насиҳатлари ўзида бутун ведалар илмининг мазмун-моҳиятини мужассам қилган, шунинг учун, улар ҳеч қачон аҳамиятини йўқотмайдиган, мангув, ўзгармас ҳақиқатдир. Худди Ведалар сингари, Ҳақиқат илми - Кришнани англаш илми ҳам мангудир. Биз бу насиҳатларга сўзсиз ишонишимиз ва Парвардигорга нисбатан душманлик кайфиятида бўлмаслигимиз керак. Худога ишонмайдиган, лекин "Бҳагавад-гита"га изоҳ ёзадиган жуда кўп файласуфлар бор. Ундей одамлар ҳеч қачон карма тузоғидан қутула олмайдилар. Лекин, Парвардигорнинг мангув насиҳатларига чуқур иймон билан ишонадиган содда одам, ҳатто бу кўрсатмаларнинг барчасига тўлиқ амал қилиб яшай олмаса ҳам, карма қонунларининг чангалидан ҳалос бўлади. Кришнани англашга харакат қилаётган одам аввалига Парвардигорнинг ҳамма кўрсатмаларига тўла амал қила олмаслиги мумкин, аммо, у Худои Таолонинг кўрсатмаларини рад этмагани, уларга аниқ ишонгани ва кийинчилакларга, омадсизликларга қарамай, самимий интилаётгани учун, вақти келиб албатта соф Кришна онгига эга бўлади.

*32. тиे тв этад абхясуянто нанутиштханти ме матам  
сарва-джсана-вимудхамс тан виддхи наштан ачетасаҳ*

**Менинг кўрсатмаларимни ғазаб ва нафрат билан инкор этадиган одамлар эса, ҳар қандай илмдан маҳрум, ўнгланмас нодонлардир. Уларнинг ҳаётда камолотга эришиш учун қилган барча уринишлари зое кетади.**

Изоҳ: Одамнинг Худони танимагани, Кришнани англаб етмагани, қалбида Кришна онгининг етишмаслиги қандай оқибатга олиб келиши бу ерда очик айтилган. Ҳукуматта ишонмайдиган одамларни давлат қонунлари жазолагани сингари, Худонинг қонунлари ҳам, Худонинг амрини бажармайдиган одамларни жазолайди. Қанчалик қурдатли бўлмасин, бу бузғунчи, жиноятчилар ўзларининг руҳий табиити ҳақида, Олий Браҳман, Параматма ва Худо Шахси ҳақида ҳеч нарса билмайдилар, чунки уларнинг қалби кўр. Шунинг учун, улар ҳеч қачон руҳий камолотга эриша олмайдилар.

*33. садришиам чеиштате свасиаҳ пракритер джсанаван апи  
пракритим йанти бхутани ниграхаҳ ким каршийати*

**Хатто билимдон киши ҳам ҳаётда ўзининг табиатига мос ҳолда ҳаракат қиласи, чунки барча тирик мавжудотлар табиатнинг уч гунаси ато этган сифатларга мос равища ҳаракат қилишга мажбур. Шундай экан, одамнинг ўз табиатига қаршилик қилишидан нима фойда?**

Изоҳ: То инсон руҳий даражага, Кришна онгида бўлиш даражасига эришмас экан, у моддий табиат гуналарининг таъсиридан қутула олмайди. Парвардиғор буни еттинчи бобда тасдиқлайди(14). Шунинг учун, ҳатто бу дунёдаги энг билимдон кишилар ҳам, факат ўзларининг назарий билимлари(гайана) ёрдамида ёки руҳ билан танани ажратишга уриниш(йога) ёрдамида майя чангалидан қутула олмайдилар. Гарчи ўзлари майя чангалида, моддий гуналар хукми остида бўлиб, уларнинг таъсиридан қутуломай юрсалар ҳам, ўзларини руҳий илм билимдонлари килиб кўрсатадиган соҳта руҳий устозлар кўп. Яхши таълим олган одам ҳам, узоқ вакт моддий табиат ичидаги яшагани сабабли унинг қули бўлиб қолади. Гарчи содиклар жамиятдаги ўрнига мос ҳолда ведаларда кўрсатилган бурчини бажаришда давом этаётган бўлсалар ҳам, Кришнани англаш усули уларга моддий тутқунлик асоратидан қутулишга ёрдам беради. Шунинг учун одам, то қалбида Кришна онгини тўла ривожлантирумсанча, ўзининг кундалик вазифаларини холис адо этишни тарқ этмаслиги керак. Ҳеч ким жамият олдидаги ўз бурчини бажаришни тарқ этиб, соҳта йог бўлиб олмаслиги керак. Ҳар ким жамиятдаги ўз ўрнида қолиши, тажрибали устоз ёрдамида қалбида Кришна онгини ривожлантириши лозим. Шунда биз Кришнанинг алдамчи куввати, майя чангалидан қутула оламиз.

*34. индрийасиенрийасиартхе рага-двешу вийавастхитау  
тайор на вашиам агаччхет тау хй асия парипанхинау*

**Хиссиётнинг ташқи нарсалар билан ўзаро фаолияти натижасида юзага келадиган боғланиш ва нафрат туйғуларини маълум қоидаларга амал қилиш ёрдамида тартибга солиши мумкин. Боғланиш ва нафрат туйғуларига қул бўлиб қолмаслик керак, чунки улар инсоннинг руҳий юксалиши йўлида катта ғов бўлади.**

Изоҳ: Кришна онгида бўлган кишиларда табиий равища дунёвий, ўткинчи хиссий лаззатларга нисбатан лоқайдлик ривожлана боради. Лекин, ҳали қалбида Кришна онгини тўла ривожлантирумсан кишилар шастраларнинг кўрсатмаларига амал килиб, хиссиётларининг фаолиятини чеклаши, тартибга солиши лозим. Бетартиб равища хиссий лаззатларга берилиш одамнинг моддий оламда тутқун бўлиб қолишига сабаб бўлади, лекин, шастраларнинг кўрсатмаларига амал килиб юрган киши ўз-ўзидан лаззат келтирадиган нарсаларга нисбатан лоқайд

бўлиб колади. Масалан, шартланган рух жинсий алоқадан лаззатла-нишга эҳтиёж сезади, шу боис, ундан лаззатга факат никоҳ доирасида рухсат берилади. Шастраларнинг кўрсатмасига биноан, эркак киши факат ўз хотини билан жинсий алоқа қилиши мумкин, бошқа ҳар қандай аёлни у онасидай хурмат қилиши лозим. Аммо, муқаддас ки-тобларнинг қонуни шундай бўлишига қарамай, одамлар барибир бошқа аёллар билан ҳам яқинлик қилишга интилаверадилар. Бундай истакларни тарқ этиш, жиловлаб олиш керак, акс хода улар руҳий ўзликни англаш йўлида катта ғов бўлади. Токи моддий танамиз бор экан, унинг эҳтиёжларини кондириш рухсат этилади, лекин шастраларнинг кўрсатмаларига риоя қилиш лозим. Ҳатто, бу қонунларга биратўла таваккал қилавермаслик керак. Қонун-қоидалар асосида лаззатланишга ҳам боғланиб қолмасдан руҳий юксалиш йўлидан бориш лозим, чунки ҳатто чекланган ҳиссий лаззатлар ҳам кишини тўғри йўлдан адаштириши мумкин - ҳатто текис ва равон йўлда ҳам ҳалокат рўй беради. Биз ҳатто энг яхши йўлда ҳам ҳалокатдан тўла химояланган эмасмиз. Моддий тана ичидаги яшаётганимиз учун, ҳиссий лаззатларга интилиш истаги азалдан бизнинг қалбимиз тўрида яшайди. Шунинг учун, агар ҳиссиётимиз талабларини қонун-қоидаларга амал килган ҳолда кондириб юраверсан, руҳий юксалиш йўлидан адашиб ҳавфи ҳамиша бизга раҳна солиб туради. Шунинг учун, ҳар қандай ҳиссий лаззатларга, ҳатто диний қонунлар рухсат берган лаззатларга боғланишдан ҳам қутулишга жиддий ҳаракат қилиш керак. Кришна онгидаги фаолиятга, Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга боғланиш ҳиссий лаззатларга боғланиш туйғусидан халос бўлишида ёрдам беради. Шунинг учун, ҳаётининг қайси босқичида бўлишидан қатъий назар, озгина фаросати бўлган одам Кришнани англаш йўлидаги фаолиятни рад этмаслиги керак. Ҳар қандай ҳиссий лаззатларни тарқ этишдан мақсад - охир-оқибатда юксак руҳий лаззат келтирувчи Кришна онгидаги фаолиятга боғланиш, Кришна онгига эга бўлишдан иборат.

*35. ширейан сва-дхармо вигунаҳ паро-дхармат св-ануаштхитат  
сва-дхарме ниҳханам ширеяҳ паро-дхармо бхайавахаҳ*

**Сенинг вазифанг бўлмаган ишларни бенуқсон бажаргандан кўра, мукаммал бўлмаса ҳам, қўлингдан келганча ўз бурчингни бажарганинг маъқул. Бекорга бошқа бировнинг вазифасини бажаришга уриниб яшагандан кўра, ўз бурчингни бажариш йўлида ҳалок бўлганинг яхши. Бегона йўлдан юриш жуда ҳавфли.**

Изоҳ: Бегоналар ишига қўл урмасдан, қалбида Кришна онгини ривожлантиришга ҳаракат қилиб, ҳар бир одам ҳаётда ўз бурчини бажариши лозим. Моддий оламдаги шартланган руҳлар учун шастраларни англаш йўлидаги фаолиятни рад этмаслиги керак. Ҳар қандай ҳиссий лаззатларни тарқ этишдан мақсад - охир-оқибатда юксак руҳий лаззат келтирувчи Кришна онгидаги фаолиятга боғланиш, Кришна онгига эга бўлишдан иборат.

лар, яъни мұқаддас китоблар уларнинг моддий табиат ато этган жисмоний ва аклий хусусиятларига мос келадиган вазифаларни белгилаб кўйган. Инсоннинг руҳий вазифаларини руҳий устоз белгилайди ва бу вазифалар одамнинг Кришнага илоҳий хизмат қилиши билан боғлиқ бўлади. Инсон ўзининг ҳам руҳий, ҳам моддий бурчини ҳаётининг охиригача холис бажариши ва ўзгаларнинг ишини ўзининг бурчи қилиб олмаслиги керак. Бизнинг моддий ва руҳий вазифаларимиз бирбиридан фарқ қилиши мумкин, аммо уларни тажрибали руҳий устозлар раҳбарлиги остида бажариш билан биз факат ютуқقا эга бўламиз. Моддий табиат гуналари таъсирида бўлган киши ўз табакаси ёки турмуш тарзи учун белгиланган бурчини холис бажариши, бошқаларга тақлид қиласлиги лозим. Масалан, эзгулик гунасидаги браҳман зўравонлик, зулм қиласлиги керак, лекин эҳтирос гунаси таъсирида яшайдиган кшатрий учун зулм ишлатиш мумкин. Шунинг учун, зулм ишлатмаслик коидасига амал қилувчи браҳманга тақлид килгандан кўра, кшатрий ўз бурчини бажариб, ҳалол жангда ўзининг ажалини муносиб қарши олгани афзал. Ҳар бир одам қалбини поклаши лозим, лекин бу иш бирданига эмас, аста-секинлик билан амалга ошади. Аммо, моддий гуналар таъсиридан ҳалос бўлган ва қалбида Кришна онгини тўла ривожлантирган киши, руҳий устоз раҳбарлиги остида ҳар қандай ишни амалга ошириши мумкин. Кришна онгида бўлган кшатрий браҳман сифатида, аксинча, Кришна онгида бўлган браҳман, кшатрий сифатида ҳаракат қилиши мумкин. Руҳий фаолият дунёвий фаолиятдан бутунлай фарқ қиласи. Масалан, келиб чиқишига кўра кшатрий бўлган Вишвамитра браҳман вазифасини бажарган, браҳманлар табакасига мансуб Паращурاما эса, кшатрий сифатида ҳаракат қилган. Улар иккови ҳам руҳий сатҳда бўлгани учун бундай иш тутиши мумкин бўлди. Аммо, руҳий юксалишда ҳали бундай илоҳий сатҳга қўтарилимаган киши ўзига таъсири қилаётган моддий гуналарга мос равишида белгиланган бурчини бажариши лозим. Шу билан бирга у Кришна онгининг моҳиятини англаб олиши лозим.

36. арджуна увача  
атха кена прајукто “йам папам чарати пурушаҳ  
аниччханн ати варинея балад ива нийоджитаҳ

**Аржуна шундай деди: О Варшнея, қандай куч одамни ҳатто ўз ихтиёрига қарши гуноҳ ишга қўл уришга мажбур этади?**

Изоҳ: Худои Таолонинг бир заррачаси сифатида тирик мавжудот азалдан руҳий табиатли, моддий иллатлардан пок ва озод. Табиатига кўра у, моддий оламдаги барча тирик мавжудотлар сингари, гуноҳ иш қилишга мойил эмас. Лекин, моддий қувват таъсири остида, тирик мавжудот ўйланиб ўтирумасдан, баъзан ҳатто ўз истагига, иродасига

карши гунох ишга қўл уради. Бу ерда, тирик мавжудотнинг гуноҳ килишни истамаслиги ҳақида Аржун жуда ўринли савол берган. Тирик мавжудот гарчи гуноҳ қилишни истамаса ҳам, баъзан шундай қилишга мажбур бўлади. Лекин, унинг қилаётган гуноҳ ишларига қалбида мавжуд бўлган Олий Рух эмас, балки Унинг бошқа бир қуввати сабабчи, бу ҳақда навбатдаги шеърда гапирилади.

### *37. шри бхагаван увача*

*кама эша кродха эша раджо-гуна-самудбхаваҳ  
маҳа шано маҳа-папма виддҳий энам иха вайринам*

**Худои Таоло шундай деди: О Аржун, бу куч эҳтирос, хирсдан бошқа ҳеч нарса эмас. У эҳтирос гунаси таъсири остида юзага келади, кейин ғазабга айланади. Эҳтирос - бу дунёдаги барча мавжудотларни гуноҳ ишларга ундовчи ашаддий, очофат душмандир.**

Изоҳ: Тирик мавжудот моддий оламга тушиб қолганида, унинг Кришнага бўлган мангубути мұхаббати эҳтирос гунаси таъсири остида хирсга айланади. Буни ачитки кўшилганда сутнинг қатиққа айлананишига ўҳшатиш мукмин. Коникитирилмаган хирс туйғуси ғазабга айланади, ғазаб эса аклни адаштиради, адашган ақли тирик мавжудотни моддий ҳаёт тутқунлигига ушлаб туради. Шу сабабли эҳтирос - тирик мавжудотнинг ашаддий душманидир; айнан эҳтирос пок тирик мавжудотни моддий олам чангалида тутқун қилиб қўяди. Ғазаб - ғафлат гунасининг намоён бўлишидир, унинг барча оқибатлари ҳам ана шу гуна таъсиридан келиб чиқади. Шастраларнинг кўрсатмалари асосида яшаш ёрдамида одам ўзига таъсир қилаётган эҳтирос гунасининг ғафлат гунасига айланаб кетишига йўл қўймаса, бунинг ўрнига эзгулик гунасига кўтарилса, қалбида руҳий қадриятларга боғланиш туйғусини ривожлантиради, айни пайтда ўзини ғазаб балосидан ва унинг даҳшатли оқибатларидан халос этган бўлади.

Худои Таоло ҳамиша кучайиб борадиган руҳий лаззат олиш ниятида Ўзини сон-саноқсиз киёфаларда намоён этган, тирик мавжудот уларнинг ажралмас заррачаларидир. Тирик мавжудотлар арзимас дарражада оз мустакилликка эга, лекин улар ана шу мустакиллигидан хотүғри фойдалана бошлаганида, қалбидаги Худога холис хизмат қилиш истаги ўз хиссийтининг талабини қондириш истагига айланади, натижада улар эҳтирос чангалига тушиб қоладилар. Парвардигор моддий оламни, шартланган руҳларга ўзининг эҳтиросини қондиришга, хиссий лаззатланиш натижасида баҳтли бўлишга уриниш имкониятини бериш учун яратган; аммо, барча уринишлари бекорга кетаётганини англаб етганида, тирик мавжудот аслида ўзининг ҳақиқий табиати нишадан иборат экани ҳақида ўйлай бошлайди.

"Веданта-сутра" ана шу саволдан бошланади: *атхато брахма-джиджнаса* - "Худо ҳакида савол бериш вақти келди". Худонинг ким экани "Шримад Бхагаватам"да айтилган: *джанмадай асия йато "ниавад итаратми ч*а - "Олий Брахман бутун оламнинг манбаидир". Агар қалбимиздаги эҳтиросни Худога бўлган муҳаббатга, Кришна онгига айлантира олсақ, барча истакларимизни ягона Парвардигор Кришна билан боғлай олсақ, биз эҳтиросни ҳам, ғазабни ҳам руҳий даражага кўтарган бўламиз. Парвардигор Рамачандранинг буюк хизматкори Хануман ғазаби келиб, иблис Раваннинг олтиндан курилган шахрини бутунлай ёндириб юборган эди, лекин, бундай ғазаби билан у Худонинг буюк содиги сифатида шон-шуҳрат қозонди. Шунга ўхшаб, "Бхагавад-гита"да Кришна Аржунга Худони мамнун қилиш учун ўзининг бутун ғазабини душманларига қаратишни буюрятти. Агар, биз эҳтирос ва ғазабимизни Кришнага хизмат қилишда ишлатсақ, шу ашаддий душманларимиз бизнинг ҳакикий дўстларимизга айланади.

*38. дхуменаврийате вахнир йатхадаршо малена ча  
йатхолбенаврито гарбҳас татха тенедам авримат*

**Худди, олов тутун билан, ойна - чанг билан, ҳомиладаги чақалоқ парда билан тўсилгани сингари, ҳар бир тирик мавжудот ҳам, ҳар хил даражада эҳтирос иллати билан қопланган.**

Изоҳ: Тирик мавжудотнинг пок онгини ўраб турган қатлам уч хил қалинлиқда бўлиши мумкин. Ана шу қатлам - эҳтирос қатламиdir. Эҳтирос бу дунёда тирик мавжудотни ҳар хил даражада ўраб олган бўлади: оловни ўраган тутун, ойна юзидағи чанг ва гўдакни қоплаган парда сингари. Эҳтиросни тутунга ўхшатганида, ҳали демак, моддий танада тирик(руҳий) учкуннинг мавжудлиги сезилиб туради. Бошқача қилиб айтганда, тирик мавжудот қалбида Кришна онгининг ёғдусини сеза бошлаганида, уни тутун қоплаган оловга ўхшатиш мумкин. Гарчи, оловсиз тутун бўлмаса ҳам, олов энди туташаётганида, алангани ҳали кўриб бўлмайди. Бу ҳолатни инсон қалбида Кришна онгининг уйғонаётган даври билан қиёслаш мумкин. Ойнани қоплаган чанг - ақл ойнасини руҳий юксалишнинг ҳар хил усууллари ёрдамида тозалаш жараённинг тимсолидир. Бу усуулларнинг энг самаралиси - Худонинг муқаддас номларини зикр қилишдир. Руҳнинг ҳолатини она қорнидаги чақалоқка ўхшатиш - бизнинг ҳаётда шунчалик ноилож, ночор ҳолатда эканимизни билдиради: она қорнидаги чақалоқ шу қадар ночор-ки, ҳатто ўрнидан кўзгала олмайди. Бу дараҳтларнинг ҳолатини эслатади. Дараҳтлар - эҳтирос билан шу қадар қалин қопланган тирик мавжудотларки, онгини деярли бутунлай йўқотиб кўйган, шунинг учун, моддий табиат уларни шунга муносиб шароитга жойлаб кўйган. Чанг қоплаган ойна - қушлар ва ҳайвонларнинг онгини белгилайди, тутун

билан ўралган олов эса - инсон танасидаги тирик мавжудотнинг онги тимсолидир. Фақат инсон танасига эга бўлган омадли тирик мавжудотгина ўз қалбida Кришна онгини уйғотиши мумкин, агар шу онг яхши ривожланса, руҳий ҳаёт олови ёрқин нур билан порлайди. Биз тутун қоплаган алангани эҳтиёткорлик билан туташтириб, уни ловуллаб ёнишга мажбур қилишимиз лозим. Шу боис, инсон танасида яшаш тирик мавжудотга моддий олам тутқунлигидан халос бўлиш имконини беради. Инсон танасига эга бўла туриб, тирик мавжудот агар тажрибали руҳий устоз раҳбарлиги остида қалбida Кришна онгини ривожлантиrsa, у ўзининг ашаддий душмани бўлган эҳтиросни енгишга қодир бўлади.

*39. авритам джсанам этена джсанани нитіа-вайрина  
кама-рупена каунтейа душтуренаналена ча*

**Азалдан мукаммал илмга эга бўлган тирик мавжудотнинг онги, шу тарзда, ўзининг мангу душмани - тўймас ва ҳамиша оловдай ловуллаб турган очофат эҳтирос таъсири остига тушиб қолади.**

Изоҳ: "Ману-смрити"да айтилганки, худди ёниб турган оловни ўтин ташлаш билан ўчириб бўлмагани сингари, эҳтирос оловини ҳам ҳиссий лаззатлар билан ҳеч қаҷон тўйдиди бўлмайди. Моддий оламда инсоният фаолиятининг маркази - жинсий ҳаётдан лаззатланиш истаги хисобланади, шу боис моддий оламни *майтхунъя-агара*, яъни "жинсий ҳаёт зиндони" деб атайдилар. Зиндонда маҳбусларни кишанлаб қўядилар, шунга ўҳшаб, Худонинг қонунларини бузган жиноятчи тирик мавжудотлар ҳам моддий оламда жинсий алоқа кишанлари билан боғлаб қўйилган. Ҳиссий лаззат олишга асосланган моддий тараққиёт тирик мавжудотни моддий оламда қолиб, азоб-уқубатлар ичida яшашга мубтало этади. Эҳтирос - бизни моддий оламда асир қилиб турган ғофилилк тимсоли хисобланади. Ҳиссий лаззатларга берилиб, биз қандайдир баҳтга ўҳшаган нарсани хис қилган бўламиз, лекин, аслида ана шу ўтқинчи, алдамчи баҳт туйғуси - тирик мавжудотнинг энг ашаддий душманидир.

*40. индрийани мано буддхир асиядхиштханам учайате  
этайр вимоҳайатий эша джсанам авритий дехинам*  
**Ҳиссиятлар, ақл ва тафаккур эҳтирос макон топган жойлар  
хисобланади. Улар ёрдамида эҳтирос тирик мавжудотнинг  
хақиқий илмини қоплаб олиб, уни алдаб, адаштириб қўяди.**

Изоҳ: Шартланган руҳнинг ашаддий душмани унинг моддий танасининг энг муҳим қисмларини эгаллаб олган, шу сабабли Кришна ўзининг ашаддий душманини енгишга интилаётган кишига уни

қаердан излаш кераклигини кўрсатяпти. Ҳар қандай фаолиятнинг маркази - ақл ҳисобланади. Бирор лаззат берадиган нарса ҳақида эшитганда ёки кўрганда, ақлимиз хиссий лаззатланиш ҳақидаги ўйлар билан тўлади, натижада ақл ва хиссиётлар эҳтироснинг маконига айланади. Улардан кейин тафаккур ҳам эҳтирос домига тушади. Тафаккур - рухнинг энг яқин қўшниси. Эҳтиросга тўлган тафаккур рухни сохта ўзлик таъсирига берилишга, ўзини тана деб, яъни ақл ва хиссиётлар деб ҳисоблашга мажбур этади. Шу тарзда уларни ҳақиқий баҳт деб ўйлаб, мангу рухнинг ўткинчи моддий лаззатларга боғланиши кучая бошлади. Рух ўзини ана шундай сохта англаши "Шrimad Бҳагаватам"да келтирилган(10.84.13):

*йасийатма-буддхиҳ кунане три-дхатуке  
сва-дхиҳ калатрадишу бхаума иджайа-дхиҳ  
йат-тиртха-буддхиҳ салиле на кархичидж  
жсанешв абхиджнешу са эва го-кхараҳ*

"Уч моддий унсурдан таркиб топган танани "ўзим" деб ўйлайдиган киши тана билан боғлиқ зотларни "қариндошларим" деб ҳисоблади, ўзи туғилган жойни - сажда қилишга муносиб муқаддас даргоҳ деб билади; у муқаддас саждагоҳларга руҳий илмга эга бўлган кишилар билан сұхбатлашиш учун эмас, факат шу ердаги муқаддас сувда чўмилиш учун боради. Шундай одамнинг эшак ёки сигирдан фарқи йўқ".

41. *тасмат твам индрийанй адай нийамайа бхаратарашабха  
папманам праджсахи хий энам джнанана-виджнанана-нашанам*

Шунинг учун, эй Бхаратлар аълоси, энг аввало гуноҳ ва иллатларнинг ана шу асосий томири(эҳтирос)ни юлиб ташла. Хиссиётингни жиловлаб олиб, илм ва руҳий юксалишнинг бу душманини яксон қил!

Изоҳ: Парвардигор Аржунга энг аввало ҳиссиётини жиловлаб олишни маслаҳат беради, бу унга ўзининг ашаддий душмани - эҳтиросни енгишида ёрдам беради. Эҳтирос инсонни гуноҳ ишларга мажбур этиб, унинг руҳий ўзлигини англашга тўсқинлик қиласди, рух ҳақида илм ўрганишга бўлган интилишини сўндиради. Гъяна - ҳақиқий ўзлик, сохта ўзликдан фарқ қилиши ҳақидаги илмдир. Рухнинг азалий ҳолатини, унинг Олий рух билан ўзаро муносабатини тушуниб етиш вигъяна деб аталади. "Шrimad Бҳагаватам"да бу ҳақда шундай дейилган:(2.9.31)

*джнанам парамето-гухйам ме йад виджнанана-саманвитам  
са-рахасиам тад-ангам ча грихано гадитам майа*

"Рух ва Олий Рух ҳақидаги илм олий даражадаги маҳфий, сирли илмдир, лекин, агар Худои Таолонинг Ўзи бизга бу илмни ҳар тарафлама ошкор этса, уни англаб олиш, амалда қўллаш мумкин". "Бҳагавад-

гита"да рух ҳакида ҳам назарий, ҳам амалий илм баён этилган. Тирик мавжудотлар - Парвардигорнинг ажралмас заррачалариридир, шу сабабли уларнинг ягона вазифаси - Унга хизмат қилишдир. Ана шу ҳақиқатни англаб етиш - Худони, Кришнани англаш деб аталади. Қалбидиа Кришна онгини ривожлантириш ва шундай онг билан яшаш учун умрининг энг аввалиданоқ инсон ана шу илмга эга бўлиши керак.

Эҳтирос - ҳар бир тирик мавжудотнинг табиитидаги Худога бўлган ҳақиқий муҳаббатнинг моддий оламдаги бузилган аксиидир. Агар одам ёшлигиданоқ Кришнани англаш илмига эга бўлса, унинг Худога бўлган табиий муҳаббати эҳтиросга айланиб кетмайди. Лекин, Худога бўлган муҳаббат аллақачон эҳтиросга айланиб кетган бўлса, тирик мавжудотнинг асл табиий ҳолатига қайтиши жуда қийин бўлади. Лекин, Кришнани англаш усули шу қадар қудратлики, ҳатто уни кечикиб қўллай бошлаган киши ҳам, агар Худога садоқат билан холис хизмат килиш қоидаларига амал қилиб юрса, қалбидиа Худога нисбатан илохий муҳаббат уйгота олади. Бошқача қилиб айтганда, инсон ҳаётининг истаган босқичида ҳиссиятни жиловлашни ўрганиши мумкин. Факат у, бу иш инсон учун жуда муҳим ва зарур эканини чукур англаш олиши, Кришнани англашга, яъни Худога холис хизмат қилишга ўзини бутунлай бағишилаши керак. Шу тарзда қалбидаги кўпол моддий эҳтирос туйғусини Худои Таолога нисбатан илохий муҳаббатга айлантириб, инсон ҳаётда энг олий мақсадга эришади.

#### 42. индрийани парани ахур индриебхайах парам манаҳ манасас ту пара буддхир йо буддхех паратас ту сах

**Сезги аъзолари моддий унсурлардан таркиб топган танадан устун туради, ақл сезгилардан устун, тафаккур ақлдан устун, рух эса тафаккурдан устун туради.**

Изоҳ: Сезги аъзолари - эҳтироснинг қўлидаги қуроллардир. Эҳтирос инсон танасида тўпланиб, сезги аъзолари орқали ташқарига чиқади. Шунинг учун, сезги аъзолари моддий танадан устун туради. Тирик мавжудот олий онгга, яъни Кришна онгига эга бўлганида, эҳтирос сезги аъзоларидан фойдалана олмай қолади. Кришна онгиди рух бевосита Худонинг Олий Шахси билан боғланган, шунинг учун, юқорида ёзилган устунлик погоналарининг энг юқорисида Олий Рух туради. Тананинг фаолияти - сезги аъзоларининг, ҳиссиятнинг фаолиятидир, ҳиссиятнинг фаолиятини тўхтатиш - тананинг фаолиятини тўхтатиш демакдир. Лекин, ақл ҳамиша фаол бўлгани сабабли, ҳатто тана дам олаётган пайтда ҳам, масалан, ухлаганда, ақл ҳаракат қилишда давом этаверади, уни биз одатда "туш кўриш" деб атаймиз. Ақлни тананинг ҳаракатларини бошқариб турувчи тафаккур бошқариб туради, тафаккурни эса рух бошқаради. Шунинг учун, агар рух бево-

сита Худои Таолонинг амри билан ҳаракат килаётган бўлса, унинг ҳукми остидаги тафаккур, ақл ва хиссиётлар ҳам табиий равишда шу ҳаракатга кўшиладилар. "Катха-упанишад"да айтилганки, хиссиётимиз сезадиган нарсалар сеғилардан устун турди, аммо ақл шу нарсалардан устун турди. Агар ақл ҳамиша Худога хизмат килиш билан банд бўлса, хиссиётнинг бошқа бирор иш билан шуғулланишга имконияти қолмайди. Ақлнинг ана шундай ҳолати ҳақида аввалги шеърларда айтилган эди. *Парам дришта нивартате.* Ақл Худои Таолога илохий хизмат билан машғул бўлганда, ўзининг паст даражадаги жирканч интилишларини қондиришга имкони қолмайди. "Катха упанишад"да рух маҳан, яъни, "буюк" деб аталган, чунки у сезиладиган нарсалардан, хиссиётдан, ақл ва тафаккурдан устун турди. Шундай экан, рухнинг табиатини ўрганиш билан биз ҳаётдаги барча муаммоларни ҳал кила оламиз.

Ҳар бир одам тафаккури ёрдамида рухнинг ҳолатини, табиатини англаб олиши ва ақлини ҳамиша Кришна онгидаги фаолият билан машғул қилиб қўйиши керак. Барча муаммоларни ҳал қилишнинг қалити мана шу бўлади. Эндигина руҳий юксалиш ўйлига кирган кишига одатда сезиладиган нарсалар билан алоқа қилиш тарк этиш тавсия килинади. Аммо, бундан ташқари тафаккур ёрдамида ақлини ҳам жиловлаб олиш керак. Агар тафаккурдан фойдаланиб, ақлимизни Кришна онгидаги фаолият билан машғул қиласак, ўз ихтиёrimизни бутунлай Худонинг Олий Шахсига топширсак, ақлимиз албатта, табиий равишида руҳий қудратга эга бўлади ва шунда, хиссиётлар илонлар сингари канчалик кучли ва ёвуз бўлмасин, худди заҳарли тишлари олиб ташланган илонлардай хавфсиз бўлиб қолади ва бизга ҳеч қандай зарар етказа олмайди. Гарчи руҳ тафаккурдан, ақл ва хиссиётлардан устун турса ҳам, Кришна онгига Худои Таоло билан ўзаро муносабатларда етарли руҳий қудратга эга бўлмагунча, жиловланмаган ақлнинг ўлжасига айланиб, тирик мавжудотнинг руҳий юксалиш йўлидан адаби кетиши эҳтимоли сақланиб қолаверади.

#### *43. эзам буддхех парам буддхва самстабхйатманам атмана джсахи шатрум маҳа-баҳо кама-рутам дурасадам*

Эй қўллари қудратли Аржун, руҳий ўзлиги, яъни ўзи моддий ҳиссиётлардан, ақл ва тафаккурдан устун туришини англаб, инсон Кришна онгига бўлган тафаккури ёрдамида ақлини жиловлаб олиши, шу тарзда руҳий қудрат ёрдами билан ўзининг тўймас душмани - эҳтиросни енгиши керак.

Изоҳ: "Бҳагавад-гита"нинг учинчи бобида Кришнани англаш, Кришна онгига эга бўлиш йўли кўрсатилган. Аслида Худонинг мангу

хизматкори эканини англаб етган, ҳаётининг мақсади бўшлиқ, йўқлик деб ҳисоблашни тарк этган киши Кришна онгиға эга бўла олади. Моддий ҳаётда биз эҳтироснинг ва моддий табиатга ҳукмронлик қилиш истагининг қулларимиз. Ҳукмронликка ва ҳиссий лаззатларга интилиш - шартланган рухнинг энг ашаддий душманларири, аммо Кришнани англаш усули ёрдамида биз моддий ҳиссиётларни, акл ва тафаккурни жиловлай оламиз. Бунда ҳар қандай фаолиятни тарк этишининг ва ҳаётда ўз бурчини бажаришдан бирданига воз кечишнинг умуман ҳожати йўқ: қалбимизда аста-секин Кришна онгини ривожлантириш билан биз руҳий даражага кўтарилишимиз ҳамда моддий ҳиссиётимиз ва аклишимиз ҳукмронлиги остидан озодликка чиқамиз. Бунга факат ҳамиша руҳий ўзликка, пок "мен"га интилевчи тафаккур ёрдамида эришиш мумкин. Бу бобнинг асосий мазмуни шундан иборат. Инсон руҳий баркамолликка эришмагунча фалсафий изланишларга берилиб юради ёки йога усули ёрдамида ҳиссиётини сунъий равишда жиловлаб олишга уринади. Лекин буларнинг бирортаси унинг руҳий юксалишига ёрдам бермайди. Олий тафаккурдан фойдаланиб, инсон ўзининг қалбида Кришна онгини ривожлантириши лозим.

*"Карма-йога, ёки муқаддас китобларда белгиланган вазифаларни бажаршиидан иборат фаолият" деб аталган "Бҳагавад-гита"нинг учинчи бобига Бҳактиведантанинг изоҳлари шундай якунланади.*

## Тўртинчи боб. Илоҳий илм.

*1. иши бхагаван увача  
имам вивасвате йогам проктаван ахам авйайам  
вивасван манаве праха манур икивакаве "бравит*

**Худонинг Олий Шахси шундай деди: Бу мангук ўрганишни Мен  
Күёш худоси Вивасванга ошкор этгандим, Вивасван уни инсоният  
бобоқалони Мануга ўргатган, ўз навбатида Ману уни Икшвакуға  
ўргатган.**

Изоҳ: Бу ерда Парвардигор "Бҳагавад-гита"нинг келиб чиқиши тарихини гапириб беряпти. Бу асар бизга жуда қадим ўтмишдан асрлар оша етиб келган. У аввало, Күёш худосига ва коинотнинг бошқа сайёратларини бошқараётган шоҳларга баён этилган. Коинотдаги барча шоҳларнинг асосий вазифаси - қўл остидагиларни химоя килишдан иборат. Давлатни муносабиравишда бошқаришни, фуқароларини эҳтирос ва нафснинг қули бўлиб қолишдан қандай асрарни билиш учун ҳукмдорлар албатта "Бҳагавад-гита" илмини ўрганишлари зарур. Инсон танаси бизга руҳий илм ўрганиш, Худонинг Олий Шахси билан ўзаро мангук муносабатларимизни қайта тиклаш учун берилади, шу сабабли давлат раҳбарлари, коинотдаги сайёralарнинг барча ҳукмдорлари маданият, маърифат ва дин қуролларидан фойдаланиб, жамиятнинг барча фуқароларига Худони англаш илмини ўргатишлари лозим. Бошқача қилиб айтганда, Ер юзидағи барча одамлар ҳаётда инсон танаси берадиган нодир имкониятдан фойдаланиб, руҳий камолотга эришиши учун давлат раҳбарлари Худони, Кришнани англашнинг мана шу буюк илмини ҳалққа кенг тарқатишда ёрдам беришлари лозим. Күёш сайёрасини ҳозирги даврда бошқариб турган фариштани Вивасван деб атайдилар. Күёш - коинотдаги барча сайёralарни харакатга келтириб турадиган қудрат манбаидир. "Брахма-самхита"да(5.52) Тангри Брахма шундай дейди:

*йа-чакиур эша савита сакала-граханам  
раджа саммаста-сурा-муртир ашеша-теджсаҳ  
йасийаджнайа бхрамати самбхрита-кала-чакро  
говиндам ади-пурушам там ахам бхаджсами*

"Мен Худонинг Олий Шахси, Говиндага сажда қиласман. У - азалий, бошлангич Зот, Унинг амри билан барча сайёralарнинг шохи - Күёш, туганмас ёғду ва иссиқлик таратиб туради. "Худои Таолонинг кўзи" деб аталадиган Күёш Унинг амри билан ўз орбитасидан чиқмай айланниб юради".

Қүёш сайёраси барча моддий сайёralарни ёргулик ва иссиқликтен билан таъминлаб, уларни бошқариб туради. Ана шу сайёранни Вивасван деган фаришта бошқариб туради. Қүёш ўзининг орбитасида Кришнанинг амри билан айланниб юради. Айнан Қүёш худоси Вивасванни Парвардигор Кришна Ўзининг биринчи шогирди килган ва унга "Бҳагавад-гита" илмини ўргатган. Демак, "Бҳагавад-гита" бир ховуч дунёвий олимларнигина қизиктирадиган оддий фалсафий асар эмас, аксинча, бизга мозийдан етиб келган азалий, илохий илм баён этилган ишонарли, муқаддас китобидир.

"Маҳобҳорат"да (Шанти парва, 348. 51-52) "Бҳагавад-гита"нинг келиб чиқиши тўғрисида шундай дейилган:

*трета-йугадау ча тато вивасван манаве дадау  
мануш ча лока-брхити-артхам сутайекшувакаве дадау  
икишувакуна ча катхито вийапия локан авастхитаҳ*

"Трета-юганинг бошида Вивасван тирик мавжудот билан Худои Таолонинг ўзаро муносабатлари хақидаги илохий илмни инсоният бобо-калони Мануга ўргатган. Ману бу илмни ўғли, Ер сайёрасининг шоҳи - Маҳараж Икшувакуга ўргатган. Икшуваку - Рагху сулоласига асос солган шоҳ бўлиб, Парвардигор Рамачандра ҳам шу сулолада дунёга келган эди". Демак, инсонлар биринчи бор "Бҳагавад-гита" илмини Маҳараж Икшуваку даврида ўрганганлар.

Хозирги пайтга келиб, жами 432.000 йил хукм сурадиган Кали-юганинг беш минг йили ўтди. Ундан олдин Двалара-юга бўлиб ўтган, унинг ҳукмронлик даври 800.000 йил. Ундан аввал Трета-юга эди, у 1.200.000 йил давом этган. Демак, Ману "Бҳагавад-гита" илмини шогирди ва ўғли, Ер сайёрасининг шоҳи, Маҳараж Икшувакуга тахминан 2.005.000 йил аввал ўргатган. Хозирги Манунинг ҳукмронлик киладиган даври 305.300.000 йил, шундан 120.400.000 йили ўтди. Агар Парвардигор Кришна "Бҳагавад-гита"ни Қүёш худосига Ману туғилмасдан аввал айтган бўлса, биринчи бор "Бҳагавад-гита" илми тахминан, камида 120.400.000 йил аввал ошкор этилган. Инсониятга эса, бу илм камида икки миллион йилдан бери маълум. Беш минг йил аввал, Парвардигор уни Аржунга такроран айтиб берган. "Бҳагавад-гита"нинг ўзи ва унинг муаллифи Парвардигор Шри Кришнанинг маълумотларига кўра, "Бҳагавад-гита"нинг тарихи ана шундай.

"Бҳагавад Гита" кшатрийлар табакасига мансуб бўлган Қүёш худоси Вивасванга баён этилган. Бунинг устига Вивасван кшатрийларнинг асосий сулоласи бўлган суръя-вамши сулоласига асос солган буюк шоҳ эди. Худои Таолонинг Ўзи айтган "Бҳагавад-гита" Ведалардан фарқ килмайди. Шу сабабли ундаги илм ҳам *анапурушея*, "ғайритабиий, илохий" илм ҳисобланади. Ведалар илмини, ҳар ким ўзича изоҳ беришига уринмасдан, қандай нозил қилинган бўлса, шундайлигича қабул килиш лозим, "Бҳагавад-гита"ни ҳам худди шундай қабул қилиш зарур. Сафсатабоз дунёвий олимлар "Бҳагавад-гита" илмини ҳар бири

ўзи истаган томонга ўзгартириб изохлайдилар. Улар мазмунини ўзгартирган бундай гиталарни ҳақиқий "Бҳагавад-гита" деб бўлмайди. "Асл ҳолидаги Бҳагавад-гита"да баён этилган илмни биз унинг бошланғич ҳолатида, руҳий устозлар силсиласи орқали қандай ўтиб келаётган бўлса, шундайлигича қабул қилишимиз лозим. Бу ерда ана шу силсила кўрсатилган: аввалига Парвардигор "Бҳагавад-гита" илми ни Қуёш Худосига берган, у бу илмни ўғли Мануга берган, Ману ўз навбатида ўғли Икшвакуга берган.

*2. эвам парампара-праптам имам раджарашаю видуҳ  
са каленеха маҳата його наштаҳ парантата*

Бу буюк илм шу тарзда руҳий устозлар силсиласи орқали, устоздан шогирдга ўтиб келган ва тақводор шоҳлар уни шундай ўргангандар. Лекин, вақт ўтиши билан устозлар силсиласи узилиб қолган, асл ҳолидаги илм йўқолиб кетган.

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки, "Бҳагавад-гита" биринчи навбатда тақводор шоҳлар учун мўлжалланган, чунки улар фуқароларига раҳбарлик қилиб, инсоният олдига "Бҳагавад-гита"да кўйилган максадларни амалга ошириши лозим. Албатта, "Бҳагавад-гита" иблисифат шоҳлар учун мўлжалланмаган. Улар "Бҳагавад-гита"нинг моҳиятини йўқотиб, уни ўзлари истаганча изохлаб, ҳеч кимга бирор фойда келтироммаган бўлардилар. Лекин, инсоният тарихида барибир шундай ҳолат юз берган. "Бҳагавад-гита"нинг аввал бошдаги мазмуни, максади, шахсий манфаатларини кўзлайдиган виждонсиз шарҳловчилар томонидан ўзгартирилганида, руҳий устозлар силсиласини қайта тиклаш зарурати туғилган. Беш минг йил олдин Парвардигорнинг Ўзи устозлар силсиласи узилиб қолганини англади ва "одамлар "Бҳагавад-гита"нинг аҳамиятини эсидан чиқардилар", деб эълон қилди. Биз яшаётган ҳозирги даврда ҳам ана шундай ҳолат юз бериб турибди: Ҳозир "Бҳагавад-гита"нинг жуда кўп нашрлари мавжуд, айниқса инглиз тилида, лекин, уларнинг деярли барчаси амалда "Бҳагавад-гита"нинг руҳий устозлар орқали берилиб келаётган асл мазмунига тўғри келмайди. "Бҳагавад-гита"га жуда кўп дунёвий олимлар изоҳ ёзганлар, аммо, гарчи Шри Кришнанинг муқаддас қаломи уларга шунча даромад келтираётган бўлса ҳам, уларнинг деярли бирортаси Кришнани Худонинг Олий Шахси деб тан олмайди. Ўзлари Худога ишонмай туриб, Унинг мулкидан уялмасдан фойдаланаверадиган иблисларгина шундай ишларни қиласидилар. "Бҳагавад-гита"ни руҳий устозлар силсиласи бўйича берилиб келаётган ҳолида инглиз тилида нашр қилиш зарурати туғилгани сабабли биз бу ишга қўл урдик. "Бҳагавад-гита" илмини асл ҳолида, "ҳаётда албатта риоя қилиш зарур" деб тан олган кишилар буюк саодатга эришадилар, аксинча,

унга оддий фалсафий асар деб қарайдиган одамлар уни ўрганиш билан фақат вақтини зое кетказадилар.

*3. са эвайам майа те “дайа йогаҳ проктаҳ пуратанаҳ  
бхакто “си ме сакха чети рахасйам хий этад уттамам*

**Бугун Мен сенга тирик мавжудот билан Худои Таолонинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги шу қадимий илмни ошкор этаман, чунки сен - Менинг содик хизматкорим ва дўстимсан, шу сабабли бу илохий илм сирини англашга қодирсан.**

Изоҳ: Ҳаётда икки тоифа одамлар бор: содиклар ва иблислар. Аржун содик бўлгани учун Парвардигор бу буюк илмни ўргатиш учун айнан уни танлади. Иблиссифат одамлар "Бҳагавад-гита"нинг илохий сирини англаб етишга қодир эмас. Бу буюк асарнинг жуда кўп нашрлари мавжуд. Уларнинг баъзиларига содиклар изоҳ ёзган, баъзила-рига иблислар. Худонинг содик хизматкорлари ёзган изоҳларида "Бҳагавад-гита"нинг асл маъносини берадилар, иблисларнинг ёзганла-ри эса, соxта ва бефойда изоҳлардир. Аржун Шри Кришнани Худонинг Олий Шахси деб тан олади. Ҳаётда Аржундан ўрнак олиб яшаётган одамлар "Бҳагавад-гита"га изоҳ ёзиб, бу буюк илмга ҳақиқий садоқат билан хизмат қылган бўладилар. Иблислар эса, Кришна аслида ким эканини тан олгилари келмайди. Бунинг ўрнига улар ёзган изоҳларида Кришна тўғрисида ҳар хил уйдирмалар келтириб, ўкувчиларнинг Кришнанинг насиҳатларига амал килишларига халақит берадилар. Бу ерда Кришна бизни шундай изоҳлардан эҳтиёт бўлишга огоҳлантириб кўйяпти. Биз Аржундан бошланадиган руҳий устозлар силсиласига мансуб бўлган устозлар изидан боришга ҳаракат қилишимиз лозим, - фақат шундагина "Шримад Бҳагавад-гита"нинг буюк илми бизга ҳақиқий баҳт-саодат келтиради.

*4. арджуна увача  
апарам бхавато джанма парам джанма вивасватах  
катхам этад виджанийам твам адай проктаван ити*

**Аржун шундай деди: Қуёш худоси Вивасван Сендан анча олдин туғилган. Сенинг, олам яратилганда бу илмни унга ошкор этганинг тўғрисида айтган гапингни қандай тушуниш керак?**

Изоҳ: Аржун - Худонинг буюк содиги. Қандай килиб у Кришнанинг айтганларига ишонмай, гумонсираяпти? Аслида Аржун ўзи учун эмас, Худога ишонмайдиган одамлар, яъни Кришна Худонинг Олий Шахси эканини тан олмайдиган иблисларнинг манфаатини ўйлаб шундай савол беряпти. Факат шулар учун Аржун, худди ўзи Кришна

ҳақида, Худо түгрисида ҳеч нарса билмайдигандай бўлиб, Унга шу саволни беряпти. Кришна - Худонинг Олий Шахси, бутун борлиқнинг манбаи ва Мутлак Ҳақиқатнинг энг олий намоён бўлиши эканини Аржун жуда яхши билади. Лекин, Кришна ер юзида Ўзини “Девакининг эркатой” бўлиб намоён этгани ҳам аниқ эди. Девакининг ўғли бўла туриб, қандай қилиб У бир вақтнинг ўзида мангув ўзгармас Худонинг Олий Шахси бўла олишини англаб етиш - оддий одамлар учун жуда мушкул. Шунга аниклик киритиш учун, Аржун савол бериб, Кришнанинг Ўзидан ишонарли жавоб олишга карор қилди. Иблислардан бошқа бутун жаҳон аҳли қадим замонлардан бери Кришнанинг энг олий ишонарли, мўтаъбар Зот эканини билади. Шунинг учун Аржун, Кришнанинг қиёфасини, ҳолатини ҳамиша бузиб кўрсатишга уринадиган иблислар Кришнанинг ўзларининг ва издошларининг шахсий тасаввурларига мос қилиб таърифлашларини кутиб ўтиргасдан, Худои Таоло ҳакида Кришнанинг Ўзи гапириб беришини истаб, шу саволни беряпти. Шу боис, Кришна Ўзи ҳакида Ўзи гапириб берганда, Унинг гаплари бутун оламга баҳт-саодат келтиради. Кришнанинг гаплари иблисларга ғалати бўлиб туюлиши мумкин, чунки улар Кришнанинг ўзларининг дунёвий тасаввурлари билан ўлчайдилар, лекин содиклар Унинг айтиётган гапларини қувонч билан қабул қиласдилар. Содиклар Кришнанинг насиҳатларига, кўрсатмаларига қувончли, айни пайтда кўрқинчли эҳтирос билан амал қиласдилар, чунки улар ҳамиша Кришна ҳақида иложи борича кўпроқ маълумот билиб олишга интиладилар. Кришнанинг оддий одам деб хисоблайдиган атеист, иблислар эса, Унинг гапларини тинглаб, Кришна - оддий инсон эмас, мангулик, лаззат ва илмнинг тимсоли бўлган *сач-чиҳ-ананда-виғраҳа* эканини, бутунлай руҳий табиатга эга бўла туриб, У моддий табиат гуналарининг таъсирига берилмайдиган, замон ва макон чегараларидан устун эканини билиб олишлари мумкин. Аржун сингари содиклар Кришна илоҳий табиатга эга эканига ҳеч қаҷон шубҳа қиласдилар. Бу саволни бериш билан Аржун "Кришна - моддий табиат гуналари таъсири остидаги оддий одам" деб хисоблайдиган иблисларнинг, атеистларнинг гаплари ёлғон эканини Унинг Ўзи тасдиқлашини истаяпти.

##### 5. иши бхагаван увача

бахуни ме вийатитани джсанмани тава чарджуна  
тани аҳам веда сарвани на твам веттха парантата

**Худои Таоло шундай деди: Сен ҳам, Мен ҳам жуда қўп марта туғилганимиз. Шу туғилишларнинг ҳаммаси Менинг эсимда, лекин сен уларнинг бирортасини ҳам эслай олмайсан, эй душманлар ғолиби.**

Изоҳ: "Брахма-Самхита"да(5.33)      Худонинг      сон-саноқсиз қиёфалари ҳакида айтилган:

*адвайтам ачйутам анадим ананта-рупам  
адйам пурана-пурушам нава-йауванам ча  
ведешу дурлабхам адурлабхам атма-бхактау  
говиндам ади турушам там ахам бхаджами*

"Мен азалий мангу Говинда(Кришна)га, мутлақ, бегуноҳ ҳамда бошланиши ва охири бўлмаган Худои Таолога сажда қиласман. Сонсаноқсиз қиёфаларга кириб ҳам, Парвардигор барибир ўша азалий, энг қадими, энг навқирон шахслигича қолаверади. Парвардигорнинг мангу, илм ва лаззатга тўла сон-саноқсиз қиёфалари ҳатто Ведаларни муқаммал биладиган билимдонлар учун ҳам жумбоқ бўлиб қолаверади, аммо ўз ихтиёрини бутунлай Худога топширган Худонинг содик хизматкорлари ҳамиша уларни бемалол кўра оладилар".

"Брахма-самҳита" да шундай дейилган(5.39)

*рамади-муртишу кала-нийамена тишитхан  
нанаватарам акарад бхуванешу кинту  
кришинаҳ свайам самабхават парамаҳ пуманио  
говиндам ади турушам там ахам бхаджами*

"Мен Парвардигор Говиндага(Кришнага) сажда қиласман. У ўзгармаган ҳолда, Рама, Нрисимха сингари турли хил тўлик қиёфаларда ва кўплаб тўлик бўлмаган қиёфаларда Ўзини намоён этади, айни пайтда ҳамиша азалий Худо Шахси бўлиб қолаверади, баъзан бу оламга Ўзининг мангу азалий қиёфаси - Кришна кўринишида ҳам келади".

Ведаларда ҳам, гарчи Худои Таоло ягона бўлса ҳам, Ўзини турли қиёфаларда намоён этади, деб айтилган. У худди ҳамма вақт ўзининг рангини ўзгаририб турадиган, лекин ҳамиша ягона тошлигича қоладиган сеҳрли *войдурйа* тошига ўҳшайди. Парвардигорнинг сонсаноқсиз, турли кўринишдаги қиёфаларини факат Ведаларни ўрганиш билан чекланиб қоладиган файласуфлар(*ведешу дурлабхам адурлабхам атма-бхактау*) эмас, балки Унга чексиз содик бўлган хизматкорларгина англай оладилар. Аржун сингари содиклар Худои Таолонинг мангу ҳамроҳларидир: ҳар гал, Парвардигор Ўзини моддий оламда намоён этганида, Унга қандайдир йўл билан хизмат қилиш учун улар Худои Таоло билан бирга келадилар. Аржун - ана шундай хизматкорлардан бири, бу шеърдан биз билиб оламизки, миллион ийллар илгари Парвардигор Кришна "Бҳагавад-гита"ни Қуёш худосига ўргатган, Аржун ҳам, бошка қиёфада Унинг ёнида бўлган. Аммо, Кришна билан Аржуннинг бир-биридан фарқи шундаки, Парвардигор Кришнанинг ҳамма нарса эсида, Аржун эса ҳамма нарсани унугтиб юборган. Мана шу сифати Парвардигорни Унинг ажралмас алоҳида заррачалари бўлган барча тирик мавжудотлардан ажратиб туради. Гарчи Аржун бу ерда "буюк қаҳрамон", "душманлар голиби" деб аталган бўлса ҳам, у ўзининг олдинги ҳаётларини эслай олмайди. Бошқача қилиб айтганда, алоҳида тирик мавжудотлар моддий жиҳатдан қанчалик буюк бўлмасин, хеч қачон Худои Таолога тенгглаша олмайдилар. "Брахма-

самхита"да Парвардигор "бегунох", *ачйута* деб аталган; демак, У ҳатто моддий оламга ташриф буорганида ҳам Ўзининг асл ҳолатини эсидан чикармайди, аксинча оддий тирик мавжудотлар эса, моддий унсурлар билан аралашиб, ўзининг аввалги ҳаётларини унугтиб юборади. Шунинг учун, ҳатто тирик мавжудот Аржун сингари озодликка эришган буюк зот бўлса ҳам, Худои Таолога тенг бўлмайди. Гарчи Аржун Худонинг содик хизматкори бўлса ҳам, баъзида у Худои Таолонинг улуғвор ҳолатини эсидан чикариб қўяди. Лекин, Худонинг марҳамати билан солиҳ инсон бир лаҳзада Худои Таолонинг буюк, бегуноҳ эканини англаб олади, аксинча, содик бўлмаганлар, яни атеист, иблислар Унинг илохий табиатини ҳеч қачон англай олмайдилар. Шу сабабли, иблисларга хос фикрлайдиган одамлар "Бҳагавад-гита"нинг мазкур шеърини, унинг бошқа шеъларининг мазмунини тушина олмайдилар. Кришна миллион йиллар аввал нима иш қилганини билади, Аржун эса, гарчи табиатан иккови ҳам мангут мавжуд бўлсалар ҳам, ҳеч нарса эслай олмайди. Яна шуни айтиш лозимки, тирик мавжудотлар ҳамма нарсани унугтиб юборадилар, чунки улар таналарини алмаштиришга мажбур, Парвардигор эса, ҳеч нарсани унумайди, чунки Унинг танаси *сач-чид-ананда*, мангут ва ўзгармас. У *адвайта*: Унинг танаси ва Ўзининг орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. У билан қандайдир муносабат билан боғланган нарсалар ҳам руҳий табиатга эга бўлади. Аммо, тирик мавжудотнинг танаси моддий ва унинг ўзидан фарқ қиласди. Парвардигорнинг руҳий танаси Ўзидан фарқ қилмаганлиги сабабли, ҳатто моддий оламга ташриф буорганида ҳам, У шартланган руҳлардан фарқ қиласдиган Ўзининг илохий ҳолатини саклаб қолаверади. Иблиссифат одамлар кейинги шеърда ёзилганидай, ҳатто Парвардигорнинг Ўзи таърифласа ҳам, Худои Таолонинг илохий ҳолатини англай олмайдилар.

*6. аджсо "ни санн авийайатма бхутанам ишваро "ни санн  
пракритим свам адхиитхайа самбхавамй атма-майайа*

**Гарчи Мен туғилмайдиган, илохий танам ўзгармас Зот бўлсам ҳам, гарчи Мен - барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдори бўлсам ҳам, ички қувватим ёрдамида ҳар замон(эпоха)да бу оламда азалий руҳий қиёфамда намоён бўламан.**

Изоҳ: Бу ерда Парвардигор Ўзининг бу моддий дунёга келишининг алоҳида хусусияти ҳақида гапиради: худди оддий одамларга ўхшаб туғилса ҳам, У барибир аввалги "туғилиш"ларида Ўзининг қилган ҳамма ишларини эслаб қолади, аксинча алоҳида тирик мавжудотлар, ҳатто бир неча соат илгари нима билан машғул бўлганини эслай олмайдилар. Агар бирор биздан кеча шу маҳалда нима иш қилганимизни сўраса, дарров жавоб беришга кийналамиз. Оддий одам кеча шу пайт-

да нима иш қилганини эслаш учун анча ўйланиши керак бўлади. Шунга қарамай ўзларини “худо” ёки “Кришна” деб эълон қиласидан одамлар учраб туради. Шундай нодонларнинг бемаъни даъволари бизни йўлдан адаштирмаслиги керак.

Бу ерда Парвардигор Ўзининг *пракрити* қиёфаси ҳакида ҳам гапиради. *Пракрити* ибораси “табиат” ёки “алоҳида шакли” сифатида таржима қилиниши мумкин. Парвардигор бу дунёга Ўзининг азалий қиёфасида келишини айтятди. У оддий тирик мавжудотларга ўхшаб танасини алмаштиромайди. Алоҳида тирик мавжудотнинг ҳозирги ҳаётида бир танаси бўлса, кейинги ҳаётида у бошқа танага эга бўлади. Моддий оламда тирик мавжудотнинг мангу танаси йўқ: у ҳамиша бир танадан иккинчи танага ўтиб юришга мажбур. Лекин Парвардигор бунга маҳкум эмас. Ҳар гал У моддий оламда пайдо бўлганида Ўзининг азалий қиёфасида ташриф буоради ва буни У ички қувватининг кучи билан амалга оширади. Бошқача қилиб айтганда, Кришна бу оламга қўлида най ушлаб турган икки қўллик қиёфасида келади. У моддий оламга модда билан булғанмайдиган Ўзининг мангу танасида ташриф буоради. Аммо, гарчи Парвардигор моддий оламга руҳий танада келса ҳам, ташқаридан қараганда У ҳам худди оддий одамлар сингари дунёга келадигандай кўринади. Гарчи Парвардигор Кришнанинг ўзгармас, руҳий танаси, моддий танага ўхшамаса ҳам, ўсаётгандай бўлади: аввал ёш бола, кейин ўсмир, кейин йигит бўлади. Лекин шуниси хайратланарлики, у ҳамиша ёш йигит бўлиб қолаверади. Курукшетрада жанг бошланаётган пайтга келиб Кришнанинг жуда кўп неваралари бор эди, бошқача қилиб айтганда, дунёвий тасаввурларга кўра у аллакачон кексайган чол бўлиши керак эди. Шунга қарамай У йигирма-йигирма беш ёшлар атрофидаги ёш йигитлардай кўринарди. Биз ҳеч қачон Кришнанинг кексайган холати тасвирланган суратни кўрмаганмиз, чунки, бизлардан фарқли равишда У ҳамиша - ўтмишда, ҳозир ва келажакда мавжуд бўлган, энг кекса мавжудот бўлса ҳам, ҳеч қачон қаримайди. Унинг танаси ва тафаккури қаримайди ҳам, ўзгармайди ҳам. Нима сабабдан, моддий оламга кела туриб ҳам, Парвардигор тугилмас бўлиб қолаверишини, нимага Унинг тафаккури, илм ва лаззатга тўлган мангу илоҳий танаси ўзгармас, деб аталишини шундан тушуниб оламиз.

Парвардигорнинг пайдо бўлиши ва яна қайтиб кетиши, худди эрталаб келиб, бироз биз билан бўлиб, яна ботиб кетадиган Қўёшнинг харакатига ўхшайди. Қўёш кўздан йўқолганида биз уни "ботди", деб ўйлаймиз, у яна кўз олдимизда пайдо бўлганда "куёш чиқди", деб хисоблаймиз. Аслида куёш ҳамиша осмонда колаверади, лекин бизнинг сезги аъзоларимиз мукаммал бўлмагани сабабли, биз қуёш - гоҳ пайдо бўлади, гоҳида йўқолади, деб ўйлаймиз. Парвардигор Кришнанинг келиши, кетиши оддий тирик мавжудотларнинг тугилиши ва ўлишига ўхшамайди. Ички қувватининг қудрати билан У ҳамиша ман-

гу, илм ва лаззатга тўла бўлиб қолаверади ва моддийлик иллати Унга таъсир қилмайди. Ведаларда айтилганки, гарчи Худои Таоло туғилмас бўлса ҳам, У худди, ҳар хил қиёфаларда туғилаётгандай бўлиб кўринади. Ведаларни тўлдирувчи муқаддас китобларда ёзилганки, Парвардигор ҳатто моддий оламда пайдо бўлиб ҳам, танасини алмаштирмайди. "Шrimad Бҳагаватам"дан биз биламизки, У онасининг олдидা барча мукаммалликларга эга бўлган тўрт кўллик Нарайана қиёфасида пайдо бўлди. Моддий оламга Ўзининг азалий, мангу қиёфасида кела туриб, Худои Таоло тирик мавжудотларга Ўзининг энг буюк, бесабаб марҳаматини кўрсатади: Унинг марҳаматининг шарофати билан содиклар ўзларининг фикру-ҳаёлини, имперсоналистларнинг ўзлари ўйлаб чиқарган қандайдир мавхум қиёфаларда эмас, Парвардигорнинг ҳақиқий қиёфасида мужассам қила оладилар. "Вишва-коша" лугатига асосан, *майа*, ёки *аттма-майа* сўзи Парвардигорнинг бесабаб марҳаматини ифодалаши мумкин. Парвардигор Ўзининг аввалги барча келиб-кетишиларини эсида сақлайди, оддий тирик мавжудот эса, янги тана олгандан кейин, йўзининг аввалги ҳаётини дарров эсидан чиқариб юборади. Парвардигор барча тирик мавжудотларнинг Ҳукмдоридир, чунки Ер юзига келганида, У ҳар хил файритабии мўъжизаларни, ка-роматларни намоён этади. Шундай килиб, Парвардигор ҳамиша ўзгармас Мутлақ Ҳақиқат бўлиб қолаверади, Унинг танаси ва Ўзи орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Шундай савол туғилиши мумкин: Нима сабабдан Парвардигор бу оламга келиб-кетади? Бунга жавоб кейинги шеърда берилган.

*7. йада йада хи дхармасай гланир бхавати бхаратат  
абхўйтханам адхармасай тадатманам сриджсамай ахам*

**Ҳар гал, дин қонунлари таназзулга юз тутиб, жаҳонда худосизлик ҳукм суро бошлаганда, Мен Ўзимни бу дунёда намоён қиласман, эй Бхарата авлоди.**

Изоҳ: Бу ерда *сриджсами*, яъни "намоён қиласман" ибораси муҳим аҳамиятга эга. У "яратаман" деган маънони англатиши мумкин эмас, чунки аввалги шеърдан биламизки, Парвардигорнинг танаси ҳеч қачон яратилган эмас. Унинг барча қиёфалари мангу мавжуд. Шунинг учун, *сриджсами* ибораси Худои Таоло Ўзининг ҳақиқий қиёфасини намоён қилишини ифодалайди. Гарчи Парвардигор моддий оламга маълум вақтда келса ҳам, (Браҳманинг ҳар бир кунида, еттинчи Манунинг ҳукмронлик давридаги йигирма саккизинчи замоннинг Двапара-югаси охирида), У бу белгиланган вақтга аниқ амал қилиши шарт эмас, чунки у ҳамиша Ўзининг хоҳиши-иродаси билан иш кўради. Ҳар гал моддий оламда ҳақиқий дин қонунлари поймол этилиб, худосизлик тантана кила бошлаганида, У Ўз хоҳиши билан моддий оламга келади.

Ҳақиқий дин қонунлари Ведаларда, мұқаддас китобларда нозил килинган, шу қонунларни бузиш билан одамлар худосизларга айланадылар. "Шримад Құтапхана"да айттылғанкі, дин қонунлари - Худонинг қонунларидир ва уларни факат Худои Таолонинг Ўзи ўрната олади. Мәдениет, Ведалар илмини, аввал бошда Худои Таолонинг Ўзи Браҳманинг қалбіда туриб, Браҳмага ўргаттган. Шундай қилиб, ҳақиқий дин, ғарма қонунлари - бевосита Худо Шахсининг күрсатмаларидир (ғармам ту сакиад құтапхана-пранитам). Уларнинг ҳаммаси "Бхагавад-гита"да аниқ-равшан баён этилған.

Ведаларнинг мақсади - Худои Таолонинг амри билан ҳақиқий дин қонунларини ўрнатылышдан иборат. "Бхагавад-гита"нинг якунида Парвардигор түғридан-түғри айтадыки: "Ҳақиқий диннинг энг олий қонуни ҳамма нарсалардан юз ўтириб, ўз ихтиёрини Худои Таолога бутунлай топширишдір". Ведаларнинг күрсатмалари инсонни Худои Таолога таваккал қилишга ундаиди, иблислар шу қонунни буза бошлағанида Парвардигорнинг Ўзи моддий оламга ташриф буюради. "Шримад Құтапхана"дан биз биламизки, Кришнанинг намоён бўлган қиёфаларидан бири - Худованд Будда ер юзига материализмнинг энг ривожланган пайтида келган, шу пайтда одамлар ўзларининг гунохларини, зулм ва зўравонлигини Ведаларнинг күрсатмаларига асосланиб оқлай бошлаган эдилар. Гарчи Ведалар ҳайвонларни қурбонлик қилишни қатый чеклаб қўйган бўлса ҳам, ўша пайтларда иблисона дунёвий тасаввурларга асосланган одамлар, Ведаларнинг күрсатмаларига зид равишда кўплаб ҳайвонларни қурбон қила бошлагандилар. Худованд Будда ана шу худосизликни, қонунбузарликни бартараф этиш, ведалар таълимоти асосида зулм қилмаслик қонуни ўрнатиш учун келди. Худои Таолонинг ҳар бир аватараси(намоён бўлган қиёфаси) моддий оламга маълум бир мақсад билан келади ва ана шу аватараларнинг барчаси шастраларда кўрсатилган. Демак, шастраларда кўрсатилмаган тирик мавжудотни Худонинг аватараси деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Парвардигор факат Ҳиндистонда Ўзини намоён қиласи, деб ўйламаслик керак. У хоҳлаган жойида, хоҳлаган пайтида намоён бўлиши мумкин. Парвардигорнинг ҳар бир аватараси одамларнинг яшаш шароитига, онгининг ривожланиш даражасига қараб, дин қонунлари ҳақида улар тушуна оладиган, қабул қила оладиган даражадагина илм бериб кетади. Аммо Парвардигорнинг барча аватараларининг мақсади битта: одамларни ҳақиқий дин қонунларига амал қилиб яшашга ундаш ва Худони англаб этишларида уларга ёрдам бериш. Баъзан Худои Таолонинг Шахсан Ўзи моддий оламга келади, баъзан эса, ўғли ёки хизматкори сифатида Ўз вакилларини юборади, баъзида яширин аватара бўлиб келади.

Парвардигор "Бхагавад-гита"ни Аржунга, айни пайтда бошқа буюк рухларга ўргатди, чунки Аржун ўзининг ривожланган онги билан

жаҳоннинг бошқа жойларидаги барча тирик мавжудотлардан анча устун туради. Иккига иккени қўшсак, бошланғич мактабда ҳам, олий илим масканида ҳам тўрт бўлади. Лекин, арифметикадан устунроқ турдиган олий математика ҳам бор. Худди шунга ўхшаб, Худои Таолонинг ҳар хил аватаралари одамларни ягона қонун ва кўрсатмаларга ўргатади, лекин шароитга, замонга, маконга қараб бу кўрсатмалар ташки кўринишидан, шаклан бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Олий дин қонунлари инсонлар жамиятини тўрт табака ва тўрт ашрамга бўлишдан бошланади, бу ҳақда кейинги шеърларда айтилади. Парвардигорнинг барча киёфаларининг келишидан мақсад - жаҳонда одамлар орасида Кришна онгини тарғибот қилишдан иборат. Ана шу илоҳий онг шароитга қараб, жамият ҳаётида баъзан намоён бўлган, баъзида намоён бўлмаган ҳолатда мавжуд бўлади.

*8. паритранайа садхунам винашайа ча душкритам  
дхарма-самстхапанартхайа самбхавами йуге йуге*

**Иймонли, тақводор инсонларни мусибатлардан озод қилиш ва худосиз золимларни яксон қилиш учун, шунингдек, дин қонунларини ўрнатиш учун Мен бу ерга ҳар даврда келиб турман.**

Изоҳ: "Бҳагавад-гита" таълимотига асосан, *садху* (тақводор, авлиё одам) - Кришнани, Худони англаб етган одамдир. Тўла Кришна онгидаги бўлган кишини, ҳатто у ташқаридан караганда жуда тақводор бўлиб кўринмаса ҳам, *садху*, (*авлиё*, мусулмон) одам деб ҳисоблаш керак. *Душкритам* сўзи эса, Кришнани англаш билан қизикмайдиган, Худони тан олмайдиган кишилар, яъни кофирлардир. Агар шундай нопок одамлар ҳатто жуда билимдон, зиёли бўлсалар ҳам, барибир нодон ва одамлар ичida энг пасткаши бўлиб қолаверадилар. Аксинча, Кришнани, Худони англаб, ҳаётда Кришна онги билан кун кечириб юрган киши эса, ташқаридан унчалик маданиятли ва зиёли бўлиб кўринмаса ҳам, садху, авлиё, тақводор одам ҳисобланади. Худосизларга келсан, уларни яксон қилиш учун, Раван ва Камсани ўлдиргани сингари, Худои Таолонинг Ўзи Ерга келишининг хожати йўқ. Бундай ишларни амалга оширишга кодир бўлган Унинг қудратли ёрдамчилари кўп. Парвардигор ер юзига биринчи навбатда, иблисларнинг тазийки остида ҳаловат тополмай, ташвишда юрган содик хизматкорларига ёрдам бериш учун келади. Иблислар одатда ҳатто ўз қариндошлари бўлса ҳам, тақводорларни таъкиб қилиб, безовта қилиб юрадилар. Масалан, Прахлад Махараж Хирањкашипунинг ўғли бўлса ҳам, иблис отасидан шунча қийинчилклар кўрган. Кришнанинг онаси Деваки, Камсанинг синглиси эди, аммо шунга қарамай, Камса синглисини эри Васу-дева билан бирга зинданбанд қилиб кўйди, чунки Кришна уларнинг

ўғли бўлиб туғилиши лозим эди. Гарчи Парвардигор Кришна бир вақтнинг ўзида ҳар икки ишни ҳам амалга оширган бўлса ҳам, биринчи навбатда бу дунёга иблис Камсани ўлдириш учун эмас, Девакини кутгариш учун келганди. Шунинг учун, бу ерда Парвардигор моддий оламга ҳар хил киёфаларда тақвадорларни химоя килиш ва иблисларни яксон қилиш учун келади, дейилган.

"Чайтанай-чаритамрита"да (Мадхя,20.263-264) Кришнадас Кавираж Худои Таолонинг аватараларини шундай таърифлайди:

*сришти-хету йеи мурти прапанче аватаре  
сеи шивара-мурти "аватара" нама дхаре  
майатита паравайоме сабара авастхана  
вишиве аватари" дхаре "аватара" нама*

"Моддий оламда Ўзини намоён қилиш учун Парвардигор Ўзининг руҳий даргоҳидан тушади. Парвардигорнинг моддий оламда пайдо бўладиган кўринишини Унинг қиёфаси, аватараси деб атайдилар. Бу аватараларнинг барчаси руҳий оламда, Худонинг даргоҳида азалдан мавжуд ва моддий оламга келганида, уларни аватаралар деб атайдилар".

Аватараларнинг ҳар хил турлари мавжуд: *пуруша-аватара, гуна-аватара, лила-аватара, шактиавеша-аватара, манвантара-аватара ва юга-аватаралар*. Уларнинг ҳаммаси коинотнинг турли сайёralарида аниқ белгиланган вақтда пайдо бўладилар. Аммо Парвардигор Кришна азалий Худо Шахси, - барча аватараларнинг манбаидир. Шри Кришна моддий оламга Парвардигорнинг жамолини ва Унинг Вриндавандаги тенгиз эрмакларини кўришни истаётган соф содикларини кувонтириш учун келади. Демак, Кришнанинг аватараларининг бу дунёга келишининг асосий мақсади - соф содикларнинг истакларини бажаришдан иборат.

Худои Таоло: "Моддий оламга ҳар замонда келиб тураман", деб айтепти. Демак, у Кали даврида ҳам намоён бўлади. "Шримад Бҳагаватам"да айтилиши бўйича, Кали-югада Парвардигор ер юзига Шри Чайтанья Махапрабху қиёфасида келади. Парвардигор Чайтанай одамларга санкиртана(Худонинг муқаддас номларини биргаликда кўйлаш) усулини бериб, уларни Худога, Кришнага сифинишга даъват килган, Ўзи бутун Ҳиндистон бўйлаб Кришнани англаш илмини тарғибот қилди. Унинг Ўзи - санкиртана харакатининг шаҳардан шаҳарга, қишлоқдан қишлоқка ўтиб, бутун ер юзига таралишини ба-шорат килиб кетган. Кришнанинг аватараси, Парвардигор Чайтанай қиёфасида келадиган Худо Шахси Упанишада, "Шримад Бҳагаватам", "Махобҳорат" сингари муқаддас китобларнинг энг сирли жойларида, очиқдан-очиқ эмас, балки ўхшатишлар орқали ишора қилиб кўрсатиб ўтилган. Парвардигор Чайтанайнинг санкиртана харакати Кришнанинг барча содикларини ўзига жалб этади. Парвардигорнинг бу аватараси

иблисларни ўлдирмайди, аксинча, уларни Ўзининг бесабаб марҳамати билан руҳий озодликка чикаради.

*9. джанма карма ча ме дивйам эвам ѹо ветти таттваматай  
тиактва дехам пунар джанма найти мам эти со "рджсона*

**Менинг бу дунёга келишим ва қўрсатган кароматларимнинг илохий табиатини англаб етган киши бошқа ҳеч қачон моддий оламда туғилмайди. Танасини тарқ этгандан кейин, у Менинг мангу даргоҳимга қайтиб келади, о Аржун.**

Изоҳ: Олтинчи шеърда Парвардигор Ўзининг даргоҳидан моддий оламга қандай ташриф буюриши таърифланган эди. Унинг намоён бўлишининг ҳақиқий табиатини англаб етган киши моддий олам тутқунлигидан озодликка чиккан хисобланади. Шу сабабли у ҳозирги моддий танасини тарқ этгандан кейин Худонинг мангу даргоҳига қайтиб боради. Моддий олам тутқунлигидан халос бўлиш жуда мушкул. Имперсоналист ва йоглар қаттиқ риёзат ва машаққатлар эвазига, шунда ҳам жуда кўп умрлардан кейин озодликка эришадилар. Ҳатто уларнинг Парвардигорнинг брахмаджистоти нурига ғарк бўлиб, эришадиган озодлигини ҳам тўла озодлик деб бўлмайди, чунки бунда уларда яна моддий оламга қайтиб келиши эҳтимоли сақланниб қолади. Лекин, Парвардигорнинг руҳий танасининг ва қўрсатган кароматларининг илохий табиатини англаб етган содиқ, ҳозирги танасини тарқ этгандан кейин, Худонинг даргоҳига эришади ва бошқа ҳеч қачон моддий оламга қайтиб

келмайди. "Брахма-самхита"да (5.33) айтилганки, Худои Таолонинг ҳар хил экспансиялари ва аватаралари мавжуд: *адваитам ачайтам анадим ананта-рупам*. Аммо, Парвардигорнинг жуда кўп илохий киёфалари бўлишига қарамай, уларнинг барчаси ягона Олий Шахс-Худонинг Ўзидир. Бу ҳақиқатни дунёвий олим ва файласуфлар англай олмайдилар. Лекин, содиқлар буни тўла англаб олишлари лозим. Ведаларда(Пуруша-бодхини-упанишад) шундай дейилган:

*эко дево нитиа-лилануракто бхакта-вийати хриди антар-атма*  
"Ягона Парвардигор ҳар хил илохий киёфаларга кириб, Ўзининг соғ содиқлари билан мулоқотда бўлади, уларнинг ўзаро муносабатлари мангу давом этади". Бу ҳақиқатни Худои Таолонинг Ўзи "Бҳагавад-гита"нинг мазкур шеърида тасдиқлаб турибди. Худонинг Олий Шахсининг ва Ведаларнинг обрўсига ишониб, мана шу ҳақиқатни тан олган, ҳар хил фалсафий изланишларга вактини кетказиб ўтиrmайдиган киши моддий олам тутқунлигидан халос бўлади ва ҳаётда камолотнинг энг олий чўққисига эришади. Руҳий озодликка чиқиш учун шу ҳақиқатга ишонишнинг ўзи кифоя. Айнан мана шу ҳақиқат - ведалардаги *тат твам аси* ("Сен - Ўшасан") деган афоризмнинг ҳақиқий

мъяносини очиб беради. Парвардигор Кришна - ягона Худои Таоло эканини англаб етган ва Унга мурожаат қилиб: "Сен - Ўша, мен сиғиниб юрган ягона Мутлак Ҳақиқат, Олий Брахман, Худонинг Олий Шахсисан!" - деб чукур иймон билан айта олган киши тез орада озодликка эришади ва келажакда шубҳасиз Парвардигор билан илоҳий мулокотда бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ана шундай чукур иймонга эга бўлган Худонинг содик хизматкори ҳаётда камолотга эришади. Бу ҳақиқат ведаларда ҳам тасдиқланган. (Шветашватара-упанишад.3.8)

*там эва видитвати мриттум эти  
наниаҳ пантха видийате "йанайа*

"Туғилиб ўлишлар чархпалагидан бутунлай ва биратўла озод бўлиш учун Худони, Худо Шахсини англаб етиш лозим. Камолотга эришишнинг бошқа йўли йўқ". "Бошқа йўли йўқ" деган гапни қуйидагича тушуниш лозим: агар одам Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини англаб етмаса, у шубҳасиз ғафлат гунаси таъсири остида бўлади, шу сабабли, ўзининг дунёвий билимига ишониб, "Бҳагавад-гита"нинг мъяносини тушуниб олишга қанчалик уринмасин, ҳеч қачон озодликка эриша олмайди. Уни асал солингган идишнинг сиртини ялаётган одамга ўхшатиш мумкин. Ундан билимдон файласуфлар бу ҳаётда, бу дунёда ўзига ўхшаганлар орасида катта обрўга, шон-шуҳратга эга бўлиши мумкин. Лекин бу унинг руҳий озодликка эришишига кафолот беролмайди. Ана шундай дунёвий сафсатабоз олимларнинг ягона умиди - Худонинг содик хизматкорининг бесабаб марҳаматига эришишдир. Шундай қилиб, ҳар бир одам ўзининг чукур ишончига, иймонига ва илмига таяниб, қалбида Кришна онгини ривожлантириши лозим, - шунда биз ҳаётда камолотга эришамиз.

#### 10. вита-рага-бхай-кродха ман-майа мам упаширитаҳ баҳаво джнана-тапаса пута мад-бҳавам агатаҳ

**Боғланишлардан, қўрқув ва ғазабдан озод бўлиб, ақлинни Менда мужассам қилиб, фақат Мендан нажот излаб, қадимда жуда кўп одамлар Менга эришганлар. Шу тарзда улар дунёвий иллатлардан покланганлар ва қалбида Менга нисбатан илоҳий мухабbat туйгусини уйғотганлар.**

Изоҳ: Аввал айтиб ўтилганидай, моддий нарсаларга қаттиқ боғланиб қолган одамнинг Олий Мутлак Ҳақиқатнинг шахсий аспектини англай олиши жуда қийин. Одатда ҳаёт ҳақида моддий тасаввурларга боғланиб қолган одамлар материализм ботқоғига шу қадар ботиб кетгандарки, амалда Худои Таоло шахс бўлиши мумкинлигини умуман тасаввур қила олмайдилар. Ундан материалистлар илм ва лаззатга тўла, мангу руҳий тана бўлиши мумкинлигини ҳатто тасаввурига сифдира олмайдилар. Моддий тана - ўткинчи, ғафлат ботқоғига ботган

ва чексиз азоб-уқубатларга маҳкум. Шунинг учун, Худои Таолонинг руҳий танага эга шахс эканини эшитиб, дунёвий одамлар Уни ўзларининг моддий танаси ҳақидаги тасаввурлари нуқтаи-назаридан тушунмоқчи бўладилар. Дунёвий одамлар учун Худои Таоло - чексиз моддий коинот, шунинг учун, улар Худои Таолони шахс эмас, деб ўйлайдилар. Уларнинг онги моддий нарсаларда мужассам бўлгани сабабли, “озодликка эришгандан кейин руҳ ўзининг алоҳида шахс сифатини саклаб қолади”, деган фикрнинг ўзи уларни даҳшатга солади. Улар руҳий оламда ҳам тирик мавжудотлар алоҳида шахслигича қолишини тасаввур килолмайдилар. Келажакда яна шахс бўлиб қолиш улар учун даҳшат, чунки улар шахссиз бўшлиққа қўшилиб кетишга интиладилар. Шундай одамлар одатда тирик мавжудотларни океан сувининг юзида баъзан пайдо бўлиб, яна йўқолиб кетадиган пуфакчаларга ўхшатадилар. Уларнинг фикрича, бўшлиқ, йўқлик - алоҳида шахс сифатида мавжуд бўлишдан халос бўлиб, эришиш мумкин бўлган руҳий мавжудликнинг энг олий даражасидир. Бундай таҳминлар қўркув оқибатида пайдо бўлган ва ҳақиқий руҳий мавжудлик ҳақидаги ҳеч қандай илмга асосланмаган. Кўпчилик одамлар умуман руҳий мавжудликнинг борлигига ишонмайдилар. Бир-бирига зид бўлган ҳар хил фалсафий қараш ва таълимотларнинг кўплигидан адашиб қолган шундай одамлар ғазаб ва аламидан, “мавжудликнинг олий сабаби мавжуд эмас, аслида ҳамма нарса шунчаки бўшлиқ, йўқликдир”, деган аҳмоқона хулосага келадилар. Ундай хулосага келадиган одамлар шунчаки ҳаётда адашиб, ҳафсаласи пир бўлган бемор, хаста инсонлардир. Шундай қилиб, баъзилар моддий нарсаларга қаттиқ боғланиб қолгани сабабли руҳий ҳаёт билан умуман қизиқмайдилар, бошқа бирловлар олий руҳий борлиққа қўшилиб кетишидан умид қиласидилар, яна бирловлар эса, сохта руҳий таълимотларнинг таъсиридан ҳафсаласи пир бўлиб, ҳеч нарсага ишонмай кўядилар ва ҳаётда ҳеч қандай умидсиз, мақсадсиз яшайдилар. Шундай одамлар маст қилувчи ичимликлардан ёки гиёхванд моддалардан најот топишга уринадилар, уларнинг таъсирида юзага келадиган галлюцинацияни, эйфорияни, ғалатни "ҳақиқий руҳий манзара" деб қабул қиласидилар. Бу моддий оламга боғланишнинг ҳар уч туридан ҳам халос бўлиш лозим: 1) руҳий ҳаётни тан олмаслик; 2) руҳий шахс бўлишдан қўркиш; 3) ҳаётдан совиганлик натижасида келиб чиқадиган бўшлиқ фалсафасига интилиш пайдо бўлиши. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурларнинг мана шу уч кўринишидан халос бўлиш учун одам Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш қоидаларига амал қилиб, ҳақиқий руҳий устознинг кўрсатмаларига риоя килган ҳолда, Худога ўз ихтиёрини бутунлай топшириши лозим. Худога холис хизмат қилишнинг энг олий поғонаси бхава, Худога нисбатан илоҳий муҳаббатdir. Худога садоқат билан хизмат қилиш илмининг асосий асари бўлган "Бхакти-расамриту синду"да шундай дейилган:

*адау шраддха татаҳ садху-санго "тҳа бхаджсана-крийа  
тато "нартха-нивриттиҳ сийат тато ништҳа ручис татаҳ  
атхасактис тато бхавас татаҳ премабхӯуданчати  
садхаканам айам премнаҳ прадурбхаве бхавет крамаҳ*

"Аввалига одамда ҳақиқий ўзликни англашга интилиш пайдо бўлиши керак. Шу интилиш уни юксак руҳий даражага эришган одамлар даврасини излашга ундейди. Кейин, бу йўлга энди кирган содик улуғвор руҳий устоздан фотиҳа олади, унинг кўрсатмаларига амал қилиб, Худога садоқат билан холис хизмат қила бошлайди. Руҳий устоз раҳбарлиги остида Худога хизмат қилиш билан машғул бўлиб, у барча моддий боғланишлардан ҳалос бўлади ва руҳий машғулотлар билан мунтазам шуғуллана бошлайди. Кейинроқ, содик Мутлақ Худо Шахси, Шри Кришна ҳақидаги ҳикояларни тинглаш лаззатини сеза бошлайди. Ана шу лаззат содикнинг қалбида Кришна онгига боғланишини ривожлантиришга ёрдам беради. Бу боғланиш кучайиб, бхавага, Худога илохий муҳаббатнинг бошланғич ҳолатига айланади. Худога бўлган ҳақиқий муҳаббат према деб аталади ва у инсон камолотининг энг олий чўққисидир. Прима поғонасида содик Худога илохий муҳаббат билан холис хизмат қилишда узлуксиз машғул бўлади. Шундай қилиб, Худога хизмат қилишининг бир поғонасидан иккинчи поғонасига кўтарилиб, ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида ҳаракат қилиб, барча моддий боғланишлардан, алоҳида руҳий шахс бўлишдан кўркишдан, руҳни бўшлик фалсафасидан нажот излашга мажбур эта-диган алам, ўқинч, пушаймонлик туйғуларидан ҳалос бўлади ва камолотнинг олий поғонасига эришади. Шунда у ниҳоят Худои Таолонинг даргоҳига кириш ҳуқуқига эга бўлади".

#### *11. йе йатха мам пратадйантे тамс татхайва бхаджсамӣ аҳам мама вартманувартанте манушийаҳ партҳа сарвашаҳ*

**Инсон қай даражада ўз ихтиёрини Менга топширса, шунга мос равища Мен унга Ўз марҳаматимни кўрсатаман. Ҳар бир одам ўзининг ҳар қандай фаолиятида ҳам Менинг йўлимдан юради, о Партҳа.**

Изоҳ: Худонинг ҳар хил кўринишларида ва намоён бўлган киёфаларида ҳар бир одам Кришнани излайди. Парвардигорнинг шахсиз нури - браҳмаджъотисини, ёки ҳар бир нарсада, ҳар бир атомда мавжуд бўлган Олий Рух қиёфасини англаб этиш билан Худонинг Олий Шахси - Кришнани қисман англаб олиш мумкин. Аммо, факат Худонинг соғ содик хизматкорларигина Кришнани тўлиқ англай оладилар. Шундай қилиб, Кришна - ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳаётда тинмай интилаётган, излаётган, аммо тополмай юрган орзуисидир, У ҳар кимнинг ниятига мос равища Ўзи билан турли муносабатда

бўлиш имконини беради. Руҳий оламда ҳам Кришна Ўзининг соф содикларининг илоҳий хиссиятларига мос равишда муомалада бўлади, содиклар Ундан қандай муносабат кутса, шундай муносабатда улар билан алоқа қиласди. Уларнинг бирорлари Кришнани олий ҳукмдор сифатида кўришни истайдилар, бошқалар якин дўсти сифатида, учинчи бирлари ўғли сифатида, тўртингчли бирлари - севгилиси сифатида. Худои Таоло уларнинг барчасини муҳаббатининг кучи ва самимийлиги, чуқурлигига мос равишда мукофотлайди. Ана шундай муносабатлар моддий оламда ҳам мавжуд.

Бу ерда Парвардигор Ўзига сифинаётган содикларининг хиссиятига, уларнинг сифиниши шаклларига мос равишда жавоб беради. Соф содиклар моддий оламда ҳам, руҳий оламда ҳам Худои Таоло билан бевосита шахсий муносабатда бўладилар, шунинг учун, чексиз илоҳий лаззат олиб, Унга муҳаббат ва садоқат билан шахсан хизмат қилиш имкониятига эга бўладилар. Ўзларининг шахс сифатидан қутулишни, шу билан ўзларига руҳий сүиқасд қилишга интилаётган имперсоналистларга эса, Кришна Ўзининг илоҳий нурига сингиб кетиши имконини бериб, уларнинг истакларини ҳам рўёбга чиқаради. Худо Шахсининг илм ва лаззатга тўла мангу руҳий танаси мавжудлигини тан олишни рад этиш, ўзларининг алоҳида шахс сифатини курбон қилиш билан имперсоналистлар Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишининг ширин лаззатидан баҳраманд бўлиш имкониятидан маҳрум бўладилар. Улар орасидаги, ҳатто ўзининг шахссиз нур ҳолатига ҳам тўлиқ ишончи бўлмаганлари эса, қалбининг тўрида мудраб ётган фаоллик истагини амалга ошириш учун яна моддий оламга қайтиб келадилар. Руҳий оламдаги бирор сайёргага эриша олмай, улар яна моддий оламда ҳаракат қилиш имкониятига эришадилар.

Меҳнатининг наижаларига интилиб юрган одамларни Парвардигор Ўзининг Ягъиевара қиёфасида, ведавий қонун-қоидалар асосида қандай ният билан курбонлик маросими ўтказгандарига караб мукофотлайди. Сехр курдатига эга бўлишга интилаётган йоглар ҳам эришган ҳар хил илоҳий курдатларини Худои Таолодан оладилар. Бошқача қилиб айтганда, ҳаётда ҳар бир одамнинг муваффаккияти Худонинг марҳаматига боғлиқ. Руҳий юксалиш йўлидаги усувларнинг барчаси - ягона йўлнинг ҳар хил босқичлари, холос. Шунинг учун, токи одам камолот йўлнинг энг олий поғонасига - Кришна онгига эришмагунча, бу йўлдаги интилишлари тутамайди. "Шримад Бҳагаватам"да (2.3.10.) шундай дейилган:

*акамаҳ- сарва-камо ва мокша-кама удар-дхих  
тиврена бхакти-йогена йаджеста пурушам парам*

"Инсон (Худонинг содик хизматкори сифатида) барча дунёвий истаклардан озодми, меҳнатининг наижаларидан лаззатланишни истайдими ёки озодликка интиляптими, у Худонинг Олий Шахсига бетиним

сигиниши лозим, чунки фақат шу билангина Кришна онгига эришиш мүмкін".

*12. канкишантаң карманам сиддхим йаджсанта иха деватах  
кишипрам хи мануше локе сиддхир бхавати карма-джса*

**Кармали фаолиятда зафар қозониш учун дунёвий одамлар фаришталарга сигинадилар, албатта, қылған меңнатлари өзазига улар дарров мүкофот оладилар.**

Изоҳ: Фаришталарнинг моддий оламдаги вазифалари тўғрисида одамлар умуман нотўғри тасаввурга эга: ўзларини муқаддас китобларнинг билимдонлари деб ўйлайдиган гоғил одамлар фаришталарни Худои Таолонинг намоён бўлган киёфалари деб биладилар. Аслида фаришталар - Худонинг намоён бўлган киёфалари эмас, балки Унинг ажралмас бўлаклари, зарраларидир. Худо бир, лекин Унинг зарралари сон-саноқсиз. Ведаларда айтилганки, *нитийо нитийанам* - Худо бир. *Ишвараҳ парамах кришинаҳ*. Худои Таоло бир, У - Кришна. Моддий оламни бошқариш учун фаришталарни илохий курдат билан таъминлаб турган Зот - шу ягона Парвардигор, Кришнадир. Фаришталарнинг барчаси - оддий тирик мавжудотлардир(*нитийанам*), уларга ҳар хил дараражада моддий курдат ато этилган. Улар ҳеч қачон Худои Таолога - Нараянага, Вишнуга яъни Кришнага тенг бўла олмайдилар. Ягона Худои Таоло ва фаришталар бир-бирига тенг, деб ҳисоблайдиган одамлар *пашанди* - атеистлар деб аталади. Ягона Парвардигор, Худои Таоло билан ҳатто Брахма, Шива сингари буюк фаришталарни ҳам тенглаштириб бўлмайди. Бунинг устига Браҳма ва Шива ҳам шу ягона Парвардигорга сигинадилар (*шива-виринчи-нутам*). Лекин шунга қарамай, одамларнинг аксарият кўпчилиги, аҳмоқларча антроморфизмга ўҳшаган нотўғри ғояларга асосланиб, фаришталарга ёки жамиятнинг вақтингчалик йўлбошчиларига сигинадилар.

*Иха деватиҳ* ибораси моддий оламдаги қурдатли одамларни ёки фаришталарни ифодалайди. Лекин Нараяна(Вишну), ёки Кришна, Худонинг Олий Шахси моддий оламга мансуб эмас. Бутунлай рухий Зот бўлган ҳолда У моддий оламдан ташқарида. Ҳатто, имперсоналистларнинг сардори бўлган буюк ачария Шримпада Шанкарачарийанинг ўзи ҳам, "Нараяна (Кришна) - моддий оламдан эмас", деб айтган. Шунга қарамай нодонлар (*христа-джнана*) ўткинчи мүкофотларга, арзимас натижаларга эришиш учун фаришталарга сигинадилар. Бундай натижаларнинг ўткинчи эканини, уларга фақат узоқни кўра билмайдиган бефаросат одамларгина интилишини англамай, гоғил одамлар шу натижаларга эришадилар. Ҳақиқий чуқур тафаккуррга эга одам - Кришна ни англаб етган, ягона Парвардигор Кришна онгига бўлган инсондир. Уни ўткинчи нарсалар кизиктирмайди, шундай нарсаларга интилиб,

хеч качон ўзи сингари ўлимга маҳкум бўлган фаришталарга сигиниб юрмайди. Бу оламдаги фаришталар, ўзларига сигиниб юрган одамлари билан бирга охир-замон пайтида ҳалокатга маҳкумдирлар. Одамларнинг фаришталардан оладиган мукофотлари эса ўткинчи, моддий ва вақтингчалик нарсалардир. Моддий олам ва унда яшайдиган барча тирик мавжудотлар, фаришталар ва уларга сигинадиганлар билан биргалиқда, худди денгиз сувининг устидаги пуфакчалардай гап. Лекин, барибир бу дунёда одамлар, худди ақлдан озгандай, бойлик, ер, оила ва ҳар хил қулайликлар истаб, ана шу ўткинчи нарсаларга эришиш ниятида тиним билмайдилар. Шу нарсаларга эришиш учун улар фаришталарга ёки ҳукмрон бўлиб турган одамларга сигинадилар. Агар одам бирор сиёсий арбоб олдида лаганбардорлик билан сигиниши эвазига қандайдир вазирлик мартабасига эришса, шуну ҳаётидаги энг катта ютуқ деб билади. Шу боис одамлар шундай арзимас нарсаларга эришиш ниятида бу оламнинг кудратли зотлари олдида сигиниб, албатта ўткинчи мақсадларига эришадилар. Ундан одамлар Кришнани англаш имми билан қизиқмайдилар, моддий ҳаёт билан боғлиқ бўлган азоб-уқубатлардан биратўла, узил-кесил қутулишни истамайдилар. Уларни ҳиссий лаззат келтирадиган нарсаларнинг жилваси ўзига маҳлиё этади, шуларга интилиб, фаришталар деб аталадиган қудратли зотларга сигинадилар. Бу шеърдан маълум бўладики, жуда оз одамлар Кришнани, Худони англаш йўли билан қизиқадилар. Одамларни кўпинча моддий, ўткинчи нарсалар қизиктиради, шунинг учун, улар бу дунёнинг қайсиидир бир қудратли зотига сигинишни афзал биладилар.

*13. чатур-варийам майа сриштам гуна-карма-вибхагашаҳ  
тасйа картарам ани мам видхи акартарам авийайам*

**Моддий табиатнинг уч гунаси ва улар билан боғлиқ фаолиятига қараб, Мен инсонлар жамиятини тўрт табақага бўлдим. Лекин, билиб қўй, гарчи бу тизимни Ўзим яратган бўлсанм ҳам, мангув ва ўзгармас бўлган ҳолда, Мен ҳеч қандай фаолиятга алоқадор эмасман.**

Изоҳ: Худои Таоло - бутун борлиқни яратувчи Зот. Ҳамма нарса Ундан чиқади, ҳамма нарсанинг мавжудлигини Унинг ўзи таъминлаб турари ва моддий олам емирилганда ҳамма нарса яна Унинг ўзига қайтиб боради. Демак, жамиятнинг тўрт табақасини яратган ҳам Унинг ўзи. Биринчи табақа - чукур тафаккурга эга, эзгулик гунасидаги одамлардир, улар браҳманлар деб аталадилар. Улардан кейин санскрит тилида *кшатрий* деб аталадиган ҳукмдорлар табақаси; улар эҳтирос гунаси таъсирида яшайдилар. *Вайшялар* деб аталадиган савдогарлар ва ер эгалари аралаш, эҳтирос ва гафлат гуналари таъсири остида яшайди. *Шудралар*, кора ишчилар эса, - гафлат гунаси таъсири остида

бўладилар. Аммо, гарчи Парвардигор Кришна бу тизимнинг яратувчи-си бўлса ҳам, Унинг ўзи бирор табақага мансуб эмас, чунки У моддий оламдаги оддий одамлар сингари шартланган рухларнинг бири эмас. Инсонлар жамияти ҳам, тирик жонзотлар сифатида бир турга мансуб бўлган бошқа ҳайвонлар жамиятидан фарқ килмайди, аммо, жамиятда уларни ҳайвоний ҳаётдан юқорироқ дараҷага кўтариш учун, Парвардигор инсонлар жамиятини юқорида санаб ўтилган тўрт табақага бўлди. Бу табакаларнинг вазифаси - одамларга аста-секин қалбида Кришна онгини ривожлантириш имкониятини беришдир. Одамнинг ҳаётда қандай иш билан машғул бўлишга интилиши - унинг кайси гуна таъсири остида яшаётгани билан аникланади. Ҳар хил гуналар таъсири остида яшаётган, турли хил одамларнинг сифатлари ва белгилари "Бҳагавад-гита"нинг ўн саккизинчи бобида баён этилган. Аммо, Кришна онгига бўлган киши ҳатто браҳманлардан ҳам устун туради. Гарчи ҳакикий браҳманлар жамиятда тутган ўрни, мартабасига мос равишда Брахман, Олий Мутлак Ҳакикат ҳакида мукаммал илмга эга бўлишлари лозим бўлса ҳам, уларнинг кўпчилиги Парвардигор Кришнанинг шахссиз қиёфаси ҳақидаги тушунчадан юқори кўтарила олмайдилар. Лекин Худо ҳақидаги илми, Брахманинг чекланган илмiga караганда чукур ва кенг бўлган одам, Худонинг Олий Шахсини, Парвардигор Шри Кришнани англаб ета олади ва шу тарзда Кришна онгига эга бўлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, шундай одам *вайшинав* бўлади. Кришнани англаш - Кришнанинг Рама, Нрисимха, Вараха сингари тўлиқ намоён бўлган киёфаларини ҳам англашни ўз ичига олади. Худди Кришнанинг Ўзи сингари, Худони, Кришнани англаб етган одам ҳам, жамиятдаги барча одамлардан, ҳар хил ижтимоий гурух, табақа ёки миллатлардан устун туради.

*14. на мам кармани лимпанти на ме карма-пхале сприха  
ити мам йо “бҳиджсанати кармабхир на са бадхӣате*

**Мен ҳеч қандай фаолиятга боғланиб қолмайман, унинг натижасига ҳам интилмайман. Ким мана шу ҳақиқатни англаб етса, у ҳам  
Мен сингари, ҳеч қачон қилган ишларининг оқибатига  
боғланмайди.**

Изоҳ: Моддий оламда шундай қонун бор: шоҳ ҳамиша хақ ва уни давлат қонунлари асосида айблаб бўлмайди. Худди шундай, Парвардигор ҳам, гарчи Ўзи бу оламни яратиб кўйган бўлса ҳам, ундағи бўлаётган жараёнлар таъсирига берилмайди. Моддий коинотни яратиб, Ўзи ундан четда туради. Шартланган тирик мавжудот эса, моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга интилаётгани сабабли, ўз фаолиятининг натижаларига, оқибатларига боғланиб қолади. Бирор корхонанинг эгаси корхона ишчиларининг яхши ёки ёмон харакатлари учун

жавоб бермайди, - ҳар ким қилган иши учун ўзи жавоб беради. Тирик мавжудотларни Худои Таоло эмас, ўзларининг ҳиссий лаззатланишга интилиши моддий фаолият билан машғул бўлишга мажбур этади. Ҳиссий лаззатланиш учун кўпроқ имкониятга эришиш мақсадида тирик мавжудотлар бу дунёда оғир меҳнат қиласидар, ўлгандан кейин жаннатда лаззатланишни орзу қиласидар. Аммо, ҳамиша Ўзига тўла бутун бўлган Парвардигорни жаннатдаги лаззатлар қизиқтирмайди. Жаннатдаги фаришталар - Унинг содик хизматкорларидир. Ҳўжайин ҳеч қачон ўзининг хизматкорлари интилиб, орзу қилиб юрган, пасткаш, майда лаззатларга интилмайди. Парвардигор дунёвий фаолиятга аралашмайди ва унинг оқибатларига жавоб бермайди. Худди шундай, гарчи ёмғирсиз ҳеч нарса ўсмаса ҳам, ёмғир ер юзидағи ўсимликларнинг ўсишига бевосита сабабчи бўлолмайди. Смрити-шастрада шундай дейилган:

*нимитта-матрам эвасау сриджйанам сарга-кармани  
прадхана-карани-бхута йато вай сриджай-шактайах*

"Парвардигор - моддий оламда мавжуд ҳамма нарсаларнинг пайдо бўлишининг олий сабабчисидир. Бевосита сабабчи эса - шу коинотларни яратувчи моддий табиатдир". Яралган мавжудотларнинг ҳар хил турлари мавжуд: фаришталар, одамлар, ҳайвонлар, ва уларнинг барчаси ўzlари аввал қилган яхши ёки ёмон ишлари оқибатига боғланган. Парвардигор эса, уларни фаолият учун зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминлаб, моддий табиат гуналари ёрдамида уларнинг фаолиятини тартибга солиб туради. Аммо Парвардигорнинг Ўзи тирик мавжудотларнинг аввал ёки хозир қилаётган ишларининг ҳеч бирига жавобгар бўлмайди. "Веданта-сурта"да(2.1.14) шундай дейилган: *вашнамай-наирхриние на сапекшатват* - Худои Таоло ҳеч кимга боғланиб қолмаган ва ҳаммага бир хил, баробар муносабатда бўлади. Қилаётган ишига ҳар бир тирик мавжудотнинг ўзи жавоб беради. Парвардигор факат уларнинг фаолияти учун зарур нарсаларни Ўзининг ташқи қуввати бўлган моддий табиат орқали етказиб беради. *Карма*(фаолият ва унинг оқибатлари) қонунларининг қандай ишлашини яхши билиб олган киши ўз фаолиятининг натижаларига боғланиб, адашиб қолмайди. Бошқача қилиб айтганда Парвардигорнинг илоҳий табиатини англаб етган ва Кришна онгига бўлган кишига карма қонунлари таъсир қилмайди. Аксинча, Худои Таолонинг илоҳий табиатини англаб етмайди, У ҳам оддий одамларга ўхшаб, Ўз меҳнатининг натижаларидан лаззатланишни истайди, деб ўйлайдиган одамлар, қилаётган ишларининг оқибатига боғланмай қололмайдилар. Лекин, олий Ҳакиқатни англаб етган киши, моддий тутқуниликдан озод бўлиб, Кришна онгига эга бўлади.

15. эвам джнатва критам карма пурваир ати мумукишубхиҳ  
куру кармаива тасмат твам пурваиҳ пурватарам критам

**Ўтган замонларда барча озод руҳлар Менинг илохий табиатим ҳақидаги илмга эга бўлганлар ва шу илм асосида ҳаёт кечирганлар. Сен ҳам улардан ўrnak олиб, ўз бурчингни бажариб яшашинг керак.**

Изоҳ: Одамларнинг икки тоифаси бор: бирлари моддий истаклар билан булғанган, бошқаларнинг қалби эса, моддий истаклардан пок. Кришнани англаш ҳар икки тоифадаги одамларга ҳам саодат келтиради. Моддий иллатга булғанган одамлар садоқатли хизмат қоидаларига амал қилиб аста-секин покланиш учун Кришнани англаш усулидан фойдаланишлари мумкин. Моддий иллатлардан покланган одамлар эса, одатда бошқаларга ўrnak бўлиш, шу билан уларга саодат келтириш учун ҳақиқий дин қоидаларига амал қилишда давом этадилар. Гофил, нодон одамлар, шунингдек Кришнани англашга энди киришган, тажрибасиз кишилар баъзан, руҳий юксалишга интилиб ҳар қандай моддий фаолиятни тарқ этишга интиладилар. Лекин Парвардигор, Аржуннинг жанг қилишдан бош тортиб, ўрмонга риёзат чекиш учун кетиш ниятини маъқулламайди. Ҳаётда тўғри яшашни ўрганиш керак. Кришна онгидаги қилинадиган фаолиятни бутунлай тарқ этиш ва хилватга бориб, ўзини тўла Худога эришган одам қилиб кўрсатиб, риёзатга берилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бундай иккюзламачиликдан Кришна учун садоқат билан холис хизмат қилиш устун туради. Бу ерда Парвардигор Аржунга Ўзининг қадимда ўтган Қуёш худосидан ўrnak олишни маслаҳат беряпти. Парвардигор Кришнанинг шундай содиклари бу ерда "озод руҳлар" деб аталган, чунки уларнинг барчаси Кришна буюрган вазифаларни сўзсиз амалга оширганлар.

*16. ким карма ким акармети кавайо “ни атра моҳитаҳ тат те карма правакийами йадж джнатва мокийасе “шуҳмат*

**Фаолият нима-ю, фаолиятсизлик нима эканини англашга уриниб, ҳатто чуқур тафаккурга эга одамлар ҳам қийналиб қоладилар. Ҳозир Мен сенга фаолият нима эканини тушунтириб бераман. Бу илмга эга бўлиб, сен ҳаётда ўзингни барча мусибатлардан асрай оласан.**

Изоҳ: Кришна онги билан ҳаракат қилиш учун аввал ўтган буюк содиклардан ўрнак олиш керак. Бундай маслаҳат ўн бешинчи шеърда берилган эди. Нима учун мустақил ҳолда ҳаракат қилмаслик кераклиги кейинги шеърда тушунтирилади.

Бу бобнинг бошида айтилганидай, Кришна онгидаги фаолият билан руҳий устозлар силсиласига мансуб бўлган ишонарли устозлар раҳбарлиги остида шуғулланиш лозим. Кришнани англаш илми биринчи бор Қуёш худосига ўргатилган эди, Қуёш худоси уни ўғли Икшвакуга ўргатган. Қадим замонлардан бери ер юзидағи одамлар бу илоҳий илмдан хабардор бўлиб келяптилар. Аввал ўтган, устозлар силсиласида турган буюк ачарйалардан ўрнак олиб яшаш жуда муҳим. Акс ҳолда ҳатто энг билимдон, ақлли киши ҳам қандай қилиб Кришна онги билан яшаш лозимлигини тушуна олмайди. Шунинг учун, Аржунга Кришнани англаш илмини Худои Таолонинг шахсан Ўзи ўргатишга карор қилди. Аржун бу илмни шахсан Худои Таолонинг Ўзидан бевосита олгани учун, Аржундан ўрнак олиб, унинг изидан бораётган одамлар ҳам, хеч қачон тўғри йўлдан адашмайдилар.

Муқаммал бўлмаган тажриба йўли билан ҳақиқий дин йўлини топиб бўлмайди. Ҳақиқий дин қонунларини фақат Парвардигорнинг Ўзи ўрнатади. *Дхармам ту сакиад бхагават-пранитам* (Ш.Б. 6.3.19). Муқаммал бўлмаган тафаккурига ишониб, хеч бир одам ўз ҳоҳиши билан ҳақиқий дин қонунларини яратса олмайди. Шунинг учун, бизлар Брахма, Шива, Нарада, Ману, Кумарлар, Капила, Прахлада, Бхишма, Шукадева Госвами, Ямараджа, Джанака ва Махарак Бали сингари буюк содиклар изидан боришимиз лозим. Инсон қанчалик ақлли, заковатли бўлмасин, ўзи ёлғиз ҳақиқий дин нима-ю, ўзликни англашнинг маъноси нима эканини аниқлай олмайди. Шунинг учун, содик хизматкорларига чексиз марҳамат кўрсатиб, Парвардигорнинг Ўзи Аржунга фаолият нима, фаолиятсизлик нима эканини гапириб беряпти, фақат Кришна онгидаги фаолият кўрсатиш одамни моддий олам тутқунлигидан халос эта олади.

*17. кармано ҳӣ ани боддхавӣам боддхавӣам ча викарманаҳ  
акарманаши ча боддхавӣам гахана кармано гатиҳ*

**Инсон фаолиятининг чигаллигини тушуниш жуда мушкул. Шунинг учун, фаолият нима, таъқиқланган фаолият нима ва фаолиятсизлик нима эканини яхши тушуниб олиш керак.**

Изоҳ: Моддий тутқунлиқдан ҳақиқатан ҳам озодликка чиқишини истаётган киши фаолият, фаолиятсизлик ва таъқиқланган фаолият орасидаги фарқни яхши тушуниб олиши керак. У фаолият ва унинг оқибатининг табиитини, шунингдек таъқиқланган фаолиятнинг табиитини жиддий таҳлил қилиб ўрганиши лозим, чунки бу жуда кийин ма-

сала. Кришнани англаш илмини ўрганиш ва фаолиятнинг ҳар хил турларини бир-биридан ажратса билиш учун одам аввало ўзининг Худои Таоло билан ўзаро муносабатларини англаб, аниқлаб олиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, мукаммал илмга эга бўлган одам, ҳар бир тирик мавжудот Парвардигорнинг мангу хизматкори эканини, Кришна онгидаги ҳаракат қилиши - ҳар кимнинг бурчи эканини тушунади. "Бҳагавад-гита" бизни шундай хуносага олиб келади. Мана шу ҳақиқатга зид бўлган ҳар қандай далил ва хуносалар, уларга асосланган ҳаракатлар - *викарма*, таъкиқланган фаолият, гуноҳ ишлар тоифасига киради. Фаолиятнинг барча турларининг сирларини ўргатишга қодир бўлган, ҳамиша Кришна онги билан яшаётган ишонарли рухий устоз билан ҳамсуҳбат бўлиш натижасида буларнинг ҳаммасини тушуниб олиш мумкин. Бу илмни шундай ҳақиқий устозлардан ўрганиш - уни Худонинг Ўзидан ўрганиш билан баробар. Акс ҳолда ҳатто энг акли одам ҳам хаётда адашиб, алданиб колади.

*18. карманӣ акарма йаҳ пашиед акармани ча карма йаҳ  
са бүдхиман манушшешу са йуктаҳ критсна-карма-крит*

**Фаолиятда фаолиятсизликни ва фаолиятсизликда фаолиятни кўра билган киши одамлар орасида энг заковатли донишманддир. Гарчи у ҳаётда ҳар турли фаолият билан машғул бўлиб юрса ҳам, рухий даражага кўтарилиган инсон ҳисобланади.**

Изоҳ: Кришна онгидаги фаолият кўрсатиб юрган киши ўз ўзидан, табиий равища барча карма оқибатларидан ҳалос бўлади. Унинг ҳар бир ҳаракати Худога, Кришнага бағишлиланган бўлади, шунинг учун у ўз фаолиятининг натижаларидан лаззатланмайди, килмишлари оқибатидан азоб ҳам чекмайди. Шу сабабли уни одамлар орасида энг заковатли донишманд деб атайдилар. Гарчи ҳар турли ишлар билан машғул бўлиб юрган бўлса ҳам, у ҳар бир ишини Кришна учун, Худо учун қиласди. *Акарма* - карма оқибатларини келтириб чиқармайдиган фаолиятдир. Оқибатлари рухий юксалиш йўлида тўсқинлик килишидан қўрқиб, имперсоналистлар ҳар қандай фаолиятни рад эта-дилар, аксинча, персоналистлар эса, ўзини Худонинг Шахсининг мангу хизматкори деб билиб, ҳаётдаги ҳақиқий ҳолатини, ўз ўрнини тўғри тушунадилар. Шунинг учун, улар ҳамиша Кришна онгидаги, яъни Худонинг хоҳиши-иродаси билан бўладиган фаолият билан машғул бўладилар. Қилаётган ҳар бир иши Худога бағишлилангани сабабли улар ўз фаолиятидан ҳамиша рухий лаззат олиб юрадилар. Ундей одамлар ҳиссий лаззатланишга интилмайдилар. Улар ўзларини Кришнанинг мангу хизматкори эканини англайдилар, шунинг учун, уларнинг қилаётган ҳеч бир иши карма, оқибат келтирмайди.

*19. йасая сарве самарамбхаҳ кама-санкалта-варджистаҳ  
джсанагни-дагдха-карманам там ахуҳ пандитам будхаҳ*

**Ўз меҳнатининг натижаларидан лаззатланишга интилмай фаолият кўрсатиб юрган киши ҳақиқий илмга эга инсондир. До-нишмандлар шундай одам тўғрисида "унинг қилган ишларининг барча оқибатлари мукаммал илм оловида ёниб кетган", деб айтадилар.**

Изоҳ: Фақат мукаммал илмга эга бўлган одамгина қалбида Кришна онгини ривожлантирган одамнинг қилаётган ишларини тушуна олади. Кришна онгига эга бўлган одам хиссий лаззатланишга интилмагани сабабли, у тўғрисида донишмандлар: "у ўз фаолиятининг барча оқибатларини мукаммал илм оловида ёкиб юборган", деб айтадилар. Мукаммал илм - инсон, тирик мавжудот аслида, ўзининг ҳақиқий табиатига кўра Худои Таолонинг мангум хизматкори экани ҳақидаги илмидир. Ана шу ҳақиқатни тушуниб етган одамгина ҳақиқий илмга эга бўлади. Бу илм худди ўт олиб, барча қилмишларимиз оқибатини ёкиб, кул килиб юборадиган оловга ўхшайди.

*20. тйактва карма-пхаласангам нитийа-трипто нираширайаҳ  
карманай абхиправримто "ни наива кинчит кароти сах*

**Гарчи бетиним меҳнат қилиб юрган бўлса ҳам, ўз меҳнатининг натижаларига боғланмасдан, ҳаётда ҳамиша мамнун ва эркин, мустакил яшаб, у оқибат келтирадиган бирор иш қилмайди.**

Изоҳ: Фақат Кришна онгига эга бўлган ва ўзининг барча ишларини Худога, Кришнага бағишлаган одамгина кармали фаолият чангалидан қутула олади. Кришна онгига бўлган киши Худо Шахсига бўлган пок муҳаббати юзасидан Худои Таолога холис хизмат қиласи, шу сабабли ўз меҳнатининг натижаларига боғланиб қолмаган. У ҳатто ўз танаси-нинг эҳтиёжларини қондиришга ҳам боғланиб қолмаган, чунки ҳар бир нарсада Кришнага таваккал қиласи. Шундай одам бирор нарсага эга бўлишга ёки ўзининг нарсаларини саклаб қолишга интилмайди. У ўзининг бурчини иложи борича яхши бажаришга ҳаракат қиласи, қолган ҳамма нарсада эса Худога таваккал қилиб яшайди. Дунёвий боғланишлардан озод шундай одамнинг фаолияти, худди ҳеч қачон бирор иш қилмагандай, унга ҳеч қандай яхши ёки ёмон оқибат келтирмайди. Шундай фаолият *акарма* деб аталади, у карма оқибатларига эга бўлмаган фаолиятдир. Аксинча, Кришна онгига бажарилмаган ҳар қандай фаолият одамни ўзининг оқибатлари билан бу дунёга қул қилиб қўяди, аввал айтганимиздай, *викарма*, гуноҳ ишлар тоифасига киради.

*21. нирашир йата-читтатма тйакта-сарва-париграҳаҳ*

*шарирам кевалам карма курван напноти килбишам*

**Ақли ва тафаккурини жиловлаб олган шундай донишманд ўзини бирор нарсанинг эгаси деб хисобламайди, ҳаётда танасининг энг зарур эхтиёжларини қондириши билангина қаноатланиб яшайди. Шу тарзда кун кечириб, у ҳеч қачон гуноҳ иш қилмайди.**

Изоҳ: Кришна онгига эга бўлган киши ўз фаолиятидан на яхши, на ёмон натижалар кутиб ўтирумайди. У ўзининг ақли ва тафаккурини тўла жиловлаб олган бўлади. У биладики, Худои Таолонинг бир зарраси сифатида тўла бутуннинг бир кисми бўлгани сабабли, ўзи мустақил ҳолда эмас, балки фақат Худои Таолонинг қўлидаги қурол бўлиб ҳаракат қиласиди. Масалан, қўл ўзидан ўзи эмас, бутун тананинг ҳоҳиш-иродаси билан ҳаракат қиласиди. Қалбида Кришна онгини ривожлантирган одам ҳам, ҳамиша Худонинг ҳоҳиш иродасига бўйсунниб ҳаракат қиласиди, чунки бутуннинг бўллаги сифатида, у ўзиниг ҳаётида Худои Таолодан ажралган ҳолда лаззатланишни истамайди. Унинг ҳаракатлари машинага тегишли кичкина деталнинг ҳаракатига ўхшайди. Детал ҳамиша ишга яроқли бўлиб, бутун машина таркибида ўз вазифасини бажариши учун, уни мойлаб, тозалаб турадилар. Кришнани англаб етган одам ҳам, фақат Худога муҳаббат билан холис хизмат қилишга яроқли бўлиш учунгина танасининг эхтиёжларини қондиришга ҳаракат қиласиди. Шунинг учун, унинг бу ҳаракатлари карма оқибатларини олиб келмайди. Худди уй ҳайвони сингари, ундей одам ҳатто танасини ҳам ўзиники деб билмайди. Золим хўжайин уйидаги ҳайвонни ўлдириши ҳам мумкин, ҳайвон эса бунга ҳеч қаршилик қилимасдан танасини тарк этади. Бунинг устига ҳайвон ҳеч қачон ўзи истаган ишни қилолмайди. Қалбида Кришна онгини ривожлантирган киши бутунлай руҳий фаолият билан машғул, ортиқча моддий нарсалар учун меҳнат қилишга шунчаки унинг вақти ҳам йўқ. Фақат жонини танасида сақлаб туриш учун, ҳар хил нопок йўллар билан пул ишлаб топишининг ҳам ҳожати йўқ. Шу сабабли у ўзини гуноҳ ишлар билан булғамайди, қилаётган ишлари унга ҳеч қандай кармали оқибатлар келтирмайди.

*22. йадричча-лабха-сантушто двандватито виматсараҳ  
самаҳ сиддхав асииддхаяв ча критвати на нибадхъате*

**Ўз-ўзидан келадиган нарсалар билан қаноатланадиган, ҳеч кимга хасад қилмайдиган, ҳаётда намоён бўлаётган ҳар хил қарама-қаршиликларга эътибор бермайдиган, муваффақият ва омадсизликларни бирдай қабул қиласидиган киши бирор фаолият билан машғул бўла туриб, унинг натиига боғланиб қолмайди.**

Изоҳ: Кришна онгига эга бўлган киши ҳатто танасининг эҳтиёжларини қондиришга ҳам унчалик эътибор бермайди. У ўз-ўзидан келадиган нарсалар билангина қаноатланади. У ҳеч қачон бирордан қарз олмайди ва тиланчилик қилмайди, лекин ўзининг имконияти ва қудрати етгунча ҳалол меҳнат қиласди, ҳалол меҳнати билан топган нарсаларига шукр этиб яшайди. Шунинг учун у ҳеч кимга боғлиқ эмас. Агар Кришна онгида қилаётган хизматига ҳалақит берадиган бўлса, у бошқа бирор одамга хизмат қилмайди. Лекин, Худога хизмат қилиш учун, иссиқ-совуқ, баҳт- мусибат сингари бу дунёning ҳар қандай қарама-қаршиликларига эътибор бермасдан, ҳар қандай ишни бажаришга ҳамиша тайёр. Кришна онгига эга бўлган киши моддий оламнинг қарама-қаршиликларидан устун туради, чунки у Кришнани мамнун қилиш учун, Худони рози этиш учун нима зарур бўлса ҳамма нарсани қилишга тайёр. Шунинг учун, ҳаётда у муваффакиятни ҳам, омадсизликни ҳам бирдай қабул қиласди. Одамнинг шундай сифатлари унинг Кришна онгида эканидан далолат беради.

*23. гата-сангасйа муктасайа джсанавастхита-четасаҳ  
йаджнайачаратаҳ карма самаграм правилийате*

**Моддий табиат гуналари таъсиридан бутунлай ҳалос бўлган, руҳий илмни чуқур эгаллаган ва факат Мен учун меҳнат қилиб юрган одамнинг фаолияти бутунлай руҳий даражада бўлади, унинг фаолиятининг барча оқибатлари Мутлақ Ҳақиқатга сингиб кетади.**

Изоҳ: Қалбida Кришна онгини тўла қондирган киши қарама-қаршиликларнинг намоён бўлган ҳар қандай кўринишларидан юқори кўтарилиди ва моддий табиат гуналарининг иллатли таъсири доирасидан ташкарига чиқади. Шундай одам озодликка эришади, чунки у ўзининг руҳий табиатини, Кришна билан ўзаро муносабатини англаб етади, шу сабабли унинг ақли ҳамиша Кришна онгига фарқ бўлиб юради. Натижада унинг қилаётган ҳар бир иши Худои Таолога, азалий Вишну - Кришнага бағишлиган бўлади.

Шундай одамнинг қилаётган ҳар бир иши - “қурбонлик” деб ҳисобланиши керак, чунки ҳар қандай қурбонлик маросимининг мақсади - Худонинг Олий Шахси, Вишну ёки Кришнани мамнун қилишдан иборат. Бундай фаолиятнинг оқибатлари бутунлай Мутлақ Ҳақиқатга сингиб кетади ва одамга ҳеч қандай моддий мусибат келтирмайди.

*24. брахмарпанам брахма хавир брахмагнау брахмана хутам  
брахмайва тена гантавийам брахма-карма-самадхина*

**Ҳамиша Мен ҳақимдаги ўйларга гарқ бўлган одам албатта илохий салтанатта эришади, чунки у ўзини биратўла руҳий фаолиятга бағишилаган бўлади. Руҳий фаолиятда эса, ҳамма нарса - курбонлик олови ҳам, қурбон қилинадиган нарсалар ҳам - Мутлақ Ҳақиқат сингари руҳий табиатга эга.**

Изоҳ: Бу ерда Кришна онги билан қилинган фаолият қандай қилиб одамни руҳий баркамолликка олиб келиши айтилган. Кришна онгидаги қилинадиган фаолиятнинг тури кўп, уларнинг барчаси кейинги шеърларда келтирилади. Бу ерда Кришна онгидаги фаолиятнинг қоидаси таърифланган. Моддий унсурлар билан аралашган шартланган руҳ моддий оламда фаолият кўрсатишга мажбур бўлади. Лекин у моддий туткунликдан озодликка чиқиши лозим. Бунга Кришнани англаш усули ёрдамида эришиш мумкин. Кўпроқ сут ичиб, ошқозони касалланган беморни сутдан қилинган дори - қатик билан даволайдилар. Худди шундай, моддий фаолиятга боғланиб, туткун бўлиб қолган шартланган руҳни ҳам "Бҳагавад-гита"да кўрсатилган Кришна онгидаги фаолият билан машғул қилиб даволаш мумкин(фаолият касалини фаолият даъвоси билан). Бу усулини одатда ягъя (курбонлик маросими)деб атайдилар. Курбонлик маросими - ягона максади Худони, Вишнуни, Кришнани мамнун қилишга қаратилган фаолиятдир. Моддий оламда Худони, Вишнуни рози қилиш учун қанча кўп одам харакат қилиб юрса, яъни қанча кўп одам Кришнага, Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлса, уларнинг Кришна онгидаги яшаётгани шарофати билан жаҳонда тириклик шароити ҳам шунчалик ююри, руҳий даражага кўтарилади.

*Браҳма* ибораси (Брахман) "руҳий" деган маънони англатади. Худои Таоло Ўзининг табиатига кўра руҳ, шунинг учун, Унинг илохий танасидан чиқаётган ёғду, нур брахмаджйоти, Унинг "руҳий ёғдуси" деб аталади. Бутун борлик ана шу брахмаджйотида жойлашган, аммо, қачон ана шу джайоти майа(алданиш), яъни ҳиссий лаззатланиш истаги(эҳтирос) билан қопланса, у "моддий табиат" деб аталади. Ана шу моддий қобикини Кришнани англаш усули ёрдамида йўқотиб юбориш мумкин. Кришнани англаш оловининг ўзи ҳам, ёки курбонлик қабул қилувчи одам ҳам, қабул қилиш жараёни ҳам, курбонлик, эҳсон қилган киши ҳам, бу ишларнинг натижаси ҳам - барчаси биргаликда Брахман, ёки Мутлақ Ҳақиқат ҳисобланади. *Майа* билан қопланган Мутлақ Ҳақиқат "модда" деб аталади. Лекин, азалий Мутлақ Ҳақиқатга хизмат қилиш учун ишлатилаётган моддий нарса ўзининг азалий руҳий ҳолатига қайтади. Кришнани англаш усули, Кришна онгидаги фаолият - "алдамчи онгни Брахманга, Мутлақ Ҳақиқатга айлантириш" усулидир. Бутунлай Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлган акл *самадҳи*, транс ҳолатида бўлади. Ана шундай руҳий онг билан қилинган ҳар қандай

фаолият - ягия, яъни Мутлақ Ҳақиқатни мамнун килиш учун ўтказилган "курбонлик маросими", деб аталади. Рухий онг шарофати билан қурбон килувчи ҳам, эхсоннинг ўзи ҳам, эхсонни қабул қилаётган руҳоний ёки маросим ўтказаётган одам ҳам, шунингдек, қурбонлик маросимининг натижаси ҳам - ҳаммаси Мутлақ Ҳақиқат, Олий Браҳман билан бир хил рухий сифатга эга бўлиб кетади. Кришнани англаш усулининг маъноси, моҳияти шундан иборат.

*25. дайвам эванаре йаджнам йогинаҳ парїупасате  
брахмагнав апаре йаджнам йаджненайвопаджсухвати*

**Баъзи йоглар ҳар хил қурбонлик маросимлари ўтказиб, фариштагарга сигиниб, уларни шарафлайдилар, бошқалари эса Олий Браҳман оловига қурбонлик эхсон қиласидилар.**

Изоҳ: Бутунлай Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлиб юрган кишини “комил сехргар йог” деб аташ мумкин. Лекин бошқа тоифадаги йоглар ҳам бор: фаришталарга қурбонлик эхсон килиб сигинадиганлар ҳам, Олий Браҳманга, Худо Шахсининг шахссиз киёфасига эхсон қиласидиганлар ҳам бор. Шундай килиб, қурбонлик маросимининг ҳар хил одамларга мўлжалланган турли қўринишлари мавжуд. Қурбонлик маросими ўтказаётган одамларга қараб, қурбонлик маросимларининг турларга бўлиниши юзаки бўлиниш хисобланади, чунки, аслида қурбонлик маросими - Ягия деб аталадиган Худои Таолони, Вишнуни мамнун килиш максадида бажариладиган фаолиятдир. Барча қурбонлик маросимларини икки тоифага бўлиш мумкин: 1) моддий нарсаларни қурбон қилиш маросими, 2) рухий илмга эга бўлиш ниятида қилинадиган қурбонлик маросими. Кришна онгига эга бўлган одамлар ўзларининг моддий нарсаларини Худои Таолога қурбон қиласидилар, ўткинчи моддий нарсаларга эришишга интилаётган одамлар эса, фаришталарни - Индрани, Қуёш худосини ва ҳоказо - мамнун қилиш учун қурбонлик қиласидилар. Фаришталар - қудратли тирик мавжудотлар бўлиб, Худои Таоло уларга моддий оламни иссиқлик, ёруғлик, сув ва бошқа нарсалар билан таъминлаб, уларни бошқариб туриш вазифасини юклаб қўйган. Моддий фаровонликка интилиб юрган одамлар Ведаларда кўрсатилган қурбонлик маросимларини ўтказиб, фаришталарга сигинадилар. Шундай одамларни баҳу-ишивара-вада, яъни, “жуда кўп худоларнинг мавжудлигига ишонадиган одам” деб атайдилар. Яна бир тоифа одамлар - Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз қўриниши бўлган Браҳманга сигинадиган, “фаришталар вақтинча мавжуд бўлган жонзотлардир”, деб хисоблайдиган зотлар. Улар ўзларининг шахс сифатини Мутлақ Ҳақиқат оловига қурбон қиласидилар, Худои Таолонинг борлиғига сингиб кетиб, алоҳида шахс сифатида ҳар қандай фаолиятни тарқ этадилар. Шундай имперсонали-

стлар Худои Таолонинг руҳий табиатини англаб олиш ниятида ўз вақтини фалсафий фикрлашларга курбон қиласидилар. Шундай килиб, кармилар дунёвий лаззат келтирувчи нарсаларга интилиб ўзларининг моддий нарсаларини курбон қиласидилар, имперсоналистлар эса, Худои Таолонинг борлиғига кўшилиб кетиш учун ўзларининг сохта ўзлигини курбон қиласидилар. Имперсоналист учун қурбонлик эҳроми - Олий Браҳман, курбон қилинадиган эҳсон эса - Браҳман оловида ёниб кетадиган ўзининг алоҳида шахс сифатидир. Лекин, Аржун сингари Кришнани англаб етган киши эса, Кришнани мамнун қилиш учун ҳамма нарсасини курбон қиласиди. Натижада унинг моддий мулки ҳам, унинг ўзи ҳам - ҳамма нарса Кришна учун курбон, эҳсон қилинади. Шу тариқа Худонинг содик хизматкори ўзининг алоҳида шахс сифатини саклаган ҳолда комил йог бўлади.

#### *26. широтрадииндорийани ание самйамагнишу джухвати шабдадин вишиайан аниа индорийагнишу джухвати*

**Бирорлар(ҳақиқий браҳмачарийлар)** эшитиш ва бошқа сезигиларини ақлни жиловлаш оловига қурбон қиласидилар, бошқалар(дин қонунлари асосида оиласвий турмуш кечираётган гриҳастхалар) эса, товуш ва бошқа сезиладиган нарсаларни хиссиёт оловига қурбон қиласидилар.

Изоҳ: Жамиятдаги барча тўрт ашрам вакиллари: браҳмачарилар, гриҳастхалар, ванапрастхалар ва саннийасилар, комил йог даражасига кўтарилишлари лозим. Одамларга инсон танаси худди ҳайвонларга ўхшаб ҳиссий лаззатланиш билан машғул бўлиш учун бериб кўйилган эмас. Шунинг учун, факат инсонлар жамиятигина, инсонни руҳий юқсалиш йўлида камолотга эриштириш мақсадида тўрт ашрам, тўрт руҳий поғонага бўлинган. Ҳақиқий руҳий устознинг насиҳатларига амал қилиб юрган шогирд ёки браҳмачарилар, ҳиссий лаззатлардан четланиб, ақлни жиловлашни ўрганадилар. Браҳмачарилар факат Кришна онги билан боғлиқ нарсаларнигина тинглайдилар. Тинглаш жараёни ҳақиқатни англашнинг асосини ташкил қилгани туфайли, ҳақиқий браҳмачари ҳамиша *харер наману киртнам* билан машғул: у бошқаларнинг Худони шарафлашларини тинглайди, ўзи ҳам Худони

165

шарафлаб куйлади. У ўзини моддий товушлардан ҳимоя қилишга ҳаракат қилиб яшайди, шунинг учун унинг қулоги факат илоҳий товушларни тинглаш билан банд: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Худди шунингдек, маълум даражада ҳиссий лаззатланишга бўлган эҳтиёжларини қондириш руҳсат этилган *гриҳастхалар*, шастраларнинг қонун-коидаларига қатъий амал қилган ҳолдагина лаззатланадилар.

Жинсий алоқага, маст қилювчи ичимликларга ва гүшт ейишгә интилиш жуда күп одамларга хос хусусият, лекин шастраларнинг қонун-қоидаларига амал қилиб юрган киши, шундай интилишларини ҳам қонун-қоидалар орқали чеклаб кўяди. Айнан шунинг учун ҳам, ҳар бир маданиятли жамиятда диний қонунларга асосланган никоҳ маросими мавжуд, никоҳнинг вазифаси - жинсий ҳаётни диний қонун-қоидалар асосида чеклашдан иборат. Ана шу қонун-қоидага амал қилиб, чекланган жинсий ҳаёт билан яшаб юрган, унга боғланиб қолмаган киши қурбонлик маросими ўтказиб яшаётган бўлади: у юксакроқ мақсад, руҳий ҳаёт йўлида ўзининг хиссий лаззатга интилишини қурбон қилган бўлади.

*27. сарваниндрийа-кармани прана-кармани чапаре  
атма-самйама-йогагнау джухвати гйана-дипите*

**Ақли ва ҳиссиётини жиловлаш ёрдамида ҳақиқий ўзлиги - "Мен"ни англашга интилаётган киши эса, барча сезги аъзолари-нинг фаолиятини ҳам, ҳаёт нафасини ҳам ақлни жиловлаш олови-га қурбон қиласди.**

Изоҳ: Бу ерда Патанжали яратган йога тизими ҳақида гап боряпти. Унинг "Йога-сутра"сида алоҳида рух, жон *пратиаг-атма* ва *параг-атма* деб аталган. Ҳиссий лаззатларга интилаётган рух *параг-атма* деб аталади. Лекин рух, ўткинчи ҳиссий лаззатларга лоқайд, бепарво бўлиб колганида, у - *пратиаг-атма* деб аталади. Рухни танада ўн турли ҳаво оқими ушлаб туради. Нафас олиш жараёнини бошқаришни ўрганиб, буни яққол сезиш мумкин. Патанжалининг йога тизими одамга танадаги ҳаво оқимларини бошқариш усууларини ўргатади. Ана шу усууллар ёрдамида рух моддий боғланишлардан ҳалос бўлиши мумкин. Бу йога тизимида охирги мақсад - *пратиаг-атма*, яъни рухнинг моддий фаолиятни бутунлай тарк этиш даражасидир. Сезги аъзолари ҳамиша сезиладиган нарсалар билан муносабатда бўлади: қулоқ то-вшуларни эшитади, кўз нарсаларни кўради, бурун ҳидларни ҳидлайди, тил турли неъматлар мазасини тотади, кўл нарсаларни ушлайди. Шундай қилиб, ҳар бир сезги аъзоси рух билан боғлик бўлмаган қандайдир фаолият билан машғул. Бу ишларнинг барчаси - *прана-ваю*. *Анана-ваю* - пастга қараб ҳаракат қиласди, *вйана-ваю* - қисилиш ва кенгайиш вазифаларини бажаради, *самана-ваю* - мувозанатни сақлаб туради, *удана-ваю* эса, юқорига интилади. Бу йога усулини ўрганиб олган киши ана шу ҳаво оқимларидан ҳақиқий ўзлиги - "Мен"ни англаб олиш учун фойдаланади.

*28. дравйа-йаджнас тапо-йаджнас йога-йаджнас татханаре  
свадхийайа-джнана-йаджнаш ча йатайах самишта-враташ*

**Бирорлар мол-мулкини қурбон қилиш билан, бошқалар - саккиз погонали йога билан шуғулланиш ёрдамида, риёзат чекиши орқали ёки рухий илм эгаллаш учун Ведаларни ўрганиш ёрдамида рухий холатга эришадилар. Уларнинг барчаси муқаддас қасамларига қатъий амал қиласидилар.**

Изоҳ: Қурбонлик маросимларини бир неча тоифага бўлиш мумкин. Бирорлар саҳоватли ишлар билан шуғулланиб, мол-мулкини хайрли ишларга қурбон қиласидилар. Хиндистонда бой-бадавлат савдогарлар, шоҳ хонадонига мансуб обрўли кишилар ҳар хил хайрия муассасаларини очиб қўяғанлар: *дхарма-шала, анна-кшетра, атитхи-шала, анатхалайа, видйа-питха*. (мос равища: зиёратчилар учун меҳмонхона, текин таом садака қилиш жойи, ётоқхона, етимлар уйи, мактаб). Бошқа давлатларда ҳам бепул овқат ва таълим берадиган жуда кўп касалхоналар, кариялар уйи ва бошқа кўплаган ҳайрия муассасалари бор. Ана шундай хайрия фаолиятлари *дравъямайа-ягъя* деб аталади. Шунингдек, кейинги ҳаётида юксакроқ ҳолатга кўтарилиш ниятида, масалан жаннат сайёрларига эришиш учун, *чандраяна* ва *чатурмасья* сингари каттиқ риёзатларга бериладиган одамлар ҳам бор. Масалан, *чатурмасья* коидаси билан риёзат чекишига қасам ичган киши йилнинг тўрт ойида соч-соқолини олмаслиги, маълум бир таом турларини емаслиги, кунига бир марта овқатланиши, уйидан ташқарига чиқмаслиги керак. Турмуш кулайликларидан ўз хоҳиши билан воз кечиб, одам *тапомайя-ягъя* маросимини ўтказади. Бошқа тоифадаги одамлар ҳар хил сехрли йога турлари билан шуғулланадилар: мақсади Мутлақ Ҳақиқат борлиғига гарқ бўлиш бўлган Патанжали йога тизими асосида, баъзи бир сехр кудратига эга бўлиш имкониятини берадиган хатха-йога ёки аштанга-йога билан шуғулланадилар. Кимлардир мунтазам равища муқаддас саждагоҳларни зиёрат қиласи. Ана шундай фаолият турлари *йога-ягъя* деб, яъни моддий ҳаётда ҳар хил мукаммалликларга эришиш учун қилинадиган қурбонлик маросими, деб ном олган. Баъзи бирорлар ведаларни, асосан Упанишадалар ва "Веданта-сугтра"ни ўрганадилар, ёки *санкхъя* фалсафасини ўрганадилар. Фаолиятнинг ана шундай турлари *свадхайя-йога*, яъни муқаддас китобларни ўрганишдан иборат қурбонлик маросими деб аталади.

Бу йогларнинг барчаси мавжудликнинг юкорироқ даражасига кўтарилиш учун ҳар хил қурбонлик маросимларини каттиқ риёзатлар чекиб ўтказадилар. Лекин, Кришнани англаш жараёнида кўрсатиладиган рухий фаолият ажойиб, чунки у инсонга энг олий рухий фаолият билан машғул бўлиш, яъни Худои Таолога бевосита хизмат қилиш имконини беради. Юқорида кўрсатилган қурбонлик маросимларининг бироргаси ҳам инсонга Кришна онгига эга бўлиш, Ху-

дони англаб олиш имконини бермайди, - бунга факат Худонинг ва Унинг соф содикларининг марҳамати билан эришиш мумкин. Демак, Кришнани англаш усулидаги фаолият ўзликни англашнинг бошқа барча усулларидан устун туради.

*29. апане джухвати пранам пране “панам татхапаре  
пранапана-гати руддхва пранайама-паратайанаҳ  
апаре нийатахараҳ пранам пранешу джухвати.*

**Бирорлар транс ҳолатига эришиш учун, чиқараётган нафасини олаётган нафасига, олаётган нафасини эса, чиқараётган нафасига қурбон қилиб, нафас олишни жиловлашга ўрганадилар; охир-оқибатда улар нафас олишни бутунлай тарқ этиб, транс ҳолатига гарк бўладилар. Яна бирорлар овқат ейинни чеклаб, чиқарган нафасини унинг ўзига қурбон қиласдилар.**

Изоҳ: Нафас олишни бошқариш имкониятини берадиган йога усули *пранаяма* деб аталади: йоганинг бу тури билан ҳар хил ўтириш ҳолатларини ўрганиб олгандан сўнг, хатха-йога погонасида шуғуллана бошлайдилар. Йоганинг бу усуллари билан хиссиятларни жиловлаб олиш, ўзининг руҳий табиатини англаш облиш мақсадида шуғулланадилар. Пранаяма-йога усули билан шуғулланиш инсонга танадаги ҳаво оқимларининг йўналишини ўзгартириб, уларни бошқариш имконини беради. *Адана* - пастга йўналган ҳаво оқими, *прана* - юкорига кўтарилаётган ҳаво оқими. *пранаяма* билан шуғулланаётган йог, то улар мувозанат ҳолатига (*пурака*) келгунча, ҳаво оқимларини қарама-карши томонга ўзгартириб, уларни бошқаришни ўрганади. Чиқаётган ҳавони кираётган ҳавога қурбон қилиш *речака* деб аталади. Икки оқимдаги ҳаво ҳам ҳаракатдан тўхтаганида йог *кумбҳака*-йога ҳолатига эришади. Кумбҳака-йога билан шуғулланиш инсонга руҳий ўзлигини англашда ёрдам бериб, унинг умрини узайтиради. Фаросатли йог кейинги ҳаётини кутиб ўтирасдан, ҳозирги ҳаётининг ўзидаёқ руҳий юксалишда камолотга эришишга интилади, кумбҳака-йога билан шуғулланиб, у ўзининг умрини анча узайтириш имкониятига эга бўлади. Лекин, Кришна онгига эга бўлган, ҳамиша илоҳий муҳаббат билан Худои Таолога холис хизмат қилиб юрган киши бирор кўшимча ҳаракатлар қилмасданоқ ўзининг барча ҳиссиятини жиловлаб олган бўлади. Унинг ҳиссияти ҳамиша Кришнага хизмат қилиш билан банд ва шу сабабли бошқа қандайдир фаолият билан шуғулланиш имкониятидан маҳрум. Умрининг охираида Худонинг содик хизматкори Худонинг даргоҳига эришади, шу сабабли умрини узайтириб юришининг ҳам ҳеч қандай ҳожати йўқ. У "Бҳагавад-гита"да айтилганидай, дарров озодликка эришади:(14.26)

*мам ча йо "вайабхичарена бхакти-йогена севате  
са гунан саматитайтан брахма-бхуйайа калпате*

"Худога соф садоқат билан хизмат қилиб юрган одам моддий табиат гуналари хукмронлигидан озод бўлиб, дарров рухий даражага эришади". Кришна онги билан яшаётган киши аллақачон рухий даражага эришган инсондир. У ҳамма вақт Кришна онгига бўлади ва ҳеч қачон бу ҳолатдан чиқиб кетмайди ҳамда умрининг охирида дархол Худонинг даргоҳига эришади.

Агар одам ҳамиша *кришна-прасад*, аввал Кришнага таклиф этилган таомдан еб юрса, у ўз-ўзидан кам овқат ейдиган бўлиб қолади. Овқатланишни камайтириш ҳиссиётни жиловлаб олишга ёрдам беради: ҳиссиётларни жиловлаб олмай, инсон ҳеч қачон моддий олам тутқунлигидан халос бўлмайди.

*30. сарве "ти эте йагъя-видо йаджна-кишпита-калмашаҳ  
йаджна-шишитамрита-бхуджсо йанти брахма санатанам*

**Қурбонлик маросимларининг ҳақиқий мақсадини билган ҳолда уларнинг барчаси гуноҳлари оқибатидан покланадилар ҳамда қурбонликнинг ширин лаззатидан татиб, мангу рухий даргоҳга эришадилар.**

Изоҳ: Юқорида кўрсатилган, моддий бойликларни қурбон қилиш, Ведаларни ёки фалсафий таълимотларни ўрганиш ва йога билан шуғулланиш машғулотларидан иборат ҳар хил қурбонлик маросимлари шундан далолат берадики, барча қурбонлик маросимлари ягона мақсад - ҳиссиётларни жиловлаб олиш учун ўтказилади. Ҳиссий лаззатланишга интилиш - тирик мавжудотнинг моддий оламда тутқун бўлиб қолишнинг асосий сабабчисидир, шунинг учун, то инсон дунёвий лаззатларга интилишни тарқ этмас экан, у ҳеч қачон мукаммал илмга, чексиз илоҳий лаззатга тўла мангу ҳаёт ҳукм сураётган илоҳий даргоҳга эриша олмайди. Ана шу мангу даргоҳ Браҳман салтанати, Худонинг даргоҳидир. Юқорида кўрсатилган барча қурбонлик маросимлари инсонга моддий оламда тўплаган гуноҳларидан покланишга ёрдам беради. Қурбонлик маросими ўтказиб юрган одам ҳозирги хаётида бойлик ва баҳтга эришибгина қолмасдан, охир оқибатда Худонинг мангу даргоҳига эришади: шахксиз Браҳман борлиғига сингиб кетади ёки мангу рухий сайёralарда Худонинг Олий Шахси, Кришна билан мулоқот қилиш имконига эришади.

*31. найам локо "сти айаджнасайа куто "н్యాఖ కురు-సత్తమా*

**Эй Курулар альоси, қурбонлик маросими ўтказмаган одам, ҳатто шу сайёрада, ўзининг ҳозирги ҳаётида баҳтли бўла олмайди. Шундай экан, унинг кейинги ҳаёти қандай бўларди?**

Изоҳ: Ҳаётнинг қандай шаклида яшашидан қатъий назар, тирик мавжудот моддий оламда ҳамиша ўзининг ҳақиқий руҳий табиатидан бехабар ҳолда, ғофил бўлиб қолаверади. Бошқача қилиб айтганда, бу дунёда тутқун бўлиб қолишимизнинг сон-саноқсиз оқибатлариdir. Гуноҳлар эса ғофиллик туфайли содир бўлади. Гуноҳ ишлар қилиш оқибатида биз моддий оламда тутқун, асир бўлиб қоламиз. Инсон танасидаги ҳаёт - мана шу тутқунликдан қутулиб кетиш учун ягона имконият ҳисобланади. Ведалар бизга моддий асирикдан қутулиб кетиш йўлларини ўргатади: улар диний маросимларни қандай ўтказиш, тириклик учун қандай пул топиш кераклигини ўргатади, моддий лаззатларни чеклаб кўяди, моддий мусибатлардан биратула қутулиш имконини берадиган усулни кўрсатади. Ҳақиқий дин қонунларига риоя қилиш билан, яъни юқорида айтилган қурбонлик маросимларини ўтказиш билан одамлар бир вақтнинг ўзида ўзларининг дунёвий, иқтисодий муаммоларини ҳам ҳал этадилар. Қурбонлик маросими ўтказиш шарофати билан, ҳатто Ер юзининг ахолиси кўпайиб кетган шароитда ҳам, одамлар ўзларини етарли миқдорда дон, сут ва бошқа нарсалар билан таъминлаши мумкин. Танасининг энг зарур эҳтиёжлари қондирилгандан кейин, табиий равишда одам ҳиссий лаззатланишга интила бошлайди. Шу сабабли Ведаларда муқаддас никоҳ маросими орқали уйланиш тавсия қилинган. Инсон оиласи ҳаёт кечира туриб, Ведаларнинг қоидаларини бузмаган ҳолда ҳиссиятининг таълбларини қондириши мумкин. Инсон шу тарзда аста-секин моддий асирикдан қутула боради, озодликнинг энг олий погонасига эришиб, Худои Таоло билан бевосита мулоқот қилиш имкониятига эга бўлади. Шундай қилиб, ҳаётда камолотга эришиш учун, аввал айтилганидай, ягия, қурбонлик маросими ўтказиш лозим. Аммо, агар одам Ведаларда кўрсатилган қурбонлик маросимларини ўтказишини истамаса, кейинги ҳаётида бошқа тана олиб, жаннатга эришиш у ёқда турсин, қандай қилиб бу ҳаётда баҳтли бўлишдан умидвор бўлиши мумкин? Жаннатий сайёralарнинг ҳар бирида моддий фаровонлик турли даражада бўлади, аммо, қурбонлик маросими ўтказиб юрган одамлар барибир жаннатга эришиб, у ерда жаннатий лаззатларга берилиш учун чексиз имкониятга эга бўладилар. Лекин, ҳақиқий, олий даражадаги руҳий лаззат қандай бўлишини қалбида Кришна онгини ривожлантириш ёрдамида руҳий олам сайёralарига эришган одамгина билади. Шунинг учун, Кришнани, Худони англаш - моддий ҳаётнинг барча муаммоларини ечишнинг калити ҳисобланади.

*32. эвам баҳу-видҳа йаджсна витата брахмано мүжхе  
карма-джсан видҳи тан сарван эвам джснатва вимокшиясе*

**Бу қурбонлик маросимларининг барчаси Ведаларда белгилаб қўйилган. Уларнинг ҳар қайси маълум фаолият туридан келиб чиқади. Шуларни билиб олсанг сен озодликка эришасан.**

Изоҳ: Аввал айтилганидай, ҳар хил тоифадаги одамларга Ведалар турли хил қурбонлик маросимларини тавсия қилади. Одамлар ўзларини руҳни қоплаб олган танага киёслаб юргани сабабли, ведавий қурбонлик маросимлари инсоннинг ё танасини, ё ақлини, ё тафаккурини эзгулик гунасидаги фаолият билан машғул қилиш учун мўлжалланган. Аммо, аслида, охир оқибатда барча қурбонлик маросимлари инсонга моддий тана тутқунлигидан бутунлай халос бўлишга ёрдам бериш учун мўлжалланган. Парвардигорнинг Ўзи бу ерда шуни тасдиқлади.

*33. ширейан дравйа-майад йаджснадж джсана-йаджснаҳ парантана  
сарвам кармакхилам партҳа джсане парисамапийате*

**Эй душманлар ғолиби, шунчаки моддий бойликни қурбон қилгандан, илм билан қилинган қурбонлик афзал. Аммо, охир оқибатда барча қурбонлик маросимлари одамни илоҳий илм эгаллашга олиб келади, о Партаҳа.**

Изоҳ: Барча қурбонлик маросимлари инсонга мукаммал илмга эга бўлиш, моддий ҳаёт мусибатларидан кутулиш, охир-оқибатда Худо Таолога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш имкониятига эга бўлишга(Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлишга) ёрдам бериш учун мўлжалланган. Лекин барча қурбонлик маросимларида бир сир бор, ана шу сирни англаб олишга ҳаракат қилиш лозим. Қурбонлик маросимлари уларни ўтказаётган одамнинг эътиқодига яраша, ҳар хил кўринишда бўлиши мумкин. Агар одамнинг ишончи, эътиқоди, иймони руҳий илмга асосланган бўлса, ундан одам, шунчаки ўз мол-мулкини қурбон қилаётган одамдан анча устун туради: агар қурбонлик маросими ўтказаётган одам ҳакиқий илмга эга бўлмаса, унинг қилаётган иши, фаолияти моддий фаолият хисобланади, унга ҳеч қандай руҳий фойда келтирмайди. Ҳакиқий илмнинг энг юқори чўққиси, Худои Таолони англаб етишдир. Кришна онгига эга бўлиш - руҳий илмнинг олий поғонаси хисобланади. Илмга эга бўлмай туриб қурбонлик маросими ўтказаётган киши моддий фаолият билан машғул хисобланади. Қачон у руҳий илмга эга бўлиб, шу илмига асосланиб қурбонлик маросими ўтказа бошласагина, унинг фаолияти руҳий даражага кўтарилади. Одамларнинг қандай онг билан қурбонлик маро-

сими ўтказаётганига қараб, уларнинг фаолияти ёки *карма-канда* (натижаси учун қилинадиган), ёки *гъяна-канда*(ҳақиқатни фалсафий йўл билан излаш учун қилинадиган) фаолият тоифасига киради. Ҳар холда, ҳар қандай курбонлик маросимидан, ҳар қандай фаолиятдан кўзланган максад ва натижа - илм бўлгани афзал.

*34. тад виддхи пранипатена парипрашнена севайа  
упадекийанти те джсанам джсанинас таттва-даршинаҳ*

**Ҳақиқат илмини ўрганиш учун ўз ихтиёриңгни руҳий устозга топшир. Унга камтарлик билан савол бер ва Унинг хизматида бўл. Ҳақиқий ўзлигини англаб етган руҳлар сенга илм ўргатишга қодир, чунки улар ҳақиқатни кўрадилар.**

Изоҳ: Руҳий ўзликни англаш йўли, шубҳасиз, жуда мушкул. Шунинг учун, Парвардигор бизга Худои Таолодан бошланадиган устозлар силсиласида турган ҳақиқий руҳий устозни топишни маслаҳат беряпти. Ана шундай силсилада турмаган одамни ҳақиқий руҳий устоз деб бўлмайди. Биринчи руҳий устоз Парвардигорнинг Ўзи ҳисобланади, руҳий устозлар силсиласи орқали шу илмга эга бўлган киши ўзининг шогирдига уни ўзгартирмаган ҳолда етказа олади. Фоғил одамлар сингари, ҳар ким ўз усулини ўйлаб топиш ёрдамида руҳнинг табиатини англаб бўлмайди. "Шримад Бхагаватам"да шундай дейилган(6.3.19): *дҳармам ту сакшад бхагават-пранитам*. Ҳақиқий дин йўлини одамларга Худои Таолонинг Ўзи кўрсатади. Демак, ҳар хил фалсафий фикрлашлар ва бемаъни сафсатабозликлар инсонни тўғри йўлга олиб келмайди. Муқаддас китобларни мустақил ўрганиш билан руҳий баркамолликка эришиб бўлмайди. Ҳақиқий илмга эга бўлиш учун ҳақиқий руҳий устоз топиш керак. Шогирд устозининг барча кўрсатмаларини сўзсиз бажариши лозим, манманлигини, ғурурини четга қўйиб, ҳатто қийин, ёқимсиз ишлардан ҳам бош тортмай унга холис хизмат қилиши керак. Руҳий ҳаётда муваффақиятга эришишнинг сири - ўзини англаб олган, ҳақиқий руҳий устозни мамнун қила билишдан иборат. Тиришқоқлик ва камтаринлик - руҳий илмни эгаллашда баробар зарур бўладиган сифатлардир. Токи биз ҳақиқий руҳий устознинг итоаткор хизматкори бўлмас эканмиз, унга бераётган саволларимиз биз кутган натижани бермай қолаверади. Руҳий устоз ўтказадиган синовдан ҳар бир шогирд албатта ўтиши керак, устоз шогирдининг самимилигига аниқ ишонган заҳоти, шогирдига чексиз марҳамат кўрсатиб, унга ҳақиқий руҳий илм сирларини очади. Бу ерда Парвардигор руҳий устозга кўр-кўронга тақлид қилишни ҳам, бемаъни саволлар билан унга мурожаат қилишни ҳам қоралайди. Шунчаки камтаринлик билан руҳий устознинг гапларини тинглабгина қолмасдан, унинг итоаткор хизматкори бўлиб, саволлар бериб, руҳий илм ҳақида

аниқ тасаввурга эга бўлиб олиш лозим. Ҳақиқий руҳий устоз шогирди-га нисбатан ҳамиша меҳрибон, ҳамдард, шунинг учун,agar шогирд итоаткор бўлса, ҳурмат-эҳтиром билан устозига самимий хизмат қилиб юрса, ундан ўзининг ҳамма саволларига аниқ жавоб олади ва натижада мукаммал руҳий илмга эга бўлади.

*35. йадж джнатва на пунар моҳам әвам йасйаси пандава  
йена бхутани ашешани дракийаси атмани атхо майи*

**Ҳақиқий ўзлигини англаб олган руҳлардан ҳақиқий илм ўрганиб, сен ҳеч қачон адашмайсан, чунки бу илм сенга барча тирик мавжудотлар Худои Таолонинг ажralmas заррачалари эканини, ёки бошқача қилиб айтганда, уларнинг барчаси Менда эканини яққол кўриш имконини беради.**

Изоҳ: Ўзини англаган, яъни ҳаётни тўғри тушунган руҳдан илм ўрганиб, инсон барча тирик мавжудотлар Худонинг Олий Шахси, Шри Кришнанинг ажralmas заррачалари эканини тушуниб етади. Руҳнинг Кришнадан ажralганлик ҳолати, кайфияти майа ("ҳақиқий эмас") деб аталади. Баъзи одамлар "биз ҳеч қандай Кришна билан боғланмаганимиз, Кришна - шунчаки буюк тарихий шахс, Мутлақ Ҳақиқат эса - шахссиз Браҳман", деб ўйлайдилар. Аслида эса, "Бҳагавад-гита"да айтилганидай, шахссиз Браҳман - Кришнанинг танасидан чиқиб турган руҳий ёғду. Худонинг Олий Шахси бўлган ҳолда Кришна бутун борлиқнинг сабабчисидир. "Брахма-самхита"да аниқ айтилганки, Кришна - Худонинг Олий Шахси, барча сабабларнинг сабабчиси, Худои Таолонинг миллионлаган қиёфалари - Унинг ҳар хил намоён бўлишидир. Тирик мавжудотлар ҳам Кришнанинг намоён бўлган кўринишлари. Буни маявади-файласуфлар нотўғри тушуниб, "Кришна шунча кўп бўлакларга бўлинниб, Ўзи алоҳида шахс сифатида мавжуд бўлмай қолди", деб ўйлайдилар. Бундай тушунча аслида материалистик, моддий тасаввурдаги тушунчадир. Моддий оламда узоқ вақт яшаш тажрибамиздан биламизки, бўлакларга бўлинган нарса ўзининг аввалги ҳолатни йўқотади. Лекин, маявади-файласуфлар мутлак даражада бирга бирни қўшсак ҳам, бирдан бирни айирсак ҳам натижа ҳамиша бирга teng бўлишини тушунмайдилар. Мутлақ оламнинг табиати ана шундай.

Мутлақ илмдан маҳрум бўлган ҳолда биз ҳозир алданиб, сароб таъсири остида яшаб юрибмиз, шу сабабли ўзимизни Кришнадан ажralган деб ўйлаймиз. Аммо, гарчи биз Кришнанинг айрим заррачаси бўлсак ҳам, ҳеч қачон ундан ажralган эмасмиз. Тирик мавжудотлар таналарининг орасидаги фарқ - сароб, ҳақиқат эмас. Фақат алданиш, майа таъсири остида Аржун, уни қариндошлари билан вақtingчалик боғлаб турган тананинг боғланишлари - унинг Кришна билан бўлган

мангу рухий муносабатларидан мухимроқ, деб ўйлаётган эди. "Бҳагавад-гита" таълимотининг мазмуни шундан иборатки, Кришнанинг мангуд хизматкори бўлган ҳолда тирик мавжудот Ундан хеч қачон биратўла ажралиб кетолмайди, у ўзини Кришнадан ажралгандай сезиши эса, *маіа*, алданиш деб аталади. Худои Таолонинг ажралмас бўлаги сифатида ҳар бир тирик мавжудотнинг алоҳида вазифаси бор. Ўзининг мангуд вазифасини эсидан чиқариб, улар қадим замонлардан бери ҳар хил моддий таналарда яшаб келади: инсон танасида, фаришта танасида, ҳайвон танасида ва ҳоказо. Бунинг сабаби шундан иборатки, улар Парвардигорга илохий хизмат қилишни эсидан чиқариб қўйганлар. Лекин, агар инсон Худои Таолога холис хизмат қилиш билан қалбida Кришна онгини ривожлантиrsa, у ана шу алданишдан, адашишдан халос бўлиши мумкин. Фақат рухий устозгина инсонга ана шу пок илмни ўргатиши ва уни ҳаёт ҳақидаги, "оддий тирик мавжудот билан Кришна ўзаро тен", деб ҳисоблайдиган нотўғри тасаввурлардан халос этиши мумкин. Мукаммал илмга эга бўлган киши тушуниб етадики, Олий Рух, Кришна барча тирик мавжудотлар нажот топадиган энг олий макон, ана шу маконни тарқ этиб, улар алдамчи, моддий қувватнинг ҳукмронлиги остига тушиб қолганлар ҳамда ўзларини "Кришнадан ажралган" деб ҳисоблаб юрибдилар. Шу тарзда ўзларини ҳар хил моддий таналарга қиёслаб, тирик мавжудотлар Кришнани эсидан чиқариб юборганлар. Аммо, шундай адашиб юрган тирик мавжудот Кришнани англаш йўлига қадам қўйса, "Шримад Бҳагаватам" да айтилганидай,(2.10.6) унинг олдида озодликка чиқиш дарвозалари кенг очилади: *муктиир хитваниятха-рупам сварупена вийавастхитиҳ*. Озодликка эришиш - ўзининг табиий ҳолатига, яъни Кришнанинг мангуд хизматкори бўлиш, Кришна онги билан яшаш демакдир.

*36. ати чед аси панебхъяҳ сарвебхъяҳ пана-крит-тамаҳ  
сарвам джнана-плавенайва вриджинам сантаришииаси*

**Агар сен ҳатто гуноҳкорлар ичида энг осий-гуноҳкор бўлсанг ҳам,  
рухий илм кемасига чиқиб, бу мусибатлар уммонини кечиб ўта  
оласан.**

Изоҳ: Кришна билан ўзаро муносабатларида ўз бурчини тўғри тушуниш инсонга чексиз баҳт келтиради. Ғафлат уммонига тушган одамларнинг барчаси тирикчилик учун машакқатли кураш жараёнига маҳкум, Кришна билан ўзаро муносабатини қайта тиклаш инсонга тирикчилик учун кураш жараёнини биратўла тарқ этиш имконини беради. Моддий олами баъзан "ғафлат уммони"га, баъзан эса, ўт кетган ўрмонга ўҳшатадилар. Океаннинг ўртасига тушиб қолган одам, ҳатто энг моҳир сузувлари бўлса ҳам, узоқ вақт сув юзида тура олмайди. Аммо, кемада ёрдамга келиб кутқариб олган киши унга бебаҳо хизмат

кўрсатган бўлади. Худонинг Олий Шахсидан олинган мукаммал илм - ана шундай ягона нажот йўлидир. Кришнани англаш кемасида сузиш жуда осон, айни пайтда бу энг улуғвор усул.

*37. йатхайдхамси самиддоҳо “гнир бҳасма-сат қуруте “рджуна  
джсанагниҳ сарва-кармани бҳасма-сат қуруте татҳа*

**О Аржун, худди гулхан олови ўтиналарни ёқиб қулга айлантиргани сингари, илм олови ҳам дунёвий фаолиятнинг барча оқибатларини ёқиб, қул қилиб юборади.**

Изоҳ: Рух, Олий рух ва уларнинг ўзаро муносабати ҳақидаги мукаммал илм бу ерда оловга тенглаштирилган. Шу олов нафакат барча гуноҳ ишларнинг оқибатларини, ҳатто савоб ишларнинг натижаларини ҳам ёндириб, қул қилиб юборади. Карма оқибатларининг бир неча тури бор: 1)пишиб етилаётган; 2)мевасини бераётган; 3)меваси олиб бўлинган; 4)ҳали уйғонмаган. Аммо, тирик мавжудотнинг руҳий табиати ҳақидаги илм уларнинг барчасини ёндириб қул қилиб юборади. Инсон мукаммал илмга эга бўлганида унинг барча намоён бўлган, на-моён бўлмаган карма оқибатлари йўқ бўлиб кетади. Ведаларда(Бриҳад-араняка-упанишада, 4.4.22) шундай дейилган: *убхе ухаиваниша эте тарати амритаҳ садхв-асадхуни - "У савоб ишларининг ҳам, гуноҳ ишларининг ҳам барча оқибатларидан халос бўлади".*

*38. на хи джсанена садришам павитрам иха видйате  
тат свайам йога-самсиддоҳи каленатмани виндати*

**Бу дунёда руҳий илмдан покроқ ва буюкроқ ҳеч нарса йўқ. (Бу илм - барча йога машғулотларининг пишган мевасидир.) Вакти келиб, Худога садоқат билан холис хизмат қилишда камолотга эришган кишининг қалбида бу илм ўз-ўзидан албатта пайдо бўлади.**

Изоҳ: “Руҳий илм” деганда, биз тирик мавжудотнинг ўзининг руҳий табиатини англаб этишини тушунамиз. Шунинг учун, бу дунёда руҳий илмдан ҳам покроқ ва улуғвороқ саодат мавжуд эмас. Ғоффиллик бизларни моддий оламда қул қилиб кўяди, руҳий илм эса - бизнинг олдимизда руҳий озодликка чиқиш дарвозаларини кенг очади. Бу илм - Худога садоқат билан хизмат қилишнинг пишган меваси, уни эгаллаб олган киши қалбининг осойишталигини ташкаридан излаб юришининг ҳожати йўқ, у қалбининг осойишталигини руҳий ўзлигидан топади. Бошқача қилиб айтганда, инсоннинг илм олишга ва осойишталикка бўлган барча интилишларининг энг олий поғонаси

Худо шахсини, Кришнани англаб етишдир. "Бҳагавад-гита"нинг чиқарадиган  
173  
хуласаси ана шундай.

*39. ишраддхавал лабхате джсанам тат-параҳ самайатендорийаҳ  
джсанам лабдхва парам шантим ачиренадхигаччхати*

**Ҳиссиётини жиловлаб олган ва тиришқоқлик билан руҳий илм излаб юрган тӯла иймонли киши бу илмни эгаллашга муносиб бўлади. Бу илмни эгаллаган заҳоти унинг қалби энг юксак осойишталика эришади.**

Изоҳ: Руҳий илмга, факат Худо Шахсига, Кришнага чин қалби билан ишонадиган одамгина эга бўла олади, шундай одам хаётда Кришна онги билан яшайди. Кришнага, Худога ишонч деганда - Кришна онги билан фаолият кўрсатиш, Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида руҳий камолотнинг энг олий поғонасига эришиш музкин эканига шубҳасиз, қатъий ишончни тушуниш керак. Инсон қалбидаги маҳа-мантрани мунтазам тақрорлаб юриши лозим: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Бундан ташқари, инсон ўзининг ҳиссиётини жиловлашни ўрганиши керак. Худога, Кришнага аниқ ишонадиган ва ҳиссиётини жиловлаб олган киши тез орада ҳеч қийналмасдан Худони, Кришнани англаш илмини эгаллаб олади.

*40. аджнаши чаишраддадханаши ча самишайатма винашийати  
найам локо “сти на паро на сукхам самишайатманаҳ*

**Аммо, муқаддас китобларда берилган илмга гумон билан қарайдиган ғофил ва иймонсиз одамлар ҳеч қачон Худони англай олмайдилар. Улар тобора тубанликка чўкиб кетаверадилар. Гумонланиб юрган рух бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам баҳт нималигини билмайди.**

Изоҳ: Кўплаган ишонарли муқаддас китоблар ичида энг аълоси "Бҳагавад-гита" ҳисобланади. Фақат ҳайвонлар сингари кун кечириб юрган одамларгина муқаддас китобларда нима ҳакида гап боришини билмайдилар, унга ишонмайдилар. Шундай одамлар ҳам борки, ҳатто муқаддас китоблардаги гапларни ўқиган, уларни бошқаларга галириб юрган бўлсалар ҳам, ўzlари аслида уларда ёзилган нарсаларга ишонмайдилар. "Бҳагавад-гита" сингари муқаддас китобларда ёзилган нар-

саларга ишонадиган одамларнинг ичида эса, Худо Шахсининг, Кришнанинг мавжудлигига ишонмайдиган ва Унга сифинмайдиган одамлар хам кўп. Шундай одамлар Кришнани англаш илмига, Кришна онгини эгаллашга ҳатто яқин ҳам келолмайдилар, улар албатта адашишга, тубанликка маҳкум одамлардир. Турли тоифадаги одамлар орасида иймонсиз скептик(хар нарсага гумон билан қарайдиган)лар руҳий юксалиш имкониятидан маҳрум бўлади. Худога ва Унинг гапларига ишонмайдиган одамлар на бу дунёда, на бошқа дунёда бирор яхшилик кўролмайдилар. Улар ҳатто ҳақиқий баҳт нима эканини билмайдилар ҳам. Шу боис, руҳий илмга эга бўлиш учун муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига чукур иймон ва ишонч билан амал қилиш керак. Факат шундагина биз моддий нарсалар чегарасидан юкори кўтарилиб, руҳнинг табиатини англай оламиз. Шундай қилиб, ҳар нарсага шубҳа-гумон билан қарайдиган одамлар руҳий юксалиш йўлидан бора олмайдилар. Шундай экан, биз руҳий устозлар силсиласига мансуб бўлган буюк ачарийаларнинг изидан боришимиз лозим, шунда ҳаётда албатта мувваффақиятга эришамиз.

*41. йога-саннйаста-карманам джнана-санчхинна-самишайам  
атмавантам на кармани нибадхнанти дхананджайа*

**Ўз меҳнатининг натижаларига боғланмасдан Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган, илоҳий илм ёрдамида қалбидаги барча гумонлардан ҳалос бўлган киши ҳақиқатан ҳам асл руҳий ўзлиги - "Мен"ини англаб етган бўлади. Эй бойлик эгалловчи, ундей одам ҳеч қачон ўз фаолиятининг қули бўлиб қолмайди.**

Изоҳ: Ҳаётида Худои Таолонинг "Бҳагавад-гита"да берган кўрсатмаларига амал қилиб юрган киши илоҳий илмга эга бўлади, на-тижада қалбидаги барча гумон ва шубҳалардан ҳалос бўлади. Шундай одам ҳақиқий ўзлиги - "Мен"ини англаб етган бўлади: ўзи аслида Худонинг ажралмас заррачаси эканини тўла англаб етади. У ҳамиша Кришна онгига бўлиб, ҳеч қачон ўз фаолиятининг оқибатларига боғланиб қолмайди.

*42. тасмад аджнайана-самбхутам хрит-стхам джнанасинатманаҳ  
чхиттвайнам самишайам йогам атиштхоттиштхা бхаратা*

**Шунинг учун, о Бхарата, ғофиллигинг сабабли қалбингда пайдо бўлган гумон ришталарини илм қиличи билан чопиб ташла. Йога билан қуролланиб, қаддингни ростла ва жангга кир!**

Изоҳ: Бу бобда ёритилган йога тизими *санатана-йога*, яъни тирик мавжудотнинг мангу фаолияти деб аталади. Бу йогада икки хил

курбонлик маросими назарда тутилади: 1)моддий бойликтин қурбон қилиш; 2)ҳақиқий ўзлик ҳақида илмга эга бўлиш. Иккинчи қурбонлик маросими соғ руҳий фаолият ҳисобланади. Агар моддий бойликтин қурбон қила туриб, инсон ўзининг руҳий ўзлигини англашга интилмаса, унинг ўтказган қурбонлик маросими моддий фаолият бўлиб қолаверади. Лекин, одам ўзининг руҳий ўзлигини англаб олиш ниятида, яъни Худога садоқат билан холис хизмат қилиш учун моддий бойлигини қурбон қилса, унинг қурбонлиги мукаммал қурбонлик бўлади. Руҳий фаолият ҳам икки хил бўлади: 1)ҳақиқий ўзлиги - "Мен"ни, ўзининг азалий руҳий табиатини англаб етиш; 2)Худонинг Олий Шахсини англаб етиш. "Бҳагавад-гита"да кўрсатилган йўлдан адашмай бораётган киши руҳий илмнинг ана шу икки муҳим бўлимини ҳам осонлик билан эгаллаб олади. Шундай одамнинг алоҳида руҳ Худои Таолонинг ажралмас заррачаси эканини тушуниб олиши, шу тарзда мукаммал илмга эга бўлиши қийин эмас. Бу бобнинг бошида Худои Таоло ўзининг илохий кароматлари ҳақида гапириб берган эди. "Бҳагавад-гита"нинг кўрсатмаларини тушунмайдиган киши ҳақиқий иймон-эътиқодга, ишончга эга эмас. Ундан одам ҳаётда Худои Таолонинг ўзига бериб кўйган мустақиллиги(танлаш ҳукуки)ни сустеъмол қилиб юрган одамдир. Агар шунча насиҳатларни тинглаб туриб ҳам, одам Худои Таолонинг "мангу, илм ва лаззатта тўла Олий Шахс" бўлган ҳақиқий табиатини тушунолмаса, демак у тузалмайдиган аҳмоқ, ғоғил, нодон кимсадир. Ғоғиллик иллатидан ҳолос бўлиш учун, аста-секин Кришнани англаш қонун-қоидаларини ўрганиш лозим. Инсон қалбida Кришна онгининг уйғонишига: фаришталарга ва Олий Браҳманга қилинган қурбонликлар; браҳмачариларнинг ёки оиласи одамларнинг қилган қурбонликлари; хиссиётларини жиловлаб юрган, сеҳрли йога билан шуғуланаётган, риёзат чекаётганларнинг, шунингдек, моддий бойликлардан воз кечиб, таркидунё қилиб юрганларнинг, Ведаларни ўрганиб юрган ва варна-ашрама тизимида ўз бурчини бажариб юрганларнинг қилган қурбонлик маросимлари ёрдам беради. Лекин, ана шу барча қурбонлик маросимларининг максади инсоннинг ҳақиқий ўзлигини англаш бўлиши керак. Ана шу максадга интилиб юрганлар "Бҳагавад-гита" илмини тўғри тушуниб етган бўладилар, Кришнанинг гапларига ишонмайдиганлар эса, яна моддий фаолиятга қайтадилар. Шу боис, Парвардигор бизга "Бҳагавад-гита"ни ёки ҳар қандай муқаддас китобларни, итоаткорлик ва камтарлик билан ҳақиқий руҳий устознинг хизматини қилиб, унинг раҳбарлиги остида ўрганишни тавсия қилади. Ҳақиқий руҳий устоз азалдан мавжуд бўлган руҳий устозлар силсиласига мансуб бўлади, Худои Таолонинг кўрсатмаларидан бир қадам ҳам четга чиқмайди. Бу илм миллион йиллар аввал Қуёш худосига баён этилган, Қуёш худоси "Бҳагавад-гита" илмини Ерда яшайдиган одамларга ўргатган. Шунинг учун, ҳар бири миз "Бҳагавад-гита"да кўрсатилган йўлдан адашмай боришмиз, одам-

ларни түгри йўлдан адаштиришга уринадиган таъмагир ва манман одамлардан эҳтиёт бўлишимиз лозим. Ҳеч қандай шубҳа йўқки, Парвардигор - Олий Шахсдир, Унинг барча қароматлари илохий. Шуни тушуниб етган одам, гарчи у "Бҳагавад-гита"ни эндиғина ўргана бошлигар бўлса ҳам, озодликка чиққан одам ҳисобланади.

*"Илоҳий илм" деб аталган "Бҳагавад-гита"нинг тўртинчи бобига Бҳактиведантанинг изоҳи шундай яқунланади.*

## **Бешинчи боб. Карма-йога - Кришна онгидаги фаолият**

1. арджуна увача

*саннийасам карманам кришина тунар йогам ча шамсаси  
йач чхреяа этайор экам тан ме брухи су-ниишитам*

**Аржун шундай деди: О Кришна, аввал Сен менга ҳар қандай фаолиятни тарк этишин буюрдинг, кейин Худога садоқат билан хизмат қилишни маслаҳат беряпсан. Илтимос, мен учун уларнинг қайси бири яхши эканини аниқ айт.**

Изоҳ: "Бҳагавад-гита"нинг бешинчи бобида Парвардигор Кришна, Худога садоқат билан хизмат қилиш фалсафий фикр юритишлардан афзал эканини исботглайди. Фалсафий фикрлашлар ёрдамида Мутлақ Ҳақиқатни излашдан кўра Худога садоқат билан хизмат қилиш анча осон, чунки Худога хизмат қилиш жараёни руҳий табиатга эга бўлган ҳолда ҳеч қандай моддий оқибатларга олиб келмайди. "Бҳагавад-гита"нинг иккинчи бобида Парвардигор Аржунга рухнинг табиати ва у моддий тананинг ичига қамалғанлиги ҳақида гапириб, руҳий илмнинг энг муҳим сирларини аён этган эди. Шу ерда шартланган рух буддхи-йога, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида моддий тана тутқунлигидан қандай ҳалос бўлиши мумкинлиги ҳам кўрсатилган эди. Учинчи бобда Парвардигор ҳақиқий илмга эга бўлган киши ўзининг турмушдаги барча бурч ва вазифаларидан озод бўлиши ҳақида, тўртинчи бобда эса, У Аржунга ҳар хил қурбонлик маросимларини ўтказиш ёрдамида ҳақиқий илмга эга бўлиш мумкинлигини айтган эди. Аммо, тўртинчи бобнинг охирида Парвардигор Кришна Аржунга, адашиб юришини тарк этиб, мукаммал руҳий илм билан қуролланиб, жангга киришини буюрди. Бир вақтнинг ўзида Худога садоқат билан хизмат қилиш ва мукаммал илмга асосланиб дунёвий фаолиятдан воз кечиш зарурлигини айтиб, Шри Кришна Аржунни ақлидан адаштириб қўйганди. Аржун мукаммал руҳий илм асосида таркидунёлик қилиш деганда, сезги аъзолари ёрдамида қилинадиган барча ҳаракатларни тарк этишини тушунади. Аммо, инсон Худога садоқат билан хизмат қилиб яшамоқчи бўлса, у қандай қилиб ҳаракат қилишни тарк этиши мумкин? Бошқача қилиб айтганда, таркидунёлик қила туриб, яна қандайдир фаолият билан машғул бўлиш - бир-бирига зид нарсалар бўлиб кўрингани учун, Аржун ўйлайдики, саннийаси, яъни мукаммал илмга асосланган таркидунёлик турмуш тарзи - ҳар қандай

фаолиятни умуман тарк этишдир. У ўзини худди, ҳақиқий илм асосида килинган фаолият ҳеч қандай оқибат келтирмаслигини, демак, худди ҳеч бир иш қилмаган билан баробар эканини билмайдиган одамдай тутяпти. Шунинг учун у Кришнадан, нима қилса ўзи учун фойдали бўлишини сўрайпти: ҳар қандай фаолиятдан воз кечсинми ёки мукам-мал илмга эга бўлиб, шу илм асосида ҳаракат қилсинми?

## 2. шри бхагаван увача

*санніясаҳ карма-йогаш ча нихирайаса-карав убҳау  
тайос ту карма-санніясат карма-його вишишия*

**Худонинг Олий Шахси шундай деди: Фаолиятни тарк этиш ҳам, Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳам инсонни озодликка чиқаради. Лекин, Худога садоқат билан холис хизмат қилиш ҳар қандай фаолиятни тарк этгандан афзал.**

Изоҳ: Кармали фаолият билан шугулланиш, яъни ҳиссий лаззатларга интилиш тирик мавжудотнинг моддий оламда тутқун бўлиб юришининг асосий сабабчисидир. Токи, тирик мавжудот ўзининг моддий танасига ҳар хил кулагилклар яратиш учун тинмай меҳнат қилишда давом этар экан, у бир танадан иккинчи танага ўтиб, ўзини моддий оламда мангут тутқун, асири бўлишга мубтало қилиб юраверади. "Шримад Бҳагаватам" (5.5.4-6) да шундай дейилган:

*нунам праматтаҳ қуруте викарма  
йад индрийа-притайа априноти  
на садха маний йата атмано "йам  
асанн ани клиеа-да асадехаҳ  
парибхавас тавад абодхъяджато  
йаван на джиджнасата атма-таттвам  
йават крийас тавад идам мано вай  
карматмакам йена шарира-бандхаҳ  
эвам манаҳ карма-вашам прайункте  
авидайатманӣ упадхийамане  
притир на йаван майи васудеве  
на мучиате деха-йогена тават*

"Ҳиссий лаззатларга муккасидан кетган одамлар, ўзларига шунча азоб-укубат келтираётган ҳозирги моддий танаси - ўзларининг аввалги ҳаётларида килган гуноҳ ишларининг натижаси эканини билмайдилар. Гарчи тана ўткинчи бўлса ҳам, у тирик мавжудотга жуда кўп ташвиш ва ноқулагилклар туғдиради. Шунинг учун, ҳиссий лаззатланишга интилиб, елиб-югуравериш ҳеч кимга фойда бермайди. Аслида ўзининг ким экани ҳакида ўйлаб кўрмайдиган киши умрини бекорга хазон қилиб юрган бўлади. Ҳақиқий ўзлиги - "Мен"ни англаб етмаган одам ҳиссиётининг талабларини қондириш учун ҳар хил оқибат

келтирадиган кармали фаолият билан машғул бўлишга мажбур, хиссий лаззатланиш истаги билан булғанган онги уни бир моддий танани иккинчи моддий танага кетма-кет алмаштириб юришга мажбур қиласди. Шунинг учун, акли кармали фаолиятга гарқ бўлган ва гафлат ботқоғига ботган киши, моддий тана тутқунлигидан халос бўлиш учун, қалбида Худованд Васудевага нисбатан муҳаббат туйғусини ривожлантириши лозим. Факат шундагина унда моддий тутқунликдан озодликка чиқиш имконияти пайдо бўлади".

Шундай қилиб, факат гъяна, яъни "мен моддий тана эмасман, мангу рухман" деган илмнинг ўзи озодликка чиқиш учун етарли эмас. Инсон мангур рух, жон сифатида, рухнинг табиатига хос бўлган ишлар билан яшаши лозим, акс ҳолда у моддий тутқунликдан озодликка чиқа олмайди. Лекин Кришна онгидаги фаолият билан кармали фаолият бир хил табиаттага эга эмас. Кришна онгига қилинган фаолият инсоннинг руҳий юксалишига ёрдам беради, чунки у ҳакиқий ва мукаммал илмга асосланган. Шартланган рух қалбини моддий иллатдан поклаши учун кармали фаолиятни тарқ этишнинг ўзи кифоя қилмайди, - бунинг учун одам Кришна онгига эга бўлиши, Худони, Кришнани англаб этиши керак. Токи қалбимиз покланмаган экан, биз кармали фаолият билан машғул бўлишга мажбурмиз. Аммо, Кришна онгига қилинган фаолият инсонни карма оқибатларидан, демак, моддий онг ёрдамида фаолият қилишдан ҳам поклайди. Шу сабабли Кришна онгига қилинган фаолият, руҳий юксалиш йўлидан адашиш эҳтимоли ҳамиша мавжуд бўлган тарқидунёликдан, ҳар қандай фаолиятни тарқ этишдан афзал, устун туради. Агар Кришна онгига эга бўлмаган киши тарқидунё қисса, унинг тарқидунёлиги тўлиқ тарқидунёлик бўлмайди. Буни Шрила Рупа Госвами "Бхакти-расамрита-синдху" асарида шундай тасдиқлайди:(1.2.256.)

*прапанчикатайа буддхъа хари-самбандхи-вастунаҳ  
мумукишибхиҳ паритайаго варагайам пхалгу катхъате*

"Агар озодликка чиқишига интилаётган одамлар Худонинг Олий Шахси билан боғлиқ бўлган нарсаларни моддий нарсалар деб, улардан воз кечса, уларнинг тарқидунёлиги тўлиқ бўлмайди".

Агар тарқидунёлик "бу дунёдаги ҳамма нарса Худои Таолоники экани ва ҳеч ким бирор нарсага эгалик қилишга ҳаққи йўқ" деган тушунчага асосланган бўлсагина, ундан тарқидунёликни тўла, ҳакиқий тарқидунёлик деб аташ мумкин. Аслида ҳеч нарса бизники эмаслигини англаб олиш лозим. Шундай экан, биз нимадан воз кечамиз, нимани тарқ этамиз ўзи? Ҳамма нарса Кришнанинг мулки эканини билган киши ҳамиша тарқидунё қилиб юрган одам бўлади. Ҳамма нарса Худоники, Кришнаники экан, ҳамма нарсани Кришнага, Худога хизмат қилишга ишлатиш керак. Ана шундай онг билан, яъни Кришна онги билан қилинган ҳар қандай фаолият мукаммал фаолиятдир, ва маява-

ди-саннийасиларнинг таркидунё қилишга уриниб, чекаётган машаққатларини ҳеч қачон бунга тенглаштириб бўлмайди.

*3. джнеїаҳ са нитйа-саннийаси йо на дөвешти на канкшати нирвандво хи маҳа-баҳо сукҳам бандҳат прамучийате*

**Ўз меҳнатининг натижаларидан нафратланмайдиган, айни пайтда уларга боғланиб қолмаган одамни “ҳамиша таркидунё қилиб юрган одам” деб ҳисоблайдилар. Эй билаги қучли Аржун, қарама-каршиликлар таъсирини енгиб, ундай одам осонлик билан моддий тутқунлик чангалидан халос бўлади ва тўла озодликка эришади.**

Изоҳ: Қалбида Кришна онгини тўла ривожлантирган одам ҳамиша таркидунё қилиб юрган бўлади, чунки у ўз меҳнатининг натижаларига боғланиб ҳам қолмаган, улардан нафратланмайди ҳам. Ҳаётини Худои Таолога илоҳий муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишга бағишилаган ана шундай одам ҳақиқий илмга эга одамдир, чунки у Кришна билан ўзаро муносабатида ўзининг вазифасини яхши билади. Кришна - тўла бутун эканини, ўзи эса, - Кришнанинг бир бўлاغи, ажралмас зарраси эканини у тўлиқ англаш етган бўлади. Ана шундай илм - мукаммал илмдир, чунки Худои Таоло билан тирик мавжудотнинг сифат жиҳатидан бир хил эканини ва миқдор жиҳатидан бир-биридан фарқ қилишини тўғри тушунтириб беради. “Тирик мавжудот Кришна билан ҳар томонлама тенг” деган фояни тасдиқлайдиган таълимот эса хотўғри таълимотдир, чунки, бўлак ҳеч қачон бутунга тенг бўла олмайди. Тирик мавжудотнинг Худои Таоло билан сифат жиҳатидан бир хил, аммо миқдор жиҳатидан фарқ қилиши ҳақидаги таълимот ҳақиқатни тўғри тушунтиради. Айни пайтда бу илм илоҳий, трансцендент илмдир, бу илм инсон ҳар хил истак ва мусибатлардан халос бўлиб, ҳаётда осоишта, хотиржам яшашига ёрдам беради. Шундай одамнинг ақли ҳар хил қарама-каршиликлардан пок, чунки унинг ҳаётдаги бутун фаолияти Кришнага бағишиланган. Шу тарзда қарама-каршиликлар таъсирини енгиб, инсон ҳатто моддий оламда яшаб юриб ҳам озодликка эришади.

*4. санкхя-йогау притхаг балаҳ праваданти на пандитаҳ экам атп астхитаҳ самайаг убхайор виндате пхалам*

**Фақат ғофил одамларгина Худога садоқат билан хизмат қилиш(карма-йога) моддий оламни назарий ўрганиш(санкхя-йога)дан фарқ қиласиди, деб айтиши мумкин. Ҳақиқий донишмандлар, руҳий юксалишга элтувучи бу икки йўлнинг бирортасидан адашмай бораётган киши ҳар икки йўлнинг мақсадига ҳам эриша олишини тасдиқлайдилар.**

Изоҳ: Моддий оламни назарий жиҳатдан ўрганишнинг мақсади - бутун борлиқнинг ягона руҳини, жонини, асосини аниқлашдан иборат. Моддий оламнинг руҳи - Вишну, Олий Руҳдир. Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши айни пайтда Олий Руҳга ҳам хизмат килаётган бўлади. Бу ерда айтиб ўтилган усуллардан бири - дараҳтнинг илдизини топишдан, иккинчиси эса - ана шу илдизга сув қўйишдан иборат. Ҳақиқий санкхъя фалсафасига амал қилиб юрган одам охир-оқибатда моддий оламнинг илдизини, руҳи - Вишнуни албатта англаб етади, шу мукаммал илмга асосланган ҳолда Худога хизмат қила бошлайди. Шу сабабли, бу икки йўл аслида бир-биридан фарқ қилмайди, чунки иккисининг ҳам мақсади - ягона Худои Таоло, Вишну. Санкхъя ва карма-йоганинг охирги мақсади нима эканидан бехабар одамлар, "улар ҳар хил мақсадларга олиб келади", деб ўйлайдилар, аммо ҳақиқатан ҳам мукаммал илмга эга бўлган одам уларнинг мақсади бир эканини яхши билади.

*5. йат санкхъяҳ пратіпате стханам тад йогаир апи гамйате  
екам санкхъям ча йогам ча йаҳ пашиятси са пашиятси*

**Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида санкхъя йўлининг мақсадига ҳам эришиш мумкинлигини билган, оламни назарий жиҳатдан ўрганиш ҳамда Худога садоқат билан хизмат қилиш аслида бир йўл эканини тушунган киши ҳақиқатни тўғри англаб етган бўлади.**

Изоҳ: Фалсафий изланишларнинг ҳақиқий мақсади - ҳаётнинг олий мақсадини аниқлашдан иборат. Ҳаётнинг энг олий мақсади - ўзининг ким эканини, ҳақиқий "Мен"ини аниқлаш бўлгани учун, бу ерда кўрсатилган икки усул ҳам одамни ягона хулосага олиб келади. Санкхъя фалсафасини ўрганиб, одам тирик мавжудот бу моддий оламда бегона, аслида "у - руҳий табиатли, олий, тўла бутуннинг бир заррачasi экан", деган хулосага келади. Демак, мангу руҳнинг моддий оламга ҳеч қандай алоқаси йўқ, унинг бу ердаги фаолияти қандайдир йўл орқали Худои Таоло билан боғланган бўлиши керак. Рух Кришна онги билан ҳаракат кила бошлаганида, ўзининг табиий ҳолатига эришган бўлади. "Санкхъя-йога усули" деганда одамнинг моддий нарсаларга боғланишдан халос бўлиши тушунилади, Худога садоқат билан хизмат қилиш йогаси эса, Кришна онгидаги фаолиятга боғланишни ривожлантириш имконини беради. Аслини олганда, гарчи биттаси таркидунёликни, иккинчиси боғланишини кўзда тутса ҳам, бу икки усул бир-биридан фарқ қилмайди. Моддий нарсаларни тарқ этиш ва Кришнага боғланиш - амалда бир нарса. Шуни англаб етган одам ҳақиқатни тўғри тушунган бўлади.

*6. саннийасас ту маҳа-баҳо дүхкхам аттум айогатат  
йога-йүкто мунир браҳма на чиренадхигаччати*

**Худога садоқат билан холис хизмат қилишда машғул бўлмай туриб, факат таркидунё қилишнинг ўзи ҳеч кимга баҳт келтирмайди. Аммо, ҳаётини Худога холис хизмат қилишга багишлаган, чуқур тафаккур юритадиган одам дарров Худои Таолога эришиши мумкин.**

Изоҳ: Саннийаси - таркидунё қилган одамлар икки тоифада бўлади. Саннийаси-маявадилар санкхия фалсафасини ўрганиш билан шуғулланадилар, саннийаси-вайшнавлар эса, "Шримад Бҳагаватам"ни, "Веданта-сутра"ларга ёзилган ишонарли изоҳларни ўрганадилар. Саннийаси-маявадилар ҳам "Веданта-сутра"ни ўрганадилар, аммо улар бунда Шанкарачарий ёзган "Шарирака-бҳашъ" деб аталган изоҳлардан фойдаланадилар. Бҳагаваталарнинг издошлири "Панчаратрика" асосида Худога хизмат қилиш билан шуғулланадилар, шу сабабли ҳар хил вазифаларни бажарадилар. Моддий фаолиятни биратёла тарк этиб, вайшнав-саннийасилар Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида ҳар хил фаолият билан шуғулланадилар. Аммо, санкхия фалсафасини ва веданталарни ўрганаётган саннийаси-маявадилар эса, Худога хизмат қилиш лаззатидан маҳрумдирлар. Баъзан, Браҳман хақидаги фикрлашлардан чарчаб, гарчи бу асар хақида етарли тасаввурга эга бўлмасалар ҳам, улар "Шримад Бҳагаватам"га мурожаат киладилар. Шу сабабли, "Шримад Бҳагаватам"ни ўрганиш жараённида улар жуда кўп қийинчиликларга учрайдилар, мавхум фалсафий фикрлашлар ва "Шримад Бҳагаватам"га имперсонализм руҳида ёзилган нотўғри изоҳлар, шарҳлар саннийаси-маявадиларга ҳеч қандай фойда келтирмайди. Улардан фарқли равищда, саннийаси-вайшнавлар, Худога холис хизмат қилишдаги ўзларининг илохий вазифаларини бажариш билан ҳамиша ўзларини баҳтиёр сезадилар, умрининг охирида эса, албатта Худонинг даргоҳига эришадилар. Саннийаси-маявадилар кўпинча руҳи юксалиш йўлидан адашиб, табиатан моддий, кармали бўлган дунёвий хайр-саҳоват, хайрия ишлари билан шуғуллана бошлидилар. Бундан шундай хulosा чиқариш мумкини, Кришна онги билан яшаб юрган одамлар, гарчи, улар ҳам, бир неча умрлардан кейин барибири Кришнани англаб етсалар ҳам, ҳамиша қайси нарса Браҳман, қайси нарса Браҳман эмаслигини ўйлаб, ҳамиша чуқур фалсафий фикрлашлар билан машғул бўлиб юрган саннийасилардан афзалроқдир.

*7. йога-йүкто вишууддхатта виджистаттама джистендорийах  
сарва-бхутаттама-бхутаттама курванн ати на липийате*

**Ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган, қалби пок, ҳиссиёти ва ақлини жиловлаб олган одам ҳаммага азиз, ҳамма унинг учун азиз. Гарчи, шундай одам ҳамиша турли фаолият билан машғул бўлиб юрса ҳам, ҳеч қачон уларнинг оқибатларига боғланиб қолмайди.**

Изоҳ: Кришна онгида ҳаракат қилиб озодликка эришишга интилиб юрган одам ҳар бир тирик мавжудот учун азиз, барча мавжудотлар ҳам унга жуда қадрли. Бунга сабаб - унинг Кришна онгида бўлганлигидир. У худди дараҳтнинг шоҳа ва барглари дараҳтнинг ўзидан ажралмагани сингари, тирик мавжудотлар ҳам Кришнадан ажралмаганлигини яхши билади. У дараҳтнинг илдизига сув қуиши билан дараҳтнинг шоҳа ва баргларини ҳам сугоришимизни, фақат ошқозонга овқат солиш ёрдамида биз бутун танани зарур қувват билан таъминлашимиз мумкин эканини тушунади. Кришна онгида ҳаракат қилаётган киши шу тарзда ҳаммага хизмат қилиб юргани сабабли, ҳар бир тирик мавжудот учун азиз, қадрли. Унинг фаолиятидан ҳамма мамнун бўлгани учун, унинг онги ҳамиша поклигича қолаверади. Онгининг поклиги унга ақлини назорат қилиш имкониятини беради, ақлини жиловлаш ёрдамида эса, у ҳиссиётини ҳам ҳамиша ўзига бўйсунган ҳолда ушлаб юради. Шундай одамнинг акли ҳамиша Худода, Кришнада мужассам, шу сабабли у ҳеч қачон Худони эсидан чикармайди, унинг сезги аъзолари Худога, Кришнага хизмат қилишдан бошқа ҳеч нарса билан банд бўлмайди. У ҳеч қачон Кришна билан боғлиқ бўлмаган гапларни эшитгиси келмайди, Кришнага таклиф қилинмаган таомдан емайди, агар Худога, Кришнага хизмат қилиш билан боғлик бўлмаса, у бирор жойга бормайди. Шу тариқа унинг бутун ҳиссиёти ҳамиша ўзига бўйсунган бўлади. Ўзининг ҳиссиётларини бошқаришни билган киши эса, хаётда ҳеч қачон, ҳеч кимга, ҳеч қандай зиён етказмайди. "Нимага Аржун жангда қатнашиб, шунча одамни ўлдириди? У Кришна онгида эмасмиди?" - деб сўрашингиз мумкин. Аржуннинг ўз рақибларига берган заҳари сиртдан, юзаки қараганда зарар бўлиб кўринади: жанг майдонида ўлдирилган барча жангчилар алоҳида руҳ сифатида яшашда давом этаверадилар, чунки руҳни ўлдириб бўлмайди. Бу ҳақда иккинчи бобда айтилган эди. Руҳий жиҳатдан олганда, Курукшетра жангидаги ҳеч ким ўлгани йўқ. Жангчилар шу ерда шахсан иштирок этиб турган Худонинг, Кришнанинг амри билан таналарини алмаштирилар, холос.

Курукшетрада жанг қила туриб, Аржун аслида ҳеч ким билан жанг қилгани йўқ: у фақат Кришна онгида бўлган ҳолда Кришнанинг буйруғини бажарди, холос. Ундай одам ҳеч қачон ўз фаолиятининг оқибатларига боғланниб қолмайди.

*8-9. найва кинчит каромити ўукто маниета таттва-вим  
пашиян ширинван спришан джигихранн*

*аинан гаччхан свапан ивасан  
прапатан висриджсан грихнанн унмишан нимишанн апи  
индрийаниндирийартхешу вартанта ити дхарайан*

**Илохий онгга эга бўлган киши кўраётганида, эшитаётганида, сезаётганида, хидлаётганида, овқатланнаётганида, юраётганида, ухлаётганида ёки нафас олаётганида, ўзи аслида ҳеч нарса қилмаётганини ҳамиша билиб туради. У сухбатлашаётганида, ошиқозонини бўшатаётганида ёки қорнини тўйғазаётганида, кўзларини очиб-юмайётганида, фақат сезги аъзолари ташки нарсалар билан ўзаро муносабатда бўлаётганини, ҳақиқий ўзлиги - "Мен" эса, бу ишларга мутлақо алоқадор эмаслигини яхши билади.**

Изоҳ: Қалбида Кришна онгини ривожлантирган киши пок, шу сабабли унинг бевосита беш сабаб ва бошқа кўшимча сабаблар келтириб чиқарадиган фаолиятга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Беш сабаб: 1)харакат килувчи; 2)фаолиятнинг ўзи; 3)ташки шароит; 4)ишлатиладиган куч; 5)тақдир. Содик қалбининг ҳамиша пок бўлишига сабаб шуки, у ҳамиша Кришнага илохий хизмат қилиш билан банд. Ташқаридан қараганда танаси ва ҳиссиётлари ёрдамида ҳаракат килиб юргандай туюлса ҳам, у ҳамиша ўзининг руҳий фаолиятдан иборат бўлган ҳақиқий вазифасини англаб юради. Моддий онгга эга бўлган киши ўзининг ҳиссиётларидан моддий лаззатланиш учун фойдаланади, аммо Кришна онгига бўлган киши эса, ўзининг сезги аъзолари ва танасини Кришнани, Худони рози қилиш учун, Кришнага лаззат келтириш учун ишлатади. Шу сабабли, гарчи сезги аъзоларидан фойдаланиб юрган бўлса ҳам, қалбида Кришна онгини ривожлантирган киши ҳамиша озод руҳдир. Кўриш ва эштиш - билиш аъзоларининг вазифаси, ҳаракат, нутқ коринни бўшатиш ва ҳоказолар эса - ҳаракатланадиган аъзоларнинг иши. Кришна онгига эга бўлган киши ҳеч қачон танасининг аъзоларининг фаолият таъсирига тушиб қолмайди. У Худога хизмат қилишдан бошқа бирор иш билан шуғулланмайди, чунки у Кришнанинг мангубини хизматкори эканини яхши билади.

*10. брахмани адхайа кармани сангам тийактва кароти йаҳ  
липийате на са папена падма-патрам ивамбхаса*

**Худди, сув ҳеч қачон нилуфар гулининг япрогини намлай олмагани сингари, ҳаётда ўз бурчини холис бажариб, меҳнатининг натижаларига боғланмаган ҳолда, уларни Худои Таолога бағишилаб юрган кишининг онгини ҳеч қандай гуноҳ ишлар булғай олмайди.**

Изоҳ: Бу ерда брахмани ибораси "Кришна онгида" деган маънони англатади. Моддий олам - моддий табиатнинг уч гунасининг намоён бўлишидир, у санскрит тилида *прадхана* деб аталади. Ведавий мадхияларда шундай дейилган: *сарвам хи этад брахма* (Мандукайа-упанишад.2) ва *тасмад этад брахма нама рупам аннам ча джайате* (Мундака-упанишад, 1.2.10). "Бҳагавад-гита"да ҳам шундай дейилган(14.3): *мама йонир маҳад брахма*. Бошқача қилиб айтганда, моддий оламдаги ҳамма нарса Брахманнинг намоён бўлишидир, гарчи оқибатлар ҳамиша ҳар хил кўринишларга эга бўлса ҳам, оқибатлар - оқибат келтирган сабабдан фарқ қилмайди. "Ишопанишад"да айтилганки, ҳамма нарса Олий Брахман - Кришна билан боғланган, ҳама нарса шу ягона Зотнинг мулкидир. Ҳамма нарса Кришнани эканини тўлиқ англаб етган, Худои Таоло - ҳамма нарсанинг хўжайини, демак, ҳамма нарса Унга хизмат қилиш учун ишлатилиши лозимлигини тўлиқ англаб етган киши ҳеч қачон ўзининг гуноҳ ёки савоб ишларининг оқибатларига боғланаб қолмайди. Ҳатто, у ёки бу фаолият учун Худои Таоло тирик мавжудотга бериб қўйган моддий танани ҳам Кришна онгида Худога хизмат қилиш учун ишлатиш мумкин. Шунда у, худди сувга ботиб турса ҳам, ҳеч қачон намланмайдиган нилуфар барги сингари, ҳеч қандай гуноҳ ишлар оқибатига булғаниб қолмайди. "Бҳагавад-гита"да (3.3) Парвардигор Кришна шундай дейди: *майи сарвани кармани саннӣасайа* - "Таркидунё қилиб, барча ҳаракатларингни факат Менга бағишила!" Шундай қилиб, Кришнани англаб етмаган киши моддий танасини ва сезги аъзоларини "ӯзи" деб ўйлаб ҳаракат килади, Кришна онгида бўлган киши эса, ўзининг танаси Кришнанинг мулки эканини, уни Кришнага хизмат қилишда ишлатиш кераклигини қилиб, шунга асосан ҳаракат килади.

*11. кайена манаса буддхіа кевалайир индрийайир ани  
йогинаҳ карма курванти сангам тийактвватма-шуддхае*

**Барча боғланишлардан ҳолос бўлиб, йолгар ўзининг танаси, ақли, тафаккури ва ҳатто ҳиссиётларидан ҳам факт покланиш учунгигина фойдаланадилар.**

Изоҳ: Инсон Кришна онгида бўла туриб, Кришнани мамнун қилиш учун ҳаракат қилганида, унинг танасининг, ақлининг, тафаккурининг ёки ҳатто ҳиссиётларининг ҳаракатлари ҳам моддий иллатларга булғанмаган пок хисобланади. Кришна онгига эга кишининг фаолияти моддий оқибатлар олиб келмайди. Шунинг учун, ҳамиша Кришна онгида ҳаракат қилиб, биз ҳеч қийналмасдан ҳаётимизни *сад-ачара* деб аталадиган пок руҳий фаолиятга бағишилай оламиз. Шри Рупа Госвами ўзининг "Бҳакти-расамрита-синдху" асарида (1.2.187) бу ҳақда шундай дейди:

*иха йасия харер дасие кармана манаса гира  
никхиласв ати авастхасу джисван-муктах са учайате*

"Кришна онгида фаолият кўрсатиб юрган, яъни Кришнага танаси, акли, тафаккури ва нутқи билан хизмат қилиб юрган киши, хатто моддий оламда яшаб, хар хил ишлар билан машғул бўлиб юргандай кўринса ҳам, озодликка чикқан рух хисобланади".

Шундай одам сохта ўзлик таъсиридан озод руҳдир, чунки у моддий танасини ўзига қиёсламайди ва ўзини унинг эгаси деб хисобламайди. У моддий танадан фарқ қилишини, тана унга тегишли эмаслигини яхши билади. Унинг танаси ҳам, унинг ўзи сингари Кришнаникидир. Содик ўзининг ҳамма нарсасидан - танаси, акли, тафаккури, нутқи, ҳаёт кучи, мол-дунёсидан Кришнага хизмат қилиш учун фойдалана бошласа, шу захотиёқ Кришна билан ўзаро муносабатини қайта тиклайди. Шундай қилиб, у Кришна билан алоқасини тиклаб, ўзини моддий танага қиёслашга мажбур қиладиган сохта ўзлиги таъсиридан халос бўлади. Мана шу Кришнани англашнинг комил ҳолатидир.

## *12. йуктаҳ карма-пхалам тийактва шантим апноти найшитхиким айуктаҳ кама-карена пхале сакто нифадхйате*

**Чуқур иймон билан ўз ихтиёрини бутунлай Менга топширган киши ҳақиқий тинчлик ва осойишталикка эришади, чунки у ўз меҳнатининг барча натижаларини Менга бағишлайди. Худои Таоло билан боғланмасдан, ҳаётда ўз меҳнатининг натижаларидан лаззатланиш истагида юрган киши нафсининг қули бўлиб қолаверади.**

Изоҳ: Кришна онгига эга бўлган одам билан моддий онгига эга одам орасидаги фарқ шундан иборатки, уларнинг биттаси Кришнага боғланган, бошқаси эса - ўз меҳнатининг натижаларига боғланган. Кришнага боғланган, факат Худони мамнун қилиш учун меҳнат қиладиган киши шубҳасиз озодликка эришган руҳдир, у ўз фаолиятининг натижаси қандай бўлишидан хавотирга тушиб ташвишланмайди.

"Шримад Бҳагаватам"да айтилганидай, одам қарама-каршиликлар таъсири остида, яъни Мутлақ Ҳакиқат ҳақидаги илмдан бехабар бўлгандагина ўз меҳнатининг натижаларига боғланган бўлади. Кришна - Олий Мутлақ Ҳакиқат, Худо Шахси. Қалбида Кришна онгини ривожлантирган киши учун ҳеч қандай қарама-каршиликлар мавжуд эмас. Бутун борлиқ Кришнанинг кувватидан яралган, Кришна эса ҳаммага саодат келтирувчидир. Шу сабабли Кришна онгида қилинган фаолият мутлақ табиатга эга; у бутунлай руҳий ва ҳеч қачон моддий оқибатлар келтирмайди. Шунинг учун ҳам Кришна онгида харакат қилаётган киши ҳамиша, хиссий лаззатланиш ниятида ҳамма нарсадан

бирор фойда ундиришга интилиб юрган одам учун умуман бегона бўлган, чукур ором ва осойишталиқда юрган бўлади. Кришна онгидаги фаолиятнинг сири ана шундай: бутун оламда Кришна билан боғлик бўлмаган нарсанинг ўзи йўқлигини англаб етиш - инсонга мустаҳкам осойишталиқ келтиради ва уни ҳар қандай қўркинчдан халос этади.

*13. сарва-кармани манаса саннийасийасте сукхам вави  
нава-дваре пуре дехи наива курван на карайан*

**Танада мужассам бўлган тирик мавжудот, ўзини бошқаришни ўрганиб, ақлу-хәлида ҳар қандай фаолиятни тарқ этса, ҳеч қандай ҳаракат қилмасдан, ҳеч қандай ҳаракатга сабаб бўлмасдан тўққиз дарвозали шаҳар(моддий тана) ичида баҳтиёр яшайди.**

Изоҳ: Шартланган рух моддий тана ичида, яъни образли қилиб айтадиган бўлсақ, “тўққиз дарвозали шаҳар” ичида яшайди. Тана моддий табиат гуналарига бўйсуниб ҳаракат қилади ва уларнинг таъсири остида бўлади. Шартланган рух ҳамиша ўз танасининг ҳолатига боғлик бўлади, аммо, агар истаса у ана шу боғланишдан озод бўлиши мумкин. У ўзининг руҳий табиатини эсидан чиқариб, ўзини моддий тана деб, алданиб юргани сабабли ҳаётда азоб чекиб юрибди. Қалбиди Кришна онгини ривожлантириб, рух ўзининг табиий ҳолатига қайтади ва танага қамалиб қолишдан халос бўлади. Кришна онгига эга бўлган киши моддий танасининг фаолиятидан бутунлай халос бўлади. Ўзининг хиссиётини жиловлаб олган ва ҳаёт ҳақидаги фикрларини ўзгартирган ана шундай рух тўққиз дарвозали шаҳарда баҳтиёр яшайди.

*нава-дваре пуре дехи ҳамсо лелайате баҳиҳ  
вавий сарвасия локасия стхаварасия чарасия ча*

“Алоҳида жон билан бирга моддий тана ичида яшайдиган Худои Таоло коинотдаги барча тирик мавжудотларнинг Ҳукмдоридир. Моддий танада тўққиз дарвоза мавжуд(икки кўз, буруннинг икки тешиги, икки қулоқ, оғиз, ахлат чиқариш ва жинсий аъзолар). Тирик мавжудот шартланган ҳолатида моддий танасини ўзига қиёслайди, аммо, қалбидаги Парвардигор билан ўзининг бир хил табиатга эга эканини англаб етгандан кейин, ҳатто моддий тана ичида бўлса ҳам, у худди Парвардигор сингари озод бўлади” (Шветашватара-упанишад, 3.18).

Шундай қилиб, қалбиди Кришна онгини ривожлантирган киши моддий танасининг ташки ва ички фаолиятидан озод бўлади.

*14. на картритвам на кармани локасия сриджати прабхуҳ  
на карма-пхала-самйогам свабхавас ту правартатме*

**Тана-шаҳарнинг хўжайини бўлган шартланган рух ҳеч қандай ҳаракат қилмайди, бошқаларни ҳам фаолиятга ундамайди,**

## **фаолиятнинг натижасини ҳам яратмайди. Буларнинг барчасини моддий табиат гуналари амалга оширади.**

Изоҳ: Еттинчи бобдан билиб оламизки. тирик мавжудот Худои Таолонинг кувватларидан бирига мансуб; бу қувват(табиат) Худонинг куйи куввати(табиати) бўлган моддадан фарқ қиласди. Қандайдир сабаблар билан олий кувватга мансуб бўлган тирик мавжудот қадим замонлардан бери моддий табиат билан аралашиб юрибди. Тирик мавжудот яшаётган ўткинчи моддий тана ҳар хил фаолият ва уларнинг оқибатларининг сабабчисидир. Азалдан тирик мавжудот пок, аммо, шартланган ҳолатда бўлгани ва ўзининг ғофилилиги сабабли танасини "ўзим" деб ўйлагани учун, у танаси бажарган фаолиятнинг натижалиридан азоб чекади. Моддий тана ичидаги бизнинг барча мусибатлари-мизнинг ягона сабабчиси - қадим замонлардан бери тирик мавжудотни қоплаб келаётган ғафлат, ғофилилик пардасидир. Тирик мавжудот танасининг фаолиятидан ҳолос бўлганида, шу фаолиятнинг оқибатларидан ҳам ҳолос бўлади. Шаҳар-тана ичida яшар экан, аслида, рух моддий тананинг эгаси бўлмаса ҳам, унинг ҳаракатларини бошқармаса, оқибатларини яратмаса ҳам, унинг хўжайинидай кўринади. У шунчаки моддий ҳаёт уммонида тирикчилик учун кураш олиб боради. Тўлқинлар уни ў ёқдан бу ёққа олиб юради, уларга қаршилик қилишга эса, тирик мавжудотнинг кучи етмайди. Унинг учун ягона нажот йўли - Кришнани, Худони англашнинг илоҳий усули ёрдамида ана шу умондан озодликка чиқишидир. Тирик мавжудот учун бу дунёда ягона йўл шундан иборат.

*15. надатте касийачит папам на чайва сукритам вибхуҳ  
аджсаненавритам джсананам тена мухянти джсантаваҳ*

**Худои Таоло тирик мавжудотларнинг гуноҳ ва савоб ишлари учун жавоб бермайди. Танада мужассам бўлган тирик мавжудотлар сароб(алдов) домига тушиб қолгани сабабли уларнинг хақиқий илми ғафлат остида қолган.**

Изоҳ: *Вибху* иборасининг санскрит тилидан таржимаси "Чексиз илм, чексиз бойлик, чексиз кудрат, шон-шуҳрат, гўзаллик ва боғланмаганлик эгаси бўлган Худои Таоло" деганидир. Ҳамиша Ўзига тўла, Ўзидан мамнун бўлган ҳолда, У тирик мавжудотларнинг гуноҳ ёки савоб ишларига бевосита боғлиқ эмас. Уларни у ёки бу шароитга Худои Таоло солиб қўйгани йўк. Тирик мавжудотларнинг ўзлари ғофилилиги ва адашганлиги сабабли маълум бир шароитларга тушишни истайдилар, шундан уларнинг фаолияти ва фаолиятининг оқибатлари занжири бошланади. Парвардигорнинг қувватига мансуб бўлган тирик мавжудот ўз табиатига кўра илмга тўла. Шунга қарамай, қувватининг

чекланганлиги сабабли, у гафлат гунаси таъсирига тушиб қолади. Тирик мавжудотдан фарқ қилган ҳолда, Парвардигор ҳамма нарсага қодир, қудрати чексиз. Худои Таоло - *вифху*, ҳамма нарсани билувчи чексиз даражада буюқ, тирик мавжудот эса - *ану*, чексиз даражада кичик заррача. Рухий учкун, заррача бўлгани сабабли, тирик мавжудот ҳам мустакил иродада исташ қобилиятига эга. Аммо, унинг истакларини фақат қудратли Парвардигоргина амалга ошира олади. Шунинг учун, тирик мавжудотни дунёвий орзу-истаклар қийнай бошлаганида, Парвардигор унга шу истакларни амалга ошириш имконини беради, аммо Унинг Ўзи, тирик мавжудотнинг ўз хоҳиши билан тушган шароитдан келиб чиқкан ҳолда, кўрсатаётган фаолияти ва уларнинг оқибатлари учун жавоб бермайди. Аклдан адашган тирик мавжудот ўзини ўткинчи танасига киёслаб, ўткинчи табиатга эга бўлган ҳар хил қувонч ва мусибатлардан қийналади. Парвардигор Параматма, яъни Олий Рух кўринишида ҳамиша алоҳида рухнинг ёнида бўлади, ҳудди гулнинг ёнида туриб, унинг ҳидини билганимиз сингари, Худои Таоло алоҳида рухнинг барча истакларини яхши билади. Истаклар тирик мавжудотнинг шартланганлигининг нозик кўринишидир. Парвардигор тирик мавжудотнинг истакларини у муносиб бўлган даражада амалга оширади: инсоннинг нияти, Парвардигорнинг хоҳишига тўғри келсангина амалга ошади.(Человек предполагает, а Бог располагает). Шундай қилиб, алоҳида тирик мавжудот истакларини ўзи мустакил ҳолда амалга ошира олмайди. Аммо Парвардигор унинг барча истакларини амалга ошириши мумкин. Ҳеч нарсага боғланмаган ҳолда, Парвардигор чексиз кичик, чекланган мустакилликка эга бўлган тирик мавжудотга ўзининг хоҳлаган истагини амалга оширишга уринишига халақит бермайди. Лекин, уларнинг истаклари, мақсади - Худои Таолонинг Ўзи, Кришна бўлганида, Парвардигор уларга алоҳида марҳамат қўрсата бошлайди ва уларнинг истакларини бошқариб, уларнинг Худои Таолога эришиб, мангу баҳтга эришишига ёрдам беради. Ведавий мадхияларда шундай дейилган: *эша у ҳай эва садху карма карайати там йам эбхий локебхийа уннинишате, эша у эвасадху карма карайати йам адхо нинишате* - "Парвардигор тирик мавжудотларнинг рухий юксалишлари учун уларга хайрли ишлар қилиш имконини беради. Дўзахга тушишлари учун уларга гуноҳ ишлар қилиш имконини беради". (Каушитаки-упанишад, 3.8)

*аджно джантур анишо "йам атманаҳ сукха-духхайоҳ  
шивара-прерито гачхет сваргам вашв абхрам эва ча*

"Тирик мавжудотнинг баҳтли ёки баҳтсиз бўлиши Худои Таолонинг амрига боғлик. Ҳудди шамол ҳар тарафга олиб юрадиган булутлар сингари Худонинг амри билан рух жаннат ёки дўзахга тушиши мумкин".

Шундай қилиб, қадим замонлардан бери Кришнани, Худони англашдан кочиб юрган тирик мавжудот ғоғиллигига ўзи сабабчи

бўлади. Гарчи ўзининг табиатига кўра тирик мавжудот мангу, илм ва лаззатга тўла бўлса ҳам, чексиз кичик заррача бўлгани сабабли Худога хизмат қилиши кераклигини эсидан чиқаради ва ғофиллик чангалига тушиб қолади. Ана шу ғофиллиги уни ҳозирги шартланган ҳолатга тушиб колгани учун Худои Таолони айлашга мажбур қиласди. "Веданта-сутра"да (2.1.34) шундай дейилган: *вашшамай-наирхриние на сапекишват матха хи даршайати* - "Гарчи бир қараща ундан бўлиб қўринмаса ҳам Парвардигор ҳеч кимга нисбатан нафрат ҳам, муҳаббат ҳам ҳис қилмайди".

*16. джсанена ту тад аджсананам йешам нашитам атманаҳ  
тешам адитийа-вадж джсананам пракашайати тат парам*

**Аммо, тирик мавжудот ҳақиқий, мукаммал илмга эга бўлганида, худди Қуёш нури ҳамма ерни равшан қилгани сингари, илм нури ҳам ғафлат зулматини тарқатиб юбориб, унга ҳамма нарсанинг ҳақиқий табиатини очиб ташлайди.**

Изоҳ: Кришнани унуган тирик мавжудотлар алданишдан қочиб кутуга олмайдилар, лекин Кришна онгига эга бўлган киши алданиш таъсирига тушмайди. "Бҳагавад-гита"да (4.36-38) шундай дейилган: *сарвам джсанана-плавена, джсанагниҳ сарва-кармани ва на хи джсанена садришам*. Илм - бебаҳо неъматидир. Илм нима ўзи? Кришнага ўз ихтиёрини топширган киши мукаммал илмга эга одамдир: *баҳунам джсанманам анте джсананаван мам прападайате* (БГ.7.19). Бу дунёда жуда кўп умрлар яшагандан кейин, инсон ўз ихтиёрини бутунлай Кришнага топширса, уни мукаммал илмга эга бўлган, деб тушуниш керак: бошқача қилиб айтганда, худди Қуёш нурида ҳамма ер равшан бўлгани сингари, инсон Кришна онгига эга бўлганда, унга ҳамма нарса аён бўлади. Инсоннинг ақлини адаштирадиган ғафлат, алданиш, майа ҳар хил кўриннишда бўлади. Масалан, тирик мавжудот ғофиллиги сабабли ўзини худо деб эълон қилганида, у майанинг энг охирги қопқонига тушган бўлади. Ахир, агар тирик мавжудот Худо бўлса, қандай қилиб у алданиш, майа таъсири остига тушиб қолди? Ҳамма нарсага кодир бўлган Худо ҳам шайтон васвасасига, майанинг чангалига тушадими? Агар шундай бўлса, шайтон, майа - Худодан курдатлироқ бўлиб чикади-ку?

Факат Кришна онгини тўла эгаллаган одамдангина ҳақиқий, мукаммал илм ўрганиш мумкин. Шунинг учун, ҳақиқий рухий устоз излаб топиш ва унинг раҳбарлиги остида Кришнани англаш илмини эгаллаш лозим, чунки худди қуёш тун зулматини ёритиб юборгани сингари, Кришна онги ҳам инсон қалбидан ғофиллик пардасини очиб юборади. Ҳатто, ўзи моддий танадан фарқ қилишини, ўзининг рухий табиатини англаб етган одам ҳам, рух билан Олий Рух орасидаги

фаркни билмаслиги мумкин. Аммо, агар у Кришна онгидаги бўлган ҳақиқий руҳий устознинг паноҳига кирса, ана шу илоҳий илм унга аён бўлади. Тирик мавжудот факат Худонинг вакили ёрдамидагина Худони ва Худо билан ўзининг муносабатларини англаб етиши мумкин. Гарчи, Худонинг вакили Худо ҳақидаги илмга эга бўлгани учун, уни Худо билан тенг даражада эъзозласалар ҳам, хеч қачон у ўзини Худо деб эълон қилмайди. Оддий тирик мавжудот Худои Таолодан фарқ қилишини ҳар бир одам англаб олиши лозим. "Бҳагавад-гита"нинг иккинчи бобида(2.12) Парвардигор Шри Кришна айтадики, барча тирик мавжудотлар Худонинг Ўзи сингари алоҳида шахслардир. Улар ўтмишда ҳам алоҳида шахс бўлган, ҳозир ҳам алоҳида шахс, келажакда озодликка эришгандан кейин ҳам алоҳида шахс бўлиб қолаверадилар. Тун коронгулигига ҳамма нарса бир хилдай бўлиб кўринади, аммо, Күёш чиққанида, биз ҳамма нарсани яққол кўриб, бир-биридан ажратса оламиз. Рухий ҳолатда ҳам тирик мавжудот ўзининг алоҳида шахс сифатини сақлаб қолишини тушуниб етиш - ҳақиқий илмдир.

*17. тад-буддхаяс тад-атманас тан-ништхас тат-парайанаҳ  
гаччантси ануар-авриттим джсана-нирдоҳута-калмашаҳ*

**Ақли, тафаккури, ишончи ва бутун умиди Худои Таолога қаратилганида, эгаллаган мукаммал илми ёрдамида одам қилган гуноҳларининг барча оқибатларидан бутунлай ҳалос бўлиб, озодликка эришиш имкониятига эга бўлади.**

Изоҳ: Олий илоҳий Ҳақиқат - Парвардигор Кришнадир. "Бҳагавад-гита"нинг асосий мазмуни - Кришна, Худонинг Олий Шахси эканини тасдиқлашдир. Буни барча ведавий муқаддас китоблар тасдиқлайди. *Пара-таттва* - "Олий ҳақиқат" деганидир, уни Худои Таолонинг барча уч аспектини: Брахман, Параматма ва Бҳагаванни англаб етган киши англай олади. Бҳагаван, яъни Худонинг Олий Шахси - Мутлақ Ҳақиқатнинг олий аспектидир. Ундан буюкроқ хеч нарса мавжуд эмас. Парвардигорнинг Ўзи буни тасдиқлайди: *маттаҳ паратарам наниат кинчид асти дхананджайа* (БГ.7.7). Ҳатто шахс сифатига эга бўлмаган Брахман ҳам Кришнада мужассам: *брахмано хи пратиштхахам*. Шу сабабли, ҳар жиҳатдан қаралса ҳам, Кришна - Олий Ҳақиқатдир. Бутун ақли, тафаккури, иймони ва умиди Кришнага қаратилган, Унга ўз ихтиёрини бутунлай топширган киши, бошқача қилиб айтганда, қалбida Кришна онгини тўла ривожлантирган киши шубҳасиз барча гуноҳлари оқибатидан ҳалос бўлиб, илоҳий борлиқнинг барча аспектларини англаб етган зотдир. Кришна онгига эга бўлган киши "бир вақтнинг ўзида бирлик ва фарқ қилиш" концепциясини ҳам ўз ичига олган ягона Парвардигор, Кришна ҳақидаги илмни яхши тушунади. Шу илоҳий илм

билан куролланган ҳолда озодликка олиб чиқувчи йўлдан адашмай илгарила бораверади.

*18. видїа-винаїа-сампанне брахмане гави хастини  
шуни чайва шва-паке ча пандитаҳ сама-даршинаҳ*

**Ҳақиқий илмга эга бўлган қамтарин донишманд билимдон ва олийнасаб браҳманга, сигирга, филга, ит ва ит гўшти ейдиган ҳаромига бир хилда қарайди.**

Изоҳ: Кришна онгига эга бўлган киши ҳаётнинг турли шакллари-даги таналарга эга бўлган тирик мавжудотларни ҳам, жамиятнинг ҳар хил табақаларига мансуб одамларни ҳам бир-биридан ажратмайди. Ижтимоий ривожланиш зинапоясининг ҳар хил поғоналарида турган браҳман билан ҳароми, ғофил одамми, ёки ҳаётнинг ҳар хил турларига мансуб сигир, ит ва филми, - Мутлақ Ҳақиқатни англаб етган донишманд учун уларнинг таналари орасидаги фарқ ҳеч қандай аҳамиятта эга эмас. Донишманд киши Худои Таоло Ўзининг тўла экспансияси бўлган Параматма қўринишида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлгани сабабли, барча тирик мавжудотларнинг Худои Таоло билан боғлиқ эканини тушунади. Парвардигорни ана шундай тушуниш - ҳақиқий, мукаммал илмидир.

Қайси ҳаёт шаклига ва табакаларга мансублигидан қатъий назар, Парвардигор - ҳар бир тирик мавжудот учун меҳрибон ва марҳаматли. Уларнинг ҳар бирини Ўзининг дўсти деб ҳисоблади, тирик мавжудот қандай шароитга тушиб қолса ҳам, Параматма қиёфасида ҳамиша унга ҳамроҳ бўлиб юради. Параматма қўринишида гарчи уларнинг таналари ҳар хил бўлса ҳам, Парвардигор ҳароми одамнинг ҳам, браҳманнинг ҳам қалбидан жой олган. Тана - моддий табиат гуналари келтириб чиқарган нарса, аммо тананинг ичидаги рух ва Олий рух, бир хил, руҳий табиатга эга. Лекин, сифат жиҳатдан бир хиллиги уларни миқдор жиҳатдан ҳам бир хил қилолмайди, чунки алоҳида рух факат битта тана ичидаги мавжуд бўла олади, Параматма эса - ҳамма таналарда мавжуд. Қалбida Кришна онгини ривожлантирган киши буни яхши тушунади, шунинг учун, у ҳақиқий илмга эга ва барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлади. Алоҳида рух билан Параматмани бирлаштириб турган нарса шундан иборатки, улар иккиси ҳам мангугу, лаззатга тўла ва онгли эканлигидир. Лекин, алоҳида тирик мавжудотнинг онги факат ўзининг танаси билан чекланган, Олий Руҳнинг онги эса, барча таналарга тараалган. Тирик мавжудот қайси ҳаёт турига мансуб бўлишидан қатъий назар, Олий Рух ҳар бир тирик мавжудотнинг танасида мавжуд.

*19. ихаива таир джитаҳ сарго йешам самье стихатам манаҳ*

*нирдошам хи самам брахма тасмад брахмани те стхитах*

**Ҳамиша хотиржам ва бетараф ҳолатда яшайдиган одамлар туғилиш ва ўлишлардан юқори кўтарилиган бўлади. Улар Брахман сингари бегунох, пок бўлиб, Брахманга эришган одамлардир.**

Изоҳ: Аввал айтилганидай, ақлнинг ҳамиша ўз мувозанатини сақлаб, хотиржам юриши инсоннинг ҳақиқий ўзлигини англаб олганидан далолат беради. Ҳақиқатан ҳам ана шундай даражага эришган киши моддий тутқунлиқдан кутулган, яъни туғилиш ва ўлишни енгтан инсон ҳисобланади. Токи инсон моддий танасини “ўзим” деб ҳисоблар экан, у шартланган ҳолатда бўлади, аммо, ўзининг руҳий табиатини англаб, ҳамиша осойишта ҳолатда бўлиб, у шартланган ҳаёт тутқунлигидан озод бўлади. У энди ҳеч қачон моддий оламда қайта туғилмайди ва ўлганидан кейин руҳий даргоҳга эришади. Парвардигорни “бегуноҳ” деб атайдилар, чунки, У ҳеч кимга алоҳида қаттиқ боғланиб ҳам қолмаган, ҳеч кимдан қаттиқ нафратланмайди ҳам. Тирик мавжудот боғланиш ва нафратланишлардан покланганида, у ҳам бегуноҳ даражага кўтарилиб, руҳий салтанатга киришга муносиб зот бўлади. Шундай одамни “озод рух” деб ҳисоблаш керак, ва уларни кейинги шеърда кўрсатилган белгиларига қараб билиб олса бўлади.

*20. на практииёт прийам пратиа нодвиджет пратиа чаприйам  
стхира-буддхир асаммудхо брахма-вид брахмани стхитаҳ*

**Ҳаётда учрайдиган ютуқлардан қувонмайдиган, нохушликликлардан безовта бўлмайдиган, тафаккури ўзгармас, алданиш таъсирига берилмаган ва Худои Таоло ҳақида мукаммал илмга эга бўлган киши, руҳий оламга эришган инсон бўлади.**

Изоҳ: Бу ерда руҳий табиатини англаб етган одамни аниқлаб олса бўладиган аломатлар санаб ўтилган. Энг аввало ундан одам алданиш таъсирига берилмаган, чунки у ўзини моддий тана билан қиёслашни тарқ этган бўлади. У ўзининг танадан фарқ қилишини, Худонинг Олий Шахсининг бир зарраси эканини яхши билади. Шунинг учун, у тана билан боғлик бирор нарсага эришганида қувониб кетмайди ва бирор нарсадан маҳрум бўлганида афсусланиб, қийналмайди. Ана шундай ҳамиша хотиржам, осойишта одамни *стхира-буддхи*, "ўзгармас тафаккурга эга" одам деб атайдилар. Ундан одам ҳеч қачон моддий танани рух билан адаштириб ўтирмайди, танасини “ўзим” деб ҳисоблаб, руҳнинг мавжудлигини инкор этмайди. Шундай илмга эга бўла туриб, Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги илмни мукаммал эгаллашга, яъни унинг уч аспекти: Брахман, Параматма ва Бхагаванни англаб етишга кодир бўлади. У ўзининг ҳақиқий ҳолатини тушунади ва Худои Таоло билан

тengлашиш учун беҳудага уриниб юрмайди. Шундай одам Брахманни англаган, демак, ўзининг руҳий табиатини англаб етган бўлади. Ана шундай ўзгармас, мустаҳкам онг - "Кришна онги" деб аталади.

*21. баҳйа-спаршешв асактатма виндати атмани йат сукхам  
са брахма-йога-йуктатма сукхам ақиайам аинуте*

Моддий боғланишлардан озод бўлган ана шундай инсонни дунёвий, ўткинчи лаззатлар маҳлиё этолмайди: у ҳамиша транс(жазава) холатида бўлиб, ўзининг қалбидан лаззат олиб юради. Шу тарзда, ҳақиқий ўзлиги - "Мен"ини англаб етган, фикру-хаёли ҳамиша Худои Таолода мужассам бўлган одам ҳаётда чексиз баҳт лаззатини татиб юради.

Изоҳ: Кришнанинг буюк содиги Шри Ямуначарйа шундай деган эди:

*йад-авадхи мама четаҳ кришна-падаравинде  
нава-нава-раса-дхаманий үдйатам рантум асит  
тад-авадхи бата нари-сангаме смартиамане  
бхавати муҳкха-викараҳ суштху ништҳиванам ча*

"Ақлу-хаёлим Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиш билан машғул бўлгандан бери, мен тобора кучайиб бораётган руҳий лаззатни ҳис қилиб яшайман. Шундан бери, ҳатто (дунёвий ҳаётнинг энг олий лаззати ҳисобланган) жинсий алоқа тўғрисидаги фикр хаёлimga келган заҳоти жирканганимдан афтим буришади ва туфуриб ташлайман". Руҳий юксалиш йўлида брахма-йога, яъни Кришнани тўла англаш поғонасига кўтарилган одам, Худои Таолога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга шунчалик берилиб кетган бўладики, унинг ҳар қандай дунёвий ҳиссий лаззатларга умуман қизиқиши қолмайди. Моддий ҳаётда энг чуқур лаззат - жинсий алоқадан олинадиган лаззат ҳисобланади. Бутун олам ана шу лаззат чангалида асирликда, агар ҳаётда ана шу лаззат бўлмаса, ҳеч бир дунёвий, материалист одам бирор иш билан шугуулланмаган, кеча-кундуз оғир меҳнат қилиб юрмаган бўларди. Аммо, қалбида Кришна онггини ривожлантирган киши жинсий алоқадан лаззатланишга интилмасдан, аксинча, иложи борича ундан узоклашишга ҳаракат қилиб, зўр иштиёқ билан меҳнат қилиши мумкин. Одамнинг руҳий жиҳатдан қанчалик юксалганини ундаги ана шу аломатга караб аниқлаш мумкин. Руҳий юксалиш ва жинсий алоқадан лаззатланиш истаги бир-бирига мутглақо зид бўлган нарсалардир. Кришна онгига эга бўлган одамни ҳеч қандай ҳиссий лаззатлар ўзига маҳлиё қилиб, боғлай олмайди, чунки у озод руҳдир.

*22. ўе хи самспарша-джса бхога духкха-йонайа эва те*

*ады-антавантаң қаунтейа на тешу рамате будхаң*

**Фаросатли одам моддий сезгиларнинг лаззат келтирадиган нарсалар билан ўзаро муносабатидан келиб чиқадиган хиссий лаззатлардан ўзини тийиб юради, чунки бундай лаззатлар - азобукубатлар манбаидир. Эй Кунтининг ўғли, барча моддий лаззатларнинг аввали ва охири бор, шунинг учун улар донишманд кишини қизиқтирумайди.**

Изоҳ: Моддий лаззатлар сезги аъзоларининг улар сезадиган нарсалар билан ўзаро муносабатидан, бирикишидан келиб чиқади. Ундай лаззатлар ўткинчи, чунки моддий тананинг ўзи вақтинчалик нарса. Озодликка эришган кишини ўткинчи нарсалар қизиқтирумайди. Олий, руҳий лаззатни татиб кўрган киши вақтинчалик, алдамчи, сохта нарсаларга қаноатлана оладими? "Падма-пурана"да шунда дейилган:

*раманте йогино "нанте сатиананде чид-аттами  
ити рама-паденасау парам брахмабхидхийате*

"Йоглар учун Мутлақ Ҳақиқат чексиз руҳий лаззат манбаидир. Шу сабабли Олий Мутлақ Ҳақиқат, Худо Шахсини "Рама" деб атайдилар".

"Шримад Бхагаватам" (5.5.1)да бу ҳақда шундай дейилган:

*найам дехо деха-бхаджам ир-локе  
каштан каман архате вид-бхуджам ие  
тапо дивийам пуртака йена саттвам  
шуддхийед йасмад брахма-саукхьям тв анантам*

"Эй азиз ўғилларим, инсон танасига эга бўлган тирик мавжудот хиссий лаззатга эришиш учун оғир меҳнат қилишининг ҳожати йўқ, чунки ҳатто ахлат билан озиқланиб тирикчилик қиласидиган зот(чўчка)лар ҳам бундай лаззатдан баҳраманд бўлиб юрибдилар-ку. Моддий иллатлардан покланиш ва чексиз руҳий лаззатдан татиб кўриш учун сизлар ўз умрингизни риёзат чекишига бағишлишингиз лозим".

Шундай қилиб, ҳақиқий йог ва донишмандлар тирик мавжудотни моддий оламга боғлаб, тутқун қилиб қўядиган хиссий лаззатларга интилмайдилар. Биз моддий, хиссий лаззатларга қанчалик боғланган бўлсак, хаётда шунчалик кўп мусибатларга дучор бўламиз.

### *23. шакнотихаива йаҳ содхум прак шарира-вимокшанат кама-кроодходбхавам вегам са йўктаҳ са сукхи нараҳ*

Агар инсон ўзининг хозирги танасида моддий хиссиётлар хуружини тўхтатиб туролса, истаклари ва ғазабини жиловлаб олган бўлса, демак, у руҳий камолотга эришган ва бу дунёда ҳақиқий баҳтга эришган бўлади.

Изоҳ: Руҳий ўзлиқни англаш йўлидан адашмасдан юксалиб боришни истайдиган одам ҳиссиётининг гапиришга, ғазабланишга бўлган ҳар хил хуружларини, шунингдек ақлининг, қорнининг, жинсий аъзоларнинг ва тилининг интилишларини тўхтатишни ўрганиши керак. Ҳиссиётини ва ақлинни жиловлаб олган кишини *госвами* ёки *свами* деб атайдилар. Госвами ҳаётда ўзининг ҳиссиётларини тўла назорат қилиб, ҳамиша қонун-қоидалар асосида тартибга солинган турмуш кечиради. Қаноатланмаган моддий ҳиссиётлар кишини ғазаблантиради, натижада одамнинг ақли ҳаракатга келиб, у осойишталигини йўқотади, кўзлари конга тўлади ва оғир-оғир нафас ола бошлияди. Шунинг учун, моддий танани тарк этишдан олдин инсон ҳиссиётини жиловлашни ўрганиши лозим. Ана шундай қобилиятга эга бўлган киши ўзининг руҳий табиатини англаб етган ва илоҳий баҳтга эришган одам ҳисобланади. Руҳий юксалиш йўлидан бораётган ҳар бир одам ўз истакларини ва ғазабини жиловлаб олиш учун бор кучини ишга солиб ҳаракат қилиши лозим.

*24. йо “нтаҳ-сукҳо “нтар-арамас татхантар-джайотир эва йаҳса йоги брахма-нирванам брахма-бхуту “дхигаччати*

**Баҳт, лаззат ва руҳий қўтариқиликни ўзининг қалбидан топган ва фикрлари ҳамиша руҳий ўзлигига қаратилган киши ҳақиқатан ҳам комил даражадаги илоҳий зот - йогдир. У руҳий озодликка чиқади ва охир оқибатда Парвардигорга эришади.**

Изоҳ: Токи инсон, шодлик ва лаззатлар манбанини ўзининг қалбидан топа олмас экан, у баҳтга, лаззатга ўхшаган алдамчи туйғуни келтириб чиқарадиган ташқи фаoliyatdan воз кеча олмайди. Озодликка эришган зот ҳақиқий баҳт нашъасини суриб, ҳаётдан лаззатланин яшайди, шу сабабли у хоҳлаган жойда, қалбидаги руҳий ҳаётдан лаззат олиб жим ўтираверади. Ундей одам ҳеч қандай ташқи лаззатга, ташқи баҳтга интилмайди. Мана шу - брахма-бхута даражасидир, унга эришган киши албатта ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтади.

*25. лабҳанте брахма-нирванам ришиайаҳ кишина-калмасиаҳ чхинна-двайдҳа йататманаҳ сарва-бхута-хите ратаҳ*

**Шубҳаю-гумонлардан келиб чиқадиган қарама-қаршиликлар таъсиридан бутунлай халос бўлган ва ақлий назарини руҳий ўзлигига йўналтирган, гуноҳ ишлар иллатидан бутунлай покланиб, ҳамиша барча тирик мавжудотларнинг саодатини ўйлаб иш қиласидиган одамлар озодликка чиқадилар ва Олий Ҳақиқатга эришадилар.**

Изоҳ: Қалбида Кришна онгини тўла ривожлантира олган кишигина барча тирик мавжудотларга саодат келтирадиган фаолият билан машғул бўла олади. Кришна - бутун борликнинг манбаи эканини хақиқатан тушуниб етган, ҳамиша ана шундай онг билан харакат киладиган одам хар бир тирик мавжудотга саодат келтиради. Одамлар Худони эсидан чиқарғанлари ва Кришна - Олий лаззатланувчи, Олий Ҳукмдор ва ҳар кимнинг энг яқин дўстси эканини тушунмагани сабабли ҳар хил азоб-уқубатларга дучор бўлиб юрибдилар. Шунинг учун, одамларда ана шундай онгни уйғотишга харакат килиб юрган одам энг олий даражадаги хайрли, савоб иш килиб, одамларга энг буюк яхшилик қилиб юрган бўлади. Фақат руҳий озодликка эришган ва Олий Ҳақиқатни англаб етган инсонгина шундай улуғвор ишларга қодир бўлади. Кришна онгига эга бўлган киши ҳеч қачон Худои Таолонинг буюклигига, улуғворлигига шубҳа қилмайди, чунки у барча гуноҳлардан покланган бўлади. Илоҳий муҳаббатнинг табиати ана шундай.

Жамиятнинг фақат моддий фаровонлигини ўйлаб юрган киши аслида ҳеч кимга ёрдам беришга қодир эмас. Унинг бошқа одамларнинг танасига, ақлига келтираётган вакътинчалик манфаати, ёрдами уларни тўла қаноатлантира олмайди. Инсоннинг хаётда тирикчилик учун бўлган курашда дуч келадиган муаммоларининг асосий сабаби - унинг Худои Таоло билан бўлган ўзаро муносабатларини эсидан чиқариб қўйганидир. Кришна билан ўзаро муносабатларини тўла англаб етган одам ҳатто моддий танаси ичидаги қолиб ҳам озодликка эришади.

## *26. кама-кроодха-вимуктанам йатинам йата-четасам абхито брахма-ниранам вартате видитатманам*

**Газабдан ва барча моддий истаклардан халос бўлган, хақиқий ўзлиги - "Мен"инианглаб етган, ақлини жиловлаб, тўхтамасдан руҳий баркамоллик сари интилаётган зотлар жуда тез Олий Ҳақиқатга эришиб, озодликка чиқадилар.**

Изоҳ: Кришнани англаш йўлидан бораётган киши озодликка интиляётган барча илоҳиёт одамлари ичидаги энг аълосидир. Буни "Шримад Бҳагаватам"да Кришна ҳам тасдиқлайди (4.22.39):

*йат-пада-панкаджса-палаша-виласа-бхактия  
кармашайам гратахитам удгратхайанти сантаҳ  
тадван на рикта-матайо йатайо "ни руддха-  
срото-гана" там аранам бхаджса васудевам*

"Муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиб, Худои Таолога, Васудевага сажда кил. Ҳатто буюк донишмандлар ҳам, Худои Таолонинг нилуфар қадамларига садоқат билан хизмат қилиб, илоҳий лаззатга эришган, шунинг шарофати билан қалбидаги чуқур ўрнашиб олган, моддий лаззат

келтирадиган дунёвий фаолиятга интилиш туйгусидан халос бўлган одамчалик, қалбидаги моддий истаклар хуружини тўхтатишга қодир эмаслар".

Тирик мавжудотнинг қалбида ўз меҳнатининг натижаларидан лаз-затланиш истаги шунчалик чукур илдиз отиб кетганки, бор кучини ишга солиб, уринишларига қарамай, ҳатто буюк донишмандлар ҳам уни жиловлай олмайдилар. Аммо, ҳамиша Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлиб юрган, ўзининг руҳий табиатини тўла англаб етган Худонинг содик хизматкори жуда тез озодликка чиқади ва Парвардигорга эришади. Ўзликни англаш илмини мукаммал эгаллаб олиб, у ҳамиша транс ҳолатида бўлади. Буни кўйидаги шеърдан тушуниб олиш мумкин:

*даршана-дхъяна-самспаршаир матсїа-курма-виҳангамаҳ  
свані апамїани пушнанти татхазам ани падма-джса*

"Шунчаки нигохини ташлаб кўйиш, ўйлаб юриш ёки танасини текки-зеб кўйиш билан балиқ, тошбака ва күшлар ўз фарзандларини ўстирадилар. Мен ҳам худди шундай қиласман, о Падмажа".

Балиқ зурёдини уларга шунчаки нигохини ташлаб кўйиш билан ўстиради. Тошбака эса, зурёдини ўйлаб юриш билан дунёга келтиради. У қирғоқда бирор жойга тухум қўяди, ўзи сувга тушиб бўлажак зурёди ҳакида ўйлаб юради. Худди шундай, Кришнанинг содик хизматкори ҳам, ҳатто Унинг даргоҳидан узоқда бўлса ҳам, Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлиб, ҳамиша Худо ҳакидағи ўйларни ўйлаб юрса, Унга эриша олади. Ана шундай содик моддий мусибатларга эътибор бермай қўяди. *Брахма-нирвана* деб аталадиган ана шундай ҳолатга эришган одам ҳеч қандай моддий азоб-уқубатларни сезмайди, чунки у ҳамиша Парвардигор ҳакидағи ўйларга ғарқ бўлиб юради.

27-28. спаршан критва баҳир баҳиами  
чакшуши чайвантаре бҳруваҳ  
пранапанау самау критва  
насабхъянтара-чаринау  
йатендррия-мано-буддхир  
мунир мокши-парайанаҳ  
вигатечча-бхайа-кродхо  
йаҳ сада мукта эва саҳ

Ҳиссий лаззат келтирадиган нарсалардан бутунлай юз ўгириб, нигохини қошлири ўртасига жамлаб, нафас олиш ва нафас чиқаришини бурнида мувозанатга келтириб, нафас олишдан тўхтаб озодликка интилаётган йог - ақли, ҳиссиёти ва тафаккурини жиловлаб олади ва барча истаклардан, қўрқувдан, газабдан халос бўлади. Ҳамиша ана шундай ҳолатда бўлган киши, шубҳасиз, озодликка эришган руҳдир.

Изоҳ: Калбида Кришна онгини ривожлантириб, инсон дарров ўзининг руҳий ўзлиги - "Мен"ини англаб етади ва садоқат билан хизмат қилиш жараёнида Худои Таолога эришади. Худога садоқат билан хизмат қилишда камолотга эришиб, у руҳий ҳолатда мустаҳкам ўрнашиб олади, ўзининг ҳар бир харакатида Парвардигорнинг ёнида борлигини сезиб туриш қобилиятига эга бўлади.

Ана шундай ҳолат озодликнинг энг олий поғонаси деб аталади. Аржунга озодликнинг ана шундай поғонаси ҳакида гапириб, Парвардигор шу поғонага аштанга-йоганинг саккиз поғонаси: *яма, нияма, асана, пранаяма, пратийахара, дхарана, дхъана* ва *самадхи* орқали қандай эришиш мумкинлигини тушунтиради. Бу йога жараёни "Бҳагавад-гита"нинг олтинчи бобида батафсил таърифланган, бу ерда - бешинчи бобнинг охира, бу жараён ҳакида бошланғич маълумотлар берилган. *Пратийахара* поғонасида йог товуш, сезиладиган нарсалар, шакл, ҳид ва таъм сингари ташки нарсалардан сезги аъзоларини биратўла тийиши, кейин, кўзларини ярим юмган ҳолда нигоҳини қошлари ўртасига жамлаши, ёки бурнининг учига қаратиши лозим. Бунда кўзни биратўла юмиб олмаслик керак, акс ҳолда ухлаб қолиш мумкин. Кўзларни, бошқа нарсаларга чалғимаслиги учун, катта очишнинг ҳам ҳожати йўқ. Юкорига кўтарилаётган ва пастга тушаётган ҳаво оқимларини мувозанатга келтириб, йог нафасини бурнида ушлаб туради. Ана шундай йога билан шуғулланиб юрган киши ҳиссиётларини жиловлаб олади, уларни ташки нарсалардан тийади, шу тарзда ўзини озодликка эришишга ва Олий Ҳақиқатни англаб олишга тайёрлайди.

Бу йога машғулоти одамга қўрқув ва ғазабнинг ҳар қандай кўринишидан халос бўлишга, руҳий поғонага кўтарилишга, ҳамиша Олий Руҳни сезиб юришига ёрдам беради. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, демак, барча йога тизимлари ичida энг яхшиси - Кришнани англаш усулидир. Бу ҳақда кейинги бобда батафсил маълумот берилади. Бу ерда шуни айтиб ўтиш мумкинки, Кришна онгига эга бўлган ва ҳамиша Худои Таолога холис хизмат қилиб юрган киши ҳиссиёти ўзининг назорати остидан чиқиб кетишидан ҳеч қачон хавотирланмайди, уларнинг бошқа бемаъни нарсалар билан шуғулланишига ҳам йўл қўймайди. Бу усул одамга аштанга-йогага қараганда анча яхширок, осонроқ йўл билан ўз ҳиссиётини бошқариш имконини беради.

## *29. бхоктарам джнайа-тапасам сарва-лока-махешварам сухридам сарва-бхутанам джнатва мам шантим риччхати*

Барча қурбонлик маросимларидан ва риёзатлар натижасидан лаззатланувчи ягона Зот - Мен эканимни, Мен барча сайёralар ва фаришталарнинг Олий Ҳукмдори, шунингдек, барча тирик

**мавжудотларнинг энг яқин дўсти ва саодатманди эканимни тўла англаб етган киши моддий азоб-уқубатлардан халос бўлади ва тўла осойишталикка эришади.**

Изоҳ: Алдамчи қувват чангалига тушган шартланган рухлар моддий оламда осойишталикка эришишга уриниб юрадилар. Лекин, улар "Бҳагавад-гита"нинг мана шу шеърида айтилган тинчликка эришиш формуласини билмайдилар. Бу формула жуда содда: бизларнинг барча килган ҳаракатларимизнинг натижасидан факат Парвардигор Кришна лаззатланади. Ўзимизда мавжуд нарсаларнинг ҳаммасини Парвардигора илохий хизмат қилиш учун ишлатиш лозим, чунки У - барча сайёralарнинг, у ерда ҳукмронлик қилаётган фаришталарнинг Ҳукмдоридир. Худодан буюкрок зот йўқ. У энг буюк фаришталардан - Тангри Брахма ва Тангри Шивадан ҳам буюк. Бу ҳакиқат ведаларда кўрсатилган: *там шиваранам парамам маҳешварам* (Шветашватара-упанишад, 6.7) Ҳаётда адашиб қолган тирик мавжудотлар гарчи ўзлари Худои Таолонинг алдамчи қуввати ҳукмронлиги остида бўлсалар ҳам, оламга ҳукмронлик қилмоқчи бўладилар. Парвардигор - моддий табиатнинг Ҳукмдоридир, шартланган рухлар эса, унинг бешафқат конунлари ҳукми остидалар. Токи одамлар мана шу оддий ҳакиқатни тушуниб етмас эканлар, улар на якка ҳолда, на барчаси биргаликда бўлиб, ҳеч қачон тинчликка, осойишталикка эриша олмайдилар. Кришнани англашнинг маъноси шундан иборат: Парвардигор Кришна - олий ҳукмдор, барча тирик мавжудотлар, шу жумаладан барча буюк фаришталар ҳам, Унинг кўли остидаги хизматкорлардир. Тўла Кришна онгига эга бўлган зотларгина ҳайёта ҳакиқий осойишталикка эришадилар.

Бешинчи бобда карма-йога деб аталадиган Кришнани англаш усули ҳақида гапирилди. Бу бобда қандай қилиб карма-йога усули ёрдамида озодликка эришиш мумкин, деган саволга жавоб берилди. Кришна онгига ҳаракат қилиш - ўзи Кришнанинг ҳукми остидалигини ҳамиша англаш ҳолда ҳаракат қилиш демакдир. Ана шундай фаолият руҳий илм билан бир қаторда туради. Бхакти-йога - Кришна онгидаги фаолият, гайана-йога - бхакти-йогага олиб борувчи йўлдир. Кришна онгига эга бўлиш - ўзининг Олий Мутлак Ҳакиқат билан ўзаро муносабатларини бир лаҳза ҳам унутмасдан ҳаракат қилишдир. Кришна онгининг энг юқори поғонаси эса - Кришнани, Худонинг Олий Шахсини тўла англаш етиш. Пок рух, Худонинг чексиз кичик заррачаси Унинг мангу хизматкори хисобланади. Майа устидан ҳукмронлик қилишга уриниб, тирик мавжудот алданиш салтанатига тушиб колади ва ўзини сон-саноқсиз, адо бўлмас азоб-уқубатларга мутбало қиласди. Токи тирик мавжудот моддий оламда яшар экан, у ўзининг моддий танасининг эҳтиёжларини қондириш учун ҳаракат қилишга мажбур. Аммо Худони, Кришнани англаш усули одамни, ҳатто моддий қувват

хукмронлиги остида юрган бўлса ҳам, руҳий ҳаёт поғонасига олиб келади, чунки бу усул ёрдамида у қалбидаги руҳий онгни уйғота олади. Инсон бу йўлда қанчалик юксала борса, моддий табиат таъсиридан шунчалик озод бўла боради. Парвардигор ҳеч нарсага боғланмаган. Руҳий юксалиш йўлидаги муваффакиятимиз ҳар биримизнинг ўзимизга, Кришна онгида ўз бурчимизни қанчалик пухта, самимий бажараётганимизга боғлиқ. Кришна онгидаги фаолият бизга ҳиссиётларимизни жиловлаб олишга ҳамда қалбимиздаги истак ва ғазабларни енгишга ёрдам беради. Кришна онгида мустаҳкам турган, ҳиссиётларини, истак ва ғазабини жиловлаб олган киши руҳий поғона - брахма-нирвана поғонасига кўтарилиган бўлади. Кришна онгида ҳаракат қилиш саккиз поғонали сехрли йога билан шуғулланиш билан баробар, чунки одамни ана шу йоганинг мақсадига олиб келади. Яма, нияма, асана, пранаяма, пратіяхара, дхарана, дхайана ва самадхи - булар онгнинг аста-сескин эволюцион ривожланиш поғоналаридир. Лекин улар ҳаммаси Худга садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида эришиладиган камолот чўққисининг поғоналаридир, чунки фақат Худога садоқат билан хизмат қилишгина инсонга ҳақиқий тинчлик ва осойишталик олиб келади. Худога садоқат билан холис хизмат қилиш - камолотнинг энг юқори поғонасидир.

*"Карма-йога - Кришна онгидаги фаолият" деб аталган "Бҳагавад-гита"нинг бешинчи бобига Бҳактиведантанинг изоҳи шундай якунлади.*

## **Олтинчи боб. Дхайана - йога**

*1. иши бхагаван уеача*

*анаашритаҳ карма-пхалам карйам карма кроти йаҳ  
са санніаси ча йоги ча на нирагнир на чакрииаҳ*

**Худонинг Олий Шахси шундай деди:** Ўз меҳнатининг натижала-  
рига боғланмаган, лекин ўз бурчини холис бажариб юрган киши  
ҳақиқатан ҳам таркидунё қилиб юрган одамдир. Қурбонлик оло-  
вини ёқишини тарк этиб, ўз бурчини бажармай юрган одам эмас,  
айнан ана шундай одам ҳақиқий йогдир.

Изоҳ: Бу бобда Парвардигор ақл ва ҳиссиётни жиловлаш имкони-  
ни берадиган, саккиз поғонали йога усулини таърифлаб беради. Лекин,  
оддий одамларнинг, айниқса, биз яшаётган Кали-юга даврида, йога-  
нинг бу тури билан шуғулланиши жуда қийин. Бу бобда саккиз  
поғонали йога усулини тавсия қилас экан, Парвардигор барибир, кар-  
ма-йога, яъни Кришна онгидаги фаолият билан шуғулланиш усули  
бундан афзалроқ эканини айтади. Ҳаётда ҳар бир одам оиласини  
боқиши учун меҳнат қилади: ҳеч ким, бевосита ёки билвосита  
ҳиссиётининг талабларини қондиришга интилмасан, холис, текинга  
меҳнат қилмайди. Аммо, камолотга эришган киши, Кришна онгидаги  
харакат қилиб, ўз меҳнатининг натижаларидан лаззатланиш учун эмас,  
Кришнани мамнун қилиш, Худони рози қилиш учун меҳнат қилади.  
Кришна онгидаги харакат қилиш - ҳар бир тирик мавжудотнинг бурчи-  
дир, чунки табиатимизга кўра, биз ҳар биримиз - Худои Таолонинг  
ажралмас заррачаларимиз. Тананинг айрим қисмлари бутун тана учун  
хизмат қилади. Тананинг ҳар хил аъзолари ўзлари мустақил ҳолда лаз-  
затланиш учун эмас, бутун тананинг эҳтиёжини қондириш учун хиз-  
мат қилади. Худди шундай, факат ўзи учун эмас, Тўла бутун - Худои  
Таолони мамнун қилиш учун меҳнат қиладиган киши комил санніаси,  
комил йогдир.

Баъзи санніасилар ўзларини моддий дунёдаги ҳаёти билан боғлиқ  
барча вазифалардан озод деб хисоблаб, ҳатто *агниҳотра-ягъя*,  
курбонлик маросими ўтказишни ҳам тарк этадилар. Аслида улар шах-  
сиятсиз Браҳманга қўшилишга интилиш билан, ўзларининг шахсий  
манфаатларини кўзлайдилар, албатта, бундай истак ҳар қандай майда,  
моддий истакдан афзалроқ, лекин бунда барибир ундай йог холис  
эмас, таъмагирлик билан харакат қиляпти. Худди шундай, сеҳргар-йог

хам, ҳар қандай моддий фаолиятни тарк этиб, кўзларини ярим юмган ҳолда, ўзининг шахсий манфаати учун ҳаракат қиласди. Лекин, Кришна онгида фаолият кўрсатаётган одам, Худонинг содик хизматкори ҳеч қандай манфаат кўзламасдан Олий Бутун, Худои Таолонинг розилиги учун ҳаракат қиласди. Кришна онгига эга бўлган киши ўзининг шахсий хиссиятининг талабларини қондириш учун интилмайди. Унинг мақсади - Кришнани мамнун қилиш, шунинг учун, уни комил саннийаси, “комил йог” деб айтадилар. Муқаммал таркидунёлик намунасини кўрсатиб кетган Худованд Чайтаня Ўзининг Худои Таолога қилган илтижоларида шундай дейди:

*на дханам на джсанам на сундарим  
кавитам ва джагад-иша камайе  
мама джсанмани джсанманишваре  
бхаватад бхактир ахаштуки твайи*

“Эй қудратли Парвардигор, менга бойлик ҳам, чиройли аёллар ҳам, издошлар ҳам керак эмас. Менинг ҳаётдаги ягона истагим - Сенинг бесабаб марҳаматинг билан умрлар оша Сенга садоқат билан хизмат қилишдир”.

*2. йам саннийасам ити прахур йогам там виддхи пандава  
на хи асаннийаста-санкало йоги бхавати каичана*

**Эй Пандунинг ўғли, билиб қўй: аслида таркидунёликнинг моҳияти - йога, яъни Худои Таоло билан боғланишдир, чунки, инсон хиссий лаззатларга интилишдан халос бўлгандан кейингина йог бўлиши мумкин.**

Изоҳ: Ҳақиқий саннийаса-йога, яъни бхакти-йога билан шуғулланиш - тирик мавжудотнинг азалий табиий ҳолатини билиб олиш ва ана шу илмга амал қилиб яшашдан иборат. Тирик мавжудот ўзининг табиатига кўра бутунлай мустакил эмас. У Худои Таолонинг оралиқ кувватига мансуб. Моддий кувват таъсири остига тушиб, у шартланиб қолади, Кришна онгига эга бўлиб, яъни руҳий кувватнинг ҳаракат қилиш қонун-қоидасини тушуниб, у ўзининг азалий ҳақиқий ҳолатига қайтади. Шунинг учун, муқаммал илмга эга бўлган киши хиссий лаззатларга интилишдан воз кечиб, ҳар қандай моддий фаолиятни тарк этади. Йолгар ўзининг сезги аъзоларини моддий нарсалар билан алоқа қилишига йўл қўймай, ана шу мақсадга эришишга интиладилар. Лекин, Кришна онгига эга бўлган кишида хиссиятини Кришнага хизмат қилиш билан боғлиқ бўлмаган, моддий фаолият билан машғул қилишга умуман вақт қолмайди. Шу сабабдан, у бир вақтнинг ўзида ҳам йог, ҳам саннийаси ҳисобланади. Кришна онгида ҳаракат қилиб юрган киши бир вақтнинг ўзида, табиий равишда, ҳам ганиларнинг, ҳам йогларнинг мақсадига эришади, яъни руҳий илмга ҳам

эга бўлади, ҳиссиётини ҳам жиловлаб олади. Агар одам ўзининг шахсий ниятларидан воз кечада олмаса, унинг гйана-йога ёки сехрли-йога билан шуғулланишидан нима фойда? Ҳар бир одамнинг интилиши лозим бўлган ҳақиқий мақсад - ҳаётда фақат ҳиссиётининг талаблари ни кондириш учунгина интилишни тарк этиб, қалбида Худои Таолони рози қилиш учун ҳаракат қилиш истагини ривожлантиришдир. Кришна онгига эга бўлган киши ҳиссий лаззатланишга интилмайди, ҳамиша Худои Таолони мамнун қилиш учун ҳаракат қиласи. Аксинча, Парвардигор ҳақида илмга эга бўлмаган киши, ҳиссиётини лаззатлантириш учун ҳаракат қилишга мажбур, чунки тирик мавжудот ҳаракатсиз туромайди. Кришна онгигда ҳаракат қилиш билан инсон ҳаётдаги барча мақсадларига эришади.

*3. арурукшор мунер йогам карманам учйате  
йогарудхасай тасйаива шамаҳ карманам учйате*

**Айтишларича, саккиз поғонали йога билан энди шуғуллана бошлиған одам учун фаолият - мақсадга эришиш воситаси хисобланади, камолотга эришган одам учун эса, мақсадга эришиш воситаси - дунёвий фаолиятни бутунлай тарк этишдир.**

Изоҳ: Тирик мавжудотнинг Худои Таоло билан боғланиш жараёни “йога” деб аталади. Йогани руҳий ўзликни англашнинг чўққисига олиб борадиган зинапояга ўхшатиш мумкин. Шартланган ҳолатда бўлган зотлар бу зинапоянинг пастки поғоналарида юрган бўлади, юкори поғонасига эришган тирик мавжудот моддий иллатлардан бутунлай покланади ва ўзининг руҳий табиатини англаб олади. Руҳий юксалишнинг ҳар хил даражаларига мос келадиган бу зинапоянинг поғоналари ҳар хил номлар билан аталади. Умуман зинапоянинг ўзи - “йога” деб аталади, уни асосан учга бўладилар: 1)гйана-йога; 2)дхйана-йога; 3)бхакти-йога. Шу зинапоянинг пастки поғонасида турган кишини йогарурукуша деб, юкори поғонасида турган кишини эса - йогарудха деб атайдилар.

Саккиз поғонали йога билан шуғулланишга кириша туриб, йог ҳаётини тартибга соладиган мълум қонун-қоидаларга амал қилиши, мурокаба ҳолатига киришга ёрдам берувчи ҳар хил асаналар(жисмоний машқлар) бажариши лозим. Бу нарсалар моддий фаолият тоифасига киради. Улар ақлни мувозанатга келтиришга, ҳиссиётларни жиловлаб олишга ёрдам беради. Йог мурокабада камолотга эришганида ҳар қандай моддий фаолиятни тарк этади.

Кришна онгига эга бўлган киши эса, ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юргани сабабли мурокабага аллақачон гарқ бўлиб юрган ҳисобланади. Ҳамиша Кришнага хизмат қилиб юргани учун у ҳар қандай дунёвий фаолиятни тарк этган бўлади.

*4. йада хи нендрийартхешу на кармасв анушаджджате  
сарва-санкалпа-саннйаси йогарудхас тадочайате*

**Яна айтадиларки, йог хар қандай дунёвий истаклардан халос бўлиб, хиссий лаззатланишга интилишни, дунёвий фаолият билан шугулланишни бутунлай тарк этганида йогада камолотга эришади.**

Изоҳ: Инсон Худои Таолога илохий муҳаббат билан хизмат қилишга бутун ҳаётини бағишилаганида, қалбининг тўла осойишталигига эришади. Шу боис хиссий лаззат излашни ва кармали фаолият билан шугулланишни тарк этади. Аммо, Худои Таолога хизмат қилмайдиган одам ҳиссиётининг талабларини қондиришга интилишга, шу ният билан меҳнат қилишга мажбур бўлади, чунки тирик мавжудот ҳеч қачон харакатсиз тура олмайди. Кришна онгидан маҳрум бўлган киши ҳамиша ўзининг ёки яқинларининг, қариндошларининг манфаатини кўзлаб меҳнат қиласди. Лекин Кришна онгига эга бўлган киши хар бир харакати билан Кришнани мамнун қилишга интилади, шу боис ҳеч қачон ўз манфаатини кўзлаб меҳнат қилмайди. Кришнани англаш жараёнидаги фаолият билан нотаниш бўлган йог, руҳий юксалиш зина-поясининг юқори погонасига кўтарилишдан аввал, ўзининг дунёвий истакларини жисмоний йўл билан тўхтатиб туришга мажбур бўлади.

*5. уddyxareд атманатманам натманам авасадайет  
атмаива хӣ атмано бандхур атмаива рипур атманаҳ*

**Инсон ўзининг ақлидан ҳаётнинг пастки турларига тушиб, тубанликка юз тутиш учун эмас, моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқиши учун фойдаланиши керак. Ақл - шартланган руҳга дўст бўлиши ҳам мумкин, душман ҳам.**

Изоҳ: Қаерда ишлатилишига караб, “*атма*” ибораси хар хил маъноларни англатиши мумкин: тана, ақл ва руҳ. Йога тизимида ақл ва шартланган руҳ энг муҳим нарсалардир. Йога билан шугулланишда фаолиятнинг маркази ақл бўлгани учун, *атма* ибораси бу ерда “*ақл*” деган маънени англатади. Йогнинг мақсади - ақлни жиловлаб олиш, уни ҳиссиётларга лаззат берадиган нарсаларга боғланишдан озод қилишдан иборат. Бу ерда алоҳида таъкидлаб айтилган: ақлни шундай харакат қилишга ўргатиш керакки, токи у шартланган руҳни гафлат ботқоғидан олиб чиқишига қодир бўлсин. Моддий оламда тирик мавжудот ақли ва ҳиссиётининг ҳукми остида бўлади. Аслини олганда, ақли моддий табиатга ҳукмронлик қилишга интилаётган сохта ўзлигининг таъсири остига тушиб қолгани сабабли, пок руҳ бу дунёда

тутқун бўлиб қолади. Шунинг учун, ақлни моддий табиатнинг алдашларига қарши туришга, унинг ўткинчи неъматларига учмасликка ўргатиш керак, шундагина ақл шартланган рухни асирикдан кутгариши мумкин. Тирик мавжудот ҳиссий лаззат келтирадиган нарсаларга боғланиб қолиши сабабли тубанликка юз тутмаслиги керак. Тирик мавжудот уларга қанчалик кучли боғланган бўлса, моддий ҳаёт чангалига шунчалик чигал боғланган бўлади. Моддий боғланишлардан халос бўлишнинг энг осон йўли - ақлни ҳамиша Кришна онгидаги ҳаракат қилишга мажбур қилишдир. Буни алоҳида таъкидлаш учун Кришна *хи* иборасини ишлатган: инсон албатта шундай қилиши керак. Ведаларда шундай дейилган:

*мана эва манушийанам каранам бандха-мокшиайоҳ  
бандхайа вишайасанго муктъиа ниравишайам манаҳ*

"Ақл тирик мавжудотнинг моддий оламда тутқун бўлишига ҳам, озодликка чикишига ҳам сабаб бўлади. Ҳиссий лаззат келтирадиган нарсалар ҳақида ўйлаш билан ақл одамни моддий оламга боғлаб, асири, тутқун қилиб қўяди, лекин шу нарсалардан юз ўғирса, ақл инсонни озодликка олиб чиқади". (Амрита-бинду-упанишад.2). Шундай қилиб, ҳамиша Кришна онгидаги фаолият кўрсатиб юрган ақл инсонга озодликнинг энг юкори поғонасига кўтарилишда ёрдам беради.

*6. бандхур аттамтманас тасъя енаттамватмана джистаҳ  
анаттманас ту шатрутве вартетаттмаива шатру-ват*

**Ақлини жиловлаб олган киши учун у - энг яхши дўст бўлади, уни жиловлай олмаган киши учун эса, ақл энг ашаддий душман бўлиб қолаверади.**

Изоҳ: Саккиз поғонали йога тизимининг мақсади - ақлни жиловлаб олиш ва уни инсон ҳаётининг олий мақсадига эришишда ўзининг дўстига айлантиришдан иборат. Инсон ақлини жиловлаб олмагунча, унинг йога билан шугулланиб юргани - шунчаки вақтини бекор кетказиши бўлиб қолаверади. Ўзининг ақлини жиловлай олмаган киши энг ашаддий душмани билан ёнма-ён яшаётган бўлади, шу сабабли у ҳеч қандай мақсадга эриша олмай, умрини хазон қиласади. Ҳар бир тирик мавжудот асл табиатига кўра, юкоридан қўйилган маълум вазифани бажариш учун яратилган. Токи ақл - жиловланмаган душманимиз бўлиб қолар экан, биз эҳтирос, ғазаб, очкўзлик, алданиш сингари ёвуз кучларнинг амрига бўйсунишга мажбурмиз. Қачон ақлимиизни жиловлаб олсан, у ўз ҳоҳиши билан ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида Параматма қиёфасида мавжуд бўлган Худои Таолонинг амрини бажаришга рози бўлади. Шунда Кришнани англаш йўлига кирган киши Худои Таолонинг барча кўрсатмаларига амал қилиши мутлақо табиий ҳол бўлиб қолади.

*7. джистатманаҳ прашантасайа параматта самахитаҳ  
шитошна-сукха-дүхкхеши татха манапаманаиоҳ*

**Ақлини жиловлаб олган одам Олий Рухни англаб етган бўлади, чунки қалби осойишталиқка эришади. Ундан одам учун баҳт ва мусибат, иссиқ ва совуқ, шон-шуҳрат ва шармандалик орасида фарқ қолмайди.**

Изоҳ: Тирик мавжудотнинг вазифаси - ҳар кимнинг қалбидаги Параматма қиёфасида мавжуд бўлган Худои Таолонинг кўрсатмаларига амал қилиб яшашдир. Тирик мавжудотнинг ақли ташқи, алдамчи қувват билан булғанганида у моддий фаолият чангалига тушиб қолади. Шунинг учун, агар инсон йога усулларининг бири ёрдамида ақлини жиловлаб олса, ундан одамни “мақсадга эришган киши” деб хисоблаш мумкин. Тирик мавжудотнинг ақли Олий табиатда мужассам бўлганида, унинг Худои Таолонинг амрини бажаришдан бошқа иложи қолмайди. Ақл ҳамиша юкоридан келган фармонга бўйсуниши лозим. Ақлини жиловлаб олган киши табиий равишда Параматманинг, яъни Олий Рухнинг кўрсатмаларини бажара бошлайди. Қалбидаги Кришна онгини ривожлантириб, содик дарров руҳий погонага кўтарилгани сабабли, у моддий оламнинг баҳт ва мусибат, иссиқ ва совуқ сингари қарама-каршиликларидан устун туради. Шу тарзда у *самадҳи* ҳолатига киради, яъни Парвардигор ҳақидаги ўйларга бутунлай гарқ бўлади.

*8. джанана-виджнана-триптатма кута-стхо виджитендориҳаҳ  
йукта итий учайате йоги сама-лоштирашима-канчанаҳ*

**Ҳақиқий илмга эга бўлиб, уни ҳаётда қўллаш ёрдамида қалбининг тўла осойишталигига эришган одамни ҳақиқий ўзлигини англаб етган одам, яъни йог, сеҳргар-авлиё деб хисоблайдилар. Ундан одам руҳий даражага эришган бўллади, ҳаётда ҳамиша вазмин, хотиржам юради. Унинг учун харсанг тош, шағал ва олтин орасида фарқ қолмайди.**

Изоҳ: Китоблардан олинган, аммо Олий Ҳақиқатни англаш ёрдамида тасдиқланмаган билим - фойдасиз, сохта билимдир. "Бхакти-расамрита-синдху"да (1.2.234) шундай дейилади:

*атаҳ шри-кришна-намади набхавед грахйам индрийай  
севонмукеҳ хи джихвадау свайам эва спхуратй адаҳ*

"Хиссиётлари дунёвий истаклар билан булғанган, нопок одам Шри Кришнанинг муқаддас номини, қиёфасини, сифатларини ва эрмакларини англай олмайди. Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиб,

сезгиларини рухий даражага етказгандан кейингина унга бу сирлар очилади".

"Бхагавад-гита"да баён этилган Кришнани англаш илмини дунёвий маълумотлар асосида англаб бўлмайди. Пок онгга эга бўлган кишини учратиб, у билан хамсухбат бўлиш баҳтига мусассар бўлган кишигагина бу илм сирлари очилиши мумкин. Қалбида Кришна онгини ривожлантирган киши рухий илмни амалда, хаётда қўллашни билади, чунки у Худои Таолога хизмат қилишдан чукур лаззат олиб яшаётган бўлади. Рухий илмни ҳаётда амалий қўллаш билан инсон камолотга эришади. Бу илм унинг ишончини кучайтиради, факат рухий илмнинг назарий таълимоти билан таниш бўлиб, уларни амалда қўлламай юрган одамни эса, бир-бирига зид бўлиб қўринадиган нарсалар дарров йўлдан адаштириб қўяди. Факат рухий илмни амалда қўллай оладиган кишигина ҳаётда ҳамиша хотиржам, осойишта ҳолатда қолади, чунки у ўз ихтиёрини Кришнага бутунлай топширган бўлади. Дунёвий илмларга нисбатан бепарво бўлган ҳолда, у бу дунёдан ташқарида яшаётган бўлади. Бирорвлар олтинга тенглаб юрган дунёвий билимлар унинг учун харсанг тош ёки шағал тошчалик қадр-кимматга эга бўлмай қолади.

*9. сухрин-митрари-удасина-мадхӣастҳа-двешийа-банҷхушу  
садхушив апи ча папешу сама-бӯдҳири вишишияте*

**Ҳаммага - самимий яхшилик қилувчиларми, эзгу ишлар қилувчиларми, бегараз, четдан қараб турадиганларми, душманлари билан ўзи ўртасидаги одамларми, ҳасадгўйларми, дўстими ёки душманими, тақводор ёки гуноҳкорларми - барчага бир хил муносабатда бўладиган киши ундин инсондан ҳам устун туради.**

*10. йоги йунджиста сататам атманам раҳаси стхитаҳ  
екаки йата-читтатма нирашир апариграҳаҳ*

**Йогнинг танаси, ақли ва қалби ҳамиша Худои Таоло билан боғлиқ фаолият билан машғул бўлиши лозим. У ёлғиз ўзи хилват жойда яшаши, ақлини ҳамиша назорат қилиб, ҳар хил дунёвий истаклардан, бирор нарсага эга бўлишига интилишдан озод бўлиши керак.**

Изоҳ: Одамлар Худони ҳар хил аспектларда англайдилар: Брахман, Параматма ва Олий Шахс. Кришна онгига эга бўлиш - ҳамиша мухаббат билан Худо Шахсига хизмат қилишда машғул бўлиб яшаш демакдир. Худонинг шахсиятсиз Брахман аспектини англашга интилиб юрган имперсоналистлар, мақсади - қалбидаги Параматмани, яъни Худонинг ҳар бир тирик мавжудот қалбида намоён бўлган қўринишини англашдан иборат бўлган сеҳргар-йоглар ҳам қандайдир

даражада Кришна онгига эга зотлар хисобланади, чунки, шахсиятсиз Брахман - Кришнанинг руҳий ёғудси, Олий Рух, Параматма эса - Кришнанинг ҳамма нарсага сингувчан, курдатли қиёфасидир. Аммо, бевосита Кришнага хизмат қилиб юрган киши йоглар ичидаги энг аълоси хисобланади, чунки у аслида Брахман, Параматма нима эканини мукаммал билади. Унинг Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги илми мукаммал илм хисобланади, аксинча, имперсоналистлар ва сеҳргар-йогларнинг Кришна ҳақидаги илми мукаммал эмас.

Шунга қарамай бу ерда Кришна барча йогларни ҳеч иккиланмасдан кўзлаётган мақсадларига интилишга чакиради, - шунда эртами-кечми, улар ҳам камолотнинг энг юқори чўққисига эришадилар. Йоглар учун энг асосийси - ақлини ҳамиша Кришнада мужассам қилиб юришдир. У ҳамиша Кришнани эслаб юриши, ҳатто бир лаҳза ҳам Уни эсдан чиқармаслиги лозим. Ақлини Худои Таолода мужассам қилган киши самадхи, яъни транс ҳолатига эришган бўлади. Ақлини ҳамиша Худои Таолода мужассам қилиб юриш учун, дунёвий муносабатлардан келиб чикадиган ҳар хил ташвишлардан холи бўлиб, ҳамиша хилват жойда яшаш керак. Йог факат руҳий юксалишга ёрдам берадиган нарсалар билан машғул бўлиши, бу йўлда тўсиқ бўладиган, ҳалақит берадиган нарсалардан эса, бутунлай юз ўғириши лозим. Шунингдек, у ортиқча нарсаларга эга бўлишга интилиш истагидан ҳам кескин воз кечиши лозим. Бундай истаклар фақат унинг соҳта эгалик туйғусини кучайтириб, ортиқча ташвиш келтиради, холос.

Бевосита Кришнани англаш доирасида ҳаракат қилиб юрган одам ана шу талабларнинг барчасини табиий равишда энг аъло даражада бажаради, чунки, Кришнага садокат билан хизмат қилиш - ҳар қандай шахсий, дунёвий истак-интилишларни четга қўйиб, фақат Худо Шахсини мамнун қиласидан ишлар билан машғул бўладиган таркидунёликдир. Шрила Рупа Госвами Кришнани англаш жараёнидаги фаолиятни қўйидагича тушунтиради:

*анасактасай вишайан йатхархам упайунджатаҳ  
нирбандаҳ кришна-самбандаҳе ўуктам вайрагайам учайате  
парпанчикатайа буддхайа ҳари-самбандаҳи-вастунаҳ  
мумукиубхих паритайаго вайрагайам пхалгу катхийате*

"Ҳаётда ҳеч нарсага боғланиб қолмаган, лекин ҳамма нарсани Худои Таолога, Кришнага хизмат қилишда ишлатадиган киши ҳақиқатан ҳам эгалик, хўжайнинлик қилиш туйғусидан озод кишидир. Аксинча, агар одам ҳамма нарса Кришна билан боғлиқ эканини билмасдан, бу дунёдаги ҳамма нарсани тарк этса, унинг таркидунёлигини тўлиқ деб бўлмайди". (Бхакти-расамрита-синдху, 1.2.255-256).

Кришна онгига эга бўлган киши ҳамма нарса Кришнанини эканини яхши тушунади, ўзини бирор нарсанинг эгаси деб ҳисобламайди. Шу сабабли у шахсан ўзи учун ҳеч нарса килгиси келмайди. У фақат калбida Кришна онгини ривожлантиришда ёрдам берадиган нарсалар-

ни қабул қилади, бунга салбий таъсир қиладиган нарсаларни тарк эта-ди. Ҳамиша руҳий борлиққа ғарқ бўлиб юрган ҳолда, у барча моддий нарсалардан воз кечган ва ҳамма вакт ёлғиз ўзи, Кришна онгига эга бўлмаган одамлар билан ҳамсуҳбат бўлишни истамай, танҳо юрган бўлади. Шу сабабли қалбida Кришна онгини ривожлантирган кишини “комил йог” деб ҳисоблайдилар.

*11-12. шучай деше пратиштхапайа стхирам асанам атманаҳ  
нати-уччхритам нати-ничам чайладжина-кушоттарам  
татрайкарам манаҳ критва йата-читтендрийа-крийаҳ  
упавишийасане йунджийад йогам атма-вишудхайе*

Йога билан шуғулланиш учун пок, хилват жой топиш, ерга қуша майсасидан тўқилган шолча ташлаб, унинг устидан кийик териси ёки юмшоқ мато тўшаш керак. Ўриндиқ жуда баланд, ёки жуда паст бўлмаслиги лозим. Қулай ўрнашиб ўтириб олиб, йога билан шуғулланишни бошлаш мумкин. Ақли ва ҳиссиётини жиловлаб, танасининг фаолиятини назорат қилиб, нигоҳини бир нуқтада жамлаб, йог қалбини дунёвий иллатлардан поклаши лозим.

Изоҳ: Бу ерда пок, ҳалол жой деганда муқаддас зиёратгоҳ бўлган жой назарда тутилади. Ҳиндистонда йоглар уйларини тарк этиб, Праяг, Матхура, Вриндаван, Хришикеш ва Ҳардвар сингари муқаддас жойларга бориб жойлашадилар. Улар Ганга ва Ямуна сингари муқаддас дарёлар бўйида ўтириб, хилват жойда йога билан шуғулланадилар. Аммо, кўпинча, айниқса Ҳиндистондан бошқа жойларда яшайдиганлар учун бундай имконият бўлмайди. Катта шаҳарларда ташкил этилган йога жамиятлари уларни ташкил этган одамларгагина катта даромад келтириши мумкин, лекин, ҳақиқий йога билан шуғулланишни истаган одамларга бу жамиятлар ҳеч қандай фойда бермайди. Ўзининг ҳиссиётини, ақлини жиловлаб, уларни бошқаришни ўрганмаган киши муроқаба билан шуғуллана олмайди. Шунинг учун, "Бриҳада-нарадия-пурана"да айтилганки, одамлар жуда кам умр кўрадиган, руҳий юксалиш йўлидан жуда секин ривожланиб борадиган, ҳамиша ташвиш, хавотирда юрадиган Кали-юга даврида руҳий юксалишнинг энг самарали усули - Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш ҳисобланади:

*харер нама харер нама харер намаива кевалам  
калау настий эва настий эва настий эва гатир аниятха*

"Ҳозирги иккюзламачилик ва қарама-қаршиликлар даврида озодликка чиқишининг ягона йўли - Худонинг муқаддас номларини зикр қилишдир. Бунинг бошқа йўли йўқ. Бошқа йўли йўқ. Бошқа йўли йўқ."

*13-14. самам кайа-широ-гривам дхарайянн ачалам стхираҳ*

*сампрекийа насиқаграм свам дишаши чанавалокайан  
прашантатма вигата-бхир брахмачари-врате стхитаҳ  
манаҳ самйамайа мач-читто йукта асита мат-параҳ*

**Йог танаси, бўйни ва бошини бир чизикда тутиб, нигохини бурнининг учиди жамлаши керак. Ақлини жиловлаб, хотиржам ҳолга келтириб, ҳар қандай қўрқинч-хавотирлардан халос бўлиб, жинсий ҳаётни бутунлай тарқ этиб, тафаккур назарини қалбидағи Менинг қиёфамга қаратиши ва Мени ҳаётининг олий мақсади килиб олиши керак.**

Изоҳ: Инсон бўлиб яшашнинг энг олий мақсади - ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида Ўзини Параматма, тўрт қўллик Вишну қиёфасида намоён этадиган Парвардигорни англаб етишдан иборат. Бошқа бирор мақсадни кўзлаб эмас, қалбида Парвардигор Вишнунинг ана шу қиёфасини топиб, Унинг жамолига маҳлиё бўлиш учун инсон йога билан шуғулланади. Ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Вишну-мурти - Кришнанинг тўлиқ экспансиясидир. Йога билан шуғулланиб, ана шу Вишну-муртини англаб етишга интилмайдиган киши - ўзини алдаб, вақтини бекорга ўтказиб, умрини ҳазон қилиб юрган одам хисобланади. Ҳаётнинг энг олий мақсади - Кришна, йогнинг мақсади эса - қалбидаги Вишну муртига эришиш. Бунинг учун жинсий ҳаётни бутунлай тарқ этиши лозим, шунинг учун, йог уйини тарқ этиши ва юкорида қўрсатилгандай, йога билан шуғулланиб, хилват жойда яшashi лозим. Уйда ёки бошқа бирор жойда ҳар хил хиссий лаззатларга берилиб юриб, айни пайтда баъзан йога жамиятининг машгулотларига қатнашиб юриб, йога билан шуғулланиб бўлмайди. Йог ақлини жиловлашни ва барча хиссий лаззатлардан ўзини тийишни ўрганиши лозим. Хиссий лаззатларнинг энг асосийси - жинсий алоқа лаззатидир. Жинсий алоқани бутунлай тарқ этиб яшайдиган зотлар учун ёзилган қоидаларда, буюк донишманд Ягіавалка шундай деб ёзади:

*кармана манаса вача сарвавастхасу сарвада*

*сарватра майтхуна-тыйаго брахмачарийам прачакиате*

"Брахмачарийнинг жинсий алоқадан сакланишга берган ваъдасининг мақсади - инсонга ҳаракат, нутқ ва акл сатҳида жинсий ҳаётни бутунлай тарқ этиш, шу қоидага ҳамиша, ҳамма ерда ва ҳар қандай шароитда амал қилиб яшашга ёрдам беришдан иборат". Жинсий ҳаёт ва ҳақиқий йога - бир-бирига умуман зид, қарама-карши нарсалардир. Шунинг учун, одамни жуда ёшлигидан, у ҳали жинсий ҳаёт нималигини билмайдиган пайтдан бошлаб брахмачарий турмуш тарзи қонунларига ўргатадилар. Беш ёшга тўлган ўғил болани гурукулага, яъни руҳий устознинг мактабига жўнатадилар. Руҳий устоз уларни қатъий қоидалар асосида тарбиялаб, брахмачарийлар қилиб етиштиради. Ана шундай тарбия орқали ўтмаган одам йоганинг ҳеч бир турида,

хох у гйана-йога, дхйана-йога ёки бхакти-йога бўлсин, камолотга эриша олмайди. Шуни айтуб ўтиш лозимки, оилавий ҳётни тартибга соладиган ведавий қонуларга амал қилиб яшайдиган, факат ўзининг никоҳдаги хотини билан жинсий алоқа қиласиган одамларни ҳам брахмачарийлар хисобланади. Шундай грихастха-брахмачария бхакти-йога билан шуғулланиши мумкин, аммо гйана- ва дхйана-йога билан шуғулланиш қонулари, ҳатто шундай грихастха-брахмачарийларни ҳам рад этиб, жинсий алоқани бутунлай ва биратўла тарк этишини такозо этади. Бхакти-йога усули грихастха-брахмачаряларга чекланган микдорда жинсий алоқа билан шуғулланишга рухсат беради, чунки бхакти-йога усули шу қадар қудратлики, у билан шуғулланётган киши табиий равишда, ўз-ўзидан жинсий алоқа билан лаззатланишга интилишдан совиб кетади ва ундан анча улуғвор бўлган, юксакроқ лаззат келтирадиган фаолият - Худои Таолога бевосита хизмат қилиш билан машғул бўлади. "Бҳагавад-гита"да шундай дейилади:

*вишайя винивартанте нирахарасия дехинаҳ*

*раса-варджасам расо "ни асия парам дриштва нивартате*

"Ҳатто ҳиссий лаззатлардан ўзини тийиб туриб ҳам, танадаги рух шу лаззатларнинг мазасини эслаб қолади. Лекин, улардан юксакроқ лаззатни татиб кўргандан кейин, ҳиссий лаззат келтирадиган нарсалардан совиб кетади ва руҳий онгда мустаҳкам ўрнашиб олади".

Бошқа йога турлари билан шуғулланиб юрган одамлар ўзларини зўрлаб, ҳиссий лаззатлардан тийиб юришга уриниб юрсалар, Худонинг содик хизматкори табиий равишда улардан юз ўгиради, чунки у ўзининг қалбида бундан ҳам яхшироқ, юксак лаззатни татиб кўрган ва шу лаззатга интилиб юрган бўлади. Ана шу лаззатнинг мазаси ҳақиқий содиклардан бошқа ҳеч кимга маълум эмас.

Вигата-бхиҳ избораси, "факат Кришна онгтига тўла эга бўлган кишигина кўркувдан халос бўла олади", дегани билдиради. Шартланган рух ўзининг Кришна билан бўлган мангу муносабатини эсидан чикаргани сабабли ҳамиша кўркув остида яшайди. "Шримад Бҳагаватам"да шундай дейилган (11.2.37): *бхайам двитийабхинивешатах сиад ишад апетасия випарийо "смритих.* Факат Кришна онгтига тўлиқ эга бўлиш туфайли инсон ҳаётда барча кўркувлардан халос бўлади. Шунинг учун, факат Кришна онгтига эга бўлган кишигина йога жараёнида камолотга эришиши мумкин. Йога-нинг охирги мақсади қалбида мавжуд бўлган Парвардигор жамолини кўришдан изборат бўлгани сабабли, қалбида Кришна онгини ривожлантирган киши йолгарнинг ичиди энг аълоси хисобланади. Бу ерда таърифланган йога усули, хозирги пайтда кенг тарқалган йога жамиятларида тарғибот қилинаётган йога усулларидан кескин фарқ қиласиди.

15. йундженсан эвам садатманам йоги нийатаманасаҳ  
шантим нирвана-парамам мат-самстхам адхигаччхати

**Танаси ва ақлининг фаолиятини узлуксиз назорат остига олиб, сехргар-йог ақлини ўзига тўла бўйсундириб олади, моддий тирикликни бутунлай тарк этиб, Худонинг даргоҳига эришади.**

Изоҳ: Бу ерда йога билан шуғулланишнинг охирги мақсади аниқ айтилган. Йога билан қандайдир моддий нарсаларга эришиш учун шуғулланмайдилар, аксинча, моддий тирикликдан узил-кесил ва биратўла қутилиш мақсадида шуғулланадилар. "Бҳагавад-гита" таълимотига кўра, саломатлигини яхшилаш ёки бошқа бирор моддий нарсаларга эришиш учун йога билан шуғулланиб юрганлар ҳақиқий йоглар эмас. Бунинг устига, дунёвий фаолиятни, моддий мавжудликни тарк этиш, деганда қандайдир сирли бўшлиқда йўқолиб кетишни тушунмаслик керак. Худои Таоло яратиб кўйган оламда бўшлиқ мавжуд эмас. Моддий тирикликни тарк этиш - Худонинг даргоҳига, руҳий оламга кириш демакдир. "Бҳагавад-гита"да айтилганки, Худонинг даргоҳида на қуёш, на ой ва на электр кувватига ҳожат йўқ. Руҳий оламдаги ҳар бир сайёра худди моддий оламдаги қуёш сингари ўзидан нур таратиб туради. Охир-оқибатда бутун борлик Худонинг салтанатидир, лекин руҳий осмон ва руҳий сайёralар *парам ҳхама*, яъни "олий даргоҳ" деб аталади.

Йогада камолотта эришган ва Парвардигор Кришнани англаб етган киши, Худои Таолонинг айтишига караганда, (*мат-читтаҳ, мат-параҳ, мат-самстхам*), ҳақиқий осойишталикка эришади ва умрининг охирида Унинг олий даргоҳига, Голока Вриндавана деб ҳам аталадиган Кришналока сайёрасига эришади. "Браhma-самхита"да(5.37) аниқ айтилганки: *голока эва нивасатий акхилатта-бхуттаҳ*. Гарчи Парвардигор Ўзининг даргоҳи, Голокани ҳеч қачон тарк этмаса ҳам, айни пайтда У - бутун борликни қамраб олган Брахман ва ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбida мавжуд бўлган Параматма ҳамдир. Унинг олий, руҳий кувватининг кудрати ана шундай. Кришнани ва Вишну(Унинг тўлиқ қиёфаси)ни тўла англаб етмай туриб, бирор тирик мавжудот руҳий осмонга (Вайкунтхага) эриша олмайди ёки Парвардигорнинг мангу даргоҳи(Голока Вриндавана)га кира олмайди. Шундай қилиб, Кришна онгиди фаолият кўрсатаётган одам мукаммал, комил йог ҳисобланади, чунки унинг ақли ҳамиша Кришнанинг кўрсатган кароматлари ҳақидаги ўй-хаёллар билан банд(*са вай манаҳ кришна-падаравиндаюҳ*). Ведаларда (Шветашватара-упанишад, 3.8). айтилганки, *там эва видитвати мритйум эти* - "Фақат Худонинг Олий Шахси, Кришнани англаб етиш туфайлигина қайта-туғилишлар занжирини узиш мумкин". Бошқача қилиб айтиганда йогада камолотга эришиши - онги паст одамларни ҳайрон колдириш мақсадида қандайдир сирли ибораларни чиройли қироат қилишни ёки ғайритабиий жисмоний

машқларни бажариши ўрганиш эмас, балки моддий олам тутқунлигидан бутунлай озодликка чиқишдан иборат.

*16. нағыл-аинатас ту його “сти на чаикантам анаинатас  
на чати свапна-шиласай дағсаграто наива өчардұсуна*

**О Аржун, агар одам жуда күп ёки жуда оз овқатланадиган бўлса,**  
**жуда күп ухлайдиган, ёки етарли миқдорда ухламайдиган бўлса, у**  
**хеч қачон йог бўла олмайди.**

Изоҳ: Бу ерда Кришна йогларга овқатланиш ва уйқуни тартибга солишини маслаҳат беряпти. Жуда күп овқат истеъмол қилиш - танани саклаб туришга етарли бўлғандан ҳам кўпроқ овқат ейиш демакдир. Ҳайвонларни ўлдириб, уларнинг гўштини ейишга ҳеч қандай зарурат йўқ, чунки табиат одамлар учун озиқ-овқат сифатида етарлича дон маҳсулотлари, мева, сабзавот ва сут яратиб кўйибди. Мана шу оддий овқатлар "Бҳагавад-гита" таълимотига кўра, эзгулик гунасидаги озиқ-овқатлар ҳисобланади. Гўшт маҳсулотлари эса, ғафлат гунасидаги овқат ҳисобланади. Гўшт маҳсулотлари билан овқатланадиган, масти киладиган ичимликлар ичадиган, тамаки чекадиган, Кришнага таклиф қилинмаган овқатлардан истеъмол юрган одамлар қилган гуноҳлари сабабли азоб чекадилар, чунки улар еб юрган овқатининг ҳаммаси харом, нопок ҳисобланади. *Бхунджате те тв ахам пана ўе пачантий атма-каранат*(Бг.3.13).

Нафсини тийолмаган ва факат ўзи лаззатланиш учун овқат пиширадиган одам, Кришнага таклиф қилинмаган овқатлардан ейиш билан, факат гуноҳга ботади. Ана шундай харом овқат билан кун кўриб юрган, нафсини тийишга кучи етмайдиган одам йога билан шуғуллана олмайди. Яхшиси аввал Кришнага, Худога таклиф қилинган таом билан овқатланиш керак. Кришна онгига эга бўлган Худонинг содик хизматкори ҳеч қачон аввал Кришнага тақдим этилмаган овқатдан емайди. Факат шундай одамгина йогада камолотга эришиши мумкин. Ўзича қандайдир овқатланиш қоидаларини ўйлаб топиб, сунъий равища кам овқатланиб юрган одам ҳам йога билан шуғуллана олмайди. Кришна онгига эга бўлган одам муқаддас китобларда кўрсатилган қоидалар асосида рўза тутади. У ўзини очлик билан кийнокқа ҳам солмайди, керагидан ортиқ овқатланмайди ҳам. Шунинг учун, у бемалол йога билан шуғуллана олади. Кўп овқат еган киши уйқусида ҳар хил тушлар кўради, натижада яхши дам ололмасдан керагидан кўп ухлайди. Суткасига олти соатдан кўп ухламаслик керак. Олти соатдан кўп ухлайдиган киши шубҳасиз, ғафлат гунаси таъсири остида бўлади. Ғафлат гунаси таъсирига берилган киши кўп ухлайди, дангаса, ланж бўлиб юради. Ундей одам йога билан шуғуллана олмайди.

*17. йүктахара-вихарасыа йүкта-чештасыа кармасу  
йүкта-сваннавабодхасыа його бхавати дұжкха-ха*

**Йога билан шүгулланиб, қонун-коидалар асосида овқатланиш, ухлаш, меҳнат қилиш ва дам олишни тартибга солиб яшаётган киши барча моддий азоб-уқубатлардан халос бўлади.**

Изоҳ: Овқатланиш, ухлаш, жинсий ҳаёт ва ўзини муҳофаза қилиш, бир сўз билан айтганда тананинг эҳтиёжларини қондиришга керагидан ортиқча эътибор бериш йогнинг руҳий юксалишида катта гов бўлиши мумкин. Фақат қришина-прастад, яъни фақат Кришнага таклиф этилган, руҳий сифатга эга бўлган овқатларни истеъмол қилиш билан овқатланишни тартибга солиш мумкин. "Бҳагавад-гита" таълимотига кўра, Парвардигор Кришнага сут, сабзвот, мева, дон ва бошқа ўсимликлар таклиф қилиш мумкин. Шу тарзда овқатланиб юриш билан, Кришнани англаш йўлидан бораётган одам фақат эзгулик гунасидаги, яъни фақат инсон учун мўлжалланган озиқ-овқатлар билан тирикчилик қилишга ўрганади. Худонинг содик хизматкори иложи борича кўпроқ вақтини Кришна онгидаги фаолиятга бағишлишга ҳаракат килади, шу сабабли ортиқча уйқуга кетказган вақт унинг учун жуда қиммат туради. *Аўйартха-калатвам:* Кришна онгига эга бўлган киши умрининг ҳар бир дақиқасини Худои Таолога хизмат қилиш билан банд бўлиб ўтказишга интилади. Шу сабабли у уйқуга иложи борича кам вақт ажратади. Худонинг содик хизматкорлари Шрила Рупа Госвамидан ўrnak олиши мумкин: у ҳамиша Кришнага садоқат билан хизмат қилишда банд бўлиб, суткасига икки соат, баъзан ундан ҳам озроқ ухларди. Худонинг буюк содик хизматкори Харидас Тҳакур эса, ҳар куни то Худонинг муқаддас номларини уч юз минг марта зикр қўлмагунча ухламасди, овқат ҳам емасди. Кришна онгига эга бўлган Худонинг содик хизматкори ҳеч қачон, Кришнага хизмат қилишдан бошқа ишлар билан шүгулланмайди. Шу боис, унинг фаолияти ҳамиша тартибга солинган, ўз ҳиссиётининг талабларини қондириш истаги билан булғанмаган. Ҳиссий лаззатланишга интилиш истагидан пок бўлган ҳолда, у дунёвий ишларга, моддий орзу-ҳавасларга бир дақиқа ҳам вақтини сарфламайди. Унинг нутки, фаолияти, уйкуси, сергаклик вақти ва танасининг бошқа эҳтиёжлари тартибга солингани сабабли, у моддий азоб-уқубатларга чалинмайди.

*18. йада винийатам читтам атмани эваватиштхате  
нисприхаҳ сарва-камебхю йукта итти учайате тада*

**Йог ақлининг фаолиятини тартибга соганида, дунёвий истаклардан халос бўлиб, руҳий даражадаги ҳаётга эришганида уни "йогада мустаҳкам одам" деб айтадилар.**

Изоҳ: Оддий одамлардан фарқли равищда, йог ўз фаолиятида, энг асосийси жинсий лаззат бўлган моддий лаззатларга, дунёвий орзу-истакларга интилиб ҳаракат қилмайди. Комил йог ақлини тўла жилов-лаб олган бўлади, шунинг учун унга ҳеч қандай моддий истаклар ташвиш келтирмайди. Қалбида Кришна онгини ривожлантирган киши табиий равищда руҳий баркамолликнинг ана шу погонасига эришади.

"Шримад Бҳагаватам"да (9.4.18-20) шундай дейилган:

*са вай манаҳ кришина-падараvinдайор  
вачамси вакунтха-гунануварнане  
карау харер мандира-марджсанадишу  
иругит чакарачайута-сат-катходаие  
мукунда-линггалайа-даришане дришиау  
тад-бхритиа-гатра-спарше "нга-сангамам  
хранам ча тат-пода-сароджса-сауррабхе  
ишимат-туласая расанам тад-артите  
падау хареҳ киетра-паданусарпане  
широ хришикеша-падабхивандане  
камам ча дасие на ту кама-камайай  
йатхоттамашлоқа-джанашрайа ратиҳ*

"Шоҳ Амбариша бутун фикру-хаёлини Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойида мужассам қилган, нутқи эса Худонинг илохий даргоҳини таърифлаш билан банд эди; кўллари билан у Худои Таолонинг эҳромларини тозалар, қулоги билан Парвардигорнинг эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тингларди; унинг кўзлари Парвардигорнинг киёғасини томоша қилас, танаси Худои Таолонинг бошқа содиклари танасига тегар, бурни Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига тақдим этилган гулларни хидларди; тили Парвардигорга тақдим этилган туласи баргларининг таъмидан лаззатланар, оёқлари эса, шоҳни Парвардигорнинг эҳромлари жойлашган муқаддас зиёратгоҳларга олиб бораради, боши Парвардигор олдидা эгилар, бутун орзу-истаклари Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишда машғул эди".

Имперсонализм фалсафасининг издошлиари учун руҳий мавжудлик англаб бўлмайдиган, эришиб бўлмайдиган ҳолат бўлиб туюлиши мумкин, аммо Кришна онгига эга бўлган содик бундай ҳолатга осонлик билан эришади. Махараж Амбаришанинг турмуш фаолиятини тасвирловчи юқоридагига ўҳшаган шेърлар буни тўла исботлайди. Ҳамиша Парвардигорни эслаб юрган ва ақли ҳамиша Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойида мужассам бўлган кишигини руҳий даражада фаолият кўрсата олади. Парвардигорга хизмат килишнинг Махараж Амбариша машғул бўлган ҳар хил турлари *арчана* деб аталади, у инсонга сезги аъзоларининг барчасини Худои Таologna хизмат қилиш билан машғул қилиш имконини беради. Ҳиссиётлар ва ақл ҳеч қачон ҳаракатсиз тура олмайди, шу сабабли, ҳар қандай фаолиятни шунчаки

тарк этиш билан йог камолотга эриша олмайди. Күпчилик одамлар учун, айникса, таркидунё қилмай яшаб юрган одамларга юқоридаги шеърда келтирилган ақл ва ҳиссиятлар учун мүлжалланган рухий фаолият билан машғул бўлиш - "Бҳагавад-гита"да йўкта ибораси билан ифодаланган олий рухий даражага эришишнинг энг осон йўлидир.

*19. йатха дипо нивата-стхо ненгате сопама смрита  
йогино йата-читтасія йунджшато йогам атманаҳ*

**Худди шамчироқ сокин жойда бир маромда ёнгани сингари, ақлинни жиловлаб олган йог ҳам, қалбининг нигоҳини ҳақиқий ўзлигига қаратиб, ҳамиша муроқабага берилган бўлади.**

Изоҳ: Ҳақиқатан ҳам Кришна онгига эга бўлган киши ҳамиша рухий ҳолатда юради, чунки у ҳамиша ўзининг севимли Парвардигори ҳақида ўйлаб юради. Шундай одамнинг ақли сокин жойда ёнаётган шамчироқнинг шуъласи сингари хотиржам ва осойишта бўлади.

*20-23. йатрапарамате читтам нируддхам йога-севайа  
йатра чайватманатманам пашянн атмани тушийати  
сукхам атмантакам йат тад буддхи-грахям атиндрийам  
ветти йатра на чаивајам стхиташ чалати татватаҳ  
йам лабдхва чапарам лабхам манијате надхикам татаҳ  
йасмин стхито на дұжкхена гурунапи вичалијате  
там видийад дұжкхса-самйога-вийогам йога-самджснитам*

**Йог рухий камолотда транс, яъни *самадхи* деб аталадиган мана шу юксак даражага эришганида, унинг ақли дунёвий фаолиятни бутунлай тарк этади. Ақлининг поклиги туфайли у ҳақиқий ўзлиги - "мен"ини кўриш қобилиятига эга бўлади. Ҳақиқий ўзлиги йог учун қувонч ва баҳт манбаига айланади. Ана шундай осойишталикка эришиб, йог ўзининг рухий сезгилари ёрдамида чексиз илоҳий лаззат ҳис кила бошлайди. Ҳақиқатга эришиб, у хеч қачон Уни эсидан чиқармайди ва хаётда бундан ҳам юксакроқ баҳт йўқ деб хисоблайди. Шундай одам ҳатто энг оғир қийинчиликларга дуч келса ҳам ўзини йўқотиб қўймайди. Моддий оламда яшашдан келиб чиқадиган барча мусибатлардан ҳақиқий озод бўлиш ана шундай бўлади.**

Изоҳ: Йога билан шуғулланиб, инсон аста-секин хаёт ҳақидаги моддий тасаввурлардан ҳолос бўлади. Бу - йоганинг асосий қонунидир. Натижада йог транс, яъни *самадхи* ҳолатига киради, рухий сифатга эга бўлган ақли ва тафаккури ёрдамида Олий Рухга эришади, лекин ўзини Унга teng, ёки Уни "ўзим" деб ўйламайди. Йога билан амалда

шүгүлланиш жараёни Патанжали таълимотига асосланган. Баъзи бир ғофил билимдонлар бу таълимотни "алохид рух - Олий Рухга тенг" деб изоҳлайдилар, монистлар эса, ана шу тенгликни англаб етишни "озодликка эришиш" деб хисоблайдилар. Улар Патанжали йога тизимининг ҳақиқий максади нимадан иборат эканини билмайдилар.

Патанжали рухий лаззатнинг мавжудлигини тан олади, монистлар эса, бу ғоя уларнинг ягоналики ("бутун олам ягона Худодан иборат" деб биладиган) фалсафасига тўғри келмагани учун, Патанжалининг бу фикрини рад этадилар. Монистлар сезиладиган нарсалар билан сезадиган зот орасидаги фаркни тан олмайдилар. Аммо, бу шеърдан яққол маълум бўляптики, рухий лаззат мавжуд ва уни фақат рухий сезгилар билан ҳис килиш мумкин. Буни йога тизимининг асосчиси Патанжали Мунининг ўзи ҳам тасдиқлайди. Ўзининг "Йога-сутра" (3.34) асарида буюк донишманд шундай дейди: *пурушартха-шунйанам гунаам пратипрасаваृ қаивалиам сварупа-пратишитха ва чити-шактир ити.* Чити-шакти, яъни ички кувват, рухий табиатга эга. *Пурушартха* тушиччиаси дунёвий диндорликни, моддий фаровонликка ва хиссий лаззатларга интилишни, охир-оқибатда Парвардигор билан қўшилиб кетишини ҳам ўз ичига олади. Монистлар Парвардигор билан ана шундай қўшилиб кетишини *қайвалия* деб атайдилар. Аммо, Патанжалининг фикрига кўра, *қайвалия* - ички, яъни рухий кувват, у тирик мавжудотга ўзининг рухий ўзлигини англаш имконини беради. Парвардигор Чайтаняя бу жараённи *чето-дарпана-мардженам*, яъни "акл ойнасини тозалаш", деб атаган. Ана шундай покланиш - моддий олам тутқунлигидан ҳақиқатан ҳам озодликка чиқишидир(*бхава-маҳадавагни-нирвананам*). *нирвана* тушиччиаси ҳам ана шу ҳолатга тўғри келади, у ҳам факат ҳақиқий озодликка чиқишидан олдинги поғона хисобланади. "Шримад Ҳагаватам"(2.10.6)да бу поғона *сварупена віавастхитиҳ* деб аталган. Бу "Ҳагавад-гита"нинг юқоридаги шеърида ҳам тасдиқланган.

*Нирвана*, дунёвий фаолиятни тарк этиш поғонасидан кейин рухий фаолият поғонаси - Кришна онгидаги фаолият, яъни Худои Таолога илохий муҳаббат билан холис хизмат килиш бошланади. "Шримад Ҳагаватам"да айтилганидай, тирик мавжудотнинг ҳақиқий ҳолати хизмат килишидир(*сварупена віавастхитиҳ*). *Майа*, яъни "иллюзия" деб, моддий иллат билан қопланган рухий мавжудликни айтадилар. Ана шу иллатдан покланиш тирик мавжудотнинг мангуси, азалий ҳолатига мутлақо зид келмайди. Патанжали ҳам буни тўла тан олади: *қаивалиам сварупа-пратишитха ва чити-шактир ити.* Чити-шакти, яъни рухий лаззат - ҳақиқий ҳаётдир. Буни "Веданта-сугтра" ҳам тасдиқлайди(1.1.12): *ананда-майо* "бхйасат". Тирик мавжудотнинг табиий ҳолатига эришиш йоганинг охирги натижасидир, ана шу ҳолатга бхакти-йога, яъни Худои Таолога садоқат билан хизмат килиш ёрда-

мида эришиш мумкин. Бхакти-йога усули "Бҳагавад-гита"нинг еттинчи бобида батафсил тушунтирилади.

Бу бобда таърифланган йога тизимида самадхининг икки тури на-зарда тутилади: *сампрагайата-самадхи* ва *асампрагайата-самадхи*. Сампрагайата-самадхи - фалсафий изланишлар ёрдамида эришиладиган рухий жазава, транс ҳолати. *Асампрагайата-самадхи* поғонасида эса, инсон моддий лаззатлардан бутунлай воз кечади, чунки манбаи моддий сезги аъзолари бўлган лаззатлар уни умуман қизиқтирмай кўяди. Ана шундай илоҳий ҳолатга эришиб, йог ҳеч қачон ўзининг ҳолатини йўқотмайди. Ана шу поғонага эриша олмаган одам йога билан шугулланишнинг олий мақсадига эриша олмаган ҳисобланади. Ҳиссий лаззатларнинг ҳар хил қўринишларига рухсат берадиган ҳозирги йога тизимлари мана шу қоидага амал қиласидилар. Жинсий алоқадан ва масти қилувчи нарсалардан воз кечмаган йогнинг қилаётган харакатлари - йога тизимини мазах қилиш, унинг устидан кулишdir, ҳолос. Ҳатто сиддхи(сехр қудрати)га эришиш ниятида йога билан шугулланиб юрган одамни ҳам "комил йог" деб бўлмайди. Йога жараёнининг қўшимча фойдалари билан алданиб қоладиган кишилар бу шеърда кўрсатилган камолот чўққисига эриша олмайдилар. Шунинг учун, ҳар хил жисмоний машклар ва сехр қудратлари билан ғофил одамларни лол қолдиришга интилиб юрганлар ҳақиқий йога усулининг асосий мақсадини эсдан чиқариб қўйганини билиб қўйиши керак.

Ҳозирги даврда йоганинг энг яхши тури - Кришна онгига харакат қилишdir, шундай фаолият билан шугулланиб юрган киши ҳеч қачон, ҳеч нарсадан пушаймон бўлмайди. Кришна онгига харакат кила туриб, инсон бу фаолиятдан чексиз кувонч, баҳтиёрлик ҳис қиласиди-ки, унга ҳаётда бошқа нарса керак бўлмай қолади. Ҳатха-йога, дхайана-йога ва гйана-йога билан шугулланиб юрган одамлар, айниқса, ҳозирги Кали-юга, иккюзламачилик ва душманлик авж олган даврда, рухий юксалиш йўлида жуда кўп қийинчиликларга дуч келадилар. Карма-йога, яъни бхакти-йога билан шугулланиб юрганлар эса, бундай қийинчиликлардан устун турадилар.

Токи моддий танамиз мавжуд экан, биз унинг овқатланиш, ухлаш, муҳофаза қилиш ва жинсий алоқага бўлган эҳтиёжларини қондиришга мажбурмиз. Аммо, соф бхакти-йога йўлидан, яъни Кришнани англаш йўлидан бораётган киши ҳеч қачон нафсининг, хиссиётининг қулига айланиб қолмайди. У тирикчилиги учун энг зарур бўлган нарсаларнигина қабул қиласиди, яъни ўзи тушиб қолган ҳозирги шароитдан иложи борича кўпроқ рухий фойда олишиб интилиб яшайди ва Кришна онгига харакат килиб, ҳаётда рухий лаззат билан яшайди. У тақдирида учрайдиган баҳтсиз ҳодиса, касаллик, муҳтожлик ёки ҳатто яқин одамининг ҳалокатга учраши сингари ҳодисаларга ҳам бепарво, хотиржам муносабатда бўлади, яйни пайтда ўзининг Кришнани англаш йўлидаги вазифаларини иложи борича яхшироқ бажаришга харакат қиласиди.

Ҳаётда учрайдиган кийинчиликлар унга Худо олдидағи рухий бурчини бажаришга халақит бермайды. *агамапайино "нитийас тамс титикииас-ва бхарата*(Бг. 2.14) У ҳаётдаги барча кийинчиликларға сабр қиласы, чунки уларниң ўткінч эканини, улар рухий юксалиш йўлида ғов бўла олмаслигини билади. Шу тарзда у йоганинг олий поғонасиға эришади.

*24. са нишчайена йоктавио його "нирвинна-четаса  
санкалта прахаван камамс тийактва сарван ашешаташ  
манасаиендорийа-грамам винийама самантаташ*

**Инсон ўзи танлаган йога йўлидан ҳеч қачон адашмасдан, қатъий ишонч ва шижаот билан шуғулланиши керак. Ақлда пайдо бўладиган ҳар қандай дунёвий истаклардан бутунлай халос бўлиб, акж ёрдамида хиссиятларни жиловлаб олиш лозим.**

Изоҳ: Йога билан шуғулланиб юрган одам қатъий ишончга эга бўлиши ва танлаган йўлидан адашмай, сабр-чиdam билан ҳаракат қилишда давом этиши лозим. У охир-оқибатда, албаттa мувaffaқият қозонишига қатъий ишониши керак, бирор сабабларга кўра истаган натижасига дарров эришолмаса, пушаймон бўлмасдан, ғайрат-шижаот билан рухий юксалиш йўлидан борища давом этиши лозим. Агар йог тиришқоқ ва қатъиятли бўлса кўзлаган мақсадига албаттa эришади. Рупа госвами шундай дейди:

*утсахан нишчайад ҳхаирият тат-тат-карма-правартанат  
санга-тиагат сато вриттеҳ шадбхир бхактиҳ прасидхӣати*  
"Сўнмас шижаот, тиришқоқлик ва қатъият билан садоқатли хизмат доирасидаги бурчини бажариб юрган, содиклар билан мунтазам ҳамсuxbat бўлиб, фақат эзгулик гунасидаги фаолият билан машғул бўлиб юрган одам албаттa бхакти-йога йўлида мувaffaқиятга эришади" (Упадешамрита,3).

Қатъият, шижаот билан мақсадга интилишда тухумини йўқотиб кўйган чумчукнинг шижаотидан ўrnak олиш керак. Чумчук океан кирғоғига тухум кўйган бўлади, океан тўлқинлари унинг тухумини олиб кетади. Мусибатга тушиб, у океандан тухумини қайтариб беришни илтимос қила бошлайди. Аммо океан унинг илтижоларига парво ҳам қилмайди. Шунда чумчук шижаот билан океан сувини қуритиб ташлашга қарор қиласы ва кичкина тумшуғи билан океан сувини бир томчидан олиб, четга ташлай бошлайди. Унинг бу шижаотини кўрган бошқа қушлар уни масхара килиб, уни масхара кила бошлайдилар. Бу гаплар бутун атрофга таралиб, елкасида Худованд Вишнуни олиб юрадиган баҳайбат қуш - Гарудага ҳам бориб етади. Кичкина синглисига раҳми келиб, Гаруда океан қирғоғига учиб келади. Чумчукнинг ўз мақсадига эришиш учун кўрсатаётган шижаотига, матонатига қойил

колиб, Гаруда унга ёрдам беришга шошилади. У Океанга чумчукнинг тухумини дарров қайтариб беришни буюради, акс холда унинг ўзи Океан сувини қуритишини айтиб кўркитади. Кўркқанидан Океан дарров тухумни қайтариб беради. Шундай қилиб, чумчук Гаруданинг марҳамати билан ўз ниятига етиб, баҳтиёр бўлади. Шунга ўхшаб, йога билан, айниқса бҳакти-йога билан шуғулланиш аввалига жуда қийин бўлиб туюлиши мумкин. Аммо, одам чуқур иймон ва ишонч билан бҳакти-йога қоидаларига қатъий амал қилиб юрса Парвардигор, албатта, унга ёрдамга келади, чунки ўзига ёрдам беришга интилаётган кишига Худои Таоло, албатта, ёрдам беради.

*25. шанаиҳ шанайр упарамед буддхия дхрити-грихитайа  
атма-самстхам манаҳ критва на кинчид ати чинтайет*

**Аста-секин, поғонама-погона, қатъий ишончга таянган тафаккур ёрдамида йог транс(жазава) ҳолатига кириши ва бошқа ҳеч нарсанни ўйламай, бутун ақлини руҳида мужассам қилиши лозим.**

Изоҳ: Қатъий ишонч ва чуқур тафаккури ёрдамида йог аста-секин хиссиётининг фаолиятини тарқ этиши керак. Ана шу поғона *пратиа-хара* деб аталади. Сезги аъзоларини ташки нарсалардан тортиб олиб, ишонч ва муроқаба ёрдамида ақлини жиловлаб олиб, йог транс, яъни самадҳи ҳолатига киради. Шунда у ҳаёт ҳақида моддий тасаввурлар чангалига яна тушиб қолиш хавфидан биратўла халос бўлади. Токи йог моддий тана ичида экан, у моддий нарсалар билан алоқа қилишга мажбур, лекин, у хиссиётининг талабларини, эҳтиёжини қондириш ҳақида ўйламаслиги керак. У факат Олий Рухни мамнун қилиш ҳақида ўйлаши керак. Агар одам Кришна онгига хизмат қилиш билан шуғулланиб юрса, бу поғонага кўтарилиш қийин эмас.

*26. йато йато нииchalати манаши чанчалам астхирам  
татас тато нийамайатад атмани эва вашам наиет*

**Табиатан нотинч ва ўзгарувчан бўлган ақл(хаёл)и қаёққа чалғиб кета бошласа ҳам, йог ҳамиша уни ҳақиқий ўзлиги, яъни ҳақиқий "мен"ининг ҳукми остига қайтариши лозим.**

Изоҳ: Ақл ўзининг табиатига кўра ўзгарувчан ва нотинч. Аммо, ҳақиқий ўзлигини - "мен"ини англаб олган йог ақлининг ҳукми остида юрмасдан, аксинча унинг хўжайини бўлиши керак. Ақлини, демак, хиссиётини ҳам ўзига бўйсундира олган кишини *госвами, свами* деб айтадилар. Ақлининг ҳукми остидан чиқолмай, ақли ва хиссиётининг қули бўлиб юрган кишини - *го-даса*, "нафсининг, хиссиётининг қули" деб атайдилар. Госвами ҳақиқий хиссий лаззат нима эканини билади.

Руҳий сезгилар билан хиссий лаззатланиб юрган кишининг барча сезгилари Хришикешага, барча хиссиётлар Ҳукмдори бўлган Кришнага хизмат қилиш билан банд. Ҳиссиётини поклаб, уларни Худои Таолога хизмат қилиш билан машгул қилиб юрган бўлса, одам Кришна онгига фаолият кўрсатиб юрган бўлади. Факат шундай йўл билангина инсон ўз ҳиссиётининг ҳақиқий хўжайинига айланиши ва йоганинг энг юқори поғонасига кўтарилиши мумкин.

*27. прашанта-манасам ҳї энам йогинам сукхам уттамам  
упаити шанта-раджасам брахма-бхутам акалмашам*

**Ақлини Менда мужассам қилган йог энг олий руҳий лаззатга эришади. Эҳтирос гунаси таъсиридан халос бўлиб, у ўзининг сифат жиҳатдан Мутлак Ҳақиқат билан баробар эканини англаб етади, шу тарзда у ўзининг аввалги гуноҳлари оқибатидан биратўла халос бўлади.**

Изоҳ: *Брахма-бхута* - йогнинг барча моддий иллатлардан бутунлай покланиб, Худои Таолога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга эришадиган поғонасидир. *Мад-бҳакта лабхате парам*(БГ.18.54). Ақли Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойида мужассам бўлган киши Брахмани, Мутлак Ҳақиқатнинг шахсиятсиз кўринишини англаш поғонасида узок вакт қолиб кета олмайди. *Са вай манаҳ кришнападаравиндаюҳ*. Агар одам ҳамиша муҳаббат билан Худои Таолога хизмат қилиб юрган бўлса, яъни ҳамиша Кришна онгига юрган бўлса, демак, у ҳақиқатан ҳам эҳтирос гунаси таъсири остидан чиқкан ва моддий иллатлардан покланган бўлади.

*28. ўундженн эвам садатманам йоги вигата-калмашаҳ  
сукхена брахма-самспаршам атйантам сукхам аинуте*

**Шундай қилиб, ақли ва ҳиссиётини жиловлаб, йога билан мунтазам шугулланиб, инсон дунёвий иллатлардан бутунлай покланади ва Худои Таолога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишда энг олий, мукаммал баҳтга эришади.**

Изоҳ: Ҳақиқий ўзлиги, "мен"ини англаш етиш - Парвардигорга нисбатан ўзининг азалий, ҳақиқий ҳолатини англаш етиш демакдир. Алоҳида рух Худои Таолонинг ажралмас заррачасидир, ва унинг вазифаси - Парвардигорга муҳаббат билан хизмат қилишдан иборат. Худои Таолога ана шундай илоҳий муҳаббат билан боғланиш бу ерда *брахма-спарша* ибораси билан ифодаланган.

*29. сарва-бхута-стхам атманам сарва-бхутани чатмани*

*икииате йога йуктатма сарватра сама-даршанаҳ*

**Комил йог ҳар бир тирик мавжудотда Мени қўради, барча тирик мавжудотларнинг Менда эканини англайди. Ҳақиқатан ҳам, ўзини англаб етган рух Мени, ягона Парвардигорни ҳамма ерда қўриб юради.**

Изоҳ: Кришна онгида бўлган йог ҳамма нарсанинг мукаммал ҳолатини қўра олади, чунки у Кришна, Худои Таоло ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида Олий Рух(Параматма) сифатида мавжуд эканини қўради. *Ишвараҳ сарва-бхутанам хрид-деше "рджсұна тишихати.* Параматма қиёфасида Парвардигор итнинг қалбида ҳам, браҳманнинг қалбида ҳам мавжуд. Комил йог Парвардигор ҳамиша моддий қувватдан устун эканини ва ҳатто У ит ёки браҳманнинг қалбида мавжуд бўлса ҳам, унинг таъсирига тушиб қолмаслигини билади. Шундай қилиб, Парвардигор энг олий даражада ҳеч нарсага боғланмаган, бета-рафт Зот. Алоҳида рух ҳам юракда жойлашган, лекин, биргина рухнинг ўзи ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам жойлаша олмайди. Алоҳида рух билан Олий Рухнинг бир-биридан фарқи ана шунда. Йога билан ҳақиқатан ҳам шуғулланмаган одам бу фаркни етарли даражада яққол, равшан кўра олмайди. Аммо, Кришнани англаб етган киши атеистнинг қалбида ҳам, содиқнинг қалбида ҳам Кришнани қўра олади. Смритиларда шундай дейилган: *атататвач ча матритьвач ча атма хи парамо харих* - "Барча мавжудотларнинг манбаи бўлган ҳолда, Парвардигор худди онасидай уларга ғамхўрлик қиласи". Худди онаси барча фарзандларига бир хил муносабатда бўлгани сингари, олий ота(ёки она) ҳам барча тирик мавжудотларга бир хилда ғамхўрлик қиласи. Шунинг учун, Олий Рух, албатта, ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида жойлашган бўлади.

Тирик мавжудот ташқаридан ҳам Худои Таолонинг қуввати билан ўралган. "Бҳагавад-гита"нинг еттинчи бобидан билиб оламизки, Худои Таолонинг қуввати икки асосий турга бўлинади: руҳий(олиий) қувват ва моддий(куйи) қувват. Гарчи тирик мавжудот аслида олий қувватга мансуб бўлса ҳам, у Парвардигорнинг куйи қуввати таъсири остига тушиб қолиши мумкин. Қандай ҳолатда бўлишидан катый назар, тирик мавжудот Парвардигорнинг ана шу икки қувватидан бирининг таъсири остида бўлади, демак, тирик мавжудот ҳамиша Парвардигорнинг назорати остида, У билан бирга бўлади.

Йог ҳар бир тирик мавжудотга бир хил муносабатда бўлади, чунки, гарчи тирик мавжудот аввалги килган ишларининг оқибатларига яраша ҳозир ҳар хил шароитга, ҳар хил тана ичига тушиб қолган бўлса ҳам, барibir, у ҳамиша Парвардигорнинг хизматкори бўлиб қолаверади. Моддий қувват хукмронлиги остида бўла туриб, тирик мавжудот ўзининг моддий хиссиётларига хизмат қиласи, руҳий қувват

хукмронлиги остида эса, у бевосита Худои Таолонинг Ўзига хизмат килади. Ҳар икки шароитда, ҳар икки ҳолатда ҳам тирик мавжудот Худои Таолонинг хизматкори бўлиб қолаверади. Қалбida Кришна онгини ривожлантирган киши хаётда ана шундай нуқтаи-назарга эга бўлади.

*30. йо мам пашияти сарватра сарвам ча майи пашияти  
тасайхам на пранашиями са ча ме на пранашияти*

**Мени ҳар бир мавжудотда ва ҳамма нарсани Менда кўриб юрган киши ҳеч қачон Мени йўқотмайди, Мен ҳам уни ҳеч қачон назаримдан четда қолдирмайман.**

Изоҳ: Кришна онгига эга бўлган киши Худои Таоло ҳамма ерда мавжуд эканини, ҳамма нарса Унда эканини кўра олади. Шундай одам моддий оламнинг намоён бўлган ҳар хил мавжудот ва воқеа-ходисаларини ҳам кўриб юради, аммо ҳамиша Кришна онгига бўлиб, у буларнинг барчаси ягона Парвардигорнинг, Худои Таолонинг ҳар хил кувватларининг бу оламда намоён бўлиши эканини тушунади. Кришнадан ажралган, бутунлай мустакил ҳолда ҳеч бир нарса мавжуд эмас, Кришна бутун борликнинг Ҳукмдори, - Кришна онгига бўлишнинг асосий қонуни мана шундан иборат. Кришнани англаш усули инсонга қалбida Кришнага нисбатан муҳаббат уйғотишга ва шундай қилиб, ҳатто моддий олам тутқунлигидан озод бўлиш даражасидан ҳам юқорироқ ҳолатга кўтарилишга ёрдам беради. Қалбida ҳақиқий ўзлигини англашдан кейин келадиган Кришна онгини ривожлантиришнинг ана шу босқичида, Худонинг содик хизматкори, ўзининг Кришна билан бир эканини англаб етади, яъни Кришна унинг бутун борлиғига айланади ва у Кришнага нисбатан муҳаббат туйғусига бутунлай ғарқ бўлади. Шунда Кришна билан Унинг содиги орасида энг яқин муносабатлар қайта тикланади. Шундай содик энди ҳеч қачон Парвардигордан ажралмайди, Парвардигор ҳам ундан ҳеч қачон кўзини узмайди. Кришна билан биратўла кўшилиб кетиш - руҳий суиқасд деб аталади. Худонинг содик хизматкори ҳеч қачон бунга рози бўлмайди. "Брахма-самхита"да шундай дейилган:

*преманджана-чхурита-бхакти-вилочанена  
сантаҳ садаива хридайешу вилокайанти  
йам шйамасундарам ачинтୟା-ଗୁନା-ସଵରୂପମ  
ଗୋବିନ୍ଦମ ଅଦି-ପୁରୁଷମ ତମ ଆଖମ ବହାଦୁର୍ଜମାମି*

"Мен азалий Парвардигор, Говиндага сажда киламан. Кўзларига Худо-га бўлган муҳаббат малҳами сурилган содиклар Парвардигорнинг киёфасини ҳамиша кўриб юрадилар. Шундай содиклар ўзларининг қалбida мавжуд бўлган Парвардигорни мангу Шйамасундара киёфасида ҳамиша кўриб юрадилар".

Парвардигор Кришна ҳеч қачон ана шундай содикларнинг кўз олдиdan кетмайди. Қалбida Параматма қиёфасидаги Парвардигорни кўриб юрадиган йог ҳам шундай бўлади. Шундай йог Худонинг соф содик хизматкори бўлади, у Парвардигорни кўрмасдан бир лахза ҳам яшай олмайди.

*31. сарва-бхута-стхитам йо мам бхаджати экатвам астхитаҳ  
сарватха вартамано “ни са йоги майи вартате*

**У, Мен билан Олий Рух аслида бир Зот эканини билган ҳолда Олий Рухга сажда қиласи ва Унга хизмат қиласи. Шундай йог ҳамиша, ҳар қандай вазиятда ҳам Менда мужассам бўлиб қолаверади.**

Изоҳ: Олий Рухнинг жамолини кўриб, томоша қиласидаган йог, қалбida Кришнанинг курдатли экспансиясини - қўлларида сур, ҳалқа, гурзи ва нилуфар гулини ушлаб турган Парвардигор Вишнуни кўради. Йог Парвардигор Вишну Кришнадан фарқ қилмаслигини билиши лозим. Кришна Олий Рух қиёфасида ҳар бир тирик жонзотнинг қалбida мавжуд. Бунинг устига, сон-саноксиз тирик мавжудотларнинг қалбларида мавжуд бўлган сон-саноксиз Параматмалар бир-биридан фарқ қиласиди. Худди шунингдек, қалбida Кришна онгини ривожлантириб, Парвардигорга муҳаббат билан хизмат қилиб юрган одам билан, ҳамиша қалбидаги Олий Рух жамолини томоша қилиб юрадиган комил йог орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Кришна онгига эга бўлган йог, моддий оламда яшар экан, ҳар хил фаолият билан машғул бўлиши мумкин, лекин у, барибир, ҳамиша Кришна онгига бўлади. Буни Шрила Рупа Госвами "Бхакти-расамрита-синдху" асарида шундай тасдиқлайди: (1.2.187) *никхиласв апि авастхасу джисван-муктаҳ са учайате*. Ҳамиша Кришна онгига фаолият кўрсатиб юрган Худонинг содик хизматкори табиий равишда озодликка эришади. "Нара-панчаратра"да бу ҳақда шундай дейилган:

*дик-каладай-анавачхине кришине чето видхайа ча  
тан-майо бхавати кишпрам джисво брахмани йоджайет*

"Ҳамиша диккат эътиборини ҳар ерда мавжуд, замон ва макон чегарасидан ташқарида бўлган Кришнанинг илоҳий қиёфасида мужассам қилиб, инсон Кришна ҳақидаги фикр-ҳаёлларга фарқ бўлади ва Парвардигор билан мулоқот қилиш баҳтига эришади".

Кришна онгига билан яшаш - йогада транс(жазава) ҳолатида бўлишнинг энг юксак ҳолатидир. Кришна ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбida мавжуд эканини англашиб етган йог камолотта эришади. Ведалар(Гопала-тапани-упанишад,1.21)да Парвардигорнинг англаш қийин бўлган курдати ҳакида шундай дейилган: эко "ни сан баҳудха йо "вабхати - "Гарчи Парвардигор ягона бўлса ҳам, У сон-саноксиз тирик

мавжудотларнинг қалбида ҳам мавжуд". Смрити шастраларда ҳам шундай дейилган:

*эка эва паро вишнүү сарва-віапи на самшайаң  
ашиварыад рупам экам ча сурія-ват баҳдхейате*

"Вишну - ягона, аммо У - шубҳасиз ҳар ерда мавжуд. Ягона бўла туриб, худди ҳар ерда пайдо бўладиган Қуёш сингари, У ўзининг англаб бўймас кувватининг кучи билан ҳамма ерда мавжуд".

*32. атмаупамйена сарватра самам пашшати йо “рджуна  
сукхам ва йади ва духхам са йоги парамо маттаҳ*

**О Аржун, ҳар кимни ўзи билан таққослаб, ҳаётда уларнинг баҳтли ёки баҳтсизлигидан қатъий назар, барча тирик мавжудотларнинг ҳақиқатан ҳам teng эканини қўра билган одамни “комил йог” деб атайдилар.**

Изоҳ: Кришна онгига эга бўлган киши “комил йог” ҳисобланади: у ҳаётдаги ўз тажрибасидан биладики, бу дунёда ҳар бир мавжудот мусабатда, азоб чекиб яшайди, шунга қарамай, ҳар бир мавжудот баҳтлиман деб ўйлади. Биз Худои Таоло билан бўлган ўзаро мангу муносабатимизни эсдан чиқариб қўйганимиз сабабли азоб чекамиз. Фақат, Кришна - олий лаззатланувчи бўлгани сабабли, бизнинг бутун фаолиятимиз натижалари аслида Парвардигор Кришнаники эканини англаб етган, шунингдек, Парвардигор барча олам ва сайёраларнинг ягона Ҳукмдори ва ҳар бир тирик мавжудотнинг энг яқин дўсти эканини туширгани одамгина ҳақиқий баҳт нима эканини билади. Моддий табиатнинг уч гунаси асириллигидаги тирик мавжудот ўзининг Кришна билан муносабатларини эсидан чиқариб қўйгани сабабли уч хил азобукубатларга мубтало бўлиб юрганини комил йог яхши тушунади. Кришнани англаб етган киши, ўзи ҳаётда ҳақиқий баҳтга эришгани сабабли, Парвардигор Кришна ҳақидаги илмни жаҳоннинг ҳар бир бурчагига етказишга интилади. Комил йог Кришнани, Худои Таолони англаб етиш, Худо ҳакида илмга эга бўлиш - ҳаётда баҳтиёр яшаш учун энг муҳим шарт эканига одамларни ишонтиришга харакат қиласи, шунинг учун у ҳар бир одамнинг энг яқин дўсти ва Худои Таолонинг энг яқин, энг азиз хизматкори ҳисобланади.

*На ча тасман манушшеший кащчин ме прийа-крипттамаҳ(БГ.18-69).* Бошқача қилиб айтганда, Худонинг содик хизматкори ҳамиша барча тирик мавжудотларнинг манфаатини, саодатини кўзлаб иш қиласи, шу боис ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳақиқий дўсти ҳисобланади. У йогларнинг энг аълоси ҳисобланади, чунки у факат ўзининг манфаатини кўзлаб эмас, балки бошқаларнинг саодати учун харакат қиласи. У ҳеч қачон бошқа тирик мавжудотларга, - ўзининг руҳий қариндошларига душманлик қилмайди.

Худонинг содик хизматкори билан фақат ўз манфаати учун ҳаракат қиласиган йогнинг орасидаги фарқ ана шундан иборат. Муроқаба қилиш учун қулай шароит излаб, хилват жойларга кетадиган йог, иложи борича ҳар бир одамни Кришнани англашга жалб қилишга интилаётган Худонинг содик хизматкори каби улуғвор бўлолмайди.

### *33. ардэжуна увача*

*йо “йам йогас твайа проктаҳ самйена мадхусудана  
этасийахам на паштами чанчалатват стхитим стхирам*

**Аржун шундай деди: О Мадхусудана, Сен таърифлаган йога усули билан шуғулланиш қўлимдан келмаса керак, чунки менинг ақлим ҳамиша безовта ва нотинч.**

Изоҳ: Бу ерда Аржун Парвардигор Кришна таърифлаган сехрли йога усулини рад этяпти(шучай деше иборасидан йоги парамаҳ ибора-сигача), чунки у, “бунинг иложи йўқ” деб ўйлади. Кали юга даврида бирор одам йога билан шуғулланиш учун, уйини ташлаб ўрмонга ёки тоққа чикиб кета олмайди. Бу даврда одамларнинг умри жуда қисқа, улар умрининг деярли ҳаммасини тирикчилик учун курашда ўтказадилар. Улар ҳатто энг осон бажариладиган руҳий амалларни ҳам бажаргиси келмайди, - шундай экан, ким ҳам ҳозирги замонда маҳсус шарт-шароит, турмуш тарзи, муроқаба қилиш учун маълум ҳолатда ўтиришни, маълум жой танлашни, ақлни бутунлай моддий фаолиятдан тўхтатишни талаб қиласиган машаккатли йога усули билан шуғулланишга рози бўларди? Ҳаётда амалиётчи, тажрибали одам бўлгани сабабли, гарчи ўзи жуда кўп фазилатларга эга бўлса ҳам, Аржун бу йога усулига амал қилиш қўлидан келмаслигини очиқ айтяпти. У жуда узоқ яшаган, шоҳ хонадонига мансуб, жуда кўп эзгу фазилатлар эгаси бўлиш билан бирга, буюк жангчи сифатида шухрат қозонган, энг асосийси - Парвардигор Кришнанинг - Худо Шахсининг энг яқин дўсти эди. Ҳозирги давр одамларига нисбатан беш минг йил аввалги Аржуннинг афзал томонлари жуда кўп эди, лекин, шунга қарамай, у сехрли йога билан шуғулланиш ёрдамида ўзликни англаш йўлини рад этди. Биз унинг бундай йога билан шуғуллангани ҳақидаги маълумотни ҳеч ерда учратмаганмиз. Шунинг учун, Кали-югада яшаётган аксарият одамлар учун йоганинг бу усули мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблаш керак. Албатта, камдан кам одамлар йоганинг бу тури билан шуғулланиши мумкин, аммо аксарият одамларга бу усул тўғри келмайди. Агар беш минг йил аввал шундай бўлган бўлса, ҳозир, бугунги кун ҳақида нима дейиш мумкин? Ҳар хил йога жамиятлари ёки йога мактабларига қатнаб, йога билан шуғулланиб, йогларга тақлид қилиб юрган одамлар, гарчи ўzlари баъзи натижаларга эришдик, деб ҳисобласалар ҳам, вақтини бекорга ўтказиб, нодир умрини хазон

қилиб юрган одамлардир. Улар йоганинг ҳақиқий мақсади ҳакида ҳеч нарса билмайдилар.

*34. чанчалам хи манаң кришна праматхи балавад дридхам  
тасайахам ниграхам мание вайор ива су-душикарам*

**Ақл асов, тиниб-тинчимас, ўжар ва жуда күчли, о Кришна, менимча, уни жиловлаш ҳатто шамолни тұхтатищдан ҳам қийинроқ бўлса керак.**

Изоҳ: Ақл(нафс) шу қадар күчли ва ўжарки, гарчи аслида у тафаккурга бўйсуниши лозим бўлса ҳам, баъзан унинг ўзи тафаккурни ўзига бўйсундириб олади. Кундалик турмушда инсон хар хил қийинчилакларга дуч келади, шу боис албатта, унга ақлни ҳамиша назорат қилиб юриш жуда қийин. Оддий одам ўзининг дўстларига ва душманларига бир хил муносабатда бўлишга ҳаракат қилиши мумкин, аммо, охир-оқибатда ҳамиша шундай ҳолатда юриш унинг қўлидан келмайди, чунки ақлни жиловлаш - бўронни жиловлашдан ҳам қийинроқ. Ведаларда (Катха-упанишад, 1.3.3-4) шундай дейилган:

*атманам ратхинам виддхи шарирам ратхам эва ча  
буддхим ту саратхим виддхи манаҳ праграхам эва ча  
индринани хайан ахур вишайам тешу го-чаран  
атмендрийа-мано-йуктам бхоктети ахур манишинаҳ*

"Алоҳида рух моддий тана аравасида ўтиради. Аравани жиловдор - тафаккур бошқаради. Ақл - жиловдорнинг қўлидаги тизгинлар, ҳиссиётлар эса - асов отлардир. Ақл ва ҳиссиётлар таъсири остида тирик мавжудот гоҳида қувонади, гоҳида азобланади. Буюк донишмандлар шундай деб айтадилар". Тафаккур ақлни бошқариш учун яратилган, лекин ақл шунчалик күчли ва ўжарки, худди оғир юқумли касаллик баъзида энг күчли доридан ҳам устун келгани сингари, ақл ҳам, тафаккурни ўзига бўйсундириб олади. Йога билан шуғулланиш ёрдамида ақлни жиловлаш мумкин, аммо моддий оламда оиласвий турмуш кечираётган Аржун учун бунинг иложи йўқ эди. Шундай экан ҳозирги одамлар нима қилсин? Бу ерда Аржун жуда ўринли ўхшатиш ишлатган: ҳеч ким шамолни тұхтата олмайди. Аммо нотинч ақлни жиловлаш ундан ҳам қийин. Ақлни жиловлашнинг энг осон усулини одамларга Парвардигор Чайтаня бериб кетган. У одамларни руҳий озодликка чиқарувчи, буюк "Харе Кришна" мантрасини камтарин ҳолатда зикр қилишни буюрган. *Са вай манаң кришна-падаравиндаю:* факат Кришна ҳақида ўйлаш керак. Факат шундагина ақл ором олади ва бошқа ҳеч нарса уни ана шу осойишталиқдан чиқара олмайди.

*35. шри бхагаван увача  
асамишайам маҳа-баҳо мано дурниграхам чалам*

*абхйасена ту каунтейа ваирагайена чагрихийате*

**Худонинг Олий Шахси шундай деди: Эй Кунтининг қўллари қудратли ўғли, албатта нотинч, асов ақлни жиловлаш жуда мушкул. Лекин, дунёвий лаззатлардан воз кечиш ва маълум қоидаларга амал қилиш ёрдамида бунга эришиш мумкин.**

Изоҳ: Аржуннинг гапларини тинглаб, Худои Таоло тек турмас, нотинч ақлни жиловлаш жуда мушкул эканини тан олди. Лекин, барibir У айтяптики, маълум машқлар билан шуғулланиш ва ҳиссий лаззатларни тарк этиш ёрдамида бунга эришиш мумкин. Улар қандай машқлар экан? Ҳозирги даврда одамлар йоганинг барча қоидаларига амал қилишга кодир эмаслар: муқаддас зиёратгоҳда ўтириш, хамиша Олий Рух ҳақида чукур мулоҳаза юритиш, ақл ва ҳиссиётларни жиловлаб олиш, уйланмаслик қасамига амал қилиш, хилват жойда яшаш ва ҳоказо. Аммо, Кришнани англаш йўлини танлаган ҳар қандай одам ҳам тўққиз турли фаолият доирасида Худои Таолога садоқат билан хизмат қила олади. Уларнинг биринчиси ва энг муҳими - Кришна ҳақидаги ҳикояларни тинглаш. Тинглаш - ақлни бутунлай поклаш ва жиловлаб олиш имконини берадиган жуда қудратли руҳий тажриба усулидир. Инсон Кришна ҳақида қанча кўп тингласа, Кришна ҳақидаги илмни шунчалик кўп англаб олади, ақлини Кришна ҳақидаги ўйлардан чалғитадиган нарсалардан дарров юз ўтира бошлайди. Худои Таолога хизмат қилиш билан боғлиқ бўлмаган нарсаларнинг барчасидан юз ўтириш билан Худонинг содик хизматкори дарров *ваирагай* илмини эгаллаб олади. Вайрагай қонун-қоидаларига амал қилиб, у моддий фаолиятни бутунлай тарк этади, ақлини фақат руҳий фаолият билан машғул қиласди. Имперсоналистлар интилиб юрган руҳий тарки-дунёликка эришиш - ақлни Кришна онгидаги фаолият билан машғул қилишга қараганда анча мушкулроқ. Кришнани англаш йўли амалда жуда осон, чунки одам Кришна ҳақида тинглаганида, унинг қалбида табиий равишда олий, азалий руҳий нарсаларга боғланиш мустаҳкамланиб боради. Ана шундай боғланишни *парешанубхава*, яъни "руҳий мамнуният" деб атайдилар. Бундай мамнуниятни худди корни оч одамнинг овқатланиш жараённида аста-секин корни тўяётганидан мамнун бўлаётганига ўҳшатиш мумкин. Ҳар бир еган луқма билан унинг мамнунияти ҳам ошиб боради ва вужуди куч-куvvатга тўлаётганини ҳис қиласди. Худди шундай, Худои Таолога садоқат билан хизмат қилас экан, одам ўзининг қалбида руҳий мамнуният ҳис қила бошлайди, унинг акли аста-секин моддий хиссий лаззат келтирадиган нарсалардан узоклаша боради. Бу жараённи тажрибали врачнинг назорати остида қатъий парҳез қилиб юрган беморнинг аста-секин соғайишига ўҳшатиш мумкин. Парвардигор Кришнанинг илоҳий кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш - адашган ақлни даволаш

учун энг яхши самара берадиган дори, аввал Кришнага таклиф этилган таом эса, - моддийлик касалига учраган бемор учун парҳез таом хисобланади. Моддий оламда адашиб юрган одамларни Кришнани англаш усули ёрдамида даволаш жараёни ана шундан иборат.

*36. асамйататмана його душпрана ити ме матиҳ  
вашйатмана ту йатата шако “ваттум упайатаҳ*

**Ақлини жиловлаб олмаган киши учун ўзликни англаш - оғир маشاққат. Аммо, ақлини жиловлаб олган ҳамда олий мақсад сари тўғри йўлдан бораётган киши, албатта, муваффакиятга эришади. Менинг фикрим шундай.**

Изоҳ: Худои Таоло бу ерда айтяптики, агар биз юқорида кўрсатилган, ақлни дунёвий фаолиятдан четлаштирадиган даволаниш усулидан фойдаланмасак, ўзликни англаш йўлида муваффакиятга эриша олмаймиз. Бир вактнинг ўзида ҳам йога билан шуғулланиб, ҳам дунёвий ҳиссий лаззатланишда давом этиб юрган одам, худди бир вақтнинг ўзида оловга ўтин ташлаш билан бирга уни сув қуйиб ўчиришга уринаётган кишига ўхшайди. Ақли жиловламаган киши учун йога билан шуғулланиш факат моддий манфаат олиб келиши мумкин, лекин руҳий ўзликни англаши ёрдам бермайди. Биз Худои Таолога бетиним илоҳий хизмат қилиш ёрдамида ақлни жиловлаб олишимиз лозим. Агар биз хаётда Кришна онгида харакат қилиб яшамасак, ақлни жиловлаб, уни ҳамиша назорат қилиб юролмаймиз. Кришна онгига эга бўлган киши ҳеч қандай қийинчиликларсиз йога машғулотининг мақсадига эришади, оддий йог эса, қалбida Кришна онггини ривожлантириш туриб, камолоттга эриша олмайди.

*37. арджсұна увача  
айатиҳ шраддхайопето йогач ҷалита-манасаҳ  
апрапіа йога-самсиодхим кам ғатим кришна гаччхати*

**Аржун шундай деди: О Кришна, руҳий ўзликни англаш йўлидан ишонч билан борган, лекин кейин, дунёвий лаззатларга алданиб, бу йўлдан қайтиб кетган, натижада руҳий баркамолликка эришолмаган омадсиз йогнинг тақдиди нима бўлади?**

Изоҳ: "Бхагавад-гита"да ўзликни англаш йўли таърифланган. Ўзликни англашнинг асоси - тирик мавжудот моддий танадан фарқ қилишини, у факат илм ва лаззатга тўла мангубаҳи хукм сурадиган шароитдагина тўла баҳтиёр бўлиши мумкинлигини тушунишдан иборат. Мана шу - тана ва ақлдан устун турувчи руҳий холат, ҳаёт

хақидаги хақиқий, рухий тасаввурдир. Инсон ўзининг рухий табиатини гйана-йога, саккиз погонали йога ёки бхакти-йога усули ёрдамида англаб олиши мумкин. Шу уч йўлдан бирига амал қилиб юрган киши тирик мавжудотнинг азалий ҳолатини, унинг Худои Таоло билан ўзаро муносабатини, шунингдек, ана шу муносабатни қандай қилиб қайтатиклаш мумкинлигини ва камолотнинг олий чўққисига эришиш - Кришна онгига эга бўлишни билиб олиши лозим. Бу уч йўлнинг хар бири эртами, кечми одамни ҳаётда энг олий мақсадга албатта олиб келади. Парвардигор Кришна бу ҳақда "Бҳагавад-гита"нинг иккинчи бобида айтиб ўтган эди: рухий юксалиш йўлида килинган озгина ҳаракат ҳам одамнинг рухий озодликка чиқишига кафолот беради. Йоғанинг мана шу уч тури ичиди бхакти-йога ҳозирги замон одамларига жуда мос келади, чунки бу усул - энг осон ва Худонинг даргохига эришишининг, Худони англашнинг энг яқин йўли. Бунга яна бир бор амин бўлиш учун, Аржун Парвардигор Кришнадан аввалги айтган гапини тасдиқлашни илтимос қиляпти. Одам рухий ўзлигини англашга самимий интилаётган бўлиши мумкин, аммо, ҳозирги замонда гйана-йога ёки саккиз погонали йога билан шуғулланиш жуда мушкул. Шунинг учун, ҳатто у ҳамиша бунга самимий интилса ҳам, рухий юксалиш йўлида жуда кўп қийинчликларга дуч келади. Уларнинг энг асосийси - танланган йўлга амал қилишда қатъият ва шижаотнинг, тиришқоқликнинг етишмаслигидир. Ўзликни англаш йўлига кириш - аслида, ҳаётда алданиб яшашга, адашиб юришга, майяга уруш эълон қилиш демакдир. Ҳар гал тирик мавжудот майя чангалидан кутулишга ҳаракат қилганида, Парвардигорнинг алдамчи қуввати ҳар хил йўллар билан уни ўзининг чангалида ушлаб қолишга ҳаракат қиласи. Шартланган рух бир марта моддий табиат гуналари чангалига тушиб қолган, ҳатто ҳозир рухий фаолият билан шуғулланиб юрган бўлса ҳам, истаган вақтда яна шу қувват чангалига тушиб қолиши мумкин. Бу ерда ана шу ҳолат *йогач ҷалита-манасаҳ* ("рухий юксалиш йўлини тарқ этиш") ибораси билан ифодаланган. Аржун рухий юксалиш йўлидан адашган кишининг тақдирни нима бўлишини билиб олишни истаяпти.

*38. каччин нобхайа-вибхраштаи чхиннабхрам ива наийати  
апратиштхо маҳа-баҳо вимудҳо брахманаҳ патхи*

**Эй қўллари қудратли Кришна, йога йўлидан адашган одам, худди ажралган булат парчасига ўҳшаб, ҳеч қаердан паноҳ топмай, эришган ҳам дунёвий, ҳам рухий натижаларидан биратўла маҳрум бўлиб қолмайдими?**

Изоҳ: Юксалиш икки хил бўлиши мумкин: рухий ёки дунёвий. Дунёвий одамларни ҳеч қандай рухий қадриятлар қизиқтирумайди - уларни бу дунёнинг моддий ютуклари: кўпроқ мол-дунё тўплаш, ёки

курбонлик маросимлари ўтказиб жаннатга эришиш қизиқтиради. Рухий юксалиш йўлига кирган киши ҳар қандай дунёвий фаолиятни тарк этиши ва ўткинчи, моддий бахтнинг ҳар хил кўринишларига интилишдан воз кечиши лозим. Агар рухий юксалиш йўлига энди кирган киши йўлдан адашса, гўё у, ҳам моддий, ҳам рухий жихатдан ютқазгандай бўлиб кўринади, яъни рухий баркамолликка ҳам, дунёвий бахтга ҳам эриша олмайди. У худди ажралган паға булат сингари ҳеч қаердан паноҳ топа олмайди. Баъзан осмонда катта булатдан кичкина булат ажралиб қолади. Агар у яна катта булатга бориб қўшилмаса, шамолда парчаланиб, осмонда йўқ бўлиб кетади.

*Браҳманаҳ патҳа* - рухий ўзликни англаш йўли бўлиб, бунга амал килиш ёрдамида инсон ўзининг рухий табиатга эга эканини, Ўзини Брахман, Параматма ва Бҳагаван кўринишида намоён қиласиган ягона Худои Талонинг ажралмас заррачаси эканини англаб олади. Парвардигор Шри Кришна - Олий Мутлақ Ҳакиқатнинг тўлиқ намоён бўлишидир, шунинг учун, Унга ўз ихтиёрини топширган киши комил йог ҳисобланади. Ана шу мақсаддага Брахманни, ёки Параматмани англаш ёрдамида эришиш учун жуда кўп умрлар керак бўлади.(баҳунам джсанманам анте). Шундай қилиб, рухий ўзликни англашнинг энг яхши усули - бҳакти-йога, яъни Кришнани англаш йўли, Мутлақ Ҳакиқатни бевосита англаш йўлидир.

*39. этап ме самшайам криина чхеттум архаси аиешатам  
твад-анйаҳ самшайасийаса чхетта на хӣ унападийате*

**О Кришна, мени шундай гумон ташвишга соляпти. Шунинг учун Сендан шу гумонимни тарқатиб юборишни илтимос қиласман. Мени бу гумонлардан фақат Сен халос эта оласан.**

Изоҳ: Кришнага ҳамма нарса аён: ўтмиш ҳам, ҳозир ҳам, келажак ҳам. "Бҳагавад-гита"нинг бошида Парвардигор айтган эдики, барча тирик мавжудотлар ўтмишда ҳам алоҳида шахс бўлган, ҳозир ҳам алоҳида шахс, келажакда, ҳатто озодликка эришгандан кейин ҳам, алоҳида шахс бўлиб қолаверадилар. Бу билан У алоҳида шахснинг, тирик мавжудотнинг келажаги ҳақидаги саволга жавоб берган эди. Энди Аржун омадсиз йогнинг тақдири нима бўлишини билишини истаяпти. Моддий табиат ҳукми остида бўлган бирор тирик мавжудот, ҳатто буюк донишманд ва файласуфлар ҳам Кришнага тенг ёки ундан устун бўла олмайди. Шу сабабли Кришнанинг айтган сўзлари одамнинг барча гумонларини тарқатиб юборадиган аник ва тўлиқ жавоблардан иборат. Кришна ўтмишни, ҳозирни ва келажакни билади, лекин Унинг Ўзини ҳеч ким билмайди. Фақат Кришнанинг Ўзи ва Кришна онгига эга бўлган Унинг содик хизматкорларигина ҳамма нарсани аник биладилар.

*40. иши бхагаван увача*

*партха наивеха намутра винашас тасйа видйате  
на хи каліана-крит каичид дургатим атат гачхати*

**Худонинг Олий Шахси шундай деди: О Парта, савоб ишлар қилиб юрган йог бу хаётида ҳам, кейинги ҳаётида ҳам ҳалокатга учрамайди. Эй дўстим, эзгу ишлар қилиб юрган одамни ҳеч қачон ёмонлик енга олмайди.**

Изоҳ: "Шримад Бҳагаватам"(1.5.17)да Шри Нарада Муни Вийасадевага шундай насиҳат беради:

*тиактва сва-дхармам чаранамбужсам харер  
бхаджсанн апакво "тха патет тато йади  
йатра ква вабхадрам абхуд амушиа ким  
ко вартах апто "бхаджатам сва-дхарматаҳ*

"Худонинг Олий Шахсига ўз ихтиёрини бутунлай топшириб, барча дунёвий интилишлардан юз ўғирган киши ҳаётда ҳеч нарса йўқотмайди, бирор гуноҳ иш қилмайди. Аммо, Худога ишонмайдиган, Унга ўз ихтиёрини топширмаган киши, ҳатто муқаддас китобларда келтирилган барча вазифаларини бенуқсон бажариб юрган бўлса ҳам, ҳеч нарсага эриша олмайди". Ҳаётда дунёвий мақсадларга эришишда инсонга ёрдам берадиган ҳар хил дунёвий ва диний фаолиятлар бор. Руҳий баркамолликка эришиш, яъни Кришна онгига эга бўлиш учун йог моддий фаолиятнинг ҳар қандай туридан воз кечиши лозим. Бунга кимдир эътироz билдириши мумкин: факат қалбида Кришна онгини тўла ривожлантирган киши камолот чўққисига эришади, акс ҳолда инсон на моддий, на руҳий ҳаётда ҳеч нарсага эришолмайди. Ахир шастраларда айтилган-ки, ведаларда белгиланган бурчини ҳаётда бажармаган киши жазоланади, демак, руҳий фаолият билан машғул бўлиш ниятида ҳаётдаги бурчини бажармаган, лекин кейин руҳий фаолиятни ҳам тарк этган киши, албатта жазоланади. Лекин, "Шримад Бҳагаватам" ана шундай омадсиз йогни ишонтириб айтадики, бундан ҳавотирга тушишнинг мутлақо ҳожати йўқ. Ҳатто, у ҳаётда диний бурчини бажармагани сабабли жазоланса ҳам, барибир ҳеч нарса йўқотмайди, чунки унинг Худони, Кришнани англашда эришган илми ҳеч қачон йўқолиб кетмайди, у ўзининг бу машғулотини кейинги ҳаётида, ҳатто жамиятнинг паст табақасида туғилган тақдирда ҳам, албатта, давом эттиради. Аксинча, ҳаётда муқаддас бурчини бенуқсон бажариб юрган одам ҳам, агар Кришнани англаб етмаган бўлса, ўз ишларидан кутган натижасига эриша олмаслиги мумкин.

Одамлар икки тоифага бўлинадилар: муқаддас китобларларнинг кўрсатмаларига амал қиласиган тақводор кишилар ва уларни тан олмайдиган иблиссифат кишилар. Биринчи тоифа одамлар ўзларининг

диний бурчларини бенуқсон бажарадилар, кейинги тоифа одамлар эса, ҳайвонлар сингари, кейинги ҳәтида уларни нима кутаётганидан, моддий олам туткунлигидан қандай қутулиш мүмкинлигидан бехабар ҳолда, ўз хиссиятнинг қули бўлиб кун кечирадилар. Ундаи одамлар - хоҳ маданиятли ёки ибтидоий, маълумотсиз ёки билимдон олим, кучли ёки кучсиз одам бўлсин, - факат ҳайвонларга хос интилишлар, инстинктларга бўйсуниб яшайдилар. Ҳаётдаги фаолияти ҳеч қачон уларга баҳт-саодат олиб келмайди, чунки улар - ўзларининг факат ҳайвонларга хос бўлган - еб-ичиш, ухлаш, ўзини муҳофаза қилиш ва жинсий ҳаёт сингари эҳтиёжларини қондириш билан, ҳамиша азоб-укубатларга тўла бўлган моддий ҳаёт асирилигига қолиб кетаверадилар. Шастраларнинг кўрсатмаларига амал қилиб, қалбида Кришна онгини ривожлантириб юрган одамлар эса, руҳий юксалиш йўлидан бориб, албатта, камолотга эришадилар.

Эзгу, саодат келтирувчи руҳий йўлдан бораётганларни уч тоифага ажратиш мумкин: 1)шастраларнинг кўрсатмаларига моддий баҳт-саодатга эришиш ниятида амал қиласидиганлар; 2)моддий олам туткунлигидан озодликка чиқишига интилаётганлар; 3)Кришна онги билан фаолият кўрсатаётган Худонинг содик хизматкорлари. Шастраларнинг дунёвий баҳт-саодатга эришиш имконини берадиган кўрсатмаларига амал қилиб яшайдиганларни ҳам икки тоифага ажратиш мумкин: 1)ўз меҳнатининг натижаларидан лаззатланишга интиладиганлар; 2)меҳнатининг натижасига боғланмаганлар. Биринчи тоифа одамлар турмушнинг юксакроқ шароитига, ёки жаннатга кўтарилиши мумкин, аммо улар барибир моддий табиат асирилигига қолаётгани сабабли, уларнинг бораётган йўлини “ҳақиқий саодат келтирадиган йўл” деб бўлмайди. Ҳақиқий саодат келтирадиган йўл - шартланган руҳни мангубозодликка олиб чиқадиган йўлдир. Охир-оқибатда руҳий ўзликни англашга, ёки ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлардан халос бўлишга олиб келмайдиган фаолиятни “ҳақиқий баҳт-саодат келтирадиган фаолият” деб бўлмайди. Инсонга ҳақиқий баҳт-саодат келтирадиган фаолият - Кришна онгига қилинадиган фаолиятдир, қалбида Кришна онгини ривожлантириш учун ўз ҳоҳиши билан кийинчиликларга, риёзатга бериладиган одамни “комил йог” ёки “ҳақиқий риёзатчи” деб аташ мумкин. Саккиз погонали йоганинг олий мақсади - Кришна онгига эга бўлиш, Худони англаб этиш бўлгани учун, йоганинг бу турри билан шуғулланаётган киши ҳам саодатга эришади, у ҳам адашишдан хавотирланмаслиги мумкин.

*41. пратіа пунія-критам локан ушитва шашватиҳ самаҳ  
шучинам шриматам гехе йога-бхрашто “бхиджайате*

**Камолотга эриша олмаган йог, ўлимидан кейин тақводор зотлар яшайдиган сайёralарда узоқ вақт лаззатланиб яшайди, кейин тақводор ёки бой ва обрўли одамлар хонадонида туғилади.**

Изоҳ: Омадсиз йоглар икки тоифага бўлинадилар: йога билан шугулланишни бошлаб, кўп ўтмай ташлаб кетган одам ва йога билан шугулланиб, руҳий жиҳатдан сезиларли даражада юксалгандан кейин адашган йог. Биринчи тоифа йоглар одатда тақводор зотлар яшайдиган сайёralарга жўнатилади. У ерда узоқ вақт лаззатланиб яшагандан кейин, яна ерга қайтиб тушадилар ва тақводор брахман-вайшнавлар хонадонида туғиладилар ёки савдогарларнинг бой ва обрўли хонадонида туғилади. Бу бобнинг охирги шеърида айтилганидай, йога билан шугулланишнинг ҳақиқий мақсади - Кришнани англашнинг энг юкори поғонасига кўтарилишdir. Аммо, дунёвий лаззатлар жилвасига учиб, ана шу мақсадга эриша олмаган йогларга Худои Таолонинг марҳамати билан ўзининг дунёвий истакларини тўла амалга ошириш имкони берилади. Кейин улар яна тақводор, обрўли оиласларда дунёга келиб, қалбida Кришна онгини ривожлантириш учун барча имкониятларга эга бўладилар.

*42. атҳа ва йогинам эва қуле бхавати дхиматам  
этад дхи дурлабхатарам локе джсанма йад идришам*

**Ёки (агар у руҳий жиҳатдан анча юксалгандан кейин адашган бўлса), у руҳий илмни чуқур эгаллаган авлиё донишмандлар хонадонида дунёга келади. Бундай нодир омадга дунёда камдан-кам одам мұяссар бўлади.**

Изоҳ: Бу ерда айтилганки, руҳий илмни чуқур эгаллаган одамлар хонадонида дунёга келиш - камдан-кам одамга насиб қиласидиган нодир омад, чунки бундай хонадондаги одамлар ўз фарзандини умрининг биринчи кунлариданоқ руҳий фаолиятга жалб этадилар. Бу одатта, айниқса, ачарыйа ва госвамиларнинг хонадонида изчил амал қилишади. Ана шундай оиласлар аждодларнинг урф-одатларни эҳтиёткорлик билан сақлаб, фарзандларига муносиб тарбия берадилар. Улар руҳий илмни чуқур эгаллаган, Худонинг содик хизматкорлари бўлади, шу сабабли ўзлари бошқаларга руҳий устоз бўла оладилар. Ҳиндистонда жуда кўп ачарыйаларнинг оиласлари яшайди, аммо ҳозирги пайтга келиб, деярли уларнинг барчаси, руҳий таълим ва тарбиянинг етишмаслиги сабабли таназзулга юз тутган. Аммо, барибир, Худонинг марҳамати билан ҳозир ҳам авлоддан-авлодга Худонинг содик хизматкорларини тарбиялаб етиштираётган оиласлар сақланиб колган. Бизнинг баҳтимизга, менинг руҳий устозим Ом Вишнупада Шри Шримад Бхактисиддханта Сарасвати Госвами Махараж ҳам, сизнинг камтарин қулингиз

ҳам Худонинг марҳамати билан ана шундай хонадонларда дунёга келган. Бу оиласарда биринчи кунларданоқ бизларни Худои Таолога муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишга ўргатгандар. Кейинроқ, Парвардигорнинг хоҳиш-иродаси билан бизлар бир-биримиз билан учрашди.

*43. татра там буддхи-самйогам лабхате паурва-дехикам  
йатате ча тато бхуяҳ самсиидхая куру-нандана*

**Шунда, эй Куру авлоди, унинг аввалги хаётларида ривожланган илоҳий онги ўз-ўзидан қайта уйғонади ва камолотга эришишга интилиб, у яна йога билан шуғуллана бошлади.**

Изоҳ: Аввалги хаётларида ривожланган илоҳий онги қалбида қайта уйғонган кишиларга шоҳ Бхаратанинг хаёти мисол бўла олади: ўзининг учинчи келишида у муносиб браҳманнинг хонадонида дунёга келди. Қачонлардир шоҳ Бхарата бутун оламнинг императори бўлиб ўтган эди. Шундан бери фаришталар бу сайёрани “Бхарата-варша” деб атай бошлаган( аввал бу сайёра “Илаврита-варша” деб аталарди). Ҳали ёшлигиданоқ шоҳ Бхарата таркидунё килиб, руҳий баркамолликка эришиш учун ўрмонга риёзат чеккани кетади, аммо олий мақсадга эриша олмай қолади. Кейинроқ у ҳақиқий браҳманнинг хонадонида туғилади ва “Жада Бхарата” деган ном олади, чунки ҳеч ким билан гапиришни истамай, ҳамиша танҳоликка интиларди. Кейинроқ, шоҳ Рахугана Жада Бхаратанинг буюк йог эканини пайқаб қолади. Унинг хаёти мисолида кўриниб турибдики, йогнинг қылган ҳаракатлари ҳеч качон натижасиз йўқолиб кетмайди. Худонинг марҳамати билан, у яна қалбида Кришна онгини ривожлантириш имконига эга бўлади.

*44. пурвабхъясена тенайва хрийате хӣ авашио “ни саҳ  
джиоджнасур апи йогасия шабда-брахмативартате*

**Ана шундай илоҳий онг шарофати билан унинг қалбида йога машғулотларига бўлган интилиш ўз-ўзидан пайдо бўлади. Руҳий иммга интилаётган ундей йогни ведавий ақида ва маросимлар қизиқтиримайди.**

Изоҳ: Юксак руҳий даражага эришган йогларни диний маросим ва ақидалар қизиқтиримайди, аммо қалбида Кришна онгини тўла ривожлантиришга, яъни баркамол йог бўлишга ёрдам берадиган йога машғулоти табиий равища уларни жалб қила бошлади. “Шримад Бхагаватам”(3.33.37)да нимага ундей йоглар ведавий урф-одатларга эътибор бермаслиги тушунтирилган:  
*ахо бата шва-пачо “то гарийан*

*йаджс-джихвагре вартате нама тубхйам  
тепус тапас те джухуевүү саснур ариа  
брахманучур нама гринанти ѹе те*

"Эй Парвардигор, хатто ит гүшти ейдиган харомилар хонадонидан чиқкан бўлса ҳам, Сенинг муқаддас номларингни зикр килиб юрган киши руҳий ўзликинг энг юқори поғонасига эришган ҳисобланади. Ўтган ҳаётида у, шубҳасиз, Ведаларда кўрсатилган барча қўрбонлик маросимларини ўтказган, барча риёзатлардан ўтган, муқаддас саждаоҳлардаги муқаддас сувларнинг барчасида ювиниб покланган ва жуда кўп марта ведавий асарларни ўрганганди бўлади. Шундай одамни "арийларнинг энг аълоси" деб ҳисоблаш керак".

Ана шундай одамларга Харидас Тхакур ёрқин мисол бўла олади. Уни Парвардигор Чайтаня Ўзининг асосий шогирдларидан бири деб ҳисоблаган. Гарчи Харидас Тхакур мусулмон оиласида ўсган бўлса ҳам, Парвардигор Чайтаня уни *нама-ачарйа* узвонини беришга муносиб деб топди, чунки Харидас Тхакур Худонинг муқаддас номларини ҳар куни уч юз минг марта зикр қилишга қасам ичган: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре, ўзининг шу қасамига қатъий амал қиларди. У муқаддас номларни ҳамиша зикр килиб юради, демак, у аввалги ҳаётларида барча ведавий маросимларни бажариб ўтган. Бошқача қилиб айтганда, токи инсон дунёвий иллатлардан бутунлай покланмас экан у Худони, Кришнани англаш йўлига кира олмайди ва Худонинг муқаддас номларини, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишни бошлай олмайди.

*45. прайатад йатаманас ту йоги самиуддха-килбиишаҳ  
анека-джсанма-самсиддхас тато йати парам гатим*

**У йога машғулоти билан самимий шуғулланади ва охир-оқибатда, жуда кўп умрлардан кейин, дунёвий иллатлардан бутунлай покланади, руҳий баркамолликка ва олий мақсадга эришади.**

Изоҳ: Аввал йўлдан адашган йог бой-бадавлат ва обрўли, тақводор одамлар ёки улуғвор содиклар хонадонида дунёга келгандан кейин, йога билан шуғулланиш учун ҳамма имкониятларга эга эканини англаб етади. Шунда у ўзининг охирига етказилмай қолган руҳий машғулотини давом эттира бошлайди ва аста-секин барча моддий иллатлардан покланади.

Бутунлай покланиб, у охир-оқибатда руҳий камолот чўққисига эришади - Кришна онгига эга бўлади. Кришнани англаш - покланиш жараёнининг энг олий поғонаси. Бу "Бҳагавад-гита"да шундай тасдиқланган (7.28):

*йешам тв анта-гатам папам джсанам пунйа-карманам*

*те двандва-моха-нирмукта бхаджсанте мам дридха вратах*  
"Эзгу, хайрли ишларига баҳшида қилинган жуда кўп умрлардан кейин, инсон моддий иллатлардан бутунлай ҳалос бўлади ва алдамчи қарама-каршиликлар таъсиридан кутулади. Шунда у чукур иймон билан ўзининг ҳаётини Худои Таолога илохий мухаббат билан хизмат қилишга бағишлайди".

*46. тапасвибхіо "дхико йоги джнанибхо "ни мато "дхиках  
кармибхіаши чадхико йоги тасмад йоги бхаварджуно*

**Йог риёзатчилардан, файласуфлардан ва ўз меҳнатининг натижалариға интилиб юрган одамлардан анча устун туради. Шунинг учун, о Аржун, ҳеч иккиланмасдан йог бўл!**

Изоҳ: Йога ҳакида гапирганда биз, онгимизнинг Олий Мутлақ Ҳақиқат, Худо билан боғланиш жараёнини назарда тутамиз. Одамлар бу жараённи ўзлари танлаган руҳий ўзликни англаш усулига қараб ҳар хил номлар билан атайдилар. Ана шу жараённинг асосини кармали фаолият ташкил этганида, бу жараённи "карма-йога" деб, Худо билан боғланиш жараёни фалсафий изланишларга асосланган бўлганида - "тйана-йога" деб, бу жараён Худои Таолога садоқат билан холис хизмат қилиш орқали бўлганда эса, - "бхакти-йога" деб атайдилар. Кейинги шеърдан маълум бўладики, бхакти-йога яъни Кришнани англаш усули - барча йогалар ичидаги энг мукаммал йога жараёни ҳисобланади. Бхакти-йога инсонга тўла руҳий илм беради, шунинг учун бу йўл "энг юксак йўл" деб аталади. Агар одам ўзининг руҳий табиатини англаб етмай туриб, риёзат чекиши билан машғул бўлса, унинг риёзати - мукаммал эмас, худди шунингдек, Худои Таолога садоқатга асосланмаган фалсафий изланишлар ҳам мукаммал бўлолмайди. Худди шундай, Кришна онгига эга бўлмай туриб, кармали фаолият билан шуғулланиб юрган киши ҳам вактини бекорга сарфлаб юрган бўлади. Шунинг учун ҳам барча йоглар ичидаги энг яхсиси - бхакти-йога ҳисобланади. Бу ҳақда кейинги шеърда батафсил ҳикоя қилинади.

*47. йогинам апи сарвешам мад-гатенантар-атмана  
шраддхаван бхаджсанте ѹ мам са ме ўуктатамо матах*

**Барча йоглар ичидаги эса, ҳамиша ўзининг қалбида мавжуд бўлган Мен ҳақимдаги ўйларга ғарк бўлган, чукур ишонч ва мухаббат билан Менга холис хизмат қилиб юрган одам Мен билан энг яқин боғланган, руҳий камолотнинг энг юқори поғонасига эришган йог бўлади. Менинг фикрим шундай.**

Изоҳ: Бу ерда бҳаджате сўзи алоҳида эътиборга эга. Бу сўз бҳадж негизидан ясалган. Бҳадж ибораси "хизмат қилиш" гоясини билдиради. "Сажда қилиш" сўзи бҳадж иборасининг маъносини тўлиқ ифодалай олмайди. Сажда қилиш - биронгина хурмат билдириш, хурмат қилишдир. Аммо, муҳаббат ва ишонч билан хизмат қилиш гоясини ифодалайдиган бҳадж ибораси факат Худонинг Олий Шахсига нисбатан ишлатилади. Қандайдир фариштага ёки обрўли кишига эҳтиром кўрсатишдан бош тортган одам ғоғилликда айбланиши мумкин, аммо, Худои Таолога хизмат қилишдан бош тортган одам, ўзини ачинарли шароитда яшашга мубтало қиласиди. Ҳар бир тирик мавжудот - Парвардигорнинг ажралмас бир заррачаси ва табиатига кўра Унга хизмат қилиши лозим. Ана шу вазифасини бажаришдан бош тортиб, у борлиқнинг энг куйи жойларига равона бўлади. Бу "Шримад Бҳагаватам" (11.5.3)да тасдиқланган:

*йа эшам турушам сакишаҳ атма-прабхавам шиварам  
на бҳаджсанти аваджсананти стханад бҳраштаҳ патанти адҳаҳ*  
"Барча тирик мавжудотларнинг манбаи бўлган азалий Парвардигорга хизмат қилишни истамайдиган, Унинг олдидаги ўз бурчини бажармайдиган киши, албатта, ўзининг табиий ҳолатидан маҳрум бўлади ва дўзахий хаёт чангалига тушиб колади".

"Шримад Бҳагаватам"дан олинган бу шеърда ҳам бҳаджсанти ибораси ишлатилган. Бу - бҳаджсанти иборасининг Худои Таолога хизмат қилишни ифодалашини яна бир бор тасдиқлайди. Аксинча, "сажда қилиш" сўзи эса фаришталарга нисбатан ҳам, оддий одамларга нисбатан ҳам ишлатилиши мумкин. Бу шеърда алоҳида эътибор бериш лозим бўлган яна бир ибора бор: *аваджсананти* - бу сўз "Бҳагавад-гита"да ҳам учрайди(9.11) *аваджсананти мам мудхаҳ*: "Факат нодон ва ярамасларгина Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришнани масхара қилмоқчи бўладилар". Ана шундай нодонлар, гарчи ўзлари Худога хизмат қилишни истамасалар ҳам, "Бҳагавад-гита"га изоҳ ёзишга қўл урадилар. Натижада улар бҳаджсанти иборасининг ҳақиқий маъноси билан сажда қилишнинг фарқини тушунмайдилар.

Йога зинапоясининг энг юқори поғонаси бҳакти-йога хисобланади. Йоганинг бошқа барча турлари - бҳактига эришиш воситаларидир, холос. Аниқроқ қилиб айтганда, йога сўзи айнан бҳакти-йогани англатади, барча бошқа йога турлари эса, - бҳакти-йогага эришиш поғоналаридир. Карма-йогадан бҳакти-йоганинг чўққисигача бўлган оралиқда ўзликни англаш жараёнининг узундан-узок зинапояси ётибди. Бу зинапоя - натижасига боғланмасдан қилинадиган фаолиятдан бошланади. Карма-йога билан шуғулланаётган киши руҳий илмга эга бўлиб, дунёвий лаззатларга боғланишдан холос бўлганида гайана-йога поғонасига кўтарилади. Гайана-йога жараёнига ҳар хил жисмоний ва нафас олиш машқларини, Олий руҳга интиладиган муроқабани кўшганида, у аштанга-йога поғонасига кўтарилади. Аштанга-йогадан

юқори күтарилиб, инсон Худои Таолога, Кришнага садоқат билан хизмат қилиш поғонасига күтарилади, ана шу - бхакти-йога, йога зина-поясининг энг баланд чўққиси бўлади. Аслида бхакти-йоганинг ўзи энг олий мақсаддир, аммо ана шу илмга эга бўлиш учун, қолган бошқа барча йога усулларининг моҳиятини яхши тушуниб олиш керак. Энг олий мақсадга интилаётган йог, мангу бахтга олиб борадиган тўғри йўлдан бораётган бўлади. Йоганинг маълум поғонасига етгандан кейин, унда тўхтаб қолган одамни мос равишда “карма-йог”, “гайана-йог”, “дхайана-йог”, “раджа-йог”, “хатха-йог” ва ҳоказо деб атайдилар. Агар ким бирданига бхакти-йога йўлига кириш баҳтига мусассар бўлса, уни бошқа барча йога поғоналаридан юқори күтарилган деб хисоблаш керак. Бошқача қилиб айтганда Кришнани англаш - йоганинг энг олий поғонаси. Худди шундай, Ҳимолай - жаҳондаги энг баланд тоғ ва унинг энг баланд чўққиси - Эверест.

Ҳаётда энг омадли, энг буюк бахтга сазовор бўлган одамларгина бхакти-йога йўлига кира оладилар ва ведаларнинг кўрсатмаларига амал қилиб, Кришна онгига эга бўладилар. Комил йоглар ақлини Кришнада, танаси қора булат рангида, нилуфарсимон сиймоси худди куёшдай порлаб турган Шайамасундарада мужассам қиласидар. Парвардигорнинг лиbosлари қимматбаҳо тошларга кўмилган, кўқсини эса, гулчамбар безаб турибди. Унинг танасидан тараалаётган, брахмаджайоти деб аталадиган, кўзни қамаштирувчи ёғду оламнинг ҳар тарафини ёритиб турибди. У бу оламга Рама, Нрисимха, Вараха ва Худонинг Олий Шахси - Кришна сингари ҳар хил киёфаларда ташриф буюради. Ер юзида инсон киёфасида намоён бўлиб, У Яшода онанинг ўғли бўлади, Уни “Кришна”, “Говинда” ва “Васудева” деб атайдилар. У - намунали фарзанд, намунали эр, садоқатли дўст ва ғамхўр хўжайин, У барча мукаммалликлар ва илохий фазилатлар соҳиби. Худои Таолонинг ана шу хусусиятларини тўла англаб етган кишини “йогларнинг аълоси” деб атайдилар.

Камолотнинг ана шу олий поғонасига факат бхакти-йога йўлидан бориши ёрдамида эришиш мумкин. Ведавий битиклар ҳам шуни тасдиқлайди.

*йасая деве пара бхактир йатха деве татха гурау  
тасайашт катхита хий артхаҳ пракашантэ маҳатманаҳ*

“Факат Худои Таолога ва руҳий устозига чукур иймон билан ишонадиган буюк руҳларгагина ведавий илмлар мазмуни аён бўлади” (Швешашватара-упанишад, 6.23).

*Бхактир асая бхаджсанам тад ихамутропада-наирасиенамушимин  
манах-калпанам, этад эва нашикармийам.- "Бхакти - хозирги ва кейинги ҳаётда бирор манфаат кўзламасдан Худои Таолога садоқат билан холис хизмат қилишдир. Дунёвий нарсаларга интилишдан бутунлай халос бўлиб, инсон ақлини Парвардигорда мужассам қилиши лозим.*

*Наишкармийа иборасининг мазмуни шундан иборат"(Гопала-тапани-упанишад,1.15).*

Йога камолотининг энг олий поғонаси бўлган Кришна онгига эга бўлиш имкониятини берадиган бхакти-йога қонун-қоидаларининг баъзилари ана шулардан иборат.

*"Дхайана - йога" деб аталган "Бҳагавад-гита"ning олтинчи бобига Бҳактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.*

# **Еттинчи боб. Мутлақ Ҳақиқат илми**

*1. шири бхагаван увача*

*майй асакта-манаҳ партха йогам йунджен мад-аирдайаҳ  
асамшайам самаграм мам йатха джнасайаси тач чхрину*

**Худои Таоло шундай деди: - Энди эса, о Партаҳа, Мендан, қандай килиб ўз ихтиёриңгни бутунлай Менга топшириб, ақлу-хаёлингни Менда жамлаб, барча шубҳаю-гумонларни тарк этиб, йога йўлидан бориш ёрдамида Мени тўла англаб олишинг мумкинлиги ҳақида эшиш.**

Изоҳ: "Бҳагавад-гита"нинг еттинчи бобида Кришна онгининг табиати батафсил таърифлаб берилади. Кришна барча комил фазилатлар соҳиби, бу бобда У Ўзининг ана шу фазилатларини, хусусиятларини бу дунёда қандай намоён килиши ҳақида маълумот беради. Бундан ташқари, Кришнага мурожаат қиласиган тўрт тоифа омадли одамлар ва ҳеч қачон Кришнага эриша олмайдиган тўрт тоифа омадсиз одамлар ҳақида гап боради.

"Бҳагавад-гита"нинг биринчи олти бобида, аслида тирик мавжудот - модда эмас, мангу рух экани, ҳар хил йога усуллари ёрдамида у ўзининг руҳий табиатини англай олиши мумкинлиги айтилган эди. Олтинчи бобнинг охирида аник айтилган эдики, ақли ҳамиша Кришнада мужассам бўлган, бошқача килиб айтганда, Кришна онгига эга бўлган киши йога зинапоясининг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлади. Факат ақлимизни Кришнада мужассам килиш ёрдамида биз Мутлақ Ҳақиқатни тўлиқ англай оламиз, бунинг бошқа йўли йўқ. Шахсиятсиз браҳмаджайоти ёки ҳар кимнинг қалбидаги Параматмани англаб етган киши ҳали Мутлақ Ҳақиқат ҳақида тўлиқ илмга эга бўлолмайди: унинг Худои Таоло ҳақидаги илми қисман, тўлиқ эмас. Мутлақ Ҳақиқатни тўла англаб етиш - Худои Таолони, Кришнани таништир, чунки Кришна онгига эга бўлган кишига руҳий илмнинг барча сирлари очилади. Кришнани англашда баркамолликка эришиб, инсон барча шубҳаю-гумонлардан халос бўлади ва билиш лозим бўлган нарсаларнинг ичиди энг муҳими - Кришна эканига амин бўлади. Йоганинг ҳар хил турлари - Кришнани, Худони англашнинг ҳар хил поғоналаридир, холос. Кришнани англаш йўлидан бораётгтан киши табиий равишида браҳмаджайоти ва Параматма ҳақида мукаммал илмга эга бўлади. Кришнани англаш йогаси билан машғул бўлиб, одам - Мутлақ Ҳақиқатни, тирик мавжудотларни ва ҳар хил кўринишда намо-

ён бўладиган моддий табиатни - умуман ҳамма нарсани мукаммал билиб олади.

Йога билан "Бҳагавад-гита"нинг олтинчи бобида тавсия қилинган усулда шуғулланиш лозим. Фақат Кришнага, Худога садоқат билан хизмат килиш ёрдамидагина инсон ўзининг бутун ақлу-хаёлини Кришнада, Худонинг Олий Шахсида мужассам қила олади. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг тўққиз тури бор. Уларнинг биринчиси ва энг муҳими - *ираванам*, тинглаш. Шунинг учун, Парвардигор бу ерда Аржунга *тач чхрину* - "Мендан... эшиг" деб айтяпти. Кришнадан ҳам буюкроқ насиҳатчи, руҳий устоз йўқ, шу боис Унинг гапларини тинглаётган киши Кришна онгига тўла эга бўлишдек нодир имкониятга эга бўлади. Руҳий илмни ўзининг юқори маълумоти билан гердайиб юрган дунёвий олимлардан эмас, Кришнанинг Ўзидан ёки Унинг соғ содик хизматкоридан ўрганиш керак.

Мутлақ Ҳакикат, Худонинг Олий Шахси, Кришнани англаш жараёни "Шримад Бҳагаватам"нинг биринчи қўшиқ иккинчи бобида таърифланган:

*ишинватам сва-катхаҳ кришинаҳ пунія-иравана-киртсан  
хриди антаҳ-стхо хӣ абҳадрани видхуноти сухрим стам  
нашта-прайешив абҳадрешу нитиам бҳагавата-севайа  
бҳагавати уттама-шлопе бҳактири бҳавати ништихи  
тада раджас тамо-бҳаваҳ кама-лобҳадайаш ча йе  
чета этаир анавидҳам стхитам саттве прасидати  
эзам прасанна-манасо бҳагавад-бҳакти-йогатаҳ  
бҳагава-таттва-виджнанам мукта-сангасия джайате  
бҳидайате хридаиа-грантхии ҳҳидйантे сарва-самшайаҳ  
кишиянте часия кармани дрииштаэватманишваре*

"Ведавий битикларда келтирилган Кришна ҳақидаги ҳикояларни ёки "Бҳагавад-гита"да Кришнанинг Ўзи айтган гапларни тинглаш ҳам такводорлик хисобланади. Ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигор Кришна ҳамиша Худои Таоло ҳақидаги гапларни тинглаб юрган содик хизматкорининг қалбида туриб, энг яқин содик дўсти сифатида унинг қалбини моддий иллатлардан поклайди. Шунда табиий равишда содикнинг қалбида руҳий илм уйғонади. Содиклардан Кришна ҳақидаги гапларни тинглаш ва "Шримад Бҳагаватам"ни мунтазам ўқиб юриш шарофати билан одам аста-секин Худога хизмат қилиш ўйлига мустаҳкам кириб олади. Худои Таолога хизмат қилишдан юксала бориб, у эҳтирос ва ғафлат гуналари таъсиридан қутулади ва шу тарзда эҳтирос, очкўзлик, қизғаниш иллатларидан батанлай халос бўлади. Ана шу иллатлардан покланиб, у соғ эзгулик даражасига кўтарилади ва Худога садоқат билан хизмат қилишдан чексиз лаззат олиб, Худои Таоло ҳақидаги илмни ҳар тарафлама англаб етади. Шу тариқа бҳакти-йога инсон қалbidагi моддий боғланишларнинг чигал тутунини чопиб ташлайди, шунда инсон қалbidагi барча шубҳаю-

гумонлардан биратўла ҳалос бўлади (*асамшайам самаграм*) ва Олий Мутлақ Ҳақиқатга, Худо Шахсига эришади.(Ш.б.1.2.17-21).

Шундай қилиб, факат Кришнанинг айтган гапларини ёки Унинг Кришна онгига эга содик хизматкорининг гапларини тинглаш ёрдамида Кришна ҳақидаги илмни эгаллаш мумкин.

*2. джсанам те “ҳам са-виджсанам идам вакийамай ашиешатаҳ  
йаджс джснатва неха бхую “ниадж джснатавйам авашишате*

**Ҳозир Мен сенга моддий ва руҳий табиат ҳақидаги илмни тўла ошкор этаман. Шу илмни эгаллаб олсанг, ҳаётда сен билмаган илм қолмайди.**

Изоҳ: Мукаммал илм - моддий табиат, ундан устун турадиган руҳий табиат ва шу икки табиатнинг ҳам манбаи ҳақидаги илмдир. Шундай илм - трансцендент, “илоҳий илм” деб аталади. Худои Таоло шу илмни Аржунга аён этмоқчи бўляпти, чунки Аржун - Унинг содиги ва энг яқин дўсти. Парвардигор бу ҳақда тўртинчи бобнинг бошида айтган эди, бу ерда У яна бир бор тасдиқлаяпти, факат, Худои Таолонинг Ўзидан бошланадиган руҳий устозлар силсиласига мансуб бўлган содик хизматкоригина мукаммал илмга эга бўла олади. Шу боис, биз ўзимизнинг тафаккуримиздан, фикрлаш қобилиятимиздан фойдаланиб бутун илмлар манбаи бўлган Парвардигорни англашга ҳаракат килишимиз лозим; Парвардигор барча сабабларнинг сабабчиси ва барча йога тизимларида Унинг киёфасига мурокаба киладилар. Барча сабабларнинг сабабчисини билиб, инсон мукаммал илмга эга бўлади, ҳаётда унинг билмаган нарсаси қолмайди. Ведаларда (Мундака упанишад, 1.1.3) ҳам бу ҳақиқат тасдиқланади: *касмин ну бхагаво виджнатае сарвам идам виджснатам бхаватити.*

*3. манушийанам сахасрешу каишид йатати сиддхайе  
йататам апи сиддханам каичин мам ветти таттватаҳ*

**Минглаб одамлар ичida биргина киши ҳаётда мукаммалликка интилиши мумкин, камолотта эришганлар ичida эса, биргина одам Мени ҳақиқатан ҳам англаб етади.**

Изоҳ: Ҳар хил ҳаёт шароитида яшаётган қўп минглаб одамлар ичida биргина одам ҳақиқий ўзлигини англаш билан жиддий кизикиши ва руҳ билан тананинг табиати қандайлигини, Мутлақ Ҳақиқат нима эканини билишга ҳаракат қилиши мумкин. Аксарият одамлар факат ўзларининг ҳайвонсифат эҳтиёжлари: еб-ишиш, ухлаш, ҳаётини муҳофаза қилиш ва жинсий ҳаёт ҳақидаги ташвишлар билан чекланиб, қаноатланиб яшайди. Трансцендент,

рухий илм деярли ҳеч кимни қизиқтирмайди. "Бҳагавад-гита"нинг биринчи олти боби илохий илмни ўрганишга интилаётганлар учун, яъни гйана-йога, дхайана-йога ёрдамида рух ва Олий руҳнинг табиатини англаб олишга, ҳақиқий ўзлиги - "Мен"ини моддий танадан ажратишга интилаётганлар учун мўлжалланган, аммо, улардан бирортаси ҳам Кришнани, Худонинг Олий Шахсини англай олмайдилар. Фақат Кришна онгига эга бўлғанларгина, Худони, Кришнани англай оладилар. Мутлақ Ҳақиқатнинг бошқа изланувчилари фақат шахсиятсиз Брахманни англаб етишлари мумкин, чунки бу Кришнани англашдан анча осонроқ. Аммо Кришна - Худонинг Олий Шахси, Уни англаб олиш учун шахсиятсиз Брахман ва Параматма ҳақида илмга эга бўлишнинг ўзи камлик қиласди. Йог ва гйаниларнинг Кришнани англашга интилишлари одатда ҳеч қандай натижа бермайди. Имперсоналистларнинг энг буюк устози Шрипада Шанкарачаря гарчи, ўзининг "Бҳагавад-гита"га ёзган изоҳида Кришнани Худонинг Олий Шахси деб тан олган бўлса ҳам, унинг издошлари Кришнани шундай қабул қилишдан бош тортадилар. Бу шундан далолат берадики, ҳатто руҳий даражага, шахсиятсиз Брахманни англаб етиш даражасига етган киши учун ҳам Кришнанинг ҳақиқий табиатини англаб етиш жуда мушкул.

Кришна - Худонинг Олий Шахси, барча сабаблар сабабчиси, азалий Парвардигор Говинда. *ишивараҳ парамаҳ кришинаҳ сач-чид-анандавиграҳаҳ анадир адир говиндаҳ сарва-карана-каранам*. Иймонсиз, Худога ишонмайдиган дунёвий кишиларнинг буни англаб етиши жуда қийин. Гарчи улар бхакти йўли, яъни Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш йўли жуда осон деб айтсалар ҳам, ўзлари шунгаг амал қилишга кодир эмаслар. Материалистлар айтганидай, агар Худони англашда бхакти йўли жуда осон бўлса, нимага улар осон йўл туриб, қийин йўлни танлайдилар? Аслини олганда бхакти-йога йўлидан бориши осон эмас. Ҳақиқий илмга эга бўлмай, ўзларини "Худонинг содик хизматкори" деб юрган ғофил одамларнинг бораётган йўли бошқаларга осон бўлиб туюлиши мумкин, аммо, ҳақиқий илмга эга бўлган гйана-йолгар, шастраларда кўрсатилган қонун-қоидаларга тўла риоя қилиб бу йўлдан боришга уринганларида, дарров адашиб кетадилар. "Бхакти-расамрита-синдху"да (1.2.101) Шрила Рупа Госвами шундай деб ёзади:

*ишути-смрити-пуранади- панчаратра-видхим вина  
аикантики харер бхактир утпатаийаива каллате*

"Упанишадаларда, Пураналарда, "Нарада-панчаратра" ва бошқа ишонарли ведавий битикларда берилган кўрсатмаларга риоя қилмасдан Худои Таолога хизмат қилишга харакат қилаётган киши жамиятдаги бошқа одамларга фақат ташвиш келтиради, холос".

Шахсиятсиз Брахманни англаб етган имперсоналист, ёки Параматмани англаб етган йог, Яшоданинг ўғли, Аржуннинг жиловдори бўлган Худои Талони - Шри Кришнани англаб етишга кодир эмас.

Кришнанинг қилаётган ҳатти-харакатларини кўриб, ҳатто буюк фаришталар ҳам ҳайратга тушадилар. (*мухйанти йат сурайаҳ*). *Мам ту веда на кащчана:* "Менинг қандай эканимни ҳеч ким билмайди", - дейди Худои Таоло. Кришнани, Худои Таолони англаб етган буюк руҳ ҳаётда жуда кам учрайди.(*са махатма су-дурлабхаҳ*). Агар одам ҳатто буюк олим ва файласуф бўлса ҳам, то у Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирмагунча Кришнанинг табиати қандай эканини англаб ета олмайди(*таттватаҳ*). Факат Худонинг соғ содик хизматкорларигина барча сабаблар сабабчиси бўлган Кришнанинг англаб бўлмас илохий фазилатларини, сифатларини - Унинг чексиз қурдатини ва ажойиблигини, Унинг бойлигини, шон-шуҳратини, кучини, гўзаллигини, илми ва бетарафлигини, - қандайдир даражада англаб етишлари мумкин, чунки, Кришна Ўзининг содикларига алоҳида марҳамат кўрсатиб, Ўзини уларга намоён этади. Кришнани англаш - Худони, Брахманни англашнинг энг юқори поғонасиdir, Уни факат содикларигина ҳақиқатан ҳам англай оладилар.

*атаҳ шри кришна-намади на бхавед грахайам индрийай  
севонмукхе хи джихвадау свайам эва спхуратий адаҳ*  
"Кришнани қўпол моддий сезги аъзолари ёрдамида англаб бўлмайди. Аммо содикларнинг меҳр-муҳаббат билан кўрсатаётган илохий хизматларидан мамнун бўлиб, Кришна уларга Ўзини намоён этади".  
(Бхакти расамрита синдху. 1.2.234)

4. *бхумир apo "нало вайӯҳ қхам мано буддхир эва ча  
аханкара итийам ме бхинна пракртип аштадҳа*

**Ер, сув, олов, ҳаво, эфир, ақл, тафаккур ва сохта ўзлик. Менинг ажралган моддий қувватим мана шу саккиз унсурдан таркиб топган.**

Изоҳ: Худо ҳақидаги илм - Худои Таолонинг ва Унинг ҳар хил қувватларининг табиати ҳақидаги илмидir. Моддий табиат *пракрти*, яъни Парвардигорнинг "қуввати" деб аталади. Парвардигор Ўзининг бу табиатини пуруша-аватаралари орқали намоён этади. "Сатвататантра"да шундай дейилган:

*вишинос ту трини рупани пурушакхайанй атхо видух  
экам ту махатма сраштри двитийам тв анда-самстхитам  
ртритийам сарва-бхута-стхам тани джснатва вимучияте*  
"Моддий оламни яратиш учун, Парвардигор Кришнанинг тўлиқ экспансияси Вишну уч қиёфага киради. Улардан биринчиси - Маха-Вишну, у "махат-таттва" деб аталадиган моддий унсурлар мажмуасини яратади. Иккинчи қиёфаси - Гарбходакашай-Вишну, ҳар бир коинотга кириб, унда турли-туман ҳаёт шаклларини яратади. Учинчи, Кширодакашай-Вишну, ҳар ерда мавжуд Олий Рух, Параматма

кўринишида, барча коинотларга сингиб киради. У ҳамма ерда, ҳатто ҳар бир атомнинг ичида ҳам мавжуд. Ана шу уч Вишнунинг табиатини англаб етган одам моддий олам асирилигидан халос бўла олади."

Моддий олам - Худонинг кувватларидан бирининг вақтинчалик на-моён бўлишидир. Бу дунёдаги барча жараёнларни уч Вишну, Парвар-дигор Кришнанинг экспансиялари бошқариб туради. Улар "пуруша-аватаралар" деб аталади. Кришна ҳақидаги, Худо ҳақидаги илмдан маҳрум бўлган кишилар - "моддий олам - тирик мавжудотлар ўз ҳиссиятининг лаззатланишга бўлган талабларини қондириши учун яратилган, тирик мавжудотларнинг ўzlари пурушалар, яъни моддий оламнинг манбаи ва унинг тўла хўжайинидир", деб хисоблайдилар. "Бҳагавад-гита" бундай атеистик дунёқарашни нотўғри деб хисоблайди. Бу ерда бутун моддий оламнинг пайдо бўлишининг би-ринчи сабабчиси - Худои Таоло, Кришна деб кўрсатилган. Бу ҳақиқат "Шримад Бҳагаватам"да ҳам тасдиқланган. Моддий коинотнинг ҳар хил унсурлари Худои Таолонинг айрим кувватларининг таркиби қисмлари. Ҳатто брахмаджйоти, имперсоналистлар интилаётган олий мақсад ҳам - руҳий осмонда намоён бўлган руҳий кувватдан бошқа нарса эмас. Брахмаджйотида, Вайкунта сайёralаридағи синга-ри руҳий ранг-баранглик мавжуд эмас, шунга қарамай имперсоналист-лар брахмаджйотини ҳаётининг олий мақсади, "мангу даргоҳ" деб би-ладилар. Ҳар ерда мавжуд Параматма эса, Кширодакашайи-Вишнунинг вақтинчалик намоён бўлишидир. Параматма мангу эмас, чунки Худои Таолонинг моддий дунёда намоён бўлган бу киёфаси руҳий оламда мавжуд эмас. Шундай қилиб, Мутлақ Ҳақиқатнинг на-моён бўлган энг олий кўриниши - Худонинг Олий Шахси, Кришна. У - барча кувватларнинг азалий, бошланғич манбаи ва барча кувватлар: ажралган кувватлар ҳам, ички кувват ҳам, Унинг ҳукми остида.

Моддий кувват, аввал айтганимиздай, саккиз унсурдан таркиб топ-ган. Улардан биринчи беш унсур - ер, сув, олов, ҳаво, ва эфир, - "кўпл унсурлар" деб аталади. Уларнинг ичида сезиладиган беш нарса мужас-сам: моддий товуш, терига сезиладиган унсур, шакл, таъм ва хид. Моддий илм-фан факат мана шу ўн нарсани ўрганиш билан чекланади ва уч асосий унсур: ақл, тафаккур ва соҳта ўзликни четлаб ўтади. Ҳар хил психик жараёнларни ўрганадиган олимлар ҳам мукаммал илмга эга эмас, чунки, улар бутун борлиқнинг манбаи бўлган Зот, Худои Таоло, Кришна ҳақидаги илмдан маҳрум. "Мен" ва "меники" деган тушунчаларда намоён бўладиган "сохта ўзлик" моддий ҳаётнинг асо-сини ташкил этади, шунингдек, моддий фаолиятда иштирок этадиган тананинг ўн аъзосини ҳам ўз ичига олади. *Буддҳиху*(тафаккур) ибораси ҳам моддий борлиқнинг *маҳат-таттва* деб аталадиган унсурлар мажмуасини билдиради. Шундай қилиб, Худои Таолонинг айрим кувватини ташкил этувчи саккиз унсурдан йигирма тўрт унсур пайдо бўлади. Бутун моддий олам ана шулардан таркиб топган ва атеистик

*санкхъя* фалсафаси шу унсурларни ўрганади; бу унсурларнинг барчаси - азалдан Кришнанинг намоён бўлган айрим қувватининг таркибий қисмлариdir. Аммо атеистик санкхъя фалсафаси тарафдорлари Кришна - барча сабабларнинг сабабчиси эканини билмайдилар. Санкхъя фалсафаси факат, "Бҳагавад-гита"да кўрсатилган, Кришнанинг ташқи қувватининг ҳар хил намоён бўлган кўринишларини ўрганиш билан чекланади.

*5. апарейам итас тв аниам пракритим видхи ме парам  
джива-бхутам маха-бахо йайедам дхарйате джагат*

**Мана шу қуий қувватимдан бошқа, Менинг олий қувватим ҳам бор, эй қўли қудратли Аржун. У - моддий, қуий қувватим яратган нарсалардан фойдаланувчи тирик мавжудотлардан таркиб топган.**

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки, тирик мавжудотлар Худои Таолонинг олий табиатига, яъни олий қувватига мансуб. Қуий қувват - ўзини ҳар хил кўринишларда намоён этадиган моддий қувват: - ер, сув, олов, ҳаво эфир, ақл, тафаккур ва сохта ўзликдан иборат. Моддий унсурларнинг икки тоифаси, яъни қўпол(ер, сув, ҳаво, олов ва эфир) ва нафис(акл, тафаккур ва сохта ўзлик) унсурлар ҳам Худои Таолонинг қуий қувватининг намоён бўлган кўринишларидир. Қуий қувват яратган турли-туман моддий нарсалардан ўз манфаатлари учун фойдаланадиган тирик мавжудотлар Худои Таолонинг олий қувватига мансуб, айнан шу олий қувват туфайли бутун моддий олам мавжуд бўлиб, харакатга келиб туради. Токи олий қувват, яъни тирик мавжудотлар харакатга келтирмас экан, моддий коинот ўз ҳолича ҳаракат қилишга кодир эмас. Қувват ҳамиша ўзининг манбаига бўйсунади, шу боис тирик мавжудотлар ҳамиша Худои Таолонинг ҳукми остида; ўз фаолиятида улар бутунлай мустакил эмас. Баъзи бир узокни кўра олмайдиган одамлар ўйлагандай, улар ҳеч қачон худди Худои Таолодай ҳар нарсага қодир, қудратли бўла олмайди. Тирик мавжудот ва Худои Таолонинг орасидаги фарқ "Шримад Бҳагаватам"да шундай тушунтирилади: (10.87.30)

*апаримита дхрувас тану-бхрито йади сарва-гатас  
тархи на шасиатети нийамо дхрува нетаратха  
аджани ча йан-майам тад авимучия нийантри бхавет  
самам ануджанатам йад аматам матта-душтатайа*

"Эй мангу Парвардигор, агар танада мужассам бўлган тирик мавжудотлар Сенга ўхшаб, ўзгармас, ҳар ерда ҳам мавжуд бўлсалар, улар Сенинг ҳукминг остида бўлмас эдилар. Аммо, агар тирик мавжудотлар Сенинг қувватингнинг бир заррачалари эканини тан оладиган бўлсак, улар ҳамиша Сенинг ҳукминг остида экани дарров равшан бўлади. Шу боис, ҳақиқий озодликка эришиш учун тирик мавжудотлар Сенинг

хукминг остида эканини тан олишлари керак, - шунда улар ҳақиқий баҳтга эришадилар. Шундагина улар ўзларининг азалий, табиий ҳолатига қайтиб, чексиз кудратга эга бўладилар. "Тирик мавжудот ҳар жиҳатдан Худои Таоло билан бир хил", деб дъяво қиласидиган монизм таълимотининг узокни кўра олмайдиган издошлари, аслида ҳаёт ҳақида нотўғри нуқтаи-назарга эга".

Худои Таоло, Кришна - ягона Ҳукмдордир, бошқа барча тирик мавжудотлар Унга бўйсунадилар. Тирик мавжудотлар Худои Таолонинг олий қувватига мансуб, чунки сифат жиҳатдан улар Худои Таолодан фарқ қиласидилар, аммо, улар ҳеч качон микдор жиҳатидан, яъни қудрат жиҳатдан Худои Таоло билан тенглаша олмайдилар. Куйи қувватнинг кўпол ва нафис унсурларидан ўз хиссиётининг эҳтиёжини қондириш учун фойдаланиб, олий қувват заррачалари(тирик мавжудотлар) ўзларининг ҳақиқий, руҳий табиатли ақл ва тафаккуридан маҳрум бўладилар. Бу хол моддий қувват таъсири остида юзага келади. Аммо, тирик мавжудот алдамчи моддий қувватнинг таъсиридан халос бўлганида, мукти, озодликка эришади. Моддий алданиш ҳумки остида тирик мавжудот соҳта ўзликнинг ҳумкига бўйсуниб яшайди. Соҳта ўзлик тирик мавжудотни моддий танасини "мен", "ўзим" деб, ҳар хил дунёвий нарсаларни "меники" деб ўйлашга мажбур қиласиди. Ўзининг руҳий табиатини англаб етиш учун, тирик мавжудот аввало ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлардан, шунингдек, "ҳар жиҳатдан Худога тенг бўла оламан", деган фикрлардан озод бўлиши керак. Шундай қилиб, "Бҳагавад-гита" тасдиқлаб айтадики, тирик мавжудот - Кришнанинг қувватининг намоён бўлган сон-саноқсиз кўринишларидан бири ва у моддий иллатдан бутунлай покланганида Кришна онгига эга бўлади, яъни бутунлай озодликка чиқади.

*6. этад-йонини бхутани сарванитй упадхараай  
ахам критснасия джагатаҳ прабхаваҳ пралајас татха*

**Барча мавжуд нарсалар ана шу икки қувват, икки табиатдан барпо этилган. Билиб қўйки, модда билан руҳнинг бирикмаси бўлган бу оламнинг аввали ҳам, охири ҳам - Мен бўламан.**

Изоҳ: Бу оламдаги ҳамма нарса модда ва руҳнинг бирикмасидан пайдо бўлган. Руҳ - оламнинг асоси, модда эса - руҳ яратган нарса. Руҳ модда ривожланишининг маълум бир босқичида пайдо бўлади, деб ўйламаслик керак. Аксинча, бутун моддий олам фақат руҳий қувватдан юзага келган. Аслида моддий танамиз ичидан мангу тирик руҳ мавжуд бўлгани сабаблигина пайдо бўлиб, ўсиб улғаяди, яшайди. Ёш бола улғайиб, ўспирин бўлади, кейин йигит бўлади, чунки тананинг ичидан олий қувват, руҳ бор. Худди шундай, бутун коинот ҳам ичидан Олий Руҳ, Худованд Вишну мавжуд бўлгани сабаблигина пайдо

бўлиб, харакат қилиб турибди. Бирга қўшилиб катта коинотни юзага келтирадиган рух ва модда, аслида, аввал бошида Худои Таолонинг икки хил қувватидир; шунинг учун, Худои Таоло бутун борлиқнинг бошлангич сабабчисидир. Худои Таолонинг айрим заррачаси бўлган алоҳида рух осмонўпар иморат, катта завод ёки бутун бир шахарни барпо қилиши мумкин, аммо у коинотни яратишга қодир эмас. Баҳайбат коинотнинг пайдо бўлишига сабаб - баҳайбат Рух, яъни Олий Руҳдир. Кришна, Худонинг Олий Шахси эса, Олий руҳнинг ҳам, алоҳида руҳнинг ҳам манбаидир. Шу боис Уни "барча сабабларнинг бошлангич сабабчиси" деб айтадилар. Бу "Катха-упанишад"(2.2.13)да тасдиқланган: *нитий нитийнам четанаши четананам*.

*7. маттаҳ паратарам наниат кинчид асти дхананджайа  
майи сарвам идам пратам сутре мани-гана ива*

**Эй бойлик эгалловчи, Мендан юксакроқ ҳақиқат йўқ. Худди ипга тизилган маржонлар сингари, бутун борлиқ Менда мужассам**

Изоҳ: Қадим замонлардан бери олимлар баҳслашиб келадилар: Мутлақ Ҳақиқат шахсми, ё шахс эмасми? "Бҳагавад-гита"да бир неча бор айтилганки, Мутлақ Ҳақиқат - Худонинг Олий Шахси, Шри Кришна. Мазкур шеърда ҳам Мутлақ Ҳақиқатнинг шахс экани таъкидланяпти. Худо Шахси - Олий Мутлақ Ҳақиқат эканининг исботини "Брахма-самхита"да ҳам кўришимиз мумкин: *ишивараҳ парамаҳ кришинаҳ сач-чид-ананда-виграҳаҳ* - Олий Мутлақ Ҳақиқат, Худо Шахси - азалий Парвардигор Кришнадир. У - туганмас лаззат манбаи, Говинда, Унинг илоҳий танаси илм ва лаззатга тўла, мангу. Мана шу ишонарли муқаддас китоблар бизда Мутлақ Ҳақиқат - барча сабабларнинг сабабчиси бўлган Худои Таоло, Олий Шахс эканига заррача шубҳа қолдирмайди. Аммо имперсоналистлар ведаларнинг ҳар хил шеърларини рўйкач қилиб, буни инкор этмоқчи бўладилар. Масалан, "Шветашватара-упанишад"да келтирилган мана бу шеърни: *тато йад уттаратарам тад арупам аннамайам* йа этад видур амритас те бхаванти атхетаре духхам эватийанти - "Моддий оламдаги фариштапар, одамлар ва ҳайвонлар ичida Брахма, яъни коинотдаги биринчи тирик мавжудот - энг буюк зот хисобланади. Лекин, моддий киёфага эга бўлмаган ва моддий қувват билан булғанмаган илоҳий Зот Брахмадан ҳам устун туради. Уни англаб етган киши илоҳий даражага кўтарилади, Уни англаб етмаганлар эса, моддий оламда азоб-уқубат чекиб юраверадилар". Имперсоналистлар бу ерда ишлатилган *арупам* иборасига катта эътибор берадилар. Лекин, бу ибора "шахсиятсиз мавжудлик" дегани эмас. У илм ва лаззатга тўла мангу руҳий танани билдиради, буни "Брахма-самхита"дан келтирилган шеър ҳам

тасдиклайди. Буни "Шветашватара-упанишад"дан олинган бошқа шеърлар ҳам тасдиклайди(3.8-9):

*ведахам этам пурушам махантам  
адитья-варнам тамаса॒ ॒ парастам  
там эва видитвати мритйум эти  
наняа॒ пантха видйтате "йанаай  
йасмат парам напарам асти кинчи॒  
йасман наньио но джайайо "сти кинчим  
врикиша ива стабдо॒ диви тиштхатай  
екас тенедам пурнам пурушена сарвам*

"Аминманки, ғофиллик таъсирида пайдо бўладиган барча моддий тасаввурлардан устун турадиган Олий Шахс, Худои Таоло албатта мавжуд. Факат Уни англаб етган кишигина туғилиб-ўлишлар чархпалагидан кутула олади. Озодликка эришишнинг бошқа йўли йўқ.

Олий Шахсдан устунроқ бўлган Ҳакикат мавжуд эмас, чунки Парвардигор ҳамма нарсадан буюк. У энг кичик заррадан кичик ва энг катта нарсадан ҳам каттароқдир. У руҳий осмонни ёритиб, худди дарахтга ўҳшаб қўзғалмай туради, ҳар тарафга илдиз отадиган дарахт сингари, Парвардигор ҳам қувватлари билан чексиз борлиққа сингиб, уни қамраб туради".

Бу шеърлардан кўриниб турибдики, Олий Мутлақ Ҳакикат - Худонинг Олий Шахсидир, У Ўзининг ҳар хил, руҳий ва моддий қувватлари билан бутун борлиқ ичига сингиб, уни қамраб олган.

*8. расо "ҳам апсу каунтейа прабхасми шаши-сурйайоҳ  
пранава॒ ॒ сарва-ведешу шабда॒ ॒ кхе паурушам нришу"*

**Эй Кунтининг ўғли, сувнинг таъми, қуёш ва ойнинг нури - Менман, ведавий мандралардаги "оум" бўғини ҳам - Менман. Мен - эфирдаги товушман, инсоннинг илҳоми, таланти ҳам Менман.**

Изоҳ: Бу шеърдан биз, қандай қилиб Худои Таоло Ўзининг қувватлари билан бутун борлиққа сингиб кетганини билиб оламиз. Руҳий юксалиш ўўлининг бошида инсон Худои Таолони Унинг ҳар хил қувватлари, яъни шахсиятсиз кўринишида англаб олади. Масалан, шахс сифатига эга бўлган қуёш фариштасининг мавжудлигини, унинг ҳар ерга сингиб кетган қуввати - қуёш нури орқали билиш мумкин. Худди шундай, Ўзининг мангур даргоҳида мавжуд бўлган Худои Таолони ҳам, Унинг бутун борлиққа сингиб кетган қуввати орқали билиб олиш мумкин.

Таъм - сувнинг ажралмас хусусияти. Бизга денгизнинг сувини ичиш ёқмайди, чунки унда сувнинг ҳақиқий таъмига тузнинг шўр таъми кўшилган. Тоза, ўзининг соғ таъмида бўлган сув бизга кўпроқ ёқади, ана шу соғ таъм - Худои Таолонинг қувватидир. Имперсона-

лист ҳам, персоналист ҳам сувнинг таъми орқали Худои Таолонинг мавжудлигини сезади, лекин, персоналист чанқоғини қондириш учун шундай ширин таъмли сув ато этгани учун Худога ҳамду-санолар айтади. Улар иккви ҳам Худои Таолонинг борлигини хис қиласидилар. Аслида имперсоналистлар билан персоналистлар Худои Таолонинг мавжудлигини тан олишда бир-бирига қарши эмаслар. Худони тўла англаб етган киши, бутун борлиқда Унинг шахс сифатига эга бўлган ҳамда шахс сифатига эга бўлмаган аспектлари бир вактнинг ўзида мавжуд эканини, бунинг ҳеч қандай зиддиятли жойи йўқлигини англаб етади. Ана шундай тушунчага асосланиб, Парвардигор Чайтанийа одамларга *ачинтия-бхеда-* ва *абхеда-таттва*, яъни "бир вактнинг ўзида бирлиги ва фарқ қилиши" фалсафасини бериб кетган.

Қўёш ва ойнинг нури ҳам - Худои Таолонинг куввати, чунки, уларнинг азалий манбаи брахмаджйоти, Худои Таолонинг шахсиятсиз нуридир. *Пранава*, яъни *омкара*, илоҳий товуш "оум" бўгини эса, Худои Таолога мурожаат қилиши шакли бўлиб, ҳар бир ведавий мадхия, ҳамду-сано ана шу илоҳий товушдан бошланади. Имперсоналистлар сон-саноқсиз номларидан бирини айтиб, Парвардигор Кришнага бевосита мурожаат қилишдан кўрқадилар, шу сабабли улар фақат "оум" бўғинини талаффуз қилишни афзал биладилар. Лекин, улар "оум" - Кришнанинг товуш кўринишидаги қиёфаси эканини билмайдилар. Кришна онги ўзида ҳамма нарсани мужассам қилган, Кришнани англаш илмини эгаллаб олган киши жаҳонда энг омадли, энг баҳтли инсондир. Худони, Кришнани танимайдиган кишилар алданиб, адашиб юрибдилар; Худо, Кришна ҳақида илмга эга бўлиш - озодликка чиқишидир, Кришнани, Худони унтиш эса - моддий оламда тутқун бўлиб қолиш демакдир.

*9. пунъо гандхаҳ притхивийам ча теджсаи часми вибхавасау  
дэживанам сарва-бхутешу тапаш часми тапасвишу*

**Ернинг азалий хиди - Менман, Мен - оловнинг тафтиман. Барча тирикларнинг ҳаёти, риёзатчиларнинг риёзати - Менман.**

Изоҳ: Пуня ибораси азалий, ўзгармай коладиган сифатни билдиради. Моддий оламда ҳар бир нарса ўзининг азалий хидига эга: гул, ер, сув, хаво ва хоказо. Бутун борлиққа сингиб кетган, бошланғич соғ ҳид - Кришна. Худди шундай, бу дунёда ҳар бир нарсанинг ўзига хос бўлган азалий, бетакрор таъми бор, шу таъм унга ҳар хил нарсалар қўшилганда ўзгариб кетади. Демак, ҳар бир нарса албатта қандайдир бошланғич таъмга ва хидга эга.

*Вибхавасу* - "олов" деганидир. Агар олов бўлмаса завод фабрикалар тўхтаб қоларди, олов бўлмаса овқат пишира олмаган бўлардик, олов ҳам - Кришна. Аниқроғи, Кришна - оловнинг тафти, ҳарорати.

Ведавий тиббиёт илмига асосан, ошқозонда ҳароратнинг пасайиши натижасида танада модда алмашинуви сусайиб кетади. Демак, ҳатто овқат ҳазм қилиш учун ҳам олов зарур экан. Кришна онгига эга бўлган киши шуни англаб етадики, ер, сув, олов, ҳаво - барча химиявий ва биологик элементлар ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари фақат Кришнанинг марҳамати билан мавжуддир. Ҳаётимиз ҳам, умрнинг узунлиги ҳам Кришнага боғлик. Кришнанинг, Худонинг марҳамати билан инсоннинг умри қисқариши ёки узайиши мумкин. Шундай қилиб, ҳаётнинг ҳар бир соҳасига Кришна онги билан ёндошиш мумкин.

*10. биджам мам сарва-бхутанам виддхи партха санатанам  
буддхир буддхиматам асми теджас теджасвинам ахам*

**Эй Парта, билиб қўй, Мен - барча тирик мавжудотларнинг бошлангич уруғиман, заковатли одамларнинг тафаккури ва қудратли зотларнинг қуввати - Менман.**

Изоҳ: *биджам* дегани "уруг" маъносини англатади. Кришна - барча тирик мавжудотларнинг бошлангич уруғидир. Бутун борлиқда ҳар хил қўзғалувчан ва қўзғалмас тирик мавжудотларнинг сон-саноги йўқ. Кушлар, ҳайвонлар, одамлар ва бошқа қўплаб тирик мавжудотлар - қўзғалувчан тирик мавжудотлар тоифасига, дараҳтлар ва ҳамиша бир жойда турадиган бошқа ўсимликлар - қўзғалмас тирик мавжудотлар тоифасига киради. Ҳар бир тирик мавжудот 8.400.000 ҳаёт турининг бирига мансуб бўлади. Улардан баъзилари қўзғалиш қобилиятига эга, баъзилари қўзғалмас. Лекин, Кришна уларнинг барчасининг бошлангич уруғидир. Ведаларда айтилганки, Брахман, яъни Олий Мутлақ Ҳақиқат - бутун борлиқнинг манбаидир. Кришна - Парабрахман, Олий Руҳидир. Брахман шахсиятсиз, Парабрахман эса - шахс. Мутлақ Ҳақиқатнинг шахс сифатига эга аспекти шахсиятсиз Брахманни ҳам ўз ичига олади, бу ҳақда "Бҳагавад-гита"да айтилган. Шу боис, бутун борлиқнинг бошлангич, азалий манбаи, илдизи - Кришна. Ҳудди илдиз бутун дараҳтни таъминлаб тургани сингари, Кришна ҳам, бутун борлиқнинг илдизи бўлиб, барча моддий оламнинг мавжудлигини таъминлаб туради. Бу ҳам Ведаларда тасдиқланган:(Катҳа-упанишад,2.2.13)

*нитий нитийанам четанаши четананам  
эко баҳунам йо видадхати каман*

У - барча мангу зотлар ичиди энг асосийси. Барча тирик мавжудотлар ичиди У - Олий Мавжудот. У - бир Ўзи бутун борлиқни таъминлаб туради. Агар ақлимиз, тафаккуримиз бўлмаса, биз ҳаракат қила олмаган бўлардик. Кришна айтадики, "Мен - акл, тафаккурнинг манбаи-

ман". Ақлидан, фикрлаш қобилиятидан, тафаккуридан маҳрум киши Худонинг Олий Шахсини, Кришнани англашга қодир эмас.

*11. балам балаватам чаҳам қама-рага-виварджитам  
дхармавируддоҳо бхутешу камо “сми бхаратаришабҳа*

**Қалби эҳтирос ва истаклардан пок, кучли зотларнинг қучи - Менман. Эй Бхаратлар сардори, Мен ҳақиқий дин қонунларига зид бўлмаган жинсий хаётман.**

Изоҳ: Кучли одам ўз кучидан бирорларга ҳамла қилиш учун эмас, аксинча ожизларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиши лозим. Ҳақиқий дин қонунларига асосан, жинсий хаёт тақводор фарзандни дунёга келтириш учун мўлжалланган. Бошқа ниятда жинсий алоқа қилиш мутлако мумкин эмас. Ота-оналар ўз фарзандларини Худони, Кришна ни танийдиган қилиб тарбиялаш учун маъсулдирлар.

*12. йе чайва саттвика бхава раджасас тамасаш ча йе  
матта евети тан виддхи на тв ахам тешу те майи*

**Билиб қўй, тирикликнинг ҳар қандай ҳолатини - хоҳ у эзгуликда, хоҳ эҳтиросда ёки ғафлатда бўлсин - Менинг қувватим яратган. Мен бутун борлиқман, аммо айни пайтда ундан четдаман. Мен табиат гуналари хукмига бўйсунмайман, аксинча, улар Менга бўйсунадилар.**

Изоҳ: Моддий оламдаги ҳар қандай фаолият табиатнинг уч гунаси таъсири остида бўлади. Аммо Худои Таоло, Кришна, табиат гуналари таъсирига берилмайди, чунки, Унинг Ўзи гуналарнинг манбаидир. Масалан, шоҳнинг чикараётган қонунлари унинг ўзига эмас, факат унинг фуқароларига амал қиласи. Худди шундай, моддий табиатнинг эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гуналари Худои Таолодан чиқади, аммо Унинг Ўзи моддий табиат қонунларига бўйсунмайди. Шунинг учун, Уни ниргунा, “гуналар таъсиридан озод” деб айтадилар. Бу - факат Бхагаван, Худонинг Олий Шахсига хос бўлган хусусиятлардан бириди.

*13. трибхир гуна-майаир бхавайр эбхих сарвам идам джагат  
моҳитам набхиджсанати мам эбхайҳ парам авйайам*

**Табиатнинг уч гунаси(эзгулик, эҳтирос ва ғафлат) алдаб қўйган бутун олам Мени - гуналардан устун турувчи чексиз Зотни билмайди.**

Изоҳ: Бутун жаҳон моддий табиатнинг уч гунаси таъсири остида адашиб юрибди. Уларнинг таъсирига тушиб қолган киши Худои Таоло, Кришна моддий оламдан ташқарида эканини тушунмайди.

Моддий табиатнинг хукми остида бўлган ҳар бир тирик мавжудот ўз фаолиятининг характерини белгилайдиган маълум бир тана турига, психик ва жисмоний хусусиятларга эга. Табиатнинг уч гунаси таъсири остида ҳаракат қилиб яшайдиган одамлар тўрт тоифага бўлинадилар. Эзгулик гунасида бўлган одамларни “браҳманлар” деб атайдилар, эҳтирос гунаси остида бўлганлар эса - “кшатрийлар”, эҳтирос ва ғафлат гуналарининг аралаш таъсирида бўлганлар - “вайшийалар”, бутунлай ғафлат гунаси остида бўлганлар эса - “шудралар” деб аталади. Улардан пастда ҳайвонлар ва ҳайвонларга ўхшаб яшаётган одамлар туради. Лекин ана шу тоифаларга мансуб бўлиш ўзгармас, мангу ҳолат эмас. Ким бўлишимдан қатъий назар - браҳманми, кшатрийми, вайшийами ёки шудрами - менинг ҳозирги ҳолатим, ҳаётим мангу эмас. Аммо, гарчи умримиз мангу эмас, ўткинчи, вақтингчалик бўлса ҳам, кейинги ҳаётимизда ким бўлишимизни билмай туриб, алдамчи моддий қувват таъсири остида ўткинчи моддий танамизни “ўзим” деб ҳисоблаб, америкаликман, хинди斯顿ликман, русман ёки браҳманман, мусулмонман ва ҳоказо деб ҳисоблаймиз. Моддий табиат гуналари чангалига тушиб қолиб, табиат гуналаридан устун турадиган Зот - Худои Таолони эсдан чиқариб қўямиз. Шунинг учун, Парвардигор Кришна айтяптики, табиатнинг уч гунаси адаштирган тирик мавжудотлар бутун моддий оламдан ташқарида, уни бошқариб турган Худонинг Олий Шахсини тушунмайдилар. Тирик мавжудотларнинг тури жуда кўп: одамлар, фаришталар, ҳайвонлар, ўсимликлар ва ҳоказо. Уларнинг барчаси моддий табиат гуналарининг хукми остида ва ҳаммаси илоҳий Худо Шахсини эсидан чиқарган. Эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсири остида юрган одамлар, ҳатто эзгулик гунасида юрганлар ҳам, Мутлак Ҳакиқатнинг шахсиятсиз Браҳман аспектини тушунишдан юкори қўтарила олмайдилар. Улар Худои Таоло чексиз гўзалликка, бойликка, илмга, кучга, шон-шуҳратга ва тарқидунёликка эга бўлган Шахс эканини эшитганларида хайрон бўладилар. Ҳатто, эзгулик гунасида бўлганлар ҳам Мутлак Ҳакиқатнинг шахс аспектини тушуна олмаса, эҳтирос ва ғафлат гунаси остида юрганлар тўғрисида нима дейиш мумкин? Кришна онги моддий табиат гуналари таъсиридан устун туради, Кришна онгига эга бўлган киши шубҳасиз озодликка эришган руҳдир.

*14. дайви ҳӣ эша гуна-майи мама майа дуратйайа  
мам эва ѹе прападийанте майам этам таранти те*

**Моддий табиатнинг уч гунасидан таркиб топган Менинг бу илоҳий қувватим таъсирини сенгиш жуда қийин. Аммо, ўз ихтиё-**

**рини Менга бутунлай топширган одам, осонлик билан унинг хукмидан озод бўлади.**

Изоҳ: Худонинг Олий Шахсининг қувватлари сон-саноқсиз турларга бўлинади, уларнинг хар бири илохий табиатга эга. Худои Таоло қувватининг бир заррачаси бўлган ҳолда, тирик мавжудотлар ҳам илохий табиатга эга, лекин улар модда билан аралашганида, ўзларининг азалий, олий онгини тўсиб қўядилар. Моддий қувват пардаси билан тўсиғланган тирик мавжудот унинг хукми остидан чиқиб кета олмайди. Аввал айтганимиздай, моддий қувват ҳам, руҳий қувват ҳам Худонинг Олий Шахсидан чиқади, шунинг учун улар ҳам мангу. Тирик мавжудотлар Худои Таолонинг олий, мангу қувватига мансуб, аммо, Унинг куйи, моддий қувватига булғаниб, улар қадим замонлардан бери алданиб, адашиб юрибдилар. Ана шундай руҳларни *нитийабаддҳа*, яъни "мангу шартланган", деб атайдилар. Алоҳида руҳнинг шартланган ҳолатга қачон ўтганини ҳеч ким аниқлай олмайди. Гарчи моддий табиат Худои Таолонинг куйи қуввати бўлса ҳам, тирик мавжудот унинг хукми остидан чиқиб кетиши жуда мушкул, чунки моддий табиат Худои Таолонинг амри билан ҳаракат қиласи. Худои Таолонинг амрига эса ҳеч ким қарши чиқолмайди. Куйи, моддий қувват бу ерда "илохий" деб аталишига сабаб шуки, у Худои Таоло билан боғланган ва Унинг хукми остида ҳаракат қиласи, кудратли Парвардигорнинг амрига бўйсунган ҳолда ҳаракат қилиб, моддий табиат моддий оламни яратиб, яксон қилиб, ҳақиқатан ҳам мўъжизавий фаолият кўрсатади. Ведаларда бу шундай тасдиқланади: *майам ту пракритим видиан майнам ту маҳешварам* - "майя (алданиш) ўз ҳолича ҳакикат эмас, чунки у мангу эмас, аммо, гаройиб сеҳргар, "Парвардигор", "Маҳешвара", "Олий Ҳукмдор" деб аталағидан Худо Шахси уни бошқариб туради". (Шветашватара-упанишад, 4.10.)

Гуна иборасининг яна бир маъноси - "арқон". Бу шундан далолат берадики, шартланган руҳ алдамчи қувват арқонлари билан маҳкам боғланган. Оёқ-қўли маҳкам боғлаб қўйилган кишининг ўзи озодликка чиқолмайди, - у озод бўлган кишининг ёрдамига муҳтож. Унга оёқ-қўли боғланган киши ёрдам бера олмайди: унга факат бутунлай озод бўлган кишигина ёрдам бериши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, руҳни моддий олам тутқунлигидан фақат Худои Таолонинг Ўзи ёки Унинг ҳақиқий вакили, руҳий устоз күтқара олади. Уларнинг ёрдами-сиз шартланган руҳ ҳеч қачон моддий тутқунлик арқонларидан халос бўла олмайди. Моддий тутқунликдан халос бўлишда бизга Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш, яъни Кришнани англаш усули ёрдам бериши мумкин. Кришна - енгилмас моддий қувватнинг Ҳукмдори, У моддий қувватга шартланган руҳни озод қилишга буйруқ бериши мумкин. Шундай буйруқ бериш билан У ўз ихтиёрини Худога топширган содик хизматкорига бесабаб марҳамат кўрсатган бўлади. Парвар-

дигор азалдан севимли фарзандлари бўлган тирик мавжудотларга нисбатан ҳамиша оталик меҳри билан қарайди. Шундай қилиб, моддий табиатнинг бешафқат қонунлари чангалидан кутулишнинг ягона йўли - Худои Таолога ўз ихтиёрини бутунлай топшириш ва Унинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилишдир.

Бу ерда ишлатилган "мам эва" ибораси ҳам муҳим аҳамиятга эга. *Мам* - "Менга" ибораси Брахма ёки Шивага дегани эмас, фақат Кришнага, Вишнуга деган маънони англатади. Гарчи Брахма ва Шива Парвардигор Вишну билан деярли бир даражада турадиган гайритабиий улуғвор зотлар бўлса ҳам, *раджсо-гуна* ва *тамо-гуналарнинг* ҳукмдори бўлган ҳолда, улар майа таъсири остида бўладилар, шу сабабли, улар шартланган рухни гуналар чангалидан озодликка чиқара олмайди. Фақат Парвардигор Вишну, алдамчи қувватнинг Ҳукмдоригина унинг чангалидан шартланган рухни халос эта олади. Бу ҳакикат Ведаларда тасдиқланган, "Шветашватара-упанишад" (3.8) *там эва видитва* - фақат Кришнани англаш билан озодликка эришиш мумкин. Фақат Парвардигор Вишнунинг марҳамати билан озодликка чиқиш мумкин эканини ҳатто Тангри Шива ҳам тасдиқлайди: *мукти-прадата сарвешам вишнур эва на самайаҳ* - "Ҳеч қандай шубҳа йўқки, ҳар бир тирик мавжудотга фақат Худованд Вишну озодлик ҳадя этади".

**15. на мам душкрутино мудхаҳ прападийанте нарадхамаҳ  
майайанаҳрита-джснана асурам бхавам аиритаҳ**

**Илмини майа - алдамчи қувват ўғирлаб қўйган, ғофил ва нодон гуноҳкорлар, одамларнинг энг пастқашлари, шунингдек, худосиз - иблислар ҳеч қаҷон ўз ихтиёрини Менга топширила.**

Изоҳ: "Бҳагавад-гита"да айтилганки, Худонинг Олий Шахси, Кришнага бутунлай ўз ихтиёрини топшириш ва Унинг нилуфар пойи қадамларига хизмат қилиш ёрдамида моддий табиатнинг бешафқат қонунлари ҳукми остидан озод бўлиш мумкин. Шундай савол туғилиши мумкин: нима сабабдан файласуфлар, олимлар, тадбиркорлар, амалдорлар ва жамият раҳбарлари кудратли Худои Таолонинг, Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилмайдилар? Улар озодликка эришиш яъни табиат қонунларини енгиш учун, ийллар оша, авлодлар оша ҳар хил режалар тузиб, беҳудага шунча ҳаракат қиласидилар. Аммо, бунга Худои Таолога ўз ихтиёрини топшириш билан осонгина эришиш мумкин бўлса, нима сабабдан, жамият фаровонлиги учун "жон куйдирib" юрган ана шу "ақлли" одамлар бу осон йўлдан фойдаланмайдилар?

"Бҳагавад-гита" бу саволга тўғридан-тўғри жавоб беради. Инсонлар жамиятидаги ҳакикий етук инсонлар: Брахма, Шива, Капила, Кумарлар, Ману, Вйаса, Девала, Асита, Жанака, Прахлада, Бали, кейинги

даврларда эса, Мадхвачарйа, Рамануджачарйа, Шри Чайтанья ва улар каби, жамиятининг ҳақиқий доҳийлари - ҳақиқий файласуфлар, пок вижданли сиёсатчилар, ҳақиқий устозлар, олим донишмандлар - ўз ихтиёрини қурратли Парвардигорга, Худо Шахсиға топшириб, Унинг нилуфар қадамлари поидан нажот топганлар. Гарчи аслида моддий бойлик ортиришга интилиб юрган бўлсалар ҳам, ўзларини файласуф, олим, устоз ва жамият раҳбарлари деб юрган, Худои Таолонинг амрига бўйсунмайдиган ва Унинг йўлидан юз ўгирадиган жамият раҳбарлари - ундан деб аталишга муносиб эмаслар. Олий Ҳукмдор, Худо ҳақида ҳеч нарса билмай туриб, улар ўзларича ҳар хил дунёвий режалар тузадилар ва ҳаёт муаммоларини ҳал этишга уриниб, бу муаммоларни бадтар чигаллаштирадилар. Чексиз қурратга эга бўлган моддий табиат бундай худобехабарларнинг барча режаларини чиппакка чиқаради, шу сабабли ҳар хил комитетларнинг режалаштириш бўйича ўтказган барча тадбирлари шунчаки сафсатабозлик бўлиб қолаверади.

Хар хил режалар тузиб юрган худобехабар одамлар бу ерда *душикритина*, "гуноҳкорлар" деб аталган. *Крити* - эзгу ишлар қиласидиган киши. Атеист одамларнинг ичида баъзан чукур мулоҳазали ва вижданли одамлар учраб қолади, чунки ҳар қандай режани амалга ошириш учун, хоҳ у яхши бўлсин, хоҳ ёмон бўлсин, ўткир тафаккур билан чукур мулоҳаза юритиш керак бўлади. Лекин, ўз тафаккуридан нотўғри фойдаланаётгани сабабли, уларни *душикрити* деб атайдилар; демак, уларнинг барча уринишлари ва фикрлари нотўғри йўналишда ишлатиляпти.

"Бхагавад-гита"да, моддий кувват Худои Таолонинг амрига бўйсуниб ҳаракат килиши айтилган. У мустақил эмас, худди бирорнинг изига эргашиб юрган сояга ўхшайди. Шунга қарамай моддий кувват жуда қурратли, Худони тан олмайдиган атеистлар Худои Таолонинг режаларини ҳам, моддий табиатнинг режаларини ҳам тушуниб ета олмайдилар. Эҳтирос ва гафлат гуналари таъсирида алданиб юрганлари учун уларнинг барча режалари барбод бўлаверади. Гарчи дунёвий жиҳатдан қараганда буюк олим, файласуф, ҳукмдор ва устоз бўлишларига қарамай, Хиранъякашипу ва Равананинг тақдирини ҳам шундай бўлганди. Ундан душкритилар, яъни гуноҳкорлар тўрт тоифага бўлинадилар. Бу ҳақда кейинрок гапирамиз.

Ҳайвонлар сингари кеча-кундуз тер тўкиб ишлайдиган, тузалмас аҳмоқларни ҳам мудҳа деб айтадилар. Улар ўз меҳнатларининг натижасидан ўзлари лаззатланишга интиладилар, уларни бирорга беришини истамайдилар. Ана шундай ҳайвонларга эшак мисол бўла олади. Эгаси бу итоаткор жониворни холдан тойгунча тер тўкиб ишлашга мажбур киласди, эшак эса, ҳатто ким учун кеча-кундуз ишлаётганини ҳам билмайди. Эшак бир тутам хашакка қаноат қилиб, эгасининг тепкисидан кўркиб, хавотирда, жуда кам ухлайди, аҳён-аҳёнда урғочи эшакнинг тепкиларига зўрга чидағ, жинсий алоқадан лаззат олади. Баъзида эса,

эшак "фалсафий ва лирик" кўшиклар куйлади, лекин унинг кўшиги атрофдагиларнинг жаҳлини чикаради, холос. Ўз меҳнатининг натижаларини кимга тақдим этиш кераклигини билмайдиган нодон карми ҳам шундай эшакка ўхшайди. У ғоғиллиги сабабли, инсон ўзининг ҳар қандай фаолиятини Худои Таолога курбонлик сифатида амалга ошириши лозимлигини билмайди.

Шундай одамлар ўзлари ўйлаб чиқарган бурч ва вазифаларини бажариш учун кеча-кундуз тинмасдан ҳаракат киладилар. Уларга руҳнинг, яъни ўзининг, ҳақиқий ўзлигининг, тирик мавжудотнинг мангу табиатга эга экани ҳақида гапирмокчи бўлсангиз, улар одатда "вактимиз йўқ" - деб, тинглашдан бош тортадилар. "Мудха" деб атала-диган зотлар учун, гарчи ўз меҳнатларининг жуда оз, арзимас қисмига эга бўлаётган бўлсалар ҳам, уларнинг ҳаётининг мазмуни ва мақсади - ўткинчи моддий нарсалардир. Баъзан ана шундай нодон мудхалар кўпроқ пул топиш учун кечалари ухламайдилар, вақтида овқатланмайдилар, натижада ошқозон касалига дучор бўлади; улар ўзларининг ўткинчи, алдамчи хўжайини учун тинмасдан оғир меҳнат қиладилар. Ўзларининг ҳақиқий хўжайини ким эканини билмасдан, бу аҳмоқ хизматкорлар ҳаётда нафсига алданиб, ўзларининг нодир, кимматли умрини ҳазон қиласидар. Бахтга қарши улар ҳеч қачон Худои Таолога, барча хўжайнинларнинг хўжайнинг ўз ихтиёрини топширмайдилар ва ишонарли манбалардан Худои Таоло ҳақида бирор нарса билиб олишга ҳатто озгина бўлса ҳам вакт ажратмайдилар. Ҳар хил ахлатлар билан озиқланишга ўрганиб қолган чўчқа шакар ва сариёғдан қилинган ширин таомдан юз ўтиради. Худди шундай, ўткинчи дунёвий янгиликларни тинглаш, улардан лаззатланиш ҳеч қачон ғофил одамларнинг жонига тегиб кетмайди, аммо, бутун моддий оламни ҳаракатга келтириб турган мангу руҳ ҳақида, ўзларининг ҳақиқий ўзлиги ҳақида тинглашга эса, ҳеч қачон уларнинг вақти бўлмайди.

Душқритиларнинг, яъни гуноҳкорларнинг яна бир тоифаси нарадхамалар, одамларнинг энг пасткашидир. *Nara* дегани "одам", *адхам* эса - "энг ёмони, энг пасткаши" деган маънони билдиради. Мавжуд 8.400.000 ҳаёт туридан 400.000 тури инсон танасидаги ҳаёт турларига киради. Уларнинг орасида жуда кўп одамсимон ҳайвонлар бор - уларнинг аксарият кўпчилиги - маданиятсиз одамлардир. Ижтимоий, сиёсий ва диний ҳаёт-фаолияти муқаддас китобларнинг қонуни асосида тузилган одамлар "маданиятли одамлар" деб аталади. Ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ривожланган жамиятда яшайдиган, аммо муқаддас китобларнинг қонун-коидаларига амал қилмайдиган одамлар "нарадхамалар" деб аталади. Бундан ташқари, Худосиз дин - ҳақиқий дин эмас, чунки, аслида одам Мутлақ Ҳақиқатни ва ўзининг Мутлақ Ҳақиқат билан ўзаро муносабатини англаш, кайта тиклаш учунгина қандайдир дин қонунларига амал қиласи. "Бҳагавад-гита"да Худои

Таоло аниқ айтяптики, У ҳеч кимга бўйсунмайди, Унинг Ўзи Олий Мутлақ Ҳақиқатдир. Маданиятли инсонга хос турмуш тарзи билан яшаш тирик мавжудотга, ўзининг эсидан чикиб кетган, Мутлақ Ҳақиқат, яъни Шри Кришна билан ўзаро муносабатини қайта тиклаш имконини беради. Ана шу нодир имкониятни бой бериб, умрини хазон қилаётган одамлар нарадхамалар тоифасига киради. Муқаддас китобларда айтилганки, инсон онасининг қорнида ётган пайтида қаттиқ изтироб чекади, Худога илтижо қилиб, дунёга келгандан кейин, албатта, Унга сажда қилишга ваъда беради. Одатда қийинчилик ва мусибатларга дучор бўлганда Худога илтижо қилиш ҳар бир тирик мавжудот учун табиий ҳол, чунки у Худои Таоло билан мангу боғланган. Лекин, дунёга келган заҳоти чақалоқ алдамчи қувват, майя таъсири остида ўзининг азобларини ҳам, ўзини шу азоблардан кутқарган Зотни ҳам эсидан чиқариб юборади.

Фарзанд тарбия қилаётган ота-оналарнинг бурчи - уларнинг қалбида мудраб ётган ана шу илохий онгни уйғотишдан иборат. "Ману-смрити"да инсонга варнашрама тизимида яшаб, қалбида Худони англаб олишга ёрдам берадиган, ўн турли покланиш маросимлари кўрсатилган. Аммо афсуски, ҳозирги пайтда бундай маросимлар умуман ўtkазилмайди, шу сабабли ер юзининг деярли бутун ахолиси нарадхамалардан иборат бўлиб кетган.

Жаҳондаги ҳамма одамлар нарадхамаларга айланганда, қудратли моддий табиат уларнинг соxта маълумотларининг ҳаммасини йўққа чиқаради. "Бҳагавад-гита" таълимотига кўра, олим браҳман, ит, сигир, фил ва ит гўшти ейдиган ҳаромини бир-биридан ажратмай, уларнинг ягона руҳ эканини тушунган одамгина ҳақиқий билимдон одам деб аталади. Худонинг ҳақиқий содик хизматкори ҳаётга ана шундай назар билан қарайди.

Ер юзида намоён бўлиб, илохий устоз вазифасини бажарган Парвардигор Нитиананда Прабху, нарадхама тоифасига мансуб бўлган икки оғайни - Жагай ва Мадхайнай алданиш иллатидан халос қилган, шу билан Худонинг содик хизматкори ҳатто жамиятнинг энг пасткаш нарадхамаларига ҳам ҳамдардлик билан марҳамат кўрсатиши лозимлигини таъкидлаб кўрсатганди. Худои Таоло юз ўғирган омадсиз факат нарадхама Худонинг содик хизматкорининг марҳамати билан ўзининг руҳий онгини қайта тиклаши мумкин.

Шри Чайтаний Махапрабху жамиятда *бҳагавата-дҳарма* конун-коидаларини ўрнатар экан, одамларни камтарин ҳолда Худои Таолонинг кўрсатмаларига амал қилишга чақириди. Ана шу кўрсатмаларнинг асосий мазмуни "Бҳагавад-гита"да кўрсатилган. Агар камтарин ҳолда Худонинг насиҳатларига, кўрсатмаларига амал қилиб юрсалар, ҳатто нарадхамалар ҳам озодликка эришадилар, аммо, баҳтга қарши улар ҳатто шу қонун-коидаларга риоя қилишни ҳам истамайдилар. Ўз ихтиёрини Худога топширишни-ку айтмаса ҳам бўлади. Нарадхамалар

хар бир инсоннинг ҳаётда биринчи навбатда бажариши лозим бўлган энг муҳим бурчини, вазифасини тан олгилари келмайди.

Душкритиларнинг учинчи тоифасига *майайапахрита-джсанаҳ* - ҳақиқий илмини моддий кувват ўғирлаган одамлар киради. "Бҳагавад-гита"да аниқ айтилганки, Шри Кришна - Худонинг Олий Шахси ва Унга тенг ёки Ундан буюкроқ ҳеч Зот йўқ. Инсониятнинг, қайси ҳаёт турига мансуб бўлишидан қатъий назар, барча тирик мавжудотларнинг бобокалони бўлган Браҳмани ҳам Шри Кришна яратган. Бунинг устига Шри Кришна - факат Браҳманинг отаси бўлибгина қолмасдан, шахсиятсиз Браҳманнинг ҳам, ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлган Парваматманинг ҳам, Ўзининг тўла намоён бўлган қиёфасининг ҳам манбай ҳисобланади. Шри Кришна - бутун борлиқнинг асоси, шунинг учун, ҳар бир инсон Унинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилиши лозим. Ана шундай аниқ кўрсатмаларга қарамай, *майайапахрита-джсанаҳ* тоифасига кирадиган одамлар Парвардигорни оддий инсонлар каторида кўриб, Худои Таолони ҳақорат қиласидилар. Улар, бизга шундай ажойиб фазилатларни, бошқа турдаги тирик мавжудотларга нисбатан чексиз катта имкониятни берадиган инсон танаси Худои Таолонинг мангурини, руҳий танасига ўхшатиб яратилганини билмайдилар.

Устозлар силсиласига кирмаган, *майайапахрита-джсанаҳ* тоифасига мансуб одамлар томонидан "Бҳагавад-гита"га ёзилган жуда кўп нотўғри изоҳлар одамларнинг руҳий илмни тўғри тушунишларига халақит беради, холос. Алданиш домига тушган ана шундай олимлар Шри Кришнага ўз ихтиёрини топширмайдилар ва бошқаларни ҳам бунга ўргатмай, аксинча уларни йўлдан адаштирадилар.

Душкритиларнинг охириги тоифаси - *асурам бҳавам аириитаҳ*, яъни иблис табиатли одамлардир. Улар ҳақиқий худобезорилардир. Уларнинг кўплари Худои Таоло ҳеч қачон моддий оламга келмайди, деб айтадилар, аммо ўзларининг фикрини тасдиқлаш учун бирор далил, исбот топа олмайдилар. Бошқа бирлари эса, гарчи бу "Бҳагавад-гита"нинг маълумотларига зид бўлса ҳам, Кришнани, Парвардигорни "шахсиятсиз Браҳман яратган қиёфа" деб атайдилар. Худои Таолога нисбатан нафрат туйғуси остида атеистлар ҳар хил алдамчи Худоларни ўйлаб топадилар. Умрини Худога карши ишларга бағишлаган ана шундай одамлар ўз ихтиёрини Парвардигорга, Шри Кришнага топширишга қодир эмаслар.

Жанубий Ҳиндистонда яшаб ўтган Шри Ямуначаря Алабандара шундай деган эди: "Эй Худойим, Сен Ўзингнинг ажойиб сифатларинг ва фаройиб кароматларинг билан машҳурсан. Эзгулик гунасидаги, барча муқаддас китоблар ва руҳий илмни чуқур эгаллаб олган, илоҳий фазилатларга эга бўлган буюк донишмандлар ҳамиша Сени олқишлийдилар. Лекин, шунга қарамай, худобезори одамлар учун Сен англаб бўлмас Зот бўлиб қолаверасан".

Шундай килиб, бу ерда кўрсатилган тўрт тоифа одамлар - гофил нодонлар; пасткаш одамлар; алданган, Худонинг алдамчи куввати адаштирган олимлар; ашаддий атеистлар - буюк донишмандлар ва мукаддас китобларнинг шунча кўрсатмаларига қарамай, ҳеч қачон ўз ихтиёрини Худои Таолога топшира олмайдилар.

*16. чатур-виддха бхаджсанте мам джанаҳ сукритино “роджуна арто джиджнасур артхартхи джсанни ча бхаратарашбха*

**Эй Бхаратлар аълоси, тақвodor одамларнинг тўрт тоифаси Менга садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирадилар: 1)бошига мусибат тушгандар; 2)бойлик излаётгандар; 3)қизиқувчандар, 4)Мутлақ Ҳақиқатни англашга интилаётгандонишманд одамлар.**

Изоҳ: Иймонсиз-гуноҳкорлардан фаркли равишда бу ерда кўрсатилган тоифадаги одамлар мукаддас китобларнинг қонунларига амал қилиб яшайдилар. Улар сукритинаҳ, “тақвodor” деб аталадилар, чунки улар мукаддас китобларни ҳурмат қиласидилар, ахлоқ-одоб қоидаларига, давлат қонунларига амал қиласидилар, қандайдир даражада Худои Таолога ишонадилар. Ана шундай тақвodor одамлар тўрт тоифага бўлинади: 1)бошига мусибат тушгандар; 2)пулга муҳтожлар; 3)қизиқувчандар; 4)Мутлақ Ҳақиқатга интилаётгандар. Бундай одамлар Худои Таолога мурожаат қиласидилар ва ҳар хил мақсадларни кўзлаб Худога хизмат қиласидилар. Улар ўз мақсадларига эришиш ниятида Худога хизмат қилиб юргани сабабли, уларни “соф содиклар” деб бўлмайди. Соф содик Парвардигорга ҳеч қачон шахсий ёки моддий манфаат кўзлаб хизмат қиласидилар. Соф содикнинг таърифи "Бхакти-расамрита-синдху"да келтирилган(1.1.11):

*аниабхилашита-шунийам джнана-кармадй-анавритам  
анукулийена криинану-шиланам бхактир уттама*

"Моддий манфаатларга интилишдан ёки кармали фаолиятда, фалсафий изланишларда бирор муваффакиятта эришиш ниятидан бутунлай пок бўлган ҳолда, Худога самимий, пок муҳаббат билан холис хизмат қилиб юрган киши Худои Таолога илоҳий садоқат билан хизмат килаётганд бўлади. Ана шундай садоқат билан қилинадиган хизмат "соф садоқат билан қилинадиган холис хизмат" деб аталади."

Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кириб, соф содиклар билан мулоқот қилиб, юкоридаги тўрт тоифа тақвodor одамлар ҳам моддий иллатлардан бутунлай покланиб, Худонинг соф содик хизматкорига айланадилар. Нопок одамларнинг Худога садоқат билан хизмат қилишлари жуда мушкул, чунки жуда хасис, очкўз одамлар хаётда мукаддас китобларнинг қонун-қоидаларига риоя қиласидилар ва ҳеч қандай руҳий мақсадга интилмайдилар. Аммо, агар улар омади келиб, хаётida Худонинг соф содигини учратиш баҳтига муюссар

бўлиб, у билан ҳамсуҳбат бўлсалар, ҳатто ана шундай ғофил одамлар ҳам Худои Таолонинг соф содикларига айланниши мумкин.

Кармали фаолиятга фарқ бўлган одамлар ҳаётда бирор қийинчиликка дуч келганда, ёки бошига мусибат тушгандагина Худога мурожаат қиласидилар ва соф содиклар билан ҳамсуҳбат бўлиб, ўзлари ҳам Худонинг соф содикларига айланадилар. Тurmушда қийналиб умидсизликка тушган, ҳафсаласи пир бўлган одам ҳам, баъзан соф содиклар олдига келиб, Худо ҳақида бирор нарса билишга ҳаракат қиласидилар. Худди шундай, файласуф-гйанилар ҳам, илм-фаннинг ҳар хил соҳаларида изланиб, ҳақиқатга эришолмай, Худони англашга уринадилар ва Унга садоқат билан хизмат қила бошлайдилар. Худога садоқат билан хизмат қилиб, улар шахсиятсиз Брахман ва ҳар бир типик мавжудот қалбida намоён бўлган Параматмани англаш даражасидан юкори кўтариладилар, Худонинг ёки Унинг содик хизматкорининг марҳамати билан Парвардигор аслида “Олий Шахс” эканини англаш етадилар. Шундай қилиб, мусибат чекаётганлар, қизикувчанлар, илмга интилаётганлар ва бойлик излаётганлар моддий бойлик ва дунёвий саодатлар руҳий юксалиш йўлида ёрдам бермаслигига, ҳамда инсонни моддий истак-орзуладан ҳалос этиб, ҳаётда баҳтиёр қила олмаслигига ишончлари комил бўлганида Худонинг соф содиги бўладилар. Токи содикнинг қалби биратўла покланмас экан, унинг Худога қилаётган хизмати кармали фаолият, дунёвий илмга интилиш сингари моддий нарсалар билан булғанганд бўлади. Худога соф садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтарилиш учун ана шу иллатларнинг барчасидан бутунлай покланиш лозим.

*17. тешам джнани нитийа-йукта эка-бхактир вишишиятме  
прийо хи джнанино “тыйартхам ахам са ча мама прийаҳ*

**Муқаммал илмга эга бўлиб, ўзини Менга соф садоқат билан хизмат қилишга бутунлай баҳшида қилган киши уларнинг ичида аълосидир. Шундай содик учун Мен жуда азизман, у ҳам Мен учун жуда азиз.**

Изоҳ: Мусибат чекаётган, қизикувчан, бир тийинсиз қолган ва олий илмга интилаётган тақводор одамларнинг қалби моддий истаклардан бутунлай покланганида улар Худонинг соф содиклари бўладилар. Уларнинг ичида барча моддий истаклардан покланиб, Мутлак Ҳақиқатни англаш етган донишманд “Худонинг соф содиги” даражасига кўтарилади. Бевосита Парвардигорнинг Ўзи айтишига кўра, муқаммал илмга эга бўлиб, Унга хизмат қилаётган киши энг атло содикдир. Руҳий илмни ўрганиш давомида инсон аввало ўзи, яни ҳақиқий “мен”и моддий танасидан фарқ килишини, кейин, шахсиятсиз Брахманни ва Параматмани англаш етади. Моддий иллатлардан, мод-

дий тасаввурлардан биратўла покланиб, у ўзининг ҳакикий холатини - Худонинг мангу хизматкори эканини тўлиқ англаб етади. Шундай килиб, соф содиклар билан ҳамсуҳбат бўлиб, тўрт тоифадаги такводор кишилар ҳам моддий иллатлардан покланадилар. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг пастки поғоналарида турган такводорлар ичida, Худои Таоло ҳакида тўла илмга эга бўлган киши Парвардигор учун жуда азиз. У Худонинг Олий Шахсининг илохий табиатини англаб етган ва ўзини Худога садоқат билан хизмат қилишга бутунлай баҳшида этган бўлади, шу боис у моддий иллатлардан ҳамиша ишончли равишда ҳимояланган бўлади.

*18. удараҳ сарва эваите джсанни тв атмаива ме матам  
астхитаҳ са хи йуктатма мам эвануттамам гатим*

**Бу содикларнинг барчаси, шубҳасиз, улуғвор, буюк рухлардир, лекин, улар орасида, Мени тўла англаб етган донишманд одамни хар жиҳатдан Ўзимга тенг деб ҳисоблайман. Менга илохий муҳаббат билан хизмат қила туриб у, албатта, ҳаётда энг олий ва эзгу мақсадга - Менга эришади.**

Изоҳ: Парвардигор ҳакида мукаммал илмга эга бўлмаган содиклар Худога азиз эмас, деб ўйламаслик керак. Парвардигор айтяптики, уларнинг барчаси буюк, улуғвор рухлардир. Қандай ният билан мурожаат қилишидан қаттий назар, Худои Таолога мурожаат қиласидан зотларни *маҳатма*, яъни "буюк рух" деб атайдилар. Парвардигор Ўзига бирор моддий манфаат кўзлаб сингинаётган одамлардан юз ўйгирмайди, чунки У ҳар бир тирик мавжудотнинг изхор этган туйғусига ҳам албатта жавоб беради. Худои Таолога нисбатан эзгу туйғулар оғушида бўлиб, улар Худодан қандайдир дунёвий нарсалар сўрайдилар, ниятига етганида эса, Худога шукrona айтадилар, Унга ҳамду-сано айтиб, Худога садоқат билан хизмат қилишда юксала борадилар. Лекин, мукаммал илмга эга бўлган содик Худои Таолога жуда азиз, чунки унинг ягона мақсади - Худои Таолога муҳаббат ва садоқат билан холис хизмат қилишдан иборат. Шундай содик Худога хизмат килмасдан бир дақиқа ҳам тура олмайди, Парвардигор ҳам уни жуда севади ва ҳеч қачон ундан ажралмайди.

"Шримад Бҳагаватам"да (9.4.68) шундай дейилади:

*садхаво хридаіам маҳіам садхунам хридаіам тв аҳам  
мад-анијат те на джсананти наҳам тебхіо манаг ати*

"Менга содик бўлган киши ҳамиша Менинг қалбимда бўлади, Мен эса - унинг қалбидаман. Менинг содик хизматкорим факат Мени ўйлади, Мен ҳам уни ҳеч қачон унумтмайман". Худои Таоло ва Унинг соф содиклари бир-бирига ўзаро жуда қалин муносабат билан боғланган бўладилар. Мукаммал илмга эга бўлган соф содиклар ҳамиша руҳий

кувват химояси остида бўладилар ва улар Парвардигорга жуда азиздирлар.

*19. баҳунам джанманам анте джсанаван мам пропадйате  
васудеваҳ сарвам ити са маҳатма су-дурлабҳаҳ*

**Кўплаб тугилиб-ўлишлар орқали ўтиб, мукаммал илмга эга бўлган киши ўз ихтиёрини бутунлай Менга топширади, чунки у барча сабабларнинг сабабчиси ҳам, бутун борлик ҳам Мен Ўзим эканини тушуниб етади. Шундай буюк рух ҳаётда жуда кам учрайди.**

Изоҳ: Руҳий юксалиш жараённига ва Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлиланган жуда кўп умрлардан кейин, тирик мавжудот соф трансцендент, илоҳий илмга эга бўлади ва руҳий ўзликни англаш йўлининг охирги мақсади - Худонинг Олий Шахси эканини тушуниб етади. Руҳий юксалишнинг биринчи босқичида, инсон моддий иллатлардан халос бўлишга ҳаракат қилаётганида, қалбида имперсоналистик тасаввурларга мойиллик ҳис қиласди, аммо, руҳий юксалиш йўлининг юқорироқ поғонасига кўтарилгандан кейин, Худога садоқат билан хизмат қилиш доирасида руҳий ҳаёт билан яшаш ҳар хил лаззатли фаолиятларга тўла эканини тушуниб етади. Шуни англаб етгандан кейин, содикнинг қалбида Худои Таолога боғланиш кучаяди, натижада у Худои Таолога бутунлай ўз ихтиёрини топширади. Шунда у, Худои Таолонинг, Шри Кришнанинг марҳаматига эришиш - энг буюк баҳт эканини англаб етади. У Кришна - барча сабабларнинг сабабчиси эканини ва моддий олам бутунлай Унинг ҳукми остида эканини тушуниб олади. Шунингдек, у моддий олам аслида руҳий оламда мавжуд бўлган бетакрор ранг-барангликнинг бузилган акси эканини, бу ердаги ҳар бир нарса Худои Таоло билан боғлиқ эканини англаб олади. Натижада, у ҳамма нарсани Васудева, Шри Кришна билан боғлиқ ҳолда кўра бошлайди. Ҳаётга ана шундай муносабатда бўлиш - инсон қалбида ўз ихтиёрини Худои Таолога, руҳий юксалишнинг охирги мақсади бўлган Шри Кришнага бутунлай топшириш истагини уйғотади. Ўз ихтиёрини Худои Таолога бутунлай топширган ана шундай буюк рух ҳаётда жуда кам учрайди.

Бу шеърнинг мазмuni "Шветашватара-упанишад"да жуда ажойиб тушунтирилган(3.14-15):

*саҳасра-ишиша пурушаҳ сахасракишаҳ сахасра-пам  
са бхумим вишвато вритва атий-атиштиҳад дашангулам  
пуруша эведам сарвам йад бхутам йаҷ ча бхавиам  
утамритатвасиешано йад анненатирохати*

"Парвардигор Вишнунинг минглаган каллалари, минглаган кўзлари, минглаган оёклари бор. Ўзида бутун оламни мужассам қилган

ҳолда У ўн бармоқ кенглигидаги олам ташкарисига чиқади. У вират-пуруша, - бутун борлиқнинг мазмун-моҳиятидир. У - мангулик Султони. У озиқланиб яшайдиган ҳар бир тирик мавжудотнинг ягона Ҳукмдоридир".

"Чхандогйа-упанишад"(5.1.15)да айтилганки, на вай вачо на чакшумши на широтрани на манамсити ачакишате прана ити эвачакишате прано хий эваштани сарвани бхаванти - "Тирик мавжудот фаолияти-нинг энг асосий кўрсаткичи - гапириш, кўриш, эштиши фикрлаш қобилияти эмас, - ундаги ҳаётий кучдир". Шунга ўхшаб, бутун борликни ҳаракатга келтириб турган куч - Парвардигор Васудева, Шри Кришнадир. Бизнинг танамиз гапириш, кўриш, эштиши, фикрлаш ва бошқа қобилияtlарига эга, лекин, улар Худои Таоло билан боғлиқ бўйласа, шу қобилияtlарнинг барчаси ҳеч қандай аҳамиятга эга бўймай қолади. "Васудева ҳар ерда мавжуд ва Ўзидаги бутун борликни жамлаб олгани сабабли, мукаммал илмга эга бўлган содик Унга ўз ихтиёрини биратўла топширади" (Бг.7.17 ва 11.40).

*20. камаис таис таир хрита-джсанаҳ прападийанте “ніа-деватаҳ там там нийамам астхайа пракрития нийатаҳ свайа*

**Моддий истаклар ақлини ўғирлаб қўйган зотлар эса, фаришталар паноҳига кирадилар ва Ведаларда берилган, ўзларининг табиатига мос келадиган кўрсатмаларга амал қилиб, фаришталарга сигинадилар.**

Изоҳ: Моддий иллатлардан бутунлай покланган киши ўз ихтиёрини Парвардигорга бутунлай топшириб, Унга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилади. Токи тирик мавжудотнинг қалбида моддий истаклар иллати қолар экан, Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш - унга ғайритабий, ёқимсиз бўлиб туюлаверади. Аммо, агар инсон, қалбидаги моддий истакларга эътибор бермасдан, Худои Таолонинг паноҳи остига кириб, ишонч билан хизмат қилишда давом этаверса, унинг моддий табиатга бўлган боғланиши ўз-ўзидан йўқолиб кетади; ҳақиқий мақсадни танлаш билан у моддий лаззатланиш истагидан тезда халос бўлади. "Шримад Бҳагаватам" (2.3.10)да шундай дейилган:

*акамаҳ сарва-камо ва мокиша-кама удура-дхиҳ  
тиvreна бҳакти-йогена йаджеста пурушам парам*

"Ҳар бир одам - Худонинг ҳар қандай моддий истаклардан пок, соғ содик хизматкори ҳам, қалби моддий истакларга тўла одам ҳам, моддий иллатлардан покланишга интилаётган киши ҳам ягона Парвардигор Васудевага сифиниши лозим ".

Ақли адашган ва ўзининг руҳий табиатини эсидан чиқарган одамлар дунёвий истакларини амалга ошириш учун фаришталардан паноҳ излайдилар. Одатда ундай одамлар Худонинг Олий Шахсига мурожаат

қилмайдилар, чунки улар моддий табиатнинг қуи гуналари(эхтирос ва ғафлат) таъсири остида бўладилар. Фаришталарга сифиниш қоидаларига амал қилиб, улар истаган ниятларига дарров эришадилар. Вактингчалик неъматларга алданиб, бундай одамлар олий мақсадга қандай эришишни билмайдилар. Аммо, Худонинг содик хизматкори тўғри йўлдан бораётган бўлади. Ведаларда ҳар хил мақсадларга эришиш учун маълум фаришталарга сифиниш тавсия қилингани сабабли(масалан, саломатликни яхшилаш учун Қуёш фариштасига сифиниш), Худога содик бўлмаганлар баъзан, “Худонинг Ўзига сифингандан кўра фаришталарга сифинган яхши”, деб ўйладилар. Лекин, соф содик шуни биладики, Парвардигор Кришна - барча тирик мавжудотларнинг Олий Ҳукмдоридир. “Чайтаня-Чаритамрита”да (Ади, 5.142) айтилганки: *экале ишвара кришна, ара саба бхрита.* - “Фақат ягона хўжайин бор, У - Кришна, Худонинг Олий Шахси, бошка ҳамма мавжудот Унинг хизматкоридир”. Шу боис, соф содик ўзининг дунёвий эхтиёжларини қондириш учун ҳеч қачон фаришталарга мурожаат қилмайди. У ҳамма нарсада Худои Таолога таваккал қиласи ва Унинг берган неъматларига шукр қиласи.

*21. ио ио йам йам танум бхактаҳ шраддхайарчитум ичхати  
тасия тасиယачалам шраддхам там эва видадхами ахам*

**Мен Олий Рух сифатида ҳар кимнинг қалбида мавжудман, кимдир бирор фариштага сифинишни истаса, ўз ихтиёрини унга топшира олиши учун, Мен унинг шу фариштага бўлган эътиқодини кучайтираман.**

Изоҳ: Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотга маълум даражада мустақиллик бериб кўйган, шунинг учун, агар инсон ўзи интилаётган дунёвий лаззатларга фаришталар ёрдамида эришишни истаса, моддий оламнинг Ҳукмдори, ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида Олий Рух кўринишида мавжуд бўлган Парвардигор, унинг ниятига етишига ёрдам беради. Барча тирик мавжудотларнинг Олий Отаси сифатида Парвардигор уларнинг мустақил ҳаракат қилишига халақит бермайди, аксинча, ўзларининг дунёвий истакларини амалга оширишда уларга ҳар томонлама ёрдам беради. Шундай савол туғилиши мумкин: нимага ҳар нарсага қодир Парвардигор тирик мавжудотларга моддий оламда ҳам лаззатланиш имконини бериб, уларнинг алдамчи қувват таъсири остига тушиб қолишига йўл кўяди? Жавоб шундай: агар Параматма киёфасида Парвардигор тирик мавжудотларга шундай имконият бермаса, уларнинг мустақиллиги “ҳақиқий мустақиллик” бўлмасди. Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотга ўз хоҳишига қараб иш тутиш имконини беради, аммо, шу билан бирга “Бҳагавад-гита”да уларга энг олий саодат келтирувчи кўрсатма ҳам беради: “Барча дунёвий ниятла-

рингни, ишларингни тарқ этиб, ихтиёриңгни бутунлай Менга топшир!"  
Фақат шунда тирик мавжудот ҳақиқий баҳтга эришади.

Одамлар ҳам, фаришталар ҳам Парвардигорнинг амрига бўйсуниб яшайдилар, шу боис, агар Худо хоҳламаса, ҳеч ким бирор фариштага ҳам сифина олмайди, худди шунингдек, бирор фаришта ўзига сажда қилаётган кишига Худонинг розилигисиз бирор саодат бағишлай олмайди. "Худонинг амри бўлмаса, ҳатто дараҳтнинг япроғи ҳам кимирламайди", дейилган. Моддий жиҳатдан қийналаётган одамларга Ведалар одатда фаришталарга сифиниши тавсия қиласди. Бирор мақсадга эришиш учун, аниқ белгиланган фариштага сажда қилиш керак. Масалан, бемор одамга Күёш фариштасига сифиниши тавсия қилинади, билимдон олим сифатида шухрат қозонишга интилаётган киши илм фариштаси Сарасватига сифиниши, чиройли аёлга уйланишга интилаётган киши Тангри Шиванинг рафикаси, фаришта Умага сифиниши лозим. Шундай қилиб, шастраларда ҳар хил фаришталарга сифиниши билан боғлик кўрсатмалар бор. Инсон қайсиdir дунёвий нарсага эришишни истаганида, Парвардигор уни маълум фариштага сифинишига ундейди, шу тарзда у истаган нарсасига эришади. Маълум фариштага бўлган ишончни унинг қалбида Парвардигорнинг Ўзи уйғотади. Фаришталар ўзига сифинаётган одамларнинг қалбида ишонч, интилиш уйғота олмайдилар, буни фақат Кришна, ҳар кимнинг қалбида Олий Рух қиёфасида мавжуд бўлган ягона Парвардигор амалга оширади. Фаришталар - Парвардигорнинг руҳий танасининг айрим қисмларидир, шу сабабли улар ҳар бир нарсада Унга боғлик. Ведаларда айтилганки: "Худонинг Олий Шахси, Олий Рух кўринишида фариштанинг қалбида ҳам мавжуд бўлиб, уни одамларнинг истагини бажаришга ундейди. Фаришта ҳам, одамлар ҳам Парвардигорнинг амрига бўйсунадилар. Улар тўла мустақил эмас".

*22. са тайа шираддхайа ўйклас тасйарадханам ихате  
лабхате ча татаҳ каман майаива вихитан хи тан*

**Шу ишонч, эътиқод билан инсон мазкур фариштага сифинади ва истаган ниятига эришади. Аммо, у эришаётган нарсаларнинг бар-часини аслида Мен Ўзим ато этаман.**

Изоҳ: Парвардигорнинг руҳсати бўлмаса, фаришталар ўзига сифинаётганларга ҳеч қандай неъмат беролмайди. Инсон ўзининг Худои Таолонинг мулки эканини эсидан чиқариши мумкин, лекин фаришталар ҳамиша буни эсида саклайдилар. Шундай қилиб, фаришталарга сифиниши жараёни ҳам, ана шу сифинининг натижаси ҳам фаришталарга эмас, Худои Таолога боғлик. Фоғил одамлар буни тушунмай, ҳаётда ўз мақсадига эришиш учун фаришталарга сифинадилар. Улардан фарқли равища, Худонинг соғиғи, ҳар қандай вазиятда

хам бевосита Парвардигорнинг Ўзига сигинади. Лекин, соф содик ҳеч қачон Худои Таолдан моддий нарсалар тилаб илтижо қилмайди. Одатда одамлар эхтиросининг талабларини қондиришини тилаб фаришталарга сигинадилар. Лекин, одамнинг нопок ниятларини Парвардигорнинг Ўзи амалга оширмайди. "Чайтаня-Чаритамрита"да айтилганки, Худои Таолога сигиниш билан бир вақтнинг ўзида дунёвий лаззатларга интилаётган киши ўзини - ўзи алдаб юрган бўлади. Худога садоқат билан хизмат қилиш ва фаришталарга сигиниш - бошқа-бошқа нарсалардир, чунки, фаришталарга сигиниш - дунёвий фаолият, Парвардигорга садоқат билан хизмат қилиш эса, бутунлай руҳий, илоҳий фаолиятдир.

Худонинг мангу даргоҳига интилаётган киши учун дунёвий истаклар руҳий юксалиш йўлида катта қийинчилик туғдиради. Шу сабабли Парвардигорнинг соф содиги баъзи бировлар ўйлаганидай, ҳеч қачон, бировни моддий неъматларга эришишини тилаб дуои-фотиха қилмайди. Шунинг учун, қалби дунёвий орзу-истакларга тўла одамлар Худонинг Олий Шахсига садоқат билан хизмат қилишдан кўра моддий олам ишларини бошқариб турган фаришталарга сигинишни афзал биладилар.

*23. антават ту пхалам тешам тад бхавати алпа-медхасам  
деван дева-йаджо йанти мад-бхакта йанти мам ани*

**Узоқни кўра олмайдиган одамлар фаришталарга сигинадилар, аммо уларга сигиниб эришадиган натижалари ўткинчи ва арзимас нарсалардир. Фаришталарга сигинадиганлар фаришталарнинг сайёralарига эришадилар, лекин, садоқат билан Менга хизмат қилаётгандар умрининг охирида Менинг мангу, олий даргоҳимга эришадилар.**

Изоҳ: "Бҳагавад-гита"га изоҳ ёзган баъзи бир билимдонларнинг фикрига кўра, фаришталарга сигиниш ёрдамида ҳам инсон Худои Таолонинг даргоҳига эриша олармиш. Лекин, бу ерда аниқ айтилганки, фаришталарга сигинадиганлар фаришталарнинг даргоҳига борадилар: Күёш фариштасига сигинадиганлар Күёшга, Ой фариштасига сигинадиганлар - Ойга, Индрага сигинадиганлар - Индранинг сайёрасига бора оладилар. Фаришталарга сигиниш ёрдамида ҳам Худо Шахсининг даргоҳига эришиш мумкин деб ўйлаш нотўғри. Бу ерда Кришна шундай фикрларни бутунлай инкор этяпти: фаришталарга сигинадиганлар моддий оламда уларнинг даргоҳига эришадилар, Худои Таолонинг содиклари эса, Парвардигорнинг ўзи яшайдиган олий даргоҳга эришадилар.

Бизга эътироз билдириб айтишлари мумкинки, фаришталар Парвардигорнинг руҳий тан сининг ажралмас бўлаклари бўлгани сабабли, фаришталарга сигинадиганлар ҳам Худонинг соф содиклари эришган

натижага эришиши лозим. Бундай эътиroz билдирувчилар аслида ўзларининг кимлигини кўрсатиб турибидилар: улар ҳатто тананинг қайси аъзосини озиклантириш кераклигини англай олмайдилар. Уларнинг баъзилари шу қадар аклсизларки, овқатни тананинг ҳар бир аъзоси билан қабул қиласа бўлади, деб ўйлади. Бундай гояларни тўғри деб бўймайди. Ким ҳам қулоги ёки қўзлари билан таом еган бўларди?

Шундай одамлар, фаришталар - Парвардигорнинг фазовий киёфасининг бўлаклари эканини билмайдилар, ғоғиллиги сабабли ҳар бир фаришта мустакил равишда Худои Таолонинг Ўзи билан тенг деб ўйладидилар. "Шримад Бҳагаватам"да айтилганки, браҳманлар - Худои Таолонинг калласи, кшатрийлар - Унинг қўллари, вайшйалар - қорни, шудралар эса - оёқлари, уларнинг барчаси ҳар хил вазифаларни бажаради. Лекин, инсон ким бўлишидан қатъий назар, агар фаришталар ҳам, унинг ўзи ҳам, Худои Таолонинг айрим кисмлари эканини тушунса, мукаммал илмга эга бўлган бўлади. Шуни тушуниб етмаган одам эса, фаришталарнинг сайёralарига эришади, Парвардигорнинг содиклари эса, улардан фарқли равишда, олий мақсадга эришадилар.

Фаришталарга сигинишининг натижаси ўткинчи, чунки моддий оламда фаришталар ҳам, уларга сигинадиганлар ҳам, ҳатто барча сайёralар ҳам охир-оқибатда яксон бўлишга маҳкум. Шу боис бу ерда аниқ айтилганки, фаришталарга факат аклдан адашган кишилар сигинадилар. Аммо, Кришна онгига эга бўлган соф содик умуман бошқа натижаларга эришади: Худои Таолога холис хизмат килиш билан шуғулланиб, у илм ва лаззатга тўла мангуба ҳаётга эришади. Худои Таоло чексиз, Унинг марҳамати ва қарами, шафоати ҳам чексиз. Парвардигор Ўз содикларига кўрсатадиган қарамининг чегараси йўқ.

#### *24. авйактам вийактим апаннам маниянте мам абуддхайаҳ парам бҳавам аджсананто мамавийайам ануттамам*

**Чуқур фикрлай олмайдиган ва аслида қандай табиатга эга эканимни билмайдиган одамлар Мени - Худонинг Олий Шахси Кришнани аввал шахс эмас эди, энди шахс бўлди, деб хисоблайдилар. Илми саёзлиги сабабли, улар Менинг олий, мутлақ ва ўзгармас табиатга эга эканимни тушумайдилар.**

Изоҳ: Ҳозиргача, фаришталарга сигинадиган одамларда теран фикрлаш этишмаслиги айтилган эди, бу ерда имперсоналистлар ҳақида ҳам шундай дейилган. Парвардигор Кришна Ўзининг шахсий киёфасида Аржуннинг олдида турибди, у билан сухбатлашяпти, шунга қарамай, ғоғил имперсоналистлар Худои Таоло Ўзининг олий кўринишида киёфага, шаклга эга эмас, деб даъво қиладилар. Бу ҳақда Рамануджа парампарасига мансуб бўлган Худонинг буюк содик хизматкори, Ямуначарйа ажойиб бир шеър ёзган:

*твам шила-рупа-чаритайх парама-пракриштиайх  
саттвена саттвикатайа прабалаш чи шастраиҳ  
пракхайата-даива-парамартха-видам матаси чи  
наивасура-пракритайах пррабхаванти боддхум*

"Эй Парвардигор, Вийасадева ва Нарада сингари содиклар Сен - Худонинг Олий Шахси эканингни биладилар. Ведавий мукаддас китобларни ўрганиш туфайли Сенинг сифатларинг, қиёфаларинг ва кароматларингни билиб олиш, шу тарзда Сен - Худонинг Олий Шахси эканингни англаб етиш мумкин. Аммо, эҳтирос ва фафлат гуналари таъсири остида юрган иймонсиз иблислар ҳеч қачон Сенинг англаб ета олмайдилар. Улар бунга муносиб эмаслар. Упанишадалар, "Веданта" ва бошқа мукаддас китоблар илмини қанчалик мохирлик билан муҳокама қилмасинлар, улар ҳеч қачон Худонинг Олий Шахсини англаб ета олмайдилар". (Стотрагратна,12).

"Брахма-самхита"да ҳам айтилганки, шунчаки Ведаларни ўрганиш билан Худони, Худонинг Олий Шахсини англаб бўлмайди. Факат Худонинг марҳамати билангина бунга эришиш мумкин. Шунинг учун, "Бҳагавад-гита"нинг мазкур шеърида айтилганки, факат фаришталарга сигинадиганлар эмас, ҳатто Ведаларни ўрганиб юрган, ведалар ҳакида ҳар хил мулоҳаза юритадиган, лекин иймонсиз, атеист, олимлар ҳам чуқур мулоҳазага эга бўлмаган ақлсиз одамлар деб аталган. Уларнинг қалбida Кришна онгидан атиги бир томчи ҳам йўқлиги сабабли, улар Парвардигорнинг шахсий табиатини англаб олишга кодир эмаслар. Мутлак Ҳакиқат шахс сифатига эга эмас, деб ҳисоблайдиган одамлар бу ерда *абуддхайах* ("аклини йўқотган") деб аталган, чунки улар Мутлак Ҳакиқатнинг олий аспекти ҳакида ҳеч нарса билмайдилар. "Шримад Бҳагаватам"да айтилганки, Худои Таолони англаш шахсиятсиз Брахманни англашдан бошланади, Худони англашнинг ундан кейинги поронаси - ҳар кимнинг қалбida мавжуд бўлган Олий Рухни англаб етишдир, ундан кейин Мутлак Ҳакиқатнинг олий аспекти - Олий Шахс-Худони англаш мумкин.

Ҳозирги имперсоналистлар ҳам Кришна айтган одамлардан ақлли эмас: улар ҳатто ўзларининг буюк дохийлари Шанкарачарйанинг айтган гапларини ҳам инкор этадилар. У Кришна - Худонинг Олий Шахси, деб айтган эди. Олий Ҳакиқат ҳакида тўғри тасаввурга эга бўлмаган ҳолда, имперсоналистлар Кришнани оддий бир шахзода, Васудева ва Девакининг ўғли деб, ёки ўз даврининг буюк қаҳрамони бўлган қудратли шахс деб ҳисоблайдилар. Ана шундай фикрлар ҳам "Бҳагавад-гита"да инкор этилган: *аваджсананти ма мудха манушим танум ашритам* - "Факат аҳмоклар Мени оддий одам деб ҳисоблашлари мумкин".

Бу гапларнинг маъноси шундан иборатки, инсон ўз қалбida Кришна онгини ривожлантиrmай, Үнга садоқат билан хизмат қилмай туриб,

Кришнани англай олмайди. "Шримад Бҳагаватам" (10.14.29) буни шундай тасдиқлайди:

*атхапи те дева падамбуджса-двайа  
прасада-лешанурихита эва  
джсанати таттвам бхагаван махимно  
на чаня эко "ни чирам вичинван*

"Эй Парвардигор, Сенинг муқаддас нибуфар поий қадамларингнинг хеч бўлмаганда бир томчи марҳаматига сазовор бўлган кишигина Сенинг ҳақиқий улуғворлигингни англаб ета олади. Аммо, фақат ўз тафаккурининг кучига ишониб Худонинг Олий Шахсини англашга интилаётган киши, ҳатто узоқ йиллар давомида Ведаларни ўрганиш билан машғул бўлса ҳам, Сени англай олмайди". Худони, Шри Кришна, Унинг қиёфасини, сифатларини ва номинианглаб етиш учун Ведаларни ўрганишнинг ёки фалсафий фикр юритишнинг ўзи камлик киласиди. Бунинг учун Худои Таолога муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиш керак. Худонинг Олий Шахсини фақат Кришна онгидаги фаолият билан бутунлай машғул бўлиб юрган киши англай олади. Кришна онгидаги фаолият энг аввало қуйидаги буюк мантрани зикр қилиб юришдан бошланади: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Иймонсиз имперсоналистлар Кришнанинг танаси моддий унсурлардан ташкил топган, деб айтадилар, Унинг кароматлари, қиёфаси ва У билан боғлиқ нарсаларнинг барчаси майя, алданиш келтириб чикарган нарсалардир, деб ҳисоблайдилар. Ана шундай имперсоналистларни "маявадилар" деб атайдилар. Уларга Олий Ҳакиқат маълум эмас.

Шу бобнинг йигирманчи шеърида аниқ айтилганки, *камаис таис таир хрита-джсанаҳ пратадийанте "ниа-деватаҳ* - "Эҳтирос домига тушиб, алданиб қолган одамлар ўз ихтиёрини фаришталарга топширадилар". Маълумки, Худонинг Олий Шахсидан ташқари жуда кўп фаришталар мавжуд бўлиб, улар коинотнинг ҳар хил сайёralарини бошқариб турадилар. Парвардигорнинг ҳам ўз сайёраси бор. Йигирма учинчи шеърда Кришна шундай дейди: *деван-дева-йаджсо йанти мад-бхакта йанти мам ати*. Фаришталарга сифинадиганлар ана шу фариштанинг сайёрасига борадилар, Парвардигор Кришнанинг содиклари эса, Кришналока сайёрасига эришадилар. Мана шу аниқ маълумотларга қарамай, ғофил имперсоналистлар Парвардигор шакл-шамоилга эга эмас, Унинг қиёфалари сароб, алдамчи қиёфалардир, деб ҳисоблашда давом этаверадилар. Лекин, "Бҳагавад-гита"ни ўргана туриб, фаришталар шахс эмас, уларнинг даргоҳлари эса, хеч қандай шаклга эга эмас, деган хулоса чикариб бўладими? Бизлар учун аниқ равшанки, Кришна, Худонинг Олий Шахси ҳам, фаришталар ҳам, шахсиятсиз эмас; Уларнинг ҳар бири алоҳида шахс: Парвардигор Кришна - Худонинг Олий Шахси, Унинг Ўзининг сайёраси, фаришталарнинг ҳам ўз сайёralари мавжуд.

Шундай қилиб, монистларнинг ҳаёт ҳакиқат ҳеч қандай шаклга эга эмас, ҳар қандай шакл - алданиш натижаси, хом ҳаёлдир", деган тасаввурлари умуман ҳакиқатга тўғри келмайди. Мана шу шеърлардан аниқ равshan кўриниб турибдики, шакллар, қиёфалар ҳечам алданиш натижаси эмас. "Бҳагавад-гита"дан биз биламизки, фаришталарнинг қиёфалари ва Парвардигор Кришнанинг қиёфаси бир вақтнинг ўзида мавжуд, Шри Кришнанинг танаси - *сач-чид-ананда*, илм ва лаззатга тўла ва мангуб. Ведаларда яна айтилганки, Олий Мутлақ Ҳакиқат ўзининг табиатига кўра лаззатга тўла(*ананда-майо* "бхийасат") ва сон-саноқсиз илоҳий сифатларга эга. "Бҳагавад-гита"нинг бошқа бир шеърида Парвардигор айтадики, гарчи У *аджса*(туғилмаган) бўлса ҳам, барибир туғилади, дунёга келади. "Бҳагавад-гита"ни ўрганиш давомида биз англаб етишимиз лозим бўлган ҳакиқатлар мана шулардан иборат. "Бҳагавад-гита"ни ўргана туриб, Худои Таоло шахс эмас, деган хulosага келишнинг иложи йўқ. "Бҳагавад-гита" таълимотига кўра, имперсоналистлар амал қилаётган монизм фалсафаси нотўғри. Олий Мутлақ Ҳакиқат, Парвардигор Кришнанинг қиёфаси мавжудлиги ва Унинг Ўзи шахс эканига ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас.

**25. наҳам пракашаҳ сарвасайа йога-майа-самавритаҳ  
муҳдо “йам набхиджсанати локо мам аджсам авйайам**

**Аҳмоқ ва ғофил одамларга Мен ҳеч қачон Ўзимни қўрсатмайман.  
Ички қувватим Мени улардан яшириб туради, шу сабабли улар  
Менинг туғилмас ва ўзгармас эканинни билмайдилар.**

Изоҳ: Кимдир савол бериши мумкин: Кришна ер юзида юрган пайтда Уни ҳар ким кўра олган, нимага У "Мен Ўзимни ҳаммага ҳам аён қиласермайман", деб айтияпти? Аслини олганда Кришна шу вактда ҳам Ўзини барчага бирдай аён этавермаган. Ер юзида юрган пайтда Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини камдан-кам одамлар билган. Куруларнинг мажлисида Шишуپала гапга чиқиб, мажлисни Кришна бошқаришига норозилик билдирганида, Бхишмадева Кришнанинг ёнини олиб, Унинг ягона Худои Таоло эканини эълон қилган. Кришна Худои Таоло эканини факат Пандузодалар ва яна бир неча одамлар билган, холос. Бу ҳакиқатни ҳамма билган эмас. Парвардигор ўшанда ҳам Ўзини оддий одамларга ва иймонсиз кишиларга аён этмаган. Шунинг учун, "Бҳагавад-гита"да Кришна айтадики, соф содиклардан бошқа барча одамлар Уни "оддий одам" деб ўйладидилар. У факат Ўзининг содикларигагина "туганмас лаззат манбаи" сифатида Ўзини намоён этган. Бошқа одамлардан эса, айниқса, ғофил иймонсизлардан, Уни ички қуввати яшириб турган.

"Шримад Бхагаватам"да(1.8.19) малика Кунти ўзининг илтижоларида, "Парвардигор йога-майя пардаси билан Ўзини одамлар кўзидан тўсиб кўйган, шу сабабли оддий одамлар Уни англай олмайдилар" дейди. Йога-маянинг мана шу пардаси ҳакида "Ишопаниша"да ҳам айтилган(15), унда содик Парвардигорга илтижо қилиб шундай дейди:

*хирманайена патрена сатиасайапихитам мукхам  
тат твам пушанн апаврину сатиа-дхармайа дришитайе*

"Эй Парвардигор, Сен - бутун оламнинг эгасисан, Сенга садоқат билан хизмат қилиш - энг олий фаолият, энг олий дин. Шу боис Сенга илтижо қиласман: мени ҳам Ўз паноҳингда асра. Сенинг илохий қиёфанг ички қувватинг - йога-майя пардаси билан тўсилган. Аша шу парда - брахмаджйоти. Марҳамат кўрсатиб, Сенинг сач-чид-ананда-виграха - илм ва лаззатга тўла қиёфангни кўриш имконини бермаётган илохий нур сочиб турган ана шу пардани олиб ташла". Худои Таоло Ўзининг руҳий, илм ва лаззатга тўла мангу қиёфасида биздан брахмаджйоти, Ўзининг ички қуввати ёрдамида тўсилган, шу сабабли ғофил имперсоналистлар Парвардигорни яққол кўра олмайдилар.

"Шримад Бхагаватам"(10.14.7)да Тангри Брахма Шри Кришнага шундай илтижо қиласди: "Эй Худонинг Олий Шахси, эй Олий Рух, эй барча сехр кудратининг Хукмдори, бу дунёда ким ҳам Сенинг кудратингни ва Сенинг эрмакларингни англай оларди? Сенинг ички қувватинг тинмасдан кучайиб боради, шу сабабли Сени ҳеч ким англай олмайди. Буюк олимлар коинотдаги барча атомларни санаб чиқишлари мумкин, аммо улар Сенинг сон-саноқсиз илохий сифатларингни санай олмайдилар, Сенинг қувватинг кудратини ўлчашга кодир эмаслар". Худонинг Олий Шахси, Шри Кришна нафақат тугилмаган, яна авӣайа, туганмас ҳамдир. Унинг мангу қиёфаси илм ва лаззатга тўла, Унинг қуввати эса, ҳақиқатан ҳам туганмас, чексиздир.

## 26. ведаҳам саматитани вартаманани чарджсұна бхавишийани ча бхутани мам ту веда на каичана

**О Аржун, Худонинг Олий Шахси сифатида Мен аввал бўлиб ўтган, ҳозир бўлаётган ва келажакда бўладиган ҳамма нарсани биламан. Шунингдек, Мен барча тирик мавжудотларни биламан, Мени эса ҳеч ким билмайди.**

Изоҳ: Бу ерда Мутлақ Ҳақиқатнинг шахс ёки шахс эмаслигига яна ҳам яққолроқ жавоб берилган. Агар, Худонинг Олий Шахси, Шри Кришнанинг танаси имперсоналистлар айтганидай, алданиш, яъни моддий унсурлардан таркиб топган бўлса, У ҳам оддий тирик мавжудотлар сингари, бир танадан иккинчи танага ўтиб юрган бўлар, аввалги танасида нималар рўй берганини эсидан чиқарган, ҳозирги ҳаёти нима билан тугашини ҳам, кейинги ҳаёти қандай бўлишини ҳам билмай юр-

ган бўларди. Бошқача килиб айтганда, оддий тирик мавжудот на ўтмишини, на ҳозирини ва на келажагини билмайди. Бундай илмга фақат моддий иллатлардан бутунлай покланган зот эга бўлади.

Парвардигор Кришна аниқ айтяптики, оддий инсонлардан фарқли равища У аввал бўлиб ўтган, ҳозир бўлаётган ва келажакда бўладиган ҳамма нарсани билади. Тўртинчи бобда Парвардигор айтган эдикি, У бир неча миллион йиллар аввал Қуёш худоси Вивасванга йога илмини ўргатганини билади. Кришна ҳар бир тирик мавжудотни билади, чунки У Олий Рух сифатида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида жойлашган. Лекин, гарчи У - ҳар кимнинг қалбидаги Олий Рух, Худонинг Олий Шахси бўлса ҳам, ақли кам одамлар шахсиятсиз Брахманни англай олсалар ҳам, шу ҳақиқатни англаб ета олмайдилар.

Шри Кришнанинг трансцендент, илоҳий танаси ўзгармас. Парвардигор күёшга, майя эса - булутга ўхшайди. Баъзида булут бизнинг кўзимиздан күёшни, ойни ва юлдузларни анча вақтгача тўсиб кўйиши мумкин. Лекин, бу бизнинг кўриши қобилиятимиз мукаммал бўлмагани сабабли рўй беради. Қуёш, ой ва юлдузлар аслида бутунлай тўсилмаган. Худди шундай, майя ҳақиқатан ҳам Худои Таолони биратўла тўса олмайди. У ғофил одамларга Ўзини аён этмаслик учун ички кувватидан фойдаланади. Бу бобнинг учинчи шеърида тушунтирилганидай, жуда кўп миллион одамлар орасида фақат биргина одам камолотга интилади, камолотга эришган минглаб одамлар ичида эса, биргина одам Парвардигор Кришнани ҳақиқатан ҳам англаб етиши мумкин. Ҳатто шахсиятсиз Брахманни ёки ҳар кимнинг қалбидаги Параматмани англаб етишда камолотга эришган киши ҳам, агар қалбида Кришна онгини ривожлантирмаса, Худонинг Олий Шахси, Шри Кришнани англай олмайди.

## *27. иччха-двеша-самуттхена двандва-мохена бхаратам сарва-бхутани саммохам сарге йанти парантапа*

**Эй Бхарат авлоди, эй душманлар ғолиби, барча тирик мавжудотлар бу дунёга келиб, истак ва нафрат келтириб чиқарадиган алдамчи қарама-қаршиликлар таъсири остига тушиб қоладилар.**

Изоҳ: Ўзининг азалий, ҳақиқий табиатига кўра тирик мавжудот Ўзизда пок, мукаммал илмни мужассам этган Худои Таолонинг ҳукми остида бўлади. Тирик мавжудот қалбидаги пок илмини тўсиб кўядиган алданиш таъсирига тушиб қолганида, алдамчи кувватнинг қулига айланади ва Худонинг Олий Шахсини англай олмайдиган бўлиб колади. Алдамчи кувват ўзини қарама-қаршиликлар - истак ва нафрат кўринишида намоён этади. Истак ва нафрат ҳукмронлиги остида ғофил одамлар Худои Таоло билан тенглашмокчи бўладилар, ҳатто, Кришна - Худонинг Олий Шахси, деган фикрдан ҳам нафратланадилар. Алда-

ниш хукмидан озод бўлган, истак ва нафрат туйгуларидан пок бўлган соф содиклар шуни биладиларки, Парвардигор Шри Кришна бу оламга Ўзининг ички қувватининг кучи ёрдамида ташриф буюради. Аммо, ғафлат ва қарама-қаршиликлар таъсирида кўзлари ҳеч нарсани кўрмайдиган ғофил одамлар Худонинг Олий Шахсини - "моддий қувват яратган зот", деб хисоблайдилар. Уларнинг бахтсизлиги ҳам мана шунда. Алданиш натижасида шундай одамлар қарама-қаршиликлар доирасидагина фикр юрита оладилар: шон-шуҳрат ва шармандалиқ, бахт ва мусибат, яхшилик ва ёмонлик. Бировлар ўзини эркак деб билади, бировлар - аёл деб. "Бу менинг уйим, бу менинг хотиним. Мен уйимда хўжайнман. Мен шу аёлнинг эриман" - деб ўйлайди улар. Қарама-қаршиликлар олами ана шундай. Алдамчи қарама-қаршиликлар адаштириб қўйган тирик мавжудотлар тўғри фикр юритиш қобилиятидан маҳрум бўлиб, Худонинг Олий Шахсини англай олмайдилар.

*28. йешам тв анта-гатам папам джсананам пуніа-карманам  
те двандва-моха-нирмукта бхаджсанте мам дридха-вратас*

**Аввалги ва ҳозирги ҳаётида эзгу ишлар қилиб юрган, гуноҳ ишларни биратўла тарқ этган киши ҳаётнинг алдамчи қарама-қаршиликлари таъсиридан биратўла халос бўлади ва қатъий ишонч билан умрини Менга холис хизмат қилишга бағишлади.**

Изоҳ: Бу ерда қандай одам трансцендент, илоҳий даражага кўтарила олиши тушунтирилган. Гунохкорлар, атеистлар, нодонлар ва иккинозламачиларнинг қарама-қаршиликлар ҳукми остидан кутулиши, яъни истак ва нафрат туйгуларидан халос бўлиши жуда мушкул. Фақат жуда кўп умрлар давомида ҳақиқий дин қоидаларига амал қилиб юрган, эзгу ишлар қилган ва барча гунохлари оқибатидан биратўла халос бўлган кишигина Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кириши ва аста-секин Худонинг Олий Шахси ҳақида пок илмга эга бўлиши мумкин. Вакт ўтиши билан ана шундай одамлар Худонинг Олий Шахси ҳақидаги ўйларга биратўла гарқ бўладилар ва транс ҳолатига кирадилар. Шу тарзда улар рухий даражага кўтариладилар. Бундай даражага Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлиш, соф содиклар билан ҳамсуҳбат бўлиш натижасида кўтарилиш мумкин, чунки ана шундай сухбатлар инсонни алданиш чангалидан халос эта-ди.

"Шримад Бхагаватам" (5.5.2)да айтилганки, ҳақиқатан ҳам моддий олам тутқунлигидан кутулишни истаган киши Худонинг содик хизматкорларига хизмат қилиши лозим(*маҳат-севам дварам ахур вимуктеш*); содиклар билан эмас, аксинча ҳамиша материалист одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиб юрган одамлар эса, келажаги учун моддий

оламнинг энг коронғи дўзахларидан жой тайёрлайдилар (*тамо-дварам йошиштам санги-санғам*). Худонинг содик хизматкорлари жаҳон бўйлаб ягона мақсад билан саёҳат қилиб юрадилар: уларнинг мақсади - шартланган руҳларни алданиш тузогидан кутқариш. Ўзларининг ҳақиқий табиатини унтишиб қўйган тирик мавжудотлар Худои Таолонинг ҳукми остида эканини тан олгилари келмайди, шу сабабли Худонинг қонунларига қарши оғир гуноҳлар қилиб юрганини имперсоналистлар тушунмайдилар. Факат ўзининг азалий, ҳақиқий ҳолатини эслashi, англаб етиши натижасидагина тирик мавжудот Худонинг Олий Шахсини англай олади ва катъий ишонч билан умрини Худога илоҳий хизмат қилишга бағишланди.

*29. джара-марана-мокиайа мам аириития йатанти ие  
те брахма тад видуҳ критснам адхияттам карма чакхилам*

**Кексалик ва касалликлар чангалидан озод бўлишга интилаётган ана шундай чуқур мулоҳазали одамлар Мендан паноҳ топадилар ва муҳаббат билан Менга хизмат қиласидилар. Аслини олганда улар аллақачон Брахманда яшётган бўладилар, чунки улар - руҳий хаёт қонунларини мукаммал англаб етган одамлардир.**

Изоҳ: Туғилиш, ўлиш, кексалик ва касалликлар моддий тана билан боғлиқ жараёнлардир, уларнинг руҳий танага ҳеч қандай алоқаси йўқ. Руҳий тана туғилмайди, ўлмайди, қаримайди ва касал бўлмайди. Шу сабабли, Худои Таолонинг яқин хизматкорларидан бири бўлиб, руҳий танага эга бўлган, Унга садоқат билан мангу хизмат қилиш имкониятига эга бўлган киши ҳақиқий озодликка эришган бўлади. *Aham brahma nisi.* "Мен табиатимга кўра руҳман". Шастраларда айтилганки, тирик мавжудот ўзининг брахман, яъни мангу руҳ эканини англаб олиши лозим. Ўзининг Брахман эканини англаб етиш ҳам Худога садоқат билан хизмат қилиш жараённинг таркибий қисмидир. Соф содиклар руҳий даражада, яъни Брахман даражасида бўладилар ва руҳий фаолиятнинг барча қонунларини яхши биладилар.

Парвардигорга илоҳий хизмат қилиш йўлига кириб, қалбida моддий истаклари бўлган такводор зотларнинг тўрт тоифаси истаган ниятларига етадилар. Худонинг марҳамати билан моддий истаклардан по-кланиб, Кришна онгига эга бўлганида, уларга Худои Таоло билан ҳамсухбат бўлиб, руҳий лаззат билан роҳатланиш хукуки берилади. Фаришталарга сигинадиганлар эса, ҳеч қачон Парвардигорнинг сайёрасига эришиб, У билан ҳамсухбат бўла олмайдилар. Кришнанинг олий сайёрасига - Кришналокага, Голока Вриндаванага кириш, ҳатто шахсиятсиз Брахманни англашга интилиб юргани сабабли "акли паст" деб ҳисобланадиган зотларга ҳам маън қилинган. Аслини олганда, "Брахманни англаб етган зот" деб, факат Кришна онгига фаолият

кўрсатиб юрган одамни айтиш мумкин(мам ашритай), чунки у Кришнанинг олий даргоҳига эришишга интилади. Шундай содик Кришнанинг илоҳий ҳолати ҳақида ҳеч қандай гумонларга бормайди, шу сабабли у аллақачон Брахман даражасига кўтарилган бўлади.

Хатто, Парвардигорга Унинг арча қиёфаси орқали сифиниб юрган ёки моддий тутқунликдан кутулиш учунгина Унинг қиёфасига мурокаба килиш билан шуғулланиб юрган одам ҳам, Худонинг марҳамати билан Брахман ва моддий олам(адхибухта) ҳақидаги илмга эга бўлади. Бу ҳақда Парвардигор кейинги шеърда айтади.

*30. садхибхутадхидаивам мам садхиаджнам ча йе видух  
прайана-кале "ни ча мам те видур йукта-четасаҳ*

**Ҳамиша Мени ўйлаб юрадиган, моддий оламнинг Эгаси, барча фаришталар-у қурбонлик маросимларининг ҳукмдори Мен эканимни тушунган киши Мени, Худонинг Олий Шахсини, ҳатто ўлим тўшагида ётиб ҳам эсидан чиқармайди.**

Изоҳ: Кришна онги билан яшаётган киши ҳеч қачон Худонинг Олий Шахсини англашга олиб келадиган йўлни тарк этмайди. Кришна онгига эга содиклар билан ҳамсуҳбат бўлиб, инсон, Худои Таоло - бутун моддий оламнинг ва фаришталарнинг Эгаси ва Ҳукмдори эканини тушунади. Ана шундай илоҳий сұхбатлар шарофати билан, у аста-секин қалбида Худонинг Олий Шахсига нисбатан ишонч, иймон ҳосил қила бошлиди. Қалбида Кришна онгини ривожлантириб, шундай одам ҳеч қачон, ҳатто ўлим тўшагида ётиб ҳам Кришнани, Худони эсидан чиқармайдиган бўлади. Танасини тарк этганидан кейин эса, Худои Таолонинг даргоҳига, Голока Вриндаванага эришади.

"Бҳагавад-гита"нинг еттинчи бобида инсон қандай қилиб ўз қалбида тўла Кришна онгини ривожлантириши мумкинлиги тушунтирилган. Бунинг учун, энг аввало, Кришна онгига эга бўлган одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиш керак. Шундай сұхбатлар руҳий даражада бўлади ва одамга бевосита Кришна билан боғланиш имкониятини беради. Шунда Парвардигорнинг марҳамати билан инсон Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини англай олади. Айни пайтда у тирик мавжудотнинг мангу руҳий табиати ҳақидаги илмга эга бўлади, Кришнани унугтани сабабли тирик мавжудот моддий фаолият чангалига тушиб, кийналиб юрганини билиб олади. Содиклар билан ҳамсуҳбат бўлиш натижасида инсон аста-секин қалбида Кришна онгини ривожлантира боради ва Кришнани эсидан чиқариб, у моддий табиат конунлари ҳукми остига тушиб қолганини тушуниб етади. Яна у шуни билиб оладики, факат инсон танасидаги ҳаётгина унга қалбида Кришна онгини қайта тиклаш имконини беради. Худои Таолонинг марҳаматига эри-

шиш учун инсон ана шу нодир имкониятни қўлдан бой бермаслиги лозим.

Бу бобда жуда кўп саволлар мухокама қилинди: ҳаётда қийналиб юрган одамлар, қизиқувчанлар, моддий мухтожликка учраганлар, Брахман ва Параматмани англаш, туғилиш, ўлиш ва касалликлар асирлигидан озодликка чиқиш, Худои Таолога сифиниш. Ҳақиқатан ҳам Кришна онгига эга бўлган кишини руҳий ўзликни англашнинг бошқа усуллари қизиктирмайди. У ҳаётда факат Кришна онги билан яшайди, шу тарзда ўзининг ҳақиқий ҳолатига, Кришнанинг мангум хизматкори ҳолатига эришади. Худои Таолога соф садоқат билан хизмат қилишга ўзини бутунлай бағишлиб, инсон Худои Таоло ҳақидаги ҳикояларни тинглаганида, Уни шарафлаётганида ўзи чексиз руҳий лаззат олади. Ҳаётда шу тарзда харакат килиш билан у истаган ҳамма нарсаларига эришиши мумкинлигига аник ишонади. Ана шундай катъий ишончни *дридха-врата* деб атайдилар, шу ишонч бхакти-йоганинг, Парвардигорга илохий муҳаббат билан холис хизмат қилишнинг асосини ташкил этади. Барча муқаддас китоблар инсонни ана шундай хulosага олиб келади. "Бҳагавад-гита"нинг еттинчи бобидаги илм инсон қалбida ана шундай катъий ишонч, чукур иймонни юзага келтиради.

*"Мутлақ Ҳақиқат илми" деб аталағидан "Шримад Ҷагавад-гита"нинг еттинчи бобига Бхактиведантанинг изоҳи шу билан якунланади.*

## **Саккизинчи боб. Худонинг даргоҳига эришиш**

*1. арджуна увача  
ким тад брахма ким адхияттам ким карма пурушоттама  
адхибхутам ча ким проктам адхидаивам ким учайате*

**Аржун шундай деди: Эй Парвардигор, эй Олий Шахс, Брахман дегани нима? Алоҳида рух, "мен" дегани нима? Оқибат келтирадиган фаолият деб нимани айтадилар? Моддий олам ўзи нима? Фаришталар кимлар? Илтимос, менга шулар ҳақида гапириб бер.**

Изоҳ: Бу бобда Парвардигор Аржуннинг - Брахман деган ким? - деган саволидан бошлаб, барча саволларига жавоб бера бошлайди. Шунингдек, У карма ҳақида, сеҳрли йога усули билан аралаш Худога хизмат қилиш ҳақида, соф садоқат билан холис хизмат қилиш ҳақида гапириб беради. "Шримад Ҷагаватам"да айтилганки, Олий Мутлақ Ҳақиқатнинг уч аспекти мавжуд: Брахман, Параматма ва Бхагаван. Тирик мавжудотни, яъни алоҳида рухни ҳам "Брахман" деб атайдилар. Бундан ташкари Аржун Кришнадан *атма* ҳақида сўрайти, бу ибора рухни, танани ва ақлни ифодалаши мумкин. Ведавий лугатта кўра, *атма* ибораси бир неча маънони англатади: ақл, рух, тана ва хиссиёт.

Аржун Кришнани Пурушоттама, "Олий Шахс" деб атаяпти. Бу шундан далолат берадики, бундай саволлар билан у шунчаки оддий одамга, шунчаки дўстига эмас, балки ҳар қандай саволга жавоб беришга қодир бўлган Худои Таолонинг Ўзига мурожаат қиласяпти.

*2. адхийаджсану катҳам ко "тра дехе "смин мадхусудана  
прайана-кале ча катҳам джнейо "си нийататмабиху*

**О Мадхусудана, "қурбонликлар эгаси" деб кимни айтадилар, қандай қилиб У тана ичида мавжуд бўла олади? Ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган одам қандай қилиб ўлимни олдидан Сени эслай олади?**

Изоҳ: "Қурбонликлар эгаси" деб Вишнуни ҳам, Индрани ҳам атайдилар. Вишну асосий фаришталарнинг, ўгу жумладан Браhma, Шиванинг ҳам хукмдори, Индра эса, моддий оламнинг ҳар хил соҳаларини бошқарадиган фаришталарнинг хукмдори. Вишнуга ҳам, Индрага ҳам ягъя, қурбонлик маросими ўтказиш билан сифинадилар. Аммо бу ерда

Аржун, курбонликларнинг ҳакиқий эгаси кимлигини, қандай қилиб Парвардигор тирик мавжудотнинг танаси ичида мавжуд бўлишини сўрайти.

Аржун бу ерда Парвардигорни *Мадхусудана* деб атаяпти, чунки бир куни Кришна “Мадху” деган иблисни ўлдирган эди. Аслини олганда, Аржуннинг бераётган саволлари одамда шубҳа уйғотади. Аржуннинг хаёлида бундай саволларнинг пайдо бўлиши мумкин эмас эди, чунки у Кришна онгига тўла эга бўлган Худонинг содик хизматкори. Инсон қалбидаги шубҳа, гумонлар ҳам иблисларга ўхшайди, Кришна иблисларни моҳирлик билан яксон қилишни яхши билгани учун, Аржун Уни “Мадхусудана” деб, ақлида, қалбida пайдо бўлган иблисни ҳам ўлдиришни илтимос қиляпти.

Бу ерда ишлатилган *прайана-кале* ибораси муҳим аҳамиятга эга: бутун ҳаётимиз давомида нимага эришган бўлсак, ҳаммаси ажалимиз етганда баҳоланади. Аржун, ҳамиша Кришна онгида харакат қилиб яшаган одам умрининг охирида нимага эришишини билишни истаяпти. Шундай одамлар ажали етганда бўладиган инсон умрининг энг охирги синовидан қандай ўтадилар? Ажал келганда тананинг бутун фаолияти ишдан чиқади, ақл қаттиқ ташвишга тушади. Ана шундай ҳолатга тушган одам Худои Таолони эсидан чиқариши ҳеч гап эмас. Худонинг буюк содик хизматкори Махараж Кулашекхара ўзининг илтижоларида шундай деганди: “Эй Худойим, мен ҳозирнинг ўзидаёқ, аъзои-баданим соппа-соғ, ақлим оққуши Сенинг нилуфар қадамларинг пойига йўл топган пайтда ўлишни истайман”. Оқкушлар одатда сув юзида нилуфар гуллари билан ўйнаб юрадилар. Бу эрмак уларга жуда ёқади. Ана шу ўхшатишдан фойдаланиб, Махараж Кулашекхара Худои Таолога шундай дейди: “Ҳозир мен соппа-соғман, ақлим жойида. Агар мен ҳозирнинг ўзида, Сенинг нилуфар қадамларинг пойини эслаб ўлсан, албатта, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг олий максадига эришсам керак. Агар мен табиий ажалим келишини кутиб юрсам, қандай аҳволга тушиб қолишимни билмайман. Чунки, қариганда танам ишдан чиқади, нафасим сиқилади, Сенинг муқаддас номингни тилга олишимга кўзим етмайди. Шу сабабли, Менга ҳозироқ ўлишга рухсат бер!” “Бҳагавад-гита”нинг мазкур шеърида ҳам Аржун, инсон ажали етганда қандай қилиб ақлини Кришнанинг нилуфар қадамлари пойида мужассам қилиши мумкинлиги ҳакида сўрайти.

### 3. иши бҳагаван увача акишарам брахма парамам свабхаво “дхийатмам учъйате бхута-бхаводбхава-каро висаргаҳ карма-самджснитаҳ

Худои Таоло шундай деди: Ўзгармас илоҳий тирик мавжудотни “Брахман” деб атайдилар, алоҳида рух(*адхийатма*), “мен” эса - унинг мангуб табиатидир. Тирик мавжудотнинг келгуси хаёти учун

**ўзига моддий тана яратиш жараёни - карма, яъни “оқибат келти-радиган фаолият” деб аталади.**

Изоҳ: Брахман ҳеч қачон йўқолмайди, у мангу мавжуд ва ҳеч қачон табиатини ўзгартирмайди. Брахманинг устида Парабрахман туради. Брахман - алоҳида рух, тирик мавжудот, Парабрахман - Худонинг Олий Шахси. Тирик мавжудотнинг азалий, ҳақиқий ҳолати унинг моддий оламдаги ҳолатидан фарқ қиласи. Моддий онгга эга бўлган тирик мавжудот модда устидан хукмронлик қилмоқчи бўлади. Тирик мавжудот руҳий онгга, яъни Кришна онгига эга бўлганда эса, Худога, Кришнага хизмат қиласи. Моддий онг ҳужуми остига тушиб қолган тирик мавжудот бир моддий танадан иккинчи моддий танага ўтиб юришга мажбур бўлади. Унинг фаолияти карма, яъни моддий онг таъсири остида келажак ҳаёти учун моддий таналар яратиш, деб аталади.

Ведаларда алоҳида тирик мавжудот *дживатма* ва *Брахман* деб аталган, лекин ҳеч қачон у Парабрахман деб аталмаган. Дживатма ҳар хил ҳолатда бўлиши мумкин: баъзан, моддий табиат зулматига тушиб, у ўзини моддага қиёслайди, баъзан эса, ўзини олий, руҳий табиатга мансуб, деб ҳисоблайди. Шу сабабли, дживатмани Худои Таолонинг “оралиқ қуввати” деб атайдилар. Ўзини қайси табиатга, - руҳий табиатгами, ёки моддий табиатгами, - мансуб деб ҳисоблашига қараб, тирик мавжудот руҳий ёки моддий танага эга бўлади. Моддий оламда яшар экан, у ҳар хил таналарга эга бўлади. Уларнинг умумий сони 8.400.000 хил. Лекин, руҳий оламда унинг фақат битта танаси мавжуд. Моддий оламда ўзининг кармасига қараб, тирик мавжудот инсон танасида, фаришта танасида, күш, ҳайвон ва ҳоказо таналарда мужассам бўлиши мумкин. Аҳён-аҳёнда, моддий оламда жойлашган жаннат сайёralарига эришиб, чукур ҳиссий лаззатларга берилиш учун, у курбонлик маросимлари ўтказади. Аммо, қилган савоб ишларининг натижалари ниҳоясига етганида, у яна ерга қайтиб, инсон танасида туғилади. Карма конуни моддий оламда ана шундай ҳаракат қиласи.

Ведавий курбонлик маросимлари “Чхандогья-упанишад”да таърифланган. Курбонлик эхромига беш турли эҳсон қўйилиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида олов ёқилади, ана шу беш гулхан - жаннат, булат, ер, эркак ва аёл тимсолидир, курбон қилинадиган беш эҳсон эса - эътиқод, ой сайёрасида олинадиган лаззат, ёмғир, ғалла ва уруғ тимсолидир. Тирик мавжудот у ёки бу жаннат сайёрасига эришиб учун маълум қурбонлик маросими ўтказиш ёрдамида шу сайёрага эришади. Ўтказган қурбонлик маросимларининг натижалари тугаганида, у ёмғир суви билан яна ерга қайтиб тушади ва ғалла дони ичига ўтади. Дон билан эркак киши ошқозонига кириб, унинг жинсий уруғлигига ўтади. Уруғлик эркакдан аёлга ўтиб, тирик мавжудот яна инсон танасига эга бўлади. У яна қурбонлик маросими ўтказади, яна жаннатга тушади, яна шу боскичлар такрорланади. Шу тарика тирик мавжудот бу дунёда

түгилиш ва ўлиш жараёнларидан ўтиб, тинимсиз айланиб юраверади. Аммо, Кришна онгига эга бўлган киши бундай қурбонлик маросимларни ўтказиб юрмайди. У Кришна онги доирасидаги фаолият билан машғул бўлади ва шу тарзда ўзини келажакда Худонинг мангу руҳий даргоҳига эришишга тайёрлайди.

"Бҳагавад-гита"га ёзган изоҳларида имперсоналистлар ҳеч қандай асоссиз равишда "Олий Брахман, моддий оламга келганида алоҳида руҳга айланади, деб даъво қиласилар. Бунда улар "Бҳагавад-гитанинг" ўн бешинчи бобидаги еттинчи шеърни рўкач қиласилар. Лекин у ерда Парвардигор тирик мавжудотларни Ўзининг мангу заррачалари деб айтган. Худои Таолонинг ана шу кичкина заррачалари, алоҳида руҳлар, моддий оламга тушиб қолишлари мумкин, аммо, Худои Таоло, "Ачйута" учун ҳеч қачон бундай ҳолат юзага келмайди. Шу сабабли, Олий Брахман алоҳида руҳ, джива бўлиб қолади, деган фикрга кўшилиб бўлмайди. Ҳамиша шуни эсда саклаш лозимки, Ведаларда Брахман(алоҳида тирик мавжудот) ва Парабрахман(Худои Таоло) алоҳида ажратиб кўрсатилади.

*4. адҳибҳутам қиашро бҳаваҳ пурушаши чадҳидаиватам  
адҳийаджно "ҳам эватра дехе дехе-бҳритам вара*

Эй танада мужассам бўлган зотлар аълоси, ҳамиша ўзгариб турадиган моддий табиатни *адҳибҳута*, яъни "моддий олам" деб атайдилар. Парвардигорнинг Қуёш фариштаси, Ой фариштаси ва бошқа фаришталарни ўз ичига олган фазовий қиёфасини *адҳидайва* деб атайдилар. Мени - ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида Олий Руҳ қўринишида мавжуд бўлган Худои Таолони эса, *адҳийагя*, "қурбонликлар эгаси" деб атайдилар.

Изоҳ: Моддий олам ҳамиша ўзгариб туради. Барча моддий таналар ривожланиш жараённида олти босқичдан ўтади: 1)дунёга келади; 2)ўсади; 3)бироз вакт мавжуд бўлиб туради; 4)зурёд қолдиради; 5)сўлади; 6)ўлади. Моддий табиатни *адҳибҳута* деб атайдилар. У маълум вактда яратилади, белгиланган вактда яксон қилинади. Барча фаришталар ва уларнинг сайёраларидан таркиб топган ҳолда тасаввур қилинадиган Парвардигорнинг фазовий қиёфаси *адҳидайвата* деган ном олган. Моддий танада алоҳида руҳ билан бирга Парвардигор Кришнанинг қудратли экспансияси бўлган Олий Руҳ ҳам мавжуд, у Параматма, ёки *адҳийагя* деб аталади. У тирик мавжудотнинг юрагигда жойлашган. Бу ерда эва ибораси жуда муҳим аҳамиятга эга: бу билан Парвардигор, аслида Параматма, Олий Руҳ ўзидан фарқ қиласлигини таъкидлаб айтятти. Олий Руҳ, Худонинг Олий Шахси, ҳамиша алоҳида руҳ билан бирга, унинг ҳамма ҳаракатларига гувоҳ бўлиб юради. У тирик мавжудотни маълум онг билан таъминлайди.

Олий рух тирик мавжудотнинг эркин ҳаракат қилишига имкон бериб, унинг фаолиятини кузатиб туради.

Кришна онгига эга бўлган, Худои Таолога илоҳий хизмат қилиш билан машғул соф содик Худои Таолонинг хар хил экспансиялари қандай вазифаларни бажаришини яхши билади. Парвардигорнинг баҳайбат фазовий қиёфаси, танаси (*адхидаи вата*) - руҳий юксалиш йўлига энди кирган тажрибасиз йоғлар учун мурокаба объектидир. Ҳали Парвардигорни Олий Рух кўринишида англаб етмаганлари сабабли, уларга хаёлида Парвардигорнинг фазовий қиёфаси(*вират-пуруша*)ни тасаввур килиб, мурокаба қилиш тавсия қилинади. Унинг оёклари - кўйи сайёralар, кўзлари - ой ва кўёш, калласи - юкори сайёralардир.

*5. анта-кале ча мам ева смаран муктва калеварам  
йаҳ прайати са мад-бхавам йати насти атра самшиайах*

**Умрининг охирида танасини тарқ этаётиб, факат Мени эслаган киши шу заҳотиёқ Менинг табиатимга эга бўлади. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас.**

Изоҳ: Бу ерда Кришна онгининг муҳимлиги таъкидланяпти. Танасини Кришна онгига тарқ этган ҳар қандай одам шу заҳотиёқ Худои Таолонинг илоҳий табиатига эришади. Худои Таоло - пок зотлар ичиде энг пок Зот. Шу боис, ҳамиша Кришна онгига юрган кишининг қалби мутлако пок бўлади. Бу борада *смаран* ("эслаб") ибораси муҳим аҳамиятга эга. Модда билан аралашиб булғанган рух, Кришнани англаш жараёни доирасида ҳаракат қилиб юрмаса, Кришнани эслаб юришга қодир бўлмайди. Шунинг учун инсон ёшлик пайтидаёқ қалбida Кришна онгини ривожлантириб бориши лозим. Ўзининг ҳозирги танасидаги умри муваффакият билан тугашини истайдиган ақлли одам ҳаётининг хар бир дакиқасида Худои Таолони, Кришнани эслаб юришни ўрганиши лозим. Бунинг учун эса, ҳамиша, тинмасдан куйидаги буюк мантра, маҳа-мантрани зикр қилиб юриш керак: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Худованд Чайтаня Махапрабху содикларга дараҳтдан ҳам сабрлироқ бўлишни маслаҳат берган(*тарор ати сахинуна*). Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишга жазм қилган киши жуда кўп қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Лекин, умрининг охирида Кришнани англаш илмининг барча саодатларига эришиш учун у сабр, бардош билан турмушдаги барча қийинчиликларни енгигб, зикр қилишда давом этиши лозим: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре.

*6. йам йам вати смаран бхавам тыйаджсати анте калеварам  
там там эваити каунтейа сада тад-бхава-бхавитау*

**Эй Кунтининг ўғли, танасини тарк этаётиб, инсон хаёлида ҳаётнинг қандай ҳолатини тасаввур қиласа, кейинги ҳаётида ана шундай ҳолатга эришади.**

Изоҳ: Бу ерда ажал келганда рухнинг моддий оламдаги ҳаёти бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши ҳакида гап боряпти. Умрининг охирида танасини тарк этаётиб, Кришна ҳакида ўйлаган киши, Парварди-горнинг илоҳий табиатига эришади. Умрининг охирида Кришна ҳакида эмас, бошқа нарсалар ҳакида ўйлаган киши ҳам барибир, шундай ҳолатга эришади, деб ўйламаслик керак. Бунга дикқат билан, жиддий ёндошиш лозим. Қандай қилиб инсон умрининг охирида аклини керакли ўйлар билан машғул қила олади? Бу тўғрида Махараж Бхарата тушиб қолган ҳолат жуда ибратли. У аввало буюк содиклардан эди, аммо, ажали келганида кийик боласи ҳакида ўйлади, натижада кейинги ҳаётида кийик танасида туғилди. Ўлганидан кейин у ўзининг аввалги ҳаётини тўла эсларди, лекин шунга қарамай, барибир ҳайвон танасида туғилишга мажбур бўлди. Албатта, бутун умри давомида инсон ўзининг аклида шакллантириб келган ўйлар, фикрлар ажали келганда унинг қандай ўйлар билан банд бўлишини белгилайди; - келгуси ҳаётимиз қандай бўлиши бизнинг ҳозирги ҳаётимиз давомида шаклланади. Бутун умри давомида эзгулик гунасида яшаб, ҳамиша Кришна ҳакида ўйлаб юрган одамгина умрининг охириги дамларида Кришна ҳакида ўйлашга қодир бўлади. Бу унга Кришнанинг илоҳий табиатига эришиш имконини беради. Агар инсон бутун умри давомида Кришнага хизмат қилиш билан банд бўлиб юрса, унинг кейинги танаси илоҳий, яъни моддий эмас, албатта, руҳий тана бўлади. Шу боис, умримизнинг охирида энг олий ҳаёт турига эришиш учун ҳамиша Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юришга одатланиш лозим: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре\Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре.

*7. тасмат сарвешу калешу мам ануスマра йудхీа ча  
май арпита-мано-бүодхир мам эваийиаси асамишайау*

**Шунинг учун, о Аржун, сен ҳамиша Кришна қиёфасида Мени ўйлаб юришинг, айни пайтда ҳаётда ўз бурчингни бажариб, жанг қилишинг керак. Барча ишларингни Менга бағищлаб, ақл ва тафқурингни ҳамиша Менда мужассам қилиб, сен албатта, Менинг даргоҳимга эришасан.**

Изоҳ: Бу ерда Кришнанинг Аржунга бераётган насиҳатлари дунёвий ишлар билан машғул бўлиб юрган ҳар бир одам учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Парвардигор “инсон барча дунёвий ишларини тарк этиб, ўз бурчини бажаришдан бош тортиши керак”, деб айтадигани йўқ. Инсон ҳаётда ўз бурчини бажаришда давом этиши мумкин, айни пайтда Харе Кришна мантрасини, Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш ёрдамида Кришна ҳақида ўйлаб юриши лозим. Бу жараён унга моддий иллатлардан покланишга ва бутун ақли, тафаккурини Кришнада мужассам қилишга ёрдам беради. Кришнанинг муқаддас номларини зикр қилиб юрган киши умрининг охирида, албатта, Унинг олий сайёраси, Кришналокага эришади.

*8. абхйаса-йога-йуктена четаса нанйа-гамина  
парамам турушам дивйам йати партханучинтайан*

**О Партха, ҳамиша Худонинг Олий Шахсини, Мени эслаб юрган, ҳеч нарсага chalғимасдан ҳамиша Мен ҳақимда чукур ўйлаб юрган киши шубҳасиз Менинг даргоҳимга келади.**

Изоҳ: Бу ерда Парвардигор Кришна, ҳамиша Уни эслаб юриш қанчалик муҳим эканини алоҳида таъкидлаб айтапти. Кришнани ҳеч қачон эсдан чиқармаслик учун Харе Кришна мантрасини ҳамиша зикр қилиб юришга одатланиш лозим: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Худои Таолонинг муқаддас номларини зикр қилиб, уларнинг илоҳий товушини эшитиш билан биз қулогимизни, тилимизни ва ақлимизни Худога хизмат қилиш билан машғул қилган бўламиз. Бу жуда осон мурокаба усули умримизнинг охирида Худонинг даргоҳига эришишимизга ёрдам беради.

Пурушам дегани "лаззатланувчи" деган маънони англатади. Гарчи шартланган руҳлар Худои Таолонинг оралиқ қувватига мансуб бўлсалар ҳам, улар моддий унсурлар билан булғанганд. Улар ўзларини "лаззатланувчи" деб хисобладилар, лекин, ўзларининг барибир "олий лаззатланувчи" эмаслигини унугиб кўядилар. Бу ерда аниқ айтилганки, олий лаззатланувчи - Худо, яъни ўзини Нарайана, Васудева ва бошқа қиёфаларда тўлиқ намоён қиласидиган Олий Шахсидир.

Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш туфайли содик ўзи сигинадиган Зот, Худои Таоло ҳақида Унинг Нараяна, Кришна, Рама ва ҳоказо, сингари қиёфаларининг бирида ўйлаб юриши мумкин. Ҳамиша Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юриши шарофати билан унинг қалби моддий иллатлардан покланади ва умрининг охирида Худонинг мангу салтанатига киради. Йоглар ҳаёлида ўз қалбидаги Олий Руҳни тасаввур қиласидилар, содик хизматкор эса, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб, ақлини ҳамиша Худо Шахсида му-

жассам қилиб юради. Ақл ўзининг табиатига кўра нотинч ва тек турмас, шунинг учун уни ҳамиша Кришна ҳақида ўйлашга мажбур қилиш лозим. Бунга мисол бўладиган бир ибратли масални эслатиб ўтиш мумкин: курт пилланинг ичидаги ҳамиша капалак бўлишни ўйлаб ётади, натижада кейинги ҳаётида албатта капалакка айланади. Худди шунингдек, агар биз ҳам, ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юрсак, умримизнинг охирида, албатта, Кришнанинг танасига ўхшаган, барча илохий сифатларга эга бўлган тана оламиз.

*9. кавим пурнам анушаситарам  
анор анийамсам ануスマред йаҳ  
сарвасия дхатарам ачинтия-рупам  
адития-варнам тамасаҳ парастат*

**Мени - ҳамма нарсани билувчи, азалий Парвардигор сифатида, бутун борлиқнинг Эгаси, энг кичик нарсадан кичик, бутун оламнинг мавжудлигини таъминлаб турган Зот, деб эсла; ҳаёт ҳақидаги барча моддий тасаввурлардан устун турувчи, англаб бўлмайдиган, ҳамиша шахс бўлиб қоладиган Зот деб ўйла; қуёшдай порлаб турдиган, моддий оламдан ташқарида бўлган Зот деб ўйла.**

Изоҳ: Бу ерда қандай қилиб Худои Таолони эслаб юриш тўғрисида айтилган. Парвардигорнинг мавҳум, бўшлиқ эмаслиги, шахсиятсиз эмаслиги жуда муҳим. Шахс сифатига эга бўлмаган, бўшлиқ ҳақида ўйлашнинг ҳеч қандай иложи йўқ. Шунга уринаётган киши катта қийинчилкларга дуч келади. Бу ерда айтилганидай, Кришна, Худо ҳақида ўйлаш ҳеч қандай қийинчиллик туғдирмайди. Энг аввало, Парвардигор - *пуруша*, шахс, биз Рама ва Кришнани шахс деб билган ҳолда ўйлашимиз лозим. Бу ерда ҳоҳ Рама бўлсин, ҳоҳ Кришна бўлсин, Олий Шахснинг сифатлари таърифланган. Парвардигорни *кави* деб атайдилар: Унга ўтмиш, ҳозир ва келажак аён, шунинг учун У ҳамиша ҳамма ерда мавжуд. Парвардигор азалий мавжудот, чунки У бутун борлиқнинг манбаи; ҳамма нарса Ундан чиқкан. Бундан ташқари У - бутун оламнинг Олий Хукмдори, посбони ва бутун инсониятнинг Рухий Устози. У энг кичик нарсадан ҳам кичик. Алоҳида рухнинг ўлчами майда соч толаси учининг ўн мингдан бир бўлагича келади, аммо Худои Таоло шу қадар кичикки, ҳатто ана шу заррачанинг ичидаги ҳам мавжуд. Худои Таоло бўлган ҳолда У ҳатто ҳар бир атомнинг ҳам ичига киради. Кичик заррача, тирик мавжудотнинг юрагида бўлган ҳолда, Олий Рух киёфасида унинг барча харакатларини бошқариб туради. Шунча кичик ўлчамга эга бўла туриб, У айни пайтда бутун оламнинг ҳар ерда мавжуд бўлган посбони ҳамдир. Айнан Унинг Ўзи барча сайёralарни тутиб туради. Шунча катта сайёralар қандай қилиб коинотда муаллак туришини кўриб, биз хайратга тушамиз. Бу ерда

аниқ айтилганки, Ўзининг англаб бўлмас қуввати ёрдамида Парвардигор галактикадаги коинотларида барча сайёralарни тутиб туради. Бу ерда келтирилган *ачинтйа*, яъни "англаб бўлмас" ибораси муҳим аҳамиятга эга. Ҳеч ким Худои Таолонинг қудратини ақлига сиғдира олмайди, шу сабабли, Унинг қувватини "англаб бўлмас", *ачинтйа*, деб атайдилар. Ким ҳам бу ҳақда баҳслаша оларди? Бутун моддий оламга сингиб кетган ҳолда Парвардигор айни пайтда ундан ташқарида ҳам мавжуд. Моддий олам руҳий оламга нисбатан жуда кичик бўлса ҳам, биз ҳатто моддий оламнинг қандай тузилганини билмаймиз, шундай экан, унинг ташқарисида ётган руҳий оламни қандай англай олардик? Ачинтйа, моддий оламдан ташқарида ётган, фалсафий фикрлаш ва мантиқка асосланиб тушунишнинг иложи бўлмаган Зот. Шу сабабли, ҳар хил бефойда баҳс ва мунозараларга бекорга вақт кетказиб юрмай, фаросатли одамлар, муқаддас китобларда ёзилган ҳақиқатни қабул килиб, Ведаларда, "Бҳагавад-гита", "Шримад Бҳагаватам" сингари асарларда берилган қўрсатмаларга амал қилишлари лозим. Шунда улар ҳақиқий илмга эга бўла оладилар.

*10. прайана-кале манасачалена  
бхактия йукто йога-балена чаива  
брхуров мадхье пранам авешийа самийак  
са там парам пурушам упашти дивийам*

Ажали етганида ҳаёт нафасини қошлари ўртасида жамлай олган, йога билан шуғулланиш ёрдамида ақлини жиловлаб, муҳаббат ва садоқат билан Худои Таолони эслаб, ақлини бутунлай Унда муҷассам қилган киши, албатта, Худонинг Олий Шахси даргоҳига эришади.

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки, ажали келганда инсон ақлини Худои Таолода жамлаши лозим, Парвардигор ҳақида муҳаббат ва садоқат билан ўйлаш керак. Йога билан шуғулланиб юрган одамларга ҳаёт нафасини қошлари ўртасига, *агай-чакрага* кўтариш тавсия этилган. Бу ерда Парвардигор *шат-чакра-йога* усули ҳақида гапиряпти, бу мурокаба усули ҳаёт нафасини олти чакра орқали олиб ўтиб, каллага кўтариш имконини беради. Соф содик учун бундай йога билан шуғулланиб ўтиришнинг ҳожати йўқ: у ҳамиша Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлгани туфайли танасини тарк этар экан, Худонинг марҳамати билан Парвардигорни эслайди. Бу ҳақда ўн тўртинчи шеърда айтилади.

Бу ерда *йога-балена* сўзи муҳим аҳамиятга эга: *йога(шат-чакра-йога ёки бхакти-йога)* билан шуғулланмай туриб, ажали етганида руҳий даражага кўтарилишнинг иложи йўқ. Ажали етганида ҳеч ким ўз-ўзидан Худои Таолони эслай олмайди: бунинг учун бутун умр даво-

мида йога билан, айникса, бхакти-йога билан шуғулланиб юриш керак. Ажал келганда одамнинг ақли қаттиқ ташвишга тушган ҳолатда бўлади, шу боис, рухий даражага кўтарилиш учун инсон бутун умри давомида йога билан шуғулланиб юриши лозим.

*11. йад акшарам веда-видо ваданти  
вишанти йад йатайо вита-рагаҳ  
йад ичханто брахмачарийам чаранти  
тат те падам санграхена правакийе*

Ведалар илмини эгаллаб олган, таркидунё қилиб омкара(оум) бўғинини талаффуз қиласиган буюк донишмандлар Брахманга кирадилар. Ана шундай баркамолликка эришишга интилаётган одам жинсий алоқани бутунлай тарк этиши лозим. Ҳозир Мен сенга моддий олам тутқунлигидан озод бўлишда ёрдам берадиган йога машгулотини қисқача таърифлаб бераман.

Изоҳ: Аввалги шеърда Парвардигор Шри Кришна Аржунга *шатчакра-йога* усулини тавсия қилган эди. Бу усул билан шуғулланиб, одам хаёт нафасини кошлари ўртасида жамлайди. Аржун бу йога усулини билмаслиги мумкинлигини эътиборга олиб, Парвардигор уни кейинги шеърларда батафсил таърифлаб бермоқчи бўляпти. Парвардигор айтаптики, гарчи Брахман ягона бўлса ҳам, Унинг намоён бўлган ҳар хил қиёфалари кўп. Имперсионалистлар, одатда, Брахманни *акшара*, яъни *омкара*("оум" бўғини) билан бир деб биладилар. Бу ерда Кришна таркидунё қилган донишмандлар кирадиган шахсиятсиз Брахман ҳакида гапирияпти.

Ведавий таълим тизимида болаларга ёшлигиданоқ "оум" бўғинини талаффуз қилишни ўргатадилар. Рухий устознинг ашрамида *брахмачарий* турмуш тарзи билан яшаб, улар шахсиятсиз Брахман ҳакида илмга эга бўладилар. Шу тарзда улар Брахманнинг икки аспектини англаб оладилар. Бу усул шогирднинг рухий юксалиши учун жуда муҳим, лекин ҳозирги даврда брахмачарий турмуш тарзи билан яшаш, яъни жинсий хаётни тарк этиб яшашнинг деярлик иложи йўқ. Ҳозирги даврда жамият тизими жуда ўзгариб, одамлар маънавий тушкунликка тушиб кетган, ёш ўспириналрнинг уйланмасдан яшashi жуда мушкул. Жаҳонда ҳар хил турдаги мактаблар бор, аммо ёшларга брахмачарий ҳаётининг қонун-коидаларини ўргатадиган бирор мактаб йўқ. Жинсий ҳаётни тарк этмаган кишининг рухий юксалиш ўйлидан бориши жуда мушкул. Шу сабабли, Худованд Чайтаня Махапрабху айтиб кетганки, шастраларнинг кўрсатмасига асосан, Кали-юга даврида Худони англашнинг ягона йўли - Худонинг муқаддас номларини зикр қилишдан иборат: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре.

*12. сарва-дварани самйамайа мано хриди-нирудхай ча  
мурдхний адхайатманаҳ пранам астхито його-дхаранам*

**Йог сезги аъзоларининг фаолиятини бутунлай тўхтатиши керак.**  
**Тана дарвозаларини беркитиб, ақлини қалбида мужассам қилиб,**  
**ҳаёт нафасини калласининг юқори қисмига кўтариб, у**  
**транс(жазава) ҳолатига кириши лозим.**

Изоҳ: Бу ерда кўрсатилган йога турлари билан шуғулланиш учун, энг аввало, хиссиётларни ҳар қандай лаззатлардан тийиш керак. Ана шу поғона *пратийахара* яъни, "сезги аъзоларини улар сезадиган нарсалардан тўсиш" деб аталади. Йог билиш аъзоларини - кўзлар, кулоклар, бурун, тил ва терининг сезишини - бошқаришни ўрганиши, уларнинг лаззатланиш учун ҳаракат қилишига йўл кўймаслиги лозим. Шунда у ақлини юрагидаги Олий Рухда мужассам қилиб, ҳаёт нафасини калласининг юқори қисмига кўтара олади. Бу йога усули олтинчи бобда ба-тафсил тушунтирилган эди. Аммо, аввал айтилганидек, бу йога билан ҳозирги даврда шуғулланишнинг иложи йўқ. Ҳозир биз яшаётган даврда ақлни жиловлашнинг энг самарали ўюли Кришнани англаш усулидир. Агар Кришнага садоқат билан хизмат қила туриб, инсон ақлини ҳамиша Кришна ҳақидаги ўйлар билан банд қилиб юра олса, у табиий равишда руҳий транс(*самадхи*) ҳолатига киради ва ҳамиша шундай ҳолатда юрган бўлади.

*13. ом ити экакшарам брахма вайахаран мам ануスマран  
йаҳ прайати тыйаджсан дехам са йати парамам гатим*

**Агар, шу йога усули билан тўхтамасдан шуғулланиб, илоҳий товушларнинг буюк бирикмаси бўлган муқаддас "оум" бўғинини талаффуз қилиб юрган одам, танасини тарқ этаётиб, Худонинг Олий Шахсини - Мени эсласа, албатта руҳий олам сайёralарига эришади.**

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки, "оум", Брахман ва Парвардигор Кришна бир-биридан фарқ қилмайди. "оум" бўғини Кришнанинг шахсиз, товуш кўринишидаги тимсолидир, у Ҳаре Кришна мантрасининг таркибида ҳам мавжуд. Шастраларда айтилишича, ҳозирги даврда одамлар руҳий юксалиш учун Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишлари лозим. Агар танасини тарқ этаётиб, инсон Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре деб Худонинг муқаддас номларини тилга олса, у албатта ҳаёти давомида Худои Таолога қайси йўлда сифинаётганига караб, руҳий оламнинг сайёralаридан бирига эришади. Кришнага

содик бўлганлар Кришнанинг сайёрасига, Голока Вриндаванага бора-дилар. Худои Таолонинг намоён бўлган бошқа қиёфаларига сигиниб юрганлар эса, руҳий осмондаги сон-саноқсиз Вайқунтха сайёралари-нинг бирига боради, имперсоналистлар эса, - фақат брахмаджйотига эриша оладилар.

*14. ананиа четаҳ сататам йо мам смарати нитийашаҳ  
тасйахам сулабхаҳ партҳа нитийа-йуктасия йогинаҳ*

**О Партаҳ, ҳамиша, тинмасдан Мени эслаб юрган одам осонлик билан Менинг даргоҳимга келади, чунки у ҳамиша Менга хизмат қилиб юради.**

Изоҳ: Бу ерда, бҳакти-йога билан шуғулланиб, яъни Худонинг Олий Шахсига садоқат билан хизмат қилиб юрган соф содиклар эришадиган мақсад кўрсатилган. Аввалги шеърларда содикларнинг тўрт тоифаси ҳақида айтилган

266

эди: мусибат чекаётганлар, қизиқувчанлар, моддий бойлик излаб юрганлар ва гйани-файласуфлар. Шунингдек инсонни озодликка чиқарувчи ҳар хил йўллар айтилган эди: карма-йога, гйана-йога ва ҳатҳа-йога. Бу йога тизимлари таркибида бҳакти-йоганинг баъзи бир қисмлари ҳам мавжуд, лекин бу ерда гйана, карма ва ҳатҳа усувлари аралашмаган соф бҳакти-йога ҳақида гап боряпти. *Ананиа-четаҳ* сўзи бҳакти-йога билан машғул кишининг ҳамма орзу-истаклари Кришнада мужассам бўлганини билдиради. Соф содик жаннат сайёраларига бо-ришга ёки брахмаджйотига гарк бўлиб, моддий олам тутқунлигидан халос бўлишга интилмайди. Унинг ҳеч қандай шахсий истаклари йўқ. "Чайтаня-Чаритамrita"да соф содик *нишкама* ибораси билан таърифланган: бу демак, униг ўзи ҳеч нарса истамайди. Фақат шундай содик хизматкоргина, шахсий манфаатларга интилиб юрган таъмагир одамлар ҳеч қачон эриша олмайдиган ҳақиқий осоиишталикка эришиши мумкин. Гйана-йоглар, карма-йоглар ва ҳатҳа-йоглар шахсий ман-фаат кўзлаб йога билан шуғулланадилар, аммо соф содикнинг, комил инсоннинг ҳаётда биттагина истаги бўлади: Худои Таолони рози қилиш, ўзининг хизмати билан Уни мамнун қилиш. Шу сабабли Парвардигор ваъда бериб айтаптики, Худои Таолога чексиз садоқат билан хизмат қилиб юрган киши Унинг даргоҳига осонлик билан эришади.

Соф содик Кришнанинг намоён бўлган қиёфаларидан бирига садоқат билан хизмат килади. Кришнанинг Рама, Нрисимха сингари жуда кўп экспансия ва қиёфалари мавжуд. Содик муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиб, ўзининг хоҳишига қараб, Худои Таолонинг илоҳий қиёфаларидан бирида ақлини мужассам қилиши мумкин. Шундай содик ҳаётда бошқа йоглар дуч келадиган қийинчиликларга

учрамайди. Бхакти-йога йўли жуда пок, бу йўлдан бориш жуда осон. Бхакти-йога билан шугулланишни маҳа-мантрани мунтазам зикр килиб юришдан бошлаш мумкин: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотга жуда меҳрибон, лекин, бутун ҳаётини Унга садоқат билан хизмат қилишга бағишилаган одамларга У Ўзининг алоҳида марҳаматини кўрсатади. Шундай содикларга Парвардигор ҳамиша ёрдам беришга тайёр туради. Ведаларда шундай дейилган: (Катха-упанишад, 1.2.23). *йам эваша вринуте тена лабхъас тасйаши атма вивринуте танум свам*, яъни "Факат ўз ихтиёрини бутунлай Худои Таолога топширган, Унга садоқат билан хизмат қилиб юрган киши Уни тўла англай олади". "Бҳагавад-гита"(10.10)да Парвардигор Кришна айтадики, содик хизматкори Ўзининг даргохига осон эриша олиши учун Парвардигор унга етарли тафаккур, заковат ато этади(*дадами буддхи-йогам там*).

Соф содикнинг алоҳида фазилати шундан иборатки, у ҳамиша, ҳар қандай вазиятда ҳам Кришна ҳақида ўйлайди, ҳеч қачон Кришнани, Худони эсидан чиқармайди. Қаерда бўлишидан қатъий назар, соф содик ҳаётда ҳеч қандай қийинчиликка учрамайди. Баъзи бировлар Худонинг содик хизматкори Вриндаван, ёки Худои Таоло Ўзини намоён этган бошқа бирор мұқаддас жойда қолиб яшashi лозим, деб ўйлайдилар. Лекин аслида соф содик Худои Таолога хизмат қилиб, ўзи яшайтган жойда Вриндаван мухитини яратиб, ҳар қандай жойда ҳам яшайвериши мумкин. Шри Адвайта бир куни Шри Чайтаня Махапрабхуга шундай деган эди: "Эй Парвардигор, Сен қаерда бўлсанг - шу жой Вриндаван". Бу ерда келтирилган *сататам ва нитиааяшаҳ* (ҳамиша, ҳар куни, мунтазам) иборалари соф содикнинг ҳамиша Кришнани эслаб юришини, бутун фикру-ҳаёлида факат Уни ўйлашини билдиради. Худонинг даргохига осон эриша оладиган соф содикнинг сифатлари ана шундай.

"Бҳагавад-гита"да Худои Таолонинг Ўзи "бошқа йога усуулларига нисбатан афзалроқ" деб таъкидлайдигани - бхакти-йога. Бхакти-йогларнинг беш асосий тоифаси бор: 1)шанта-бхакталар - Худои Таоло билан ўзаро "бетараф" муносабатда бўладиган содиклар; 2) Дася-бхакталар - Худои Таоло билан ўзаро "хизматкор ва хўжайн" муносабатидаги содиклар; 3)Сакхья-бхакталар - Худои Таоло билан ўзаро "дўстлик" муносабатидаги содиклар; 4)Ватсалйа-бхакталар - Худои Таолога нисбатан "ота-она" муносабатида бўладиган содиклар; 5)Мадхурйа-бхакталар - Худои Таолога "ошиқ" сифатида муносабатда бўладиган содиклар. Қайси тоифага мансуб бўлишидан қатъий назар, соф содик Худои Таолога ҳамиша илоҳий муҳаббат билан хизмат киласи ва ҳеч қачон уни эсидан чиқармайди, шу сабабли у ҳеч кийналмасдан Худонинг даргохига эришади. Соф содик ҳеч қачон Худони эсидан чиқармагани сингари, Худои Таоло ҳам Ўзининг соф

содиқ хизматкорини бир дақика ҳам эсидан чикармайды. Мана шу - Кришнани англаш йўлидан бориб, Худонинг мукаддас номларини бетиним зикр қилиб юрадига- содиклар мұяссар бўладЁган Худонинг энг буюк марҳаматидир: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре.

*15. мам упетйа пунар джсанма діххалайам ашаиватам  
напнуванти маҳатманаҳ самсиодхим парамам гатаҳ*

**Менинг даргоҳимга келган буюқ рухлар, содик-йоглар, бу ўткинчи, мусибатларга тўла оламга ҳеч қачон қайтиб келмайдилар, чунки улар камолот чўққисига эришадилар.**

Изоҳ: Бу ўткинчи моддий олам - туғилиш, ўлиш, кексалик ва қасалликлар билан боғлиқ бўлган азоб-уқубатлар уммонидир, шу сабабли, камолот чўққисига эришиб, Худои Таолонинг даргоҳига, Кришналока сайёрасига, яъни Голока Вриндаванага эришган одам қайтиб бу дунёга келишни истамайди. Ведаларда Худои Таолонинг сайёраси *авијакта, ақшара ва па<sup>o</sup>ама гати деб аталган*: уни моддий кўзлар билан кўриб ёки моддий сўзлар билан таърифлаб бўлмайди, аммо ана шу сайёра - маҳатмалар, яъни буюқ зотларнинг интиладиган энг олий максадидир. Маҳатмалар илоҳий илмни руҳий ўзлигини англаб етган содиклардан ўрганадилар; шу боис улар аста-секин Кришнага садоқат билан хизмат қилишда юксала борадилар, бу жараёнга шунчалик шүнғиб кетадиларки, моддий ва ҳатто руҳий оламдаги бошқа бирор сайёрага интилмай кўядилар. Уларнинг ягона истаги, орзузи - ҳамиша Кришна билан бирга бўлиб, Унга бевосита хизмат қилишдан иборат. Мана шу - камолотнинг энг буюқ чўққисидир. Мазкур шеърда Кришна Худои Таолонинг содик хизматкорлари бўлган персоналист-йоглар тўғрисида айтаяпти. Кришна онгига эга бўлган шундай содиклар олий баркамолликка эришадилар. Улар энг буюқ рухлардир.

*16. а-брахма-бхуванал локаҳ пунар авартино “рджсунा  
мам упетйа ту каунтейа пунар джсанма на видйате*

**Энг олий сайёрадан то энг қуи сайёрагача, моддий оламнинг барча сайёралари - тирик мавжудот такрор ва такрор туғилиб-ўлишга маҳкум этилган мусибат уммонидир. Аммо, Менинг даргоҳимга эришган киши, ҳеч қачон бу ерда қайта туғилмайди, эй Кунтининг ўғли.**

Изоҳ: Барча йоглар: карма-йоглар, гйана-йоглар, хатха-йоглар ва ҳоказолар охир-оқибатда бхакти-йогга йўлига, Кришнани англаш йўлига кириши ва Худога садоқат билан хизмат қилишда камолотга

эришишлари лозим. Шунда улар Кришнанинг руҳий даргохига борадилар ва бошқа ҳеч қачон моддий оламга қайтиб келмайдилар. Моддий оламнинг олий сайёralарига, яъни фаришталарнинг сайёralарига кўтарилган киши барибир туғилиб-ўлишида давом этаверади. Худди, Ердаги одамлар юқори жаннат сайёralарига кўтарилгани сингари, юқори сайёralарнинг - Брахмалока, Индралока ва Чандралока сайёralаридаги зотлар ҳам Ер сайёрасига тушадилар. "Чхандогя-упанид" да таърифланган *панчагни-видиа* курсонлик маросимини ўтказиш билан одам Брахмалокага эришиши мумкин, аммо, агар шу ерда у ўзининг қалбида Кришна онгини ривожлантирмаса, яна Ер сайёрасига қайтиб келишга мажбур бўлади. Жаннат сайёralаридаги Кришнани англашда юксалиб, ривожланиб бораётган зотлар аста-секин янада юксакроқ сайёralарга эришадилар, коинот яксон бўлганда мангу руҳий салтанатта эришадилар. Шридхара Свами "Бҳагавад-гита"га ёзган изоҳида куйидаги шेърни келтирган:

*брахмана саха те сарве сампранте пратисанчаре  
парасайанте критатмаманаҳ правишианти парам падам*  
"Моддий олам яксон бўлганда, ҳамиша Кришнани англаш жараёнидаги фаолият билан машғул бўлиб юрган Брахма ва унинг содиклари руҳий оламдаги ўзлари истаган сайёralарга эришадилар".

*17. сахасра-йуга-парйантам ахар йад брахмано видух  
ратрим йуга-сахасрантам те "хо-раттра-видо джанаҳ*

**Брахманинг бир куни ердаги одамлар хисоби бўйича минг давр(эпоха) давом этади, унинг туни ҳам шунча узоқ бўлади.**

Изоҳ: Моддий олам калпалар билан ўлчанадиган маълум вақт оралиғида мавжуд бўлиб туради. *Калта* - Брахманинг бир куни. У - минг даврдан иборат. Ҳар бир цикл - Сатия, Трета, Двапара ва Кали югадан иборат. Сатия-юга - эзгулик, донишмандлик ва тақводорлик югаси, унда ҳеч қандай гуноҳ, ғофиллик аломатлари бўлмайди. Сатия-юга 1.728.000 йил давом этади. Трета-югада энг биринчи гуноҳ ишлар юзага кела бошлайди, бу юга 1.296.000 йил давом этади. Тақводорлик ва эзгулик тобора камайиб, гуноҳ ишлар кўпайиб борадиган Двапара-юга 864.000 йил давом этади. Ва ниҳоят, беш минг йил аввал бошланган - қарама-қаршиликлар, ғофиллик, худосизлик ва гуноҳ ишлар авж оладиган Кали-юга - 432.000 йил давом этади. Кали-югада гуноҳ ишлар шу қадар авж олиб кетадики, унинг охирида иблисларни яксон килиш, Ўзининг содикларини озодликка чиқариш ҳамда кайтадан тақводорлик даврини, Сатия-юга даврини бошлаб бериш учун Худои Таолонинг Ўзи, Калки-аватара қиёфасида ташриф буюради. Кейин бутун цикл яна бошдан такрорланади. Ҳар бири ана шундай тўрт югадан иборат минг давр Брахманинг бир кунини ташкил этади, унинг

туни ҳам шунчалик давом этади. Брахма шундай ҳисоб билан юз йил яшайди, унинг умри ер ҳисоби бўйича - 311 триллион 40 миллиард йилга тенг. Бизларга Брахманинг умри афсонавий даражада узокдай туюлиши мумкин, лекин, мангуликка нисбатан бу вақт худди осмонда чақмоқнинг чакнагани сингари киска. Сабаблар уммонида худди Атлантика океани сувлари юзидағи кўпиклар сингари, сон-саноқсиз Брахмалар пайдо бўлиб, йўқолиб туради. Брахма ва у яратган Коинот ҳам моддий оламнинг кичкина бир бўлгаги бўлгани сабабли, ҳамиша ўзгариб туради.

Моддий оламда ҳатто Брахма ҳам туғилади, кексаяди, касал бўлади ва ўлади. Аммо, бутун Коинотни бошқариш билан Брахма Худои Таолога хизмат қилиб юргани сабабли у ўлимидан кейин озодликка эришади. Улуғвор саннийасилар ўлимидан кейин Брахманинг сайёраси - Брахмалокага эришадилар. Бу сайёра моддий оламдаги энг асосий сайёра хисобланади. У ҳатто юқори сайёralар туркумига кирадиган барча жаннат сайёralари яксон бўлганда ҳам ўзгармай қолаверади. Лекин, барибир, Брахмалока сайёрасига эришишни камолот чўққиси деб бўлмайди, чунки табиат қонунларига кўра, маълум вақтдан кейин, Брахма ва унинг сайёраси ҳам, унда яшаётганлар билан бирга яксон бўлади.

*18. авйактад вийактайах сарваҳ пррабхаванти ахар-агаме  
ратри-агаме пралийанте татраивавийакта-самджсанаке*

**Брахманинг қундузи бошланганда мавҳум холатдаги барча тирик мавжудотлар намоён бўладилар, кейин, Брахманинг туни кирганида улар яна намоён бўлмаган, мавҳум холатга ўтадилар.**

*19. бхута-грамаҳ са эвайам бхутва бхутва пралийате  
ратри-агаме “вашаҳ партҳа пррабхавати ахар-агаме*

**Хар гал Брахманинг қундузи кирганида барча мавжудотлар дунёга келадилар, унинг туни кириши билан улар яна мавҳумлик холатига ўтишга мажбур бўладилар.**

Изоҳ: Моддий оламда қолишга интилаётган ақлсиз тирик мавжудотлар олий сайёralарга кўтарилиши мумкин, лекин барибир, кейинчилик улар яна Ер сайёрасига қайтиб келишга мажбур бўладилар. Брахманинг бир куни давомида улар олий ва қуий сайёralарда ҳар хил фаолият билан машғул бўлиб юрадилар, аммо Брахманинг туни кирганида, уларнинг барчаси ҳалок бўладилар. Кундузи тирик мавжудотлар ҳар хил таналарга эга бўлиб, шу таналар ёрдамида ҳар хил фаолият билан машғул бўлиш имкониятига эга бўладилар, Брахманинг туни кирганида эса, улар моддий таналаридан маҳрум бўлиб, Вишнунинг

танасига кирадилар. Брахманинг янги куни бошланганида эса, тирик мавжудотлар яна дунёга келадилар. Брахманинг куни давомида улар намоён бўлган ҳолатда бўладилар, тунида эса мавҳум ҳолатга ўтадилар(бхутва бхутва пралийате). Охир-окибатда, Брахманинг умри тугаганида, барча тирик мавжудотлар мавҳумликка ғарқ бўлиб, намоён бўлмаган ҳолатда узоқ вақт, миллион калпалар қолиб кетадилар. Кейинги даврда, янги Браhma дунёга келганида, тирик мавжудотлар яна дунёга келадилар. Шу тариқа улар моддий оламда асир бўлиб юраверадилар. Лекин, фаросатли мавжудотлар ўзларининг қалбида Кришна онгини ривожлантиришга интиладилар ва инсон танасига эга бўлганларидан кейин, умрини Худои Таолога садоқат билан хизмат килишга бағишилаб, Унинг муқаддас номларини зикр қила бошлайдилар: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Шунда улар ҳозирги хаётининг охиридаёқ Кришнанинг сайёрасига эришиб, илм ва лаззатга тўла мангу ҳаётга эга бўлиб, ҳеч қачон моддий оламда туғилмайдилар.

*20. парас тасмат ту бхаво “нио “вийакто “вийактат санатанаҳ  
йаҳ са сарвешу бхутешу нашитатсу на винашшати*

**Аммо, бошқа, мангу, намоён бўлмаган табиат ҳам мавжуд. У - гоҳ намоён бўлиб, гоҳ йўқолиб кетадиган моддий оламдан ташқарида. У - емирилмас, олий табиатдир, моддий оламда ҳамма нарса яксон бўлганида ҳам, у ўзгармай қолаверади.**

Изоҳ: Кришнанинг олий, руҳий қуввати трансцендент ва мангудир. У ҳеч қачон ўзгармайди. Моддий олам эса, Брахманинг куни келиши билан намоён бўлади, унинг туни киргандга эса, яксон бўлиб, ҳамиша ўзгариб туради. Ўзининг табиатига кўра Кришнанинг олий қуввати моддий қувватга қарама-карши табиатга эга. Олий ва қуйи қувватлар ҳақида еттинчи бобда айтилган эди.

*21. авијакто "кишара итт ўктаст там ахуҳ парамам гатим  
йам пратиа на нивартанте тад дхама парамам мама*

**Ведантистлар "намоён бўлмаган" ва "ўзгармас" деб, "олий мақсад" деб, "эришган одам ҳеч қачон моддий оламга қайтиб келмайди", - деб айтиб юрган даргоҳ - Менинг олий даргоҳимдир.**

Изоҳ: "Браhma-самхита"да Худонинг Олий Шахси, Кришнанинг олий даргоҳи чинтамани-дхама, яъни "барча орзу-истаклар амалга ошадиган даргоҳ", деб аталган. Ана шу даргоҳда, Голока Вриндаванада, фалсафа тошидан курилган жуда кўп саройлар мавжуд. У ерда орзулар дарахти ўсади, истаган микдорда сут берадиган, сурабхи деб ата-

ладиган сигирлар ўтлаб юради. Бу даргоҳда минглаб равнақ фариштапары (Лакшми) барча сабабларнинг сабабчиси, "Говинда" деб аталадиган азалий, ягона Худои Таолога хизмат килади. У даргоҳда Парвардигор ҳамиша най чалиб, лаззатланиб юради (*венум кванантам*). Унинг илохий сиймоси, комати бутун уч оламни Ўзига маҳлиё этади: Унинг кўзлари нилуфар гулининг гулбаргларига ўхшайди, танаси булут рангида. Унинг юзининг чиройи минглаб муҳаббат фаришталарининг гўзаллигини сўндириб қўяди. У сариқ шаффоф рангдаги либос кийиб олган, Унинг бўйнига янги гуллардан тизилган гулчамбар осилган, соchlарига чиройли товус пати кистирилган.

"Бҳагавад-гита"да Парвардигор Кришна Ўзининг даргохи, руҳий оламнинг энг асосий сайёраси Голока Вриндавана ҳақида жуда кам маълумот берган. Бу сайёранинг тўла таърифи "Брахма-самхита"да келтирилган. Ведаларда, (Катха-упанишад, 1.3.11) айтилганки, Худои Таолонинг даргоҳи барча оламлардан устун туроди ва унга эришиш - ҳар кимнинг ҳаётдаги энг олий максадидир (*пурушан на парам кинчит са каштха парама гатиҳ*). Унга эришган одам ҳеч қачон моддий оламга қайтиб келмайди. Кришнанинг олий даргохи ва Кришнанинг Ўзи бир-биридан фарқ қилмайди, чунки иккаласи ҳам бир хил табиатга эга. Ана шу Голока Вриндавана Ер сайёрасида Вриндаван кишлоғи сифатида намоён бўлган. Бу кишлоқ Ҳиндистоннинг Матхур вилоятида, Дехлидан юз кирк чақирим жанубий шарқда жойлашган. Ер сайёрасига келиб, Кришна Ўзининг эрмакларини муқаддас Вриндаван ерида намоён қилган. Унинг майдони икки юз ўнбеш квадрат километр.

*22. пурушаҳ са парах партҳа бҳактиа лабхийас тв анандаиа  
йастайтаҳ-стхани бхутани йена сарвам идам татам*

**О Партҳа, фақат Худои Таолога нисбатан соғ садоқат йўлидан бориши орқали Унинг тенгизиз, олий даргохига эришиш мумкин. Парвардигор ҳамиша Ўзининг даргоҳида яшайди, айни пайтда У ҳар ерда мавжуд ва бутун борлиқ Унда мужассам.**

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки, эришган одам моддий оламга ҳеч қачон қайтиб келмайдиган даргоҳ - Кришнанинг, Худонинг Олий Шахсининг даргоҳидир. "Брахма-самхита"да бу даргоҳ *ананда-чинмайа-раса*, яъни "ҳамма нарса руҳий лаззатга тўла жой" деб ҳам аталган. У ердаги ҳамма нарса ранг-баранг ва лаззатга тўла. Худои Таолонинг даргоҳида моддий табиатга эга бўлган бирор нарса йўқ. Ана шу ранг-баранглик Парвардигорнинг руҳий намоён бўлишидир: Худонинг даргоҳидаги ҳамма нарса еттигичи бобда таърифланган руҳий қувватдан пайдо бўлган. Гарчи Парвардигор Ўзининг олий даргоҳида мангу яшаса ҳам, У айни пайтда моддий оламни ҳамма жойга сингиб кетадиган қуввати билан камраб олган ҳолда, ҳар ерда мавжуддир.

Шундай қилиб, Ўзининг моддий ва руҳий кувватлари ёрдамида Парвардигор ҳамма ерда - ҳам руҳий, ҳам моддий коинотларда - ҳамиша мавжуд. *Йасианташ-стхани* ибораси, "Унда бутун борлиқ мужассам" дегани маъниони билдиради: ҳамма нарса Парвардигорнинг руҳий ёки моддий кувватининг бир бўлаги хисобланади. Шу тарзда Парвардигор ҳамма ерда мавжуд бўлади.

Фақат бҳакти йўлидан, яъни Худога садоқат билан холис хизмат килиш йўлидан бориш орқалигина Кришнанинг олий даргохига ёки сон-саноқсиз Вайкунтҳа сайёralаридан бирига эришиш мумкин. Мазкур шеърда ишлатилган *бҳактия* ибораси шуни таъкидлайди. Бошка усулларнинг бирортаси Парвардигорнинг олий даргохига эришиш имкониятини бермайди. Ведаларда (Гопала-тапани-упанишад, 1.21) Худонинг Олий Шахсининг даргохи ҳақида яна бошқа маълумотлар ҳам бор. Эко ваши *сарва-гаҳ кришинаҳ*, яъни "бу даргоҳ - ягона Парвардигор - Кришнанинг даргохидир. У - энг олий марҳамат тимсолидир"; ягона бўлган ҳолда, У Ўзини миллионлаган тўла экспансияларида на-моён қиласи. Ведалар Парвардигорни дарахтга қиёслайдилар, дарахт бир ерда туриб, қийғос гуллайди, мўл мева ҳосили беради, вакти-вакти билан баргларини алмашлаб туради. Парвардигорнинг Вайкунтҳа сайёralарига хукмронлик қиласидан тўлиқ экспансиялари тўрт қўллик қиёфага эга ва ҳар хил номлар билан аталади: Пурушоттама, Тривикрама, Кешава, Мадхава, Анируддха, Хришикеша, Санкаршана, Праджумна, Шридхара, Васудева, Дамодара, Жанардана, Нарайана, Вамана, Падманабха ва ҳоказо.

"Брахма-самхита" асарида Парвардигор ҳеч қачон Ўзининг олий даргохини, Голока Вриндаванин тарк этмаслиги тасдиқланади, лекин У Ўзининг куввати билан бутун оламни қамраб олган, шу сабабли, бутун олам механизми бенуқсон ҳаракат қилиб турибди (*голока эва нивасатий акхилатта-бхутаҳ*). Ведаларда (Шветашватара-упанишад-6.8). шундай дейилади: *парасайя шактия вивидхаива шруйате свабхавики джнана-балакрийя ча.* Парвардигорнинг ҳар хил кувватлари ҳамма ерга сингиб кетган, шулар туфайли, гарчи Худои Таоло бу оламдан ташқарида бўлса ҳам, моддий оламдаги ҳамма нарса маълум қонун асосида тартиб билан ҳаракат қиласи.

*23. йатра кале тв анавриттим авриттим чаива йогинаҳ  
прайата йанти там калам вакшийами бхаратарашабха*

Эй Бхаратлар аълоси, ҳозир Мен сенга йоглар танасини тарк этадиган вактлар ҳақида гапириб бераман. Йогнинг бу дунёга қайтиш ёки қайтмаслиги, унинг қандай пайтда танасини тарк этишига боғлиқ.

Изоҳ: Ўз ихтиёрини бутунлай Парвардигорга топширган Худонинг соф содиклари қачон ва қаерда танасини тарк этиши ҳақида ташвишланмайдилар. Улар ҳар бир ишда Парвардигорга таваккал қиласидилар, шу сабабли, улар умрининг охирида осонлик билан қалблари кувончга тўлиб, мангу уйига, Худонинг даргохига қайтиб борадилар. Худо Таолонинг соф содиклари бўлмаган, карма-йога, гйана-йога ёки хатха-йога йўлидан бораётганлар эса, таналарини аниқ белгиланган пайтда тарк этишлари лозим. Чунки уларнинг бу туғилиб-ўлишлар оламига қайтиш ёки қайтмаслиги ана шунга боғлиқ.

Камолотга эришган йог моддий оламни қачон тарк этишини ўзи белгилаши мумкин. Ҳали яхши тажрибага эга бўлмаган йог эса, фақат баҳтли тасодиф билан маълум шарофатли вақт оралиғида танасини тарк этгандагина мақсадига эришади, яъни бу оламни биратўла тарк эта олади. Танани тарк этиш учун кайси вақтлар яхши эканини Парвардигор кейинги шеърларда айтади. Руҳий устоз Баладева Видиабхушананинг айтишига қараганда, мазкур шеърдаги *кала* ибораси вақтни бошқариб турган фариштани билдиради.

*24. агнир джийотир аҳаҳ шуклаҳ шан-маса уттарайанам  
татра прайата гачханти брахма брахма-видо джанаҳ*

**Олий Брахманни таниган йог, агар кундуз куни, олов ва ёруғлик фариштаси таъсир кўрсатаётган пайтда, ой тўлишаётган икки ҳафта ичида, қуёш шимолий ярим шар бўйлаб ҳаракат қилаётган олти ой давомида танасини тарк этса, Брахманга кира олади.**

Изоҳ: Олов, ёруғлик, кундуз куни ва ойнинг фазалари ҳақида гапирап экан, Кришна уларни маълум фаришталар бошқариб туришини назарда тутади. Танасини тарк этган йогнинг кейинги тақдири ана шу фаришталарнинг таъсирига боғлиқ. Ўлим пайтида тирик мавжудотнинг ақли уни янги танага олиб ўтади. Аммо, агар йога билан шугулланиб юрган киши тасодифан ёки атайлаб, онгли равишда, мана шу ерда ёзилган шарофатли вақтда танасини тарк этса, у шахсиз брахмаджйотига ғарқ бўлиши мумкин. Камолотга эришган йоглар қаерда ва қачон танасини тарк этишини ўзлари белгилайдилар, лекин бошқалар бундай қилишга қодир эмас. Агар тасодифан ана шундай шарофатли вақт оралиғида таналарини тарк этсалар, улар ҳам озодликка чиқиб, туғилиб-ўлишлар ҷархпалагидан кутуладилар. Акс ҳолда улар барибир яна бу моддий оламга қайтиб келишга мажбур бўладилар. Аммо Худонинг соф содик хизматкори, яъни соф Кришна онгига эга бўлган киши моддий оламни тарк этиб, танасини - атайлабми, тасодифанми, шарофатли ёки шарофатсиз вақтдами - қандай вақтда тарк этганидан катъий назар ҳеч қачон унга қайтиб келмайди.

*25. дхумо ратис татха кришинаҳ шан-маса дакшинайанам  
татра чандрамасам джйотир йоги пратія нивартате*

Тунда, тутун фариштаси таъсир кўрсатаётган вактда, ой камаяётган икки хафта ичидা, қуёш жанубий ярим шар бўйлаб харакат қилаётгана танасини тарқ этган йог Ой сайёрасига боради, аммо кейин яна Ерга қайтиб келади.

Изоҳ: "Шримад Бҳагаватам"нинг учинчи кўшиғида Капила Муни айтадики, кармали фаолиятда камолотга эришганлар ҳамда зарур бўлган барча курбонлик маросимларини ўтказган кишилар ўлганларидан кейин Ой сайёрасига эришадилар. У ерда мазкур рухлар ўн минг йил умр кўрадилар ва жаннатий сома-раса ичимлигидан ичib, лаззатланиб яшайдилар. Кейин улар яна Ер сайёрасига қайтиб келадилар. Мазкур шеърдан маълум бўладики, ой сайёрасида юкори ривожланган мавжудотлар яшайди. Ҳозирги замон олимлари механик курилмалар ёрдамида Ойга боришга уриняптилар, лекин бунинг ҳеч қандай иложи йўқ, шу сабабли, уларнинг барча уринишлари барбод бўлаверади.

*26. шукла-кришине гати хӣ эте джагатаҳ шашвате мате  
эқайа йати анавриттим аниайавартате пунаҳ*

Ведаларда бу оламдан кетишининг икки йўли кўрсатилган: ёруғ ва коронғи йўл. Ёруғ йўл билан кетган йог бу ерга бошқа қайтиб келмайди, коронғи йўл билан кетган киши эса, яна қайтиб келишига мажбур бўлади.

Изоҳ: Мазкур шеърга ёзган изоҳида Шри Баладева Видйабхушана "Чхандогья-упанишад"(5.10.3-5)дан бир мисол келтиради. Унда тирик мавжудотнинг кетиши ва келиши таърифланган. Қадим замонлардан бери кармали фаолият ва фалсафий изланишлар билан машгул бўлиб юрган зотлар ҳамиша бир сайдерадан бошқа сайдрага кўчиб юришга мажбур. Улар токи ўз ихтиёрини Кришнага бутунлай топширмагунча, моддий олам асирилигидан биратўла қутулиб кета олмайдилар.

*27. наите сритьи партха джсанан йоги мухйати каиччана  
тасмат сарвешу калешу йога-йукто бхаварджуна*

**О Аржун, Менинг содикларим бу икки йўлни ҳам биладилар, аммо, бу уларни ташвишга солмайди. Шунинг учун сен ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан юр.**

Изоҳ: Бу ерда Кришна Аржунга бу дунёни қандай тарқ этиш яхши экани ҳақида қайтуриб ўтирмасликни маслаҳат беряпти. Худонинг

содиқ хизматкори танасини қандай - ўз истаги биланми ёки тасоди-фанди - тарк этиши ҳакида ўйламаслиги керак. Ундан талаб килинадиган ягона нарса - ҳамиша Кришна онгида бўлиш ва Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш ёрдамида Худони эслаб юришдан иборат. Худонинг содиқ хизматкори шуни тушуниб олиши лозимки, бу ерда кўрсатилган ҳар икки йўл - ёруғ ва коронги йўлда ҳам инсон жуда кўп қийинчиликларга дуч келади. Яхиси - Кришна ҳақидаги ўйларга бутунлай гарк бўлиш ва ҳамиша Унга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиш лозим. Мана шу - рухий салтанатга олиб борадиган энг ишонарли ва энг якин йўл.

Бу шеърда *йога-йукта* ибораси муҳим аҳамиятга эга. Бу оламни биратўла тарк этиш учун йог Кришна онгидা мустаҳкам туриши зарур, бунинг учун эса, у ўзининг бутун ҳаётини Кришна билан боғлик бўлган фаолиятга бағишлаши лозим. Шри Рупа Госвами шундай насиҳат қиласи: *анасактасай вишайан йатхархам утайунджсатаҳ*. Моддий фаолиятга бўлган боғланишдан бутунлай халос бўлиш, ҳамиша Кришна онгида ҳаракат қилиш лозим. Юкта-вайрагйанинг мана шу қонунига амал қилиб, инсон ҳаётда камолотга эришади.

Шу сабабли, Худонинг содиқ хизматкорини танани тарк этишнинг ҳар хил йўллари ташвишга солмайди: у Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан бориб, албатта Худонинг даргоҳига эришишини аниқ билади ва бунга ишончи комил.

*28. ведешу йаджнешу тапаҳсу чаива  
данешу йат пуняа-пхалам прадиштам  
атйти тат сарвам идам видитва  
йоги парам стханам упавити чадиам*

**Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирган киши,** Ведаларни ўрганиш, риёзат чекиши, курбонлик маросими ўтказиши, ҳайр-садақа бериш, фалсафий изланишлар ва эзгулик йўлида кармали фаолият билан шуғулланиш натижасида эришиладиган нарсалардан маҳрум бўлмайди. Худои Таология садоқат билан хизмат қилиш шарофати билан у ўз-ўзидан ана шу фаолиятлар келтирадиган барча натижаларга эришади ва умрининг охирида Худонинг мангубаро даргоҳига киради.

Изоҳ: Бу шеър билан Парвардигор "Бҳагавад-гита"нинг Худога садоқат билан хизмат қилиш, яъни Кришнани англаш йўли таърифланган еттинчи ва саккизинчи бобида берилган насиҳатларга якун ясайди. Шастраларга асосан, рухий юксалиш йўлининг бошида, инсон рухий устознинг ашрамида яшаши, унинг раҳбарлиги остида муқаддас китобларни, ведаларни ўрганиши ва ҳар хил қийинчиликларга бардош бериб, чиникиши лозим. Шогирд-брахмачарий, рухий устознинг уйида

яшар экан, унинг хизматкори вазифасини бажаради, уйма-уй юриб, одамлардан садақа сўрайди, тўплаган нарсаларини устозига олиб кела-ди. У факат руҳий устозининг рухсати билан овқатланади, агар бирор сабаб билан руҳий устоз уни овқатга таклиф қилмаса, брахмачарий рўза тутиб, оч юради. Ведаларда кўрсатилган брахмачарий хаётига оид қоидаларнинг баъзилари шундан иборат.

Шогирд гуру раҳбарлиги остида, беш ёшдан йигирма ёшигача Ведаларни ўрганиши лозим, натижада унинг қалбида барча эзгу фазилатлар ривожланиб, тўла шаклланади. Бошқача қилиб айтганда, Ведаларни ўрганиш натижасида одамлар хонаки билимдонлар бўлиб эмас, жамиятнинг энг илғор, намунали аъзолари бўлиб етишишлари лозим. Ана шундай тайёргарликдан кейин, шогирд-брахмачарийга уйланиб, оиласи ҳаёт кечиришга рухсат берилади. Руҳий юксалиш йўлини давом эттириш учун оиласи турмуш кечираётган киши жуда кўп курбонлик маросимлари ўтказиши лозим. Бундан ташқари оиласи одам замон ва макон шароитларига қараб, эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гуналарида бўлган ҳайр-саҳоват турларини яхши билган ҳолда бошқаларга ҳайр-садақа улашиши лозим. Инсон оиласи турмуш билан яшаш поғонасидан ўтгандан кейин, *ванапрастҳа* турмуш тарзига ўтади. Бунда у ўрмонга кетиб, каттиқ риёзатларга берилиши лозим: танасини дараҳт пўстлоқлари билан тўсиб юриш, соч-соқолини олмаслик ва ҳоказо. Брахмачарий, оиласи турмуш, ванапрастҳа ва ниҳоят саннийаси турмуш тарзи орқали ўтиб, инсон умр йўлининг охириги мақсадига эришади. Кимdir жаннат сайёralарига кўтарилади, руҳий юксалишнинг юқорироқ поғонасида турган одам эса, моддий олам асиригидан биратўла қутулиб, руҳий оламга эришиши мумкин: шахссиз брахмаджойтига, ёки Вайкунтха сайёralаридан бирига ёки Кришналокага. Ведаларда кўрсатилган руҳий юксалиш йўли ана шундан иборат.

Аммо, Кришнани англаш усулининг алоҳида бир афзаллиги бор: Худои Таолога садоқат билан хизмат қила туриб, инсон бирданига барча турмуш тарзи учун кўрсатилган қонун-қоидалардан, урфодатлардан устун кўтарилиши мумкин.

Мазкур шеърдаги *идам видитва* сўзи Кришнанинг "Бҳагавад-гита"нинг еттинчи ва саккизинчи бобларидаги берган насиҳатларининг мазмунини англаб олиш зарурлигини кўрсатади. Бунда бизга дунёвий олган маълумотимиз ёки ўзимизнинг шахсий мулоҳазаларимиз ёрдам беролмайди: бу бобларнинг аниқ мазмунини англаб етиш учун уларни Худонинг содик хизматкори оғзидан эшитиш лозим. Еттинчи бобдан ўн иккинчи бобгача бўлган шеърларда "Бҳагавад-гита"нинг мазмунининг асл моҳияти баён этилган. Биринчи ва охириги олти боблар "Бҳагавад-гита"нинг мана шу алоҳида ҳимояланган олти бобини ўраб турган муқоваларга ўхшайди. Агар одам Худонинг содик хизматкорлари билан бўлган сухбатда мана шу олти бобнинг мазмун-моҳиятини

англаб олса, унинг инсон танасидаги ҳаёти муваффакият билан тугаши кафолотланади. Шундай одам ҳаётда барча риёзатчилар, курбонлик маросими ўтказиб юрганлар, ҳайр-саҳоват кўрсатиб юрганлар, фалса-фий изланиб юрганлар эришадиган натижалардан ҳам устун бўлган энг олий мақсадга эришади, чунки Кришна онгида харакат қилиб, Худои Таолога садокат билан хизмат қилиш натижасида бундай ишлар-нинг натижаси ўз-ўзидан келади.

"Бҳагавад-гита"да айтилган гапларга озгина ишончи бўлган киши, уни Худонинг содик хизматкори раҳбарлиги остида ўрганиши лозим, чунки, тўртинчи бобнинг бошида айтилганидай, "Бҳагавад-гита"нинг ҳақиқий мазмунини факат Худонинг содик хизматкори тўғри тушуна олади, бошка ҳеч ким бунга қодир эмас. Шу боис, "Бҳагавад-гита"ни атеист файласуфларнинг ўз фикрини баён этган изохлари ёрдамида эмас, Худонинг ҳақиқий содик хизматкори ёзган изохлар асосида ўрганиш лозим. "Бҳагавад-гита"ни ана шундай тартибда ўрганиш - инсоннинг чукур иймонидан далолат беради. Инсон Худонинг содик хизматкорларини учратиб, улар билан ҳамсуҳбат бўла бошлаганида, унда "Бҳагавад-гита"ни ўрганиш ва унинг ҳақиқий мазмунини тушуниш имконияти пайдо бўлади. Худонинг содик хизматкори билан мулоқотда бўлишда давом этиб, ўзи ҳам Худога садокат билан хизмат қилиш ўйлига киради, Худога хизмат қила бошлиши билан Худои Таоло ҳақидаги, Унинг кароматлари, қиёфаси, эрмаклари, номи ва бошқалар ҳақидаги барча гумонларидан бутунлай покланади. Ҳар қандай шубҳа ва гумонлардан бутунлай покланиб, инсон "Бҳагавад-гита"ни ўрганишда давом этади ва бошка ҳеч нарсага дикқатини бўлмай кўяди. Ана шу погонада "Бҳагавад-гита"ни ўрганиш унга чинакам лаззат олиб кела бошлайди ва у ҳамиша, ҳамма ерда факат Кришна ҳақида ўйлай бошлайди. Ана шу даражага етганида у Кришнага бўлган муҳаббат уммонига ғарқ бўлади. Шу тарзда камолотнинг юкори босқичига кўтарилиб, Худонинг содик хизматкори умрининг охирида Кришнанинг руҳий даргоҳига, Голока Вриндаванага йўл олади ва мангу бахтга эришади.

*"Худонинг даргоҳига эришиши" деб аталадиган "Шримад Бҳагавад-гита"нинг саккизинчи бобига Бҳактиведантанинг изоҳи шу билан якунланади.*

## Түққизинчи боб. Энг нодир илм

*1 шири бхагаван увача  
идам ту те гухйатамам правакийами анасуйаве  
дэжнанам виджнана-сахитам юадж джнатва мокшиясе "шубхат"*

**Худои Таоло шундай деди: Азизим Аржун, ҳеч қачон Менга хасад қилмаганинг учун, Мен сенга энг нодир билимни ва донишмандлик илмини ўргатаман. Уларни эгаллаб олиб, сен ҳаётда барча моддий қийинчиликлардан халос бўласан.**

Изоҳ: Худои Таоло ҳакидаги ҳикояларни мунтазам тинглаб юриш билан содик аста-секин руҳий илмга эга бўлади. Тинглаш усули "Шримад Бхагаватам"да тавсия қилинган: "Худои Таолонинг сўзлари файритабиий қудратга эга. Унинг бу курдатини Худонинг Олий Шахси ҳакидаги ҳикояларни Унинг содиклари орасида тинглаш ва муҳокама қилиш жараёнида хис қилиш мумкин". Уларнинг сири, мазмуни ҳеч қачон дунёвий файласуфлар ёки назариётчи олимлар даврасида очилмайди, чунки руҳий илмга - фактат руҳий тажриба, амалий руҳий жараён орқали эришиш мумкин.

Худонинг содик хизматкорлари ҳамиша Худои Таолога хизмат қиласидилар. Кришна онги билан ҳаракат қилиб юрган ҳар бир кишининг қалбидаги ниятини, унинг қанчалик самимий эканини Худои Таоло яхши билади, шунга яраша, содиклар билан ҳамсұхбат бўлиб, Кришна ҳакидаги илмни тўлиқ эгаллаб олиши учун унга етарли дараҷада тафаккур, заковат ато этади. Кришна ҳакидаги сұхбатлар жуда курдатли таъсир кучига эга, агар шу ҳикояларни бирор марта тинглашга мұяссар бўлган киши, шу нодир илмни тушуниб олишга интилса, вакт ўтиши билан у, албатта, руҳий ҳаёт тажрибасига эга бўлади. Аржунни Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ана шу курдатли жараёнига бутунлай жалб қилиш учун, Кришна "Бхагавад-гита"нинг тўққизинчи бобида унга шу вақтгача айтилган илмлардан ҳам сирлироқ, маҳфийроқ бўлган нарсалар ҳакида гапириб беради.

"Бхагавад-гита"нинг биринчи боби бутун асарга кириш вазифаси ни бажаради. Иккинчи ва учинчи бобларда сирли, нодир хисобланган руҳий илм ҳакида гапирилади. Еттинчи ва саккизинчи бобларда муҳокама қилинадиган мавзулар Худога садоқат билан хизмат қилишга бевосита боғлиқ бўлган мавзулардир, Кришна онгининг нурини сочаётгани сабабли, улар руҳий илмнинг яна ҳам сирлироқ, маҳфийроқ қисми деб аталади. Лекин "Бхагавад-гита"нинг тўққизинчи бобида Худои Таолога энг соғ, бенуқсон садоқат билан хизмат қилиш

ҳақида гапирилади. Шу сабабли, унда энг нодир илм баён этилган деб ҳисобланади. Кришна ҳақидаги энг нодир илмга эга бўлган киши табиий равишда, ўз-ўзидан моддий қувват таъсири остидан чиқади ва ҳатто, гарчи бу дунёда яшашда давом этаётган бўлса ҳам, барча моддий мусибатлардан халос бўлади. "Бхакти-расамрита-синдху"да айтилганки, Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишга самимий интилаётган кишини, гарчи у моддий оламнинг шароитида яшашда давом этаётган бўлса ҳам, "озодликка эришган одам" деб ҳисоблаш керак. "Бҳагавад-гита"нинг ўнинчи бобида ҳам айтилганки, Худои Таолога хизмат килиб юрган ҳар бир одам моддий олам тутқунлигидан, албатта, озод бўлади.

Тўққизинчи бобни бошлаб берадиган бу шеър чукур маънога эга. *Идам джсанам*("бу илм") соф садоқат билан хизмат қилишни назарда тутади. Бу хизмат тўққиз турли фаолиятдан таркиб топган: тинглаш, такрорлаш, эслаш, хизмат қилиш, сажда қилиш, илтижо қилиш, Худонинг кўрсатмаларини бажариш, Худои Таоло билан дўст бўлиш ва ўз ихтиёрини бутунлай Унга топшириш. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ана шу турлари билан шуғулланиш билан инсон руҳий онгга, Кришна онгига эга бўлади. Шундай фаолият натижасида унинг қалби моддий иллатлардан покланганида бу нодир илмни, Худои Таоло, Кришна ҳақидаги илмни эгаллашга қодир бўлади. Шунчаки, тирик мавжудот моддий нарса, яъни тана эмас, руҳ эканини тушунишнинг ўзи кифоя эмас. Бу руҳий юксалиш йўлининг энг бошланғич поғонаси бўлиши мумкин, холос. Ҳақиқий инсон фақат тананинг фаолияти билан ўзининг тана эмаслигини англаб етган кишининг фаолияти орасидаги фарқни тушуниши керак.

Еттинчи бобда биз Худои Таолонинг намоён бўлган қиёфаларининг улуғворлиги, Унинг ҳар хил қувватлари, олий ва қуйи табиати, умуман моддий коинот ҳақида гапирган эдик. Тўққизинчи бобда эса, Парвардигорнинг улуғворлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Бу ерда ишлатилган *анасуйаве* ибораси ҳам муҳим аҳамиятга эга. "Бҳагавад-гита"га изоҳ ёзишга қўл урган кишилар, гарчи ўзлари машхур олимлар бўлса ҳам, одатда Кришнага, Худонинг Олий Шахсига ҳасад қиласидилар. Ҳатто энг заковатли олимлар ҳам, ўзларининг ёзган изоҳларида "Бҳагавад-гита"нинг мазмунини бузиб кўрсатадилар. Кришнага ҳасад килаётганлари сабабли, уларнинг ёзган изоҳлари ҳеч кимга ҳеч қандай илоҳий фойда келтирмайди. Фақат Худонинг содик хизматкорлари ёзган изоҳларгина ишонарли, эътиборга лойик илоҳий асар бўлади. Қалбida ҳасад туйғуси бўлган киши ҳеч қачон бошқаларга "Бҳагавад-гита"нинг мазмунини очиб бера олмайди, яъни одамларга Кришна ҳақидаги илм сирини очишга қодир эмас. Кришна билмай туриб, Унинг табиатидан бирор нуқсон излаётган киши - шунчаки аҳмоқ, нодон одам. Шу сабабли, ундай изоҳлардан иложи борича узокроқ бўлиш керак. Лекин, Кришна - пок ва руҳий Зот, Ху-

донинг Олий Шахси эканини англаб етган одамга бу бобдаги илм ҳақиқий баҳт келтириши аниқ.

*2. раджса-видиа раджса-гухйам павитрам идам уттамам  
пратийакиавагамам дхармийам су-сукхам картум авайайам*

**Бу илм - барча илмлар шоҳи, энг маҳфий, сирли илм. Бу - энг пок илм, инсонга ўзининг ҳақиқий табиатини амалда яққол англаш имконини бергани сабабли комил ҳақиқат(дин) хисобланади. Бу мангу илм, уни ўрганиши инсонга қувонч бағишлади.**

Изоҳ: "Бҳагавад-гита"нинг бу бобидаги илм - "илмлар шоҳи" деб аталади, чунки унда шу пайтгача айтилган барча фалсафий таълимотларнинг мағзи баён этилган. Ҳинд фалсафасининг асосий йўналишлари Гаутама, Канада, Капила, Ягіавалка, Шандиля ва Вайшванара ning асарларида баён этилган. Бу донишмандлар сулоласи "Веданта-сутра"ларнинг муаллифи Вйасадева билан тугайди. Шундай килиб, фалсафий ва руҳий илмнинг ҳеч қандай нұксони йўқ ва камчилиги қолмаган. Лекин, бу ерда Парвардигор "Бҳагавад-гита"нинг тўққизинчи бобини илмлар шоҳи ва барча Ведавий, фалсафий насиҳатларнинг асосий мазмуни, моҳияти, мағзи деб атаяпти. Бу ҳақиқатан ҳам сирли, нодир илм, чунки, сирли, яъни илоҳий илм - руҳ билан моддий тана орасидаги фарқни ўргатади, ана шу сирли илмнинг гултожи эса - Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишдир.

Аксарият одамлар мана шу сирли илмдан беҳабарлар: уларнинг хаётда ўрганиб юрган барча илмлари ташки, моддий оламга тегишли илмлардир. Дунёвий таълим тизимида одамлар ҳар хил фанлар ўрганадилар: сиёsat, ижтимоий илмлар, физика, химия, математика, астрономия, техник фанлар ва ҳоказо. Жаҳонда ҳар хил фанларни ўрганадиган жуда кўп университетлар бор, лекин руҳ ҳақидаги илмни ўргатадиган бирорта илм даргоҳи йўқ. Айни пайтда руҳ - танада мавжуд бўлган энг муҳим, энг асосий нарса: руҳдан ажralган тананинг ҳеч қандай қадр-қиммати қолмайди. Жонсиз, руҳсиз гавда лошга айланади. Шунга қарамай одамлар руҳни, жонни четда қўйиб, бутун кучларини, вактини, акл-фаросатини факат тананинг эҳтиёжини қондириш учун сарфлашга уринадилар.

Иккинчи бобдан бошлаб, "Бҳагавад-гита"нинг ҳамма жойида руҳнинг алоҳида аҳамияти ҳақида мунтазам таъкидланяпти. Иккинчи бобнинг бошида Парвардигор айтадики, тана ўткинчи, руҳ, жон эса мангу(*антаванта име деха нитийасюктаҳ шариринан*). Мангу руҳнинг моддий танадан фарқ қилиши ва табиатига кўра ўзгармас, емирилмас ва мангу экани ҳақидаги илмнинг ўзи сирли илм хисобланади. Лекин бу илм ҳали руҳнинг ҳақиқий табиатини тўла тушунтириб беролмайди. Баъзиларнинг фикрига кўра, руҳ танадан фарқ қиласди, тана ўлгандан

кейин, ёки моддий танани тарк этгандан кейин рух мавхумлика тушиб, ўзининг шахс сифатини йўқотади. Лекин, аслида бундай эмас. Тананинг ичидаги турниб ҳам шунчалик фаол ҳаракат қилаётган рух, қандай қилиб тана ичидан озодликка чикқандан кейин суст бўлиб колиши мумкин? Рух ҳамиша фаол ҳаракатда бўлади. Рух мангу экан, унинг ҳаракати, фаолияти ҳам мангудир. Рухнинг руҳий оламдаги фаолияти ҳақидаги илм илоҳий илмнинг энг нодир, сирли қисмини ташкил этади. Шу сабабли бу ерда мангу руҳнинг фаолияти ҳақидаги илм - барча илмларнинг энг маҳфий, асосий қисми, "илмлар шохи" деб аталган.

Ведаларда айтилишича, бу илм барча фаолиятлар ичидаги энг пок фаолият ҳақидаги билимдир. "Падма-пурана"да одамларнинг гуноҳ ҳисобланган ҳар хил фаолияти ҳақида гапирилади. У ерда айтилишича, ҳар қандай гуноҳ иш яна бир гуноҳ ишга сабаб бўлади. Кармали фаолият билан машғул кишилар аввалги гуноҳларининг ҳар хил боскич ва турли даражадаги оқибатларига ўралашиб қолганлар. Агар дарахт эксангиз, у бир пасда ўсиб кетмайди: бунинг учун вақт керак. Аввалига кичкина ниҳол пайдо бўлади, аста-секин улғайиб, катта дарахтга айланади, гуллаб ҳосил бера бошлайди, дарахт кучга кирганида, уни ўтқазган одамлар шу дарахтнинг гуллари ва меваларидан лаззатланиши мумкин. Худди шунингдек, бирор гуноҳ иш қилганда, одам ерга уруғ ташлагандай бўлади, ана шу уруғ вақт ўтиши билан ўсиб чиқади.

Гуноҳ ишларнинг оқибатлари бир неча боскичларда пишиб етилади. Инсон аллақачон гуноҳ ишлар қилишни тарк этган бўлса-да, аввалини қилган гуноҳларининг оқибатларига у ҳали энди дуч келаётган бўлиши мумкин. Баъзи гуноҳларнинг оқибати ҳали уруғ шаклида, бошқалари эса, пишиб етилиб, ҳозир ҳар хил азоб-уқубатлар кўринишида ўзининг меваларини бераётган бўлади.

Еттинчи бобнинг йигирма саккизинчи шеърида айтилганидай, гуноҳлари оқибатидан ҳалос бўлган ва ҳаётини фақат эзгу ишларга бағишилаган, моддий оламнинг қарама-қаршиликлари таъсиридан озод киши Худонинг Олий Шахсига садоқат билан хизмат қилиш йўлига кира олади. Бошқача қилиб айтганда, ҳақикатан ҳам Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши ўзининг аввалги гуноҳлари оқибатидан бутунлай ҳалос бўлган кишидир. "Падма-пурана"да ҳам шу ҳақиқат тасдиқланади:

*апараабдха-пхалам патам кутам биджам пхалонмухкам*

*краменаива пралийате вишну-бхакти-рататманам*

"Худонинг Олий Шахсига садоқат билан хизмат қилиб юрган киши аста-секин барча: етилиб пишган, энди содир этилган, уруғлик сифатида турган гуноҳлари оқибатидан кутулади". Шундай қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилиш жуда курдатли поклаш кучига эга, шу сабабли уни *павитрам уттамам*, "энг пок" деб атайдилар. *Уттама* дегани трансцендент, илоҳий деган маънони англатади. *Тамас* - бу

моддий олам, яъни зулмат, ғафлат, қоронғилик салтанати, *уттама* деган сифат эса, ана шу зулмат ташқарисида, моддий фаолият чегарасидан ташқарисида деган маънони англатади. Гарчи Худонинг содик хизматкори қилаётган ишлар оддий одамларнинг ишларидан фарқ қилмаса ҳам, Худога хизмат қилишни ҳеч қачон моддий фаолият деб ҳисобламаслик керак. Ҳақиқий руҳий назарга эга бўлган ва Худога хизмат қилиш илмидан хабари бўлган киши Худонинг содик хизматкорлари қилаётган ишларининг моддий фаолият эмаслигини яхши билади. Уларнинг барча ҳаракатлари руҳий ва Худои Таолога бағишланган, шу боис моддий гуналар таъсирида булғанмаган.

Бу ерда айтилганки, Худога хизмат қилиш доирасидаги фаолият шу қадар мукаммалки, инсон унинг натижаларини бевосита ҳис килиши мумкин. Бу ҳақиқатан ҳам шундай. Биз ўзимизнинг хаёт таж-рибамиздан амин бўлғанмизки, Кришнанинг мұқаддас номларини (Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре) ҳақоратларсиз зикр қилиб юрган киши, руҳий лаззат ҳис қила бошлайди, қалби моддий иллатлардан жуда тез покланади. Буни амалда ҳар ким ўзи ҳам синааб кўриши мумкин. Бундан ташқари, факат мұқаддас номларни зикр қилиб, тинглаш билан чекланиб қолмасдан, Худога хизмат қилиш илмини бошқаларга ўргатишга интилаётган ёки Худони, Кришнани англаш ҳаракатининг ривожланишини қўллаб-кувватлаб юрган киши ўзининг руҳий жиҳатдан қанчалик тез ривожланаётганини дарров сезиши мумкин. Унинг руҳий юксалиш йўлида ривожланиши аввалги маълумотига ёки бошқа бирор моддий сифатларга боғлиқ эмас. Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнининг ўзи шу қадар қудратлики, шунчаки бу фаолият билан шуғулланиб юриш натижасида биз моддий иллатлардан бутунлай покланамиз.

"Веданта-сутра"да бу ҳақда шундай дейилади: *пракашаш ча кармани абхайасат* - "Худога садоқат билан хизмат қилиш шу қадар қудратлики, у билан шуғулланган киши ўз-ўзидан руҳий илмга эга бўлади". Бунга, оддий чўри аёлнинг ўғли бўлиб туғилган Нарада Мунининг аввалги ҳаёти яққол мисол бўла олади. У обрўли хонадонда туғилган ҳам эмасди, яхши таълим-тарбия ҳам олмаган эди. Лекин, унинг онаси буюк содикларга хизмат килганида, Нарада унга ёрдам берар, онаси йўқлигида Худонинг содик хизматкорларига ўзи хизмат қиларди. Бу ҳақда Нарада Мунининг ўзи шундай дейди:

уччхиша-лепан ануомодито двидејсаиҳ  
сакрим сма бхундже тад-апаста-килбашаҳ  
эвам правримтасайя вищуддха-четасас  
тад-дхарма эватма-ручиҳ праджайате

"Шримад Бҳагаватам"(1.5.25)нинг бу шеърида Нарада шогирди Вйасадевага ўзининг аввалги ҳаётида бўлиб ўтган воқеаларни гапириб беряпти. У айтадики, тўрт ой давомида, уйида Худонинг соғ содик

хизматкорлари мөхмөн бўлиб турганида, у уларнинг хизматини қилган, улар билан ҳамсуҳбат бўлган. Уларнинг идиш-товоқларини юваётуб, овқат қолдикларини кўрган ва ундан татиб кўргиси келган. Донишмандлардан рухсат сўраб, улардан қолган сарқит овқатдан тотгани сабабли, аввалги гуноҳларининг барча оқибатларидан холос бўлиб, қалби покланган. Донишмандлардан қолган таомдан татиб, Нарада Муни ҳам, худди шу донишмандлар сингари, Худонинг қалби пок содик хизматкори бўлган. Ҳамиша Парвардигор ҳакидаги ҳикояларни бир-бирига гапириб ва тинглаб, бу буюк содиклар Худога садоқат билан хизмат килишдан чексиз руҳий лаззат олганлар ва худди ана шундай лаззат туйғуси вақти келиб Нарада Мунида ҳам пайдо бўлган. Кейин, Нарада Муни яна давом этади:

*матранваҳам кришина-катҳаҳ прагайатам  
ануғрахенашринавам маноҳараҳ  
таҳ шраддҳайа ме "нупадам вишринватаҳ  
прииашраваса анга маммабхавад ручиҳ*

Донишмандлар билан ҳамсуҳбат бўлиб, Нарада Худои Таолонинг улуғворлиги ҳакидаги ҳикояларни тинглаш ва гапириб беришга қизиқиб қолади, унинг қалбida Худои Таолога садоқат билан хизмат килиш истаги пайдо бўлади. Шунинг учун, "Веданта-сутра"да шундай дейилган: *пракашаш ча карманни абхъясат* - Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган одам ўз-ўзидан илмга эга бўлади ва у ҳақиқатни англаб етишга қодир бўлади. *Пратіакша* ("бевосита қабул қилиш") иборасининг мазмuni шундан иборат.

Дхарміам, - "дин йўли" деганидир. Нарада Муни оддий чўри аёлнинг ўғли эди. Унинг мактабга бориш имконияти йўқ эди. У Худонинг содик хизматкорларига хизмат қилиш баҳтига мұяссар бўлган онасиға шунчаки ёрдамлашарди, холос. Шу тариқа кичкина Нарада ҳам Худонинг содик хизматкорларига хизмат қилиш имкониятига эга бўлди, улар билан бўлган сухбат унга диний фаолиятнинг энг юкори поғонасиға кўтарилиш имконини берди. "Шримад Бҳагаватам"нинг таъкидлашиб, диний фаолиятнинг энг олий поғонаси Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш ҳисобланади(*са вай пумсан паро дхармо йато бхактир адхокшиаджесе*). Оддий диндор одамларнинг аксарияти диний фаолиятнинг энг олий поғонаси - Худога садоқат билан хизмат қилиш эканини билмайдилар. Саккизинчи бобнинг охирги шеърини изоҳлаётуб айтиб ўтганимиздай, (*ведешу йаджнешу татахсу чаива*), инсон ўзининг руҳий табииатини англаб олиши учун Ведалар илмини билиши лозим. Лекин, бу ерда биз кўярпмизки, ҳеч қачон руҳий устоз мактабида ўқимаган, Ведаларни ўрганмаган Нарада, Ведаларни ўрганиб юрган одамларнинг энг олий мақсади бўлган юксак поғонага кўтарилди. Худога садоқат билан хизмат қилиш шу қадар қурратли кучга эгаки, ҳатто барча диний қоидаларга амал килмай туриб ҳам, инсон камолотнинг энг юкори поғонасиға кўтарила олади. Қандай

қилиб бундай бўлиши мумкин? Ведаларда бу ҳолат шундай тушунтирилади: *ачарйаван* *пурушо веда*. Буюк ачарйалар билан ҳамсухбат бўлиб, ҳатто ҳеч қачон ведаларни ўрганмаган ва маълумотсиз одам ҳам ҳакиқатни англаш учун етарли бўлган илоҳий илмга эга бўлади.

Худога садоқат билан хизмат қилиш инсонга қувонч бағишлайди. Нима учун? Худога садоқат билан хизмат қилиш *ираванам киртнанам винноҳдан* иборат, яъни Худои Таолони шарафловчи ҳояяларни ёки руҳий илм муҳокама қилаётган ҳакиқий ачарйаларнинг фалсафий сұхбатларини тинглашнинг ўзи кифоя. Ана шундай сұхбатларда шунчаки иштирок этиш билан инсон руҳий илмга эга бўлади; шунингдек у Худои Таолога таклиф этилган ширин таомлардан тотиши мумкин. Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишдаги ҳар бир харакат инсонга қувонч бағишлайди. Бундай фаолият билан энг ночор аҳволда яшаётган одам ҳам шуғулланиши мумкин. Парвардиғор: *патрам пушнам пхалам тойам*, дейди. У содик хизматкоридан ҳар қандай арзимас эҳсонни қабул қилишга тайёр. Инсон ўзининг жамиятдаги тутган ўрнидан мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолда Худои Таолога ҳеч бўлмаса, барг, гул, озгина мева ёки сув таклиф қилиши мумкин. Бу нарсалар дунёнинг ҳамма ерида мавжуд, агар муҳаббат ва садоқат билан таклиф қилинган бўлса, Худои Таоло ҳар қандай эҳсонни албатта қабул қиласи ва Ўзининг содик хизматкоридан мамнун бўлади. Тарихда бунга мисоллар жуда кўп бўлган. Парвардиғорнинг нилуғар қадамлари пойига таклиф этилган туласи баргларининг хушбўй ҳидини хидлаган Санат-кумар ва унинг укалари сингари буюк донишмандлар Худонинг буюк содик хизматкорларига айландилар. Демак, Худога садоқат билан хизмат қилиш инсонга қувонч, шодлик келтиради. Худои Таоло биз таклиф қилаётган нарсалардан факат қалбимиздаги ихлосимизни, самимий муҳаббатимизни қабул қиласи.

Бу ерда Худога садоқат билан хизмат қилиш мангу мавжуд деб аталган. Бу майавади-файласуфларнинг таълимотига умуман зид, уни инкор этадиган ҳакиқат. Баъзан майавадилар гўёки, Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўладилар, аммо, улар Худога садоқат билан хизмат қилиш факат озодликка эришгунча керак, деб биладилар, чунки уларнинг фикрича, моддий асирикдан халос бўлиб, улар ўзлари худо бўладилар. Худога бундай ўткинчи, вақт билан чекланган хизмат қилишни пок деб бўлмайди. Худога ҳакиқий хизмат қилиш жараёни озодликка эришгандан кейин ҳам давом этаверади. Руҳий оламга, Худонинг даргоҳига қайтиб бориб, содик ўзи Худо бўлишга интилмайди, аксинча у ерда ҳам Худога хизмат қилишда давом этади.

Кейинги боблардан маълум бўладики, ҳакиқатан ҳам Худога садоқат билан хизмат қилиш тирик мавжудот моддий асирикдан озодликка эришгандан кейин бошланади. Тирик мавжудот озодликка эришиб, Брахман(*брахма-бхута*) поғонасига кўтарилгандан кейин, Худога садоқат билан хизмат қила бошлайди(*самаҳ сарвешу бхутешу*)

*мад-бхактим лабхате парам).* Шунчаки карма-йога, гайана-йога, аштанга-йога ёки йоганинг бошқа бир тури билан шуғулланиб Худонинг Олий Шахсини англаб бўлмайди. Йоганинг ана шу турларининг барчаси инсонга бхакти-йога даражасига кўтарилишида ёрдам беради, аммо, Худо Шахсини факат Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнидагина англаб етиш мумкин. "Шримад Бҳагаватам"да ҳам айтилганки, Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида, айникса "Шримад Бҳагаватам" ёки "Бҳагавад-гита"ни руҳий ўзлигини англаб етган зотлар оғзидан тинглаш натижасида қалби покланганида, инсон Кришна ҳақидаги, Худо ҳақидаги илмга эга бўлади. Эвам-прасанна-манасо бҳагавад-бхакти-йогатаҳ. Қалби моддий иллатлардан покланганида инсон Худонинг ким эканини англаш қобилиятига эга бўлади. Шундай қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўли, Кришнани англаш усули, - билим олишнинг барча усулларининг аълоси, сирли илмлар шоҳидир. Бу диний фаолиятнинг энг пок усули. Бу фаолият билан шуғулланиш осон ва қувончли. Шу сабабли Худога садоқат билан хизмат қилиш барчага баробар тавсия қилинади.

### *3. ашрададдоҳанаҳ туруша дхармасийасайя парантата апратиа мам нивартанте мритий-самсара-вартмани*

**Эй душманлар ғолиби, чукур ишончга, иймон-эътиқодга эга бўлмасдан, Менга хизмат қилиб юрган киши ҳеч қачон Менга эриша олмайди. Шу боис улар яна моддий оламга қайтиб, самсара чархпалагида такрор ва тақрор туғилиб-ўлаверадилар.**

Изоҳ: Ишончсиз, иймонсиз, эътиқодсиз одам Худога хизмат қилишда ҳеч қачон муваффакиятга эриша олмайди - бу шеърнинг мазмуни шундан иборат. Факат Худонинг содик хизматкорлари билан ҳамсухбат бўлиш жараёнида ишончга, иймонга эга бўлиш мумкин. Жаҳонда буюк руҳлардан Ведалар ҳақиқатини тинглаб туриб ҳам, қалбida Худога нисбатан ишонч, иймон-эътиқод уйғонмайдиган кишилардан ҳам баҳтиқаро одам йўқ. Ҳамиша қандайдир шубҳа-ю гумонлар остида юриб, улар ҳеч қачон Худои Таолога садоқат билан хизмат қила олмайдилар. Шундай қилиб, ишонч - Кришнани англаш йўлида энг асосий шартлардан бири. "Чайтанай-Чаритамрита"да айтилганки, иймон, эътиқод бу - Худои Таоло Шри Кришнага садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида руҳий баркамолликка эришиш мумкинлигига бўлган қатъий ишончdir. Ана шундай қатъий ишонч - иймон-эътиқод (вера) деб аталади. "Шримад Бҳагаватам"(4.31.14) да шундай дейилади:

*йатха тарор мула-нишечанена  
триптианти тат-скандха-бхуджопашакхаҳ  
пранопахарач ча йатхендрийанам*

### *татхаива сарварханам ачыутеджсай*

"Дараҳтнинг илдизига сув куйиш билан биз унинг шоха ва баргларини ҳам сугорган бўламиз, қорнимизни овқатга тўйдириш билан эса, танамзининг барча аъзоларини таъминлаган бўламиз. Худди шундай, Худои Таолога илоҳий хизмат қилиш билан шуғулланиб юрган киши ҳеч қийналмасдан барча фаришталарни ва бошқа тирик мавжудотларни мамнун қилган бўлади". Шунинг учун, "Бҳагавад-гита"ни ўқиб чиқсан киши, унинг энг асосий хulosасини қабул қилиши лозим: инсон бошқа барча ишларни тарк этиб, ҳаётини Худои Таоло Шри Кришнага, Худо Шахсига садоқат билан хизмат қилишга бағишлиши керак. Мана шу ҳаёт фалсафасига тўлиқ ишонган кишининг иймони - ҳақиқий иймон-дир.

Инсон қалбида ана шундай иймон-эътиқодни ривожлантириш Кришнани англаш усулининг асосий мазмунини ташкил этади. Кришнани, Худони англаган кишиларнинг уч тоифаси бўлади. Учинчи тоифа одамлар ҳали ишончи йўқ одамлардир. Ҳатто улар шунчаки бошқаларга тақлид қилиб Ходога садоқат билан хизмат қилиш билан шуғуллансалар ҳам, камолот чўққисига эриша олмайдилар. Одатда бундай одамлар бироз вакт ўтгандан кейин, бу йўлни ташлаб кетадилар. Улар Кришна онгида бирор иш билан машғул бўладилар, лекин, қалбида қатъий ишонч бўлмагани сабабли, уларнинг Ходога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан бориши жуда қийин. Биз ўз фаолиятимиз давомида Кришнани англаш харакатига қандайдир яширин ниятлар билан қўшилиб олган баъзи кишиларни учратиб турамиз. Улар бироз вакт жамиятимиз фаолиятида фаол катнашиб юрадилар, аммо, ўзининг моддий, иктиносидий ахволини яхшилаб олгандан кейин руҳий фаолиятни тарк этиб, ўзининг аввалги моддий фаолиятига, аввалги турмуш тарзига қайтадилар. Фақат қатъий ишончга, иймонга эга одамларгина Кришнани, Худони англашда камолотга эриша оладилар. Муқаддас китобларни яхши ўрганиб, Ходога садоқат билан хизмат қилиш илми-ни мукаммал англаб етган, қатъий ишончга эга бўлган кишини биринчи тоифадаги содик деб атайдилар. Муқаддас китобларнинг мазмунини охиригача англаб етмаган, лекин, *кришна-бҳакти*, яъни Ходога, Кришнага садоқат билан хизмат қилиш йўли - Ходога эришишнинг энг тўғри йўли эканига қатъий ишонадиган ва шу йўлдан бораётган киши иккинчи тоифага киради. Бундай содиклар, муқаддас китобларни ҳам билмайдиган, қатъий ишончи ҳам бўлмаган, аммо, шунчаки соддадиллиги ва содиклар билан якин сухҳбатда бўлганлиги сабаблигина Кришнани англаш қоидаларига амал қилиб юрган учинчи тоифа содиклардан устун туради. Учинчи тоифага мансуб содиклар вакти келиб йўлдан адашишлари мумкин, иккинчи тоифадаги содиклар одатда ҳеч қачон адашмайдилар, биринчи тоифадаги содикларнинг йўлдан адашиши мумкин эмас. Биринчи тоифадаги содик токи камолотга, охирги олий мақсадга эришгунча, ҳамиша Ходога садоқат билан

хизмат қилишда ривожланиб, юксалиб боради. Учинчи тоифа содиклар Кришнага, Худога садоқат билан хизмат қилиш кишига чексиз баҳт-саодат келтиришига ишонсалар ҳам, улар "Бҳагавад-гита", "Шримад Бҳагаватам" сингари муқаддас китобларда баён қилинган Худо, Шри Кришна ҳакидаги мукаммал илмга эга эмас. Учинчи тоифага мансуб содиклар баъзан қалбида карма-йога ва гйана-йогага нисбатан мойиллик сезадилар, баъзида ҳар хил дунёвий ташвишлар билан овора бўлиб қоладилар, лекин ана шундай иллатлардан поклансалар, улар ҳам иккинчи ёки биринчи тоифадаги содик даражасига кўтариладилар. Худога, Кришнага бўлган ишонч ҳам уч тоифага бўлинади, бу хақда "Шримад Бҳагаватам"да айтилган. "Шримад Бҳагаватам"нинг ўн биринчи қўшиғида биринчи, иккинчи ва учинчи тоифадаги боғланишлар ҳам таърифланган. Кришна ҳакида, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг улуғворлиги тўғрисида шунча гапларни тинглаб туриб ҳам, қалбида уларга ишонч уйғонмаган, бу гапларни шунчаки хаёлий гаплар, деб хисоблайдиган киши, ҳатто Худога хизмат қилиб юрган бўлса ҳам, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан бориши жуда мушкул. Уларнинг камолотга эришиш имконияти деярли йўқ ҳисоб. Шундай қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилишда ишонч жуда муҳим аҳамиятга эга.

*4. майа татам идам сарвам джагад авйакта-муртина  
мат-стхани сарва-бхутани на чаҳам тешив авастхитаҳ*

**Намоён бўлмаган қўринишимда Мен бутун коинотга сингиб кетгандман. Бутун мавжудот Менда мужассам, аммо Мен - уларнинг ичидা эмасман.**

Изоҳ: Худонинг Олий Шахсини қўпол моддий сезгилар ёрдамида ҳискилиб бўлмайди.

*атаҳ ири-кришина-намади набхавед грахйам индрийай  
севонмукеҳ хи джихвадау свайам эва спхуратй адаҳ  
"Бҳакти-расамрита-синдху" 1.2.234.*

"Ҳиссиётлари моддий нарсалар билан булғанган одам Кришнанинг муқаддас номини, қиёфасини, сифатларини ва эрмакларини англай олмайди. Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиб, ўз сезгиларини руҳий даражага етказгандан кейингина унга бу сирлар очилади". Парвардигор Кришнанинг муқаддас номини, Унинг шуҳратини, эрмакларини моддий ҳиссиёт аъзолари ёрдамида англашнинг иложи йўқ. Худои Таоло ҳакиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида соғ Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган содикларгагина Ўзини намоён этади. "Бҳакти-расамрита-синдху"да (5.38) шундай дейилган: *преманджсаначчхурита-бҳакти-вилочанена сантаҳ садаива хридайешу вилокайанти*. Қалбида Худога нисбатан илоҳий муҳаббат мавжуд уйғонган кишиги-

на қалбидა ҳам, ундан ташқарида ҳам Худонинг Олий Шахсини, Говиндани ҳамиша кўра олади. Парвардигор оддий одамларнинг кўзидан бекиниб олган. Бу ерда айтилганки, гарчи Парвардигор ҳамма ерда мавжуд бўлса ҳам, Уни моддий сезги аъзолари билан сезишининг иложи йўқ. *Аёйакта-муртини* ибораси шуни билдиради. Лекин, гарчи биз Парвардигорни кўрмасак ҳам, бутун борлик Унда мужассам. Еттинчи бобда айтилганидай, бутун моддий коинот Худои Таолонинг икки кувватининг - олий(рухий) ва қуий(моддий) кувватининг бирикмасидан иборат. Парвардигорнинг куввати бутун коинотни ёритиб турган куёш нурлари сингари, бутун борликка сингиб турибди, бутун борлик Унда жойлашган.

Лекин, Парвардигор ҳамма ерда мавжуд бўлгани учун, У айни пайтда шахс сифатида мавжуд бўла олмайди, деб ўйламаслик керак. Ана шундай нотўғри фикрларни рад этиш учун, Парвардигор шундай дейди: "Мен ҳамма ерда мавжудман, бутун борлик Менда жойлашган, лекин Мен Ўзим ҳамма нарсадан ташқаридаман". Масалан, шоҳ ўз кувватининг намоён бўлишига ўхшаган хукуматни бошқаради; ҳар хил вазирликлар ва идоралар - шоҳ кувватининг намоён бўлган кўринишларидир, уларнинг ҳар бири шоҳнинг амри-фармони асосида фаолият кўрсатади. Лекин, ҳар бир идоранинг, вазирликнинг ичиди шоҳнинг ўзи ўтиради, деб ўйламаслик керак. Бу шунчаки қўпол ўхшатиш бўлди. Худди шундай, биз атрофимизда кўриб турган ҳамма нарса, моддий ва руҳий оламдаги мавжуд ҳамма нарса, Худонинг Олий Шахсининг куввати ичиди жойлашган. Парвардигор Ўзининг сонсаноқсиз кувватларини намоён этиб, бутун борликни яратади. "Бҳагавад-гита"да айтилганидай, *виштабхайахам идам критснам* - "Унинг Ўзи Олий Рух кўринишида ҳамма ерда мавжуд".

*5. на ча мат-стхани бхутани пашиа ме йогам айшварам  
бхута-бхрин на ча бхута-стхо маматма бхута-бхаванаҳ*

**Айни пайтда бутун мавжудот Мендан ташқарида намоён бўлган. Менинг сеҳрли қудратимни кўр! Барча тирик мавжудотларнинг таянчи бўла туриб, Мен ҳар ерда мавжудман, Мен моддий оламнинг бир қисми эмасман, чунки яратиш манбаи - Мен Ўзимман.**

Изоҳ: Худои Таоло, бутун борлик Менда мужассам деб айтипти(*мат-стхани сарва-бхутани*). Унинг гапини тўғри тушуниш лозим. Парвардигорнинг Ўзи моддий оламнинг мавжудлигини таъминлашда иштироқ этмайди. Баъзи жойларда елкасида Ер шарини кўтариб турган Атлантанинг тасвирини учратиш мумкин; Ернинг оғирлиги остида у эгилиб, зўриқиб турибди. Кришнани ҳам шунга ўхшатиб, коинотнинг мавжудлигини таъминлашдан зўриқиб турган ҳолда тасаввур килмаслик керак. У айтияптики, гарчи бутун борлик Унинг кувватида

бўлса ҳам, Унинг Ўзи бутун моддий борлиқдан ташкарида. Сайёralар тизими Худонинг қуввати бўлган фазода жойлашган. Лекин, Худои Таолонинг Ўзи космик фазодан фарқ қиласди. Парвардигорнинг ҳолати бошқача. Шунинг учун, Худои Таоло айтаптики: "Гарчи бутун борлиқ Менинг қувватимда жойлашган бўлса ҳам, Мен, Худонинг Олий Шахси бўлган ҳолда, ундан ташкаридаман". Худои Таолонинг англаб бўлмас қурдати ана шундай.

Ведавий "Нирукти" лугатда шундай дейилган: *"нена дургхатешу карьецу"* - "Худои Таоло Ўзининг қуввати ёрдамида англаб бўлмас, ҳайратли кароматларни намойиш этади". Парвардигор ҳар хил қурдатли қувватларга эга, Унинг истаган амри шу заҳотиёқ амалга ошади. ("Оллоҳ факат "Бўл!" дейди.) Худо Шахсининг табиатини ана шундай тушуниш лозим. Агар биз бирор ишни ният қилсак, уни амалга ошириш учун анча қийинчиликларга учраймиз, кўпинча ниятимиз амалга ошмайди. Лекин, агар Кришна бирор нарсани истаса, Унинг шу истагининг ўзи кифоя, - ҳамма нарса ўз-ўзидан энг комил ҳолатда амалга ошади. Парвардигор буни шундай тушунтиради: гарчи бутун борлиқ Унда жойлашган бўлса ҳам, Унинг Ўзи моддий коинотга аралашмайди. Бутун борлиқ Унинг олий амри билан яратилади, Унинг амри билан мавжуд бўлиб туради, охир-оқибатда Унинг амри билан емирилади. Парвардигор мутлақо руҳий табиатга эга бўлгани учун Унинг ақли ва Ўзи орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Парвардигор бир вақтнинг ўзида ҳамма ерда мавжуд, лекин оддий одам Худои Таолонинг қандай қилиб бир вақтнинг ўзида ҳамма ерда шахсан мавжуд бўлишини тушуна олмайди. У моддий оламдан ташкарида, айни пайтда бутун борлиқ Унда жойлашган. Бу шеърда келтирилган *"йогам ишварам* - "Худонинг Олий Шахсининг сехрли қурдати шундан иборат" дегани шуни кўрсатади.

#### *6. йатхакаша-стхито нитийам вайүх сарвата-го маҳан матха сарвани бхутани мат-стханитй упадхараиа*

**Билсанг, худди ҳамма ерда эсиб турган шамол ҳамиша осмонда қолавергани сингари, мавжуд барча мавжудотлар ҳам, ҳамиша Менда мужассам бўладилар.**

Изоҳ: Оддий одам шунчалик бепоён моддий олам қандай қилиб Худои Таолонинг ичидаги жойлашишини тушунмайди. Лекин Парвардигор бу ерда шуни тушуниб олишга ёрдам берадиган мисол келтиради. Бизга маълум бўлган нарсалар ичидаги осмон энг бепоён нарса бўлса керак. Осмондаги шамол ёки ҳаво - моддий оламдаги энг катта унсур. Ҳавонинг харакати бутун борлиқнинг харакатини белгилайди. Лекин, шунчалик қурдатли бўлишига қарамай, ҳаво, шамол фазодан, осмондан чиқиб кетолмайди, унинг чегараси билан чекланган. Худди шун-

дай, бу ранг-баранг моддий олам ҳам Худои Таолонинг амри билан яратилган, ундаги ҳамма нарса Парвардигорнинг ҳукми остида: Худонинг хоҳиши бўлмаса, ҳатто дарахтнинг барги ҳам кимиirlамайди. Ҳамма нарса Худонинг амри билан рўй беради: Унинг амри билан яратилади, Унинг амри билан мавжуд бўлиб туради ва Унинг амри билан яксон қилинади. Аммо, худди ҳавонинг, шамолнинг қилаётган ишларига осмон аралашмагани сингари, Худонинг Ўзи бу жараёнлардан четда туради.

Упанишадаларда шундай дейилади: *йад-бхисша ватаҳ павате* - "Худои Таолодан қўрқанидан шамол эсади" (Тайттирия-упанишад, 2.8.1). "Бриҳад-аранийака-упанишад"да (3.8.9) шундай дейилган: *этасия ва акшарасия праисасане гарги сурйа-чандра-масау видхитая тишитхата этасия ва акшарасия праисасане гарги дайв-апритхивайау видхитая тишитхатаҳ* - "Ой, куёш ва бошқа сайёralар Худонинг Олий Шахсининг олий амрига бўйсуниб ҳаракат киладилар". "Брахма-самхита"да(5.52) ҳам шундай дейилган:

*йач-чакиур эша савита сакала-граханам  
раджса самаста-сура-муртир аеша-теджсаҳ  
йасайджсанайа бхрамати самбхрита-кала-чакро  
говиндам ади-пурушам там ахам бхаджсами*

Бу ерда қўёшнинг ҳаракати таърифланган. Қуёшни Худои Таолонинг кўзи деб атайдилар. У коинот бўйлаб чексиз микдорда ҳарорат ва нур таратиб туради. Шунга қарамай қуёш, Говинданинг амрига бўйсуниб, Унинг олий режаси бўйича, ўз орбитасидан чиқмай ҳаракат килади. Шундай килиб, биз ведаларда моддий оламдаги улуғвор ва баҳайбат нарсаларнинг барчаси Худо Шахсининг тўла ҳукми остида эканини билиб оламиз. Бу ҳақда тўққизинчи бобнинг кейинги шеърида батафсилоқ маълумот берилади.

#### *7. сарва-бхутани каунтейаа пракритим йанти мамикам калпа-киае пунас тани калпадау висриджсами ахам*

**Эй Кунтининг ўғли, ҳар бир калпа ниҳоясида бутун моддий олам  
Менинг табиатимга киради, кейинги калпа бошланганда эса, Мен  
уни қайтадан яратаман.**

Изоҳ: Моддий оламнинг пайдо бўлиши, мавжуд бўлиб туриши ва емирилиши Худо Шахсининг олий амрига боғлиқ. Калпанинг охирида, дегани "Брахманинг умри тутаганида" деган маънони билдиради. Брахма юз йил яшайди, унинг бир куни эса, ердаги вакт ҳисоби билан 4.300.000.000 йилга тенг. Унинг туни ҳам шунча вакт давом этади. Брахманинг бир ойи ана шундай ўттиз кун ва ўттиз тундан, бир йили эса, ўн икки ойдан иборат. Юз йил ўтгандан кейин, Брахма ўлганида, бутун моддий олам яксон бўлади, яъни Худои Таоло намоён этган

кувват яна Унинг Ўзига қайтиб келади. Кейин, моддий оламни яратиш зарурияти туғилганида, Худои Таолонинг амри билан яна моддий коинот яратилади. *Баху сійам*: "Мен ягонаман, лекин кўп бўламан". Бу афоризм Ведалардан олинган: ("Чхандогя-упанишад" 6.2.3). Парвардигор Ўзини моддий кувват кўринишида намоён этиб таратади, шунда моддий олам яна пайдо бўлади.

*8. пракритим свам аваштабхіа висриджсами пунаҳ пунаҳ  
бхута-грамам имам критснам авашам пракритеr вашат*

**Бутун борлиқ Менга бўйсунади. Менинг амрим билан у такрор ва тақрор пайдо бўлади, ҳар калпа охирида эса, Менинг хоҳишим билан яксон бўлади.**

Изоҳ: Моддий олам Худонинг Олий Шахсининг кўйи кувватининг намоён бўлишидир. Бу ҳақда бир неча бор таъкидлаган эдик. Уни яратиши жараёнида моддий кувват *маҳат-таттва* кўринишида ажralиб чиқади ва Парвардигор унинг ичига Пурушанинг биринчи кўриниши - Маха-Вишну қиёфасида киради. У сабаблар океани сувларида ётади ва нафаси билан сон-саноқсиз коинотларни чиқаради, шу коинотларнинг ҳар қайсисининг ичига Парвардигор Гарбходакашайи-Вишну сифатида киради. Моддий коинотлар шу тарзда пайдо бўлади. Кейин Парвардигор Ўзини Кширодакашайи-Вишну сифатида намоён этади, ҳар бир мавжудот ичига, ҳар бир атомнинг ичига кириб, бутун борлиқка сингиб кетади. Мазкур шеърда шу ҳақда айтиляпти: У бутун борлиқка сингиб кетган.

Тирик мавжудотлар эса, моддий табиат ичига кириб, бу ерда ўзларининг аввалги кармаларига асосан ҳар хил ҳолатларда яшай бошлийдилар. Моддий оламнинг фаолияти ана шундай бошланади. Ҳар турли таналарга эга бўлган тирик мавжудотлар моддий коинот яратилгандан бошлаб ҳаракатга келади. Ҳар хил ҳаёт турлари модданинг эволюцион ривожланиши жараёнида пайдо бўлади, деб ўйламаслик кепрак. Бу нотўғри фикр. Улар бир вақтнинг ўзида, моддий олам билан бирга яратилади. Одамлар, ҳайвонлар ва күшлар - барчаси бир вақтда пайдо бўлади, чунки тирик мавжудотнинг қандай танага эга бўлиши - унинг аввалги коинот яксон қилинганида қолган истакларига, каррмасига асосан белгиланади. Бу ерда ишлатилган *авашам* ибораси аниқ кўрсатиб турибдики, тирик мавжудотларнинг ўзлари бунга бевосита боғлиқ эмас. Аввалги коинотда қандай ҳолатда яшаган бўлса, тирик мавжудот коинот янгидан яратилганида, шундай ҳолатда пайдо бўлади, бу Худонинг амри билан амалга ошади. Худои Таолонинг англаб бўлмас қудрати ана шундай. Лекин, ҳар турли ҳаёт шаклларини яратиш билан, Парвардигор тирик мавжудотларга етарли мустақиллик бериб қўяди. Моддий олам тирик мавжудотларга ўз истакларини амал-

га оширишга уриниш имконини бериш учун яратилади, шу сабабли Парвардигор уларнинг тақдирига аралашмайди.

*9. на ча мам тани кармани нифадхнанти дхананджайа  
удасина-вад асинам асактам тешу кармасу*

**О Дхананджайа, лекин Мен бу ишлар билан банд бўлиб, уларга боғланиб қолмайман. Мен бу моддий фаолиятдан четда, унга алоқадор эмасдай бўлиб тураман.**

Изоҳ: Бу ерда айтилган гаплардан, Худонинг Олий Шахси, Парвардигор ҳеч қандай иш қилмайди, деган хуоса чиқармаслик керак. Руҳий оламдаги даргоҳида Парвардигор ҳамиша ҳар турли фаолият билан машғул. "Брахма-самхита"да(5.6) шундай дейилади: *аттамара-масия тасйасти пракрития на самагамаҳ* - "У ҳамиша мангув, лаззатга тўла руҳий фаолият билан машғул, аммо моддий фаолият билан мутлақо боғланган эмас". Моддий фаолият билан Парвардигорнинг ҳар хил қувватлари машғул бўлади. Парвардигорнинг Ўзи моддий фаолиятга алоқадор эмаслиги бу ерда *удасина-ват* ибораси билан кўрсатилган. Ҳатто энг арзимас моддий фаолиятни бошқара туриб ҳам, Парвардигор унга алоқадор бўлмай қолаверади. Худои Таоло худди судяга, яъни ҳукм чиқарадиган қозига ўхшайди. Унинг буйруғи билан бирорларни осадилар, бирорларни қамоққа ташлайдилар, кимгадир катта бойлик берадилар лекин, қозининг ўзи бу ишларга бетараф бўлиб, боғланмай қолаверади. Бу ердаги олиш-беришлар, фойда-заррлар Унга таъсир қилмайди. Гарчи ҳар қандай фаолиятда Унинг хоҳиши сезилиб турса ҳам, Худои Таоло уларга нисбатан бетараф бўлиб қолаверади. "Веданта-сутра"(2.1.34)да шундай дейилган:

288

*вашишамай-наирхриние на -* У моддий оламнинг қарама-қаршиликларидан ташқарида ва нисбийликнинг намоён бўлган ҳар қандай кўринишларига нисбатан трансцендент, илоҳий даражада. Шунингдек, у моддий оламнинг яралиш ва яксон бўлиш жараёнларига ҳам боғланмаган. Тирик мавжудотлар аввалги қилган ишларига қараб, ҳаётнинг турли хил шаклларида дунёга келадилар. Худои Таолонинг Ўзи бунга аралашмайди.

*10. майадхийакиена пракритих суйате са-чарачарам  
хетунанена каунтейя джагад випаривартате*

**Эй Кунтининг ўғли, Менинг қувватларимдан бири бўлган холда, қўзгалмас ва қўзгалувчан мавжудотларни яратиб, моддий табиат Менинг назоратим остида харакат қиласади. Моддий табиатнинг**

**фаолияти натижасида бутун олам тақрор ва тақрор пайдо бўлади, кейин яксон бўлади.**

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки, гарчи Худои Таоло моддий оламнинг фаолиятидан четда турса ҳам, У Олий Ҳукмдор бўлиб қолаверади. Худои Таоло олий ирова, олий фармон тимсоли бўлган ҳолда, моддий табиат ҳукми билан фаолият кўрсатаётган моддий оламнинг таянчи ҳисобланади. "Бҳагавад-гита"да Парвардигор - ҳар хил тур ва шакллардаги барча тирик мавжудотларнинг Отасиман дейди. Худди она корнига ота уруғлик кўйиши натижасида фарзанд дунёга келгани сингари, Худои Таоло ҳам Ўзининг бир нигоҳи билан моддий табиат ичига тирик мавжудотларнинг уруғини жойлаб қўяди. Ана шу тирик мавжудотлар аввалги ҳаётларидан қолган истаклари ва аввалги фаолиятларига мос равишда, ҳар хил ҳаёт турларида дунёга келадилар. Гарчи Худои Таолонинг назорати остида туғилсалар ҳам, барча тирик мавжудотлар ўзларининг аввалги фаолиятлари ва истакларига мос равишда ҳар хил моддий таналарга эга бўладилар. Шундай қилиб, Худои Таолонинг Ўзи моддий олам билан бевосита боғланган эмас. У моддий табиатга шунчаки нигоҳини ташлаб қўяди, натижада моддий табиат ҳаракатга келади ва ҳаётнинг турли шаклларини яратади. Албатта, моддий табиатга Ўз нигоҳини ташлаш билан Парвардигор ҳаракат қиласи, аммо Унинг Ўзи моддий оламни яратишда бевосита иштирок этмайди. Смритиларда шундай мисол келтирилган: агар одамнинг ёнида анвойи ҳид тарататётган гул ўсиб турган бўлса, гулнинг хиди унга бориб етади, лекин, гулнинг Ўзи ҳам, унинг хидини сезган киши ҳам бир-биридан узоқда қолаверадилар. Худди шундай алоқа моддий олам билан Худонинг Олий Шахси орасида мавжуд: Парвардигор моддий олам билан бевосита боғлиқ эмас, аммо нигоҳи билан У моддий оламни яратади, уни бошқариб туради. Бир сўз билан айтганда, Худонинг Олий Шахсининг амрисиз моддий табиатнинг Ўзи мустақил равишда ҳеч нарсага қодир эмас. Лекин, Худои Таоло ҳар қандай моддий фаолиятга нисбатан бетараф бўлиб қолаверади.

*11. аваджсананти мам мудха манушим танум ашритам  
парам бхавам аджсананто мама бхута-махешварам*

**Моддий оламга инсон қиёфасида келганимда нодонлар Менинг устимдан қуладилар. Улар бутун борлиқнинг Эгаси бўлган Менинг илоҳий табиатимни билмайдилар.**

Изоҳ: Аввалги шеърларда айтилган гаплардан равшан бўладики, Худои Таоло гарчи инсон қиёфасида бўлса ҳам, оддий одам эмас. Моддий оламнинг яратилиши, мавжудлиги ва яксон бўлишини бошқариб турадиган Худои Таоло оддий одам бўлиши мумкин эмас.

Лекин, Кришнани - шунчаки кудратли инсон, бошка ҳеч нарса эмас, деб ҳисобладиган жуда кўп ахмоқлар бор. Аслида эса, Кришна - азалий Олий Шахс. Буни "Брахма-самхита" ҳам тасдиқлайди - *ишварах парамаҳ кришинаҳ*. У - Худои Таолонинг Ўзи. Жаҳонда ҳар хил даражадаги ҳокимиятга эга бўлган хукмдорлар, ишваралар кўп. Давлатни бошқарув тизимида ҳар хил лавозимда ишлаётган раҳбарлар бор: директорлар ва юқори лавозимдаги амалдорларга бўйсунадиган раҳбарлар; улар ўз навбатида вазирларга бўйсунади, вазирлар эса - президентга бўйсунади. Уларнинг ҳар бири раҳбар, *ишвара*, лекин улар бошка кимгadir бўйсунадилар. "Брахма-самхита"да айтилганки, Кришна - Олий Хукмдор; албатта, руҳий оламда ҳам, моддий оламда ҳам хукмдорлар жуда кўп, лекин Кришна - олий хукмдор(*ишварах парамаҳ кришинаҳ*), Унинг танаси моддий эмас, *сач-чид-ананда виграҳа*.

Моддий табиат аввалги шеърларда таърифланган мўъжизаларни яратишига қодир эмас. Худои Таолонинг танаси илм ва лаззатга тўла, мангуб. Гарчи У оддий одамлардан бўлмаса ҳам, ғофил, нодон одамлар Унинг устидан кулиб, Кришнани оддий одам деб ўйлайдилар. Парвардигорнинг танаси бу ерда *манушиим* деб аталган, чунки У Аржуннинг дўсти, Курукшетра жангиде иштирок этувчи жангчи, дипломат сифатида оддий одамнинг вазифаларини бажаряпти. Кўп ҳолларда У Ўзини оддий одамдай тутяпти, лекин У - оддий одам эмас, Унинг танаси - мангуб лаззат ва мутлақ илм тимсолидир(*сач-чид-ананда-виграҳа*). Буни бошка ведавий битиклар ҳам тасдиқлайдилар. *Сач-чид-ананда-рупайа кришинаиа*: "Мен чукур эҳтиром билан илм, лаззат ва мангулук тимсоли бўлган Худонинг Олий Шахси, Кришна олдида сажда қиласман". ("Гопала-тапана-упанишад" 1.1). Ведаларда буни тасдиқловчи бошка маълумотлар ҳам келтирилган. *Там экам говиндам*: "Сен - сигирлар ва хиссиётларга лаззат келтирувчи Говиндасан". *Сач-чид-ананда-виграҳам*: "Сенинг тананг руҳий, мангуб, илм ва лаззатга тўла" ("Гопала-тапана-упанишад" 1.35.).

Гарчи Худои Таолонинг танаси илоҳий, илм ва лаззатга тўла бўлса ҳам, "Бҳагавад-гита"га изоҳ ёзган кўпчилик ҷаласавод олимлар Уни оддий одам деб ҳисоблаб, Унинг аҳамиятини камситмоқчи бўладилар. Аввалги ҳаётларида қилган эзгу, савоб ишлари туфайли ана шундай билимдонлар ҳозир ўткир қобилиятга эга бўлган, лекин, Кришна ҳақидаги нотўғри тасаввuri уларнинг эгаллаган руҳий илми саёзлигидан далолат бериб турибди. Худои Таолонинг уларнинг кўзига қўринмай турган кароматларидан, Унинг ҳар хил қувватларидан бехабар бўлгани сабабли, улар Кришнани оддий одам деб ўйлайдилар. Улар Кришнанинг мутлақ илм ва лаззат тимсоли эканини, У - ҳар кимга озодлик ато этишга қодир бўлган ягона Зот, бутун борлиқнинг Эгаси эканини билмайдилар. Кришнанинг сон-саноқсиз руҳий сифатларини билмай туриб, улар Унинг устидан куладилар. Худонинг Олий

Шахсининг моддий оламга келиши - Кришнанинг ички қувватининг намоён бўлиш эканини ҳам улар билмайдилар. Бир неча бор тушунтирганимиздай, Парвардигор айтяптики, (*мама майа дуратйаїа*), гарчи жуда кудратли бўлса ҳам, моддий қувват Унга бўйсунади, ўз ихтиёрини Худои Таолога бутунлай топширган киши моддий қувват таъсири остидан озодликка чиқа олади. Агар, ҳатто ўз ихтиёрини Худои Таолога топширган алоҳида руҳ моддий қувват ҳукмидан озод бўладиган бўлса, қандай қилиб Кришна, моддий оламни яратиб, мавжудлигини таъминлаб, уни якson қилиб турадиган кудратли Зот - бизникуга ўхшаган моддий танага эга бўлиши мумкин? Ҳаёт ҳақидаги бундай тасаввурлар шунчаки ғофиллик натижаси бўлиб, хеч қандай асосга эга эмас. Лекин, фикри ожиз кишилар қандай қилиб, Худо Шахси, оддий одамларга ўхшайдиган Шри Кришна, чексиз коинотдаги барча атомларга ҳукмронлик қилишини тушуна олмайдилар. Ундай одамлар энг катта нарсаларни ҳам, энг кичик нарсаларни ҳам бирдай тушуна олмайдилар, шу сабабли улар одам қиёфасидаги тирик мавжудтинг бир вақтнинг ўзида чексиз кичик нарсаларни ҳам, чексиз катта нарсаларни ҳам назорат қилиб туришини тасаввур қилолмайдилар. Аслида эса, ҳатто чекланган ва чексиз оламни бошқара туриб ҳам, Худои Таолонинг Ўзи улардан четда туради. Унинг *йогам ашиварам* - чексиз катта ва чексиз кичик оламларни бошқариш билан бир вақтнинг ўзида уларнинг барчасидан ташқарида қолиш имконини берадиган, англаш қийин бўлган илоҳий, сирли қуввати ана шундай. Гарчи нодон одамлар бу дунёда оддий одам қиёфасида пайдо бўладиган Кришнанинг чексиз катта ва чексиз кичик оламларни қандай назорат қилиб тура олишини тасаввур қилолмасалар ҳам, Худонинг содик хизматкорлари буни оддий нарсадай қабул қиладилар, чунки улар Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини биладилар. Шу сабабли, ўз ихтиёларини бутунлай Унга топшириб, ҳаётини Кришна онгидаги фаолиятга, Унга садоқат билан хизмат қилишга бағишлайдилар.

Худои Таолонинг инсон шаклидаги қиёфаси ҳақида персоналистлар билан имперсоналистлар орасидаги баҳс хеч қачон адo бўлмайди. Лекин, "Бҳагавад-гита"га ва "Шримад Ҷагататам"га, Кришна ҳақидаги илм баён этилган ишонарли мukаддас китобларга мурожаат қилиб, биз шуни англаб оламизки, Кришна - Худонинг Олий Шахси. Ер юзига оддий инсон қиёфасида келгани билан, аслида Унинг Ўзи оддий одам эмас. "Шримад Ҷагататам"нинг биринчи қўшиқ биринчи бобида, Шаунака бошлиқ донишмандлар Кришнанинг кароматлари ҳақида савол бера туриб, шундай дейдилар: -

*криставан кила кармани саха рамена кешаваҳ*

*ати-мартијани бхагаван гудхаҳ капата-манушиҳ*

"Парвардигор Шри Кришна, Худонинг Олий Шахси Балорама билан бирга инсон вазифасини бажардилар. Ана шу қиёфаларида улар жуда кўп ғайритабиий кароматлар кўрсатдилар. (Ш.Б.1.1.20)

Парвардигорнинг инсон қиёфасида пайдо бўлиши ғофил одамларнинг ақлини шошириб қўяди. Ҳеч бир одам Кришнанинг инсон қиёфасида Ерга келган пайтида кўрсатган кароматларини тақрорлай олмайди. Аввало У ота-онаси Васудева билан Девакининг олдида тўрт кўллик қиёфада пайдо бўлди, кейин, уларнинг илтижосини бажариб, оддий чақалоққа айланди. "Шримад Ҷхагаватам"да айтилганки:(10.3.46), *"бабхува пракритаҳ ишиуҳ"*: - "У оддий чақалоққа айланди". Бу ердаги шеърда ҳам, Парвардигорнинг инсон қиёфасига кира олиш қобилияти - Унинг илоҳий танасининг хусусиятларидан бири экани кўрсатилган. Бу ҳақда "Ҷхагавад-гита"нинг ўн биринчи бобида ҳам айтилган, унда Аржун Кришнадан Ўзининг тўрт қўллиқ қиёфасини кўрсатишни илтимос қиласи(тенаива рупена чатурбхуджена). Аржуннинг олдида шундай қиёфада намоён бўлиб, Кришна Аржуннинг илтимоси билан яна азалий инсон кўринишидаги қиёфасига кирди(*манушам рупам*). Бундай кароматлар оддий одамнинг қўлидан келмайди.

Кришнадан нафратланадиган, майавадилар фалсафасидан захарланган баъзи одамлар Кришнанинг оддий одам эканини исботламоқчи бўлиб, "Шримад Ҷхагаватам"дан куйидаги шеърни рўйич қиласи: (3.29.21) *"ахам сарвеши бхутешу бхутатмавастхитаҳ сада"* - "Худои Таоло ҳар бир тирик мавжудотда мавжуд". Кришнанинг устидан кулишга уринаётган ана шундай нотаниш, ишончсиз билимдонларнинг изохларини ўқигандан кўра, Джива Госвами ва Вишванатха Чакраварти Тхакур сингари ачарйа-вайшнавларнинг ёзган изохларини ўрганиш керак. Мазкур шеърни изохлар экан, Джива Госвами шундай дейди: Кришна Ўзининг тўлиқ экспансияси, Параматма яъни Олий Рух қиёфасида барча қўзгалувчан ва қўзгалмас тирик мавжудотлар танасида мавжуд, шу сабабли, бошқа тирик мавжудотларни ҳурмат қиласидиган, аммо Худои Таолонинг эхромдаги *арча-мурти* қиёфасига сажда килишга одатланган тажрибасиз содик, бундай сингинишлардан ҳеч қандай натижага эришмайди. Содикларнинг уч тоифаси мавжуд, тажрибасиз содиклар - энг паст тоифадаги содиклардир. Шундай тажрибасиз содик бошқа содикларга нисбатан эхромдаги илоҳларга кўпроқ эътибор беради. Вишванатха Чакраварти Тхакур хаёт ҳакидаги бундай тасаввурларни ўзгартиришини тавсия қиласи. Худонинг содик хизматкори шуни тушуниб этиши кепракки, Кришна Олий Рух, Параматма қиёфасида барча тирик мавжудотларнинг қалбида ҳам мавжуд, демак, ҳар бир тирик мавжудотнинг танаси - Парвардигорнинг эхроми ҳисобланади. Эхромга қандай муносабатда бўлсак, бошқа тирик мавжудотларнинг таналарига ҳам шундай муносабатда бўлишимиз лозим, чунки уларнинг қалбида ҳам Олий Рух, Худои Таоло мавжуд. Шу сабабли ҳар бир тирик мавжудотни бирдай эъзозлашимиз лозим.

Кўпчилик имперсоналистлар эҳромдаги сифинишларни ҳам танқид қилмоқчи бўладилар. Улар айтадиларки, Худои Таоло ҳамма ерда мавжуд, нимага энди факат эҳромдагина сифиниш билан ўзимизни чеклаб кўйишимиз лозим? Аммо, Худои Таоло ҳамма ерда мавжуд бўлса, нимага энди У эҳромда ёки Илоҳнинг ичидаги ҳам бўлиши мумкин эмас? Имперсоналистлар билан персоналистлар орасидаги баҳслар ҳеч қачон адо бўлмайди, лекин, Кришна онгига эга бўлган Худонинг содик хизматкори шуни биладики, Кришна Худонинг Олий Шахси бўлган ҳолда, айни пайтда ҳамма ерда мавжуд бўла олади, буни "Брахма-самхита" ҳам тасдиқлайди. Гарчи У хамиша Ўзининг руҳий даргоҳида, Голока Вриндаванада бўлса ҳам, ҳар хил қувватлари ва тўла намоён бўлган экспансиялари кўринишида ҳамма ерда, моддий ва руҳий оламнинг ҳар бир бурчагида ҳам мавжуд.

*12. можхааша можха-кармано можха-дженана вичетасаҳ  
ракиасум асурим чаива пракритим мохинум ширитаҳ*

**Алданган ва адашган ҳолда улар ҳаёт ҳақида иблиссифат, Худосиз тасаввурларга асосланиб яшайдилар, шу боис уларнинг озодликка чиқишига бўлган ниятлари ҳеч қачон амалга ошмайди, ҳаётда муваффақиятга эришиш ва илм олишга бўлган барча уринишлари бехуда кетаверади.**

Изоҳ: Жуда кўп одамлар ўзларича Худони, Кришнани англаб етдик, Кришна онги билан яшаемиз ва садоқат билан Худога хизмат қилиб юрибмиз, деб ҳисоблайдилар, лекин қалбида Худонинг Олий Шахсини, Кришнанинг Мутлақ Ҳақиқат эканини тан олмайдилар. Шундай одамлар ҳеч қачон Худога хизмат қилиш лаззатидан баҳраманд бўлолмайдилар ва олий мақсадга - ўзларининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига эриша олмайдилар. Худди шундай, умрининг охирида моддий тутқуниликдан озодликка чиқишини ният қилиб, хайрли ишлар қилиб, кармали фаолият билан шуғулланиб юрган одамлар ҳам, агар Худонинг Олий Шахси, Кришнани тан олмай, Унинг ҳолатини камситиб юрсалар, ҳеч қачон мақсадига эриша олмайдилар. Бошқача қилиб айтганда, Кришнани тан олмайдиган, Унинг устидан куладиган одамлар - иблислар, яъни атеистлардир. "Бҳагавад-гита"нинг еттинчи бобида айтилганки, шундай иблис-атеистлар ҳеч қачон ўз ихтиёрини Худога, Кришнага топшира олмайдилар. Шу сабабли, Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги фалсафий изланишлари уларни "тирик мавжудотлар Кришнадан фарқ қилмайди", деган нотўғри хulosаларга олиб келади. Ана шундай адашиш уларни, "инсон танаси - моддий қувватдан иборат парда, моддий танадан қутулғандан кейин одам яна Худо билан тенг бўлиб қолади, Унга кўшилиб кетади" - деб ўйлашга мажбур қиласди. Худо билан кўшилиб кетишга бўлган ана шундай уринишлар ҳеч

качон амалга ошмайди, чунки бундай интилишлар нотўғри хулосаларга асосланган. Атеист ва иблисларнинг руҳий илм олишга бўлган интилишлари ҳамиша беҳуда кетаверади. Мазкур шеърнинг мазмуни шундан иборат. "Веданта-сутра", Упанишадалар сингари ведавий муқаддас китобларни ўрганиб юргани билан бундай одамлар барибир умрини бекорга зое қиласидар.

Шу боис, Кришнани, Худонинг Олий Шахсини оддий одам, деб хисобладиган ҳар қандай одам - энг осий гуноҳкордир. Ундаи одам шубҳасиз ғафлатда, адашган, чунки Кришнанинг мангу қиёфасини англашга кодир эмас. "Бриҳад-Вишну-смрити"да аниқ кўрсатилганки:

*йо ветти бҳаутикам дехам кришинаса параматманаҳ  
са сарвасмад баҳии-карнаҳ шраута-смарта-видханатаҳ  
муҳкам тасйавалокиати са-челаҳ снанам ачарем*

"Кришнанинг танасини "моддий" деб хисобладиган кишини шрути ва смритиларда кўрсатилган маросим ва ақидаларда иштирок этишга яқинлаштирмаслик керак. Бехосдан унинг юзига кўзи тушган одам муқаддас Ганга сувида ювиниб покланиши лозим". Одамлар Кришнанинг устидан куладилар, чунки улар Худонинг Олий Шахсига ҳасад қиласидар. Шундай одамлар моддий оламда иблис ва атеистлар хона-донида такрор ва такрор туғилиб-ўлишларга маҳкум бўладилар. Уларнинг қалбидаги мудраб ётган ҳақиқий илм алданиш пардаси билан мангу тўсилиб қолаверади, натижада улар аста-секин моддий оламнинг энг куйи жойларига, энг тубан дўзахий сайёralарга тушадилар.

*13. маҳатманас ту мам партха дайвим пракритим ашритаҳ  
бҳаджсанти ананий манасо гыйатва бҳутадим авайайам*

**О Парта, адашишдан пок бўлган буюк руҳлар эса, ҳамиша илоҳий табиат ҳимояси остида бўладилар. Улар Менга мухаббат ва садоқат билан хизмат қиласидар, чунки улар азалий ва ўзгармас Худонинг Олий Шахси - Мен эканимни биладилар.**

Изоҳ: Бу ерда маҳатмалар таърифланган. Маҳатманинг асосий белгиси шундан иборатки, у ҳамиша илоҳий табиат ҳимояси остида бўллади. Моддий табиат унга ҳеч қандай таъсир кўрсата олмайди. Ана шундай ҳолатга қандай эришиш мумкин? Бу ҳакда еттинчи бобда айтилган: Худонинг Олий Шахси, Шри Кришнага ўз ихтиёрини топширган одам шу заҳотиёқ моддий қувват таъсири остидан чиқади. Асосий шарт шундай. Моддий табиат ҳукмронлиги остидан кутулиш учун шартланган руҳ Худонинг Олий Шахсига ўз ихтиёрини бутунлай топшириши лозим. Бу биринчи қадам. Тирик мавжудот Парвардигорнинг оралиқ қувватига мансуб бўлгани сабабли, моддий қувват ҳукми остидан чиқиб, у руҳий қувват ҳимоясига киради. Тирик мавжудотни ўзининг ҳукми, ҳимояси остига оладиган руҳий қувватни *дайви-*

пракрити, "илохий табиат" деб атайдилар. Инсон Худонинг Олий Шахсига ўз ихтиёрини топшириб, руҳий даражага кўтарилиганида у буюк рух, махатма бўлади.

Махатманинг бутун дикқат эътибори Кришнага қаратилган, чунки у, Кришна - Худонинг Олий Шахси, барча сабаблар сабабчиси эканини охиригача, тўла англаб етган бўлади. Бунга унинг қалбида ҳеч қандай шубҳа қолмаган. Факат махатмалар, Худонинг соф содик хизматкорлари билан ҳамсуҳбат бўлиш шарофати билангина инсон "махатма" даражасига кўтарилиши мумкин. Худонинг соф содикларини Кришнанинг бошқа қиёфалари, масалан тўрт кўллик Маха-вишну сингари қиёфалар ўзига жалб этолмайди. Махатмаларнинг бутун ақлу-ҳаёли Кришнанинг икки кўллик қиёфасида мужассам бўлади. Улар қандайдир одамлар ёки фаришталар у ёқда турсин, ҳатто Худои Таолонинг намоён бўлган бошқа қўринишларига ҳам кизиқмайдилар. Кришна онгига эга бўлиб, улар ўзларининг ҳамма фикр-ўйларини факат Кришнада, Худои Таолода мужассам қиласидилар. Улар ҳамиша Кришна онгиди Худои Таолога хизмат қиласидилар ва ҳеч қачон Худога хизмат қилиш йўлидан адашмайдилар.

*14. сататам киртайланто мам йатантаси ча дридха-враташ  
намасайлантиши ча мам бхактия нитийа-йукта упасате*

**Чарчамасдан Мени олқишлиб, Менга қатъий ишонч билан хизмат қилиб, оғимга йиқилиб, бу буюк руҳлар ҳамиша Менга муҳаббат ва садоқат билан сажда қиласидилар.**

Изоҳ: Шунчаки махатма деб исм қўйиш, ёки бирор белги осиб қўйиш билан оддий одамни махатма қилиб бўлмайди. Ҳақиқий махатма маълум сифатларга, фазилатларга эга бўлиши керак, улар бу ерда кўрсатилган: махатма тинмасдан Худои Таолони, Шри Кришнани шарафлаб юради. Унинг ҳаётда қиласидиган бошқа иши йўқ. У ҳамиша Худои Таолони шарафлаш билан банд. Бошқача қилиб айтганда, махатма имперсоналист бўлиши мумкин эмас. Шарафлаш деганда Худои Таолони, Унинг муқаддас номини, Унинг мангу қиёфасини, руҳий сифатларини ва мўъжизавий кароматларини шарафлаш тушунилади. Худои Таолони шарафлагандага Унинг шахсий табиати намоён этган ана шу хусусиятларини олқишлиш керак. Бу демак, махатма ҳамиша Худонинг Олий Шахсига боғланган бўлади.

"Бҳагавад-гита" Худои Таолонинг шахсиятсиз қўринишига, брахмаджйотига боғланган одамларни махатмалар тоифасига киритмайди. Имперсоналистлар кейинги шеърда таърифланган, лекин Кришна уларни махатмалар деб айтмайди. Махатма ҳамиша "Шримад Бҳагаватам"да кўрсатилган Худога садоқат билан хизмат қилишининг хар хил турларидан иборат фаолият билан банд: у қандайдир одам ёки

бирор фаришта ҳақида эмас, факат ягона Парвардигор Вишну ҳақидаги хикояларни тинглайди ва бошқаларга гапириб беради. Худои Таолога садоқат йўли шундай: *ираванам киртанам вишноҳ ва смаранам*, яъни ҳамиша Парвардигорни эслаб юриш. Ана шундай махатма қандай қилиб бўлса ҳам, умрининг охирида Худои Таоло билан беш турли муносабатларнинг бири доирасида ҳамсухбат бўлиш имкониятига эришишга интилади. Шу мақсадга эришиш учун у танаси, ақли ва нутқи, бутун вужуди билан Худои Таолога, Шри Кришнага садоқат билан хизмат қиласи. Мана шу Кришнани, Худони англашнинг энг комил ҳолатидир.

Худога садоқат билан хизмат қилишда белгиланган қонун-қоидалар мавжуд: маълум кунларда, масалан тўлишаётган ёки камаяётган ҳар ойнинг ўн биринчи кунида, экадаш кунида, Худои Таолонинг бу дунёга келган кунида рўза тутиб, оч юриш. Бу қонун-қоидаларни буюк устоз-ачарйалар, ҳақиқатан ҳам Худои Таоло билан руҳий оламда мангу яшашга интилаётган кишилар учун кўрсатиб кетгандар. Махатмалар ана шу қоидаларга тўла амал қиласидар, шу сабабли улар истаган ниятларига албатта эришадилар.

Бу бобнинг иккинчи шеърида айтилган эди, Худога хизмат қилиш билан шуғулланиш шунчаки осон бўлиб қолмасдан, кишига чексиз қувонч бағишлиди. Инсон руҳий даражага кўтарилиш учун қаттиқ риёзат чекишининг ҳожати йўқ. Ҳаётда қаерда ва ким бўлишидан қатъий назар, оиласликми, брахмачарийми ёки саннийасими, у тажрибали руҳий устоз раҳбарлиги остида Худога хизмат қилиш билан шуғулланиши мумкин. Инсон ҳамма жойда, ҳамиша, ҳар қандай вазиятда Худонинг Олий Шахсига хизмат қилиши ва шу тарзда махатма даражасига кўтарилиши мумкин.

*15. джанана-йаджнена чапи айиे йаджсанто мам упасате  
экатвена притхактвена баҳудҳа вишвато-муҳкам*

**Илм ўрганиш воситасида қурбонлик қилиб, Худога сифиниб юрган бошқа бировлар эса, Худои Таолони "ягона ва бўлинмас, Ўзини қўплаган қиёфаларда намоён этадиган ва фазовий қиёфага эга бўлган Зот" деб билган ҳолда Унга сажда қиласидар.**

Изоҳ: Мазкур шеър аввал айтилган гапларга якун ясайди. Парвардигор Аржунга айтятники, фикру-хаёли факат Кришнада бўлган Худонинг содиқ хизматкорларини махатмалар деб атайдилар; улар билан бир қаторда махатма деб аталишга муносиб бўлмаган, лекин ўзларича барибир Кришнага, Худои Таолога сифиниб юрган одамлар бор. Улардан баъзилари ҳақида аввал айтиб ўтилган эди: улар - бошига мусибат тушганда, муҳтожлиқда, қизиқувчанилиги сабабли ва илм ўрганиш ниятида Худои Таолога мурожаат қиласидиган одамлар. Лекин улардан ҳам

пастроқ даражада бўлган одамлар ҳам бор: уларни уч тоифага бўлиш мумкин: 1. Ўзини Худо деб билиб, Худо сифатида факат ўзига сигинадиганлар; 2. Ҳаёлида қандайдир Худонинг киёфасини ўйлаб, ана шу киёфага сигинадиганлар; 3. Парвардигорнинг фазовий киёфасига, вишварупага сигинадиганлар. Буларнинг орасида, энг паст тоифага мансуб зотлар, яъни ўзларини монистлар деб атаб, ўзига Худо сифатида сигинадиганлар кўпроқдир. Ўзларини Худои Таоло билан бир деб хисоблаб, улар факат ўзига сигинадилар. Бу ҳам ўзига яраша Худога сигинишининг бир тури, чунки улар ўзларини моддий тана деб хисобламайдилар, ўзларининг рух эканини биладилар. Ўзини моддий тана деб, ҳаётда иймон-эътиқодсиз, ҳеч нарсага сигинмай ҳайвонлардай яшагандан бу ҳам яхши. Одатда имперсоналистлар Худои Таолога айнан шундай тасавурлар билан сигинадилар. Фаришталарга сигинадиганлар иккинчи тоифага киради. Улар ҳар қандай киёфа - Худои Таолонинг киёфаси деб ўйладилар. Учинчи тоифага тасавурлари моддий олам чегараларидан юқори кўтарила олмайдиган ғоғил одамлар киради. Улар моддий оламни мукаммал тўлиқ зот деб, унга сигинадилар. Коинот ҳам Худои Таолонинг намоён бўлган қўринишларидан биридир.

*16. аҳам қратур аҳам йаджнаҳ свадҳаҳам аҳам аушадҳам  
манттро “ҳам аҳам эваджайам аҳам агнир аҳам хутам*

**Аммо, ведавий урф-одат ҳам, қурбонлик маросими ҳам, аждодларга аталган эҳсон ҳам, доривор гиёҳ ҳам ва илохий мадхия ҳам - Мен Ўзимман. Қурбонлик олови, оловга қўйиладиган ёғ ва қурбон қилинадиган эҳсон ҳам Менман.**

Изоҳ: *Джйотиштома* деб аталадиган Ведавий маросим ҳам, смритиларда ёзилган *маха-ягъя* сингари - Кришна. Питрилокага қилинган эҳсон, яъни Питрилока аҳолисини мамнун қилиш учун ўтказиладиган қурбонлик - сариёғ қўринишидаги ўзига хос дармон ҳисобланади - бу ҳам Кришна. Қурбонлик маросими пайтида ўқиладиган мантралар ҳам, қурбонлик пайтида эҳсон қилинадиган сут ва сут маҳсулотларидан қилинган ҳар хил таомлар ҳам - Кришна. Қурбонлик олови ҳам Кришна, чунки, у беш моддий унсурнинг бири ва Кришнанинг ажралган қуввати ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, Ведаларнинг кармаканда бўлимода кўрсатилган ведавий қурбонлик маросимлари ҳам Кришнанинг Ўзи ҳисобланади. Шу сабабли, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши ведаларда кўрсатилган барча қурбонлик маросимларини ўтказган ҳисобланади, дейилган.

*17. питахам асъя джагато матта дхата питамахаҳ  
ведайам павитрам омкара рик сама йаджур эва ча*

**Коинотнинг отаси ва онаси, унинг таянчи ва бобокалони ҳам - Менман. Билишдан мақсад, покловчи куч ва "оум" бўгини ҳам Мен, шунингдек "Риг-веда", "Сама-веда", "Яджур-веда" ҳам Менман.**

Изоҳ: Бутун моддий олам, барча қўзғалувчан ва қўзғалмас тирик мавжудотлар Кришнанинг қувватларининг ҳар хил фаолияти натижасида пайдо бўлади. Моддий оламда биз ҳар хил тирик мавжудотлар билан алоқа қиласиз, улар ҳам аслида Кришнанинг оралиқ қувватидан бошқа нарса эмас. Пракритининг яратиш фаолияти натижасида уларнинг баъзилари бизларга ота ва она, ака ва ука, ёки яна кимдир бўлиши мумкин, лекин аслида, уларнинг ҳаммаси - Кришнанинг ажралмас зараларидир. Яъни, биз ота, она, ва ҳоказо деб юрган зотлар аслида Кришнадан бошқа нарса эмас. Бу ерда ишлатилган *дхата* ибораси "яратувчи" деган маънони англатади. Бизларни дунёга келтирган ота-она миздан ташқари, ота-оналаримизнинг ота-оналари, коинотни яратган зот ҳам - Кришна. Аслида, ҳар бир тирик мавжудот Кришнанинг ажралмас бўлаги бўлган ҳолда, Кришнадир. Шу сабабли бутун ведалар илми, барча муқаддас китоблар бизни Худога, Кришнага ундейди. Ведаларда, муқаддас китобларда нозил қилинган илм аста-секин бизни Кришнани англаб олишга етаклади. Содикларнинг гапларини тинглашимиз натижасида ўзимизнинг рух эканимизни, Кришнанинг бир зарраси эканимизни англаб етадиган ҳикоялар ҳам, албатта - Кришна. Шунга ўхшаб, ведавий илмга эга бўлишга интилаётган тирик мавжудот ҳам Кришнанинг бўлаги, демак, Кришнанинг Ўзи. Барча ведавий мантралар таркибига кирадиган, *пранава* деб аталадиган "оум" бўгини, трансцендент, илоҳий товуш ҳам, - Кришна. Пранава, яъни омкара, тўрт веда - Сама, Яджур, Риг, Атхарва - ведаларнинг таркибига киргани сабабли, уларни ҳам Кришна деб ҳисоблаш керак.

*18. гатир бхарта прабхүҳ сакии нивасаҳ шаранам сухрим  
прабхаваҳ пралайаҳ стханам ниҳханам биджам авйайам*

**Мақсад ҳам, сақловчи ҳам, буюрувчи ва гувоҳ ҳам, паноҳ, даргоҳ ва энг яқин дўст ҳам Мен Ўзимман. Яралиш ва емирилиш ҳам, бутун борлиқнинг асоси, ором олиш маскани ва мангур уруғи ҳам Менман.**

Изоҳ: Гати ибораси инсон интилиб юрган мақсадни билдиради. Ҳаётда энг олий мақсад - Кришна, Худо ҳисобланади, лекин одамлар буни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Худои Таоло, Кришна ҳақида ҳеч нарса билмайдиган одамлар хато йўлдан борадилар, уларнинг барча интилишлари, харакатлари жуда чекланган ёки хом-хаёлдан иборат.

Жуда кўп одамлар у ёки бу фаришталарнинг сайёralарига боришга интиладилар, ва ведаларда кўрсатилган қонун-қоидаларга тўла амал килиб, Индралока ёки Сурйалокага, Чандралокага, Махарлокага ва бошқа сайёralарга эришадилар. Аммо бу лока, сайёralарнинг барчаси, Кришнанинг яратгани бўлиб, бир вақтнинг ўзида ҳам Кришна, ҳам Кришна эмас. Кришнанинг қувватидан яралгани сабабли, улар Кришнадан фарқ қиласиди, лекин аслида улар Кришнага эришиш йўлидаги поғоналардир. Кришнанинг ҳар хил қувватлари билан боғланиш - демак Кришна билан боғланишдир, лекин бевосита эмас. Яхиси Худо билан, Кришна билан бевосита боғланган маъқул, чунки бу бизнинг вақтимизни, кучимизни асраб қолади. Агар баланд иморатнинг охирги қаватига лифт ёрдамида кўтарилиш имкони бўлса, бирма-бир поғона босиб, зинапоядан кўтарилиб юришнинг нима ҳожати бор? Ҳамма нарса Кришнанинг қувватида жойлашган, шу сабабли, ҳеч нарса Кришнадан ташқарида мавжуд бўлиши мумкин эмас. Кришна - Олий Ҳукмдор, чунки бутун борлиқ Уники ва Унинг қуввати билан мавжуд бўлиб турибди. Ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида намоён бўлган ҳолда, Кришна Олий Гувоҳ ҳамдир. Биз яшаб турган уйимиз, ватанимиз, сайёрамиз - ҳаммаси Кришна. Кришна - энг олий мақсад ва олий паноҳ, шу боис, ҳар хил ҳавф-хатардан ўзимизни ҳимоя килиш ва азоб-уқубатлардан ҳолос бўлиш учун инсон ўз ихтиёрини Кришнага топшириши лозим. Ким қандай ҳимояя муҳтож бўлишидан қатъий назар, ҳамиша шуни эсида сақлаши лозимки, бизни факат қудратли тирик куч, Кришна ҳимоя қила олади. Кришна - энг Олий Тирик Мавжудот. У бизнинг дунёга келишимизнинг олий сабабчиси, энг чукур маънода ҳақиқий отамиз бўлгани сабабли, ҳаётда биз учун Кришнадан ҳам яқинроқ, Кришнадан, Худодан ҳам яхшироқ дўст бўлиши мумкин эмас. Кришна - оламнинг азалий, бошлангич манбаи ва яксон бўлганда унинг паноҳ топадиган нажот маконидир. Шу сабабли Кришна барча сабабларнинг мангуси, бошлангич сабабчисидир.

*19. тапами аҳам аҳам варшам нигриҳами утсриджами ча  
амритам чайва мритайчи ча сад асан ҷаҳам арджуна*

**О Аржун, ҳарорат берадиган ҳам, ёмғир юборадиган ва уни тўхтатадиган ҳам Менман. Мен - мангуликман ва Мен - ажал тимсолиман. Модда ҳам, рух ҳам Менда мужассам.**

Изоҳ: Күёшнинг нури ва электр қуввати сингари Ўзининг ҳар хил қувватлари ёрдамида Кришна бутун оламни ёритиб туради. Ана шу Кришна ёзда ёмғирни тўхтатиб, кузда, ёмғир палласида ёмғир билан ерни сугоради. Умримизни узайтириб, ҳаётимизни таъминлаб турадиган қувват ҳам Кришна, умримизнинг охирида кўзимиз олдида ажал киёфасида пайдо бўладиган ҳам Кришна. Кришнанинг ҳар хил

кувватларини ўрганиб, шундай хулосага келамизки, Кришна учун модда билан рухнинг фарқи йўқ, яъни Кришна - ҳам модда, ҳам рух. Худди шундай, қалбида тўла Кришна онгини ривожлантирган киши ҳам ҳеч нарсани бир-биридан ажратмайди, ҳамма нарсага бир хил назар билан қарайди. У ҳамма ерда фақат Кришнани кўради.

Кришна - ҳам модда, ҳам рух бўлгани сабабли, бутун борлиқдан иборат баҳайбат фазовий қиёфа ҳам - Кришна, Унинг икки қўллик Шйамасундара кўринишида Вриндаванда намоён этган эрмаклари эса - Худо Шахсининг эрмакларидир.

*20. траи-видйа мам сома-паҳ пума-пана  
йаджнайр иштва свар-гатим прартхайанте  
те пунйам асадайа сурендра локам  
аинанти дивиан диви дева-бхоган*

**Жаннатий сайёralарга эришиш ниятида Ведаларни ўрганиб, сома шарбатини ичиб юрганлар ҳам ўзларича Менга сигинадилар.** Аввалги гуноҳлари оқибатидан ҳалос бўлиб, улар Индранинг саҳоватли жаннат сайёрасида туғиладилар ва фақат фаришталарга насиб этадиган неъматлар билан лаззатланиб яшайдилар.

Изоҳ: *Траи-видйаҳ* - уч ведани, Сама-, Яджур- ва Риг-ведани билдиради. Ана шу уч Ведани ўрганганди брахманни *три-веди* деб атайдилар. Ведаларда кўрсатилган илмни эъзозлайдиган ва уларга қатъий риоя қиласидиган кишини ҳамма хурмат қиласиди. Афсуски, кўпчилик буюк олимлар ва Веда билимдонлари уларнинг охирги мақсадини тушунмайдилар. Шу боис бу ерда Кришна Ўзини “уч Веданинг ҳам олий мақсади” деб эълон қиласиди. Ҳақиқий три-ведилар Кришнанинг нилуфар пойқадамлари паноҳига кириб, Худои Таолони мамнун қилиш ниятида садоқат билан хизмат қиласидилар. Садоқат билан Худога хизмат қилиш Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишдан, Кришнанинг табиатини англашга интилишдан бошланади. Бахтга қарши, Ведаларни юзаки ўрганиб юрганлар, Индра, Чанда сингари фаришталарга атаб курбонлик маросимлари ўтказишни афзал биладилар. Албатта, бундай фаолият ҳам уларнинг аста-секин покланишларига, моддий табиатнинг куйи гуналари таъсиридан ҳалос бўлиб, Махарлока, Тапалока, Жаналока сингари олий сайёralар тизимиға кўтарилишга ёрдам беради. Коинотнинг олий сайёralарига тушган одамлар хиссиётини лаззатлантириш учун, ер сайёрасидагига қараганда чексиз катта имкониятларга эга бўладилар.

*21. те там бхуктва сварга-локам вишалам  
кишине пунье мартыйа-локам вишанти  
эвам трайи-дхармам ануупратанна*

*гатагатам кама-кама лобханте*

**Жаннатда анча вақт лаззатланиб яшаб, савоб ишларининг натижаси адо бўлганида улар яна ерга қайтиб келадилар. Шундай килиб, ўз хиссиятнинг талабини кондириш учун, уч Веда қонунларига амал қилиб юрган кишилар, мукофот сифатида яна кетма-кет туғилиб-ўлишларга эга бўладилар, холос.**

Изоҳ: Олий сайёralарга эришгач, инсон узоқ яшайди, лаззатланиш учун жуда кўп имкониятларга эга бўлади, лекин, ҳеч ким у ерда мангум қололмайди. Қилган хайрли ишларининг савоби тугагандан кейин мангум рух, яна ерга қайтишга мажбур бўлади. Ҳаёт ҳақидаги, "Веданта-сутра"да джанмади асия йатаҳ деб кўрсатилган, мукаммал илмга эга бўлмаган киши, бошқача қилиб айтганда барча сабаблар сабабчиси бўлган Худои Таолони, Кришнани англаб етмаган инсон хаётнинг олий мақсадига эришиш имкониятидан маҳрум бўлади. Шу боис, моддий оламнинг туғилиб-ўлишлар чархпалагида айланиб юраверишга мажбур бўлади: худди каруселда ўтиргандай, гоҳида юқори сайёralарга кўтарилиб лаззатланади, гоҳида қуи, дўзахий сайёralарга тушиб азоб чекади. Инсон ҳаёти берадиган нодир имкониятдан фойдаланиб, эришган одам ҳеч қачон қайтиб келмайдиган руҳий оламга интилиш ўрнига, тирик мавжудот моддий оламнинг у сайёрасидан бу сайёрасига ўтиб, туғилиб-ўлишлар чархпалагида айланиб юраверади. Шу боис, инсоннинг ҳаётда қилиши лозим бўлган энг фойдали иши - руҳий оламга кўтарилиб, илм ва лаззатга тўла мангум ҳаётга эришиш, азоб-уқубатларга тўла бу моддий оламга ҳеч-қачон қайтиб келмаслик учун садоқат билан Худога хизмат қилиш йўлига киришдан иборат.

*22. ананиаш чинтайланто мам йе джанаҳ парўупасате  
тешам нитайабхийуктанам йога-кишемам вахами аҳам*

**Аммо, ақлинни Менинг руҳий қиёфамда мужассам қилиб, ўзгармас садоқат билан ҳамиша Менга сажда қилиб юрган зотларнинг тўплаган бойлигини Ўзим асраб турман, мухтоҷ бўлган нарсасини етказиб бераман.**

Изоҳ: Ҳаётини Кришна онгидаги фаолиятдан ташқарида тасаввур қила олмайдиган киши ҳамиша, кечаю-кундуз Худони ўйлаб, эслаб юрадилар. Ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиб, улар Кришна ҳақидаги хикояларни тинглайдилар, Кришна ҳақида бошқаларга гапириб берадилар ва Уни эслаб юрадилар, Унга сажда қилиб, илтижо билан нилуфар қадамлари пойига хизмат қиласидилар, Худонинг кўрсатмаларига амал қилиб, қалбида Унга нисбатан дўстлик туйгуларини равожлантириб, ўз ихтиёрини бутунлай

Унга топширадилар. Саодатли ва рухий кувватга тўла бўлган ана шундай фаолият Худонинг содик хизматкорининг ҳаётда факат битта - Худонинг Олий Шахси билан ҳамиша бирга, бевосита мулоқотда бўлиш истаги қолганида, унга ўзликинглашнинг энг олий поғонасига кўтарилишда ёрдам беради. Худои Таолонинг ана шундай садоқатли хизматкори ҳеч қийналмасдан Худонинг даргоҳига эришади. Мана шу йўл - "Йога" деб аталади. Худонинг марҳамати билан шундай содик ҳеч қачон бу моддий оламга қайтиб келмайди. *Килема* дегани, ҳаммага меҳрибон Парвардигор Ўзининг содик хизматкорини ҳамиша ҳимоя қиласди, деган маънони билдиради. Йога воситасида Парвардигор содикнинг Кришна онгига эга бўлишига ёрдам беради, содик Кришна онгига тўла эга бўлганида, Парвардигор уни рухий йўлдан адашишдан ва мусибатли моддий тирикчиликка яна тушиб колишдан ҳимоя қиласди.

*23. ие "ни аниа-девата-бхакта йаджсанте шраддхайанвитаҳ  
те "ни мам эва каунтейа йаджсантий авидхи-пурвакам*

**Ишонч билан фаришталарга сигинадиганлар ҳам аслида Менинг Ўзимга сигинадилар, эй Кунтининг ўғли, лекин, улар буни нотўғри қиласдилар.**

Изоҳ: "Фаришталарга сигинаётганлар ҳам, барибир, аслида Менга сигинаётган бўлсалар ҳам, улар унчалик тўғри йўлда эмас" - дейди Кришна. Агар одам дараҳтнинг шоха ва баргларини сугорса-ю, илдини қуруқ қолдирса, демак, унинг етарли илми йўқ ёки у кўрсатилган қоидаларга амал қиласдиган бўлади. Худди шундай, тананинг ҳар хил аъзоларини таъминлаш учун факат коринни тўйғазиш керак. Фаришталар - Худои Таоло ҳукуматидаги вазир ва амалдорлардир, холос. Инсон ҳар хил идораларни бошқарадиган амалдорларнинг гапларига учмасдан, ҳукумат белгилаб қўйган қонун-қоидаларга риоя килиши керак. Худди шундай, бизлар ҳам бошқа ҳеч кимга эмас, факат Худои Таолога сигинишимиз керак. Шунда Худои Таолонинг ҳукуматидаги барча амалдор ва вазирлар ҳам биздан мамнун бўладилар. Ҳар хил лавозимдаги амалдорлар ҳукумат номидан харакат қиласдилар, лекин уларга пора бериб, давлат қонунларига қарши иш қилишга ундаш конунбузарлик ҳисобланади. *Авидхи-пурвакам* ибораси ана шуни кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, Кришна фаришталарга бемаъни сигинишини кўллаб-куватламайди.

*24. аҳам хӣ сарва-йаджсанам бҳокта ча прабхур эва ча  
на ту мам абхиджсананти таттвенаташ чайаванти те*

**Барча қурбонликлардан лаззатланадиган ва уларга әғалик қыладиган ягона Зот - Менман. Шу боис, Менинг ҳақиқий рүхий табиатимни англаб етмаган киши адашиб, рухий юксалиш йўлидан чиқиб кетади.**

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки, Ведаларда белгиланган барча қурбонлик маросимлари аслида Худои Таолони мамнун қилиш учун мўлжалланган. *Яёя* - "Вишну" деганидир. "Бҳагавад-гита"нинг учинчи бобида очик-ойдин шундай дейилган: инсон Яйани, яъни Вишнуни рози қилиш, Худони мамнун қилиш учун меҳнат қилиши лозим. *Варнашрама-дхарма* деб аталадиган энг мукаммал жамият тизимининг асосий вазифаси ҳам фақат Вишнуни мамнун қилиш, яъни Худони рози қилишдан иборат. Шу боис, мазкур шеърда Кришна айтапти: "Барча қурбонликлар билан битта Мен Ўзим лаззатланаман, чунки ҳамма нарса Меники". Лекин, шуни билмаган ҳолда, ғофил, нодон одамлар ўткинчи нарсаларга эришиш ниятида фаришталарга сифинадилар. Шу сабабли, улар ҳаётда олий мақсадга эриша олмайдилар ва моддий оламда мусибатга тўла кун кечириб юраверадилар. Агар, мабодо, содиқнинг қалбида қандайдир моддий истаклар қолган бўлса, уларни амалга ошириш учун яхшиси Худои Таолонинг бевосита Ўзига мурожаат қилиш керак, шунда у истаган барча ниятларига эришади.

*25. йанти дева-врата деван питрин йанти питри-вратат  
бхутани йанти бхутеджайа йанти мад-йаджино “ни мам*

**Фаришталарга сифинадиганлар фаришталар орасида туғиладилар; ўтган аждодларига сифинадиганлар аждодларининг олдига борадилар; ажина ва арвоҳларга сифинадиганлар шундай зотлар танасида дунёга келадилар; Менга сифинадиганлар эса, Мен билан яшайдилар.**

Изоҳ: Ойга, Қўёшга ва ҳар қандай бошқа сайёрага боришини истаган киши ўз мақсадига эришиш учун Ведаларда берилган кўрсатмаларга катъий амал қилиши лозим, ведаларда бу усул *дариш-наурнамасий* деб аталади. Бу қоидаларнинг барчаси, Ведаларнинг карма-канда деб аталадиган қисмида, ҳар хил жаннатий сайёralарда яшайдиган фаришталарга сифиниш қоидалари ёзилган бўлимидан ба-тафсил таърифланган. Худди шунингдек, маълум қурбонлик маросими ўтказиш билан инсон аждодларининг(питалар) сайёрасига, арвоҳлар сайёрасига кўтарилиши ёки ракшас, ажина танасига кириши мумкин. Ажиналарга сигиниш йўлини "жодугарлик" деб аташади. Ана шундай жодугарлик билан шуғулланадиган одамлар ҳам ўзларининг қилаётган ишларини "рухий фаолият" деб ҳисоблайдилар, аслида эса бу фаолият

мутлако моддий фаолиятдир. Факат Худонинг Олий Шахсига сифинадиган Худонинг соф содик хизматкори эса, Вайкунтахадаги энг олий сайёрага, Кришналокага эришади, бунга хеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Бу - мазмуни жуда муҳим бўлган шеър. Агар фаришталарга сифиниш ёрдамида одам жаннатга эришадиган бўлса, аждодларига сифинадиганлар аждодларининг олдига борадиган бўлса, жодугарлик билан шуғулланадиганлар жин-арвоҳларнинг сайёralари-га эришадиган бўлса, нимага Худонинг соф содик хизматкори Кришнанинг яъни Вишнунинг сайёрасига эришмас экан? Афсуски, аксарият одамлар Кришна, Вишну яшайдиган ана шу руҳий сайёralар ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмаслар. Шундай илмдан маҳрум бўлгани сабабли, улар моддий оламда мусибатга тўла ҳаёт кечириб юраверадилар. Ҳатто браҳмаджайотига эришган имперсоналистлар ҳам ана шундай тақдирдан қочиб кутула олмайдилар. Шу сабабли, Кришнани англаш ҳаракати мана шу нодир илмни Ер сайёрасида яшаётган ҳамма ҳалқларга етказишга ҳаракат қиласди, токи шунчаки Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш ёрдамида жаҳондаги ҳар бир одам ҳозирги ҳаёти давомидаёқ камолотга эришиб, ўзининг ҳақиқий уйига, руҳий оламга, Худонинг даргоҳига эриша олсин. Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре.

*26. патрам пушпам пхалам тойам йо ме бхактия прайаччхати  
тад ахам бхакти-упахритам аинами прайатат манаҳ*

**Агар одам Менга мухаббат ва садоқат билан барг, гул, мева ёки бироз сув таклиф этса, Мен албатта унинг эҳсонини қабул қиласман.**

Изоҳ: Етарли ақл-заковатга эга бўлган одам хеч қачон йўқолмайдиган мангув лаззатга тўла ҳаёт ҳукм сурадиган даргоҳга эришиш, ҳақиқий баҳтга эришиш учун Худои Таолога илоҳий мухаббат билан хизмат қилиб, қалбиди Кришна онгини ривожлантириши лозим. Ана шундай ажойиб натижага эришиш имкониятини берадиган усул жуда осон. Бу усул билан ҳатто хеч нарсаси йўқ энг қашшоқ одам ҳам шуғуллана олади. Бу усул билан шуғулланиш учун зарур бўлган ягона шарт - инсон Худонинг содик хизматкори бўлиши керак. Сизнинг ҳаётда, жамиятда қандай мартаба, лавозим эгаллаб турганингизнинг мутлако аҳамияти йўқ. Худога хизмат қилиш усули шу қадар оддий ва сoddаки, одам Худои Таолога ҳатто барг, гул, мева ёки озгина сув таклиф қиласа ҳам, агар у самимий, чин ихлос билантаклиф қилаётган бўлса, Худо ундан рози бўлади ва албатта унинг эҳсонини қабул қиласди. Кришнани, Худони англашнинг бу усули жуда осон ва ҳаммаболлиги билан ҳар қандай одамни ўзига жалб этади, бу усулдан ҳар ким фойдаланиши мумкин. Энг ғоғил, аҳмоқ одамлардан бошқа

ким ҳам мана шу оддий усулдан фойдаланиб, инсон ҳаётида эришиши мүмкин бўлган энг олий мақсадга: - илм ва лаззатга тўла мангук ҳаётга эришишдан бош тортарди? Худои Таолога, Кришнага факат бизнинг муҳаббат ва садоқатимиз керак, холос. Унга биздан бошқа ҳеч нарса керак эмас. Худои Таоло Ўзининг содик хизматкоридан биргина баргни ҳам қабул қиласди, аммо Ўзига содик бўлмаган одамдан ҳеч нарса, катта бойликни ҳам қабул қилмайди. Худои Таолога, Кришнага ҳеч кимдан, ҳеч нарсанинг кераги йўқ, чунки У Ўзига тўла бутундир, лекин шунга қарамай, У Ўзининг содик хизматкорининг муҳаббатига, садоқатига миннатдорлик билан жавоб бериб, унинг эҳсонини, хизматини қабул қиласди. Кришна онгига эга бўлиш - ҳаётда энг олий камолотга эришиш демақдир. Бҳакти, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш - Кришнага, Худога яқинлашишнинг ягона йўли эканини алоҳида таъкидлаш учун, бҳакти ибораси бу ерда икки марта ишлатилган. Худои Таолони, Кришнани, ҳар қандай билимдон-олим эмас, браҳман эмас, бой-бадавлат киши эмас, буюк файласуф эмас, айнан бҳакти, яъни Худонинг содик хизматкори бирор эҳсон қабул қилишга мажбур қила олади. Агар кишининг қалбida ана шу асосий нарса, бҳакти, садоқат бўлмаса, ҳеч ким Худои Таолони ҳеч кимдан бирор эҳсон қабул қилишга мажбур қиломайди. Бҳакти ҳеч нарсага боғлик эмас ва мангук барҳаёт туйғу. Бҳакти - Худои Таолога, Мутлақ Ҳақиқатга садоқат ва муҳаббат билан холис хизмат қилишдир.

Ўзини ўтказиладиган ҳар қандай курбонлик маросимлари натижасидан ягона лаззатланувчи, азалий, бошланғич Парвардигор деб эълон қилиш билан Худои Таоло, Кришна одамлардан қандай эҳсон кутаётганини айтяпти. Ҳаётда покланиб, инсон ҳаётининг олий мақсади - Худои Таолога илоҳий муҳаббат билан холис хизмат қилиш даражасига эришишга интилиб, Худога садоқат билан хизмат қилишни истаётган киши биринчи навбатда Худои Таоло ундан нимани истаётганини билиб олиши лозим. Худои Таолони севадиган киши ҳамиша Кришнага У севадиган нарсаларни эҳсон қиласди, Кришна истамаган, Худои Таолонинг Ўзи сўрамаган нарсаларни ҳеч қачон таклиф қилмайди. Худои Таолога, Кришнага ҳеч қачон гўшт, балиқ ва тухум таклиф қилиш мумкин эмас. Агар Худои Таоло ана шундай нарсаларни истаётган бўлса, бу ҳақда Ўзи айтган бўларди. Худои Таоло Ўзига барг, гул, мева ва сув таклиф қилишларини, шуларни У албатта, қабул қилишини айтяпти. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, Худои Таоло биздан ҳеч қачон гўшт, тухум, балиқдан қилинган нарсаларни қабул қилмайди. Сабзавотлар, дон, мевалар, сув ва сут маҳсулотлари инсон учун озиқ сифатида Худои Таоло томонидан белгилаб қўйилганд. Бошқа ҳар қандай озиқ-овқатларни Худои Таолога таклиф қиласмаслик керак, Кришна уларни қабул қилмайди. Бундай ҳаром нарсаларни Худои Таолога таклиф қилиш билан биз Унинг хоҳишига қарши иш

қилган, яъни Худога муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиш даражасида ҳаракат қилмаётган бўламиз.

Учинчи бобнинг ўн учинчи шеърида, Шри Кришна айтадики, - "Моддий тутқунлиқдан қутулиб, руҳий юксалиш йўлидан юришга интилаётган киши

факат курбонлик эҳсонларининг қолдиқлари (prasad, sarkit) билан озиқланиши лозим. Ўзининг овқатини аввало Худои Таолога таклиф килмаган киши факат гунохга ботади". Бошқача қилиб айтганда, оғзига солган ҳар бир ҳаром лукма билан одам моддий табиат чангалига бадтар ўралиб, гунохга ботиб бораверади. Аммо, оддий ва ширин вегетариан таомлар тайёрлаб, аввал уларни Парвардигор Кришнанинг тасвири олдида қўядиган, эҳтиром билан бош эгиб, Худои Таолодан ана шу арзимас эҳсонни қабул қилишни самимий илтимос қиласидан киши учун руҳий юксалиш йўлида муваффакият, танасининг поклиги ва фикрининг тиниқлиги кафолатланган. Бу сифатлар ҳалол-пок таом билан озиқланиши натижасида миянинг нозик ҳужайраларининг ривожланиши туфайли юзага келади. Энг муҳими эҳсон муҳаббат билан таклиф этилиши лозим. Бутун борликнинг ягона Эгаси, Ҳукмдори бўлган ҳолда, Кришна ҳеч қандай овқатга муҳтоҷ эмас, лекин, барibir, У шу тарзда Ўзини мамнун қилишни истаётган содик хизматкоридан бу эҳсонни қабул қиласиди. Таом тайёрлашда, уни Худои Таолога эҳсон қилишда ва тарқатишда энг муҳими - Кришнага муҳаббат туйғуси билан ҳаракат қилишdir.

Мутлақ Ҳақиқатнинг сезги аъзолари йўқ, деб қатъий даъво килаётган имперсоналист-файласуфлар "Бҳагавад-гита"нинг мазкур шеърини тушунишга қодир эмаслар. Улар учун бу ё шунчаки ўхшатиш, ёки "Бҳагавад-гита"ни баён этган Кришнанинг оддий инсон эканига исбот бўлиб қолаверади. Лекин, аслида Худонинг Олий Шахси, Шри Кришнанинг муқаддас китобларда айтилганидай, ҳар нарсага қодир бўлган сезги аъзолари бор. Бошқача қилиб айтганда, Худои Таолонинг ҳар бир сезги аъзоси бошқа ҳар қандай сезги аъзосининг вазифасини ҳам бажара олади. Кришнанинг мутлақ табиати ҳақида гапирилганда Унинг айнан мана шу сифати назарда тутилади. Агар Худои Таолонинг сезги аъзолари бўлмаганда, Уни комил Зот деб хисоблаб бўлмасди. Еттинчи бобда Кришна шунчаки нигоҳини ташлаш кўйиш билан моддий табиат ичига тирик мавжудотларнинг уругини жойлаб кўйишини айтган эди. Худди шунингдек, бу ерда ҳам, содик хизматкорининг таом таклиф қиласетиб Ўзига изҳор этаётган муҳаббат тўла сўзларини тинглар экан, у шунчаки нигоҳини ташлаш билан таомни, албатта, қабул қиласиди, унинг таъмини ҳам сезади. Буни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим: Шри Кришна, Худои Таоло Мутлақ табиатга эга бўлгани учун, содикнинг илтижоларини тинглаш билан таомдан татиб, ундан ейди. Худои Таолони ҳеч қандай уйдирмаларсиз, ўзидан ҳеч нарса ўйлаб чиқармасдан, Кришнанинг Ўзи нима деса шундайли-

гича қабул қиласиган, содик хизматкоргина Худонинг Олий Шахси овқат ейиши ва ундан лаззатланиши мумкинлигини тушуна олади.

*27. йат кароши йад ашинаси йадж джухоши дадаси йат  
йат тапасийаси каунтейа тат курушва мад-арпанам*

**Нима билан шуғуллансанг ҳам, нима есанг, нима совға қилсанг ҳам, нима берсанг ва қандай риёзат чексанг ҳам, барчасини қурбонлик сифатида Менга бағишила, эй Кунтининг ўғли.**

Изоҳ: Ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги асосий бурчи - ўз ҳаётини ҳеч қаҷон, ҳар қандай вазиятда ҳам Худои Таолони, Кришнани эслаб юрадиган қилиб ташкил қилишдан иборат. Жонимизни танада сақлаб туриш учун биз ҳаммамиз меҳнат қилишга мажбурмиз, бу ерда Кришна килаётган ҳамма ишларимизни Худои Таолога бағишлишни тавсия қиляпти. Ҳеч ким овқатланмасдан яшай олмайди, аммо аввал Кришнага таклиф қилинган таом билан овқатланиш керак. Ҳар қандай маданиятли одам бирор динга эътиқод қиласи, қандайдир ақидаларга, урф одатларга риоя қиласи: шунинг учун, Кришна: "Ҳаммасини Мен учун кил!" деб айтяпти. Ҳаётда ана шундай яшаш арчана деб аталади. Ҳар бир одам қалбида бошқаларга қандайдир яхшилик қилишга, ҳайрэхсон қилишга мойиллик сезади, Кришна айтяпти, "Менга эҳсон кил!" Демак, биз эҳтиёжимиздан ортган барча бойлигимизни Худони, Кришнани англаш ҳаракатини ривожлантириш, ҳар бир одамнинг Худони англаб этишига ёрдам бериш йўлида сарфлашимиз лозим. Ҳозирги даврда жуда кўп одамлар мурокаба қилиш билан шуғулланишга интиладилар, лекин ҳозирги даврда бу усулга амал қилиш қийин. Аммо, тасбеҳда Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб, ҳамиша Кришна ҳакидаги ўйлар билан банд бўлиб юрган киши, "Бҳагавад-гита"нинг олтинчи бобида Кришнанинг Ўзи таъкидлаганидай, энг буюк йог ва сехгрардир.

*28. шубҳацубҳа-пхалаир эвам мокшиасе карма-бандханаиҳ  
санниаса-йога-йуктатма вимукто мам упашийаси*

**Шунда сен кармали фаолиятинг азобидан, унинг яхши ва ёмон оқибатларидан озод бўласан. Таркидунёликнинг мана шу йўлидан адашмай бориб, сен озодликка эришасан ва Менинг даргоҳимга қайтасан.**

Изоҳ: Энг олий ишонарли Зот раҳбарлиги остида ҳаракат килаётган кишини йукта деб атайдилар. Муқаддас китобларда йуктавайрагай ибораси кўп учрайди. Рупа Госвами бу иборани шундай тушунтирган:

*анасактасай вишайсан йатхархам упайундожатаң*

*нирбандах қришина-самбандхе йүктам вайрагайам учтайте*

"Хаётда ҳеч нарсага боғланиб қолмаган, лекин ҳамма нарсаны Худои Таолога, Кришнага хизмат қилишда ишлатадиган киши ҳақиқатан ҳам бирор нарсага эгалик, хўжайнинлик қилиш туйғусидан озод кишидир" (Бхакти-расамрита-синдху, 1.2.255). Рупа Госвами айтятптики, моддий оламда яшар эканмиз, биз ҳаракат қилишга, ишлашга мажбурмиз. Ҳеч ким ҳаракат қилмай тураломайди. Агар биз қандайдир фаолият билан машғул бўлатуриб, унинг натижаларини Кришнага бағишиласак, шундай кайфият, шундай тушунча билан яшаш - юкта-вайрагай деб аталади. Ҳақиқий таркидунёлик руҳи билан сугорилган ана шундай фаолият акл ойнасини тозалайди, бундай фаолият билан машғул бўлган киши, руҳий юксалиш йўлида ривожлана бориб, бутунлай Худонинг хоҳиш-иродасига бўйсуниб яшай бошлади. Шундай килиб у охир-окибатда ҳақиқий озодликка эришади. Бу озодлик брахмаджитига кўшилиб кетадиган озодлик эмас. Худонинг содик хизматкори Худои Таолонинг даргоҳига эришади. Бу ерда аниқ айтилган: *мам упашийаси* - "у Менинг олдимга келади", яъни ўзининг уйига, Худонинг даргоҳига эришади. Озодликка эришишнинг беш тури мавжуд, лекин бу ерда аниқ килиб айтилганки, хозирги ҳаётида Худои Таолонинг кўрсатмаларига амал қилиб юрган киши умрининг охирида танасини тарқ этиб, албатта, ўзининг ҳақиқий уйига, Худонинг даргоҳига боради ва Парвардигор билан бевосита мулоқотда бўлиш имкониятига эга бўлади.

Ҳаётини бутунлай Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишилаган киши ҳақиқий санніяси ҳисобланади. Шундай одам ўзини Худонинг мангу хизматкори деб ҳисоблайди, ва ҳамма нарсада факат Унинг Ўзига таваккал қиласди. Шу боис, Худо учун қилинадиган ҳар қандай иш, Худога хизмат қилиш деб ҳисоблайди. У муқаддас китобларда кармали фаолиятни тартибга солиш учун келтирилган қонун-қоидаларга унчалик эътибор бермайди. Жамиятда яшаётган одамлар муқаддас китобларда кўрсатилган қонун-қоидаларга амал қилишлари лозим. Ҳаётини бутунлай Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишилаган содик хизматкор ҳам, гарчи баъзан унинг қилаётган ишлари ғалатироқ туюлса ҳам, аслида Ведаларнинг қонун-қоидаларига амал қилиб юрган бўлади.

Шу боис, буюк устозлар, ачаря-вайшнавлар айтадиларки, ҳатто энг фаросатли киши ҳам, Худонинг соғ содигининг фикрларини ва ишларини тушунишга қодир эмас. *Танра вакъя, крийя, мудра виджнес-ха на буджхайа* (Чайтанья-Чаритамрита, Мадхья, 23.39) Ҳамиша Худои Таолога хизмат қилиб юрган, бутун фикру-ҳаёли Худога садоқат билан хизмат қилишга боғлиқ нарсаларда бўлган кишини "озодликка эришган зот" деб ҳисоблаш керак. Вакти келиб у, албатта, ўз уйига,

Худонинг даргоҳига қайтади. У ҳам, худди Шри Кришнадай бегуноҳ ва атеистларнинг ҳар хил танқидларидан устун туради.

*29. само “ҳам сарва-бхутешу на ме двешио “сти на прийах  
йе бхаджсанте ту мам бхактия майи те тешу чати ахам*

**Мен ҳеч кимдан нафратланмайман, ҳеч кимга боғланиб қолмаганман. Мен ҳаммага бир хил муносабатда бўламан. Лекин, ким Менга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилаётган бўлса, у - Менинг дўстим. У ҳамиша Менинг қалбимда, Мен ҳам унинг дўстиман.**

Изоҳ: Бунда шундай савол туғилиши мумкин: агар Кришна барчага баробар муносабатда бўлса ва ҳеч кимни “дўстим” ёки “душманим” деб хисобламаса, нимага у ҳамиша ўзига садоқат билан хизмат килиб юрган содикларига алоҳида ғамхўрлик қиласи? Лекин, бу ўз-ўзидан келиб чиқадиган табиий ҳол, бунда Худои Таолони адолатсизликда айблашга ўрин йўқ. Моддий оламда яшаётган ҳар бир одам бошқаларни севиши, уларга ғамхўрлик қилиши мумкин, лекин у ўзининг фарзандларига ҳамиша алоҳида меҳр билан қарайди. Худои Таоло айтияптиki, барча тирик мавжудотлар, қайси ҳаёт турига мансуб бўлмасин, - Унинг фарзандларидир, шу боис У тирик мавжудотларнинг ҳар бирини ҳаёт учун зарур бўлган барча нарсалар билан таъминлаб қўйибди. Парвардигор худди ҳамма ерга - тоғларга ҳам, денгизга ҳам, ерга ҳам бирдай ёмғир қуйиб ўтадиган булутга ўхшайди. Лекин Ўзининг содикларига У алоҳида ғамхўрлик қиласи. Бу ерда айнан шу ҳақда айтияпти: ҳамиша Кришна онгида ҳаракат килиб, улар Кришна билан бевосита боғланган руҳий даражада қоладилар. “Кришна онги” деган гапнинг ўзи, шундай онгга эга бўлган кишиларнинг Кришна билан бирга, Унинг ичида яшаётганини назарда тутади. Парвардигор Кришна аниқ айтияпти: *майи те* - “Улар Мендадирлар”. Ана шу ҳолатнинг табиий натижаси сифатида Худои Таоло ҳам уларнинг қалбida бўлади. Тирик мавжудотнинг Худои Таоло билан муносабати ўзаро ҳамкорликка асосланган. Худои Таоло шундай дейди: *йе йатха мам пранадианте тамс татхаива бхаджсами ахам* - “Инсон қай даражада ўз ихтиёрини Менга топширса, Мен унга шу даражада ғамхўрлик қиласман”. Худои Таоло билан Унинг содик хизматкорини боғлаб турган мангу муносабатлар мавжуд, чунки Худои Таоло ҳам, содик хизматкор ҳам онгли мавжудотлардир. Олтин узукка қадалган бриллиант яна ҳам гўзалрок бўлади. Бриллиант олтинни, олтин эса бриллиантни безаб туради.

Худои Таоло ва тирик мавжудотлар ҳамиша ўзидан нур таратиб турадилар, лекин, тирик мавжудот Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишини истаганида, худди олтинга ўхшаб ялтирай бошлайди.

Парвардигор эса бриллиантга ўхшайди, уларнинг бирга бўлиши хақиқий гўзаллик тимсоли бўлади. Бегубор пок руҳий онгга эга бўлган тирик мавжудотларни Худонинг содик хизматкори деб атайдилар. Худои Таоло ҳам ўз содикларининг хизматкорига айланади. Агар содик билан Худои Таолонинг муносабатлари ўзаро ҳамкорлик асосида бўлмаса, персонализм фалсафаси ҳам юзага келмаган бўларди. Персонализм - Худои Таоло билан тирик мавжудот ўзаро шахсий муносабатларда бўлишини назарда тутади, имперсонализм эса, бундай муносабатларни инкор этади.

Парвардигорни кўпинча орзулар дараҳтига ўхшатадилар: У одамларнинг ўзлари истаган ҳамма нарсани беради. Бу ерда шу ҳолат тўла таърифлаб кўрсатилган. Бу ерда Парвардигор Ўзининг содик хизматкорларини алоҳида ажратиб, уларга алоҳида марҳамат кўрсатишини айтяпти. Худонинг марҳаматини карма оқибати, карма қонунининг амалда намоён бўлиши, деб хисобламаслик керак. Бу марҳамат - илоҳий табиатли, Худои Таоло ва Унинг содик хизматкори орасидаги алоҳида марҳаматdir. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг моддий фаолият билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Худога садоқат билан хизмат қилиш мукаммал илм, чексиз лаззат мангу ҳукмрон бўлган руҳий оламнинг бир бўлгадидир.

*30. ани чет су-дурачаро бҳаджсате мам ананиа-бҳак  
садхур эва са манта вайаҳ самайаг вайавасито хи саҳ*

**Агар Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши, ҳатто энг жирканч иш қилиб қўйса ҳам, барибир уни авлиё одам деб хисоблаш керак, чунки у тўғри йўлдан боришга қатый қарор қилган одамdir.**

Изоҳ: Бу ерда келтирилган *су-дурачара* ибораси жуда муҳим аҳамиятга эга ва унинг маъносини тўғри тушуниш керак. Шартланган ҳолатида тирик мавжудот икки турдаги фаолият билан машғул бўлади: ташки моддий фаолият ва ўзининг онгига, табиатига лойик бўлган руҳий, ички фаолият. Танасининг эҳтиёжини қондириш учун, инсон моддий оламда жамият ва давлат қонунларига бўйсуниб, гарчи у Худонинг содик хизматкори бўлса ҳам, ҳар хил фаолият билан машғул бўлишга мажбур. Унинг мазкур фаолияти шартланган фаолият тоифасига киради. Бундан ташкари, ўзининг руҳий табиатини тўла англаб етган инсон Кришна онги доирасида ҳам, яъни Худога садоқат билан хизмат қилишда ҳам машғул бўлади. Шундай фаолият “руҳий фаолият” деб аталади. Бу фаолият инсоннинг ички табиатига мансуб бўлади ва Худога садоқат билан хизмат қилиш тоифасига киради. Худонинг содик хизматкори шартланган ҳолатда бўлганида, унинг Худога хизмат қилиш фаолияти ва шартланган фаолияти баробар, биргаликда

амалга ошади, баъзида эса, ҳатто бир-бирига нисбатан зид, қарама-қаршиликларга дуч келади. Худонинг содик хизматкори ҳамиша эҳтиёткорлик билан ҳаракат қиласди, ва иложи борича шаънига иснод келтирадиган, гуноҳ ишлардан йироқ бўлишга ҳаракат қиласди. У ўзининг ҳаётда қилаётган ишлари, фаолияти қалбида Кришна онги қанчалик даражада ривожланганига мос эканини яхши билади. Лекин, баъзида, Кришна онгига эга бўлган киши ижтимоий ва сиёсий нуқтаи-назардан қараганда номаъкул бўлган ишларни қилиб қўйиши мумкин. Аммо бундай адашиш вақтинчалик ҳол бўлиб, содикни эришган руҳий натижаларидан маҳрум қилмайди. "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, агар инсон бирор гуноҳ иш қилиб қўйса, аммо унинг қалби Худои Таолога илоҳий мұхаббат билан ҳамиша хизмат қилишга бағишиланган бўлса, унинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигорнинг Ўзи унинг қалбини поклаб, бу гуноҳини кечириб юборади. Моддий табиатнинг инсонни гуноҳга ундовчи таъсири шунчалик кучлики, баъзан ҳатто ҳаётини Худога хизмат қилишга бутунлай бағишилаган йог ҳам унинг қурбони бўлиши мумкин. Аммо, Кришна онгининг кудрати билан у бундай адашиш ботқогидан тезда покланиб олади. Шу боис, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўли ҳамиша муваффақият билан тугайди. Худонинг содик хизматкорини руҳий юксалиш йўлидан адашишга мажбур қилган, ўзи тасодифан қилиб қўйган бундай ишини ҳеч ким қораламаслиги керак. Чунки, кейинги шеърда айтилганидай, вақти келиб, содик қалбида Кришна онгини тўла ривожлантирганида бундай адашишлар бутунлай йўқ бўлиб кетади.

Шу боис, ҳатто агар тасодифан бирор гуноҳ иш қилиб қўйган бўлса ҳам, ҳамиша қатъий ишонч билан Кришна онги доирасидаги фаолият билан машғул бўлиб, Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре илоҳий товушларидан иборат буюк мантрани мунтазам зикр қилиб юрган кишини "руҳий даражадаги одам" деб ҳисоблаш керак. Шри Кришна *садхур эва* (у авлиё одам) сўзини алоҳида таъкидлаб айтяпти. Худои Таолонинг бу гаплари оддий одамларни огоҳлантириш учун қилган алоҳида эслатмасидир: билмасдан адашиб, гуноҳ иш қилиб қўйган Худонинг содик хизматкорини ҳеч қачон масхаралаб кулманг! Ҳатто руҳий ҳаёт йўлидан адашган содикни ҳам *садху*, авлиё одам деб ҳисоблаш керак. *Мантавиаҳ* сўзи бу фикрни яна ҳам кучлироқ тасдиқлайди. Мана шу огоҳлантиришга эътибор бермай, Худонинг содик хизматкори устидан куладиган одамлар Худои Таолонинг қонунига, кўрсатмасига зид иш қилган бўладилар. Худонинг содик хизматкоридан талаб қилинадиган ягона сифат - бутун вужудини, ҳаётини бағишилаб Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишдир. "Нрисимха-пурана"да шундай дейилади:

*бхагавати ча харав ананя-чета  
бхриша-малино "ни вираджате манушаҳ*

*на хи шаша-калуша-ччхабиҳ кадачит  
тимира-парабхаватам упашти чандраҳ*

Бу шеърнинг мазмуни шундан иборатки, агар ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилишда банд бўлиб юрган киши, баъзида ножӯя иш қилиб кўйса, бундай ишларни худди ой юзидағи қуён шаклига ўхшаган додга ўхшатиб қабул қилиш керак. Бу дод ой нурининг ерга тушишига халақит бермайди. Худди шунингдек, одамнинг Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан тасодифан адашиб кетиши уни гуноҳкорлар қаторига қўшиб кўймайди.

Аксинча, бу ерда келтирилган гапларни бошқача талқин қилиб, "Худога хизмат қилиб юрган киши ҳар қандай гуноҳ содир қилиши мумкин", деган хулоса чиқармаслик керак: бу ерда сўз қаттиқ моддий боғланишлардан келиб чиқадиган, тасодифан бўладиган гуноҳ ишлар ҳакида боряпти. Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирган киши Худои Таолонинг алдамчи кувватига қарши уруш эълон қилган бўлади. Токи инсон қалбида унинг ҳужумларини бартараф қилишга етарли куч тўпламас экан, тасодифий адашишлардан қочиб қутулиб бўлмайди. Лекин, содик руҳий юксалишда етарли қудратга эга бўлганида бундай адашишлар ўз-ўзидан йўқолиб кетади. Ўзини Худонинг содик хизматкори деб хисоблайдиган ҳеч бир одам Худога хизмат қилаётганини пеш қилиб, мазкур шеърни рўйиҳа қилиб, ўзининг номаъкул, гуноҳ ишларини оқламаслиги керак. Худога садоқат билан хизмат қилиб яшар экан, содик ўзининг бемаъни одатларидан, истакларидан иложи борича тезроқ ҳалос бўлишга интилмаса, Худога хизмат қилишининг куйи погоналарида қолиб кетаверади.

*31. кишипрам бҳавати дхарматта шашвач-чхантим нигаччхати  
каунтейа пратиджсанҳи на ме бҳактаҳ пранашиятни*

**Факат эзгу ишлар билан машғул бўлиб, у тезда мангур оромга эришади. Эй Кунтининг ўғли, қўрқмасдан ваъда бериб, ҳаммага дадил эълон қил: Менинг содик хизматкорим ҳеч қачон ҳалок бўлмайди.**

Изоҳ: Бу шеърнинг маъносини тўғри тушуниш керак. Еттинчи бобда Парвардигор айтган эдики, гуноҳ ишлар қилиб юрган киши ҳеч қачон ўз ихтиёрини Худога топшириб, Унга хизмат қила олмайди. Худои Таолога таваккал қилиб, ўз ихтиёрини Унга топширмаган иймон-эътиқодсиз киши ҳеч қандай эзгу иш қилишга, бировга яхшилик қилишга кодир эмас. Лекин, қандай қилиб тасодифан ёки атайлаб гуноҳ ишлар киладиган киши Худонинг соғ содик хизматкори бўлиши мумкин? Бу ҳақиқатан ҳам муҳим савол. Еттинчи бобда айтилганидай, гуноҳкорлар ҳеч қачон Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кирмайдилар, бу "Шримад Бҳагаватам"да ҳам тасдиқланади.

Одатда, Худога хизмат қилишнинг тўккиз тури билан шуғулланиб, одам қалбини барча моддий иллатлардан поклайди. У қалбида ҳамиша Худонинг Олий Шахсини эъзозлайди ва барча гуноҳ иллатлари ўз-ўзидан унинг қалбини тарқ этади. Худои Таоло ҳакида тинмасдан ўйлаб юриш содикни ўзининг азалий пок руҳий ҳолатига кайтаради. Юқори руҳий даражага эришган киши бирор гуноҳ иш қилиб қўйганида, Ведаларда покланиш маросими ўтказиш тавсия қилинган. Аммо Худонинг содик хизматкори учун бундай покланиш маросими ўтказиб юришнинг ҳожати йўқ, чунки, ҳамиша Худо Шахси ҳақидаги ўйлар билан юриши натижасида, унинг қалби ўз-ўзидан покланади. Шунинг учун ҳамиша Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юришга харакат қилиш керак: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Бу бизни ҳар қандай тасодифий адашишлардан, гуноҳ иш қилиб қўйишдан саклайди ва барча моддий иллатлардан химоя килади.

*32. мам хи партха вийапашритийа ѹе “ни сийх пана-йонаиаҳ  
стрийо вайшиас татха шудрас те “ни йанти парам гатим*

**О Парта, ҳатто паст табақадан чиққан одамлар, аёллар, савдогарлар ва қора ишчилар ҳам Менга ўз ихтиёрини топшириб, олий даргоҳга эриша оладилар.**

Изоҳ: Бу ерда Худои Таоло аниқ айтяптики, Худога хизмат қилишда одамларни олий ва куий табақаларга ажратишга ўрин йўқ. Бундай ажратишлар ҳаёт ҳакида моддий тасаввурга эга бўлган одамларда бўлади. Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган одамнинг бундай ажратишларга умуман алоқаси йўқ. Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган ҳар қандай одам ҳам олий мақсадга эришади. "Шримад Бҳагаватам" (9.4.18)да айтилганки, ҳатто энг паст табақага мансуб, чандала(ит гўшти ейдиган) одам ҳам, Худонинг соф содиклари билан ҳамсuxбат бўлиб, моддий иллатлардан покланиши мумкин. Худога хизмат қилиш ва соф содикнинг кўрсатмалари шу қадар қудратли илоҳий кучга эгаки, қайси табақага мансуб бўлишидан катъий назар, ҳар қандай одамнинг қалбини барча иллатлардан поклай олади. Худонинг соф содик хизматкорининг паноҳига кириб, унинг кўрсатмалига амал қилиб, энг oddий одам ҳам покланиши мумкин. Қайси табиат гуналари таъсири остида яшаётганига қараб, одамлар бир неча табақага бўлинадилар: брахманлар - эзгулик гунаси таъсири остида бўлганлар; кшатрий, ҳукмдорлар - эҳтирос гунаси таъсири остида; вайшия, савдогарлар - эҳтирос ва фафлат гуналарининг аралаш таъсирида; шудра, қора ишчилар - фафлат гунаси остида бўлган одамлардир. Гуноҳкорлар оиласида дунёга келган чандаллар, ундан ҳам пастроқ табақага мансуб, деб хисобланади. Одатда олий табака одам-

лари бундай одамлардан ҳазар қилиб, четланиб юрадилар. Аммо Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёни шу қадар қудратлики, Худонинг содик хизматкори ҳар қандай табака одамларига ҳам рухий камолотга эришиб, инсон хаётининг энг олий мақсадига эришишида ёрдам беради. Ўз ихтиёрини бутунлай Кришнага топширган кишигина ана шундай қудратга эга бўлади. Бу ерда ишлатилган *вайапашритийа* ибораси содик ўз ихтиёрини бутунлай Парвардигорга топшириши лозимлигини кўрсатади. Шунда у, ҳатто энг буюк гйани ва йолгардан ҳам юқори рухий даражага эришади.

*33. ким тунар брахманаҳ пунйа бхакта раджарашайас татха аниятам асуқхам локам имам пратиа бхаджасава мам*

**Шундай экан, пок виждонли брахманлар, содиқлар ва тақводор шоҳлар ҳақида нима дейиш мумкин? Шунинг учун, мусибат тўла бу ўткинчи дунёга келиб қолган экансан, ҳаётингни бутунлай Менга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишга бағишила.**

Изоҳ: Моддий оламда ҳар табака ва тоифага оид одамлар бор, лекин, охир-оқибатда бу дунёдагиларнинг барчаси баҳтсиз ҳаёт кечирадилар. Мазкур шеърда Худои Таоло аниқ айтяпти: *аниятам асуқхам локам*. Ўткинчи, мусибатга тўла бу дунё - маданиятли, ақл-заковатли одамга муносиб жой эмас. Худонинг Олий Шахси бу дунёни “ўткинчи”, “мусибатга тўла” деб атаяпти. Баъзи файласуфлар, айниқса файласуф-майавадилар, бу олами алдамчи, сароб деб айтадилар, аммо “Бҳагавад-гита”дан биз биламизки, моддий олам саробий, яъни мавҳум эмас. У факат ўткинчи. Алдамчи, саробий деган билан ўткинчи деган сўзларнинг бир-биридан катта фарқи бор. Бу олам ўткинчи, лекин ундан бошқа мангу мавжуд олам ҳам бор. Мусибатларга тўла, ўткинчи бўлган моддий оламдан фарқли равишда, рухий олам - мангу, лаззатга тўла.

Аржун тақводор шоҳ хонадонида дунёга келди. Лекин Парвардигор ҳатто унга ҳам айтяптики, “Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кир, тезроқ ўзингнинг ҳақиқий уйингга, Худонинг даргохига қайт!” Мусибатлар, азоб-уқубат ва кўз ёшлар уммони бўлган бу дунёда ҳеч ким узоқ қолиб кетмаслиги керак. Мангу баҳтга эришиш учун Худонинг Олий Шахсининг паноҳига кириш керак. Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш йўли - жамиятнинг барча табака ва тоифаларига оид кишиларнинг ҳаётдаги ҳамма муаммоларини бираттӯла ҳал қилиш имконини берадиган ягона йўлдир. Шунинг учун фаросати етарли бўлган ҳар бир одам Кришнани англаш йўлига кириши ва комил инсон даражасига этиши лозим.

*34. мам-мана бхава мад-бхакто мад-йаджи мам намаскуру*

*мам эваашыйаси йуктвайвам атманам мат-парайанаҳ*

**Хамиша Мен ҳақимда ўйла, Менга содик бўл, оёғимга йиқилиб,  
Менга сажда қил. Хаёлингни бутуилай Менда мужассам қилиб,  
сен албатта Менинг даргоҳимга келасан.**

Изоҳ: Бу ерда моддий қувват асирилигидан озодликка чиқишининг ягона йўли - Кришнани англаш усули экани аниқ айтилган. Мана шу шеърнинг яққол кўриниб турган мазмунини баъзи бир виждансиз билимдонлар нотўғри талқин қилиб изоҳлайдилар. Бу ерда Худога садоқат билан хизмат факат Худонинг Олий Шахсига, Кришнага қилиниши кераклиги айтилган. Бахтга қарши, "Бҳагавад-гита"га изоҳ ёзадиган баъзи уятсиз, ғофил одамлар ўзларининг нотўғри ғоялари билан одамларни тўғри йўлдан адаштирадилар. Кришнанинг ақли билан Кришнанинг Ўзи орасида ҳеч қандай фарқ йўқлигини улар тушунмайдилар. Кришнани оддий одам деб хисобламаслик керак; У - Мутлақ Ҳақиқат. Унинг танаси, ақли ва Унинг Ўзи бир-биридан фарқ қилмайди, мутлақ табиатта эга. "Чайтанай-Чаритамрита"(Адилия.5.41-48)га ёзган, "Анубхашай" деб ном олган изоҳида, Бхакти-сиддханта Сарасвати Госвами "Курма-пурана"дан куйидаги шеърни келтирган: *деха-дехи-вибхедо "йам нешваре видӣате квачит.* Бу демак, Худои Таоло, Кришнанинг Ўзи, Унинг танаси бир-биридан фарқ қилмайди. Аммо, "Бҳагавад-гита"га изоҳ ёзадиган баъзи ғофил олимлар Кришна ҳақидаги ҳақиқий илмдан бехабар. Улар Кришнани яширишни истайдилар, Уни аклидан ва танасидан ажратиб кўрсатмоқчи бўладилар. Буларнинг барчаси шундан далолат берадики, уларнинг Кришна ҳақидаги илмдан умуман хабарлари йўқ. Шунга қарамай, ўзларига ўҳшаган ғофил одамларни йўлдан уриб, адаштириб, улар шунча пул ишлайдилар.

Баъзи иблиссифат одамлар ҳам гоҳида Кришна ҳақида фикр-мулоҳаза юритадилар, лекин улар шоҳ Камсага ўҳшаб, Кришнани нафрат билан эслайдилар. Кришнанинг тоғаси бўлмиш Камса ҳам ҳамиша Кришна ҳақида ўйларди, лекин у Кришнани ҳамиша ўзининг ашаддий душмани деб хисоблаган. Кришна қачон келиб мени ўлдирар экан деб, Камса ҳамиша Кришнани ўйлаб юрарди. Худои Таоло ҳақида бундай кайфиятда ўйлаш бизни яхшиликка олиб келмайди. Биз Кришна ҳақида қалбимизда Унга нисбатан муҳаббат ва садоқат билан ўйлашимиз керак. Бхакти, Худога садоқат билан хизмат қилишининг моҳияти шундан иборат. Бунинг учун Худои Таоло, Шри Кришна ҳақидаги илмимизни ҳамиша ошириб боришимиш, яъни, Кришна тўғрисида мукаммал илмни ҳақиқий руҳий устоздан ўрганишимиз лозим. Кришна - Худонинг Олий Шахси, бир неча бор айтиб ўтганимиздай, Унинг танаси моддий эмас, у мангу, илм ва лаззатга тўла. Кришна ҳақида бўладиган ана шундай сухбатлар ёрдамида биз

Унинг содик хизматкори бўламиз. Кришна ҳақида ишончсиз, но маълум манбадан олинган илмнинг бизга ҳеч қандай нафи тегмайди, сохта илм ҳеч қандай натижа бермайди.

Шу сабабли, содик ўзининг ақлини Кришнанинг бошланғич, азалий киёфасида жамлаб, Кришна - Худои Таоло эканига катъий ишонч билан Унга сажда қилиши керак. Ҳиндистонда юз минглаган эҳромлар мавжуд бўлиб, уларда одамлар Худога садоқат билан хизмат қилиб, Кришнага сифинадилар. Шу тарзда Худога хизмат қилиб юрган киши ҳамиша Кришнага эҳтиром кўрсатиши лозим. Ягона Илоҳ олдида сажда қилиб, инсон ўзининг танаси, акли ва қилаётган барча ишлари билан Худога сифиниши лозим. Шу тариқа у ҳеч нарсага чалғимасдан ҳамиша Парвардигор Кришна, ягона Худои Таоло ҳақидаги ўйлар билан банд бўлиб юрган бўлади ва умрининг охирида Кришналокага эришади. Баъзи бир виждонсиз, ғофил одамларнинг "Бҳагавад-гита"га ёзган изоҳлари билан бизни алдаб, йўлдан уришига йўл қўймаслигимиз керак. Аксинча, Кришна ҳақидаги хикояларни тинглаш ва бошқаларга гапириб беришдан бошланадиган Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишининг тўқиз тури билан машғул бўлишимиз лозим. Пок даражада Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш - руҳий юксалиш йўлида инсон эришадиган энг олий поғонадир.

"Бҳагавад-гита"нинг еттинчи ва саккизинчи бобларида Худои Таолога ҳар хил фалсафий фикр юритишлар, сехрли йога, кармали фаолият қўшилмаган, мутлақо пок садоқат билан хизмат қилиш ҳақида гап борди. Онги ҳали бутунлай покланмаган содикларни Парвардигорнинг браҳмаджайоти, ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбida мавжуд бўлган Параматма сингари бошқа аспектлари ўзига жалб қилиши мумкин, аммо, Худонинг соф содик хизматкори факат Худои Таолонинг Ўзига хизмат қиласди.

Кришна ҳақидаги ажойиб бир шеърда айтилганки, фаришталарга сифинадиган одамлар Кришна бермокчи бўлиб турган энг олий тухфадан ўзларини маҳрум қиласдилар. Ҳали Худога хизмат қилиш йўлига энди кирган тажрибасиз содикнинг ишлари, харакатлари Худога соф ҳолда хизмат қилишдан фарқ қилиши мумкин, лекин барибир у барча йог ва файласуфлардан устун туради. Ҳамиша Кришна онги доирасидаги фаолият билан машғул бўлиб юрган кишини авлиё, табаррук одам деб хисоблаш керак. У ҳар хил гуноҳ ишларни тобора камроқ қиласдиган бўлади ва тез вақт ичиди, албатта, камолотга эришади. Худои Таолонинг соф содик хизматкорлари тасодифан гуноҳ иш қилиб қўйиш имкониятига эга эмаслар, чунки Худои Таолонинг Ўзи уларни авайлаб асраб юради. Шу боис, фаросатли, заковати етарли одам Кришнани англаш йўлига кириши ва моддий оламда ҳам бахтиёр яشاши керак. Вақти келиб у энг олий мукофот - Кришна билан бевосита мулокот қилишга албатта эришади.

"Энг нодир илм" деб аталаадиган "Шримад Бхагавад-гита"нинг тўйқизинчи бобига Бхактиведантанинг изоҳи шундай якунланади.

## Ўнинчи боб. Мутлақ Ҳақиқатнинг ғаройиблиги

*1. шири бхагаван увача  
бхуяа эва маҳа-баҳо шрину ме парамам вачаҳ  
йат те “хам прийаманайа вакийами хита-камайайа*

**Худонинг Олий Шахси шундай деди: Эй билаги қучли Аржун,  
қулоқ сол. Менинг энг яқин дўстим бўлганинг учун, сенга илоҳий  
илмнинг аввал айтганимдан ҳам муҳимроқ сирини ошкор этаман.**

Изоҳ: Парашара Мунининг таърифига кўра, Худонинг Олий Шахси деб, қуидаги олти мукаммалликка тўла эга бўлган Зотга айтилади: куч, шон-шухрат, бойлиқ, илм, гўзаллик ва боғланмаслик. Ер сайёрасида бўлган пайтида Шри Кришна ана шу комил сифатларнинг барчасини тўла намоён этган. Шу боис Парашара Муни сингари донишмандлар Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини тан оладилар. Ўнинчи бобда Кришна Аржунга Ўзининг кароматлари ва мўъжизалари ҳақида яна ҳам маҳфийроқ бўлган сирли илмларни ошкор этмоқчи бўляпти. Шу пайтгача, еттинчи бобдан бошлаб, Парвардигор Ўзининг ҳар хил кувватлари ва уларнинг қандай ҳаракат қилиши тўғрисида гапириб берган эди. Бу бобда эса, У Аржунга Ўзининг ғаройиб (*вибхути*) сифатларини таърифлаб беради. Худога садоқат билан хизмат қилиш зарурлигини исботлаш ва қалбимизда ишонч уйготиш учун аввалги бобда Парвардигор Ўзининг ҳар хил кувватларини таърифлаб берган эди. Бу бобда эса, У Аржунга Ўзининг сон-саноқсиз кўринишлари ва ғаройиботларини таърифлаб беради.

Инсон Худои Таоло ҳақида қанчалик кўп тингласа, қалбида Худога хизмат қилиш истаги шунчалик тез кучаяди. Шунинг учун ҳамиша Худонинг содик хизматкорлари даврасида Худои Таоло ҳақидаги ҳикояларни тинглаб юришга интилиш керак. Шунда бизнинг Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишимиз тобора мукаммал даражага кўтарила боради. Бундай сұхбатларда факат, Худони, Кришнани английсамими, жиддий интилаётган кишилар иштирок этишлари мумкин. Бошқа одамлар бундай сұхбатларда катнаша олмайдилар. Парвардигор Кришна Аржунга очиқ айтаптики, факат унинг баҳти учун бу сирли илмни унга ошкор этяпти, чунки Аржун Унга жуда азиз: бошқача қилиб айтганда, содиклар даврасида бўладиган бундай

сұхбатлар биринчи навбатда факат содиқларга баҳт-саодат олиб кела-ди.

*2. на ме видүх сураланаң праbхаvам на маxаршайаx  
ахам адир хи деванам маxаршинам ча сарвашиаx*

**Хатто фаришталарнинг бирортаси, буюк донишмандлар ҳам Менинг илохий бойликларимни билмайдилар, чунки Мен барча фаришталар ва донишмандларнинг бошланғич манбайман.**

Изоҳ: "Браhma-самхита"да айтилганки, Кришна - Худои Таолонинг Ўзи. Бутун оламда Ундан буюкроқ зот йўқ. У - барча сабаблар сабабчиси. Бу ерда Парвардигорнинг Ўзи айтиптики, У - барча фаришталар ва буюк донишмандларнинг бошланғич манбаи. Ҳатто фаришталар ва буюк донишмандлар ҳам Кришнани англай олмайдилар, ҳатто улар ҳам Кришнани, Унинг муқаддас номини ва сифатларини англашга қодир бўлмаса, шу кичкина бир сайёрада яшаётган "дунёвий олим-ча"лар ҳақида нима деса бўлади? Нимага Парвардигор Ер юзига оддий инсон қиёфасида келиб Ўзининг гаройиб, англаш қийин бўлган кароматларини намоён қилишини ҳеч ким тушуниб этишга қодир эмас. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ҳеч қандай илмий унвонлар инсонга Кришнани, Худони англаб этиш имконини бермайди. Ҳатто Кришнани ўзларининг тафаккур кучига ишониб англашга уринган фаришталар ва буюк донишмандлар ҳам ҳеч нарсага эриша олмаганлар. "Шримад Ҷхагаватам"да ҳам айтилганки, Худонинг Олий Шахсини ҳатто фаришталар ҳам англай олмайдилар. Ўзларининг мукаммал бўлмаган хиссиётларининг чекланган имкониятлари доирасидан чиқа олмай, улар фалсафий изланишлар жараёнида факат, имперсонализм фалсафасининг асосини ташкил этувчи моддий оламнинг ранг-баранглигини инкор этадиган хулосага келишлари ва моддий табиатнинг уч гунаси намоён этмаган бирор Зот ҳақида гапиришлари ёки ҳаёлан келтирган тасаввурлари билан қаноатланишлари мумкин. Лекин, бундай аҳмоқона тахмин ва мулоҳазалар ҳеч кимга Кришнани англашда ёрдам бермайди.

Ҳақиқатан ҳам Мутлак Ҳақиқатни англашга интилиб юрганлар учун Худои Таоло бу ерда гўё: "Мен - Худои Таоломан. Худонинг Олий Шахси - Менман" деб айтиётгандай бўляпти. Буни тушуниш, англаш олиш керак. Гарчи биз англаш бўлмас Худои Таолони англай олмасақ, Унинг мавжудлигини сеза олмасак ҳам, барибир Худои Таоло ҳақиқатан ҳам мавжуд. Унинг "Бхагавад-гита" ва "Шримад Ҷхагаватам"да ёзилган гапларини ўрганиш ёрдамида мукаммал илм ва лаззатга тўла, мангу Кришнани ҳақиқатан ҳам таниш, англаш олиш мумкин. Худонинг қуи қуввати таъсири остида бўлганлар Худои Таолони қандайдир кудратли куч, қувват сифатида англашга, яъни

Худои Таолонинг Брахман аспектини тушуниб олишга қодир бўладилар, лекин, факат руҳий даражага эришган буюк зотларгина Худои Таолони Олий Шахс сифатида англай оладилар.

Аксарият одамлар Кришнанинг ҳақиқий табиатини англай олмаганлари учун, ундан файласуфларга Ўзининг бесабаб марҳаматини кўрсатиб, Худои Таоло моддий оламга ташриф буюради. Аммо, гарчи Худои Таоло бу ерда Ўзининг ажойиб эрмакларини намойиш этса ҳам, моддий қувват таъсирида алданган бу файласуфлар шахсиятсиз Брахманни Худои Таоло деб даъво қилишда давом этаверадилар. Худои Таолога ўз ихтиёрини бутунлай топширган содик хизматкоригина Худонинг марҳамати билан ягона Худои Таоло - Шри Кришна эканини англай олади. Худонинг содик хизматкорларини Парвардигорни шахсиятсиз Брахман кўринишида тасаввур қилиш умуман қизикирмайди: қалбидаги ишонч ва муҳаббат уларни дарров ўз ихтиёрини Худои Таologna топширишга мажбур қиласди, шунда Кришнанинг бесабаб марҳамати билан улар Худои Таолони англашга қодир бўладилар. Бунга бошқа ҳеч ким қодир эмас. Шу сабабли, ҳатто буюк донишманлар ҳам: "Атма нима ўзи? Худои Таоло деган ким?" - деган саволга - "Бу - биз сифинишимз лозим бўлган Зот" - деб айта оладилар, холос.

*3. ио мам аджам анадим ча ветти лока-махешварам  
асаммуҳхаҳ са мартшешу сарва-папаҳ прамучайате*

**Менинг - барча оламларнинг туғилмаган ва бошланиши йўқ Олий Ҳукмдори эканинни билган киши - одамлар ичида, алданиш ҳукмидан ва барча гуноҳлардан ҳалос бўлган инсондир.**

Изоҳ: Еттинчи бобда айтилганидай (7.3), *манушийанам сахашреиу кашиҷид йатами сиддхайе*: руҳнинг табиатини англаб етишга уринаётган одамлар оддий одамлар эмас; улар руҳий илмдан маҳрум бўлган миллионлаган оддий одамлардан устун турадилар. Лекин, ўзининг руҳий табиатини англашга ҳақиқатан ҳам интилаётган одамлар ичида эса, Кришна - Худонинг Олий Шахси, бутун борлиқнинг туғилмаган Ҳукмдори эканини англаб етган киши энг юкори поғонага кўтарилиган инсон бўлади. Факат ана шундай даражага кўтарилиган ва Кришнани Олий Ҳукмдор сифатида тўла англаб етган киши ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан ҳалос бўлади.

Парвардигор бу ерда *аджса*, яъни "туғилмаган" деб аталган, лекин У, иккинчи бобда, *аджса* деб аталган оддий тирик мавжудотларга асло ўҳшамайди. Кришна моддий оламга боғланганлиги натижасида туғилиш ва ўлишга мажбур бўлган оддий тирик мавжудотлардан бутунлай фарқ қиласди. Шартланган руҳлар ҳамиша таналарини алмаштириб юрадилар, Парвардигорнинг руҳий танаси эса ҳамиша ўзгармай

қолаверади. Ҳатто моддий оламга келиб ҳам, У түгилмас бўлиб қолаверади, шу боис тўртинчи бобда айтилганки, моддий оламда пайдо бўлиб, Худои Таоло ҳеч качон куйи, моддий қувват таъсири остига тушиб қолмайди, У Ўзининг ички, олий қуввати доирасида қолаверади.

Бу ерда: *ветти-лока-махешварам* деб аталган Парвардигор Кришна - бутун борлиқдаги барча сайёralарнинг Олий Ҳукмдори, ҳақиқий эгаси эканини ҳамма билиши лозим. У олам яралмасдан аввал ҳам мавжуд бўлган ҳолда Ўзи яратган оламдан фарқ қиласди. Барча фаришталар моддий оламда дунёга келган, аммо Кришна яратилган зотлар қаторига кирмайди, дейилган. Шу сабабли, Кришна ҳатто Браҳма ва Шива сингари буюк фаришталардан ҳам фарқ қиласди. Кришна - Браҳма, Шива ва бошқа фаришталарни яратган Зот бўлгани сабабли, Уни барча сайёralарнинг Олий Ҳукмдори деб атайдилар.

Шундай қилиб, Кришна - мавжуд бўлган бутун борлиқдан фарқ қиласди. Худони шундай тан олган киши ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан шу захотиёқ покланади. Худои Таолони таниш, билиш - гуноҳ саналадиган ҳар қандай одатлардан пок бўлиш демакдир. "Бҳагавад-гита"да айтилганидай, Худои Таолони фақат Унга садоқат билан хизмат қилиш ёрдамидагина англаш, таниш мумкин, бунинг бошқа йўли йўқ.

Кришнани оддий одам деб қабул қиласлик керак. Аввал айтилганидек, фақат аҳмоқ, ғофил одамларгина шундай ўйлашлари мумкин. Ана шу фикр бошқачароқ қилиб бу ерда ҳам таъкидланяпти. Нодон, ғофил бўлмаган, Худои Таолони англаб етишга фаросати етадиган киши гуноҳ ишларнинг оқибати нима бўлишини билади ва улардан узокроқ юради.

Содиклар "Девакининг эркатойи", "Девакинандана" деб чақирадиган Кришна қандай қилиб түгилмаган бўлиши мумкин? Бу ҳолат "Шримад Бҳагаватам"да тушунтирилган: Васудева ва Девакининг олдида пайдо бўлган Парвардигор оддий чақалоқдай бўлиб түгилмаган: У ота-онасининг олдида Ўзининг азалий руҳий қиёфасида пайдо бўлган, кейин, уларнинг илтижоси билан оддий чақалоқ қиёфасига кирган.

Кришнанинг кўрсатмаси билан бўладиган ҳар қандай иш руҳий табиатга эга бўлиб, ҳеч қандай яхши ёки ёмон моддий оқибатларга олиб келмайди. "Яхши", "ёмон" деган тушунча ва тасаввурлар фақат моддий оламда бўлади, улар нисбатан ўйлаб топилган сифатлардир, чунки моддий оламда ҳеч қандай яхши нарса йўқ. Бу дунёда ҳамма нарса ёмонликка, нокулайликка олиб келади, чунки моддий табиатнинг ўзи нокулайлик, яъни рух учун ғайритабиий ҳолат хисобланади. Бизлар яхши деб ўйлаб юрган нарсалар фақат бизнинг номумкаммал бўлган ғофил тасаввуримиздагина яхши. Фақат Парвардигорга садоқат билан хизмат қилиш руҳи билан тўла, Кришна онгидаги фаолиятгина

ҳақиқатан ҳам яхши, саодат келтирадиган фаолиятдир. Шунинг учун, agar биз ҳақиқатан ҳам бу дунёдаги фаолиятимиз ўзимизга баҳт келтиришини истасак, Худои Таолонинг кўрсатмаларига амал қилиб яшашимиз лозим. Бундай кўрсатмаларни биз "Бҳагавад-гита", "Шримад Бҳагаватам" сингари ҳақиқий, ишонарли мұқаддас китоблардан ёки руҳий устоздан олишимиз мүмкін. Руҳий устоз Худои Таолонинг ишончли вакили бўлгани сабабли, унинг бизга берган кўрсатмалари - Худои Таолонинг Ўзи берган кўрсатмаларидан фарқ қилмайди. Руҳий устоз, авлиё одамлар ва мұқаддас китобларнинг барчаси одамни ягона мақсадга йўллади. Уларнинг кўрсатмалари бир-бирига зид бўлиши умуман мүмкін эмас. Уларнинг кўрсатмаларига амал қилиб яшаш натижасида биз моддий оламдаги ҳар қандай фаолиятни ташкил этувчи гуноҳ ва савоб ишларнинг оқибатларидан халос бўламиз. Худонинг содик хизматкорининг ўз фаолиятига муносабати - таркидунё қилган кишининг муносабатидир, ҳаётда ана шундай қайфиятда яшашни саннийаси ҳаёт тарзи деб атайдилар. "Бҳагавад-гита"нинг олтинчи боб, биринчи шеърида айтилганидай, agar одам Худои Таолонинг кўрсатмаларига амал қилиб, ҳаётдаги ўз бурчини бажара туриб, қилган ишлари натижасига боғланиб қолмаса, у ҳақиқатан ҳам таркидунё қилган одам бўлади(анаширитаҳ карма-пхалам). Саннийасилар ва йоглар - шунчаки бошқача кийим кийиб, ташки қиёфасини ўзгартириб олган одамлар эмас; ҳаётда ҳамиша Худои Таолонинг кўрсатмаларига амал қилиб юрган кишигина - ҳақиқий саннийаси ва йог ҳисобланади.

4-5. буддхир джсанам асаммоҳаҳ қиама сатйам дамаҳ шамаҳ  
сукхам духхам бҳаво "бҳаво бҳайам чабхайам эва ча  
ахимса самата тушинос тапо данам йашио "йашаҳ  
бҳаванти бҳава бҳутанам матта эва притхаг-видхаҳ

**Тафаккур, илмлилик, алданиш ва гумонлардан поклик, камтарлик, ростгўйлик, ақли ва ҳиссиётини жиловлай олиш қобилияти, баҳт, мусибат, туғилиш ва ўлиш, қўрқув ва жасорат, зарар етказмаслик, хотиржамлик, қаноат, камсукумлик, саҳоватлилик, шон-шуҳрат ва шармандалик сингари тирик мавжудотларнинг ҳар хил сифатларини Мен Ўзим яратганиман.**

Изоҳ: Бу ерда кўрсатилган, тирик мавжудотлардаги яхши ва ёмон сифатларнинг барчасини Кришна яратган.

Нарсаларнинг ҳақиқий табиатини тушуна олиш қобилияти тафаккур деб, рухнинг ва модданинг моҳиятини, табиатини тушуниш эса - илм деб аталади. Ҳозирги одамларнинг ҳар хил Олий Ўқув юртларида ўрганиб юрган илми факат моддий нарсалар билан чегараланганд, шу сабабли, ҳақиқий илм бўлолмайди. Замонавий таълим тизими одамларга руҳ ҳақида хеч қандай илм бермайди, уларга факат моддий ун-

сурлар устида ҳар хил тажрибалар ўтказиб, ўзларининг жисмоний эҳтиёжларини қондириш ўргатилади, холос. Шу сабабли, ҳозирги моддий илм-фанни ҳақиқий илм деб бўлмайди.

Асаммоҳа, ҳар хил гумон ва адашишлардан озод бўлиш деган маънони билдиради. Илохий, руҳий фалсафани тушуниб, унга тўла ишонч ҳосил қилган одам шундай ҳолатга эришади. Одам руҳий юксалиш йўлидан бориб, ҳаётда аста-секин алданиш ва адашишлардан по-кланиши мумкин. Ҳеч нарсани кўр-кўронга қабул қиласлик керак, ҳар қандай маълумотни ҳам ҳар томонлама фикр юритиб, текшириб қабул қилиш лозим. Инсон ўзида сабр қилиш, чидамли бўлиш, кечиримли бўлиш(кишама) сифатини ривожлантириши лозим. Бошқаларнинг арзимас хато ишларини эътиборга олмасликка, уларнинг салбий таъсирига сабр-тоқат қилишга ўрганиш керак. *Сатйам*, ротгўйлик - бошқаларнинг манфаати учун ҳаётда ҳамиша тўғри сўзли, ростгўй бўлишни билдиради. Ҳеч қачон ҳақиқатни бузид кўрсатмаслик керак. Бетайн одамларнинг ахлок қоидасида шундай нақл бор: агар ҳақиқат ҳамсуҳбатингга ёқадиган бўлсагина айтиш керак. Аммо ростгўй одам ундей қилмайди. Одамлар ўзларига зарур ҳақиқат нималигини билиб олишлари учун ҳақиқат илмини очиқдан-очиқ айтиш керак. Бошқа одамларни огоҳлантириш учун ростгўй одам тўппа-тўғри: "Мана бу одам ўғри!" - деб айтади. Ҳеч шубҳаланмай, иккиланмасдан одамларга аччиқ ҳақиқатни айтиш керак. Ростгўй бўлиш - бошқалар манфати учун бор гапни қандай бўлса шундайлигича айтиш демакдир. Ростгўйликнинг маъноси, мазмуни шундан иборат.

Хиссиятни жиловлаб олиш деганда улардан бекорга, факат лаззат олиш учун фойдаланмасликни тушуниш керак. Тананинг эҳтиёжларини факат зарур микдордагина қондириш ҳеч кимга маън қилинмайди, аммо хиссиятнинг ҳар қандай талабини ортиқча қондиравериш руҳий юксалиш йўлида катта гов бўлади. Шу сабабли, хиссиятлардан бекорга, ҳеч қандай заруратсиз фойдаланмасликни ўрганиш керак. Худди шунингдек, ақлнинг ҳам ҳар хил бемаъни нарсаларни ўйлайверишига йўл қўймаслик керак: мана шу қобилият - *шама* деб аталади. "Тириклилк учун қандай қилиб пул топсан экан" деб, ҳар хил ўйларга, фикрларга бош қотириб, умрни зоя қиласлик керак. Бундай ўйлар билан ақлимизнинг кувватини бекорга зое қилган бўламиз. Ақлдан инсоннинг ҳаётдаги энг зарур эҳтиёжини қондириш учун фойдаланиш лозим, бунда ишонарли руҳий устоз кўрсатмаларига амал қилиш керак. Муқаддас китобларни яхши биладиган, авлиё одамлар ва руҳий устозлар билан мунтазам ҳамсуҳбат бўлиб, фикрлаш қобилиятини ривожлантириш лозим. *Сукхам*: биз учун ҳамиша руҳий илм, Кришна онгини эгаллашга ёрдам берадиган нарсаларгина ҳақиқий баҳт манбаи бўлиши керак. Ягона Худои Таоло, Парвардигор Кришна ҳакидаги илмимизни, онгимизни чуқурлаштиришга халақит берадиган ҳамма нарсага "азоб ва мусибатлар манбаи" деб карашимиз

лозим. Худои Таолони, Кришнани чуқурроқ англашга ёрдам берадиган ҳамма нарсани қабул қилишимиз ва бунга халақит берадиган ҳамма нарсадан юз ўғиришимиз лозим.

*Бхава*, түгилиш - моддий тана билан боғлик нарса. Рух эса, "Бҳагавад-гита"нинг бошида айтилганда, ҳеч қачон туғилмайди ва ҳеч қачон ўлмайди. Түгилиш ва ўлиш факат моддий оламдаги шартланган руҳларда мавжуд сифатлардир. Келажак ҳакида қайғуриш - кўрқув манбаи хисобланади. Кришна онги билан яшаётган киши ҳеч нарсадан қўрқмайди, чунки ҳозир ҳаётда машғул бўлиб юрган фаолияти унга руҳий оламга, ўзининг мангум уйига, Худонинг даргоҳига қайтиш имконини беради. Унинг келажаги порлоқ. Аммо, бошқа одамларнинг ҳаммаси ҳаётда уларни нималар кутиб турганини, келгуси ҳаёти қандай бўлишини билмайдилар. Шу сабабли, улар ҳамиша ҳавотирда яшайдилар, осойишталик, хотиржамлик, тинчлик нима эканини билмайдилар. Агар биз ҳаёт ташвишларидан биратўла кутулишни истасак, Худои Таолони, Кришнани англашимиз, ҳамиша Кришна онгидаги ҳаракат қилиб яшашимиз лозим. Шунда биз ҳар қандай ташвиш ва ҳавотирлардан, келажак учун кўркувлардан бутунлай озод бўламиз. "Шримад Бҳагаватам"(11.2.37)да шундай дейилган: *бхайам двитийабхинивешатаҳ сийат*. Алдамчи қувватга боғланиб қолиш - кўрқув манбайдир. Аммо, моддий қувват таъсиридан ҳолос бўлган, ўзини моддий тана деб хисобламайдиган, ўзининг Худои Таолонинг руҳий заррачаси эканини англаб етган ва шу онг асосида Худога илоҳий хизмат қилиш билан шуғулланиб юрган киши учун ҳаётда ҳеч қандай кўрқув, ташвиш қолмайди. Уларни порлоқ келажак кутяпти. Шундай қилиб, кўркув - Кришна онгидан маҳрум бўлган кишиларнинг ҳолатидир. Ҳаётда жасорат, хотиржамлик, *абхайам* факат Кришна онгига эга бўлган кишиларда бўлади.

*Ахимса*, зарап бермаслик - бошқаларга озор ва ташвиш келтиришни бас қилишни билдиради. Кўпчилик сиёсатчилар, жамоат арбоблари ва бошқалар ваъда берәётган моддий тараққиёт ҳеч кимга, ҳеч қачон ҳақиқий баҳт-саодат келтирмайди, чунки, аслида бу сиёсатчи ва жамият пешволари ҳаётга ҳақиқий илм, илоҳий назар билан қарай олмайдилар, яъни ҳақиқатни кўра олмайдилар; жамият учун ҳақиқий баҳт нима эканини уларнинг ўзлари билмайди. *Ахимса* деганда, тирик мавжудотга инсон танасида яшаш берган имкониятларни тўла ривожлантириш учун одам етарли даражадаги тайёргарлик кўришини тушуниш керак.

Ҳаёт инсонга руҳий ўзлигини англаш учун берилади, ана шу мақсадга эришишда ёрдам бермайдиган ҳар қандай ижтимоий ҳаракат ва сиёсий партия одамларга зиён етказиб, зулм килаётган бўлади. Аксинча, инсоннинг руҳий ўзлигини танишга, руҳий илм олиб, илоҳий баҳтта эришишда ёрдам берадиган ҳар қандай ишлар ахимса тоифасига киради.

*Самата* - хотиржамлик, вазминлик - боғланиш ва нафратланишдан озод бўлишни билдиради. Қаттиқ боғланиш ҳам, қаттиқ нафратланиш ҳам бирдай ёмон нарса. Моддий олам бизнинг қалбимизда хеч қандай боғланиш ҳам, нафратланиш ҳам уйғотмаслиги керак. Кришна онгига фаолият кўрсатишга ёрдам берадиган нарсаларни қабул қилиш, ўзлигимизни, Кришнани англашга халақит берадиган нарсаларни рад этишимиз лозим. Дунёга ана шундай муносабатда бўлиш “хотиржамлик” деб аталади. Кришна онгига эга бўлган одам нимани қабул қилсан, нимани тарк этсан экан деб, бош қотириб ўтиришининг хожати йўқ. Содик учун хаётда бирор нарса ёки ишни танлашда ягона мезон - унинг Кришна учун, Худо учун хизмат қилишда фойдаси бор ёки йўқлигидир.

*Түшти* - шукроналиқ, қаноат - янгидан-янги моддий нарсаларга эга бўлишга интилиб, куч ва маблағ сарфлашга интилмасликни билдиради. Худои Таоло марҳамат кўрсатиб бизга бериб кўйган нарсаларига шукур қилишни, қаноат қилишни ўрганишимиз лозим, мана шу қаноат, мамнуният деб аталади. *Tanac* - риёзат ва тавба деган маънени билдиради. Бу тоифага жуда кўп ведавий қонун ва кўрсатмалар киради. Масалан, ҳар бир маданиятли одам эрта билан туриб, ювиниб покланиши лозим. Баъзан эрта туриш бирорлар учун жуда оғир. Рухий юксалиш мақсадида ўз ҳоҳиши билан инсоннинг ҳаётда ўзи учун қабул қилган ҳар қандай чеклашлари - риёзат деб аталади. Бундан ташқари Ведалар, ойнинг маълум кунларида оч юриб рўза тутишни тавсия қилади. Ҳатто одам оч юришни ёқтирумаса ҳам, у ўзининг Кришнани англаш илмини эгаллашга ҳақиқатан ҳам самимий интилаётганини амалда исботлаш учун, ана шу белгиланган кунларда бунга амал қилиши лозим. Лекин, хеч қандай эҳтиёжкисиз, ведавий кўрсатмаларга зид равищда оч юриш ман қилинади. Қандайдир сиёсий мақсадлар билан қилинадиган риёзат (голодовка)ларда қатнашмаслик керак. "Бҳагавад-гита" таълимотига кўра, бундай риёзатлар фафлат ёки эҳтирос гунасидаги риёзатларга киради ва рухий юксалишга халақит беради. Рухий жиҳатдан ривожланиш учун фақат эзгулик гунасида ҳаракат қилиш лозим, шу боис, Ведаларда кўрсатилган кунларда оч юриб, риёзат чекиш инсонга рухий илмни чуқуроқ эгаллашга ёрдам беради.

Ҳайр-саҳоватга келсак, инсон ўзининг ҳалол меҳнати билан топаётган даромадининг ярмисини эзгу, саҳоватли, ҳайрли ишларга сарфлаши керак. Қандай ишлар ана шундай эзгу ишлар хисобланади? Инсонга рухий ўзлигини, Худони, Кришнани англашда ёрдам берадиган ишлар - эзгу ишлар хисобланади. Бундай ишлар шунчаки эзгу ишлар бўлиб колмасдан, энг яхши ҳайрли ишлардир. Худои Таолонинг Ўзи, Кришна ҳаммага баҳт-саодат ато этувчи Зот бўлгани учун, Унинг яратиб кўйган қонунлари бўйича бажариладиган ишлар ҳам барчага баҳт келтиради. Шу боис, ҳар қандай садақа, эҳсонни Худони англаш йўлида юрган, Худонинг sodik хизматкорига бериш керак. Ведавий

конунларга кўра хайр-садака брахманларга берилиши керак. Гарчи бошқа қонунларга амал қилинмаса ҳам, Хиндистонда ҳалигача шу конунга амал қиласилар. Нимага муқаддас китобларда хайр эхсон факат брахманларга берилиши керак, деб кўрсатилган? Чунки брахманлар бутун хаётини олий, руҳий илм ўрганишга бағишилаган одамлардир. Брахман ўз умрени Худои Таолони, Брахманни англашга бағишилаши керак. *Браҳма джсанатити брахмана:* Брахманни англаб етган кишини “браҳман” деб атайдилар. Шундай қилиб, хайр-садакани брахманларга бериш керак, чунки улар ҳамиша руҳий фаолият билан машғул бўлғанлари сабабли, тирикчилик учун меҳнат қилишга вакти йўқ. Ведаларда хайр-эхсонларни саннийасиларга бериш ҳам кўрсатилган. Саннийасилар садака йигиш учун эмас, аксинча, одамларга Худонинг илмини, руҳий илмни ўргатиш учун эшикма-эшик юрадилар. Улар оиласи одамларни гафлат уйқусидан уйғотиш мақсадида шундай қиласилар. Оила ташвишлари билан машғул бўлиб, уй эгалари инсон ҳаётининг олий мақсади - руҳий ўзлигини, Худони англашдан иборат эканини унугиб кўядилар. Шу сабабли, саннийасилар садака сўраш баҳонасида, уларга Худони англаш йўлини кўрсатадилар. Ведаларда таъкидланганидек, инсон гафлат уйқусидан уйғониши, қандай мақсадда бу дунёга инсон танасида келишга имкон берилган бўлса, шу мақсадга интилиб яшashi лозим. Саннийасилар одамларга руҳий илм берадилар ва уларни ўзликинангаш ўйлига олиб чиқадилар, шу сабабли, садака ва эхсонларни дуч келган одамга бермасдан, энг аввало саннийаси ва брахманларга бериш ёки одамларга руҳий илм тарқатишнинг қандайдир бошқа йўлида сарфлаш керак.

*Йашас*, шон-шуҳрат ҳақида Шри Чайтаня Махапрабху айтган эдики, ҳақиқий шон-шуҳрат инсонга у Худонинг буюк содик хизматкори бўлиб етишганида келади. Ана шу ҳақиқий шон-шуҳратдир. Худои Таолони англашда эришган ютуқлари билан шуҳрат қозонган киши ҳақиқий шон-шуҳратга эришган ҳисобланади, бошқа ҳар қандай шуҳратлар, муваффакиятлар сохта ва ўтқинчидир.

Бундай сифатларни бутун олам бўйлаб одамлар ва фаришталар орасида учратиш мумкин. Коинотнинг турли сайёralарида юкорида санаб ўтилган сифатларга эга бўлган ҳар хил тоифадаги одамлар яшайди. Ана шу сифатларнинг ҳаммасини Кришна яратиб кўйган, қалбида Кришна онгини ривожлантиришга интилаётган киши уларни ўзида ривожлантириши лозим. Худои Таолонинг марҳамати билан Кришнага садоқат билан хизмат қилиб юрган одамда аста-секин барча эзгу фазилатлар ривожлана боради.

Оламда мавжуд бўлган барча яхши ва ёмон нарсаларнинг манбаи - Кришна. Моддий оламда Кришнада намоён бўлмаган бирор нарса мавжуд эмас. Ҳақиқий илмнинг мазмуни шундан иборат: бу оламнинг сифатлари қанчалик ривожланмасин, уларнинг барчаси Кришнадан чиқади.

*6. маҳарашайаҳ сапта пурве чатваро манавас татҳа  
мад-бхава манаса джаста ешам лока имаҳ праджаҳ*

**Етти буюк донишманд, улардан аввалги тўрт донишманд, шунингдек, Ману, ақлимдан пайдо бўлган ҳолда, Мендан дунёга келгандар. Ҳар хил сайёralarda яшаётган тирик мавжудотларнинг ҳаммаси ана шулардан тарқалган.**

Изоҳ: Парвардигор бу ерда тирик мавжудотларнинг коинот бўйлаб тарқалиш жараёнини қисқача таърифлаб ўтган. Коинотдаги биринчи тирик мавжудот Брахма, Худои Таолонинг *Хираниагарбҳа* деб атала-диган қувватидан пайдо бўлган. Ўз навбатида Брахма етти донишмандни, улардан аввал эса, тўрт донишманд - Санака, Сананда, Санатана ва Санат-кумарни ва ўн тўрт Мануни яратган. Мана шу йигирма беш буюк донишманд коинотдаги барча тирик мавжудотларнинг бо-бокалонлари ҳисобланади. Оламда сон-саноқсиз коинотлар мавжуд, уларнинг ҳар бирида сон-саноқсиз сайёralар бор ва сайёralарнинг ҳар бирида турли-туман тирик мавжудотлар яшайди. Шу тирик мавжудотларнинг барчаси ана шу йигирма беш буюк донишмандлардан бошлиниб, кейин коинот бўйлаб тарқалиб кетган. Оламни қандай яратишни тушуниб етиш учун Брахма Кришнанинг марҳамати билан фариштадар ҳисоби бўйича минг йил қаттиқ риёзатга берилиди. Шундан кейин Брахма Санака, Сананда, Санатана ва Санат-кумарни яратди, кейин Рудрани, ундан кейин етти буюк донишмандни дунёга келтирди. Шу тариқа Худои Таолонинг қувватидан пайдо бўлган барча браҳман ва кшатрийлар дунёга келдилар. Брахмани - *Питамаха*, "Бобо" деб атайдилар, Кришнани эса - *Пратитамаха*, "бобонинг отаси", "Бобокалон" деб айтадилар. "Бҳагавад-гита"нинг ўн биринчи бобида шу ҳақда гап боради (39).

*7. этам вибхутим йогам ча мама йо ветти таттватаҳ  
со "викалпена йогена ўуджийате натра самшиайаҳ*

**Менинг улуғворлигимни ва сехрли қудратимни ҳақиқатан англаб етган киши ҳаётини бутунлай Менга соғ садоқат билан хизмат қилишга бағишлийди. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ.**

Изоҳ: Рухий баркамолликнинг олий даражасига эришиш - Худонинг Олий Шахсини англаб етиш демакдир. Токи инсон Худои Таолонинг - чексиз рухий ва моддий бойликлар эгаси эканига тўлиқ ишонч ҳосил қиласи экан, у Худога садоқат билан хизмат кила олмайди. Одатда одамлар "Худои Таоло - буюк", - деб айтадилар, аммо Унинг қай даражада буюклигини билмайдилар, ҳатто тасаввур ҳам кила олмайдилар. Бу ерда келтирилган шеърлардан Худои Таолонинг

улуғворлиги, буюклиги тўғрисида қандайдир тасаввурларга эга бўлиш мумкин. Худои Таолонинг улуғворлигини ҳақиқатан ҳам англаб етган киши шу заҳотиёқ ўз ихтиёрини бутунлай Унга топширади ва бутун умрини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлади. Парвардигорнинг улуғворлиги аён бўлган кишининг ўз ихтиёрини Худога топширишдан бошқа иложи қолмайди. Бундай илмга "Шримад Бхагаватам" ва "Бхагавад-гита" сингари ишонарли муқаддас китоблар орқали эга бўлиш мумкин.

Коинотдаги ҳар хил сайёralарда моддий оламни бошқариб турган жуда кўп фаришталар бор. Уларнинг асосийлари Браhma, Шива, тўрт буюк Кумарлар ва бошқалар ҳисобланади. Коинотдаги тирик мавжудотларнинг аждодлари кўп, аммо уларнинг барчаси Худои Таолодан, Кришнадан бошланган. Худонинг Олий Шахси Кришна барча аждодларнинг бобокалонидир.

Худои Таолонинг баъзи фазилатлари, бойликлари шулардан иборат. Худои Таолонинг ана шу сифатларига қатъий ишонган киши Кришнага чукур иймон билан ишонади ҳамда ҳар қандай шубҳа-ю гумонлардан халос бўлиб, умрини садоқат билан Худога хизмат қилишга бағишлади. Илоҳий илмларнинг барчаси инсонни Худога садоқат билан хизмат қилишга жалб этиш учун яратилган. Биз Кришнанинг улуғворлиги ҳақиқатни илмни инкор этмаслигимиз лозим. Чунки Унинг қай даражада улуғвор эканини англаб олсаккина қатъий ишонч билан умримизни Унга садоқат ва муҳаббат билан хизмат қилишга бағишлай оламиз.

#### *8. аҳам сарвасія праbхаво маттаҳ сарвам правартате ити матва бхаджсанте мам будха бхава-саманвитаҳ*

**Барча рухий ва моддий оламлар манбаи - Менман. Ҳамма нарса Мендан тарқаган. Ана шу ҳақиқатни англаб етган донишмандлар бутун қалби билан Менга сиғиниб, садоқат билан Менга хизмат қиласидилар.**

Изоҳ: Ведалар, яъни барча муқаддас китобларни мукаммал ўрганган ва Чайтания Махапрабху сингари ишонарли рухий устозлардан илм олган ҳамда шу илмга асосланиб ҳаёт кечираётган билимдон киши Кришна - моддий ва рухий оламлардаги барча мавжудотларнинг манбаи эканини англашга қодир бўлади. Буни тўла англаб олиб, у Худои Таология тинмасдан хизмат қила бошлайди. Ҳар хил нодон одамлар, уларнинг муқаддас китобларга ўзларича ёзган изоҳлари, чуқур иймон-эътиқодга эга бўлган шундай одамни бу йўлдан адашиб кетишига мажбур қила олмайди. Барча Ведавий битиклар, шастралар бир овоздан Кришнани Браhma, Шива ва бошқа фаришталарнинг манбаи деб тан оладилар. "Атхарва-веда"да ("Гопала-тапана-упанишад" 1.24)

шундай дейилган: *йо брахманам видадхати пурвам йо ваи ведами ча гапайати сма кришина* - "Кришнанинг Ўзи яратиш аввалида Брахмага Веда илмини берган ва бу илмни аввал Унинг Ўзи тарқатган". "Нарайана-упанишад"да(1) шундай дейилади: *атха пуршио ха ваи нарайано "камайата праджасаḥ срджейети* - "Шунда Худо Шахси, Нарайана тирик мавжудотларни яратишга қарор қилди". Бу манбада яна шундай сўзлар бор: *нарайанад браhma दжайатे, нарайанад праджасатिḥ प्रदज्जयते, нарайанад इन्द्रो द्वजायते, нарайанад शिष्टावसावो द्वजायन्ते, нарайанад एकादशा रुद्रा द्वजायन्ते, наरायानाद द्वादशादित्याः* - "Нарайанадан Браhma ва инсониятнинг барча бобокалонлари туғилди. Нарайанадан Индра дунёга келди, Ундан саккиз Васу, ўн бир Рудра ва ўн икки Адитийалар дунёга келдилар". Нарайананинг Ўзи эса - Кришнанинг намоён бўлган қиёфасидир.

Ведаларда айтилганки, *брахманौ देवाकि-पुत्राः* - "Девакининг ўғли, Кришна - Худо Шахсидир" (Нарайана-упанишад, 4). Шу манбада яна айтилганки: *эко वा॒ ना॒रायाना॑ असि॒ ना॒ ब्राह्मा॑ ना॒ शिशु॑ ना॒ नाग्नि॑-सामा॑ ने॒मे॑ दी॒व-अ॒र्पित्खि॑वि॑ ना॒ नाक्षित्रानि॑ ना॒ सूर्या॑* - "Яратишдан аввал фақат Олий Шахс, Нарайана мавжуд эди. Шунда Браhma ҳам, Шива ҳам, олов ҳам, ой ҳам, осмондаги юлдузлар ҳам, күёш ҳам йўқ эди".(Маха-упанишад,1). "Маха-упанишад"да, "Тангри Шива Худои Таолонинг пешонасидан дунёга келди", деб айтилган. Шундай қилиб, Ведаларнинг тасдиқлашига кўра, Браhma ва Шивани яратган Худои Таоло, Кришна - сигинишга лойик ягона Зот, ягона Парвардигордир.

"Мокша-Дхарма"да Кришна шундай дейди:

*प्रदज्जापतिः च रुद्राम चतुर्मुखाः वा॒ प्रि॒दज्जसामि॑ वा॒ त॒य॒ हि॒ म॒मा॒ ना॒ वि॒द्ज्जसामि॑ म॒मा॒ म॒या॒-वि॒मोहिता॑*

"Гарчи, Менинг алдамчи қувватим таъсирида адашиб юрганлари сабабли ўзлари билмасалар ҳам, буюк бобокалонлар, Шива ва бошқаларни Мен Ўзим яратганман". "Вараха-пурана"да шундай дейилган:

*ना॒रायानाः परो॑ देवास॑ ता॒स्माद्ज॑ द्वजाताः चतुर्मुखाः वा॒ त॒स्माद॑ रुद्रो॑ भ्रवाद॑ देवाः चा॒ चा॒ सर्वा॑-द्वजाताम॑ गताः*

"Нарайана - Худонинг Олий Шахсидир. У Брахмани яратди, ундан эса - Шива туғилди".

Парвардигор Кришна бутун борликнинг манбаидир, Уни олам яратлишининг энг фаол сабабчиси деб атайдилар. "Ҳамма нарса Мендан яралгани учун, - дейди Парвардигор, - Мен бутун борликнинг бошлангич манбаиман. Бутун борлик Менга бўйсунган. Бутун оламда Мендан буюкроқ зот йўқ". Олий Хукмдор фақат битта - Кришна. Ҳакикий руҳий устознинг кўрсатмаларига амал қилиб, ведавий муқаддас китобларга таяниб, Кришнани ана шундай англаб етган киши бутун куч-қувватини Кришна онгида харакат қилишга ишлатади ва ҳакикий донишманд бўлиб етишади. Унинг олдида Кришнани англаб

етмаган бошқа одамларнинг барчаси - шунчаки ғофил, аҳмоклардир. Фақат аҳмоқ одамгина Кришнани оддий одам деб ҳисоблаши мумкин. Кришна онгига эга бўлган киши нодон ва ғофил одамларнинг ўзини алдаб, йўлдан адаштиришларига йўл қўймаслиги керак: "Бҳагавад-гита"нинг ҳар хил нотўғри талқинларидан четда юриб, Кришнани англаш йўлидан адашмай боришда давом этиши керак.

*9. мач-читта мад-гата-прана бодхайантаҳ параспарам  
катхайанташи ча мам нитийам тушиянти ча раманти ча*

**Менинг соф содикларимнинг бутун фикру-ҳәёли Мен билан банд, улар ҳаётини бутунлай Менга бағишилаганлар. Улар бир бири билан илохий илм алмашишдан, Мен ҳақимда сухбатлашишдан чексиз лаззат ва ором олиб яшайдилар.**

Изоҳ: Бу ерда таърифланган Худонинг соф содиклари бутун вужуди билан Худога хизмат қиласидилар. Уларнинг ақли ҳамиша Кришнанинг нибуфар қадамлари пойида мужассам ва улар фақат руҳий мавзуларда сухбатлашадилар. Бу ерда соф содикларга хос бўлган фазилатлар келтирилган. Шундай содиклар куну-тун Парвардигорнинг сифатларини, кароматларини олкишлайдилар. Уларнинг юраги ва қалби ҳамиша Кришнага гарк бўлган, бошқа содиклар билан Кришна ҳақида сухбатлашиб, улар чексиз руҳий лаззатланиб яшайдилар.

Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бошлангич даврида Худога хизмат қилишнинг ўзи улар учун илохий лаззат манбаи бўлади, руҳий камолотга эришганда эса, улар қалбида Кришнага нисбатан чукур муҳаббат туйғусини уйғотадилар. Ана шу илохий погонага кўтарилиб, улар Худонинг даргоҳида ҳукм сурадиган олий руҳий лаззатдан баҳраманд бўла бошлайдилар. Худованд Чайтаня Худога садоқат билан хизмат қилишни тирик мавжудотнинг қалбига ташланган муҳаббат уруғига ўхшатади. Бугун коинот бўйлаб бир сайёрадан бошқа сайёрага ўтиб, сон-саноқсиз тирик мавжудотлар сарсон бўлиб юрибдилар, улар орасида камдан кам одам, ҳаётида Худога садоқат билан хизмат қилиш сирларини ошкор этишга қодир бўлган Худонинг содик хизматкорини учратиши мумкин. Худога садоқат билан хизмат қилиш инсоннинг қалбига ташланадиган уруғликка ўхшайди. Агар ҳаётида шундай нодир баҳтга дуч келган киши ҳамиша мана шу буюк мантра - Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре мантрасини зикр қилиб, тинглаб юрса, худди сув кўйиб турганда униб чиқадиган дараҳт уруғи сингари, унинг қалбидаги муҳаббат уруғи ҳам ривожлана бошлайди. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг руҳий табиятли нав-ниҳоли аста-секин ўсиб, улғая боради ва моддий олам кобиқларидан ўтиб, руҳий осмондаги брахмаджайотига эришади. Ўсиб ривожланишда да-

вом этавериб, Худога садоқат билан хизмат қилиш дарахти рухий оламнинг энг буюк сайёраси - Голока Вриндаванага, Кришнанинг олий даргохига бориб етади. Голока Вриндаванада у Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топади ва Унга боғланиб, шу ерда мангу қолиб кетади. Худди оддий дарахт ниҳоли сингари, Худога садоқат билан хизмат қилиши ниҳоли ҳам, агар содик Худонинг мукаддас номларини зикр қилиш ва тинглаш суви билан уни мунтазам сугориб турса, ўсиб-улғайиб, гуллаб мева бера бошлайди. Худога садоқат билан хизмат қилиш дарахтининг тўла таърифи "Чайтаня-Чаритамрита" (Мадхья-лила,19) да келтирилган. У ерда айтилганки, Худога садоқат билан хизмат қилиши ниҳоли Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топганида содикнинг қалби Худога бўлган муҳаббат билан тўлади, худди сувсиз яшай олмайдиган балиқ сингари, шундай содик Парвардигорсиз бир лаҳза ҳам яшай олмайди. Ана шундай ҳолатда, Худонинг Олий Шахси билан бевосита учрашган содик барча рухий сифатларга эга бўлади.

"Шримад Бҳагаватам"да Худои Таоло билан Унинг соф содиклари орасидаги яқин муносабатлар ҳақида жуда кўп ҳикоялар келтирилган, шунинг учун, "Шримад Бҳагаватам" содиклар учун жуда азиз. "Шримад Бҳагаватам"(12.13.18)нинг ўзида айтилганидай, *шримад-бҳагаватам пурнам амалам йад вацинаванам прийам*. Бу асарда моддий фаолият, иқтисодий равнақ, ҳиссий лаззатлар ёки озодликка эришиш ҳақида ҳеч нарса айтилмайди.

"Шримад Бҳагаватам" Худои Таоло ва Унинг содикларининг илоҳий табиати ёритилган ягона мукаддас асардир. Шунинг учун, худди ёш йигит билан қиз ўзаро сухбатлашишдан лаззат олгани сингари, қалбida Кришна онгини ривожлантирган киши ҳам ана шу илоҳий ҳикояларни тинглаб чексиз рухий лаззат олади.

*10. тешам сатата-йуктанам бҳаджатам прити-турвакам  
дадами буддхи-йогам там йена мам упайанти те*

**Ҳамиша Менга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиб юрган одамга, унинг Менга эришишига имкон берадиган чукур тафаккур ато этаман.**

Изоҳ: Бу ерда ишлатилган буддхи-йогам ибораси мухим аҳамиятга эга. "Бҳагавад-гита"нинг иккинчи бобида Худои Таоло Аржунга насиҳат бера туриб, унга кўп нарса айтган ва буддхи-йога ҳақида гапириб бераман, деб ваъда берган эди. Ҳозир У ана шу ваъдасини бажаряпти. Буддхи-йога - Кришна онгидаган фаолият ва у тафаккурнинг энг олий равишда намоён бўлишидир. *Буддхи* - "тафаккур" деган маънони, йога эса - рухий юксалиш йўлини билдиради. Инсон ўзининг ҳақиқий уйига, Худонинг даргохига кайтишга интилаётгани-

да, Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиб, бутунлай Кришна он-гига ғарқ бўлганида, унинг бу фаолияти “буддхи-йога” деб аталади. Бошқача қилиб айтганда, буддхи-йога - рухни моддий олам тутқунлигидан озодликка олиб чиқиш йўлиди. Рухий юксалишнинг энг олий мақсади - Кришна, Худои Таоло. Лекин одамлар буни билмайдилар, шу боис, уларнинг Худонинг содик хизматкори билан ҳамсуҳбат бўлиб, ўзларига ҳақиқий рухий устоз топишлари жуда муҳим. Ҳар бир инсон ҳаётнинг энг олий мақсади - Кришна, Худои Таоло эканини билиши керак. Агар инсон ҳаётда олдига ҳеч қачон ўзгармайдиганн, аниқ мақсад кўя олган бўлса, унга эришиш учун астасекинлик билан, лекин ҳамиша қатъий ишонч ва шижаот билан интила бориши мумкин.

Агар одам ҳаётининг олий мақсадини билса-ю, лекин меҳнатининг натижаларига боғланниб қолган бўлса, унинг фаолияти “карма-йога” деб аталади. Агар у инсон бўлиб яшашдан мақсад - Кришна эканини билса, аммо унга Кришнага эришиш тўғрисидаги фалсафий фикрлашлар кўпроқ ёқадиган бўлса, у “тйана-йога” билан шугулланиб юрган бўлади. Агар одам ҳаётининг олий мақсадини билса, Худои Таолони Кришнани англаш ёрдамида, Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида излаб юрган бўлса, у “бхакти-йога” яъни, йоганинг мукаммал тизими бўлган, камолотнинг олий поғонасига кўтарилиш имконини берадиган буддхи-йога йўлида юрган бўлади.

Агар инсон ҳақиқий рухий устоздан фотиха олган ва бирор рухий ташкилотга аъзо бўлган бўлса-ю, лекин, шунга қарамай, камолотга эришишга ақли етишмаса, Кришна унинг қалбида туриб, унга Худои Таолога эришиш учун етарли даражада ақл-идрок ато этади. Фақат, ҳамиша Кришна онгидаги ҳаракат қилиш ва ҳар хил йўллар билан иложи борича Худога муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишда давом этиш керак. Агар Худонинг содик хизматкори рухий юксалиш йўлидан бориш учун етарли тафаккурга эга бўлмаса, аммо самимий ва ўз ихтиёрини бутунлай Худога топширган бўлса, Худои Таолонинг Ўзи унга рухий баркамолликка эришишда ва охир-оқибатда Худонинг даргоҳига қайтишда ёрдам беради.

#### *11. тешам эванукампартҳам аҳам аджнана-джам татаҳ нашайамӣ атма-бҳава-стҳо гъйана-дипена бҳасвата*

**Алоҳида марҳамат кўрсатиш учун, уларнинг қалбида мавжуд бўлатуриб, Мен уларнинг қалбидаги ғоғиллик зулматини илм нури билан ёритаман.**

Изоҳ: Чайтанья Махапрабху Банорас шаҳрининг кўчаларида Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре мантрасини кўйлай бошлаганида, Уни

тинглашга минглаб одамлар тўпланарди. Ўша вактларда Банорасда Пракашананда Сарасвати деган жуда машхур ва обрўли файласуф до-нишманд Чайтания Махапрабхуни ғофилика, илмсиз, ақидапарастликда айблаб масхара қила бошлади. Баъзан файласуфлар содикларни ғофилика ва ақидапарастликда айблаб, танқид қиласдилар. Лекин, аслида бундай эмас. Бҳакти фалсафасини ишлаб чиқкан зотлар ичида жуда буюк файласуфлар бор. Ҳатто содик шу файласуфларнинг ёзган асарларини ўқимаса, ҳатто руҳий устозидан ҳам ёрдам сўрамаса-ю, лекин Худои Таолога садоқат билан самимий хизмат қилиб юрган бўлса, қалбида мавжуд бўлган Кришнанинг Ўзи унга ёрдам беради. Шу боис, Кришна онгида харакат қилаётган самимий содик ҳеч қачон фафлатда қолиб кетмайди.Faflat ботқоғидан бутунлай халос бўлиш учун Кришна онгига гарк бўлиб, ҳамиша Худо-га садоқат билан хизмат қилиб юришнинг ўзи кифоя.

Парвардигор Аржунга айтяптики, Олий, Мутлак Ҳақиқатни, Худонинг Олий Шахсини фалсафий фикрлашлар йўли билан англаб бўлмайди, чунки Олий Ҳақиқат шу қадар буюк ва чексизки, Уни ақлга сиғдириб ёки фикрлаш ёрдамида англаб олиб бўлмайди. Инсон миллион йиллар давомида фалсафий фикрлаш билан машғул бўлиши мумкин, аммо, унинг қалбида Олий Ҳақиқатга нисбатан муҳаббат, садоқат бўлмаса, у ҳеч қачон Худои Таолони, Кришнани англай олмайди. Худонинг содик хизматкори ўзининг муҳаббат ва садоқат тўла хизмати билан Худони мамнун қила олганида, Парвардигор англаб бўлмас қуввати ёрдамида соф содикнинг қалбида Ўзини намоён этади. Соф содик ҳамиша Кришнани ўзининг қалбида олиб юради, ҳамиша қўёш каби порлоқ Кришнанинг мавжудлиги туфайли, унинг қалбидаги ғофилик зулмати ўз-ўзидан фойиб бўлади. Бу - Кришнанинг Ўзининг соф содик хизматкорига кўрсатадиган алоҳида марҳаматидир.

Моддий оламда яшаган миллион умрлар мобайнида тўпланган моддийлик губорлари қалбимизни қалин парда билан коплаб олади, аммо, агар биз Худога садоқат билан хизмат қила бошласак, ҳамиша Харе Кришна мантрасини зикр қилиб юрсак, қалбимиз тез орада иллатлардан покланиб, пок руҳий илмга эга бўламиз. Фақат Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш ва Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида олий мақсадга - Вишнуга, Кришнага эришиш мумкин. Бунга фалсафий фикр юритишлар ёки баҳс-мунозаралар билан эришишнинг иложи йўқ. Худонинг содик хизматкори моддий ҳаёт эҳтиёжлари учун ташвишга тушишининг ҳожати йўқ. Чунки, қалби фафлатдан бутунлай покланганида, унинг қилаётган хизматидан мамнун бўлган Худои Таоло унинг барча эҳтиёжларини Ўзи таъминлайди. "Бҳагавад-гита" таълимотининг мазмун-моҳияти шундан иборат. "Бҳагавад-гита"ни ўрганиб, инсон ўз ихтиёрини бутунлай Худои Таолога топшириши, умрини Худои Таолога муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишга бағишлиши мумкин. Худои Таоло Ўзининг содик

хизматкорига тўла ғамхўрлик қила бошлаганида, содик барча моддий истак-орзуладардан халос бўлади.

### 12-13. аржуна увача

*парам браҳма парам дхама павитрам парамам бхаван  
пурушам шашватам дивыйам ади-девам аджам вибхум  
ахус твам ришайах сарве деваршир нарадас татха  
асито девало вйасаҳ свайам чаива бравииши ме*

**Аржун шундай деди:** Сен - Худонинг Олий Шахси, олий даргоҳ, энг пок Мутлақ Ҳақиқатсан. Сен - туғилмаган, улуғвор, мангур, илохий, азалий, бошланғич Шахссан. Нарада, Асита, Девала ва Вйаса сингари барча буюк донишмандлар бу ҳақиқатни тасдиқлаганлар, ҳозир Ўзинг ҳам менга шуни айтяпсан.

Изоҳ: Бу икки шеърда Худои Таоло файласуф-майавадиларга Парвардигорнинг алоҳида руҳлардан фарқ қилишини тушуниш имкониятини беради. "Бҳагавад-гита"нинг мазмунини тушунтирадиган тўрт шеърни тинглаб, Аржун барча гумонларидан халос бўлди ва Кришна - Худонинг Олий Шахси эканлигини тан олди. У дарҳол, хеч иккиланмай шундай деди: "Сен - *парам браҳма*, Худонинг Олий Шахсисан". Аввал Кришна Ўзининг бутун борлиқнинг манбаи эканини айтган эди. Ҳар бир фаришта, ҳар бир одам Худои Таолога, Кришнага боғлиқ. Фақат ғофиллиги туфайли фаришталар ва одамлар ўзларини Худонинг Олий Шахсидан мустакил деб ўйлайдилар. Ана шу ғофиллик зулматни факат Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида ёри-тиш мумкин. Бу ҳақда аввалги шеърда Парвардигорнинг Ўзи айтган эди. Энди Унинг марҳамати билан Аржун Уни Олий Мутлақ Ҳақиқат деб тан оляпти, бу ведаларнинг, барча муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига мос келади. Аржун дўсти бўлгани учун Кришнани мактаб, шундай деб айтяпти, деб ўйламаслик керак. Мазкур икки шеърда Аржун айтаётган гапларнинг барчаси Ведаларда тўла тасдиқланади. Ведаларнинг тасдиқлашига кўра, Худои Таолони факат Унга садоқат билан хизмат қилиш билангина англаб олиш мумкин, бунинг бошқа йўли йўқ. Аржуннинг айтган ҳар бир сўзи Ведалар билан тасдиқланади.

"Кена-упанишад"да айтилганки, Олий Брахман бутун борлиқнинг таянчидир, Кришна ҳам бутун борлиқ Унда мужассамлигини айтган эди. "Мундака-упанишад"да айтилганки, Худои Таолони факат ҳамиша Уни ўйлаб юрган киши англай олади. Мунтазам равишида Кришна ҳақида ўйлаб юриш - *смаранам* деб аталади ва Худога садоқат билан хизмат қилишнинг тўқиз туридан бири ҳисобланади. Фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш шарофати билангина киши

ўзининг ҳақиқий руҳий табиатини англаб етиши ва моддий тана тутқунлигидан халос бўлиши мумкин.

Ведаларда Худои Таоло - пок зотлар ичида энг пок Зот, деб аталган. Шу ҳақиқатни англаб етган киши ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлади. Худои Таолога ўз ихтиёрини топширмай туриб, гуноҳлар иллатидан кутулиб бўлмайди. Аржуннинг - "Кришна - пок зотлар ичида энг пок", - деган гапини Ведаларда ҳам, Нарада бошлиқ буюк донишмандларнинг фикрида ҳам тасдиқланади.

Кришна - Худонинг Олий Шахси, шу боис биз ҳамиша У ҳақда ўйлашимиз лозим. Шу тариқа биз Худои Таоло билан бўладиган руҳий муносабат лаззатидан баҳраманд бўламиз. Кришна - борликнинг энг Олий Тимсолидир. У моддий тана эҳтиёжларидан пок, туғилиш-ўлишлар унга таъсир қилмайди. Буни нафакат Аржун, балки барча ведавий муқаддас китоблар ҳам тасдиқлайди. Шастраларнинг ҳаммаси Кришнани худди шундай таърифлайдилар, "Бҳагавад-гита"нинг тўртинчи бобида Худои Таолонинг Ўзи шундай дейди: "Гарчи Мен туғилмаган бўлсан ҳам, ҳақиқий дин қонунларини тиклаш учун Мен ерга ташриф буораман". У - бутун борликнинг бошлангич манбаи; Унинг дунёга келишига хеч қандай сабаб йўқ, чунки Унинг Ўзи барча сабаблар сабабчиси ва ҳамма нарса Ундан тарқалган. Ана шундай мукаммал илмга факат Худои Таолонинг марҳамати билангина эришиш мумкин.

Кришнанинг марҳамати билан бу ерда Аржун ўзининг туйғуларини изҳор этяпти. Агар биз "Бҳагавад-гита"нинг мазмунини тушунишини истасак, мана шу икки шеърда айтилган гапларнинг барчасини тўла ишонч билан қабул қилишимиз лозим. Мана шу *paramatpa*, "шогирдлар силсиласи" деб аталади. Киши шогирдлар силсиласига мансуб бўлмай туриб, "Бҳагавад-гита"ни тушуна олмайди. Факат ўзининг фикрига, маълумотига таяниб "Бҳагавад-гита"нинг маъносини тушуниб бўлмайди. Минг афсуски, ўзларининг илмий унвонлари билан гердайган олимлар, Ведаларнинг шунча қўрсатмаларига қарамай, ўжарлик билан Кришнани оддий одам деб ҳисоблашда давом этаверадилар.

#### *14. сарвам этад ритам мане йан мам вадаси кешава на хи те бхагаван вийактим видур дева на данаваҳ*

**О Кришна, Сен айтган гапларнинг барчасини мен айни ҳақиқат деб қабул қиласман. Эй Парвардигор, на фаришталар, на иблислар Сени англаб етишга қодир эмаслар.**

Изоҳ: Бу ерда Аржун иблис ва атеистларнинг Кришнани англашга қодир эмаслигини тасдиқлайти. Замонавий кўримсиз, ғоғил олимлар у ёқда турсин, Худои Таолони ҳатто фаришталар ҳам англай олмайди-

лар. Худои Таолонинг марҳамати билан Аржун Олий Ҳакикат - ҳар томонлама мукаммал бўлган Худо Шахси, Кришна эканини англаб етди. Бизларнинг хар биримиз "Бҳагавад-гита" илми ўргатилаётган шогирдлар силсиласида биринчи бўлиб турган Аржундан ўрнак олишимиз керак. Тўртинчи бобда айтилганидай, *парампара*, яъни "Бҳагавад-гита" илмини ўрганиб келаётган устозлар силсиласининг занжири узилиб қолган эди. Шу сабабли, Ўзининг дўсти ва буюк содиги сифатида Аржунни парампара занжирининг биринчи халқаси қилиб, Худои Таоло яна шогирдлар силсиласини қайта тиклади. Шунинг учун "Гитопанишад"га кириш сўзида айтилган эдики, "Бҳагавад-гита" илми устозлар силсиласи, парампара орқали олинган бўлиши керак. Парампара узилиб қолгани сабабли Аржун унинг давомчиси сифатида танланган. Аржундан ўрнак олиб, биз хам Кришна айтган гапларни ҳеч иккиланмасдан ҳақиқат деб қабул қилишимиз лозим, шунда биз "Бҳагавад-гита"нинг мазмунини тушуна оламиз, факат шундагина Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини англашга қодир бўламиз.

*15. свайам эватманатманам веттиха твам турушоттама  
бхута-бхавана бхутеша дева-дева джагат-пате*

**Бутун борлиқнинг манбаи, барча тирик мавжудотларнинг хукмдори, худолар Худоси ва бутун оламнинг Эгаси бўлган эй Олий Шахс, ҳақиқатан ҳам, ички қувватинг ёрдамида Ўзингни фақат Сен Ўзинг тўлиқ англаи оласан.**

Изоҳ: Аржун ва унинг издошлари сингари, Худои Таолога, Кришнага садоқат билан хизмат қилиш орқали бевосита боғланган одамларгина Худони англаи оладилар. Иблис ва атеистлар ҳеч қачон Худони англаб етишга қодир эмаслар. Инсонни Худои Таолдан узоқлаштирадиган фалсафий сафсаталар энг оғир гуноҳdir, шу сабабли, Кришнани, Худони танимаган кишилар "Бҳагавад-гита"га ҳеч кандай изоҳ ёзмаслиги керак. "Бҳагавад-гита"ни Кришнанинг Ўзи айтган, ва Кришна ҳақидаги илм бўлгани учун, унда мужассам бўлган илмни Аржун сингари, факат Кришнанинг Ўзидан олиш билангина англаш мумкин. Бу илмни атеистлар орқали олишнинг иложи йўқ. "Шримад Бҳагаватам" (1.2.11.) да шундай дейилади:

*ваданти тат таттва-видас таттвам йадж джсанам адвойам  
брахмети параматмети бхагаван ити шабдийате*

Олий Ҳақиқатни уч аспекттда англаб оладилар: 1. Шахсиятсиз Брахман аспектида; 2. Хар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлган Параматма аспектида; 3. Бхагаван - Худонинг Олий Шахси қиёфасида. Шундай қилиб, Худонинг Олий Шахсини англаб етиш Мутлақ Ҳақиқатни англашнинг охирги, Олий босқичи хисобланади. Оддий

одам, ҳатто озодликка эришиб, шахсиятсиз Брахманни ёки ҳар бир тирик мавжудот қалбидаги Параматмани англаб етган киши ҳам, Худои Таолонинг шахс эканини албатта англаб етавермайди. Худонинг Олий Шахсини англаб етиш учун ундай одамлар ана шу Олий Шахс - Кришнанинг Ўзи айтган "Бҳагавад-гита"ни ўқиб-ўрганишлари лозим. Баъзи имперсоналистлар Кришнани "Бҳагаван" деб, Унинг обрўсини, мартабасини тан оладилар, аммо, озодликка эришганларнинг ҳаммаси ҳам Кришна - Пурушоттама, Олий Шахс эканини тушуниб етишга қодир бўлавермайди. Ҳатто шуни тушуниб ҳам, Кришна - барча тирик мавжудотларнинг отаси эканини англаш жуда кийин бўлади. Шу сабабли, Аржун Уни - бхуто-бхавана(бутун борликнинг манбаи) деб атаяпти. Ҳатто Кришна - барча тирик мавжудотларнинг отаси эканини англаған одам ҳам, Унинг олий ҳукмдор эканини англаш етавермайди. Шу сабабли, Кришнага мурожаат кила туриб, Аржун Уни Бхутеша, "Олий Ҳукмдор" деб атаяпти. Аммо, Кришнанинг барча тирик мавжудотларнинг Олий Ҳукмдори эканини англаш етган одамлар ҳам, Кришна барча фаришталарнинг бошлангич манбаи эканини тушуна олмайдилар, шу боис, Аржун Уни Девадева, яъни "худолар Худоси" деб атаяпти. Нихоят, Кришна - ҳатто худолар, яъни фаришталар ҳам сифинадиган ягона Парвардигор эканини билган одамлар ҳам, Унинг бутун борликнинг ягона Эгаси, Султони эканини тушунмайдилар, шу боис Аржун Уни Жагатпати яъни "Бутун борликнинг Эгаси" деб атаяпти. Кришна ҳақидаги ҳақиқат илмини англаш етган Аржун бу ерда шу буюк ҳақиқатни эълон қиляпти, биз ҳам ундан ўrnak олиб, Кришнани аслида қандай бўлса шундайлигича, асл ҳолида англай оламиз.

*16. вактум архасий ашешена дивийа хий атма-вибхутайаҳ  
йабхир вибхутибхир локан имамс твам вийапта тишитхаси*

**Илтимос, бутун оламларга сингиб кетган Ўзингнинг илохий мӯъжизаларингни менга батафсил таърифлаб бер.**

Изоҳ: Бу шеърдан маълум бўладики, Аржун Худонинг Олий Шахси ҳақида Кришна ошкор этган илмдан қаноатланган эди. Кришнанинг марҳамати билан Аржун илохий, руҳий тажрибага, чукур идрокка, илмга, улар ёрдамида эришиладиган ҳамма нарсага эга бўлиб, Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини тушунган эди. Унинг қалбida бунга ҳеч қандай шубҳа, гумон қолмади, шунга қарамай у Кришнадан қай тарзда бутун борликқа сингиб, уни қамраб олишини таърифлаб беришни илтимос қиляпти. Одатда одамлар, айнисса, имперсоналистлар Худои Таолонинг ҳар ерда мавжуд бўладиган аспекти билан кўпроқ қизиқадилар. Шу сабабли, Аржун Кришнадан қандай қилиб Унинг ҳар хил кувватлари Худои Таолони ҳамма ерда намоён кила олишини ту-

шунтириб беришини сўрайпти. Бу ерда Аржун шу саволни оддий одамлар тилидан бераётганини тушуниш керак.

*17. катҳам видъям аҳам йогимс твам сада паричинтайан  
кешу кешу ча бхавешу чинтйо “си бхагаван майа*

**О Кришна, эй Олий Сехргар, мен қандай қилиб ҳамиша Сени эслаб юришни, Сени англаб етишни ўрганишим мумкин? Эй Худонинг Олий Шахси, мен Сенинг намоён бўлган шунча қиёфаларингдан қайси бирини эслаб юришим керак?**

Изоҳ: Аввалги боблардан бирида айтилганидай, Худои Таоло, Худонинг Олий Шахси бизларнинг кўзимиздан йога-майа воситасида яширинган. Худои Таолони факат Унга ўз ихтиёрини топширган итоаткор руҳлар, Унинг содик хизматкорлари кўра оладилар. Ўзининг дўсти, Кришна - Худои Таоло эканига Аржун хеч қандай гумон килмайди, аммо, у бошқа оддий одамлар ҳамма ерда ҳам мавжуд бўлган Худои Таолони қандай англай олишлари мумкинлигини билишини истаяпти. Оддий одамлар, шу жумладан атеист ва иблислар ҳам, бизлардан йога-майа воситасида яширинган Парвардигорни англай олмайдилар. Шу сабабли, Аржун уларнинг баҳтини ўйлаб, мана шу саволларни беряпти. Улуғвор содик Худои Таолони, Кришнани факат ўзи англаб етишга интилмайди, аксинча, иложи борича ҳамманинг Худои Таолони англаб олиши ҳақида ўйлайди. Ҳар бир ҳақиқий вайшнав сингари, бошқаларга ғайритабиий равишда меҳрибон, ҳамдард бўлган ҳолда, Аржун барча одамларга, қандай қилиб Худои Таолонинг бутун борликда мавжуд бўлиши ҳақидаги илмни ошкор этмоқчи бўляпти. У Кришнанинг йога-майанинг Ҳукмдори эканини назарда тутиб, Уни *йогини деб атаяпти*. Кришнанинг амри билан Уни оддий одамлар кўзидан яшириб турган Йога-майа Худои Таолони одамларга намоён этиши ҳам мумкин. Қалбида Худога, Кришнага нисбатан мухаббат туйғуси бўлмаган оддий инсон ҳамиша Кришна ҳақида ўйлаб юра олмайди, шу сабабли, у моддий нарсалар орқали Кришнани эслашга мажбур. Шунинг учун Аржун хаёт ҳақида моддий тасаввурларга эга бўлган оддий одамларнинг фикрлаш кобилиятини назарда тутиб савол беряпти. *Кешу кешу ча бхавешу сўзлари моддий табиатни билдиради* (бхава - "моддий нарсалар" деганидир). Материалист одамлар Кришнанинг руҳий табиатини англаб ета олмагани сабабли, уларга моддий нарсаларни муроқаба қилиб, уларда ҳам Худои Таолонинг мавжуд эканлигини англашга ҳаракат қилиш тавсия қилинади.

*18. вистаренатмано йогам вибхутим ча джсанардана  
бхуяҳ катҳайа триптир хи шринвато насти ме “мритам*

**О Жанардана, Сендан яна бир бор ўтиниб сўрайман, Ўзингнинг мўъжизавий қудратинг ва бойликларинг ҳақида батафсилроқ гапириб бер. Мен Сен ҳақингда тинглашдан ҳеч чарчамайман, Сенинг сўзларингни тинглаган сайин, яна тинглаб лаззат олгим келаверади.**

Изоҳ: *Наймиишаранийа ўрмонида тўпланган Шаунака риши бошлиқ донишмандлар ҳам Суга Госвамига айнан шундай гапларни айтган эдилар:*

*вайам ту на витрипийама уттамама-шлока-викраме*

*йаач ҷхринватам раса-джсанам сваду сваду паде паде*

"Фаройиб илтижоларда олқишиланадиган Кришнанинг илоҳий эрмакларини мунтазам тинглаб юрган киши ҳеч қаҷон уларга тўймайди. Шри Кришна билан руҳий муносабатларини қайта тиклаган кишилар Парвардигорнинг мана шу эрмакларини тинглаб, тақрор ва тақрор илоҳий лаззатга фарқ бўлаверадилар"(Ш.Б. 1.1.19) Шу сабабли, Аржун яна бир марта Кришна ҳақида тинглашни истаяпти, энди уни қандай қилиб Кришна ҳар ерда мавжуд Худои Таоло бўлиб қолиши мумкинлиги қизиқтиради.

Амритам яни "лаззат" иборасига келсак, Шри Кришна ҳақидаги ҳар қандай сўз ёки ҳикоя ҳақиқий лаззат келтиради. Ана шу лаззатдан ҳар бир одам баҳраманд бўлиши мумкин. Ҳадемай кишининг жонига тегиб кетадиган дунёвий ҳикоялар, повест ва романлардан фарқли равишда, Парвардигор Шри Кришнанинг илоҳий эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинимсиз тинглайвериш мумкин. Шунинг учун ҳам, коинотнинг тарихи ҳақидаги асрларда Парвардигорнинг намоён бўлган ҳар хил кўринишлари кўрсатган илоҳий эрмаклар ҳақидаги ҳикояларнинг сон-саноғи йўқ. Масалан, Пураналар қадим ўтган замонлардаги воқеалар ҳақида ҳикоя қиласи. Шу боис одамлар уларни қанча ўқимасин, ҳеч қаҷон бундан зерикмайдилар.

19. *иши бхагаван увача*

*ханта те катхайишиами дивіа хй атма-вибхутайаҳ*

*прадханийатаҳ куру-шреиштаҳ настї анто вистарасиа ме*

**Худои Таоло шундай деди: Майли, Мен сенга Ўзимнинг бойлик ва мўъжизаларимни гапириб бераман, фақат энг асосийларини, чунки, Менинг буюклигим ҳақиқатан ҳам чексиздир, о Аржун.**

Изоҳ: Кришна ва Унинг мўъжизаларининг буюклигини охиригача англашнинг иложи йўқ. Алоҳида руҳнинг жуда чекланган сезгилари унга Кришнанинг кароматларини охиригача англаб етишга имкон бермайди. Шунга қарамай, содиклар Кришнани англашга интиладилар.

Лекин, улар қайсиdir маълум вақтда ёки умрининг қайсиdir маълум босқичида Худои Таолони, албатта, тўла англаб етишни олдига мақсад килиб қўймайдилар. Мутлако, Шри Кришна ҳақидаги хикояларнинг ўзи уларга шунчалик қувонч олиб келадики, улар ҳақиқатан ҳам худди тенгсиз лаззатга ўхшайди. Шу сабабли, Худонинг содик хизматкорлари бундай хикояларни тинглаб чексиз лаззат оладилар. Кришнанинг фазилатлари ва Унинг ҳар хил қувватлари ҳақида гапириб, Худонинг соғ содиклари руҳий лаззат оладилар, шу сабабли уларни тақрор ва тақрор гапиришни ёки тинглашни истайдилар. Тирик мавжудотлар Худои Таолонинг буюклигини тасаввурларига сифдира олмаслигини Кришна яхши билади, шунинг учун У Аржунга Ўзининг ҳар хил қувватларининг асосий кўринишлари ҳақида гапириб беришга рози бўлди. Бу ерда ишлатилган *прадханіатаҳ*, яъни, "асосий" ибораси муҳим аҳамиятга эга. Демак, биз Худои Таолонинг намоён бўлган асосий кўринишларинигина билиб олишимиз мумкин, чунки унинг кўринишлари чексиз. Уларнинг ҳаммасини билишининг шунчаки иложи йўқ. Бу ерда ишлатилган *вibхути* сўзи эса, Худои Таолонинг оламини бошқариб турадиган қудратини билдиради. "Амар-коша" лугатида айтилганки, *вibхути* - "алоҳида гаройибот" дегани билдиради.

Имперсоналистлар ва пантеистлар Худои Таолонинг гаройиблигини ва Унинг илохий қувватлари қандай ҳаракат қилишини тушуна олмайдилар. Ана шу қувватлар руҳий ва моддий оламдаги ҳамма нарсаларга сингиб кетган. Ҳозир Кришна Ўзининг оддий одамлар англаб олишга қодир бўлган гаройиботлари ва ҳар хил қувватларининг бир кисми ҳақида гапириб бермоқчи бўляпти.

*20. аҳам атма гудакеша сарва-бхуташайа-стхитаҳ  
аҳам адии ча мадхӣам ча бхутанам анта эва ча*

**О Аржун, Мен - ҳар бир тирик мавжудот қалбидаги Олий Рухман. Мен - бутун борлиқнинг аввали, ўртаси ва охириман.**

Изоҳ: Бу ерда Аржун Гудакеша, яъни "фафлат ва уйқусини енгган" деб аталган. Faфлат ботқогига ботиб, ухлаб ётган одам Худонинг Олий Шахсининг руҳий ва моддий оламда намоён бўлган ҳар хил кўринишларини англашга қодир эмас. Шу сабабли, Кришнанинг Аржунга мурожаат қилаётган исмлари чуқур маънога эга. Аржун ўзининг ғоғиллигини енга олгани учун Худои Таоло унга Ўзининг ҳар хил гаройиб бойликлари ҳақида гапириб беришга рози бўлди.

Энг аввало Кришна Аржунга Ўзининг биринчи намоён бўлишида - бутун моддий оламнинг руҳи, жони эканини айтяпти. Моддий оламни яратишдан аввал Худои Таоло Ўзининг тўлиқ намоён бўлган кўриниши - *пуруша-аватара* киёфасига киради ва бутун борлиқнинг яралишини бошлаб беради. Шу сабабли У - маҳат-таттванинг атмаси,

яъни моддий олам таркиб топадиган мужассам моддий қувватнинг Жони, Рухидир. Мужассам моддий қувват олам яралишининг сабабчиси эмас, унинг сабабчиси - маҳат-таттванинг, мужассам моддий қувват ичига кирадиган Маха-Вишнудир. У - маҳат-таттванинг рухи. Маха-Вишну аввало намоён бўлган коинотлар ичига киради, кейин ўзини ҳар бир мавжудот ичига намоён этади. Биз биламизки, ҳар бир тирик мавжудотнинг моддий танаси унда руҳий заррача мавжуд бўлгани сабаблигина тирик. Агар жон бўлмаса, тана ўсиб ривожлана олмасди. Худди шундай, моддий олам ҳам, агар унга Олий Рух, Кришна кирмаса, ўсиб ривожланмаган бўларди. "Субала-упанишад"да шундай деб айтилган: *пракритийади-сарва-бхутантар-йами сарва-шеши ча нарайанаҳ* - "Олий Рух кўринишида Худонинг Олий Шахси барча намоён бўлган коинотларда мавжуддир".

"Шримад Бҳагаватам"да, шунингдек "Сатвата-тантра"да уч *пуруша-аватара таърифланган. Вишинос ту трини рупани пурушакхани атхо видух*: Моддий оламда Худонинг Олий Шахси Ўзини уч қиёфада намоён этади - Каранодакашайи Вишну, Гарбходакашайи-Вишну ва Кширодакашайи-Вишну. Маха-Вишну, ёки Каранодакашайи - Вишну ҳақида "Браhma - самхита" (5.47) да гапирилган: *йах каранарнаваджсале бхаджати сма йога-нидром*: Худои Таоло, Шри Кришна барча сабаблар сабабчиси бўлган Маха-Вишну қиёфасида фазовий уммонда ястаниб ётади. Шу боис Худонинг Олий Шахсини бу оламнинг бошланғич манбаи, бутун борлиқнинг посбони ва моддий қувватнинг намоён бўлган барча кўринишиларининг охири деб атайдилар.

**21. адитйанам аҳам вишнур джйотишам равир амишуман  
маричир марутам асми накшатранам аҳам шаии**

**Адитйалардан Мен - Вишнуман, ёритгичлар ичига - порлок  
Күёшман, Марутлардан - Маричиман, юлдузлар ичига Мен - Ой-  
ман.**

Изоҳ: Ўн икки Адитйадан асосийси - Кришна. Осмонда яркираб турган ёритгичлардан асосийси - Күёш, у "Браhma-самхита"да "Худои Таолонинг порлаб турган кўзи" деб аталган. Космик фазода эллик турли шамол эсib туради, уларнинг ҳаракатини бошқариб турган фаришта Маричи - Кришнанинг тимсолидир.

Тунда осмондаги барча юлдузлар орасида энг ёруғи Ой ҳисобланади, шу боис Ой ҳам Кришнанинг тимсолидир. Бу шеърдан маълум бўладики, Ой юлдузлар туркумига киради. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: осмонда яркираб турган юлдузлар ҳам Күёшнинг нурини акс эттиради. Ведалар илми коинотда бир неча Күёш борлигини инкор этади. Күёш битта, юлдузлар эса, шу жумладан, ой ҳам, Күёшнинг нурини акс эттирадилар. "Бҳагавад-гита"нинг

бу шеърида ой юлдузлар тоифасига киритилган экан, демак, осмонда ярқираган юлдузлар ўз холича бир қуёш эмас, улар ойга ўхшаб, факат қуёш нурини акс эттирадилар, холос.

*22. веданам сама-ведо "смин деванам асли васаваҳ  
индриянам манаши часми бхутанам асли четана*

**Ведалар ичида - "Сама-веда" Менман, фаришталар ичида Мен - осмон шохи Индраман, ҳиссиятлардан Мен - ақлман, тирик мавжудотларнинг хаёт кучи, онги - Менман.**

Изоҳ: Модда билан руҳнинг орасидаги фарқ шундан иборатки, тирик мавжудотдан фарқли равишда, модданинг онги йўқ. Шу боис, мангу онг бирламчи, бошланғичdir. Моддий унсурларнинг қандайдир йўллар билан бирикиши натижасида онг пайдо бўлиши мумкин эмас.

*23. рудранам шанкараши часми виттешио йакша-ракшасам  
васунам павакаши часми меруҳ шикхаринам аҳам*

**Рудралардан Мен - Тангри Шиваман, якша ва ракшаслар орасида Мен - хазинабон Кувераман, Васулардан Мен - Агни(олов)ман, тоғлар ичида эса - Меруман.**

Изоҳ: Моддий оламда ўн бир Рудра мавжуд бўлиб, уларнинг энг асосийси - Шанкара, Тангри Шива. У - Худои Таолонинг моддий гафлат гунасини бошқарувчи қиёфасидир. Якша ва ракшасларнинг ҳукмдори - фаришталарнинг хазинабони Кувера ҳисобланади, у ҳам Худои Таолониинг тимсолидир. Меру - ўзининг табиий бойликлари билан машҳур тоғ.

*24. пуродхасам ча мукхӣам мам видҳхи партҳа бриҳаспатим  
сенанинам аҳам скандаҳ сарасам асли сагараҳ*

**О Аржун, билсанг, руҳонийлар ичида асосий руҳоний - Бриҳаспали - Менман. Лашкарбошилар ичида - Карттикеяман, сув ҳавзалари ичида - Океанман.**

Изоҳ: Жаннатий сайёralарда яшайдиган фаришталарнинг ҳукмдори - осмон шохи Индра. У бошқараётган сайёра Индралока деб аталади. Бриҳаспали - Индранинг руҳий устози, руҳоний. Индра фаришталарнинг сардори бўлгани учун, Бриҳаспали ҳам руҳонийларнинг энг каттаси ҳисобланади. Индра - фаришталар шохи бўлгани сингари, Сканда, яъни Парвати ва Тангри Шиванинг ўғли Карттикея хам - барча лашкарбошилар сардори. Барча сув ҳавзалари ичида энг каттаси - Океанман.

ан хисобланади. Буларнинг барчаси орқали Кришнанинг улугворлиги, буюклиги тўғрисида бироз тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

*25. маҳаринам бҳригу аҳам гирам асмӣ экам ақиарам  
йаджсанам джана-йаджно “сми стхаваранам хималайаҳ*

**Буюк донишмандлардан - Бхригуман, товушлар ичида - муқаддас "оум" бўғини Менман. Қурбонликлардан - Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш - жапаман, кўзгалмас зотлар ичида эса - Ҳимолайман.**

Изоҳ: Коинотдаги биринчи тирик мавжудот, Браhma бир неча ўғил фарзандларни дунёга келтириди, улар ҳаётнинг ҳар хил турларини яратдилар. Унинг донишманд-ўғиллари орасида энг кудратлиси - Бхригу. Барча руҳий, илоҳий товушлар ичида "оум" бўғини, омкара - Кришнанинг тимсолидир. Барча қурбонлик маросимлари ичида эса, Кришнанинг соғ ҳолдаги тимсоли - Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишдир: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Баъзи Ведалар хайвонларни қурбонлик қилишни тавсия қиласидилар, аммо Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишдан иборат бўлган қурбонлик маросимида ҳеч қандай зулмга ўрин йўқ. Зикр - барча қурбонлик маросимлари ичида энг осон ва энг пок қурбонлик маросими. Оламдаги барча буюк, улугвор нарсалар Кришнанинг тимсолидир. Шу сабабли Ер юзидағи энг буюк төғ, Ҳимолай ҳам Кришнанинг тимсолидир. Аввалги шеърда Меру тоги ҳақида гапирилган эди, аммо Меру баъзан ўрнидан кўзгалади, Ҳимолай эса, ҳамиша кўзгалмай қолаверади. Шу томони билан Ҳимолай Мерудан устун туради.

*26. аиваттхаҳ сарва-вришинаам деваршинам ча нарадаҳ  
гандхарванам читраттаҳ сиддханам капило муних*

**Дараҳтлардан - баниян дараҳти Менман, фаришталар орасидаги донишмандлардан - Нарада Менман. Гандхарвалардан - Читратхаман, комил зотлар ичида эса, Мен - донишманд Капиламан.**

Изоҳ: Баниян дараҳти(аиваттха) - энг баланд ва чиройли дараҳт, кўплаб хиндишонликлар унга эрталабки сифиниш маросимларида сажда қиласидилар. Фаришталар билан бир каторда Ҳиндишонликлар оламда Худонинг энг буюк содик хизматкори бўлган Нарадага ҳам сажда қиласидилар. Шу сабабли, у содиклар орасида Кришнанинг тимсоли ҳисобланади. Гандхарваларнинг сайёрасида моҳир машшоқ ва кўшикчилар яшайди, уларнинг энг яхшиси Читратхама ҳисобланади. Камолотга эришган тирик мавжудотлар орасида Девахутининг ўғли

Капила - Кришнанинг тимсолидир. Уни “Кришнанинг намоён бўлган қиёфаси” деб хисоблайдилар, Унинг таълимоти “Шримад Бхагаватам”да келтирилган. Кейинроқ бошқа бир Капила ҳам дунёга келиб, атеистик таълимотни тарғибот қилиш билан донг таратди. Шундай қилиб, Девахутанинг ўғли Капила ва атеист Капиланинг бир-бирига ҳеч қандай алоқаси йўқ.

*27. уччайхишравасам ашванам виддхи мам амритодбхавам  
айраватам гаджендрранам наранам ча нарадхипам*

**Чопқир отлар ичида Мен - океани чайганда дунёга келган Уччайхишраваман. Қудратли филлар орасида Мен - Айраватаман, одамлар ичида эса - шаҳаншоҳман.**

Изоҳ: Фаришталар(Худонинг содиқ хизматкорлари) ва иблис(асур)лар бир куни сут уммонини чайқашга карор қилдилар. Чайқаш натижасида мангалик шарбати ва заҳар пайдо бўлди. Заҳарни Тангри Шива ичди, шарбатдан эса, ҳар хил тирик мавжудотлар дунёга келди, улар орасида Уччайхишрава деган от ва Айравата деган фил бор эди. Улар мангалик шарбатидан дунёга келгани сабабли оддий тирик мавжудотлардан эмас, балки Кришнанинг тимсолидирлар.

Одамлар орасида шоҳ - Кришнанинг тимсолидир, чунки Кришна бутун оламнинг саодатини ўйлади, ўзларининг тақвадорлиги билан шоҳ даражасига кўтарилиган одамлар ҳам, кўл остидаги фуқароларининг баҳт-саодати ҳакида қайгурадилар. Махараж Юдхиштихира, Махараж Паришит ва Парвардигор Рама сингари ҳукмдорлар ўз фуқароларининг саодатини ўйладиган олий даражадаги тақвадор шоҳлар эдилар. Ведаларда “шоҳ - Худои Таолонинг ердаги вакили”, деб кўрсатилган. Ҳозирги даврда ҳакиқий дин конунлари унутилиб кетгани сабабли, монархия(шоҳлик тизими) ҳам завол топиб, бекор қилинган. Аммо, тарихдан маълумки, тақвадор шоҳлар ҳукми остида яшаб ўтган фуқаролар ҳаётда анча баҳтлироқ эдилар.

*28. айудханам аҳам ваджрам дхенунам асми камадхук  
праджсанаш часми кандарпаҳ сарпанам асми васукиҳ*

**Қуроллар ичида Мен - яшинман, сигирлар ичида - сурабхиман. Янги авлодни дунёга келтирадиган сабаблар ичида - муҳаббат фариштаси Кандарпа Менман, илонлар ичида Мен - Васукиман.**

Изоҳ: Яшин ҳакиқатан ҳам жуда кудратли курол, у - Кришнанинг кудрати тимсолидир. Руҳий оламдаги сайёра Кришналокада сурабхи деб аталадиган сигирлар яшайди, уларни хоҳлаган пайтда соғиб, хоҳлаган микдорда сут олиш мумкин. Албатта, моддий оламда ундей

сигирлар мавжуд эмас, лекин улар Кришналокада бор. Худои Таолонинг шундай сигирлари кўп. Севги фариштаси Кандарпа жинсларнинг бир-бирига интилиш тимсолидир, шу интилиш натижасида тақводор фарзандлар дунёга келади. Шу сабабли, Кандарпа - Кришнанинг вакили. Факат ҳиссий лаззат олиш ниятида жинсларнинг бир-бирига интилишининг Худои Таология, Кришнага хеч қандай алоқаси йўқ. Аммо тақводор фарзандларни дунёга келтириш ниятида бўладиган жинсий алоқа Кандарпа деб аталади ва Кришнанинг тимсоли ҳисобланади.

*29. ананташи частми наганам варуна йадасам ахам  
питринам арйама частми йамаҳ самайаматам ахам*

**Кўп каллали аждарлар ичида Мен - Анантаман, сувда яшовчилар ичида - фаришта Варунаман. Аждодлар ичида - Арйамаман, одил ҳукм чиқарувчилар ичида эса, Мен - ажал фариштаси Яма(Азоил)ман.**

Изоҳ: Кўп каллали аждарлар орасида энг буюги Ананта ҳисобланади, сувда яшовчилар орасида эса - фаришта Варуна. Улар иккиси ҳам Кришнанинг вакилидир. Гуноҳкорларни жазолайдиган жуда кўп тирик мавжудотлар мавжуд, уларнинг ичида энг асосийси - Яма, Азоил. У Ер сайёрасидан унча узоқ бўлмаган сайёрада яшайди. Тузалмас гуноҳкорларни ажалидан кейин ана шу сайёрага олиб борадилар, Азоил эса уларнинг қилмишларига яраша жазо белгилайди.

*30. прахладаши частми дайтианам калаҳ калайатам ахам  
мриганам ча мригендор “ҳам вайнатеяши ча пакинам*

**Иблис Даитилар ичида - содик Прахлада Менман, яксон қилувчи кучлар ичида Мен - Замон(вакт)ман, ҳайвонлар ичида - арслонман, қушлардан эса – Гарудаман**

Изоҳ: Дити ва Адити - опа-сингиллардир. Адитининг ўғилларини “Адития”лар деб, Дитининг ўғилларини эса - “Дайтиалар” деб атайдилар. Адитиаларнинг барчаси Худонинг содик хизматкорлари, Дайтиаларнинг ҳаммаси - худосиз иблислардир. Гарчи Махараж Прахлада Дайтиалар хонадонида дунёга келган бўлса ҳам, у болалигиданоқ Худонинг буюк содик хизматкори эди. У Худои Таология садоқат билан хизмат қилгани ва илоҳий фазилатларга эга бўлгани учун уни Кришнанинг вакили деб ҳисоблайдилар.

Яксон қилувчи кучлар жуда кўп, аммо замон, вақт моддий оламдаги ҳамма нарсани емириб, яксон қиласи, шу сабабли, у - Кришнанинг вакили ҳисобланади. Ҳайвонлар орасида энг кучлиси ва даҳшатлиси -

арслон, миллионлаган күшлар ичида эса энг каттаси - Худованд Вишнуни елкасида олиб юрадиган Гаруда.

*31. паванаң паватам асми рамаң шастра-бхритам ахам  
дэжхашанам макараши часми сротасам асми джасхнави*

**Покловчилар ичида Мен - шамолман, қурол осганлар ичида - Рамаман, балиқлар ичида - Акула Менман, тошқин дарёлар ичида Мен - Гангаман.**

Изоҳ: Балиқлар ичида энг каттаси ва инсон учун энг хавфлиси шубҳасиз акула ҳисобланади. Шу боис, у Кришнанинг тимсоли ҳисобланади.

*32. сарганам адир анташи ча мадхйам чаиваҳам арджсунा  
адхийаттма-видйа видйанам вадаҳ правадатам ахам*

**Бутун мавжудотнинг аввали, ўртаси ва охири - Менман, о Аржун. Барча илмлар ичида рух ҳақидаги илохий илм - Менман, мантиқий мулоҳаза юритувчилар учун эса, ҳақиқатга олиб келувчи якуний хулоса - Менман.**

Изоҳ: Олам яралишининг биринчи босқичи - мужассам моддий кувватни, моддий унсурларни яратиш ҳисобланади. Аввал айтганимиздай, моддий оламни Маха-Вишну, Гарбходакашайи-Вишну ва Кширодакашайи-Вишну яратиб, мавжудлигини таъминлаб туради, кейин уни Тангри Шива яксон қиласи. Браhma - иккиламчи яратувчидир. Оламни яратадиган, мавжудлигини таъминлаб турадиган ва яксон қиласиган зотларнинг барчаси Худои Таолонинг моддий кувватининг намоён бўлишидир. Шунинг учун Худои Таолони олам яралишининг бошланиши, ўртаси ва охири деб атайдилар.

Одамларга илм олишда ёрдам берадиган жуда қўп китоблар мавжуд: тўрт Веда, уларга қўшимча қилиб ёзилган олти китоб, "Веданта-сутра", мантиқ ҳақидаги асарлар, дхарма-шастралар ва Пураналар. Ҳаммаси бўлиб инсонга ҳақиқий илм берадиган ўн тўрт китоб мавжуд. Уларнинг ичида рухий илм(*адхийаттма-видйа*) ёритилган китоб, яъни айнан "Веданта-сутра" Кришнанинг тимсолидир.

Мантиқ илмини эгаллаган файласуфлар ўзаро баҳсларда ҳар хил далиллар келтирдилар. Рақиби келтирган далиллар билан ўзининг ҳақ эканини исботлаш *джалта* деб аталади. Ҳар қандай йўл билан рақибининг далилларини инкор этиш *виманда* деб аталади. Аммо, баҳс асосида ҳақиқатни юзага чиқаришга уриниш *вада* деб аталади. Ана шундай баҳс Кришнанинг тимсолидир.

*33. ақиаранам а-каро "сми ծвандах самасикасайча  
ахам әвакшайаҳ кало ծхатахам вишвато-мукхаҳ*

**Харфлар ичиде Мен - "А" ҳарфиман, сўзлардан Мен - қўшма сўzman. Мангу замон ҳам - Менман, яратувчилардан қудратли Браҳма - Менман.**

Изоҳ: *A-кара* (санскрит алифбесининг биринчи ҳарфи) Ведаларнинг боши ҳисобланади. А-карасиз бирор товушни талаффуз килиб бўлмайди. Шу сабабли, А-карани товушнинг боши деб атайдилар. Санскрит тилида ҳам ҳар хил қўшма сўзлар бор, уларнинг ичиде *рамакришина* сингари қўшма сўзлар *ծванда* деб аталади. Бу тоифадаги қўшма сўзларда, ҳар бир сўз, масалан, *рама ва қришина*, тенг даражадаги сўзлардир, шу сабабли, улар "қўшма сўзлар" деб аталади.

Яксон қилувчилар ичиде энг асосийси - замон, вақт ҳисобланади, у бутун борликни йўққа чиқаришга қодир. Вақт - Кришнанинг вакили, чунки белгиланган вақтда буюк яксон қилиш оловида бутун борлик ҳалокатга учрайди.

Яратиш фаолияти билан машғул бўлган тирик мавжудотлар орасида энг буюк зот - тўрт бошли Браҳма ҳисобланади, шунинг учун у Кришнанинг вакилидир.

*34. мритіүҳ сарва-хараши чахам үдбхаваш ча бхавишиятам  
киртиҳ ширир вак ча наринам смритир медҳа дхритиҳ кишама*

**Дунёга келадиган барча мавжудотларни яратадиган бошлангич сабаб ҳам, уларга ҳалокат келтирадиган ажал ҳам - Менман. Аёллардаги - Шухрат, Омад, Ширин сўз, Хотира, Тафаккур, Шижаот ва Сабр - Менман.\***

Изоҳ: Дунёга келган вақтидан бошлаб инсон ўла бошлайди. Ҳар бир ўтган лаҳза бизнинг умримизнинг бир қисмини ўғирлайди, аммо аслида "ҳақиқий ўлим" деб вақтнинг, замоннинг охирги ҳамласи - ажални айтадилар. Ана шу ажал - Кришна. Ҳаёти давомида барча тирик мавжудотлар олти тур ўзгаришлар орқали ўтади. Улар 1)дунёга келадилар, 2)ўсадилар, 3)биroz вақт ўзгармай қоладилар, 4)зурёд қолдирадилар, 5)сўла бошлайдилар ва 6)ниҳоят ҳалок бўладилар. Мана шу олти хил ўзгаришдан биринчиси - она қорнидан дунёга келиш Кришнанинг тимсолидир. Туғилиш - барча моддий фаолиятнинг аввалидир.

Бу ерда келтирилган етти хил фазилат: шухрат, омад, ширин сўз, хотира, идроқ, шижаот ва сабр аёллардан бошланадиган сифатлардир. Ана шу сифатларнинг барчасига ёки бир нечтасига эга бўлиш - инсонни яхшиликка, эзгу ишларга ундейди, унга шон-шухрат келтиради.

Эзгу ишлар одамга шон-шуҳрат келтиради. *Санскрит* - ҳар тарафлама мукаммал тил, у шуниси билан машхур. Ўргангандар нарсаларини тез хотирасида саклаб колиш қобилиятига эга киши *смрити*, хотираси кучлилиги билан шуҳрат қозонади. Илмнинг ҳар турли соҳаларига оид асарларни ўқиб, уларнинг мазмунини тушуниш, керак пайтда шу илмлардан амалда фойдалана билиш тафаккур, яъни *медҳа* деб аталади ва етти фазилатнинг бири ҳисобланади. Ҳаётда учрайдиган ҳар хил қийинчиликларни енгуба, кўзланган мақсадга интилишда қатъий давом этиш - *ধৰ্মী*, шижаот, қатъият деб аталади. Ана шу фазилатларнинг барчасига эга бўлган ҳолда, инсон камтар ва мулоим, мусибат ва шодликларга нисбатан ҳамиша бир хил муносабатда бўлса, унинг бу фазилати сабрлилик, *কিমা* деб аталади.

\*Ана шундай сифатлар тимсоли бўлган аёл-фаришталар, айни пайтда шундай ном билан аталади: Шри, Кирти ва хок.

*35. бриҳат-сама татҳа самнам гайатри чҳандасам аҳам  
масанам марға-ширио “ҳам ритунам кусумакараҳ*

**"Сама-веда" мадхияларидан "Бриҳат-сама" - Менман, қофия ўлчамларидан гаятри - Менман. Ойлар ичидан - Маргаширша (ноябр-декабр)ман, фасллар ичидан яшнаган баҳор - Менман.**

Изоҳ: Парвардигор, "Ведалар ичидан - "Сама-веда" Менман", деб айтган эди. "Сама-веда"да фаришталар куйлайдиган жуда кўп чиройли қўшиқлар келтирилган. Ана шу қўшиқлардан бири "Бриҳат-сама", ўзининг оҳанги билан машхур ва ярим тунда ижро этилади. Санскрит тилида шеър ёзишнинг маълум қоидалари мавжуд; унда шеърнинг рифми ва ўлчами ҳозирги замон шеъриятига ўхшаб, ҳеч қачон бетартиб бўлмайди. Шеър ёзишнинг классик шакллари ичидан энг машҳури *гаятри* мантраси ҳисобланади, уни барча ҳақиқий браҳманлар тиловат қиладилар. Гаятри-мантра "Шримад Ҳағаватам"да эслатиб ўтилган. Гаятри Худони англаш учун махсус белгиланганни сабабли, у Худони Таолонинг вакили ҳисобланади. Гаятри мантраси руҳий юксалишнинг етарли даражада юкори погонасига кўтарилиган одамга берилади, уни маълум тартибда тақрорлаб юрган киши руҳий даражага эришиб, Худони англаш етади. Гаятри мантрасини тақрорлашни бошлашдан олдин одам ҳақиқатан ҳам браҳман сифатларига эга бўлиши керак. Моддий табиат қонунларига биноан эзгулик гунасидаги кишиларга хос фазилатлар - браҳманларнинг фазилатларидир. Гаятри мантраси инсонлар жамиятида жуда муҳим аҳамиятга эга, у Брахманнинг товуш қиёфасидир. Биринчи бўлиб уни Брахма олган ва ундан бошлаб гаятри мантра руҳий силсила орқали устоздан шогирдга ўтиб келяпти.

Ноябр-декабр ойларига тўғри келадиган йил фасли барча фасллар ичида энг яхшиси ҳисобланади, чунки Ҳиндистонда бу пайт айни йигим-терим палласи бўлиб, одамларга жуда катта кувонч ва баҳт келтиради. Албатта, баҳор - йилнинг ҳамма бирдай яхши кўрадиган фасли, чунки баҳорда ҳаво ёқимли, жуда совук ҳам эмас, жуда иссиқ ҳам эмас, бу паллада ҳамма дараҳтлар гуллаб, гуллар очила бошлайди. Кришнанинг ўйинларига бағишиланган байрамларнинг кўпчилиги баҳор фаслига тўғри келади, шу боис, уни йилнинг энг қувончли фасли деб атайдилар баҳор - Худои Таолонинг, Кришнанинг тимсолидир.

*36. дўйуттам чхалайатам асми теджас теджасвинам аҳам  
джайо “сми вийавасайо “сми саттвам саттваватам аҳам*

**Барча қаллобликлар ичида Мен - қимор ўйиниман. Мен - одамни ўзига жалб этиб, маҳлиё қиласидиган нарсаларнинг жилосиман. Мен - ғалабаман, хатарли саргузашт ҳам, кучлилар билагидаги куч ҳам - Менман.**

Изоҳ: Жаҳонда ҳар хил қаллоблар жуда кўп. Қаллобликнинг барча турлари ичида қимор ўйини энг ашаддий қаллоблик ҳисобланади, шу боис, у ҳам Кришнанинг тимсолидир. Кудратли Худои Таоло бўлгани учун, Кришна ҳар қандай одамни алдаб қўйишга ҳам қодир. Агар Кришна бирорни алдамокчи бўлса, у буни ҳаммадан ҳам яхшироқ уddyалайди. Унинг улугворлиги, буюклиги ҳеч қандай чегара билан чекланмаган, У ҳар тарафлама мукаммал, буюк, - хатто қаллобликда ҳам.

Ғалабага эришганлар ичида ғалабанинг ўзи - Кришна. Кришна - ярқираган нарсанинг жилоси. Ишбилармон ва меҳнатсеварлар ичида энг тиришқоғи - У, барча кучлиларнинг ичида энг кучлиси ҳам - У. Кришна Ер юзида бўлган вақтда, ҳеч ким куч-куватда Унга тенг келолмаган. У ҳали болалик пайтидаёқ Говардхана тепалигини бир бармоғида бир ҳафта кўтариб турган эди. Кришна ўта кетган алдоқчи, ҳеч ким Унинг улугворлигини тўса олмайди, Уни ҳеч ким бирор жиҳатдан енга олмайди, куч-қудратда, ишбилармонликда ҳеч ким Ундан устун келолмайди.

*37. вришинам васудева “сми пандаванам дхананджайа  
муни нам апи аҳам вийасаҳ кавинам ушана кавиҳ*

**Вришни авлодидан Мен - Васудеваман, Пандузодалардан - Аржунман, Донишмандлардан - Вийасаман, буюк мутафаккирлардан - Ушанаман.** Изоҳ: Кришна - Худонинг бошланғич Олий Шахси, Баладева эса - Унинг биринчи экспансияси. Парвардигор Кришна ҳам, Баладева ҳам Ер юзида Васудеванинг ўғиллари сифатида дунёга келган эдилар. Шу боис Уларнинг икковини ҳам “Васудева” деб аташ

мумкин. Бир томондан Кришна хеч качон Вриндаванни тарк этмайди, шу боис Вриндавандан ташқарида намоён бўлладиган Унинг барча кўринишларини “Кришнанинг экспансиялари” деб ҳисоблаш керак. Васудева - Кришна бевосита Ўзи намоён бўлган қиёфа, шу сабабли У Кришнадан фарқ қилмайди. Шуни айтиш жоизки, "Бҳагавад-гита"нинг мазкур шеърида айтилган Васудева - Баладева, яъни Баларамадир. У барча экспансияларнинг бошланғич манбаи бўлган ҳолда Васудеванинг ягона манбаидир. Парвардигорнинг бирламчи экспансияларини *свамиа*(шахсий экспансиялар) деб атайдилар; улар билан бир қаторда *вibхиннамии* тоифасига кирадиган, яъни ажралган экспансиялари ҳам мавжуд.

Пандузодалар ичida Аржунни “Дхананжайа” деб атайдилар. У инсонлар аълоси ва шу боис Кришнанинг вакилидир. Ведаларни била-диган донишмандлар, яъни мунилар ичida энг буюк зот Вийаса хисобланади. У ведалар илмини Кали-юга даврининг содда одамлари ҳам тушуна оладиган шаклда осон қилиб баён этган. Бундан ташқари Вийасани Кришнанинг намоён бўлган қиёфаларидан бири деб атайдилар, шунинг учун, Вийаса ҳам Кришнанинг вакилидир. *Кави* ибораси “хар бир нарсанинг моҳиятини чукур тушуна оладиган донишманд” деган маънони англатади. Ана шундай кавилардан бири Ушана, Шукрачаря бўлиб, у иблисларнинг руҳий устози ва файритабиий равишида заковатли, жуда узокни кўзлайдиган донишманддир. Шундай қилиб, Шукрачаря ҳам Кришнанинг фазилатларидан бирининг тимсолидир.

*38. дандо дамайатам асми нитир асми джигишишатам  
маунам чайвасми гухханам джсанам джсанаватам ахам*

**Қонунбузарликка қарши қурашда Мен - жазоман. Ғалабага инти-  
лаётганлар ичida Мен - пок виждонман. Сир сақлашдаги сукут ва  
донишмандлардаги донолик - Менман.**

Изоҳ: Қонунбузарликка қарши қурашда жиноий фаолиятни тўсишга қаратилган чоралар муҳим аҳамиятга эга. Жиноятчига қўлланадиган жазо - Кришнанинг вакилидир. Инсонга ҳар бир исҳда ғалаба келтирадиган энг ишончли омил - виждон поклигидир. Барча сирли фаолиятлар ичida сукут - энг муҳим фаолиятдир, чунки у инсоннинг руҳий юксалишида ёрдам беради. Моддадан руҳни фарқ қила оладиган кишини “донишманд” деб атайдилар. Яъни донишманд киши Худои Таолонинг олий кувватининг куйи кувватдан фарқ қилишини билиши лозим. Ана шу илм - Кришнанинг Ўзидир.

*39. йач чапи сарва-бхутанам биджам тад ахам арджсұна  
на тад асти вина йат сіан майа бхутам чарачарам*

**О Аржун, ҳаётнинг илдизи - Менман. Кўзғалувчан ва қўзғалмас ҳеч бир тирик мавжудот хаётда Менсиз мавжуд бўлолмайди.**

Изоҳ: Ҳар бир мавжудотнинг бошлангич сабаби бўлади, ана шу сабаб, яъни моддий оламнинг уруғи - Кришна. Барча мавжудотлар Кришнанинг қувватида мужассам, шу сабабли, Уни "ҳар нарсага қодир, курдатли" деб атайдилар. Унинг қурдатли қувватларисиз бирорта қўзғалувчан ва қўзғалмас тирик мавжудот мавжуд бўла олмайди. Кришнанинг қуввати билан боғланмаган ҳамма нарса - *майа*, яъни "аслида йўқ нарса" деб аталади.

*40. нанто “сти мама дивйанам вибхутинам парантапа  
эши туддешатаҳ прокто вибхутер вистаро майа*

**Эй қурдатли жангчи, эй душманлар ғолиби, Менинг илохий кўринишларим ҳақиқатан ҳам чексиз. Сенга айтганларим - Мендаги чексиз ғаройиботнинг бир зарраси, холос.**

Изоҳ: Ведаларда айтилганидек, гарчи Худои Таолонинг сифат ва қувватларини ҳар хил тасаввур қилиш мумкин бўлса ҳам, Унинг ғаройиб қурдати чексиздир. Шу сабабли бу ерда Кришна уларнинг энг асосийларинигина айтиб ўтди. Аржуннинг қизиқишини қаноатлантириш учун Кришна унга факат баъзи бир мисоллар келтирди, холос.

*41. йад йад вибхутимат саттвам шримад урджитам эва ва  
тад тад эвавагачха твам мама теджо-“мша-самбхавам*

**Билсанг, бу оламдаги барча ғаройиб, мўъжизавий ва улуғвор нарсалар - Мендаги мавжуд ғаройиботнинг бир учқуни холос.**

Изоҳ: Бу оламдаги барча улуғвор ва ғаройиб воқеа ва ҳодисалар аслида Кришнанинг ғаройиб қувватининг намоён бўлишидан бошқа ҳеч нарса эмас. Ғаройиблиги билан кишини ҳайратга соладиган ҳар бир нарсани Кришнанинг каромати деб билиш керак.

*42. атха ва баҳунаитена ким джнатена таварджуна  
виштабхайахам идам критснам экамишена стхито джагат*

**О Аржун, булар тўғрисида қўп гапиришнинг нима ҳожати бор? Мен Ўзимнинг кичкина заррача бўлагим билан бутун коинотга сингиб, унинг мавжудлигини таъминлаб тураман.**

Изоҳ: Ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида Олий Рух кўринишида намоён бўлган холда, Худои Таоло барча моддий коинот-

ларга сингиб, бутун оламни қамраб олган. Бу ерда Парвардигор Аржунга айтяптики, бу оламнинг алоҳида воқеа-ходисаларининг гўзаллиги ва гаройиблигини таърифлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Борлиқдаги барча мавжудотлар уларнинг ичидаги Олий Рух кўринишида Кришна мавжуд бўлгани учунгина тирик ва мавжуд эканини англаб олишнинг ўзи кифоя. Энг катта Брахмадан тортиб, то энг кичик ҳашаротгача бўлган барча тирик мавжудотлар уларнинг танасининг тириклигини таъминлаб турган Олий Рух Худои Таоло бўлгани учунгина тириқдирлар.

Ўзларини руҳий ташкилот деб атаган қандайдир одамларнинг фикрига кўра, фаришталарнинг ҳоҳлаган бирига сифиниш натижасида одам Худонинг Олий Шахсига, яъни инсон ҳаётининг энг олий мақсадига эришармиш. Аммо, бу ерда Кришна фаришталарга сифинишни бутунлай инкор этяпти, чунки ҳатто фаришталарнинг энг буюклари бўлган Брахма ҳам Худои Таолонинг, Кришнанинг гаройиб кувватининг бир қисми. У - бутун борлиқнинг манбаи, ҳеч ким Ундан устун бўлолмайди. У - *асамауроҳва*; бу демак, бутун оламда Унга тенг келадиган ёки Ундан улуғроқ зот йўқ. "Падма-пурана"да айтилганки, Худои Таоло Шри Кришнани ҳатто энг буюк фаришталар Брахма ва Шива билан бир каторда кўядиган киши ҳам шу заҳотиёқ атеистга айланади. Кришнанинг гаройиботларини ва Унинг кувватларининг намоён бўлган ҳар хил кўринишларини чукур ўргангандиган киши эса, ҳеч қандай шубҳа-гумонларга берилмасдан Парвардигор Шри Кришнанинг ҳақиқий ҳолатини англаб етади ва ҳамиша садоқат билан фақат Унга сифиниб юради. Парвардигорни ҳамма ерда мавжуд деб атайдилар, чунки, Унинг бир қисмининг бўлаклари Олий Рух кўринишида бутун борлиқка сингиб кетган. Шуни билган ҳолда Худонинг соғ содиқлари Унга садоқат билан хизмат килиб, ақлини ҳамиша Кришнада мужассам қиласидилар ва шу сабабли улар ҳамиша руҳий ҳолатда қолаверадилар. Бу бобнинг саккизинчидан ўн биринчигача бўлган шеърларида Худога садоқат билан хизмат қилиш ва Кришнага сифиниш ҳақида тўғридан-тўғри айтилган. Унда Худои Таолога соғ садоқат билан хизмат қилиш жараёни таърифланган. Бу бобда Худога садоқат билан хизмат қилишда энг юқори погонага қандай кўтарилиш - Худонинг Олий Шахси билан бевосита мулоқотга қандай эришиш батафсил тушунтирилган. Кришнадан бошланадиган устозлар силсиласига мансуб бўлган буюк ачарйа, Шрила Баладева Видйабхушана "Бҳагавад-гита"нинг ўнинчи бобини изоҳлашни қуидаги сўзлар билан якунлади:

*йаҷ-ҷҳакти-лешит сурйадай бҳаванти атй-угра-теджасасаҳ  
йад-амишена дҳритам вишивам са кришино дашаме "рҷиате*

Ҳатто қудратли Қуёш ҳам ўз кучини Парвардигор Кришнанинг чексиз қудратидан олади, Ўзининг тўлиқ бўлмаган кўринишида Кришна бутун борлиқнинг мавжудлигини таъминлаб туради. Шу сабабли,

"Бҳагавад-гита"нинг ўнинчи бобида Худои Таоло, Шри Кришнага сифиниш лозимлиги айтилган.

*"Мутлақ Ҳақиқатнинг гаройиблиги"* деб аталган "Бҳагавад-гита"нинг ўнинчи бобига Бҳактиведантанинг изоҳлари шундай якунланади.

# Ўн биринчи боб.

## Парвардигорнинг фазовий қиёфаси

*1. арджуна увача  
мад-ануграхайа парамам гухйам адхиятта-самджситам  
йат твайоктам вачас тена мохо “йам вигато мама*

**Аржун шундай деди: Сен марҳамат кўрсатиб баён этган илоҳий илмнинг энг сирли жойларини тинглаб, мен қалбимдаги барча шубҳа-ю гумонлардан халос бўлдим.**

Изоҳ: Бу бобда Кришна барча сабаблар сабабчиси сифатида таърифланади. У ҳатто, танасининг терисидаги тешиклардан сонсаноқсиз моддий коинотлар пайдо бўладиган Маха-Вишнуниг ҳам бошлангич сабабчисидир. Кришна Худои Таолонинг намоён бўлган қиёфаси эмас, Кришна - барча намоён бўлган қиёфаларнинг манбаи, Худои Таолонинг Ўзидир. Буларнинг ҳаммаси аввалги бобда батафсил таърифланган эди.

Шундай қилиб, бу ерда Аржун алданиш таъсиридан халос бўлганини айтяпти. Демак, у энди Кришнани оддий одам, ўзининг оддий дўсти, деб ҳисобламайди, аксинча, у Кришнани “бутун борлиқнинг манбаи” деб билади. Энди Аржуннинг қалби покланиб, ўзи илоҳий даражага кўтарилди, Кришнадай улуғвор Зот ўзининг Дўсти эканидан қалби чексиз баҳтга тўлди. Лекин у ўзини эмас, балки бошқаларни, Кришна - бутун борлиқнинг манбаи эканига ишонмайдиган, иймон-эътиқодсиз одамлар ҳақида қайғуряпти. Кришнанинг табиати илоҳий эканини ҳаммага исботлаш учун Аржун Кришнадан Ўзининг фазовий қиёфасини намоён этишни илтимос қиласди. Кришнанинг фазовий қиёфасини яққол кўрган ҳар бир одам, Аржунга ўхшаб, даҳшатга тушмай туролмайди, лекин, Кришна жуда меҳрибон, ғамхўр, Ўзининг даҳшатли баҳайбат қиёфасини намоён этиб, У дарров янга Ўзининг азалий икки қўллик қиёфасига киради. Кришнанинг бир неча бор: "Мен факат сенинг баҳтинг учун сен билан сухбатлашиб турибман!" - деб айтган гапларига Аржун бутунлай ишонади. Шу боис, ўзидаги барча яхши нарсалар факат Кришнанинг марҳамати билан бўлиб турганини тан олади. Ҳозир у Кришна - барча сабаблар сабабчisi, Олий Рух қўринишида ҳар бир тирик мавжудот қалбida ҳам мавжуд эканига аниқ ишонади.

*2. бхаватайайу хи бхутанам шрутау вистараю маіа*

*твамтаҳ камала-патракша махатмийам ати чавайайам*

**Эй нилуфар кўзли Зот барча тирик мавжудотларнинг яратилиши ва яксон бўлиши хақида Сен айтган гапларни тинглаб, Сенинг буюклигинг, улуғворлигинг чексиз эканини англаб етдим.**

Изоҳ: Аржун кувонганидан Кришнани "нилуфар кўзли" (Кришнинг кўзлари нилуфар гулининг гулбаригига ўхшайди) деб атаяпти, чунки аввалги бобда Кришна: *ахам критсанасайа джагатаҳ пррабхаваҳ пралайас матха*, яъни "Бутун моддий оламнинг яралиш ва йўқолишига сабабчи - Менман" деб уни ишонтирган эди. Аржун бу хақда Худои Таолодан, Кришнанинг Ўзидан батафсил билиб олган эди. Яна Аржун шуни биладики, моддий оламнинг яралиш ва емирилишига сабабчи бўлган ҳолда Кришна, барибир, ундан четда туради. Лекин У ҳеч качон Ўзининг алоҳида шахс сифатини йўқотмайди. Шундай қилиб, тўққизинчи бобда Парвардигор айтадики, ҳар ерда мавжуд бўлган ҳолда, У ҳеч бир жойда шахсан иштирок этмайди. Мана шу Кришнанинг англаб бўлмас мўъжизавий кудратидир, бу сир ҳайратли даражада осонлик билан Аржунга ошкор бўлди. Буни Аржуннинг ўзи тан оляпти.

*3. эвам этад йатхаттха твам атманам парамешвара  
драштум ичхами те рупам айшварам пурушоттама*

**О Пурушоттама, эй Парвардигор, гарчи мен ҳозир Сени азалий қиёфандга кўриб турган бўлсам ҳам, Сен бу моддий оламга қандай сингиб кетганингни кўрмоқчиман. Менга айтган ана шу ғаройиб қиёфангни кўришни истайман.**

Изоҳ: Парвардигор Аржунга айтган эдикি, моддий олам ичига Парвардигор Ўзининг намоён бўлган шахсий қиёфаларида киргани туфайлигина моддий олам намоён бўлиб дунёга келди ва мавжуд бўлиб турибди. Аржунни Кришнанинг азалий, инсоннига ўхшаган қиёфаси қувонтириди, аммо, келажакда Кришнани оддий одам деб ўйлаши мумкин бўлган одамларни ишонтириш учун, Аржун Худои Таолонинг фазовий қиёфасини кўришини ва Унинг Ўзи четда бетараф қолган ҳолда бу моддий оламда қандай ҳаракат қилишини тушуниб олишни истаяпти. Аржуннинг Кришнани Пурушоттама деб атаси ҳам чуқур маънога эга. Худонинг Олий Шахси бўлган ҳолда, Парвардигор Аржуннинг қалбида ҳам мавжуд, шунинг учун У Аржуннинг истагини яхши билади. Аржундаги Парвардигорнинг фазовий қиёфасини кўриш истаги, шунчаки ўзининг кизикувчанлиги натижаси эмаслигини Кришна яхши тушунади, чунки Аржун Кришнани ҳозир олдида турган қиёфада кўриш билан бутунлай мамнун эди. Аржуннинг фақат

бошқаларни ишонтириш учун Ундан Ўзининг фазовий қиёфасини кўрсатишни сўраб илтимос қилаётганини Парвардигор тушунади. Аржуннинг ўзига хеч кандай исботнинг кераги йўқ. Кришна яна шуни тушунадики, Аржун Худо ҳақидаги ҳақиқат мезонини белгилаш учун ҳам Унинг фазовий қиёфасини кўрмокчи бўляпти, чунки келажақда, албатта, ўзларини "Худои Таолонинг намоён бўлган қиёфаси" деб эълон қиласидиган ярамаслар чикиши мумкин. Лекин одамлар уларнинг гапларига ишонмасликлари керак: ўзини Кришна, Худои Таоло деб таништираётган ҳар бир одам, ҳақиқатан ҳам Худо эканини исботлаш учун ўзининг фазовий қиёфасини кўрсатишга тайёр бўлиши керак.

*4. манийасе йади тач ҷҳакиам майа драштум ити прабҳо  
йогешвара тато ме твам даршайатманам авайайам*

**Эй Парвардигор, эй барча сехр қудратларининг Эгаси, агар мени фазовий қиёфангни қўришга қодир деб ўйласанг, илтимос, Ўзингнинг чексиз фазовий руҳинг қиёфасини намоён эт.**

Изоҳ: Айтилганки, Худои Таолони, Кришнани моддий сезги аъзолари ёрдамида кўриш, тинглаш, англаб ёки хис қилишнинг иложи йўқ. Лекин, Худога муҳаббат билан илохий хизмат қилиб, шу хизмат билан ўзининг тилидан бошлаб барча сезги аъзоларини машғул қилиб юрган киши Парвардигорни кўриш қобилиятига эга бўлади - шунда Худои Таоло унга Ўзини ошкор этади. Ҳар бир тирик мавжудот - жуда кичик руҳий учқун хисобланади, шу боис у Худои Таолони кўриш ёки англашга қодир эмас. Содик бўлган ҳолда Аржун ўз ақлининг кучига ишонмаяпти. Аксинча, у бир томондан - тирик мавжудотнинг чекланганлигини, иккинчидан - Кришнанинг чексиз қудратли эканини тан оляпти. Чекланган тирик мавжудот бепоён Зотни қамраб ололмаслигини Аржун тушунди. Чексиз Зотнинг табиатини факат чексиз Зотнинг марҳамати билангина, Унинг Ўзи Ўзини ошкор этсагина англаш мумкин. Бу ерда *йогешвара* сўзи муҳим аҳамиятга эга. Бу ибора Парвардигорнинг англаб бўлмас қудратга эга эканини билдиради. Агар Унинг Ўзи истаса, ҳатто Ўзи чексиз бўлса ҳам, марҳамат кўрсатиб, Ўзини истаган одамга ошкор этиши мумкин. Шу сабабли Аржун Кришнадан Ўзининг чексиз, англаб бўлмас марҳаматини намоён этишини сўрайапти. У Кришнага буюриб тургани йўқ. Агар одам ўз ихтиёрини бутунлай Унга топширмаса, Унга Кришна онгидга хизмат кила бошламаса, Ўзини ундей одамга ошкор этиш Кришнанинг вазифаси эмас. Шунинг учун, факат ўз ақлининг кучига ишонадиган кишилар хеч қачон Кришнани кўра олмайдилар.

*5. шри бҳагаван увача  
нашия ме партха рупани шаташо “тха сахасрашаҳ*

*нана-видхани дивйани нана-варнакритини ча  
Худои Таоло шундай деди: Азизим Аржун, о Парта, Менинг юз  
минглаган илохий ва ранг-баранг қиёфаларимда намоён бўлган  
чексиз улуғворлигимни томоша қил.*

Изоҳ: Аржун Кришнани Унинг фазовий қиёфасида кўришни истади. Бу қиёфа, гарчи илохий бўлса ҳам, фақат космик оламда намоён бўлади ва шу боис моддий оламнинг ўткинчи вақти ҳукми остида бўлади. Моддий табиат сингари, Кришнанинг фазовий қиёфаси ҳам намоён бўлган ва намоён бўлмаган ҳолатда бўлади. Кришнанинг бошка қиёфаларидан фарқли равишда, бу қиёфа ўткинчи ва унинг руҳий оламда мангу ўрни йўқ. Худонинг содик хизматкорлари Уни фазовий қиёфада кўришга интилмайдилар, аммо, Аржуннинг ўзи шу қиёфани кўришни истаётгани учун, Кришна унга Ўзининг бу қиёфасини намоён этяпти. Кришнанинг фазовий қиёфаси оддий одамларнинг кўзидан яширинган. Уни кўриш учун инсонга Кришна алоҳида илохий назар ато этиши керак.

*6. пашайдитян васун рудран ашвинау марутас татха  
бахуни адришита-турвани пашайашчарйани бхарата*

**Эй Бхаратлар аълоси, Адитяларни, Васу, Рудра, Ашвини-кumarлар ва бошка фаришталарни кўр. Сенинг кўз олдингда ҳали ҳеч ким кўрмаган жуда кўп гаройиб мўъжизалар намоён бўлади.**

Изоҳ: Гарчи Аржун Кришнанинг яқин дўсти бўлатуриб, илми билан бошка одамлардан устун бўлса-да, ҳатто у ҳам Кришнани тўлалигича англаб етган эмас. Бу ерда айтилганки, ҳозир Аржунга Кришна намоён этаётган кўринишлар ҳакида аввал ҳеч ким эшитмаган ҳам, билмаган ҳам.

*7. ихаика-стхам джагат критсам пашайдайа са-чарачарам  
мама дехе гудакеша йаҷ чанияд драштум ичхаси*

**О Аржун, Менинг бу гаройиб танамда ўзинг истаган ҳамма нарсани кўришинг мумкин! Менинг фазовий қиёфам кўз олдингда сен ҳозир кўришни истаётган ёки келажакда кўришни истайдиган нарсаларнинг барчасини намоён этади. Барча кўзғалувчан ва кўзғалмас мавжудотлар бир жойда тўпланган.**

Изоҳ: Бир жойда турган холда бутун коинотни кўришнинг иложи йўқ. Ҳатто энг буюк олим ҳам бошка сайёralарда бўлиб турган нарсаларни кўришга қодир эмас. Аммо Аржун сингари Худонинг содик хизматкори коинотнинг ҳар бир бурчагида бўлаётган нарсаларни

кўришга қодир. Кришна унга ҳозир, ўтмиш ва келажакда нимани истаса шуни кўра олиш қобилиятини ато этапти. Шундай қилиб, Худонинг марҳамати билан Аржуннинг кўз олдида бутун оламдаги ҳамма нарса аён бўлди.

*8. на ту мам шакийасе драштум аненайва сва-чакишуша  
дивийам дадами те чакиуҳ ташай ма йогам ашишарам*

**Лекин, сен Мени ҳозирги кўзларинг билан қўролмайсан, шу боис Мен сенга илохий назар ато этаман. Менинг мўъжизавий қудратимни кўр!**

Изоҳ: Худонинг содик хизматкори Кришнани икки қўллик киёфасидан бошқа бирор қиёфада кўришни истамайди. Содик Худонинг фазовий киёфасини факат Кришнанинг марҳамати билангина кўра олиши мумкин, лекин у бу қиёфани ҳаёлида эмас, илохий кўзлари билан яққол кўради. Кришна айтганидай, фазовий қиёфани кўриш учун онгни эмас, факат назарни ўзгартириш керак, холос. Кейинги шеърлардан маълум бўладики, Кришнанинг фазовий киёфаси унчалик мухим аҳамиятга эга эмас. Шунга қарамай, Аржун истаётгани учун, Худои Таоло унга шундай имконият берадиган илохий назар ато этди.

Кришна билан бўладиган руҳий муносабатларнинг моҳиятини тўғри тушуниб етган содикларни Кришнанинг моддий оламдаги гаройиблигининг жилvasи эмас, Парвардигорнинг ажойиб шахсий сифатлари маҳлиё этади. Кришнанинг дўстлари, бирга ўйнайдиган ўткоzlари, ота-онаси ҳеч қачон Ундан Ўзининг бойлиги ва гаройиблигини намоён этишини илтимос килмайди. Кришнага бўлган самимий, чексиз муҳаббатга фарқ бўлиб, улар ҳатто Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини ҳам билмайдилар. Кришнанинг уларга нисбатан муҳаббати эвазига ўзларининг соф муҳаббатини изҳор этар экан, улар олдида Худои Таолонинг Ўзи турганини ҳам эсидан чиқариб юборадилар. "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, Кришна билан бирга ўйнайдиган дўстлари бўлган подачи болалар - жуда кўп умрларини эзгу ишлар килишга бағишлаб, Худои Таоло билан бирга ўйнаб юриш имкониятига эришган энг буюк такводор зотлардир. Улар Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини билмайдилар. Улар учун Кришна оддий дўст. Шу боис Шукадева Госвами шундай дейди:

*иттҳам сатам брахма-сүкханубхутай  
дастайам гатанам пары-даиваатена  
майашританам нара-даракена  
сакам виджесахруҳ крита-пуньиа-пунджсаҳ*

"Олдимизда Худои Таолонинг Ўзи турибди, уни буюк донишманлар - шахсиятсиз Брахман деб, содиклар - Худонинг Олий Шахси деб, оддий одамлар эса - моддий табиат яратган Зот деб

хисоблайдилар. Ўзларининг аввалги ҳаётларида жуда кўп эзгу ишлар қилган мана бу болалар ҳозир Худонинг Олий Шахси билан бирга ўйнаб юрибдилар"(Шб. 12.11).

Содиклар одатда Худонинг фазовий қиёфасини, вишва-рупани кўришга интилмайдилар, лекин, Кришнанинг айтган гапларини тасдиқлаш, келажак авлодга Кришна Худо Шахси эканини факат фалсафий ва назарий жиҳатдан эмас, ҳатто амалда ҳам исботлаб, ўзининг олдида фазовий қиёфасини намоён килганини тасдиқлаш учун Аржун ўша қиёфани кўриши истаяпти. Аржун Кришнанинг сўзлари шу тарзда тасдиқланишини ўз кўзи билан кўриши керак эди, чунки у шогирдлар силсиласидаги биринчи шогирд, парампара занжиридаги биринчи халқа эди. Ҳақиқатан ҳам, Худонинг Олий Шахсини, Кришнани англаб етмоқчи бўлган ва Аржуннинг изидан бораётгандарнинг ҳаммаси яхши тушуниб олишлари лозимки, Кришна Ўзини факат назарий жиҳатдан "Худо Шахси" деб эълон қилиб қолмасдан, Аржунга Ўзини олами қамраб олган шундай фазовий кўринишида намойиш этиб, айтганлари ни амалда тасдиқлади ҳам.

Гарчи Кришна Аржуннинг ўзи бунга интилмаётганини билса ҳам, Парвардигорнинг фазовий қиёфасини кўра олиши учун унга илохий назар ато этди.

#### *9. санджайа увача*

*эвам укства тато раджсан маҳа-йогешваро ҳариҳ  
даршиайам аса партхайа парамам рупам айшварам*

**Санжай шундай деди:** Эй шоҳ, шу гапларни айтиб, сеҳр қудратининг ҳукмдори бўлган Худонинг Олий Шахси Аржунга Ўзининг фазовий қиёфасини намоён этди.

#### *10-11. анека-вактра-найанам анекадбхута-даршанам анека-дивийабхаранам дивийанекодийатайудхам дивий-малийамбара-дхарам дивий-гандханулепанам сарваиичария-майам девам анантам вишвато-мухкам*

Аржунга - ғаройиб, кўзни қамаштирадиган, чексиз ва бутун борликни қамраб олувчи ажойиб бир мўъжизавий кўриниши намоён бўлди. Парвардигорнинг фазовий қиёфасида Аржун сонсаноқсиз оғизларни, кўзларни ва ғаройиб нарсаларни кўрди. Ажойиб либослар ва тақинчоқлар билан безанганди Парвардигор сонсаноқсиз қуроллар кўтариб олганди. Унинг танасига сонсаноқсиз гулчамбарлар осилган, муаттар ҳид таратиб турган илохий атиромайлар суртилган эди.

Изоҳ: Бу икки шеърда бир неча бор тақрорланган *анека*, яъни, "кўплаб" ибораси Аржуннинг сон-саноқсиз қўл, оғиз, оёқ ва бошқа нарсаларни кўрганини билдиради. Унинг кўзи олдида намоён бўлган манзара бутун оламни қамраб олган эди. Аржун Худонинг марҳамати билан бир ерда туриб бутун коинотни кўриб туради. Бунга у факат Кришнанинг англаб бўлмас кудрати ёрдамида қодир бўлди.

*12. диви сурйа-саҳасрасиа бхавед йугапад уттхита  
йади бхаҳ садриши са сийад бхасас тасиа маҳатманаҳ*

**Агар осмонда бирданига юз минг қуёш порлаб турса, уларнинг ёғуси Парвардигорнинг фазовий қиёфасидан тараляётган ёғуду билан тенглашиши мумкин.**

Изоҳ: Аржуннинг кўзи олдида намоён бўлган ғаройиб мўъжизани тасаввурга сиддиришга - акл, таърифлашга - тип ожизлик қиласарди, лекин шунга қарамай Санжай ана шу ғаройиботни Дхритараштрага таърифлаб беришга уриняпти. Санжай ҳам, Дхритараштра ҳам бу сухбат бўлиб турган жойдан олисда эдилар, аммо, авлиё Вайасадеванинг марҳамати билан Санжай ҳам илоҳий назарга эга бўлиб, оламда бўлиб турган ҳамма нарсани кўришга қодир эди. Шу боис, Аржунга кўринган манзарани Дхритараштрага тушунарли қилиб тасвирилаш учун у бу ғаройиботни бирданига осмонда минг қуёшнинг порлашига тенглаштиряпти.

*13. матраика-стхам джагат критсам правибоҳактам анекадха  
апашайад дева-девасиа шарире пандавас тада*

**Аржун Парвардигорнинг баҳайбат қиёфасида чексиз коинотни, бир жойга тўпланган ва айни пайтда сон-саноқсиз бўлакларга бўлинган космик фазони кўрди.**

Изоҳ: Бу ерда келтирилган *матра*, яъни "у ерда" ибораси муҳим аҳамиятга эга. Аржун Парвардигорнинг фазовий қиёфасини кўриб турганида Кришна билан бирга жанг аравасида ўтирган эди. Жанг майдонидаги бошқа жангчилар Парвардигорнинг фазовий қиёфасини кўролмасдилар, чунки бундай қобилиятни Кришна факат Аржунга ато этган эди. Кришнанинг баҳайбат танасида Аржун минг-минглаган сайёralарни кўрди. Ведавий муқаддас китоблардан маълумки, моддий оламда сон-саноқсиз коинотлар ва уларда сон-саноқсиз сайёralар мавжуд. Бу сайёralарнинг баъзилари тупроқ(ер)дан, баъзилари олтиндан, яна бирлари қимматбаҳо тошлирдан яралган; бир сайёralар катта, бошқалари кичикроқ ва ҳоказо. Аржун буларнинг барчасини жанг ара-

васида ўтирган жойида кўриб турарди. Аммо, Кришна билан Аржун орасида нималар бўлиб турганини бошқа хеч ким билмасди.

*14. татаҳ са висмайавишто хришта-рома дхананджайаҳ  
пранамайа шираса девам кританджасалир абхашата*

**Таажжуғба тушган ва ақли шошиб, соchlари ҳурпайған Аржун,  
қўрқинчли ҳаяжон билан бошини эгиб, қўлларини қовуштириб,  
Худои Таолога илтижо қила бошлади.**

Изоҳ: Аржуннинг кўз олдида ана шу ғаройиб манзара намоён бўлган заҳоти Кришна билан унинг орасидаги муносабат дарров ўзгарди. Аввал у Кришнани ўзининг дўсти деб ҳисобларди, энди эса, Унинг фазовий қиёфасини кўриб, Аржун Кришнанинг олдида қўрқинчли ҳаяжон билан бошини эгди ва қўлларини қовуштириб, Унга илтижо қила бошлади. Ўзининг шу илтижоларида Аржун Кришнанинг фазовий қиёфасини олқишилайди. Шундай қилиб, Кришна билан Аржуннинг ўзаро муносабатларидағи дўстлик вақтинча ҳайратга, таажжуғба айланди. Буюк содиклар Кришнани барча муносабат(*раса*)ларнинг туганмас манбаи деб биладилар. Муқаддас китобларда ўзаро муносабатларнинг асосий ўн икки тури кўрсатилган, ана шу муносабатларнинг барчаси Кришнада мавжуд. Кришнани "ўзаро муносабатлар уммони" деб атайдилар. Шу боис ҳам Утирик мавжудотларни, фаришталарни бир-бири билан ёки Худои Таоло билан Унинг содикларини ҳар хил муносабатлар ёрдамида ўзаро боғлаб туради.

Айни пайтда Аржун ҳайратга, таажжуғба тушиб турибди ва шу туйғуга берилиб, табиатан чукур мулоҳазали, хотиржам ва ҳамиша сергак бўлган Аржун, жазава ҳолатига тушиб қолди: унинг танасидаги туклари ҳурпайди. Аржун кўл қовуштириб, Парвардигор олдида эҳтиром билан сажда қила бошлади. У, албатта, Худои Таоло олдида ҳеч қандай қўрқув ҳис килмасди, аммо, ҳозир Парвардигорнинг кўрсатган мўъжизасидан у қаттиқ ҳаяжонга тушди. Аржуннинг вужудини қамраб олган ҳаяжон уни Кришна билан мангу боғлаб турган яқин дўстлик туйғусини вақтинча тўсиб кўйди ва уни ўзини шундай тутишга мажбур қилди.

*15. арджунуа увача  
пашиами девамс тава дева дехе  
сарвамс татха бхута-вишеша-сангхан  
брахманам ишам камаласана-стхам  
ришиими че сарван урагами че дивийан*

**Аржун шундай деди: Эй Худойим, мен Сенинг танангда барча фаришталарни, бошқа жуда кўп тирик мавжудотларни кўряпман. Мен нилуфар гулида ўтирган Брахмани, Тангри Шивани, барча буюк донишмандларни ва илоҳий аждарларни кўряпман.**

Изоҳ: Аржуннинг кўз олдида бутун коинот намоён бўлди, шу боис у коинотдаги биринчи тирик мавжудот - Брахмани ва коинотнинг пастки кисмида Гарбходакашайи-Вишну - ястаниб ётган илоҳий аждарни кўрди. Бу илонни Васуки деб атайдилар. Шундай аталадиган бошқа илонлар ҳам бор. Аржун бутун оламни, Гарбходакашайи-Вишнудан тортиб, оламдаги энг юксак сайёра, Тангри Брахма, тирик мавжудотлар ичиди биринчи тирик мавжудот яшайдиган нилуфар гули кўринишидаги сайёрагача бўлган ҳамма нарсани кўриб турарди. Демак, Аржун ўзининг жанг аравасидан тушмай туриб бутун коинотни, моддий оламни яққол кўриб турарди. Факат Худои Таолонинг, Кришнанинг марҳамати билангина шундай бўлиши мумкин.

*16. анека-бахудара-вактра-нетрам  
пашиами твам сарвато “нанта-рупам  
нантам на мадхіам на пунас тавадим  
пашиами вишвешвара вишва-рупа*

Эй бутун олам Парвардигори, мен Сенинг танангда жуда кўп қўлларни, коринларни, оғиз ва қўзларни кўряпман. Улар ҳар ерда жойлашган ва уларнинг ҳеч поёни йўқ. Эй Парвардигор, Сенинг фазовий қиёфангнинг на боши, на ўртаси ва на охири йўқ.

Изоҳ: Кришна - Худонинг Олий Шахси. У бепоён ва шунинг учун ҳам Унда бутун борлиқни кўриш мумкин.

*17.киритинам гадинам чакринам ча  
теджсо-рашим сарвато диптимантам  
пашиами твам дурнирикшиам самантаад  
диптаналарка-дйутим апрамейам*

**Сендан таракалаётган, кўзни қамаштирувчи бу кучли ёғду авж олиб турган оловга, ёрқин қуёшга ўхшайди; бутун атрофни нурга тўлдириб, у Сени яққол кўришимга халақит беряпти. Лекин, барабибир, қаерга қарасам ҳам, ҳамма ерда тож кийган, қўлларига гурзи ва халқа ушлаган Сенинг порлок қиёфангни кўриб турибман.**

*18.твам акишарам парамам ведитавийам  
твам асия вишвасийа парам ниҳханам*

*твам авайайаҳ шашватат-дхарма-гопта  
санатанаас твам пуршио мато ме*

**Сен - илм олишнинг олий мақсадисан. Бутун олам Сенда мужас-  
сам. Сен туганмас ва қадимий Зотсан. Сен - мангу дин пособони,  
Худо Шахсисан. Менинг фикрим шундай.**

*19. анади-мадхъянтам ананта-вирйам  
ананта-бахум шаши-сурйа-нетрам  
нашийами твам дипта-хуташа-вактрам  
сва-теджаса вишвам идам тапантам*

**Сенинг на бошланишинг, на ўртанг ва на охиринг мавжуд эмас.  
Сенинг улугворлигинг чексиз. Сенинг сон-саноқсиз қўлларинг  
бор, Күёш ва Ой - Сенинг кўзларингдир. Мен Сендан тараалаётган  
нурга кўмилган бутун борликни кўйдириб, оғзингдан даҳшатли  
олов уфуриб турганини кўярпман.**

Изоҳ: Худонинг Олий Шахсининг олти соҳадаги баркамоллиги  
ҳақиқатан ҳам бениҳоя. Бу ерда Аржун биз аввал ҳам бир неча бор  
эшиитган гапларни тақрорлаяпти, аммо, муқаддас китобларнинг  
тасдиқлашича, Кришнани търифлашдаги тақрор келадиган сифатларни  
ҳеч қачон асар ёзишдаги камчилик деб қабул қиласлик керак. Ай-  
тишларига қараганда, ҳайратга, таажжубга тушган ёки бирор нарсадан  
жуда кувониб кетган одам ҳаяжонланиб, бир гапни бир неча бор тақ-  
рорлади. Буни хатолик деб қабул қиласлик керак.

*20. дйав а-притхивйор идам антарам хи  
вийатам твайайекена дииаш ча сарваҳ  
дрииштвадбхутам рупам уграм таведам  
лока-трайам правийатхитам маҳатман*

**Сен ягонасан, аммо бутун осмону-фалакни, сайёralарни ва улар  
орасидаги бўшлиқни Ўзинг билан тўлдириб турибсан. Эй буюк  
Зот, бу гаройиб ва даҳшатли қиёфани кўриб, бутун олам ҳайратга  
тушияти.**

Изоҳ: Бу ерда ишлатилган дйав а-притхивйоҳ, яъни "Ерни жаннат  
сайёralаридан ажратиб турадиган фазо", лока-трайам, яъни, "уч олам"  
сўзлари мухим ахамиятга эга. Улар шундан далолат берадики, Парвар-  
дигорнинг фазовий қиёфасини фақат Аржун эмас, бошқа сайёralар-  
нинг аҳолиси ҳам кўриб турган. Парвардигорнинг фазовий қиёфаси  
Аржуннинг ҳаёлида пайдо бўлган саробий кўриниш эмас. Худо Таоло  
кимга илоҳий назар ато этган бўлса, уларнинг барчаси жанг майдонида

Кришна намоён этган Парвардигорнинг фазовий қиёфасини кўриб, томоша қилиб турарди.

*21. ами хи твам сурा-санхха вишанти  
кечид бхитаҳ пранджсалайо гринанти  
свастити уктва махарши-сиддха-санххаҳ  
стуванти твам стутибхиҳ пушкалабхиҳ*

Минг-минглаган фаришталар олдингда бош эгиб, Сенга кириб кетяпти. Рўй берётган воқеалардан қўрқиб, улардан баъзилари қўл қовуштириб Сенга илтижо қиляпти. Минглаб донишмандлар ва камолотга эришган одамлар "Тинчлик бўлсин!" дея хитоб қилиб, ведавий мадхияларни кўйлаб, Сенга ялинняптилар.

Изоҳ: Парвардигорнинг фазовий қиёфасини ва Унинг порлаган ёғдусини кўриб, жаннат сайёralарида яшаётган барча фаришталар даҳшатга тушиб, ҳимоя истаб Худои Таолога илтижо қила бошлади-лар.

*22. рудрадитта васаво йе ча садхъя  
вишве “ивинау маруташи чошманапи ча  
гандхарва-йакиасура-сиддха-санхха  
викшанте твам висмиташи чаива сарве*

Тангри Шиванинг барча кўринишлари, шунингдек, Адитйалар, Васулар, Садхъалар, Вишвадевалар, эгизак Ашвини, Маруглар, питалар, гандхарвалар, ракшаслар, асурлар ва камолотга эришган фаришталар Сенга ҳайрат билан кўз тикиб турибдилар.

*23. рупам махат те баҳу-вактра-нетрам  
маҳа-баҳо баҳу-баҳуру-падам  
баҳударам баҳу-дамиштра-каралам дриштва  
локаҳ правіятхитас татҳаҳам*

Эй қўллари қудратли Зот, Сенинг бу баҳайбат қиёфангни, Унинг сон-саноқсиз юзларини, қўзларини, қўлларини, оёқларини, сонларини, қоринларини ва даҳшатли тишлигини қўриб, барча сайёralар ва уларда яшайдиган фаришталар ҳайратга тушяптилар. Улар билан бирга мен ҳам ҳайратга тушяпман.

*24. набхаҳ-сприишиам диптам анека-варнам  
вийаттананам дипта-вишала-нетрам  
дриштва хи твам правіятхитантар-аттма  
дхритим навиндами шамам ча вишино*

Эй, ҳар ерда мавжуд Вишну, Сенинг турли рангларда жилоланиб күзни қамаштираётган ва бошлари осмонга тегиб турган қиёфангга қараб туриб, оғизларингни ва катта-катта порлаб турган кўзларингни кўриб, мен ўзимни тута олмай, даҳшатдан титраб кетяпман.

*25. дамиштра-караданчи чадиши  
дришиштвайва каланала-саннибхани  
дииш на джане на лабхе ча шарма  
прасида девеша джаган-ниваса*

Эй худолар Худоси, эй Олампаноҳ, менга раҳм қил! Сенинг ёрқин нур сочиб турган, ҳалокатли юзларингни ва қўрқинчли тишли-рингни кўриб, қўрқиб кетяпман. Қаёққа қарасам ҳам, ақлим безовта бўлиб, ўзимни қўярга жой тополмаяпман.

*26-27. ами чадиши дхритара штрасия путраҳ  
сарве сахайавани-пала-сангхаиҳ  
бхийимо дронай сута-путрас татхасау  
саҳасмадийайир ани йодха-муҳхайиҳ  
вактрани чадиши тварамана вишанти  
дамиштра-караданчи бхайанакани  
кечид вилағна дашанантареиу  
сандринийанти чурнитаир уттамангаиҳ*

Мен, Дхритара штранинг барча ўғиллари ва улар тарафдаги шоҳларнинг барчаси, Бхишма, Драна, Карна, ҳатто бизнинг барча лашкарбошиларимиз ҳам Сенинг даҳшатли оғизларингга интила-ётганини, уларнинг баъзилари эса, каллалари янчилиб, тишли-ринг орасига тиқилиб қолаётганини кўряпман.

Изоҳ: Аввал Худои Таоло Аржунга ҳайратга солувчи манзара кўрсатаман, деб вайда берган эди. Мана энди Аржун душман лашкарбошиларининг ҳалокатини, шунингдек, душман томондаги ва ўз кўшинидаги жангчиларнинг ҳалок бўлаётганини кўриб турибди. Бу манзара Курукшетра жанггоҳида тўпланган барча жангчиларнинг ҳалокатга учрашидан, Аржуннинг ғалабасидан дарак бериб турарди. Бу ерда шу гап ҳам айтилганки, "хеч қачон енгилмас", деб ном олган Бхишма жанг майдонида ҳалок бўлади. Карна ҳам шундай қисматга маҳкум. Бўлажак жангда, нафакат Курулар тарафда жанг қилаётган буюк жангчилар, ҳатто Аржун кўшинидаги баъзи буюк саркардаларнинг тақдирига ҳам ҳалок бўлиш ёзилган эди.

*28. йатха надинам бахаво "мбу-вегаҳ  
самудрам эвабхимукха драванти  
татха тавами нара-лока-вира*

*вишанти вактранай абхивиджваланти*

**Худди сувларини Океанга олиб бораётган дарёларга ўхшаб, бу буюк жангчилар Сенинг ловуллаб ёнаётган оғизларингда йўқолиб кетяптилар.**

*29. йатха прадиптам джаваланам патанга  
вишанти нашайа самриоддха-вегаҳ  
татхаива нашайа вишанти локас  
тавапи вактрани самриоддха-вегаҳ*

**Мен, худди оловга ўзларини ураётган парвоналарга ўхшаб, одамлар шиддат билан Сенинг катта очилган оғизларингга кириб бораётганини кўряпман.**

*30. лелихийасе грасаманаҳ самантал локан  
самагран ваданаир джаваладбих  
теджсобхир апурйа джагат самаграм  
бхасас тавограҳ пратапанти вишино*

**О Вишину, мен Сенинг ҳар тарафдан одамларни ютиб юбораётганингни, улар олов уфуриб турган оғизларингда йўқолиб кетаётганини кўряпман. Бутун борлиқни ёрқин нуринг билан ёритиб, Сен ҳар тарафга даҳшатли, куйдирувчи ёѓду таратяпсан.**

*31. акхайахи ме ко бхаван угра-рупо  
намо “сту те дева-вара прасида  
виджнатум иччхами бхавантам адйам  
на хи праджсанами тава правриттим*

**Эй, кўриниши билан одамни даҳшатга солувчи худолар Худоси, менга айт, Сен кимсан? Оёгингга бош қўйиб илтижо қиласман, менга раҳминг келсин. Сен азалий Парвардигорсан, мен Сенинг қандайлигингни, бу дунёга нима мақсадда келганингни билишни истайман.**

*32. шри бхагаван увача  
кало “сми лока-кшайа-крит правриоддо  
локан самахартум иха правриттаҳ  
рите “ни твам на бхавишианти сарве  
йе “вастхитаҳ пратианикешу йодхаҳ*

**Худои Таоло шундай деди: Мен - оламни яксон қилувчи, барча тирик мавжудотларга ҳалокат олиб келувчи вақт - Замонман.**

**Сизлардан бошқа, ҳар икки тарафдан барча жангчилар бу жангда ҳалок бўладилар.**

Изоҳ: Гарчи Аржун Кришна - ўзининг дўсти ва Худонинг Олий Шахси эканини билса ҳам, Унинг сон-саноқсиз киёфаларини кўриб, барибир, ҳайратта тушган эди. Шунинг учун, у Кришинадан бу ҳалокат келтирувчи кучнинг ҳақиқий вазифаси нимадан иборат эканини сўрайти. Ведаларда айтилганки, Олий Ҳакикат ҳатто браҳманларга ҳам раҳм қиласдан, бутун борлиқни яксон қиласди. "Катха-упанишад" да айтилганки, (1.2.25):

*йасия брахма ча кшатрим ча бхе бхавата оданаҳ  
мритийур йасионасечанам ка имтха веда йатра саҳ*

Вакти келиб, браҳманлар, кшатрийлар ва бошқаларни Худои Таоло ютиб юборади. Парвардигорнинг фазовий қиёфаси тўймас, ҳар нарсанни ютиб юборадиган баҳайбат махлукка ўхшайди. Кришна бу ерда Ўзини бутун мавжудотга ҳалокат келтирувчи вакт, Замон деб атайди. Бир неча Пандузодалардан бошқа жанг майдонидагиларнинг барчаси Унинг тўймас оғизларига кириб йўқолади.

Аржун бу урушни истамаган ва уруш оқибатида келадиган мусибатдан кочиб, жангда қатнашишдан бош тортишга уринган эди. Бунга жавобан Парвардигор айтиптики, агар ҳатто у жангда қатнашмаса ҳам, барибир, ҳамма жангчилар ҳалок бўладилар, чунки Унинг хошиш иродаси шундай. Агар уларни Аржун ўлдирмаса, албатта бошқа бирор ўлдиради. Ҳатто жанг қилишдан бош тортиб ҳам, Аржун уларни мукаррар ҳалокатдан қутқариб қололмайди. Аслини олганда уларнинг барчаси аллақачон ўлиб бўлган. Вакт, замон - ҳамма нарсани яксон қилувчи энг буюк қудратдир, Худонинг хошиши билан бутун борлиқ вакти келиб, эртами, кечми, барибир, емирилиб, яксон бўлади. Табиат қонуни шундай.

*33. тасмат твам уттиштха йашо лабхасва  
джиства шатрун бхункива раджйам самриодхам  
майаиваите нухатаҳ турвам эва  
нимитта-матрам бхава савйа-сачин*

**Қаддингни ростла, Аржун! Жангга ҳозирлан ва шон-шуҳрат қозон. Душманинг устидан ғалаба қозониб, яшинаётган салтанатга ҳукмрон бўлиб, шоҳона ҳаёт лаззатини сур. Мен уларнинг барчасини аллақачон ўлимга маҳкум этганиман, эй Савйа-сачин, бу жангда сен фақат Менинг қўлимдаги қурол бўлишинг мумкин.**

Изоҳ: *Савйа-сачин* ибораси "Камон ишлатишни мукаммал биладиган зот" деганинг англатади. Бошқача қилиб айтганда, Кришна Аржунга камонидан отилган пайконлар ҳамиша душманига бехато бориб тега-

диган мохир жангчи сифатида мурожаат қиляпти. *Нимитта-матрам*: "Менинг кўлимда шунчаки курол бўл!" Бу сўзлар ҳам жуда чукур маънога эга. Оламдаги ҳамма воқеа-ҳодисалар Худои Таолонинг амри билан рўй бериб туради. Нодон ва ғофил одамларгина "оламдаги воқеалар ўз-ўзидан, тасодифан рўй беради, оламдаги ҳамма нарса ўз-ўзидан тасодифан пайдо бўлган", деб ўйлаши мумкин. Ўзларини "олим" деб хисоблайдиган жуда кўп ғофил одамлар оламнинг яралишини тушунтиришга уриниб, ҳар хил тахмин ва гипотезалар ўйлаб топадилар. Аммо, табиятда ҳеч қандай тахминларга ўрин ийӯқ. Моддий оламда рўй бериб турган ҳамма воқеа-ҳодисалар маълум конун ва рејжа асосида рўй беради. Буни қандай тушуниш керак? Моддий олам шартланган руҳларнинг ўз уйларига, Худонинг даргоҳига қайтишга имкон бериш учун яратилган. Токи тирик мавжудотларда уларни ҳаётда моддий лаззатланишга интилишга мажбур қиласидиган, хукмронлик килиш истаги сақланиб қолар экан, улар мана шу шартланган ҳолатда қолишига маҳкумдирлар. Аммо, Худои Таолонинг хоҳиш-иродасини тушуниб етган ва қалбида Кришна онгини ривожлантиришга эришган киши одамлар ичиди энг доно киши ҳисобланади. Моддий олам Худои Таолонинг хоҳиш-иродаси билан, Унинг назорати остида яратилади ва яксон қилинади. Курукшетрадаги жанг ҳам Худои Таолонинг режаларининг бир кисми. Аржун шу жангда иштирок этишни истамаган эди, лекин Парвардигор унга жанг қилиши лозимлигини, Унинг хоҳиши, иродаси шундай эканини айтяпти. Шундагина Аржун баҳтиёр бўлиши мумкин. Қалбида Кришна онгини тўла ривожлантирган ва ҳаётини бутунлай Худога хизмат килишга бағишлигаран киши, албатта, камолотта эришади.

*34. дронам ча “бхиймам ча джайадратхам ча  
карнам татханийан апи йодха-виран  
майа хатамс твам джасхи ма вийатхишта  
йудхийасва джетаси ране сапатнан*

**Драна, Бхишма, Джаядратха, Карна ва бошқа буюк жангчиларни  
Мен аллақачон ҳалок этганиман. Шу боис, уларни ўлдир ва ҳеч  
нарсадан ташвишланма. Жанг қил, сен жангда барча  
рақибларингни яксон қиласан.**

Изоҳ: Ҳар қандай режани Худои Таолонинг Ўзи амалга оширади, аммо, У Ўзининг содик хизматкорларига жуда меҳрибон бўлгани учун, ҳаётда бутун шон-шуҳрат ва олқишилар Худонинг хоҳиш-иродасини амалга ошириб, Унинг режаларини ҳаётга татбиқ этадиган Худонинг содик хизматкорларига бўлишини истайди. Шунинг учун бизларнинг ҳар биримиз хозирги ҳаётимиизда, ҳамиша Худои Таолони, Кришнани эслаб, руҳий устоз ёрдамида Худонинг Олий Шахсини, Унинг хоҳиш-

иродасини чукурроқ англаб олишга интилиб яшашимиз лозим. Худои Таолонинг режаларини фақат Унинг марҳамати билангина билиб олиш мумкин, аммо Худонинг содик хизматкорларининг режалари Худои Таолонинг режаларидан фарқ қилмайди. Шунинг учун ҳар биримиз ана шу режаларни амалга оширишга ҳаракат қилишимиз, шу тарзда ҳақиқий илм ва лаззатга тўла мангур ҳаёт учун курашда ғалаба қозонишимиз лозим.

### *35. санджайа увача*

*этак чхрутва вачанам кешавасай  
кританджалир вепаманаҳ кирити  
намаскритва бхуйя эваха криинам  
са-гадгадам бхита-бхитаҳ пранамай*

**Санджай шундай деди:** Эй шоҳ, Худои Таолонинг гапларини эши-тиб, даҳшатдан титраб турган Аржун, қўлларини қовуштириб, илтижо билан Парвардигорга такрор ва такрор сажда қилиб, даҳшатдан титраган овоз билан гапира бошлади.

Изоҳ: Аввал айтилганидай, Худонинг Олий Шахсининг фазовий қиёфасини кўриб, Аржун ҳайратга тушган эди. У такрор ва такрор Парвардигорга сажда қилиб, ҳаяжондан титраган овоз билан илтижо қила бошлади. Энди у Кришнага оддий дўст деб эмас, Худои Таолонинг улуғворлигидан ҳайратга тушган содик хизматкор сифатида мурожаат киляпти.

### *36. арджуна увача*

*стхане хрисиекеша тава пракиртый  
джагат прахришиятай анураджайате ча  
ракшамси бхитани дишо драванти  
сарве намасийанти ча сиддха-сангхаҳ*

**Аржун шундай деди:** Эй ҳиссиётлар Султони, Сенинг муқаддас номинг товушидан бутун олам яйраб кетади, бу товушлар бутун олам ахолисини Сенга жалб этади. Улардан камолоттга эришганлари Сенинг олдингда чукур эҳтиром билан бош эгадилар, фақат иблисларгина даҳшатга тушиб ҳар тарафга қочиб кетадилар. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиши керак.

Изоҳ: Аржун Кришнадан бўлажак жангнинг натижаси ҳақида эшитганида, унинг кўзлари очилди, Худонинг Олий Шахсининг буюк содиги ва яқин дўсти бўла туриб, у Кришна қилаётган ишларнинг барчаси адолатдан, деб айтияпти. Кришна, Худои Таоло - содиклар учун табаррук ва химоячи, нопок одамлар учун эса, - даҳшат эканини

тасдиқлаяпти. Худои Таолонинг ишлари ҳар икки тоифадаги одамлар учун ҳам баҳт-саодат келтиради. Куруқшетрадаги жангда Парвардигор Кришнанинг Ўзи иштирок этаётгани сабабли, жанг пайтида жуда кўп фаришталар, сиддхилар ва коинотнинг ҳар хил сайёralарида яшайдиган олий даражада камолотга эришган тирик мавжудотлар жанг тафсилотларини кузатиб турганини Аржун тушунди. Аржун Парвардигорнинг фазовий қиёфасини томоша қилаётганида, бу гаройиб манзарани фаришталар ҳам томоша қилиб тургандилар. Лекин, иблис ва атеистлар содикларнинг Худои Таолони олқишишларига чидаб туромайдилар. Ҳар бир тирик мавжудотга ҳалокат олиб келувчи Замон қиёфасидаги Худои Таолонинг олдида табиий равишда даҳшатга тушиб, улар ҳар тарафга қочиб кетадилар. Шунинг учун бу ерда Аржун Кришнанинг содиклар ва худосизларга бўлган муносабатини олқишишлайти. Худонинг содик хизматкори ҳамиша Парвардигорни олқишилайди, чунки Худои Таолонинг қилаётган ҳар бир иши, албатта, ҳаммага яхшилик, баҳт-саодат келтиришини аниқ билади.

*37. касмач ча те на намеран маҳатман  
гарийасе браҳмано “пій ади-картрे  
ананта девеша джаган-ниваса твам  
акшарам сад-асат тат-парам йат*

**Улуғворлиги ҳатто Брахмага соя соладиган эй буюк Зот, Сен - бошланғич яратувчисан. Нега энди улар Сенинг олдингда бош эгмасинлар? Эй бепоён Зот, эй худолар Худоси, эй бутун оламнинг најжот макони! Сен - туганмас манба, барча сабаблар сабабчиси, моддий оламдан ташқарида, унга мансуб бўлмаган Зотсан.**

Изоҳ: Кришнанинг олдида бош эгиб туриб, Аржун айтяптики, Кришна - ҳамма сигиниши лозим бўлган ягона Худои Таоло, Парвардигордир. У - ҳамма ерда мавжуд, У - барча рухларнинг Олий Рухи. Аржун Кришнанинг энг Олий Рух эканини ва айни пайтда чексиз улуғворлигини назарда тутиб, Уни маҳатма деб атаяпти. *ананта* ибораси шуни билдирадики, Худои Таолонинг ҳукми ўз кучини ҳамма ерда бирдай намоён этади, *девеша* ибораси эса, У - барча фаришталарнинг Ҳукмдори эканини, уларнинг барчасидан ҳам анча устун туришини билдиради. У - бутун борлиқни Ўзида мужассам қилган макондир. Камолотга етган барча тирик мавжудотларнинг ва ҳатто қудратли фаришталарнинг Кришнага эхтиром билан сажда қилишларини ҳам Аржун адолатдан деб топди, чунки бутун борлиқда Худодан, Кришнадан қудратлироқ зот мавжуд эмас. Аржун алоҳида таъкидлаб, Кришна ҳатто Тангри Браҳмадан ҳам буюк эканини, чунки Кришна унинг яратувчиси эканини айтиб ўтади. Брахма Кришнанинг тўлиқ намоён бўлган қиёфаларидан бири бўлган Гарбходакашай-Вишнунинг кин-

дигидан ўсиб чиккан нилуфар гулидан дунёга келади. Шу боис Тангри Брахма ҳамда ундан пайдо бўлган Тангри Шива ва бошқа фариштапарниг барчаси Кришнага сигинишлари лозим. "Шримад Бҳагаватам"да ҳам айтилганки, Парвардигор Кришнага Тангри Брахма, Шива ва бошқа фаришталар сигинадилар. Бу ерда ишлатилган *акишарам* ибораси ҳам муҳим аҳамиятта эга: у моддий олам яксон бўлишга маҳкум эканини ва Парвардигор ундан ташқарида эканини кўрсатади. У - барча сабаблар сабабчиси ва шунинг учун моддий оламдаги барча шартланган руҳлардан ва моддий оламнинг ўзидан ҳам устун туради. Шу боис У - хар нарсага кодир бўлган қудратли Парвардигордир.

*38. твам ади-деваҳ пуршиаҳ турanas  
твам асіа вишвасіа парам ниҳханам  
веттаси ведйам ча парам ча дхама  
твайя татам вишвам аната-рупа*

**Сен - энг қадими, оламнинг охириги макони бўлган азалий Парвардигорсан. Сен ҳамма нарсани тўлиқ биласан ва барча Сени англашга интилади. Сен - моддий гуналардан устун турадиган Олий Даргоҳсан. Эй бепоён Зот! Сен намоён бўлган бутун оламга сингиб кетгансан!**

Изоҳ: Бутун борлик Худонинг Олий Шахсида мужассам, шу боис Парвардигор бутун оламнинг паноҳ макони, Олампаноҳдир. *Ниҳханам* ибораси Худонинг Олий Шахси, Шри Кришна бутун борликнинг, ҳатто Брахмандан тараляётган руҳий нур - брахмаджайотининг ҳам манбаи, асоси эканини билдиради. У оламда бўлаётган ҳар бир воқеаҳодисани билади, agar илмнинг қандайдир чегараси бўлса, ана шу чегара - Худои Таоло, Кришна. Шунинг учун У - ҳам ўрганилган, ҳам ўрганилаётган Зотдир. У - ўрганиш керак бўлган Зот, чунки ҳамма ерда намоён, руҳий олам мавжудлигининг сабабчиси бўлган ҳолда, У - илоҳий, трансцендент ва бу моддий оламга мансуб эмас. Бунинг устига У руҳий оламнинг ягона Ҳукмдоридир.

*39. вайур йамо “гнир варунаҳ шашанкаҳ  
праджапатис твам пратитамахаи ча  
намо намас те “сту сахасра-критваҳ  
пунаши ча бхую “ти намо намас те*

**Сен - ҳам ҳаво, ҳам Олий Ҳукмдорсан! Олов ҳам, сув ҳам, Ой ҳам - Сенсан! Оламнинг биринчи мавжудоти Брахма - Сенсан, Сен - барча мавжудотларнинг бобокалонисан. Шу боис, мен Сенинг олдинга такрор ва такрор, чексиз, бетиним сажда қиласман!**

Изоҳ: Аржун бу ерда Парвардигорни ҳаво деб тан олади, чунки ҳар ерда мавжуд ҳаво бу оламда энг асосий унсур бўлиб, уни энг асосий фаришта бошкаради. Аржун Кришнани бобокалон деб атаяпти, чунки У - коинотдаги биринчи тирик мавжудот бўлган Тангри Браҳманинг отаси.

*40. намаҳ пурастад атҳа прииштхатас  
те намо "сту те сарвата эва сарва  
ананта-вирйамита-викрамас твам сарвам  
саманноши тато "си сарваҳ*

**Ҳам олдингдан, ҳам орқангдан ва ҳар тарафдан мен Сенга сажда қиласман! Эй чексиз қудрат соҳиби, эй енгилмас Куч! Сен ҳар ерда мавжудсан, шу боис, ҳамма нарса - Сен Ўзингсан!**

Изоҳ: Кришнага нисбатан жазавали муҳаббат оғушида дўсти Аржун Унга ҳар тарафдан таъзим қилипти. Аржун Кришнанинг барча қудратларнинг қудратли Ҳукмдори эканини ва шу боис жанг майдонида тўплангандар барча жангчилардан анча қудратли эканини тан оляпти. "Вишну-пурана"да (1.9.69) шундай дейилган:

*йо "йам тавагато дева самипам девата-ганаҳ  
са твам эва джагат-срашта йатаҳ сарва-гато бхаван  
"Эй Худонинг Олий Шахси, Сенинг олдингда турган ҳар кимни, ҳатто у фаришта бўлса ҳам, уни Сенинг Ўзинг яратгансан!"*

*41-42. сакхети матва прасабхам йад уктам  
хе қришина хе йадава хе сакхети  
аджсаната маҳиманам таведам  
майю прамадат пранайена вапи  
йаҷ чавахасартҳам асат-крито "си  
вихара-шайласана-бходжанешу  
эко "тҳа вати ачйута тат-самакшам  
тат кишамайе твам аҳам апрамайам*

Сенинг улуғворлигининг билмасдан, ўзимнинг дўстим деб ўйлаб, мен Сени "О Кришна!", "О Ядава!", "Эй дўстим!" деб чақирадим. Илтимос, Сени севганимдан ақслимни йўқотиб қилган бундай ножӯя ишларимнинг ҳаммаси учун мени кечир. Бўш вақтларда бирга ўтирганимизда ёки бирга овқатланаётганимизда, баъзан ёлғиз, баъзан дўстларимиз даврасида ҳазиллашиб, Сени бир неча марта мазах қилгандим. Эй бегуноҳ Зот, барча қилиқларим учун мен Сендан узр сўрайман.

Изоҳ: Кришна Аржунга Ўзининг фазовий қиёфасини намоён этган бўлишига қарамай, Аржун уларни боғлаб турган аввалги дўстлик ришталарини эслаб қолган, шунинг учун Унга нисбатан авваллари қилган ҳар хил ножӯя муносабатлари учун Ундан кечирим сўрайти. Гарчи авваллари Кришна Ўзининг дўсти сифатида Аржунга фазовий қиёфаси ҳақида гапирган бўлса ҳам, Аржун Унинг ҳақиқатан ҳам фазовий қиёфага кира олишини тасаввур ҳам қилмаганини тан оляпти. Аржун Унинг қанчалик улуғвор эканини билмасдан, ҳатто неча марта Кришнага "Дўстим!", "Ядава!", "Кришна!" деб мурожаат қилганини ҳам билмайди. Аммо, Кришна шу қадар меҳрибон ва кечиримлики, чексиз улуғворлигига қарамай, Аржуннинг бу одатларига эътибор бермай, уни Ўзининг дўсти деб билади. Худои Таоло билан Унинг содик хизматкорларини боғлаб турадиган мангурхий, илоҳий муҳаббат ришталари ана шундай бўлади. Тирик мавжудотни Худои Таоло билан мангур муносабатлар риштаси боғлаб туради, уларни ҳеч қачон бутунлай унтиб бўлмайди, буни Аржун билан Кришнанинг мисолида ҳам кўриш мумкин. Гарчи Аржунга Кришнанинг фазовий қиёфасининг улуғворлиги намоён бўлган бўлса ҳам, у ўзининг Кришна билан бўлган мангур муносабатларини унугтаний йўқ.

*43. питаси локасия чарабачарасия  
твам асия туджайаш ча гурур гарийан  
на твам-само “стий абхайадхикаш куто “нийо  
лока-трайе “пий апратима-прабхава*

Бутун моддий оламнинг, барча қўзгалувчан ва қўзгалмас тирик мавжудотларнинг отаси - Сенсан. Улар учун Сен - энг табаррук ҳукмдорсан, раҳбар ва руҳий устозсан. Ҳеч бир тирик мавжудот Сенга тенглаша олмайди ёки Сен билан бир бўлолмайди. Эй чексиз қудрат соҳиби, бутун уч оламда Сендан ҳам буюкроқ Зот борми?

Изоҳ: Худонинг Олий Шахсини, Кришнани худди фарзанд отасини ҳурмат қилгандай эъзозлаш керак. У азалий бошланғич, руҳий устоз, чунки яратиш аввалида Брахмага Ведалар донишмандлигини Унинг Ўзи аён этган эди, ҳозир эса Аржунга "Бҳагавад-гита" илмини ошкор этяпти. Шунинг учун Кришна азалий, бошланғич руҳий устоз, гуру. Ҳозир ҳам ҳақиқий руҳий устоз Кришнанинг Ўзидан бошланган ана шу руҳий устозлар силсиласида турган бўлиши лозим. Кришнанинг вакили бўлмай туриб, руҳий устоз бўлиш ва бошқаларга илоҳий илмдан дарс бериш мумкин эмас.

Тирик мавжудотлар чукур эҳтиром билан Парвардигорга сажда қиласидилар. Парвардигорнинг улуғворлиги чексиз. Бутун борлиқда Худонинг Олий Шахси, Кришнадан улугроқ зот йўқ, чунки на моддий

оламда, на рухий оламда хали Кришнадан устун бўлиш у ёқда турсин, ҳатто У билан тенглаша оладиган бирор тирик жонзот мавжуд эмас. Барча тирик мавжудотлар Унга бўйсунадилар ва Ундан буюкроқ бўла олмайдилар. Бу ҳақда "Шветашватара-упанишад"да шундай дейилган:(6.8)

*на тасия карйам каранам ча видйате  
на тат-самаши чабхъадхикаши ча дрииийате*

Худои Таолонинг ҳам, оддий одамларники сингари танаси ва хиссиёти бор, лекин Унинг хиссиёти, Унинг танаси, Унинг ақли, ва Унинг Ўзи бир-биридан фарқ қилмайди. Кришнанинг улуғворлигини тушунмайдиган нодонлар Кришна Ўзининг руҳидан, ақлидан, қалбидан, ва бошқа нарсаларидан фарқ қиласди, деб айтадилар. Кришна мутлақ табиатга эга, шунинг учун Унинг қароматлари ва Унинг қувватлари бу оламдаги ҳамма нарсадан устун туради. Яна мукаддас китобларда айтилганки, гарчи Унинг хиссиёти бизларнидан фарқ қиласа ҳам, У барча сезиш қобилияtlарига мукаммал даражада эга, Унинг сезгилари ҳеч қандай чегара билмайди ва мукаммал. Унга тенг келадиган ва Ундан буюкроқ бўлган зот йўқ - барча тирик мавжудотлар Ундан пастда.

Парвардигорнинг илми, қурдати ва қароматлари бутунлай рухий табиатга эга. Бу ҳақда "Бҳагавад-гита"да шундай дейилган(4.9):  
*джсанма карма ча ме диви亞м эвам ио ветти таттватаҳ*

*тийактва дехам пунар джсанма найти мам эти со "рджужуна*

"Менинг келишим ва кўрсатган қароматларимнинг илоҳий табиатини англаб етган киши бошқа ҳеч қачон моддий оламда туғилмайди. Танасини тарқ этгандан кейин, у Менинг мангу даргоҳимга қайтиб келади, о Аржун". Шу боис, Кришнанинг қароматлари оддий одамнинг килаётган ишларига нисбатан бутунлай бошқача, рухий, илоҳий табиатга эга эканини ҳамиша эсда тутиш лозим. Энг яххиси - ҳамиша Кришнанинг кўрсатмаларига амал қилиб юриш керак: бу бизнинг рухий камолотга эришишимизга ёрдам беради. Яна айтилганки, Кришнанинг ҳўжайини, эгаси йўқ, Унинг Ўзи ягона Ҳукмдор ва барча тирик мавжудотлар Унинг хизматкорларидир. Бу фикр "Чайтанай-Чаритамрита"да шундай тасдиқланган (Ади.5.142): *экале ишвара кришина, ара сабабхритай*. Факат Кришна - ягона Парвардигор, қолган барча тирик мавжудотлар Унинг хизматкорларидир. Ҳамма Унинг амрига бўйсунади, ҳеч ким Унинг амрига қарши чиқолмайди. Ҳар бир тирик мавжудот Ҳудонинг унга яратиб қўйган шароитига мос равища харакат қиласди, чунки бутунлай Унинг ҳукми остида бўлади. "Брахма-самхита"да айтилганидай, У - барча сабаблар сабабчисидир.

*44. тасмат пранамайя пранидхайя кайам  
прасадайе твам ахам ишам идйам  
питева пуртасыйя сакхева сакхийуҳ  
прийиаҳ приийайархаси дева содхум*

**Хамма сиғиниши лозим бўлган ягона Парвардигор - Сенсан. Шунинг учун мен оёгингга йиқилиб, раҳм қилишингни тилаб Сенга илтижо қиласман. Отаси ўзининг эркаликларига, дўст - дўстининг хурматсизлигига, эр - хотинининг инжиқликларига сабр билан чидагани сингари, Сен ҳам менинг барча хатолик ва ҳақоратларимни кечиришингни илтимос қиласман.**

Изоҳ: Кришнанинг содикларини Худои Таоло билан ҳар хил илоҳий муносабатлар боғлаб туради: бирорвлар Унга ўзининг ўғлидай боғланади, яна бирорвлар Унинг рафиқаси сифатида, бирорвлар дўсти, ёки хўжайнини сифатида муносабатда бўладилар. Кришна билан Аржунни дўстлик муносабатлари боғлаб туради. Худди отаси ўғлига нисбатан, эри - хотинига нисбатан, хўжайнин - хизматкорига нисбатан кечиримли бўлгани сингари, Кришна ҳам Ўзининг содикларига нисбатан ҳамиша марҳаматли, меҳрибон.

*45. адришта-пурвам хришишто “сми дриштва  
бхайена ча правыйатхитам мано ме  
тад эва ме даршайа дева рупам  
прасида девеша-джаган-ниваса*

**Аввал ҳеч қачон қўрмаган фазовий қиёфангни кўриб, мен шодликка тўлдим, аммо ақлим даҳшатга тушиб кетяпти. Шунинг учун, илтимос, марҳамат қилиб яна азалий Худо Шахси қўринишидаги қиёфада намоён бўл, эй ҳукмдорлар Ҳукмдори, эй Олампаноҳ!**

Изоҳ: Аржун - Кришнанинг дўсти бўлгани учун ва дўсти ҳамиша дўстининг бойлиги ва қудрати билан мағурурланганидай, Аржун ҳам бу ерда ўзининг дўсти Шри Кришна - Худонинг Олий Шахси эканидан, унга Ўзининг ғаройиб фазовий қиёфасини намоён эта олишидан хурсанд бўляпти. Лекин, айни пайтда фазовий қиёфанинг қўриниши уни даҳшатга соляпти, шунинг учун у ўзининг Кришнага бўлган мухаббати туфайли, авваллари Уни оддий дўсти сифатида кўп ҳақорат қилиб қўйганини эслаяпти. Шундан ҳозир унинг ақли даҳшатга тушяпти. Гарчи даҳшатга тушиш учун ҳеч қандай сабаб бўлмаса ҳам, у қўрқиб кетяпти. Шунинг учун, Аржун Кришнадан тўрт қўллик Нарайана қиёфасида намоён бўлишини илтимос қиласпти, чунки у Кришнанинг ҳар қандай қиёфага кира олишини билади. Парвардигорнинг фазовий қиёфаси ҳам, моддий олам сингари, моддий ва ўткинчи. Лекин Вайкунта сайёralарида Шри Кришна Ўзининг руҳий қиёфаларида - тўрт қўллик Нарайана қўринишида мангу мавжуд. Руҳий оламнинг сон-саноқсиз сайёralарида Кришна Ўзининг ҳар хил номлар билан

аталадиган, тұла намоён бўлган турли қиёфаларида мавжуд, шундай килиб, Аржун Кришнани Унинг руҳий оламда мавжуд бўлган мангуд қиёфаларидан бирида кўришни истаяпти. Парвардигор тўрт қўллик Нарайана қиёфасида руҳий оламнинг ҳар бир сайёрасида мавжуд, аммо бу қиёфалар Унинг қўлига ушлаган нарсаларининг - сур, гурзи, нилуфар гули ва халқанинг жойлашиш тартиби билан бир-биридан фарқ қиласди. Нарайананинг қўлларида ана шу нарсаларининг жойлашиш тартибига қараб, Уни ҳар хил номлар билан атайдилар. Бу қиёфаларнинг барчаси Кришнадан фарқ қиласди, шунинг учун Аржун Кришнадан тўрт қўллик Вишну қиёфасида намоён бўлишни илтимос қиляпти.

*46. киритинам гадинам чакра-хастам  
иччхами твам драштум ахам татхаива  
тенаива рупена чатур-бхуджена  
сахасра-баҳо бхава вишива-мурте*

**Эй фазовий қиёфадаги Зот, эй минг қўллик Парвардигор, мен Сени бошига тож кийган, қўлларига гурзи, халқа, сур ва нилуфар гули ушлаган тўрт қўллик қиёфандга кўришни истайман. Мен Сени шу қиёфада кўришга муштоқман.**

Изоҳ: "Брахма-самхита"да (5.39) шундай дейилган: *рамади-муртишу кала-нийамена тишитхан*. Парвардигор юзлаб ва минглаб қўринишларда мангуд, уларнинг энг асосийлари Рама, Нрисимма, Нарайана ва ҳоказо. Бундай қиёфаларнинг сон-саноги йўқ. Аржун билардики, Кришна - вактинча фазовий қиёфага кирган азалий Худои Таоло, ягона Парвардигор. Лекин ҳозир Аржун Ундан Ўзининг руҳий қиёфасида, Нарайана қўринишида намоён бўлишни илтимос қиляпти. Бу шеър "Шримад Бхагаватам"да айтилган куйидаги ҳақиқатни тўла тасдиқлайди ва одамда хеч қандай шубҳа қолдирмайди: "Кришна - азалий Худо Шахси ва Парвардигорнинг бошқа барча қиёфаларининг манбандир". Ўзининг тўлиқ намоён бўлган қиёфаларидан фарқ қиласмаган ҳолда, У Ўзининг сон-саноқсиз барча қиёфаларида ҳам Худои Таоло бўлиб қолаверади. Шу қиёфаларнинг барчасида У - чиройли ўспирин қўринишида. Мана шу Худои Таолонинг мангуд ўзгармас қўринишидир. Кришнани тўла англаб етган киши шу заҳотиёқ моддий оламнинг барча иллатларидан бутунлай покланади.

*47. шри бхагаван увача  
майя прасаннена таварджунедам  
рупам парам даршишам атма-йогам  
теджсо-майам вишивам анантам адйам  
йан ме твад-аниена на дришта-пурвам*

**Худои Таоло шундай деди: О Аржун, Мен ички қувватим ёрдамида сенга мана шу буюк фазовий қиёфамни намоён этганимдан хурсандман. Мен моддий оламда шу қиёфамда мавжудман. Сенгача ҳеч ким ва ҳеч қачон бу қадими, бепоён ва порлоқ ёғду таратиб турган фазовий қиёфамни кўрган эмас.**

Изоҳ: Аржун, Худонинг содик хизматкори, Парвардигорнинг фазовий қиёфасини кўришни истади. Аржунга нисбатан бўлган Ўзининг чексиз марҳамати туфайли, Парвардигор Кришна унга порлоқ ва улуғвор фазовий қиёфасини намоён этди. Қуёшдай порлаб турган Парвардигорнинг бу қиёфаси Ўзининг ҳар хил сиймоларини шиддат билан ўзгартириб турарди. Фақат дўстининг истагини бажариш учунгина Кришна бу қиёфани намоён этганди. Шри Кришна бу қиёфани Ўзининг инсон тафаккури англаб ета олмайдиган ички қуввати ёрдамида намоён этди. Аржунгача ҳеч ким ҳеч қачон Парвардигорнинг фазовий қиёфасини кўрган эмас, лекин, Худои Таоло Аржунга бу қиёфани намоён этганида, уни Парвардигорнинг жаннатий сайёralарда ва коинотнинг бошқа олий сайёralарида яшайдиган содиклари ҳам кўриш имконига эга бўлдилар. Аржуннинг шарофати билан улар ҳам аввал ҳеч ким кўрмаган бу гаройиботни томоша қилишга муваффақ бўлдилар. Бошқача қилиб айтганда, Кришна марҳамат қилиб Аржунга кўрсатган фазовий қиёфани шогирдлар силсиласида турганларнинг барчаси кўришга мусассар бўлдилар. "Бҳагавад-гита"га ёзилган изоҳларнинг бирида айтилишича, Кришна ана шундай қиёфани, тинчлик элчиси бўлиб борганида, Дурйодхоннинг кўз олдида ҳам намоён қилган. Ўзининг баҳтига қарши, Дурйодхон Кришнанинг тинчлик ўрнатиш учун қилган таклифларини қабул қилмади, шунда Кришна унга Ўзининг бир неча фазовий қиёфасини намоён этди. Аммо бу қиёфалар хозир Унинг Аржунга намоён этган қиёфасидан фарқ киласади. Бу ерда аниқ айтилганки, мазкур қиёфани Аржунгача ҳеч ким, ҳеч қачон кўрмаган.

*48. на веда-йаджнаадхайайанаир на данаир  
на ча крийабхир на тапобхир утраиҳ  
эвам-рупаҳ шакия ахам нри-локе  
драштум твад-аниена куру-правира*

Эй Куру авлодидаги жангчилар аълоси, ҳеч ким ва ҳеч қачон бу қиёфани кўрган эмас, чунки Менинг моддий оламда намоён бўладиган бу қиёфамни Ведаларни ўрганиш, қурбонлик маросимлари ўтказиш, хайр-садақа улашиш, эзгу ишлар қилиш ёки риёзат чекиши ёрдамида кўришнинг иложи йўқ.

Изоҳ: Бу ерда Парвардигор илоҳий назарга эга бўлиш қандай бўлишини тушунтияпти. Ким ана шундай назарга эга бўлади? "Илоҳий", - илоҳларниридай, фаришталарниридай деганидир. Демак, токи одам илоҳларнинг, фаришталарнинг сифатларига эга бўлмас экан, унинг илоҳий назари очилмайди. Фаришталар кимлар? Ведавий мукаддас китобларда ёзилганки, Парвардигор Вишнунинг содикларини "фаришталар" деб атайдилар(*вишну-бхактаҳ смрита девах*). Худои Таолонинг, Вишнунинг мавжудлигига ишонмайдиган, ёки Кришнанинг шахсиятсиз Брахман кўринишини Худои Таоло деб хисоблайдиган худосизлар ва атеистлар илоҳий назарга эга бўлиш хукуқидан маҳрум, чунки Худони, Кришнани ҳақорат қиласидиган зотлар илоҳий назарга эга бўлолмайдилар. Инсон факат ўзида илоҳий фазилатларни ривожлантириш билангина илоҳий назарга эга бўлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, илоҳий назар инсонга теварак атрофни, моддий оламни худди Аржун кўргандай кўра олиш инконини беради.

"Бҳагавад-гита"да Парвардигорнинг фазовий қиёфасининг таърифи келтирилган. То Аржун шу қиёфани кўрмагунча, одамлар у ҳақда ҳеч нарса билмаган эдилар, лекин ҳозир улар *вишва-рупа* ҳақида қандайдир тасаввурга эга бўла оладилар. Аммо, ҳақиқатан ҳам илоҳий сифатларга эга бўлган киши вишва-рупани, Парвардигорнинг фазовий қиёфасини яққол кўра олади. Инсон факат Кришнанинг содик хизматкори бўлиш билангина илоҳий сифатларга эга бўлиши мумкин. Лекин, ҳақиқатан ҳам илоҳий сифатларга эга бўлган Худонинг содик хизматкорлари Кришнанинг фазовий қиёфасини кўришга интилмайдилар. Аввалиги шеърда айтилганидай, Аржун Парвардигор Кришнанинг тўрт кўллик қиёфасини - Вишну қиёфасини кўришни истади, аксинча, Кришнанинг фазовий қиёфаси эса, уни даҳшатга солганди.

Мазкур шеърда муҳим аҳамиятга эга бўлган бир неча ибора иштилган. Масалан, *веда-йаджнахайайанаҳ* сўзи. Бу сўз "Ведавий қонунларни ва курбонлик маросими ўтказиш қоидаларини ўрганиш" деган маънени билдиради. Тўрт асосий веда, ўн саккиз Пурана, Упанишадалар ва "Веданта-сутра" - Ведаларни ташкил этади. Уларни уйда ёки бошқа ерда ўрганиш мумкин. Улардан ташқари суралар ҳам бор - "Калпа-сутра" ва "Мимамса-сутра". Уларда курбонлик маросими ўтказиш қоидалари кўрсатилган. *Данаиҳ* дегани "муносиб одамга берилилган садақа" маъносини англатади. *Данаиҳ* - Худонинг содик хизматкорига, яъни браҳманга ёки вайшнавга берилилган садақадир. Хайрли ишлар тоифасига - олов ёкиб ўтказиладиган курбонлик маросими ва варншрама жамияти тизимида ўз бурчини бажариш билан боғлиқ бўлган фаолият киради. Одамнинг ўз хоҳиши билан қандайдир тана азиятларини қабул қилиши риёзат, *тапасийя* деб аталади. Одам ҳаётда буларнинг барчасини мукаммал бажариши мумкин: риёзат чекиши, садақа бериши, курбонлик маросими ўтказиши, Ведаларни ўрганиши

мумкин, аммо, агар у Аржун сингари Худонинг содик хизматкори бўлмаса, Парвардигорнинг фазовий қиёфасини кўра олмайди. Имперсоналистлар баъзан "фазовий қиёфани кўряпман" деб даъво киладилар, аммо "Бҳагавад-гита" таълимотига кўра, улар Худонинг содик хизматкори эмас, шунинг учун улар Парвардигорнинг фазовий қиёфасини кўришга қодир эмаслар.

Худонинг намоён бўлган кўринишларини ўйлаб чиқарадиган одамлар кўп. Улар оддий одамларни Худонинг намоён бўлган қиёфаси, деб эълон қиладилар, лекин бу уларнинг қанчалик ғоғил, нодон эканидан далолат беради, холос. Биз "Бҳагавад-гита"да кўрсатилган қонун-қоидаларга қатъий риоя килишимиз лозим, акс ҳолда мукаммал руҳий илмга эга бўлишнинг иложи йўқ. Гарчи "Бҳагавад-гита"ни ўрганишни Худо ҳақидаги илмни ўрганишнинг биринчи босқичи деб атасалар ҳам, бу илм шунчалик мукаммалки, инсонга оламга бутунлай бошқа кўз билан қараш, ҳаётнинг ҳақиқий табиатини кўра олиш имконини беради. Худонинг сохта қиёфаларининг издошлари ҳам Парвардигорнинг илоҳий қиёфаларини кўргани ҳақида даъво қилишлари мумкин, аммо уларга ишониш керак эмас. Чунки бу ерда аниқ айтилганки, Парвардигорнинг фазовий қиёфасини ўз ихтиёрини бутунлай Худои Таолога, Кришнага топширган содикларгина кўра олади. Энг аввало биз Кришнанинг соғ содик хизматкори бўлишимиз лозим; фақат шундан сўнгина Худои Таоло бизга Ўзининг фазовий қиёфасини кўрсатиши мумкин деб, ёки уни кўрдик деб, даъво қилишимиз мумкин. Кришнанинг содиклари Худонинг сохта қиёфаларини ҳам уларнинг ғоғил издошларини ҳам тан олмайдилар.

*49. ма те виатха ма ча вимудха-бҳаво  
дриштва рупам ҳхорам идрин мамедам  
віапета-бҳих прита-манаҳ тунас твам  
тад эва ме рупам идам праташайа*

**Менинг бу қўрқинчли қиёфам сени даҳшатга солиб, довдиратиб қўйди. Майли, шуниси етар, энди қалбингни қўрқув тарк этсин, ақлинг хотиржам бўлсин. Мени ўзинг истаётган қиёфада бемалол томоша қил!**

Изоҳ: "Бҳагавад-гита" Аржуннинг саросимага тушиб қолганини таърифлашдан бошланади; у ўзи эҳтиром билан эъзозлаб юрган бобоси Бхишмани, руҳий устози Дронани ўлдириши зарурлигини ўйлаб, эсанкираб қолган эди. Кришна унга "бундан ташвиш тортмасанг ҳам бўлади", деди. Дхритараштранинг ўғиллари Драупадини бутун сарой аҳли олдида ечинтиришга уринганларида Бхишма ҳам, Драна ҳам чурк этиб, уларга қарши бирор гап айтмадилар. Шу билан улар ўз бурчини бажармай, ўзларининг обрўсига, шаънига иснод келтирган эдилар,

шунинг учун жазоланиб, ҳалок бўлишлари шарт эди. Кришна бу одамлар қилган гуноҳлари учун аллақачон жазоланиб, ўлимга маҳкум бўлганини кўрсатиш максадида Аржунга фазовий қиёфасини намоён этди. Аржун мана шу манзарани яққол кўриши ва тўла ишонч хосил килиши учун, Кришна унга вишва-рупа қиёфасини намоён этганди, чунки содиклар табиатан жуда раҳмдил бўладилар, ҳеч қачон ноҳақ қон тўкилишига йўл кўймайдилар. Кришна Аржун кўришни истаган ва у кўриши лозим бўлган нарсаларни кўрсатиб бўлди, энди у Парвардигорнинг тўрт қўллик қиёфасини кўришни истаяти ва Кришна унинг истагини амалга оширади. Худонинг содик хизматкорларини Парвардигорнинг фазовий қиёфаси учча қизиқтирмайди, чунки бу қиёфа уларнинг Худои Таолога бўлган муҳаббатини изхор этиш, Парвардигорнинг ўзларига бўлган муносабатини сезиш имконини бермайди. Содик хизматкор Худои Таолога ҳаяжон ва эҳтиром билан сажда килишни истайди, ёки Худонинг Олий Шахсига муҳаббат билан хизмат қила олиши учун икки қўллик Кришнани кўришни истайди.

*50. санджайа увача  
итти арджунам васудевас татхоктва  
свакам рупам даршайам аса бхуяҳ  
ашвасайам аса ча бхитам энам бхутва  
пунаҳ саумйа-вапур маҳатма*

**Санджай шундай деди: Шу гапларни айтиб, Худои Таоло, Парвардигор Кришна Аржуннинг олдида тўрт қўллик Вишну қиёфасида намоён бўлди, кейин эса, қўрқиб кетган Аржунга далда бериш учун, яна Ўзининг икки қўллик қиёфасига кирди.**

Изоҳ: Ер сайёрасида Васудева ва Девакининг ўғли сифатида дунёга келиб, Кришна аввалига уларнинг олдида тўрт қўллик Нарайана қиёфасида намоён бўлганди, кейин ота-онасининг илтижоларини қабул қилиб, оддий чақалоққа айланди. Шунга ўхшаб, Кришна Аржуннинг аслида Уни тўрт қўллик қиёфада кўриш нияти йўқлигини биларди, шундай бўлса ҳам, илтимос қилгани учун унинг олдида тўрт қўллик Нарайана қиёфасида кўриниб, кейин яна Ўзининг азалий икки қўллик мангуб қиёфасига кирди. Бу ерда ишлатилган *саумйа-вапуҳ* ибораси муҳим аҳамиятга эга. Саумйа-вапуҳ - гўзалликка тўла қиёфа; у Кришнанинг, Худои Таолонинг энг гўзал, жозибадор қиёфаси хисобланади. Кришна ер юзида яшаган вақтда ҳамма Унинг бекиёс гўзал сиймосига маҳлиё эди, Кришна бутун борлиқнинг Ҳукмдори бўлгани сабабли, у осонлик билан содик хизматкорини, Аржунни ҳамма қўрқувлардан бирпастда ҳалос этди, унинг олдида Ўзининг энг гўзал қиёфаси, Шри Кришна қиёфасида намоён бўлди. "Брахма-самхита"(5.38)да шундай дейилган: *преманджсан-чхурита-блакти-*

вилочанена. Факат кўзларига илохий муҳаббат малҳами сурилган содикларгина Шри Кришнанинг бекиёс гўзал қиёфасини кўра оладилар.

*51. арджуна увача*

*дриштведам манушам рупам тава саумиам джанардана  
иданим асми самвриттаҳ са-четаҳ пракритим гатаҳ*

**Аржун шундай деди: О Жанардана, Сени чексиз гўзал инсон қиёфасида кўриб, ақлим хотиржам бўлди, энди мен бутунлай ўзимга келдим.**

Изоҳ: Бу ерда ишлатилган *манушам рупам* ибораси Парвардигорнинг, Худонинг Олий Шахсининг азалий, бошланғич қиёфаси икки кўллик эканини аник-равshan кўрсатиб турибди. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, Кришнани оддий одам деб ҳисоблаб, Унинг устидан куладиган нодон одамлар аслида Унинг илохий табиати ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Агар Кришна оддий одам бўлганида Аржунга Парвардигорнинг фазовий қиёфасини, кейин тўрт кўллик Нарайана қиёфасини кўрсата олармиди? Шундай қилиб, "Бҳагавад-гита"нинг ўзидан маълум бўладики, Кришнани оддий одам деб ҳисоблайдиган, "Бҳагавад-гита"да Кришнанинг тилидан аслида шахсиятсиз Брахман гапириб турибди, деб бошқаларни йўлдан урадиган имперсоналист билимдонлар мутлақо ноҳақ ва нотўғри йўлдалар. Кришна Аржунга Ўзининг фазовий қиёфасини, кейин тўрт кўллик Нарайана қиёфасини намоён этди. Қандай қилиб Уни оддий одам деб ҳисоблаш мумкин? "Бҳагавад-гита"га ёзилган бундай нотўғри изоҳлар Худонинг соғодиқ хизматкорини тўғри йўлдан адаштира олмайди, чунки ҳақиқий содик ундей изоҳларнинг ҳам, изоҳ ёзганларнинг ҳам қадри неча пуллик эканини яхши билади. "Бҳагавад-гита"да айтилган гапларнинг мазмуни кундай равshan. Улар худди қуёшдай порлаб турибди, уларни тушуниб олиш учун қуёшни ёритишга уринаётган ғофил имперсоналист ёки атеист олимларнинг изоҳларини ўрганишнинг ҳожати йўқ.

*52. шири бҳагаван увача*

*су-дурдаршам идам рупам дриштаван аси йан мама  
дева апӣ асия рупасия нитийам даршана-канкиинаҳ*

**Худои Таоло шундай деди: Азизим Аржун, Мени хозир сен кўриб турган қиёфада кўриш жуда мушкул. Ҳатто фаришталар ҳам, муштоқ бўлиб, улар учун жуда азиз бўлган мана шу қиёфамни кўришга интиладилар.**

Изоҳ: Бу бобнинг қирқ саккизинчи шеърида айтилганки, Ўзининг фазовий қиёфасини намоён этиб, Кришна Аржунга Унинг бу қиёфасини жуда кўп эзгу ишлар қилган, қурбонлик маросимлари ўтказган ва бошқа риёзатлар чеккан одамлар ҳам кўришга қодир эмаслигини айтяпти. Лекин бу ерда *са дурдаришам* ибораси ишлатилган, бу Кришнанинг икки қўллик қиёфасини кўриш ундан ҳам мушкулроқ эканини кўрсатади. Парвардигорнинг фазовий қиёфасини кўриш учун риёзат чекаётганимизда, Ведаларни ўрганаётганимизда ёки Мутлак Ҳақиқатнинг табиати ҳақида фалсафий изланишлар олиб бораётгандан қилаётган ишларимизга Худога садоқат билан хизмат қилишнинг баъзи турларидан ҳам киритишмиз лозим. Аввалги шеърларда айтилганидай, ана шундай хайрли ишлар билан биргалиқда маълум даражада бхакти фаолияти ҳам, яъни Кришна онгидаги фаолият ҳам бўлса, Парвардигорни фазовий кўринишда томоша қилиши учун кифоя эди. Аммо, Парвардигорнинг фазовий қиёфасини кўриш қанчалик мушкул бўлса, Кришнанинг икки қўллик қиёфасини кўриш, ҳатто Тангри Браhma ва Шива каби фаришталар учун ҳам, ундан-да мушкулроқдир. "Шримад Ҷхагаватам"да айтилганидай, улар Кришнани кўришга муштоқ: Кришна бўлгуси онасининг, Девакининг қорнида эканини билган фаришталар бу гаройиб мўъжизани кўриш учун тўплангандилар. Улар, ҳатто хали Парвардигор уларнинг кўзларига кўринмай турган бўлса ҳам, Худои Таолога ажойиб илтижолар қила бошладилар. Уларнинг барчаси Парвардигорнинг дунёга келишини муштоқ бўлиб кутиб турардилар. Нодон, ғофил одамлар Кришнани оддий одам деб, Унинг устидан кулишлари ва одамларни Унга эмас, Унинг ичидаги мавжуд бўлган қандайдир шахсиятсиз бир Зотга сигинишга ундашлари мумкин, аммо ўзларининг бундай аҳмоқона гаплари билан улар ўзлари бошқаларга масхара бўладилар, холос. Шунга қарамай, ҳатто Тангри Браhma ва Шива сингари қудратли фаришталар Шри Кришнани Унинг икки қўллик қиёфасида кўришга муштоқ бўлиб юрадилар.

"Ҷхагавад-гита"да айтилганки, (9.11): *аваджсананти мам мудха манушим танум ашритаҳ*. Кришна Унинг устидан куладиган ғофил одамлар кўзидан бекиниб олган. Тангри Браhma "Браhma-самхита"да ва Шри Кришнанинг Ўзи "Ҷхагавад-гита"да айтганидай, Кришнанинг танаси мутлақо руҳий, илм ва лаззатга тўла. Унинг танаси сифат жиҳатидан бизларнинг моддий таналаримизга мутлақо ўҳшамайди. Аммо, "Ҷхагавад-гита" ва бошқа Ведавий асарларни ўқиши ёрдамида Кришнани ўрганишни истаётган одамлар учун У ҳамиша жумбок бўлиб қолаверади. Оламни ўрганишнинг моддий усуллари билан билим олишга интилиб юрган одамлар Кришнани "буюк тарихий шахс", "буюк файласуф" деб хисоблайдилар, аммо Кришна улар учун барibir, шунча қудратли бўлишига қарамай, моддий тана олишга мажбур бўлган оддий одам бўлиб қолаверади. Охир-оқибатда шундай мате-

риалист файласуфлар Мутлақ Ҳақиқат шахссиз кўринишга эга ва шу Мутлақ Ҳақиқат моддий табиат билан боғлиқ бўлган шахс сифатига, инсон қиёфасига кирган деган холосага келадилар. Бу Худои Таолонинг моддий тасаввурларга асосланган аспекти, концепциясидир. Мутлақ Ҳақиқатнинг фалсафий фикрлашлар натижасида юзага келган бошқа бир концепцияси ҳам бор. Моддий илм ўрганиш йўлидан бораётган одамлар ҳам Кришна ҳакида қандайдир фикрга эга. Улар учун Кришна Парвардиғорнинг фазовий кўринишидан кўра аҳамиятсизрок бўлиб кўринади. Уларнинг фикрига кўра, Кришна Аржунга намоён этган Парвардиғорнинг фазовий кўриниши, Унинг шахс сифатидаги икки қўллик қиёфасидан муҳимроқ. Уларнинг фикрига кўра, Худои Таолонинг шахс сифатидаги қиёфаси фақат бизларнинг ҳаёлимиздагина мавжуд бўлган қиёфадир. Улар Мутлақ Ҳақиқат охироқибатда ҳеч қачон шахс сифатига эга бўлиши мумкин эмаслигига каттиқ ишонадилар. Аммо, "Бхагавад-гита"нинг тўртинчи бобида Кришнани англаб етишнинг илохий усули таърифланган: Кришнани англаб олиш учун У ҳақда илмли содикларнинг, вайшнавларнинг гапирган гапларини тинглаш керак. Парвардиғор Кришнани англаб олиш учун ведаларда мана шу усул тавсия этилган ва ведавий урфодатларга, ведавий конунларга амал қиласидиган одамлар Худо ҳакидағи илмни мукаммал эгаллаган ишонарли зотлардан такрор ва такрор Кришна ҳакидағи ҳикояларни тинглайдилар, натижада Шри Кришна уларга кундан-кунга азизрок бўлиб бораверади. Аввал бир неча бор такрорлаганимиздай, Кришна бизнинг кўзимиздан йога-майа қуввати ёрдамида бекиниб олган. У дуч келган одамга Ўзини намоён қиласиди. Парвардиғор Кришна кимга Ўзини намоён этса, фақат шуларгина Уни кўришга мұяссар бўладилар. Буни барча ведавий мұқаддас китоблар тасдиқлайди: Мутлақ Ҳақиқатни фақат ўз ихтиёрини Кришнага бутунлай топширган одамларгина англай оладилар. Кришна онгига эга бўлиб, Кришнага садоқат билан хизмат қилишда банд бўлган содик хизматкорда ўз-ўзидан илохий назар ривожлана боради ва у Кришнани ҳамма ерда яққол кўра олади. Ана шундай ўтқир илохий назар ҳатто фаришталарда ҳам мавжуд эмас, шунинг учун ҳатто фаришталар ҳам Худои Таолони, Кришнани англай олмайдилар, уларнинг энг буюклари ҳамиша Кришнани икки қўллик қиёфада кўришга мушток бўлиб юрадилар. Шундай қилиб, Парвардиғор Кришнанинг фазовий қиёфасини кўриш жуда қийин ва бунга эришиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайдиган бўлса, Шри Кришнани шахс сифатидаги икки қўллик Шайамасундара қиёфасида кўриш ундан ҳам мушкулроқдир.

53. наҳам ведаир на тапаса на данена на чеджайайа  
шакия эвам-видҳо драштум дриштаван аси мам йатха

**Илохий кўзларинг билан кўриб турган Менинг бу қиёфамни Ведаларни ўрганиш, риёзат чекиш, ҳайр-эҳсонлар тарқатиш ёки сигиниш маросимлари ўтказиш ёрдамида қўриб бўлмайди. Бу йўлларнинг бирортаси ёрдамида Менинг ҳақиқий табиатимни англашга эришиб бўлмайди.**

Изоҳ: Аввалига Кришна ота-онаси, Деваки ва Васудеванинг олдида тўрт кўллик Вишну қиёфасида пайдо бўлди, кейин икки кўллик қиёфага кирди. Атеистлар ва Худога садоқат билан хизмат қилишга ёт бўлган одамлар бу сирни тушуниб ета олмайдилар. Факат ўзларининг грамматика ва дунёвий билимдонлигига ишониб ведавий асарларни ўрганишга бел боғлаган олимлар ҳеч қачон Кришнани англай олмайдилар. Эҳромга бориб Худога сигиниши шунчаки бир урф-одат, ақида деб биладиган кишилар ҳам бунга эриша олмайдилар. Ундан одамлар мунтазам равишда эҳромга бориб Худога сигиниб юрсалар ҳам, Кришнанинг ҳақиқий илохий табиатини англай олмайдилар. Парвардигор Кришнани фақат Унга садоқат билан хизмат қилиш йўлидан бориши оркалигина тўла англаб олиш мумкин. Бу ҳақда Кришнанинг йўзи кейинги шеърда айтади.

*54. бҳактия тв ананайа шакъа аҳам эвам-видҳо “рджуна  
джнатум драштум ча таттвена правештум ча парантапа*

**Азизим Аржун, фақат соф садоқат билан хизмат қилиш натижасидагина Мени, ҳозир сен кўриб турган қиёфада яққол қўриш ва ҳақиқатан ҳам Мени англаб етиш мумкин. Факат шу йўл билангина Менинг илохий табиатим сирини англаб олиш мумкин.**

Изоҳ: Факат соф садоқат билан Худои Таолога хизмат қилиш жараёнида Кришнани англаб олиш мумкин. Факат ўзларининг мукаммал бўлмаган ақлларига ишониб, "Бҳагавад-гита"га изоҳ ёзишга уринаётган, "Бҳагавад-гита"ни тўла тушуниб оламан, деб ўрган ўзбошимча олимлар бекорга вактларини сарфлаётганларини билиб олишлари учун, бу ерда Парвардигор Кришна қандай қилиб Уни англаш мумкинлигини аниқ-равшан айтиб берган. Кришнани ёки У қандай қилиб аввал ота-онаси олдида тўрт кўллик қиёфада пайдо бўлганини, кейин икки кўллик чакалоқ қиёфасига кирганини ҳеч ким англай олмайди. Факат ведаларни ўрганиш билан ёки фалсафий фикрлашлар йўли билан Худони англашга уриниб юрганлар буни сира тушуна олмайдилар. Шунинг учун бу ерда аниқ айтилган: Парвардигорни кўришга ёки Уни инсонлар кўзидан яшириб турган сирларини англашга ҳеч ким қодир эмас. Лекин Ведаларни чукур ўргангандан кишилар Худои Таоло ҳақида жуда кўп маълумотларга эга бўлиши мумкин. Ведаларда жуда кўп қоида ва кўрсатмалар тўплланган, Кришнани, Худои Таолони ҳақиқатан

ҳам англаб олишга интилаётган киши ана шу ишонарли мұқаддас китбларда көлтирилған қонун-қоидаларға амал қилиши лозим. У ана шу күрсатмаларға амал қилиб риёзатта берилиши мүмкін. Масалан, Жанмаштами, Кришна туғылған кунда ва хар ойнинг экадаши кунларида бутунлай оч юришга қасам ичиш мүмкін. Ҳайр-эхсонларға келсак, мұқаддас китбларда аниқ айттылғанки, садақа ва әхсонлар Худонинг содиқ хизматкорларига, Кришнага садоқат билан хизмат қилиб юрган, умрени Худони англаш илмини бутун дүнёга тарқатышга бағишилаган одамларға бериш керак. Рупа Госвами Чайтаня Махапрабхуни Худои Таолонинг чексиз саҳоватининг тимсоли деб атаган эди, чунки У эришиш жуда мушкүл бўлған илоҳий муҳаббат - Худои Таолога бўлған илоҳий муҳаббатни барчага саҳоват билан улашиб кетган эди. Шунинг учун Худони, Кришнани англаш илмини одамларға тушунтиришига ҳаракат қилиб юрган Худонинг содиқ хизматкорларига мoddий ёрдам берган киши дунёда энг саҳоватли иш килған бўлади. Мұқаддас китбларнинг қоидаларига амал қилиб эхромларда ўрнатилған Парвардигорнинг тасвир ёки арча-виграхаларига сифинадиган одамлар Худои Таолога сифиниш, Унга эхтиром кўрсатиш натижасида руҳий юксалиш имкониятига эга бўлади. Руҳий юксалиш йўлига энди кирған одамлар учун эхромда Парвардигорнинг тасвирларига сифиниш, сажда қилиш мажбурий ҳисобланади, чунки барча ведавий мұқаддас китблар шуни талаб қиласи, масалан "Шветашватара-упанишад" 6.23:

*йасай деве пара бхактире йатха деве матха гурау  
тасайамте катхита хй артхаҳ пракашанте маҳатманаҳ*

"Факат Худои Таолога ва руҳий устозига чукур иймон билан ишонадиган буюк руҳларгагина ведавий илмлар мазмуни аён бўлади". Шунчаки ҳамиша Худо ҳакида ўйлаб юриш билан Кришнани англаш бўлмайди. Ҳакикий руҳий устоз раҳбарлиги остида маҳсус тайёргарликдан ўтмаган киши Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига ҳатто яқин кела олмайди. Бу ерда *my* ибораси, атайлаб Кришнани англаш учун бошқа усулларнинг ҳеч бири ёрдам беролмаслигини алоҳида таъкидлаш учун ишлатилған: Кришнани англаш учун бошқа усулларни тавсия қилиб бўлмайди, чунки улар ҳеч қачон руҳий юксалиш йўлида муваффакиятга олиб келмайди.

Кришнанинг икки ва тўрт кўллик киёфалари, Унинг Аржунга на-моён этган ўткинчи фазовий киёфасидан кескин фарқ қиласи. Нарайананинг тўрт кўллик, Кришнанинг икки кўллик киёфалари Аржун кўрган фазовий киёфадан фарқли равишда мангув ва руҳий табиатга эга. Су-дурдаршам ибораси Парвардигорнинг бу фазовий киёфасини аввал ҳеч ким, ҳеч қачон кўрмаганини билдиради. Бу ибора яна шундан далолат берадики, фазовий киёфасини Кришна ҳар бир содиқ хизматкорига кўрсатаверишининг ҳожати йўқ. Одамлар келажакда ўзларини Худо деб эълон қиласидиган виждонсиз, гоғил одамларни си-

наб кўриш имкониятига эга бўлишлари учун, Аржуннинг илтимоси билан Кришна унга Ўзининг фазовий қиёфасини намойиш этди.

Авалги шеърда бир неча бор ишлатилган *на* ибораси шуни англатадики, одам ўзининг Ведаларни назарий жиҳатдан чукур билиши билан мағрурланмаслиги керак. У Кришнага садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиши лозим. Факат шундагина у "Бҳагавад-гита"га изоҳ ёзишга уриниб кўриши мумкин.

Аржунга Ўзининг фазовий қиёфасини намоён этиб, Кришна уни Нарайананинг тўрт қўллиқ қиёфасига айлантириди, кейин эса Аржуннинг олдида яна Ўзининг икки қўллик қиёфасида пайдо бўлди. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, Нарайананинг тўрт қўллик қиёфаси ҳам, Парвардигорнинг Ведаларда келтирилган бошқа барча қиёфалари ҳам Кришнанинг азалий, бошлангич икки қўллик кўринишидан тарқалган. Кришна - бутун борлиқнинг манбаи. Кришна Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз Брахман кўринишидан ва ҳатто, Мутлақ Ҳақиқатнинг ана шу шахс кўринишидаги қиёфаларидан ҳам устун турди. Кришнанинг тўрт қўллик Нарайана кўринишидаги қиёфаларга келсак, муқаддас китобларда аниқ айтилганки, ҳатто Кришнага энг якин турадиган тўрт қўллик қиёфа(Космик океанда ястаниб ётган ҳолда ҳар нафас олганида сон-саноқсиз коинотларни дунёга келтириб, яксон қиласиган Маха-Вишну)ҳам, Худои Таолодан, Кришнадан тарқалган. "Брахма-самхита" (5.48)да айтилганки,

*йасайика-нишвасита-каlam атхаваламбай  
дживанти лома-вила-джса джагад-анд-натхаҳ  
вишинур махан са иха ясайя кала-вишешо  
говиндам ади-пурушам там ахам бхаджами*

"Ҳар бир нафас олганида, нафас чикарганида яна қайтиб чиқиши учун танасига сон-саноқсиз коинотлар кириб турадиган Маха-Вишну - Кришнанинг тўлиқ намоён бўлган экспансиясидир. Шу сабабли, мен Говинда, барча сабаблар сабабчиси бўлган Кришна олдида эҳтиром билан сажда қиласман". Шундай қилиб, ҳамманинг сигиниши лозим бўлган мангубот - илм ва лаззатга тўла мангубот Худонинг Олий Шахси, икки қўллик Шайамасундара кўринишидаги Шри Кришнадир. Кришна Вишнунинг барча қиёфаларининг, Худои Таолонинг барча аватараларининг манбаи ва айни пайтда, "Бҳагавад-гита"да таъкидланганидай Худонинг Олий Шахси хисобланади.

Ведавий муқаддас китобларда шундай шеър ҳам мавжуд: "Гопала-тапана-упанишад" 1.1.

*сач-чид-ананта-рупайа кришнайаклишта-карине  
намо веданта-ведийайа гураве буддхи-сакшине*

"Мен чукур эҳтиром билан Кришнанинг олдида сажда қиласман, Унинг мангубот руҳий танаси илм ва лаззатга тўла. Мен Унга чукур эҳтиром кўрсатаман, чунки Уни англаш - Ведаларни англаб етиш демакдир, шу боис Уни олий руҳий устоз деб атайдилар". Шу ерда давом

этиб, яна айтилганки, *кришино ваи парамам даиватам* - "Кришна - Худонинг Олий Шахсидир". (Гопала-тапана-упанишад 1.3). эко *ваии сарва-гаҳ кришина идай*: "Бу Кришна - Худонинг Олий Шахси ва барча сигиниши лозим бўлган Зот". Эко "ни сан баҳудҳа ўю "вабхати: "Кришна - ягона, аммо У Ўзини сон-саноқсиз қиёфаларда ва шу қиёфаларининг экспансияларида намоён этади". (Гопала-тапана-упанишад. 1.21).

"Брахма-самхита" да шундай дейилган(5.1):

*ишивараҳ парамаҳ кришинаҳ сач-чиd-ананда-виграхаҳ  
анадир адир говиндаҳ сарва-карана-каранам*

"Кўплар Бҳагаван сифатига эга, аммо Кришна уларнинг ҳаммасидан устун, чунки ҳеч ким Уни тўсиб кўёлмайди. У - Олий Шахс, Унинг мангутанаси эса, илм ва лаззатга тўла. У - азалий Парвардигор, барча сабабларнинг сабабчиси".

Яна бир муқаддас китобда шундай дейилган: *йатраватирнам кришинакҳам парам брахма наракти* - "Олий Мутлақ Ҳақиқат шахсидир, Унинг номи Кришна, вақти-вакти билан У ерга тушиб туради". "Шримад Бҳагаватам"да ҳам шундай дейилган. "Шримад Бҳагаватам"да Худонинг Олий Шахсининг кўплаган қиёфалари келтирилган, ана шу қиёфалар орасида Кришна ҳам кўрсатилган. Лекин кейин айтилганки, Кришна - Худои Таолонинг қиёфаси хисобланмайди, Кришна - Худои Таолонинг Ўзи, Худонинг Олий Шахси. (этен чамиа-калаҳпумсаҳ *кришини ту бҳагаван свайам*).

Бундан ташқари "Бҳагавад-гита"да Худои Таоло айтадики, *маттаҳ парамарам наниат* - "Худо Шахси - Кришна кўринишидаги Мендан ҳам буюкроқ бўлган ҳеч бир зот мавжуд эмас". "Бҳагавад-гита"нинг бошқа бир шеърида Худои Таоло айтадики, *ахам адир хи деванам* - "Мен барча фаришталарнинг манбаиман". "Бҳагавад-гита"ни Худои Таолонинг бевосита Ўзидан эшитган ва шу боис унинг мазмунини тўла англаб етган Аржун эса, бу тўғрида шундай деб айтяпти: *парам брахма парам дхама павитрам парамам бхаван* - "Сен - Худонинг Олий Шахси, Мутлақ Ҳақиқат ва бутун борлиқнинг нажот макони эканингни тўла англаб етдим". Шундай килиб, Кришна Аржунга намоён этган ўткинчи фазовий қиёфа Худои Таолонинг азалий кўриниши эмас. Худои Таолога нисбатан қалбида ҳеч кандай муҳаббат бўймаган одамларни ҳам Ўзига жалб этиш учунгина Кришна Аржунга Ўзининг минглаб калла, қўл, оёқлари бўлган фазовий қиёфасини намоён этди. Бу қиёфа Унинг азалий, бошланғич қиёфаси бўлиши мумкин эмас.

Парвардигорнинг фазовий қиёфаси Худонинг соғ содикларини ўзига жалб этмайди, чунки уларнинг Худои Таология бўлган муҳаббати Худо Шахси билан ўзаро, ҳар хил руҳий муносабатларга асосланган. Парвардигор Ўзининг содиклари билан азалий Шайамасундара, Шри Кришна кўринишида ўзаро муҳаббат ва меҳр тўла муносабатларда

бўлади. Шу боис, Кришна билан илохий дўстлик ришталари билан боғланган Аржунга Парвардигорнинг фазовий қиёфасини томоша килиш хеч қандай лаззат келтирмади, аксинча, у бундан даҳшатга тушиб, кўркиб кетди. Кришнанинг мангу ҳамроҳи бўлган ҳолда, Аржун албатта рухий назарга эга эди; у оддий одамлардан эмас эди. Шунинг учун Парвардигорнинг фазовий қиёфаси уни ўзига маҳлиё қилолмади. Бу қиёфа кармали фаолият билан машғул бўлиб юрган одамларни ўзига жалб қилиши мумкин, аммо Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан бораётган содиклар учун ҳаммасидан Шри Кришнанинг икки қўллик Шайамасундара кўриниши азизроқ.

*55. мат-карма-крип мат-парамо мад-бхактаҳ санга-варджитаҳ нирвавираҳ сарва-бхутешу йаҳ са мам эти пандава*

**Азизим Аржун, соф садоқат билан Худога хизмат қилиб юрган, кармали фаолиятга ва фалсафий фикрлашларга интилиш иллати билан булғанмаган, ўз меҳнатини Менга бағишлиб, Мени ҳаётининг олий мақсади қилиб олган, ҳар бир тирик мавжудотга меҳрибон бўлган киши, албатта, Менга қайтиб келади.**

Изоҳ: Рухий оламнинг энг юксак сайёраси бўлган Кришналокада мангу яшайдиган Худои Таолони англашни ва Худонинг Олий Шахси, Кришна билан қандайдир муносабат ўрнатишни истаётган ҳар бир одам Худои Таолонинг Ўзи бераётган мана шу насиҳатларга амал қилиши лозим. Мазкур шеър бутун "Бҳагавад-гита"нинг мағзи ҳисобланади. "Бҳагавад-гита" - бу дунёда моддий табиатга ҳукмронлик қилишга уринаётган ва рухий, ҳақиқий ҳаёт ҳақида ҳеч қандай илмга эга бўлмаган шартланган рухлар учун мўлжалланган мукаддас китоб. "Бҳагавад-гита" бу дунёдаги тирик мавжудотларнинг рухий табиатини, олий рухий шахс билан ўзларининг мангу муносабатларини англаб олишларига ёрдам бериш ва ҳақиқий уйларига, Худонинг даргоҳига қайтиш йўлини кўрсатиш учун нозил қилинган. Бу ерда, мазкур шеърда рухий камолот чўққисига - Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш даражасига эришиш имконини берадиган усул тўла таърифланган.

Кундалик фаолиятимизга келсак, бутун куч-кудратимизни Кришнага хизмат қилишда ишлатишимиш лозим. "Бҳакти-расамрита-синдху" 2.255 да шундай дейилади:

*анасактасия вишайан ўатхархам упайунджатаҳ нирбандаҳ кришна-самбандхе йуктам вирагайам учайате*

Ҳар қандай фаолият Кришна билан боғланган бўлиши керак. Шундай фаолиятни *кришна-карма* деб атайдилар. Биз кундалик турмушда ҳар хил ишлар билан машғул бўлишимиз мумкин, лекин қилаётган ишларимизнинг натижаларига боғланиб қолмаслигимиз лозим:

қилаётган ҳар бир ишимиизни Худо учун, Кришна учун бажаришимиз керак. Масалан, ишбилармон киши ҳам, агар ўзининг ишларини Кришна учун амалга ошиrsa, Кришна онгидаги фаолият кўрсатиши мумкин. Агар бирор ишнинг эгаси Кришна бўлса, ундан келадиган даромадни ҳам Кришна олиши керак. Ҳисобида кўп минг сўм пули бўлган ишбилармон, зарур бўлса у бу пулларнинг ҳаммасини Кришнага бериши мумкин. Кришна учун хизмат қилиш деган шундай бўлади. Шунчаки ўзининг роҳатланиши учун катта иморат согандан кўра, ишбилармон киши Худои Таоло учун, Кришна учун чиройли эхром куриши, у ерда Кришнанинг Илоҳини, киёфасини ўрнатиб, ишонарли муқаддас китобларнинг қонун-қоидалари асосида Худога сифиниш маросимларини ўтказиши ташкил этиши мумкин. Ана шундай ишларнинг барчаси *кришна-карма* бўлади. Ўз меҳнатининг натижаларига боғланиб қолмасдан, одам уларнинг барчасини Кришнага тақдим этиши, ўзи эса Кришнага тақлиф қилинган овқат қолдиги - *кришна-prasад* билан қаноатланиши лозим. Кришна учун катта эхром курган одамнинг ўзи ҳам шу ерда яшashi мумкин, лекин у ҳамиша бу иморат Кришнанини эканини эсидан чиқармаслиги керак. Мана шу Кришна онги, Кришнани англаш, деб аталади. Кришна учун эхром куриш имкониятига эга бўлмаган одам Кришнанинг эхромларини тозалашда ёрдам бериши мумкин: бу ҳам кришна-карма бўлади.

Шунингдек, эхром боғида ҳам ишлаш мумкин. Бироз ери бўлган киши эса, шу ерга гул экиб, уларни Кришнага тақдим этиши мумкин. Шу ерга муқаддас туласи гулидан ўтқазиши мумкин, чунки Кришнага сифиниш маросимида ҳамиша туласи барглари керак бўлади, бу ҳақда "Бхагавад-гита"да Кришнанинг Ўзи айтган: *पत्रम पुष्पम खलम तोयम्*. Кришна айяптики, содик хизматкори Унга барг, гул, мева ва озгина сув тақлиф қилиши мумкин, Кришна унинг бу эҳсонидан мамнун бўлади. Бу ерда Кришна энг аввало туласи баргларини назарда тутади. Шунинг учун ҳар бир одам туласи ўтқазиб уни парваришлаши мумкин. Шу тариқа, ҳатто энг қашшоқ одам ҳам Худои Таолога хизмат қилиб, Уни мамнун қилиши мумкин. Булар қандай қилиб Кришна, Худои Таоло учун меҳнат қилиш мумкинлиги ҳақидаги баъзи бир мисоллар эди.

*Мат-парамаҳ* деган ибора, ҳаётининг олий мақсадини Худои Таолонинг олий даргоҳида Шри Кришна билан бевосита мулокотда бўлишдан иборат, деб белгилаган кишини назарда тутади. Ундей одам Ой, Қуёш, жаннатий сайёralар ва ҳатто моддий оламдаги энг олий сайёра бўлган Брахмалокага эришишга ҳам интилмайди. Буларнинг ҳеч бири уни кизиктирмайди. Ҳаётда унинг биргина мақсади қолган - руҳий оламга эришиш. Ҳатто руҳий оламга эришгандан кейин ҳам у брахмаджётининг нурларига ғарқ бўлиб кетишни истамайди, чунки унинг ягона мақсади - руҳий оламнинг энг юксак сайёрасига - Кришналокага, Голока Вриндаванага эришишдан иборат. У бу сайёра ҳақида

барча маълумотларга эга ва бошқа ҳеч нарса уни қизиқтирмайди. *Мадбхактаҳ* сўзи унинг ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул эканини билдиради. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг тўққиз тури мавжуд: тинглаш, шарафлаш, эслаш, сажда қилиш, Парвардигорнинг нилуфар кадамлари пойига хизмат қилиш, илтижо қилиш, Парвардигорнинг кўрсатмаларини бажариш, Унга дўст бўлиш ва ўз ихтиёрини бутунлай Унга топшириш. Худонинг содик хизматкори мана шу хизмат турларининг ҳаммаси билан, ёки саккиз, етти тури билан, ёки ҳатто биргина тури билан ҳам шуғулланиши мумкин, шунинг ўзи руҳий баркамолликка эришиш учун кифоя бўлади.

Бу ерда ишлатилган *санга-варджистаҳ* ибораси жуда муҳим. Биз Худога садоқат билан хизмат қилиб юриб, Кришнани тан олмайдиган кишилар билан ҳамсуҳбат бўлмаслигимиз лозим. Бундай одамлар тоифасига нафақат атеистлар, ҳатто фалсафий фикрлашларга ва кармали фаолиятга муккасидан кетган одамлар ҳам киради. Шу боис Худога соф садоқат билан хизмат қилиш жараёни "Бхакти-расамрита-синдху"да шундай таърифланади.

*анйабхилашита-шунийам джнанана-кармадий-анавритам  
анукулийена кришнану-шиланам бхактир уттама*

"Моддий манфаатларга интилишдан ёки кармали фаолиятда, фалсафий изланишларда бирор мувваффакиятга эришиш ниятидан бутунлай пок бўлган ҳолда Худога мухаббат билан хизмат қилиб юрган киши Худои Таолога илоҳий садоқат билан хизмат қилаётган бўлади. Ана шундай хизмат Худога пок садоқат билан хизмат қилиш деб аталади."

Бу ерда Шрила Рупа Госвами Худои Таолога соф садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтарилиши истаган киши барча моддий иллатлардан покланиши лозимлигини айтган. Ундай одам моддий фаолиятга ва куруқ фалсафий фикрлашларга муккасидан кетган кишилар билан ҳамсуҳбат бўлмаслиги керак. Шу тарика одам Кришнани тан олмайдиган одамлар билан ҳамсуҳбат бўлишини тарк этиб, барча моддий, ўткинчи истаклардан покланганида, ўзининг Кришна хақидаги илмини чукурлаштириб, қалбида Кришнага бўлган мухаббатини ривожлантира боради. Ана шу - "Худога соф садоқат билан хизмат қилиш" деб аталади. *Анукулийасая санкалтаҳ пратикулийасая варджисанам*, (Хари-бхакта-виласа, 11.676). Инсон Кришнани нафрят билан эмас, меҳр-муҳаббат билан эслashi, Унга садоқат билан хизмат қилиши керак. Масалан, Камса Кришнанинг душмани эди. Кришна дунёга келган пайтдан бошлаб Камса ҳамиша Уни ўлдиришга ҳаракат қилиб юрди, барча уринишлари натижга бермай, барбод бўлавергани сабабли, у ҳамиша Кришнани эслаб, ўйлаб юрарди. У қилаётган ҳар бир ишида - овқатланганида, ухлаганида, ишлаганида - ҳамиша Кришна онгидга юрарди, аммо унинг қалбидаги Кришна онги салбий сифатли онг эди. Шунинг учун, гарчи кечак-ю кундуз Кришна

ҳақида ўйлаб юрган бўлса ҳам, барибир у иблис эди, охир-оқибатда Кришнанинг Ўзи уни ўлдирди. Албатта, Кришнанинг қўлида ажали етган ҳар бир тирик мавжудот шу заҳотиёқ озодликка эришади, аммо Худонинг содик хизматкори ўз олдига ҳаётда бошқа мақсад кўйган. У ҳатто озодликка чикиш ҳақида ўйлаб ҳам ўтирумайди. Ҳатто у руҳий оламнинг энг олий сайёрасига, Кришналокага, Голока Вриндаванага ҳам интилмайди. Содикнинг ягона мақсади - қаерда бўлса ҳам, ҳамиша Кришнага садоқат билан хизмат қилиш.

Кришнанинг содик хизматкори барча тирик мавжудотларга нисбатан дўстона муносабатда бўлади. Шунинг учун бу ерда унинг душмани йўқ деб айтилган(*нирваираҳ*). Бу нимани билдиради? Кришна онгига эга бўлган Худонинг содик хизматкори шуни биладики, факат Худога садоқат билан хизмат килишгина унинг ҳаётдаги барча муаммоларини ҳал қила олади. У бунга ўзининг ҳаёти тажрибасида тўла амин бўлган. Шунинг учун, у Кришнани, Худони англашнинг саҳоватли, ҳаммага баҳт келтирадиган усулини барча одамлар орасида кенг тарқатишга интилади. Инсоният тарихида Худонинг содик хизматкорларининг ҳатто ўз ҳаётини ҳавф остига кўйиб бўлса ҳам, Худо ҳақидаги илоҳий илмни тарғибот қилгани ҳақида жуда кўп маълумотлар бор. Масалан, Худованд Иисус Христос тарихи ҳаммага маълум. У Худони англаш илмини тарғибот қилишга жонини фидо қилган ва атеистлар томонидан ўлдиррилган эди. Албатта, факат ғофил одамларгагина душманлари гўё Уни ўлдиргандай бўлиб қўриниши мумкин. Ҳиндистонда ҳам бунга ўхшаш мисоллар кўп бўлган. Харидас Тхакур ёки Прахлад Махаражни эслаш мумкин. Нима мақсадда улар ўзларининг ҳаётини шунчалик ҳавф остига кўйганлар? Худони англаш илмини тарғибот қилиш учун. Албатта бу осон иш эмас. Худои Таолони англаб етган киши шуни аниқ биладики, одамларнинг ҳаётда тортаётган барча азоб-уқубатларининг асосий сабаби - уларнинг Худои Таоло, Кришна билан бўлган мангумуносабатларини унугиб, эсидан чиқариб кўйганидир. Шу боис ҳақиқий инсоннинг, Худонинг содик хизматкорининг одамларга қила олиши мумкин бўлган энг катта яхшилиги - яқинларини бу моддий ҳаёт мусибатларидан биратўла ҳалос қилишдан иборат. Худонинг содик хизматкори шу тариқа Худога хизмат қиласди ва Худои Таоло ҳам Ўзининг ана шундай содик хизматкори орқали ҳатто оддий одамларга ҳам чексиз марҳамат кўрсатади. Кришна учун ҳатто ҳаётини ҳавф остига кўйиб, одамларга Худо ҳақидаги илмни ўргатишга интилиб юрган содикларга Унинг қанчалик марҳамат кўрсататганини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Шунинг учун, ундаи содиклар умрининг охирида танасини тарқ этаётib, албатта, руҳий оламнинг энг олий сайёрасига, Худонинг даргоҳига борадилар.

Бу бобга якун ясад шуни айтиш мумкинки, Кришна Аржунга Ўзининг фазовий қиёфасини, шунингдек, ҳамма нарсани емириб яксон қилувчи вакт, Замон қиёфасидаги қўринишини, ҳатто тўрт кўллик

Вишну қиёфасини кўрсатди. Бундан шундай хуросага келиш мумкин-ки, шу қиёфалар Кришнанинг манбаи эмас, аксинча, Кришна - барча қиёфаларнинг манбайдир. Кришнани вишва-рупанинг намоён бўлган кўриниши ёки Вишнунинг аватараларидан бири деб ҳисобламаслик керак. Кришна - Худонинг намоён бўлган барча кўриниш ва аватаралининг манбаи. Вишнунинг юзлаб ва минглаб қиёфалари мавжуд, аммо Худонинг содик хизматкори учун бошқа қиёфаларнинг бирорта-си Кришнанинг икки кўллик қиёфаси, Шайамасундара сингари азиз эмас. "Брахма-самхита"да айтилганки, бутун муҳаббат ва садоқатини Шайамасундара қиёфасидаги Кришнага бағишлигаран киши ҳамиша ўзининг қалбида Унинг жамолидан лаззатланиб юради ва ҳаётда унинг кўзига бошқа ҳеч нарса кўринмай қолади. Шунинг учун Худонинг энг олий кўриниши Кришна эканини англаб олиш жуда муҳим. Ўн бирин-чи бобнинг мазмун моҳияти шундан иборат.

*"Парвардигорнинг фазовий қиёфаси" деб аталган "Бҳагавад-гита"нинг ўн биринчи бобига Бҳактиведантанинг изоҳлари шундай якунланади.*

## Ўн иккинчи боб. Худога садоқат билан хизмат қилиш

*1. ардјсұна увача*

*әвам сататың тұктағындағы бхактас твам паріупасате  
йе чаптап ақшарал авијактам тешам ке йога-виттамаҳ*

**Аржун шундай деди: Қайси йоглар күпроқ натижага эришадилар - Сенға садоқат билан хизмат қилиб юрганларми ёки намоён бўлмаган ва емирилмас шахсиятсиз Брахманга сифиниб юрганларми?**

Изоҳ: Кришна Аржунга Парвардигорнинг шахс сифатига эга бўлган ва шахсиятсиз, фазовий қиёфалари ҳақида, шунингдек, Худонинг содиқ хизматкори ва йогларнинг ҳар хил тоифалари ҳақида гапириб берганди. Одатда руҳий, илохий ҳаёт билан яшаб юрган трансценденталистларни икки тоифага бўладилар: имперсоналистлар ва персоналистлар. Персоналист-содиқлар бутун куч-кувватини Худои Таолога хизмат қилишга сарфлайдилар. Имперсоналистлар ҳам руҳий фаолият билан машғул, аммо улар Кришнага бевосита хизмат қилиш ўрнига, намоён бўлмаган шахсиятсиз Брахманга муроқаба қиласидилар. Мазкур бобдан, Мутлақ Ҳақиқатни англаш усуслари орасида энг яхшиси бхакти-йога, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш эканини билиб оламиз. Худо Шахсини, Кришнани англашга, Худонинг даргохига эришишга ҳақиқатан ҳам интилаётган киши Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кириши лозим. Бошқача қилиб айтганда, Худога садоқат билан хизмат қилиб, бевосита Худои Таолога сифинадиган кишилар “персоналистлар” деб, шахсиятсиз Брахманга муроқаба қиласидилар эса, - “имперсоналистлар” деб аталади. Мазкур шеърда Аржун Кришнадан улардан қайси бирининг йўли афзал, тўғри йўл эканини сўрайяпти. Мутлақ Ҳақиқатни англашнинг ҳар хил йўллари бор, лекин бу бобда Кришна шу йўлларнинг энг яхшиси бхакти-йога, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш эканини айтади. Бу Худо билан боғланишининг энг тўғри ва энг осон йўлидир.

“Бхагавад-гита”нинг иккинчи бобида Худои Таоло шуни тушунтирган эдики, тирик мавжудот - моддий тана эмас, балки Мутлақ Ҳақиқатнинг бир зарраси бўлган руҳий учқун, жондир. Еттинчи бобда У тирик мавжудот тўла бутуннинг ажралмас бир бўллаги эканини айтиб, тирик мавжудотларни бутун дикқат-эътиборини тўла бутунда,

Мутлақ Ҳақиқатда мужассам қилишга чакирган эди. Кейин, саккизинчи бобда яна тақрор айтган эдики, агар одам умрининг охирида танасини тарк этаётиб, Кришна ҳақида, Худо ҳақида ўйласа, шу заҳотиёқ руҳий оламга, Худонинг даргоҳига кўтарилади. Олтинчи бобнинг охирида Худои Таоло шуни аниқ айтган эдики, ҳамиша қалбида Кришна ҳақида ўйлаб, Уни эслаб юрган киши йогларнинг энг яхиси хисобланади. Шундай қилиб, Кришна ҳар бобнинг охирида хулоса килиб айтадики, тирик мавжудот ақлини ҳамиша Кришнанинг шахс қиёфасида мужассам қилиши лозим, чунки мана шунинг ўзи руҳий ўзликни англашнинг энг юксак поғонасири.

Лекин шундай одамлар ҳам борки, уларни Кришнанинг шахсий қиёфаси қизиктирмайди. Улар ўз фикрларига шунчалик ишонадиларки, ҳатто "Бҳагавад-гита"га изоҳ ёзиб, одамларнинг дикқатини Кришнадан чалғитиб, уларнинг садоқатини шахсиятсиз брахмаджйотига каратишга зўр берib харакат киладилар. Улар Мутлақ Ҳақиқатнинг моддий хиссиятлар билан сезиб бўлмайдиган ва намоён бўлмаган шахсиятсиз қиёфасига муроқаба қилишни афзал биладилар.

Шундай қилиб, руҳий тажриба билан шуғулланиб юрган одамларнинг икки тоифаси бор. Аржун ана шу икки тоифанинг қайси бири устун туришини, бу йўлларнинг қайси бири осон, тўғрироқ эканини билмоқчи бўляпти. Айни пайтда у ўзининг ҳолатини ҳам билиб олмоқчи, чунки унинг ўзи шахсиятсиз Брахманга эмас, Кришнанинг шахс қиёфасига боғланган. У ўзининг тутган йўли, ҳозирги ҳолати қанчалик тўғри ва мустаҳкам эканини аниқламоқчи бўляпти. Худои Таолонинг шахсиятсиз қиёфасига муроқаба қилиш бу оламда ҳам, руҳий оламда ҳам, жуда мушкул иш. Аслини олганда ҳеч ким Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз қиёфасини тўғри тасаввур қилишга қодир эмас. Шунинг учун бу саволни бера туриб, Аржун "Бекорга вақтни сарфлашнинг нима кераги бор?" деб айтатётгандай бўляпти. "Бҳагавад-гита"нинг ўн биринчи бобида Аржун Кришнанинг шахсий қиёфасига боғланиш афзал эканига ишонч ҳосил қилган эди. Ана шу боғланиши унга Кришнанинг бошқа барча қиёфаларини кўриш имконини берган эди, лекин, бу билан унинг Кришнага бўлган муҳаббати, муносабати ҳечам ўзгармади. Аржун Кришнага жуда муҳим савол беряпти. Бу саволга Кришнанинг берадиган жавоби бизга Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсий ва шахсиятсиз қиёфаси орасидаги фарқни тушуниб олишда ёрдам беради.

## 2. шири бҳагаван увача

*майй авешия мано ўе мам нитийа-йукта упасате  
шраддхайа парайонетас те ме йуктатама матаҳ*

**Худои Таоло шундай деди: Ақли Менинг шахсий қиёфамда мужассам бўлган, ҳамиша Менга комил илохий ишонч билан сажда**

## **қилиб юрган одамларни Мен камолотнинг энг юқори поғонасига эришган деб хисоблайман.**

Изоҳ: Аржуннинг саволига жавоб бера туриб, Кришна аниқ айтяпти, ақлини Унинг шахсий қиёфасида мужассам қилган ва чукур иймон ва садоқат билан Унга сажда қилиб юрган киши “энг комил йог” деб хисобланиши лозим. Кришнани тўла англаб етган кишининг хар қандай фаолияти моддий фаолият эмас, чунки у қандай иш билан машғул бўлса ҳам, барчасини Худо учун, Кришна учун қилади. Худонинг содик хизматкори ҳамиша бирор иш билан банд. У Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юрган, ёки Кришна ҳақидаги ҳикояларни тинглаётган, ёки Кришна ҳақидаги китобларни ўқиётган, Кришнага овқат тайёрлаётган ёки Кришнага бирор нарса сотиб олиш учун бозорга бораётган, эхромни ёки Кришнанинг идиш-товорқларини юваётган бўлади - унинг ҳаётда қилаётган хар бир иши, умрининг хар бир дақиқаси Кришнага бағишланган. Шундай ишлар билан машғул бўлиб, соғ содик ҳамиша *самадҳи* ҳолатида юради.

*3-4. ие тв акшарам анирдешйам авйактам парйупасате  
сарватра-гам ачинтйам ча кута-стхам ачалам дхрувам  
саннийамендрийа-грамам сарватра сама-буддхайаҳ  
те праннуванти мам эва сарва-бхута-хите ратаҳ*

**Ҳамиша ҳамманинг баҳт-саодатини ўйлаб юрадиган ва хиссиятини жиловлаб олган, барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўладиган, ҳаётини Мутлақ Ҳақиқатнинг намоён бўлмаган, номаълум, хиссиятлар билан сезиб бўлмайдиган, хар ерда мавжуд, англаб бўлмайдиган, ўзгармас ва қўзгалмас шахсиятсиз қиёфасига сигинишга бағишилаган одамлар ҳам охир-оқибатда Менга эришадилар.**

Изоҳ: Бевосита Худои Таолонинг Ўзига, Кришнага сигинмасдан бу мақсадда бошқа йўл билан эришмоқчи бўлганлар ҳам охир-оқибатда, барибир, Худои Таолога, Кришнага эришадилар. “Кўп умрлар давомида илм ўрганиб, Мендан паноҳ топган ҳақиқий донишманд охир-оқибатда Васудева ҳамма нарсанинг, бутун борлиқнинг асоси эканини англаб етади”.(БГ-7.19). Жуда кўп умрлар давомида илм ўрганиб, ҳақиқатан ҳам мукаммал илмга эга бўлганда, одам Худои Таолога, Кришнага ўз ихтиёрини бутунлай топширади. Худога мана шу йўл билан боришига аҳд қилган киши хиссиятини жиловлаб олиши, хар бир тирик мавжудотга хизмат қилиши, ҳамманинг баҳт-саодати ҳақида ўйлаши лозим. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, агар одам ўз ихтиёрини Кришнага топширмаган бўлса, унинг илми ҳали мукаммал эмас. Одатда, Худои Таолога бутунлай ўз ихтиёрини топшириш дара-

жасига етиши учун инсон жуда кўп синов ва қийинчиликлар орқали ўтиши керак бўлади.

Қалбидаги Олий Руҳнинг мавжудлигини хис қилиш учун инсон моддий сезги аъзоларининг фаолиятини тўхтатиши, кўриш, эшитиш, сезиш, таъм билиш ва хоказоларни тарк этиши лозим. Фақат шундаги-на одам Олий Руҳ ҳамма ерда мавжуд эканини хис қилиши мумкин. Шуни англаб олгандан кейин, у бирор нарсадан нафратланишини тарк этади: у ҳамма тирик мавжудотларга - хоҳ у инсон ёки ҳайвон бўлсин, - бир хил муносабатда бўла бошлайди, чунки энди у ташки танани эмас, факат рухни кўра бошлайди. Лекин оддий одамлар учун Мутлақ Ҳақиқатнинг бу аспектини англаш усули жуда қийин.

*5. кешио “ධикатарас тешам авйактасакта-четасам  
авйакта хи гатир духхам дехавадбхир авапайате*

**Ақли Худои Таолонинг намоён бўлмаган, шахсиятсиз қўринишида мужассам бўлган одамнинг руҳий юксалиш йўлидан бориши жуда мушкул. Танада мужассам бўлган тирик мавжудот бу йўлда жуда кўп қийинчиликларга дуч келади.**

Изоҳ: Худои Таолонинг намоён бўлмаган, англаб бўлмас, Шахссиз аспектини англашга интиладиган илохиётчи одамларни гйана-йоглар деб айтадилар, ҳамиша Кришна онгиди юрадиган ва Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул кишиларни эса бхакти-йоглар деб атайдилар. Мазкур шеърда улар орасидаги фарқ аниқ кўрсатилган. Гарчи гйана-йога йўли ҳам одамни охир-оқибатда, барибир, бхакти-йог эришадиган ягона мақсадга олиб келса ҳам, гйана-йога йўли жуда оғир ва машаққатларга тўла. Бхакти-йога, Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш йўли эса, танада мужассам бўлган руҳ учун анча осон ва табиийроқдир. Шартланган руҳ бу моддий оламда жуда қадим замонлардан бери яшайди, шунинг учун у ўзининг танасидан фарқ қилишни англаши, ҳатто назарий жиҳатдан ҳам жуда мушкул. Шу боис ҳам бхакти-йоглар Илоҳга, Кришнанинг қиёфасига сигинадилар, ва айни пайтда ўзларининг ақлида мустаҳкам ўрнашиб қолган хаёт ҳакидаги моддий тасаввурларини ҳам Худои Таолога хизмат қилишга ишлатадилар. Албатта, эҳромда ўрнатилган арча-виграха-га, Худои Таолонинг қиёфаларига сигинишнинг қандайdir бут, санамларга сигиниш билан ҳеч қандай алокаси йўқ. Ведаларда икки хил сигиниш усули кўрсатилган: *сагуна ва ниргуна*. Бу демак, Худои Таолога, Унинг сезиш мумкин бўлган сифатларга эга қиёфасида ёки шундай сифатларга эга бўлмаган қиёфасида сигиниш мумкин. Эҳромда илоҳларга сигиниш сагуна тоифасига киради, чунки, Худои Таолонинг эҳромдаги қиёфалари моддий унсурлардан ясалган. Лекин, Худои Таолонинг моддий сифатларга эга бўлган тошда, дараҳтда ёки бўёкларда намоён

бўлган киёфалари моддий эмас, руҳий табиатга эга. Худои Таолонинг Мутлақ табиати шундай.

Буни тушунтириш учун, анча қўпол бўлса ҳам бир мисол келтириш мумкин. Агар кўчада осилган почта қутиларидан истаган бирига хат ташласангиз, у керакли жойига бориб етади. Лекин, худди шунга ўхшаган бошқа, почта идораси кўймаган қутига солинган хат ҳеч қаерга етиб бормайди. Шунга ўхшаб, *арча-виграҳа*, эҳромда ўрнатилган Илоҳ, Худои Таолонинг бу дунёдаги вакили бўлган муқаддас қиёфаси хисобланади. Арча-виграҳа Худои Таолонинг илоҳий қиёфасидир. Парвардигор бизнинг хизматимизни қабул қилиш учун ана шундай қиёфада намоён бўлади. Парвардигор чексиз қудратли, ҳар нарсага қодир, шартланган руҳга сифиниш осон бўлиши учун арча-виграҳа қиёфасида намоён бўлиб, уларнинг хизматини қабул қиласди.

Шундай қилиб, Худонинг содик хизматкори учун бевосита Худои Таолога мурожаат қилишнинг ҳеч қандай қийинчилиги йўқ, аммо, шахсиятсиз Мутлақ Ҳақиқатни англашга интилаётганлар учун руҳий ўзликни англаш йўли жуда оғир. Худои Таолонинг намоён бўлмаган аспектини англаб етиш учун улар Упанишадалар сингари ведавий муқаддас китобларни ўрганишлари, бу битикларнинг тилини, энг но-зик туйғуларини таҳлил қилиши ва уларни мукаммал эгаллаб олиши лозим. Оддий одам учун бу жуда мушкул иш. Аммо, ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида, ҳар куни Илоҳларга сажда қилиб, Парвардигорнинг улуғворлиги ҳақидаги хикояларни тинглаб, Унга таклиф қилинган таомлардан татиб, Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши эса, ҳеч қийналмасдан қалбида Кришна онгини ривожлантиради ва Худонинг Олий Шахсини англаб етади. Имперсоналистлар ўzlари танлаган йўлдан бориб, шубҳасиз, жуда қўп қийинчиликларга дуч келадилар, айни пайтда Мутлақ Ҳақиқатни англаб етишлари ҳам ногумон. Лекин Мутлақ Ҳақиқатнинг шахс қиёфасига сифиниб юрганлар, ҳеч қандай қийинчиликларга учрамай, тўғри ва осон йўлдан бориб, Худои Таолога эришадилар. Бу "Шrimad Бхагаватам"да ҳам тасдиқланган. Унда айтилишича, инсон охирокибатда, барибир, Худонинг Олий Шахсига ўз ихтиёрини топшириши лозим(мана шу *бхакти* деб аталади). Лекин, агар у бунинг ўрнига қайси нарса Брахман, қайси Брахман эмаслигини таҳлил қилиб, англаб олишга уриниб юриб, бунга бутун умрини сарфласа, натижада фақат қийинчиликлардан бошқа ҳеч нарсага эришмайди. Шунинг учун ҳам бу шеърда Шри Кришна бундай қийин йўлни тавсия қилмайди, чунки ундан бораётган киши охирги натижага, олий мақсадга эришишга тўлиқ умид қдолмайди.

Тирик мавжудот ҳамиша алоҳида рух, шахс бўлиб қолаверади. Руҳий тўла бутун билан қўшилиб кетишга интилаётган одамлар, ўзининг азалий табиатининг мангалик ва илмга тўла сифатларини анг-

лаб етишлари мумкин, аммо улар шахсий рухнинг лаззатга тўла аспектини англай олмайдилар. Худонинг содик хизматкорининг марҳамати билан гйана-йогада камолотга эришган илоҳиёт одами ҳам, вақти келиб бҳакти-йога билан шуғуллана бошлиши мумкин. Аммо Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз кўринишини узок йиллар давомида излагани унга бу йўлда ҳам халақит беради, чунки унинг Худои Таоло ҳақидаги аввалги тасаввурларидан бирданига юз ўѓириши, имперсонализм гоясидан воз кечиши кийин бўлади. Шундай килиб, намоён бўлмаган Парвардигорни англаб етиш шартланган рух учун ҳамиша - изланиш жараёнида ҳам, амал килиш жараёнида ҳам, юксалиш жараёнида ҳам кийинчиликлар манбаи бўлиб қолаверади. Ҳар бир тирик мавжудот маълум даражада мустақилликка эга. Шунинг учун, лаззатга тўла руҳий заррacha бўлган тирик мавжудот учун намоён бўлмаган Зотни англаб етиш ғайритабиий, яъни унинг табиатига мос келмайдиган иш эканини англаб олишга ҳар бир одам ўзи ҳаракат килиши лозим. Фаросатли одам бу йўлни танламаслиги керак. Руҳий ўзликни англашнинг энг осон йўли - инсонни Худога садоқат билан хизмат қилишда бутунлай машғул бўлишга олиб келадиган Кришнани англаш усулидир. Аммо, Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлини инкор этадиганлар атеистлар каторига кўшилиб қолишлари мумкин. Шундай килиб, мазкур шеърдан маълум бўладики, одамлар ўз акл-идроқини Парвардигорнинг намоён бўлмаган, англаб бўлмайдиган ва сезгилар сеза олмайдиган кўринишини англашда мужассам қилиб, бекорга овора бўлишларининг ҳожати йўқ. Бу қонун хаётда ҳамиша амал килиб келган, айниқса, бизнинг ҳозирги даврда жуда ўринли. Парвардигор Кришнанинг йози ҳам бу йўлдан боришини тавсия қилмаяпти.

*6-7. ѹе ту сарвани кармани майи саннӣасия мат-параҳ  
ананіенайва йогена мам дхийайанта упасате  
тешам аҳам самуддҳартта мритӯй-самсара-сагарат  
бҳавами на чират партҳа майи авешита-четасам*

**Аммо, ўз ихтиёрини бутунлай Менга топшириб, ўзининг бутун фаолиятини Менга бағишлиб, Менга сажда қилиб юрган, Менга садоқат билан хизмат қилиб, ақлини Менда мужассам қилиб, ҳамиша Мени ўйлаб юрган одамларни Мен тугилиш ва ўлишлар уммонидан тез қутқарип оламан.**

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки, Худонинг содик хизматкорлари жуда омадли инсонлардир, чунки Худои Таолонинг йози тезда уларни моддий ҳаёт исканжасидан халос этади. Худога садоқат билан хизмат қилиб юриш натижасида инсон Худои Таолонинг қанчалик улуғвор эканини, тирик мавжудот Унинг ҳукми остида эканини англаб етади. Тирик мавжудотнинг вазифаси, бурчи Худои Таология хизмат

қилишдан иборат, агар у бундан бош тортса, майяга, шайтонга яъни ўткинчи танасига хизмат қилишга мажбур бўлади.

Аввал айтганимиздай, факат Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнидагина Худои Таолони англаб етиш мумкин. Шунинг учун инсон ўз ихтиёрини бутунлай Худои Таолога топшириши керак. Худога эриши учун инсон ўз ақлни бутунлай Унда мужассам қилиши лозим. Қилаётган ҳар бир ишимизни Худои Таолога, Кришнага бағишлишимиз лозим. Нима иш қилаётганимиз унчалик аҳамиятга эга эмас, муҳими - ҳар бир ишни фақат Худои Таоло учун қилиш керак. Худонинг содик хизматкорининг ягона истаги - Худои Таолони рози қилиш, ўзининг хизмати билан Уни мамнун қилишдан иборат. Содикнинг ҳаётдаги олий, асосий мақсади Кришнани мамнун қилиш, бунинг учун, у Курукшетрадаги Аржун сингари, ҳаётда ҳамма нарсадан воз кечиши мумкин. Шундай йўлдан бориш жуда осон: бунинг учун ҳаётда ҳар бир килган ишимизни Кришнага бағишилаб, ҳамиша Ҳаре Кришна мантрасини зикр килиб юрсак бас: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Бу мантранинг илохий товушлари инсонни Худонинг Олий Шахсига боғлаб кўяди.

Мазкур шеърда Худои Таоло ўз ҳаётини Унга садоқат билан хизмат қилишга бутунлай бағишилаган одамни тезда моддий ҳаёт уммонидан куткариб олишга ваъда беради. Буюк сеҳргар йолгар ўз истаги билан йога усули ёрдамида руҳини истаган сайёрасига олиб бориши мумкин. Яна бирорвлар бунинг учун бошқа усуллардан фойдаланадилар. Лекин Худонинг Ўзи моддий тутқунликдан қуткариб олади. Худонинг содик хизматкори ўзини руҳий оламга олиб чиқишига кодир бўлган руҳий қувват тўплашга уриниб юришининг ҳожати йўқ.

"Вараха-пурана" да шундай шеър бор:

*найами парамам стханам арчир-ади-гатим вина*

*гаруда-скандхам ароптия йатхеччхам аниваитаҳ*

Бу шеърнинг мазмуни шундан иборатки, Худонинг содик хизматкори руҳий сайёralарга қўтарилиш учун аштанга-йога билан шуғулланишининг ҳожати йўқ. Худои Таолонинг Ўзи бунинг иложини қиласди. Бу ерда У аник-равшан айтяптики, содик хизматкорини Унинг Ўзи қуткариб олади. Фарзандининг ҳамма эҳтиёжларини ота-онаси ўз зиммасига олиб, унга ғамхўрлик қилиб юради, шунинг учун ёш бола ота-онасининг ғамхўрлиги остида ўзини мутлақо бехатар ҳис қиласди. Худди шунингдек, Худонинг содик хизматкори ҳам йога усуllibарни ёрдамида бошқа сайёralарга боришга уриниб, ташвишга тушиб юришининг мутлақо ҳожати йўқ. Худои Таолонинг Ўзи буюк марҳамат кўрсатиб, Гаруданинг елкасида содик хизматкорининг изидан келиб, уни моддий олам тутқунлигидан халос этиб, Ўзининг мангугарро даргоҳига олиб кетади. Океан ўртасида чўкиб бораётган одам бор кучи билан

хәёт учун курашиши мүкін, агар у мохир сузувчи бўлса ҳам, барибир, ўзи бу уммондан кутула олмайди. Лекин бошқа бирор келиб уни бу халокатдан кутқариб, сувдан чиқариб олса, у ҳеч қийналмасдан озодликка эришади. Худди шунингдек, Парвардигор ҳам содикни моддий олам уммонидан кутқариб олади. Бунинг учун биз қилишимиз лозим бўлган нарса - Кришнани англашнинг ҳеч қийин бўлмаган усулидан фойдаланиб, ҳәётимизни Худои Таолога садоқат билан хизмат килишга бағишилашдан иборат. Ҳар қандай фаросатли одам ҳам ўзликни англашнинг бошқа усулларидан Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш усулини афзал деб билади. "Нарайания"да бу куйидагича тасдиқланади:

*йа ван садхана-сампраттиҳ турушартха-чатушитайе  
тайа вина тад анатоти наро нарайанаширайаҳ*

Бу шеърнинг мазмуни шундан иборатки, кармали фаолият билан ёки ҳакиқатни фалсафий фикрлаш ёрдамида излашнинг ҳеч қандай фойдаси йўқ, чунки ўз ихтиёрини Худонинг Олий Шахсига топширган киши йоганинг бошқа турлари(руҳнинг табиати ҳакида фикр юритиш, ведавий урф-одатларга амал қилиш, курбонлик маросимлари ўтказиш, хайр эҳсон қилиш ва ҳоқ.) билан шуғулланиш орқали эришиладиган барча натижаларга ўз-ўзидан эришади. Худога садоқат билан хизмат килишнинг бошқа йогалардан афзаллиги ҳам шунда.

Кришнанинг муқаддас номларини - Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре мантрасини ҳамиша зикр қилиб юриш ёрдамида содик шод-хуррамлик билан инсон ҳәётининг энг олий мақсадига - Худонинг даргоҳига осонгина эришади. Бундай олий мақсад руҳий ўзликни англашнинг бошқа йўлларидан бораётгандар учун эришиб бўлмас орзу бўлиб қолаверади.

"Бҳагавад-гита"да айтилган гапларнинг барчасига якун ясад, ўн саккизинчи бобнинг охирида Парвардигор Кришна шундай дейди:

*сарва дхарман паритайаджса мам экам шаранам враджжа  
ахам твам сарва-папебхий мокшайишиами ма шучаяҳ*

Кришна ўзликни англашнинг бошқа барча йўлларини тарқ этиб, ўз ихтиёрини бутунлай Унга топшириб, Унга садоқат билан хизмат қилишга чақирияпти. Факат шундагина биз ҳәётда руҳий камолот чўққисига эришишимиз мумкин. Аввал қилган гуноҳларимиз оқибатидан кўркиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, чунки, содик хизматкорга ғамхўрлик қилишга Худои Таолонинг Ўзи ваъда беряпти. Шунинг учун ўзликни англашнинг у ёки бу усулидан фойдаланиб, моддий олам тутқунлигидан кутулишга уриниб, бекорга овора бўлишнинг ҳожати йўқ. Ҳар бир одам олий ва қудратли, ҳар нарсага қодир бўлган Худои Таолонинг, Кришнанинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топсин. Ана шу - камолотнинг энг буюк чўққиси ва ҳәётнинг энг олий мақсадидир.

*8. май эва мана адхатсва майи буддхим нивешайа  
нивасийаси майи эва ата урдхвам на самшайаҳ*

**Ҳамиша Мени, Худонинг Олий Шахсини ўйлаб юр, чукур муроҳаза юритиб, ақлу-идрокингни Менда мужассам қил. Шунда сен ҳамиша Менда яшайсан, бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас.**

Изоҳ: Парвардигор Кришнага садоқат билан хизмат қилиб юрган киши Худои Таоло билан ҳамиша бевосита боғланган, шунинг учун у аввал бошиданоқ илоҳий, руҳий ҳолатга эришган бўлади. Худонинг содик хизматкори аслида бу дунёда яшаётгани йўқ, у Кришнада, руҳий оламда яшайди. Парвардигор ва Унинг муқаддас номи бир-биридан фарқ қилмайди, шунинг учун содик Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилганида Кришна ва Унинг ички қуввати унинг тилида ракс тушаётган бўлади. Содик Кришнага овқат таклиф қилганида Худои Таолонинг Ўзи унинг эҳсонини қабул қиласи, кейин шу таом қолдиқларидан татиб, содикнинг бутун вужуди аста-секин Кришна билан тўлиша боради. Гарчи буларнинг ҳаммасини "Бҳагавад-гита" ва бошқа муқаддас китоблардан ўқиб олиш мумкин бўлса-да, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрмаган киши учун бу ишларнинг қандай содир бўлиши мумкинлигини тушуниш жуда қийин.

*9. атҳа читтам самадхатум на шакноши майи стхира  
абхайаса-йогена тато мам ичхатум дхананджайа*

**О Аржун, эй бойлик эгалловчи, агар сен ақлингни ҳамиша Менда мужассам қилиб юролмасанг, бҳакти-йоганинг қоида ва кўрсатмаларига риоя қилиб яша. Шунда қалбингда Менга эришиш истаги ривожланади.**

Изоҳ: Бу ерда бҳакти-йоганинг икки тури ҳақида гап боради. Бҳакти-йоганинг биринчи тури билан Худонинг Олий Шахси, Кришнага мухабbat билан руҳий боғланган киши шуғулланади. Иккинчи тури эса, ҳали қалбida Худонинг Олий Шахси, Кришнага нисбатан мухабbat билан руҳий боғланиш ривожланмаган одамларга мўлжалланган. Иккинчи тоифадаги содиклар учун ҳар хил қонун ва қоидалар мавжуд, ўзининг қалбida Кришнага нисбатан боғланиш, мухабbat ривожлантириш учун одам ана шу қоидаларга риоя қилиб яшави лозим.

Бҳакти-йога - хиссиётларни поклаш йўлидир. Ҳозир биз моддий оламдамиз, шу боис моддий лаззатларга боғланган хиссиётимиз ҳамиша нопок, булғанганд. Бҳакти-йога усули ёрдамида ана шу нопок

хиссиётларни поклаш мумкин. Шунда улар бевосита Худои Таоло билан алоқа қила бошлайдилар. Моддий оламда мен қандайдир хўжайнинг хизмат қилишим мумкин, лекин унга муҳаббат юзасидан эмас, пул ишлаш учун хизмат қиласман. Хўжайнин ҳам мени севмайди, у менинг хизматимдан фойдаланади, бунинг учун менга пул тўлайди. Бундай муносабатлар ўзаро муҳаббатга асосланмаган. Лекин руҳий хаётда одамдан Худои Таолога нисбатан пок муҳаббат талаб қилинади. Бундай даражага эса, бизларнинг ҳали нопок бўлган хиссиётларимизни ҳам Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида эришиш мумкин.

Худои Таолога муҳаббат туйғуси ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мудраб ётибди. Аммо моддий оламда у ҳамиша моддий табиат таъсиридан нопок, булғанган кўринишда мавжуд, бу муҳаббат ҳар хил кўринишларда намоён бўлади. Шунинг учун, инсон ўз қалбини моддий иллатлардан поклаши, ундаги Кришнага нисбатан мудраб ётган соғ муҳаббатни уйғотиши керак. Бхакти-йоганинг мазмуни ва мақсади ана шундан иборат.

Барча қонун-қоидаларига амал қилиб, бхакти-йога билан шуғулланиш учун тажрибали руҳий устоз қабул қилиб, унинг раҳбарлиги остида маълум қоидаларга риоя қилиш лозим: эрта туриш, ювиниб покланиш, эҳромга келиш, Худога илтижо қилиш, Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиш, илоҳларга гул тақдим этиш, Уларга ширин таомлар таёrlаш, кришна-прасадамдан тотиши ва ҳоказо. Содик амал қилиши лозим бўлган жуда кўп қоидалар бор. У ҳамиша Худонинг содик хизматкори оғзидан "Бҳагавад-гита" ва "Шримад Бҳагаватам" асарларини тинглаши лозим. Ана шундай ишларни мунтазам бажариш қалбимизда Кришнага, Худои Таолога нисбатан муҳаббат туйғусини ривожлантиради. Шунда бизнинг олдимизда Худонинг даргоҳига олиб борувчи равон йўлнинг эшиклари кенг очилади. Руҳий устоз раҳбарлиги остида бхакти-йога қонун-қоидаларига амал қилиб юрган кишининг қалбида, албатта, Худои Таолога, Кришнага нисбатан илоҳий муҳаббат уйғонади.

#### *10. абҳайсе “ни асамартҳо “си мат-карма-парамо бхава мад-артҳам апи кармани қурван сиддхим авапсайаси*

**Агар сен бхакти-йоганинг қоида ва қўрсатмаларига риоя қила олмасанг, Мен учун меҳнат қил, чунки Мен учун холис меҳнат қилиш шарофати билан ҳам камолотга эришасан.**

Изоҳ: Руҳий устоз раҳбарлиги остида бхакти-йога қонун қоидаларига риоя қилиш кўлидан келмайдиган кишилар ҳам, агар Худои Таоло учун меҳнат қилиб юрсалар, руҳий камолотга эришиши мумкин. Худо учун меҳнат қилиш қандай бўлиши ўн биринчи бобнинг охирида тушунтирилган эди. Инсон кўлидан келганича Кришнани,

Худони англаш йўлини, Худога хизмат қилиш илмини кенгрок тарқатиш ишларига ёрдам бериши керак. Жуда кўп содиклар Кришна ни англаш илмини тарғибот қилиш билан шуғулланадилар ва улар бу йўлда ҳамиша ёрдамга муҳтож. Шунинг учун бхакти-йога қоидаларига риоя қилиб яшай олмайдиган одамлар ана шундай содикларнинг ишига ёрдамлашишлари лозим. Ҳар қандай иш билан жиддий шуғулланиш учун, албатта, бошланғич маблағ, ер, ишчи кучи ва ишни ташкил қилиш зарур бўлади. Худди ишбилармон учун иш хонаси, пул, ишчи кучи ва фаолиятини кенгайтиришда ёрдам берадиган бирор ташкилот зарур бўлгани сингари, Кришнага хизмат қилиш учун ҳам худди шундай нарсалар керак бўлади. Уларнинг бир биридан фарқи шундан иборатки, дунёвий одам бу нарсаларнинг ҳаммасини факат ўзи лаззатлаши учун, ўзининг фойдасига ишлатади. Агар худди шундай ишларнинг барчаси Худои Таолони, Кришнани мамнун қилиш учун ишлатилса, у бутунлай руҳий фаолиятга айланади. Етарлича пули, бойлиги бўлган одам бошқаларга Кришна, Худо ҳақидаги илмни ўргатишда фойдаланиш учун эҳром ёки бирор иш жойи куришда ёрдам бериши ёки китобларни нашр қилишда кўмаклашиши мумкин. Худога хизмат қилишнинг имкониятлари жуда кенг ва ҳар бир одам унда кўлидан келганча иштирок этишга ҳаракат қилиши лозим. Агар одам ўз меҳнатининг ҳамма натижаларини Худо йўлига сарфлай олмаса, ўзининг бироз вақтини бошқаларга Кришна ҳақида гапиришга сарфлаши мумкин. Худони, Кришнани англаш илмини бошқаларга ўргатишда ўз ҳоҳиши билан қилинадиган ҳаракатлар кишининг қалбида бора-бора Худога нисбатан муҳаббат уйғонишига олиб келади. Шу тарзда у аста-секин руҳий барқамоллик даражасига кўтарилиб, инсон ҳаётининг энг олий мақсадига эришади.

*11. атҳаитад апй ашакто “ши картум мад-йогам аириитаҳ  
сарва-карма-пхала-тиагам татаҳ куру йататмаван*

**Агар Мен учун меҳнат қилиш ҳам қўлингдан келмаса, қилаётган ишларинг натижасига боғланмасдан, улардан воз кечиб, қалбингда қаноат ҳосил қилишга ҳаракат кил.**

Изоҳ: Баъзан шундай ҳоллар бўлиб турадики, қандайдир ижтимоий, оиласиий, диний ва бошқа сабаблар билан одамлар хатто Кришна онгидаги фаолиятни қўллаб-қувватлаш ниятини ҳам амалга ошириш имкониятига эга бўлмайдилар. Ҳаётини Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлишшга бағиашлашга ҳаракат қилаётган киши оила аъзоларининг, теварак атрофдагиларнинг қаршилигига ва бошқа қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Шундай одамларга Кришна, ишлаб топган пулларини қандайдир бир эзгу ишларга сарф қилишни тавсия қиласи. Ана шундай хайрли ишларни қилиш қоидалари ведавий

мукаддас китобларнинг курбонлик маросимлари ўтказиши, хайрли ишлар қилиш қоидалари ҳамда қайси ишларга бойлик сарфлаш мумкинлиги ҳақида маълумотлар берилган бўлимида кўрсатилган. Кришна онгидаги фаолият билан қизикмайдиган одам оғир меҳнат билан ишлаб топган мол-дунёсини шифохоналарга ёки бошқа кандалайдир хайрсаҳоват кўрсатадиган ташкилотларга берганида у ўз меҳнатининг натижаларидан воз кечган бўлади. Бу ерда Кришна айнан шуни тавсия киляпти, чунки инсон ўз меҳнатининг натижаларига боғланмай, астасекин ақлини поклайди ва шунда у покланган ақли ёрдамида, қачон бўлса ҳам Кришнани, Худони англашга қодир бўлади. Албатта, Кришнани англаш жараёни руҳий фаолиятнинг бошқа турларига мутлақо боғлиқ эмас. Кришна онгидаги фаолиятнинг ўзи инсон ақлини поклаш учун етарлича кудратли кучга эга. Лекин одам Кришнани англаш доирасидаги ишлар билан шуғулланишига қодир бўлмаса, озгина бўлса-да у ўз меҳнатининг натижаларидан воз кечиши керак. Бунинг учун у эзгу ишлар билан шуғулланиши - яқинларига ёрдам бериши, давлатнинг, жамиятнинг, халқининг равнафи йўлида беминнат, холис хизмат килиши лозим. Буларнинг ҳаммаси унга келажакда Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтарилишда ёрдам беради. "Бҳагавад-гита"да (18.46) шундай дейилган: *йатаҳ правриттир бхутанам*. Агар инсон олий мақсад, Худо йўлида, ҳатто бу мақсад - Кришна эканини билмасдан бирор нарсасини қурбон қилса, ўзининг ана шу саҳоватининг шарофати билан қачон бўлса ҳам, охир-оқибатда, инсоннинг ҳаётда излаб, орзу қилиб юрган барча интилишларининг мақсади - Кришна эканини англаб етади.

## *12. шреёю хи джсанам абхйасадж джсанад дхйанам вишишшате дхйанат карма-пхала-тыйагас тыйагач ҷхантири анантарам*

Агар бу иш ҳам қўлингдан келмаса, унда илм ўрганишга ҳаракат қили. Лекин муроқаба қилиш илм ўрганишдан афзалроқ, ўз меҳнатининг натижаларига боғланмаслик эса, муроқаба қилишдан ҳам яхши, чунки ўз меҳнатининг натижасига боғланмаган кишининг қалби ҳамиша хотиржам, осоиишта бўлади.

Изоҳ: Аввалги шеърларда айтиб ўтилганидай, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг икки тури бор: қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда қилинадиган садоқатли хизмат ва Худонинг Олий Шахси, Кришнага бўлган табиий, самимий муҳаббатга асосланган садоқатли хизмат. Кришнани англаш усули хисобланган бхакти-йоганинг қонун-қоидаларига риоя қилишга қодир бўлмаган киши руҳий илм эгаллашга интилиши лозим, чунки бундай илм унга ўзининг ҳақиқий табиати "руҳ" эканини англаб етишида ёрдам беради. Руҳий илм асосида у ас-

та-секин рухий жиҳатдан юксалиб, муроқаба қилиш даражасига эришади, муроқаба билан шуғулланиб, вакт ўтиши билан у Худонинг Олий Шахсини англаб етишга эришади. Рухий ўзликни англаш усулларининг баъзи бирлари инсонни - "Менинг ўзим Худо"- деган нотўғри хulosага олиб келиши мумкин. Худои Таолога садоқат билан хизмат қила олмайдиган кишилар рухий ўзликни англашнинг ана шундай усуллари билан машғул бўлишни афзал биладилар. Ҳатто ана шундай муроқаба усули билан ҳам шуғуллана олмайдиган одамлар учун Ведалар, варнашрама асосида тузилган жамиятда ўз бурчини холис бажариш билан шуғулланишни тавсия этади: бу вазифалар браҳманларнинг, кшатрийларнинг, вайшияларнинг ёки шудраларнинг вазифаси бўлиши мумкин. Улар "Бҳагавад-гита"нинг охирги бобида келтирилган. Лекин одамнинг жамиятдаги бурчи қандай бўлишидан қатъий назар, у ўз меҳнатининг натижаларидан воз кечиши керак, яъни ўзининг кармали фаолиятининг натижаларини фақат эзгу, ҳайрли ишларга сарфлаши лозим. Шундай қилиб, олий максадга - Худонинг Олий Шахсига - олиб борадиган икки йўл бор: 1)Худони англашда аста-секин юксалиб борадиган йўл; 2)тўғридан-тўғри Худонинг даргоҳига олиб борадиган, энг яқин йўл. Кришна онгида садоқат билан Худога хизмат қилиш йўли - энг яқин йўлдир, Худога эришишнинг бошқа усуллари инсонни ўз меҳнатининг натижаларига боғланмасликка, таркидунёликка ўргатади. Таркидунёлик унга илм эгаллаш имконини беради, эгаллаган рухий илми унга муроқаба билан шуғулланиш, кейин қалбидаги Олий Рухни англаш ва аста-секин Худонинг Олий Шахсини англаб етиш имконини беради. Инсон ўз хоҳиши билан ана шу босқичлар орқали эришиладиган узун йўлни ёки Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида бевосита Худои Таолога боғлайдиган Кришнани англаш йўлини танлаши мумкин. Ҳамма ҳам бирданига Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кира олмагани сабабли, Худои Талони англашнинг иккинчи йўли ҳам мавжуд. Лекин, шунга эътибор бериш керакки, Парвардигор Аржунга мана шу узоқ йўлни танлашни маслаҳат бермаяпти, чунки Аржун Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиб юрибди. Худои Таолога аста-секин, погонама-погона эришиш имконини берадиган йўл ҳали Худога садоқат билан хизмат қилиш даражасига эришмаган одамлар учун мўлжалланган. Ундай одамлар аввал таркидунёликка ўрганиши, кейин илмга эга бўлиши, муроқаба билан шуғулланиб Олий Рух ва шахсиятсиз Браҳманни англаши лозим. Лекин "Бҳагавад-гита"да асосий эътиборни рухий ўзликни англашнинг тўғридан-тўғри йўлига, яъни садоқат билан Худои Таолога бевосита хизмат қилиш йўлига қаратган. У хар бир инсонни мана шу йўлга киришга ва ўз ихтиёрини Худонинг Олий Шахсига, Кришнага топширишга чакиради.

*нирмамо нираханкарах сама-духкха-сухкхах киами  
сантуштаҳ сататам йоги йататма дридха-нииҷайаҳ  
майй-арпита-мано-буддхир йо мад-бҳактаҳ са ме приидаҳ*

Ҳеч кимга ҳасад қилмайдиган ва барча тирик мавжудотларга дўстона муносабатда бўладиган, бирор нарсага эгалик қилиш туйгусидан ва сохта ўзлик таъсиридан ҳалос бўлган, шодлик ва мусибатларда баробар хотиржам қоладиган, сабр-тоқатли, ҳамиша ҳаётидан мамнун киши, хиссиётини жиловлаб, ақлу-идроқини Менда мужассам қилиб, қатъий қарор билан бутун ҳаётини Менга садоқат билан хизмат қилишга бағишиласа - ундаи одам Мен учун жуда азиз.

Изоҳ: Соф садоқат билан хизмат қилишнинг сифатларини таърифлашга қайтиб, Парвардигор бу икки шеърда соф содик хизматкорнинг илохий сифатларини санаб ўтади. Шундай содик ҳар қандай вазиятда, ҳар қандай шароитда ҳам хотиржам ва осойишта қолаверади. У ҳеч кимга ҳасад ёки душманлик қилмайди. Бировларнинг ёмонлигига ёмонлик билан жавоб бериш ўрнига Худонинг содик хизматкори ўзини айборд деб билади: "Бу одам аввалги ҳаётиmdа қилган гуноҳларим сабабли, ҳозир менга ёмонлик қиляпти. Шунинг учун унинг берәётган азобларига сабр қилишим керак". "Шримад Бҳагаватам"да айтилганки, (10.14.8) *тат те "нукампам сусамишамано бхунджсана эватма-критам випакам*. Ҳаётда қандайдир мусибатга ёки бирор қийинчиликка дуч келганда, содик уларни "Худонинг марҳамати" деб қабул қиласди. "Аввалги ҳаётиmdа қилган гуноҳларим эвазига мен аслида бундан ҳам бадтарроқ мусибатга дучор бўлишим керак эди. Факат Худои Таолонинг чексиз раҳмдиллиги билан менга шугина жазо бериляпти. Бунинг учун Худодан чексиз даражада миннатдор бўлишим керак". Шунинг учун содик ҳамиша хотиржам ва осойишта бўлиб, мамнунлик билан ҳар қандай мусибатларга сабр қиласди. Худонинг содик хизматкори барча тирик мавжудотларга, ҳатто ўзининг душманларига ҳам, бир хилда меҳрибон, раҳмдил. *Нирмама*: у танасининг азоб-уқубатларига жиддий эътибор бермайди, чунки ўзи аслида тана эмаслигини яхши билади. Худонинг содик хизматкори моддий танасини ўзи деб хисобламагани учун, сохта ўзлик таъсирига берилмайди, баҳтга ҳам, мусибатга ҳам бир хил муносабатда бўлади. У сабр-чидамли, Худонинг марҳамати билан тақдирига келган нарсаларга шукроналик билан қаноат қиласди. Ҳаётда эришиши қийин бўлган мақсадларни орзу қилмасдан, ҳамиша ўз ҳаётидан, ҳозирги ҳолатидан мамнун бўлиб юради. Руҳий устозининг кўрсатмаларига қатъий риоя қилиб, содик "комил йог" бўлиб етишади, ўз ҳиссиётини жиловлаб олгани учун, у катъий қарор қабул қилишга қодир. Ҳаётдаги сохта, ўткинчи нарсалар уни ҳеч қачон олий мақсадга

интилиш йўлидан чалғита олмайди, чунки унинг Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш қарорини ҳеч ким ўзгартира олмайди. Кришна - Худонинг Олий Шахси, мангур, ягона Парвардигор эканига у аниқ ишонади, у мана шу Ҳақиқатни тўла англаб олган, шунинг учун бу йўлдан уни ҳеч ким қайтара олмайди. Ана шу сифатларнинг барчаси унга ўзининг бутун акл-идроқини Худои Таолода мужассам қилишга ёрдам беради. Албатта, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бундай юкори даражасига кўтарилиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди, лекин Худога садоқат билан хизмат қилиш қонун-коидаларига амал қилиб юрса, ҳар бир одам ҳам ана шундай юксак илоҳий даражага кўтарилиши мумкин. Бунинг устига "шундай содик Менга жуда азиз", дейди Парвардигор. Шундай содикнинг Кришна онгида қилаётган ҳар бир ишидан Худои Таоло ҳамиша мамнун бўлиб юради. Бу эса энг буюк баҳтдир.

*15. йасман нодвиджате локо локан нодвиджате ча йаҳ  
харшамарша-бхайодвегаир мукто йаҳ са ча ме прийаҳ*

**Бошқаларга ташвиш келтирмайдиган, ўзи ҳам ҳамиша хотиржам қоладиган, қувончли дамларда ҳам, бошига мусибат тушганда ҳам бозовта бўлмай, ўзгармай қоладиган, ҳаётда қўрқинч ва ташвишлардан озод бўлган киши - Мен учун жуда азиз.**

Изоҳ: Бу ерда содикларнинг яна бир неча фазилатлари санаб ўтилган. Худонинг содик хизматкори ҳеч қачон бошқа бирорни қийин ахволга солиб қўймайди, ҳеч қачон бошқаларнинг ташвишланишига, қўрқувига ёки норозиликларига сабаб бўладиган иш қилмайди. Ҳар бир тирик мавжудотга факат яхшилик истаган ҳолда, содик ҳеч қачон бошқаларга озор бермайди, ташвиш келтирмайди. Айни пайтда, бошқалар унга озор бермоқчи ёки ташвишлантирмоқчи бўлса ҳам, у сабр қилиб, хотиржам ҳолатида қолаверади. Ҳар қандай ҳолатда, ҳатто энг оғир вазиятларда ҳам хотиржам қолишга у Худои Таолонинг марҳамати билан ўрганган. Содик ҳамиша Кришна онигига ғарқ бўлиб юргани, Худога садоқат билан хизмат қилишда мунтазам банд бўлгани сабабли, ташки моддий оламнинг ҳар хил ташвишлари, таъсирлари унинг осойишталигини бузолмайди. Моддий оламда аксарият одамлар ҳиссиятига лаззат бағишилайдиган бирор нарсага эришсалар қаттиқ қувонадилар, лекин, ўзи эришолмаган нарсалар билан бошқалар лаззатланаётганини кўрса, ҳасад ўтида қийналадилар. Душманининг ўч олишидан қўрқиб дунёвий одамлар ҳамиша қўрқув остида, хавотирда яшайдилар, ҳаётда учрайдиган омадсизликлардан нолиб қийналадилар, тушкунликка тушадилар. Ана шундай дунёвий ташвишлардан халос бўлган содик хизматкор Кришна учун жуда азиз.

*16. анапекишаҳ шучир дакиша удасино гата-вийатхаҳ  
сарварамбха-паритайаги йо мад-бхактаҳ са ме прийаҳ*

**Ташки мухитга боғланиб қолмаган, пок, эпчил, хотиржам, беташвиш, ўз меҳнатининг натижасига боғланиб қолмаган содик хизматкор Мен учун жуда азиз.**

Изоҳ: Худонинг содик хизматкори Худо йўлида ишлатиш учун бошқалардан пул олиши мумкин, лекин пул олишга қаттиқ харакат килмаслиги керак. Агар Худонинг марҳамати билан унга ўз ўзидан пул келса ҳам, у хотиржам бўлиб қолаверади. Содик ҳар куни камида икки марта ювиниб покланади, Худога хизмат қилиш учун эрта туради. Шу боис у танасини ҳам, руҳини ҳам ҳамиша пок тутади. Ҳар қандай фаолиятнинг маъносини, моҳиятини аниқ кўра олгани сабабли, у ҳаётдаги ҳамма нарсани тўғри тушунади, у муқаддас китобларга тўла ишонади. Худонинг содик хизматкори ҳеч қачон бироннинг тарафини олмайди, шунинг учун ҳаётда ҳамиша хотиржам, осойишта ҳолатда қолади. У ҳеч қачон азоб-уқубатлардан кийналмайди, чунки моддий танасини “ўзим” деб билмайди. У биладики, танаси - шунчаки сиртқи либос, шунинг учун танаси бирор оғриқ сезганида қаттиқ кийналмайди. Соф содик ҳеч қачон Худога садоқат билан хизмат килиш қонун-қоидаларига зид бўлган ишларни қилишга интилмайди. Масалан, катта иморат қуриш кишидан катта маблағ ва вакт сарфлашни талаб қиласди. Агар Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишга ёрдам бермайдиган бўлса, содик ҳеч қачон бундай ишга кўл урмайди. У Худои Таоло учун катта эҳром қуришга кўл уриши, бундага барча кийинчилакларни қувонч билан қабул қилиши мумкин, аммо, ҳеч қачон ўзи ва кариндошлари учун катта иморат қуришга интилмайди.

*17. йо на хришиятни на двешти на шочатни на канкшатни  
шубҳашубҳа-паритайаги бхактиман йаҳ са ме прийаҳ*

**Ҳеч қачон қувончдан яйраб кетмайдиган, мусибатга учраганда чуқур ғамга ботмайдиган, ҳеч нарсага ачинмайдиган, ҳеч қандай дунёвий истаги қолмаган, ҳеч нарсани яхши ёки ёмон деб хисобламайдиган содик хизматкор Мен учун жуда азиз.**

Изоҳ: Худонинг соф содик хизматкори ҳеч қачон моддий нарсаларга эришишдан қувониб кетмайди ёки бирор нарсадан маҳрум бўлганда қаттиқ кийналмайди. Фарзанди туғилганда ёки янги шогирдларга эга бўлганда қаттиқ қувониб кетмайди, ёки улардан айрилганида қаттиқ мусибатга тушмайди. Ўзи учун ҳаётда жуда азиз бўлган нарсадан ёки яқин одамидан айрилганида ҳам қаттиқ кийналмайди, истаган, интилаётган орзусига эришолмай колганида тушкунликка тушмайди.

У ҳаётда қандай ахволга тушиб қолса ҳам - яхшими ёки ёмонми, савоб ёки гуноҳ ишларга дуч келмасин, ҳамиша ўзининг трансцендент, руҳий ҳолатини сақлаб қолаверади. Худои Таолони ўзининг садоқатли хизмати билан мамнун қилиш учун у ҳаётда ҳар қандай жудоликка тайёр бўлиб туради. Ҳаётда ҳеч нарса унинг Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишига халақит беролмайди. Ана шундай содиқ Худои Таолога, Кришнага жуда азиз.

*18-19. самаҳ шатрау ча митре ча татха манапаманайоҳ  
шитошна-сухкха-духкхешу самах санга-виварджисатҳ  
тулия-нинда-стутир мауни сантишто ена кеначит  
аникетаҳ стхира-матир бхактиман ме прийо нараҳ*

**Дўсти ва душманига бир хил муносабатда бўладиган, шон-шуҳрат ва шармандаликни, иссиқ ва совукни, баҳт ва мусибатни, обрў ва беобрўликни бир хилда қабул қиласидиган, ҳамиша сукут сақлайдиган, ҳаётидан мамнун, бошпана ташвишини қиласидиган, мукаммал илмга эга бўлиб, ҳамиша Менга садоқат билан хизмат қиласидиган содиқ Мен учун жуда азиз.**

Изоҳ: Содиқ ҳаётда бемаъни, бемақсад яшаб юрган одамлар даврасидан ҳамиша узоқ юради. Кундалик ҳаётда бизни гоҳида мақтайдилар, гоҳида танқид қиласидилар; одамнинг бу дунёдаги ҳаёти шундай кечади. Лекин Худонинг содиқ хизматкори ўткинчи дунёнинг бундай алдамчи баҳт ва мусибатларига, шон-шуҳрат ва шармандаликларига эътибор бермай хотиржам қолаверади. У ҳеч қачон Кришна билан боғлиқ бўлмаган нарсаларни гапириб, бекорга вақтини кетказиб юрмайди, шунинг учун уни "ҳамиша сукут сақлайди" деб айтадилар. Сукут сақлаш деганда "одам умуман гапирмай кўйиши лозим" деб тушунмаслик керак, одам шунчаки бемаъни, бемақсад, фисқу-фасод гапларни, ҳар қандай сафсатани тарқ этиши керак. Нутқ, гапириш қобилияти бизга ҳаётнинг энг муҳим мавзулари ҳақида гапириш учун берилган. Содиқ хизматкор учун ҳаётда энг муҳим мавзу - Худои Таоло, Шри Кришна. Худонинг содиқ хизматкори ҳар қандай ҳолатда ҳам баҳтиёр бўлиб қолаверади; баъзан уни ширин таомлар билан меҳмон қилишади, баъзида оч қолиши мумкин, лекин у ҳамиша ҳаётидан мамнун бўлиб юраверади. У ҳатто бошпана ҳақида ҳам қайғурмайди. Унинг бошпанаси баъзан бирор дараҳтнинг сояси, баъзида эса шоҳона сарой бўлиши мумкин - содиқ ҳар иккаласига ҳам баробар боғланмай қолаверади. Худонинг содиқ хизматкорини ўзининг қарорида, олган илмида қатъий, мустахкам деб айтадилар, содиқнинг сифатларини таърифлашда баъзан такрор келайдиган сифатларни учратиш мумкин. Бундан мақсад - шу сифатларнинг муҳимлигини ва содиқ ана шундай сифатларни ўзида ривожлантириши зарурлигини таъкидлашдан ибо-

рат. Шундай сифатларга эга бўлмай туриб, инсон Худога соф садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтарила олмайди. *Хараф абҳактасай куто маҳад-гунаҳ*: Худонинг содик хизматкори бўлмаган киши эзгу фазилатларга, яхши сифатларга эга бўлмайди. Худонинг содик хизматкори бўлишга даъво қилаётган киши ўзида ана шундай сифатларни ривожлантириши лозим. Албатта, у айнан шу сифатларга эришиш учун алоҳида ҳаракат қилмайди. Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилиб юришнинг ўзи унда ана шундай фазилатларнинг ўзидан ўзи пайдо бўлишига олиб келади. Шундай эзгу фазилатларга эга бўлган содик Худои Таолога, Кришнага жуда азиз бўлади.

*20. йе ту дхармамритам идам йатхоктам париупасате  
ираддадхана мат-парама бхактас те “тива ме прийаҳ*

**Мени хаётининг олий максади қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг мангук ўйлидан комил ишонч ва иймон билан бораётган содиклар Мен учун жуда, жуда азиз.**

Изоҳ: Бу бобда иккинчи шеърдан бошлаб, (*майи авешайа мано йе мам, яъни "аклингни Менда жамлаб"*) то охиригача(*ье ту дхармамритам идам, яъни "бу мангук хизмат қилиш дини"*), Парвардигор Кришна инсонга Худонинг даргоҳига эришиш имконини берадиган илоҳий хизмат қилиш турлари ҳақида гапириб берди. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг барча турлари Худои Таоло учун жуда азиз ва Парвардигор Унга хизмат қилишга интилаётган ҳар бир инсонни қабул қиласди. Аржуннинг ўзликни англашнинг икки йўли бўлган: шахсиятсиз Брахманни англаб олишга интилиш ҳамда Худо Шахсига бевосита хизмат қилишдан қайси бири афзал, деган саволига жавоб бера туриб, Парвардигор аниқ қилиб айтяптики, Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш - руҳий ўзликни англаш усуллари ичиди, шубҳасиз, энг яхшисиdir. Бошқача қилиб айтганда, бу бобда шундай хуносага келинган эди: Худонинг содик хизматкори билан бўлган мулокот шарофати билан одамнинг қалбида Худои Таолога соф садоқат билан хизмат қилишга қизиқиш пайдо бўлади, ана шу қизиқиш уни ҳақиқий руҳий устоз излаб, ундан руҳий илм ўрганишга мажбур қиласди. Гуру - ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида содик қатъий иймон-ишонч, иштиёқ ва садоқат билан бхакти-йога қонун-қоидаларига амал қилиб, Худонинг муқаддас номларини зикр қила бошлайди, шу тарзда Худои Таолога илоҳий хизмат қилиш йўлига киради. Мазкур бобда Парвардигор айнан мана шу йўлни тавсия киляпти. Шундай қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилиш - ҳар бир инсонга Худонинг Олий Шахсига эришиш имконини берадиган ягона, ҳаммабоп усулдир. Мутлақ Ҳақиқат ҳақида, Унинг шахсиятсиз Брахман кўринишидаги тасаввурлар инсонга руҳий юксалиш йўлида, токи у Худои Таолога ўз ихтиё-

рини топшириб, умрини рухий ўзлигини англашга бағишлагунча ёрдам беради. Бошқача қилиб айтганда, Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги тасаввурлар инсонга то у Худонинг содик хизматкори билан ҳамсуҳбат бўлиш имконига эга бўлгунча бироз ёрдам бериши мумкин.

Мутлақ Ҳақиқатни шахсиятсиз Брахман кўринишида англашга интилиб, инсон ўз меҳнатининг натижаларига боғланмасдан, муроқаба билан шуғулланади, рух ва модда орасидаги фарқни фалсафий фикрлаш ёрдамида тушуниб олишга ҳаракат қилади. Буларнинг ҳаммаси токи инсон Худонинг содик хизматкори билан ҳамсуҳбат бўла бошлاغунча зарур бўлган босқичлардир. Аммо, қалбida бирданига Кришна онгига эга бўлиш ва Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш истаги пайдо бўлган омадли киши учун рухий ўзликни англашнинг бу поғоналарини бирма-бир босиб ўтишнинг ҳожати йўқ. "Бҳагавадгита"нинг ўртасида келган олти бобда батафсил таърифланган Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш усули тирик мавжудотнинг азалий табиатига тўла мос келади. Худонинг содик хизматкори тирикчилик учун қаттиқ ташвишга тушмаслиги керак. Худонинг марҳамати билан унга ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарса ўз-ўзидан келади.

*"Худога садоқат билан хизмат қилиши" деб аталган "Бҳагавадгита"нинг ўн иккинчи бобига Бҳактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.*

## Ўн учинчи боб. Табиат, лаззатланувчи ва онг

1-2. арджуна увача

пракритим пурушам чаива кшетрам кшетра-джнам эва ча  
этад ведитум ичхами джнанам джнейам ча кешава

иши бхагаван увача

идам шарирам каунтейа кшетрам ити абхидхийате  
этад ѹо ветти там прахух кшетра-джнана ити тад-видах

**Аржун шундай деди:** О Кришна, мен пракрити(табиат), пуруша(лаззатланувчи), майдон ва майдонни билувчи ҳакида, илм ва ўрганиладиган нарсалар ҳакида билмоқчиман.

**Худои Таоло шундай деди:** Эй Кунтининг ўғли, бу тана "майдон" деб аталади, танани биладиган зот - "майдонни билувчи" деб аталади.

Изоҳ: Аржун Кришнадан пракрити, пуруша, Кшетра, ва кшетрага ҳакида, ҳамда илм ва ўрганиладиган нарса ҳакида гапириб беришини илтимос қилди. Унга жавобан Кришна айтяптики, моддий тана "майдон" деб аталади, шу майдонни биладиган зот эса, "майдонни билувчи" деб аталади. Шартланган рух учун моддий тана фаолият майдонни хисобланади. Моддий ҳаёт чангалида ўралашиб қолган шартланган рух моддий табиатни ўзига бўйсундиришга ҳаракат қиласи ва бунга қанчалик уринаётганига қараб, у ёки бу турдаги фаолият майдонига эга бўлади. Ана шу майдон моддий тана хисобланади. Моддий тана дегани нима ўзи? Тана сезги аъзоларидан иборат. Шартланган рух моддий лаззат истайди, ўзининг лаззатланиш қобилиятига қараб маълум қўринишдаги танага, яъни фаолият майдонига - кшетрага эга бўлади. Танадан умуман фарқ қиласидиган руҳнинг ўзини эса, кшетрага, яъни "майдонни билувчи" деб атайдилар. Майдон билан майдонни билувчи орасидаги фарқни тушуниб олиш қийин эмас. Ҳар бир одам ўзининг ҳаётидан яхши биладики, умри давомида танаси ёш бола қўринишидан то кекса чол қўринишигача жуда кўп ўзгаришларга учрайди, лекин шунга қарамай, унинг "ўзи" ўзгармай, бир хил шахс бўлиб қолаверади. Бошқача қилиб айтганда, "фаолият майдонини билувчи" "майдон"дан фарқ қиласи. Шу тарзда тирик мавжудот ўзининг

моддий танадан фарқ қилишини билиб олиши мумкин. "Бҳагавад-гита"нинг бошида айтилган эдики, тирик мавжудот тана ичига қамалган(дехино смин), тана ўзгариб аввал ёш бола кўринишига, кейин ўсмир, кейин йигит ва ниҳоят кекса чол кўринишига эга бўлади. Тананинг эгаси эса, танада бўлаётган ўзгаришларни билади. Демак, тананинг эгаси танадан фарқ қилади ва кшетра-гйа хисобланади. Баъзан биз: "Мен бахтлиман" ёки: "Мен - эркакман", "Мен - аёлман", "Мен - итман", "Мен - мушукман" деб ўйлаймиз. Шу тарзда, аслида танасидан умуман бошқа зот бўлса ҳам, танани билувчи зот ўзини танасига қиёслайди. Биз ҳаётда жуда кўп нарсалардан фойдаланамиз, масалан ҳар хил кийимлардан, лекин, ҳеч қачон ўзимизни уларга қиёсламаймиз-ку. Шунга ўхшаб, озгина фикр юритсан, ўзимиз, ҳақиқий ўзлигимиз ва моддий танамиз бир-биридан фарқ қилишини билиб олишимиз мумкин. Мен, сиз ва моддий танага эга бўлган бошқа ҳар бир тирик мавжудот фаолият майдонини билувчи - кшетра-гйа, тананинг ўзи эса, фаолият майдони - кшетра хисобланади.

"Бҳагавад-гита"нинг биринчи олти бобида танани билувчи, яъни тирик мавжудот ҳақида, қандай қилиб у Худонинг Олий Шахсини англаб олиши мумкинлиги ҳақида гапирилган эди. Кейинги олти бобда Худои Таоло ҳақида ва алоҳида рух билан Олий Рухнинг садоқат билан хизмат қилиш орқали боғланган ўзаро муносабатлари ҳақида гапирилди. Бу бобларда Худонинг Олий Шахсининг асосий, устивор ҳолатда экани, алоҳида рух эса, ҳамиша Унинг ҳукми остида бўлиб, Унинг мангу хизматкори экани аниқ-равshan тушунтирилган эди. Тирик мавжудотлар ҳамиша, ҳар қандай ҳолатда ҳам Худои Таолога бўйсунган, Унинг ҳукми остида бўладилар, лекин ўзининг ана шу ҳолатини эсидан чиқарганида моддий оламда кийналиб ҳар хил мусибатларга дучор бўладилар. Шундай тирик мавжудотлардан баъзилари, яъни етарли даражада тақвodor бўлганлари, ҳар хил ниятлар билан Худои Таолога мурожаат қиладилар: мусибатга тушганларида, муҳтожликда, қизиқаётган саволларига жавоб олиш ниятида ёки ҳақиқат илмини билмоқчи бўлганида. Бу ҳақда аввалги бобларда айтилган эди. Ўн учинчи бобдан бошлаб, кейинги боблардан биз тирик мавжудот қандай қилиб моддий табиат салтанатига тушиб қолиши ва Худои Таоло қандай қилиб унга кармали урф-одатлар, ҳақиқатни фалсафий излаш, Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида бу тутқунликдан озодликка чиқиш имконини яратиб бериши ҳақида билиб оламиз. Гарчи тирик мавжудот моддий танага нисбатан умуман бошқа табиатга эга бўлса ҳам, улар орасида маълум алоқа мавжуд, бу ҳақда ҳам кейинги бобларда гапирилади.

*З. кшетра-джнам чати мам видҳи сарва-кшетрешу бхарата  
кшетра-кшетраджнайор джнанам ўат тадж джнанам матам мама*

**Эй Бхарат авлоди, билсанг, ҳар бир тананинг ичида мавжуд бўлган ҳолда, Мен ҳам уларни биламан. Тананинг табиатини тушишини ва танани билувчини билишни “илм” деб атайдилар. Менинг фикрим шундай.**

Изоҳ: Танани ва танани билувчи(руҳ ва Олий Руҳ)ни ўрганишга киришар эканмиз, ҳаётда биз ўрганадиган уч нарса мавжудлигини кўрамиз: Худои Таоло, тирик мавжудот ва модда. Ҳар бир фаолият майдонида, яъни ҳар бир танада икки руҳ мавжуд: алоҳида руҳ ва Олий Руҳ. Олий Руҳ Кришнанинг, Худонинг Олий Шахсининг тўла намоён бўлган экспансияси бўлгани учун, Кришна шундай дейди: "Мен фақат бир танани эмас, балки барча таналарни биламан. Мен уларнинг ҳар бирида Олий Руҳ сифатида мавжудман".

Фаолият майдонининг табиатини чукур ўрганган киши ва майдонни "Бҳагавад-гита"да таърифлангандай ўрганган киши ҳақиқий илмга эга бўлади.

Парвардигор шундай дейди: "Ҳар бир алоҳида танадаги фаолият майдони Менга маълум". Тирик мавжудот ҳам ўзининг танасини билади, лекин у бошқа таналарни билмайди. Лекин, Олий Руҳ кўринишида барча танада мавжуд бўлган Худонинг Олий Шахси ҳар бир танани, яъни ҳамма таналарни билади. Ҳар хил шакл ва кўринишларига қарамай, Парвардигор ҳамма таналарни билади. Худди шундай, фуқаро фақат ўзининг томорқасини билиши мумкин, лекин шоҳ, фақат ўзининг саройида эмас, балки бутун салтанатда, ҳар бир фуқаронинг томорқасида бўлаётган ишларни билади. Шунга ўхшаб, тирик мавжудот фақат биргина тананинг эгаси, Худои Таоло эса, барча таналарнинг эгасидир. Шоҳ - давлатдаги барча ерларнинг асосий эгаси хисобланади, унинг фуқаролари эса, шунчаки ердан вақтинча фойдаланадиган ижарачилардир, холос. Худди шунингдек, Худои Таоло барча таналарнинг асосий, ҳақиқий эгаси хисобланади.

Моддий тана сезги аъзоларидан таркиб топган. Худои Таолони Хришикеша, яъни "хиссиётлар эгаси" деб атайдилар. Худди шоҳ - мамлакатдаги барча ерларнинг эгаси бўлгани сингари, Худои Таоло - бизнинг ҳиссиётимизнинг ҳақиқий эгасидир. Томорқага эгалик килаётган фуқароларнинг эгалиги иккинчи даражали эгалик хисобланади. "Мен ҳам майдонни биламан" - дейди Худои Таоло. Бу демак, Унга барча таналар маълум, тирик мавжудот эса, фақат ўзининг танасини билади. Ведаларда шундай дейилади:

*кишетрани хи шарирани биджам чапи шубхашибе  
тани ветти са йогатма татаҳ қишетра-джсна учйате*

Моддий танани қшетра деб атайдилар, тананинг ичида унинг эгаси ҳамда, танани ҳам, унинг эгасини ҳам билувчи Худои Таоло мавжуд. Шунинг учун Парвардигорни "ҳар бир фаолият майдонини билувчи Зот" деб атайдилар. Фаолият майдони ва шу майдонни билувчи, ҳамда

хар бир фаолият майдонини билувчи Зот орасидаги фарқ қуидагича. Тананинг, алоҳида рухнинг ва Олий Рухнинг табиатини мукаммал билиш Ведаларда *гӯана*, илм деб аталади. Кришнанинг фикри шундай. Олий Рух ва алоҳида рух бир хил табиатга эга эканини ва уларнинг орасидаги фаркни тушуниб етган киши ҳақиқий илмга эга бўлади. Агар инсон фаолият майдонининг табиатини, майдонни билувчининг ва Олий Ҳукмдорнинг табиатини тушунмаса, унинг илми мукаммал ҳисобланмайди. Энг аввало *пракрти* (табиат)нинг, *пуршиа*(лаззатланувчи)нинг ва *иивара* (майдонни билувчи ва табиатни ҳам, алоҳида рухни ҳам бошқариб турган Ҳукмдор)нинг ҳолатини тушуниб олиш керак. Биз уларни бир-бири билан адаштирмаслигимиз керак. Ҳудди биз рассомнинг, қаламнинг ва қофознинг алоҳида вазифаларини билганимиз сингари, уларнинг ҳар бирининг вазифасини билиб олишимиз керак. Фаолият майдони бўлган моддий олам - табиат; табиатдан лаззатланувчи - тирик мавжудот, уларнинг устида эса, Олий Ҳукмдор - Худои Таоло туради. Ведаларда шундай дейилган, ("Шветашватара-упанишад" 1.12.): *бхокта бхогйам преритарам ча матва/сарвам проктам три-видхам брахмам этат*. Брахманинг на-моён бўлган уч кўриниши мавжуд. *Пракрти* - фаолият майдони кўринишидаги Брахман; моддий табиатга ҳукмронлик қилишга уринаётган *жива*(алоҳида рух) ҳам Брахманинг бир кўриниши, уларга ҳукмронлик қилувчи Зот ҳам Брахман, факат У - ҳақиқий Ҳукмдор ҳисобланади.

Бу бобдан биз яна шуни билиб оламизки, майдонни билувчилардан биттаси адашишга маҳкум, иккинчиси эса, бегуноҳ, ҳеч качон адашмайди. Майдонни билувчиларнинг иккови ҳам ҳар жихатдан бир-бирига тенг деб ҳисобладиган одам, Худои Таолонинг айтган гапларини нотўғри тушунган бўлади. Чунки, Парвардигор мазкур шеърда аниқ, равшан қилиб шундай дейди: "Мен ҳам фаолият майдонини биламан". Факат илмсиз, ғофил одамгина арконни илон деб қабул қилиши мумкин. Ҳар турли таналар уларнинг ҳар хил эгалариники ҳисобланади. Ҳар хил руҳлар моддий табиатга ҳар хил даражада ҳукмронлик қилишга қодир бўлгани сабабли, улар ҳар хил таналарга эга бўладилар, лекин уларнинг ҳар бирининг ичиди, тирик мавжудотнинг харакатини бошқариб турдиган Худои Таоло мавжуд. Бу ерда ишлатилган *ча* ибораси барча моддий таналарнинг мажмуасини ифодалайди. Шрила Видйабхушананинг фикри шундай. Кришна - ҳар бир танада алоҳида рух билан бирга мавжуд бўлган Олий Рухдир. Олий Рух фаолият майдонини ҳам, ана шу майдондан лаззатланувчини, чекланган мустакилликка эга бўлган тирик мавжудотни ҳам бошқариб туришини билиш - ҳақиқий илм ҳисобланади.

4. *мат киетрам йаҷ ча йадрик ча йад-викари йатами ча йат са ча йо йат-прабхаваи ча тат самасена ме ширину*

**Мен ҳозир сенга фаолият майдони ва унинг таркиби ҳақида, унинг қаердан пайдо бўлиши, унда қандай ўзгаришлар рўй бериши ҳақида, майдонни билувчи ким экани, унинг майдонга қандай таъсир кўрсатиши ҳақида қисқача гапириб бераман.**

Изоҳ: Худои Таоло Аржунга фаолият майдони ва майдонни билувчи ҳақида гапириб беришга ҳозирланяпти. Ҳар бир одам ўзининг танаси нима эканини, унинг қандай унсурлардан таркиб топганини, унинг фаолиятини ким бошқариб туришини, у қандай ўзгаришларга учрашини, бу ўзгаришларнинг сабаби, асоси нимада эканини, алоҳида рухнинг тирикчилигининг, мавжудлигининг охирги мақсади нимадан иборат ва рухнинг ҳақиқий қиёфаси қандайлигини билиб олиши керак. Шунингдек, алоҳида рух билан Олий Рух орасидаги фарқни, уларнинг фаолият майдонига қандай таъсир кўрсатишини, уларнинг ҳар бирининг имкониятларини ва бошқа нарсаларни ҳам тушуниш керак. Агар биз "Бҳагавад-гита"ни Парвардигор, Худои Таолонинг Ўзи қандай айтиб берган бўлса, шундайлигича кабул қиласак, буларнинг ҳаммаси бизга маълум бўлади. Лекин, биз ҳеч қачон ҳар бир танада мавжуд бўлган Худои Таолони алоҳида рух, жисва билан адаштириб юбормаслигимиз лозим. Бу худди ҳар нарсага қодир, қудрати чексиз Зотни ҳеч нарсага қодир бўлмаган кичик заррача билан, қудратли катта машинани кичкина винт билан тенглаштиргандай бўлади.

*5. ришибхир баҳудҳа гитам ҷхандобхир вивидхаиҳ притҳак  
браҳма-сутра-падаиши чаива хетумадбхир винишчитаиҳ*

**Ведавий муқаддас китобларда қўп донишмандлар фаолият майдони ва майдонни билувчини таърифлаб берганлар. Айниқса "Веданта-сутра"да булар барча сабаб ва оқибатлар тафсилоти билан тўла тушунтирилган.**

Изоҳ: Бу илмни ўрганишда энг ишонарли манба - Худонинг Олий Шахси, Кришна. Лекин, донишманд ва барча тан олган табаррук зотлар ҳамиша ўзларидан аввалги ишонарли манбаларга асосланадилар. Олий Рух билан алоҳида рухнинг бирлиги ва бир-биридан фарқ килиши ҳамиша катта баҳсларга сабаб бўлиб келган, шунинг учун Кришна бу ерда улар ҳақида маълумот бера туриб, "Веданта-сутра"га асосланяпти, чунки "Веданта-сутра" ҳамма тан оладиган муқаддас китоб ҳисобланади. У мазкур шеърни "Кўп донишмандларнинг фикрига кўра..." деб бошлайди. Худои Таолонинг Ўзидан ташқари, буюк до-нишмандлар қаторига "Веданта-сутра"нинг муаллифи Вийасадева ҳам киради. "Веданта-сутра"да алоҳида рух ва Олий Рухнинг орасидаги фарқ батағсил тушунтирилган. Вийасадеванинг отаси, Парашара Муни

хам буюк донишманд хисобланади. У ўзининг асарида шундай деб ёзади: *ахам твам ча татхание...* "Бизлар барчамиз: сен, мен ва бошқа тирик мавжудотлар, - гарчи моддий таналарга қамалган бўлсак ҳам, асл табиатимизга кўра руҳий зарралармиз. Ҳозир бизлар аввал ўзларимиз қилган гуноҳларимиз, яъни кармамиз оқибатида моддий табиат гуналари таъсири остига тушиб қолганмиз. Шу боис, баъзи бир тирик мавжудотлар олий ҳаёт турларига, баъзи бирлари эса қуи ҳаёт турларига мансуб. Алоҳида руҳнинг сон-саноқсиз кўриниш ва турларга мансуб таналарда намоён бўлган олий ва қуи ҳаёт шароитларига тушиб қолишининг сабаби - ғофилликдир. Лекин, моддий табиатнинг уч гунасининг шартланган руҳни йўлдан адаштирадиган кучи илоҳий ва бегуноҳ бўлган Олий Рухга таъсири қилмайди". Худди шундай, бошланғич ведаларда, "Катха-упанишад"да ҳам тана, алоҳида рух ва Олий Рух орасидаги фарқ аниқ кўрсатилган. Бу ҳақда жуда кўп донишмандлар гапириб ўтган, уларнинг ичидаги энг ишонарлиси Параша-ра Муни хисобланади.

*Чхандобхиҳ* ибораси ҳар хил ведавий муқаддас китобларни билдиради. Масалан, табиат, тирик мавжудот ва Худонинг Олий Шахси ҳақида "Яжур-веда"нинг бир кисми бўлган "Тайттирия-упанишад"да гапирилади.

Аввал айтилганидай, кшетра - фаолият майдонидир, кшетрагианинг икки тоифаси эса - алоҳида рух билан Олий тирик Мавжудот. "Тайттирия-упанишад"да (2.5) шундай дейилган: *брахма пуччхам пратишишха*. Худои Таолонинг куввати аввало *анна-майа*, яъни тирик мавжудотнинг озуқага боғликлigi билан намоён бўлади. Бу - Худои Таолони бутунлай моддий тасаввур қилишдир. Ундан кейин *прана-майа* намоён бўлади: Олий Мутлақ Ҳақиқатни озуқа кўринишида англаган тирик мавжудот кейин Уни ҳаёт аломатлари сифатида, яъни ҳаётнинг ҳар хил намоён бўлган кўринишларида англай бошлади. *Гйана-майа* погонасида тирик мавжудот ҳаётнинг ҳар хил кўринишларини англаш билан бирга фикрлаш, сезиш ва исташ қобилиятига эга бўлади. Кейин у Брахманни англаб етади (*вигйана-майа*), яъни энди у ўзини акли ва танасидаги ҳаёт аломатлари билан қиёсламайдиган бўлади. Ўзликни англашнинг кейинги, олий погонаси *ананда-майа* хисобланади. *Ананда-майа* - тирик мавжудотнинг лаззатга тўла Брахманни англаб етишидир. Шундай қилиб, Брахманни англашнинг беш погонаси мавжуд, улар *брахматпуччхам* деб аталади. Улардан биринчи уч погона: *анна-майа*, *прана-майа* ва *гйана-майа* - тирик мавжудотларнинг фаолият майдонига мансуб. *Ананда-майа* деб аталадиган Худои Таоло эса, барча фаолият майдонларига нисбатан илоҳийдир. "Веданта-сутра" ҳам Худои Таолони қуйидагича таърифлайди: *ананда-майо* "бхйасат - Парвардигор, Худо Шахси табиатига кўра лаззатга тўла. Илоҳий лаззатдан роҳатланиш учун У ўзининг кувватини *вигйана-майа*, *прана-майа*, *гйана-майа* ва *анна-майа* сифа-

тида намоён этади. Тирик мавжудот фаолият майдони билан лаззатлади, деб хисобланади, аммо, ананда-майа тирик мавжудотдан фарқ килади. Бу демак, agar тирик мавжудот ўзининг истакларини ананда-майанинг истаклари билан мос равища лаззатланишни истаса, у камолотга эришган бўлади. Барча фаолият майдонлари маълум бўлган Парвардигорнинг, факат ўз фаолият майдонини биладиган ва Худои Таолонинг ҳукми остида бўлган тирик мавжудотнинг, ҳамда фаолият майдони бўлган табиатнинг ҳақиқий ҳолатлари ана шундан иборат. Ана шу ҳақиқатларнинг барчаси "Брахма-сутра" деб ҳам аталадиган "Веданта-сутра"да таърифланган.

Бу ерда айтилганки, "Брахма-сутра" - бир бири билан сабаб ва оқибатлар қоидасига кўра боғланган афоризмлар тизимидан иборат асар. Масалан, *на вийад аишутиҳ*(2.3.2), *натма шрутиҳ*(2.3.18) ва *парат ту тач-чхрутиҳ*(2.3.40). биринчи афоризмда фаолият майдони ҳакида, иккинчисида - тирик мавжудот ҳакида, учинчисида - Худои Таоло, яъни барча мавжуд тирик мавжудотлар ичида энг Олий Ҳақиқат ҳақида гапирилади.

*6-7. маҳа-бхутани аҳанкаро буддхир авйактам эва ча  
индрӣанни дашаикам ча панча чендрӣа-гочараҳ  
иччаҳ двешаҳ сукҳам дуҳкҳам сангҳаташи четана дҳритих  
этат киетрам самасена са-викарам удаҳритам*

**Беш қўпол моддий унсур, соҳта ўзлик, тафаккур, намоён бўлмаган зот, ўн сезги аъзоси ва акл, беш сезиладиган нарса, шунингдек, истак, нафрят, баҳт ва мусибат, барча моддий унсурлар мажмуаси, хаёт аломатлари ва қатъият - буларнинг ҳаммаси биргаликда фаолият майдони ва унда бўладиган ўзгаришлардир.**

Изоҳ: Барча ишонарли манбалар: буюк донишманлар, ведавий мадхиялар ва "Веданта-сутра" афоризмлари - моддий олам қўида кўрсатилган унсурлардан таркиб топганини айтадилар. Энг аввало бу - ер, сув, олов, ҳаво ва эфир - қўпол моддий унсурлар(*маҳа-бхута*). Ундан кейин соҳта ўзлик, тафаккур ва моддий табиатнинг намоён бўлмаган кўринишдаги уч гунасидан иборат. Шунингдек, беш хил билиш, сезиш аъзолари мавжуд: кўзлар, кулоклар, бурун, тил ва тери. Яна беш ҳаракат аъзолари бор: нутқ, оёклар, қўллар, жинсий аъзо ва ахлат чиқариш аъзоси. Сезги аъзолари устида акл туради. Акл тананинг ичида жойлашгани учун уни ички ҳиссиёт деб аташ мумкин. Шундай қилиб, акл билан бирга ўн бир сезги, яъни ўн бир ҳиссиёт аъзоси мавжуд. Кейин сезиладиган беш хил объект, унсурлар мавжуд: хид, таъм, шакл, товуш ва тери сезадиган нарсалар. Мана шу йигирма тўрт моддий таркибий унсурлар биргаликда фаолият майдони деб аталаидиган зотни билдиради. Ана шу йигирма тўрт нарсани таҳлилий

ўрганиш ёрдамида биз фаолият майдони ҳакида тўлиқ тасаввурга эга бўламиз. Улардан кейин, беш қўпол моддий унсурларнинг ўзаро ҳаракати натижасида юзага келадиган ва моддий оламда ана шу беш унсурнинг тимсоли бўлган истақ, нафрат, баҳт ва мусибатлар туради. Онг ва катъият билан намоён бўладиган ҳаёт аломатлари эса, - акл, тафаккур ва соҳта ўзликдан таркиб топган нафис тананинг намоён бўлишидир. Нафис унсурлар ҳам фаолият майдонининг бир қисмига киради.

Беш унсур - соҳта ўзлик(аханкара)нинг қўпол кўринишида намоён бўлишидир. Улар соҳта ўзликнинг ривожланишининг биринчи поғонаси ҳисобланади ва *тамаси-буддҳа*, яъни "фафлат гунасидаги тафаккур" деб аталиб, ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурни белгилайди.

*Аханкара* эса, моддий табиатнинг уч гунасининг намоён бўлмаган кўринишидир. Гуналарнинг намоён бўлмаган ҳолати *прадхана* деб аталади.

Ана шу йигирма тўрт унсур ва уларнинг ўзаро ҳаракатлари ҳакида чуқур маълумотларга эга бўлишни истаган киши Ведалар фалсафасини чуқур ўрганиши лозим. "Бҳагавад-гита"да факат энг муҳим бўлган умумий тушунчалар берилган.

Мана шу унсурларнинг ҳаммаси биргаликда моддий танани ташкил этади. Моддий тана ўзининг ривожланиши давомида олти поғонадан ўтади: туғилади, ўсади, бироз вақт яшайди, насл қолдиради, сўла бошлайди ва ҳалок бўлади. Шундай килиб, фаолият майдони ўз табиатига кўра моддий ва ўткинчи, вақтинча мавжуд. Кшетра-гай, фаолият майдонини билувчи ва унинг эгаси бўлган рух эса - мангутабиатга эга.

8-12. аманитвам адамбхитвам ахимса кишантир арджавам  
ачарйопасанам шаучам стхайриам атма-виниграҳаҳ  
индрийартхешу ваирагайам анаханкара эва ча  
джсанма-мритиу-джсара-вийадхи-духкха-дошанударшанам  
асактир анабхишвангаҳ путра-дара-гриҳадишу  
нитиам ча сама-читтатвам иштаништопапаттишу  
майи чананийа-йогена бхактир авийабхичарини  
вивикта-деша-севитвам аратир джсана-самсади  
адхиятма-джсана-нитиатвам  
таттва-джсана-ртхадаршанам  
этадж джсанам ити проктам аджсананам йад ато “нйатха

**Камтарлик, беозорлик, сабр-тоқат, соддалик; ҳақиқий руҳий устозуга мурожаат қилиш; поклик, ўзгармаслик, ўзини тута билиш(одоблилик); хиссий лаззат берадиган нарсалардан юз ўгириш; соҳта ўзлик таъсирига берилмаслик; түғилиш, кексайиш, касаллик ва ўлиш - зулм эканини тушуниш; бола-**

чақа, хотин, уй-рүзгөр сингари ўткінчи нарсаларга боғланиб қолмаслик; таркидунёлик, баҳт ва мусибат келганды хотиржам қолиш; Менга нисбатан чуқур иймон ва ўзгармас садоқат; хилват жойда яшашға интилиш, дүнёвий одамлардан ажралғанлық, ҳаётда эңг муҳими - рухий ўзликни англаш эканини тан олиш, Мұтлақ Ҳақиқатни фалсафий излашга интилиш - буларнинг барчасини Мен “илм” деб атайман, шулардан бошқа нарсаларнинг ҳаммаси ғоғиғлилекидир.

Изоҳ: Чуқур мұлоҳазага эга бўлмаган кишилар кўпинча бу ерда таърифланган билиш жараёнини фаолият майдонидан келиб чиққан деб ҳисоблайдилар. Лекин, бу ерда илм олишнинг ҳақиқий йўли таърифланган. Ана шу йўлга кирган киши олдида Мұтлақ Ҳақиқатни англаб олиш имконияти пайдо бўлади. Илм олишнинг бу жараёни юқорида санаб ўтилган йигирма тўрт моддий унсурнинг ўзаро ҳаракатлари натижасида юзага келмайди. Аксинча, улар ёрдамида тирик мавжудот шу йигирма тўрт унсурдан таркиб топган моддий тана кўринишидаги қафас ичидаги қамалиб юрибди. Мазкур шеърларда келтирилган илм унга шу тутқунликдан озодликка чиқиш йўлини кўрсатади. Илм олишнинг барча таркибий қисмлари ичидаги эңг муҳими ва асосийси ўн биринчи шеърнинг биринчи қаторида келтирилган: *майи чананай-йогена бхактир авайабхичарини*: - "Илм олишнинг охирги мақсади - Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишдир". Шунинг учун агар инсон, Худои Таолога илохий хизмат қилиш поғонасига кўтарилишни истамаса, ёки шу поғонага кўтарила олмаса, илм олишнинг қолган барча таркибий қисмлари амалда хеч қандай маънога эга бўлмай, кадрсиз бўлиб қолаверади. Аммо, Худои Таолога Кришна онгида садоқат билан хизмат қилиб юрган кишида эса, қолган барча сифатлар ўз-ўзидан ривожланади. "Шримад Бхагаватам"да айтилганки,(5.18.12): *йасайасти бхактир бхагавай акинчана сарваир гунаис татра самасате сураҳ*: - "Худо Шахсига ўз ихтиёрини бутунлай топширган киши фаришталарнинг барча эзгу фазилатларига эга бўладилар". Бу эса инсоннинг ҳақиқий илмга эга эканидан далолат беради. Бунда саккизинчи шеърда эслатиб ўтилган рухий устоз танлаш мухим аҳамиятга эга. Ҳатто Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан бораётган киши ҳам рухий устоз танлаган кундан бошланади. Шри Кришна, Худонинг Олий Шахси, бу ерда аник-равшан қилиб айтаптики, У таърифлаб берган илм олиш йўли - ягона тўғри йўлдир. Рухий ўзликни англашнинг бошқа барча усувлари шунчаки бекорчи ақлнинг ўйлаб топган бемаъни хом-ҳаёлларидир, холос.

Бу ерда санаб ўтилган рухий илмнинг таркибий қисмларига келсак, уларни қуйидагича таҳлил қилиш мумкин. Шон-шуҳрат, обрў-

эътиборга интилмайдиган кишини камтарин деб хисобладилар. Ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлари ғофил инсонни бу дунёда шоншухратга интилишга мажбур этади. Лекин мукаммал илмга эга бўлиб, ҳақиқий ўзлиги, яъни "Мен" деб юргани аслида моддий танасидан фарқ килишини англаб олган киши учун моддий, ўткинчи танага тааллукли бўлган обрў-эътибор ва ҳурматсизлик сингари нарсалар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Ўзини англаб етган инсон алдамчи обрў-эътибор изидан кувиб юрмаслиги керак. Ҳақиқий дин қонунлари ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмай туриб, диндор одамлар сифатида шухрат қозониш ниятида юрган баъзи одамлар, аъзолари ҳеч қайси дин қонунларига тўлиқ риоя қиласидиган диний оқимларга кўшиладилар ва ўзларини руҳий устоз деб эълон қиласидилар. Инсоннинг руҳий илм эгаллашда қанчалик муваффақиятга эришганини аниқлаш учун қандайдир мезон бўлиши керак. Юкорида санаб ўтилган сифатлар ана шундай мезон хисобланади.

Одатда одамлар беозорлик деганда бирорларнинг жонига қасд қиласлиқ ва бошқаларга жароҳат етказмасликини тушунадилар, лекин аслида беозорлик, зулм қиласлиқ - бошқаларга ҳеч қандай озор бермаслиқдир. Одамларнинг кўпчилиги ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлиб, ғафлат уммонига ботиб яшайдилар, ва шунинг натижасида ҳаётда кетма-кет мусибатларга, азоб уқубатларга учраб юрадилар. Шунинг учун одамларнинг руҳий илм олишларига ёрдам бермаган киши уларга зулм қилаётган бўлади. Ғофил одамларга ҳақиқий илм ўргатиб, руҳий таълим бериш, уларга моддий ҳаёт тутқунлигидан ҳолос бўлишда ёрдам бериш учун қўлимиздан келганча ҳаракат қилишимиз лозим. Беозорлик, зулм қиласлиқ деганда шуни тушуниш зарур.

Сабр қилиш - ҳар қандай ҳақорат ва шармандалилка чидам билан сабр қилишдир. Ҳақиқий руҳий илм олишга интилаётган киши, албатта, атрофидаги одамларнинг қаттиқ қаршиликларига учрайди, чунки моддий оламнинг табиати шундай. Ҳатто беш яшар бола, Прахлад Махараж ҳам руҳий тажриба билан шуғулана бошлаганида жуда кийин аҳволга тушиб қолганди. Отаси унинг Худои Таология садоқат билан хизмат қилишини истамай унга шунча азоб берганди. Отаси ҳатто бир неча бор ўғлини ўлдирмоқчи ҳам бўлган эди, лекин у сабр қилиб, отасининг барча азобларига бардош берди. Руҳий илм эгаллашга интилаётган киши ҳаётда жуда кўп қийинчиликларга дуч келади, лекин у тоғлига ёзилган барча қийинчиликларга сабот билан чидаб, руҳий юксалиш йўлида қатъий ҳаракат қилишда давом этиши лозим.

Соддалик деганда шуни тушуниш керак: одам шу қадар ростгўй бўлиши лозимки, ҳатто ўз душманига ҳам очиқ ҳақиқатни дангал айтишдан кўрқмаслиги керак. Ҳақиқий руҳий устозга мурожаат қилишга келсак, бу энг муҳим шартлардан бири, чунки, факат ҳақиқий руҳий устознинг кўрсатмаларига амал қилиш шароғати билангина руҳий

илмни эгаллаш мумкин. Рухий устозга камтарин холда мурожаат қилиб, ундан ҳеч нарсани аямасдан хизмат қилиш керак. Бизнинг хизматимиздан мамнун бўлган рухий устоз рухий илм олишга фотиҳа беради. Рухий устоз Худонинг, Кришнанинг вакили хисобланади. Шу боис, рухий устознинг дуосини олган киши, ҳатто рухий конун-коидаларнинг барчасига амал қилмай юрган бўлса ҳам, рухий камолотта эриша олади. Рухий устозига садоқат билан самимий хизмат қилиб юрган киши ҳеч қийналмасдан барча қонун-коидаларга ҳам амал қила олади.

Поклик - рухий юксалиш йўлида ривожланиш учун зарур бўлган муҳим шартлардан бири. Поклик ички ва ташқи покликка ажратилади. Ташқи жиҳатдан пок бўлиш учун мунтазам равишда сувда ювиниб юриш керак, ички покликка эга бўлиш учун эса, ҳамиша Худои Таоло, Кришна ҳакида ўйлаб юриш ва Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб юриш лозим: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Бундай ишлар инсонга шунча умрлари давомида ақлида тўплланган моддий иллатлардан покланиш имконини беради. Ўзгармас одам деб, онгли равишда, рухий камолотта эришишга қатъий аҳд қилган, ҳеч қачон шу мақсаддан воз кечмайдиган кишини айтадилар. Инсонда ана шундай қатъий шижоат бўлмаса, рухий юксалиш йўлида сезиларли натижага эришиш жуда мушкул. Ўзини тута билиш, одоблилик дегандা рухий юксалишга салбий таъсир қиласидиган нарсалардан ўзини тия билишни тушуниш керак. Ҳамиша шуни эсда тутиб, рухий юксалиш йўлида халакит берадиган ҳамма нарсадан узокроқ юриш керак. Мана шу ҳакикий таркиду-нёлиkdir. Ҳиссиётлар жуда кучли, тўймас ва ҳамиша лаззатга интиладилар. Лекин биз уларга эргашиб, уларнинг изидан кетмаслигимиз, хаётда ортиқча лаззатларга берилмаслигимиз лозим. Ҳиссиётларнинг талабини рухий вазифаларимизни тўла бажаришга етарли даражада қаноатлантириш лозим. Бунинг учун уларни танамизнинг саломатлигини таъминлайдиган даражадагина қондириш кифоя. Ҳиссиётлар ичida энг ашаддийси ва очофати тил хисобланади. Тилини жиловлаб олган киши бошқа ҳиссиётларини ҳам жиловлай олади. Тил икки вазифани бажаради: таъм билади ва гапиради. Шунинг учун тилни фақат Худои Таолонинг сарқит овқати, кришна-прасадам билан овқатланишга ва Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилишга ўргатиш лозим. Кўзлар эса фақат Кришнанинг ажойиб қиёфаларини томоша қилиши лозим. Бу бизга кўзимизни жиловлаб олишда ёрдам беради. Худди шунингдек, қулоқлар фақат Худои Таоло, Кришна ҳакидаги гапларни тинглаши, бурун Кришнага тақдим этилган гуллардан ҳидлаши лозим. Бхакти-йога усули ана шулардан иборат, бу шеърлардан маълум бўладики, "Бҳагавад-гита" инсонга фақат Худога садоқат билан хизмат қилишни ўргатади. Худога садоқат билан хизмат қилиш - "Бҳагавад-гита"нинг асосий ва ягона мавзусидир. Баъзи бир чаласавод

одамлар "Бҳагавад-гита"га изоҳ ёзиб, одамларнинг аклини умуман бошқа муаммоларга жалб этадилар, лекин, "Бҳагавад-гита"нинг ўзида Худога садоқат билан хизмат қилишдан бошқа ҳеч қандай мавзуу кўрилмайди.

Соҳта ўзлик - инсоннинг ўзини танасига киёслаши, моддий танасини ўзим деб ҳисоблашидир. Ўзининг моддий танадан фарқ қиласидан рух эканини билиб олганида, инсон ҳақиқий ўзлигига эга бўлади. Эго - "мен", яъни ўзлик аслида ҳамиша мавжуд, лекин биз ҳақиқий ўзликтан эмас, соҳта ўзликтан холос бўлишимиз лозим. Ведавий муқаддас китобларда, "Брихад-аранийака-упанишад" 1.4.10. шундай дейилган: *ахам брахмасми* - "Мен - брахманман, мен руҳман". Ана шу "мен", ўзининг алоҳида мавжудлигини хис этиш ҳатто тирик мавжудот ҳақиқий ўзлигини англаб, моддий тутқунликдан озодликка эришганида ҳам сақланиб қолади. Ўзининг алоҳида мавжуд эканини хис қилиш - эго, ўзлик деб аталади, лекин ана шу тушунча ўткинчи моддий тана билан адаштирилганда соҳта ўзликка айланади. Алоҳида мавжудлик туйғуси ҳақиқий руҳга нисбатан бўлганда эса, ҳақиқий ўзлик бўлади. Баъзи файласуфларнинг фикрича, ҳар қандай ўзлик туйғусидан воз кечиш керак, лекин бунинг иложи йўқ, чунки бу бизнинг шахсимиз - "Мен". Факат соҳта ўзликтан, моддий танани "мен ўзим"- деб ҳисоблашдан, адашишдан воз кечиш керак, холос.

Туғилиш, кексайиш, касалланиш ва ўлиш - аслида ҳаётдаги барча азоб-уқубатларнинг манбаи эканини англаб олиш керак. Тирик мавжуудотнинг туғилиши ҳакида жуда кўп муқаддас китобларда айтилган. "Шримад Бҳагаватам"да хали туғилмаган чакалокнинг она қорнида бўлиши, унинг чекаётган азоблари қанчалик оғир экани таърифланган. Туғилиш аслида жуда оғир азоблар билан бирга кечишини англаб олиш керак. Она қорнида чеккан азобларимизни унтиб юборганимиз туфайли, биз ҳозир туғилиб-ўлишлар гирдобидан қутулишга интилмаймиз. Ўлиш, танани тарқ этиш жараёни ҳам жуда қаттиқ азоблар билан кечади. Бу ҳақда ҳам муқаддас китобларда маълумотлар берилган. Одамлар, албатта, мана шу мавзуларни кўпроқ муҳокама қилишлари лозим. Касаллик ва кексаликка келсак, буларнинг қандай бўлишини ҳар ким ўзининг ҳаёти тажрибасида, албатта, билиб олади. Ҳеч ким ҳам ҳаётда касалланишни, қаришни истамайди, лекин, барibir, ҳамма албатта касал бўлишга, албатта қаришга мажбур. Инсон ҳаётда туғилиш, касалланиш, кексайиш ва ўлиш натижасида ҳар бир одамга муқаррар келадиган мусибатларни ҳамиша эслаб, моддий ҳаётга нисбатан пессимиристик нуқтаи назарга эга бўлмагунча, унда руҳий юксалиш учун интилиш пайдо бўлмайди. Ҳаётга ана шундай ҳақиқат кўзи билан қараш керак.

Хотин, бола-чака ва уйга боғланмаслик деганда, буни - бизда уларга нисбатан ҳеч қандай хис, туйғу бўлмаслиги керак, - деб тушунмаслик керак. Бизнинг яқинларимиз - табиий равищда ҳаётда биз севади-

ган кишилардир. Аммо улар рухий юксалиш йўлида бизга ғов бўла бошлаганида, уларга бўлган bogланишдан халос бўлиш керак. Кришнани англаш усули оилада рухий юксалиш учун энг кулай шароит яратишда ёрдам беради. Агар одам Кришна онгига эга бўлса, у ўзининг оиласини жуда баҳтиёр килиши мумкин, чунки Кришнани англаш усули жуда осон ва оддий: Ҳаре Кришна мантрасини зикр килиш: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре, факат Кришнага тақлиф этилган таом билан овқатланиш, "Бҳагавад-гита" ва "Шримад Бҳагаватам" сингари китобларни муҳокама килиш ва уйда ўрнатилган Худонинг қиёфаларига сифиниш. Мана шу тўрт қоида бизни ҳаётда баҳтиёр килади. Биз бунга оила аъзоларимизни ҳам жалб қилишимиз лозим. Эрталаб ва кечқурун оила аъзолари билан биргаликда Худонинг муқаддас номларини куйлаш мумкин: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Агар одам юкорида кўрсатилган тўрт қоидага амал қилиб, оиласида Худони, Кришнани англаш имконини берадиган шароит яратади. Аммо улар Кришнани англашига, Унга садоқат билан хизмат қилиш учун, Аржунга ўҳшаб, ҳамма нарсадан воз кечиш керак. Аржун ўзининг қариндошларини ўлдиришни истамаган эди. Аммо, улар Кришнани англашига, Унга хизмат қилишига халақит бераётганини тушунганида, Парвардигорнинг насиҳатларига амал қилиб, улар билан жанг қилишга киришди. Ҳар холда, бизлар оиласи ҳаётнинг ҳар хил ташвишларига, шодлик ва мусибатларига боғланиб қолмаслигимиз лозим, чунки моддий оламда бутунлай баҳтиёр бўлишнинг ҳам, бутунлай баҳтиқаро бўлишнинг ҳам иложи йўқ.

Бахт ва мусибат - моддий дунёдаги ҳаётнинг албатта мавжуд бўлган таркибий қисмларидир ва биз, "Бҳагавад-гита"да айтилганидай, уларга сабр қилишга ўрганишимиз лозим. Биз баҳтни ҳам, мусибатни ҳам четлаб ўта олмаймиз, шунинг учун дунёвий ҳаётнинг баҳтига ҳам, мусибатига ҳам эътибор бермай, уларни баробар қабул қилишга, ҳамиша осойишта, хотиржам қолишга ўрганиш керак. Одатда, одам истаган нарсасига эришганида жуда кувониб кетади, бошига бирор мусибат тушганида эса, қаттиқ азоб чекади. Аммо рухий даражага кўтарилган киши ҳаётда ҳамиша осойишта, хотиржам қолади. Ана шундай ҳолатга эришиш учун инсон Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишда ўзгармай мустаҳкам қолиши лозим. Бу демак, "Бҳагавад-гита"нинг тўққизинчи боб, охирги шеърида айтилганидай, ҳамиша Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишнинг тўққиз тури билан шуғулланиб юришимиз лозим: Худо ҳақидаги ҳикояларни тинглаш, бошқаларга Худо ҳақида гапириб бериш, Унга сифиниш ва ҳоказо.

Рухий ҳаёт билан яшаб юрган кишида табиий равишда бошқа дүнёвий одамлар билан ҳамсұхбат бўлишга қизиқиш пасая боради. Ана шундай сұхбатлар унга ёкмай қолади, гайритабиий туюла бошлайди. Ўзимизнинг рухий жиҳатдан қанчалик ривожланаётганимизни дунёвий одамлар билан ҳамсұхбат бўлишдан қанчалик безор эканимиздан, ёлғизлика қанчалик интилаётганимиздан билиб олишимиз мумкин. Худонинг содик хизматкорида табиий равишда телевизор, спорт, кино, концерт, тўй-томуша сингари ҳар хил дунёвий ўйин-кулгиларга қизиқиш сусайиб кетади, чунки унинг учун буларнинг барчаси - вақтини зое кетказиши, умрини ҳазон қилишдир. Ҳозир кўпчилик олимлар жинсий ҳаёт муаммосини ва бошқа ҳар турли муаммоларни ўрганиш билан шуғуланиб юрибдилар. Аммо, "Бҳагавад-гита"нинг таъкидлашича, уларнинг бу изланишлари ва барча фалсафий асарлари ҳеч қандай қадр-қімматга эга бўлмаган, бемаъни нарсалардир. "Бҳагавад-гита" таълимоти бўйича инсон фалсафий изланишлар билан рухнинг табиати ҳакидаги илмни ўрганиши лозим. Бизнинг барча изланишларимиз рухий ўзлигимизни англашга қаратилган бўлиши лозим. Бу шеърларда Кришнанинг бизга бертаётган насиҳатлари шундан иборат.

Ўзликни англашга келсак, бу ерда аниқ айтилганки, ўзликни англашнинг амалда энг осон усули - бҳакти-йога ҳисобланади. Худога садоқат билан хизмат қилиш - алоҳида рух ҳамда Олий Руҳнинг мавжудлиги, уларнинг қандайдир муносабатлар билан ўзаро боғланғанлигини назарда тутади. Бҳакти, Худога садоқат билан хизмат қилиш фалсафасига кўра, алоҳида рух билан Олий Рух ҳеч қачон бирбирига тенг бўлиши мумкин эмас. Мазкур шеърларда таъкидланганидай, алоҳида рухнинг Олий Руҳга хизмат қилиши, рухнинг Худога хизматкорлиги - мангут(нитіам) ҳолат. Шундай қилиб, бҳакти, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш мангу ва биз мана шу ҳақиқий фалсафага, ҳақиқат илмига ишонишимиз лозим.

Бу ҳақда "Шримад Бҳагаватам"да ҳам айтилган(1.2.11). *ваданти тат таттва-видавс таттвам ӣадж джсанам адвойам* - "Мутлақ Ҳақиқатни англаб етган киши Худои Таолони уч поғонада англаш мумкинлигини билади. Уни Брахман, Параматма ва Бҳагаван кўринишида англаб оладилар". Бҳагаванни англаб етиш - Мутлақ Ҳақиқатни англашнинг энг олий поғонасидир. Шунинг учун охирокибатда инсон ана шу поғонага кўтарилиши ва Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиши лозим. Шунда у ҳақиқий, мукаммал имлга эга бўла олади.

Бу ерда таърифланган илм олиш жараёни аста-секин юкорига олиб чиқадиган зинапояга ўхшайди. Бу зинапоянинг биринчи поғонаси - камтаринлик, охирги поғонаси эса - Мутлақ Ҳақиқатни, Худонинг Олий Шахсини англаб етишдир. Бу зинапоядан жуда кўп одамлар кўтариладилар: улардан бальзилари иккинчи поғонага кўтарилган,

баъзилари учинчи ёки тўртинги поғонада, лекин инсон то охирги поғонага кўтарилиб, Кришнани, Худои Таолони англаб етмагунча, у илм олишнинг пастки поғоналарида юрган ҳисобланади. Руҳий илм олишга интилаётган, лекин шу билан бирга Худо билан тенг бўлиш истагини тарк этмаган киши руҳий ҳаётда ҳеч нарсага эриша олмайди. Бу ерда аниқ қилиб айтилганки, ҳақиқий мукаммал илмга эга бўлиш учун инсон камтар бўлиши лозим. Ўзини Худо деб ҳисоблаш - манманликнинг энг юкори поғонасиdir. Моддий табиатнинг бешафқат қонунлари билан чамбарчас боғланган тирик мавжудот ўз ҳаётида ҳар куни, ҳар томондан қанча тепки еса ҳам, ғофиллиги сабабли ўзини Худо деб ҳисоблашда давом этаверади. Шунинг учун ҳам ҳақиқий илм олиш жараёни камтаринликдан (*аманитва*) бошланади. Камтарин ҳолда ўзимизнинг Худои Таоло ҳукми остида эканимизни, Худога хизматкор эканимизни тан олишимиз лозим. Худои Таолога карши бош кўтариб, биз моддий табиатнинг кулларига айландик. Ҳар бир фаросатли одам мана шу ҳақиқатни англаб олиб, унга сўзсиз ишониши лозим.

*13. джнейам йат тат правакийами  
йадж джнатвамритам ашнунте  
анади мат-парам браhma  
на сат тан насад учайте*

**Мен ҳозир сенга билиш керак бўлган нарса ҳақида гапириб бераман, шуни тушунгандан кейин сен мангалик таъмини татиб қўрасан. Брахман - бошланиши йўқ, Менинг ҳукмим остида бўлган Рух(жон) моддий оламда ҳукм юритаётган сабаб ва оқибатлар қонунига бўйсунмайди.**

Изоҳ: Парвардигор Кришна Аржунга фаолият майдони ва майдонни билувчи ҳақида гапириб берганди. У майдонни билувчини англаб олиш имкониятини берадиган усулни ҳам таърифлаб берди. Энди эса, У Аржунга билиш керак бўлган, ўрганиладиган нарсалар ҳақида гапириб бермоқчи: аввало рух ҳақида, кейин Олий Рух ҳақида. *Киетрагиа*(алоҳида рух ва Олий Рух)нинг табиатини англаб етган киши мангалик шарбатидан лаззатланиб яшайди. Иккинчи бобда айтилганидай, тирик мавжудот - мангү. Бу ерда ҳам шу ҳақда гап боряпти. Ҳеч ким жива, яъни тирик мавжудотнинг қачон, қайси куни дунёга келганини ёки қачон унинг Худои Таолодан ажралганини аниқ айта олмайди. Шунинг учун ҳам "рухнинг бошланиши йўқ" деб ҳисобланади. Ведавий муқаддас китоблар буни тўла тасдиқлайди: *на джайате мрийате ва випашчит*, ("Катха-упанишад" 1.2.18). "Майдонни биладиган зот ҳеч қачон туғилмайди ва ўлмайди, у илмга тўла".

Ведаларда ҳам, ("Шветашватара-упанишад" 6.16.) айтилганки, Худои Таоло Олий Рух сифатида барча таналарни билади ва моддий табиатнинг уч гунасининг ҳукмдори хисобланади. (*прадхана-кшетраджна патир гунешаҳ*). Смритиларда айтилганки: *даса-бхуто ҳарер эва наниасваива қадачана*. - "Тирик мавжудотлар Худои Таолонинг мангу хизматкорлариидир". Худованд Чайтания Махапрабху ҳам Ўзининг насиҳатларида шуни айтиб кетган эди. Шу боис бу ерда таърифланган Брахман алоҳида рухни назарда тутади. Брахман ибораси алоҳида тирик мавжудотга нисбатан ишлатилганда *виг'ана-браhma* назарда тутилади. *Ананда-браhma* эса - Олий Брахман, Худонинг Олий Шахсидир.

**14. сарватаҳ пани-падам тат сарвато “киши-широ-муҳкам  
сарватаҳ шрутимал локе сарвам авритийа тишитхати**

Унинг кўл ва оёқлари, кўзлари, каллалари, юzlари ва қулоқлари ҳамма ерда мавжуд. Шу тарзда Парвардигор, Ўзининг Олий Рух қиёфасида бутун борлиқка сингиб кетган.

Изоҳ: Олий Рух, Худонинг Олий Шахси, сон-саноқсиз нурлар таратиб турган қуёшга ўхшайди. Олий Рух қиёфасида Парвардигор ҳар ерда мавжуд ва барча алоҳида рухлар - энг буюк, биринчи тирик мавжудот бўлган Браҳмадан то энг кичик ҳашаротгача - Унда жойлашган. Сон-саноқсиз тирик мавжудотларнинг сон-саноқсиз каллалари, кўзлари қулоқлари бурунлари ва кўллари бор. Уларнинг хаммаси Олий Рухда мужассам ва Унда жойлашган. Шунинг учун ҳам Олий Рухни ҳамма ерда мавжуд деб атайдилар. Аммо алоҳида рух ўзининг кўллари, оёқларини ҳамма жода мавжуд деб айта олмайди. Бунинг иложи йўқ. Агар кимдир, аслида унинг кўл, оёқлари ҳамма ерда мавжуд, лекин хозир у ғоғиллиги туфайли буни англамай турганини ва ҳақиқий илмга эга бўлганида буни англаб оламан, деб ўйласа, ўзи ўзига қарши фикрлаётган бўлади. Аслида бундай ҳолатда бўлиш, алоҳида рухнинг олий тирик мавжудот эмаслигини билдиради, чунки у моддий табиат қонунлари таъсири остига тушиб қояпти. Худои Таоло алоҳида руҳдан фарқ қиласди. Худои Таоло Ўзининг кўлини чексиз дараражада узоққа чўзиши мумкин, алоҳида рух эса бунга қодир эмас. "Бҳагавад-гита"да Худои Таоло айтадики, агар одам Унга гул, барг, мева ва сув таклиф қиласа, унинг эҳсонини қабул қиласди. Қандай килиб шунча узоқда жойлашган Парвардигор бизнинг эҳсонимизни қабул қила олади? Парвардигор ҳар нарсага қодир; ердан шунча олисдаги Ўзининг даргоҳида бўлган ҳолда, У кўлини чўзиб, биз таклиф қилган эҳсонни қабул қиласди. Унинг чексиз қурдати шундай. "Брахма-самхита" (05.37)да шундай дейилган: *голока эва нивасати акхилатмабхутаҳ*. "Ўзининг илоҳий сайёрасида ҳамиша лаззатда бўлган ҳолда,

Парвардигор айни пайтда ҳар ерда мавжуд". Алохида рух ўзини ҳар ерда мавжуд деб айта олмайды. Демак, бу ерда гап алохида рух ҳақида эмас, Олий Рух, Худои Таоло ҳақида боряпти.

*15. сарвендорийа-гунабхасам сарвендорийа-сивардожитам  
асактам сарва-бхрич чайва ниргунам гуна-бхоктри ча*

**Гарчи Ўзи моддий хиссиётларга эга бўлмаса ҳам, Олий Рух барча хиссиётларнинг бошланғич манбаидир. Ҳар бир тирик мавжудотни ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминлаб турса ҳам, Парвардигор ҳеч нарсага боғланиб қолмаган. Моддий гуналарга нисбатан илохий (трансцендент) бўлган ҳолда, Парвардигор уларнинг Ҳукмдоридир.**

Изоҳ: Гарчи Худои Таоло барча тирик мавжудотлардаги хиссиётларнинг манбаи бўлса ҳам, Унинг ўзи моддий хиссиётларга эга эмас. Аслида тирик мавжудотлар ҳам руҳий сезги аъзоларига эга, аммо моддий оламда бу сезгиларни моддий унсурлар қоплаб олган, шу сабабли уларнинг фаолияти ҳам моддий фаолият бўлиб қолади. Лекин Худои Таолонинг сезгилари моддий унсурлар билан қопланмаган. Унинг сезгилари илохий, шунинг учун уларни *ниргуна* деб атайдилар. Гуна сўзи моддий табиат сифатларига нисбатан айтилади, аммо Парвардигорнинг сезгилари моддий унсурлар билан қопланмаган. Худои Таолонинг сезгилари бизларнинг сезгиларимиздан фарқ қилишини англаб олиш керак. Гарчи бизнинг сезги аъзоларимизнинг юзага келишига сабабчи Парвардигор бўлса ҳам, Унинг Ўзи моддий унсурлар билан булғанмаган пок, илохий сезгиларга эга. Бу "Шветашватара-упанишад"(3.19)да батафсил тушунирилган: *апани-падо джавано грахита*. "Худонинг, Худо Шахсининг моддий қўллари йўқ, аммо, Унинг қўллари бор, шу қўллари билан у биз таклиф қилган эхсонларни қабул қиласди". Мана шуниси билан Олий Рух алохида руҳдан фарқ қиласди. Парвардигорнинг моддий кўзлари йўқ, аммо бу Унинг умуман кўзлари йўқ дегани эмас, акс ҳолда У қандай қилиб кўрган бўларди? У ҳамма нарсани кўради: ўтмишни, ҳозирни ва келажакни. Ҳар биримизнинг қалбимизда бўлган ҳолда, У бизнинг аввал нима ишлар қилганимизни, ҳозир нима қилаётганимизни ва келажакда бизни нималар кутаётганини билиб туради. Бу "Бҳагавад-гита"да ҳам тасдиқланади: "Парвардигор ҳаммани билади, лекин Уни ҳеч ким билмайди". Айтилганки, Парвардигорнинг моддий оёклари йўқ, лекин, бутун оламда У руҳий оёклари билан ҳаракат қиласди. Бошқача қилиб айтганда, Худои Таоло шахс сифатига эга. Унинг кўзлари, оёклари, қўллари ва хоказо аъзолари бор, шунинг учун биз ҳам, Унинг ажралмас бўлаклари бўлган ҳолда шундай аъзоларга эгамиз. Лекин Унинг

кўзлари, кулоклари ва ҳоказо сезги аъзолари моддий табиат гуналари таъсири остида булғанмаган.

"Бҳагавад-гита"да ҳам айтилганки, Худои Таоло моддий оламга Ўзининг ички қуввати ёрдамида келади ва одамларга Ўзининг ҳақиқий киёфасини намоён этади. Моддий қувват Парвардигорга таъсир қилмайди, чунки У - моддий қувватнинг Ҳукмдоридир. Биз Ведалардан биламизки, Парвардигорнинг танаси бутунлай руҳий табиатта эга. У *сач-чид-ананда-виграча* деб аталадиган мангу, илм ва лаззатга тўлган мукаммал танага эга. Парвардигор барча комил сифатларга эга. У - барча бойликлар ва барча қувватлар эгаси. У - энг ақлли Зот ва Унинг илмининг чегараси йўқ. Худонинг Олий Шахсининг сифатларидан бაъзилари шулардан иборат. Парвардигор барча тирик мавжудотларни хаёт учун зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминлаб туради ва уларнинг қилаётган ҳар бир ишининг гувоҳи бўлиб туради. Ведавий муқаддас китоблардан биламизки, Парвардигор ҳамиша илоҳий холатда бўлади. Ҳозир биз Унинг калласини, кўл ва оёқларини кўра олмаймиз, лекин Унинг калласи, кўл оёқлари бор ва руҳий юксалиш йўлида илоҳий даражага эришганимизда, биз уларни албатта кўра олмиз. Ҳозир бизнинг кўзларимиз Худои Таолони кўра олмайди, чунки сезги аъзоларимиз моддий унсурлар билан қопланган. Шу сабабли, моддий қувват таъсири остида бўлган имперсоналистлар Худонинг Олий Шахсини англай олмайдилар.

*16. баҳир анташи ча бхутанам ачарам чарам эва ча  
сукшматват тад авигейам дура-стхам чантике ча там*

**Олий Ҳақиқат барча қўзгалувчан ва қўзгалмас тирик мавжудотларнинг ҳам ичида, ҳам ташқарисида мавжуд. Нафис табиатли бўлгани учун, Уни қўпол, моддий сезги аъзолар ёрдамида сезишининг иложи йўқ. У жуда узоқда ва айни пайтда жуда яқинда ҳам мавжуд.**

Изоҳ: Ведавий муқаддас китоблардан биламизки, Парвардигор Нарайана, Худо Шахси ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳам ичида, ҳам ташқарисида мавжуд. Парвардигор бир вактнинг ўзида ҳам руҳий оламда, ҳам моддий оламда мавжуд. Бир вактнинг ўзида У биздан жуда олисда ва бизга жон томиримиздан ҳам яқин. Бу ҳақда Ведаларда шундай ёзилган: *асино дурам враджасати шайано йати сарватаҳ*. "Катха-упанишад"(1.2.21.)да Парвардигор Ўзининг бойликларидан лаззатланиб, ҳамиша роҳатда яшайди, аммо, моддий сезги аъзоларимиз ёрдамида биз буни тушуна олмаймиз, кўра олмаймиз. Ведаларда айтилганки, моддий ақл ва ҳиссиётлар Худои Таолони англашга кодир эмас. Лекин, Кришна онгидা Худои Таолога садоқат билан хизмат килиб, ақли ва ҳиссиётларини поклаган киши Парвардигорни ҳамиша

күриб юради. Бу ҳақда "Брахма-самхита"да айтилган(11.54): *бхактୀତ୍ ଅନାନ୍ୟାଯା ଶକ୍ତ୍ୟାଖ* - фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида Парвардигорни кўриш ва англаб олиш мумкин.

*17. ଅବିଭକ୍ତମ ଚା ବ୍ରହ୍ମତମ ଇବ ଚା ସ୍ଥିତମ  
ବ୍ରହ୍ମା-ଭାରତ୍ରି ଚା ତାଦ୍ଜ ଧ୍ୟେନାମ ଗ୍ରାସିଶିନୁ ପ୍ରାବହାଶିନୁ ଚା*

**Гарчи Олий Рух барча тирик мавжудотлар орасида парчаланиб кетгандай туюлса ҳам, У ягона ва бўлинмасдир. Шуни билиш керакки, У барча тирик мавжудотларнинг ҳаётини таъминлаб турса ҳам, вақти келиб уларни ютиб юборади ва яна намоён қиласди.**

Изоҳ: Олий Рух кўринишида Парвардигор ҳар бир тирик мавжудот қалбида намоён бўлган. Демак У бўлакларга бўлиниб, парчаланиб кетган бўладими? Йўқ. Парвардигор хамиша бўлинмас, ягона бўлиб қолаверади. У худди куёшга ўхшайди. Кўёш осмонда бир жойда туради, лекин, агар беш минг километр атрофдаги ҳар хил одамлардан сўрасангиз, уларнинг ҳар бири "куёш менинг устимда турибди" деб айтиади. Гарчи Худои Таоло бўлинмас бўлса ҳам, У ҳар бир тирик мавжудот қалбида ҳам мавжуд бўлиб, парчаланиб кетгандай кўринишини тушунтириш учун ведаларда ана шу мисол келтирилган. Ведаларда айтилганки, ягона Парвардигор Вишну, худди, гарчи бир жойда турса ҳам, ер юзидаги ҳар бир одамнинг устига нур сочиб турган куёш сингари, ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам мавжуд. Бундан ташкари, гарчи Худои Таоло барча тирик мавжудотларнинг посбони, ҳимоячиси бўлса ҳам, олам яксон бўлганда барча тирик мавжудотларни ютиб юборади. Бу ҳақда "Бҳагавад-гита"нинг ўн биринчи бобида айтилган эди. Унда Парвардигор айтган эдики, У бу дунёга Курукшетра жанг майдонида тўплangan барча жангчиларни ютиб юбориш учун келган. Парвардигор яна шуни айтган эдики, У бешафқат замон қиёфасида ҳамма нарсани емириб яксон қиласди. У барча тирик мавжудотларга ҳалокат олиб келади. Моддий оламнинг яралиш жараёнида Парвардигор тирик мавжудотларга, уларнинг азалий бошланғич ҳолатидан намоён бўлган ҳолатга ўтишида ёрдам беради, оламнинг емирилиш пайтида, охир-замонда эса, уларни ютиб юборади. Ведавий мадхияларда ҳам айтилганки, Парвардигор - бутун борликнинг манбаи ва нажот маконидир. Моддий оламни яратиб, Худои Таоло Ўзининг чексиз куввати билан унинг мавжудлигини таъминлаб туради, охир-замон вақти келиб, моддий олам ҳалокатга учраганда эса, ҳамма нарса яна Унинг ичига киради. Бу ҳақда муқаддас китобларда ҳам ёзилган: *ଯାତୋ ବା ମମା ବ୍ରହ୍ମତମ ଦ୍ୱାସାନତେ ଯେନା ଦ୍ୱାସାନତେ ଦ୍ୱାସାନତେ ଯାତୋ ପ୍ରୟାଣତି ଅଭିସମ୍ବିଶନତି ତାଦ ବ୍ରାହ୍ମତମ ତାଦ ବିଦ୍ଜିଦ୍ଜନ୍ସାସାବା*. "Тайтирия-упанишад", 3.1.

*18. джийотишам апи таджс джийотис тамасаҳ парам учайате  
джсанам джнейам джсанана-гамйам хриди сарвасия вишитхитам*

**У - барча ёритгичлардаги ёргулик манбаи. Намоён бўлмаган  
холда, У моддий олам зулматидан ташқарида. У - илм, билиш объ-  
екти ва илмнинг охирги мақсадидир. У ҳар бир тирик мавжудот-  
нинг қалбида ҳам мавжуд.**

Изоҳ: Қуёш, ой, юлдузлар сингари барча ёритгичларнинг ёргулик манбаи - Олий Рух, Худонинг Олий Шахсидир. Ведаларда айтилганки, руҳий оламда на күёшнинг, на ойнинг ва на бошқа ёритгичларнинг кераги йўқ, чунки у ерда ҳамма нарса Худои Таолонинг нури билан равшан. Моддий оламда Худои Таолонинг нури, брахмаджийоти моддий унсурлар билан, яъни *маҳам-таттва* билан қопланган, шунинг учун бу ерда ёргулик манбалари зарур - қуёш, ой ва ҳоказо. Аммо руҳий оламда уларга ҳожат йўқ. Ведаларда аниқ айтилганки, у жойда ҳамма нарса Худои Таолонинг танасидан тараляётган ёруғлик билан нурафшон. Шундан билиб олиш мумкинки, Худои Таоло моддий оламдан ташқарида, биздан жуда узоқда бўлган руҳий оламда жойлашган. Муқаддас китобларда бу ҳам тасдиқланган: *адития-варнам тамасаҳ парастат*. ("Шветашватара-упанишад" 3.8). Парвардигор қуёшга ўхшаб Ўзидан ҳамиша порлок нур таратиб туради, аммо У зулмат қоплаб олган моддий оламдан ташқарида жойлашган.

Парвардигор илоҳий илм соҳиби. Ведаларда айтилганки, Брахман барча илоҳий илмлар манбаидир ва руҳий оламга эришишни истаган одам ўзининг қалбида мавжуд бўлган Худои Таолодан илм ўрганади. "Шветашватара-упанишад" (6.18.)да шундай дейилган: *там ха девам аттма-буддхи-пракашам мумукиур вай шаранам ахам пратадие*, яъни - "Озодликка чиқишига интилаётган киши Худонинг Олий Шахсига сифиниши лозим". Илм олишнинг энг олий мақсади ҳақида ведаларда шундай дейилган: *там эва видитвати мритийум эти* - "Факат Ҳунианглаб олиш билангина туғилиб-ўлишлар чархпалагидан қутулиш мумкин" ("Шветашватара-упанишад" 3.8).

Парвардигор Олий Ҳукмдор сифатида ҳар кимнинг қалбида ҳам мавжуд. Унинг кўл, оёқлари ҳар ерда мавжуд, лекин алоҳида тирик мавжудот ҳақида бундай деб бўлмайди. Шунинг учун фаолият майдонини билувчи икки зотнинг - Олий Рух ҳамда алоҳида тирик мавжудотнинг мавжудлигини тан олиш керак. Алоҳида тирик мавжудотнинг оёқ ва кўллари бир жойда жойлашган, Олий Рухнинг қўл-оёқлари эса ҳамма ерда мавжуд. "Шветашватара-упанишад"(3.17)да айтилганки, *сарвасия прабхум ишанам сарвасия шаранам брихат*. Худои Таоло, Олий Рух - Прабху, барча тирик мавжудотларнинг эгаси, хўжайини ва шунинг учун У - уларнинг энг охирги нажот маконидир. Шундай

қилиб, Олий Рух ва алохига рух бир-биридан ҳамиша фарқ қилишига ҳеч қандай шубҳа, гумон бўлиши мумкин эмас.

*19. ити киетрам татха джананам джнейам чоктам самасатаҳ  
мад-бҳакта этад виджнайа мад-бҳавайопападийате*

**Шундай қилиб, Мен сенга фаолият майдони(тана), илм ва билиш объекти ҳакида қисқача гапириб бердим. Фақат Менинг содикларим буни охиригача тушуна оладилар, шу тарзда улар Менинг табиатимга эга бўладилар.**

Изоҳ: Парвардигор Аржунга моддий тана, илм ва билиш керак бўлган нарса ҳакида қисқача гапириб берди. Худои Таоло таърифлаган илм уч таркибий қисмдан иборат: билувчи, билиш керак бўлган нарса ва билиш жараёни. Буларнинг ҳаммаси биргаликда *виг'ана*, яъни "ўрганиш илми" деб аталади. Фақат Худонинг содик хизматкорлари-гина бевосита мукаммал илмга эга бўлишлари мумкин. Бошқалар бунга қодир эмас. Монистларнинг айтишига кўра, илмнинг бу уч таркибий қисми охир-оқибатда бирга кўшилиб кетади, лекин содиклар буни инкор этадилар. Билиш ва билиш жараёни - Кришна онгида ўзликни англаб етишни билдиради. Ҳозир биз ўз фаолиятимизда моддий онг раҳбарлиги остида ҳаракат қиласиз, лекин, биз онгимизни Кришна-нинг кароматларида мужассам килганимизда ва Кришна - бутун борлиқнинг ўзи, манбай эканини англаб етганимизда, биз ҳақиқий илмга эга бўламиз. Бошқача қилиб айтганда, билим - Худога садоқат билан хизмат қилиш илмига эга бўлишнинг биринчи погонасиdir. Буларнинг ҳаммаси "Бҳагавад-гита"нинг ўн бешинчи бобида батафсил тушунтирилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бу бобнинг олтинчига шеърларида, *маҳа-бҳутани* иборасидан бошлаб, то *четана дхритих* сўзигача Парвардигор Кришна моддий унсурларни ва ҳаётнинг баъзи аломатларини таърифлайди. Уларнинг барчаси биргаликда фаолият майдонини ташкил этади. Саккизинч шеърдан то ўн иккинчи шеъргача, *аманитвам* иборасидан, то *таттва-джсанарта-даришанам* сўзигача, фаолият майдонини билувчи икки зот - Олий Рух ва алохига рухни англаб етиш имконини берувчи билиш жараёни таърифланган. Кейин ўн учинч шеърдан ўн саккизинч шеъргача, *анади мат-парам* иборасидан то *хриди сарвасія виштхитам* иборасигача рух ва Худои Таоло, яъни Олий Рух таърифланган.

Шундай қилиб, Парвардигор Кришна уч нарсани таърифлаб берди: фаолият майдони(тана), билиш жараёни, ва рух билан Олий Рухни. Бу ерда алохига таъкидлаб ўтилганки, буларнинг ҳаммасини фақат Худонинг соғ содик хизматкорларигина англай оладилар. Ана шундай содиклар "Бҳагавад-гита"ни ўрганишдан рухий юксалиш йўлида чек-

сиз манфаат кўрадилар ва ҳаётда олий мақсадга - Худонинг Олий Шахси, Кришнанинг табиатига эришадилар. Бошқача қилиб айтганда, факат Худонинг содик хизматкорларигина "Бхагавад-гита"нинг маҳфий сирини тушуниб, ундан фойдаланиб исталган натижага эриша оладилар.

*20. пракритим пурушам чайва виддхй анади убхав апи  
викарами ч гунами чайва виддхи пракрити-самбхаван*

**Билсанг, моддий табиат ва тирик мавжудотларнинг бошланиши йўқ. Бу ерда содир бўлаётган барча ўзгаришларнинг сабабчиси ва моддий гуналарнинг манбаи - моддий табиатдир.**

Изоҳ: Бу бобда нозил қилинаётган билимни эгаллаб, биз тана(фаолият майдони)нинг ва танани билувчилар(алоҳида рух ва Олий Рух)нинг табиатини тушуниб оламиз. Тана - моддий унсурлардан таркиб топган фаолият майдони. Танага қамалган ва унинг фаолияти билан лаззатланадиган алоҳида рух - *пуруша*, тирик мавжудот, фаолият майдонини билувчилардан биридир. Майдонни биладиган яна бир Зот - Олий Рух ҳисобланади. Олий Рух ҳам, алоҳида тирик мавжудот ҳам Худонинг Олий Шахсининг ҳар хил намоён бўлган кўринишлари эканини тушуниш керак. Тирик мавжудот Худои Таолонинг кувватларидан биридир, Олий Рух эса - Унинг шахсий экспансияси.

Моддий табиат ҳам, тирик мавжудот ҳам мангудир. Бу демак, улар моддий олам яралмасдан аввал ҳам мавжуд эдилар. Моддий олам ҳам, тирик мавжудотлар сингари Парвардигорнинг кувватидан яратилади, лекин тирик мавжудотлар Худои Таолонинг олий кувватига мансубдирлар. Тирик мавжудотлар ҳам, моддий табиат ҳам моддий коинот яралмасидан аввал мавжуд эдилар. Моддий табиат Худонинг Олий Шахси, Маха-Вишнунинг танасида жойлашган эди, зарурат пайдо бўлганида, у маҳат-таттва ёрдамида намоён бўлди. Тирик мавжудотлар ҳам Маха-Вишнунинг танаси ичиде эдилар. Ўзларининг шартланган табиатига кўра улар Худои Таолога хизмат қилишни истамадилар, шу сабабли, руҳий олам сайёralарига кўтарилиш имкониятидан маҳрум бўлгандилар. Моддий табиат намоён бўлган холатга ўтганида, шартланган тирик мавжудотлар, руҳий оламга қайтишга тайёрланиш учун, яна моддий оламда ҳаракат қилиш, фаолият кўрсатиш имкониятига эга бўлдилар. Моддий олам яратилишининг сири мана шундан иборат. Тирик мавжудот азалдан Худои Таолонинг ажралмас руҳий зарраси ҳисобланади, аммо, Унинг амрига қарши чиқиб, моддий табиат хукмрон бўлган салтанатга тушиб қолади ва шартланган шароитларда фаолият кўрсатишга мажбур бўлади. Қандай қилиб Худои Таолонинг ажралмас заррачаси бўлган тирик мавжудот моддий табиат билан аралашиб, моддий оламга тушиб қолганини билиш унчалик катта

аҳамиятга эга эмас. Лекин, Худонинг Олий Шахсига бу нарса қачон ва нима сабабдан рўй бергани маълум. Муқаддас китобларда Парвардигор айтадики, моддий табиатга махлиё бўлиб, тирик мавжудотлар тириклилик учун қаттиқ кураш олиб борадилар. "Бҳагавад-гита"нинг мазкур шеърларидан биз шуни аниқлаб олишимиз лозимки, моддий табиатдаги табиатнинг уч гунаси таъсирида рўй берадиган ўзгаришларнинг барчасига моддий табиатнинг ўзи сабабчи. Бошқача қилиб айтганда, тирик мавжудотлар дуч келадиган барча ўзгаришларни ва хилма-хил хаёт турларининг барчасини моддий тана келтириб чиқаради. Унинг ичидаги рух эса, барча тирик мавжудотларда бир хил илохий табиатта эга.

#### *21. карға-карана-картритве хетуҳ пракритир учайате пуршиаҳ сукха-духханам бхоктритве хетур учайате*

**Табиат - барча моддий сабаб ва оқибатларнинг азалий сабабчиси, тирик мавжудот эса, - моддий оламда ўзи дучор бўладиган барча қувонч ва мусибатларнинг сабабчисидир.**

Изоҳ: Тирик мавжудотларни ҳар хил тана ва сезги аъзолари билан моддий табиат таъминлайди. Оламда 8.400.000 ҳаёт тури мавжуд, ва ана шу ранг-барангликнинг ҳаммасини моддий табиат яратган. Тирик мавжудот моддий лаззатнинг у ёки бу турини татиб кўришга интилади ва интилишига мос келадиган таналардан бирига эга бўлади. Ҳар хил кўринишдаги таналарга эга бўлиб, у турли хил лаззат ва азобларни татиб кўради. Моддий оламдаги лаззат ва мусибатларнинг манбаи тирик мавжудотнинг ўзи эмас, унинг моддий танасидир. Ўзининг азалий, бошлангич ҳолатида тирик мавжудот тўла баҳтиёр. Бошқача қилиб айтганда, илм, лаззатга тўла баҳтиёр ҳолатда бўлиш - тирик мавжудотнинг табиий ҳолатидир. Лекин, моддий табиат устидан ҳукмронлик қилиш истаги уни моддий оламга олиб тушади. Руҳий оламда тирик мавжудот ўзининг бундай истагини амалга ошириш имконига эга эмас. Руҳий олам пок, моддий оламда эса, ҳар бир тирик мавжудот иложи борича кўпроқ моддий лаззат олишга интилади. Аникроқ бўлиши учун таъкидлаб ўтиш мумкинки, тирик мавжудотнинг хиссий лаззатланиш истаги унинг шу лаззатга мос танасини юзага келтиради, сезги аъзолари эса - тирик мавжудотнинг истагини амалга ошириш қуролларидир. Булар иккисини - танани ҳам, сезги аъзоларини ҳам биз моддий табиатдан оламиз. Кейинги шеърдан маълум бўладики, биз аввалги хаётимизда қилган ишларимизга яраша ҳаётнинг яхши ёки ёмон шароитларига тушиб қоламиз. Тирик мавжудотларнинг истаклари ва кармагига караб, моддий табиат уларни у ёки бу турдаги тана билан таъминлайди. Қандай тана олишига тирик мавжудотнинг ўзи сабабчи бўлади, ва шу тана ичидаги юриб, ўзига тайёрланган лаззат ва мусибатларни бо-

шидан кечиради. Тана олгандан кейин тирик мавжудот моддий табиат ҳукми остида бўлади, чунки тана моддий унсурлардан таркиб топгани учун моддий табиат қонунларига бўйсунади. Тирик мавжудот бу қонунларни ўзgartиришга қодир эмас. Масалан, тирик мавжудот итнинг танасига эга бўлди, дейлик. Шу тана ичидаги бўла туриб, тирик мавжудот итга ўхшаб ҳаракат қилишга мажбур бўлади. У бошқача ҳаракат қила олмайди. Ёки, тирик мавжудот чўчқанинг танасига эга бўлса, у ҳар хил ахлатлар билан озиқланишига ва чўчқалар қиласидан ҳамма ҳаракатларни қилишга мажбур бўлади. Агар тирик мавжудот фаришта танасига эга бўлса, у фаришталардай ҳаракат қилишга мажбур бўлади. Табиат қонунлари шундай. Лекин ҳар қандай ҳолат ва шароитларда ҳам Олий Рух алоҳида рух билан бирга тана ичидаги қолаверади. Ведаларда бу ҳақда шундай дейилган: (Мундака-упанишад, 3.1.1.) *два супарна сайуджа сакхайа०* "Худои Таоло тирик мавжудотга шу қадар меҳрибонки, у Олий Рух, Параматма қиёфасида ҳамиша, ҳар ерда унга ҳамроҳ бўлиб юради".

*22. пуруша० пракрити-стхо хи бхункте пракрити-джсан гунан  
каранам гуна-санго "сия сад-асад-йони-джсанмасу"*

**Моддий оламга тушиб қолган тирик мавжудот шу тарзда ҳаёт кечиради ва табиатнинг уч гунаси таъсири остида лаззатланади. У модда билан бирикади, натижада ҳаётнинг турли шаклларида яхшилик ва ёмонликка дуч келади.**

Изоҳ: Бу жуда муҳим шеър. Ундан биз тирик мавжудотнинг қандай қилиб бир танадан иккинчи танага ўтиб юришини билиб оламиз. "Бҳагавад-гита"нинг иккинчи бобида, "тирик мавжудот таналари ни худди кийим алмаштиргандай алмаштиради", деб айтилган эди. Бунга сабаб унинг моддий ҳаётга боғланиб қолганидир. Токи тирик мавжудот бу ўткинчи, ёлғончи дунёда тирикчилик қилишдан безор бўлмас экан, у бир танадан иккинчи танага ўтиб юришга мажбур. У ўзининг бундай ачинарли ҳолатига моддий табиат устидан хукмронлик қилишга интилиши сабабли тушиб қолган. Тирик мавжудотнинг моддий истаклари уни гоҳида фаришта, гоҳида одам, гоҳида ҳайвон, куш,чувалчанг, балиқ, ҳашарот, баъзида такводор, баъзида гуноҳкор танасида туғилишга мажбур қиласиди. Ҳар гал тирик мавжудот, гарчи ҳамиша моддий табиат қонунлари ҳукми остида бўлса ҳам, "ўзимнинг тақдиримни ўзим яратаман" деб ўйлади.

Бу ерда қандай қилиб тирик мавжудот ҳар хил таналарга тушиб қолиши тушунтирилган. Бунга сабаб - унинг моддий табиатнинг ҳар хил гуналари таъсири остида бўлишидир. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, инсон моддий табиат гуналари таъсиридан юкори кўтарилиб, илоҳий, руҳий погонага кўтарилиши лозим. Ана шу Худои

Таолони, Кришнани англаш, яни Кришна онгига бўлиш деб аталади. Токи инсон қалбida Кришна онгини ривожлантиримас экан, моддий онг уни бир танадан иккинчи танага кўчib юришга мажбур қилаверади. У қалбida шунча умрлардан бери сакланиб келаётган моддий орзуистакларга интилиб, моддий табиат хукми билан бир танадан иккинчи танага ўтиб юраверади. Шунинг учун тирик мавжудот ўзининг моддий истакларга тўлиб ётган онггини ўзгартириши лозим. Факат руҳий илмга эга одамларни тинглаш билан бунга эришиш мумкин. Аржун бунга яққол мисол бўла олади - у Худо ҳакидаги илмни Парвардигор Кришнанинг Ўзидан эшигтан эди. Ишонарли манбалардан ҳақиқат илмини тинглаша натижасида инсон аста-секин моддий табиатга ҳукмронлик қилиш истагидан халос бўлиши мумкин ва ана шу истакнинг кучи камая бориши билан, у илоҳий, руҳий лаззатнинг мазасини тобора яққолроқ сеза бошлайди. Ведавий мантраларнинг бирида айтиладики, Худонинг Олий Шахси билан мулоқотда бўлиш натижасида инсон аста-секин илмга эга бўлиш билан бирга мангу руҳий ҳаёт лаззатидан тобора кўпроқ баҳраманд бўла боради.

*23. упадраштануманта ча бхарта бхокта маҳеишвараҳ  
параматмети чапи укто дехе “смин пурушаҳ параш*

**Бу тана ичиди бошқа, илоҳий, лаззатланувчи ҳам мавжуд. У - “Олий Рух” деб аталадиган, тирик мавжудотнинг ишларини кузатиб турадиган, унинг барча ҳаракатларига рухсат берадиган Олий Ҳукмдор, Парвардигордир.**

Изоҳ: Бу ерда айтилганки, ҳамиша тирик мавжудотга ҳамроҳ бўлиб юрадиган Олий Рух - Худои Таолонинг намоён бўлган кўринишидир. Олий Рухни оддий тирик мавжудот деб ҳисобламаслик керак. Монизм фалсафаси тарафдорлари танани билувчи фақат битта зот бор, деб ҳисоблагани учун, улар Олий Рухни тирик мавжудот билан бир деб биладилар. Бунга аниқлик киритиш учун Парвардигор таъкидлаб айтияптики, У Олий Рух кўринишида ҳар кимнинг танасида мавжуд. У *пара*, трансцендент ва у алоҳида шартланган руҳдан фарқ қиласи. Алоҳида шартланган руҳ ўз танасининг фаолиятидан лаззатланади, Параматма кўринишидаги Худои Таоло эса, чекланган лаззатланувчи эмас ва У алоҳида тананинг фаолиятига дахлдор ҳам эмас. Олий Рух танада гувоҳ сифатида иштирок этади ҳамда тирик мавжудотнинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб туради ва уларга рухсат беради. Олий Рухни *атма* деб эмас, *Параматма* деб атайдилар ва У трансцендент, илоҳийдир. Параматма билан атма бир биридан фарқ қилиши яққол кўриниб турибди. Параматманинг оёқ ва кўллари ҳамма ерда мавжуд. Алоҳида тирик мавжудот ҳақида бундай деб бўлмайди. Параматма - Худои Таолонинг Ўзи бўлгани сабабли, моддий лаззатларга

интилиб юрган тирик мавжудотнинг истакларини амалга ошириш учун унинг қалбида ҳам мавжуд. Олий Рухнинг руҳсатисиз тирик мавжудот ҳеч нарсага қодир эмас. Алохида тирик мавжудотни *бхукта*, яъни "қарам", деб, Олий Рух эса - *бхокта*, яъни "хукмдор", "ғамхўрлик килувчи" деб атайдилар. Тирик мавжудотлар сон-саноқсиз ва Парвардигор уларнинг энг яқин дўсти сифатида ҳар бирининг қалбида мавжуд.

Аслида ҳар бир тирик мавжудот Худои Таолонинг мангубажралмас заррачалидир ва уларни бузилмас дўстлик ришталари ўзаро боғлаб туради. Лекин тирик мавжудот Худои Таолонинг амрини тан олмасдан, моддий табиатга хукмонлик қилиб, мустақил ҳаракат қилишга интилади. Тирик мавжудотларнинг ана шундай хусусияти учун уларни Худои Таолонинг "оралиқ қуввати" деб атайдилар. Тирик мавжудот ўз хоҳиши билан ё моддий қувват хукм сурган, ёки руҳий қувват хукм сурдиган салтанатда бўлиши мумкин. Тирик мавжудот моддий қувват хукм сурган моддий оламда юришга мажбур экан, Олий Рух кўринишида, унинг руҳий салтанатга қайтишига ёрдамлашиш ниятида Парвардигор ҳамиша у билан бирга ҳамроҳ бўлиб юради. Парвардигор ҳамиша тирик мавжудотларни руҳий оламга, Ўзининг даргохига қайтаришга ҳаракат қиласи, аммо маълум даражада мустақилликка эга бўлган тирик мавжудот ўжарлик билан руҳий ҳаётдан, руҳий нурдан юз ўгираверади. Ўз мустақиллигини ана шундай сущистемол қилиш натижасида тирик мавжудот моддий оламда тирикчилик учун азобуқубатга тўла кураш олиб боради. Шу боис Парвардигор унга ҳамиша - ҳам қалбида туриб, ҳам ташкаридан кўрсатмалар, насиҳатлар беришга ҳаракат қиласи. Ташкаридан Худои Таоло "Бҳагавад-гита"даги насиҳатларни беради, қалбида туриб эса, тирик мавжудотни моддий оламдаги ҳеч қандай фаолият унга ҳакиқий баҳт олиб келмаслигига ишонтиришга ҳаракат қиласи. "Ҳамма нарсани тарқ эт, - дейди унга Парвардигор, - Менга ишон, ўз ихтиёрингни Менга топшири. Шунда сен баҳтили бўласан!" Шунинг учун Олий Рухга, Параматмага, Худонинг Олий Шахсига ишонган, етарли фаросатга эга, иймон-эътиқодли кишилар илм ва лазатга тўла мангубаҳётга олиб борадиган ёруғ йўлга кирадилар.

#### *24. йа эвам ветти пурушам пракритим ча гунаиҳ саха сарватха вартамано "ни на са бхую "бхиджайате*

**Моддий табиат, тирик мавжудот ва табиат гуналарининг ўзаро ҳаракатлари ҳақидаги бу илмни тушунган киши, албатта, озодликка эришади. У ҳозир ҳаётда қандай ҳолатда бўлишидан қатъий назар, моддий оламда бошқа туғилмайди.**

Изоҳ: Моддий табиатни, Олий Рухни, алоҳида рухни ва уларнинг ўзаро муносабатларини тушуниб етган киши моддий тутқунликдан халос бўлади ва ҳеч качон бу моддий оламга қайтиб келмаслик учун мангу рухий оламга эришади. Ҳақиқий илм ўрганишнинг натижаси ана шундай бўлади. Илм олишнинг мақсади - тирик мавжудотнинг бу моддий оламга тасодифан, адашиб, қандай тушиб қолганини аниқлаш, англаб етиш. Шунинг учун фаросатли одам ишонарли рухий устозлар, авлиё одамлар ва гуру билан ҳамсуҳбат бўлиш, ёки "Асл ҳолидаги Бҳагавад-гита"ни ўрганиш ёрдамида ўзининг ҳақиқий ҳолатини билиб олиш ва қалбида ҳақиқий рухий онгни, яъни Кришна онгини ривожлантириш учун қўлидан келганча ҳаракат қилиши лозим. Шунда у азоб-уқубатларга тўла бу моддий оламда қайтиб туғилмайди, илм ва лаззатга тўла мангу ҳаёт ҳукм сурадиган рухий оламга, Худонинг даргоҳига эришади.

*25. дхйаненатмани пашйанти кечид атманам атмана  
ание санкхъена йогена карма-йогена чапаре*

**Бировлар муроқаба билан шугулланиб, бошқалар - фалсафий фикрлашлар ёрдамида, яна бировлар - ўз меҳнатининг натижалигига боғланмасдан ҳаракат қилиш ёрдамида қалбидаги Олий Рухни англаб етадилар.**

Изоҳ: Парвардигор Кришна Аржунга айтяптики, барча шартланган рухларни уларнинг рухий ўзликни англашга муносабатига қараб икки тоифага бўлиш мумкин. Атеистлар, агностиклар(оламни билиш мумкинлигига ишонмайдиган) ва скептиклар(ҳар нарсага шубҳа-гумон билан қарайдиганлар) рух ҳакида ҳеч қандай илмга эга эмаслар. Улардан бошқа тоифа одамлар ҳам бор, улар - рухий ҳаётнинг мавжудлигига тўлик ишонадиган, иймонли, такводор одамлардир. Муроқаба билан шугулланиб юрганлар, рухни англаб етган файласуфлар ва ўз меҳнатининг натижасига боғланмай, таркидунё қилган одамлар шулар тоифасига киради. Монизм фалсафасининг ашаддий издошлари ҳам атеист ва агностиклар тоифасига киради.

Худонинг содик хизматкорлари рухнинг табиатини ҳаммадан ҳам яхши тушунадилар, чунки улар бу моддий оламдан бошқа рухий оламнинг, Худои Таолонинг мавжудлигини, Параматма кўринишида Худои Таоло ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида ҳам мавжуд эканини тушуниб етган одамлардир. Албатта, баъзи бир одамлар Худонинг Олий Шахсини фалсафий изланишлар ёрдамида англаб етишга уринадилар. Уларни ҳам Худонинг мавжудлигига ишонадиган иймонли одамлар тоифасига мансуб деб хисоблаш лозим. Санкйа фалсафасининг издошлари моддий оламни таҳлил қилиб, йигирма тўрт унсурни ўрганадилар, алоҳида рухни эса “йигирма бешинчи унсур” деб

хисоблайдилар. Улар ҳам руҳдан устун турадиган, “йигирма олтинчи унсур” хисобланадиган Худо Шахси мавжуд эканини тушуна бошлайдилар. Шу тариқа улар ҳам аста-секин Худои Таолога Кришна онгидаги садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтариладилар. Ўз меҳнатининг натижаларидан воз кечадиган кишилар ҳам, тўғри йўлдаги одамлардир, улар ҳам вақти келиб Кришна онгидаги Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтариладилар.

Шундай қилиб, бу ерда муроқаба жараённида қалбидаги Олий Рухни англаб этишга ҳаракат қилаётган соф онгли одамлар ҳақида гап боряпти. Ана шу мақсадга етгандан кейин, улар илохий даражага эришадилар. Яна бирорлар фалсафий фикрлашлар ёрдамида Олий Рухни англаб олишга ҳаракат қиласидилар, учинчى тоифадагилар эса, хатхайога билан шуғуланиб, ўзларининг ёш болаларникдай эрмаклари билан Худонинг Олий Шахсини мамнун қилишга умид боғлайдилар.

*26. аниё тв эвам аджсанатаҳ шрутвангебхий упасате  
те “ни чатитаранти эва мритийум шрути-парайанаҳ*

**Шундай одамлар ҳам борки, руҳий эга бўлмасалар ҳам, бошқалардан эшишиб, Парвардигорга, Худои Таолога сифина бошлайдилар. Ҳақиқий устозларга бўлган чуқур ишонч-эътиқоди шарофати билан улар ҳам туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан озодликка чиқадилар.**

Изоҳ: Бу ерда айтилган гаплар биринчи навбатда ҳозирги замона-вий жамият одамларига тааллуқли, чунки ҳозирги одамлар руҳий илм олиш имкониятидан умуман маҳрум. Ҳатто ўзларини атеист, агностик ёки файласуф деб хисоблайдиган кишилар ҳам, аслида фалсафа нима эканини билмайдилар. Аммо, агар етарли даражада виждони пок бўлса, оддий одамлар ҳам Худо ҳақидаги гапларни табаррук, авлиё одамлардан тинглаш натижасида руҳий илмга эга бўлишлари мумкин. Бу усул жуда муҳим. Бизнинг давримизда Худони англаш илмини кенг тарғибот қилган Худованд Чайтанйа “Худои Таоло ҳақидаги ҳикояларни тинглаш” усулига жуда катта эътибор берган, чунки фақат тинглаш натижасида оддий одамлар ҳам руҳий камолотга эришишлари мумкин, айниқса, агар улар Худованд Чайтанйа ўргатганидай ҳамиша Ҳаре Кришна мантрасини зикр қилиб ва тинглаб юрсалар: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Шунинг учун ҳар бир одам, албаттага, руҳий ўзлигини англаб етган кишидан руҳий илм сирларини ўрганиб олиши лозим. Шунда унга вақти келиб Худои Таоло, руҳий олам ҳақида ҳамма нарса аён бўлади. Шунда у, албаттага, Худои Таолога чуқур иймон билан сифиниб, хизмат қила бошлайди. Худованд Чайтанйа айтиб кетганки, ҳозирги даврда руҳий ўзлигини англаш учун киши жамият-

даги ҳолатини ўзгартиришининг ҳожати йўқ, лекин у Мутлақ Ҳақиқатни фалсафий фикрлашлар ёрдамида англаб олишга интилишни тарк этиши, Худои Таолони англаб етган одамларга хизмат килиши лозим. Агар одам омади келиб ҳаёт йўлида Худонинг соф содик хизматкорининг паноҳига кириб, ундан ўзликни англаш илмини ўрганиш насиб этса, унинг ўзи ҳам вақти келиб Худонинг соф содиклари дараҷасига эришади. Бу ерда Парвардигор Кришна ишонарли руҳий устоздан илм ўрганишни қатъий насиҳат киляпти, бу жуда мухим. Гарчи оддий одамлар, ўзларини файласуф деб ҳисоблайдиган кишилар сингари қобилиятга эга бўлмаса ҳам, табаррук авлиё одамларнинг гапларига чуқур ишонч билан кулоқ солиб, уларнинг насиҳатларига жиддий амал қилиб юрсалар, моддий олам тутқунилигидан озод бўлиб, Худонинг даргоҳига эришадилар.

*27. йават санджайате кинчит саттвам стхавара-джангамам  
кишетра-кишетраджна-самйогат тад видҳи бхаратарашбаха*

**Эй Бхаратлар сардори, билсанг, бу дунёдаги қўзғалувчан ва қўзғалмас нарсаларнинг ҳаммаси “фаолият майдони” билан “майдонни билувчи”нинг бирикмасидан бошқа ҳеч нарса эмас.**

Изоҳ: Бу ерда олам яралишидан аввал ҳам мавжуд бўлган моддий табиат ва тирик мавжудот ҳақида гап боради. Бутун борлиқ икки унсурдан: тирик мавжудот ва моддий табиатдан иборат. Оламда қўзғалмас зотлар кўп: дарахтлар, тепаликлар ва тоғлар. Қўзғалувчан тирик мавжудотлар ҳам улардан кам эмас, лекин уларнинг барчаси тирик мавжудот билан моддий табиатнинг, яъни олий табиат билан кўйи табиатнинг бирикмасидан иборат. Агар олий табиат, яъни тирик мавжудот ҳаракатга келтирмаса, модда ўзидан-ўзи ҳаракат қилишга кодир бўлмайди. Моддий ва олий табиатнинг ўзаро алоқаси ҳамиша мавжуд бўлиб келган, уни Худои Таолонинг Ўзи ўрнатган. Шунинг учун Худои Таоло олий қувватнинг ҳам, қуий қувватнинг ҳам Ҳукмдори ҳисобланади. Моддий табиатни яратиб, Худои Таоло унинг ичига олий қувватга мансуб бўлган тирик мавжудотларни жойлаб қўяди, натижада моддий оламда сон-саноқсиз мавжудотлар юзага келиб, моддий табиатнинг, оламнинг фаолияти бошланади.

*28. самам сарвешу бхутешу тишшхантам парамешварам  
винашшайтсия авинашшайтам йаҳ пашияти са пашияти*

**Ҳар бир танада Олий Рух алоҳида руҳга ҳамроҳ эканини қўра билган, гарчи ҳалокатга маҳқум тана ичига тушиб қолган бўлса ҳам, алоҳида рух ва Олий Рух ҳеч қачон ҳалок бўлмаслигини тушунган одам ҳаётни тўғри тушунган кишидир.**

Изоҳ: Табаррук авлиё одамлар, руҳий устозлар билан бўладиган сұхбатлар натижасида тирик мавжудот аслида - моддий тана ва унинг эгаси бўлган шартланган руҳ ҳамда Олий Рухнинг биримаси, эканини англай олиш қобилиятига эга бўлган киши ҳақиқий илм эгасидир. Бунга факат руҳий илмга эга одамлар билан ҳамсұхбат бўлиш натижасидагина эришиш мумкин. Ана шундай сұхбатдан маҳрум кишилар фафлат ботқоғига ботган одамлар ҳисобланади: улар моддий танадан бошка нарсани кўра олмайдилар ва “тана ҳалок бўлиши билан ҳаёт тўхтайди”, деб ўйладилар. Аслида ундан эмас. Тана ҳалокатга учрагандан кейин алоҳида руҳ билан Олий Руҳ қўзғалувчан ёки қўзғалмас турдаги бошка бир танага ўтиб, яшашда давом этаверадилар. Санскритча *парамешвара* иборасини баъзан “алоҳида руҳ” деб таржима қиласидилар, чунки руҳ ўзининг танасига ҳукмронлик қиласди, танаси ҳалокатга учраганда эса, бошка танага ўтади. Шу жиҳатдан у тананинг хўжайини ҳисобланади. Лекин баъзи олимлар *парамешвара* ибораси Олий Рухни билдиради, деб ҳисоблайдилар. Қандай бўлганда ҳам, тана ҳалок бўлгандан кейин руҳ билан Олий Рухнинг ҳаёти давом этаверади. Улар ҳалок бўлмайдилар. Ана шуни англаб етган киши ҳақиқатни англаб етган кишидир.

*29. самам пашиан хи сарватра самавастхитам ишварам  
на хинасти атманатманам тато йати парам гатим*

**Олий Рухнинг ҳамма ерда, ҳар бир тирик мавжудот ичида мавжуд эканини кўра билган киши моддий ақлининг руҳий ўзлигини ҳалок қилишига йўл қўймайди. Шундай одам охир-оқибатда руҳий оламга эришади.**

Изоҳ: Моддий оламга келиб, алоҳида руҳ ўзининг руҳий оламдаги ҳолатини йўқотади. Аммо, Худои Таоло Олий Руҳ қўринишида ҳар ерда мавжуд эканини тушунган, яъни Худонинг Олий Шахсини ҳар бир тирик мавжудот қалбида кўра олган киши моддий ақлининг салбий таъсирига берилмайди, вақти келиб, албатта, руҳий оламга, Худонинг даргоҳига қайтиб, ўзининг аввалги ҳолатини қайта тиклайди. Ақл ҳамиша ҳиссий лаззатланишга интилади, лекин агар уни биз Олий Руҳда мужассам қила олсак, биз руҳий юксалишда муваффакиятга эришамиз.

*30. пракритиаива ча кармани крийаманани сарвашаҳ  
йаҳ пашиати татхатманам акартарам са пашиати*

**Барча ҳаракатларни аслида моддий табиат яратган тана бажариб турганини, руҳ эса ҳаракатсиз эканини кўра билган киши ҳаёт ҳакида мукаммал тасаввурга эга.**

Изоҳ: Бизнинг танамизни Олий Рухнинг кўрсатмасига биноан моддий табиат яратган ва барча ҳаракатларни биз ўзимиз эмас, танамиз бажаради. Қилаётган ишлари қандай натижага олиб келмасин - яхшими, ёмонми - инсон ўзига яратилган шароитга қараб иш тутишга мажбур, чунки унинг танаси шундай тузилган. Аммо рух, танаси қилаётган ишларга алокадор эмас. Тирик мавжудот танасининг шакли унинг аввалги истакларига қараб белгиланади. Тирик мавжудот ўз истакларини амалга ошира олиши учун шунга мос тана билан таъминланади. Аслида тана - бизга ўз истакларимизни амалга оширишда ёрдам бериш учун Худои Таоло яратиб кўйган механизmdir. Истаклар чангалига тушиб қолиб, бизлар ўзларимиз учун табиий бўлмаган ноқулай шароитларга тушиб қоламиз ва ҳаётда гоҳида лаззатланамиз, гоҳида мусибат чекамиз. Ҳаётни ана шундай назар билан кўра олиш инсонга тананинг фаолиятидан четланишга ва ҳамма нарсани Ҳақиқат кўзи билан кўришга ёрдам беради.

*31. йада бхута-притхаг-бхавам эка-стхам анупашайати  
тата эва ча вистараам брахма сампадайате тада*

**Ҳар хил моддий таналар ичига тушиб қолган тирик мавжудотларни бир-биридан ажратмай қўра бошлаган, улар ҳамма ерда мавжуд эканини тушуна бошлаган киши Брахманга эришади.**

Изоҳ: Тирик мавжудот мужассам бўлган турли тоифадаги таналар аслида алохида рухнинг ҳар хил орзу-истаклари натижаси эканини, аслида тананинг ҳақиқий эгаси рух эмаслигини билган киши ҳақиқатни англаб етган кишидир. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлиш бизни - бир тирик мавжудотни фаришта, бошқа бир тирик мавжудотни одам, яна бирини - ит, мушук деб ҳисоблашга мажбур қиласди. Бу - ҳаётдаги нарсаларнинг асл табиатига, яъни ҳақиқатга тўғри келмайдиган, ҳаёт ҳақидаги нотўғри тасаввурдир. Бундай тушунчалар ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурга асосланган тушунчалардир. Барча алохида рухлар сифат жихатдан бир хил, уларнинг ҳақиқий сифати моддий тана ҳалок бўлганда намоён бўлади. Факат моддий табиат билан аралашгани сабаблигина, шартланган рух ҳар хил моддий таналарга эга бўлади. Ана шу ҳақиқатни англаб етган киши ҳаётга руҳий назар билан қарайдиган киши ҳисобланади. Тирик мавжудотларни одамлар ва ҳайвонларга, катта-кичик ва ҳоказоларга ажратишни тарқ этиб, инсон ўзининг онгини поклайди, натижада қалбida Кришна онгини ривожлантириш ва ўзининг руҳий табиатини англаш қобилиятига эга бўлади. Шундай одам ҳаётга қандай кўз билан қараши кейинги шеърда таърифланади.

*32. анадитван ниргунатвам параматмайам авйайах*

*шарира-стхо “ни каунтейа на кароти на липпяте*

**Мангуликни кўра билганлар ўлмас руҳ - моддий табиат гуналарига бўйсунмайдиган, илохий, мангур, зот эканини кўра оладилар. О Аржун, ҳатто моддий тана ичига жойланган бўлса ҳам, руҳ харакат қилмайди, харакатининг оқибатларига боғланиб қолмайди.**

Изоҳ: Моддий тана туғилгани сабабли, тирик мавжудот ҳам дунёга келгандай, туғилгандай бўлиб туюлади. Лекин, аслида тирик мавжудот мангур. У, моддий тана ичида бўлгани билан туғилмайди, у - илохий, мангур табиатга эга. Шунинг учун уни яксон қилишнинг иложи йўқ. Ўзининг табиатига кўра, тирик мавжудот лаззатга тўла. У ҳеч қачон моддий фаолият билан машғул бўлмайди, шунинг учун ўзи мужассам бўлган моддий таналар қилган харакатларнинг оқибатлари уни боғлаб қўя олмайди.

*33. йатха сарва-гатам саушимйад акашам нопалиптиате  
сарватравастхито дехе татхатма нопалиптиате*

**Табиатан нафис бўлган эфир, гарчи ҳамма нарсага сингиб кетган бўлса ҳам, ҳеч нарса билан қўшилиб кетмайди. Шунга ўхшаб руҳ ҳам, гарчи тананинг ичида бўлса-да, моддий тана билан боғланган эмас. Брахманинги англаб етган киши буни кўришга қодир.**

Изоҳ: Сувга, боткоққа, ахлатта ва бошқа нарсаларга сингиб кетгани билан эфир уларга қўшилиб кетмайди. Шунга ўхшаб, тирик мавжудот ҳам, гарчи ҳар хил таналар ичида бўлса-да, уларга боғланган эмас, чунки руҳнинг табиати умуман бошқа. Шунинг учун моддий кўзлар руҳ тананинг ичида бўлган пайтда ҳам, ажал етганда танадан чиқиб кетаётганида ҳам, тирик мавжудотни кўра олмайди. Буни ҳеч бир олим тажриба ёрдамида аниқлай олмайди.

*34. йатха пракашайати экаҳ қритсам локам имам равиҳ  
кинетрам киетри татхатма қритсам пракашайати бхарата*

**О Бхарат авлоди, худди биргина қуёш бутун коинотни ёритиб тургани сингари, тирик мавжудот ҳам бутун танани онг билан ёритиб туради.**

Изоҳ: Онгнинг табиатини таърифлайдиган жуда кўп назариялар, таълимотлар бор. "Бҳагавад-гита"нинг мазкур шеърида Кришна қуёш ва қуёш нурини мисол қилиб келтиради. Бир жойда туриб қуёш бутун коинотни ёритгани сингари, юракда жойлашган кичкина руҳий заррacha

ҳам, бутун танани онг билан ёритиб туради. Шундай қилиб, худди куннинг ёргулиги қүёшнинг осмондалигини билдиргани сингари, онг-нинг мавжудлиги танада рухнинг мавжудлигидан далолат беради. Рух танада мавжуд экан, бутун тана онг билан ёритилган бўлади, рух танани тарк этган заҳоти танадаги онг ҳам йўқолади. Озгина фаросати бўлган одам буни англаб етади. Демак, онг тана келтириб чиқарган нарса эмас, яъни онг модданинг хоссаси эмас. Онг - тирик мавжудотнинг, рухнинг ажралмас хоссаси, хусусиятидир. Сифат жиҳатдан олий онгдан фарқ қиласидиган тирик мавжудотнинг онги миқдор жиҳатдан Олий Онгга тенг эмас, чунки алоҳида рухнинг онги факат битта танага тарапади, ва бошқа таналарга ўта олмайди. Аммо, ҳар бир танада тирик мавжудотнинг дўсти сифатида мавжуд бўлган Олий Рух ҳар бир танада бўлиб турган жараёнлардан хабардор. Ана шу Олий Онг алоҳида тирик мавжудотнинг онгидан фарқ қиласиди.

*35. кишелтра-кишелтраджсайор эвам антарам джсана-чакишуша  
бхута-пракрити-могишам ча йе видур йанти те парам*

**Ҳаётга мукаммал илм кўзи билан қарайдиган, “тана” билан “танани билувчи” орасидаги фарқни кўра билган, моддий олам асирилигидан озодликка олиб чиқадиган йўлни топишга қодир киши ҳаётда олий мақсадга эришади.**

Изоҳ: Ўн учинчи бобнинг асосий мазмуни шундан иборатки, инсон ўзининг танаси, алоҳида рух ва Олий Рух(Худо) орасидаги фарқни англаб олиши лозим. Ана шу фарқни англаб, у саккизинчи ва ўн иккичи шеърларда берилган, шартланган рухни озодликка олиб чиқадиган йўлга кириши лозим. Шунда инсон ҳаётда энг олий мақсадга эриша олади.

Худога ишонадиган одам ҳаётда энг аввало табаррук авлиё одамларни излаши лозим. Уларнинг Худо ҳақида айтган гапларини тинглаб, у аста-секин илмга эга бўла боради. Рухий устозга мурожаат қилиб, у рух билан модданинг фарқини англаш қобилиятига эга бўлади, мана шу унинг рухий юксалиш йўлига киришига асос бўлади. Ўзининг шогирдларига насиҳат ва кўрсатмалар берар экан, рухий устоз уларга ҳаёт ҳақида моддий тасаввурлардан халос бўлишда ёрдам беради. "Бҳагавад-гита"да Парвардигор Кришна ҳаёт ҳақида моддий тасаввурлардан халос бўлишда Аржунга ёрдам бериш учун насиҳатлар беряпти.

Тананинг моддий унсурлардан таркиб топганини кўриш қийин эмас. Таҳлил қилиш ёрдамида танадаги йигирма тўрт унсурни ажратиш мумкин. Кўпол танадан бошқа нафис тана ҳам мавжуд: акл ва ақлий фаолият. Ҳаёт аломатлари кўпол ва нафис таналарнинг биргаликдаги ўзаро фаолияти натижасида юзага келади. Аммо буларнинг

хаммасининг устида алоҳида рух туради, алоҳида рухни эса Олий Рух бошқариб туради. Алоҳида рух Олий Руҳдан фарқ қиласи. Руҳнинг йигирма тўрт моддий унсур билан ўзаро алоқа қила бошлиши натижасида моддий олам ҳаракатга келади. Бутун моддий олам аслида руҳнинг моддий унсурлар билан бирикмаси эканини кўра билган, шунингдек, Олий Рух қандай ҳолатда эканини тушуна олган киши руҳий оламга қайтишга муносаб зот бўлади. Бу ерда келтирилган маълумотларни чуқур мулоҳаза юритиб англаб олиш лозим ва уларнинг ҳақиқат эканига ишонч ҳосил қилиш учун ҳар бир жиддий содиқ руҳий устоз ёрдамида бу бобнинг маъносини тўлиқ тушуниб олиши лозим.

*"Табиат, лаззатланувчи ва онг" деб аталган "Бҳагавад-гита"нинг ўн учинчи бобига Бҳактиведантанинг изоҳлари шундай яқунланади.*

## Үн түртинчи боб. Моддий табиатнинг уч гунаси

*1. иши бхагаван увача*

*парам бхуяҳ правакийами джсананам джсананам уттамам  
йадж джнатва мунайах сарве парам сиддхим ито гатаҳ*

**Худонинг Олий Шахси шундай деди:** Мана шу энг улуғвор илм,  
энг юксак донишмандликни Мен сенга яна бир бор баён этаман.  
Уни билган буюк донишмандларнинг барчаси камолотнинг энг  
юкори погонасига кўтарилигандар.

Изоҳ: Еттинчи бобдан ўн иккинчи бобгача, Кришна Аржунга  
Мутлақ Ҳақиқат, Худонинг Олий Шахси ҳақидаги илоҳий илмни баён  
этган эди. Энди эса, У Аржунга яна ҳам чукурроқ билим бермоқчи  
бўляпти. Бу бобнинг мазмунини ўрганиб, уни фалсафий фикрлаш ёр-  
дамида англаб олган инсон Худои Таолога садоқат билан хизмат  
қилишининг мазмун-моҳиятини, маъносини тушуниб олади. Ўн учинчи  
бобда, қалбida камтариликни ривожлантириш ва ҳақиқий илм ёрда-  
мида инсон моддий тутқунликдан озодликка чиқиш имкониятига эга  
бўлиши ҳақида гапирилган эди. У ерда яна, тирик мавжудотнинг мод-  
дий тутқунликка тушиб қолишининг сабаби - унинг моддий табиат  
гуналари билан аралашishi экани ҳам айтилган эди. Бу бобда Худои  
Таоло Аржунга моддий табиат гуналари нима эканини, уларнинг  
кандай харакат қилишини, улар тирик мавжудотга кандай таъсир  
қилишини ва озодликка чиқиша қандай ёрдам беришини тушунтира-  
ди. Парвардигор айтадики, бу бобда унга аён этаётган илм аввал баён  
этилган илмдан ҳам устун туради. Мана шу илмга эга бўлган буюк  
донишмандларнинг барчаси камолот чўққисига кўтарилиб, руҳий  
оламга эришганлар. Бу бобда ҳам Парвардигор Аржунга аввалги айт-  
гандарини бошқачароқ, яъни аниқроқ қилиб баён этади. Бу илм Пар-  
вардигорнинг шу пайтгача Аржунга ўргатган илмларидан анча устун  
туради, уни эгаллаган одамларнинг кўплари руҳий баркамолликка  
эришган. Шундай қилиб, ўн тўртинчи бобда нозил қилинган илмни  
ҳақиқатан ҳам тўғри тушуниб, англаб етган ҳар кандай одам руҳий  
баркамолликка эришади.

*2. идам джсанам упаширитий мама садхармийам агатаҳ  
сарге “ни нопаджайанте пралаје на вийатханти ча*

**Бу илмни мустаҳкам эгаллаган киши худди Меникидай табиатга эга бўлади. Ундаи одам бу моддий олам яратилганида қайта туғилмайди ва охир-замон келганида(қиёмат-қойимда) азоб чекмайди.**

Изоҳ: Муқаммал руҳий илмга эга бўлган киши туғилиб-ўлишлар чархпалагидан ҳалос бўлиб, сифат жиҳатдан Худонинг Олий Шахси билан бир хил дараҷага кўтарилади. Лекин, барибир, алоҳида руҳ бўлиб, мустақиллигини сақлаб қолаверади. Ведаларда айтилганки, руҳий оламнинг илохий сайёralарига эришган озод руҳлар ҳамиша Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиб, Унинг нилуфар қадамлари пойига маҳлиё бўлиб, лаззатли ҳаёт кечирадилар. Шундай қилиб, ҳатто озодликка эришганидан кейин ҳам, содиклар алоҳида шахс хусусиятини, руҳий ўзлигини йўқотмайдилар.

Моддий оламда олаётган ҳар қандай илмимиз моддий табиатнинг уч гунаси таъсири остида булғанган бўлади. Уларнинг таъсиридан булғанмаган илм - “илохий илм” деб аталади. Шундай илмга эга бўлиб, инсон Худои Таолонинг Ўзи билан тенг бўлган илохий дараҷага кўтарилади. Руҳий олам ҳақида илмга эга бўлмаган одамлар, "мангу руҳ моддий фаолият билан шуғулланишни тарк этиб, моддий тана қафасидан озодликка чиққанида, ўзининг шакли ва ўзлигидан маҳрум бўлади"- деб ҳисоблайдилар. Аммо, аслида руҳий оламда ҳам моддий оламдагидай ҳар бир руҳнинг алоҳида шахс эканлигига асосланган ранг-баранглик мавжуд. Шуни билмайдиган одамлар руҳий олам ранг-баранг моддий оламнинг бутунлай тескариси деб ўйлайдилар. Аслида эса, руҳий оламга эришган тирик мавжудот руҳий қиёфага, руҳий танага эга бўлади. Руҳий оламда у руҳий фаолият билан машғул бўлади, Унинг руҳий ҳаёти Худои Таолога илохий муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишдан иборат ҳаёт бўлади. Руҳий олам моддий табиат гуналарининг таъсири билан булғанмаган, у жойда тирик мавжудотлар сифат жиҳатдан Худои Таолонинг Ўзидан фарқ қилмайди. Ана шу илмга эга бўлиш учун инсон ўзида руҳий сифатларни ривожлантириши лозим. Шундай сифатларга эга бўлган киши моддий олам яратилаётганида бу оламда яна туғилмайди, охир-замон келганида бу олам билан бирга яксон бўлмайди.

*3. мама йонир маҳад-брахма тасмин гарбхам дадхами аҳам  
самбхаваҳ сарва-бхутанам тато бхавати бхарата*

**Брахман деб аталадиган моддий унсурлар мажмуаси бутун борлиқнинг манбаидир. О Бхарат авлоди, барча тирик мавжудотлар учун дунёга келиш имконини бериб, Мен ана шу Брахманни руғлантираман.**

Изоҳ: Бу ерда моддий оламнинг табиати тушунтирилган: ундаги мавжуд ҳамма нарса *кишетра* билан *кишетра-гайанинг*, яъни тана билан мангу рухнинг бирикмасидан иборат. Моддий табиат билан тирик мавжудотни Худои Таолонинг Ўзи бирлаштиради. *Махаттаттва* - космик оламнинг сабаблар мажмуасидир. Таркибида моддий табиатнинг уч гунаси ҳам мавжуд бўлган ана шу моддий сабаблар мажмуасини баъзан “Брахман” деб атайдилар. Моддий қувват мажмуасини уруғлантириб, Худои Таоло сон-саноқиз моддий оламларнинг яралишини бошлаб беради. Мана шу моддий қувват мажмуаси, маҳаттаттва, ведаларда “Брахман” деб аталган: *тасмад этад брахма намарупам аннам ча джайате.* (Мундака-упанишад, 1.1.9.) Худои Таоло ана шу Брахманни тирик мавжудотларнинг уруғлари билан уруғлантиради. Ер, сув, олов, хаво ва ҳоказолардан иборат бўлган йигирма тўрт унсурнинг ҳаммаси - *маҳад брахма*, "буюк Брахман" деб аталадиган моддий қувват, яъни моддий табиат ҳисобланади. Ундан кейин, еттинчи бобда айтилгандай, олий қувват, яъни тирик мавжудот туради. Ана шу олий қувват, тирик мавжудот Худои Таолонинг амри билан моддий табиатга аралашади, натижада моддий табиат барча шартланган тирик мавжудотларни дунёга келтиради.

Чаёнлар одатда гуручга уруғ ташлайдилар, шунинг учун баъзи одамлар чаёнлар гуручдан пайдо бўлади, деб ўйлайдилар. Лекин чаёнларнинг дунёга келишига сабаб гуруч эмас. Аслида гуручга урғочи чаён уруғ ташлайди. Худди шундай, тирик мавжудотларнинг дунёга келишининг сабабчиси - моддий табиат деб ҳисобласлик керак. Тирик мавжудотни худди моддий табиат дунёга келтирадигандай бўлиб қўрингани билан, аслида хаёт уругини Худои Таоло беради. Шундай килиб, ҳар бир тирик мавжудот ўзининг аввалги ҳаётида қилган ишлари натижасига қараб, ҳаётда лаззатланиш ёки азоб чекиш учун, моддий табиат яратган таналарнинг бирига эга бўлади. Аммо, моддий оламни тўлдирган барча тирик мавжудотларнинг дунёга келишининг бошлангич сабабчиси Парвардигор, Худои Таолонинг Ўзидир.

#### *4. сарва йонишу қаунтейа муртайаҳ самбхаванти йаҳ тасам брахма маҳад йонир аҳам биджа-прадаҳ пита*

**О Кунтининг ўғли, билсанг, ҳар хил ҳаёт турларининг барчасини моддий табиат яратган, Мен эса - моддий табиатни уруғлантирувчи Отаман.**

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки, Худои Таоло барча тирик мавжудотларнинг бошлангич отаси. Тирик мавжудотлар рухий ва моддий қувватлар бирикмасидан иборат. Улар нафакат ер юзида, балки моддий оламнинг ҳамма жойида, энг куйи сайёрадан то энг олий сайёра - Тангри Брахманинг сайёрасигача бўлган сайёраларнинг барчасида

яшайдилар. Тирик мавжудотлар ҳар қандай шароитда - ерда, сувда, ҳатто оловда ҳам яшайдилар. Уларнинг барчасининг онаси - моддий табиат хисобланади, Кришна эса, уни уруғлантирувчи ота хисобланади. Бу шеърнинг мазмуни шундан иборатки, Парвардигор моддий табиат ичига тирик мавжудотларнинг уругини жойлаб қўяди, улар олам яралиши жараёнида ўзларининг аввалги кармасига асосан ҳар хил таналарда, ҳар хил шароитларда дунёга келадилар.

*5. саттвам раджас тама ити гунаҳ пракрити-самбхаваҳ  
нибадхнанти маҳа-баҳо дехе дехинам авайайам*

**Моддий табиат уч гунадан таркиб топган - эзгулик, эҳтирос ва ғоғиллик. Мангу тирик мавжудот моддий табиат билан аралашганда, у ана шу гуналар яратган шароитга тушиб қолади, эй қўли кудратли Аржун.**

Изоҳ: Руҳий табиатга эга бўлган ҳолда, тирик мавжудотнинг моддий табиаттага ҳеч қандай дахли йўқ. Лекин, у моддий кувват таъсири остига тушиб қолгани сабабли, моддий табиатнинг уч гунаси амрига бўйсуниб ҳаракат килишга мажбур бўлади. Маълум хусусиятлар билан чекланган тана ичига бўлгани сабабли, тирик мавжудотлар табиат қонунларига бўйсунишга мажбур. Ҳаётдаги баҳт ва мусибатлар рангбаранглигининг сабаби ҳам шунда.

*6. матра саттвам нирмалатват практикам анамайам  
сукха-сангене бадхнати джсанана-сангене чанагха*

**Эй бегуноҳ зот, эзгулик гунаси бошқаларга нисбатан покроқ бўлган ҳолда тирик мавжудотга илм бериб, уни гуноҳлари оқибатидан халос этади. Эзгулик гунаси таъсири остида яшаётган одамлар илм олишга ва баҳт нималигини ҳис қилишга боғланиб қоладилар.**

Изоҳ: Моддий табиат шароитига тушиб, шартланиб қолган тирик мавжудотлар бир неча тоифага бўлинадилар. Уларни уч тоифага бўлиш мумкин: баҳтиёрлар, интилувчилар ва ночорлар. Ана шу уч руҳий ҳолат шартланган тирик мавжудотнинг моддий табиат салтанатидаги ўрнини белгилайди. "Бҳагавад-гита"нинг мазкур бобида тирик мавжудотнинг ҳар хил даражада шартланиб қолгани тушунтирилади. Парвардигор Кришна эзгулик гунасини таърифлашдан бошлайди. Эзгулик гунаси инсонга, уни бошқалардан ажратиб турувчи донишмандлик фазилатларини ато этади. Эзгулик гунаси таъсиридаги одам моддий, ўткинчи, дунёвий истакларга камроқ берилган бўлади, у кўпинча дунёвий илмларни ўрганишга интилади. Ундан одамларга браҳманлар

мисол бўлади, уларни “соф эзгулик гунасидаги одамлар” деб атайдилар. Ундаи одамларнинг баҳтиёрлик ҳис этишининг боиси шундан иборатки, эзгулик гунасидаги одам ўзининг аввалги гунохлари оқибатидан анча-мунча халос бўлаётганини тушуна бошлади. Муқаддас китобларда айтилганки, бошқа гуналардан фарқли равишда, эзгулик гунаси инсонга чуқур илм ато этиб, уни баҳтиёр қиласди.

Эзгулик гунасидаги одамнинг ҳаётдаги муаммоси шундан иборатки, у чуқур илмга эга эканини англаб, ўзини бошқалардан устун кўяди, шу билан шартланиб қолади. Бунга файласуф ва олимлар мисол бўлиши мумкин. Уларнинг барчаси ўзининг дунёвий илми билан гердаядилар, кўпчилиги бой-бадавлат яшагани сабабли, маълум даражада моддий жиҳатдан баҳтиёр яшайдилар. Шартланган ҳаёт доирасидаги ана шундай баҳтиёрлик уларни эзгулик гунасига боғлаб қўяди. Шу сабабли, улар эзгулик гунасидаги ишларга боғланиб қоладилар, лекин, токи инсон қалбида ана шундай боғланиш мавжуд экан, улар моддий табиат гуналари хукми остида ҳар хил таналарни алмашлаб юришга мажбур бўладилар. Ана шундай ҳолат уларнинг озодликка чиқишлирига ва руҳий оламга қайтишлирига имкон бермайди. Такрор ва такрор олим, файласуф, шоир бўлиб туғилишга мажбур бўлиб, улар туғилиш ва ўлиш оқибатида келадиган ҳар хил азоб укубатларни бошидан кечириб юраверадилар. Аммо, шунга қарамай, алдамчи моддий қувватнинг таъсири остида улар, барибир, ҳаётда ўзларини баҳтиёр деб ҳисоблайдилар.

#### *7. раджо рагатмакам видҳи тришина-санга-самудбхавам тан nibадхнати каунтейа карма-сангене дехинам*

**Эҳтирос гунаси чексиз истак ва очқўзлиқдан келиб чиққан, шунинг учун у шартланган тирик мавжудотни таъмагирлик билан қилинадиган дунёвий фаолиятга боғлаб қўяди, эй Кунтининг ўғли.**

Изоҳ: Эҳтирос гунасининг энг асосий белгиси эркак билан аёлнинг бир-бирига интилиши ҳисобланади. Аёл эркакка интилади, эркак аёлга. Ана шу интилиш “хирс” деб аталади. Унинг одамга таъсири кучайганида инсонда ҳиссий лаззатланишга бўлган интилиш кучаяди. Унда ўзининг ҳиссиётини лаззатлантириш, уларнинг талабини кондириш истаги пайдо бўлади. Ҳиссиётининг талабини кондириш ниятида, эҳтирос гунаси таъсиридаги одам ҳамманинг эътиборини қозонишни, баҳтиёр оиласи ҳаёт кечиришни, чиройли хотини бўлишини, яхши фарзандларга ота бўлишини, ҳашаматли уйи бўлишини истайди. Буларнинг ҳаммаси - эҳтирос гунасининг таъсирида юзага келади. Ўзининг шундай орзу-истакларига эришиш учун одам кеча-кундуз ишлашга мажбур бўлади. Шунинг учун бу ерда айтилганки, ўз меҳнатининг на-

тижаларига боғланганлик уни моддий фаолият кишанлари билан боғлаб қўяди. Хотинини, фарзандларини ва яқинларини таъминлаш, жамиятда ўзининг обрўсини сақлаб туриш учун одам тинмай ишлаши керак. Шунинг учун, моддий оламдаги ҳар бир одам қандайдир дараҷада эҳтирос гунаси таъсири остида бўлади. Ҳозирги замонавий маданиятнинг "ривожланаётган" деб аталишининг сабаби тараққиётнинг эҳтирос гунаси таъсиридаги ишлар билан ўлчанишидир. Аввалги замонларда жамиятнинг тараққиёти эзгулик гунасидаги ишлар билан ўлчанганд. Инсонлар яшайдиган жамиятнинг ҳақиқий тараққиёти эзгулик билан ўлчаниши лозим, яъни жамият тараққиёти одамларнинг бойлиги билан эмас, уларнинг инсоний эзгу фазилатлари, эзгу фаолияти билан ўлчаниши лозим. Ҳатто эзгулик гунасидаги одамларнинг ҳам моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқиши осон бўлмаса, эҳтирос гунаси таъсирига ботиб кетган одамлар ҳақида нима дейиш мумкин?

*8. тамас тв аджнана-джам виддхи моханам сарва-дехинам  
прамадаласйа-нирабхис тан нибадхнати бхарата*

**Эй Бхарат ўғли, билсанг, ғофилликдан юзага келган ғафлат гунаси барча шартланган тирик мавжудотларни алданиш чангалида тутиб туради. Унинг таъсири шартланган рухни қамраб оладиган ақлсизлик, дангасалик ва уйқуда намоён бўлади.**

Изоҳ: Бу ерда ишлатилган *ту* ибораси муҳим аҳамиятга эга. Бу ибора шуни англатадики, ғафлат гунаси шартланган рухни ўзига хос гайритабиий сифатлар билан таъминлайди. Ғафлат гунаси эзгулик гунасиға нисбатан бутунлай қарама-карши сифатларга эга. Эзгулик гунасидаги одам ҳақиқий илмга эга бўлади ва ҳаётга ҳақиқат нуқтаиназари билан қарай олади, аксинча, ғафлат гунасидаги одам эса, ҳаёт ҳақида бутунлай нотўғри тасаввурга эга бўлади. Ғафлат гунасининг таъсири остига тушиб қолган одам ақлини йўқотиб, яхши билан ёмоннинг фарқига бормай қолади. У инсон танасига эга бўлганидан фойдаланиб рухий юксалишга интилиш ўрнига, тубанликка юз тутади. Ведаларда ғафлат гунаси шундай таърифланган: *васту-йатхатмийаджсанаваракам випарийайа-джсанана-джсанакам тамаҳ*. - "Ақлини ғафлат гунаси қоплаб олган одамлар ҳаётга ҳақиқат кўзи билан қараш имкониятидан маҳрум бўладилар". Масалан, ота-боболарининг ўлиб кетганини, демак, ўзи ҳам албатта ўлиши муқаррар эканини ҳамма билади; ҳар бир инсон ўлимгага маҳқум. Ўлим муқаррар. Шунга қарамай, одамлар ақлдан озгандай мол-дунё тўплайдилар, кечаю-кундуз тиним билмай оғир меҳнат қиласидилар. Ҳеч ким танаси ўлгандан кейин ҳам яшашда давом этаверадиган рух ҳақида ўйлагиси келмайди, мангу жонини қайғурмайди. Ана шу - ҳақиқий ақлдан озганлик ҳисобланади. Ақлдан озганлари сабабли, одамлар рухнинг,

жоннинг табиатини ўргангиси келмайди. Шундай одамлар ҳаётда жуда дангаса бўладилар. Агар уларга руҳий илм бермоқчи бўлсангиз, улар бунга мутлақо қизикмайдилар. Улар ҳатто, эҳтирос гунасида бўлган одамлар сингари, ўткинчи, алдамчи ҳаётга ҳам қизиқишмайди. Ғафлат гунасига ботган одамнинг яна бир белгиси - керагидан кўп ухлашидир. Кунига олти соат ухлаш инсонга бемалол етарли, лекин ғафлат гунаси таъсиридаги одам ўн, ўн икки соат ҳам ухлайвериши мумкин. Шундай одам ҳамиша тунд, қўйналган, тушқунликка тушган кўринади, у тез-тез маст қилувчи нарсалар(сигарет, ароқ, ва ҳоказо) истеъмол қиласди, кўп ухлайди. Ғафлат гунаси таъсири остида юрган одамларнинг белгилари шулардан иборат.

*9. саттвам сукхе санджайати раджсаҳ кармани бхаратам  
джсанам аврития ту тамаҳ прамаде санджайати ута*

**Эй Бхарат ўғли, эзгулик гунаси тирик мавжудотни ўзини баҳтиёр хис қилиш туйғуси билан, эҳтирос гунаси - таъмагирлик фаолияти билан боғлаб қўяди, ғафлат гунаси эса, тирик мавжудотнинг илмини қоплаб олиб, уни ақлсизлик кишанлари билан боғлаб қўяди.**

Изоҳ: Эзгулик гунасидаги одам ўзининг фаолиятидан ёки фалсафий фикрлашларидан лаззат олади; файласуф, шоир ёки олим, ўқитувчи бирор соҳада ишлаб, ўзининг қилаётган ишларидан ҳаётда тўла мамнун бўлиб яшайди. Эҳтирос гунасидаги одам, агар унга эзгулик гунасининг таъсири ҳам қўшилса, дунёвий орзу-истакларини амалга ошириш ниятида таъмагирлик билан моддий фаолиятга шўнгийди: у иложи борича кўпроқ мол-дунё тўплашга, уларни эзгу ишларга сарфлашга интилади. Шундай одамлар одатда хайрия шифохоналари очади, пулларини хайрия жамғармаларига беради ва ҳоказо. Эҳтирос гунасидаги одамнинг белгилари шундай. Ғафлат гунаси эса одамнинг илмини қоплаб олади. Ғафлат гунаси таъсири остидаги киши қандай иш қилмасин, унинг қилаётган ишлари на ўзига, на бошқаларга бирор фойда келтирмайди.

*10. раджас тамаши чабхибхуйя саттвам бхавати бхаратам  
раджсаҳ саттвам тамаши чайва тамаҳ саттвам раджас татха*

**О Бхарат ўғли, баъзан инсон табиатида эзгулик гунасининг таъсири эҳтирос ва ғафлат гунасидан устун келиб, устивор бўлади. Баъзида эҳтирос гунаси ғафлат ва эзгуликдан устун келади, баъзида эса ғафлат гунаси устиворлик қиласди. Шу тарзда моддий табиат гуналари орасида ҳамиша устиворлик учун кураш бўлиб туради.**

Изоҳ: Эҳтирос гунаси таъсири кучайганида эзгулик гунаси ва фафлат гунаси иккинчи даражали бўлиб қолади. Эзгулик гунаси устивор бўлганида фафлат ва эҳтирос гунаси четга сурилади.Faфлат гунаси устун келганда эса, эҳтирос ва эзгулик гунасининг таъсири камаяди. Гуналар орасидаги кураш бир лаҳза ҳам тўхтамайди. Шунинг учун қалбида ҳақиқатан ҳам Кришина онгини ривожлантиришга интилаётган киши барча гуналардан юқори кўтарилишга интилиши лозим. Одамнинг табиатида у ёки бу гунанинг таъсири унинг бошқалар билан бўлган муносабатларида, ейдиган овқатида ва турмушдаги бошқа ишларида намоён бўлади. Буларнинг ҳаммаси ҳақида кейинги бобларда батафсил гапирилади. Лекин, агар истаса, одам ўзида эзгулик гунасига хос бўлган сифатларни ривожлантириши, шу тарзда эҳтирос ва фафлат гунаси таъсирларини енгиши мумкин. Худди шунингдек, инсон ўзида эҳтирос гунасини ривожлантириб, фафлат ва эзгулик гунаси таъсирларини енгиши мумкин. Моддий табиат гуналарининг шунчалик қурдатли бўлишига қарамай, руҳий юксалишга қатъий қарор қилган киши моддий эзгулик гунаси даражасига кўтарилиши, унда ҳақиқий илмга эга бўлиб, соғ эзгулик гунасига, яъни  *vasudeva* деб аталадиган ҳолатга кўтарилиши мумкин. Ана шу ҳолатда инсон Худои Таоло ҳақида мукаммал илмни эгаллашга қодир бўлади. Одамнинг қайси гуна таъсири остида эканлиги унинг ҳаётда қандай фаолият кўрсатаётгани билан аниқланади.

*11. сарва-дварешу дехе “смин пракаша упаджайате  
джсанам йада тада видйад вивридхам саттвам итй ута*

**Эзгулик гунаси устивор бўлганда тананинг барча дарвозалари илм нури билан равшан бўлади.**

Изоҳ: Моддий тананинг тўққиз дарвозаси мавжуд: кўзлар, кулоклар, бурун тешиклари, оғиз, жинсий аъзо ва ахлат чиқариш аъзоси. Тананинг барча дарвозаларида эзгулик, поклик белгилари пайдо бўлганда тирик мавжудот эзгулик гунасида бўлади. Эзгулик гунасида кўзлар, кулоклар, тил одамни алдамасдан, унга ҳаёт ҳақида тўғри тасаввур беради, шундай одам ҳаётга ҳақиқат кўзи билан қарайди. Эзгулик гунасидаги одам ҳам ичкаридан, ҳам ташқаридан покланади.

Унинг эзгулик гунасида эканини англашга ёрдам бериб, баҳтиёрлик ва осойишталик аломатлари танасининг барча дарвозаларини безаб туради.

*12. лобҳаҳ правриттир арамбҳаҳ карманам ашамаҳ сприха  
раджасий этани джайланте вивридхе бхаратаршиабҳа*

**Эй Бхаратлар сардори, эҳтирос гунаси қучайганида инсон қалбидан ҳаётга қатиқ боғланиш аломатларини сезади, пул топишга муккасидан кетади, дунёвий орзу-истакларини амалга оширишга жон-жаҳди билан интилади, ҳамда кучли эҳтирос ва очкӯзлик билан ҳаётдан лаззатланиб қолишга уринади.**

Изоҳ: Эҳтирос гунасидаги одам ҳеч қачон эришган ютуғидан қаноатланмайди, шукронаси йўқ, у ҳамиша яна кўпроқ нарсага эришишга интилади. Агар у уй курмоқчи бўлса, гўё унда мангу яшаб қоладигандай мустаҳкам қилиб куради. Ундан одамда ҳиссий лаззатланишларга интилиш ҳам кучаяди. Унинг ҳаётдаги орзу-истакларининг сира адоси бўлмайди. У ҳиссиётларининг талабларини қондириб, ҳаётдан лаззатланишда давом этиб, ҳамиша ўзининг оиласи билан, уйда қолишни истайди. Эҳтирос гунасининг баъзи белгилари ана шундай.

**13. апракашио “правриттиши ча прамадо моха эва ча тамасӣ этани джайанте вивриддхе куру-нандана**

**Эй Курунинг ўғли, фафлат гунаси устиворлик кила бошлаганида, одам зулматга чўқади, уйқусирайди, ақл-идроқини йўқотиб, алданниш домига тушиб қолади.**

Изоҳ:Faфлат гунаси таъсирида зулматга ботган киши илмидан маҳрум бўлади. Faфлат гунаси таъсири остида бўлган киши ҳеч қандай қонун-қоидаларга амал қилмайди; улар ҳаётда ўzlари истаганча, ҳеч қандай маъно-мақсадсиз яшайдилар. Гарчи улар меҳнат қилишга кодир бўлсалар ҳам, жон қийнагиси келмайди. Мана шу - “алданиш” деб аталади. Уларнинг онги ишлашда давом этади, лекин уларнинг ўzlари дангасалик билан вақтини ўтказадилар. Faфлат гунасининг баъзи аломатлари шундай.

**14. йада саттве правриддхе ту пралайам йати деха-бхрит тадомтама-видам локан амалан пратипадийате**

**Эзгулик гунаси таъсири остида бўлган киши ўлганидан кейин буюк донишмандларнинг олий, пок сайёralарига боради.**

Изоҳ: Хиранйагарбҳага сигинадиган одамлар Брахмалока, Джаналока сингари олий сайёralарга эришадилар. У ерда жаннатий лаззатларга берилиб яшаш мумкин. Бу ерда ишлатилган амалан ибораси мухим аҳамиятга эга ва у “эҳтирос ва фафлат гунаси таъсирига берилмаган” деган маънони англатади. Моддий олам дунёвий иллатларга тўла, аммо эзгулик гунаси моддий оламнинг энг пок гунаси

хисобланади. Ҳар хил мавжудотлар яшайдиган турли сайёralар мавжуд. Эзгулик гунасида бўлган пайтда танасини тарк этган одам буюк содиклар, буюк донишмандлар яшайдиган сайёralарга кўтариладилар.

*15. раджаси пралайам гатва карма-сангишу джайате  
татха пралинас тамаси мудха-йоннишу джайате*

**Эҳтирос гунаси таъсири остида ўлган одам таъмагирлик билан фаолият қўрсатиб юрганлар орасида туғилади, танасини ғафлат гунаси таъсири остида қолдирган киши эса, ҳайвонлар орасида туғилади.**

Изоҳ: Баъзи одамларнинг фикрича, бир марта инсон танасига эга бўлган рух бошқа ҳеч қачон қуий турга мансуб таналарга эга бўлмайди. Бу нотўри тушунча. Бу ерда қўрсатилганидай, ғафлат гунаси таъсири остида танасини тарк этган киши ҳайвонлар орасида туғилади. У эволюцион зинапоядан қайтадан кўтарилиб, яна инсон танасини олгунча қуий ҳаёт турларида бир неча минг марта туғилиб-ўлиши керак бўлади. Шунинг учун, ҳақиқатан ҳам инсон ҳаётининг кадрига ета билган киши эзгулик гунаси даражасига кўтарилиши, кейин табаррук авлиё одамлар билан ҳамсұхбат бўлиб, улардан руҳий илм сирларини ўрганиб, моддий табиат гуналаридан юқори кўтарилиши ва охир оқибатда Кришна онгига эга бўлиши лозим. Инсон бўлиб яшашнинг мазмуни шундан иборат. Тирик мавжудотнинг инсон бўлиб туғилишдан асосий максади - руҳий ўзлигини англаб, Худонинг даргоҳига эришишдан иборат. Акс ҳолда, ҳеч ким бизга кейинги ҳаётда яна инсон танасида туғилишимизга кафолат беролмайди.

*16. карманаҳ сукритасайахуҳ саттвикам нирмалам пхалам  
раджасас ту пхалам духхам аджсананам тамасаҳ пхалам*

**Эзгулик гунасида хайрли ишлар қилиш натижасида инсон покланиди. Эҳтирос гунаси таъсирида қилинган ишлар инсонга мусибат келтириди, ғафлат гунасидаги фаолият эса, одамни ақл-идроқидан маҳум қиласди.**

Изоҳ: Эзгулик гунасида қилинадиган хайрли ишлар, тақводорлик фаолияти инсон қалбини поклайди. Шунинг учун алданиш тузогига тушмаган, ҳаётни тўғри тушунган донишмандлар ҳамиша баҳтиёр яшайдилар. Аксинча, эҳтирос гунасида қилинган ишлар инсонга мусибатдан бошқа ҳеч нарса келтирмайди. Моддий оламда ҳақиқий баҳтга эришиш ниятида қилинадиган ҳар қандай интилиш ҳеч қандай натижа бермаслиги аввалданоқ маълум. Агар кимдир осмонўпар иморат курмокчи бўлса, албатта, буни амалга ошириши мумкин, лекин бунинг

учун қанча-қанча одамлар, унинг ўзи ҳам анчагина қийналиши керак. Курилиш ишларини таъминлаётган киши зарур маблағларни топиш учун елиб-югуриши лозим, қурувчи-ишчилар эса, оғир меҳнат килишлари керак бўлади. Буларнинг ҳаммаси бошидан охиригача азоб. Шунинг учун "Бхагавад-гита"да айтилганки, эҳтирос гунасидаги ҳар қандай фаолият чексиз машаққатлар билан амалга оширилади. Инсон шу катта иморатни "Бу - менинг уйим!", "Бу - менинг пулларим!" деб ўйлаб, қандайдир арзимас лаззат олиши мумкин, лекин бу ҳақиқий баҳт эмас.

Faфлат гунасидаги фаолият билан машғул киши эса, ҳеч қандай илмга эга эмас, шунинг учун у ҳозирги ҳаётида ҳам қийналиб, азоб-уқубатларга тўла ҳаёт кечиради, ўлганидан кейин эса, бирор ҳайвон танасида туғилади. Ҳайвон танасидаги ҳаёт эса, гарчи алдамчи қувват, майа таъсири остида, ҳайвонларнинг ўzlари сезмасалар-да, ҳамиша ҳар хил азоб-уқубат ва қулайсизликларга тўла. Бечора ҳайвонларни ўлдирадиган одамлар ҳам faфлат гунаси таъсири остидаги одамлардир. Ундай одамлар ҳозир улар ўлдираётган ҳайвон кейинги ҳаётида ўзини ўлдирган котилдан қасос олиб, уни ўлдириш имконини берадиган та-нага эга бўлишини билмайдилар. Табиат қонунлари шундай. Инсонлар жамиятида котил ўлим жазосига хукм килмнади. Давлат қонунлари шундай. Фофиллиги сабабли, одамлар Худои Таолонинг Ўзи ҳукмронлик қилаётган "бутун олам давлати"да яшайдиганинни англашга кодир эмаслар. Faфлат босган одамлар Олий Ҳукмдор, Худои Таоло ҳатто чумолини ўлдирган одамни ҳам жазосиз қўймаслигини билмайдилар. Жиноятчини, албатта, мукаррар жазо кутиб турибди. Шу боис, ҳайвонларни ўз нафси учун ўлдириб юрган одамлар энг ғофил одамлардан ҳам ғофилроқдирлар. Одам ўзининг қорнини тўйғазиши учун албатта ҳайвонларни ўлдиришига ҳеч қандай зарурат йўқ, чунки Худои Таоло унинг ризқини ширин ўсимлик ва мевалар, ғалла, сут-қатик каби бошқа маҳсулотлар билан тўла таъминлаб қўйибди. Шунга қарамай, ночор ҳайвонларни ўлдириб, уларнинг гўшти билан овқатланиб юрган одамлар, албатта, faфлат гунасидаги одамлардир, уларнинг келажаги эса маъшум зулматдан иборат. Ҳайвонларни ўлдиришнинг энг ваҳший тури - сигирларни ўлдириш ҳисобланади, чунки сигир одамларга онасидай ғамхўрлик килиб, уларни ўзининг ширин ва тўйимли сути билан бокади. Шу сифати билан сигир инсонга она сингари азиз, табаррук бўлиши лозим. Сигирларни ўлдиришга энг ғофил, бефаросат, ёвуз одамларгина қўл уриши мумкин. Ведаларда айтилганки, (Риг-веда, 9.4.64): *гобхү принита-матсарам*. - "Лаззатланиб сигирнинг сутини ичадиган, айни пайтда онасидай сут берган сигирни ўлдиришни ният қилган киши faфлат ботқонига энг чуқур ботган одамдир". Шастраларда шундай илтижо келтирилади:

*намо брахманія-девайа го-брахмана-хитайа ча  
джагад-хитайа кришнайа говиндайа намо намаҳ*

"Эй Худойим, Сен сигир ва браҳманларга ғамхўрлик киласан, бутун инсониятнинг ва бутун оламнинг баҳт-саодатини ўйлайсан". (Вишну-пурана, 1.19.65). Бу илтижода таъкидлаб айтилганки, Парвар-дигор биринчи навбатда сигирларга, кейин браҳманларга ғамхўрлик килади. Браҳманлар руҳий илм тимсолидир, сигирлар эса, инсониятни энг зарур, тўйимли озуқа билан таъминлайдилар, шунинг учун уларни ҳимоя қилиш инсониятнинг иктисодий ва маънавий тараққиётининг гаровидир. Ҳозирги жамиятда сигирларни ўлдириш қўллаб-қувватланади, руҳий илм ўрганишдан эса, одамлар бутунлай юз ўғирган. Демак, инсоният шиддат билан зулмат қаърига қараб, тубан-ликка юз тутиб кетяпти. Ўзининг фуқароларини тубанлик сари бошлаб бораётган, уларни келажакда ҳайвон танасида туғилиш билан таъминлаётган жамиятни "инсонлар жамияти" деб бўладими?. Ҳеч қандай шубҳа йўқки, ҳозирги замонда ҳаётда эҳтирос ва ғафлат гуналари таъсири остига тушиб қолган одамлар қаттиқ адашган ва алданганлар. Ҳозирги замонда инсоният ўз ривожланишида тубсиз жарлик ёқасига келиб қолган, катта ҳавф остида турибди, шунинг учун бутун жаҳон халқлари руҳий ўзликни англашнинг энг оддий усулидан, Худони, Кришнани англаш усулидан фойдаланиб, ўзларини ана шу катта оғатдан куткариб қолишлари керак.

*17. саттвам санджайате джнанам раджасо лобха эва ча  
прамада-моҳау тамасо бхавато "джнанам эва ча*

**Эзгулик гунасида инсон ҳақиқий илм эгаллайди, эҳтирос гунаси очкўзликни юзага келтиради, ғафлат гунаси эса нодонликка, ақлсизликка ва алданишга олиб келади.**

Изоҳ: Замонавий жамият ўз аъзоларининг на ҳозирги ҳаётда, на кейинги ҳаётда саодатга эришишини ўйламай қўйгани сабабли, ҳозирги Кали-юга даври учун руҳий юксалиш ўйлида Кришнани англаш усули тавсия қилинган. Кришнани, Худони англаш йўлига кириб, инсонлар жамияти эзгулик гунаси погонасига кўтарилади, шунда одамлар ҳаётга ҳақиқат нуқтаи-назари билан қарай оладилар. Ғафлат гунаси одамларни ҳайвонлар қаторига кўшиб кўяди ва уларни ҳаётга ҳақиқат нуқтаи-назари билан қарай олиш имкониятидан маҳрум қилади. Масалан, гоғил одамлар, агар улар бу ҳаётида бирор ҳайвонни ўлдирсалар, келгуси ҳаётда шу ҳайвон танасидаги тирик мавжудот унинг ўзини ўлдиришини билмайдилар. Ҳақиқий илмдан бехабар бўлган одамлар ҳаётда ҳеч қандай жавобгарлик, масъулиятини сезмай яшайдилар. Одамларнинг жамиятда ана шундай масъулиятысиз, ҳайвонларга ўхшаб яшашига чек қўйиш, уларнинг эзгулик гунасига кўтарилишлари учун уларга ҳақиқат илмини, ҳақиқий илмни ўргатиш лозим. Эзгулик гунасида олган илмлари уларга ҳаётга ҳақиқат кўзи

билан қараш имконини беради. Шунда улар ҳаётда бахтиёр ва фаровон яшайдилар. Ҳатто кўпчилик одамлар қашшоқликда яшаб, мусибат че-кишда давом этаётган бўлса-да, агар жамиятнинг бир қисми Кришна онгига эга, Худои Таолони англаб етган одамлардан иборат бўлса, вакт ўтиши билан ер юзида, албатта, бахт ва тинчлик ўрнатилиди, фаровон ҳаёт ҳукм суради. Акс ҳолда, эҳтирос ва ғафлат гуналари таъсири ос-тидаги одамлар ҳеч қачон баҳт ва фаровонлик нима эканини билмай-дилар. Эҳтирос гунаси одамларда очкўзликни ва ҳиссий лаззатларга кучли интилиш истагини уйғотади. Атрофимизга қараб, ҳатто пули, мол-дунёси, имконияти етарлича кўп бўлган одамлар ҳам баҳт нима-лигини, хотиржамлик, осойишта ҳаёт нима эканини билмай яшаётга-нини кўрамиз. Чунки эҳтирос гунаси таъсирида бўлган одам ҳеч қачон ҳаётдан қаноатланмайди, ҳеч қачон уларнинг нафси, кўзи тўймайди. Одамларни баҳтли қиласидан нарса бойлик эмас, бойлик одамни баҳт-ли қилишга қодир эмас. Чинакам баҳтга эришиш учун инсон Худони, Кришнани англаш йўлига кириб, эзгулик гунасига кўтарилиш лозим. Эҳтирос гунасидаги одам нафақат қалбининг тинчини йўқотган бўлади, унинг қилаётган иши, вазифалари ҳам унга ҳамиша мусибат келтиради. У ўзининг жамиятдаги обрўсини сақлаб қолиши учун етар-ли пул ишлаб топиш устида тинмай бош котиради. Буларнинг ҳаммаси чексиз мусибатлар манбаига айланади. Ғафлат гунаси эса одамларни ақлдан оздиради. Ачинарли, жирканч ҳаёт шароитига тушиб қолган шундай одамлар ароқ ва бошқа маст қилувчи нарсалар истеммол қила бошлайдилар. Натижада яна ҳам тубанроқ ахволга тушадилар. Улар-нинг бу ҳаётдаги келажаги ҳам, келгуси ҳаёти ҳам - зулмат, ғафлатдан иборат бўлади.

*18. урдхвам гаччханти саттва-стха мадхье тишишханти раджасаҳ  
джагханийа-гуна-вритти-стха адҳо агччханти тамасаҳ*

**Эзгулик гунасида бўлган одамлар ўлганидан кейин олий сайёра-ларга кўтариладилар; эҳтирос гунасидаги одамлар ер сайёрасида қоладилар, қўйи, жирканч ғафлат гунаси таъсирида юрган одам-лар эса, дўзахий сайёralарга тушадилар.**

Изоҳ: Бу ерда моддий табиатнинг уч гунасида кўрсатиладиган фаолиятнинг натижалари ҳакида маълумот берилади. Коинотда жан-натий сайёralардан иборат бўлган олий сайёralар тизими мавжуд. У ерда улуғвор, тақводор зотлар яшайдилар. Қалбида эзгулик гунаси қанчалик ривожланганига қараб, тирик мавжудот кейинги ҳаётида шу сайёralарнинг бирига эришади. Бу сайёralарнинг энг буюги - Сатя-лока, яъни Брахмалокадир. Шу жойда моддий коинот ҳукмдори Тан-гри Браҳма яшайди. Аввал айтганимиздай, Брахмалокада ҳаёт қанчалик гўзал эканини ҳатто тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Ҳаётда

эзгулик гунасида яшашга интилиш бизга кейинги ҳаётимизда моддий ҳаётнинг энг олий даражаси ҳукм сурган Браҳмалока сайёрасига кўтарилиши имконини беради.

Эҳтирос гунаси ғафлат ва эзгулик гунаси ўргасида бўлиб, оралиқ ҳолатни белгилайди. Инсон ҳаётда ҳеч қачон факат биргина гуна таъсири остида бўлмайди, аммо агар у соф эзгулик гунаси таъсири остида яшаётган бўлса ҳам, кейинги ҳаётида, барибир, шоҳ ёки миллионер бўлиб, Ер сайёрасида қолган бўларди. Лекин, гуналар орасида ҳамиша кураш бўлиб, улар аралашиб юргани сабабли, бу ҳаётда ҳар бир одамнинг адашиши, тубанликка юз тутиши, натижада кейинги ҳаётида ҳайвон танасига эга бўлиш эҳтимоли сақланиб қолаверади. Эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсири остида Ер сайёрасида яшаётган одамлар ҳеч қачон, моддий механик курилмалардан фойдаланиб, олий сайёralарга эриша олмайдилар. Бунинг устига ҳозирги ҳаётида эҳтирос гунаси таъсирида яшаётган одам кейинги ҳаётида аклдан озиси мумкин.

Моддий табиатнинг энг паст сифати ҳисобланган ғафлат гунаси бу ерда "жирканч" деб аталган. Ўзида ғафлат гунаси сифатларини ривожлантираётган одам хатарли йўлдан бораётган бўлади. Инсон ҳаётидан паст ҳисобланган саккиз миллион турдаги ҳаёт шакли мавжуд: күшлар, ҳайвонлар, судралиб юрувчиilar, дараҳтлар ва ҳоказо. Ўзларидаги ғафлат гунаси таъсири қанчалик ривожланганига қараб, одам кейинги ҳаётида ана шу даҳшатли ҳаётларнинг бирига тушади. Бу ерда ишлатилган *тамасаҳ* ибораси муҳим аҳамиятга эга. Бу ибора билан ҳамиша ғафлат гунасида қоладиган, ҳеч қачон юкори кўтарила олмайдиган тирик мавжудотлар белгиланади. Ундан одамларнинг келажаги қоронги зулматдан иборат.

Эҳтирос ва ғафлат гунасидаги одамлар ҳам Кришнани англаш усулидан фойдаланиб, эзгулик гунасига кўтарилишилари мумкин. Аммо, ана шу имкониятни қўлдан бой берган киши моддий табиатнинг куйи гуналари ҳисобланган ғафлат ва эҳтирос гунаси таъсири остида қолиб кетаверади, уларнинг келажаги даҳшатлидир.

#### 19. *наниам гунебхъяҳ картарам йада драштанупашшати гунебхъяши ча парам ветти мад-бхавам со “дхигачхати*

**Оlamдаги барча ишларни моддий табиат гуналари амалга ошираётганини кўра билган, шу гуналардан ташқарида бўлган Худои Таолони таниган одам Менинг рухий табиатимга эришади.**

Изоҳ: Ўзини англаб етган ишонарли руҳдан моддий табиат гуналари ҳакидаги илмни ўрганиш ёрдамида инсон уларнинг таъсир қилиш чегарасидан юкори кўтарилиши мумкин. Бошлангич рухий устоз - Кришна, У ҳозир Аржунга рухий илм сирларини ўргатяпти. Худди

шундай биз Кришна онгини тўла эгаллаган одамлардан моддий табиат гуналарининг фаолияти ҳақидаги илмни ўрганишимиз лозим. Акс холда, биз ҳеч қачон инсон ҳаётининг олий мақсадига эриша олмаймиз. Ҳақиқий руҳий устознинг кўрсатмаларига амал қилиб, унинг насиҳатларига кулоқ солиб, инсон ўзининг руҳий табиати, моддий тана ва ҳиссиятлари ҳақида, қандай қилиб бу моддий ҳаёт қопқонига тушиб, моддий табиат гуналари таъсирида қандай алданиб қолгани ҳақида билиб олади. Токи инсон моддий табиат гуналари куршовида бўлса ҳам, у ноилож, ночор ҳолатда бўлади, аммо, руҳий юксалиш жараёнида ўзининг ҳақиқий ҳолатини англаб олиб, у руҳий даражага кўтарилиш имкониятига эга бўлади. Тирик мавжудотнинг ўзи ҳеч қандай ҳаракатларни амалга оширмайди. У ҳаракат қилишга мажбур, чунки руҳ моддий тана ичиди мужассам, танани эса, моддий табиатнинг у ёки бу гунаси бошқариб туради. Аммо руҳий илмни яхши ўрганган одамнинг ёрдамисиз биз ўзимизнинг ҳақиқий ҳолатимизни тушуниб олишга кодир эмасмиз. Фақат ҳақиқий руҳий устозга мурожаат қилиш билангина, биз ҳамма нарсани ҳақиқат кўзи билан кўра оламиз ва ҳаётни факат ана шундай тушунишгина бизга Кришна онгига мустаҳкам қолиш имконини беради. Худои Таолони, Кришнани англаб етган киши моддий гуналар алдовига учмайди. Еттинчи бобда айтилганидай, ўз ихтиёрини Кришнага топширган киши моддий табиат таъсиридан, унинг ҳукмронлигидан озодликка чиқади. Ҳаёт ҳақида тўғри, ҳақиқий тасаввурга эга бўлган киши аста-секин моддий табиат гуналарининг таъсирини енгишга кодир бўла бошлайди.

*20. гунан этан атитийа трин дехи деха-самудбхаван  
джсанма-мритай-джара-духкхаир вимукто “мритам аинуте*

**Уч гуна таъсирини енгиб, шартланган тирик мавжудот тугилиш, кексалик ва ўлим билан боғлиқ бўлган азоб-уқубатлардан биратўла халос бўлади, натижада шу умрининг ўзидаёқ мангуд ҳаётга эришади.**

Изоҳ: Бу ерда қандай қилиб инсон, ҳатто моддий танада қолиб ҳам, қалбида Кришна онгини ривожлантириши ва гуналарнинг таъсирини енгиши мумкинлиги тушунтирилган. Санскрит тилида *дехи* ибораси "танада мужассам бўлган" деган маънени билдиради. Руҳий илмга эга бўлган киши ҳатто моддий танада туриб ҳам, табиат гуналари таъсиридан кутула олади. Ўзининг шу танасида у руҳий ҳаёт лаззатини то-тиши мумкин, танасини тарқ этганидан кейин эса, албатта, руҳий салтанатга, Худонинг даргоҳига эришади. Лекин, ҳатто ўзининг ҳозирги танасида қолиб ҳам, у ҳақиқий руҳий баҳт лаззатида яшайди. Бошқача қилиб айтганда, Худога Кришна онгига садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиш инсоннинг моддий табиат гуналари таъсиридан озод

бўлганини билдиради, бу хақда ўн саккизинчи бобда айтилган. Инсон моддий табиат гуналари таъсиридан кутулганидан кейин Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига киради.

*21. арджуна увача*

*каир лингаис трин гунан этан атито бхавати прабхо  
ким ачараҳ катхам чаитамс трин гунан ативартате*

**Аржун шундай деди: Эй Худойим, моддий табиатнинг уч гунаси таъсиридан озод бўлган кишини қайси аломатларига қараб билса бўлади? У ўзини қандай тутади, гуналар таъсиридан у қандай ха-  
лос бўлади?**

Изоҳ: Бу ерда Аржун Кришнага жуда муҳим саволларни беряпти. У моддий табиатнинг уч гунаси таъсирини енган кишининг аломатлари қандай бўлишини билиб олмоқчи. Ундан одамнинг ҳақикатан ҳам табиат гуналари таъсиридан халос бўлганини қандай қилиб билиш мумкин? Аржуннинг иккинчи саволи ундай одамнинг қандай яшаши, ўзини қандай тутиши ҳақида. Ундан одам муқаддас китобларнинг конун-коидаларига амал қиласими, йўқми? Кейин у, қандай қилиб руҳий, илоҳий даражага кўтарилиш мумкинлигини сўраяпти. Бу жуда муҳим савол. Токи инсон табиат гуналари таъсиридан қандай қилиб биратўла қутулиш мумкинлигини билмас экан, у илоҳий одамнинг белгиларини пайқамайди, англай олмайди. Шунинг учун, Аржуннинг берган саволлари жуда муҳим саволлар ва энди Парвардигор Кришна уларга жавоб бера бошлияди.

*22-25. ширі бхагаван увача*

*пракашам ча правриттим ча мохам эва ча пандава  
на двешти самправриттани на нивриттани канкшати  
удасина-вад асино гунаир ио на вичалияте  
гуна вартанта ити эвам ио “ватиштхати ненгате  
сама-духкха-сухкхаҳ свастхах сама-лошташма-канчанаҳ  
тулиа-прийаприйо дхирас тулиа-ниндатта-самстутиҳ  
манапаманайас тулиас тулио митрари-пакшайоҳ  
сарварамбха-паритайаги гунатитаҳ са учияте*

**Худои Таоло шундай деди: Эй Пандунинг ўғли, бөғланиш ва алданиш намоён бўлганида улардан нафратланмайдиган, улар йўқолганида қайурмайдиган; барча ишларни моддий табиат гуналари бажараётганини билган ҳолда, ўзига гуналар кўрсатаётган ҳар қандай таъсирга нисбатан илоҳий ва хотиржам ҳолатда қоладиган; фикру-ҳаёли ҳамиша қалбида мужассам бўлиб, баҳтга ҳам, мусибатга ҳам бир хил муносабатда бўладиган;**

**бир қисем тупроқ, тош ва олтинга бир хилда қарайдиган; ҳаётда кутилган ва кутилмаган воқеа-ходисаларни бир хилда қабул қиласидиган; шон-шуҳрат ва ҳақоратлашларни, обрў ва шармандалини бир хилда қабул қилиб, қалби ҳамиша хотиржам, осойишта қолаверадиган; дўст ва душманларга бир хил муносабатда бўладиган; дунёвий фаолиятни бутунлай тарқ этган, ҳақиқий руҳий илмга эга кишини моддий табиат гуналаридан юкори кўтарилигандан "илоҳий одам" деб айтадилар.**

Изоҳ: Аржун Кришнага учта савол берганди, Кришна энди шу саволларга бирин-кетин жавоб беряпти. Бу ерда У энг аввало айтаяптики, моддий табиат гуналари таъсиридан ҳолос бўлган одам ҳеч кимга ҳасад қилмайди, ҳаётда ҳеч нарсага интилмайди. Моддий оламда тирик мавжудот ҳамиша қайсиdir устивор бир гуна таъсири остида бўлади. У моддий танасининг чангалидан қутулганида моддий табиат гуналари таъсиридан озод бўлади. Аммо, тирик мавжудот токи моддий тана тутқунлигига яшар экан, у хотиржамлигини, осойишталигини саклашга интилиши лозим. Бунинг учун инсон Худои Таолога садоқат билан хизмат қила бошлиши лозим, шунда у ўзини моддий тана билан қиёслашни тарқ этади. Токи инсон танасини "мен, ўзим" деб ҳисоблар экан, унинг барча ҳаракатларининг мақсади танасининг, ҳиссиётларининг талабини қондиришдан иборат бўлиб қолаверади. Лекин, қалбида Кришна онгини ривожлантириш натижасида у табиий равишда ўз ҳиссиётининг талабларини қондиришни бас қиласи. Алоҳида руҳга моддий тананинг умуман кераги йўқ, шунинг учун унинг талабларнини қондириб ўтиришнинг ҳам хожати йўқ. Моддий табиат гуналари танада ҳаракат қилишда давом этаверади, аммо, ўзининг мангу руҳ эканини англаб етган киши ҳаётда бунга боғланмай, бетараф қолаверади. Инсон ўзида қандай қилиб ана шундай боғланмасликни ривожлантириши мумкин? Бунинг учун ҳиссий лаззатланишга интилишни ҳам, гуналардан ва танадан тезроқ ҳолос бўлиш истагини ҳам тарқ этиш керак. Шу тарзда, руҳий даражага эришган содик хизматкор, табиий равишда озодликка эришади. Моддий табиат гуналари таъсиридан кутулиш учун содикнинг қандайдир махсус ҳаракатлар қилишининг ҳожати йўқ.

Кейинги савол гуналар таъсиридан озод киши ўзини қандай тутиши ҳақида эди. Бу дунёда одамлар моддий танага кўрсатиладиган обрў-эътиборга интиладилар, аксинча, хар қандай ҳақоратни қўйналиб қабул қиласидилар. Лекин, илоҳий даражага кўтарилигандан киши ўткинчи обрў-эътиборга ҳам, ҳақоратларга ҳам боғланмай, бетараф бўлиб, қалби ҳамиша хотиржам қолаверади. У Худои Таолога, Кришнага садоқат билан хизмат қилишда ўз бурчини бажараверади, одамларнинг нима дегани билан иши бўлмайди - уни олкишлайтиларми, ҳақоратлаятиларми, унга барибир. У ҳаётда факат Кришнага, Худои

Таолога садоқат билан хизмат қилишда ёрдам берадиган нарсаларни гина қабул қиласы, бунинг устига унинг ҳеч қандай моддий эхтиёжи бўлмайди: унга тошнинг ҳам, олтиннинг ҳам кераги йўқ. Кришна онгида руҳий вазифаларини бажаришда ёрдам берадиган ҳар бир одамни у ўзининг дўсти деб билади, ўзини душман деб ҳисоблайдиган одамларга нисбатан ҳам ҳеч қандай нафрат билан қарамайди. У атрофидаги нарсаларнинг барчасига таркидунёлик кўзи билан қарайди, чунки шуни аниқ биладики, аслида унинг бу моддий оламга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Сиёсий ва ижтимоий ҳаёт борасидаги янгиликлар унга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди, чунки ҳаётда рўй бериб турган ҳар қандай воқеа-ҳодисаларнинг ўткинчи, вақтингчалик эканини у яхши билади. У шахсан ўзи учун ҳеч нарсага интилмайди. Кришна учун у ҳар қандай иш қилишга тайёр, лекин ўзи учун биронта иш ҳам килмайди. Ҳақиқатан ҳам моддий табиат гуналари таъсиридан ҳалос бўлган киши ҳаётда ўзини шундай тутади.

*26. мам ча йо “вийабхичарена бхакти йогена севате  
са гунан саматитайтан брахма-бхуяйа калнате*

**Ҳар қандай вазиятда бу йўлдан четга чиқмай, ўзини Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишга бутунлай бахшида этган киши моддий табиат гуналари таъсирини енгил, Брахман даражасига қўтарилади.**

Изоҳ: Бу ерда Аржуннинг учинчи саволига жавоб берилган: "Қандай қилиб руҳий даражага қўтарилиш мумкин?" Аввал айтгани миздай, бутун моддий олам моддий табиат гуналари ҳукмига бўйсуниб ҳаракат қиласы. Моддий табиат гуналарининг фаолияти бизни безовта қилмаслиги керак: улар онгимизни қоплаб олмаслиги учун биз бутун аклу-хаёлимизни Кришна онгидаги, Худои Таолога хизмат қилиш доирасидаги фаолият билан машғул қилишимиз лозим. Ана шундай фаолиятни бхакти-йога, яъни Кришна учун, "Худо учун қилинган фаолият" деб айтадилар. Бунда факат Кришна эмас, Рама, Нарайана сингари Унинг тўла намоён бўлган кўринишлари ҳам назарда тутилади. Кришнанинг намоён бўлган кўринишларининг сон-саноги йўқ. Кришнанинг қиёфаларидан бирига садоқат билан хизмат қилаётган ҳар бир одам илоҳий даражадаги одамdir. Яна шуни эсда тутиш лозимки, Кришнанинг барча қиёфалари бутунлай руҳий, мангу, илм ва лаззатга тўла. Худои Таолонинг намоён бўлган барча шахсий қиёфалари ҳар нарсага қодир, ҳамма нарсани билгувчи ва барча илоҳий сифатларга эга. Шунинг учун Кришнага ёки Унинг тўлиқ намоён бўлган қиёфаларидан бирига чуқур иймон ва садоқат билан хизмат қилаётган киши, аслида енгиш жуда мушкул бўлган моддий табиат гуналарининг таъсирини осонлик билан енга олади. Бу ҳақда "Бҳагавад-гита"нинг

еттинчи бобида айтилган эди. Ўз ихтиёрини Худога, Кришнага бутунлай топширган киши шу заҳотиёқ моддий табиат гуналари таъсиридан халос бўлади. Кришна онгига бўлиш ёки Худога садоқат билан хизмат килиш - Кришна, Худои Таоло билан тенг илоҳий ҳолатда бўлиш демакдир. Парвардигор айтяптики, табиатига кўра У - мангур, илм ва лаззатга тўла, тирик мавжудотлар эса, худди олтин заррачалари олтин конининг бир бўлгаги бўлгани сингари, Худои Таолонинг ажралмас руҳий заррачаларидир. Шунинг учун ўзининг соғ руҳий ҳолатида тирик мавжудот Кришнадан, Худои Таолодан сифат жиҳатдан фарқ қилмайди. Аммо, барibir, тирик мавжудот ўзининг алоҳида шахс сифатларини сақлаб қолаверади. Акс ҳолда, бхакти-йога ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Бхакти-йога деганда Парвардигор, Унинг содиқ хизматкори ва уларни ўзаро боғлаб турадиган муҳаббат асосидаги фаолият тушунилади. Шундай қилиб, Худонинг Олий Шахси ва тирик мавжудот ҳамиша ўзларининг шахс сифатларини сақлаб қоладилар. Акс ҳолда, бхакти-йога тушунчасининг ҳеч қандай маъноси қолмаган бўларди. Худои Таолога факат У билан бир хил, илоҳий дарражадаги зотгина хизмат қилишга қодир бўлади. Шоҳнинг ҳамроҳи бўлиб юриш учун одам шунга муносиб бўлган муайян сифатларга эга бўлиши лозим. Бу ерда ана шундай сифат деганда Брахман даражасига кўтарилиш назарда тутилади. Брахман - моддий иллатлардан пок бўлган илоҳий ҳолатдир. Ведаларда шундай дейилади: *брахмаива сан брахмані эти*. Олий Брахманни факат ўзи ҳам Брахман даражасига етган кишигина англай олади. Аммо, Брахман даражасига кўтарилиб, тирик мавжудот ўзининг мангур руҳий табиатини, яъни алоҳида руҳий зарба бўлган табиатини йўқотмайди.

*27. брахмано хи пратиштхахам амритасйавайайасйа ча  
шашватасйа ча дхармасйа сукхасйаикантакасйа ча*

**Мен - олий, бошланғич азалий лаззат мужассам бўлган, ўлмас, емирилмас ва мангур шахсиятсиз Брахманнинг асосиман.**

Изоҳ: Табиатига кўра Брахман ўлмас, емирилмас, мангур ва лаззатга тўла. Брахманни англаш - руҳий ўзликни англашнинг биринчи поғонаси ҳисобланади. Иккинчи, оралиқ поғона - Параматмани, Олий Руҳни англаш ҳисобланади. Мутглақ Ҳакиқатни тўла, олий даражада англаш - Худонинг Олий Шахсини англаб етиш ҳисобланади. Шундай қилиб, Параматма ҳам, шахсиятсиз Брахман ҳам Худонинг Олий Шахсиятнинг таркибий кисмларидир. "Бҳагавад-гита"нинг еттинчи бобида айтилган эдики, моддий табиат - Худои Таолонинг қуий қувватининг намоён бўлишидир. Худои Таоло қуий қувват - моддий табиатни Ўзининг олий қувватининг заррачалари билан уруғлантиради, шу тарзда моддий табиат руҳий қувват билан аралашиб, харакатга келади.

Рухий илмни эгаллаш жараёнида шартланган тирик мавжудот аста-секин моддий хаёт даражасидан Худои Таолони шахсиятсиз Брахман кўринишида англаш ҳолатига кўтарилади. Бу рухий ўзликни англашнинг биринчи погонаси. Ана шу погонага кўтарилиб, яъни шахсиятсиз Брахманни англаб, инсон моддий хаёт кечиришдан юкори кўтарилади, аммо ҳали рухни англаб олишда олий погонага кўтарилимайди. Ўзининг интилишига қараб, у аста-секин Параматмани англаш, кейин Худонинг Олий Шахсини англаш даражасига кўтарилиши мумкин. Ведаларда бунга ўхшаш мисоллар жуда қўп. Масалан, тўрт Кумар, Мутлак Ҳакиқатнинг шахсиятсиз Брахманни англаш даражасида эдилар, лекин, кейин аста-секин ҳакиқий Худога садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтарилилар. Шахсиятсиз Брахманни англашдан юкори кўтарилишга қодир бўлмаган кишининг яна моддий оlamга қайтиш эҳтимоли қолаверади. "Шrimad Бҳагаватам"да айтилганки, агар одам шахсиятсиз Брахманни англаш даражасига кўтарилиб, рухий юксалишда давом этмаса, у Худо Шахсини англаш даражасига етмайди, бу унинг ақл-идрокининг нопоклигидан далолат беради. Шунинг учун, ҳатто шахсиятсиз Брахманни англаш даражасига кўтарилиган киши ҳам, агар Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлмаса, яна моддий оlamга қайтиб тушиши мумкин. Ведаларда яна шундай дейилган: *расо ваи саҳ расам хӣ эвайам лабдҳвананди бҳавати* - "Инсон мангу лаззат манбаи бўлган Кришнани - Худо Шахсини англаб етганида, унинг қалби илоҳий лаззатга тўлади".(Тайтирия-упанишад, 2.7.1.). Худои Таоло олти хил фазилатларнинг тўлиқ эгасидир, Худои Таолога яқинлашганида, содик ҳам ана шу фазилатларга эга бўлади. Шоҳнинг хизматкори ҳам деярли худди шоҳ сингари барча қулайликлардан лаззатланади. Шунга ўхшаб, мукаммал илм, туганмас лаззат, баҳт ва мангу ҳаёт Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишнинг мангу ҳамроҳлариридир. Демак, Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш жараёнининг таркибида шахсиятсиз Брахманни англаш ҳам, барҳаётлик, яъни мангулик сифатлари ҳам мавжуд.

Гарчи тирик мавжудот Брахман табиатига эга бўлса ҳам, унинг моддий оlamга ҳукмронлик қилиш истаги бор, шу сабабли у моддий оlamга тушишга мажбур бўлади. Ўзининг табиатига кўра тирик мавжудот моддий табиатнинг уч гунасидан устун туради, аммо моддий кувват билан аралашгани сабабли у моддий табиат гуналари - эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гунасининг ҳукми остига тушиб қолади. Шу гуналарнинг таъсири унинг қалбida моддий оlamга ҳукмронлик қилиш истагини кучайтиради. Аммо, Кришна онгида Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш билан шуғулланиш шарофати билан, шартланган рух шу заҳотиёқ илоҳий даражага кўтарилиб, ўзи учун таъқиқлаб кўйилган моддий оlamга ҳукмронлик қилиш истагидан халос бўлади. Шунинг учун Худонинг содик хизматкорлари даврасида Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш билан шуғулланиш рухий юксалиш

йўлида жуда муҳим аҳамиятга эга. Худонинг содик хизматкорлари билан бўладиган ўзаро суҳбатлар натижасида инсон руҳий устоз насиҳатлари ёрдамида моддий оламга хукмронлик қилиш истагидан бутунлай халос бўлиб, Худои Таолога илоҳий садоқат билан хизмат килишда мустаҳкам ўрнашиб олади. Бу бобнинг йигирма иккинчи шеъридан бошлаб охирги қисмида айнан ана шу йўл таърифланган. Худога садоқат билан хизмат қилиш - жуда оддий усул. Киши қандай қилиб бўлса ҳам ҳамиша Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиб юриши лозим - Унга таклиф қилинган таомдан totиш, Унинг нилуфар қадамлари пойига таклиф этилган гуллар ҳидини ҳидлаш, Парвардиғор илоҳий эрмакларини ўтказган жойларга бориш, Унинг илоҳий кароматлари ва Ўзининг содиклари билан ўзаро муносабатлари ҳақидаги хикояларни тинглаш, Унинг мұқаддас номларини зикр қилиш - (Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре), экадаш кунларида, Худои Таолонинг ва Унинг буюк содикларининг бу оламга келган, кетган кунларида рўза тутиш. Ҳаётда шундай илоҳий ишлар билан машғул бўлиб инсон моддий фаолиятни бутунлай тарк этиши мумкин. Ана шу йўлдан бориб, брахмажйотига ёки Брахманнинг бошқа кўринишларига эришган киши сифат жиҳатдан Худонинг Олий Шахсига тенглашади.

*"Моддий табиатнинг уч гунаси " деб аталган "Бҳагавад-гита"нинг ўн тўртинчи бобига Бҳактиведантанинг изоҳлари шундай якунланади.*

## Ўн бешинчи боб. Пурушоттама-йога - Олий Шахс йогаси

*1. иши бхагаван увача*

*урдхва-мулам адхах-шакхам ашваттхам прахур авайайам  
чхандамси йасёя парнани йас там веда са веда-вим*

**Худонинг Олий Шахси шундай деди: Муқаддас китобларда мангу баниан дараҳти тўғрисида ёзилган. У дараҳтнинг илдизи юқорига, шоҳалари пастга қараб ўсган, барглари эса - ведавий мадхиялардир. Шу дараҳтни ўрганган инсон ведавий донишмандлик илмини англаб етади.**

Изоҳ: Худога эришиш йўлида Бхакти-йоганинг нақадар муҳимлигини эшигтан кишида табиий равишда шундай савол туғилиши мумкин: "Унда Ведалар, муқаддас китобларнинг нима кераги бор?" Мазкур бобдан билиб оламизки, Ведаларни ўрганишдан мақсад - Кришнани англашдир. Шунинг учун Кришна онгида Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши Ведаларни тўлиқ ўрганган одам хисобланади.

Моддий оламнинг чигал сўқмоқлари бу ерда баниан дараҳтига киёсланяпти. Кармали фаолият билан машғул бўлиб юрган киши бир шоҳадан иккинчи шоҳага, кейин учинчисига ўтиб, бу дунёда мангу адашиб юравериши мумкин. Моддий олам дараҳти ҳақиқатан ҳам чексиз, поёнсиз, унга боғланиб қолган кишининг озодликка чиқишига сира имкони йўқ. Тирик мавжудотга руҳий юксалишда ёрдам берадиган ведавий мадхиялар шу дараҳтларнинг япроқлари деб аталган. Бу дараҳтнинг илдизи осмонга караган, чунки моддий олам энг юқори сайёра - Брахмалокадан бошланган. Ана шу мангу алданиш дараҳтини англаб етган кишигина уни тарқ этиш имконига эга бўлади.

Моддий оламнинг чигал йўлларидан озодликка чиқиши имконини берадиган бу усулини яхши тушуниб олиш керак. Аввалги бобларда "озодликка олиб чиқувчи йўллар кўп" деб айтилган эди. Лекин, то ўн учинчигача бўлган барча бобларда, Худога эришишнинг барча усула-ри ичida Худои Таолога садоқат билан хизмат килиш усули энг яхши йўл экани таъкидланган эди. Худога садоқат билан хизмат килиш асосида моддий фаолиятни тарқ этиш, Худога илохий хизмат қилиш фаолиятига боғланиш ётади. Моддий оламга боғланиш туйғусидан халос бўлиш жараёни мазкур бобнинг бошида баён этилган. Мутлақ Ҳақиқат

дарахтининг илдизи юкорида жойлашган. Демак, бу илдиз мужассам моддий кувват(прадхана)дан бошланади, ундан моддий оламнинг энг олий сайёрасига тушади. Ана шу сайёрадан ҳар хил сайёралар тизими-дан иборат бўлган бутун моддий олам бошланади. Дараҳтдаги мевалар - тирик мавжудотларнинг кармали фаолиятининг, яъни дин йўлидаги(дхарма), иктисодий тараққиётга(артха), хиссий лаззатланишга(кама) ва озодликка чиқиши(мокша) интилиб кўрсатаётган фаолия-тининг ҳар хил натижалариdir.

Моддий оламда биз илдизи осмонга, шоҳалари пастга қараб ўсадиган дараҳт кўрмаганмиз, лекин, шундай дараҳтлар бор. Уларни бирор сув ҳавзасининг қирғоғида туриб кўриш мумкин. Сув қирғоғида ўсаётган дараҳтларнинг акси сувда кўринади: уларнинг илдизи юкорига, шоҳалари эса пастга қараб тургандай кўринади. Бошқача килиб айтганда, моддий олам дараҳти - руҳий оламдаги ҳақиқий хаёт дараҳтининг акси тасвирланган ўткинчи, алдамчи хаётдан бошқа нарса эмас. Худди сув бўйидаги ҳақиқий дараҳт сувда акс этгани сингари, руҳий оламдаги ҳақиқий хаёт дараҳти ҳам, моддий оламдаги истакла-римиз сувида акс этади. Истаклар - бу дунёда руҳий нур акс этиб тур-ган, моддий оламда биз кўриб турган ҳамма нарсаларнинг бошланғич сабабчисидир. Моддий тирикчилик асирилигидан озодлика чиқиши интилаётган киши моддий олам дараҳтини мунтазам равишда жиддий ўрганиши лозим. Факат шундагина, бу дараҳт билан ўзини боғлаб тур-ган барча ришталарни бутунлай уза олади.

Ҳақиқий дараҳтнинг акси бўлган бу дараҳт унинг ҳақиқий нусхаси хисобланади. Биз моддий оламда кўриб турган нарсаларнинг ҳаммаси руҳий оламда ҳам мавжуд. Имперсоналистлар моддий олам дараҳти-нинг илдизини Брахман деб хисоблайдилар, ундан эса, санкхя фалса-фасига кўра, пракрити, пуруша, кейин уч гуна, кейин беш кўпол моддий унсур(панча-маха-бхута), ўн хиссиеёт(дашендря) ва ҳоказолар пайдо бўлади. Шу тарзда бутун моддий оламнинг таркиби бўлган ий-гирима тўрт унсур юзага келади. Лекин, агар намоён бўлган бутун оламнинг маркази Брахман бўлса, у яратган оламни икки яримга бўлиш мумкин. Биринчиси моддий олам, иккинчиси - руҳий олам. Моддий олам ҳақиқий руҳий мавжудликнинг бузилган акси хисобланади, демак, руҳий олам ҳам ранг-барангликка тўла бўлиши керак, лекин бу дунёдаги сингари алдамчи ранг-барангликка эмас, ак-синча, руҳий олам ҳақиқий ранг-баранг гўзалликдан иборат бўлиши керак. *Пракрити* - Худои Таолонинг ташқи куввати, *пуруша* - Худои Таолонинг Ўзи. Бу ҳақда "Бҳагавад-гита"да аниқ айтилган. Моддий табиатга эга бўлгани учун, бу олам мангу эмас. Ҳар кандай акс тасвир, соягоҳида пайдо бўлади, баъзан ийӯқолиб кетади. Аммо шу соянинг манбаи ҳамиша мавжуд. Ҳақиқий руҳий хаёт дараҳтининг алдамчи акси бўлган моддий олам дараҳтини чопиб ташлаш керак. Бирор одам ҳақида, у Ведаларни билади, деганда, унинг моддий боғланишлардан

кандай кутулишнинг йўлини билиши назарда тутилади. Шуни билган киши Ведаларнинг, муқаддас китобларнинг мазмунини тушунган одам бўлади. Ведаларда ёзилган хар хил қурбонлик маросимларини ўрганишга боғланиб қолган киши эса, моддий хаёт дарахтининг чиройли япроқларига маҳлиё бўлиб юрган одам хисобланади. Улар Ведаларнинг асосий, ҳақиқий мақсади нимадан иборат эканини билмайдилар. Худо Таолонинг Ўзи айтганидай, Ведаларнинг мақсади - моддий оламда акс этиб турган моддий хаёт дарахтини кесиб ташлаб, руҳий оламнинг ҳақиқий дарахтига эришишдан иборат.

*2. адҳаи чордхвам прасритас тасйа  
шакха гуна-правриодҳа вишиайа-правалаҳ  
адҳаи ча мулани анусантатани  
карманубандхини манушийа-локе*

**У дарахтнинг моддий табиатнинг уч гунаси озиқлантириб турган шоҳалари юқорига ва пастга қараган. Унинг куртаклари - биз се-задиган унсурлардир. Бу дарахтнинг пастга қараган ва инсонлар орасида кармали фаолият билан боғланган илдизлари ҳам бор.**

Изоҳ: Мазкур шеърда Кришна баниан дарахтини таърифлашда давом этади. Унинг пастки қисмида ҳар хил тур ва қиёфалардаги барча тирик мавжудотлар жойлашган: одамлар, ҳайвонлар, отлар, сигирлар, итлар, мушуклар ва ҳоказо. Уларнинг барчasi баниан дарахтининг пастки шоҳаларини эгаллаган, унинг юқори шоҳаларини эса, руҳий жиҳатдан анчá юксалган тирик мавжудотлар эгаллаган: фаришталар, гандҳарвалар ва ҳоказо. Худди оддий дарахт сув билан озиқлангани сингари, моддий хаёт дарахтини ҳам моддий табиатнинг уч гунаси озиқлантириб туради. Сув етишмаганда ер чўлга айланганини, сув сероб бўлганда эса, ҳар хил ўсимликлар ўсиб ётган боғ-бўстонга айланганини кўриш мумкин. Шунга ўҳшаб, моддий табиатнинг маълум устивор гуналари ҳукмронлик қилаётган жойларда уларга мос бўлган хаёт турлари кўпаяди.

Бу дарахтнинг куртаклари - хиссиётларга лаззат келтирадиган нарсалардир. Моддий табиат гуналари таъсири остида тирик мавжудотлар ҳар хил сезги аъзоларига эга бўладилар. Улар ёрдамида эса, ҳар хил лаззат келтирадиган нарсалар билан лаззатланиши мумкин. Баниан дарахтининг уни - ҳар хил лаззат келтирадиган нарсалар билан лаззатланишга интилаётган хиссиёт аъзоларидир: кулоқ, бурун, кўз ва ҳоказо. Дарахт куртаклари - лаззат берадиган нарсалар - товуш, шакл, сезиладиган нарсалар ва ҳоказо. Унинг осмондаги илдизи эса, - бизнинг ҳаётда дуч келиб юрган мусибат ва лаззатларни келтириб чиқарарадиган, боғланиш ва нафратнинг намоён бўлган ҳар хил кўринишларидир. Савоб ва гуноҳ ишлар қилишга бўлган мойиллик -

хар тарафга караб ўсган қўшимча илдизлардир. Дарахтнинг асосий илдизи Брахмалокада, бошқа илдизлари - инсонлар яшайдиган сайёralарда жойлашган. Ўзининг хайрли ишлари натижасидан моддий оламнинг юкори сайёralарида анча вақт лаззатланиб яшагандан кейин, тирик мавжудот яна Ер сайёрасига қайтади ва яна юкори сайёralарга кўтарилиш учун кармали фаолият билан машғул бўлади. Шунинг учун, биз яшаётган сайёрани "фаолият майдони" деб атайдилар.

*3-4. на рупам асъеха матхопала бхъяте  
нанто на чадир на ча сампротишитха  
ашваттхам энам су-вирудха-мулам  
асанга-шастрена дрихена чхиттва  
татах падам там паримаргитавайам  
йасмин гата на нивартанти бхуяах  
там эва чадйам турушам прападайе  
йатах правриттих прасрита турани*

**Моддий оламда бу дарахтнинг ҳакиқий қиёфасини кўришнинг иложи йўқ. Унинг бошланиши, охири ва асоси қаерда эканини ҳеч ким билмайди. Аммо, биз таркидунёлик болтаси билан қуролланиб, чукур илдиз отган бу дарахтни томири билан чопиб ташлашимиз керак. Кейин бу моддий оламга ҳеч қачон қайтиб келмайдиган жойни топиб, азалдан бутун борлиқнинг манбаи бўлган Худои Таолога ўз ихтиёrimизни топширишимиз лозим.**

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки, баниян дарахтининг ҳакиқий қиёфасини моддий оламда кўришнинг иложи йўқ. Акс-тасвир сифатида унинг илдизлари юқорига караган, шунинг учун ҳакиқий ҳаёт дарахти бу оламдан ташқарида бошланади. Моддий олам дарахтининг шоҳаларида адашиб юриб, биз унинг қаердан бошланганини, қанчалик катта эканини тасаввур ҳам қилолмаймиз. Лекин, барибир, биз унинг илдизини топиб олишимиз лозим. "Мен - отамнинг ўғлимани, отам - яна бирорнинг ўғли ва ҳоказо" - шундай изланishi занжири бизни Брахмага олиб келади, уни эса Гарбходакашай-Вишну яратган. Бизнинг изла-нишларимиз Худонинг Олий Шахсига бориб етганда ниҳоясига етади. Мана шу дарахтнинг илдизини, Худо Шахсини излашни Худонинг Олий Шахсини биладиган одамлар билан сухбатлашишдан бошлаш керак. Улар даврасида Худо ҳакидаги илмга эга бўлиб, инсон астасекин ҳакиқатнинг алдамчи акс-тасвирига боғланиш туйғусини тарк этишга қодир бўла боради. Инсоннинг эгаллаган ҳакиқий илми унга бу алдамчи, ёлғончи дунё билан бўлган барча алоқаларини тарк этиб, ҳакиқий ҳаёт дарахтига эришишга ёрдам беради.

Бу ерда ишлатилган *асанга* ибораси жуда муҳим аҳамиятга эга, чунки тирик мавжудотда ҳиссий лаззатларга ва моддий табиатга

хукмронлик қилишга боғланиш жуда кучли. Шунинг учун биз, ҳақиқий илмга эга бўлган одамлар билан ҳамсухбат бўлиб, улар билан муқаддас китобларда нозил қилинганди илоҳий илмни муҳокама қилиб, таркидунёликка ўрганишимиз лозим. Худонинг содик хизматкорлари билан бўлган суҳбатлар, руҳий мавзуларни муҳокама қилишлар натижасида биз Худонинг Олий Шахсини англаб олишимиз мумкин. Шунда бизнинг ҳаётда биринчи қоладиган ишимиш - ўз ихтиёrimизни Худои Таолога топшириш бўлади. Бу ерда, эришгандан сўнг тирик мавжудот бошқа бу моддий оламга қайтиб келмайдиган даргоҳ таърифланган. Худонинг Олий Шахси, Шри Кришна - бутун борлиқнинг манбаидир. Худонинг марҳаматига эришиш учун Унинг амрига бўйсуниш лозим. Биз Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлганимизда айнан ана шундай ҳолат юз беради. Худога садоқат билан хизмат қилиш - Худои Таоло ҳақидаги ҳикояларни тинглашдан, Унинг муқаддас номларини зикр қилишдан бошланади - Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Парвардигор - моддий оламнинг яралиш сабабчи-сидир. Бу ҳақда Унинг Ўзи айтган. *Аҳам сарвасія прабхаваҳ*: "Мен бутун борлиқнинг манбаиман". Шундай қилиб, моддий оламдаги алдамчи баниян дараҳти шоҳаларида адашиб юришни тарқ этиш учун инсон ўз ихтиёрини бутунлай Кришнага топшириши лозим. Ўз ихтиёрини Худои Таолога топширган заҳоти инсон табиий равишда бу қудратли дараҳтга боғланиш туйғуларидан халос бўлади.

*5. нирмана-моҳа джиста-санга-доша  
адхіатма-нитіа виниврітта-камаҳ  
двандаир вимуктаҳ сұкха-духкха-самдженсаир  
гаччханти амудхаҳ падам аейайам там*

**Манманлик ва алданиш туйғусидан халос бўлган, соҳта боғланишларнинг барчасини тарқ этган, мангаликни англаб етган, моддий эҳтирос туйғусидан озод, қарама-қаршиликлар таъсирига берилмай, бошыга мусибат тушганда ҳам, баҳтга эришганда ҳам хотиржам қоладиган, Худонинг Олий Шахсига ўз ихтиёрини қандай топширишни биладиган киши ана шу мангу салтанатга эришади.**

Изоҳ: Бу ерда қандай килиб инсон аста-секин ўз ихтиёрини Худои Таолога топшириши мумкинлиги жуда аниқ таърифланган. Энг аввало инсонни маст қилиб қўядиган манманлик туйғусидан кутулиш лозим. Ўзини "моддий табиат ҳукмдори" деб ҳисоблайдиган шартланган рух шу ҳолати билан жуда мағрурланади, шунинг учун унга ўз ихтиёрини Худои Таолога топшириш жуда қийин. Ҳақиқий илмга эга бўлиб, инсон моддий табиатнинг ҳақиқий Ҳукмдори у эмас, Худои Таоло экан

нини англаб олиши лозим. Манманлиқдан келиб чикадиган алданиш туйгусидан халос бўлиш - инсон ўз ихтиёрини Худога топшира олиши учун бажариш зарур бўлган энг биринчи шартдир. Бу моддий оламда обрў-эътибор, шон-шухрат қозонишга интилиб юрган киши хеч қачон Худои Таолонинг амрига бош эга олмайди. Манманлик - алданиш на-тижасида юзага келади: инсон бу дунёга жуда оз вақтга келган, жуда қисқа вақт ичидা бу оламни у тарк этади. Лекин шунга қарамай, ғофиллиги, аҳмоқлиги туфайли ўзини бу оламнинг хўжайини деб ҳисоблади. Натижада у ҳаётда ўзи учун ҳар хил қийинчиликлар яра-тиб, ўз бошига сон-саноқсиз мусибатлар келтиради. Бутун жаҳон мана шундай алданиш ботқоfiga ботган. Одамлар ўзлари яшаёттан ерни ўзларининг мулки деб ҳисобладилар, алданиш домига тушиб, уни ўзаро бўлиб олишини бошлайдилар. Инсон энг аввало, ҳаёт ҳақидаги "бу олам инсонларники" деган нотўғри тасаввурдан халос бўлиш ло-зим. Инсон ҳақиқий илм ёрдамида ўзини бирор нарсанинг эгаси деб ҳисобламай қўйганида, оиласига, атрофидаги нарсаларга ва ватанига боғланганлиги оқибатида пайдо бўлган алдамчи тасаввурлардан халос бўлади. Шундай алдамчи боғланишлар уни моддий оламда тутқун қилиб қўяди. Ана шу погонадан ўтганидан кейин, инсон руҳий илм ўргана бошлиши лозим. У ҳақиқатан хам ўзига тегишли ва тегишли бўлмаган нарсаларни тушуниб олишга ҳаракат қилиши лозим. Ҳаётга ҳақиқат кўзи билан қарашга ўрганиб, у бу моддий ҳаётнинг алдамчи тасаввурларидан халос бўлади ҳамда баҳт ва мусибат, лаззат ва азоб сингари қарама-каршиликлар таъсирига берилмай қўяди. Шундай қилиб, у аста-секин мукаммал илмга эга бўлади, шунда унинг қалбида ўз ихтиёрини Худои Таолога топшира олиш қобилияти ривожлана бо-ради.

*6. на тад бхасайате сурйо на шашанко на павакаҳ  
йад гатва на нивартанте тад дхама парамам мама*

**Менинг шу олий даргоҳим қўёш, ой, олов ёки электр нури билан ёритилмайди. Унга эришган киши моддий оламга бошқа қайтиб келмайди.**

Изоҳ: Бу ерда руҳий олам, Худонинг Олий Шахси, Шри Кришна-нинг "Кришналока", яъни "Голока Вриндавана" деб аталадиган даргоҳи таърифланган. Руҳий оламда на қуёшга, на ойга, на электр кувватига зарурат йўқ, чунки, у ердаги барча сайёralар ўзларидан нур таратиб туради. Бу моддий коинотда факат битта шундай сайёра мав-жуҳ, у - Қўёш. Руҳий оламда ҳамма сайёralар порлаб, ўзидан қуёшдай нур сочиб туради. Вайкунта сайёralарининг ёғдусидан бутун руҳий олам нурафшон, шу ёруғликни *брахмаджайоти* деб атайдилар. Шу ёғдунинг бошлангич манбаи Кришнанинг сайёраси, Голока Вриндава-

на ҳисобланади. Брахмажйотининг бир қисми *маҳат-таттва* билан қопланган, борлиқнинг шу бўлагида моддий олам яралган. Лекин брахмажйотининг, яъни руҳий оламнинг катта қисмини руҳий сайёralар, Вайкунтаҳалар эгаллаган, уларнинг ичидаги энг асосийси - Кришна-лока, Голока Вриндаванадир.

Токи тирик мавжудот моддий олам зулматида бўлар экан, у шартланган ҳолатда қолаверади. Лекин у, ҳакиқий руҳий ҳаётнинг бузилган акси кўриниб турган, алдамчи моддий олам дараҳти билан бўлган ҳамма алоқаларини узган заҳоти, озодликка чиқади ва руҳий оламга эришади. Шундан сўнг у моддий оламга бошқа қайтиб келмайди. Шартланган ҳолатида тирик мавжудот ўзини моддий оламнинг ҳукмдориман деб ҳисоблади, аммо, озодликка чиққандан кейин, у руҳий олам салтанатига эришиб, Худонинг Олий Шахси билан бевосита мулоқотда бўлиши имкониятига эга бўлади. Руҳий оламда у мукаммал илм, чексиз лаззатга тўла ҳаёт билан мангу яшайди.

Мана шундай маълумотлар бизнинг қалбимизда ҳакиқий руҳий оламнинг акс тасвири бўлган бу ёлғончи моддий оламдаги азоб-уқубатларга тўла ҳаёт чангалидан халос бўлиш, Худои Таолонинг мангу даргоҳига интилиш туйғусини уйготиши лозим. Моддий оламга каттиқ боғланиб колган кишининг бу боғланишлардан қутулиши жуда мушкул, аммо, Кришнани англаш йўлига кириб, инсон аста-секин бунга эришиши мумкин. Бунинг учун у Худонинг содик хизматкорлари, Кришна онгига эга бўлган кишилар билан мулоқотда бўлиши лозим. Кришна онгига эга бўлган одамлар жамиятини излаб топиш ва улардан Худога хизмат қилиш йўлларини ўрганиш лозим. Фақат шундагина моддий оламга бўлган боғланишлардан қутулиш мумкин. Моддий ҳаёт азоб-уқубатларидан қутулиш учун таркидунёчиларнинг сарик либосини кийиб, фақат кийимни ўзгартириб олишнинг ўзи кифоя қилмайди. Энг аввало Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш фаолиятига боғланиш лозим. Шунинг учун, Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш жараёни - бу моддий оламдан, яъни руҳий оламдаги ҳакиқий ҳаётнинг ёлғончи акс-тасвири бўлган моддий ҳаёт тутқунлигидан озодликка чиқишининг ягона йўли эканига жиддий эътибор бериш кепрак. Бу ҳақда "Бҳагавад-гита"нинг ўн иккинчи бобида тўла маълумот берилган эди. Ўн тўртинчи бобда моддий фаолиятнинг ҳар хил турлари ва шаклларига моддий табиатнинг кўрсатадиган салбий таъсири тушунтирилган, фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнигина бутунлай пок руҳий фаолият экани айтилганди.

Бу ерда ишлатилган *парамам мама* ибораси муҳим аҳамиятга эга. Яралган оламнинг ҳар бир чеккаси Худои Таолоники ҳисобланади, аммо руҳий олам *парамам*, яъни "мукаммалликнинг олти сифатига тўла", деб аталади. "Катха-упанишад"(2.2.15)да ҳам айтилганки, руҳий оламда куёш нурининг ҳам, ой нурининг ҳам ҳожати йўқ(*на таттра сурйо бҳати на чандра-таракам*), чунки у оламда ҳамма нарса Худои

Таолонинг ички қувватининг нури билан равшан. Ана шу мангу даргоҳга фақат ўз ихтиёрини Худои Таолога бутунлай топшириш на-тижасидагина эришиш мумкин, бунинг бошқа йўли йўқ.

*7. мамаивамшо джисва-локе джисва-бхутаҳ санатанаҳ  
манаҳ-шашитханиндийани пракрити-стхани каршати*

**Моддий оламдаги тирик мавжудотлар Менинг ажралган мангурарачаларимдир. Шартланган ҳолатга тушиб қолган ҳолда улар олти хиссиёти билан кураш олиб боришга мажбурдирлар. Ақл - шу хиссиётлардан бири.**

Изоҳ: Бу ерда тирик мавжудотнинг табиати аниқ-равшан таърифланган. Тирик мавжудот Худои Таолонинг мангу ажралмас бўлғи бўлиб қолаверади. У фақат шартланган ҳолатидагина алоҳидаликка эга бўлади, озодликка эришгандан кейин эса, Худои Таоло билан кўшилиб кетади, деб ўйламаслик керак. У ҳамиша Парвардигорнинг ажралган алоҳида мангу заррачаси бўлиб қолади. Бу ерда аниқ айтилган: *санатанаҳ*. Ведавий муқаддас китоблар таълимотига кўра Худои Таоло Ўзини сон-саноқсиз экспансияларида намоён этади. Унинг бирламчи экспансиялари вишну-таттвалар деб аталади, иккиласми экспансиялари эса - тирик мавжудотлардир. Бошқача қилиб айтганда, вишну-таттвалар - Худои Таолонинг шахсий экспансиялари, тирик мавжудотлар эса - Унинг ажралган экспансияларидир. Худои Таолонинг шахсий экспансияларига Унинг ҳар хил киёфалари киради, масалан: Рама, Нрисимхадева, Вишнумурти ва Вайкунтҳа сайёralарининг барча ҳукмдорлари. Худои Таолонинг ажралган экспансиялари бўлган тирик мавжудотлар Унинг мангу хизматкорлари хисобланадилар. Худои Таолонинг шахсий экспансиялари, яъни шахсан Ўзи намоён этган киёфалари мангу мавжуд. Худди шунингдек, Унинг ажралган экспансиялари ҳам, алоҳида рух сифатида мангу қолаверадилар. Худои Таолонинг ажралган зарралари бўлган ҳолда тирик мавжудотлар Унинг барча сифатларига эга бўлади. Бу сифатлардан бири - мустақиллик. Ҳар бир руҳий зарра, тирик мавжудот - алоҳида шахс ва у заррача мустақилликка эга. Ўзининг ана шу мустақиллигини сунистемъомил қилиб, мангу озод руҳ шартланган руҳ ҳолатига тушиб қолади. Шу мустақиллигидан тўғри фойдаланганида эса, ўзининг мангу озод ҳолатига эришади. Барибир, алоҳида руҳ худди Худои Таолонинг Ўзи сингари мангу мавжудлигича қолаверади. Ўзининг озод, моддий табиат шароити билан шартланмаган ҳолатига тирик мавжудот Худои Таолога илоҳий онг билан садоқатли хизмат қилади, моддий табиат шароитига, шартланган руҳ ҳолатига эса, моддий гуналар таъсири остида ўзининг Худои Таолонинг мангу хизматкори эканини унтиб қўяди.

Натижада у моддий оламдаги тирикчилик учун қаттиқ кураш олиб боради.

Барча тирик мавжудотлар, факат одамлар эмас, ит ва мушуклар хам, ҳатто бу моддий оламнинг буюк ҳукмдорлари бўлган Тангри Браҳма, Шива ва ҳатто Вишну ҳам, - Худои Таолонинг ажралмас бўлаклари, заррачаларидир. Уларнинг барчаси бу оламда мангум эмас, балки ўзларига ажратилган қандайдир вакт мобайнида мавжуд бўлиб турадилар. Бу ерда ишлатилган *каршати*, яъни "қаттиқ кураш, жанг" ибораси муҳим аҳамиятга эга. Шартланган руҳлар худди темир қишинлар боғлаб қўйилганга ўхшайдилар. Улар соҳта ўзлик кишини билан боғланганлар, уларнинг моддий оламдаги ҳаракатларини бошқариб турган асосий куч эса - ақлдир. Инсоннинг ақли эзгулик гунасида бўлганда, тирик мавжудотнинг ҳаракатлари ҳамиша унинг ўзига яхшилик, саодат келтиради. Эҳтирос гунаси таъсири остида бўлган ақли эса, инсонни ҳар хил ташвиш, азоб-укубат, мусибатлар олиб келадиган ҳаракатлар қилишга мажбур қиласиди. Фафлат гунаси таъсиридаги ақл эса, инсонни тубанликка юз тутишга, ҳайётнинг кўйи қисмларига олиб борадиган йўлга бошлайди. Лекин, мазкур шеърдан кўриниб турибидики, моддий тана, ақл ва ҳиссиятлар - шартланган руҳнинг шунчаки қобикларидир; у озодликка эришганида моддий қобиклар йўқолиб кетади, лекин унинг руҳий танаси аввалгидаи ўзининг алоҳида шахс сифатини саклаб қолаверади. "Мадхъандинайана-шрути" да шундай дейилган: *са ва эша брахма-ништха идам шарир-рам мартіам атисриджайа брахмабхисампадайа брахмана пашшати брахмана шриноти брахманаivedхам сарвам анубхавати*. Бу ерда айтилганки, моддий олам тутқунлигидан халос бўлган тирик мавжудот руҳий оламга эришади. Унинг руҳий танаси қайта тикланади, шунда у Худонинг Олий Шахсини яққол кўриш имкониятига эга бўлади. Биз у ерда Худои Таолони тинглаш, У билан ҳамсуҳбат бўлиш, Уни асл киёфасида яққол кўриш имкониятига эга бўламиз. Смритилардан биз шуни биламизки, *васанти юатра пурушаҳ сарве вакунтха-муртайаҳ* - руҳий сайёralарда яшайдиган зотларнинг барчаси Худонинг Олий Шахси сингари қиёфаларга эга, яъни Худои Таолонинг айрим заррачалари бўлган тирик мавжудотнинг, вишну-мурти экспансияларининг руҳий тана тузилишлари бир хил кўринишда. Бошқача қилиб айтганда, моддий тутқунликдан халос бўлиб, тирик мавжудот Худонинг Олий Шахсининг марҳамати билан мангум руҳий танага эга бўлади.

Бу ерда *мамаивамшаҳ* (Худои Таолонинг ажралмас заррачалари) сўзи муҳим аҳамиятга эга. Худои Таолонинг заррачаси деган иборани, худди моддий нарсаларнинг бир бўллаги бўлинниб тушгани сингари, бу зарра Худои Таолодан бутунлай ажралиб, бўлинниб тушган, деб тушунмаслик керак. Биз иккинчи бобдан руҳнинг бўлакларга бўлинмаслигини билиб олган эдик. Моддий оламда руҳий танага ўхшаш қиёфа йўқ. Рух - бўлакларга бўлинадиган, кейин яна

күшиладиган моддадан бутунлай фарқ қиласи. Модда түғрисидаги тасаввурлар рухга умуман түгри келмайды. Бу ерда ишлатилган *санатана* (мангу) ибораси шуни күрсатади. Худои Таолонинг ажралган рухий зарраси мангурхий заррача бўлиб қолаверади. Иккинчи бобнинг бошида ҳам айтилган эдики, хар бир моддий танада Худои Таолонинг бир заррачаси мавжуд (*дехино "смин йатха дехе"*). Ана шу заррача моддий тутқунликдан озодликка чикқанида ўзининг бошлангич, азалий рухий танасига қайтади, рухий оламнинг рухий сайёralаридан бирига бориб, у ерда Худои Таоло билан мангурхамроҳ бўлиш имконига эришади. Лекин, мазкур шеърдан яна шу хулоса келиб чикадики, Худои Таолонинг ажралган заррачаси бўлган ҳолда, худди олтин зарраси ҳам олтин бўлганидай, тирик мавжудот ҳам Худои Таоло билан бир хил сифатга эга.

*8. шарирам йад авапноми йаҷ чати уткраматишвараҳ  
грихитваитани самайати вайур гандхан ивашият*

**Худди ҳаво ҳар хил ҳидларни олиб юргани сингари, тирик мавжудот ҳам моддий оламда ўзининг ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари билан яшайди. Шу тарзда у моддий танага эга бўлади, яна бошка танага эга бўлиш учун бу танасини ҳам тарк этади.**

Изоҳ: Тирик мавжудот бу ерда *ишивара*, яъни ўз танасининг хўжайнини, деб аталган. Ўз хоҳишига қараб у муқаммалроқ таналарга эга бўлиши ёки тубанликка юз тутиб, ҳаётнинг куйи шаклларига қулақ кетиши мумкин. Унга ато этилган озгина мустақиллик тирик мавжудотда ана шундай намоён бўлади. Кейинги ҳаётда эга бўладиган танаси тирик мавжудотнинг ўзига боғлиқ. Бутун ҳаёти давомида ўз аклида шаклланган ҳаёт ҳақидаги онги, тасаввuri, ажали етганида инсонни янги танага олиб ўтади. Агар бутун умри давомида шаклланган онги ит ва мушукларницидан фарқ қилмаса, тирик мавжудот кейинги ҳаётида ит ёки мушукнинг танасига эга бўлади. Бутун умри давомида аклида илоҳий сифатларни ривожлантиришга эришган киши кейинги ҳаётида фаришта танасида туғилади. Агар у қалбida Кришна онгини ривожлантирган бўлса, кейинги ҳаётида Кришналокага, рухий оламга эришиб, Худои Таоло, Шри Кришна билан бирга бўлади. Танамиз ҳалокатга учраши билан ҳамма нарса тамом бўлади, ҳаёт тугайди, деган фикр ҳақиқатга тўгри келмайди. Алоҳида рух бир танадан иккинчи танага ўтиб юради, унинг танаси, шу танасида кўрсатаётган фаолияти - унинг кейинги ҳаётида қандай тана олишини белгилайди. Тирик мавжудот ўзи содир қилган ишларининг оқибати, кармасига қараб маълум кўрринишдаги танага эга бўлади, лекин белгиланган вақтда у танасини тарк этиши лозим бўлади. Бу ерда айтилганки, тирик мавжудотнинг нафис танасида, яъни онгтида шаклланган тасаввур унинг кейинги

хаётидаги танасини шакллантиради. Шартланган рухнинг бир танадан иккинчи танага ўтиб юриши, улардаги моддий хаёт учун олиб борадиган курашининг барчаси бу ерда каршати, "хаёт учун куаш" деб аталган.

*9. широтрам чакиуҳ спаршанам ча расанам ғхранам эва ча адхиштхайа манаши чайам вишайан упасевате*

**Бошқа моддий танага кириб, тирик мавжудот янги қулоқлар, кўзлар, тил, бурун ва терига эга бўлади. Бу сезги аъзоларининг барчаси ақлнинг атрофида тўпланган. Улар ёрдамида тирик мавжудот сезги аъзолари хис қилишга қодир бўлган нарсалардан лаззат олади.**

Изоҳ: Бошқача қилиб айтганда, тирик мавжудот ўзининг онгини шу қадар булғаб, ўзида ит ва мушукларнинг онгига ўхшаган онги ривожлантиrsa, ундан тирик мавжудот кейинги ҳаётида ит ёки мушукнинг танасини олиб, моддий ҳаётда ўзининг шу танасида лаззатлашиб яшайди. Тирик мавжудотнинг бошлангич, азалий онги - тиник сувдай пок, шаффоф, соф онгdir. Аммо, сувга қандайдир бўёқ қўшилса, у рангини ўзгартиради. Шунга ўхшаб, моддий табиатнинг ҳар хил гуналари билан аралашиб, тирик мавжудотнинг онги ҳам табиат гуналарининг ҳар хил сифатларига эга бўлади. Ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳақиқий, пок онги - Кришна онгидир. Шунинг учун, биз қалбимизда Кришна онгини ривожлантириш ёрдамида пок руҳий ҳаётга қайтамиз. Аммо, онгимиз моддий табиат гуналари таъсирида у ёки бу даражада булғанган бўлса, кейинги ҳаётимизда биз шунга мос бўлган моддий танага эга бўламиз. Ҳозир инсон танасида бўлганимиз учун кейинги танамиз албатта, инсон танаси бўлади, деб ўйламаслик керак. Ҳаётда қандай яшаганимизга караб, кейинги танамиз 8.400.000 турли таналарнинг бири - ит, мушук, фаришта ёки чўчқа танаси бўлиши мумкин.

*10. уткрамантам стхитам вати бхундженам ва гунанвитам вимудха нанупашайанти пашайанти джсанана-чакишуаҳ*

**Руҳ қандай қилиб ўз танасини тарқ этишини, моддий табиат гуналарига маҳлиё бўлиб, танаси ёрдамида қандай лаззатланишини нодон одамлар тушунмайдилар. Лекин, ҳақиқий илмга эга бўлиб, қалб кўзи очилган киши булаrinнig ҳаммасини яққол кўра олади.**

Изоҳ: Бу ердаги джсанана-чакишуаҳ сўзи муҳим аҳамиятга эга. Илмдан маҳрум одамлар тирик мавжудот қандай қилиб танасини тарқ

этишини ҳам, кейинги ҳаётида қандай танага эга бўлишини ҳам, ҳатто ҳозир моддий тананинг ичидан қандай яшаётганини ҳам тушуна олмайдилар. Буларнинг ҳаммасини тўғри тушуниб олиш учун "Бҳагавадгита" ва бошқа муқаддас китобларда келтирилган илохий илмни ҳакиқий рухий устоз оғзидан эшитиб, мукаммал илмга эга бўлиш керак. Ҳаётни ана шундай мукаммал илм кўзи билан кўра оладиган киши ўзини ҳаётда "энг бахтиёр одам" деб ҳисоблаши мумкин. Моддий табиатнинг алдамчи ранг-баранг кўринишларига маҳлиё бўлиб, ҳаётда алданиб қолган ҳар бир тирик мавжудот танасини маълум шароитда тарқ этади, маълум шароитларда яшайди ҳамда маълум шароитларда ҳаётдан лаззатланади, ўзини худди ҳаётдан лаззатланиб яшаётгандай сезади. Истак ва эҳтирос бошини айлантириб, ақлини йўқотиб кўйган кишилар нега ҳозир шундай танага эга эканини, жон қандай килиб бир танадан иккинчи танага ўтиб юришини тушуниш қобилиятини тобора йўқотиб бораверадилар. Буни улар тушуна олмайдилар. Лекин, рухий илмга эга бўлган киши руҳ танадан фарқ қилишини, таналарни алмаштириб, ҳар танада турли хил нарсалар билан лаззатланишини тушунади. Мукаммал илмга эга киши тирик мавжудот моддий оламда нима сабабдан, қандай килиб азоб-уқубатларга дучор бўлишини тушунади. Шунинг учун Кришнани, Худои Таолони англашда юкори погоналарга кўтарилиган киши бутун куч-қудратини аямай, ҳаётда гофилик ботқоғига ботиб, азоб-уқубатда қийналиб яшаётган оддий одамларга бу илмни етказиш учун қўлидан келган ва келмаган ишларни амалга оширишга интилади. Озгина фаросати бўлган одамлар шартланган ҳаётдаги мусибатларидан бутунлай халос бўлиши, Худои Таолони англаб, Кришна онгига эга бўлиши, моддий олам асирилигидан озодликка чикиб, рухий оламга, Худонинг даргохига эришишлари лозим.

*11. йатанто йогинаш чаинам пашиянтий атманӣ авастхитам  
йатанто "ни акритатмано наинам пашиянти ачетасаҳ*

**Ҳақиқат йўлидан адашмай олий мақсад сари интилаётган, рухий ўзлигини англаб етган илохий одамлар ҳаёт ҳакида ана шундай тасаввурга эга. Лекин, ақли ривожланмаган, хали ўзининг рухий табиатини англаб етмаган киши, қанча уринса ҳам, бу жараёнларни тушуна олмайди.**

Изоҳ: Ўзининг рухий табиатини англашга интилаётган кўпчилик илохий одамлар орасида факат рухий ўзлигини тўла англаб етган кишигина тирик мавжудотнинг қандай килиб моддий таналарни алмашлашини кўра олади. Бу ерда ишлатилган *йогинаҳ* сўзи муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда жуда кўп одамлар йога билан шуғулланишни истайдилар, бунинг учун ҳар хил йога тўгаракларига, жамиятларига кўшиладилар, аммо уларнинг орасида камдан-кам одам-

ларгина ўзликни англаш илмидан хабардор. Одатда улар ўзларининг моддий танасини чиройли ёки соғ-саломат қилиш ниятида қандайдир жисмоний

437

машқларни бажариш билан чекланиб қоладилар. Улар йога деганда факат шуни тушунадилар, холос. Шундай одамларни *"пўй акритатманаҳ"*, деб атайдилар. Ўзларича "йога" деб аталағидан жараёнда тиришқоқлик билан шуғулланиш натижасида рухий ўзлигини англаб ета олмайдилар, қандай қилиб рух бир танадан иккинчи танага ўтиб юришини тушуна олмайдилар. Ҳақиқий йога билан шуғулланиб, ўзининг рухий табиатини англаб етган, ўзини ўраб турган моддий оламни, Худои Таолони таниган киши - бир сўз билан айтганда, Худои Таолога Кришна онгига садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиб юрган кишигина бу жараённи тўлиқ тушуна олади.

*12. йад адития-гатам теджсо джагад бхасайате "кхилам  
йач чандрамаси йач чагнау там теджсо виддхи мамакам*

**Бу олам зулматини ёритиб турган қуёш нури Мендан таралган, ойнинг, оловнинг ёруғлиги ҳам Мендан чиқади.**

Изоҳ: Ғофил ва аҳмоқ одамлар теварак атрофда рўй бериб турган жараёнларнинг табиатини тушуна олмайдилар. Аммо, Худои Таолонинг мазкур шеърда айтиётган гапларини англаб олиб, биз ҳақиқий илмдан хабардор бўла бошлаймиз. Ҳар биримиз қуёш, ой ва электр нурини кўриб юрибмиз. Биз қуёш ва ой нурининг ҳам, оловнинг ёғдуси ва электр нурининг манбаи ҳам Худонинг Олий Шахси эканини англаб олишимиз лозим. Ҳаёт ҳакида ана шундай тасаввурларга эга бўлиш Худони англаб олишда биринчи қадамлар бўлади, шартланган рухга моддий оламда яшаб туриб ҳам рухий юксалиш имконини беради. Тирик мавжудотлар ўзларининг табиатига кўра Худои Таолонинг ажралмас бўлакларидир, бу ерда Парвардигор тирик мавжудотларни ўз уйига, Худонинг даргоҳига олиб борадиган осон йўлни кўрсатяпти.

Мазкур шеърдан яна шу маълум бўладики, қуёш бутун коинотни ёритиб туради. Моддий оламда жуда кўп коинотлар, жуда кўп қуёшлар, ойлар мавжуд, лекин ушбу шеърдан биламизки, ҳар бир коинотда фақат битта қуёш бор. "Бҳагавад-гита"да айтилганки, ой юлдузлар туркумига киради (*накшатранам аҳам шаши*). Қуёш нурининг манбаи - Худои Таолонинг рухий оламга таралган нури, брахмажойтидир. Қуёш чиқиши билан одамларнинг фаолияти бошланади. Улар овқат пишириш учун олов ёқадилар, завод ва фабрикаларни ишга тушириш учун ҳам олов керак. Ҳаётда инсоннинг бирор соҳадаги фаолияти оловнинг иштирокисиз амалга ошмайди. Ой нури билан ўсимликлар ривожланади. Шунинг учун қуёш, олов ва ой нури инсон

учун жуда зарур. Уларсиз бу хаётда яшашнинг иложи йўқ. Биз күёш ва ойнинг нури, оловнинг тафти Кришнадан, Худонинг Олий Шахсидан чиқаётганини тушуниб етганимизда, қалбимизда Кришна онги ривожлана бошлайди. Шу тарзда биз хаётда Худои Таолонинг, Шри Кришнанинг марҳамати билангина тирик эканимизни тушуна оламиз: Унинг марҳаматисиз күёш бўлмасди, Унинг марҳаматисиз ой бўлмасди, Унинг марҳаматисиз олов бўлмасди. Кўёш, ой ва олов бўлмаса, ҳеч ким яшай олмайди. Ана шундай фикрлашлар инсон қалбида, шартланган рух қалбида Кришна онгини уйғотишга қодир бўлади.

*13. гам авшиша ча бхутани дхараий аҳам оджасаса  
пушнами чаушадхиж сарваҳ сомо бхутва расатмакаҳ*

**Мен ҳар бир сайёрунинг ичига кираман, Менинг қувватим ушлаб тургани сабабли улар ўз орбиталаридан чиқиб кетмайдилар. Мен Ой бўлиб барча ўсимликларни шарбат билан озиқлантираман.**

Изоҳ: Мазкур шеърдан маълум бўладики, коинотдаги барча сайёralар осмонда факат Парвардигорнинг қуввати билангина ўз орбита-сида юради. Парвардигор ҳар бир атом, ҳар бир сайёра ва ҳар бир тирик мавжудот ичига кирган. Бу ҳақда "Брахма-самхита"да ҳам айтилган: "Ўзининг тўлиқ экспансияси бўлган Параматма кўринишида Худонинг Олий Шахси барча сайёralарнинг, коинотларнинг, тирик мавжудотларнинг ва ҳатто атомларнинг ичига киради". Бутун борлиқнинг ичига кириб, айнан Параматма бутун оламни ушлаб туради. Масалан, токи рух инсон танасида мавжуд экан, у сув юзида тура олади, рух танани тарк этган заҳоти, тана ҳалокатга учраб, сувга чўкиб кетади. Албатта, бузилиб, шишиб кетган тана ҳам, худди сомондай, сув юзига қалқиб чиқади, лекин, инсон танасини тарк этган заҳоти унинг танаси сув тагига чўқади. Шунга ўхшаб, сайёralар ҳам факат уларнинг ичиди Худо Шахсининг олий қуввати мавжуд бўлгани туфайлигина осмонда, ўз орбитасида юрадилар. Парвардигор Ўзининг қуввати билан ҳар бир сайёри худди бир қисм тупроқдай ушлаб туради. Бир қисм тупроқ қўлимизда турганда у ерга тушмай ҳавода туради, лекин ташлаб юборган заҳоти, у ерга тушади. Худди шундай, осмону-фалакда юрган ҳар бир сайёри ҳам Худои Таолонинг фазовий қиёфаси Ўзининг сонсаноқсиз қўлларида ушлаб туради. Ўзининг курдати ва қувватлари билан Парвардигор оламдаги ҳар бир қўзғалувчан ва қўзғалмас мавжудотларни ушлаб туради. Ведавий мадхияларда ҳам факат Худонинг курдати билангина қўёш ва юлдузлар ўз орбитасидан чиқмай харакат килади, деб куйланади. Агар Худои Таолонинг курдати бўлмаса, коинотдаги барча сайёralар ҳар томонга сачраб ҳалокатга учраган бўларди. Худди шунингдек, Худои Таолонинг шарофати билангина ой ўсимликларни шарбат билан таъминлайди, мева ва сабзавотлар ҳар

хил ширин таъмга эга бўлади. Ой нури бўлмаса, сабзавотлар ўсмаган бўларди. Бу ерда келтирилган *расатмакаҳ* ибораси мухим аҳамиятга эга. Барча мевалар Ўзини Ойнинг нури кўринишида намоён этган Худои Таолонинг шарофати билангина ширин таъмга эга бўлади. Одамлар факат Худои Таолонинг шарофати билангина ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарсага эга бўлиб, ширин таомлар билан лаззатланадилар. Акс ҳолда бу моддий оламда ҳеч ким яшай олмасди.

*14. аҳам вайшванаро бхутва пранинам дехам ашритаҳ  
пранапана-самайуктаҳ пачами аннам чатур-виддҳам*

**Мен - барча тирик мавжудотлардаги овқат ҳазм қилиш оловиман.  
Уларнинг танасига кирадиган, танасидан чиқадиган нафаси билан бирга тирик мавжудотларга тўрт хил овқат ҳазм қилишларида ёрдам бераман.**

Изоҳ: "Аюр-веда" таълимотига кўра, ошқозонда овқатни ҳазм қилиш олови мавжуд бўлиб, у инсоннинг барча еган овқатларини ҳазм қилиб туради. Овқат ҳазм қилиш олови пасайганида одам очликни ҳис қилмай кўяди, шу олов кучайганида эса, яна очлик ҳис қила бошлайди. Агар ошқозонида оловнинг ҳарорати пасайиб кетса, у даволаниши лозим. Ана шу олов Худонинг Олий Шахсининг вакили ҳисобланади. "Бриҳад-аранийака-упанишад",(5.9.1)да айтилганки, Худои Таоло яъни Брахман, овқат ҳазм қилиш олови сифатида инсон ошқозонида мавжуд бўлиб, унинг еган овқатини ҳазм қиласди:(*айам ангир вайшванаро йо "йам антаҳ туруше йенедам аннам пачайте*). Парвардигор инсонга овқат ҳазм қилишда ёрдамлашар экан, демак, инсон ҳатто озиқланишида ҳам Худои Таолога боғлиқ, қарамадирлар. Худои Таолонинг ёрдамисиз улар овқатлана олмайдилар. Шундай қилиб, Худои Таолонинг Ўзи - ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини етишитиради, ҳам уни тирик мавжудот ошқозонида ҳазм қиласди, яъни бутунлай Унинг марҳамати билангина биз ҳаётда лаззатланиб яшаймиз. Бу "Веданта-сурта"да ҳам тасдиқланади: *шабдадибхю "нтаҳ пратиштханач ча -* Худои Таоло товушда ҳам, тирик мавжудотнинг танасида ҳам, ҳавода ҳам, ҳазм қилиш олови кўринишида ҳатто ошқозонда ҳам мавжуд. Тадомнинг тўрт тури мавжуд: чайнамай ютиладиган, чайналадиган, ялаб ейиладиган ва сўриб ейиладиган таомлар. Худои Таоло ана шу тўрт хилдаги овқатни ошқозонда ҳазм қиласиган оловдир.

*15. сарвасайя чаҳам хриди саннивиишто  
маттаҳ смритир джсанам апоханам ча  
ведааши ча сарвайр аҳам эва ведйо  
веданта-крид веда-вид эва чаҳам*

**Мен ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбida мавжудман. Хотира, илм ва унутиш Мендан чиқади. Барча Веда(муқаддас китоб)ларнинг мақсади - Мени англашдан иборат. "Веданта"ни тузган ва барча Веда(муқаддас китоб)ларнинг ҳақиқий билимдони ҳам Менман.**

Изоҳ: Худои Таоло Параматма кўринишида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбida ҳам мавжуд бўлиб, айнан Унинг Ўзи ҳар кимни фаолиятга ундейди. Тирик мавжудот ўзининг ўтган ҳаётини бутунлай унтиб юборади, аммо ҳамиша унинг гувоҳи бўлиб юрган Худои Таолонинг кўрсатмаси билан, ўзининг аввалги ҳаётида қилган ишларини бу ҳаётида давом эттириш имкониятига эга бўлади. Шунинг учун ҳам у бу ҳаётида ўзининг аввалги ҳаётидаги кармаси асосида ҳаракат қила бошлайди. Парвардигор бунинг учун унга етарли хотира ва тафаккур ато этади, аввалги ҳаётини унутиш имконини беради. Шундай килиб, Парвардигор ҳамма ерда мавжуд бўлибгина қолмасдан, ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбida ҳам намоён бўлиб, уни ўзининг аввалги ҳаётида қилган ишларининг натижасини, оқибатларини бошидан кечиришга мажбур қиласди. Худога факат Брахман, ҳар бир тирик мавжудот қалбida мавжуд Параматма, Худонинг Олий Шахси сифатида эмас, Ведалар кўринишида ҳам сигинадилар. Ведалар, яъни муқаддас китоблар одамларга ҳаётда қандай яшаш, умрининг охирида Худонинг даргоҳига қайтиш ҳақида тўғри йўл кўрсатади. Ведалар бизга Худои Таоло, Шри Кришна ҳақида маълумотлар беради, Кришнанинг Ўзи, Вийасадева киёфасида "Веданта-сутра"нинг муаллифи ҳисобланади. "Веданта-сутра"га "Шримад Бхагаватам" кўринишида изоҳ ёзиб, Вийасадева унинг ҳақиқий мазмунини тушунтириб берган. Худои Таоло шу қадар улуғворки, шартланган руҳларни моддий олам тутқулигидан озодликка чиқариш учун Ўзи уларни озиқ-овқат билан таъминлайди, Ўзи шу овқатларни ҳазм қилишда ёрдамлашади, Ўзи тирик мавжудотларнинг ҳаракатини назорат қилиб туради, Ўзи Ведалар, муқаддас китоблар кўринишида уларга ҳаёт ҳақидаги тўғри маълумотларни беради ва Ўзи, Худонинг Олий Шахси, Кришна киёфасида "Бхагавад-гита"ни бевосита нозил қилиш учун инсонлар орасига ташриф буюради. Ана шуларнинг барчаси Худои Таолони ҳар бир тирик мавжудотга чексиз меҳрибон ва раҳмдил эканидан далолат беради Шунинг учун барча шартланган руҳлар Унга сажда қилиб сигинишлари лозим.

*Антаҳ-правиштаҳ шаста джсананам.* Ўзининг аввалги танасини тарқ этиб, тирик мавжудот ҳамма нарсани эсидан чиқариб юборади, Худои Таолонинг ундови билан янги танага мос ҳолда ҳаракат қила бошлайди. Гарчи тирик мавжудот ўзининг аввалги ҳаёти ҳақида ҳеч нарсани эслай олмаса-да, Худои Таоло тирик мавжудотга унинг фаолияти қаерда тўхтаган бўлса, шу жойидан бошлаб кетиш учун етарли

бўлган ақл-идрок ато этади. Бунинг устига, қалбидаги Худои Таолонинг амри билан тирик мавжудот моддий оламдаги ҳаёт билан лаззатланиб ёки мусибатлардан қўйналибгина қолмасдан, У ато этган ақл-идрок ёрдамида Худои Таолонинг Ўзи нозил қилиб қўйган муқаддас китобларни, Ведаларни англаб олиш имконига ҳам эга бўлади. Ведалар илмини эгаллашга жиддий ҳаракат қилаётган, Худои Таолони англашга ҳақиқатан ҳам интилаётган кишига Кришна етарли даражада ақл-идрок, тафаккур ато этади. Нимага У одамларга ведавий илмларни беради? Чунки ҳар бир тирик мавжудот Кришнани англаб етиши лозим. Ведаларнинг ўзи буни тасдиқлайди: *ио "сай сарваир ведаир гийате".* Азалий тўрт ведадан бошлаб, барча муқаддас китоблар, "Веданта-сутра", Упанишадалар, Пураналаргача Парвардигорнинг улуғворлигини шарафлайдилар. Ведавий қурбонлик маросимларини ўтказиб, Ведалар илмини мұхокама қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида Худога сажда қилиб, шартланган рух умрининг охирида Худонинг даргоҳига қайтиши мумкин. Шундай қилиб, Ведаларнинг мақсади - Кришнани англашдир. Ведаларнинг бизга берадиган кўрсатмаларига амал қилиб яшаш натижасида биз Худои Таолони, Кришнани тушуниб, англаб оламиз, Унга, Худонинг даргоҳига олиб борадиган йўлни кўра оламиз. Охирги мақсад - Худонинг Олий Шахсини англаш етишдир. "Веданта-сутра"(1.1.4)да шундай дейилган: *тат ту саманвайат.* Руҳий юксалиш йўлида одам уч поғона орқали ўтади. Ведаларни ўрганиш натижасида одам ўзининг Худои Таоло билан ўзаро муносабатларини билиб олади. Руҳий юксалиш жараёнидаги ҳар хил машғулотлар билан шуғулланиб, у Худога яқинлашади, охирокибатда ҳаётда энг олий мақсадга - Худонинг Олий Шахсига эришади. Бу шеърда Ведаларнинг вазифаси, ведавий илмни эгаллаш усули, уларнинг охирги мақсади, аниқ кўрсатилган.

*16. давав имау пурушау лоқе қиараши чакшара эва ча  
киараҳ сарвани бхутани кута стхо "қиара учияте*

**Тирик мавжудотларнинг икки тоифаси мавжуд: ўзгарувчан ва ўзгармас. Моддий оламда ҳар бир тирик мавжудот ўзгариб туради, руҳий оламда яшайдиганлар эса, ҳамиша ўзгармай қолаверадилар.**

Изоҳ: Аввал айтганимиздай, Парвардигор, Вийасадева қиёфасида намоён бўлиб, "Веданта-сутра"ни яратган. Бу ерда Парвардигор "Веданта-сутра"нинг мазмунини қискача баён киляпти. У айтяптики, сонсаноқсиз тирик мавжудотларни икки тоифага бўлиш мумкин: ўзгармас ва ўзгаришларга маҳкум тирик мавжудотлар. Тирик мавжудотлар Худонинг Олий Шахсининг мангу ажралмас бўлаклари, заррачалари бўлиб қолаверадилар. Улардан моддий оламга тушганларини *джива-*

*бұхта деб атайдилар, бу шеърда ишлатилған қиарақ сарвани бұхтани сүзи уларнинг ўзгарувчан эканини кўрсатади. Лекин, Худонинг Олий Шахси билан бирлигини мустаҳкам саклаб қоладиган тирик мавжудтлар ўзгармас тирик мавжудтлар тоифасига киради. Бирлик деганда алоҳидаликнинг йўқолиб кетишини эмас, тўла бутундан биратула ажралиб кетмасликни тушуниш керак. Тирик мавжудотларнинг шу икки тоифаси (шартланган ва озод руҳлар) руҳий ва моддий олам мавжудлигининг қандайdir мақсади борлигини белгилайди. Албаттa, руҳий оламда "яралиш" деган тушунчани ишлатиб бўлмайди, лекин "Веданта-сутра"да Худои Таолонинг Ўзи "ҳам руҳий, ҳам моддий борликнинг манбаиман", дегани сабабли бу иборани ишлатяпмиз.*

Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Кришна таъкидлаганидай, тирик мавжудотлар икки тоифага бўлинадилар. Бу ҳақиқатни Ведалар ҳам тасдиқлади, демак бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Моддий оламда беш хиссиёти ва акли билан кураш олиб борадиган тирик мавжудот шартланган ҳолатда бўлар экан, унинг танаси ҳамиша турли ўзгаришларга учрайди, чунки тана моддий табиатга эга. Модда ҳамиша ўзгариб туради, шу сабабли тирик мавжудот ҳам, ҳамиша ўзгариб тургандай туюлади. Аммо, руҳий оламда яшайдиган тирик мавжудотларнинг танаси моддий эмас, демак, улар ўзгармас табиатга эга. Моддий оламда тирик мавжудотнинг танаси олти хил ўзгаришларга учрайди: туғилади, ўсади, бироз вакт ўзгармай туради, насл қолдиради, сўлади ва ўлади. Лекин, руҳий оламда тирик мавжудотнинг танаси ўзгаришсиз қолади; руҳий оламда туғилиш, кексайиш ва ўлим йўқ. Руҳий оламда ҳамма нарса ўзгармас, бир хил табиатга эга. *Киарақ сарвани бұхтани*: модда билан бириккан барча тирик мавжудотлар - яралган мавжудотлардан энг биринчиси Тангри Браҳмадан то энг кичик чумолигача, - таналарини алмашлаб юрадилар, шу сабабли уларни "ўзгарувчан" деб атайдилар. Руҳий оламда барча тирик мавжудотлар мангу руҳий биргаликда бўладиган озод руҳлардир.

### *17. уттамаҳ пурӯшас тө аниаҳ параматмети удаҳритаҳ йо лока-трайам авишайа бибҳарти авайайа иивараҳ*

**Бу икки тоифадан ташқари энг буюк Шахс, барча уч олам ичига кирган, уларнинг мавжудлигини таъминлаб турадиган Олий Рух, Худои Таолонинг Ўзи ҳам бор.**

Изоҳ: Бу шеърнинг мазмуни "Катха-упанишад"(2.2.13)да ва "Шве-ташватара-упанишад"(6.13)да жуда яхши тушунтирилган. У ерда айтилганки, бирлари шартланган, бирлари озод бўлган сон-саноқсиз тирик мавжудотлар устида Олий Шахс, Параматма туради. Упанишадаларнинг қуидаги шеърида ҳам бу тасдиқланади: *нитио нитианам,*

*четанаш четананам.* Унинг маъноси шундан иборатки, барча тирик мавжудотлар - ҳам озод, ҳам шартланган руҳлар устида яна бир тирик мавжудот, Худонинг Олий Шахси туради. У тирик мавжудотларниң қылган ишларига мос равища лаззатланиш имконини бериб, уларниң барчасига ғамхўрлик қилиб туради. Ана шу - ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида Параматма кўринишида намоён бўлган Худонинг Олий Шахсидир. Фақат ўз қалбидаги Худои Таолога эришган донишмандги на қалбининг тўла осоиишталигига эриша олади.

*18. йасмат киарам атито “ҳам аксарад ати чоттамаҳ  
ато “сми локе веде ча пратхитаҳ нурушиоттамаҳ*

**Илохий ва энг буюк бўлган ҳолда, Мен ҳаммадан - ўзгарувчан ва ўзгармас руҳлардан устун турман, шу боис бутун оламда ва барча Ведаларда Мени - “Худонинг Олий Шахси” деб олқишилайдилар.**

Изоҳ: Ҳеч ким Худонинг Олий Шахси, Кришнадан устун бўла олмайди - на озод руҳлар, на шартланган руҳлар. Шунинг учун Уни энг буюк, Олий Шахс деб атайдилар. Мазкур шеърдан ҳам маълум бўладики, тирик мавжудотлар ҳам, Худои Таоло ҳам алоҳида шахслардир. Уларниң орасидаги фарқ шундан иборатки, ҳеч бир тирик мавжудот, ҳоҳ у озод руҳ, ҳоҳ шартланган руҳ бўлсин, миқдор жиҳатдан Худонинг Олий Шахсининг англаб бўлмас қурдатли қувватларидан устун бўлолмайди. Худонинг Олий Шахси билан бошқа тирик мавжудотларни ҳар жиҳатдан бир-бирига тенг, ёки бир каторда туради, деб ҳисоблаш умуман нотўғри. Тирик мавжудотлар ҳамиша бўйсунган ҳолатда бўладилар, Парвардигор эса - ҳамиша хукмон ҳолатда бўлади. Бу ерда ишлатилган уттама ибораси муҳим аҳамиятга эга: ҳеч ким, ҳеч қачон, бирор нарсада Худонинг Олий Шахсидан устун келолмайди.

Локе ибораси "пауруша агама(муқаддас китоб)ларда" деган маънони билдиради. "Нирукти" лугатига кўра, локийате ведартоҳо "не-на"-Ведаларнинг маъноси смирти-шастраларда тушунтирилган".

Параматма қиёфасида ҳар бир тирик мавжудот қалбидаги Худои Таоло ҳам Ведаларда таърифланган. Уларниң бирида(Чхандогай-упанишад.8.12.3) шундай дейилган: *тавад эша сампрасадо "смач чхарират самуттхайа парам джайоти-рутам сампаджайа свена рупенабхиништадиате са уттаман нурушаҳ* - "Танадан ажралиб Олий Руҳ шахсиятсиз брахмажиотига киради ва шу жойда Ўзининг соғ руҳий қиёфасида колади. Мана шу Олий Руҳни Олий Шахс деб атайдилар". Демак, Олий Шахс Ўзининг руҳий ёғдусини намоён этиб таратади, ана шу ёғду ҳар қандай ёргулликнинг бошланғич манбаидир. Худо Шахсинг яна бошқа кўриниши ҳам мавжуд: ҳар бир тирик мавжудот қалбидаги Параматма. Ер юзида Сатиавати ва Парашара Мунининг

ўғли Вийасадева киёфасида ҳам намоён бўлиб, ана шу Худо Шахсининг Ўзи одамларга Ведалар илмини нозил қилган.

*19. йо мам эвам асаммуҳдо джсанати пурушоттамам  
са сарва-вид бҳаджати мам сарва-бҳавена бҳаратат*

**Мен - Худонинг Олий Шахси эканинга чуқур иймон билан ишонадиган киши ҳаётда ҳамма нарсани тўғри тушуниб етган одам хисобланади. Шундай одам ўз ҳаётини бутунлай Менга садоқат билан хизмат қилишга бағишлади.**

Изоҳ: Тирик мавжудотлар ва Олий Мутлак Ҳақиқатнинг табииати ҳақида ҳар хил фалсафий тасавурлар мавжуд. Мазкур шеърда Худо Таолонинг Ўзи аниқ айтятпи: Парвардигор Кришна - Худонинг Олий Шахси эканига аниқ иймон келтирган киши ҳамма нарсани билиб олган бўлади. Илми мукаммал бўлмаган киши Мутлак Ҳақиқат тўғрисида факат тахмин қилиши мумкин. Аммо, мукаммал илмга эга бўлган киши ўзининг нодир, қимматли вақтини бекорга кетказиб ўтирумай, Кришна онгига ҳаракат қилиб, ягона Парвардигор Кришнага садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлади. Бутун "Бҳагавад-гита" бўйича мана шу фикр устивор ўрин тутади. Шунга қарамай, "Бҳагавад-гита"га изоҳ ёзган кўп олимлар тирик мавжудот билан Мутлак Ҳақиқатни тенглаштиришда давом этаверадилар.

Ведавий илмни *шрути* деб атайдилар - бу илмни тинглаш орқали эгаллаш лозим. Ведавий донишмандлик илмни факат Кришна ёки Унинг ҳақиқий вакили сингари ишонарли манбалардан ўрганиш лозим. Бу ерда Кришна руҳий илмни батафсил тушунтириб беряпти, биз Унинг сўзларини тинглаб, шу илмни ўзлаштириб олишимиз лозим. Лекин, бунда шунчаки тинглашнинг ўзи камлик қиласи. Чўчқалар ҳам тинглаш қобилиятига эга. Ҳар ким ўзининг фикрлаш қобилиятига караб эмас, биладиган одамларнинг тушунтиришларини тинглаб, "Бҳагавад-гита"нинг мазмунини англаб олиши керак. Биз камтарин холда "Бҳагавад-гита"ни тинглашимиз, тирик мавжудотлар ҳамиша Худонинг Олий Шахсининг ҳукми остида эканини тан олишимиз лозим. Шуни тушуниб етган киши Худонинг Олий Шахси, Шри Кришнанинг фикрига кўра, Ведаларнинг мазмунини англаб етган бўлади. Бошқа одамлар буни тушуна олмайдилар.

Бу ерда ишлатилган *бҳажати* сўзи муҳим аҳамиятга эга. Уни кўпинча Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишни ифодалашда ишлатадилар. Агар одам ҳаётини Худои Таолога Кришна онгига садоқат билан хизмат қилишга бутунлай бағишилаган бўлса, демак у Ведалар илмини тўлиқ англаб етган бўлади. Вайшнав ачарйаларнинг фикрларига кўра, Кришнага садоқат билан хизмат қилиб юрган кишининг Мутлак Ҳақиқатни англаш учун бошқа усуслардан фойдалани-

шининг ҳожати йўқ. Ундаид одам аллақачон Мутлақ Ҳақиқатни англаб етган бўлади, чунки у Худои Таолога садоқат билан хизмат қиляпти. У руҳий ўзлигини англашнинг аввалги ҳамма босқичларидан аллақачон ўтган бўлади. Агар одам юз минг йиллар умрини фалсафий изланишларга сарфлаган бўлса-ю, лекин Шри Кришна - у бўйсуниши ва сигиниши лозим бўлган Худонинг Олий Шахси эканини англаб етмаган бўлса, умрининг шунча йилларини эгаллаган фалсафий изланишлари ҳеч қандай натижа бермаган, шунчаки умрини бекорга хазон қилган бўлиб қолаверади.

*20. ити гүхйатамам шастрам идам уктам майанаҳха  
этад буддхва буддхиман сийат крита-критиаи ча бхарата*

**Эй бегуноҳ зот, Мен сенга Ведаларнинг энг маҳфий сирини ошкор этдим. Унинг маъносини англай олган киши донишмандлик илмини эгаллаган бўлади. Бу йўлдаги меҳнатлари уни камолотга эриштиради.**

Изоҳ: Бу ерда Парвардигор айтяптики, Унинг ҳозир баён этган илми - барча муқаддас китобларда нозил қилинган илмларнинг асосий мазмуни хисобланади. Бу илмни Худои Таолонинг Ўзи қандай нозил қилган бўлса, шундайлигича, асл ҳолида қабул қилиш керак. Фақат шундагина инсон етарли тафаккурга ва мукаммал руҳий илмга эга бўлади. Бошқача қилиб айтганда, бу фалсафани - Худонинг Олий Шахси фалсафасини эгаллаб олиб ва Худои Таолога муҳаббат билан хизмат қилиб, инсон моддий табиатнинг гуналари таъсиридан бутунлай халос бўлади. Худога садоқат билан хизмат қилиш - руҳий илм олиш йўлидир. Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш бор жойда моддий иллатлар бўлмайди. Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш ва Худои Таолонинг Ўзи бир-биридан фарқ қilmайди, чунки Худои Таолонинг Ўзи ҳам, Унга садоқат билан хизмат қилиш ҳам бир хилда илоҳий табиатга эга; яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш Худои Таолонинг ички, руҳий кувватининг таъсир доирасида бўладиган жараёндир. Парвардигорни куёшга, ғофилликни эса - зулматга киёслайдилар. Куёш порлаб турган жойда зулмат бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун, ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш жараёни ҳар қандай ғофиллик зулматини ёритиб юборади.

Ҳар бир инсон қалби бира тўла покланиб, донишмандлик илмини эгаллаши учун, Кришнани англаш усулидан фойдаланиши, Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кириши лозим. Оддий одамларнинг кўзига қанчалик ақлли доно бўлиб кўринмасин, Худои Таолонинг, Кришнанинг табиатини тушунмайдиган, Унга садоқат би-

лан хизмат қилмайдиган кишининг ақли-паст, тафаккури-номукаммал одамлигича қолаверади.

Бу ерда Кришна Аржунни бекорга *анагха* деб атагётгани йўқ. *Анагха* ибораси "бегуноҳ" деган маънони билдиради. У шундан далолат берадики, токи инсон ўзининг барча гунохлари оқибатидан бутунлай халос бўлмас экан, унинг Кришнани англаб етиши жуда мушкул бўлади. Худои Таолони фақат барча моддий иллатлардан халос бўлган, ўзининг барча бемаъни одатларидан, гуноҳ ишларга интилишидан по-кланган кишигина англай олади. Лекин Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш шу қадар пок ва қурратлики, бу фаолиятнинг ўзи инсонни тезда пок ва бегуноҳ қиласди.

Кришна онгидаги Худонинг соф содиқ хизматкорлари орасида Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши ҳар хил номаъкул ишлардан ўзини бутунлай тийиб юриши лозим. Унинг енгиб ўтиши лозим бўлган энг асосий қийинчилиги - юрагининг ожизлиги, иродасизлигидир. Тирик мавжудотнинг аввал бошда бу моддий оламга тушишига сабаб бўлган нарса - унинг моддий оламга ҳукмронлик килиш истагидир. Бу - юрак ожизлигининг намоён бўлган биринчи қўриниши ҳисобланади. Натижада у Худои Таолога муҳаббат билан хизмат қилмай кўяди. Юрак ожизлигининг иккинчи намоён бўлиши шундан иборатки, моддий табиат устидан ҳукмрон бўлиш кучая борган сари, тирик мавжудот моддага ва унга эгалик қилишга боғланиб колади. Шундай намоён бўладиган юракнинг икки турли ожизлиги эса, тирик мавжудотнинг бу дунёдаги барча азоб-укубатларининг, муаммоларининг асосий сабабчисидир. Мазкур бобнинг биринчи беш шеърида юрак ожизлигидан қутулиш ўйлари кўрсатилган, олтинчик шеърдан то охиригача эса, пурушоттама-йогага бағишлиланган.

*"Пурушоттама-йога, - Олий Шахс йогаси"* деб аталган *"Бҳагавад-гита"*нинг ўн бешинчи бобига Бҳактиведантанинг изоҳлари шундай якунланади.

## Ўн олтинчи боб. Илоҳларга ва иблисларга хос фазилатлар

*1-3. шири бхагаван увача*

*абхайам саттва-самиуддхири джнана-йога-вийавастхитиҳ  
данам дамаши ча йаджнашча садхийайас тата арджавам  
ахимса саттам акродхас тийагаҳ шантир апашунам  
дайа бхутешв алоуптвам мардавам хирп ачапалам  
теджсаҳ киама дхритиҳ шаучам адроҳо нати-манита  
бхаванти сампадам дайвим абхиджатасайа бхаратам*

Худонинг Олий Шахси шундай деди: Жасурлик, покланиш, рухий илмни ривожлантириш, саховатлилик, хиссиятини жиловлаб олиш, қурбонлик маросимлари ўтказиш, Ведаларни ўрганиши, риёзат чекиш, соддалик, зулм қилмаслик(беозорлик), ростгўйлик, ғазабнок бўлмаслик, ҳеч нарсага боғланмаслик, хотиржамлик, бирорвлар ҳақида ёмон гап айтмаслик, барча тирик мавжудотларга меҳрибон бўлиш, қизғанмаслик, мулойимлик, камтаринлик, қатъият, мақсадга шижоат билан интилиш, кечиримлилик, чидамлилик, поклик, ҳасад қилмаслик, шон-шуҳратга интилмаслик. Эй Бхарат ўғли, тақводор инсонларга илоҳий табиат ато этган эзгу фазилатлар мана шулардан иборат.

Изоҳ: Ўн бешинчи бобнинг бошида Парвардигор Кришна Аржунга моддий оламдаги баниан дарахти ҳақида гапириб берган эди. Шу дарахтнинг юкорига қараган илдизлари тирик мавжудотларнинг гуноҳ ва савоблардан иборат фаолиятини тасвиirlайди. Тўққизинчи бобда ҳам, девалар (фаришталар) ва асурлар (худосиз-иблислар) ҳақида айтилган эди. Ведалар таълимотига қўра, эзгулик гунасида қилинган фаолият тирик мавжудотнинг озодликка чиқишига ёрдам беради, шундай фаолиятни *даиви пракрити*, яъни "илоҳий табиаттга эга" деб атайдилар. Илоҳий табиаттга эга бўлган зотлар озодликка олиб борувчи йўлдан борадилар. Аксинча, эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсири остида юрганлар эса, моддий тутқунлиқдан халос бўлиб, озодликка эришиш имкониятидан маҳрум. Улар яна инсон қиёфасида, ёки ҳайвон танасида, ёки ундан ҳам қўйироқ мавжудотлар танасида туғилиб, моддий оламда қолишга маҳкум. Ўн олтинчи бобда Парвардигор Кришна илоҳий ва иблиссифат табиаттга эга одамларга хос бўлган сифатлар ҳақида гапириб беради. У шундай сифатларга эга бўлиш одамларни қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида ҳам гапиради.

Бу ерда ишлатилган *абхижатасыя* ибораси мухим аҳамиятга эга. Бу ибора түғилганиданоқ трансцендент, илохий сифатларга эга бўлган одамларни билдиради. Илохий сифатлар ато этилган фарзандларни дунёга келтириш учун ведавий муқаддас китобларда кўрсатилган *гарбҳадхана-самскара* покланиш маросимини ўтказиш лозим. Агар ота-оналар илохий фазилатларга эга бўладиган фарзанд кўрмоқчи бўлсалар, ведаларда, муқаддас китобларда инсонлар учун белгиланган ўн турли покланиш маросимларини ўтказишлари лозим. "Бҳагавадгита"да айтилган эдики, фарзанд кўриш ниятида бўладиган жинсий алокада Кришнанинг Ўзи намоён бўлади. Агар жинсий алока қилишдан мақсад Худои Таолога, Кришнага хизмат қилиш бўлса, бу иш гуноҳ хисобланмайди.

Кришнани, Худони англашга интилиб, Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиб юрган одамлар, ҳеч бўлмаганда, ҳаётда фарзандларини ит ва мушукларга ўхшаб дунёга келтирмаслиги керак. Фарзанди дунёга келган кундан бошлаб, у ҳамиша Худони эслаб юриши учун шароит яратишга қўлидан келганча ҳаракат қилиш - ҳар бир ота-онанинг бурчидир. Кришна онгига эга бўлган одамларнинг фарзандлари ҳаётда ана шундай афзалликка эга бўлишлари керак.

Жамиятдаги қиласиган ишлари ва жамиятдаги ўрнига караб одамларни тўрт табака ва тўрт ҳаёт тарзига ажратадиган варнашрама тизими уларни келиб-чиқишига қараб эмас, сифатлари ва онги, қобилияти, илм даражасига караб ажратишга мўлжалланган. Жамиятда тинчлик, осойишталик ва фаровонлик бўлиши учун табакаларга бўлиниш, албатта, мавжуд бўлиши керак. Бу ерда санаб ўтилган сифатлар "илохий сифатлар" деб аталган. Ана шундай сифатларга эга бўлган киши руҳий жиҳатдан юксалиши ва охир-оқибатда моддий оламни тарк этиб, озодликка эришиши мумкин.

Варнашрама тизимида *саннийаси*, яъни таркидунё қилган зоҳид жамиятнинг бошида туради. Саннийаси қолган бошқа барча табака ва турли ҳаёт тарзида яшаб юрган одамларнинг руҳий устози хисобланади. Браҳманлар қолган уч табака одамларининг руҳий устози хисобланади: кшатрийлар, вайшайлар ва шудраларнинг. Жамият маънавий зинапоясининг энг юқори погонасида турган саннийасилар, ҳатто браҳманларнинг ҳам руҳий устози хисобланадилар. Саннийаси эга бўлиши лозим бўлган энг асосий фазилат - жасорат, кўрқмасликдир. Саннийаси ёлғиз ўзи, ҳеч қандай ташки ёрдамсиз, ҳеч кимнинг кафолатисиз яшагани сабабли, у фақат Худои Таолонинг марҳаматига таваккал қилиб яшайди. Агар одам: "Таркидунёлик қилиб, оиласми тарк этганимдан кейин ким менга ғамхўрлик қиласиди?" - деб ўйласа, у таркидунёлик қилиб яшашга, саннийаси бўлишшга қасам ичмаслиги керак. Саннийаси, Худои Таоло Параматма қиёфасида ҳамиша ўзининг қалбida мавжуд эканига, У қалбимиздан барча ният ва фикрларимиздан хабардор эканига шак-шубҳасиз, тўлиқ ишониши

лозим. Параматма қиёфасидаги Шри Кришна ўз ихтиёрини бутунлай Унга топширган кишини, албатта, Ўз химоясига олишига санныаси тўла иймон келтириши лозим. "Мен ҳеч қачон ёлғиз қолмайман, - деб ўйлаши керак санныаси, - ҳатто энг қалин ўрмонларда ҳам Кришна ҳамиша ёнимда бўлади, У мени ҳеч қачон химоясиз, ноилож ахволда қолдирмайди". Ана шундай қатъий ишончни жасурлик, *абхайам* деб атайдилар. Таркидунё қилган одамнинг ақли ҳамиша ана шундай ҳолатда бўлиши керак.

Бундан ташқари, санныаси ҳамиша пок, ҳалол яшashi керак. Таркидунё қилган одамларнинг ҳаёти жуда кўп коида ва кўрсатмалар билан тартибга солинган, чекланган. Уларнинг ичида энг муҳими - санныасига аёллар билан яқин алоқа қилиш таъқиқланган. Санниасининг аёллар билан, ҳатто ёлғиз қолиб гаплашишга ҳам ҳаққи йўқ. Ҳақиқий, намунали санныаси бўлган Худованд Чайтаня, Пурида яшаганида, эҳтиром кўрсатиб, сажда қилиш учун Унга яқинроқ бориш, ҳатто содиклар орасидаги аёлларга ҳам таъқиқланган эди. Улар Худованд Чайтанйадан анча узоқда туриб сажда қилардилар. У аёллардан нафрлатлангани учун эмас, шунчаки, санныаси ҳаёт тарзининг барча қонун-қоидаларига қатъий риоя қилгани учун шундай қиларди. Инсон пок ҳаёт кечириши учун, ўзи мансуб бўлган табака ва ҳаёт тарзи қоидаларига тўла амал қилиши лозим. Санниасиларга аёллар билан яқин муносабатда бўлиш, бой-бадавлат бўлиб роҳат-фароғатда яшаш қатъий ман қилинган. Худованд Чайтанйанинг Ўзи намунали санныаси эди, Унинг ҳаёти ҳақида ёзилган асарлардан биламизки, аёллар нисбатан муносабатларда У Ўзига жуда каттиккўл эди. Гарчи Уни, ҳатто энг осий одамларнинг ҳам Ўзига яқин келишига имкон берадиган, Худои Таолонинг намоён бўлган энг саҳоватли кўриниши, деб атасалар-да, У аёлларга нисбатан санныасилар учун белгиланган қоидага сўзсиз амал қиларди. Худованд Чайтанйанинг яқин ҳамроҳлари орасида Чхота Харидас исмли санныаси бор эди. У Худованднинг ишонган одамларидан бири бўлиб, Худованд Чайтаня билан бевосита мулокот қилиш имконига эга эди. Бир куни у ногаҳон бир ёш жувонга хирсий эҳтирос билан қараб кўйди. Худованд Чайтаня шу заҳотиёқ уни Ўзининг яқин ҳамроҳлари даврасидан четлатди. Бунга унинг шу қилмиши кифоя эди. "Санныаси, ёки моддий табиат туткунлигидан халос бўлишга, руҳий оламга, ўзининг мангу уйига қайтишга жиддий интилаётган киши учун, - деган эди Худованд Чайтаня, - аёлларга ёки қандайдир бошқа моддий бойликларга лаззатланиш ниятида қараш, улар билан лаззатланиш эмас, ҳатто уларга шунчаки эҳтирос билан қараш ҳам, шу қадар оғир гуноҳки, қалбида бундай жирканч фикрлар пайдо бўлишига йўл кўйгандан кўра у ўзини ўзи ўлдиргани маъкул". Ўз ҳаётини, руҳни поклашнинг баҳоси, кадр-қиймати ана шундай. Илоҳий сифатларнинг навбатдагиси *джсана-йога-в'ивастхити* - ақлни ҳақиқатни англашга мужассам қилишдир. Санниаси ўз ҳаётини - "инсон бўлиб яшашдан

мақсад рухий баркамолликка эришиш” эканини унугиб күйган оддий ва оиласи одамлар орасида ҳақиқий илмни тарғибот қилишга бағишилаши лозим. Ҳақиқий рухий даражага эришган одамнинг энг асосий сифатларидан бири камтаришлик, мискинлик ҳисобланади. Саннийаси ҳар бир эшикка бош уриб, хайр-эхсон сўраши лозим, яъни бу - у тиланчи, гадой бўлиши зарур дегани эмас. У уй эгасидан бирор нарса олиш ниятида эмас, аксинча, уй эгаси билан учрашиб, унга инсон бўлиб яшашнинг мақсади ҳақида, рухий ўзликни, Худони англаш илми ҳақида хабар бериш учун эшик қоқади. Шунинг учун ҳам саннийаси ҳар бир остоная бош уради. Саннийасининг бурчи шуни тақозо этади. Рухий юксалишда юқори погонага кўтарилган, рухий устозидан зарур кўрсатма олган киши мантиқ ва фалсафага асосланган ҳолда Худони англаш илмини тарғибот қилиши лозим, лекин ҳали ундей даражага эришмаган киши таркидунёлик қилиб яшашга қасам ичмаслиги керак. Агар ҳали тўлиқ илмга эга бўлмаган киши, барибир, саннийаси ҳаёт тарзида яшашга қасам ичган бўлса, у ҳақиқий рухий устозининг гапларини тинглаб, тўлиқ рухий илм эгаллашга қўлидан келганча ҳаракат қилиши лозим. Шундай қилиб, саннийаси, таркидунё қилган киши, жасур, пок(*саттва-самишудҳа*) бўлиши ва илм ўрганиш (гайана-йога) билан машғул бўлиши лозим.

Навбатдаги сифат - эзгу, хайрли ишлар қилиш. Бу оиласи одамларнинг вазифаси. Оиласи одам тирикчилик қилиш учун ҳалол меҳнат қилиб пул топиши, топган пулининг ярмини бутун жаҳонга Худони, Кришнани англаш илмини тарғибот қилиш мақсадида сарфлаши лозим. Бунинг учун у ҳалол йўл билан топган пулининг ярмини дуч келган одамларга эмас, Худони англаш илмини тарғибот қиласиган ҳалол ташкилотларга бериши лозим. Хайрли ишларнинг тури кўп, улар ҳақида ҳали батафсил тўхталиб ўтамиз. Хайрли ишлар эзгулик гунасида, эҳтирос ёки ғафлат гунасида бўлиши мумкин. Муқаддас китоблар эзгулик гунасидаги хайрли ишларни бажаришни тавсия қиласи. Эҳтирос ва ғафлат гунасидаги хайрли ишлардан узокрок юришга ҳаракат қилиш керак, чунки уларга сарфланган маблағ, вақт ҳеч кандай натижага олиб келмайди. Хайрли ишлар қилмоқчи бўлган фаросатли, илмли одам ўз маблағини фақат Худо ҳақидаги илмни тарғибот қиласиган ишларга сарфлаши лозим. Мана шу - эзгулик гунасидаги хайрли ишлар ҳисобланади.

Ҳиссиётни жиловлаб олиш(*dama*)га келсак, бу сифат жамиятнинг барча табақа ва ҳаёт тарзидагилар, айниқса, оиласи одамлар учун зарур бўлган сифатdir. Уйида хотини билан яшар экан, оиласи одам заруратсиз жинсий алоқа билан машғул бўлмаслиги, жинсий ҳаёти чекланган бўлиши керак. Оиласи одам хотини билан фақат биргина мақсадда - фарзанд кўриш мақсадидагина жинсий алоқа қилиш мумкин. Фарзанд кўришни истамаган киши хотини билан жинсий алоқа қилмаслиги керак. Ҳозирги замонавий жамиятда одамлар фарзанд

туғилиши билан бөглиқ бўлган масъулиятни ўз гарданига олишдан қочиб, фарзанд туғилмаслиги учун ҳар хил дорилардан, аксарият ҳолларда ёвуз, тажовузли усуллардан фойдаланадилар. Бундай ёвуз ишлар ёвуз, иблисларга хос табиатли одамларнинг ишидир. Агар одам, ҳатто уй эгаси бўла туриб ҳам рухий юксалиш йўлидан бормоқчи бўлса, у ўзининг жинсий ҳаётини чеклаши, фақат Худога хизмат қилиш ниятидагина фарзанд кўришга интилиши керак. Кришнани англаб етадиган фарзандларни дунёга келтиришга кодир бўлган киши юзлаб фарзандлар кўриши мумкин, аммо бунга қодир бўлмаган киши, хиссиётининг кули бўлиб, жинсий алоқа қиласлиги зарур.

Ҳар хил қурбонлик маросимларини ҳам оилали одамлар ўтказишлари лозим, чунки бунинг учун одатда жуда кўп маблағ керак бўлади. Бошқа турмуш тарзи билан яшаб юрган - брахмачарий, ванапрастха ва саннийасилар - садака, хайр-эҳсон билан кун кўрадилар, уларда қурбонлик маросими ўтказиш учун маблағ бўлмайди. Шу сабабли, ҳар хил қурбонлик маросимларини ўтказиш - оилали одамларнинг ишидир. Ведаларнинг кўрсатмаларига биноан, оилали одамлар *агни хотра* қурбонлик маросими ўтказиши лозим, лекин, бундай қурбонлик маросимига жуда кўп маблағ керак бўлади, шунинг учун ҳозирги даврдаги аксарият одамларнинг бунга қурби етмайди. Биз яшаётган ҳозирги даврда энг яхши қурбонлик маросими *санкиртана-ягай* ҳисобланади. Санкиртана-ягай, яъни биргаликда Худонинг муқаддас номларини куйлаш, Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре - энг самарали, энг буюк энг арzon қурбонлик маросими ҳисобланади. Уни ҳар бир одам ўтказиши мумкин ва ҳар ким бундан чексиз савоб, саодатга эга бўлади. Шундай қилиб, хайрли ишлар, хиссиётларни жиловлаш ва қурбонлик маросими ўтказиш оилали кишиларнинг вазифаси ҳисобланади.

*Свадхайя*, яъни Ведаларни ўрганиш. Одатда, Ведаларни шогирдлик даврида, яъни брахмачарий турмуш тарзида ўрганидилар. Бархмачарий аёллар билан алоқа қиласлиги керак. Улар жинсий поклигини саклаб, ақл-идрокини Ведаларни ўрганишда мужассам қилиши лозим, бу уларнинг рухий илмни чуқур эгаллашига ёрдам беради. Ана шу *свадхайя* деб аталади.

*Танас*, яъни риёзат, оиласини тарк этган одамларнинг иши. Инсон то умрининг охиригача оиласида қолиб, роҳат-фароғатда яشاши шарт эмас. Инсон ҳаётининг тўрт боскичи борлигини эсда саклаш лозим: брахмачарий, грихастха, ванапрастха ва саннийаси. Оилада яшашиб даври тугагандан кейин, инсон оилавий ишларни тарк этиши лозим. Агар инсоннинг умири тахминан юз йил бўлса, биринчи йигирма беш йилини Ведалар илмини ўрганишга, кейинги йигирма беш йилини оилавий турмушга, кейин оилавий ишларни тарк этиб, йигирма беш йил давомида ванапрастха турмуш тарзида яшаши, кейин саннийаси, яъни тар-

кидунёлик турмуш тарзига ўтиши лозим. Ведавий қонунлар асосида тузилган жамиятда инсоннинг руҳий юксалишни тартибга соладиган кўрсатмалар шулардан иборат. Оилавий ишларни тарк этган киши танасини, аклини ва тилини жиловлаб олиш учун риёзат чекиши лозим. Тапасйанинг мазмуни шундан иборат. Варнашрама-дхарма тизими бутунлай риёзат учун мўлжалланган. Риёзатсиз ҳеч ким моддий олам тутқунлигидан халос бўлиб озодликка эриша олмайди. "Инсон хаётда ўзини ҳеч нарсадан чекламай, хоҳлаган нарсасини қилиб юравериши мумкин, бу ҳеч қандай ёмон оқибатга олиб келмайди", деган таълимотни Ведалар ҳам, "Бҳагавад-гита" тасдикламайди. Бундай таълимотларни ўзининг издошларини кўпайтиришга уриниб юрган ҳар хил саводсиз, таъмагир тарғиботчилар ўйлаб чиқарган. Турли хил чеклаш ва қонун-қоидалар одатда одамларни чўчитади. Шунинг учун дин ниқоби остида одамларни изидан эргаштиришни истайдиган ғаламис одамлар издошларидан ҳеч қандай қонун-қоидаларга амал қилишини талаб қилмайдилар, ўзлари ҳам ҳеч қандай қоидага амал қилмайдилар. Лекин, Ведалар, муқаддас китоблар буни қўллаб кувватламайди.

Браҳманларнинг "соддалик" деган сифатига келсак, бундай сифатга факат браҳманлар эмас, жамиятнинг барча табака ва турмуш тарзидагилар эга бўлиши лозим. Инсон хаётда оддий ва тўғри сўзли, ростгўй бўлиши керак.

Ахимса қоидасига амал қилиш, - ҳеч бир тирик мавжудотнинг руҳий юксалиш йўлида халақит бермасликни билдиради. Ҳеч ким, "танани ўлдирган билан барибир рух ўлмайди", деган тушунча асосида, ҳайвонларни ўлдириб, уларнинг жасадини мазза қилиб есак бўлаверади, деб ўйламаслиги керак. Етарлича дон, мева ва сут маҳсулотлари бўлишига қарамай, ҳозирги одамлар беозор ҳайвонларни ўлдириб, уларнинг гўштини ейишга одатланганлар. Аслида одамларнинг озиқ-овқат учун ҳайвонларни ўлдиришларига ҳеч қандай зарурат йўқ. Бу ҳар бир онгли одамга тааллукли гап. Агар бошқа егулик бирор нарсаси бўлмаса, одам қурбонлик маросими ўtkазиб ҳайвон гўштини ейиши мумкин. Лекин, руҳий юксалиш йўлидан боришига интилаётган ақл-фаросатли киши, етарлича озиқ-овқат маҳсулотлари бўла туриб, ҳайвонларнинг ҳаётига ёвувларча тажовуз қилмаслиги керак. Ҳакикий беозорлик бошқа тирик мавжудотларнинг руҳий юксалиш йўлига халақит бермасликни такозо этади. Ҳайвонлар ҳам табиий равишда бир танадан иккинчи танага ўтиб, руҳий юксалиш йўлидан борадилар, уларни ўлдириш билан биз уларнинг руҳий юксалишига халақит берган бўламиз. Агар бирор тирик мавжудот ҳозирги танасида бироз вақт яшагандан кейин ўлдирилса, кармаси оқибатида шу танада яшashi шарт бўлган вақтни охиригача ўтиши учун у яна шундай танага эга бўлиши керак. Факат шундай кейингина, у бошқа танага ўта олади. Шунинг учун бизлар ўз нафсизнинг қули бўлиб, ҳайвонларни ўлдириб, уларнинг руҳий юксали-

шига ҳалақит бермаслигимиз лозим. Мана шу *ахимса*, беозорлик деб аталади.

*Сатйам.* Бу - бирор манфаатни кўзлаб, таъмагирлик қилиб, ҳақиқатни яширмасликни билдиради. Ведавий муқаддас китобларда баъзан тушуниш қийин бўлган жойлар учраб туради. Шундай ҳолларда унинг мазмунини тажрибали, ҳақиқий руҳий устоз тушунтириб бериши лозим. Ведаларни ўрганишнинг йўли шундай. *Шрути* ибораси "биладиган одамнинг гапини тинглаш" деб аталади. Биз муқаддас китоблар мазмунини ўз манфаатимизга, ўз хоҳишимизга караб ўзгартирмаслигимиз лозим. "Бхагавад-гита"нинг асл маъносидан жуда четга чиқиб кетган кўп изоҳлари нашр этилган. Биз одамларга муқаддас китобларнинг ҳақиқий маъносини тушунтиришимиз лозим, бунга эса, факат ҳақиқий руҳий устозни тинглаш натижасида эришиш мумкин.

*Акро́дка* дегани, ғазабини боса билишни билдиради. Агар, хаётда бирор нарса бизнинг ғашимиизга тегаётган бўлса ҳам, биз ғазабимизни босишимиз лозим, чунки, ғазаби келган одамнинг бутун танаси ҳаром бўлади. Ғазаб ва шаҳвоний эҳтирос эҳтирос гунасининг таъсирида юзага келади, шунинг учун руҳий юксалиш йўлидан бораётган киши ғазабини босишга ўрганиши лозим. *Anaishunam* ибораси инсон бошқалардан камчилик ахтармаслиги, бекорга уларга дакки бермаслиги лозимлигини кўрсатади. Албатта, ўгри одамнинг ўгрилигини айтиш, унинг айбини қидириш ҳисобланмайди, лекин тўғри одамни ўгри дейиш билан биз уни қаттиқ ҳақорат килган бўламиз. Бирорга ноҳақдан тухмат килиш ўзимизнинг руҳий юксалишимизга катта зарар етказади. *Xri* дегани, одам жуда камтар бўлиши кераклигини ва бошқаларнинг гап-сўз қилишларига, ҳар хил миш-мишларга олиб келадиган ножӯя ишлар килмаслиги лозимлигини билдиради. *Achanalam*, қатъият, - кўзлаган аниқ мақсадига эришиш йўлида учрайдиган ҳар қандай омадсизликлардан ҳафсаласи пир бўлмай, интилишда давом этишга қодирликни билдиради. Килаётган баъзи бир ишларимиз ҳаётда омадсизликка олиб келиши мумкин, лекин бундай натижа бизнинг пушаймон бўлишимизга сабаб бўлмаслиги керак. Ҳар қандай омадсизлик ва қоқилишларга қарамай, сабот ва чидам билан аниқ белгиланган олий максад йўлида давом этавериш керак.

Бу ерда ишлатилган *теджас* ибораси кшатрийларни назарда тутади. Улар ожизларни ҳимоя қилиш учун жисмоний жихатдан кучли бўлишлари лозим. Улар зулм қилишдан бутунлай воз кечмаслиги керак. Зарур бўлганда улар зўравонларга адолат билан зулм ишлатиши керак. Лекин, душманини бошка йўл билан жиловлай оладиган киши маълум даражада унинг баъзи гуноҳларини кечиришга қодир бўлиши керак.

*Шауҷам* - поклик. Бизнинг нафақат ақлимиз ва танамиз, ҳатто килаётган ишларимиз ҳам пок, ҳалол бўлиши керак. Бу талаб айниқса

савдо-сотик билан шуғулланиб юрган одамларга тааллуқли. Улар күпроқ пул топиш учун ҳаром ишлар билан шуғулланмаслиги керак. *Нати-манита*, шон-шуҳратга интилмаслик сифати - шудралар, қора ишчилар эга бўлиши лозим бўлган фазилатдир. Улар шон-шуҳратга интилмаслиги, жамиятда юқори табакага кўтарилишга уринмаслиги лозим. Улар жамиятдаги ўзларининг ҳолатидан мамнун бўлиб яшши лозим. Шудраларнинг вазифаси - юқори табакадаги одамларга хизмат килиш ва шу билан жамиятда тартиб сақлашдан иборат.

Бу ерда кўрсатилган йигирма олти сифатнинг ҳаммаси илохий сифатлар ҳисобланади. Биз жамиятда қайси табака ва қайси турмуш тарзи билан яшаётганимизга қараб, шунга мос сифатларни ўзимизда ривожлантиришимиз лозим. Агар жамиятдаги одамлар онгли равишда ўзларининг жамиятдаги ўрнига қараб, ўзларига мос эзгу сифатларини ривожлантиришга ҳаракат қиласалар, ҳаётда дуч келадиган ҳар қандай кийинчиликларга қарамай, вақти келиб улар руҳий юксалишнинг энг юқори поғонасига кўтарила оладилар.

*4. дамбҳо дарпо “бхиманаши чадар доҳаҳ парушайам эва чадаржанам чабхиджатасия партҳа сампадам асурим*

**Манманлик, димогдорлик, мағрурлик, ғазаб, қўполлик ва ғофиллик. О Парта, иблис табиатли одамларнинг сифатлари шулардан иборат.**

Изоҳ: Бу ерда тўппа-тўғри дўзахга олиб борадиган йўл кўрсатилган. Гарчи ўзлари ҳеч қандай дин қоидаларига амал қиласалар ҳам, кўпинча иблиссифат одамлар ўзларини дин посбонлари, руҳий юксалиш тарафдорлари қилиб кўрсатишга уринадилар. Шундай одамлар одатда ўзларининг бойлиги, маълумоти ёки илмий унвони билан гердаядилар. Ўзларига бошқаларнинг сифинишларини истаб, гарчи бунга лойиқ бўлмасалар ҳам, бошқалардан ўзларини хурмат қилишини талаб қиладилар. Улар салгина нарсага жаҳли чиқиб, одамлар билан жуда кўпол ва беодоблик билан муомала қиладилар. Улар ҳаётда нима қилиш кераклигини, қандай ишлар таъқиқланган эканини билмайдилар. Улар ҳамиша нафсининг, ҳиссиётининг қули бўлиб, ўз хоҳишига қараб иш тутадилар, ҳеч кимни писанд қилмайдилар. Уларга бундай сифатлар табиий ҳолда - улар ҳали онасининг қорнида пайтидаёқ ато этилган бўлади, ўсиб-улғайиб улар ҳаётда бу сифатларни тўла намоён эта бошлайдилар.

*5. дайви сампад вимокшайса нибанҳайасури матама  
ма шучаҳ сампадам дайвим абхиджато “си пандава*

**Илохий фазилатлар одамни озодликка олиб чиқади, иблисларга хос сифатлар эса, уни моддий оламда асирилкка мубтало қиласади. О Пандунинг ўғли, ташвишланма, чунки туғилишингданоқ сенга илохий сифатлар ато этилган.**

Изоҳ: Парвардигор Кришна Аржунга ундаи иблиссифат фазилатлар ёшлигидан ато этилмаганини айтиб, унинг кўнглини қўтариб кўйди. Унинг жангда қатнашаётгани - иблисларга хос сифатларнинг намоён бўлиши эмасди, чунки у жангда қатнашишнинг барча ижобий ва салбий томонларини ҳар томонлама таҳлил қилганди. У, шунча хурмат-эътиборга лойик бўлган Бхишма ва Драна сингари зотларни ўлдириш мумкинми, йўқми деб, чукур мулоҳаза юритганди, демак, унинг ҳаракатлари - ғазаб, кўполлик ёки қандайдир осон эришиладиган шон-шуҳратга интилиш натижаси эмасди. Шунинг учун Аржунни иблислар қаторига кўшиб бўлмайди. Кшатрий, жангчи учун, душманига қарши ҳалол жангда иштирок этиш - ўз бурчини бажариш, руҳий машгулот хисобланади, ўз бурчини бажаришдан бош тортиш эса - иблисларга хос бўлган сифат. Шунинг учун Аржуннинг изтироб чекишига ҳожат йўқ эди. Ўз табақасининг муқаддас китобларда белгиланган қонун-қоидаларига тўла амал қилиб юрган киши илохий даражадаги киши хисобланади.

*6. двау бхута-саргау локе “смин дайва асура эва ча  
дайво вистарашаҳ прокта асурам партха ме ширину*

**О Партаҳа, бу оламдаги тирик мавжудотлар икки тоифа бўлади. Уларнинг бир тоифаси “таквдорлар” деб аталади, бошқалари эса, “иблислар” деб аталади. Мен сенга илохий фазилатлар ҳақида ба-тафсил гапириб бердим, энди, иблисларга хос сифатлар ҳақида эшиш.**

Изоҳ: Аржунга туғилганиданоқ илохий сифатлар ато этилганини айтиб, Кришна энди иблисларга хос бўлган сифатларни таърифлаб беришга ҳозирланяпти. Моддий оламда яшаётган шартланган тирик мавжудотлар икки тоифага бўлинади. Илохий табиатга эга бўлган кишилар маълум қонун-қоидалар асосида такводор ҳаёт кечирадилар, яъни муқаддас китобларнинг ва ишончли руҳий устозларнинг кўрсатмалари асосида яшайдилар. Инсон ҳаётда муқаддас китобларнинг кўрсатмалари асосида ўз бурчини бажариши лозим. Ҳаёт ҳақида ана шундай тасаввурга эга бўлиш - илохийликни билдиради. Муқаддас китобларни тан олмасдан ўз хошишига қараб иш тутадиган одамлар эса иблислар, асурулар деб аталади. Инсоннинг қайси тоифага мансуб эканини фақат битта мезон белгилайди: - муқаддас китобларга амал қилиш. Ведаларда айтилганки, фаришталар ҳам, иблислар ҳам дунёга,

Одам-Атодан, Праджапатилардан тараалган. Уларнинг бир-биридан фарқи битта - бирлари Ведалар, муқаддас китобларнинг кўрсатмасига амал қиласидилар, бошқалари амал қилмайдилар.

*7. правриттим ча нивриттим ча джана на видур асураҳ  
на шаучам напи чачаро на сатйам тешу видийате*

**Иблиссифат одамлар хаётда қандай ишлар қилиш буюрилган, қандай ишлар таъқиқланган эканини билмайдилар. Улар на по-кликни биладилар, на одоб-ахлоқни-ю на тақводорликни.**

Изоҳ: Маданиятили инсонлар жамиятида азалдан бирор диний қонун-қоидалар ва урф-одатлар мавжуд бўлиб келган. Ведаларга амал қиласидиган, “арийлар” деб аталадиган, энг юкори ривожланган одамлар жамиятида диний қоидаларга шу қадар катъий риоя қилганларки, дин қонунларига амал қилмайдиган хар бир одамни улар “иблис” деб хисоблаганлар. Шунинг учун бу ерда айтилганки, иблислар муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларини билмайдилар, уларга бўйсунишни ҳам истамайдилар. Уларнинг кўпчилиги муқаддас китобларнинг кўрсатмаларини умуман билмайдилар, биладиганлари эса, амал қилишни истамайдилар. Уларнинг муқаддас китобларга ишончи ҳам йўқ, уларнинг кўрсатмаларига асосланиб яшашни ҳам истамайдилар.

Муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига кўра маданиятили инсон танасини ҳамиша пок тутиши лозим: ҳар куни сувда чўмилиб, покла-ниш, тишларни тозалаш, сокол-мўйловни кириш, кийимларни алмаштириш ва ҳоказо. Ички покликка риоя қилиш учун эса, ҳамиша Худонинг муқаддас номларини эслаб юриш ва уларни зикр қилиш лозим: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре. Бу қоидалар иблисларга ёқмайди, шунинг учун улар ҳеч қандай қонунга амал қилишни истамайдилар.

Инсоннинг одоб-ахлоқи ҳам маълум қонун-қоидалар ва кўрсатмалар асосида тартибга солинган. Улар "Ману-Самхита" сингари, инсонлар жамияти учун одоб-ахлоқ қоидалари мажмууси бўлган муқаддас китобларда келтирилган. Ҳиндистонда ҳанузгача одамлар ана шу қонун-қоидаларга амал қиласидилар. "Ману-Самхита"да кўрсатилишича, ҳеч қачон аёлларни ўз ҳолига ташлаб қўймаслик керак. Бу - "уларни қулга айлантириш керак", дегани эмас. Мутлақо. Аксинча, уларни худди ёш болалардай авайлаб-асраш керак. Болаларга эркинлик бермайдилар, лекин бу, уларни кул қилиб қўйиш, дегани эмас-ку.

Хозирги замон иблислари бу кўрсатмаларга амал қилмайдилар, аёллар ҳам эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиши керак, деб даъво қиласидилар. Лекин бу билан жамиятида одамларнинг, айниқса аёлларнинг аҳволи бирор жиҳатдан яхшилангани йўқ. Аслида аёл ўз умри-

нинг ҳар бир поғонасида химояланган бўлиши керак. Ёшлигида у отасининг химоясида, эрга чиққанидан кейин - эрининг, кексайганида эса - ўғилларининг қўли остида бўлиши лозим. "Ману-самхита"да жамият айнан шундай тартибда бўлиши кераклиги дейилган. Лекин, хозирги даврда таълим-тарбия тизими болаларга аёлларнинг табиатига мос келмайдиган характердаги - мағрур, мустакил аёлни - намунали аёл сифатида тарғибот қиласди. Натижада хозир жамиятда мұқаддас никоҳ маросимининг ҳеч қандай аҳамияти қолмаган. Эри бор аёлларнинг аҳволи жамиятда бироз химояланган бўлса ҳам, аёлларнинг teng ҳуқуқли бўлишини талаб қиласди жамиятда ёлғиз аёлларнинг моддий ва маънавий ҳолати ачинарли ахволда. Шундай қилиб, иблислар, мұқаддас китобларнинг ҳар томонлама соғлом жамият қуришга мўлжалланган мұкаммал қоидаларига амал қилишни истамайдилар. Буюк донишмандларнинг, ишонарли устозларнинг ҳаёт тажрибалари-ни тан олмаслиги, уларнинг кўрсатмаларига риоя қилмаслиги оқибатида иблислар инсонлар жамиятини хозир ўзингиз кўриб турган аянчли, ачинарли ахволга олиб келдилар.

*8. асатйам апратиштхам те джагад ахур анишварам  
апараспара-самбхутам ким аниат кама-хайтукам*

**Уларнинг фикрича, бу дунё ҳақиқий дунё эмас, унинг ҳеч қандай асоси йўқ, оламни бошқариб турган Худо ҳам йўқ. Улар, бу олам жинсларнинг бир-бирига интилиши натижасида пайдо бўлган, олам мавжудлигининг эҳтиросдан бошқа сабаби йўқ, деб ўйладилар.**

Изоҳ: Фофиллиги туфайли иблислар: бутун “олам шунчаки бир тасодифан пайдо бўлган нарса”, деган хulosага келадилар. Уларнинг фикрича, бутун олам, борлик ҳеч қандай сабабсиз, оқибатсиз, мақсадсиз ва ҳатто ҳеч қандай ҳукмдорсиз мавжуд бўлиб турибди: бу ердаги ҳамма нарса мавхум, сароб. Улар: "Олам моддий унсурларнинг тасодифий бирикиши натижасида пайдо бўлган", деб ўйладилар. Бу моддий оламни Худои Таоло маълум бир белгиланган мақсад билан яратиб қўйгани уларнинг ҳатто хаёлига ҳам келмайди. Уларнинг таълимотига кўра, бутун борлик ўзидан ўзи пайдо бўлган, уни бошқариб турган қандайдир Худои Таолонинг мавжудлигига ишонишининг ҳеч қандай асоси йўқ. Рух моддадан фарқ қиласди, ҳеч қандай Олий Рух ҳам йўқ. Моддий унсурлардан бошқа ҳеч нарса мавжуд эмас, бутун борлик жонсиз, онгиз моддий унсурларнинг бирикмаси холос. Уларнинг фикрича олам бўшлиқдан иборат, биз кўриб, сезиб юрган нарсалар эса - хом-хаёл, саробдан иборат. Бунда улар ҳар қандай ранг-баранглик - худди биз тушимиизда содир қиласдиган ранг-баранглик сингари, аслида мавжуд бўлмаган, хаёлий нарсалар, деган

тушунчага асосланадилар. Уйғонганимиздан кейин, биз булаңнинг барчаси шунчаки туш эканини кўрамиз. Лекин оламни туш, алдамчи сароб, деб эълон кила туриб, иблисларнинг ўзлари ҳаётда шу алдамчи, сароб нарсалардан усталик билан лаззатланадилар. Шу сабабли, ҳақиқий илм ўрганиш ўрнига улар инсон танаси берадиган нодир им-кониятни бой бериб, бу мусибатлар оламига бадтар ботиб кетаверадилар. Улар айтадиларки, худди эркак билан аёлнинг кўшилиши натижасида фарзанд дунёга келгани сингари, олам ўз-ўзидан, рухнинг арала-шувисиз пайдо бўлган. Барча тирик мавжудотлар факат моддий унсурларнинг кўшилиши натижасида дунёга келган, қандайдир рухнинг мавжудлиги ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Худди ўлган одамнинг жасадида ҳар хил тирик организмлар ёки тер томчисида қандайдир ҳашаротлар пайдо бўлгани сингари, барча тирик мавжудотлар моддий унсурларнинг ўзаро бирикмасидан пайдо бўлган. Шу сабабли, бутун борлиқнинг моддий табиатдан бошқа бирор сабаби бўлиши мумкин эмас. Улар Парвардигор Кришнанинг "Бҳагавад-гита"да айтган гапларига ишонмайдилар: *майадхъакишина пракритиҳ суйате са-чарачарам* - "Бутун моддий олам Менинг амримга бўйсуниб ҳаракат қиласи". Бошқача қилиб айтганда, иблислар моддий олам қандай пайдо бўлганини тасаввур кила олмайдилар, улар ҳаёт ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас; ҳар ким ўзининг тахминига эга. Улар учун муқаддас китобларни қандай талқин қилсалар ҳам барибир, чунки улар барча муқаддас китоблар аслида "ягона ҳақиқат илми"ни ту-шунтириши мумкинлигига ишонмайдилар.

*9. этам дриштам аваштабхай наштатмано “лта-буудхайҳ  
прабхаванти угра-карманаҳ кшайайа джагато “хитая*

**Шунга аниқ ишонган ҳолда, ақлдан озган, келажакдан бутунлай умидини узган иблислар оламни ҳалокатга олиб келадиган гуноҳ ишлар билан машғул бўладилар.**

Изоҳ: Иблислар оламни ҳалокатга олиб келадиган фаолият билан шуғулланадилар. Шунинг учун бу ерда Парвардигор уларни "аклдан озган" деб айтияпти. Худои Таоло ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмай туриб, иблислар ўзларини "юксак даражада ривожланган" деб хисоблайдилар. Лекин, "Бҳагавад-гита" уларни ақлдан озган, пасткашлар деб хисоблайди. Моддий оламдан иложи борича кўпроқ лаззатланиб қолиш учун улар ҳамиша хиссиётларига лаззат олиб келадиган бирор нарса ўйлаб топадилар. Ана шундай ихтиrolар уларнинг назарида инсониятнинг тараққиёт мезони вазифасини бажаради. Лекин, уларнинг шундай ихтиrolари натижасида инсонлар жамиятида зўравонлик, шафқатсизлик кучая боради, одамлар тобора меҳрсиз, бошқа одамларга ва тирик мавжудотларга нисбатан ёвуз, бешафқат

бўлиб боряптилар. Улар ўз яқинлари билан қандай муомалада бўлиш кераклигини ҳам билмайдилар. Иблислар яшайдиган жамиятда бошқа тирик мавжудотларни, ҳайвонларни ўлдириш оммавий тусга киради. Шундай одамларни "оламнинг душмани" деб атайдилар, чунки, улар ўз нафсининг йўлида шундай бир даҳшатли нарса ўйлаб топадиларки, уларнинг бу ихтироси бутун борликни йўқотиб юборади. Мазкур шеърда замонавий олимлар мағрурланиб юрган ядрорий куролнинг яратилиши башорат қилинган. Ҳозирги кунда истаган пайтда уруш бошланиб кетиши мумкин, олим-иблислар яратган атом бомбаси бутун Ер юзидағи тирик мавжудотларнинг кулини қўкка совуриши мумкин. Бундай даҳшатли куроллар факат оламни яксон қилиш учунгина яратилади ва факат одамларнинг худосизликлари оқибатида пайдо бўлади, улар ҳеч качон ер юзига на тинчлик, на фаровонлик олиб келмайди.

*10. камам ашритай душтурим дамбха-мана-маданвитаҳ  
моҳад грихитвасад-граҳан правартанте “шучи-вратат*

**Тўймас эҳтирос(нафс)ининг амрига бўйсуниб, манманликдан, мағрурликдан ва ўзбилармонликдан маст бўлган иблиссифат одамлар алданиш домига тушиб, ўткинчи нарсаларга маҳлиё бўлиб, ҳаётда ўзларининг ифлос ишларини қилиб юрадилар.**

Изоҳ: Бу ерда иблисларга хос бўлган фикрлар таърифланган. Иблисларнинг нафси ҳеч качон тўймайди. Уларнинг моддий оламдан лаззатланиш истаги кун сайин кучайиб, зўрайиб боради. Бу дунёдаги ўткинчи, алдамчи нарсаларга боғланганлиги уларнинг шунча азоб-уқубатларига сабабчи бўлганига қарамай, улар дунёвий фаолият билан шуғуланишда ўжарлик билан давом этаверадилар. Ғофиллиги, ҳақиқий илмдан маҳрумлиги сабабли улар хатто ўзларининг нотўғри йўлдан бораётганини ҳам англай олмайдилар. Ўткинчи нарсаларга маҳлиё бўлиб, иблислар ўзлари қандайдир худоларни ўйлаб топадилар, уни ўзлари ижод киlgан мадҳияларда олқишлийдилар. Натижада улар бу дунёдаги ёлғончи ҳаётнинг икки асосий алдовига - жинсий ҳаёт ва мол-дунёга яна ҳам каттирок боғланиб коладилар. Бу ерда ишлатилган *ашучи-вратат*, яъни "нопок қилиқлар" сўзи муҳим аҳамиятга эга. Манманлик ва димоғдорлик туйғуси остида иблислар Ведаларга зид бўлган ўзларининг дин тизимини яратадилар. Гарчи иблислар жаҳондаги энг жирканч маҳлуклар бўлсалар ҳам, улар жамиятда ҳамма нарсани шундай ташкил этадиларки, ғофил одамлар уларга сажда қилиб, сигинадилар, уларга ҳар хил хурмат-эҳтиром қўрсатадилар. Улар ўзларининг тўппа-тўғри дўзахга кетаётгандарини билмаган ҳолда, юксак тараққиёт йўлидан кетяпмиз, деб ўйлайдилар.

*11-12. чинтам апаримейам ча пралайантам упаширитах  
камопабхога-парама этавад ити ниишчитаҳ  
аша-паша-шатайр баддхаҳ кама-кродха-паратайанаҳ  
иханте кама-бхогартаҳам аниайенартха-санчайан*

Улар, “инсон бўлиб яшашдан мақсад - ҳаётдан лаззатланиб қолишидир”, деб тушунадилар. Шунинг учун уларнинг қалби умрининг охиригача ташвиш ва қўрқувда бўлади. Чексиз орзуистакларига ўралашиб қолган, эҳтирос ва ғазаб исканжасида, улар хиссиёт(нафс)ининг талабини қондириш учун ҳар турли ҳалол-ҳаром йўллар билан пул топадилар.

Изоҳ: Иблисларнинг фикрича, инсон ҳәётининг энг олий мақсади - ҳаётдан лаззатланиб қолиш. Уларнинг бундай фикри то умрининг охиригача ўзгармайди. Улар ўлгандан кейин ҳаёт давом этишига, тирик мавжудот ўзининг бу дунёда қилган ишларининг оқибатига(кармасига) биноан, бир танадан иккинчи танага ўтиб юришига ишонмайдилар. Улар ҳаётда адо бўлмас режалар тузадилар, лекин бирортасини ҳам охиригача етказа олмайдилар. Мен шундай иблиссифат бир одам билан таниш эдим, у ўлим тўшагида ётиб, режалаштирган ишларини амалга ошириш учун умрини ҳеч бўлмаса яна тўрт йилга чўзиб беришини врачлардан ялиниб илтимос қиласди. Бундай ғофил, нодон одамлар врачлар инсон умрини ҳатто бир минутга ҳам узайтира олмаслигини билмайдилар. Ажалимиз етганда биздан режаларимиз амалга ошган-ошмаганини ҳеч ким сўраб ўтирмайди. Табиат қонунлари ҳеч кимга тақдирига ёзилганидан ортиқ бир дақиқа ҳам яшашга йўл кўймайди.

Худога ишонмайдиган, ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбida Олий Рух мавжудлигини инкор этадиган иблислар факат ўзларининг хиссиётини лаззатлантириш учун ҳар турли гуноҳ ишларга қўл урадилар. Улар қилаётган ҳар бир ишини кузатиб турадиган гувоҳ ўзларининг қалбida мавжуд эканини билмайдилар. Олий Рух ҳамиша алоҳида рухнинг фаолиятини кузатиб туради. "Упанишада"ларда бир дараҳтнинг шоҳасида ўтирган икки күш ҳақида айтилган. Уларнинг биттаси дараҳтнинг аччик, чучук меваларидан татиб юради, бошкаси эса, факат унинг ҳаракатларини кузатиб юради. Лекин иблислар муқаддас китобларни, Ведаларни билмайдилар, уларга ишонмайдилар, чунки улар "ҳаётда лаззатланиб қолиш учун истаган нарсамизни килишимиз мумкин", деб ўйлайдилар ва қилаётган ишларининг оқибатини ўйламайдилар.

*13-15. идам адїа майа лабдҳам имам прансийе маноратҳам  
идам астидам ани ме бхавиишати пунар дханам  
асау майа хатаҳ шаттур ханишийе чапаран ани*

*ишиваро “хам ахам бхоги сиддо “хам балаван сукхи  
адхийо “бхиоджсанаван асми ко “нио “сти садришио майа  
йакшие дасийами модишиа итти аджнана-вимохитаҳ*

"Мен бугун яхши даромад топдим, - деб ўйлайди иблис, - агар ревжаларим амалга ошса, яна кўпроқ даромад оламан. Ҳозирча етарли мол-мулким бор, келажакда бойлигим яна кўпаяди. Анави одам менинг душманим эди, ундан қутулдим. Бошқа душманларимдан ҳам қутуламан. Ҳамма нарсага ўзим хўжайнинман, лаззатланиб яшаб юрибман. Ҳаётда баркамолликка, куч-қудратга эришдим, баҳтиёрман. Мен ҳаммадан бой-бадавлатман, атрофимдаги қариндошларимнинг ҳаммаси юкори мартабали. Оламда мендан қудратлироқ ва баҳтилоқ одам йўқ. Мен қурбонлик маросимлари ўтказаман, хайр-эҳсонлар улашиб, ҳаётдан лаззатланиб яшайман". Шу тарзда бу одамлар ўз ғоифилгининг қурбони бўладилар.

*16. анека-читта-вибхранта моха-джала-самавримтаҳ  
прасактаҳ кама-бхогешу патанти нараке “шу чау*

**Ҳар хил ташвиш ва хавотирлар остида, алданиб-адашиб юрган иблислар ҳаётда хиссий лаззатларга қаттиқ боғланиб қоладилар ва охир-оқибатда дўзахга равонага бўладилар.**

Изоҳ: Иблиссифат одамнинг бойлик орттиришга интилишининг чегараси йўқ. Унинг нафсини тўйдириб бўлмайди. У факат, ҳозир қанча бойлиги борлиги, келажакда уни қандай кўпайтириш мумкинлиги ҳакида ўйлайди. Бунинг учун у ҳар қандай гуноҳ ишга қўл уришга тайёр, таъкидланган лаззатларга интилиб, ҳар хил ноқонуний ишлар билан машғул бўлади. Ҳозир эга бўлиб турган бойликлари - ери, оиласи, иморати, банқдаги пуллари билан мағуруланиб, у хамиша бойлигини орттириш ҳакида ўйлайди. У факат ўзининг кучига ишонади, ҳозирги бойлиги аввалги ҳаётларида қилган савоб ишларининг натижаси эканини тушунмайди. У шунча бойлик эгаллаш имконига эга бўлди, аммо, бу ўзининг аввалги ҳаётидаги хайрли ишлари билан боғлиқ экани унга номаълум. У факат ўзимнинг интилишларим, ҳаракатларим туфайли бойликка эга бўлдим, деб ўйлайди. Иблис одам тақдирга, карма қонунларига ишонмайди, у факат ўзининг кучига, ақлига ишонади. Бизнинг ҳозирги ҳаётда эга бўлган бойлигимиз, обрў-эътиборимиз, гўзаллигимиз ва илмимиз аввалги ҳаётилиздаги хайрли ишларимиз натижаси эканига иблис ишонмайди. Иблис буларнинг ҳаммасига ўзимнинг қобилиятим билан, ҳаётда омадим келгани учун эришдим, деб ўйлайди. У одамларнинг жамиятда тутган ҳар хил ўрни, уларнинг бойликлари, гўзаллиги ва илми Худои Таолонинг маълум қонунлари асосида белгилаб қўйилганини билмайдилар. Улар билан

бирор соҳада ракобатлашмоқчи бўлган одам дарров уларнинг ашаддий душманига айланади. Бутун жаҳон иблиссифат одамларга тўлиб кетган, уларнинг ҳаммаси бир-бирига душманлик қилиб яшайдилар. Бу душманлик шахсий муносабатлардан оиласвий муносабатларга, қабила, бутун бир халқларнинг ўзаро муносабатлариға ўтиб, ҳамиша кенгайиб, чукурлашиб бораверади. Шу сабабли бутун жаҳонда урушлар, жанжаллар сира адо бўлмайди.

Ҳар бир иблис табиатли одам, ўзининг нафси йўлида бошқа ҳамма одамларни қурбон қилиш мумкин, деб ўйлади. Одатда ҳамма иблислар ўзларини Худо деб биладилар. Агар ана шундай иблис бирор дин никобини кийиб олса, у ўз издошларини Худога қарши йўлга бошлайди: "Худони бошқа жойдан излашнинг нима кераги бор? Сизларнинг ҳар бирингиз Худосизлар! Хоҳлаган ишингизни қилишингиз мумкин. Худога ишонманглар. Худони миянгиздан чиқариб ташланг! Худо ўлган!" Иблисларнинг тарғиботи ана шундай.

Гарчи иблислар ўзларига ўхшаган бой-бадавлат ва обрўли одамлар кўп эканини яхши билсалар ҳам, уларнинг ҳар бири ўзини энг бой, энг кудратли одам деб ўйлади. Жаннатга эришиш учун ҳеч қандай қурбонлик маросими ўтказишнинг кераги йўқ, деб ўйлади иблис. Бунинг ўрнига улар қандайдир ҳаво кемаси яратиб, коинотнинг истаган сайёрасига бориш мумкин, деб ўйладилар. Бунга Равана яққол мисол бўла олади. У ўзининг фуқаролариға, жаннатга олиб борадиган зина-поя қуришини, ва ундан фойдаланиб, ҳар ким, ҳеч қандай ведавий қурбонлик маросимини ўтказмасдан жаннатга чиқиб олиши мумкин, деб эълон килган эди. Худди шундай ҳозирги иблислар ҳам, бошқа сайёralарга қандайдир механик қурилмалар ёрдамида боришига уриниб юрибдилар. Буларнинг барчаси иблисларнинг ҳаётда алданиб юрганини кўрсатувчи мисоллардир. Натижада улар ўзлари билмаган ҳолда дўзахдан ўзларига жой ҳозирлайдилар. Бу ерда келтирилган *моҳаджасала* ибораси мухим аҳамиятга эга. Джала дегани "тўр" деган маънони беради. Худди тўрга илинган балиқ сингари иблислар ўзларининг адашиш, алданишлари тўридан, чангалидан қутула олмайдилар.

### *17. атма-самбхавитаҳ стабдха ҳхана-мана-маданвитаҳ йаджсанте нама-йаджсанис те дамбхенавидхи-пурвакам*

Ҳаётдаги ҳолатидан мамнун, қўпол, бойлиги ва манманлигидан кўзларини ёғ босган шундай одамлар баъзан мағурурлик билан қурбонлик маросими ўтказадилар. Лекин, улар буни фақат риёкорлик билан бошқаларга кўз-кўз қилиш учун, ҳеч қандай қонун-қондаларга риоя қилмасдан, ўтказадилар.

Изоҳ: Ўзларини “оламнинг устуни” деб ўйлаб, ҳеч қандай куч-кудратни, муқаддас китобларда кўрсатилган қонунларни тан олмасдан, иблислар баъзан қандайдир “диний” маросимлар ва курбонлик маросими уюштирадилар. Улар ҳеч кимни ва ҳеч қандай илохий нарсани тан олмагани учун ўзларини жуда осмонда тутадилар. Буларнинг хаммаси бойлик ва манманлик натижасидир. Баъзан шундай иблислар диндорлар ниқобини кийиб олиб, ўзларини “дин ислоҳотчилари” ёки “Худонинг навбатдаги аватараси”, “Худо” деб эълон қилиб, ғофил одамларни йўлдан урадилар. Улар кўз-кўз қилиш учун курбонлик маросими ўтказадилар, ёки фаришталарга сифинадилар, ёки ўзларича Худо ўйлаб топадилар. Оддий ғофил одамлар уларни “руҳий илмнинг буюк билим-донлари” деб хисобладилар. Улар таркидунё қилган зоҳидлар ниқобини кийиб оладилар ва шу ниқоб остида ҳар хил бемаъни ишлар киладилар. Аслида таркидунёлик қилган саняси, амал қилиш жуда мушкул қоидаларга риоя қилиши лозим. Аммо иблислар бу кўрсатмаларга ҳеч қандай эътибор бермайдилар. Уларнинг фикрича, руҳий фаолиятга ҳар бир одам ўз билганича амал килади, руҳий юксалишнинг ҳеч қандай ягона ўйли бўлиши мумкин эмас. Бу борада Парвардигор Кришна *свидхи-пурвакам* иборасини ишлатади. Бу ибора “қонун ва кўрсатмаларни инкор этиш” дегани билдиради. Ҳаёт хақида бундай тасаввурлар ғофиллик ва адашиш оқибатидир.

*18. аханкарам балам дарпам камам кродхам ча самиритаҳ  
мам атма-пар-дехешу прадвишанто “бхясуякаҳ*

**Соҳта ўзлиги, кучи, манманлиги, эҳтироси ва ғазаби йўлдан адаштирган иблислар ўзларининг қалбида ҳам, бошқа тирик мавжудотларнинг қалбида ҳам мавжуд бўлган Худои Таолодан нафратланадилар ва ҳақиқий динни ҳақорат қиладилар.**

Изоҳ: Худои Таолонинг олий ҳукмронлигини инкор этадиган иблислар муқаддас китобларнинг сўзларига ишонмайдилар. Муқаддас китоблар ва Худонинг Олий Шахсининг мавжудлиги уларда ҳасад туйгусини уйғотади. Бунга сабаб уларнинг манманлиги, кўлидаги бойлиги ва кудратидир. Улар ўзларининг ҳозирги ҳаёти - кейинги ҳаёти учун тайёргарлик эканини билмайдилар. Шуни билмаган ҳолда, улар аслида бошқа тирик мавжудотлардан ҳам, ўзларидан ҳам нафратланадилар. Улар ғофиллиги туфайли ўзларининг таналарига ҳам, бошқа тирик мавжудотларнинг таналарига ҳам зулм қиладилар. Руҳий илмдан маҳрум бўлган ҳолда иблислар Худо Шахсини тан олгиси келмайди. Уларнинг муқаддас китобларга ва Худонинг Олий Шахсига бўлган нафрати шунда намоён бўладики, улар Худои Таолонинг мавжудлигига соҳта далиллар келтирадилар, муқаддас китобларларнинг

мәйлумотларини тан олмайдилар. Улар ўзларини “мустақил” деб хисоблаб, “хоҳлаган ишни қилишга ҳақлимиз”, деб биладилар. Оламда ўзидан күчлироқ, құдратлироқ ва бойроқ одам йўқ деб, ўзига ишонган иблик, күнгли хоҳлаган ишни қиласман, мени ҳеч ким тұхтата олмайды, деб ўйладиди. Агар истакларини амалга оширишга кимдир карши чиқса, уни ўзининг ашаддий душмани деб билиб, кеча-кундуз ундан кутулиш йўлини ўйладиди.

*19. тан ахам двишатаҳ куран самсарешу нарадхаман  
кишпамай аджасрам ашубхан асурииив эва йонишиу*

**Қалби нафратта тўлган, золим, одамлар ичида энг пасткаш бўлган бундай иблисларни Мен ҳар хил иблиссифат ҳаёт турларида туғилишга мажбур қилиб, моддий тириклик уммонида мангуколиб кетишга маҳкум этаман.**

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки, алоҳида рух у ёки бу моддий тана-га Худои Таолонинг марҳамати билан эга бўлади. Иблис бу ҳаётида Худои Таолонинг ҳукмронлигини инкор этиши, ўз билганича харакат қилиши мумкин, аммо, унинг кейинги ҳаёти тўлалигича, бутунлай Худои Таолонинг кўлида бўлади. "Шримад Ҳагаватам"нинг учинчи бобида айтилганки, моддий танаси ҳалок бўлгандан кейин, тирик мавжу-дот навбатдаги она қорнига тушади, ва у ерда Худои Таолонинг амри билан маълум танага эга бўлади. Моддий оламда яшаётган ҳар турли ҳайвон, одам ва бошка тирик мавжудотларнинг ранг-баранглигининг сабаби шунда. Бу ранг-баранглик ўз ўзидан пайдо бўлган эмас, аксинча Худои Таолонинг амри билан яратилган. Иблислар иблиссифат она-лар қорнидан қайта-қайта туғилиб, нафратларини тобора кўпайтиравериб, одамлар орасида энг пасткаши бўлиб бораверадилар. Ҳамиша хирсий эҳтирос таъсири остида юрадиган иблислар бошқаларга зулм қилишга ҳамиша тайёр юрадилар. Улар бошқалардан нафратланадилар ва нопок қиликларга эга бўлади. Иблиссифат ҳаёт турларига масалан, қалин ўрмонларда яшайдиган овчиласидаги одамлар ҳаёти мисол бўлиши мумкин.

*20. асурим йоним апанна мудха джсанмани джсанмани  
мам апрапайаива каунтейа тато йанти адхамам гатим*

**Эй Кунтининг ўғли, иблислар орасида қайта-қайта туғилавериб, ундаи одамлар Менга яқинлашиш имкониятидан маҳрум бўладилар. Улар то энг қуи, жирканч ҳаёт турларига тушунга қадар тобора тубанликка юз тутаверадилар.**

Изоҳ: Парвардигорни ҳаммага меҳрибон, раҳмдил деб айтадилар, аммо мазкур шеърдан кўряпмизки, У ҳеч қачон Ўз марҳаматини иблисларга кўрсатмайди. Бу ерда аниқ айтилганки, иблислар тақрор ва тақрор иблиссифат аёллар корнига тушадилар, Худои Таолонинг марҳаматидан маҳрум бўлиб, тобора тубанликка юз тутиб, то ит, мушук ва чўчқаларнинг танасида туғилгунча ўлиб-тирилиб юраверадилар. Иблислар ҳатто келажакда ҳам, Худои Таолонинг марҳаматига эришиш имкониятидан деярли бутунлай маҳрум бўлган одамлардир. Ведаларда, муқаддас китобларда айтилишича, шундай иблислар тубанликка юз тутиб, вакт ўтиши билан ит, мушук ва чўчқалар танасида туғиладилар. Парвардигорнинг шундай гапларини эшишиб, кимдир Худои Таолонинг барчага бир хил меҳрибонлигига шубҳа қилиши мумкин. Бунга жавобан "Веданта-сурта"да шундай дейилган: Худои Таоло ҳеч кимга душман ҳам эмас, ҳеч кимдан нафратланмайди ҳам. Асурлар энг тубан хаёт шароитларига тушиб қолганида, бу - Худои Таолонинг уларга кўрсатган буюк марҳамати бўлади. Баъзида Унинг Ўзи иблисларни ўлдиради, бу ҳам Худои Таолонинг иблисларга кўрсатган марҳамати, чунки ведаларда айтилганки, Худои Таолонинг қўлидан ҳалок бўлган ҳар қандай тирик мавжудот шу заҳотиёқ озодликка эришади. Инсоният тарихида Худои Таолонинг Ўзи ҳар хил киёфаларда намоён бўлиб ўлдирган асурлар жуда кўп бўлган: Равана, Камса, Хиранйакашипу ва ҳоказо. Шундай қилиб, асурлар ҳам агар уларга Парвардигорнинг қўлида ўлиш насиб этса, Худои Таолонинг марҳаматига эришиши мумкин.

*21. три-видҳам наракасийедам дварам нашанам атманаҳ  
камаҳ кроҳдас татҳа лобҳас тасмад этат трийам тийаджет*

**Одам дўзахга олиб борадиган йўлга уч дарвоза орқали киради: хирсий эҳтирос, ғазаб ва очкўзлик(қизғаниш). Ҳар бир фаросатли одам мана шу иллатлардан юз ўгириши лозим, чунки улар рухни зулмат қаърига тортиб кетади.**

Изоҳ: Бу ерда тирик мавжудотнинг иблиссифат ҳаёти қандай бошлиниши кўрсатилган. Инсон аввало ўзининг нафсини, эҳтиросини қондиришини истайди, лекин бунинг уддасидан чиқолмаса, унинг қалбida ғазаб, қизганч, очкўзлик пайдо бўлади. Иблисларга хос таналарга тушиб қолишини истамайдиган фаросатли одам мана шу уч иллатдан имкони борича тезроқ ҳалос бўлишга ҳаракат қилиши лозим, чунки улар рухни шу даражада коплаб олиши мумкинки, натижада тирик мавжудот ҳеч қачон моддий олам тутқунлигидан ҳалос бўлолмай қолади.

*22. этаир вимуктаҳ қунтейа тамо-двараис трибхир нараҳ*

*аҷарати атманаҳ шрейас тато йати парам гатим*

Эй Кунтининг ўғли, дўзахга олиб борувчи ана шу уч дарвозадан узоқ юрган киши, ҳаётини руҳий ўзлигини англашга ёрдам берадиган ишларга бағишлади, шу тарзда, вақти келиб ҳаётда олий мақсадга эришади.

Изоҳ: Инсон ҳаётда жуда эҳтиёт бўлиб яшashi, ҳамиша ўзининг мана шу уч ашаддий душманидан узоқроқ юриши лозим: эҳтирос, ғазаб ва очкӯзлик. Инсон қанчалик эҳтирос, ғазаб ва очкӯзлик таъсирiga берилмаса, унинг қалби, онги шунчалик пок бўлади. Пок онги унга ҳаётда муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларига амал қилиб яшаш имконини беради. Инсон ҳаётини тартибга солувчи қонун-қоидаларга амал қилиб, у аста-секин ўзининг руҳий табиатини англаш етади. Агар унинг омади келиб, бу йўлда Худони англаш, Кришна онгига эга бўлиш насиб этса, Худога садоқат билан хизмат қилиб, албатта инсон ҳаётининг энг олий мақсадига эришади.

Ведаларда инсон моддий олам иллатларидан покланиш учун қандай яшashi лозимлиги кўрсатилган. Бу усулнинг асосини эҳтиросдан, очкӯзликдан ва нафратдан покланиш ташкил этади. Натижада инсон энг юқори зинаси Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш бўлган ўзликни англаш зинапоясидан кўтарила бориши мумкин. Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиб юрган кишига умрининг охирида моддий олам тутқунлигидан халос бўлиб озодликка эришиш кафолатланган. Ведавий қонунлар асосида тузилган жамиятда тўрт табака ҳамда руҳий юксалиш йўлига мос келадиган тўрт турмуш тарзи мавжуд. Ҳар бир табака ва турмуш тарзидаги одамнинг ҳаёти маълум қонун-қоидалар асосида тартибга солинган, уларга амал қилиб юрган киши умрининг охирида албатта руҳий юксалишнинг энг юқори поғонасига кўтарилади. Муқаддас китоблар асосида тартибга солинган ҳаёт билан кун кечириб юрган кишининг озодликка эришишига Худои Таоло ишончли кафолот беради.

*23. йаҳ шастра-видхим утсриджайа вартате кама-каратаҳ  
на са сиддхим авапноми на сукхам на парам гатим*

Муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига бўйсунмасдан ўз билганича яшаб юрган одамлар ҳаётда камолотга, баҳт-саодатга, инсон ҳаётининг олий мақсадига эриша олмайдилар.

Изоҳ: Аввал айтганимиздай, *шастра-видҳи*, шастраларнинг қонун-қоидалари инсонлар жамиятидаги барча табака ва турмуш тарзига мансуб одамларнинг ҳаётини тартибга солади. Шу қонунларга ҳамма бирдай амал қилиши лозим. Уларни инкор этиб, нафсининг, эҳтироси,

очкўзлиги ва газабининг қули бўлиб, ўз хохиши билан яшаб юрган киши ҳеч қачон ҳаётда руҳий баркамолликка эриша олмайди. Бошқача қилиб айтганда, мана шу қоидаларни назарий жиҳатдан биладиган, аммо ҳаётда уларга амал қилмайдиган кишилар одамларнинг энг тубанлари, “пасткаш одамлар” хисобланади. Инсон бўлиб туғилиш имкониятига эга бўлган тирик мавжудот ақлини, тафаккурини ишлатиб яشاши, муқаддас китобларни ўрганиши, уларда кўрсатилган қонун-қодаларга амал қилиши лозим. Улар инсонга руҳий юксалишда баркамолликка эришиш йўлини кўрсатади. Акс ҳолда инсон бўлиб туғилган тирик мавжудот яна тубанликка юз тутади. Лекин, инсон ҳаётда муқаддас китобларнинг барча қонун-қоидаларига амал қилиб яшаса-ю, барибир Худои Таолони англаш даражасига етолмаса, унинг ўргангандар руҳий илмининг ҳеч қандай кадри бўлмайди. Ҳатто у Худои Таолонинг мавжудлигини тан олса, лекин Унга садоқат билан хизмат килмаса, умрени хазон қилиб юрган бўлади. Шунинг учун инсон астасекин қалбida Кришна онгини ривожлантириши, Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш даражасига кўтарилиши лозим. Инсон факат шу йўл билангина руҳий камолотнинг энг юкори поғонасига кўтарилиши мумкин.

Бу ерда ишлатилган *кама-каратаҳ* ибораси мухим аҳамиятга эга. Онгли равишда муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларини бузиб юрган киши эҳтирос домига тушган бўлади, таъқиқланган нарсаларни билган ҳолда уларга амал қилмайди. “Ҳаётда ўзининг хохишига қараб иш тутиш” деб шунга айтилади. Худои Таоло шундай одамларни албатта қаттиқ жазолайди. Улар факат инсон танасидагина эришиш мумкин бўлган камолот чўккисига эришиш имкониятидан маҳрум бўладилар. Инсон умри тирик мавжудотга биринчи навбатда поклашиб учун берилган, лекин шastrаларнинг қонун-қоидаларига амал қилмайдиган одам ҳеч қачон моддий иллатлардан покланмайди, у ҳеч қачон хақиқий, туганмас манту баҳтга эриша олмайди.

#### *24. тасмач схастрам праманам те карйакарйа-вгйавастхитая джнатва шастра-видханоктам карма картум ихархаси*

Шунинг учун шastrаларнинг кўрсатмаларига амал қилиб, сен ҳаётда ўз бурчингни, қандай ишлар қилиш керагу, қайси ишлар таъқиқланган эканини билиб олишинг керак. Барча қонун-қоидаларни ўрганиб, ҳаётда руҳий баркамолликка эришишга интилиб яшаш керак.

Изоҳ: "Бҳагавад-гита"нинг ўн бешинчи бобида айтилганидай, муқаддас китобларларнинг барча қонун-қоидалари инсон Худои Таолони, Кришнани англай олиши учун нозил қилинган. Агар одам "Бҳагавад-гита"ни ўрганиб, Кришна онгига эга бўлиб, Худои Таолога

садоқат билан хизмат кила бошласа, демак у Ведаларни ўрганиш орқали эришиш мумкин бўлган энг мукаммал илмни эгаллаган хисобланади. Худованд Чайтанийа Махапрабху бизлар учун бу йўлни жуда осон ҳолга келтириб берган. У одамларни шунчаки Ҳаре Кришна мантрасини мунтазам зикр қилишга: Ҳаре Кришна, Ҳаре Кришна, Кришна Кришна, Ҳаре Ҳаре, Ҳаре Рама, Ҳаре Рама, Рама Рама, Ҳаре Ҳаре, ва Ҳудои Таолога таклиф этилган таом билан овқатланишга чакирган. Агар ҳаётда инсон шу ишларни қилиб юрса, у барча муқаддас китобларни ўрганган, уларнинг мазмунини тўла тушунган хисобланади. Албатта, Кришна онгига эга бўлмаган, Ҳудои Таолога садоқат билан хизмат қилиш билан шуғулланмай юрган киши ҳаётда нима қилиш мумкину, қандай ишлар таъкиланган эканини билиш учун, муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларига амал қилиши лозим. У бу қонун-қоидаларга сўзсиз амал қилиши керак. Муқаддас китобларнинг, шастраларнинг кўрсатмалари амал қилиш - уларга иймон келтириш хисобланади. Одамлар одатда тўрт хил камчиликка эга: 1)сезги аъзолари муқаммал эмас, 2)алдашга, 3)алданишга мойил, 4)хатоликка йўл кўяди. Лекин муқаддас китобларнинг кўрсатмалари ана шундай нуқсонлардан пок. Инсонларнинг табиатига хос бўлган мана шу камчиликлар, уларни ҳаётда ўзлари амал қилиши лозим бўлган қонун-қоидалар ўрнатиш имкониятидан маҳрум килади. Шунинг учун барча буюк донишмандлар, ачарйалар, буюк зотлар мана шундай нуқсонлардан холи бўлган шастраларнинг муқаммал қонун-қоидаларига сўзсиз амал қиласиди.

Хиндистонда руҳий фалсафанинг хар хил мактаблари мавжуд, уларни умумий равишда икки гурухга бўлиш мумкин: 1)имперсоналистлар мактаби, 2)персоналистлар мактаби. Лекин ҳар иккила гурух издошлари ҳам ўзларининг ҳаётини Ведавий муқаддас китобларнинг қонун-қоидалари асосида қурадилар. Шастраларнинг қонун-қоидаларига амал қилмай туриб, камолотга эришишнинг иложи йўқ. Шунинг учун факат муқаддас китобларнинг ҳақиқий мазмунини тўла англаб етган одамнингина “омади келган энг баҳтиёр одам” деб хисоблаш мумкин. Ҳудонинг Олий Шахсини англаб етиш учун мўлжалланган қонун-қоидаларга амал қиласлик - инсоннинг тубанликка юз тутишига олиб келадиган ягона сабаб хисобланади. Мана шу - инсон қила олиши мумкин бўлган энг катта гуноҳdir. Шунинг учун майя, моддий қувват бизга ҳамиша уч хил мусибатларни юбориб, ҳаётда азоб-укубатларга дучор этиб жазолайди. Моддий қувват уч гунадан таркиб топган. Инсон ўзининг умри давомида ҳеч бўлмаса эзгулик гунасига кўтарилиши лозим, шундагина унга Ҳудои Таолони англаб етишга олиб борувчи йўлнинг эшиклари очилади. Акс ҳолда у иблисларга хос ҳаёт билан кун кечиришни таъминлайдиган эҳтирос ва фафлат гунаси таъсири остида қолиб кетаверади. Эҳтирос ва фафлат гунаси таъсири остида адашиб юрган одамлар муқаддас китоблар, ав-

лиё одамлар ва Худонинг Олий Шахси ҳақидаги фалсафий тасаввурлар устидан куладилар. Улар руҳий устоз кўрсатмаларини бузадилар, шастраларнинг қонун-қоидалариға амал қилмайдилар. Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишнинг қанчалик улуғвор экани ҳақида эшилсалар ҳам, уларнинг қалбида бунга ҳеч қандай қизикиш уйғонмайди. Шунинг учун уларнинг ўзлари руҳий юксалишнинг ҳар турли йўлларини ихтиро қиладилар. Инсонда иблисларга хос сифатларнинг ривожланишига олиб келадиган баъзи бир нуқсонлар шулардан иборат. Лекин, ҳаётда руҳий юксалиш йўлини аниқ кўрсата оладиган ҳақиқий руҳий устоз кўрсатмаларига амал қилиб яшаётган киши охир-оқибатда албатта инсон ҳаётининг энг олий мақсадига эришади.

*"Илоҳларга ва иблисларга хос фазилатлар" деб аталган "Бҳагавадгита"нинг ўн олтинчи бобига Бҳактиведантанинг изоҳлари шундай якунланади.*

## Ўн еттинчи боб. Эътиқод турлари

### 1. арджуна увача

*йе шастра-видхим утсриджайа йаджсанте шраддхайанвитаҳ  
тешам ништха ту ка криши саттвам ахо раджас тамаҳ*

Аржун шундай деди: **О Кришна, шастра(муқаддас китоблар)ларнинг кўрсатмаларига риоя қилмай, ўзлари ўйлаб топган йўл билан Худога сифиниб юрган одамларнинг тақдири нима бўлади? Улар моддий табиатнинг қайси гунасида бўладилар - эзгулик гунасидами, эҳтирос ёки гафлат гунасидами?**

Изоҳ: Тўртинчи бобнинг ўттиз еттинчи шеърида айтилган эдики, иймон-эътиқодли одам руҳий илм эгаллаб, аста-секин қалбида тинчликка, хотиржамликка, осойишталикка эришади. Ўн олтинчи бобда айтилган эдики, муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларига амал қилмайдиган одамлар асур, иблислардир, муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларига тўқис амал қилиб юрганлар эса, девалар, яъни тавводор одамлар, фаришталар деб аталади. Шундай савол туғилиши мумкин: муқаддас китобларда кўрсатилмаган қонунларга қатъий риоя қилиб юрган одамларнинг ахволи нима бўлади? Аржун Кришнадан шу саволга жавоб бериб, қалбидаги шубҳа-гумонларни тарқатиб юборишини сўрайти. Агар одамлар ўзларига ўхшаган бир одамни Худо дараҷасига қўтариб, унга ишонч ва садоқат билан сифиниб юрсалар, уларнинг сифинишлари қайси гунадаги сифиниш ҳисобланади? Шу йўл билан улар хаётда руҳий баркамолликга эриша оладими? Улар хақиқий илмга эга бўлиб, камолот чўккисига қўтарила оладими? Муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларига амал қилмасдан, хаётда нимагадир эътиқод қўйиб, бошқа бир илоҳларга, фаришталарга ёки кудратли одамларга сифиниб юрган кишининг интилишлари уларга бирор натижада берадими? Аржун Кришнага шундай саволлар билан мурожаат киляпти.

### 2. иши бхагаван увача

*три-видҳа бхавати шраддҳа дехинам са свабхава-джса  
саттвики раджаси чайва тамаси чети там ширину*

Худои Таоло шундай деди: **Моддий табиатнинг қайси гунаси тъасири остида бўлишига қараб, одамнинг иймон-эътиқоди уч**

**турли бўлади: эзгулик гунасидаги эътиқод, эҳтирос гунасидаги ва ғафлат гунасидаги эътиқод.**

Изоҳ: Муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларини биладиган, аммо эринганидан, дангасалигидан уларга амал қилишни тарк этган киши моддий табиат гуналари таъсири остидаги одам хисобланади. Ўзининг аввалги ҳаётида эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсири остида кўрсатган фаолиятининг оқибатлари натижасида инсон бу ҳаётда маълум сифатларга эга бўлади. Тирик мавжудот жуда қадим замонлардан бери моддий табиатнинг ҳар хил гуналари билан ўзаро муносабатда бўлиб келяпти: тирик мавжудот бу оламда таъсир қилаётган моддий табиат гуналари таъсирига қараб, у ёки бу даражадаги ақлга эга бўлади. Лекин, инсон ҳақиқий руҳий устоз билан учрашиш ва муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига риоя қилиб юриш туфайли ўзининг табиатини ўзгартириши мумкин. У ғафлат ёки эҳтирос гунаси таъсири остидан аста-секин эзгулик гунасига кўтарилиши мумкин. Шундай қилиб, моддий табиатнинг у ёки бу гунасидаги кўркўрона ишонч инсоннинг руҳий камолотга эришишига ҳеч қандай ёрдам беролмайди. Энг аввало, инсон ҳақиқий руҳий устоз билан учрашиб, ўзининг тафаккури ёрдамида ҳаётдаги ўзининг ҳақиқий ҳолатини аниқлаб олиши лозим. Ҳар бир одам фикр юритиб, ҳаётда қандай қадриятларга асосланиб яшайтганини, ўз умрини нимага сарфлаётганини билиб олиши керак. Шунда биз юқорироқ ҳолатга кўтарилиб, аста-секин пастки гуналар таъсиридан халос бўлишимиз мумкин.

*3. саттванурупта сарвасай шраддха бхавати бхаратат  
шраддха-майо “йам пурушо йо йач-чхраддхаҳ саева саҳ*

**Эй Бхарат ўғли, моддий гуналардан бирининг устивор таъсири остида тирик мавжудот маълум турдаги эътиқодга эга бўлади. Одамнинг иймон-эътиқоди қайси табиат гуналарининг унга таъсир кўрсатаётганига боғлиқ бўлади.**

Изоҳ: Ким бўлишидан қатъий назар ҳар бир одам нимагадир ишонади. Аммо инсоннинг табиатига қараб, унинг ишончи эзгулик гунасига, эҳтирос ёки ғафлат гунасига мансуб бўлиши мумкин. Инсоннинг ҳаётда қандай одамлар даврасида бўлишини, кимлар билан яқин муносабатда бўлишини унинг ишончи, иймон-эътиқоди белгилайди. Аслида ҳар бир тирик мавжудот, ўн бешинчи бобда айтилганидай, Худои Таолонинг кичкина заррачаси хисобланади. Шунинг учун азалдан, ўзининг асл ҳолида барча руҳлар моддий табиат гуналари таъсирига берилмаган, пок ҳолатда бўладилар. Лекин, тирик мавжудот ўзининг Худои Таоло билан бўлган мангу муносабатларини эсидан чиқарганида ва моддий табиат билан аралашиб, моддий олам шарои-

тида яшай бошлаганида, моддий табиатнинг у ёки бу гуналарини танлаб, ўзининг ҳаётдаги ҳолатини унинг ўзи белгилайди. Натижада унда сунъий, моддий ишонч пайдо бўлади, унинг бу дунёдаги сунъий, ўткинчи, сароб, моддий ҳаёти бошланади. У ҳаёт ҳақидаги ўзининг шахсий тасаввурларига асосланиб, қандайдир ҳаёт конунига амал қилиб яшай бошлайди, лекин аслида, тирик мавжудот пок, илохий, трансцендент рух хисобланади. Шунинг учун у ўзига ўзи боғлаб олган сохта, моддий тушунчалардан ҳалос бўлиши, покланиши лозим - факат шундагина у ўзининг Худои Таоло билан ўзаро мангу муносабатлари ни қайта тиклай олади. Тирик мавжудотни ўзининг табиий ҳолатига, Худонинг даргоҳидаги илм ва лаззатга тўла мангу ҳаётга олиб борувчи ягона йўл, Кришнани англаш йўли мана шундан иборат. Қалбида Кришна онгини ривожлантирган киши албаттага руҳий баркамолликка эришади. Агар инсон ҳаётида ҳақиқий руҳий ўзликни англашнинг бу йўлига киришдан бош тортса, у моддий табиат гуналари таъсири остида қолиб кетаверади.

Бу ерда ишлатилган *ираддҳа* ("ишонч") ибораси муҳим аҳамиятга эга. Шраддҳа, ишонч, ҳамиша эзгулик гунасида пайдо бўлади. Инсон қандайдир фариштага, бировлар ўйлаб чиқарган Худога ёки ўзининг хом-ҳаёлларига ишониши мумкин. Лекин, катъий ишончи барибир уни моддий табиатнинг эзгулик гунасида фаолият кўрсатишга олиб келади. Шартланган моддий олам шароитида ҳеч қандай фаолият табиат гуналаридан мутлақо пок бўла олмайди, унда барибир бошқа гуналардан қандайдир қўшимчалар бўлади. Моддий оламда мутлақо пок ҳолда эзгулик бўлмайди. Пок эзгулик илохий табиатга эга, факат ана шундай ҳолатда рух Худо Шахсининг ҳақиқий табиатини англай олади. Токи бизнинг ишончимиз соф эзгулик гунасида бўлмас экан, унга ҳамиша пастки гуналар таъсири қилаётган бўлади. Пастки гуналарнинг нопок таъсири инсон қалбининг поклигига таъсири қиласди. Шунинг учун инсоннинг иймон-эътиқоди унинг қалби қайси гуналар таъсири остида эканига боғлиқ бўлади. Қалби эзгулик гунаси таъсири остида бўлган киши эзгулик гунасидаги эътиқодга эга бўлади. Агар одамнинг қалби эҳтирос гунаси таъсири остида бўлса, унинг эътиқоди ҳам эҳтирос гунасида бўлади. Қалби ғафлат гунаси ботқоғига ботган одамнинг эътиқоди ҳам ғафлат гунасида бўлади. Шу тарзда моддий оламда иймон-эътиқоднинг турли кўринишлари юзага келади, ана шу эътиқодлар ҳар хил кўринишдаги диний тизимларнинг, оқимларнинг асосини ташкил этади. Ҳақиқий дин ва эътиқод пок эзгулик гунасида бўлади, лекин одамларнинг қалби ҳар хил гуналар таъсирида булғанган бўлгани сабабли, улар ҳар хил диний оқимларга бирлашадилар. Шу тарзда Худога сифинишнинг ҳар хил кўринишлари келиб чикади.

*претан бхута-ганами чанье йаджсанте тамаса джсанах*  
**Эзгулик гунасидаги одамлар фаришталарга сигинадилар, эҳтирос**  
**гунасидагилар иблисларга сигинадилар, ғафлат гунасидаги одам-**  
**лар эса, ўтган аждодлари руҳига сигинадилар.**

Изоҳ: Бу ерда Кришна ташки кўринишидан ҳар хил бўлган сигиниш, эътиқод турларини таърифлаб беряпти. Муқаддас китобларда кўрсатилганки, сигиниш лозим бўлган ягона илоҳ - Худонинг Олий Шахсиdir. Лекин, муқаддас китобларнинг қонун-коидаларини билмайдиган, ёки билса ҳам уларга амал қилмайдиган одамлар, хаётда қалби қайси гуна таъсири остида бўлишига қараб, Худога сигинишининг ҳар хил турларини танлайдилар. Эзгулик гунасидаги одамлар одатда фаришталарга сигинадилар: Брахмага, Шивага ва Индра, Чандра ёки Күёш Худоси сингари бошқа фаришталарга. Эзгулик гунасидаги одамлар муайян мақсадни кўзлаб, қандайдир фариштага сигинадилар. Шунга ўҳшаб, эҳтирос гунасидаги одамлар ҳам иблисларга сигинадилар. Калкүттада яшайдиган бир одам иккинчи жаҳон уруши пайтида Гитлерга сигиниб юргани эсимдада, чунки у ўша пайтларда бозорда қора ишлар билан шуғулланиб, катта бойлик орттирган эди. Эҳтирос ва ғафлат гунасидаги одамлар одатда қандайдир буюк шахсни Худо даражасига кўтарадилар. Уларнинг фикрича ҳар қандай одамга Худога сигингандай сигиниш натижасида унинг мартабасига эришиш мумкин.

Бу ерда аниқ айтилганки, эҳтирос гунасидаги одамлар ўзларича Худо яратиб, унга сигинадилар, ғафлат гунасида зулмат боткоғига ботган одамлар эса, ўлган аждодларининг руҳига сигинадилар. Уларнинг баъзилари ўлганларнинг қабрига бориб, у ерда қандайдир маросимлар ўтказадилар. Жинсий алоқа билан боғлиқ бўлган ҳар хил урф-одатлар ҳам ғафлат гунасидаги сигинишларга киради. Ҳиндистоннинг четки кишлоқларида арвоҳларга сигинадиган одамларни учратиш мумкин. Масалан, Ҳиндистонда баъзи бир одамлар қалин ўрмон ичига бориб, "ичида руҳлар яшайди" деб овоза бўлган катта бир дараҳтнинг ёнида қурбонлик маросими ўтказиб юрганини кўрганмиз. Бу одамларнинг ҳаммаси аслида Худога сигиниб юрганлари йўқ. Худои Таолога фақат руҳий, илохий даражага, пок эзгулик даражасига кўтарилиган ва моддий табиат гуналари таъсиридан халос бўлган одамларгина сигинишга қодир бўлади. "Шримад Бҳагаватам"(4.3.23)да шундай дейилган: *саттвам вишуддхам висудева-шабдитам* - "Соф эзгулик гунасида инсон Васудевага сигинади". Бошқача қилиб айтганда, моддий табиат гуналаридан покланган, уларнинг таъсиридан халос бўлиб, илохий, руҳий даражага кўтарилиган киши Худонинг Олий Шахсига сигиниши мумкин.

Одатда эзгулик гунасидаги одамлар деб хисобланадиган имперсоналистлар беш фариштага сигинадилар. Улар "Вишнунинг фалсафий

кўриниши" деб атайдиган, Вишнунинг моддий оламдаги шахсиятсиз киёфасига сифинадилар. Вишну - Худонинг Олий Шахсининг намоён бўлган қиёфаси, аммо, имперсоналистлар Худонинг Олий Шахсига ишонмагани сабабли, улар Вишнуни "шахсиятсиз Брахманнинг бир кўриниши" деб хисоблайдилар, Тангри Брахмани эса - шахсиятсиз Брахманнинг моддий оламда намоён бўлган кўриниши деб биладилар. Шунинг учун баъзан имперсоналистлар беш фариштага сифинадилар. Лекин, улар Мутлақ Ҳакиқатнинг энг олий кўриниши шахсиятсиз Брахман деб хисоблаганлари сабабли, охир-оқибатда аниқ бир шахсга сифинишини инкор этадилар. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, факат моддий гуналар таъсиридан халос бўлган одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиш натижасидагина моддий табиат гуналари таъсиридан бутунлай покланиш мумкин.

5-6. *аиастра-вихитам ҳорам тапианте ўе тапо джанаҳ  
дамбаханкара-самиўктаҳ кама-рага-баланвитаҳ  
каршайантаҳ шарира-стҳам бхута-грамам ачетасаҳ  
мам чаивантаҳ шарира-стҳам тан виддхи асура-нишчайан*

**Манманлик ва очкўзлигидан, муқаддас китобларда тавсия қилинмаган машакқатли риёзатларга бериладиган, ҳаётда боғланиш ва хирс туйғуси таъсири остида яшайдиган, нодонлиги туфайли танасини ҳам, ундаги Олий Рухни ҳам қийноққа соладиган одамларни "иблислар" деб атайдилар.**

Изоҳ: Муқаддас китобларда кўрсатилмаган риёзатларга бериладиган одамлар ҳам бор. Қандайдир дунёвий нарсаларга, масалан сиёсий мақсадга эришиш учун очлик эълон қилиб риёзат чекиш ҳеч бир муқаддас китобда кўрсатилмаган. Муқаддас китоблар моддий, ижтимоий ёки сиёсий мақсадларни кўзлаб эмас, руҳий жиҳатдан юксалиш учун риёзат чекишни тавсия қиласди. "Бҳагавад-гита" таълимотига кўра, ана шундай бемаъни риёзатларга бериладиган одамлар иблислар тоифасига киради. Уларнинг барча ҳаракатлари муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига мутлақо зид ва ҳеч кимга, ҳеч қачон бирор манфаат келтирмайди. Аслида ундей одамлар ўзларининг нафси, манманлиги, хирсий эҳтирослари, моддий лаззатларга боғланганлиги таъсирида ҳаракат қиласдилар. Ана шундай машакқатли риёзатлар, моддий унсурлардан таркиб топган тананигини қийноққа солиб кўймасдан, ундаги Олий Рух қиёфасида мавжуд бўлган Худонинг Олий Шахсига ҳам ташвиш келтиради. Сиёсий мақсадларда қилинган риёзатлар (очлик эълон қилиш ва ҳоказо) албатта бошқаларга ҳам кўп ташвиш келтиради. Муқаддас китобларда бундай усуллар ҳақида ҳеч қандай кўрсатма берилмаган. Иблисларга хос фикрлайдиган одамлар ана шундай йўллар билан ракибларини ўзларининг талабини қондиришга

кўндиришга уринадилар, аммо, бундай ишларнинг оқибати одатда ҳалокат билан тугайди. Худои Таоло бундай ишларни қўллаб-кувватламайди, ундай ишлар билан шуғулланадиган кишиларни “иблислар” деб айтяпти. Бундай йўллар билан иблислар Худои Таолони хақорат килган бўладилар, чунки уларнинг килаётган ишлари Худои Таоло нозил қилган муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига тўғри келмайди. Ҳаётда шундай ишлар қилиб юрган одамларни фаросатли, ақлли одамлар деб бўлмайди. Шу аснода бу ерда ишлатилган *ачетасаҳ* ибораси мухим аҳамиятга эга. Эси бор, фаросатли одамлар муқаддас китобларнинг қонун-коидаларига амал қилиб яшашлари лозим. Аммо, эси йўқ, фаросатсиз одамлар муқаддас китобларнинг кўрсатмаларини инкор этадилар ёки ўзларича ҳар хил қоидалар ўйлаб чиқарадилар. Иблиссифат одамларнинг тақдири нима бўлиши аввалги бобда кўрсатилган эди, шуну ҳамиша эсда сақлаш лозим. Худои Таоло уларни иблиссифат аёллар қорнига солиб кўяди. Натижада улар умрлар оша иблис бўлиб туғилаверадилар, ҳақиқий илмдан маҳрум бўлиб, ўзининг Худои Таоло билан бўлган мангу, лаззатга тўла муносабатларини эслай олмай юраверади. Аммо, ана шундай баҳтикар одамлар ҳам омади келиб, ҳаёт йўлида Худонинг содик хизматкорини, уни ведавий донишмандлик йўлига бошлашга кодир бўлган ҳақиқий руҳий устозни учратиб қолсалар, ўзларининг адашишларидан халос бўлиб, охир-оқибатда инсон ҳаётининг олий мақсадига эриша оладилар.

*7. ахарас тв ани сарвасия три-видхо бхавати прияҳ  
йаджнас тапас татха данам тешам бхедам имам ирину*

**Моддий табиатнинг уч гунаси таъсирига қараб, ҳатто одамлар ёқтирадиган овқатлар ҳам уч турга бўлинади. Қурбонлик маросимлари, риёзат, хайр-саҳоват кўрсатиш ҳам шундай бўлади. Энди Мендан уларнинг бир-биридан фарқи ҳақида эшилт.**

Изоҳ: Одамлар ёқтирадиган овқатлар, ўтказадиган қурбонлик маросимлари, чекаётган риёзатлари ва хайр-эхсонлари ҳам уларга таъсири қилаётган моддий табиат гуналарига қараб турли хилда бўлади. Барча қурбонлик маросимлари, риёзатлар ҳам бир хил даражада қадр-қийматга эга бўлавермайди. Одамнинг қилаётган ишларини тахлил қилиб, уларнинг қайси гуна таъсирида эканини аниқлай оладиган киши донишманд одам ҳисобланади. Қурбонликларнинг, овқатларнинг ва хайрли ишларнинг ҳаммаси бир хил деб ҳисоблайдиган одам ҳеч нарсанинг фарқига бормайдиган бефаросат, ғофил одам ҳисобланади. “Инсон ҳаётда хоҳлаган ишини қиласвериши мумкин, барибир оқибатда Худонинг даргоҳига эришади”, деб ҳисоблайдиган ғофил диндортарғиботчилар ҳам учраб туради. Лекин ундай тарғиботчи диндорларнинг қилаётган ишлари, фикрлари муқаддас китобларнинг

кўрсатмаларига тўғри келмайди. Уларнинг ўзлари қандайдир руҳий юксалиш усулларини ўйлаб топиб, одамларни ҳақиқат йўлидан адаштирадилар, холос.

*8. айұх-саттва-баларогъя-сукха-прити-вивардханаҳ расыаҳ снигдхаҳ стхира хридйа ахараҳ саттвика-прийаҳ*

Эзгулик гунаси таъсири остида бўлган одамлар ёқтирадиган овқат инсоннинг умрини узайтиради, онгини поклайди, куч-кувват беради, соғлигини тиклади, кишига баҳт ва осойишталиқ бағишлади. Булар - ҳалол, ширали, ёғли, соғлом, ёқимли таомлардир.

*9. катв-амла-лаванатй-үшина-тикина-рукиша-видахинаҳ ахара радијасасиешта духхха-шокамайа-прадаҳ*

Эҳтирос гунасидаги одамлар жуда аччиқ, ачиған, шўр, ўткир таъмли, тахир, қуруқ ва жуда қайноқ таомларни ёқтиради. Бундай таомлар азоб-уқубат, касаллик ва мусибатлар манбаидир.

*70. йата-йамам гата-расам путь парийшиштам ча йат уччхиштам апи чамедхйам бходжсанам тамаса-прийам*

Тайёрланганига уч соатдан кўп вақт бўлган, бемаза, бузилган, нопок, бошқалардан қолган овқатларни ғафлат гунасидаги одамлар ёқтиради.

Изоҳ: Инсон истеъмол қиласидиган овқат унинг умрини узайтириши, ақлини поклаши, унга куч-кувват бериши лозим. Овқатнинг асосий вазифаси шундан иборат. Қадимда яшаб ўтган буюк донишмандлар одамнинг умрини узайтирадиган, соғлигини мустаҳкамлайдиган озиқ-овқат турларини аниқлаб берганлар. Уларга сут ва сут маҳсулотлари, ширинликлар, гуруч, бүгдой, сабзавот ва мевалар киради. Ана шундай озиқ-овқатлар эзгулик гунасидаги одамларга ёқади. Баъзи бир овқат турлари, масалан қовурилган маккажӯҳори ёки патока(ҳали шакар ҳолига келтирилмаган шакарқамиш шираси) унчалик ёқимли бўлмаслиги мумкин, лекин, agar уларни сут ёки бошқа бирор нарса билан кўшиб еса ёқимли бўлади. Шунда улар ҳам эзгулик гунасидаги таомларга киради. Улар албаттага вино, гўшт сингари нопок маҳсулотлардан бутунлай фарқ қиласиди. Саккизинчи шеърда айтилган “ёғли овқат” деганда, ўлдирилган ҳайвон ёғида пиширилган таомни тушунмаслик керак. Энг зўр озиқ-овқат ҳисобланган сутнинг таркибида ҳайвон ёғи ҳам мавжуд. Ёғ олиш учун ҳайвонларни ўлдирмасдан, сут маҳсулотларидан ҳам етарли ёғ олиш мумкин. Сутдан сариёғ, тво-

рог, пишлок сингари тўйимли маҳсулотлар олиш мумкин. Тилсиз, но-чор ҳайвонларни факат жуда ёвуз, ҳайвонсифат, бешафқат, ваҳщий одам ўлдириши мумкин. Маданиятли одамлар озиқ-овқат учун етарли бўлган ёғни сут маҳсулотларидан оладилар, ҳайвонларни ўлдириш факат ҳайвонларга хос бўлган ғайриинсоний маданиятдир. Озиқ-овқат учун зарур бўлган оқсил моддалари эса, етарли микдорда мош, ловия, буғдой ва бошқа маҳсулотлар таркибида бор.

Эҳтирос гунасидаги ўткир, шўр, иссиқ ва кўп гармдори солинган овқат ошқозонда ўт пуфаги суюқлигининг камайишига олиб келади, овқатнинг ҳазм бўлишини қийинлаштириб, ҳар хил касалликларга сабаб бўлади. Ғафлат гунасидаги овқатларга биринчи навбатда бузилган, эски масалликлардан тайёрланган овқат киради. Тайёрланганига уч соатдан кўп бўлган ҳар қандай овқат ғафлат гунасидаги овқат ҳисобланади. (Албатта Кришнага таклиф қилинган овқат, прасад бундан мустасно). Айниганидан ундан таомдан қўлсанса ҳид кела бошлайди. Бундай ҳид факат ғафлат гунасидаги одамларни ўзига жалб этади, эзгулик гунасидаги тақводор одамлар эса, бундай сасиган таомдан жирканади.

Факат Худои Таолонинг йўзи ёки табаррук авлиё одамнинг, айниқса руҳий устознинг қолдирган овқатидан ейиш мумкин. Акс ҳолда бегона одам қолдирган овқат ғафлат гунасидаги овқат ҳисобланади, ҳар хил касалликларга сабаб бўлади. Ундан овқатлар ғафлат гунасидаги одамларга ёқади, эзгулик гунасидаги одамлар ундан овқатга кўл теккизмайдилар.

Овқатларнинг энг пок, энг яхшиси - аввало Худонинг Олий Шахсига таклиф этилган таомлардир. "Бҳагавад-гита"да Худои Таоло айтганки, агар содик ҳизматкори Унга муҳаббат ва садокат билан япроқ, гул, мева ёки сув таклиф килса, У шу нарсаларни ейди. *Патрам пушнам пхалам тойам*. Албатта, Худои Таоло энг аввало бизнинг Унга бўлган ихлосимизни, садокатимизни қабул қиласди. Лекин, Худои Таолога таклиф қилинадиган таом маълум қоидаларга асосан тайёрланishi лозим. Муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларига риоя қилиниб тайёрланган ва Худои Таолога тақдим этилган ҳар қандай таомни, ҳатто тайёрланганига анча вакт бўлган бўлса ҳам, истеъмол қилиш мумкин, чунки бундай таом илохий, руҳий табиатга эга бўлади. Демак, ҳар қандай таомни поклайдиган, истеъмол қилишга яроқли ва барча одамларнинг иштаҳасига ёқадиган қилиш учун аввало уни Худонинг Олий Шахсига тақдим қилиш керак.

#### *11. апхалаканкиибхир йаджсно видхи-диишто йа иджайате йаштавиам эвети манаҳ самадхайа са саттвикаҳ*

Ўзининг бурчи юзасидан, эвазига бирор нарса таъма қилмай, тақводор одамнинг муқаддас китобларнинг кўрсатмалари асосида

**ўтказган қурбонлик маросими “эзгулик гунасидаги қурбонлик маросими” деб аталади.**

Изоҳ: Одатда қандайдир мақсадни кўзлаб қурбонлик маросими ўтказадилар, лекин, бу ерда қурбонлик маросимини эвазига ҳеч нарса таъма қилмасдан, бурч юзасидан ўтказиш керак, дейилган. Масалан, эхром ва черковларда ўтказиладиган маросимларни олайлик. Одатда одамлар қандайдир моддий мақсадларга эришиш учун бирор маросим ўтказадилар, уларнинг бу ишларини албатта эзгулик гунасида деб бўлмайди. Инсон черков ёки эхромга қандайдир манфаат кўзлаб эмас, инсон сифатида ўз бурчини бажариш учун, Худои Таолога сажда қилиб покланиш, Унга гул ва мева тақдим қилиш учун келиши лозим. Бугунги кунда кўпчилик одамлар, шунчаки Худои Таолога сифиниш учун эхромга боришининг ҳеч қандай маъноси йўқ, деб ўйлайдилар. Лекин, муқаддас китобларда одам ўзининг иктисодий ахволини яхшилаб олиши учун Худога сажда қилиб сифиниши тавсия қилинмайди. Эхромга Худои Таолога эҳтиром кўрсатиб, сажда қилиш учун бориш керак. Бу бизнинг эзгулик гунасига кўтарилишимизга ёрдам беради. Муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига амал қилиб, Худо Шахсига сифиниш - ҳар бир маданиятли одамнинг муқаддас бурчи хисобланади.

*12. абхисандхайа ту пхалам дамбхартхам апи чайва йат  
иджайате бхаратта-шрештха там йаджнам видҳи раджасам*

**Моддий манфаат кўзлаб ёки манманликдан(бошқаларга кўз-кўз қилиш учун) ўтказиладиган қурбонлик маросими эҳтирос гунасидаги қурбонлик маросимиdir, эй Бхаратлар сардори.**

Изоҳ: Баъзи одамлар кейинги ҳаётида жаннатий сайёralарга кўтарилиш ёки хозирги ҳаётида қандайдир моддий нарсаларга эришиб, баҳтиёр бўлиш учун ҳар хил қурбонлик маросимлари ўтказадилар. Бундай маросим ва урф-одатлар эҳтирос гунасидаги ишлар тоифасига киради.

*13. видҳи-хинам асриштаннам мантра-хинам адакишинам  
шраддха-вирахитам йаджнам тамасам паричакшишате*

**Муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига риоя қилмасдан, прасадам (табаррук таом) улашилмай, ведавий асар(муқаддас китоб)лардан мадхиялар тиловат қилинмай, руҳонийларга совғасаломлар улашилмай ўтказилган қурбонлик маросими “гафлат гунасидаги қурбонлик маросими” деб аталади.**

Изоҳ: Гафлат гунаси таъсиридаги одамларнинг ишончи, эътиқоди аслини олганда ишончсизлик, иймонсизликдир. Баъзида одамлар

факат бойлик орттириш ниятида фаришталарга ёки қандайдир құдратли зотта сиғинадилар, кейин топган бойлигини ҳеч қандай мұқаддас китобларнинг қоидаларига эътибор бермай, хар хил гунох ишларга сарфлайдилар. Факат бошқаларга күз-күз қилиш учун ўтказиладиган бундай қурбонлик маросимларини ҳақиқий эътиқод әгаларининг иши деб бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси ғафлат гунасидаги ишлар бўлиб, одамнинг иблисларга хос хусусиятларини кучайтиради, ҳеч кимга бирор манфаат келтирмайди.

*14. дева-двиджса-гуру-праджна-пуджсанам шаучам арджавам  
брахмачарйам ахимса ча шарирам тата учйате*

**Худои Таолога сажда қилиш, брахманларга, руҳий устозга ва ёши улуғларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, шунингдек поклик, росттўйлик, жинсий покликни сақлаш, бошқаларга озор бермай яшаш - тананинг риёзатидир.**

Изоҳ: Бу ерда Худои Таоло риёзатнинг ҳар хил турларини таърифлай бошлаган. Аввало У тананинг риёзатини таърифлайди. Инсон Худои Таолога ва ҳар хил фаришталарга, ҳақиқий, табаррук брахманларга, руҳий устозга ва ёши улуғларга, масалан ота-онасиға ёки ведалар(муқаддас китоблар) илмини биладиган одамларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиши ёки ҳурмат кўрсатишни ўрганиши лозим. Ундей зотларнинг барчасини ҳурмат қилиш керак. Шунингдек, ҳамиша ички ва ташки покликка риоя қилиш лозим. Муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига зид бўлган ишларни ҳеч қачон қилмасликка ҳаракат қилиш лозим. Факат никоҳ доирасидагина жинсий муносабатларга йўл қўйиш мумкин, чунки муқаддас китоблар шуни тақозо этади. Ана шу - жинсий поклик деб аталади. Буларнинг барчаси тананинг риёзати хисобланади.

*15. анузвега-карам вакйам сатйам прийа-хитам ча йат  
свадхайайбхайасанам чайва ван-майам тата учйате*

**Нутқнинг риёзати одамларга ҳақиқат, ёқимли, саодат келтирадиган, бошқаларга ташвиш келтирмайдиган гапларни гапириш, муқаддас китобларни мунтазам ўрганиб юришдан иборат.**

Изоҳ: Одам айтаётган гаплари билан бошқаларга ташвиш келтир-маслиги керак. Албатта, руҳий устоз шогирдлари билан бўлган муносабатларида уларга таълим бериш мақсадида ҳақиқатни очиқ гапириши лозим, аммо, у ўзининг гаплари билан шогирди бўлмаганларнинг ақлини безовта қилмасликка ҳаракат қилиши лозим. Нутқнинг риёзати деганда шуни тушуниш лозим. Бундан ташқари биз ҳар хил бемаъни

гапларни гапирмасликка одатланишимиз керак. Рухий юксалиш йўлидан бораётган киши фақат муқаддас китобларда тасдиқланадиган гапларни гапиради. Айтаётган гапини тасдиқлаш учун ҳамиша муқаддас китоблардан исбот, далил келтириш керак. Айни пайтда бизнинг айтаётган гапларимиз одамларга ёқимли бўлиши керак. Нутқидан шу тарзда фойдаланган кишининг ўзи рухий жиҳатдан юксалади, бошқаларга ҳам саодат келтиради. Фақат инсонлар учун Худои Таоло шунча муқаддас китоблар нозил килиб кўйган, ҳақиқий инсонлардай яшаш учун, фаросатли одам уларни ўрганиши лозим. Буларнинг барчаси нутқинг риёзати ҳисобланади.

**16. манаҳ-прасадаҳ саумийатвам маунам атма-вениграҳаҳ  
бхава-самиуудхир итти этат тано манасам учайате**

**Мамнуният, соддалик, чидамлилик, ўзини тута билиш ва онгни поклаш ақлнинг риёзатидир.**

Изоҳ: Инсон ақлни ҳамиша риёзатда ушлаши учун ҳиссий лаззатлардан ўзини тишиши лозим. Инсон ақлни ҳамиша бошқаларга яхшилик қилиш ҳақида ўйлашга ўргатиши лозим. Ақлни жиловлашнинг энг осон йўли - хом-хаёлларга берилмаслиқдир. Инсоннинг ақли ҳамиша Кришна ҳақидаги ўйлар билан банд бўлиши, ҳиссий лаззатлардан узоқ бўлиши лозим. Ўзининг табиатини поклаш - Кришна онгига эга бўлиш демакдир. Қачон-ки биз ҳиссий лаззатлар ҳақида ўйлашни тарк эта олсаккина қалбимизнинг осойишталигига эришишимиз мумкин. Биз ҳиссий лаззатлар ҳақида қанчалик кўп ўйласақ, ақлимиз шунчалик безовта бўлиб, қаноатланмай қолаверади. Ҳозирги даврда одамлар ҳеч қандай заруратсиз, ҳар хил лаззатлар ҳақидаги ўйлар билан ақлни банд қилиб, ўзларини осойишталикка эришиш имкониятидан маҳрум қиласидар. Ақлни поклашнинг энг яхши усули - уни муқаддас китобларни ўрганиш билан машғул қилишдир, уларда жуда кўп қизиқарли ва ибратли ҳикоялар бор. Айникса Пураналар ва "Маҳобҳорат" асарлари хар тарафлама инсонни поклайди. Улардан олинган илм инсон ақлни моддий иллатлардан поклайди. Бундан ташқари ақлни иккюзламачилик, худбинлик асоратларидан поклаб, бошқаларга ғамхўрлик қилишни, ҳамдard бўлишни, одамларга яхшилик қилишни ўрганиш керак. Сукут саклаш - ҳамиша рухнинг табиати ҳақида ўйлаш демакдир. Шу жиҳатдан Кришна онгига бўлган киши ҳамиша сукут саклаб юрган одам ҳисобланади. "Ақлни жиловлаш" деганда уни ҳиссий лаззатланиш ҳақидаги ўйлардан халос қилишни тушуниш лозим. Бошқалар билан бўлган муносабатларда тўғри сўзли, ростгўй, самимий бўлиш керак, шунда бизнинг онгимиз покланади. Буларнинг ҳаммаси биргаликда ақлнинг риёзатини ташкил этади.

*17. шраддхайа нараиа таптам тапас тат три-видхам нараиү  
апхалаканкишибир йуктаиү саттвикам паричакиате*

**Дунёвий мақсадларга интилмасдан, фақат Худои Таолони мамнун  
килиш ниятида, комил илохий иймонга эга киши амалга оширган  
шув уч турдаги риёзатлар “эзгулик гунасидаги риёзат” деб аталади.**

*18. саткара-мана-пуджартхам тапо дамбхена чаива юат  
крияте тад иха проктам раджасам чалам адхрувам*

**Манманлик билан, одамларнинг ҳурмат-эътиборини қозониш  
ниятида ёки бошқаларни ҳайратга солиш учун қилинадиган риё-  
затлар эҳтирос гунасидаги риёзатлардир. Бундай риёзат мунтазам  
бўлмайди ва узоқ давом этмайди.**

Изоҳ: Баъзида одамлар бошқаларнинг эътиборини ўзига жалб  
етиши, шон-шуҳрат қозониш ёки бошқаларни ўзига сажда қилишга  
мажбур қилиш учун риёзат чекадилар(спорт). Эҳтирос гунасидаги  
одамлар издошлиарини ўзига сажда қилишга, оёғини ювишга ва ҳар хил  
инъом-эҳсонлар қилишга ундейдилар. Бошқаларга кўз-кўз қилиш учун  
қилинадиган ана шундай риёзат эҳтирос гунасидаги риёзат  
ҳисобланади. Бундай риёзат мунтазам бўлмайди. Маълум бир вакт  
мобайнида одам бундай риёзатларга берилиб юриши мумкин, лекин,  
эртами-кечми барибир уларни тарк этади.

*19. мудха-грахенатмано юат падайа крияте тапаҳ  
парасийотсаданартхам ва тат тамасам удахритам*

**Нодонлигидан, ўзини қийноққа солиб, бошқаларга азоб бериш ёки  
уларни ҳалокатга олиб келиш учун қилинадиган риёзат ғафлат  
гунасидаги риёзатдир.**

Изоҳ: Аҳмок одамларнинг бемаъни риёзатларига мисоллар кўп.  
Масалан, Хиранйакашипу мангут ўлмайдиган бўлишга, фаришталарни  
яксон қилишга эришиш учун каттиқ риёзатга берилган эди. У ўзининг  
ниятига эришиш учун Тангри Браҳмадан дуои-фотиха сўраганди, ам-  
мо, охир-оқибатда ўзи Худонинг Олий Шахси кўлида ҳалокатга учра-  
ди. Эришиб бўлмайдиган мақсадга интилиб каттиқ риёзатга берилиш -  
ғафлат гунаси таъсирида қилинадиган ҳаракатлардир.

*20. датавийам ити юад данам дийате “нупакарине  
деше кале ча патре ча тад данам саттвикам смритам*

**Бурч юзасидан, эвазига бирор нарса таъма қилмасдан, ўз вактида, муносиб жойда ва муносиб одамга берилган хайр-эҳсон эзгулик гунасидаги эҳсон ҳисобланади.**

Изоҳ: Муқаддас китобларда факат руҳий юксалиш йўлидан бора-ётган одамларга хайр-эҳсон бериш тавсия қилинган. Муқаддас китобларда дуч келган кишига хайр-садақа беравериш айтилмаган. Бирор хайрли иш қилишдан олдин, шу ишимиз бизнинг руҳий юксалишимизга ёрдам бериш ёки бермаслигини ўйлаб кўриш керак. Шунинг учун хайр-садақани муқаддас қадамжолардаги зоҳидларга, ой ва қуёш тутилган пайтларда, ёки ойнинг охирида, муносиб браҳманларга ёки Худонинг содик хизматкорларига, ёки Худонинг эхромига бериш лозим. Бундай хайр-эҳсонларни эвазига бирор нарса таъма қилмасдан, холис бериш керак. Баъзан одамлар кўчадаги гадойларга садақа берадилар, аммо агар ўша одам хайр-эҳсон олишга муносиб бўлмаса, ундай садақанинг бирор фойдаси бўлмайди - биз руҳий юксалишга эришмаймиз. Бошқача қилиб айтганда, муқаддас китоблар дуч келган ҳар қандай одамга хайр-эҳсон қилишни кўллаб-куватламайди.

*21. йат ту пратўупакарартҳам пхалам уddyшия ва пунаш  
дийате ча париклиштам тад данам раджасам смритам*

**Эвазига бирор нарса таъма қилиб, келажакда натижасидан лаззатланиш ниятида берилган, ёки қийналиб берилган хайр-эҳсон эҳтирос гунасидаги эҳсон ҳисобланади.**

Изоҳ: Баъзан одамлар жаннатга эришиш ниятида, ёки ўзлари истамаган ҳолда, қийналиб садақа берадилар. Ёки садақа бергандан кейин афсусланадилар: "Нимага шунча пул бердим?" Баъзан эса, юкори лавозимдагиларнинг бўйруғи билан садақа қилишга мажбур бўладилар. Ана шундай садақалар ҳам эҳтирос гунасидаги садақаларга киради.

Максади хиссий лаззатланиш бўлган ташкилотларга ўз маблагларини сарфлайдиган хайрия жамғармалари ҳам кўп. Ведавий, муқаддас китоблар бундай хайр-садақаларни кўллаб-куватламайди. Муқаддас китоблар одамларни факат эзгулик гунасида, холис хайрли ишлар қилишга чакиради.

*22. адеша-кале йад данам апатребхъиаш ча дийате  
асат-критам аваджнатам тат тамасам удахритам*

**Нопок жойда, бевакт, номуносиб одамга ёки муносиб ҳурмат-эҳтиром қўрсатилмасдан қилинган эҳсон ғафлат гунасидаги эҳсон ҳисобланади.**

Изоҳ: Бу ерда маст қиласиган нарсалар ва қимор ўйинларига сарфланадиган хайр садакалар қораланган. Бундай хайр-садакалар гафлат гунасига киради. Бундай хайр садакалар ҳеч кимга яхшилик олиб келмайди, аксинча пасткаш одамларнинг гуноҳ ишларини қўллаб-кувватлайди, холос. Худди шундай, агар биз муносиб одамга садака берсагу, лекин, унинг ўзига муносиб хурмат-эхтиром кўрсатмасак, бундай хайр-садака ҳам гафлат гунасига киради.

*23. ом-тат-сат ити нирдешо брахманас три-видхаҳ смритах  
брахманас тена ведаи ча йаджнаи ча вихитаҳ пура*

**Азалдан мана шу уч сўз - "оум-тат-сат" - Олий Мутлақ Ҳақиқатни белгилаш учун қўлланилади. Бу уч иборани ведавий мадҳияларни тиловат қилаётганда ёки Парвардигор номига қурбонлик маросими ўтказаётганда брахманлар талаффуз қилганлар.**

Изоҳ: Аввал айтилганидай, риёзат, хайр-садака, қурбонлик маросими ва ҳатто таомни ҳам табиат гуналарига караб уч хилга бўлиш мумкин. Лекин, қайси тоифага - эзгулик, эхтирос ва гафлат гунасига мансуб бўлмасин, - уларнинг барчаси барибир моддий табиат гуналари таъсири остида шартланган бўлади. Лекин, уларнинг мақсади "оум-тат-сат", яъни Худонинг Олий Шахси бўлганида, улар руҳий юксалиш воситаларига айланади. Бу мукаддас китобларда тасдиқланган. "Оум тат сат" Мутлақ Ҳақиқатни, Худонинг Олий Шахсини билдиради. Ҳар қандай ведавий мукаддас китобларнинг мадҳиялари таркибида "оум" бўғини мавжуд.

Муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига зид ишлар билан машғул киши ҳеч қачон Мутлақ Ҳақиқатга эриша олмайди. У фақат ўткинчи, вақтингчалик натижага эришиши мумкин, лекин инсон ҳаётининг олий мақсадига эриша олмайди. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, бизларнинг хайр-садакаларимиз, қурбонлик маросимларимиз ва риёзатларимиз эзгулик гунасида бўлиши лозим. Эхтирос ва гафлат гунасининг аралашуви уларнинг қадрини кескин тушириб юборади. "Оум тат сат" кўринишидаги уч мукаддас бўғин Худои Таолонинг муқаддас номи билан боғлиқ: *ом тад вишноҳ*. Биз ведавий мадҳиялар қироат қилганимизда ёки Худонинг мукаддас номларини талаффуз қилганимизда, ҳамиша "оум" бўғинини қўшишимиз лозим. Ведаларда шундай кўрсатилган. Бу уч бўғин ведавий мантралардан олинган: *ом ити этад брахмано недишитхам нама* (Риг-веда) биринчи мақсадни билдиради; *тат твам аси* (Чхандогья-упанишад, 6.8.7.) иккинчи мақсадни, *сад эва саумія* (Чхандогья-упанишад, 6.2.1) эса, учинчи мақсадни билдиради. Улар биргалашиб, "ом тат сат"ни ташкил этади. Оламнинг яралишидан аввал, Тангри Браҳма риёзат чекиб, Худонинг Олий Шахсини назарда тутиб, мана шу уч бўғинни талаффуз қилган.

Демак, Брахманинг издошлари бўлган барча брахманлар ҳам, руҳий устозлар силсиласи қонунларига амал қилиб, шу уч бўғинни талаффуз киладилар. Шундай қилиб, бу мантра жуда чукур маънога эга. Шунинг учун "Бхагавад-гита" таъкидлаб айтадики, ҳар қандай фаолият "оум тат сат"ни, яъни Худонинг Олий Шахсини мамнун қилишга қаратилган бўлиши лозим. Риёзат чекаётуб, садақа бераётуб, ёки эзгулик гунасида бирор иш қилаётуб шу уч бўғинни талаффуз қилган киши Кришна онгида ҳаракат қилаётган бўлади. Кришна онгидаги фаолият - илмий асосланган руҳий фаолиятдир. Бундай фаолият инсонга ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтиш имконини беради. Инсон шундай илоҳий, трансцендент фаолият билан машғул бўлганида ўзининг бир лаҳза вақтини ҳам, бирор қувватини ҳам бекорга сарфламай руҳий юксалиш йўлидан бораётган бўлади.

*24. тасмад ом ити удахритьа ӣаджна-дана-танаҳ-крийаҳ  
правартанте видханоктаҳ сататам брахма-вадинам*

**Шунинг учун, руҳнинг табиатини англаб етган кишилар, Худои Таолога эришиш учун муқаддас китобларнинг қонун-қоидалари асосида қурбонлик маросими ўтказаётуб, риёзат чекаётуб ва хайр эҳсон таратаётуб, уларни ҳамиша "оум" ибораси билан бошлайдилар.**

Изоҳ: "Риг-веда"(1.22.20)да шундай сўзлар бор: *ом тад вишиноҳ парамам падам*. Вишнунинг нилуфар қадамлари пойига сажда қилиш - Худога садоқат билан хизмат қилишнинг энг олий мақсадидир. Бизнинг ҳар бир ҳаракатимиз Худонинг Олий Шахсига бағишланганда хаётдаги фаолиятимиз бенуқсон ва мукаммал ҳолатга эришади.

*25. тад ити анабхисандхайа пхалам ӣаджна-танаҳ-крийаҳ  
дана-крийаши ча вивидхаҳ криянте мокша-канкшибхих*

**Ўз меҳнатининг натижаларидан лаззатланишга интилмаган ҳолда, инсон "тат" иборасини талаффуз қилиб, ҳар турли қурбонлик маросимлари ўтказиши, риёзат чекиши ва хайр эҳсон тарқатиши лозим. Бундай руҳий фаолиятнинг мақсади - моддий тутқуниликдан озодликка чиқишидир.**

Изоҳ: Руҳий даражага кўтарилиш учун ҳар қандай моддий мақсадларга эришиш ниятидан халос бўлиш ва фақат олий мақсадга - руҳий оламга, Худонинг даргоҳига эришиш ниятида ҳаракат қилиш лозим.

*26-27. сад-бҳаве садху-бҳаве ча сад ити этат праӣуджсийате*

*прашасте кармани татха сач-чхабдаҳ партха йуджийате  
йаджне тапаси дане ча стхитих сад ити чочийате  
карма чаива тад-артхийам сад ити эвабхиодхийате*

О Парта, Худога қурбонлик сифатида садоқат билан хизмат қилишдаги фаолиятнинг мақсади Мутлақ Ҳакиқатдир, "сат" ибораси ҳам шуни билдиради. Илоҳий табиатга эга бўлган ва Худои Таолони мамнун қилиш учун мўлжаллангани сабабли, бундай қурбонлик маросимини ўтказаётган кишини ҳам, қурбонлик маросимининг ўзини ҳам, риёзат ва эҳсонларни ҳам "сат" деб атайдилар.

Изоҳ: *прашасте кармани* ("белгиланган вазифалар") сўзи шуни кўрсатадики, муқаддас китобларда инсон туғилганидан то ўлганча ҳар хил покланиш маросимларидан ўтишини назарда тутадиган кўрсатмалар мавжуд. Улар инсон охир-оқибатда моддий олам тутқунлигидан озодликка эришиши учун мўлжалланган. Уларни амалга ошираётганда *ом-тат-сат* иборасини талаффуз қилиш лозим. *Сад-бҳаве ва садху-бҳаве* сўzlари илоҳий табиатга мансуб. Кришна онгидаги фаолият *саттва* деб аталади, Кришна онгига қандай харакат қилишни биладиган кишини эса, *садху* деб атайдилар. "Шримад Бҳагаватам"да (3.25.25.) айтилганки, бундай фаолиятнинг маъносини факат содиклар даврасидагина англаб етиш мумкин. *Сатам прасангат* сўзи шуни билдиради. Табаррук авлиё одамлар билан ҳамсухбат бўлиш имконига эга бўлмаган кишилар хеч качон илоҳий илмга эга бўла олмайдилар. Ҳакикий руҳий устоз шогирдига илоҳий фотиҳа берганида ёки унга брахманлик зуннорини(муқаддас чилвир) тақаётганида "оум-тат-сат" иборасини талаффуз қиласди. Шунга ўхшаб, барча қурбонлик маросимларининг мақсади ҳам Худои Таоло, яъни "*оум-тат-сат*" бўлиши керак. *Тад-артхайам* ибораси Худои Таолони билдирадиган ҳамма нарсага хизмат қилишни билдиради; бунга Худога садоқат билан хизмат қилишнинг овқат пишириш, эхромда ишлаш сингари, ёки Худонинг илмини тарқатиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай фаолият киради. Шундай қилиб, Кришна онгидаги ҳар қандай ишни мукаммал руҳий даражага кўтариш учун содиклар "*оум-тат-сат*" илоҳий ибораларини талаффуз қиласдилар.

28. *аираддхайа хутам даттам тапас таптам критам ча йат  
асад итий учйате партха на ча тат претъя но иха*

Худои Таология чуқур иймон келтирмасдан қилинган ҳар қандай қурбонлик маросими, хайр-эҳсон ёки риёзат - ўткинчидир. Улар "*асат*" деб аталади. Улар хозирги ҳайётда ҳам, кейинги ҳайётда ҳам одамга хеч қандай баҳт-саодат келтирмайди.

Изоҳ: Ҳар қандай фаолият, хоҳ у қурбонлик маросими бўлсин, хайр-эҳсон килиш ёки риёзат чекиш бўлсин, агар руҳий юксалиш мақсадида қилинмаган бўлса, ҳеч қандай натижага олиб келмайди. Шунинг учун бу ерда ундан ишлар қаттиқ кораланганд. Инсон ўзининг ҳар бир ишини Кришна онгига амалга ошириб, уни Худои Таолога бағишилаши лозим. Ана шундай эътиқодга эга бўлмай, маҳсус раҳбарлик остида бўлмай туриб, биз ҳеч қачон яхши натижага эриша олмаймиз. Барча муқаддас китобларда Худои Таолога иймон келтириш зарурлиги таъкидланган. Муқаддас китобларнинг барчаси инсонга Худои Таолони англаб етишда ёрдам бериш учун мўлжалланган. Ана шу қонун-коидаларга амал қилмай туриб, ҳеч ким ҳеч қачон бирор муваффакиятга эриша олмайди. Шунинг учун энг аввалиданоқ ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлиш лозим. Шунда биз хаётда ҳамма ишларимизда муваффакиятга эришамиз.

Шартланган руҳни фаришталарга, арвоҳларга ёки Кувера сингари якшаларга сифиниш жараёни ўзига жалб этади. Эзгулик гунаси эҳтирос ва фафлат гунасидан устун туради, лекин Кришна онгига эга бўлган киши моддий табиатнинг барча гуналари таъсиридан юкори кўтарилади. Гарчи руҳий юксалишнинг аста-секин, погонама-погона ўтиладиган йўли мавжуд бўлса ҳам, агар инсон, Худонинг содик хизматкори билан бўлган сухбат шарофати билан бирданига Кришна онгини қабул қиласа, у хаётда энг тўғри йўлни танлаган бўлади. Бу ерда Парвардигор Кришна Аржунга айнан ана шу йўлни таклиф қиляпти. Бу йўлда муваффакиятга эришиш учун одам энг аввало ҳақиқий руҳий устоз топиши ва унинг раҳбарлиги остида маҳсус тайёргарликдан ўтиши лозим. Натижада инсон ўзининг қалбида Худои Таолога иймон-эътиқод ҳосил қиласди. Вақт ўтиши билан унинг иймони кучайиб, Худога бўлган мухаббатга айланади. Ана шундай илохий мухаббат тирик мавжудотнинг энг олий мақсади ҳисобланади. Шунинг учун энг аввало Худои Таолони, Кришнани англаш йўлига кириш лозим. "Бҳагавад-гита"нинг ўн еттинчи бобининг мазмуни шундан иборат.

*"Эътиқод турлари" деб аталган "Бҳагавад-гита"нинг ўн еттинчи бобига Бҳактиведантанинг изоҳлари шундай якунланади.*

## Ўн саккизинчи боб. Муқаммал таркидунёлик

1. арджуна увача

саннийасасиа маҳа-баҳо таттвам иччами ведитум  
тиагамия ча хришикеша притхак кеши-нишудана

Аржун шундай деди: Эй қўллари қудратли Зот, мен боғланмаслик(*тиага*) ва таркидунёлик(*саннийаса*)нинг асл мазмунини тушуниб олишни истайман, эй иблис Кеша голиби, эй хиссиётлар султони.

Изоҳ: Аслида "Бҳагавад-гита" ўн еттинчи боб билан тамом бўлади. Кўшимча, ўн саккизинчи бобда шу пайтгача муҳокама қилинган мавзулар бўйича якуний хулоса қилинади. "Бҳагавад-гита"нинг ҳар бир бобида Парвардигор Кришна Худога садоқат билан хизмат қилиш инсон ҳаётининг энг олий мақсади эканини таъкидлаб айтади. Ўн саккизинчи бобнинг охирида, ҳақиқатни англаш илмининг энг маҳфий сири ошкор этилганда ҳам айнан шундай хулоса қилинади. Биринчи олти бобда Худога садоқат билан хизмат қилиш усулининг афзаллиги таъкидланди: *йогинам апи сарвешам...*"барча йоглар яъни илоҳиёт одамлари ичиди энг яхшиси - ҳамиша қалбида Мени ўйлаб юрадиган одамдир". Кейинги олти бобда соф садоқат билан хизмат қилиш ҳақида, унинг табиати, шу хизмат билан боғлиқ бўлган фаолият тўғрисида гап борганди. Охирги олти бобда илм, боғланмаслик, моддий табиатнинг фаолияти, руҳий табиат ва Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида гапирилди. Инсоннинг бу дунёдаги ҳар қандай фаолияти Худои Таолога, "оум-тат-сат" иборасида мужассам бўлган Вишнуга бағишлиланган бўлиши лозим, деган хуносага келинган эди. "Бҳагавад-гита"нинг учинчи қисмида исботланадики, инсон ҳаётининг олий мақсади - Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишдан бошқа нарса эмас. Буни тасдиқлаш учун Кришна қадимги донишмандларнинг гапларидан ва "Брахма-самхита"дан мисоллар келтиради. Баъзи имперсоналистлар "Веданта-сутра"да ёзилган илмга, худди бу илм фақат уларининг мулкидай эгалик қиласидар, аслида эса, "Веданта-сутра" одамларга Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишнинг маъносини англаб олишда ёрдам бериш учун ёзилган, чунки "Веданта-сутра"нинг муаллифи ҳам уни ҳаммадан яхшироқ биладиган Зот - Худои Таолонинг Ўзи ҳисобланади. Бу ҳақда ўн бешинчи бобда айтилган эди. Ҳар бир Веданинг, ҳар қандай муқаддас китобнинг мақсади Худои Таолога

садоқат билан хизмат қилишдан иборат. Буларнинг ҳаммаси "Бҳагавад-гита"да тушунтирилади.

Худди иккинчи бобда "Бҳагавад-гита"нинг асосий мавзуларининг қисқача мазмуни берилгани сингари, ўн саккизинчи бобда ҳам, аввалги бобларда айтилган гапларнинг барчасига якуний хулоса чиқарилади. Инсон бўлиб яшашнинг мақсади - моддий оламни тарк этиб, руҳий даражага кўтарилиш, моддий табиат гуналари таъсиридан ҳалос бўлишдир. Аржун "Бҳагавад-гита"да айтилган икки тушунчанинг мазмунини тушуниб олишни истайди: боғланмаслик (*тйага*) ва таркиду-нёлик(*санніаси*). Шунинг учун у Кришнадан ана шу икки тушунчани аникроқ тушунтириб беришни сўрайпти.

Аржун бу ерда Кришнага атайлаб Худои Таолонинг икки номи билан мурожаат қиляпти: Хришикеша ва Кеши-нишудана. Кришнани "Хришикеша" деб аталишига сабаб - У барча ҳиссиятларнинг хукмдори хисобланади ва бизга руҳий хотиржамликка эришиша ҳамиша ёрдам беради. Аржун ҳам қалбини хотиржам қилиб, ўзининг осойишта ҳолатига қайтиш учун Кришнадан айтилган гапларнинг ҳаммасига якун ясашни илтимос қиляпти. Шунга қарамай баривир унинг баъзи бир шубҳа-гумонлари қолган, одатда инсон қалбидағи гумонлар иблисларга тенглаштирилади. Шунинг учун Аржун Кришнани "Кешу-нишедана" деб атаяпти. "Кеши" - бир вактлар Кришнанинг кўлидан ҳалок бўлган қудратли иблис, ҳозир эса Аржун Кришна унинг қалбидағи гумон иблисини ҳам ўлдиришидан умид қиляпти.

## 2. шири-бҳагаван увача

*камайнам карманам нийасам санніасам кавайо видуҳ  
сарва-карма-пхала-тйагам прахус тйагам вичакишанаҳ*

**Худои Таоло шундай деди:** Дунёвий орзу-истакларни рўёбга чиқариш ниятида кўрсатиладиган фаолиятдан воз кечишини буюк донишмандлар таркиду-нёлик(*санніаса*) деб атайдилар. Ҳар қандай фаолиятнинг натижаларидан воз кечишини эса, боғланмаслик(*тйага*) деб атайдилар.

Изоҳ: Инсон ҳаётда натижасидан лаззатланиш ниятида қилинадиган фаолиятни тарк этиши лозим. "Бҳагавад-гита"нинг кўрсатмаси шундай. Шу билан бирга руҳий илм эгаллашга ёрдам берадиган фаолият билан шуғулланишда давом этиш керак. Бу кейинги шеърлардан маълум бўлади. Ҳаётда у ёки бу мақсадга эришиш учун ведаларда жуда кўп қурбонлик маросимлари ўтказиши тавсия қилинади. Яхши фарзандга эга бўлиш ёки жаннатга эришиш учун ўтказиладиган маҳсус қурбонлик маросимлари мавжуд, аммо аслида моддий орзу-истакларни амалга ошириш учун ўтказиладиган барча қурбонлик маросимларидан воз кечишиш керак. Лекин инсон қалбини поклаш, руҳий

илмга эга бўлиш ниятида қилинадиган қурбонлик маросимлари ўтказиши тарк этмаслик керак.

*3. тийаджыйам доша-вад итий эке карма прахур манишинаҳ  
йаджсна-дана-танаҳ-карма на тийаджыйам ити чапаре*

**Баъзи донишмандлар ҳар қандай кармали фаолиятни гуноҳ деб ҳисоблаб, уларни бутунлай тарк этиш лозим дейдилар, бошқа до-нишмандлар эса, инсон ҳеч қачон қурбонлик маросими ўтказиши, хайрли ишлар қилиш ва риёзат чекишини тарк этмаслиги керак, дейдилар.**

Изоҳ: Ведаларда изоҳ бериб тушунтириш зарур бўлган жуда кўп ҳақиқатлар келтирилган. Масалан, уларда қурбонлик маросими пайтида хайвонларни қурбон қилиш мумкин, деб айтилган; шунга қарамай, баъзи бирорвлар хайвонларни ўлдириш мутлақо мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар. Гарчи ведалар қурбонлик қилиш учун мўлжалланган ҳайвонни ўлдиришга рухсат берса ҳам, аслида ундан ҳайвонни ўлдирилган, деб ҳисобламаслик керак. Қурбонлик маросими қурбон қилинган ҳайвонга янги хаёт бағишлади. Баъзан қурбон қилинган ҳайвон ёш ҳайвон танасига эга бўлади, баъзида эса, инсон танасига эга бўлади. Лекин донишмандлар орасида бу борада аниқ бир фикр йўқ. Уларнинг баъзилари ҳайвонларни умуман ўлдириш мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар, бошқалари қурбонлик маросими пайтида ҳайвонларни ўлдириш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Ҳозир Худои Таолонинг Ўзи қурбонлик маросими ҳақидаги мана шу баҳс-мунозорали масалани узил-кесил ҳал қилмоқчи бўляпти.

*4. ниичайамишину ме матра тийаге бхаратса-самтама  
тияго хи пуруши-вийагхра три-видхаҳ самтракиртитаҳ*

**Эй Бхаратлар аълоси, энди боғланмаслик ҳақида Менинг фикримни эшишт. Эй инсонлар ичига арслони, муқаддас китобларда боғланмасликнинг уч тури кўрсатилган.**

Изоҳ: Богланмаслик ҳақида ҳар хил фикрлар бўлишига қарамай, Парвардигор Шри Кришна бу ерда Ўзининг тушунчасини эълон қиляпти. Уни ҳамма сўзсиз қабул қилиши лозим. Охир-оқибатда Ведалар - Худои Таоло яратган қонунлар тўпламидир. Бу ерда Худои Таолонинг Ўзи бу тушунчага яқуний аниқлик киритяпти. Унинг фикрини натижавий хулоса ўрнида қабул қилиш лозим. Худои Таоло айтяптики, боғланмасликни унга таъсири қилаётган моддий табиат гуналари нуқтаи-назаридан таҳлил қилиш керак.

*5. йаджна-дана-тапаҳ-карма на тйаджйам карйам эва тат  
йаджно данам тапаш чаива паванани манишинам*

**Курбонлик маросими ўтказишдан, хайр-эҳсон қилишдан ва риёзат чекишдан ҳеч қачон бош тортмаслик керак, чунки улар ҳатто буюк зотларни ҳам поклайди.**

Изоҳ: Йолгар бутун жамиятнинг руҳий юксалиши ҳақида ўйлашлари лозим. Инсоннинг руҳий юксалишига ёрдам берадиган жуда кўп покланиш маросимлари мавжуд. Ана шундай маросимлардан бири **виваха-ягъя** деб аталадиган никоҳ тўйи маросими ҳисобланади. Оилавий ҳётни тарк этиб, таркидунё қилган саннийаси ана шундай маросимларни маъқуллаши керакми? Бу ерда Парвардигор айтяптики, бошқаларга саодат келтирадиган курбонлик маросимларидан ҳеч қачон воз кечмаслик керак. Виваха-ягъя, тўйи маросими, инсоннинг ақлини хотиржам қилиб, тинчгина руҳий фаолият билан шуғулланиш имконини бериш учун мўлжалланган. Шунинг учун ҳатто таркидунёлик қилган одамлар ҳам бошқа одамларга виваха-ягъя маросимини ўтказиш зарурлигини айтишлари лозим, чунки жамиятда аксарият кўпчилик одамлар учун бундай маросим жуда зарур. Саннийасиларга аёллар билан алоқа қилиш бутунлай таъкиқланган, лекин бу, ҳали руҳий юксалишнинг пастки погоналарида турган ёш йигит ҳам, маълум курбонлик маросими ўтказиб оила қурмасин, деган гап эмаску. Ведаларда тавсия қилинган барча курбонлик маросимлари Худои Таолони англаб этишда инсонга ёрдам бериш учун мўлжалланган. Шунинг учун руҳий юксалишнинг пастки погоналарида улардан воз кечмаслик керак. Худди шундай, бировларга хайр-эҳсон қилиш натижасида ҳам инсоннинг қалби покланади. Аввал айтилганидай, муносиб одамларга хайр-садақа бериш бизга руҳий юксалища ёрдам беради.

*6. этани апи ту кармани сангам тйактва пхалани ча  
картавийанити ме партха ниичитам матам уттамам*

**Бу эзгу ишларнинг барчасини эвазига бирор манфаат таъма қиласдан бажариш керак. Уларни инсон ўз бурчи сифатида холис бажариши лозим, о Парта. Менинг якуний хulosам шу.**

Изоҳ: Гарчи барча курбонлик маросимлари инсон қалбини покласа ҳам, инсон курбонлик маросимларини бирор нарса таъма қиласдан ўтказиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, моддий максадларни кўзлаб ўтказиладиган барча курбонлик маросимларидан воз кечиш керак, аммо, инсон онгини поклайдиган, унинг руҳий юксалишига ёрдам берадиган курбонлик маросимларидан воз кечиш керак эмас. Бизга Худои Таолони, Кришнани англашда ёрдам берадиган хамма нарсани қабул

қилиш лозим. "Шримад Бхагаватам"да ҳам айтилганки, агар Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишга олиб келадиган бўлса, ҳар қандай харакат, ҳар қандай ишни ҳам қабул қилиш керак. Ҳақиқий диннинг олий мезони ана шундан иборат. Агар инсонга Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишда ёрдам берадиган бўлса, Худонинг содик хизматкори ҳар қандай фаолият билан ҳам шугулланиши мумкин.

*7. нийатасиа ту саннийасаҳ кармано нопападайате  
моҳат тасиа паритайагас тамасаҳ парикиртитаҳ*

**Инсон ҳеч қачон ўзининг муқаддас китобларда белгиланган бурчини бажаришдан бош тортмаслиги лозим. Агар, одам адашганидан, ғофиллиги сабабли ўз бурчини бажаришни тарқ этса, унинг бу иши ғафлат гунасидаги боғланмаслик бўлади.**

Изоҳ: Хиссий лаззатланиш ниятида қилинадиган фаолиятдан воз кечиш, аксинча, руҳий юксалишда ёрдам берадиган фаолиятни давом эттириш лозим. Худои Таоло учун таом тайёрлаш, Унга таом таклиф қилиш, прасадамдан татиш ва шу каби ишлар инсонга руҳий жиҳатдан юксалишда ёрдам берадиган ишлардир. Саннийаси ўзига овқат пиширмаслиги лозим, деб кўрсатилган. Саннийаси ўзи учун овқат пиширмаслиги мумкин, лекин у Худои Таоло учун овқат тайёрлаши мумкин ва шарт. Худди шунингдек, саннийаси, агар шогирдининг руҳий юксалишида, унинг Кришна онгидаги мустаҳкам туриб олишига ёрдам берадиган бўлса, шогирдига никоҳ маросими ҳам ўтказиши мумкин. Ана шундай фаолиятдан воз кечадиган киши ғафлат гунаси таъсири остидаги одам бўлади.

*8. дуҳжҳам ити эва йат карма қайа-клема-бҳайат тийаджет  
са қритва раджасам тийагам найва тийага-пхалам лабҳет*

**Қийналганидан ёки қўрқанидан ўз бурчини бажаришдан бош тортган кишининг боғланмаслиги эҳтирос гунаси таъсиридаги боғланмаслик хисобланади. Бу билан у боғланмасликнинг ҳақиқий натижасига ҳеч қачон эришолмайди.**

Изоҳ: Кришнани англааб етган киши моддий фаолият тўрларига илиниб қолишдан қўрқиб ишдан бўшамаслиги лозим. Агар, бирор иш билан машғул бўла туриб, инсон топган даромадини Кришнани англаш илмини тарғибот қилишда ишлатиб юрса, ёки эрталааб туриб, Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлиб, қалбида Кришнани, Худони англаш илмини ривожлантириб юрган бўлса, у дунёвий фаолият билан шуғулланишдан қўрқиб, килаётган ишини тарқ этмаслиги

лозим. Бундай боғланмаслик, эҳтирос гунасидаги боғланмасликка киради. Эҳтирос гунаси таъсирида қилинган ҳар қандай фаолият эса, мусибатдан бошқа нарса хеч қандай натижада бермайди. Бундай фикрларга асосланиб меҳнат қилишни тарк этгандан киши хеч қачон ўзининг фаолиятни тарк этишдан, боғланмасликдан кутилган натижаларга эриша олмайди.

*9. карйам иттій эва йат карма нийатам крийате “рджсұна  
санғам түактва пхалам чаива са түагаң саттвико маттаң*

**О Аржун, агар одам белгиланган вазифаларини ўзининг мұқаддас бурчи деб билиб, меҳнатининг натижаларига боғланмасдан бажарыб юрган бўлса, унинг боғланмаслиги эзгулик гунасида бўлади.**

Изоҳ: Инсон ўзининг хаётдаги вазифаларини бу ерда Шри Кришна айтгандай қилиб бажариши лозим. У ўз меҳнатининг натижаларига боғланниб қолмасдан, моддий табиат гуналари таъсирига берилмасдан ҳаракат қилиши керак. Кришна онгидаги одам, бирор заводда ишлар экан, ўзини шу заводнинг ишчиси деб, мен завод учун ишлаб юрибман, деб хисобламайди. У Кришна учун ишлайди, ўз меҳнатининг натижаларини Худога бағишилаб, у руҳий даражада, яъни соф эзгулик гунасида ҳаракат қиласетган бўлади.

*10. на дөвешти ақушалам карма күшале нанушаджсджате  
тыйаги саттва-самавиши то медхави чхинна-самишайаҳ*

**Эзгулик гунасидаги донишманд, қалбида боғланмаслик туйғусини ривожлантирган одам ҳаётда ҳеч иккиланмасдан, ёқимсиз ишлардан жирканмай, ёқимли ишларга боғланниб қолмасдан, ҳаракат қиласиди.**

Изоҳ: Кришна онгидаги одам ҳам, эзгулик гунасидаги одам сингари, ҳеч қачон ўзининг танасига ташвиш келтирадиган нарсаларга нафрат билан қарамайди. У ўз бурчини қанчалик қийин бўлса ҳам, керакли жойда, керакли вақтда бажаришда давом этаверади. Шундай одам ҳамиша руҳий даражада юрган бўлади. Инсонлар орасида энг фаросатли одам бўлгани сабабли у ҳаётда ҳеч қандай шубҳаю-гумонларга берилмай яшайди.

*11. на хи деха-бхрита шактам түактум карманй ашешатмаҳ  
йас ту карма-пхала-тыйаги са тыйагити абхидхийате*

**Тирик мавжудот ҳеч қачон фаолият қўрсатишни бутунлай тарк этолмайди. Лекин, ўз меҳнатининг натижаларидан воз кечган ки-**

## **ши қалбіда ҳақиқий бөгланмаслыкни ривожлантирган одам ҳисобланади.**

Изоҳ: "Бұхагавад-гита"да айтілғанки, ҳеч ким ҳаракат қылмасдан туролмайды. Шунинг учун ўз мәннатининг натижаларидан воз кечган, уларнинг ҳаммасини Кришнага бағищлаган кишини "ҳақиқатан ҳам ҳар қандай фаолиятни тарқ этган одам" деб айтадилар. Халқаро Кришнани англаш Жамиятининг жуда күп аъзолари ҳар хил корхоналарда, фабрикаларда тер тұқиб ишлайдилар, топған пулларининг ҳаммасини Жамиятнинг әхтиёжларига сарфлайдилар. Ана шу улуғвор рухлар тарқидунә қылған ҳақиқий санныасылардир. Бу ерда нима сабабдан, нима учун, қандай қилиб, инсон ўз мәннатининг натижаларидан воз кечиши лозимлиги аниқ айтілған.

### *12. аништам шитам мишрам ча три-видхам карманаң пхалам бхаватй аттагинам претий на ту саннийасинам квачит*

**Хали тарқидунёлик даражасига етмаган киши кейинги ҳаётида, ҳозир қилаётган мәннатларининг ёқимли, ёқимсиз ва аралаш оқибатларига дучор бўлади. Тарқидунёлик даражасига эришган киши эса, ўз фаолиятининг яхши натижаларидан лаззатланмайди ҳам, қийналмайди ҳам.**

Изоҳ: Худони, Кришнани англаб етган ва ўзининг Кришна билан ўзаро мангу муносабатларини ҳамиша эслаб ҳаракат қиласидиган одам ҳамиша озодликка чиққан ҳолатда бўлади. Шунинг учун у кейинги ҳаётида ўз фаолиятининг яхши натижаларидан лаззатланмайди ва ёмон оқибатларидан қийналиб, азоб чекмайди.

### *13. панчайтани маҳа-баҳо каранани нибодҳа ме санкхье кританте проктани сиддхайе сарва-карманам*

**Эй қўллари қудратли Аржун, Веданта таълимотига қўра, ҳар бир ҳаракатнинг беш сабаби бўлади. Энди Мендан улар ҳақида эшит.**

Изоҳ: Шундай савол туғилиши мумкин: агар ҳар қандай ҳаракатнинг яхши ёки ёмон оқибати албатта мавжуд бўлса, "Кришна онгидаги одам ўз мәннатининг натижаларидан лаззатланмайди ёки азобланмайди", деган гапни қандай тушуниш керак? Бу саволга жавоб берса туриб, Парвардигор Веданта фалсафасига асосланади. У тушунтиряптики, ҳар қандай ҳаракат беш сабаб билан амалга ошади. Ҳар қандай ҳаракатда муваффакиятга эришиш учун ана шу сабабларни эътиборга олиш лозим. *Санкхя - илм дараҳти, веданта эса - унинг чўққиси*, буни барча донишмандлар тан оладилар. Ҳатто буюк импер-

соналист олим, донишманд Шанкарачарйа ҳам *санкхай* сўзини *веданта* деб изоҳлайди. Шунинг учун ана шу ишонарли манбага асосланиш жуда муҳим.

"Бҳагавад-гита"да айтилганидай, олий хукмронлик Олий Рухга мансуб сифат: *сарвасийа чахам хриди саннивииштаҳ*. Ҳар бир тирик мавжудотнинг аввалги ҳаётидаги ишларини эсига солиб, Олий Рух уларни бу ҳаётда ҳаракат қилишга ундейди. Олий Рухнинг кўрсатмаси билан яни Худонинг амри билан қилинган ҳар қандай фаолият одамга бу ҳаётда ҳам, кейинги ҳаётда ҳам ҳеч қандай оқибат келтирмайди.

*14. адхишиштанам татҳа карта каранам ча притҳаг-видҳам вивидҳаш ча притҳак чеиста даивам чаиватра панчамам*

**Ҳаракат қилиш жойи(тана), бажарувчи, сезги аъзолари, интилиш ва Олий Рух - буларнинг барчаси ҳар қандай ҳаракатнинг таркибий қисмларидир.**

Изоҳ: *адхишиштанам* сўзи танани билдиради. Танада жойлашган рух ҳаракат қиласи, шунинг учун уни *карта*, яъни "ҳаракатни амалга оширувчи" деб атайдилар. Рухнинг илмга эга экани ва ҳаракат қилиши шрutiларда айтилган: *эша хи драшта спрашта*(Прашна-упанишад, 4.9). Бу "Веданта-сутра"да ҳам тасдиқланган: джно "*та эва* (2.3.18) ва *карта шастратхаваттвам*(2.3.33). Сезги аъзолари - ҳаракат қилиш воситалари хисобланади. Уларнинг ёрдами билан рух ҳаракат қиласи. Ҳар бир ҳаракат учун маълум даражада интилиш(зўрикиш) зарур бўлади. Лекин, охир-окибатда одамнинг ҳар бир ҳаракати ҳар бир тирик мавжудотнинг дўсти сифатида унинг қалбида мавжуд бўлган Олий Рухга боғлик. Худои Таоло - барча сабабларнинг олий сабабчиси. Шунинг учун Олий Рух раҳбарлиги остида Кришна онгидаги ҳаракат қилаётган одам табиий равишда ўз ҳаракатларининг, фаолиятининг оқибатларига ўралишиб қолмайди. Бутунлай Кришна онги билан яшаб юрган киши ўзининг қилаётган ишлари учун жавоб бермайди. Ҳамма нарса Худои Таолонинг, Худонинг Олий Шахсининг амри билан бўлади.

*15. шарира-ван-манобхир йат карма прараҳхате нараҳ нийайам ва випаритам ва панчайте тасиа хетаваҳ*

**Одамнинг танаси, ақли ёки нутқи ёрдамида амалга оширадиган ҳар қандай, хоҳ тўғри, хоҳ нотўғри ҳаракати ана шу беш сабаб билан белгиланади.**

Изоҳ: Бу ерда "тўғри ва нотўғри" деган сўзлар муҳим аҳамиятга эга. Муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига мос келадиган фаолият

тўгри ҳаракатлар(савоб ишлар), хисобланади, уларга зид бўлган ҳар қандай фаолият эса, (гуноҳ ишлар)нотўгри фаолиятдир. Лекин ҳар қандай ҳаракат ҳам, фақат юқоридаги беш сабаб мавжуд бўлгандагина охиригача етказилиши мумкин.

*16. татраивам сати картарам атманам кевалам ту йаҳ  
пашшатй акрита-бүддхитван на са пашшати дурматих*

**Мана шу беш сабабни ҳисобга олмай, фақат ўзим ҳаракат қиласяпман, деб ҳисобладиган одамни ҳақиқатни кўра оладиган, фаросатли одам деб бўлмайди.**

Изоҳ: Нодон ва ахмоқ одам, Олий Рух қалбида туриб, унинг барча ҳаракатларини бошқариб туришини тушуна олмайди. Гарчи, ҳаракат килиш жойи, ҳаракатни амалга оширувчи, (усилие)интилиш ва сезги аъзолари ҳар бир ҳаракатнинг моддий сабаблари бўлса ҳам, ҳар қандай ҳаракатнинг олий сабабчиси - Худо Шахси, Олий Руҳдир. Шунинг учун биз ҳар қандай ҳаракатда фақат моддий тўрт сабабни эмас, бутун борлиқни ҳаракатга келтириб турган олий сабабчини кўра олишимиз лозим. Худои Таолони кўришга қодир бўлмаган киши қилаётган барча ҳаракатларини фақат ўзим бажаряпман, деб ҳисобладиди. Ундан одам фаросатсан, ақл-идроқсиз одамдир.

*17. йасйа наханкrito бхаво буддхир йасйа на липйате  
хатвани са имал локан на ханти на нибадхйате*

**Ҳаракат қилаётганида сохта ўзлик таъсирига берилмайдиган, ақл-идроқи пок ва озод одам, ҳатто бирорни ўлдириб ҳам қотил ҳисобланмайди, ҳеч қачон ўз фаолиятининг натижаларига боғланиб қолмайди.**

Изоҳ: Бу ерда Парвардигор Аржунга тушунтириб айтяпти, у сохта ўзлиги таъсири остида жангда иштирок этишдан бош тортияпти. Ўзини ҳаракат қилувчи ягона сабаб деб билган Аржун, кўз олдида Ўзини ҳам ичиди, ҳам ташқарида намоён этиб турган Олий сабабни эътиборга олмаяпти. Ҳатто Аржун сингари буюк одам ҳам ўзининг ҳар бир ҳаракати юқоридан белгиланган эканини билмаса, оддий одамлар қандай ҳаракат қилиши керак? Лекин, фаолиятнинг барча сабабларини: курол, бажарувчи, ҳаракатга рухсат берувчи Худои Таолони - яққол кўра билган одам ҳар қандай фаолиятни мохирлик билан амалга оширишга қодир бўлади. Ундан одам ҳеч қачон ҳақиқат йўлидан адашмайди. Мустақил ҳолда, ҳамма натижаларни ўзининг зиммасига олиб ҳаракат қилиш истаги - сохта ўзлик ва иймонсизликнинг, Худога ишонмасликнинг таъсири остида бўлади. Кришна онгига эга бўлмаган,

иймонсиз киши ҳаётда шундай ҳаракат қиласи. Кришна онгидаги Олий Рух, яъни Худонинг Олий Шахси раҳбарлиги остида ҳаракат қиласиган ҳар қандай одам, ҳатто одам ўлдириб ҳам котил хисобланмайди ва ҳеч қачон қилган ишлари оқибатидан қийналмайди. Лашкарбошининг амри билан аскар бирорни ўлдирганида, у ҳеч қачон бунинг учун жавоб бермайди. Лекин, у бирор одамни ўз ҳохиши билан ўлдирса, албатта бунинг учун жазоланади.

*18. джсанам джнейам парижната три-виддха карма-чодана  
карнам карма картети три-видхаҳ карма санграҳаҳ*

**Илм, билиш обьекти ва билувчи - фаолиятга ундейдиган уч сабаб хисобланади. Сезги аъзолари, ҳаракат ва ҳаракатни амалга оширувчи эса фаолиятнинг таркибий қисмлариридир.**

Изоҳ: Ҳар қандай фаолиятнинг уч таркибий қисми мавжуд: илм, ўрганиладиган нарса ва ўрганувчи. Фаолият қуроллари, ҳаракатнинг ўзи ва уни амалга оширувчи - фаолиятнинг таркибий қисмлариридир. Инсон машғул бўлган ҳар қандай фаолият мана шу таркибий қисмлардан таркиб топган. Одам бирор ҳаракат қилишдан аввал, қалбида уни шу фаолиятга ундейдиган бирор қизиқиши пайдо бўлиши керак. Ҳаракат қилишдан аввал қабул қилинган ҳар қандай қарор фаолиятнинг нозик, нафис кўриниши хисобланади. Фақат шундан кейингина у аниқ ҳаракатга келади. Ҳар қандай фаолият аввало инсоннинг аклида рўй беради: одам хаёлида фикрлайди, тасаввур қиласи ва унда қандайдир истак пайдо бўлади. Буларнинг барчаси фаолиятга ундовчи интилишни, уринишни ташкил этади. Одам ана шундай интилишни муқаддас китоблардан ёки руҳий устоздан ҳам олиш мумкин. Интилиш ва ҳаракатни амалга оширувчи мавжуд бўлса, фаолиятнинг ўзи сезги аъзолари ва ақл ёрдамида амалга оша бошлайди. Ана шу таркибий қисмларнинг барчаси биргаликда ҳар қандай ҳаракатнинг умумий кўринишини ташкил этади.

*19. джсанам карма ча карта ча тридхаива гуна-бхедатам  
прочайате гуна-санкхъане йатхавач ҷхрину тани ани*

**Моддий табиатнинг уч гунаси илмнинг, ҳаракатнинг ва бажарувчининг уч турини аниқлайди. Ҳозир Мен сенга улар ҳақида гапириб бераман.**

Изоҳ: "Бҳагавад-гита"нинг ўн тўртинчи бобида моддий табиатнинг уч гунаси ҳақида батағсил маълумот берилган эди. У ерда айтилган эдикни, эзгулик гунаси одамни илм нури билан ёритади, эҳтирос гунаси унинг моддий нарсаларга интилишини кучайтиради, гафлат гунаси эса,

уни дангаса ва ланж килиб қўяди. Моддий табиатнинг барча гуналари бизни моддий оламга боғлаб қўяди, уларнинг бирортаси бизнинг озодликка эришишимизга сабабчи бўлолмайди. Ҳатто эзгулик гунаси ҳам инсонни бу моддий оламга боғлаб қўяди. Ўн еттинчи бобда ҳар хил гуналар таъсиридаги одамларга хос бўлган сифинишнинг турлари ҳақида гапирилган эди. Бу ерда Парвардигор энди моддий табиатнинг гуналари таъсирига қараб, илмнинг, фаолиятнинг уч тури ва фаолият кўрсатувчининг уч тоифаси ҳақида гапириб бермоқчи.

*20. сарва-бхутешу йенаикам бхавам авайайам икшате  
авибҳактам вибҳактешу тадж джсанам виддхи саттвикам*

**Ҳар хил тур ва қиёфаларда бўлишига қарамай, тирик мавжудотларнинг ягона руҳий табиатини кўриш имконини берадиган илмни “эзгулик гунасидаги илм” деб хисоблаш лозим.**

Изоҳ: Ҳар бир тирик мавжудотда, хоҳ у фаришта, хоҳ инсон, ҳайвон, күш, балиқ ёки ўсимлик бўлсин, мангу рухни кўрадиган киши эзгулик гунасидаги илмга эга киши хисобланади. Гарчи тирик мавжудотлар, ўзларининг аввалги ҳаётида килган ишларига қараб, ҳар хил кўринищдаги таналарга эга бўлса ҳам, уларнинг барчасининг ичидаги таналарни Худои Таолонинг олий табиатига мансуб бўлган куч тирилтиради. Шунинг учун ҳамма ерда, барча моддий таналарда ана шу олий табиатни, ягона ҳаётий кучни кўра билган киши ҳаёт ҳақида эзгулик гунасидаги тасаввурга эга бўлади. Ҳаётнинг ана шу қуввати мангу. Моддий таналар эса, ҳалокатга маҳкум. Тирик мавжудотлар орасидаги фарқ уларнинг моддий танасига қараб аникланади, шунинг учун шартланган ҳаётнинг ранг-баранглиги сабабли, ҳаётий қувват ҳам улар орасида бўлингандай бўлиб кўринади. Оламни, ҳаёти ана шундай шахсиятсиз ҳолда тасаввур қилиш ҳам ўзликни англашнинг маълум погонаси хисобланади.

*21. притхактвена ту йадж джсанам нана-бхаван притхаг-видхан  
ветти сарвешу бхутешу тадж джсанам виддхи раджасам*

**Таналарнинг табиатига қараб, тирик мавжудотлар ҳар хил бўлади, деб ўргатадиган “илм эҳтирос гунасидаги илм”дир.**

Изоҳ: Ҳаёт ҳақида, “тирик мавжудот - моддий тана, тана ҳалокатга учраши билан унинг онги ҳам яксон бўлади” деган тасаввур берадиган илм эҳтирос гунасидаги илм хисобланади. Ҳаёт ҳақида шундай тасаввурга эга одам моддий таналар бир биридан онгининг ривожланганилиги билан фарқ қиласи, деб хисоблайди ва онгнинг манбаи руҳ эканини

тан олмайди. Ундай одамлар “тана билан рух бир нарса” деб ҳисоблайдилар, рухнинг алоҳида мавжуд бўлишини инкор этадилар. Уларнинг фикрича онг вақтингчалик мавжуд бўлиб туради. Ёки улар алоҳида рухнинг мавжудлигини тан олмай, ҳамма ерда мавжуд бўлган, илмга тўла ягона рухнинг мавжудлигини тан оладилар, танани эса - ғофилликнинг вақтингчалик намоён бўлиши деб биладилар. Яна бирорлари танадан ташқарида алоҳида рух ҳам, олий рух ҳам мавжуд эмас, деб ҳисоблайдилар. Ҳаёт ҳакидаги бундай тасаввурларнинг барчаси эҳтирос гунаси таъсирида пайдо бўлади.

*22. тат ту критсна-вад экасмин карие сактам аҳаитукам  
ататтварта-вад алпам ча тат тамасам удахритам*

**Бирор фаолиятни энг муҳим фаолият деб, унга қаттиқ боғланиб қолишга олиб келадиган, ҳаёт ҳакида тўғри тасаввур бермайдиган, чекланган ва тор доирадаги илм - “гафлат гунасидаги илм”дир.**

Изоҳ: Оддий одамларнинг илмий ташкилотларда ўрганиб юрганиб юрмаган илми - гафлат гунасидаги илмдир, чунки ҳар бир тирик мавжудот бу дунёга гафлат гунасида келади. Муқаддас китобларни ёки уларни биладиган одамни тинглаб илм ўрганмаган киши ҳаётга тана нуқтаиназаридан карайдиган тасаввурдан ташқари чиқмайдиган, чекланган илмга эга бўлади. У муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларига риоя килишни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Унинг Худоси пул ҳисобланади, унинг учун илм - тананинг лаззатланишга бўлган эҳтиёжини қондиришдан бошқа нарса эмас. Ана шундай илмнинг Мутлақ Ҳақиқатга ҳеч қандай дахли йўқ. Ундай илмнинг ҳатто оддий ҳайвонлар ҳам биладиган илмдан фарқи йўқ: бу илм фақат еб ичиш, ухлаш, жинсий алоқа қилиш ва ўзини химоя қилишдан бошқа нарсани ўрганмайди. Бундай илм бу ерда “гафлат гунасидаги илм” деб аталган. Бошқача қилиб айтганда, моддий танадан ташқарида, ундан ажралган холда мавжуд бўлган рух ҳакидаги илм “эзгулик гунасидаги илм” деб, мантиқ ва ҳар хил тахминларга асосланган турли таълимот ва назарияларни келтириб чиқарадиган илм - “эҳтирос гунасидаги илм”, асосий мақсади - моддий танани ҳар хил қулийликлар билан таъминлаш бўлган илм эса - “гафлат гунасидаги илм” деб аталади.

*23. нийатам санга-рахитам арага-двешатам қритам  
апхала-препсуну карма йат тат саттвикам учтайте*

Ҳеч қандай боғланишга, муҳаббат ёки нафратга асосланмаган, натижасидан лаззатланиш ниятида амалга оширилмайдиган,

**тартибга солинган фаолият “эзгулик гунасидаги фаолият” деб аталади.**

Изоҳ: Муқаддас китобларда жамиятнинг ҳар бир табақасига мансуб одамлар учун белгилаб қўйилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган фаолият, боғланмаган ҳолда, натижаларидан ҳеч нарса таъма қилмаган ҳолда амалга ошириладиган фаолият, яъни ҳеч қандай муҳаббат ёки нафротсиз, ўз нафсини қондириш учун эмас, Кришна онгида Худонинг розилиги учун қилинадиган фаолият эзгулик гунасидаги фаолият ҳисобланади.

*24. йат ту камепсуну карма саханкарена ва пунаҳ  
крийате баҳулайасам тад раджесасам удахритам*

**Соҳта ўзлик таъсири остида, ўзининг дунёвий орзу-истакларини амалга ошириш ниятида, оғир машаққатлар билан амалга ошириладиган фаолият - “эҳтирос гунасидаги фаолият”dir.**

*25. анубандҳам қиайам химсам анапекийча паурушам  
моҳад арабхӣате карма йат тат тамасам учайате*

**Муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига зид, алданиш, адашишлар натижасида, салбий оқибатларини эътиборга олмасдан ёки бошқа тирик мавжудотларга озор берадиган йўллар билан амалга ошириладиган фаолият ғафлат гунасидаги фаолиятдир.**

Изоҳ: Қилган ишларимиз учун ҳар биримиз давлат олдида ёки Ямадуталар деб аталадиган Худои Таолонинг элчилари олдида жавоб беришга мажбурмиз. Маъсулиятни сезмасдан қилинган ҳар қандай фаолият яксон қилувчи кудратга эга, чунки у муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига зид равишда амалга оширилади. Ундай фаолият аксарият ҳолларда зўравонлик қилиш, зулм, куч ишлатиш билан боғлиқ бўлади ва бошқа тирик мавжудотларнинг мусибат чекишига олиб келади. Ана шундай маъсулиятсизлик билан фаолият кўрсатадиган одамлар одатда факат ўзини ўйлади, ўзининг тажрибасига асосланиб ҳаракат қиласи. Мана шу алданиш ҳисобланади. Алданиш, ғофиллик натижасида қилинаётган бундай фаолият ғафлат гунаси таъсири остида амалга оширилади.

*26. мукта-санго “наҳам-вади дҳритй-утсаха-саманвитаҳ  
сидҳий-асидҳийор нирвикараҳ карта саттвика учайате*

**Соҳта ўзлиги ва моддий табиат гуналарининг таъсирига эътибор бермасдан ўз бурчини бажарадиган, ҳамиша қатъий қарор ва**

**шижоат билан ҳаракат қиласынан, муваффакият ва қийинчиликларда ўзгармай, хотиржам қолаверадиган киши эзгулик гунасида ҳаракат қиласынан одамдир.**

Изоҳ: Кришна онгига эга бўлган киши моддий табиат гуналарининг таъсир доирасидан ташқарида бўлади, шунинг учун у табиий равишда эзгулик гунаси аломатларини намоён этади. Манманлик ва сохта ўзлик таъсиридан озод бўлиб, у ўз меҳнатининг натижаларига боғланиб қолмаган. Лекин бу ҳолат унинг то ўзига топширилган ишни охирига етказмагунча шижоат билан меҳнат қилишига халақит бермайди. Ҳаётда дуч келадиган қийинчиликлар унинг шижоатини пасайтира олмайди. Кўрсатаётган фаолиятининг оқибати ниша бўлиши, қандай натижа билан тугашининг унга ҳеч қандай таъсир килмайди: муваффакият биланми ёки мағлубият биланми. У мусибатда ҳам, шодлиқда ҳам бир хилда хотиржам қолаверади. Ана шундай одам эзгулик гунасида мустаҳкам турган ҳисобланади.

*27. ragi karma-pхala-препсур лубдо химсатмако “шучиҳ  
харша-шоканвитаҳ карта раджасаҳ парикиртитаҳ*

**Агар одам ўзининг фаолиятига ва унинг натижаларига боғланиб қолган бўлса, агар меҳнатининг натижаларидан лаззатланиш ниятида ҳаракат қиласынан, қизғанч, золим, нопок, мусибат ва шодликларга берилувчан бўлса, ундай одамни “эҳтирос гунаси таъсири остидаги одам” деб айтадилар.**

Изоҳ: Маълум бир фаолиятга, тўғрироғи унинг натижасига қаттиқ боғланиб қолиши, одамнинг ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлишидан, унинг моддий ҳаётга: оиласига, хотини ва фарзандларига қаттиқ боғланиб қолганлигидан келиб чиқади. Унинг ҳаётдаги ягона мақсади: ўзини ҳар хил моддий қулайликлар билан таъминлаш. Ундай одамлар одатда жуда қизғанч бўладилар, улар тўплаган бойлиги хамиша ўзлари билан мангу қолади, ҳеч қачон йўқолмайди, деб ўйлайдилар. Бошқаларга нафрат кўзи билан караб, улар нафсини кондириш йўлида ҳар қандай нопок ишга кўл урадилар. Шунинг учун ундай одамлар одатда нопок ва ҳаром йўл билан пул топадилар: тўплаган мол-дунёси, бойлиги қандай йўл билан келгани уларни кизиқтирмайди. Улар қандайдир муваффакиятдан яйраб кетадилар, омадсизликка учраганда эса, қаттиқ кийналадилар. Эҳтирос гунаси таъсирида ҳаракат қиласынан кишилар шундай ҳаракат қиласидилар.

*28. айуктаҳ пракритаҳ стабдоҳаҳ шатҳо найшкритико “ласаҳ  
вишади диргха-сутри ча карта тамаса учятме*

**Ҳамиша муқаддас китобларнинг кўрсатмалари га зид бўлган фаолият билан машғул, ўжар, алдоқчи, бошқаларни ҳақорат қиласиган, дангаса, тунд, ишларини ҳамиша кейинга суреб юрадиган, хаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган киши - фафлат гунаси таъсири остидаги одамдир.**

Изоҳ: Муқаддас китоблар бизга қандай ишлар қилиш мумкину, қандай ишлар таъкиқланган эканини билиб олиш имкониятини беради. Ана шу кўрсатмаларни инкор этадиган кишилар одатда таъкиқланган, гуноҳ ишлар билан шуғулланадилар. Улар одатда хаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлади. Улар муқаддас китобларнинг кўрсатмалари асосида эмас, моддий табиат гуналари таъсири остида ҳаракат қиласидилар. Ундай одамларнинг аксарияти ўжар, шафқатсиз, алдоқчи бўладилар ва бошқаларни ҳақорат қилишни, камситишни яхши кўрадилар. Улар дангаса, кўпинча ўз вазифаларини бажармай, ҳамиша ишларини кейинга суреб юрадилар. Шунинг учун улар ҳамиша тунд, қовоғидан кор ёғиб юради. Улар ҳар бир ишни узокқа чўзиб юрадилар: бир соатда қилиш мумкин бўлган ишни йиллар давомида чўзиб юриши мумкин. Faflat гунаси таъсири остидаги одамлар шундай бўлади.

**29. буддхер бхедам дхритеши чайва гунатас три-видхам шрину  
прочийаманам аиешена притхактвена дхананджайа**

**Эй бойлик эгалловчи, энди Мендан моддий табиатнинг уч гунаси-  
га мос келадиган тафаккур ва қатъият турларининг батафсил  
таърифини эшиш.**

Изоҳ: Аржунга моддий табиатнинг ҳар хил гуналаридаги илм, ўрганиш обьекти ва ўрганувчиларни таърифлаб бериб, Парвардигор энди унга фаолиятни амалга оширувчининг ҳар хил тоифасига мансуб бўлган тафаккур ва қатъиятнинг уч тури ҳақида гапириб беришга ҳозирланяпти.

**30. правриттим ча нивриттим ча карйакарье бхайабхайе  
бандхам мокшам ча йа ветти буддхиҳ са партха саттвики**

**О Партха, ҳаётда нима қилиш лозим ва қандай ишлар таъкиқланган эканини, нимадан қўрқиши керагу, нимадан қўрқмаслик кераклигини, одамни қайси ишлар бу оламга боғлаб қўяди-ю, қайси ишлар озодликка олиб чиқишини англай олишга қодир бўлган тафаккур “эзгулик гунасидаги тафаккур” ҳисобланади.**

Изоҳ: Муқаддас китобларнинг кўрсатмалари асосида қилинадиган фаолиятни *правритти*, яъни "қилиш зарур бўлган иш" деб атайдилар. Муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига зид бўлган ишларни қилмаслик керак. Муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларини билмайдиган киши ўз фаолиятининг оқибатларига ўралашиб қолади. Яхши билан ёмонни, савоб билан гуноҳни ажрата оладиган тафаккур эзгулик гунасида бўлади.

*31. йайа дхармам адхармам ча карйам чакарийам эва ча айатхават праджсанати буддиҳ са партха раджаси*

**О Парта, ҳақиқий динни худосизлиқдан, савоб ишни гуноҳ ишдан ажратишга қодир бўлмаган тафаккур эҳтирос гунаси тъсири остида бўлади.**

*32. адхармам дхармам ити йа манияте тамасаврита сарвартхан випаритами ча буддиҳ са партха тамаси*

**О Парта, худосизликни ҳақиқий дин деб, ҳақиқий динни эса, худосизлик сифатида қабул қиласидиган, адашган, ғофиллик зулматига ботган, ҳамиша одамни ҳақиқат йўлидан адаштирадиган тафаккур, ғафлат гунасидаги тафаккурдир.**

Изоҳ: Ғафлат гунасидаги тафаккур одамни ҳамиша таъкиланган ишлар билан машғул бўлишга ундейди. Шундай тафаккур тъсирида одам ҳақиқий динга умуман алоқаси бўлмаган нарсани “ҳақиқий дин” деб қабул қилиб, ҳақиқий диний амалларни инкор этади. Ғафлат гунасидаги тафаккурга эга одамлар табаррук буюк зотни “оддий одам” деб, оддий ғофил одамни эса - “буюк зот” деб қабул қиласидилар. Улар ҳақиқатни бўхтон деб, ёлғонни эса - ҳақиқат деб қабул қиласидилар. Ҳаётда қандай иш қиссалар ҳам, улар ҳамиша нотўғри йўлдан борадилар, шунинг учун уларнинг тафаккури “ғафлат гунасидаги тафаккур” деб аталади.

*33. дхритийа йайа дхарайате манаҳ-пранендорийа-крийаҳ йогенавийабхичаринийа дхритиҳ са партха саттвики*

**О Парта, ҳеч қачон ўзгармайдиган, инсонга ақлини, хаёт нафасини ва хиссиётини жиловлаб олиш имконини бериб, уни йога машғулотида интилувчан ва шизоатли қиласидиган қатъият эзгулик гунасидаги қатъият ҳисобланади.**

Изоҳ: Йога - Олий Рухни англаш имконини берадиган жараёндир. Адашмай, бутун ақлини, хиссиётини ва хаёт кувватини Олий Рухда

мужассам килиб, шижаот билан олий мақсадга интилаётган киши Кришна онига ғарқ бўлган одам хисобланади. Шундай қатъият эзгулик гунасидаги қатъият хисобланади. Бу ерда ишлатилган *авӣабҳиҷа-ринийа* ибораси мухим аҳамиятга эга, у Кришна онгида бўлган кишининг хеч қачон бошкага чалғимаслигини кўрсатади.

*34. йайа ту дхарма-камартхан дхритийа дхарайате “роджуна прасангена пхалаканкии дхритиҳ са партха раджаси*

**Инсонни диний фаолиятининг натижаларига, моддий фаровонликка ва ҳиссий лаззатларга ундовчи қатъият эҳтирос гунасининг табиатига хос қатъиятдир, о Аржун.**

Изоҳ: Диний ёки иқтисодий фаолиятининг натижаларидан лаззатланишга интилаётган, ягона мақсади ўз нафсиning талабини кондириш бўлган, шу мақсадга ўзининг ақлини, ҳаёт қувватини ва сезги аъзолалини мужассам қилган киши эҳтирос гунасидаги одамдир.

*35. йайа свапнам бхайам шокам вишадам мадам эва ча на вимунчами дурмедха дхритиҳ са партха тамаси*

**Инсонни уйқусирашдан, ҳар хил тушлардан, қўрқувдан, қайғуаламлардан, тушкунлик ва алданишлардан халос қилишга қодир бўлмаган, чуқур мулоҳазага асосланмаган қатъият - ғафлат гунасидаги қатъиятдир, о Партха.**

Изоҳ: Бу шеърдан маълум бўладики, эзгулик гунасида бўлган киши туш кўрмайди. *Свапнам* сўзи бу ерда кўп ухлашни билдиради. Қайси гуна таъсирида бўлмасин, одам ҳамиша туш кўради: бу унинг табиий иши. Аммо, кўп ухлайдиган, ўзининг мөддий лаззатланиш имкониятлари билан мақтанмай туролмайдиган, моддий оламга ҳукмронлик қилишга интиладиган ва шу мақсадга ўзининг бутун ҳаёт кучини, ақли ва сезгиларининг фаолиятини бағишилаган киши - ғафлат гунасидаги қатъиятга эга одамдир.

*36. сукхам тв иданим три-видхам шрину ме бхаратаришабха абхийасад рамате ѹатра духхантам ча нигаччхати*

**Эй Бхаратлар аълоси, энди Мендан шартланган рух лаззатланадиган, баъзида унга барча мусибатлардан биратўла халос бўлиш имконини берадиган баҳтнинг уч тури ҳақида эшиит.**

Изоҳ: Шартланган рух моддий оламда баҳтга эришишга интилишни хеч қачон тарк этмайди. Шу мақсадда у тақрор ва тақрор чайналган

нарсани қайта чайнашда давом этаверади. Лекин баъзида у, моддий оламда лаззатланиб юриб, ҳаётда буюк рухни учратиб, у билан ҳамсуҳбат бўлиш шарофати билан моддий тутқунликдан озодликка эришади. Бошқача қилиб айтганда, шартланган рух ҳаётда ҳамиша лаззатланишга интилади, лекин, саҳоватли сұхбатлар натижасида у ўзининг бу уринишлари неча умрлардан бери натижасиз тақрорланиб келаётганини англаб етганида, унинг қалбида ҳақиқий Кришна онги ривожлана бошлайди ва у ҳамиша бир хил бўлган моддий лаззатларга интилишни тарқ этади.

*37. йат тад агре вишам ива паринаме “мритопамам  
тат сукхам саттвикам проктам атма-буддхи-прасада-джасам*

**Аввалига заҳардай аччик, охирида эса шарбатдай лаззатли, инсоннинг қалбида ҳақиқий ўзлигини англашга интилиш туйғусини уйғотадиган ҳолат - “эзгулик гунасидаги баҳт” деб аталади.**

Изоҳ: Руҳнинг табиатини англаб олишга интилаётган киши, ҳиссиёти ва ақлини жиловлаб, фикрини руҳда жамлаш учун жуда кўп қоидаларга амал қилиши лозим. Буларнинг ҳаммаси осон иш эмас ва худди заҳардай аччик, кийин кўринади. Лекин, агар инсон барча қоидаларга амал қилиб юрса, у илоҳий даражага кўтарилади ва мангурлик шарбатини татиб яшай бошлайди. Ана шу унга ҳаётдан ҳақиқий лаззат олиб яшаш имконини беради.

*38. вишаендрйа-самйогад йат тад агре “мритопамам  
паринаме вишам ива тат сукхам раджасам смритам*

**Одамнинг сезги аъзолари лаззат келтирадиган нарсалар билан бирикиши натижасида ҳис қиласидиган, аввалида лаззатли, охирида заҳардай аччиқ туюладиган баҳт - “эҳтирос гунасидаги баҳт” ҳисобланади.**

Изоҳ: Ёш йигит бир қиз билан танишганида, ҳиссиётлари унинг қалбида у билан учрашиш, қўлларини ушлаш ва у билан бирга бўлишдан лаззатланишга эҳтиросли интилиш туйғусини уйғотади. Аввалига бу ҳиссиётлар унга чўкур лаззат бағишлиайди, лекин, эртами, кечми бу муносабатлар барибир заҳарга айланади. Улар учрашмай қўядилар ёки уйлангандан кейин, қаттиқ афсус надоматлар билан ажралиб кетадилар. Бундай баҳт эҳтирос гунасидаги баҳт ҳисобланади. Инсон сезги аъзоларининг лаззат берадиган нарсалар билан бирикишидан ҳис қиласидиган баҳт ҳамиша азоб-уқубат, мусибат билан тугайди, шунинг учун фаросатли одам ундей баҳтга интилишни тарқ этиши керак.

*39. йад агре чанубандхе ча сукхам моханам атманаҳ  
нидраласиа-прамадотхам тат тамасам удахритам*

**Инсонни рухнинг табиатини англаш имкониятидан маҳрум қилиб қўядиган, бошидан охиригача алдамчи, уйқу, дангасалик ва алда-нишдан иборат баҳт - “ғафлат гунасидаги баҳт” деб аталади.**

Изоҳ: Дангасалиқдан, ишсиз ўтиришдан ва ухлашдан лаззат оладиган одам “ғафлат гунасидаги одам” хисобланади. Ҳаётда нима қилиш керагу, нима қилиш мумкин эмаслигини билмайдиган одам ҳакида ҳам шундай дейиш мумкин. Ғафлат гунасидаги одам учун ҳамма нарса алданиш, сароб ҳисобланади. У ҳәтигининг бошида ҳам, охирида ҳам баҳт нималигини билмайди. Эҳтирос гунасидаги одам аввалига қандайдир, ўзича баҳт деб хисоблайдиган, лекин кейин азобга айланадиган ёқимли туйгуни сезиши мумкин, аммо, ғафлат гунасидаги одам бошидан охиригача, ҳамиша азоб-уқубатда яшайди.

*40. на тад асти притхивийам ва диви девешу ва пунаҳ  
саттвам пракрити-джсаир муктам йад эбхих сийат трибхир гунаиҳ*

**Бу дунёнинг ҳеч бир жойида - на бу ерда, на фаришталар яшайдиган сайёralарда - моддий табиатнинг уч гунаси таъсирига учрамайдиган бирор мавжудот йўқ.**

Изоҳ: Айтилган гапларнинг ҳаммасига якун ясад, Парвардигор айтятники, моддий табиатнинг уч гунаси бутун моддий оламга ўз таъсирини ўтказиб туради.

*41. брахмана-киштирийа-вишам шудранам ча парантапа  
кармани правибхактани свабхава-прабхаваир гунаиҳ*

**Эй душманларини енгувчи зот, брахман, қшатрий, вайшийа ва шудраларни, уларнинг моддий табиатнинг уч гунасига мос келадиган фаолиятида намоён бўладиган сифатларига қараб билиб олса бўлади.**

*42. шамо дамас танаҳ шаучам кишантир арджавам эва ча  
дэжсанам виджсанам астикйам брахма-карма свабхава-джам*

**Мамнуният, ўзини тута билиш, риёзатга берилиш, поклик, чидамлилик, адолатлилик, билимдонлик, донишмандлик ва тақводорлик - табиий равища браҳманларнинг фаолиятида намоён бўладиган сифатлардир.**

*43. шаурйам теджсо дхритипр дакийам йуудхе чатй апалајанам  
данам ишвара-бхаваш чи кшатрам карма свабхава-джасам*

**Жасорат, куч, шижаот, топқирлик, ботирлик, саховатлилик ва бошқаларни изига эргаштира олиш - кшатрийларнинг ҳаётда ўз бурчини бажаришлари учун зарур бўлган сифатлардир.**

*44. криши-го-ракийя-ваниджайам вайшия-карма свабхава-джасам  
паричарийатмакам карма шудрасийати свабхава-джасам*

**Дехқончилик, сигирларни ҳимоя қилиш ва савдо-сотиқ - вайшияларнинг табиатига мос келадиган ишлардир. Шудралар эса, жисмоний меҳнат билан машғул бўлиш ва бошқаларга хизмат қилиш учун мўлжалланган.**

*45. све све карманй абхиратҳ самсиодхим лабхате нараҳ  
сва-карма-нираташ сиддхим йатха виндати тач чхрину*

**Ўзининг табиатига мос келадиган фаолият билан машғул бўлиб, ҳар бир одам ҳаётда камолотга эришиши мумкин. Менга қулоқ сол: ҳозир Мен сенга буни қандай амалга ошириш ҳақида гапириб бераман.**

*46. йатаҳ правримтири бхутанам йена сарвам идам татам  
сва-кармана там абхтарчча сиддхим виндати манавах*

**Агар ҳаётда ўз бурчини вижданан бажариб, ҳамма ерда мавжуд, барча тирик мавжудотларнинг манбаи бўлган Худои Таолога сигиниб юрса, ҳар қандай одам ҳам камолотга эришиши мумкин.**

Изоҳ: Ўн бешинчи бобда айтилганидай, тирик мавжудотлар - Худои Таолонинг ажралган заррачаларидир. Худои Таоло уларнинг азалий, бошлангич манбаи. Бу "Веданта-сугтра"да ҳам тасдикланади: джсанмадий асия йатаҳ. Шундай қилиб, Худои Таоло - барча тирик мавжудотларнинг бобокалони. "Бҳагавад-гита"нинг еттинчи бобида айтилган эдики, Ўзининг икки турли - ички ва ташқи - қуввати ёрдамида Худои Таоло бутун борлиққа сингиб кетган. Шунинг учун барча тирик мавжудотлар Унинг қувватлари билан бирга Худои Таолога сигиниши лозим. Вайшнав-садиклар одатда Худои Таолога ва Унинг ички қувватига сигинадилар. Худои Таолонинг ташқи қуввати Унинг ички қувватининг бузилган аксидир. Ташқи қувват - Унинг сояси, Худои Таолонинг Ўзи эса, Парвардигорнинг тўлиқ намоён бўлган кўриниши Параматма киёфасида бутун борлиққа сингиб кетган. У - ҳамма ерда мавжуд бўлган барча фаришталарнинг, одамлар ва

хайвонларнинг Олий Руҳидир. Шунинг учун одам, Худои Таолонинг ажралмас заррачаси бўлган ҳолда, ҳамиша Унга хизмат қилиши лозимлигини билиши керак. Ҳар бир тирик мавжудот мукаммал Кришна онгига Худои Таолога муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиши лозим. Мазкур шеърнинг мазмуни шундан иборат.

Бизларнинг ҳар биримиз Хришикешанинг, “хиссиятлар Эгаси”нинг кўрсатмаси билан фаолият кўрсатаётганимизни билишимиз лозим. Фаолиятимизнинг ҳамма натижаларини Худонинг Олий Шахсига, Шри Кришнага бағишлишимиз, шу тарзда Унга сифинишимиз лозим. Ҳамиша шуни эсида саклаб юрган киши Кришна онгига юрган одам бўлади ва Кришнанинг марҳамати билан бутун борлиқни билиб олади. Ҳаётда ҳақиқий барқамолликка эришиш ана шундан иборат. "Бҳагавад-гита"да Парвардигор айтадики, (12.7) *тешам аҳам самудд-харта*. Ана шундай содик хизматкорнинг моддий туткунликдан халос бўлишини Худои Таолонинг Ўзи таъминлайди. Мана шу - инсон ҳаётининг энг олий мақсади ҳисобланади. Қандай иш билан машғул бўлишидан қатъий назар, agar одам Худога хизмат қилиб юрган бўлса, у албатта руҳий камолотнинг энг юксак чўққисига эришади.

*47. ширейан сва-дхармо вигунаҳ паро-дхармат св-ануштхитат  
свабхава-нийатам карма курван напноти килбиишам*

**Бошқа бирорнинг вазифасини бенуқсон бажаргандан қўра, мукаммал бўлмаса ҳам, инсон ҳаётда ўз бурчини бажаришиб яшashi лозим. Табиатига мос равишда белгиланган ўз бурчини бажариб яшайдиган одам ҳеч қачон гуноҳ иш қилмаган бўлади.**

Изоҳ: Ҳар хил табақаларга мансуб одамларнинг вазифалари "Бҳагавад-гита"да белгилаб қўйилган. Аввалги шеърларда айтиб ўтилганидай, браҳман, кшатрий, вайшия ва шудраларнинг вазифалари уларнинг қайси гуна таъсирида эканлигига қараб белгиланади. Одам ҳеч қачон бошқа бирорларнинг вазифасини бажаришга ҳаракат қилиб, уларга тақлид қилмаслиги керак. Табиатига қўра шудраларнинг фаолияти билан шуғулланишга мойил одам, ҳатто браҳман оиласида туғилган бўлса ҳам, браҳман бўлишга интилмаслиги керак. Ҳар ким ўзининг табиатига мос бўлган иш билан шуғулланиши лозим: agar Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишга боғлиқ бўлса, инсон ҳар қандай иш билан шуғулланиши мумкин, бу билан одамнинг обрўйи тўкилмайди. Албатта, браҳманлар эзгулик гунасидаги фаолият билан шуғулланадилар, лекин, одам ўзининг табиатига қўра бошқа гуналар таъсири остида бўлса, у браҳманларга тақлид қилиб, уларнинг вазифаларини бажаришга интилмаслиги керак. Кшатрий, ҳукмдор одам ҳаётда ўз мартабасига муносиб бўлмаган ҳар хил ишлар қилишга мажбур: куч ишлатиши, душманларни ўлдириши, ёки сиёсий манфаатлар-

ни кўзлаб ёлғон сўзлаши керак бўлади. Ҳеч қандай сиёsat зўравонликсиз, ёлғон сўзсиз амалга ошмайди, лекин бундай ҳолат кшатрийга ўз бурчини бажаришдан бош тортиб, брахманларнинг қонунлари асосида яشاшига асос бўйлмайди.

Инсон ўзининг фаолияти билан Худои Таолони рози қилиш учун ҳаракат қилиши лозим. Масалан, Аржун кшатрий эди, у рақиблари билан жанг қилишга қарор қилолмай, иккиланиб турган эди. Лекин, Худои Таоло учун, Кришна учун жанг қилишда ҳеч қачон иккилан-маслик, жанг қилсан гуноҳ иш қилиб қўяман деб, кўркмаслик керак. Савдо-сотик билан шуғулланиб юрган киши яхши даромад олиш учун баъзида алдаши, мугомбирлик қилиши керак бўлиб қолади. Баъзи ҳолларда у шундай қилишга мажбур бўлади. Баъзан сотувчининг ҳаридорга айтиб турган гапларини эшишиб қоласиз: "Ишонинг, мен сиздан бир тийин ҳам фойда кўраётганим йўқ!" Лекин, ҳаммага маълумки, агар савдогар ҳеч кимдан фойда кўрмаса, бир кун ҳам яшай олмайди. Шунинг учун савдогардан бундай гапларни эшифтганда, у аслида ёлғон гапираётганини тушуниш керак. Лекин, иши ҳамиша бировларни алдаш бўлгани сабабли савдогар ишини ташлаб, брахманлар қиласиган иш билан машғул бўламан, деб ўйламаслиги керак. Бу муқаддас китобларнинг қоидаларига тўғри келмайди. Агар одам кшатрий, вайшия ва шудра сифатида ўзининг вазифаларини адо қилиш билан бирга, Худои Таолога садоқат билан хизмат қилаётган бўлса, унинг жамиятдаги ижтимоий ҳолати ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қолади. Ҳатто брахманлар ҳам баъзан қурбонлик маросими ўтказаётганида хайвонни курбон қилиш учун зулм ишлатишга мажбур бўладилар. Худди шунингдек, агар кшатрий ўз бурчини бажараётib, душманини ўлдирса, унинг бу иши гуноҳ ҳисобланмайди. Буларнинг ҳаммаси "Бҳагавад-гита"нинг учинчи бобида батафсил тушунтирилган эди. Ҳар бир одам ўз фаолиятини Яйага, яъни Вишнуга, Худонинг Олий Шахсига бағишлиши лозим. Нафсимизнинг талабини қондириш учун қилаётган ҳар қандай ишимиз бизни бу оламга боғлаб, тутқун қилиб қўяди. Шунинг учун ҳар бир одам танасининг қайси гуна таъсири остида бўлишига караб, ягона ва олий мақсадни - Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишни кўзлаб, ўз бурчини ҳалол бажариши лозим.

*48. саха-джам карма каунтейа са-дошам апи на тийаджет  
сарварамбха хи дошена дхуменагнир иаввритаҳ*

**Ҳамиша тутун билан аралаш бўладиган олов сингари, ҳар қандай фаолият ҳам нуқсонсиз бўлмайди. Шунинг учун, эй Қунтининг ўғли, қанча камчилиги бўлса ҳам, ҳеч ким ўзининг табиатига мос бўлган вазифасини бажаришдан бош тортмаслиги керак.**

Изоҳ: Шартланган тирик мавжудотнинг ҳар бир ҳаракати моддий табиат гуналари таъсири билан булғанган бўлади. Браҳманлар қурбонлик қилинадиган ҳайвонларни ўлдириш билан боғлиқ қурбонлик маросими ўтказишга мажбур бўладилар. Шунга ўхшаб, қанчалик тақводор бўлмасин, кшатрий ҳам душмани билан жанг қилишга мажбур. Бундан қочиб қутулиб бўлмайди. Шунга ўхшаб, ҳатто энг виждонли савдогар ҳам, инкиrozга учрамаслик учун баъзан ўзининг даромадини яширишга ёки кора ишлар билан шуғулланишга кўл уради. Бундай ишлардан биратўла қутулиб бўлмайди. Ёмон хўжайнинг ишини қилаётган шудра ҳам, баъзан хўжайнининг буйругини бажариб, таъқиқланган ишларни қилишга мажбур бўлади. Шунга ўхшаган ҳар хил нуксонлар бўлишига қарамай, ҳар ким ўзининг табиатига мос бўлган вазифаларини бажаришда давом этиши лозим.

Бу ерда Кришна жуда ўринли ўхшатиш ишлатган. Гарчи олов ўзи пок бўлса ҳам, у ҳамиша тутун билан араплашган бўлади. Лекин тутун оловни нопок қила олмайди. Ҳатто тутун билан араплаш олов ҳам, барча моддий унсурлар ичида энг пок, ҳалол унсур бўлиб қолаверади. Ўзининг табиатига мос бўлган вазифаларни бажаришдан бош тортган кшатрий, браҳманларнинг вазифасини бажаришга ўтгани билан, барбири, ёқимсиз, нотўғри ишлар қилишдан биратўла қутулиш имкониятига эга бўлмайди.

Бундан шундай хulosага келиш мумкинки, моддий оламда моддий иллатлардан бутунлай покланган мавжудот йўқ. Бу ўринда оловнинг ҳамиша тутун билан араплашган ҳолда бўлиши жуда тўғри ўхшатиш хисобланади. Қишида биз исиниш учун оловдан қизарган тошни олиб чиққанимизда, унинг тутуни кўзларимизни қизартириб юборади. Лекин, бу билан оловда исинишни бас қилиш керак, деган хulosага келиб бўлмайди-ку. Худди шундай, ёқмайдиган ишлар бўлгани учун биз ўз вазифамизни бажаришдан бош тортмаслигимиз лозим. Аксинча, қатъий қарор билан ўз бурчимизни Кришна онгидга бажариш билан Худои Таолога хизмат қилишда давом этишимиз лозим. Ана шу - ҳар жихатдан мукаммал фаолият бўлади. Инсон ҳаётда ўз бурчини Худони рози қилиш учун бажара бошласа, унинг фаолияти барча моддий иллатлардан покланади. Қилаётган меҳнатимизнинг натижалари Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишга қўшилиб покланганида, биз ўзимизнинг ҳақиқий ўзлигимизни, руҳий "Мен"имизни яққол кўра бошлаймиз, яъни руҳий ўзлигимизни англаб, баркамолликка эришамиз.

49. асакта-буудхих сарватра джитатма вигата-сприхах  
нашикармийа-сиддхим парамам саннийасенадхигаччхати

**Ақли ва ҳиссиётини жиловлаб олган, боғланиш ва дунёвий лаззатларга интилишдан озод бўлган киши, таркидунё қилиб, карма оқибатларидан бутунлай пок бўлган энг юксак камолот погонасига кўтарила олади.**

Изоҳ: Ҳақиқий таркидунёлик - ҳамиша ўзимизнинг Худои Таолонинг ажралмас руҳий заррачаси эканимизни, демак, ўз меҳнатимиз натижаларидан лаззатланишга ҳаққимиз йўқ эканини эслаб юриш демақдир. Биз Худои Таолонинг кичик заррачаси, бир бўлгали бўлганимиз учун, фаолиятимиз натижаси Худои Таолони лаззатлантириш учун мўлжалланган. Мана шуни англаб етиш - ҳақиқий Кришна онгида бўлиш ҳисобланади. Кришна онгида харакат қилаётган киши ҳақиқий таркидунё қилган саннийасидир. Ана шундай қайфиятда харакат қилиб, у ҳаётидан тўла мамнун бўлиб юради, чунки қилаётган хар бир ишини Худои Таоло учун килади. Шунинг учун ундан одам ҳеч қандай моддий нарсага боғланиб қолмаган: у ҳаётда Худои Таолоға муҳаббат билан хизмат қилишдан келадиган руҳий лаззатдан бошқа ҳеч қандай лаззатга интилмайди. Саннийаси ўзининг аввалги фаолиятинг барча оқибатларидан халос бўлади, деб айтадилар, лекин, Кришна онгида фаолият кўрсатиб юрган киши ҳам, таркидунёликка қасам ичмасданоқ, табиий равишда ана шундай ҳолатга эришади. Аклнинг ана шундай ҳолатини *йогарудҳа*, яъни "Йоганинг комил ҳолати" деб атайдилар. Бу учинчи бобда ҳам тасдиқланган: *йас тв атма-ратир эва сіят*. Ҳамиша ўзининг қалбida, руҳий ўзлигига мамнуният топган киши ўз фаолиятининг ҳеч қандай оқибатларидан қўркмаса ҳам бўлади.

*50. сиддхим прапто йатха брахма татханоти нибодха ме  
самасенаива каунтейа ништха джсанасая ѹа пара*

**О Кунтининг ўғли, ҳозир Мен сенга камолотнинг юксак чўққисига - Браҳманга эришиш ва олий илмга эга бўлиш учун қандай яшаш лозимлигини гапириб бераман.**

Изоҳ: Парвардигор Аржунга, инсон қандай килиб ҳаётда ўз вазифасини бажариш ва бутун фаолиятини Худои Таолога бағишлиш ёрдамида руҳий баркамолликнинг олий погонасига кўтарилиши мумкин эканини гапириб беряпти. Худои Таолони мамнун қилиш учун ўз меҳнатининг натижаларидан воз кечган киши руҳий юксалишнинг олий погонасига, Браҳманни англаш погонасига кўтарилади. Руҳий ўзликни англаш йўли шундай. Соф Кришна онги - ҳақиқий мукаммал илм ҳисобланади, бу ҳақда кейинги шеърларда айтилади.

*51-53. буудххайа вишуудххайа ѹукто дхритйатманам нийамай ча*

*шаббададин вишайамс тйактва рага-двешау вийудасыя ча  
вивикта-севи лагхв-аии йата-вак-кайа-манасаҳ  
дхйана-йога-паро нитйам вайрагыйам самупашритах  
аханкарам балам дарпам камам кродхам париграхам  
вимучия нирмамаҳ шантто брахма-бхуйайа калпате*

**Тафаккурига таяниб онгини поклаган, ақлини ҳамиша назорати остида ушлаб туришга қатый ахд қилган; ҳиссий лаззат келтирадиган дунёвий нарсалардан юз ўгирган; боғланиш ва нафрат туйғусидан озод; хилват жойда яшайдиган, кам овқатланадиган, танаси, ақли ва нутқини жиловлаб олган; ҳамиша рухий жазава(транс) ҳолатида юрадиган; бирор нарсага боғланмаган ҳамда сохта ўзилигидан, құдратли бўлиш истагидан, манманликдан, эхтиросдан, ғазаб ва сохта әгалик туйғусидан озод бўлган; бирор нарсани "меники" деб ҳисобламайдиган, ҳамиша ҳаётидан мамнун ва осойишта бўлган одам ўзининг рухий табиатини англаб етган инсон ҳисобланади.**

Изоҳ: Тафаккури моддий иллатлардан покланган киши эзгулик гунаси таъсири остида бўлади. Шундай одам ўзининг ақлини жиловлаб олишга кодир ва ҳамиша транс, жазава ҳолатида юради. У лаззат келтирадиган нарсаларга боғланиб қолмайди, боғланиш ёки нафрат туйғуси таъсири остида ҳаракат қилмайди. Таркидунёликнинг ана шундай ҳолатига эришган киши табиий равищда хилват жойда яшашга интилади, у танаси учун етарли миқдордагина овқатланади, танаси ва ақлини бутунлай жиловлаб олган бўлади. У сохта ўзлиги таъсирига берилмайди, чунки у танаси ёки ақлини "ўзим" деб ҳисобламайди. Унда ҳатто ҳар хил моддий машқлар ёрдамида танасини бақувват ва кучли қилиш истаги ҳам йўқ. Ҳаёт ҳақида моддий тана нуқтаи-назаридаги тасаввурлардан халос бўлиб, манманлик туйғусидан бутунлай озод бўлади. У Худонинг марҳамати билан келадиган нарсаларга тўла қаноатланиб яшайди, агар ҳиссиётининг, нағсининг талабларини қондира олмаси ғазаби келмайди. Шунингдек у лаззат келтирадиган нарсаларга әгалик қилишга ҳам интилмайди. Шундай қилиб, одам сохта ўзлигидан бутунлай озод бўлганида, моддий нарсаларга боғланишдан халос бўлиб, Брахманни англаш даражасига кўтарилади. Ана шу холат браҳма-бхута деб аталади. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурлардан халос бўлиб, инсон ҳаётда хотиржам, ўзгармас, осойишта ҳолатга эришади. Бу холат "Бҳагавад-гита"(2.70)да таърифланган:

*апурйаманам ачала-пратиштхам  
самуదрам апаҳ правишшанти йадват  
тадват кама йам правишшанти сарве  
са шантим апноти на кама-ками*

"Беҳисоб орзу-истаклар оқимидан ташвишга тушмайдиган одам, худди кўплаб дарёлар қуилса ҳам, ҳеч қачон кирғоқдан чиқиб кетмайдиган океангага ўхшайди. Истакларини амалга ошириш учун интилиб юрган одам эмас, аксинча ана шундай хотиржам зот мустахкам, ўзгармас осойишталикка эриша олади".

*54. брахма-бхутаҳ прасаннатта на шочати на канкишати  
самаҳ сарвешу бхутешу мад-бхактим лабхате парам*

**Киши ана шундай трансцендент, илоҳий даражага эришган заҳоти Олий Брахманин англаб етади ва қалби чексиз қувончга тўлади. У ҳеч қачон ғамга ботмайди, ҳаётда ҳеч нарсага интилмайди. У барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлади. Шундай ҳолатга эришиб, инсон Менга соф садоқат билан хизмат қила бошлайди.**

Изоҳ: Имперсоналистлар учун *брахма-бхута* даражасига эришиш, Мутлақ Ҳакиқат билан кўшилиб кетиш - руҳий баркамолликнинг олий поғонаси хисобланади. Лекин, соф содик бу поғонада тўхтаб қолмасдан Худои Таолога соф садоқат билан хизмат қила бошлайди. Демак, Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши аллакачон озодликка эришган, яъни брахма-бхута поғонасига эришиб, Мутлақ Ҳакиқат билан бир даражага кўтарилган бўлади. Худои Таоло билан бир даражага эришмай туриб, яъни Мутлақ Ҳакиқат билан бир бўлмай туриб, Унга хизмат қилиб бўлмайди. Гарчи, олий руҳий маънода фарқ ҳамиша мавжуд бўлса ҳам, Мутлақ даражага кўтарилганда хўжайин билан хизматкор орасидаги фарқ йўқолиб кетади.

Одамлар натижасидан лаззатланиш ниятида меҳнат қилиб юрган бу оламда инсон ҳар хил мусибатларга дуч келиши муқаррар, аммо тирик мавжудотлар Худога соф мухаббат ва садоқат билан хизмат қиласидиган руҳий оламда мусибат йўқ. Кришна онгига эга бўлган содик, ҳеч нарсадан қайгуга тушмайди ва ҳеч нарсага интилмайди. Худои Таоло ҳамиша Ўзига тўла бутун бўлгани сабабли, Унга Кришна онгида хизмат қилиб юрган руҳ ҳам ўзига тўла бутунлик сифатига эга бўлади. Унинг қалби худди барча лойқалардан покланган дарёга ўхшайди. Содик Кришнадан бошқа ҳеч нарса ҳакида ўйламагани сабабли, ҳамиша қувончга тўлиб юради. У моддий нарсалардан айрилгани учун изтироб чекмайди, чунки Худога хизмат қилиш уни ўз ҳаётидан тўла мамнун қилиб кўяди. У хиссий лаззатларга интилмайди, чунки ҳар бир тирик мавжудот Худои Таолонинг бир заррачаси бўлган ҳолда ҳамиша Унинг хизматкори бўлиб қолишини билади. Моддий оламда яшар экан, у жамиятдаги ижтимоий мартабасига қараб одамларни бир биридан ажратмайди. Моддий оламдаги ҳар қандай ҳолат,

мартаба ўткинчи, алдамчи, вактингчалик нарсалардир. Шундай содик учун олтин парчаси билан бир бўлак тош орасида хеч қандай фарқ йўқ. Брахма-бхута поғонаси ана шундай бўлади ва соғ содик шу поғонага осонлик билан кўтарилади. Шу поғонага эришган содик учун Мутлақ Ҳакиқат билан кўшилиб, ўзининг алоҳида шахс сифатларини йўқотиш - дўзахга тушишдан бадтар, жаннатга эришиш - шунчаки сароб нарса, алданиш бўлиб кўринади, унинг сезгилари эса, заҳарли тишлари олиб ташланган илонларга ўхшаб қолади. Заҳарли тишлари олиб ташланган илон ҳеч қандай хавф туғдирмаганидай, тафаккур амрига тўла бўйсунган сезгилар ҳам одамга ҳеч қандай ташвиш келтирмайди. Бу олам факат моддий иллатларга булғанган одамлар учун мусибат келтиради, лекин Худонинг содик хизматкори учун бутун олам Вайкунта-ха, яъни Худонинг даргохига айланади. Моддий оламдаги энг буюк шахс Худонинг содик хизматкори назаридан чумолидан ҳам кўримсиз бўлиб қолади. Ана шундай ҳолатга факат Худованд Чайтаня Махапрабхунинг марҳамати билангина эришиш мумкин. Айнан У Кали-юга одамлари учун Худои Таолога соғ садоқат билан хизмат қилиш имми ни олиб келган.

*55. бхактия мам абхиджсанати йаван йаши часми таттватаҳ  
тато мам таттвато джнатва вишате тад-анантарам*

**Мени, Худонинг Олий Шахсининг асл ҳолида, фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамидагина англаб етиш мумкин. Худога садоқат билан хизмат қилиш шарофати билан инсоннинг онги бутунлай Менда мужассам бўлганида, у Худонинг даргохига эришади.**

Изоҳ: Худонинг содик хизматкори бўлмаган одамларнинг хом хаёллари уларга Худонинг Олий Шахсини, Шри Кришнани ва Унинг тўла намоён бўлган киёфаларини англаш имконини бермайди. Худои Таолони англаб етишни истаган одам Худонинг содик хизматкори раҳбарлиги остида Худога садоқат билан хизмат қилиб яшаши лозим. Акс ҳолда у ҳеч қачон Худонинг Олий Шахсининг ҳақиқий табиатини англаб етолмайди. Аввал айтилганидай, *наҳам пракашаҳ сарвасия(7.25)*. Парвардигор дуч келган одамга Ўзини намоён қиласермайди. Инсон эгаллаган моддий илми ёки фалсафий фикрлашлари ёрдамида Худои Таолони англай олмайди. Факат Кришна онгига эга бўлган ва Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган кишигини Кришнани, Худои Таолони англай олади. Бу ишда илмий унвонлар ёрдам бермайди.

Кришна ҳақидаги илмни мукаммал биладиган киши руҳий оламга, Кришнанинг даргохига кириш ҳуқуқига эга бўлади. Брахман бўлиш - алоҳида шахс сифатини йўқотиш дегани эмас. Брахма-бхута сатхида

ҳам Худога садоқат билан хизмат қилиш мавжуд, хизмат бор жойда Худои Таоло ҳам, хизматкор ҳам, Худога хизмат қилиш ҳам бўлиши керак. Худога садоқат билан хизмат қилиш илми мангу, у ҳатто инсон озодликка эришгандан кейин ҳам мавжудлигича қолаверади. Озодликка эришиш - ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлардан халос бўлиш демакдир; ранг-баранглик, ҳар бир руҳнинг алоҳидалиги руҳий оламда ҳам давом этаверади, лекин бу алоҳидалик энди руҳий даражада бўлади. *Вишиате* яни, "Менга киради" деган иборани монистлар таълимотига асосланиб, тирик мавжудот биратўла Худои Таолога қўшилиб, йўқолиб кетади, деб тушунмаслик керак. Йўқ. *Вишиате* дегани тирик мавжудот Худонинг даргоҳига киради деганини, ўзининг алоҳидалигини саклаган ҳолда Худо билан ўзининг мангу муносабатини қайта-тиклаб, Унга садоқат билан хизмат қила бошлайди, дегани билдиради. Яшил тўтикуш дарахт барглари орасида кўринмай колганида, у дарахтга қўшилиб кетмайди, аксинча, у дарахтнинг меваларидан лаззатланади. Имперсоналистлар одатда океанга қўшилиб, йўқ бўлиб кетадиган дарёни мисол келтирадилар. Бундай ўхшатиш, ўзлари учун шундай келажак факат имперсоналистларнинг қалбига мамнуният олиб келиши мумкин, аммо персоналистлар, океанда яшайдиган балиқлар сингари, ҳамиша ўзининг алоҳидалигини саклаб қоладилар. Океан қаърига тушиб, у ерда сон-саноксиз тирик мавжудотлар мавжуд эканини кўришимиз мумкин. Океан ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиш учун, уни шунчаки сиртдан кузатишнинг ўзи кифоя эмас. Унинг энг чукур жойларида ҳам яшовчилар борлигини кўра олган кишигина океан ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиши мумкин.

Соф садоқат билан Худои Таолога хизмат қилиб юрган кишига Худои Таолонинг ҳақиқий руҳий сифатлари ва комил фазилатлари тўла аён бўлади. Ўн биринчи бобда айтилган эдики, факат Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнидагина мукаммал илмга эга бўлиш мумкин. Мазкур шеър ҳам шу ҳақиқатни тасдиқлади: Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиб, инсон Худои Таолони англаб етади ва Унинг даргоҳига киради.

Браhma-бхута даражасига кўтарилиб, ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлардан халос бўлиб, инсон Худои Таоло ҳақида ҳикоялар тинглаб, Унга садоқат билан хизмат қила бошлайди. Аммо, чукур иймон билан Худои Таоло ҳақида ҳикояларни тинглаб юрган киши ҳеч қийналмасдан браhma-бхута даражасига кўтарилиб, моддий иллатлардан: очқўзлик ва хиссий лаззатланиш истагидан покланади. Содиқнинг қалби очқўзлик ва хиссий лаззатланиш истагидан поклана борган сайин, унинг Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишга бўлган боғланиши кучая боради, бу боғланиш унга моддий иллатлардан бутунлай халос бўлишда ёрдам беради. Ана шу даражада у Худои Таолони англаш имкониятига эга бўлади. Бу ҳақда "Шримад Бхагаватам"да ҳам айтилган. Бхакти жараёни, илохий хизмат қилиш -

инсон озодликка эришгандан кейин ҳам давом этаверади. "Веданта-сутра"да ҳам бу ҳақиқат тасдиқланади: (4.1.12) *a-прайанат татрапи хи дриштам*. "Шримад Бҳагаватам" таълимоти, Худога садоқат билан хизмат қилишдаги озодликни тирик мавжудотнинг ўзининг азалий, асл ҳолатига эга бўлиши, ўзининг табиий ҳолатига қайтиши, деб тасдиқлайди. Аввал айтган эдикки, ўзининг табиатига кўра тирик мавжудот Худои Таолонинг ажралмас руҳий зарраси. Шунинг учун унинг вазифаси - ҳатто моддий тутқунликдан озодликка чиққандан кейин ҳам, Худои Таолога хизмат қилишдан иборат бўлиб қолаверади. Ҳақиқий озодликка эришиш - ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлардан озод бўлишдан иборат. Сарик қасалига чалингган одам мунтазам ширин сўроққанд сўриш ёрдамида қасалдан даволанганида, унинг ширинликни сезиш қобилияти қайта тикланади. Шундай қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилиш - бир вақтнинг ўзида ҳам камолотга эришиш йўли, ҳам камолотнинг ўзи хисобланади.

*56. сарва-кармани ани сада курвано мад-вийапашрайаҳ  
мат-прасадад авантоти шашватам падам авайайам*

**Ҳатто ҳар хил фаолият билан машғул бўлиб юриб ҳам, Менинг ҳимоям остида бўлган содик хизматкорим, Менинг марҳаматим билан мангу ва ўзгармас даргоҳимга эришади.**

Изоҳ: *мад-вийапашрайаҳ* дегани "Худои Таолонинг ҳимояси остида" дегани билдиради. Моддий иллатлардан биратўла покланиш учун Худонинг соф содик хизматкори Худои Таолонинг ёки Унинг вакили бўлган руҳий устознинг раҳбарлиги остида ҳаракат қиласи. Соф содик хизматкор учун вақтнинг ҳеч қандай чегараси қолмайди. У ҳамиша, куну-тун Худои Таолонинг кўрсатмаларини амалга ошириш билан боғлиқ ишлар билан машғул бўлиб юради. Ҳамиша Кришна онгидаги фаолият билан машғул бўлиб юрган содикка Худои Таоло ҳамиша ғамхўрлик қиласи. Ҳаётда барча қийинчиликларни енгигиб, у умрининг охирида албатта Худонинг даргоҳига, Кришналокага эришади. Шу олий даргоҳда унинг учун аллақачон жой ҳозирлаб қўйилган, бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Бу мангу даргоҳ ҳеч качон ўзгармайди; у жойдаги ҳамма нарса мангу, емирилмас, илм ва лаззатга тўла.

*57. четаса сарва-кармани майи саннийасия мат-параҳ  
буоддхи-йогам уташритайя мач-читтаҳ саматам бхава*

**Ҳаётда қилаётган ҳар бир ишингда Менга таваккал қил, ҳамиша Менинг ҳимоям остида эканингни ёдингда тут. Шу тарзда Худога**

**садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиб, ҳамиша Мени ўйлаб юр.**

Изоҳ: Кришна онгига ҳаракат қилиб юрган киши ҳеч қачон ўзини бу оламнинг хўжайинидай тутмайди. Ҳақиқий хизматкор сингари, Худонинг содик хизматкори ҳам ҳамиша Худои Таолонинг амри билан ҳаракат қилиши лозим. Хизматкор ҳеч қачон ўзининг хоҳиши билан иш қилмайди. У фақат хўжайнини буорган ишни қиласди. Олий хўжайинининг амрини бажариб юрган хизматкор йўқотган нарсаси учун қайғурмайди, бирор нарсага эга бўлганида қувончдан яйраб кетмайди. У Худои Таолонинг амрини бажариб, ўз бурчини виждан билан адо этади, холос. Бизга эътироуз бериб айтишлари мумкинки, Аржун бевосита Кришнанинг буйруғини бажариб ҳаракат қилди, аммо Кришна билан бевосита мулоқотда бўлолмайдиганлар нима қилиши керак? Агар одам Кришнанинг вакили раҳбарлиги остида Кришнанинг "Бҳагавад-гита"да берган кўрсатмаларига риоя қилиб ҳаракат қилса, у ҳам худди ана шундай натижага эришади. Бу ерда ишлатилган *матпараҳ* ибораси муҳим аҳамиятга эга. Бу ибора, демак Худонинг содик хизматкорининг Кришна онгига ҳаракат қилиб, Худои Таолони мамнун қилишдан бошқа ҳеч кандай мақсади йўқ, деган маънони билдиради. Бунда содик бирор иш билан машғул бўла туриб фақат Кришна ҳақида ўйлаши лозим. "Менга бу ишни бажаришни Кришна буорган". Шунда у табиий равишда ҳамиша Кришнани ўйлаб юради, шу тариқа Кришнани англашда мукаммаликка эришади. Лекин, шуни айтиб ўтиш лозимки, одам ўз хоҳиши билан бирор ишни кила туриб, унинг натижасини Худои Таолога бағишиламаслиги керак. Бундай фаолият Худога Кришна онгига садоқат билан хизмат қилиш ҳисобланмайди. Содик фақат Кришнанинг кўрсатмалари асосида ҳаракат қилиши лозим. Бу жуда муҳим. Биз Худонинг амрини устозлар силсиласи орқали, ҳақиқий руҳий устознинг кўрсатмаси сифатида оламиз. Шунинг учун руҳий устознинг кўрсатмаларини бажариш содикнинг ҳаётдаги энг асосий вазифаси бўлиши шарт. Агар одам ҳақиқий руҳий устоз қабул қиласа, ва унинг кўрсатмалари асосида ҳаракат қилиб яшаса, у албатта Кришна онгидаги ҳаётда руҳий баркамолликка эришади.

*58. мач-читтаҳ сарва-дургани мат-прасадат тариихиаси  
атха чет твам аханкаран на широийиаси винанкийиаси*

**Ҳамиша Мени ўйлаб юриб, Менинг марҳаматим билан шартланган ҳаётнинг барча қийинчиликларини енгигб ўтасан. Агар сен Менинг кўрсатмаларимни эътиборга олмай, Мени эсиндан чиқариб, сохта ўзлигинг таъсири остида ҳаракат қилсанг, ҳақиқий ўзлигингдан жудо бўласан.**

Изоҳ: Кришна онгига эга бўлган киши ўзининг жисмоний эҳтиёжларини қондириш билан қизиқмайди. Нодон одамлар инсон хаётда қандай қилиб ҳар қандай ташвишлардан холи бўлиши мумкинлигини тушуна олмайдилар. Кришна онгида ҳаракат қилиб юрган киши учун Кришна энг яқин дўст бўлиб қолади. Худои Таоло дўстининг баҳт-саодатини ўйлаб, унинг тиним билмасдан Ўзини мамнун қилишга иниглаётганини кўриб, Ўзини бутунлай унинг кўлига топширади. Шунинг учун биз ҳаёт ҳакидаги моддий тасавурлардан келиб чиқадиган сохта ўзлик таъсирига берилиб, нафсимизнинг кулига айланиб қолмаслигимиз лозим. Ҳеч ким ўзини моддий табиат қонунларига бўйсунмайдиган, мутлако мустақил ҳаракат қилишга кодир деб ҳисобламаслиги керак. Бу дунёда ҳар бир одам моддий табиатнинг бешафқат қонунлари остида ҳаракат қиласди. Лекин, инсон Кришна онгида ҳаракат қилиб, Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўла бошлиши биланоқ, озодликка эришиб, ҳаётдаги барча моддий қийинчиликлардан ҳалос бўла бошлади. Кришнанинг айтган гапларига жиддий эътибор бериш керак: Кришна онгида ҳаракат қилмайдиган киши моддий олам уммонида, туғилиш ва ўлишлар океанида йўқолиб кетади. Аслида шартланган рухларнинг бирортаси нима қилиш керагу, қайси ишлар тақиқланган эканини билмайди, аммо Кришна онгига эга бўлган киши ҳар қандай ҳаракат қилишдан кўрқмаса ҳам бўлади, чунки, унинг қалбида мавжуд бўлган Кришна унга нима қилиш кераклигини кўрсатиб туради, сиртдан эса, руҳий устоз Кришнанинг кўрсатмаларини тасдиқлади.

*59. йад аҳанқарам ашритай на йотсай ити маниасе  
митхайаша вайавасайас те пракритис твам нийокийати*

**Агар сен Менинг амримни бажармай, жангда иштирок этмасанг,  
хаётда нотўғри йўл танлаган бўласан. Жангчи тоифасига хос  
бўлган табиатинг сени барибир жанг қилишга мажбур қиласди.**

Изоҳ: Аржун табиатан кшатрий сифатларига эга бўлган жангчи эди. Шунинг учун жанг қилиш унинг учун табиий фаолият эди. Аммо сохта ўзлик таъсири остида у, бобосини, устозини ва дўстларини ўлдириб, гуноҳ иш қилиб қўйман деб кўрқиб турганди. Аслида у, қилаётган ҳаракатларининг натижаси яхши ёки ёмон бўлишини худди ўзи белгилайдигандай, ўзини хўжайиндай ҳис қиласди. У ўзига жанг қилишни буориб, ёнида Парвардигор, Худонинг Олий Шахси турганини эсидан чиқарган эди. Шартланган рухга ана шундай унутувчанлик азалдан хос бўлган табиий одат. Олий хукмдор бизга нима яхшию, нима ёмон эканини кўрсатиб беряпти, биз шунчаки Кришна онгида, Кришнанинг, Худонинг кўрсатмалари асосида ҳаракат қилиб яшасак, хаётда камолот чўққисига эришамиз. Ҳеч ким тақдирига нима ёзилга-

нини Худодан яхшироқ билмайди, шунинг учун бизнинг ҳаётда қилишимиз мумкин бўлган энг яхши ва ягона тўғри ишимиш - Худои Таолонинг амри ва кўрсатмалари асосида яшаш, яъни ўз ихтиёrimизидан бутунлай Худога топширишдан иборат. Худонинг Олий Шахсининг кўрсатмаларини хеч ким инкор этмаслиги ёки Худои Таолонинг вакили бўлган ҳақиқий руҳий устознинг кўрсатмалрига зид ҳаракат қилмаслиги керак. Худонинг Олий Шахсининг амрини сўзсиз бажариш лозим, - шунда биз ҳамиша мустаҳкам химоя остида хавфхатарсиз яшаймиз.

*60. свабхава-джена каунтейа нифаддоҳаҳ свена кармана  
картум неччаси йан моҳат каришиаси аваю “ни тат*

**Алданиш домига тушиб, сен хозир Менинг амримга бўйсуниб ҳаракат қилишдан бош тортяпсан. Лекин, жангчиларга хос табиатинг сени барибир, айнан шундай ҳаракат қилишга мажбур қиласди, О Кунтининг ўғли.**

Изоҳ: Худои Таолонинг амрини бажаришдан бош тортган киши ўзига таъсир қилаётган моддий табиат гуналарига мос холда ҳаракат қилишга мажбур бўлади. Ҳар биримиз моддий табиат гуналарининг қандайдир бирикмаси таъсири остида бўламиз, ана шу таъсир остида ҳаракат киласмиз. Аммо, ўз хоҳиши билан Худои Таолонинг кўрсатмаларига амал қилиб яшашга қарор қилган киши ҳақиқатан ҳам ҳар қандай олқишга сазовор зотдир.

*61. ишвараҳ сарва-бхутанам хрид-деше “рджсона тиштхати  
бхрамайан сарва-бхутани йантрапрудхани майайа*

**О Аржун, Худои Таоло ҳар кимнинг қалбида туриб, У гўё моддий қувват яратиб қўйган машина ичига жойлашган тирик мавжудотларнинг ҳаракатларини бошқариб туради.**

Изоҳ: Аржун мукаммал илмга эга эмасди, унинг жанг қилиш ёки қилмаслик ҳақидаги қарори ҳаёт ҳақидаги чекланган тасаввурга асосланган эди. Парвардигор Кришна унга алоҳида тирик мавжудот ўзининг ҳаракатларида мустакил ва озод эмаслигини тушунтириди. Худонинг Олий Шахси, яъни Унинг Ўзи, Параматма қиёфасида ҳар бир тирик мавжудот қалбида ҳам мавжуд бўлиб, унинг ҳаракатларини бошқариб туради. Танасини алмашгандан кейин тирик мавжудот ўзининг аввалги танасидаги истакларини эсидан чиқариб қўяди, аммо Олий Рухга ўтмиш, хозир ва келажақдаги ҳамма нарса аён бўлгани сабабли, рухнинг ҳар хил таналарда қилган барча ишларидан хабардор. Шундай қилиб, Олий Рух тирик мавжудотнинг барча

харакатларини бошқариб туради. Олий Рухнинг кўрсатмаси асосида моддий кувват яратган моддий тана аравасида ўтириб, тирик мавжудот ўзининг аввалги ҳаётида қилган ишлари оқибатини бошидан кечиради. Тирик мавжудот маълум бир танага эга бўлган захоти, шу тана унинг киладиган харакатларини белгилаб, ҳар томонлама чеклаб қўяди. Бир хайдовчининг ўзи ҳар хил машиналарда ҳар хил ҳаракат қилади: тез юрадиган машинада тез юради, секин юрадиганида секин. Худди шунингдек, Олий Рухнинг кўрсатмалари асосида моддий табиат ҳар бир тирик мавжудот учун маълум кўринишдаги тана яратиб беради. Шу танада тирик мавжудот ўзининг аввалги ҳаётида амалга ошира олмай қолган истакларини амалга оширади. Ҳеч ким ўзини Худонинг Олий Шахсига боғлиқ эмас, деб ҳисобламаслиги керак. Алоҳида руҳ ҳамиша Худои Таолонинг ҳукми остида бўлади. Шунинг учун унинг бурчи - ўз ихтиёрини бутунлай Худога топширишдан иборат. Мазкур шеърнинг мазмуни шундан иборат.

*62. там эва шаранам гаччха сарва-бхавена бхаратам  
тат-прасадат парам шантим стханам прапсйаси шашватам*

**Ҳеч иккиланмасдан ўз ихтиёргни Унга топшири, эй Бхарат авлоди. Унинг марҳамати билан сен илохий осойишталикка эга бўлиб, Унинг мангударгоҳига эришасан.**

Изоҳ: Шундай қилиб, тирик мавжудот Худога, ҳар кимнинг калбida ҳам мавжуд бўлган Парвардигорга ўз ихтиёрини топшириши лозим. Фақат шундагина у барча моддий азоб-уқубатлардан халос бўлади. Худога ўз ихтиёрини топшириш билан одам бу ҳаётнинг мусибатларидан қутулибгина колмасдан, умрининг охирида Худонинг даргоҳига эришади. Ведаларда руҳий олам шундай таърифланади: *тад вишиноҳ парамам падам.*(Риг-веда.1.22.20). Ҳамма моддий нарсалар ҳам аслида руҳий табиатга эга, аммо *парамам падам* бевосита руҳий осмон, ёки Вайкунта деб аталадиган мангударгоҳни билдиради. "Бхагавад-гита"нинг ўн бешинчи бобида шундай дейилган эди: *сарвасия чаҳам хриди саннивиштаҳ* - яъни, "Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотнинг калбida ҳам мавжуд". Шунинг учун инсон калбидаги Олий Рухга ўз ихтиёрини топширса, у Худои Таолога, Кришнага ўз ихтиёрини топширган бўлади. Аржун Кришна - Худонинг Олий Шахси эканини тан олди. Ўнинчи бобда у Кришнани *парам брахма парам дхама* деб атаган эди. Аржун бу билан Кришнани Худонинг Олий Шахси ва барча тирик мавжудотларнинг энг олий даргоҳи, деб тан олган эди. Бу унинг шахсий фикри эмас, балки Нарада, Асита, Девала ва Вйаса сингари буюк донишманларнинг ҳам фикри эди.

*63. ити те джсанам акхйатам гүхйад гүхйатарам майа*

*вимрииши ашешена йатхеччаси татха куру*

**Шундай қилиб, Мен сенга маҳфий, илохий илмлар ичида энг маҳфий илм сирларини ошкор этдим. Ҳаммасини яхшилаб ўйлаб кўр, кейин ўз хоҳишинг билан харакат қил.**

Изоҳ: Парвардигор Аржунга *брахма-бхута* ҳақида гапириб берганди. Брахма-бхугта даражасига етган кишининг қалби кувончга тўлади, у ҳеч нарсадан азият чекмайди, ҳеч нарсага интилмайди - сирли илохий илмга эга бўлишнинг натижаси шундай бўлади. Кейин Шри Кришна Аржунга Олий Рух ҳақидаги илмни ўргатган эди. Бу ҳам Брахман ҳақидаги юксакроқ даражада бўлган илм.

Бу ерда ишлатилган *йатхеччаси татха куру* ("ўз хоҳишинг билан иш тут") ибораси шундан далолат берадики, Худои Таоло тирик мавжудотга йижи ато этган мустақилликка ҳеч қандай тазиик кўрсатмайди. "Бҳагавад-гита"да Парвардигор инсон тириклиникнинг олий даражасига қандай кўтарилиши мумкин эканини батафсил тушириб берди. Аржуннинг олган энг яхши маслаҳати - у ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган Олий Рухга ўз ихтиёрини топшириши лозим, эканидир. "Бҳагавад-гита" илмини ҳар томонлама ўрганиб, мулоҳаза юритиб, инсон Олий Рухнинг кўрсатмалари асосида харакат қилишга рози бўлиши лозим. Бу унга ҳамиша Кришна онгига, яъни камолотнинг инсон эриша оладиган энг юксак чўққисида бўлиш имкониятини беради. Худои Таолонинг шахсан йижи Аржунга жангда иштирок этишни буюрди. Инсон энг аввало ўзининг манфаати учун Худонинг амрига бўйсунади. Биз буни Худои Таоло учун эмас, ўзимиз учун қиласиз. Шундай қарорга келиш учун, одам ўзига ато этилган тафаккур ёрдамида ўзининг ҳаётини ҳар томонлама мулоҳаза юритиб, ўйлаб кўриши лозим. Худонинг кўрсатмаларига шу тарзда, онгли равишда риоя қилишга карор қилган маъкул. Худои Таолонинг кўрсатмаларини биз руҳий устоз - Кришнанинг ҳақиқий вакили орқали ҳам олишимиз мумкин.

*64. сарва-гуҳи атамам бхуйаҳ ширину ме парамам вачаҳ  
иши то “ши ме дридҳам ити тато вакийами те хитам*

**Энг яқин дўистим бўлганинг учун, Мен сенга олий ва энг сирли илмни ошкор этаман. Диққат билан қулок сол, Мен ҳозир сенинг баҳтингни ўйлаб гапиряпман.**

Изоҳ: Парвардигор Аржунга аввал маҳфий илмни, кейин эса ундан ҳам маҳфийроқ илмларни ошкор этди(Брахман ҳақида, Олий Рух ҳақида). Энди эса, донишмандликнинг энг маҳфий сирини ошкор этаётуб, унга шундай деди: ўз ихтиёргингни бутунлай Худонинг Олий

Шахсига топшир. Тўққизинчи бобнинг охирида Худои Таоло шундай деганди: *ман-манаҳ - "Ҳамиша Мен ҳакимда ўйла!" "Бҳагавад-гита"* таълимотининг асосий мазмунини алоҳида таъкидлаш учун шу насиҳатини Парвардигор бу ерда яна бир бор тақрорлаяпти. Буни ҳақиқатан ҳам Кришнага азиз бўлган киши, яъни Унинг содик хизматкори англай олади. Оддий одам учун бу ҳамиша маҳфий сир бўлиб қолаверади. Бу - Ведаларда берилган барча кўрсатмалар ичida энг муҳим кўрсатма. Бу ерда Кришнанинг айтиётган гаплари, бераётган кўрсатмалари барча муқаддас китобларнинг энг асосий мазмуни бўлиб, Унинг кўрсатмалари факат Аржунга эмас, балки барча тирик мавжудотларга қаратилган.

*65. ман-мана бхава мад-бхакто мад-йаджи мам намаскуру  
мам эвашшаси сатйам те пратиджсане прийо “си ме*

**Ҳамиша Мени ўйла, Менинг содик хизматкорим бўл, Менга сажда қил ва Менга эҳтиром кўрсат. Шунда сен албатта Менга эришсан. Мен сенга буни аниқ ваъда бераман, чунки сен - Менинг азиз дўстимсан.**

Изоҳ: Энг маҳфий илоҳий илмнинг сири шундан иборатки, ҳар бир инсон Кришнанинг содик хизматкори бўлиши, ҳамиша Уни эслаб юриши, килаётган ишларининг барчасини Унга бағишлиши лозим. Сохта муроқаба қилиш билан шуғулланишга вақт кетказиб ўтиришнинг хожати йўқ. Инсон ўзининг ҳаётини шундай ташкил қилиши керакки, токи у сутканинг ҳар бир лаҳзасида Худои Таолони, Кришнани эслаб юрадиган бўлсин. Кундалик турмушда бажариб юрган ишларимизнинг барчаси қандай бўлишидан қатъий назар Худои Таоло билан, Кришнага хизмат қилиш билан боғлик бўлиши керак. Шунда биз ҳамиша Кришнани ўйлаб юрган бўламиз ва Худодан бошқа нарсани ўйлашга вақтимиз қолмайди. Парвардигор Кришна ваъда бериб айтияптики, ана шундай даражага, соф Кришна онгига эришган киши албатта Унинг даргоҳига қайтиб боради ва Худои Таоло билан бевосита мулокотда бўлади. Парвардигор Кришна Аржунга энг маҳфий илоҳий илм сирини ошкор этди, чунки Аржун Унинг энг яқин дўсти эди. Аржуннинг изидан бораётган ҳар бир одам ҳам Парвардигор Кришнанинг яқин дўсти бўлишга, Аржун эришган камолот чўққисига эришишга қодир бўлади.

Бу ерда алоҳида таъкидланиб айтилганки, инсон ўзининг бутун ақлини Кришнанинг икки кўллик, кўлида най ушлаб турган, кўкимтириқора рангли, сочига товус пати қистириб олган ёш ўспирин бола қиёфасида мужассам қилиши лозим. Кришнанинг қиёфасининг таърифи "Брахма-самхита" ва бошқа

ведавий мүкаддас китобларларда келтирилган. Инсон ақлини Худо Шахси, Парвардигор Кришнанинг азалий, бошланғич қиёфасида мужассам қилиши ва Унинг бошқа қиёфаларини эслаб, ақлини чалғитмаслиги лозим. Парвардигор сон-саноқсиз кўп қиёфаларда на-моён бўлади: Вишну, Нарайана, Рама, Вараха ва ҳоказо, аммо Худонинг содик хизматкори ўзининг ақлини Парвардигорнинг Аржун кўриб турган қиёфасида мужассам қилиши лозим. Инсоннинг бутун ақлини Кришнанинг қиёфасида мужассам қилиши ҳақидаги илм - илохий илмнинг энг маҳфий сири ҳисобланади, шу сирни Кришна Ўзининг энг яқин дўсти сифатида Аржунга ошкор этяпти.

*66. сарва-дхарман паритайаджайа мам экам шаранам враджа  
ахам твам сарва-панебхью мокшайишиами ма шучаҳ*

**Барча диний фаолиятларни тарк эт ва ўз ихтиёригни бутунлай Менга топшир. Мен сени барча гуноҳларинг оқибатидан халос этаман. Ҳеч нарсадан кўрқма.**

Изоҳ: Парвардигор Аржунга илм ва ҳақиқий диннинг ҳар хил кўринишлари ҳақида гапириб берди. У Аржунга Олий Брахман ҳақида, Олий Рух ҳақида, жамиятнинг ҳар хил табакалари ҳақида ва руҳий юксалиш погоналари ҳақида, таркидунёлик ҳақида, моддий тутқунликдан озод бўлиш йўллари ҳақида, ҳиссият ва ақлни қандай жиловлаш ҳақида, муроқаба ва бошқа кўп нарсалар ҳақида гапириб берди. Бошқача қилиб айтганда, Кришна Аржунга руҳий фаолиятнинг ҳар хил турларини тъярифлаб берди. Энди эса, Парвардигор Кришна "Бҳагавад-гита"да айтилган гапларнинг барчасига якун ясад, Аржун бу нарсаларнинг ҳаммасидан воз кечиши ва Кришнага ўз ихтиёрини бутунлай топшириши лозим деб айтятпи. Ўз ихтиёрини Кришнага бутунлай топшириш натижасида у килган гуноҳларининг барча оқибатларидан халос бўлади, чунки Парвардигор Кришнанинг Ўзи уни ҳимоя қилишга ваъда беряпти.

Еттинчи бобда айтилган эдики, барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлган кишигина Парвардигор Кришнага сифина олади. Буни эшитган одам, албатта, ҳали барча гуноҳларим оқибатидан халос бўлмадим, шунинг учун Худои Таолога, Кришнага ўз ихтиёrimни бутунлай топшира олмайман, деган қарорга келиши мумкин. Шундай гумонларни тарқатиб юбориш учун, Парвардигор Кришна бу ерда айтятники, ҳатто гуноҳларидан бутунлай покланмаган одам ҳам Парвардигор Шри Кришнага ўз ихтиёрини топширса, ўзининг қилган гуноҳлари оқибатидан халос бўлади. Инсон ўзининг қилган гуноҳлари оқибатидан халос бўлиш учун бошқа бирор махсус йўлларни танлаб, овора бўлиб юришининг ҳожати йўқ. Шри Кришнанинг барча тирик мавжудотларнинг ягона нажот макони, Худонинг Олий Шахси экани-

ни тан олиб, инсон чукур иймон ва садоқат билан Унга ўз ихтиёрини топширса бас, ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан бутунлай халос бўлади.

Парвардигор Кришнага ўз ихтиёрини топшириш қандай бўлиши "Хари-бҳакти-виласа"(11.676)да ёзилган.

*анукулийасая санкалтаҳ практикулийасая варджсанам  
ракшишиятити вишвасо ғотпритве варанам татха  
аттма-никшепа-картание шад-видха шаранагатиҳ*

Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш йўли шундан иборатки, инсон ҳаётда охир-оқибатда Худога садоқат билан хизмат қилишга олиб келадиган ишлар билан машғул бўлиши лозим. Инсон жамиятдаги эгаллаб турган ўрнига қараб, ўз бурчини бажаришда давом этиши мумкин, аммо, жамиятдаги ўз бурчини мукаммал бажаргани билан у қалбида Кришна онгини ривожлантирмаса, Худони англаб етмаса, унинг ҳаётда барча килган ишлари бефойда, бемарни бўлиб, ўзига зарардан бошқа нарса олиб келмайди. Одам ҳақиқий ўзлигини, Худони англаб етишга халақит берадиган нарсаларнинг ҳаммасидан четроқ юриши керак. Худои Таоло, Шри Кришна бизни ҳамиша, ҳамма ерда ҳар қандай хавф-хатардан ўзи ҳимоя қилиб юришига аниқ ишониш лозим. Биз қандай қилиб жонимизни сақлаб колиш ҳақида қайғурмаслигимиз лозим. Буни Парвардигор Кришна Ўз зиммасига олган. Биз ҳаётда ўзимизни ноилож, хокисор ҳолатда эканимизни англашимиз, факат Худои Таологина бизга руҳий юксалишда, ҳақиқий ўзлигимизни англаб олишда ёрдам бериши мумкинлигини тушуниб, шуни ҳамиша эсимизда сақлаб юришимиз лозим. Кришна онгига Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш билан жиддий шуғулланиб юрган киши шу заҳотиёқ барча моддий иллатлардан бутунлай покланади. Онгни поклашнинг ҳар хил тизим ва усуллари мавжуд: Ҳақиқатни фалсафий фикрлашлар ёрдамида излаш, муроқаба қилиш ва сехрли йога билан шуғулланиш ва ҳоказо. Аммо ўз ихтиёрини Парвардигор Кришнага топширган одам онгини поклаш учун бундай усуллардан фойдаланиб юришига зарурат қолмайди. У Парвардигор Кришнага ўз итиёрини топшириш билан шунча вақтини тежаб қолади ва ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлиб, руҳий баркамоллика эришади.

Охир-оқибатда инсон ўзининг қалбида Шри Кришнанинг гаройиб гўзал қиёфасига, жамолига боғланиш туйғусини уйғотиши лозим. уни Шри Кришна деб айтишларига сабаб - Унинг ниҳоятда гўзаллигида, ҳаммани Ўзига маҳлиё қилишида. Кришнанинг гаройиб, бенуқсон гўзал жамолига маҳлиё бўлиб унга боғланиб қолган киши ўзини ҳаётда "энг омадли киши" деб ҳисобласа бўлади. Илоҳий фаолият билан шуғулланиб юрган ҳар хил тоифадаги одамлар бор: бирорвлар шахсиятсиз Брахманга муроқаба килади, бошқалар Олий Рух кўринишидаги Парвардигорга ва ҳоказо, аммо уларнинг ичida Худонинг Олий Шах-

си, айникса Шри Кришнанинг Ўзига мурокаба қилиб, Унинг бетакрор сиймосига боғланган киши энг яхшисидир. Бошқача қилиб айтганда, инсоннинг бутун фикру-хаёлини Кришнада мужассам қилишни ифодалайдиган Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш йўли - руҳий илмнинг ва "Бҳагавад-гита" таълимотининг энг маҳфий сири ҳисобланади. Карма-йогларни ҳам, эмпирик-файласуфларни ҳам, сехргарларни ҳам, Худонинг содиқ хизматкорларини ҳам "илоҳиёт одамлари" деб ҳисоблайдилар, аммо уларнинг ичидаги энг аълоси Худонинг содиқ хизматкори ҳисобланади. Шри Кришна айтятики, *ма шучай*, - "Хеч нарсадан қўрқма, барча гумонларингни ташла, хеч нарсадан ташвишланма!" Парвардигор Кришнанинг бу гаплари жуда муҳим. Кимdir буни тушунмаслиги мумкин: "Қандай қилиб ҳар қандай диний қонун-коидаларни тарк этиб, ўз ихтиёрини бутунлай Кришнага топшириш мумкин?" Лекин, аслида илоҳий сирни англаб олган кишида бундай шубҳаларга ўрин қолмайди.

*67. идам те натапаская набхактайа кадачана  
на чашурушаве вачитам на ча мам то "бхласути"*

**Хеч қачон бу илм сирларини ўзини тута олмайдиган, ихтиёрини Менга топширмаган, Менга садоқат билан хизмат қилишни истамайдиган ва Менга ҳасад қиласиган одамларга ошкор этма.**

Изоҳ: Бу маҳфий илоҳий илм сирини, дин қонунларига самимий амал қилиш учун ўз нафсини хеч қачон бирор нарсадан тийишга кучи етмайдиган, хеч қачон Худои Таолога Кришна онгига садоқат билан хизмат қиласиган, Худонинг соғ содиқ хизматкорига хизмат қиласиган кишиларга, айникса, Кришнани шунчаки "тарихий қаҳрамон" деб ҳисоблайдиган, Унинг улуғворлигига ҳасад қиласиган одамларга ошкор этмаслик керак. Кришнага ҳасад қиласиган, иблис табиатли одамлар кўпинча Унга ўзи истаган йўл билан сигинадилар. Пул ишлаб топиш учун "Бҳагавад-гита"га изоҳ ёзадилар. Лекин, ҳақиқатан ҳам Парвардигор Кришнани англаб етишга интилаётган киши уларнинг нопок изоҳларини ўқимаслиги лозим. Нафсига кучи етмаган, ҳаётда пала-партиш яшайдиган одамлар хеч қачон "Бҳагавад-гита"нинг мазмунини тушуна олмайдилар. Ҳатто одам хиссиятини, нафсини жиловлаб олган, Ведаларнинг қонун-коидаларига сўзсиз амал қилиб юрган бўлса-ю, лекин, Худонинг содиқ хизматкори бўлмаса, у хеч қачон Парвардигор Кришнани англаб етолмайди. Ҳатто ўзини "Худонинг содиқ хизматкори" деб ҳисоблайдиган, аммо Кришна онгига Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлмаган киши ҳам Парвардигор Кришнани англаб етиш имкониятидан маҳрум. Кришна Ўзини "Бҳагавад-гита"да Худои Таоло деб, Унга тенг келадиган ёки Ундан буюкроқ зот хеч қаерда йўқ, деб эълон қилгани учунги-

на Шри Кришнага ҳасад қиласынан одамлар күп. Үндай одамларга "Бҳагавад-гита"ни гапириб юришнинг ҳожати йўқ, чунки барибир улар буни тушуна олмайдилар. Иймон-эътиқодсиз кишилар ҳеч қачон "Бҳагавад-гита"нинг маъносини ва Парвардигор Кришнанинг Ўзини англаб етолмайдилар. Кришнанинг соф содик хизматкори раҳбарлиги остида Унинг илохий табиатини тушуниб олмаган киши "Бҳагавад-гита"нинг маъносини тушунишга ҳатто уриниб ҳам юрмасин.

*68. Ҷа идам парамам гүхйам мад-бҳактешв абхиҳасиати  
бҳактим майи парам критва мам эвашийати асамишайаҳ*

**Мана шу энг маҳфий сирни Менинг содик хизматкорларимга ошкор этадиган киши албатта Менга соф садоқат билан хизмат қилиш мукофотига эга бўлади ва умрининг охирида Менга эришади.**

Изоҳ: Одатда "Бҳагавад-гита"ни факат Худонинг содик хизматкорлари даврасида муҳокама қилиш тавсия қилинади, чунки Худои Таолога иймон келтирмаган кишилар барибир "Бҳагавад-гита"нинг мазмунини, ягона Парвардигор Кришнани англаб етишга қодир эмаслар. Парвардигор Кришнани аслида қандай бўлса шундайлигича, "Бҳагавад-гита"ни аслида қандай бўлса шундайлигича қабул қилишдан бош тортадиган кишилар худобезорилар тоифасига кириб қолмаслиги учун "Бҳагавад-гита"га изоҳ ёзиб, уни бошқаларга ўз билганича тушунтиришга уринмасликлари керак. Парвардигор Кришнани Худонинг Олий Шахси деб тан олган кишиларгагина "Бҳагавад-гита"ни тушунтириш керак. Бу нодир, муқаддас китоб сафсатабоз-файлсуфлар учун эмас, факат Худонинг содик хизматкорлари учун мўлжалланган. Лекин, "Бҳагавад-гита"нинг маъносини бузмасдан, уни асл ҳолида бошқаларга

506

тушунтиришга самимий интилаётган киши албатта Худои Таолога садоқат билан хизмат қилишда юксалишга эришиб, охир-окибатда Худонинг соф содик хизматкорига айланади. Худои Таолога соф садоқат билан холис хизмат қилиш эса, умрининг охирида уни албатта ўзининг мангубуза, Худонинг даргоҳига олиб боради.

*69. на ча тасман манушайешу каичин ме прийа-криттамаҳ  
бҳавита на ча ме тасмад анйаҳ приятаро бхуви*

**Бу дунёда Мен учун үндан ҳам азизроқ зот йўқ ва ҳеч қачон бўлмайди.**

*70. адхийешийате ча йа имам дхармийам самвадам авайоҳ*

*дэжнана-йаджнена тенахам иштах сийам ити ме матиҳ*

**Менинг фикримча, бизнинг бу мүқаддас сұхбатимизни ўрганган киши чуқур тафаккури билан мұлоҳаза юргизиб, Менға сажда қиласы.**

*71. шраддхаван аласуайаш ча ишинуйад апи йо нараҳ  
со "ни мұктах шуғал локан прануайат пунія-карманам*

**Қатъий ишонч билан, ҳасад қилмасдан бизнинг сұхбатимизга қулоқ солған киши ўзининг барча гунохларидан халос бўлиб, тақводор зотлар яшайдиган саховатли сайёralарга эришади.**

Изоҳ: Олтмиш еттинчи шеърда Парвардиғор "Бҳагавад-гита"ни Худо Шахсига ҳасад қиласидиган одамларга гапириб беришни мутлақо таъкиқлаб қўйган эди. Бошқача қилиб айтганда, "Бҳагавад-гита" - факат Худонинг содик хизматкорлари учун нозил қилинган китобдир. Лекин, баъзан Худонинг содик хизматкори жамоа орасида "Бҳагавад-гита"дан маъруза қилиши мумкин, тингловчилар орасида эса, Худонинг содик хизматкори бўлмаган иймонсизлар ҳам бўлиши мумкин. Нимага у шундай жамоа орасида маъруза қиласи? Мазкур шеърда айтилганки, гарчи ҳаётда ҳамма ҳам Худонинг содик хизматкори бўлишга қодир бўлавермаса ҳам, Кришнага ҳасад қилмайдиган, Ундан нафратланмайдиган одамлар кўп. Улар Шри Кришна - Худонинг Олий Шахси эканига ишонадилар. Худонинг содик хизматкори Кришна ҳақида нималар гапираётганини тинглаб, шундай одамлар ҳам гунохларидан покланади ва умрининг охирида тақводорлар яшайдиган жаннатий сайёralарга эришадилар. Шунинг учун Худонинг соғ содик хизматкори бўлишга интилмаётган киши ҳам, Худонинг содик хизматкоридан "Бҳагавад-гита"ни тинглаш шарофати билан бебаҳо руҳий бойликка эга бўлади. Шундай қилиб, Худонинг содик хизматкори ҳар бир одамга гунохларидан покланиб Худонинг содик хизматкори бўлиши имкониятини беради.

Одатда гунохларидан покланган, тақводор кишилар Кришна онгини осонлик билан қабул қиласидилар. Бу ерда ишлатилган *пунія-карманам* иборасига эътибор бериш керак. Пунія-карманам тоифасига ведаларда кўрсатилган *ашвамедҳа-ягъя* сингари курбонлик маросимлари киради. Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган, тақводор, аммо Худои Таолонинг соғ содик хизматкори бўлмаган кишилар кейинги ҳаётида қутб юлдузига, Ҳхрува Махараж бошқараётган Ҳхрувалока сайёрасига борадилар. Ҳхрува Махараж - Худонинг буюк содик хизматкори, Кутб юлдузи унинг шахсий сайёраси ҳисобланади.

*72. қаччиid этач ҷхрутам партҳа твайаикағренә четаса*

*каччиð аджнана-саммохаð пранаштас те дхананджайа*

**О Партах, эй бойлик эгалловчи зот, Менинг гапларимни диккат билан тингладингми? Қалбингда ғоғиллик ва алданиш натижасида юзага келган гумонлардан халос бўлдингми?**

Изоҳ: Парвардигор Кришна Аржуннинг руҳий устози вазифасини бажаряпти, шунинг учун У шогирдидан "Бҳагавад-гита"ни тӯғри тушунганини билиб олмоқчи бўляпти. Акс ҳолда Парвардигор Кришна унга "Бҳагавад-гита"нинг истаган жойини қайтадан тушунтириб беришга тайёр. "Бҳагавад-гита" таълимотини Кришна ёки Унинг вакили бўлган ҳақиқий руҳий устоз оғзидан тинглаган киши қалбидаги барча ғоғиллик иллатларидан покланганини ўзи сезиши лозим. "Бҳагавад-гита" - қандайдир файласуф ёки шоир ёзиб кетгтан оддий китоб эмас: бу муқаддас китобни Худои Таолонинг шахсан Ўзи нозил килган. Бу насиҳатларни Кришнанинг Ўзидан ёки Унинг ҳақиқий вакилидан эшитган киши албатта озодликка эришади ва ғоғиллик зулматидан халос бўлади.

### *73. арджуна увача*

*нашто мohað смритир лабðха тват-прасадан майачайута  
стхито "сми гата-сандахаð кариишie вачанам тава*

**Аржун шундай деди: Азизим Кришна, эй бегуноҳ Зот, энди менинг барча гумонларим тарқалди, Сенинг марҳаматинг билан хотирам жойига тушди. Барча шубҳалардан халос бўлдим, энди тўлиқ иймон ва қатъият билан Сенинг амрингни бажаришга тайёрман.**

Изоҳ: Аржун сингари, барча тирик мавжудотларнинг вазифаси Худои Таолонинг амрини бажаришдан иборат. Тирик мавжудотлар хизмат қилиш учун яратилган. Шри Чайтания Махапрабху айтган эдик, ўзининг табиатига кўра тирик мавжудот Худои Таолонинг мангу хизматкоридир. Шуни эсидан чиқарган тирик мавжудот моддий табиат ҳукми остига тушиб қолади, аммо Худои Таолога хизмат қилиш унга моддий табиат ҳукми остидан чиқиб, Худои Таолонинг озод хизматкори бўлишига ёрдам беради. Тирик мавжудот хизмат қилиш учун яратилган, шунинг учун у, ёки алдамчи қувват - майяга хизмат қиласи, ёки Худои Таолога хизмат қиласи. Худои Таолога хизмат қилганида у ўзининг табиий холатида бўлади, лекин у Парвардигорнинг ташқи, алдамчи қувватига, майяга хизмат қилишни афзал билса, албатта моддий қувват асирилигига тушиб қолади. Адашган, алданган тирик мавжудотларгина моддий оламда майяга хизмат қиласидилар. Танасининг, нафсининг талаблари билан оёқ-кўли чамбарчас боғланган бўлишига қарамай, алданган тирик мавжудот ўзини "оламнинг ҳукмдори" деб

хисоблайди. Мана шуни “алданиш” деб айтадилар. Озодликка эришган инсон алданиш домидан халос бўлади ва ўз хоҳиши билан Худои Таолонинг амрига бўйсuna бошлайди. Алдамчи кувват, майяниг моддий оламга тушиб қолган тирик мавжудотни, инсонни алдаш учун ишлатадиган охирги, сўнги маккорлиги, қопқони - унга ўзини Худо деб хис қилиш тасаввурини беришдир. Шундай алданиш домига тушиб қолган тирик мавжудот ўзини “шартланган рух” деб эмас, “Худои Таоло”, “Мен Худоман” деб хисоблай бошлайди. Унинг ҳатто ўзига: “Агар мен Худо бўлсан, нимага алданиб юрибман?” - деган саволни беришга ҳам акли етмай қолади. Бундай савол унинг хаёлига ҳам келмайди. Мана шу инсонга моддий табиатнинг, алдамчи моддий кувватнинг тайёрлаб кўйган охирги тузоги хисобланади. Алданиш тузогидан бутунлай халос бўлиш учун Парвардигор Кришнани, Худонинг Олий Шахсини англаб олиш ва Унинг амрини бажаришга рози бўлиш керак.

Мазкур шеърда ишлатилган *моҳа* ибораси мухим аҳамиятга эга. *Моҳа* - “илм” иборасининг антоними хисобланади. Ҳақиқий илмга эга бўлиш - тирик мавжудотнинг Худои Таолонинг мангут хизматкори эканини тушуниб олишидир, аммо, ўзларини хизматкор деб хисоблаш ўрнига, моддий оламда ҳар ким ўзини хўжайн деб билади, чунки моддий табиатга ҳукмронлик қилишни истайди. Бизнинг алданганлигимиз натижаси шундан иборат. Бу алданиш тузогидан факат Кришнанинг ёки Унинг содик хизматкорининг марҳамати билангина қутулиш мумкин. Инсон ана шу алданиш таъсиридан қутулганида, Худои Таоло учун, Парвардигор Кришна учун ҳаракат қилишга рози бўлади.

Кришна онгига бўлиш - Парвардигор Кришнанинг амрини бажариш учун ҳаракат қилиш демақдир. Алдамчи ташқи кувват алдаб кўйган тирик мавжудот, шартланган рух Худои Таоло - барча тирик мавжудотларнинг илмга тўла ҳукмдори ва бутун борликнинг эгаси эканини тушунмайди. У Ўзининг содикларига истаган бойликни ато этиши мумкин; У ҳар бир тирик мавжудотнинг дўсти, лекин Ўзининг содик хизматкорларига У алоҳида мурувват кўрсатади. У моддий табиатнинг ва барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдори. Чексиз замон ҳам, барча бойликлару куч-қудратлар ҳам Унинг ҳукми остида. Худои Таоло Ўзининг содик хизматкорига ҳатто Ўзини ҳам бутунлай топшириб кўйиши мумкин. Уни англаб олмаган киши алданиш домига тушган одамдир; Худои Таолога садоқат билан хизмат қилиш ўрнига у майяга, саробга, ўткинчи нафсига хизмат қилиб юрибди. Аржун Парвардигор Кришна айтиб берган “Бҳагавад-гита”ни тинглаб, алданиш чангалидан бутунлай халос бўлди. Кришна унинг шунчаки яқин дўсти бўлиб қолмасдан, У - Худонинг Олий Шахси эканини тушунди. Аржун Кришна аслида қандай бўлса, Уни шундайлигича англаб етди. Бу илм инсонга тўла ошкор бўлганида, у Кришнага бош эгмай туролмайди. Парвардигор Кришна Ер юзининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетган ахолисини камайтириш ниятида эканини англаб етгандан кейин, Ар-

жун Унинг амрини бажаришга, жангда иштирок этишга рози бўлди. У Худонинг Олий Шахсининг истагини бажо келтириб, жангда иштирок этиш учун яна қўлига қуролини - камон ва пайконларини олди.

#### 74. санджайа увача

*итий аҳам васудевасайа партхасайа ча маҳатманаҳ  
самвадам имам аширауашам адбхутам рома-харшанам*

**Санджая шундай деди: Шундай қилиб, мен икки буюк рух, Шри Кришна билан Аржуннинг сухбатини тингладим. Эшигларим шу қадар ғаройиб-ки, хаяжонланганимдан танамда тукларим ҳурпайиб кетяпти.**

Изоҳ: "Бҳагавад-гита"нинг бошида Дхритараштра котиби Санджаядан: "Курукшетра жанг майдонида нималар бўляпти?" деб сўраган эди. Рухий устози, Вйасанинг марҳамати билан Санджаянинг қалбидан бутун "Бҳагавад-гита"нинг мазмуни, Курукшетрада бўлаётган воқеаҳодисалар аён бўлган эди, шу боис у буларнинг ҳаммасини Дхритараштрага тушунириб бераётган эди. Бу сухбат ҳакиқатан ҳам икки буюк рухнинг энг ғаройиб, мўъжизавий сухбати эди, чунки ундан аввал ҳам, ундан кейин ҳам Ер юзида бундан муҳимроқ оламшумул воқеа бўлган эмас. Бу сухбат шуниси билан ғаройиб эдик, унда бутун олам Парвардигори, Худои Таоло Ўзи ҳакида ва Ўзининг қувватлари ҳакида инсонга - Худонинг содиқ хизматкори бўлган Аржунга бевосита Ўзи гапириб берган эди. Агар биз Аржуннинг изидан бориб, Парвардигор Кришнани англашга ҳаракат қиласак, ҳаётда муваффакият қозониб, энг буюк баҳтга эришамиз. Санҷая буни англаб етган эди, шунинг учун у бу сухбатни Дхритараштрага гапириб берди. Санҷаянинг бу сухбатдан чиқарган хулосаси оддий: қаерда Кришна ва Аржун бўлса - ғалаба ҳам ҳамиша шу ерда бўлади.

#### 75. вйаса-прасада чхрутаван этад гухйам аҳам парам йогам йогешварат крииннат сакиат катхайатаҳ свайам

**Вйасанинг марҳамати билан, барча сехрли кучлар ҳукмдори, Кришнанинг бевосита Ўзи Аржунга айтган бу сирли гапларни мен ҳам тинглаб, англаб олишга муюссар бўлдим.**

Изоҳ: Вйаса Санҷаянинг рухий устози эди, бу ерда Санҷая тан олиб айтияпти, факат Вйасанинг марҳамати билан у Худонинг Олий Шахсини англаб олишга қодир бўлди. Демак, ҳеч ким Парвардигор Кришнага, Худои Таолога ўзи яқинлаша олмайди. Бунга факат ҳақиқий рухий устознинг ёрдами билангина эришиш мумкин. Ҳақиқий рухий устоз Худои Таоло билан шогирд орасидаги шаффоф парда ва-

зифасини бажаради, лекин, бунда шогирд бевосита Худои Таолонинг Ўзи билан мулоқотда бўлгандай бўлади. Устозлар силсиласининг энг нодир сири ҳам шунда. "Бҳагавад-гита"ни Аржун Кришнадан бевосита қандай тинглаган бўлса, ҳақиқий руҳий устоз уни бизга ҳам шундай тинглаб, англаб олишимизга ёрдам беради. Жаҳонда ҳар хил сеҳргар ва жодугарлар кўп, аммо барча сеҳр курдатининг ҳукмдори Кришна ҳисобланади. "Бҳагавад-гита"да ана шу Парвардигор Кришнанинг ҳоҳиш-истаги аниқ-равшан баён этилган: "Ўз ихтиёргни Менга топшир!" Ўз ихтиёрини Кришнага бутунлай топширган киши "комил йог" бўлади, буни олтинчи бобнинг охирги шеъри ҳам тасдиқлайди: *"йогинам ати сарвешам..."*

Нарада Кришнанинг шогирди ва Вийасанинг руҳий устози ҳисобланади. Шунинг учун руҳий устозлар силсиласида турган Вийасанинг мартабаси Аржуннинг мартабасидан кам эмас, Санджая эса, Вийасанинг бевосита шогирди. Шундай килиб, Вийасанинг марҳамати билан Санджая хиссиётини поклаб, Кришнани яққол кўриш ва Унинг гапларини бевосита тинглаш имконига эга бўлди. Парвардигор Кришнанинг Ўзини бевосита тинглаган киши бу нодир илм сирини англаб олишга қодир бўлади. Лекин, фақат шогирдлар силсиласида турган кишигина Кришнани бевосита тинглаш имкониятига эга бўлди. Шунинг учун, инсоннинг "Бҳагавад-гита"нинг мазмунини англаб етиши учун, шогирдлар силсиласида турмаган одамдан олган ҳар қандай илми мукаммал бўлмаганича қолаверади. Ундан одамнинг "Бҳагавад-гита" ҳақида бирор фикр билдиришга ҳаққи йўқ.

"Бҳагавад-гита"да барча йога тизимлари таърифланган: кармайога, гайана-йога ва бҳакти-йога. Уларнинг барчаси ҳам Кришнанинг ҳукми остида. Лекин, шуни англаб олиш лозимки, Аржун Кришнани бевосита англаб олиш баҳтига мұяссар бўлган бўлса, Санджая ҳам Вийасанинг марҳамати билан Парвардигор Кришнанинг гапларини худди шундай тинглаб, англаб олишга мұяссар бўлди. Аслини олганда, Парвардигор Кришнанинг насиҳатларини Вийаса сингари ҳақиқий руҳий устоз оғзидан тинглаш - уларни Парвардигор Кришнанинг Ўзидан эшлиши билан баробар. Ҳақиқий руҳий устоз Вийасанинг вакили ҳисобланади. Шунинг учун ведавий урф-одатларга кўра, руҳий устознинг туғилган кунида "Вийаса-пуджа" деб аталадиган тантана ўтказилади.

*76. раджсан самсритїа самсмритїа самвадам имам адбхутам  
кешаварджунайоҳ пуніам хришијами ча муҳур муҳуҳ*

Эй шоҳ, мен Кришна билан Аржуннинг бу ғаройиб, муқаддас сухбатини такрор-такрор эслайман, ҳар гал бундан чексиз лаззат оламан.

Изоҳ: "Бҳагавад-гита"да баён этилган илм шу қадар улуғворки, Кришна билан Аржуннинг нималар ҳақида сұхбатлашганини англаб етган хар бир одам тақводор, вижданли одамлар қаторига кириб, ҳеч қачон бу сұхбатнинг мазмунини эсидан чиқармайди. Рухий ҳаётнинг илоҳий табиати ана шундай. Бошқача қилиб айтганда, "Бҳагавад-гита"ни Парвардигор Кришнанинг Ўзидан эшигтган киши Кришна он-гида рухий камолотга эришади. Натижада у рухий, илоҳий илмга эга бўлиб, ҳаётининг хар бир дақиқасини тенгсиз рухий лаззатда ўтказа бошлайди.

*77. тач ча самсмрития самсмрития рупам атй-адбхутам хареҳ  
висмайо ме маҳан раҷсан ҳришийами ча пунаҳ пунаҳ*

**Эй шоҳ, ҳар гал, ҳаёлимда Парвардигор Кришнанинг ўша гаройиб  
киёфаси намоён бўлганда, бу мўъжизадан ҳайратга тушаман ва  
кувончдан яйраб кетаман.**

Изоҳ: Мазкур шеърдан маълум бўладики, Вийасанинг марҳамати билан Санджая Парвардигор Кришна Аржунга намоён этган фазовий киёфасини кўришга мусассар бўлди. Маълумки, Парвардигор Кришна аввал ҳеч қачон, ҳеч кимнинг олдида Ўзини бу киёфада намоён этмаган эди. У факат Аржунга Ўзини шу киёфада намоён қилганди, лекин барибир баъзи буюк содиклар ҳам Унинг шу киёфасини кўришга муваффақ бўлганлар. Ана шундай содиклардан бири Вийаса эди, уни Парвардигор Кришнанинг намоён бўлган кудратли киёфаларидан бири деб хисоблайдилар. Вийаса бу мўъжизавий киёфани шогирди Санджаяга ҳам кўрсатган. Санджая ҳар гал Парвардигорнинг шу киёфасини эслаб, чексиз лаззат оляпти.

*78. йатра йогешивараҳ кришино йатра партҳо ҳанур-ҳараҳ  
татра ширир виджайо бхутири ҳрувура нитир матир мама*

**Барча йог ва сехргарларнинг ҳукмдори Кришна, тенгсиз камонбоз  
Аржун қаерда бўлса, бутун мўл-қўлчилик, ғалаба, куч ва адолат  
ҳам ҳамиша шу ерда бўлади. Менинг фикрим шундай.**

Изоҳ: "Бҳагавад-гита" Ҳритараштранинг саволидан бошланган эди. У бўлажак жангда, Бхишма, Драна ва Карна сингари буюк жанг-чилар қўллаб-қувватлаётган ўғли ғалаба қозонишига умид қиласади. Аммо, шоҳга Курукшетрада рўй бераётган ҳодисалар тафсилотини гапириб, Санджая шундай дейди: "Сен жангда ғалаба қозонишга умид боғлаяпсан, лекин мен Кришна билан Аржун қаерда бўлса, ғалаба ҳам шу ерда бўлади, деб ўйлайман". У очиқдан-очиқ айтяптики, Ҳритараштранинг ўғиллари бу жангда ғалаба қиласади, деб умид қилишига

ҳеч қандай асос йўқ. Ғалаба Аржун тарафда бўлади, чунки унинг ёнида Кришна бор. Аржуннинг жиловдори бўлишга розилик бериб, Парвардигор Кришна Узининг яна бир комил фазилатини намоён этди. Кришна барча комил сифатлар, фазилатлар эгаси. Шу фазилатлардан бири - боғланмаслиқдир. У ўзининг шу фазилатини бир неча бор на-мойиш этди, чунки жаҳонда бунга Ундан қодирроқ зот йўқ.

Курукшетрадаги жанг Дурйодхана билан Юдхиштхира ўртасида бўлиб ўтди. Аржун акаси Юдхиштхира тарафда туриб жанг килди. Кришна билан Аржун Юдхиштхира тарафда туриб жанг қилгани сабабли, унинг бу жангда ғалабага эришиши муқаррар эди. Жангнинг натижаси оламга ким ҳукмронлик қилишини белгилаши лозим эди, Санджая башорат қилиб айтяптики, ҳукмронлик Юдхиштхиранинг кўлига ўтади. У яна башорат қилиб айтяптики, жангда ғалаба қозониб, Юдхиштхира давлатни гуллаб-яшнашга, фаровонликка олиб келади, чунки Юдхиштхира такводор ва эзгу ниятли шоҳ бўлиш билан бирга энг юксак одоб-ахлоқ қоидаларига амал қиласидиган, буюк инсоний фазилатларга эга бўлган зот эди. Бутун умри давомида у бирор марта ёлғон гапирган эмас.

Баъзи бир ғоғил одамлар "Бҳагавад-гита"ни жанг майдонидаги икки дўстнинг оддий суҳбати деб биладилар. Лекин ундан асар "муқаддас китоб" бўлолмайди. Баъзи одамларга Кришнанинг Аржунни жангда иштирок этишга мажбур қилгани ёқмайди, уларнинг фикрича, бу одоб-ахлоқ конунларига тўғри келмайди. Лекин бу ерда аниқ айтилганки, "Бҳагавад-гита" - энг буюк ахлоқ-одоб қоидалари мажмуудир. Барча одоб-ахлоқ қоидаларининг энг буюги тўққизинчи бобнинг ўттиз тўртинчи шеърида айтилган: *ман-мана бҳава мад-бҳактаҳ*. Инсон Парвардигор Кришнанинг содиқ хизматкори бўлиши лозим. Ва ҳақиқий динга амал қилишнинг олий мақсади - Парвардигор Кришнага ўз ихтиёрини топширишдан иборат(*сарав-дҳарман паритяджайа мам экам шаранам враджса*). "Бҳагавад-гита"да берилган насиҳатлар ҳақиқий дин ва ахлоқ-одобга оид энг олий қоидаларнинг мағзи хисобланади. Руҳий юксалишнинг бошқа барча усуслари бизнинг он-гимизни поклашда, руҳий юксалишда юқорироқ погонага кўтарилишда ёрдам бериши мумкин, аммо "Бҳагавад-гита"нинг кўрсатмаси - барча дин ва ахлоқ қонун-коидаларининг якуний хуласа-сидир: ўз ихтиёрикни Худога, Кришнага топшири. Ўн саккизинчи бобнинг мазмуни шундан иборат.

"Бҳагавад-гита"дан билиб оламизки, фалсафий изланишларр ёки сехрли йога билан шуғулланиб, инсон руҳий ўзлигини англаб олиши мумкин, лекин, ўз ихтиёрини бутунлай Кришнага топширган кишигина руҳий баркамолликнинг энг юқори погонасига кўтарилиган бўлади. "Бҳагавад-гита" таълимотининг мазмуни шундан иборат. Ҳар хил диний маросимларни ўтказиш ва варнашрама жамият тизимидағи ўз бурчини бажариш - Ҳақиқатни англашнинг сирли йўли хисобланади.

Дхарма, диний қонун-коидаларга амал қилиш йўлидан ҳам маҳфийроқ, сирлироқ йўл - муроқаба ва ҳақиқатни фалсафий излаш йўли ҳисобланади. Лекин, руҳий юксалиш йўлининг энг маҳфий сири - Кришнанинг Аржунга берган насиҳатидир: Унга хизмат қилиб, ҳамиша Уни эслаб, ўз ихтиёрини бутунлай Кришнага топшириш. Ўн саккизинчи бобнинг мазмуни шундан иборат.

512

"Бҳагавад-гита" яна шуни эълон қилиб айтадики, энг олий ҳақиқат - Худонинг Олий Шахси, Шри Кришна. Мутлақ Ҳақиқатни уч кўринишда англаб етадилар: шахсиятсиз Брахман, ҳар бир тирик мавжудот қалбидан мавжуд бўлган Параматма ва Худонинг Олий Шахси, Кришна. Кришнани тўла англаб етган киши Мутлақ Ҳақиқатни тўла тушуниб етади. Кришна ҳакидаги илм ўз ичига илмнинг бошқа барча турларини ҳам олади. Кришна бу оламга нисбатан илохий, трансцендент ҳолатда, чунки У ҳамиша Ўзининг мангу ички қувватида бўлади. Унинг қувватидан чикқан тирик мавжудотлар икки тоифага бўлинади: мангу озод ва мангу шартланган. Улар сон-саноқсиз, уларнинг барчаси Кришнанинг ажралмас руҳий зарралариридир. Моддий қувват йигирма тўрт бошлангич унсурдан таркиб топган. Мангу вақт таъсири билан Худои Таолонинг ташқи қуввати бутун борлиқни яратиб, яна яксон қилиб турди. Моддий олам гоҳида намоён бўлади, гоҳида мавҳум, намоён бўлмаган ҳолатга ўтади.

"Бҳагавад-гита"да асосан беш мавзу муҳокама қилинди: Худонинг Олий Шахси, моддий табиат, тирик мавжудотлар, мангу вақт ва фаолиятнинг ҳар хил турлари. Бутун борлиқнинг асоси ва манбаи Худонинг Олий Шахси, Кришна. Худонинг Олий Шахсини англаб етган киши Мутлақ Ҳақиқатнинг қолган бошқа аспектларини - шахсиятсиз Брахмани, ҳар бир тирик мавжудот қалбидаги Параматми, Худои Таолонинг бошқа ҳар қандай илохий аспектини ҳам англай олади. Гарчи бир қараганда, Худонинг Олий Шахси, тирик мавжудот, моддий табиат ва мангу вақт бир-биридан фарқ қиласигандай бўлиб туюлса ҳам, бутун борлик, уларнинг ҳаммаси аслида Худои Таоло билан бир. Лекин Худои Таолонинг Ўзи, ҳамиша уларнинг барчасидан фарқ қиласи. Мутлақ Ҳақиқатни англашнинг энг олий поғонаси бўлган мана шу фалсафани, "бир вақтнинг ўзида бир бўлиш ва бир-биридан фарқ қилиш", *"ачинтия-бҳеда-бҳеда таттва"* фалсафасини бизга Худованд Чайтанийа бериб кетган.

Табиатига кўра тирик мавжудот пок руҳдан иборат. У - Олий Руҳнинг чексиз кичик заррачаси. Шунинг учун Парвардигор Кришна ни қуёшга ўҳшатадилар, тирик мавжудотларни эса - қуёш нурига. Кришнанинг оралиқ қуввати бўлган ҳолда, тирик мавжудотлар ёки моддий қувватнинг, ёки руҳий қувватнинг таъсири остида бўлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, тирик мавжудот Парвардигорнинг икки қуввати орасидаги чегарадаги ҳолатда, лекин, у Парвардигорнинг

олий, руҳий қуввати бўлгани учун, маълум даражада мустакилликка эга. Ўз мустакиллигидан тўғри фойдаланиб, тирик мавжудот бевосита Худои Таолонинг, Кришнанинг раҳбарлиги остида ҳаракат қилишга рози бўлади. Шу тарзда у мангур, туганмас лаззат келтирадиган қувват доирасига ўтиб, ўзининг табиий холатига эришади.

*"Асл ҳолидаги Бҳагавад-гита"га Бҳактиведанта Свами  
Прабхупаданинг изоҳлари шундай якунланади*

## Мундарижа

Муқаддима.

Сўзбоши.

Кириш.

Устозлар силсиласи

1-боб. Курукшетрадаги қўшинлар таърифи

2-боб. "Бҳагавад-гита"нинг қисқача мазмуни.

3-боб. Карма йога.

4-боб. Илохий илм.

5-боб. Карма-йога - Кришна онгидаги фаолият.

6-боб. Дхайана-йога.

7-боб. Мутлак Ҳақиқат илми.

8-боб. Худонинг даргоҳига эришиш.

9-боб. Энг нодир илм.

10-боб. Мутлак Ҳақиқатнинг ғаройиблиги.

11-боб. Парвардигорнинг фазовий қиёфаси.

12-боб. Худога садоқат билан хизмат қилиш

13-боб. Табиат, лаззатланувчи ва онг

14-боб. Моддий табиатнинг уч гунаси

15-боб. Пурушоттама-йога, Олий Шахс йогаси

16-боб. Илохларга ва иблисларга хос фазилатлар

17-боб. Эътиқод турлари

18-боб. Мукаммал таркидунёлик